

1-2

КИСМ

Лев Толстой

УРУШ ВА ТИНЧЛИК

ЖАХОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

УРУШ

ВА

ТИНЧЛИК

(роман: 1-2-китоблар)


“КАМАЛАК”

Тошкент – 2019

УҮК: 821.161.1-31
КБК: 84. (2Рус)
Т-64

Лев Толстой. «Уруш ва тинчлик» / роман / 1-2-китоблар /
русчадан Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова таржимаси/
«Жаҳон адабиёти дурданалари» туркуми –
Т.: “Камалак” нашриёти, 2019. – 864 б.

Нашрга тайёрловчи, кўшимча иқтибос ва изоҳларни киритувчи:
Эргашбай Матъякубов.



УҮК: 821.161.1-31
КБК: 84. (2Рус)

ISBN: 978-9943-5367-7-7

© Лев Толстой.
© “Камалак” нашриёти. 2019 йил.

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

– Хўш, князъ¹, Генуя билан Лукка а хонадонининг мулки бўлиб қолди-ку. Йўқ, мен сизга ҳозирдан айтиб қўйаки, агар сиз ҳозир урушаётибмиз, демайдиган бўлсангиз, агар сиз ўша худодан қайтганнинг (унинг худодан қайтганлигига аминман) ҳамма ифлосликларини, бутун бадкорликларини ёклайдиган бўлсангиз, мен сиздан юз ўтираман, сизни дўстим, демайман. Минбаъд содик қулингизман, демай кўя колинг. Салом, салом. Кўриб турибман, сизни чўчитиб юборяпман. Ўтириng, қани, гапириng.

Малика Марья Фёдоровнанинг яқини бўлмиш маълум ва машхур фрейлина² Анна Павловна Шерер 1805-йилнинг июль ойида ўзининг меҳмондорчилигига энг аввал келган кибр-у ҳаволи ва катта амалдорлардан князъ Василийни ана шу сўзлар билан қарши олди. Анна Павловна бир неча кундан бери йўталар, ўзининг айтишича, грипп билан оғрир эди (грипп сўзи у вақтларда янги чиккан бўлиб, уни баъзи одам-

¹ Князъ (немисча: кишиng – кабила, уруг оксоколи) – феодал-князлик давридаги Русда аскар бошлиғи ва вилоят ҳокими; 2) Чор Россиясида мерос тариқасида ёки чор ҳукумати олдидаги хизматлари учун берилган фахрий унвон ҳамда шу унвонга эга бўлган шахс.

² Фрейлина (немисча) – 1) немис тилида гаплашувчи ҳалкларда вояга етган, аммо турмушга чикмаган кизларга шундай мурожаат килинади; 2) Россияда император Пётрдан кейинги даврда сарой хонимларининг кичик унвони.



ларгина ишлатар эди). Анна Павловна эрталаб махсус лакей¹ орқали тарқаттирган мактубда ҳаммага бир хилда бундай деб ёзган эди:

«Граф², агар бошқа ниятингиз бўлмаса, агар кечки дамларни биздай бечора беморнинг ёнида ўтказиш сизга жуда малол келмаса, бутун кеч соат еттидан ўнгача бизникига келсангиз, бениҳоя курсанд бўлар эдим, Анна Шерер»

Сарой аъёнларига хос зарбоф мундир³, пайпок ва бошмок кийган, нишонлар таққан, кувноқ чехрали князь мезбоннинг бу хилда қарши олишидан ҳеч қанча хижолат тортмасдан:

– Ё тавба, мунча ҳам ғазаб қилмасангиз, – деб жавоб берди.

Князь ота-боболаримиз гапирган, наинки гапирган, балки фикр қилган француз тилида, киборлар доирасида ва саройда қариган обрўли кишиларга хос химояткорона бир тарзда, секин чертиб-чертисиб сўзлар эди. У Анна Павловнанинг олдига келди, атири ҳиди буркиб турган ялтироқ тепакал бошини энгаштириб, унинг қўлинини ўпди-да, оҳистагина диванга ўтириди.

– Ё тавба, мунча ҳам ғазаб қилмасангиз!? Мени хотиржам қилинг, – деди князь овозини ўзгартирмасдан, аммо унинг одоб ва меҳрибонлик учун айтган сўзларида бепарвонлик ва ҳаттоқи истеҳзо оҳанги борлиги билиниб туар эди.

– Рухан азоб чекаётган кишида... саломатлик қаёқда дейсиз? Идроки бор одам бу замонда тинч тира оладими? – деди Анна Павловна. – Оқшомни шу ерда ўтказарсиз, деб умид қилсак бўладими, князь?

– Хўш, инглиз элчиси чақирган сайил нима бўлади энди? Бугун чоршанба экан. Мен у ерда бир кўриниш беришим керак, – деди князь. – Қизим келиб мени олиб кетмоқчи бўлди.

¹ Лакей – малай, хизматкор.

² Граф (немисча) – Фарбий Европада ва чор Россиясида олий табакали дворянларининг княздан кўйи, барондан юкори унвони ва шундай унвонли шахс.

³ Мундир (французча) – аслала-анжом кийинган, гўзал; кийим, либос. Ҳарбий ёки расмий форм; устки кийим.

– Мен бу сайил қолдирилган деб ўйлаган эдим. Ростини айтсам, шунаңғи сайиллар-у мушакбозликлар жонга тегиб боряпти.

– Сизнинг хоҳишингиз бундоқ эканлигини билганида сайилни қолдиришар эди, деди князь одатича, худди ёд олган нарсасини тақрорлагандай ва бунга бирони ишонтиrmокчи ҳам эмаслиги кўриниб турар эди.

Мени қийнаманг. Хўш, Новосильцовнинг мактуби ҳакида нима қарорга келишди? Сиз ҳамма воеадан хабардорсиз.

– Нима десам экан? – деди князь бепарво, зериккан оҳангда. – Нима қарорга келишар эди? Бонапарт¹ ўз кемаларига ўт кўйибди, биз ҳам ўз кемаларимизга ўт кўйишга тайёрга ўхшаб қолдик, деган қарорга келишди.

Князь Василий эскириб кетган пъесадаги актёр сингари ҳамма вакт эринчоқлик билан галирар эди. Анна Павловна Шерер эса аксинча, кирк ёшга кириб колганига қарамай, серзавк ва серхаракат эди.

Серзавклик Анна Павловнанинг жамоат ичидаги тутган мавқеи бўлиб, у гоҳо ҳатто серзавқ бўлгиси келмаган чоғларида ҳам таниш-билишларини ноумид қиласлик учун ўзини шундай тутишга ҳаракат килар эди. Чехрасидаги ҳамиша ўйнаб турадиган ёрқин табассум унинг сўлиброк қолган юзига унчалик ярашмаса ҳам, эркатой бола сингари ўзининг ёқимли камчилигини доим билиб турганини, бу камчилиқдан кутулишни хоҳламагани, кутула олмагани ва кутулишни лозим кўрмаганини ифода этиб турар эди.

Сўз орасида гап сиёсий ҳаракатлар тўғрисида борганда Анна Павловна кизишиб кетди.

– Кўйинг, кўйинг, Австрия тўғрисида менга гапирманг! Эҳтимол, мен тушунмасман, лекин Австрия ҳеч қачон урушни хоҳлаган эмас, хоҳламайди ҳам. Австрия бизга хиёнат қиласди. Россия якка ўзи Европанинг халоскори бўлиши керак. Пушти паноҳимиз ўзининг юксак бурчини


¹ Наполеон Бонапарт (1769-1821) – француз давлат арбоби ва саркардаси, Франция Республикасининг биринчи консули (1799-1804), Франция императори (1804-1814 ва 1815-йил (100 кун)).

яхши билади ва ўз бурчига содик бўлиб қолади. Мен фақат мана шунгагина ишонаман. Бизнинг валламат ва олижаноб шаҳаншохимиз дунёда буюк роль йўйнашлари керак бўлиб қолди. У киши шундок олихиммат ва олижанобки, худо марҳаматини у кишидан дариг тутмайди ва у киши ўз бурчларини адо этиб, ҳозир қотил ва ёвуз Бонапарт бўлиб бош кўтарган инқилоб аждарини мажақлаб ташлайдилар. Шахидлар кони учун биз ёлғиз ўзимиз қасос олишимиз керак. Қани, ўзингиз айтинг, биз кимга умид bogлашимиз мумкин ахир?.. Савдогартабиат Англия эса император Александринг¹ олижаноб қалбини англамайди ва англай олмайди ҳам. Англия Мальта оролини бўшатиб беришдан бош тортид, у бизнинг ҳаракатларимиз замираидан бир нарса бор деб бадгумон бўлиб турибди. Улар Новосильцовга нима дейишяпти? Ҳеч нарса. Ўз манфаатидан буткул воз кечиб, тинчлик йўлида ҳеч нарсани аямайдиган императоримизнинг фидокорлигини улар тушунмади, тушуна олмайди ҳам. Инглизлар нима ваъда қилишяпти? Ҳеч нарса. Улар ўша килган ваъдасига ҳам вафо килмайди. Пруссия² аллақачон Бонапарте енгилмас, унга қарши Европанинг кўлидан ҳеч нарса келмайди, деб эълон қилди... Мен на Гарденбергнинг ва на Гаутвицнинг биронта сўзига ишонаман. Пруссиянинг бундай машъум бетарафлиги фақат бир тузоқ, холос. Мен фақат тангрига ва марҳаматли императоримизнинг толеига ишонаман, холос. Императоримиз Европани кутказажак... деди-да, Анна Павловна бунчалик қизишиб кеттанига ўзининг ҳам кулгиси кистаб бирдан тўхтаб қолди.

– Менимча, деди князь кулимсираб, кўнгилчан Винценгеродемизнинг ўрнига сизни юборишганда, сиз бир ҳамла билан Пруссия киролининг розилигини олар эдингиз. Сиз сўзга нихоят чечансиз. Чой ичамизми?

¹ Александр I (1777-1825) – 1801-1825-йилларда Россия императори.

² Пруссия (1535-1947) – давлат, сўнгра Германиядаги ер (федератив маъмурий бирлик). Пруссия герцоглиги Тевтон ордени томонидан 1525-йили босиб олинган прус ерларининг бир кисмida вужудга келган. 1947-йили Германиядаги Контроль кенгаш Пруссия давлатини милитаризм ва реакциянинг бешиги сифатида йўқ килинганлиги хакида конун кабул килган.



– Ҳозир. Ҳа, айтгандай, – кўшимча қилди Анна Павловна яна ўзини босиб олиб, – бугун меникига иккита антика одам келади, айтгандай, виконт¹ Мортемар Роганов томонидан Монморансига қариндош бўлади. Франциянинг энг яхши аслзодаларидан, энг яхши муҳожирларидан бўлади. Ундан сўнг, аббат² Морио, сиз бу доно одамни танийсизми? Шаҳаншохимиз уни қабул килганлар. Хабарингиз борми?

– Шундай денг. Танишсам, жуда хурсанд бўлар эдим, деди князъ. Менга қаранг, – деб кўшимча қилди у худди аҳамиятсиз бир нарса эсига тушиб колгандай, ҳолбуки бу ерга келишидан асосий мақсад ҳам шуни сўраш эди. – Бева малика барон³ Функенинг Венага бош котиб килиниб тайинланишини хоҳлар эмишлар, тўғрими? Бу барон, назаримда, ярамас бир маҳлук. Малика Марья Фёдоровна орқали баронга олиб берилмоқчи бўлган бу мансабга князъ Василий ўз ўғлини кўймоқ ниятида эди.

Анна Павловна маликанинг хоҳиши, нимани ёқтириш-ёқтирмаслиги тўғрисида на ўзи, на бошқа бирор нима дейиши мумкин эмаслигига ишора килиб, кўзларини юмарюммас ва койигансимон расмийроқ бир тарзда: – Барон Функени маликага ўз сингиллари тавсия килибди, – деб кўйди. У ўзининг олиймаком пушти паноҳи бўлмиш малика Марья Фёдоровнанинг номини тилга олганида, ҳамма вақтдагидай яна юзида тўсатдан маъюслик аломати аралаш зўр, самимий садоқат ҳамда эҳтиром ифодаси намоён бўлди. У, маликанинг барон Функега катта эътибор берганини айтдида, кўзларида яна маъюслик акс этди.

Князъ лоқайдлик билан жим қолди. Князъ маликага тавсия килинган бир зот хакида шундай ножӯя гап гапиргани учун Анна Павловна ўзига хос эпчиллик ва абжирлик

¹ **Виконт** (французча: *vicomte* – тарбиячининг ўринбосари) – Гарбий Европа мамлакатларидаги дворянларининг граф билан барон оралиғидаги унвони.

² **Аббат** (латинча: *abbas*; оромий тилида або – ота) – 1) католик монастирн – аббатлиг бошлиғи. 2) Француз католик рухонийси унвони.

³ **Барон** (французча: *baron* ёки латинча: *baronis* – анков, лапашанг; ёлланма аскар) – Гарбий Европада ўрта асрларда киролнинг бевосита вассали; кирол кенгаси аъзоси. Кейинчалик Гарбий Европа зодагонлари, дворянларининг графдан бир поғона паст унвони ва шундай унвон олган киши.

кўрсатиб, сарой аъёнларига ва аёлларга муносиб одоб билан унга таъзим бермоқчи ва шу билан бирга уни овутмоқчи бўлди.

– Айтгандай, сизнинг болаларингиз ҳақида, – деди Анна Павловна, – биласизми, кизингиз киборлар доирасига катнайдиган бўлгандан бери сухбатларнинг гули бўлиб қолди. Унинг ҳусни латофатига ҳамма қойил коляпти.

Князь ҳурмат ва миннатдорлик билдириб таъзим қилди.

Анна Павловна бир дақиқа қолгандан кейин:

– Мен, кўпинча, шуни ўйлайманки, деди князга яқинрок келиб, гўёки сиёsat ҳамда киборлар тўғрисидаги гаплар тамом бўлди, энди ўз гапимиздан гаплашайлик, дегандай мулоийм табассум қилиб. Кўпинча, шуни ўйлайманки, дунёда баҳт деган нарса баъзан жудаadolatsizlik билан тақсим килинар экан. Худойи таоло шундай икки сўлим болани (мен кичик ўғлингиз Анатолни хисоб қилмайман, чунки уни ёқтирамайман, деди у эътиrozга ўрин-йўқ деган мазмунда қошлини чимириб), шундай икки суксурни нега сизга берди экан? Сиз буларнинг қадрига етмайсиз, шунинг учун буларга ота бўлишга лойик эмассиз.

Анна Павловна шу гапни айтиб ўзига хос кувноқ табассум қилди.

– Қандоқ қиласай? Лафатер эса менда оталик меҳри йўқлигини айтарди, – деди князь.

– Ҳазилингизни кўйинг. Бу тўғрида мен сиз билан жиддий гаплашмоқчи эдим. Биласизми, менга кичик ўғлингиз ёқмайди. Бу гап орамизда қолсин-ку, (унинг юзи маъюс бир тусга кирди), малика ҳузурларида ўғлингиз ҳақида гап очилиб, сизга ачинишди...

Князь жавоб қайтармасди, лекин Анна Павловна княз-нинг юзига тикилиб жавоб кутар эди. Князь Василий афтини буриштириди.

– Қандоқ қиласай энди? – деди князь ниҳоят. – Биласизми, мен буларнинг тарбияси учун бир отанинг кўлидан келадиган ҳамма нарсани қилдим, лекин иккови ҳам бемаъни чиқишиди. Ипполит аҳмоқнинг ювоши-ю, лекин Анатоль жуда шўхи. Икковининг орасидаги фарқ шу, холос, – деди

князь ҳаяжон билан сохта табассум қилиб. Бу табассумдан лабининг бурчидаги ҳосил бўлган ажинида нечундир кутилмаган дагал, ёқимсиз бир ифода кўринар эди.

– Сиздай одамлар фарзанд кўрмаса, нима бўларкан-а?
Ота бўлмаганингизда мен сиздан ҳеч айб тополмас эдим,
деди Анна Павловна унга йўчан бокиб.

– Мен сизнинг содик кулингизман, Мен факат сизга ростини айта оламан.. Болаларим – менга ошикча юк, холос. Бу менга бир кўргилик. Мен шундай деб ўйлайман. Қандок қиласай? Князь шафқатсиз тақдирга тан берганлигига ишора килиб жим қолди.

Анна Павловна ўйга толди.

– Бебош ўғлингиз Анатолни уйлантириш тўғрисида ҳеч қачон ўйлаган эмассиз. Қари кизлар бирорни уйлантириб қўйишга ўч бўлади дейишади. Менинг бунақа феълим йўқ, лекин менга таниш бир қиз бор. Бу қиз шўрлик отасини деб ёшлигини ўтказиб юборяпти. Ўзи бизга қариндош, княжна¹ – Болконская бўлади.

Князь Василий гарчи киборларга хос зийраклик кўрсашиб, бош ишораси билан бу тўғрида ўйлаб кўрмоқчи эканини билдириш ҳам, Анна Павловнанинг сўзига жавоб қайтармади. У кўнглидаги гашликка бардош кила олмаганидан бўлса керак:

– Йўқ, биласизми, мен Анатолга ҳар йили кирқ минг сўм сарф қиласман, – деди-да, бироз жим қолди. – Ахволи шу бўлса, беш йилдан кейин нима бўлади? Ота бўлишнинг фойдаси шу экан-да? Княжнангиз бой қизми?

– Отаси жуда бой-у, лекин хасис одам. Қишлоқда туради. Мархум император замонида истеъло бериб, «Пруссия кироли» деб лақаб олган машхур князь Болконский-чи? Ўзи жуда ақли, лекин табиати галати, бадфөйл одам. Қиз бечоранинг кўрган куни қурсин.

Кутузовнинг² Лиза Мейненга яқиндагина уйланган

¹ Княжна – князнинг қизи.

² Михаил Илларионович Кутузов (1745-1813) – генерал-фельдмаршал, рус саркардаси. А. В. Суворовнинг шогирди. Наполеон армиясига карши мохирона

адъютанти¹ ўша кизнинг акаси бўлади. Бугун бизникига у ҳам келади.

– Менга қаранг, азизим, Анетта, – деди князь бирдан унинг кўлини ушлаб ва негадир пастга эгиб, – шу ишни тўғриланг, мен умрбод сизнинг қулингиз бўлай. Оқсоқол менга ёзишича, киз бой ва насл-насаби жойида экан. Айни муддао.

Князь Анна Павловнага айрим меҳр ва якинлик ифодаси бўлган эркин ҳаракат билан унинг кўлини ушлади, ўпди, ўйнатди-да, креслонинг орқасига суюниб, бошка томонга каради.

Анна Павловна ўйлаб туриб:

– Шошманг, – деди. Мен шу бугунок Лиза (Болконский хотини) билан гаплашиб кўрай. Зора шу иш битиб кетса. Мен сизнинг оила ишларингизга аралашиб, кари кизларнинг касбини ўрганиб оламан.

II

Анна Павловнанинг меҳмонхонаси аста-секин меҳмонга тўла бошлади. Петербургнинг олиймаком зодагонлари, ёш ва хулк жиҳатидан жуда хар хил бўлса ҳам, ўзлари мансуб бўлган жамият нуктаи назаридан қараганда, бир хил бўлган кишилар келишди. Отасини инглиз элчиси чакирган сайилга олиб кетиш учун князь Василийнинг қизи гўзал Элен ҳам келди. У бал кийимида бўлиб, шифр² таққан эди. Петербургдаги энг дилбар аёллардан ҳисобланган, маълум ва машҳур, ўтган киш зрга тегиб, ҳозир ҳомиладорлиги важхидан киборларнинг катта сұхбатларига қатнамай, фатгини кичик сұхбатларда иштирок киласиган кичкина, ёш княгиня³ Болконская ҳам келди. Князь Василийнинг ўғли князь Ипполит ўзи билан бирга Мортемарни бошлаб келган экан, уни мажлис аҳлига таништириди. Аббат Морис ва бош-

жанг килган. Француз кўшинларига бир канча жангларда жиддий зарбалар берган, натижада Наполеон колган-куттан кўшини билан Россияни тарк этишга мажбур бўлган.

¹ Адъютант (латинча: adjutans – ёрдам берувчи) – 1) бошлиқ (командир, кўмондон) хузурида турили топширикларни бажарувчи ҳарбий хизматчи (зобит).

² Шифр (французча) – исм ва фамилиянинг бош ҳарфларидан тузилган вензель.

³ Княгиня – князнинг хотини.

ка кўп кишилар ҳам келишди. Анна Павловна ҳар бир кириб келган меҳмонга:

– Сиз ҳали холамни кўрмаган бўлсангиз керак ёки холам билан ҳали таниш бўлмасангиз керак, – дер ва уни нариги уйдан чикиб келган, узун тасма таккан пачақцина бир кампирнинг олдига жиддий қиёфада бошлаб борар, аввал меҳмонга, сўнгра кампирга қараб меҳмоннинг номини айтар, кейин нари кетар эди.

Меҳмонлар ҳеч ким билмаган, ҳеч ким қизиқмаган ва ҳеч кимга даркор бўлмаган бу кампирга тантанали равища таъзим килишар эди. Анна Павловна эса маъюсона қиёфада меҳмонларнинг таъзимини тантана билан кузатар, сўз котмасдан маъқуллар эди. Кампир эса ҳар бир сўраган одамнинг саломатлиги, ўзининг соғлиги ва ҳозир, худога шукур, хийла соғайиб қолган маликанинг сиҳати ҳақида ҳаммага бир хилда гапирар эди. Унинг олдига келган киши одоб юзасидан шошилмасдан, таъзим қилиб, елкасидан оғир юк тушгандай енгил тортиб нари кетар ва шу билан бу окшом унга қайтиб рўпара бўлишдан кутулар эди.

Ёш княгиня Болконская зарҳалли баркут¹ ишпечини² олиб келган эди. Унинг чиройли, хиёл қора тук босган ихчам устки лаби тишларини ёпмас, шундок бўлса ҳам, жуда нафис кўтарила ва чўзилиб пастки лабига текканда яна ҳам чиройлироқ кўринар эди. Ҳамма жозибали аёллардек, унинг нуқсони устки лабининг ихчамлиги ва оғзининг очилиброк туриши ўзига ярашар, хуснига ҳусн кўшгандай кўринар эди. Соғлом ва тетик, ҳомилани бу кадар енгил кўтариб юрган бу бўлажак онага қараганда ҳамманинг завки келар эди. Чоллар ва зерикиб дикқат бўлиб ўтирган ёшлар у билан бирпасгина ўтириб сухбат қилишса, ўзлари ҳам ўшанга ўхшаб қолгандай бўлишар эди. У билан гаплашган, унинг мулоим кулишини, дам-бадам яркираб турган тишларини кўрган ҳар бир киши, албатта, «Ҳозир ёмон ҳам ширинсўз бўлдим-да», – деб ўйлар эди. Бу ерда ўтирганларнинг ҳар бири шуни кўнглидан

¹ Баркут – духоба, баҳмал.

² Ишпеч – чеварларнинг ил, илак, игна ва бошқа керакли нарсалари сакланадиган, шунингдек, тиззага қўйиб иш тикадиган халтаси.

ўтказар эди.

Кичкинагина княгиня лапанглаб, ишпечини күтартгани-ча йўргалаб столни айланиб ўтди-да, кўйлагини тузатиб, худди ҳозир ҳар бир килмиши ўзи учун ҳам, бу ерда ўтирганлар учун ҳам бир томоша бўлгандай, кумуш самовар ёнидаги диванга ўтириди.

У ридикюлини¹ очар экан, ҳаммага қараб:

– Ишимни олиб келган эдим, – деди, сўнгра мезбонга, бекага мурожаат қилди:

– Менга қаранг, Анетта, бу нима қилганингиз? Хатингизда меҳмон кўп бўлмайди, деганингиз учун кийиниб ўтирумай, шу ахволда келаверган эдим-а.

У тўр тутилган, кулранг, кўкрагидан бироз-пастроқдан энли тасма боғланган нафис ва хушбичим кўйлагини кўрса-тиш учун кўлларини ёзди.

– Хотиржам бўлинг. Лиза, бу ерда ҳали ҳам сиздан чиройли одам йўқ, – деди Анна Павловна унга жавобан.

– Биласизми, эрим мени ташлаб кетаётиби, – деди княгиня генералга қараб, ўша зайлда сўзини давом эттириб: – ўлимга кетаётиби.

– Шу қуриб кетгур урушнинг нима кераги бор экан-а, – деди князъ Василийга ва жавоб кутмай, унинг қизи гўзал Эленга мурожаат қилди.

– Бу кичкина княгиня жуда ҳам дилрабо жувон экан-ку!
– деди князъ Василий Анна Павловнанинг қулогига секингнига.

Кичкина княгинядан кейин кўп вақт ўтмай барваста, сочи олинган, ўша замоннинг расм-русумига кўра оқ шим, кўкраги бурма кўйлак, жигарранг фрак кийган кўзойнакли бир йигит кириб келди. Бу жуссали йигит Екатерина замонининг машхур тўраларидан, ҳозир Москвада ўлим тўшагида ётган граф Безуховнинг гайриконуний ўғли эди. У чет элда тарбия олиб, яқиндагина келган бўлиб, ҳали ҳеч қаерда хизмат қилмас эди ва бундай сұхбатларга ҳам биринчи келиши эди. Анна Павловна унга ўз доирасидаги энг паст дара-

¹ Ридикюль – хотин-кизлар сумкачаси.

жали киши билан саломлашгандай бош силкиб қўйди. Пьер билан шундай жуда эътиборсиз саломлашган бўлса ҳам, унинг эшикдан кириб келганини кўрганида Анна Павловна-нинг юзида хавотир ва одатдан ташқари катта бир нарсани кўргандай, кўркув акс этди. Гарчи Пьер бу ерда ўтирган бошқа эркаклардан, дарҳакикат, жуссалироқ бўлса ҳам, Анна Павловнанинг бу қўркувига сабаб фақат унинг маъноли ва шу билан бирга тортиниб, кизиксиниб разм солиши ва табиий бир кўз қарашигина эди; бундай кўз қараш бу меҳмонхонада ўтирганлар ичидаги фақат унинг бир ўзигагина хос эди.

Анна Павловна уни холасининг олдига олиб келди-да, холаси билан хавфсирагандек бир кўз уриштириб олгач, Пьерга караб:

– Бечора беморни йўқлаб келиб катта лутф кўрсатдингиз, жаноб Пьер, – деди.

Пьер бир нима деб тўнгиллади-да, ниманидир кидираётгандай яна у ёқ бу ёкка разм сола бошлади. У кичкина княгиняга худди якин танишдек қувнок табассум билан салом бериб, кампирнинг олдига борди. Анна Павловнанинг хавотир олганича ҳам бор эди. Пьер маликанинг саломатлиги ҳақида кампирнинг сўзини охиригача эшитмай нари кетди. Анна Павловна қўркиб кетиб:

– Сиз аббат Мориони биласизми? У киши жуда ҳам ажойиб одам... – деб уни тўхтатди.

– Ҳа, у кишининг абадий сулҳ тўғрисидаги режаларини эшитганман, бу жуда ҳам яхши бўлар эди-ю, бироқ мумкин бўлмас...

Анна Павловна факат бир нима дейиш учунгина:

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – деди-да, яна меҳмон кутиш билан овора бўлди. Бироқ Пьер яна беадаблик килди: хали кампирнинг сўзига охиригача қулоқ солмай нари кетган бўлса, энди нари кетмоқчи бўлиб турган Анна Павловнани гапга солиб тўхтатди. У катта-катта оёқларини кериб, бошини энгаштириди-да, аббатнинг режаси нима учун хом хаёл эканлигини Анна Павловнага исбот кила бошлади.

Анна Павловна кулимсираб: – Кейин гаплашамиз, –

деди.

Анна Павловна расм-у одобни билмайдиган ёш йигитдан қутулиб, ўзининг мезбонлик иши билан банд бўлди: давра-давра бўлиб сўзлашиб ўтирган меҳмонларга разм солиб, қаерда сухбат сусайган бўлса, ўша сухбатни кизитишга кўмаклашгани тайёр турар эди. Ип йигирадиган корхонанинг эгаси ишчиларни жой-жойига ўтказиб, ўзи дугларнинг¹ суст ёки жуда тез айланишини кузатгани ва бирон кор-хол бўлиб қолса, дарров бориб уни тўғрилаб кўйганидай, Анна Павловна ҳам меҳмонхонасида айланиб юриб, давра-давра бўлиб ўтирган кишиларнинг сухбатини кузатар, бирон сухбат совиб кетса ёки меъёрдан ортиқ кизишиб кетса, дарров бориб бирон оғиз ёки бировни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиб кўйиш билан сухбатни яна изига солиб юборар эди. Анна Павловна шу ташвишнинг устига яна Пьернинг бирон номаъкул гап айтиб ёки ножўя иш килиб кўйишидан қаттиқ хавотирда эканлиги кўриниб турар эди. Пьер эса Мортемар атрофида бўлаётган гапни тинглагани келганда, кейин аббат гапираётган жойга якин борганда Анна Павловна унга кўз-кулок бўлиб турарди. Чет элда тарбия олган Пьер бу хилдаги сухбатни Россияда биринчи кўриши эди. У бу сухбатга Петербургнинг барча зиёлилари йигилганини билар, шунинг учун ўйинчоқ дўконига кириб қолган ёш боладай кўзлари ўйнаб кетган эди. У бамаъни гапларни эшитмай қолишдан хавотирда эди. Бу ерга тўплangan кишиларнинг ишонч акс этган чиройли юзларига қаарар экан, у булардан кўп бамаъни гаплар кутар эди. Ниҳоят, Морионинг ёнига келди. Буларнинг сухбати унга жуда маъкул кўринди, шекилли, ўз фикрини айтишга ниҳоят иштиёқманд бўлган ҳамма ёш йигитлардай, гапга аралashiш учун пайт кутди.

III

Анна Павловнанинг уйидаги зиёфат жуда қизиб кетди.

¹ Дуг – чархнинг ёки ип йигиравчи станокнинг йигирилаётган ип ўралиб борадиган кисми.

Давра-давра бўлиб ўтирган одамларнинг сухбати машиналардай бир киёmdа ва тинимсиз гувуллар эди. Холам, унинг ёнида ўтирган, озгин юзлари ҳозир йифлаганга ўхшаган ва бу сухбатга нобоп бўлган кексароқ бир хотиндан бўлак ҳамма уч даврага бўлинган эди. Аксарияти катталардан иборат бўлган давранинг гапдони – аббат; ёшлар даврасини князъ Василийнинг қизи суксурдеккина княжна Элен билан сўлим, қизил юзли, ёшига номуносиб равишда семиз бўлган кичкина княгиня Болконская; учинчи даврани эса Мортемар билан Анна Павловна бошқариб ўтирад эди.

Виконт истарали, хушфеъл ва хушмуомала йигит бўлиб, афтидан, ўзини машхур одам хисобласа ҳам, яхши тарбия кўриб ўсгани учун ўтиришларда камтарлик кўрсатиб, ўзини сухбат ахлининг ихтиёрига қўяр эди. У гўё Анна Павловнанинг меҳмонларга тортиғи эди. Ифлос ошхонада кўрилган тақдирда кишининг иштаҳаси қайтадиган бир парча мол гўштини уста ошпаз фавқулодда чиройли қилиб дастурхонга келтириб қўйгандай, Анна Павловна ҳам бугуни ўтиришда меҳмонларига аввал Виконтни, кейин аббатни фавқулодда бир ноз-у неъмат каби таништирап эди. Мортемар ўтирган даврада сухбат бошланиши биланоқ герцог¹ Энгиенскийнинг ўлдирилгани ҳақида сўз кетди. Виконт, герцог Энгиенский ўзининг олиҳимматлилиги орқасида ўлганлигини ва Бонапартнинг дарғазаб бўлишига катта сабблар борлигини айтди.

– Ҳа, ҳа! Шуни гапириб беринг-чи, виконт, – деди Анна Павловна хурсандлик билан. Унинг бу гапи нечукдир Людовик XV² ни эсга солар эди.

Виконт «оконим билан» деган мазмунда бош эгиб табасум килди. Анна Павловна виконт ёнидан бир айлануб чиқди-да, ҳаммани унинг ҳикоясига кулоқ согани даъват килди.

¹ Герцог (немисча: Herzog) – қадимий германлар кабиласининг ҳарбий доҳийси; ўрта асрларда Фарбий Европада йирик ер-мulk эгаси; ўрта асрнинг охиҳларидан дворянларнинг олий унвонларидан бири. Бу унвон айрим мамлакатларда (масалан Буюк Британияда) ҳозиргача сакланган.

² Людовик XV (1710-1774) – 1715-1774-йиллар Франция кироли бўлган.

– Виконт герцог билан шахсан таниш бўлган, – деб шивирлади Анна Павловна ўтирганлардан бирига.

– Виконт ҳикоя қилишга ниҳоятда уста экан, – деди иккинчисига.

– Фазилат эгаларининг сухбатини кўп кўрганлиги маълум бўлиб турибди, – деди яна бирига.

Шундай қилиб, виконт ўзи учун энг мақбул ва энг қулай бир тарзда, худди иссиқ товоққа солиниб кўкатлар билан ниҳоятда зеб берилган таомдай ҳаммага такдим этилди.

Виконт ҳикоясини бошламоқчи бўлиб жилмайди.

Анна Павловна нарирокда, бошқа давранинг гули бўлиб ўтирган гўзал княжнага қараб:

– Бу ёққа келинг, азизам Элен, – деб чакирди.

Княжна Элен кулимсираб турар эди; у меҳмонхонага кириб келган пайтда юзида бўлган гўзалларга хос, ўша доимий табассум билан ўрнидан турди. Бахмал ва бархит¹ билан зеб берилган оппок, балларда кийиладиган кенг кўйлагини бироз шитирлатиб, оппоқ елкаси, сочи ва брильянтларини кўз-кўз қилиб, ҳеч кимга қарамасдан ва шу билан бирга, гўё келишган қадди-қомати, оппоқ елкалари, ўша замоннинг расмига кўра хийла очик кўкраклари ва бўйинларини томоша қилиб мароқланган ҳаммага ихтиёр бергандай жилмайиб, худди бал ҳашаматини ўзи билан бирга олиб келгандай, икки томонга чекинган эркаклар орасидан ўтиб, Анна Павловнанинг олдига келди. Элен шунчалик гўзал эдики, ноз-карашма билан чиройли кўринишга ҳаракат қилиш у ёқда турсин, аксинча, кишиларни мафтун қилувчи гўзаллигидан гўё ўзи хижолатда эди. У гўё гўзаллигининг кучини бироз камайтиришни истаса ҳам, қўлидан келмагандай кўринар эди.

Уни кўрган ҳар бир киши:

– Ана ҳусн-у, мана ҳусн! – деб қўяр эди. Элен виконтнинг рўпарасига ўтириб ҳамон ўшандай табассум билан юзига бокқанида, виконт худди фавқулодда бир нарсадан

¹ Бархит (иманотона, савиқан) – лотирок, яркирок; нур сочувчи; бир хил кора кийим) – ҳужбаба, бахмал.

хайратда қолғандай елкасини учирди-ю, ерга каради.

– Хоним, шундай одамлар олдода ҳаяжонланмай гапира олармикинман, – деди виконт табассум билан бош эгид.

Княжна ялангоч, дўмбок билагини столчага кўйди-да, бирон нима дейишни лозим кўрмади. У жилмайганича виконтнинг сўз бошлашини кутар эди. Виконтнинг сўзига княжна гоз ўтириб кулок солар экан, ҳар замон столчага кўйган момиқдай билагига назар ташлаб, гоҳ ундан ҳам чиройлирок кўкрагига қараб брильянт маржонини тузатиб кўяр, кўйлагининг бурмаларини бир неча марта тузатар ва виконтнинг ҳикоясидан таъсиранган чоғларида Анна Павловнага қайрилиб қаради-да, дархол юзида худди Анна Павловнанинг юзидағи кайфият акс этарди, сўнгра яна юзида кувнок табассум намоён бўларди. Элендан кейин кичкина княгиня ҳам чой столи ёнидан туриб келди.

– Шопманг, ишимни олай, – деди княгиня.

– Нима бўлди, нимани ўйлаётисиз? – деб князь Ипполитга мурожаат килди: – Менинг ридикюлимни олиб келиб берсангиз.

Княгиня ҳаммага қараб табассум билан сўзлашар экан, бирдан кимирлаб ўрнашиброқ ўтириди-да, наридан-бери у ёкбу ёғини тузатди.

– Мана энди дуруст бўлди, – деди, сўнг виконтга: «Қани, бошланг», – деб ишига тутиндди.

Князь Ипполит унга ридикюлини келтириб бериб, кизнинг орқасига ўтди-да, креслосини унга якинроқ сурив ўтириди.

Мехрибон Ипполит гўзал синглисига ниҳоятда ўхшалиги билан ва ундан ҳам кўра, синглисига ўхшагани холда гоят хунуклиги билан кишини ҳайратда колдирав эди. Унинг юзи синглисининг юзига ўхшарди-ю, лекин синглисининг чехрасида кувноқлик, ўз-ўзидан мамнунлик, ёшлиқ, табассум ва мислсиз ажойиб гавдасининг гўзаллиги барқ уриб турар эди. Ипполитнинг ўша синглисиникига ўхшаган юзига эса девоналилак акси урган бўлиб, бу юздан ўзига бино кўйган кишиларда бўладиган жizzакилик ифодаси кўринар, гавдаси заиф ва қотма эди. Унинг кўзлари, бурни, оғзи – бутун юзи

нотайин ва күнгилсиз бир киёфага кириб буришар, күл-оёғи эса ҳамиша гайритабий бир ҳолатда турар эди.

У княгиняниң ёнига ўтирида, худди күзойнаксиз гапира олмайдигандай, шошиб-пишиб күзойнагини таккандан кейин:

– Бу «Арвоҳлар киссаси»дан эмасми? – деб сўради.

– Мутлако, жаноб, – деб жавоб кайтарди ҳайрон бўлган виконт елкасини учирив.

– Сўраганимниң сабаби шундаки, «Арвоҳлар киссаси»га сира тоқатим йўқ, – деди князъ Ипполит, бу гапни шундай бир тарзда айтдики, маъносига ўзи ҳам кейинрок тушунгандилиги кўриниб турар эди.

У жуда мағрурлик билан гапиргани учун айтган сўзлари жуда маъноли ёки жуда бемаъни эканлигини хеч ким фахмлай олмас эди. У эгнига тўқ кўк фрак, – ўзи айтишича, – чўчиган парининг бадани рангидаги чолвор¹ – оёғига пайпок ва бошмок кийган эди.

Виконт ўша вактда оғизма-оғиз юрган латифани ширингина қилиб айтиб берди: герцог Энгленский Жорж деган актёр аёл билан кўришгани яширинча Парижга борган экану, у ерда ўша машҳур актёр аёлнинг марҳаматидан фойдаланиб юрган Бонапартни кўриб қолган: герцог билан учрашганида Наполеон тутқаноги тутиб қолиб, кўққисдан ҳушидан кетиб, ийқилган. Шунда герцог уни ҳар нима килса кила олар экан-у, лекин хеч нарса қилмаган; Наполеон кейин унинг шу қилган олижаноблиги учун ўч олиб, уни ўлдирган.

Ҳикоя ширингина ва ниҳоятда қизиқ бўлиб, хусусан, икки ракиб бир-бирига рўпара келган жойи хотинларни ҳаяжонга солгандек бўлди.

Анна Павловна кичкина княгиняга савол назари билан қайрилиб қараб:

– Жуда ажойиб, – деди.

– Жуда ажойиб, – деди шивирлаб кичкина княгиня ва ҳикояниң жуда чиройли ва қизиқлиги ишини давом эттиришга халал бергандай, игнасини ишига қадаб кўйди.

¹ Чолвор – асосан уйда кийиладиган шимга ўхшаш кийим.

Виконт сўзсиз ифода килинган бу мактубн фахмлаб. миннатдорлик юзасидан табассум қилди-да, сўзида давом этди, бирок Пьердан жуда хавотир олиб дам-бадам унга караб турган Анна Павловна унинг аббат билан жуда кизишиб шовқин солиб гаплашаётганин пайкади-ю. дилсиёхликнинг олдини олиш учун дархол ўшалар томонга караб кетди. Пьер, дарҳакиқат, аббат билан сиёсий мувозанат ҳакида гапга киришибди, аббат эса бу ёш йигитнинг бегараз тезлигига кизикиб бўлса керак, ўзига маъқул фикрларни батафсил сўзлаб бермоқда эди. Икковининг хушчакчаклик билан жуда бемалол сўзлашиб ўтиргани Анна Павловнага маъқул бўлмади.

– Бунинг иложи – Европа мувозанати-ю, ҳалк ҳукукидадир, – леди аббат. – Шафкатсиз деб ном чиқарган Россиядек буюк давлат Европада мувозанат саклашни ўз олдига максад килиб кўйган иттифоқка бегараз бош бўлса бас – олам ҳалокатдан кутулади-қолади!

Пьер сўз бошламоқчи бўлиб:

– Бундок мувозанатни қаёқдан топасиз? – деган эдики, Анна Павловна келиб унга караб хўмрайди-да, итальяндан бу ернинг об-ҳавоси унга ёкиш-ёқмаслигини сўради. Итальяннинг чехраси бирданига ўзгарди, каттиқ оғринган бўлса ҳам, хотин киши билан гаплашаётганилиги учун одати бўйича, сохта табассум килиб ширина сўзлик билан жавоб берди:

– Улфатларнинг, айниқса, сухбатларига ноил бўлганим хоним-қизларнинг акл ва фазилатларига шу кадар мафтун бўлдимки, об-ҳаво тўғрисида ҳали ўйлаганимча йўқ.

Анна Павловна Пьер билан аббатни кўздан қочирмай кузатиб туриш куляй бўлиши учун икковини умумий даврага кўшиб кўйди.

Шу онда меҳмонхонага яна бир киши кириб келди. Бу киши кичкина княгинянинг эри – ёш князь Андрей Болконский эди. Князь Болконский ўрта бўйли, нихоятда чиройли, лекин хийла тунд чехрали бир кимса эди. Унинг хорғин, руҳсизлик акс этган қарашидан тортиб, салмоқли кадам ташлашигача бутун ҳаракати кичкина шўх хотинининг тамом

акси эди. Афтидан, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси унга танишгина эмас, балки жуда жонига теккан кишилар эди, шунинг учун буларнинг юзига қарагиси ва сўзини эшитгиси келмас эди. Бу ерда ўтирган одамларнинг башарасидан ҳам кўра гўзал хотинининг башараси унинг жонига кўпроқ теккандай кўринар эди. У чироили юзини бузган бир ижирғаниш билан афтини буриштириб хотинига тескари ўгирилди-да, Анна Павловнанинг кўлини ўпди ва кўзларини қисиб, меҳмонларни назардан кечирди.

– Урушга кетмоқчимисиз, князь? – деди Анна Павловна.

– Генерал Кутузоов, – деди Болконский французларга ўхшатиб, «зов» бўғинини чўзиброк, мени адъютант килиб олмоқчилар...

– Хотинингиз Лиза нима килади?

– Қишлоққа кетади.

– Шундай гўзал хотинингизнинг сұхбатидан бизни бенасиб килгани қандай кўнглингиз бўлади?

– Андрей, – деди хотини бегона кишиларга мурожаат килганидаги ноз-карашмаси билан, – виконт бизга Жорж хоним билан Бонапарт ҳақида бирам қизик воқеани айтиб бердиларки!

Князь кўзини қисиб, юзини ўтириди. Князь Андрей келганидан бери ундан кўзини узмаган ва унга кувнок, дўстона назар билан бокиб ўтирган Пьер унинг ёнига келиб кўлини ушлади. Князь Андрей унга қарамасдан, кўлини ушлаган кишининг килмишидан норози эканини кўрсатиб, юзини буриштириди, лекин Пьернинг кулиб турган юзига кўзи тушгач, тўсатдан дўстона мулойим табассум килди.

– Ҳа-ҳа!.. Сен ҳам киборлар доирасига кириб қолибсанку! – деди Пьерга.

– Сизнинг келишингизни билган эдим, – деди Пьер, – хикоясини давом эттираётган виконтга халал бермаслик учун секин гапириб: – кечкурун сизникига овқатлангани борамиз, майлимий?

– Йўқ, – деди князь Андрей кулиб ва «буни сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ» деган ишора билан унинг кўлини қисиб кўйди. У яна нимадир демоқчи бўлган эди-ю, шу чоғ

князь Василий кизи билан ўрнидан турди, эркаклар уларга йўл бериш учун кўзғалишиди.

Князь Василий французни ўрнидан кўзғатмаслик учун унинг енгидан авайлабгина пастта тортиб:

– Кечирасиз, азизим виконт, бу элчи чикарган қурғур сайил мени шундай сухбатдан маҳрум қилди-я, сизнинг сўзингизни бўлдим, – деди ва сўнгра Анна Павловнага қараб: – афсуски, шундай сухбатни ташлаб кетаётубман.

Унинг кизи княжна Элен кўйлагининг жимжимасини салгина ушлаб стуллар орасидан ўтди, чиройли юзидағи табассум яна ҳам қувноқрок тус олди. Пьер бу гўзал киз ёнидан ўтаётганда унга, худди бир нарсадан кўрккандай кўзларини катта очиб, марокли назар ташлаб қолди.

– Жуда чиройли, – деди князь Андрей.

– Жуда, – деди Пьер.

Князь Василий Пьернинг ёнидан ўтар экан, унинг кўлини ушлаб, Анна Павловнага мурожаат қилди:

– Бу айикқа таълим берсангиз-чи, бизниги келганига бир ой бўлибди-ю, ўтиришда энди кўрибман. Ёш йигитта оқила аёллар билан ҳамсұхбат бўлишдан заруррок нарса йўғ-а.

IV

Анна Павловна кулимсираб, Пьер билан машғул бўлишга ваъда берди. У Пьер ота томондан князь Василийга кариндош эканлигини билар эди. Олдин кампир билан ўтирган кексароқ хотин князь Василийнинг кетидан югуриб чикиб, унга даҳлизда етиб олди. Унинг юзида бўлган ҳалиги сохта марок ифодаси буткул йўқ бўлди. Йиғламсирагандай кўринган шафқатли юзларида фақат ташвиш ва кўркув аломатигина бор эди.

У князга даҳлизда етиб олиб:

– Князь, менинг ўғлим Борис тўғрисида нима дейсиз энди? – деб сўради. (У Борис деганда «о»ни босиброқ айтар эди) – Мен Петербургда бундан ортиқ тура олмайман. Хўш, айтинг-чи, бечора болагинамга бориб нима дей?

Князь Василий унинг сўзига номига, унча эътибор кил-

ваъда беринг. Мен Голициндан илтимос қилиб кўрдим, унамади. – деди (кўзларида ёш бўлса ҳам, кулимсирашга ҳаракат қилиб) – Бурунгидек марҳаматли бўлинг– деди у шошиб.

Эшик олдида отасини кутиб турган княжна Элен чиройли бошини буриб, чиройли елкаси оша:

– Дада, кечикамиз-ку, – деди.

Киборлар доирасидаги обрў шундай бир сармояки, уни эхтиёт билан сарф қилмок керак. Князь Василий буни билар эди, шунинг учун бу сармояни ҳар кимни деб сарф кила-верса, ўзига керак бўлганда тамом бўлиб колишини ўйлаб, буни жуда кам сарф килар эди. Бирок княгиня Друбецкая-нинг илтимоси тўғрисида, хусусан, унинг кайта-кайта айтишидан сўнг, ўз виждони кошида нокулай бир аҳволга тушиб колгандай бўлди. Княгиня унга бор ҳакиқатни эслатди: князнинг мартабага томон биринчи қадам босишига шу хонимнинг отаси сабаб бўлган эди. Бундан ташқари, княгиня-нинг муомаласидан кўриб турар эдики, у бир нарсага ёпиша сира кўймайдиган, ўшанга эришмаса, ҳар куни, ҳар соатда хирадлик ва ҳатто жанжал қилишдан ҳам тоймайдиган хотинлардан, айникса, ўшандай оналардан бири эди. Мана шу мулоҳаза князь Василийни иккилантириб қўйди.

– Азизим, Анна Михайловна, – деди князь одатдагича бетакаллуп ва зериккан бир тарзда, – сиз айтган ишни қилиш кўлимдан келмайди десам ҳам бўлади, лекин сизга бўлган мухаббатим ва марҳум отангиз хотираси учун кўлимдан келмаса ҳам, қиласман: ўғлингиз гвардияга ўтади, шу гапим гап. Розимисиз?

– Азизим, пушти паноҳимсиз! Сиздан факат шуни кутган эдим. Сизнинг яхши одам эканлигингизни билар эдим.

Князь кетмоқчи бўлди.

– Тўхтанг, князь яна бир оғиз гапим бор. Ўглим гвардияга ўтганидан кейин... – Сиз Михаил Илларионович Кутузовга яқинсиз, – деди ўнғайсизланиб, – Борисни унга адьютантликка тавсия қиласангиз. Шундай бўлганда мен хотиржам бўлиб, ундан кейин...

Князь Василий илжайди.



– Бу түгрида вайда беролмайман. Кутузов бош қўмон-дон бўлганидан буён унинг атрофида одамлар қанчалик уймалашиб қолганлигини билмайсиз. Кутузовнинг ўзи менга: «Москва боёнлари худди маслаҳатлашғандай ҳаммаси бараварига ўғилларини менга адъютантликка бермокчи», – деган эди.

– Йўқ, вайда беринг, пушти паноҳим, йўқса, сизни кетгани қўймайман.

– Дада, – деди гўзал Элен яна ўша оҳангда, – кечикяпмиз.

– Хўш, хайр, саломат бўлинг. Кўраётибсизми?

– Эртага подшо ҳазратларига айтасиз-а?

– Албатта, лекин Кутузовга айтиш тўғрисида вайда беролмайман.

– Йўқ, вайда беринг, вайда беринг Базиль, – деди Анна Михайловна ёш сатангларга хос табассум билан. Бу табасум, эҳтимол, бир вақтлар унга келишган бўлса ҳам, лекин ҳозир чўпдай озгин юзига сира ўтиришмас эди.

У ёши анчага бориб қолганини унугтан бўлса керак, ҳамон беихтиёр ўзининг эски ноз-ишваларини қилас эди. Бирок князь Василий чиқиб кетгандан кейин унинг юзи яна аслига қайтди – сўлғин ва риёкорона тус олди. У яна қайтиб келиб, сухбатга кўшилди ва ҳануз сўзлаётган виконтнинг ҳикоясига қулок берган бўлиб, кетгани маврид кутар эди, чунки унинг киладиган иши битган эди.

– Мана бу сўнгги комедияга – «Миланда тож кийдириладими?»га нима дейсиз? – деди Анна Павловна. – Яна бир янги комедия: Генуя билан Лукка ҳалқлари Наполеон жанобларига хоҳиш билдиришибди. Жаноб Наполеон эса тахтда ўтириб ҳалқларнинг хоҳишини амалга ошираётибди. Оббо, худо, урмаса! Бу гапларни эшитиб девона бўлади киши. Бутун дунё эсини йўқотган деб ўйлайди киши.

Князь Андрей Павловнага тикилиб жилмайди.

– «Бу тожни менга худо берди. Бунга қўл узаттан кишининг ҳолигавой» (тож кийдирилганда Наполеон Бонапартнинг айтган сўзи), – деди у. – Шу гапни айтганда жуда кўркам бўлган эмиш – деди ва яна шу сўзни итальянчасига

ҳам қайтарди. «Dio mi la dona, quai a chi la tocca».

– Кошкийди, – деди Анна Павловна сўзида давом этиб, – бу воеа сабр косасини тўлдириб-тоширадиган сўнгги бир томчи бўлса. Борликқа хавф солаётган бу одамнинг килмишларига подшоҳлар бундан кейин бардош килмаслар.

– Подшолар дейсизми? Мен Россия тўғрисида гапираётганим йўқ. Подшолар эмиш-а? Подшолар Людовик XVII¹ учун, киролича учун. Елизавета² учун нима килишди? Ҳеч нарса! Мени айтди дерсиз: булар Бурбонларга³ хиёнат килгандар учун жазоларини тортишяпти. Подшолар дейсизми? Булар тахт-тож ўғрисини қутлагани элчилар юборишяпти.

У нафраторумуз уф тортиб, яна вазиятини ўзгартирди. Князь Ипполит виконтга лорнет⁴ орқали узоқ тикилиб тургач, бу гапни эшиганидан кейин тўсатдан бутун гавдаси билан қина княгиняга ўғирилди-да, ундан игна сўраб олиб, игна билан столга Конде гербини чизиб унга кўрсата бошлади. У гербни шу қадар писанда қилиб уқтирас эдикси, кўрган киши буни княгиня ундан илтимос қилган экан, деб ўйлар эди.

– Йиртқич ҳайвонлар оғизининг сурати солинган оч кўк рангли суюқ ҳасса – Конденинг юрти бўлади, – деди у.

Княгиня кулимсираб, унинг сўзига қулок солар эди.

Виконт бошқаларнинг нима дейишига аҳамият бермайдиган, лекин ҳаммадан кўра ўзига маълум бўлған нарса ҳакида ўз фикринигина кузатиб борадиган бир қиёфада бошлаган сўзини давом эттириди:

– Агар Бонапарт яна бир йил Франция таҳтида ўтирадиган бўлса, ишлар жуда чатоқлашиб кетади. Фитна, жабрзулм, кувғин, осиш-кесишлиар жамиятни (мен яхши жамиятни, француз жамиятини кўзда тутаман) буткул ҳалок килади. Ана у вақтда...

¹ Людовик XVIII (1785-1795) – 1793-1795-йилларда Франция кироли.

² Елизавета Петровна (1709-1761) – 1741-1761-йилларда Россия императори.

³ Бурбонлар — Францияда 1589-1792-, 1814-1815-, 1815-1830-йилларда; Испанияда 1700-1808-, 1814-1868-, 1874-1931-йилларда ва Иккала Сицилия кироллигига 1735-1805-, 1814-1860-йилларда кироллик қилган сулола.

⁴ Лорнет – буклама дастали қўзойнак.

– герцогни ўлдирганидан кейин кўкда бир шаҳид ортди-ю, ерда бир каҳрамон камайди.

Анна Павловна ва бошқалар виконтнинг бу сўзларига койил колганликларини табассум билан билдиримасданок, Пьер яна сўзга аралашди. Анна Павловна унинг бирон ножӯя гап айтиб кўйишини билиб турган бўлса хам, лекин олдини олишга улгура олмади.

– Герцог Энгиенскийнинг ўлдирилиши, – деди Пьер, – давлат учун зарурат эди: шу ишни килиш маъсулитини ўзи ёлғиз зиммасига олишдан кўркмаганлиги Наполеоннинг олижаноблигини кўрсатади, деб ўйлайман.

– Ё Худо! Ё Худойим! – деб ваҳима билан пичирлади Анна Павловна.

Кичкина княгиня ишини кўлига олар экан, кулимсираб:

– Жаноб Пьер, одам ўлдиришни кандай килиб олижаноблик деб биласиз?, – деди.

Бошқалар бир-оғиздан:

– Эх-эх! – дейищди.

– Жуда соз, – деди князь Ипполит инглизчасига ва кафти билан тиззасига шапиллата бошлади. Виконт фақат елкасини қисди.

Пьер кўзойнагининг устидан ҳаммага голибона назар ташлади.

– Мен бундай деганимки, – деди Пьер тажанглик билан.

– Бурбонлар халқни анархия¹ кучоғига ташлаб, инқилобдан қочиб кетищди. Инқилобни Наполеоннинг ёлгиз ўзи тушунди, уни енга олди ва шу сабабдан кўпчиликнинг баҳт-саодати учун бир кишини курбон килишдан қайта олмас эди.

– Мана бу столга ўтмайсизми? – деди унга Анна Павловна.

Бирок Пьер унга жавоб бермай сўзида давом этди: – Йўқ, – деди у борган сайин кизишиб. – Наполеон шунинг учун буюк одамки, у инқилобдан зўррок келди, фуқаролар

¹ Анархия (юнонча: anarchia – хокимиятсизлик) – 1) жамиятнинг ташкилотчи хокимиятнинг, ҳамма учун мажбурий конун-коидаларнинг, одоб-ахлоқ мъёрларининг йўклиги билан характерланувчи холати; хокимиятсизлик; 2) (кўчма) раҳбарсизлик, бошбошдоклик.

тенглиги, сўз ва матбуот эркинлиги сингари барча яхши томонларини тутиб қолди-ю, инқилобнинг барча сунистельмолларига йўл кўймади, мана шунинг учун ҳокимият тепасига чиқди.

– Ҳа, агар кўлга олган ҳокимиятини одам ўлдиргани ишлатмасдан, қонуний эгаси бўлган қиролга топширганида, мен уни буюк киши деб айтар эдим, – деди виконт.

– Наполеон бундай қиломас эди. Ҳалқ ҳокимиятни унинг кўлига ҳалқни Бурбонлардан ҳалос қилиш учун берди, чунки ҳалқ уни буюк киши деб билар эди. Инқилоб буюк иш эди, – деди жаноб Пьер бу тажанг ва тўнг муқаддимаси билан ўзининг ғўрлигини ва кўнглида бор гапини тезрок айтишга шошилганини кўрсатиб.

– Инқилоб билан подшо ўлдириш буюк иш бўлиб колдими? Шундан кейин... ҳа, айтгандай, бу столга ўта қолсангиз-чи? – деди Анна Павловна яна.

Виконт мулоиймгина табассум килиб:

– Ижтимоий шартнома¹, – деди.

– Мен подшо ўлдириш тўғрисида гапираётганим йўқ. Мен ғоя тўғрисида гапираётибман.

– Ҳа, талончилик, қотиллик ва подшо ўлдириш ғояси, – деди Анна Павловна яна пичинг килиб.

– Бу зарурат эди, албатта, лекин гап бунда эмас, гап инсоннинг ҳуқуқларида, хурофотлардан озод бўлишида, одамларнинг tengлигида: мана шу ғояларнинг ҳаммасини Наполеон тўла-тўқис сақлаб қолди.

Виконт, ниҳоят, бу йигитнинг гаплари бемаънилиқдан иборат эканини астойдил исбот қилишга жазм килгандай, нафрат билан деди:

– Бу ҳуррият ва tenglik degan шовқинлар – аллақачонлар бебурд бўлган қуруқ сўзлар. Ҳуррият билан tenglikни ким яхши кўрмас экан? Ҳуррият ва tenglikни пайғамбаримиз ҳам тарғиб қилган эди. Инқилобдан кейин одамларнинг пешонаси очилди дейсизми? Аксинча. Биз ҳуррият

¹ Ижтимоий шартнома – француз файласуф маърифатпарвари, ёзувчisi, композитори Жан Жак Руссо (1712-1778) нинг «Ижтимоий шартнома тўғрисида» сиёсий рисолоси назарда тутилган.

истаган эдик, Бонапарт эса уни нест-нобуд қилди.

Князь Андрей кулимсираб гоҳ Пьеңга, гоҳ виконтта ва гоҳ Анна Павловнага қарап эди. Анна Павловна киборлар сұхбатида оғир бўлиб ўтиришга ўрганиб қолишига қарамай, Пьеңнинг бу қилиғидан капалаги учган эди, бироқ Пьеңнинг куфр сўзларига виконт дарғазаб бўлмаганини ва бу сўзларни энди босиб бўлмаслигига кўзи етиб, виконтга қўшилиб бутун кучи билан Пьеңга ҳужум кила бошлади.

— Лекин, азизим жаноб Пьең, — деди Анна Павловна, — ўша буюк одам деганингиз герцогни, борингки, оддий бир инсонни судсиз, бўйнига ҳеч айб қўймасдан ўлдиришига нима дейсиз?

— Мен жанобларидан 18-брюмерга¹ нима дейсиз, деб сўрар эдим, — деди виконт. — Бу қаллоблик эмасми? Бу буюк кишининг қиласидиган иши эмас, товламачилик..

— Африкада асирларни ўлдиргани-чи? Даҳшат-ку — деди кичкина княгиня жунжикиб.

— Нима десангиз ҳам, бу мартабага нолойиқ одам, — деди князъ Ипполит.

Жаноб Пьең буларнинг қайси бирига жавоб беришини билмай, ҳаммасига бир-бир қаради-да, илжайиб қўйди. Унинг юзидаги табассум бошқа кишиларникига ўхшаган жиддиятга қўшилиб кетадиган табассум эмас эди. Аксинча, у табассум қилганда юзидаги жиддийлик ва ҳатто тундлик тўсатдан йўқолар, унинг ўрнида мулойим, маъсум ва худди узр сўраётгандай бир ифода пайдо бўлар эди.

Пьеңни биринчи марта кўрган виконт: — Бу якобинчининг оғиздан чикқан гаплари унинг ўзидан хавфлироқдай кўринади; — деб ўйлади. Ҳамма жимиб қолди.

— Нима, ҳаммага бирдан жавоб берсинми? — деди князъ Андрей. — Давлат арбобининг қилмиши тўғрисида гапирганда оддий бир шахснинг қилмиши-ю, саркарда ёки императорнинг қилмишини фарқ қилиш керак. Мен шундай деб ўйлайман.

¹ 18-брюмер (Григорий календари бўйича 1799-йил 9-ноябрь) — Францияда Наполеоннинг давлат тўнтиришини уюштирган куни.

– Ҳа, ҳа, албатта, – деди Пьер, ўзига тарафдор пайдо бўлганига суюниб.

– Шунга иқор бўлиш керакки, – деди князь Андрей. – Наполеон Арколь қўпригида, Яффа касалхонасида вабо теккан одамларга кўл берганида одам сифатида буюkdir, лекин... унинг бошқа килмишлари ҳам борки, уларга важ кўрсатиш кийин.

Князь Андрей, Пьер айтган сўзларнинг нокулайлигини юмшатиш мақсадида бўлса керак, кетмоқчи бўлиб хотинини имлади ва ўрнидан турди.

Князь Ипполит бирдан ўрнидан туриб, қўл ишораси билан ҳаммани тўхтатди ва ўтиришга таклиф қилиб сўз бошлади.

– Эҳ! Бугун менга Москвада чикқан бирам антиқа латифани айтиб беришди. Шуни сизларга айтиб берай. Кечиравиз, виконт, русча айтмасам, латифанинг шираси кетиб колади.

Князь Ипполит бир йилгина Россияда турган француздай рус тилини чайнаб гапира бошлади. У ҳаммадан латифага дикқат билан кулоқ солишини шундай ховлиқиб, шундай қаттиқ талаб қиласи, ҳамма тек қолди.

– Москвада бир хоним, уй бекаси бор. Бу хоним жуда хасис, унга каретада¹ юргани иккита лакей керак бўлибди, жуда новчча бўлиши керак экан. Унга новчалар маъқул экан. Унинг янада новчароқ бир қизи бор экан. Хоним айтибди...

Князь Ипполит шу жойга келганда, афтидан, фикри юришмай ўйланиб қолди.

– Хоним айтди ҳа, айтдики: «Қизгинам камзулингни кий, мен билан бирга каретада меҳмондорчиликка борасан...»

Князь Ипполит шу жойга келганда, кулоқ солаётгандардан бурунрок ўзи пиқ этиб кулиб юборди ва шу билан латифанинг таъсирини кетказиб кўйди. Шундок бўлса ҳам, ўтирганларнинг кўпи, шу жумладан, кексароқ хоним билан Анна Павловна ҳам илжайиб кўйишиди.

¹ Карета (полякча) – усти ва ёнлари ёпик тўрт гилдиракли енгил арава.

– Хоним каретага тушиб жүнабди. Бирдан қаттиқ шамол турибди. Қиз шляпасини тушириб кўйибди, кейин унинг узун сочи тўзибди...

Шу ерга келганда князь Ипполит ўзини сира тута олмай, қаҳқаҳа урди ва кулги аралаш:

– Ҳаммага маълум бўлдики... – деди.

Латифа шундан иборат экан. Князь Ипполит бу латифани нима учун айтганилигини, буни нима учун, албатта, русча айтиш зарур бўлиб қолганлигини тушуниб бўлмас эди. Шундай бўлса ҳам, Анна Павловна ва бошқалар жаноб Пьернинг бехуда ва bemaza қилигини назокат билан хаспўшлаган князь Ипполитнинг киборларга хос назокатига койил колишиди. Латифадан сўнг меҳмонлар ўзаро гаплашиб, сўз бўлиб ўтган ва энди бўладиган баллар, спектакллар, ким қаерда ва қачон кўришуви каби майдадар устида кетди.

V

Меҳмонлар Анна Павловнага ажойиб кеча учун ташаккур билдириб тарқала бошладилар.

Пьер бесўнақай бир йигит эди. Семиз, новчадан келган, кенг ягрили, қўллари каттакон ва қип-кизил бўлган Пьер киборлар сухбатига киришни, айникса, ундан чиқишни, яъни кетиши олдидан икки оғизигина ширин сўз айтишни билмас эди. Бундан ташкари, у паришонхотир эди. Ўрнидан турар экан, ўзининг шляпаси ўрнига генералнинг жигали учбурчак шляпасини олди-да, то генерал сўраб олмагунча, унинг попугини юлқиб тураверди. Лекин унинг паришонхотирлиги, киборлар сухбатига киришни ва унда гаплашиши билмаслигини унинг юзидағи оққўнгиллик, соддалик ва камтарлик аломати ювиг кетар эди. Анна Павловна унга қайрилиб қарап экан, насронийларга хос кўнгилчанлик билан унинг гунохидан ўтганлигини ифода қилиб, бош силкитди ва:

– Сиз билан яна кўришармиз, деб ўйлайман, лекин умид қиласманки, азизим жаноб Пьер, унгача ҳозирги фикрингизни ўзгартирасиз, – деди.

Пьер Анна Павловнанинг бу сўзларига ҳеч нарса демас-

дан таъзим қилди-да, яна илжайди. Унинг бу илжайиши ҳеч маънони ифода қилмас ва мабодо ифода килса, факат шу маънони берар эди: «Фикр ўз йўлига, лекин кўряпсизларми, мен қандай ажойиб ва яхши йигитман». Анна Павловна ва бошқа меҳмонлар беихтиёр унинг бу хислатини сезишиди.

Князь Андрей даҳлизга чиқиб, плаш кийгизмоқчи бўлган лакейга елкасини тутди-да, хотинининг даҳлизда князь Ипполит билан лақиљашаётганига эътиборсизлик билан кулоқ солди. Князь Ипполит ҳомиладор, сўлимгина княгиня-нинг рўпарасида туриб унга лорнет орқали тикилар эди.

Кичкина княгиня Анна Павловна билан хайрлашар экан:

– Уйга киринг, Анетта, шамоллаб коласиз, – деди-ю, яна секингина илова қилди. – айтганимдай килинг.

Анна Павловна кичкина княгиня Лиза билан ўзи бошлиған иш, яъни унинг қайнопасини Анатолга бўлиш ҳакида аллақачон гаплашиб ҳам олган эди.

– Мен сизга ишондим, азизим, сиз қайнопангизга хат ёзинг-да, отаси бу ишга қандай қарашини менга айтинг-деди секингина Анна Павловна ва хайрлашиб ичкарига кириб кетди.

Князь Ипполит кичкина княгиняниг олдига келди-да, энгашиб, юзини юзига яқинлаштириб нимадир пичирлай бошлади.

Княгиня билан князь Ипполитнинг лакейлари буларнинг гапи тугашини кутиб, бири рўмол, иккинчиси редингот¹ ушлаб турар, уларнинг французча гапларига тушунмасалар ҳам худди бу гапларни тушуниб, ўзларини тушунмаётганга солгандай туришар эди. Княгиня одатдагича жилмайиб гапирав ва кулиб тинглар эди.

– Элчи чақирган сайилга бормаганим ҳам яхши бўлди,
– деди князь Ипполит, – зерикиб қолар эдим... Жуда яхши сұхбат кечаси бўлди, шундоқ эмасми?

– Бал жуда яхши бўлади, дейишади, – деди княгиня майин қора тук босган устки лабини учириб. – Гўзал кибор

¹ Редингот – суворийлар (отликлар) киядиган камзул.

хотин-қизларнинг ҳаммаси ўша ерда бўлар эмиш.

– Ҳаммаси бўлмас, чунки сиз бормайсиз, – деди князъ Ипполит қувноқлик билан кулиб ва рўмолни лакейининг кўлидан тортиб олди-да, уни ҳатто итариб юбориб, рўмолни княгиняниң елкасига ёпа бошлади. У қувсизлигиданми ё жўрттагами (буни ҳеч ким ажратса олмас эди), у, рўмолни ёпганидан кейин ҳам, худди бу ёш жувонни кучоклаёт-гандай, анчагача қўлини ундан туширмади.

Княгиня ҳамон жилмайганича гўзал карашма билан четланди-да, ўгирилиб эрига қаради. Князъ Андрейнинг кўзлари сузилган, шу қадар ҷарчаган ва уйқу босган кўринар эди.

У хотинига бир кўз югуртириди-да:

– Бўлдингизми? – деб сўради.

Князъ Ипполит янгича тикилиб товонигача тушадиган узун рединготини шошиб кийди-да, редингот оёғига ўралишганича югуриб княгиняни орқасидан зинага чикди, бу чоғ лакей княгиняни каретага ўтқизар эди.

– Княгиня, хайр, – деб кичқирди у, шу чоғ унинг оёқлари рединготга ўралишгандай, тили оғзида ғулдираб қолган эди.

Княгиня этакларини йиғиштириб, каретанинг қоронғи бурчагида ўтиарди: эри киличини ўнглаб кўйди; князъ Ипполит гўё ёрдам берган бўлиб, аслида уларга халал берар эди.

Князъ Андрей йўлинни тўсиб турган князъ Ипполитга русчалаб совуккина:

– Қани, жаноб, ўтайлик, – деди-да, сўнгра мулойим ва ёқимли товуш билан Пьерга мурожаат қилди:

– Мен сени кутаман, Пьер.

Жиловдор отни ҳайдагач, карета гилдиракларини гижирлатиб жўнади. Князъ Ипполит уйига элтиб қўймоқчи бўлгани виконтни кутиб эшик ёнида турар экан, қаҳқаҳа уриб кулар эди.

– Азиз дўстим, кичкина княтина жуда жонон нарса-ку, – деди виконт Ипполит билан каретага ўрнашиб олиб, – жуда жонон. Худди француз хотинининг ўзгинаси-я деб

Андрей бир дақиқа жимлиқдан сүнг.

Пьер диванга чўккалааб ўтириди.

– Ростини айтсам, ҳали ҳам бир қарорга келганим йўқ.
Менга ҳеч қайсиси маъқул бўлмаяпти.

– Ахир бирор қарорга келиш керак-ку! Отанг шунгага кўз тутиб ўтирибида-я.

Пьер ўн яшарлигига ўзининг мураббийси аббат билан бирга чет элга юборилган бўлиб, йигирма ёшгача ўша ерда турган эди. Пьер Москвага қайтиб келганидан кейин отаси аббатга жавоб бериб, ўғлига шундай деди: «Энди Петербургга боргин-да, у ёқ бу ёкни кўриб бирон ишни танлагин. Сен нимани хоҳласанг, мен ўшанга розиман. Мана бу хат князь Василийга, мана бу пул ўзингга. Нимадан кийналсанг, дарров хат ёз, ёрдамингта тайёрман». Пьер уч ойдан бери иш танлаб, ҳануз бекор юрар эди. Князь Андрей мана шу тўғрида гапирилар эди.

Пьер пешонасини ишқалади.

Пьер кечада кўргани аббатни кўзда тутиб:

– Бу одам масонлардан¹ бўлса керак, – деди.

– Бехуда гапларни кўй, – деди князь Андрей унинг гапини бўлиб, – бўладиган гапдан гаплашайлик. Отлик гвардияга бордингми?

– Йўқ, борганим йўқ, бир нарса эсимга келиб қолди, шуни сизга айтмоқчи эдим. Ҳозир Наполеонга қарши уруш бўлаётиди. Бу уруш озодлик уруши бўлса эди, мен унга қойил қолган бўлардим ва биринчи бўлиб ҳарбий хизматта кирап эдим. Лекин дунёда энг буюк бир одамга қарши чиқиб, Англия билан Австрияга ёрдам бериш... яхши эмас...

Князь Андрей Пьернинг бачканага сўзига елкасини қисиб кўйди. Шу билан, бунақа бемаъни сўзларга жавоб бериб бўлмайди, деган маънони билдириди. Бу гўллик билан, берилган саволга князь Андрейнинг берган жавобидан бошка жавоб бериш, ҳақиқатан, кийин эди. .

– Агар ҳамма факат ўз эътиқоди асосида урушадиган

¹ Масонлик – XVIII асрда пайдо бўлган диний-сиёсий ҳаракат бўлиб, ўз олдига ахлоқни мукаммаллаштиришни мақсад килиб кўйган эди.

бўлса, дунёда уруш деган нарса бўлмас эди, – деди у.

– Шундок бўлганда-ку, жуда соз бўлар эди, – деди Пьер.

Князь Андрей кулимсиради.

– Жуда соз бўлиши мумкин-ку-я, лекин ҳеч қачон шундоқ бўлмайди...

– Хўш, сиз урушга нима мақсад билан борасиз? – деди Пьер.

– Нима мақсад билан дейсанми? Ўзим ҳам билмайман. Боришим керак экан-да. Бундан ташқари, мен шунинг учун бораманки... – деб князь Андрей тўхтаб қолди. – Шунинг учун бораманки, бу ерда кечираётган ҳаётим менга тўғри келмайди.

VI

Ёндаги уйдан хотин кишининг кўйлак шарпаси эшитилди. Князь Андрей худди уйқудан чўчиб уйғонгандек бир сесканди-ю, унинг юзи Анна Павловнанинг меҳмондорчилигида бўлган киёфага кирди. Пьер оёкларини дивандан туширди. Княгиня кириб келди. У аллақачон бошқача, уйда кийиладиган кўйлак кийиб олибди, лекин бу кўйлаги ҳам зебо ва озода эди. Князь Андрей ўрнидан туриб, одоб юзасидан креслони унга сурис берди.

Княгиня шошиб-пишиб, у ёқ бу ёғини тўғрилаб креслога ўтирас экан, одатдагича француздалаб гапирди:

– Аннеттанинг нега эрга тегмаганига жуда ҳайрон бўлиб юрибман. Жаноб, шундай жононга уйланмадингиз-а, хўп тентаксизлар-да, лекин хотин бобида билимдон эмас экансизлар. Жаноб Пьер, мунча ҳам сиз баҳс-у мунозарани яхши кўрар экансиз.

– Мен сизнинг эрингиз билан ҳам мунозара қилиб ўтирибман: нима учун урушга боряпти, ҳеч тушуна олмайман, – деди Пьер княгиняга қараб ҳеч тортинаасдан (холбуки, ёш йигит ёш жувонга муомала қилганда анча тортиниши керак эди).

Пьернинг бу сўзи ёқди, шекилли, княгиняга жон кирди.

– Балли, мен ҳам шуни айтяпман, – деди княгиня. – Тушуна олмайман, ҳеч тушуна олмайман: нега эркаклар

колдирмоқчи.

– Отам билан опам-чи? – деди секин князь Андрей.

– Ёр-у дўстларим бўлмагандан кейин, барибир, яккаман... Яна мен кўрқмайин эмиш.

Унинг сўз оҳанги жонга тегадиган мингиллаш тарзини олди, лаби кўтарилиб, юзига газаб югурди, йиртқич олмахон киёфасига кирди. Ҳамма гап унинг ҳомиладорлигига бўлса ҳам, бу ҳақда Пъернинг олдида сўзлашни эп кўрмагандек, жим қолди.

Князь Андрей хотинидан кўзини олмай:

– Ҳар қалай... Нимадан кўркишиングни тушуна олмадим, – деди салмоклаб.

Княгиня кизарди-да, тажанг бўлиб кўл силтади.

– Йўқ, Андрей, сен шундай ўзгарган, шундай ўзгариб кетгансанки...

– Докторинг эртароқ ётгин, деган эди, – деди князь Андрей. – Бориб ёта қолсанг бўларди.

Княгиня индамади ва унинг қисқа, майин тук босган лаби бирдан пирпираб учди. Князь Андрей ўрнидан турдиди, елкасини кисиб кўйиб, нари-бери юрди.

Пъер кўзойнаги билан гоҳ княгиняга, гоҳ князга хайрон бўлиб, анкайиб кааркан, худди ўрнидан турмокчи бўлган-дай бир кимирлади-ю, лекин турмади.

– Жаноб Пъер ўтирган бўлса, менга нима, – деди княгиня бирдан ва унинг сўлимгина юзи буришди-ю, йиглаб юборди. – Мен сендан аллакачонлари сўрамокчи эдим: Андрей, нима учун менга муомаланг ўзгариб қолди? Мен сенга нима қилдим? Армияга кетаётибсан, менга раҳминг келмайди. Нима гуноҳ қилдим?

Князь Андрей фақатгина:

– Лиза! – деди-ю, лекин шу бир калима сўзда ҳам илтимос, ҳам таҳдид, ҳаммадан ҳам кўра княгиня айтган сўзларидан ўзи пушаймон бўлади, деган ишонч мазмуни бор эди. Лекин княгиня шошиб-пишиб сўзида давом этди:

– Сен менга касал ёки ёш болага муомала қилгандай муомала қиляпсан. Ҳаммасини кўриб-билиб турибман. Ярим йил бурун шундақамидинг?



Князь Андрей яна ҳам кескинроқ қилиб:

– Лиза, сиздан илтимос қиласман, бас қилинг, – деди.

Бу гаплар бўлаётган пайтда борган сайин ҳавотир олаётган Пьер ўрнидан туриб княгиняниң олдига келди. У, афтидан, кўз ёшига тоқат қилолмасдан, ўзи йиглаб юборадигандай кўринар эди.

– Кўйинг, йигламанг, княгиня. Назарингизда, шундок кўринади, чунки гапимга ишонсангиз... мен ўз бошимдан кечирганман... сабаб... чунки... Йўқ, кечиринг, бундай ишда бирорвнинг аралашуви ортиқча... кўйинг, йигламанг... Хайр...

Князь Андрей уни кўлидан ушлаб тўхтатди.

– Тўхта Пьер, кетма. Княгиня шундай меҳрибонки, бу оқшомни сен билан сухбат қилиб ўтказишдан мени маҳрум қилмасалар керак.

Княгиня ҳамон йиглар экан:

– Йўқ, бу киши факат ўзларини ўйлайдилар, холос, – деди.

Князь Андрей токати ток бўлганини кўрсатадиган бир овоз билан:

– Лиза, – деди.

Княгиняниң чиройли юзидағи олмахонни эслатадиган ғазабли ифода бирдан йўқолиб, унинг ўрнида жозибали, шафқат хисси қўзгатадиган қўркув ифодаси пайдо бўлди. У гўзал қўзларини ер остидан эрига тикиди, унинг иссик юзида думини хиёл, лекин тез-тез қимирлатаётган итнинг юзидағи ювошлиқ ва итоаткорлик ифодаси намоён бўлди:

– Ё Худойим, ё Худойим! – деди-да, княгиня бир қўли билан кўйлагининг бурмасини ушлаган ҳолда эрининг ёнига келиб, пешонасидан ўпди.

Князь Андрей худди бегона хотинга муомала килаётгандай назокат билан ўрнидан туриб, унинг кўлидан ўпар экан:

– Хайр, Лиза – деди.

Икки ўрток жим қолишиди. На униси гап бошлар эди, на буниси. Пьер князь Андрейга қаарди. Князь Андрей нозик қўли билан пешонасини ишқалар экан, уф тортиб ўрнидан турди-да, эшикка томон йўналиб:



– Юр, тамадди қиламиз, – деди.

Иккови жуда чиройли, янгидан зеб-у оро берилган овқатхонага киришди. Салфеткадан тортиб кумуш санчкию, кошиклар, чинни ва биллур идиш-товоқларгача ҳаммаси янги бўлиб, яқинда турмуш курган кишиларнинг рўзгорини эслатар эди. Овқат вақтида князь Андрей тирсагига ёнбошлиди-да, худди кўпдан бери юрагида занглаб ётган бир гапни энди айтишга қарор бергандай, юзида асабий бир ифода билан гап бошлади.

Пъер уни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаган эди.

– Ҳеч, ҳеч ҳам хотин олма, дўстим, – деди князь Андрей, – менинг маслаҳатим шу. Ҳамма орзу-ҳавасинг ушалмагунча, муҳаббат қўйган хотинингдан кўнглинг қолмагунча, уни хўп яхши билмагунча уйланма, йўқса катта хато қилган бўласан, умрбод ҳасрат билан ўтасан. Қариб тамом ишдан чикқанингдан кейингина хотин ол... Йўқса бор фазилат-у камолотинг бекорга кетади, майда-чўйда нарсаларга сарф бўлади. Ҳа, хўп деявер! Менга ҳайрон бўлиб қарама. Сен келажакда ўзингдан бирон нарса кутадиган бўлсанг, хотин отгандан кейин ҳамма нарса барбод бўлганини ва сенинг учун ҳамма йўл беркилиб қолганини ҳар қадамда сезиб турасан. Сенинг учун ягона очиқ йўл меҳмонхона бўлиб коладикн, унда сен сарой лакейлари ва телбалар билан бир каторда бўласан. Шу ҳам ишми! – деб кўлини силтаб қўиди.

Пъер кўзойнагини кўзидан олди, бунинг натижасида юзи ўзгариб, яна ҳам кўпроқ марҳамат ифода килди. У дўстига ҳайрон бўлиб тикилар эди.

– Менинг хотиним, – деди князь Андрей давом этиб, – жуда яхши хотин. Эрнинг кўнгли тўқ бўлса бўлаверадиган хотинлардан. Лекин, қани энди, ҳозир бўйдоқ бўлсам. Мен бу гапни ҳеч кимга айтган эмасман, сени яхши кўрганлигим учун айтаётибман.

Князь Андрей бу сўзларни айтар экан, Анна Павловнанинг креслосида тарвайиб, кўзларини қисиб ва ғижиниб французча гапириб ўтирган Болконскийга яна ҳам камрок ўхшар эди. Унинг тунд юзидаги ҳар бир мускули асабий ҳолат билан пирпираб учар, кўзидағи илгари сўник кўринган

ҳаёт олови энди порлаб нур сочар эди. У бошқа вактларда нақадар рухсиз кўринса, асабийлашган дақикаларида шу қадар жўшқин бўлиши кўриниб турад эди.

– Мен бу гапларни нима учун айттаётганимни билмасанг керак, – деди давом этиб: – ахир бу бутун бир умр гавғоси. Сен Бонапарт билан унинг шуҳратини айтяпсан, – деди князь Андрей, гарчи Пьер Бонапарт тўғрисида гапирмаган бўлса ҳам. – Бонапарт дейсан-у, лекин Бонапарт ишлаган вактида ҳар қадамини мақсади томон ташлаганида у эркин эди, мақсадидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ эди, шунинг учун ҳам мақсадига етди. Хотинга боғланиб қолдингми, демак, кишинга тушдинг – бутун эркингни йўкотасан. Дилингдаги бутун умид, белингдаги бутун кувват – ҳаммаси ўзингга ортиқча юқ бўлади: пушаймондан азоб чекканинг чеккан. Менинг туриш-турмушим меҳмонхона, гийбат, бал, шуҳрат-парастлик, пасткашлиқ бўлиб қолди, шу доирада айланганим-айланган. Мана мен ҳозир урушга, мисли кўрилмаган зўр урушга кетаётибман, лекин ҳеч нарсадан хабарим йўқ, ҳеч нарсага ярамайман ҳам. Мен бироз лакмаман. Павловнанинг меҳмонлари менинг сўзимга қулоқ солиб ўтиришибди-я. Хотинимнинг жон-дили бўлган бу бемаъни суҳбат ва бу хотин-қизлар... Агар сен бу... бамаъни хотинларни, умуман, хотинлар нима эканлигини билсанг экан-а. Отам тўғри айтган экан: хотинларга дурустрок синчиклаб карасанг, уларнинг турган-битгани, худбинлик, шуҳратарастилик, калтафаҳмлик ва пасткашлиқдан иборат эканлигини кўрасан. Киборлар суҳбатида ўтирганида карасанг, худди бир нима бордай кўринади-ю, ҳақиқатда эса ҳеч нарса йўқ. Ҳеч нарса, ҳеч нарса. Хотин олма, олма, азиз дўстим! – деб князь Андрей сўзини тамом қилди.

– Сиз ўзингизни истеъодсиз ва ҳаётингизни барбод бўлган ҳаёт десангиз, кишининг кулгиси қистайди, – деди Пьер. – Ҳали ўн гулингиздан бир гулингиз очилгани йўқ. Сиз ҳали...

Пьер «сиз ҳали» деди-ю, у ёгини айтмаган бўлса ҳам, дўстини жуда қадрлаши ва келажакда ундан кўп нарсалар умидвор эканлиги сўз оҳангидан билиниб турад эди, «Нечук

у шундай дейди?» – деб ўйларди Пьер. Пьер князь Андрейни шунинг учун ҳам ҳар жиҳатдан баркамол кишиларнинг намунаси хисоблар эдики, князь Андрей Пьерда бўлмаган ва ирода кучи маъноси билан ифодалаш кўпроқ мумкин бўлган ҳамма хислатларни ўзида аъло даражада бирлаштирган эди. Пьер ҳамма вақт князь Андрейнинг ҳар хил кишилар билан осойишта муомала кила олиш қобилиятига, унинг никоятда зўр ҳофизасига, билимдонлигига (у ўқимаган китоб, у билмаган нарса йўқ, ҳар тўғрида маълумоти бор эди) ва ҳаммадан кўра унинг ишлаш, ҳам ўрганиш қобилиятига ҳайрон колар эди. Андрейда хаёл суриб файласуфлик килиш қобилияти йўклигига Пьер кўпинча таажжубланса-да, (Пьер ўзи шунга мойил эди), буни ҳам нуқсон эмас, балки ирода кучи деб билар эди. Фиддиракка мой керак бўлгандай, оддий ва дўстона муносабатларда ҳам таърифлаш ёки макташ зарур бўлади.

– Мен тамом бўлган одамман, – деди князь Андрей бироз жим қолганидан сўнг ўзига тасалли берувчи фикрларидан табассум килиб. – Менинг тўғримда гапириб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Кел, сен тўғрингда гаплашайлик.

– Менинг тўғримда нимани ҳам гаплашамиз? – деди Пьер оғзининг таноби қочиб. – Мен нима ўзим?

– Никоҳсиз туғилган ўғилман! – деди ва бирдан кипкизариб кетди. Бу сўзни зўрға айтганлиги кўриниб турар эди. – На унвоним бор, на бойлигим..... Ростини айтсан... – деди-ю, лекин рости нима эканини айтмади. – Ҳозирча менинг бошим очик, эркинман, менга шунинг ўзи кифоя. Факат қанақа ишни ихтиёр қилишимни билмайман. Шу тўғрида сиз билан дурустрок маслаҳат қилмоқчи эдим.

Князь Андрей унга меҳрибонлик билан назар ташлади. Лекин унинг дўстона ва меҳрибонона нигоҳида, ҳар қалай, ўзини Пьердан юкорирок хис килганлиги кўриниб турар эди.

– Бизнинг киборлар доирасида якка-ю ягона тетик одам сенсан, сени шунинг учун ҳам қадрлайман. Ошиғинг олчи. Нима ишни хоҳласанг, шуни қиласавер, барибир. Ҳар қаерга борсанг, ишинг жойида бўлади, фақат бир нарсани айтиб

күй: Курагинларниң боришиңгни күй, бас қил бунака ишларни. Бунақа ишлар, айш-ишратлар, чапаниликлар, бошқа шу сингарилар... сенга сира келишмайды.

– Қандоқ килай, дүстүм, – деди Пьер елкасинан учиреб, – Хотин-қызылар бўлса-ю!

– ...Тушунолмайман, – деди Андрей. – дуруст хотинлар бўлса-ку, бошқа гап эди, лекин Курагин топган хотинлар, яна ўша хотинлар билан майхўрлик – тушуна олмайман.

Пьер князь Василий Курагинниңда туриб, унинг ўғли Анатолнинг бузукчиликларига қатнашар эди; бу, ота-онаси уни шу йўлдан чиқариш учун князь Андрейнинг опасига уйлантиромокчи бўлган ўша Анатоль эди.

Пьер худди бошига жуда яхши фикр келиб қолгандай:

– Биласизми, – деди, – мен шу хақда аллақачондан бери ўйлар эдим. Бу юриш-туришда бирор карорга ҳам кела олмайман, тузуккина ўйлай олмайман ҳам. Бош оғрийди, пул йўқ. Бугун ҳам Анатоль мени келгин, деган эди, бормайман энди.

– Бундан кейин бормайман деб сўз берасанми?

– Сўз бераман – бормайман дедим, бормайман!

Пьер дўстининг уйидан чиққанида кечаси соат бирдан ўтган эди. Петербургнинг июнь кечаси, ойдин кеча эди. Пьер уйига кетмоқчи бўлиб извошга тушди. У уйига яқинлашган сайин тундан кўра оқшом ёки тонготарга ўхшаган бу кечада ухлаш мумкин эмаслигини сезиб борар эди. Кўчалар бўмбўш, ойдин бўлганидан узоқдаги йилт этган нур ҳам кўриниб турар эди. Йўлда Пьер, Анатоль Курагиннинг уйига бутун кечкурун ҳам одатдагича картабоз жўралар тўпланишини, картабозлиқдан кейин ичкилик бўлиб, улфатчилик у яхши кўрадиган хурсандчилик билан тамом бўлишини хотирлади.

«Курагинниң борсам, яхши бўлар эди-я», – деб ўйлади у. Лекин князь Андрейга минбаъд Курагинниң бормасликка сўз бергани ёдига тушди.

Лекин Курагинниң шу қадар боргиси, у ерда ўзига маълум фиск-у. фужурнинг гаштини яна бир марта сургиси келдики, дарҳол ҳамма субутсиз кишилардек, лафзидан

кайтди ва боришга жазм қилди. Дархол, князь Андрейга берган сўзимнинг аҳамияти йўқ, чунки ундан илгарироқ ҳамма вақт келиб турман, деб князь Анатолга ҳам сўз берган эдим, деб ўйлади: ниҳоят, «эртага, масалан, ўлиб қолсам ёинки бирон фалокатга дучор бўлсан, у вақтда на субут ва на лафз қолишини ўйлаганда, лафз деган нарса ҳеч қандай муайян маъноси бўлмаган шунчаки бир гап» деган фикрни хаёлидан кечирди. Унинг ҳамма қарорларини, тахминларини барбод киладиган бу хилдаги фикрлар Пъернинг бошига кўп келар эди. У Курагиннинг уйига қараб кетди.

Пъер отлик гвардия казармалари¹ ёнидаги катта иморатнинг олдига келиб тушди, чироқ ёкиб қўйилган зинадан юқорига чиқди ва очиқ турган эшикдан ичкарига кирди. Даҳлизда ҳеч ким йўқ экан: бу ерда шишалар, плашлар, калишлар тартибсиз ётар, вино ҳиди келар эди; ичкаридан ғала-ғовур ва шовқин эшитилар эди.

Карта ўйини билан кечки овқат аллақачон тамом бўлган, лекин меҳмонлар ҳали тарқалмаган эди. Пъер плашини ечиб ташлади-да, биринчи уйга кирди. Бу ерда кечки овқатдан қолган сарқитлар бўлиб, бир лакей, ҳеч ким кўрмайди деб, стаканларда қолган виноларни култ-култ ичарди. Учинчи уйдан шов-шув, қаҳқаҳа, таниш кишиларнинг кичкириги ва айикнинг бўкирган товуши эшитилар эди. Очиқ турган дераза ёнида саккизтacha йигит нима биландир овора эди. Булардан учтаси айик боласи билан овора бўлиб, бири унинг занжиридан етаклаб, иккинчиси кўркитар эди.

- Мен Стивенс томонидан юз сўм тикдим! – деб кичкириди бири.
- Кўллаш йўқ! – деб қичкириди иккинчиси.
- Мен Долохов билан бир тан! Ажрим кил, Курагин! – деб қичкириди учинчиси.
- Айикни кўйинглар, бу ерда гаров бойлашаётиди.
- Бир кўтаришда ичасан, ича олмасанг – ютқизганинг, – деб қичкириди тўртинчиси.

¹ Казарма (*италиянча: caserma* – уйча, кулба) – 1) харбий кисм жойлаштириладиган махсус бино (бу ерда шу маънода); 2) Чор Россиясида, хозирги айрим хорижий мамлакатларда ишчиларнинг фабрика-корхона кошидаги умумий ётокхонаси.

Кўкраги очик юпқа кўйлак кийиб, ўртада турган новча,
чиройли уй эгаси Курагин хай-хай солди:

– Яков! Ҳай Яков! Шишани узат! Шошманлар, жаноб-
лар. Мана азиз дўстим Петруша келди, – деди Пьерга
ўтирилиб.

Ўрта бўйли, тиник кўк кўзли мастрлар орасида ўзини
жуда тетик тутиб турган киши дераза ёнида туриб:

– Бу ёққа кел, ажрим қил! – деб кичкирди. У Семёнов
полклининг¹ офицери бўлиб, картабозлиги ва жizzакилиги
 билан машҳур бўлган Анатоль билан бирга истиқомат қила-
ётган Долохов эди. Пьер атрофга қувноқ назар ташлаб,
кулимсиради.

– Тушуна олмайман. Ўзи нима гап? – деди у.

– Шошманлар, бу ҳали маст эмас. Шишани бу ёққа бер,
– деди Анатоль ва столдан стакан олиб, Пьернинг ёнига
келди.

– Аввал ичиб ол.

Пьер устма-уст иchar экан, яна дераза олдига тўпланган
мехмонларга ер остидан карап ва уларнинг ғала-ғовурига
кулоқ солар эди. Анатоль унга вино куйиб бера туриб,
вокеани тушунтириди: Долохов учинчи қаватдаги уйнинг
деразасидан оёқларини кўчага осилтириб ўтириб бир шиша
ромни ичиш ҳақида ана у инглиз денгизчиси Стивенс билан
гаров бойлашаётиби.

– Ич, оппоқ ич! – деди Анатоль Пьерга қолган винони
куйиб бериб, – ичмагунингча қўймайман!

Пьер Анатолни итариб:

– Бўлди, ичмайман, – деди-да, дераза олдига борди.

Долохов инглизнинг кўлидан ушлаганича, кўпроқ

Пьер билан Анатолга қараб, гаровнинг шартини писан-
да килар эди.

Долохов ўрта бўйли, соchlари жингалак, кўзлари тиник
кўк, йигирма беш ёшлардаги бир йигит эди. У, ҳамма пиёда
аскар офицерларидек мўйлов қўйган эмас, шунинг учун унга

¹ Полк (русча; бир гала, тўп (киз); оломон; қўшин) – одатда дивизия ёки бригада
таркибига кирадиган ва бир неча батальон ва ротадан ташкил топган ҳарбий кисм.

айрим қиёфа берадиган оғзи яққол кўриниб турар эди. Унинг лаблари ниҳоятда чиройли эди. Юкори лабининг ўртаси пастга қараб тикка тушган бўлиб, икки томони худди ҳамиша кулиб тургандай: бунинг ҳаммаси, хусусан, ўткир, қаттиқ тикилиб, маъноли бокишига қўшилгандай, бу одам кишининг дикқатини жалб қилмай қўймайди, деган бир таассурот қолдирап эди. Долохов унча давлатли бўлмаган ва катта одамлардан таниш-билиш орттиргаган бир киши эди. Анатоль ўн мингларча пул сарф килишига қарамай, Долохов у билан бирга туриб ўзини шундай ўрнига қўйган эдики, буларни билган бошқа кишилар Анатолдан кўра Долоховни кўпроқ иззат килар эди. Долохов ҳар канака ўйинни билар ва ҳамма вакт ютар эди. У қанча кўп ичкилик ичмасин, ҳеч качон ўзини йўқотмасди. Ана шу вактларда Курагин ҳам, Долохов ҳам Петербургдаги бебошлар ва ишратпарастлар оламида ном чикаришган эди.

Бир шиша май олиб келинди. Теваракда тўпланиб турган бойваччаларнинг «ундай қил, бундай қил» деган ҳайкирикларидан гангидан шошиб колган икки лакей деразанинг кўча томонига ўтиргани халал бераётган ромни бузишмоқда эди.

Анатоль ғолибона бир алпозда дераза ёнига келди. У бирон нарсани синдиригиси келар эди. Лакейларни нарига туртиб юбориб, ромни тортди, лекин ром кимирламади. Ойналарни уриб синдириди.

– Қани, кучингни кўрсат! – деди у Пьерга қараб. Пьер деразанинг юкорисини ушлаб бир тортган эди, эман ёғочидан ясалган ромнинг бир жойи синди, бир жойи кўчиб чиқди.

– Ромни йўқот, одамлар ромни ушлаб ўтирибди дейишмасин яна, – деди Долохов.

– Инглиз мақтанияпти... а? Яхши деяпсанми? – деди Анатоль.

Пьер бир шиша майни олиб дераза ёнига келган Долоховга қараб:

– Яхши, – деди.

Деразадан тонг билан оқшом шафаги қўшилиб кетган

ёруғ осмон күрениб турар эди.

Долохов қўлида бир шиша ромни ушлаб, сақраб дераза-га чиқди. У дераза тубида тикка турган ҳолда, уйдагиларга қараб:

– Менга қаранглар! – деб кичкирди. Ҳамма жим қолди.
– Мен гаров бойлашдим (инглиз ҳам тушуниши учун, гарчи яхши билмаса ҳам, французча гапиради), мен эллик империалдан¹ гаров бойлашдим, истасангиз, юз империалдан гаров бойлашасиз, – деб инглизга мурожаат қилди.

– Йўқ, эллик империалдан, – деди инглиз.

– Хўп, эллик империалдан бўлсин. Шарт шу: мен бир шиша ромни деразанинг у томонида ўтириб (у деразанинг кўча томонидаги нишаб тубини кўрсатди) ҳеч нарсани ушламасдан, шишани оғзимдан олмасдан бир кўтаришда ичаман... Шундоқми?

– Жуда яхши, – деди инглиз.

Анатоль инглизга ўтирилди-да, унинг фраки² тутмаси-дан ушлаб, энгашиб қаради (инглиз пакана эди) ва гаровнинг шартини инглизчасига такрорлади.

Долохов бошқаларнинг дикқатини ўзига жалб қилиш учун шиша билан деразани тиқиллатиб:

– Тўхта, тўхта, Курагин! Менга қаранглар! Кимки мен килган ишни қилса, мен унга юз империал тўлайман. Билди-ларингми? – деди.

Инглиз бош чайқади, лекин бундан унинг янги гаровга рози ё норози эканини билиб бўлмас эди. У Долоховнинг сўзини тушунганлигига ишора қилиб бош иргатса ҳам, Анатоль уни кўйиб юбормас ва Долоховнинг сўзини инглиз-ча таржима қилиб берар эди. Бу кеча карта ўйинида ютқазган ёш ва ориққина бола – лейб-гусар³ деразага чиқди-да, бошини чиқариб, тош йўлга қарап экан:

¹ Империал (лотинча) – Россия империяси томонидан 1755-1805- ва 1885-1917-йиллар зарб этилган олтин танга.

² Фрак (французча) – олд қисми калта қилиб ўйилган, узун орқа этагининг кўйи қисми иккига ажралган, тантаналарда кийиладиган эркаклар кийими, костюм.

³ Гусар (венгерча: huszar) – Чор Россиясида ва айрим Европа мамлакатларида: енгил куролланган отлик аскар.

– У-ху! – деди чўзиб.

– Ростлан! – деб қичқирди Долохов ва офицерни деразадан итариб юборди: офицер деразадан сакраб уйга тушганида, шпори¹ илиниб, йиқилиб кетаёзди.

Долохов шишани қўли етадиган жойга қўйиб, ўзи секин деразага чиқди. Оёқларини кўча томонга осилтирди, иккала қўли билан деразанинг икки томонини ушлаб туриб, дуруст-роқ ўрнашиб олди-да, қўлларини қўйиб юбориб, ўнгга ва сўлга сал силжигандан кейин шишани олди. Тонг ёришиб қолган бўлса ҳам, Анатоль иккита шам келтириб дераза токчасига қўйди. Оқ қўйлак кийган Долоховнинг орқасини ва жингалак сочини икки томондаги шам ёритиб турар эди. Ҳамма дераза олдига тўпланди. Инглиз энг олдинда турар эди. Пьер табассум килиб, индамасдан турарди. Бошқаларга караганда ёши каттарок бир йигит кўркиб ва жаҳл билан тўсатдан олдинга интилди-да, Долоховнинг кўйлагидан тутмоқчи бўлди.

– Жаноблар, бу аҳмоклик-ку, йиқилиб кетгудай бўлса чилпарчин бўлади ахир, – деди бу хушлироқ йигит.

Анатоль уни тўхтатди.

– Тегма, юрагига вахима соласан-да, йиқилиб ўлади... Унда нима бўлади?.. А?..

Долохов ўзини ўнглаб, дераза токчасига яна қўлини тираб орқасига қаради. У ғижинган ҳолда:

– Агар яна бирон киши яқинимга келадиган бўлса, деразадан улоқтириб ташлайман. Қани! – деди.

У «Қани!» – деди-ю, яна бурилиб қўлларини қўйиб юборди ва шишани олиб бошини орқага ташлаган ва мувозанат сақлаш учун бир қўлини орқага узатгани ҳолда шишани оғзига олиб борди. Ойна синиқларини йигишириро бошлаган лакей энгашганича деразада ўтирган Долоховга караб қотиб қолди. Анатоль бакрайганича тикка турар эди. Инглиз лабларини чўччайтириб ёнбошдан қараб турар эди. Долоховни бу ишдан қайтартмокчи бўлган ҳалиги йигит уйнинг бир бурчига борди-да, юзини тескари ўтириб, диванга

¹ Шпор – отликлар этигининг пошнасига такиладиган темир тепки.

ётиб олди. Пьер юзини беркитди, унинг юзидағи табассум энди ваҳима ва даҳшатни ифода қилса ҳам, ҳануз юзидан ажралмас эди. Жимлик чўқди. Пьер қўлинин кўзидан олди. Долохов ҳамон ўша вазиятда ўтирас, факат боши бутун орқага эгилиб кўнғир сочлари кўйлагининг ёқасига тегиб турар, шиша ушлаган кўли эса титраб-калтираб, борган сари юкори кўтарилар эди. Шиша бўшаётган бўлса керакки, оғзи пастга эгилиб, таги юкорига кўтарила бошлади. Пьер ичида: «Мунча узокка чўзилди?» – деб кўйди. Унинг назарида, ярим соатдан ортиқ вақт ўтганга ўхшар эди. Долохов бирдан орқага силжимоқчи бўлди, қўллари асабий ҳолда титраб кетди: деразанинг кўча томонидаги нишаб тубидан орқага – ичкарига силжиш учун шу титрокнинг ўзи кифоя эди. У бутун гавдаси билан орқага силжиди, зўр бергандан кўллари билан боши яна ҳам қаттикрок титради. У дераза токчасидан ушламоқчи бўлиб бир қўлинин кўтарган эди-ю, бўлмади. Пьер яна кўзларини чирт юмиб, ичида: «Энди ҳеч очмайман», – деди. Бирдан атрофида шов-шув бўлаётганини сезди. Кўзини очиб қараса, кути ўчган, лекин хурсанд Долохов дераза токчасида тикка турибди:

– Мана, бўшатдим!

Долохов шишани инглизга ташлаган эди, инглиз уни абжирлик билан илиб олди. Долохов сакраб деразадан тушди. Ундан ром хиди анкир эди.

Ҳар томондан унга:

– Қотирдингиз! Бопладингиз! Гаров бойлашиш бундок бўлади! Оббо, курғур-ей! – деб қичкиришар эди.

Инглиз ёнидан ҳамёнини олиб пул санай бошлади. Долохов қовоғини солиб, индамай турар эди. Пьер иргиб деразага чиқди-да:

– Жанблар! Ким мен билан гаров бойлашади? Мен ҳам ичаман, – деди у қичкириб. – Гаров бойлашишнинг ҳам кераги йўқ. Айт, менга бир шиша ром берсин. Ичаман... Айт, берсин.

– Ичсин, ичсин, – деди Долохов кулимсираб.

Унга ҳар томондан:

– Жинни бўлдингми? Ким йўл кўяркан?

– Шотига чиқсанг, бошинг айланади-ю, – дейишарди.

Пьер кескин ва мастона бир ҳаракат билан стулга муштлаб:

– Ичаман, бер, – деди-да, деразанинг у томонига чиқди.

Уни қўлидан ушлашди, лекин Пьер шу қадар кучли эдики, яқинига келганни улоқтириб ташларди.

– Йўқ, кўйинглар, бу билан уни асло енгиб бўлмайди, – деди Анатоль, – тура туринглар, мен уни алдайман. Менга қара, мен сен билан гаров бойлашаман, лекин бугун эмас, эртага, ҳозир ҳаммамизникига борамиз.

– Майли, – деб кичқирди Пьер, – борамиз!.. Айикни ҳам олиб борамиз...

У айикни қучоклаб кўтариб олиб, уйда гир айлана бошлади.

VII

Князь Василий Анна Павловнаникода бўлган зиёфатда княгиня Друбецкаяга унинг битта-ю битта ўғли Борис тўғрисида берган ваъдасини бажо келтирди. Борис тўғрисида подшога маълум қилинди, Борис истисно тарзида гвардиячи Семёнов полкига прaporshchik¹ қилиниб ўtkазилди. Анна Михайловна шунча ҳаракат қилиб юз найранг билан у ёқ бу ёққа бўлса ҳамки Борис Кутузовга адъютантликка ёки унинг қўл остидаги бошқа бирон хизматга олинмади. Анна Павловнаникода бўлган зиёфатдан кейин кўп ўтмай, Анна Михайловна Москвага жўнаб, тўғри ўзининг бой қариндоши бўлган Ростовларникига бориб тушди. У Москвада истикомат килган чоғда ўша ерда турган, яқинда армияга олиниб, дархол гвардиячи прaporshchik қилиб тайинланган севимли ўғли Борис ҳам болалигида шу ерда тарбияланиб, неча йиллар турган эди. Гвардия ўнинчи августда Петербургдан сафарга чиқди, кийим-бош қилиш учун Москвада қолган Борис, Радзивилов йўлида унинг кетидан етиб бориши керак эди.

¹ Прaporshchik – чор армиясида кичик офицерлик узвони.

Шу куни Ростовларнида она-бала Наталяларнинг туғилган куни маросими эди. Эрталабдан бошлаб то кечгача графиня¹ Ростованинг бутун Москвага машхур бўлган Поварская кўчасидаги дангиллама уйи олдидан извош узилмай, уларни табрик қилгани келган одамларни олиб келар ва кетар эди. Графиня гўзал катта кизи билан кети узилмай келиб-кетаётган меҳмонларни меҳмонхонада кутиб ўтирад эди.

Графиня Шарқ хотинларига ўҳшаш озгин юзли, қирк беш ёшларга борган, ўн икки бола кўрган ва шунинг учун бўлса керак, хийла заиф хотин эди. Унинг заифлиги натижасида бўлган салмоқли харакати ва секин сўзлаши уни улуғвор кўрсатар ҳамда уни иззат-у хурмат килар эди. Княгиня Анна Михайловна Друбенцкая шу хонадон ахлидай меҳмонларни кутишда унга ёрдам бериб турар эди. Ёшлилар меҳмон қабул қилишга аралашибни лозим топмай, нариги хоналарда ўтиришар эди. Граф меҳмонларни кутиб олар, кузатар, ҳаммани тушки овқатга таклиф қиласди.

– Куллук, кўпдан кўп ташаккур, азизим, – дер эди (у, унвон жиҳатдан ўзидан каттами-кичикми бўлишидан қатъи назар, ҳаммага бир тарзда азизим дер эди). – Қизим билан графиня номидан ҳам ташаккур билдираман. Тушки овқатга, албатта, келсинлар. Келмасалар, хафа бўламан, азизим. Бутун оила номидан ўтиниб сўрайман. – Граф бу сўзларни кимга айтмасин, сокол-мўйлови яхшилаб кирилган, кувноқ юзидағи ифода ўзгармас, ҳамманинг ҳам қўлинини бир хилда каттиқ кисар, ҳаммага бир хилда гапириб таъзим қиласар эди. У меҳмонлардан бирини кузатгач, меҳмонхонада ўтирган эркак ёки аёл меҳмоннинг олдига келар эди: креслони суриб жонининг хузурини биладиган бир тахлитда оёқларини йигитларча кериб, кўлларини тиззасига кўйиб маъноли тебранар, баъзан русча ва баъзан, гарчи яхши билмаса ҳам, худди биладиган одамдай ишонч билан, французчасига бирордан об-ҳаво қалай бўлишини, бирордан соғлиққа оид маслаҳат-

¹ Графиня (немисча) – илк ўрта асрларда Фарбий Европадаги графликларда кирол номидан ҳокимиятни бошкарган мансабдор шахснинг хотини ёки беваси.

лар сўрар, яна чарчаган, лекин зиммасига тушган бурчни адо этишга қаттиқ бел боғлаган кишидек, тепакал бошидаги сийрак оқ сочини силаб меҳмонларни кузаттани чикар ва уларни ҳам тушликка таклиф килар эди. Даҳлиздан қайтишда баъзан гулхона билан официантлар¹ бўлмаси орқали, саксон меҳмонга дастурхон тузалаётган мармар залга кирар ва кумуш, чинни идишлар ташиётган, гулдор шойи дастурхон ёзаётган официантларни кўздан кечирар, сўнгра бутун хўжалигини бошқараётган дворян Дмитрий Васильевични чақириб:

– Яхшилаб қара, Митенька, ҳаммаси кўнгилдагидай бўлсин. Ҳа, балли, – дерди у кенг столни мамнуният билан кўздан кечириб, – ҳамма гап столларни ясатишда. Шундок бўлсин, – деб мамнунона уф тортиб яна меҳмонхонага кирар эди.

Графиняниң каретада юрадиган бир йўғон гавдали лакей мөхмонхона эшигидан кириб, йўғон товуш билан:

– Марья Львовна Карагина кизи билан келишди, – деди. Графиня ўйланиб, эрининг сурати ишланган тамакидондан тамаки олиб хидлади-да:

– Келди-кетди ҳам жонимга тегди, – деди. – Гўрга, шуни ҳам қабул қила қолай, жуда такаббур хотин. Айт, кирсин, – деди худди «биратўла ўлдира қолинглар» дегандай, ҳазин товуш билан.

Мөхмонхонага новча, семиз, кеккайган бир хоним кулиб турган кулча юзли кизи билан кўйлакларини шувуллатиб кириб келишди.

Сурилган стулларнинг товуши, кўйлакларнинг шувулаши орасида хотинларнинг бир-бирининг сўзини кесиб, қаттиқ гапираётган овози эшитилар эди.

– Аллақачондан буён кўришмадик... Графиня... бечора касал эди. Разумовскийларнинг балида ...Графиня Апраксина... жуда хурсанд бўлувдим.... Булар худди омонат ўтиргандай ва бошланган сўз салгина тўхташи биланоқ кўйлак-

¹ Официант (латинча: officians, officiantis – хизматчи, хизмат килувчи) – ресторон, кафе ва шу кабиларда хўрндаларга хизмат килувчи, улардан буюртма олиб, овқат келтириб берувчи ходим(а).

ларини шувуллатиб ўринларидан туриб: «Жуда-жуда хурсандман. Онам соғлиги... Графиня Апраксина», – деб бир-икки оғиз сўзлашгач, яна кўйлакларини шувуллатиб даҳлизга чиқадиган ва устки кийимларини кийиб жўнаб коладигандай гап бошлишди. Сўз шаҳарнинг ўша вақтдаги энг муҳим янтилиги Екатерина замонида бойлиги ва кўркамлиги билан ном чиқарган кекса граф Безуховнинг касаллиги ва унинг Анна Павловна Шерер уйида бўлган ўтиришда ўзини тута билмаган никоҳсиз туғилган ўғли Пьер ҳакида борар эди.

– Бечора графга раҳмим келади, – деди меҳмон хоним.
– Унинг соглиги ёмон эди, унинг устига ўғлининг килган ишини қаранг, бунинг аламидан энди ўлди деяверинг!

Граф Безуховни хафа килган ходисани юз марта эшитган бўлса ҳам, графиня сўз нима тўғрисида кетаётганини гўё билмагандай:

– Нима бўлибди? – деб сўради.

– Ҳозирги тарбиянинг оқибати шу-да. Яна чет элда тарбия кўрган, – деди меҳмон хоним. – Бу йигит ўз йўлига кўйиб берилган экан, энди Петербургда шундай номаъкулчиликлар килибди, полиция билан шаҳардан чиқариб юборилибди, дейишади.

– Шундоқ денг-а! – деди графиня.

– Ёмон одамлар билан улфатчилик қиласди, – деди княгиня Анна Михайловна сўзга аралашиб. – Князь Василийнинг ўғли, у, Долохов деган яна бир йигит учови катта номаъкулчилик килишибди. Иккови ҳам жазосини тортибди. Долоховни аскарликка юборишиб, Безуховнинг ўглини эса Москвага бадарға килишибди. Анатоль Курагинни отаси бир амаллаб саклаб колибди. Лекин, ҳар қалай, уни ҳам Петербургдан ҳайдаб юборишибди.

– Булар нима гуноҳ қилган экан? – деб сўради графиня.

– Учови ҳам учига чиқкан безори, айникса, Долохов дегани, – деди меҳмон хоним. – Марья Ивановна Долоховдай обрўли хотиннинг ўғли нима килибди денг? Буни қаранг-а; учови қаёқдандир бир айик топишибди-да, извошга солиб актёр қизлар олдига олиб боришибди. Буларнинг

шовқин-суронини босгани полиция келган экан, учови миршабни ушлаб айикнинг орқасига чалқанча боғлашибди-да, айикни ариққа ташлаб юборишибди. Айик, орқасида миршаб билан сувда сузуб юрган эмиш.

Граф қотиб кулар экан:

– Боплашибди, бечора миршабни, – деди.

– Вой, ғалатисиз-а, граф! Нимасига куласиз?

Бирок хотинларнинг ўзлари ҳам беихтиёр кулиб юборишиди.

– Бечора миршабни зўрга тортиб олишибди, – деди меҳмон хоним давом этиб: – граф Кирилл Владимирович Безуховнинг ўғли шунақа иш килса-я! – Уни жуда яхши тарбия кўрган, ақли, деб эшитар эдим. Мана, чет эл тарбиясининг оқибати. У қанчалик бой бўлмасин, бу ердагилардан ҳеч ким уни бу ерга йўлатмас деб ўйлайман. Менга таништироқчи бўлишган эди, мен ҳеч унамадим, кизларим бор.

– Нега бу йигит бой бўлар экан? – деди графиня кизлардан юзини пана қилиб. Қизлар эса дарҳол ўзларини ҳеч нарса эшитмаётганга солишиди. – Безуховнинг ҳамма болалари никоҳсиз туғилган-ку, ахир... Назаримда... Пьер ҳам никоҳсиз туғилган.

Мехмон хоним қўл силтади.

– Бунақа никоҳсиз туғилган болаларидан бирон йигирмата бордир.

Княгиня Анна Михайловна, кимларни танишини ва киборлар доирасидаги ҳамма ишлардан хабардор эканини кўрсатиш учун бўлса керак, гапга аралашиди:

– Гап шундаки, – деди у ҳам секин писанда килиб, – граф Кирилл Владимировичнинг обрў-эътибори маълум... Болаларининг ҳисобига ўзи ҳам етмайди, лекин Пьер унинг арзандаси эди.

– Чоли тушгур ўтган йилгина қандай кўркам эди, – деди графиня. – Бундай чиройли эркакни умримда кўрган эмас эдим.

– Ҳозир бутунлай ўзгариб кетган, – деди Анна Михайловна. – Ҳа, айтгандай, – деди давом этиб, – хотини томонидан унинг бутун мулкига меросхўр князъ Василий бўлиши

керак, лекин отаси Пьерни жуда яхши кўрар эди, уни тарбия килар ва унинг ҳакида подшога хат ёзган эди... Шундай бўлгандан кейин мабодо граф ўлса (унинг ахволи шу кадар оғирки, ҳар дақиқа ўлимини кутишади ва Петербургдан Лоррен келган) унинг катта бойлиги кимга: Князь Василийга коладими, Пьергами – ҳеч ким билмайди. Қирқ минг дехкон-у миллион-миллион пул. Буни жуда яхши биламан, чунки менга князь Василийнинг ўзи айтган. Кирилл Владимировичнинг ўзи ҳам менга тоғавачча бўлади. У ўғлим Боряни чўқинтирган ҳам, – деди гўё бунга сира ахамият бермагандай.

– Князь Василий кеча Москвага келибди, тафтиш килгани кетаётган эмиш, – деди меҳмон хоним.

– Ҳа, азизим, ҳар нарсанинг ўз вақти бор, – деди княгиня, – бу бир баҳона, аслида, Кирилл Владимировичнинг ўсаллигини эшишиб келган.

– Лекин, азизим, жуда боплашибди, – деди граф, меҳмон хоним сўзига қулоқ бермаёттанини пайқаб, кизларга қаради-да, – миршабни жуда койил қилишибди-да.

У миршаб қай ахволга тушганини кўз олдига келтириб хўп овқат еган ва, айниқса, хўп ичган кишилардек, бутун гавдасини силкитиб, йўғон товуш билан қахқаха урди. Кейин:

– Қани, тушки овқатга марҳамат қилинглар, – деди.

VIII

Жимлик чўқди. Графиня меҳмон хонимга ёқимли табасум билан қарап ва шу билан «энди туриб кета қолсанг ҳам, ҳафа бўлмайман», демоқчи эканини яширмас эди. Меҳмоннинг қизи кўйлагини тузатиб, онасига «кетамизми», дегандай қараган эдики, бирдан нариги уйдан югуриб келаётган бир неча эркак ва аёлнинг оёқ товуши, аганаб кетган стулнинг тарақлаши эшитилди: меҳмонхонага қисқа юбкасининг этагига ниманидир яшириб, ўн уч яшар киз бола югуриб кирди-да, уйнинг ўртасида тўхтаб қолди. У уйнинг ўртасига билмасдан, тасодифан билан келиб колганлиги кўриниб турар эди. Шу онда эшикда қизил ёқали талаба, гвардиячи

беркитди.

Она-боланинг бу муомаласига ҳавас билан қарашга мажбур бўлиб қолган меҳмон хоним бирон нарса дейишни лозим кўрди.

– Менга қаранг, яхши киз, – деди Наташага қараб, – бу Мими кимингиз бўлади? Қизингиз эмасми?

Меҳмон хоним уни гўдак ўрнида кўриб гаплашганлиги Наташага ёқмади. Наташа унинг сўзига жавоб бермасдан, ковоғини солиб унга бир қараб кўйди.

Бу орада ёшлар – Анна Михайловнанинг ўғли офицер Борис, графнинг катта ўғли талаба Николай, графнинг ўн беш яшар жияни Соня ва кичик ўғли Петруша меҳмонхонада ўтиришар, хурсандчилик ва шўхликларини ҳаддан ошириб юбормасликка ҳаракат қилишар эди. Булар ҳозиргина югуриб чиқорка уйда гапиришиб ўтирган гаплари бу ердаги шахар батлари, оби ҳаво ва графиня Апраксина тўгрисидаги гаплардан кўра қизикрок эканлиги кўриниб турар эди. Булар ҳар замон бир-бирларига қараб кўяр ва кулгидан ўзларини зўрга тийиб ўтиришар эди.

Икки ёш йигит – талаба билан офицер – болаликдан бирга ўсган бўлиб, иккови тенгкур ва иккови ҳам чиройли, лекин бир-бирига ўхшамас эди. Борис новча бўйли, сочи оч сариқ, юзи нозик, сипо, чиройли, Николай эса, ўрта бўй, соchlари қўнгирок, чехраси очик йигит эди. Энди мўйлови чиқаётган бўлиб, бутун юзидан қувноқлик ва гайрат акс этар эди. Николай меҳмонхонага кириши билан кизарib кетди. У худди бир нима демокчи-ю, лекин сўз тополмагандай кўринар эди. Борис эса аксинча, дарҳол сўз топиб, шу Мимини кичкина қиз болалик чоғидаёқ, бурни кўчиб тушиб кетмаган вақтида кўрганлигини, беш йил ичидаги қариб, боши ёрилганлиги хақида бамайлихотир ва ҳазиллашиб гапира кетди. Шу гапни айтиб, Наташага қаради. Наташа ундан ўтирилиб, кўзларини қисган ҳолда, товуш чиқармай кулаётган укасига қаради-да, ўзини кулгидан тиёлмай, иргиб туриб, чопкиллаганича уйдан чиқиб кетди. Борис кулмади. У онасига кулимсираб қараб:

– Сиз ҳам кетмокчи эдингиз, шекилли, ойи? – деди,

карета керакми?

– Ҳа, бор, бор, айт, каретани қўшсинглар, – деди онаси ҳам кулимсираб.

Борис эшиқдан секин чиқди-да, Наташанинг орқасидан кетди. Семиз бола, худди бирон иши чала қолгандай аччиғи келиб, уларнинг кетидан югурди.

IX

Графинянинг катта қизи (у синглисидан тўрт ёш катта бўлиб, ўзини ҳозирданоқ катта қиздай тутар эди), меҳмоннинг кизини эътиборга олмагандай меҳмонхонада ёшлардан Николай ва графнинг жияни Сонягина қолди. Соня киприклари узун, кўз қарашлари мулоим, қалин қора сочи бошига чиройли турмакланган юзи, айникса, латиф, кўл ва бўйни буғдоранг, ўзи нозик, жажжигина бир қиз эди. Равон ҳаркатлари, митти кўл-оёгининг юмшоқ ва ихчамлиги, бир қадар мулоҳазали ва оғир рафтори билан у чиройли, лекин ҳали вояга етмаган, вояга етганда жуда ажойиб мушук бўладиган мушукчани эслатар эди. У, афтидан, суҳбатга табассум билангина қатнашишни маъкул кўрар эди. Лекин тогасининг армияга кетаётган ўғлига қоп-қора киприклари орасидан жўшқин муҳаббат билан беихтиёр шундай қарардики, унинг юзидағи табассуми кўнглидагини бир лаҳза ҳам яшира олмас эди: бу мушукча, Наташа билан Борисдан ташкарига чикиши биланоқ, яна ҳам каттиқроқ иргишламоқ ва тогасининг ўғли филан хушторлик қилишни кутиб ўтирганлиги кўриниб туради.

Кекса граф меҳмон хонимга ўтирилиб, унга Николайни кўрсатар экан:

– Шунаقا гаплар, азизим, – деди, – унинг дўсти Борис офицер бўлди, Николай ҳам дўстлик туфайли ундан қолишмайман, деб ўтирибди; университетни ҳам, мен мўйсафидни ҳам ташлаб ҳарбий хизматга кетмоқчи, азизим, унга архивда иш ҳам, бошқаси ҳам тайёр эди. Мана дўстликни қаранг-а?

– деди граф савол оҳанги билан.

– Ҳа, айтгандай, уруш эълон қилинган дейишади, – деди меҳмон хоним.

– Бу гап аллақачондан бери бор, – деди граф, – яна гапириб-гапириб қўйишаверади. Мана, дўстликни қаранг-а, азизим, – деди граф яна. – Гусар бўлмоқчи. – Мехмон хоним нима дейишини билмай бош чайқаб қўйди, Николай худди бирор унга ёмон айб қўйгандай, аччиғи келиб:

– Ҳеч дўстлик туфайли эмас, ўзим ҳарбий ишни яхши кўраман, ҳеч дўстликдан эмас, – деди.

У Соня билан меҳмон қизга қаради. Иккови ҳам унинг сўзини маъқуллагандай кулимсираб турар эди.

– Бугун Павлоград гусар полкининг полковниги Шуберт тушликка келади. У таътилга келған экан. Николайни бирга олиб кетмоқчи. Қандоқ қиласай? – деди граф елкасини қисиб, ҳазиломуз. Ҳолбуки, бу иш уни қайгуга солганлиги кўриниб турар эди.

– Сизга айтдим-ку, дада, – деди Николай, – агар мени юборишин истамасангиз, бормайман, лекин шуни биламанки, ҳарбий ишдан бошқа ҳеч ишга ярамайман, мен дипломат ҳам эмасман, амалдор ҳам эмасман, кўнглимда бор нарсани яшира олмайман, – деб у гўзал ёшликка хос шўхлик билан Соня ва меҳмон қизга қўз ташлаб қўяр эди.

«Мушукча» унга тикилиб турар, ҳар чоғ мушуклик табиатини кўрсатиб, у билан ўйнашишга тайёрдай кўринар эди.

– Хўп, хўп! – деди граф, – дарров аччиғи келади... Бу Бонапарт ҳамманинг бошини айлантириди-я. Ҳамма бу поручик¹ қандоқ килиб император бўлиб қолди экан, деб ҳайрон. Майли, ҳаммага ҳам насиб қилсин, – деди граф меҳмоннинг юзидаги истеҳзоли табассумни пайқамасдан.

Катталар Бонапарт тўғрисида гаплашаркан, Карагина-нинг қизи Жюли ёш Ростовга мурожаат қилди:

– Афсуски, пайшанба куни Архаровларникида сиз йўқ эдингиз. Сиз бормадингиз, мен зерикиб қолдим, – деди мулоим табассум билан.

Николай талтайиб, ёшликка хос шўх табассум билан

¹ Поручик (полиқча) – Чор Россияси армиясида подпоручикдан юкори офицерлик увонни. Ҳозирги вақтда катта лейтенант увоннига тўғри келади.

унга яқинроқ ўтириди-да, ҳамон кулиб турган Жюли билан гаплаша кетди, лекин унинг бу ғайрихтиёрий табассуми, қизариб кетган ва рашкидан зўрма-зўраки илжайиб турган Соняниг юрагига тикон бўлиб кадалганини пайқамади. Сўз орасида Николай Соняга каради. Соня ниҳоятда ғазабланган ҳолда унга қаради-да, кўзидағи ёшни аранг тутиб ва лабидаги сохта табассумни зўрга сақлаб ўрнидан турди-ю, ташкарига чиқиб кетди. Николайнинг кайфи буткул ўзгарди. У гап сал тўхташи биланок ўрнидан турди-да, паришон ҳолда Соняни ахтаргани чиқиб кетди, Анна Павловна чиқиб кетаётган Николайни кўрсатиб:

– Бу ёшларнинг сирлари мунча ҳам юзада бўлмаса, – деб қўйди. – Тоғава аммаларининг фарзандлари хушёр бўлиши керак, – деди кейин.

Ёшлар чиқиб кетиб, қуёш нури тушиб турган эшик ёпилгандан сўнг, графиня хеч ким бермаган саволга жавоб бериб, кўнглида сақлаб юрган гапни айтди:

– Буларни шунчалик қилгунча қанча азоб, қанча ташвиш тортилди, лекин ҳозир ҳам буларни кўриб хурсанд бўлишдан кўра, кўпроқ ҳавотир тортади киши. Ҳавотирдан бошинг чикмайди. Шу ёш – киз бола учун ҳам ўғил бола учун ҳам жуда ҳавфли ёш.

– Ҳаммаси тарбияга боғлик, – деди меҳмон хоним.

– Гапингиз тўғри, – деди графиня давом этиб. – Худога шукур, ҳанузгача болаларимизнинг энг яқин дўстиман, булар мендан хеч гапни яширмайди, – деди графиня, болаларнинг ота-оналаридан яширадиган сирлари йўқ, деб нотўғри ўйладиган кўп ота-оналарнинг янгилишишини такрорлаб, – мен шуни биламанки, ҳамма вакт кизларимнинг бирини маслаҳатчиси ўзим бўламан. Николинъка ҳам минг шўх бўлмасин (бола, албатта, шўх бўлади-ю), ҳар калай, петербурглик ёшлардай бўлмайди.

Ўзи учун чигал келиб қолган масалаларни ҳамма вакт ажойиб иш дейиш билан ҳал киладиган граф:

– Ҳа, жуда, жуда ҳам ажойиб болалар; қаранг, гусар бўлмокчи, нима ҳам дейсиз, азизим! – деди.

– Кичкина қизингиз мунча ҳам ширин! – деди меҳмон

хоним. – Ут-а, ўт.

– Ҳа, ўт. – деди граф. – Менга тортган! Ҳаммадан товушни айтинг, ўз қызим бўлса ҳам, мақтаб кўйай: галати ашулачи, иккинчи Саломони бўлади. Унга ашула ўргатгани бир итальянни олдик.

– Ҳали эрта эмасми? Шу ёшда ашула ўрганиш товушга зиён килади, дейишади.

– Йўғ-е, эрта эмас! – деди граф. – Оналаримиз қанака килиб ўн икки, ўн уч ёшда эрга тегишган?

Графиня мийигида кулар экан, Бориснинг онасига қаради.

– Бу ҳам ҳозирданоқ Борисни яхши кўриб қолган! Унчамунча ҳам эмас! – деди ва кўнглида сақлаб юрган гапини очиб, давом этди. – Мен уни қаттиқ тутсам, кўз-кулок бўлиб турсам... Худо билади, улар яширикча нималар килишар эди (графиня «ўпишар эди», демокчи бўлди), ҳозир эса мен ҳар бир сўзини биламан. Кечкурунлари ўзи югуриб келиб ҳамма гапни айтиб беради. Эҳтимол, мен уни жуда эркалатиб қўяётгандирман, лекин, назаримда, шундок бўлгани яхши. Мен каттасини қаттиқ тутган эдим.

– Ҳа, мени тамом бошқача тарбия қилганлар, – деди кулимсираб, катта чиройли қизи графиня Вера.

Лекин бу табассум одатдагича Веранинг чиройини очмади: аксинча, унинг юзига гайритабиий тус кирди ва шунинг учун у совук кўринди. Вера чиройли, ақли, зехни ўткир, одобли ва хушвоноз қиз бўлиб, унинг ҳозир айтган гапи ҳам тўғри ва ўринли эди, бироқ, ажабки, меҳмон ҳоним ҳам, графиня ҳам унга худди «бу гапни нега айтди», дегандай ҳайрон бўлиб қараашди-ю, нокулай аҳволда қолищи.

– Тўнгич болага ҳамма вақт бино қўйиб, фавқулодда иш килмоқчи бўлишади, – деди меҳмон ҳоним.

– Сизга очигини айтиб қўяй, азизим! Графиня Верага бино қўйган эди, ҳа, дуруст, ҳартугул яхши қиз бўлди, – деди граф ва «балли», дегандай Верага кўз кисиб қўйди.

Меҳмонлар тушки овқатга келгани ваъда бериб жўнашди. Графиня уларни кузатар экан:

– Бу нима қилганларинг! Ўтириб эдиларинг-да! – деди.

X

Наташа мәхмөнхонадан югуриб чиқиб кетганида гулхонага кирган эди. Гулхонада түхтаб мәхмөнхонага қулоқ солди ва Бориснинг чиқишига кўз тутди. У бетоқат бўлиб, типиричилаб, Борис тезда чиқа колмагани учун йиғлай деб турган эдикি, ёш йигитнинг секин, салмоқли қадам товуши эшитилди. Наташа дарҳол гултуваклар орасига кириб беркинди.

Борис уйнинг ўртасига келиб түхтади-да, орка-олдига каради, мундирининг енгига кўнган губорни қоқди ва ойнанинг олдига келиб, чиройли юзини ойнага сола бошлади. Наташа писиб ўтирган жойида унга қарап, нима килар экан, деб кутар эди. Борис ойнанинг олдида бирпас турди-ю, жилмайиб, эшикка томон юрди. Наташа уни чакирмоқчи бўлди-ю, яна чақирмади.

– Майли, хўп қидирсин, – деди у ўз-ўзига.

Борис эшикка чиқиши биланоқ нариги эшиқдан қип-қизариб, йиги аралаш қаҳр билан алланималар деб пичирлаб Соня кирди. Наташа Соняга қарши югуриб чикмоқчи бўлиб бир интилди-ю, яна түхтаб, яна нималар бўлишини шу ерда туриб кузатмоқчи бўлди. У ўзининг бу қилмишидан завқ килиб ўтирас эди. Соня алланималар деб пичирлаб мәхмөнхона эшигига қарап эди. Эшиқдан Николай чиқди.

– Соня! Сенга нима бўлди? Одам шундай бўладими? – деди Николай унинг олдига югуриб келиб.

– Ҳеч нарса, ҳеч нарса, кўйинг! – деб Соня йиглаб юборди.

– Нима бўлганини биламан.

– Билсангиз, жуда яхши, боринг ўша қизнинг олдига.

Николай унинг қўлидан ушлар экан:

– Соня! Менга қара! Бўлмаган бир гап учун ҳам мени, ҳам ўзингни кийнашинг яхшими? – деди.

Соня қўлини тортиб олмади, лекин йигидан түхтади, Наташа кимирламасдан, нафас олмай кўзлари чақнаган ҳолда буларга қараб, «Бу ёги нима бўлар экан?» – деб ўйлар эди.

– Соня! Менга жон-у жаҳон керак эмас. Менинг жон-у жаҳоним сенсан! – деди Николай. – Мен буни сенга исбот

қиламан.

– Unaqa gaplaring menga ёкмайди.

– Хўп-хўп, гапирмайман, кечир, Соня! – деб Николай Соняни кучоқлаб ўпди.

«Вой, мунча ҳам яхши», – деди Наташа ичнда ва Соня билан Николай чикиб кетгандан кейин уларнинг кетидан чикиб, Борисни чакирди.

– Борис, бу ёққа келинг! – деди Наташа худди бир зарур иши бордай ҳийла билан. – Сизга бир гапим бор. Бу ёкка, бу ёкқа, – деди-да, Борисни гулхонага олиб кириб, ўзи яширган жойга олиб борди. Борис кулимсираганича унинг кетидан борар экан:

– Қанақа гап экан? – деб сўради.

Наташа хижолат тортиб, атрофига қаради-да, гултувакка ташлаган қўғирчоқини кўриб қўлига олди.

– Ўпинг қўғирчоқни! – деди.

Борис унинг яшнаб турган юзига дикқат билан мулоим назар ташлади-да, индамади.

– Ўпмайсизми? Ундоқ бўлса, бу ёкқа келинг, – деди Наташа, гуллар орасига кириб, қўғирчоқни ташлади-ю: – Якинрок, якинрок! – деб пичирлади. У Борисни енгидан тутди, қип-қизариб кетган юзида ҳам тантана, ҳам қўркув аломати кўринар эди.

У Бориснинг юзига кўз остидан кулимсираб қаради-да, ҳовликканидан йиглаб юборгудай бўлиб, секингина:

– Мени-чи, мени ўпмайсизми? – деди.

Борис қизариб кетди.

– Жуда ғалатисиз-а! – деди Борис ва нима қилишини билмай, нима бўлар экан, деб қизарганича қизга томон энгашди.

Наташа бирдан гултувакнинг устига ирғиб чиқди-да, ундан баландроқ бўлиб олиб, ялангоч нозик билакларини Бориснинг бўйнига солиб кучоқлади, бошини бир силкиб, сочини орқага ташлади-да, унинг қоқ лабидан ўпиб олди.

Наташа гултуваклар орасидан гулларнинг нариги томонига лип этиб ўтди ва бошини куйи солиб тўхтади.

– Наташа, – деди Борис, – ўзингиз биласизми, мен сизни

яхши кўраман, лекин...

– Мени жуда яхши кўрасизми? – деди Наташа, унинг сўзини бўлиб.

– Ҳа, жуда яхши кўраман, лекин ҳозир бунақа ишларни... Яна тўрт ийл... Ўшанда мен сиздан уйланишга розили-гингизни сўрайман.

Наташа ўйланиб қолди-да, нозик бармоклари билан санаб:

– Ўн уч, ўн тўрт, ўн беш, ўн олти... Майли. Гап шуми? – деди.

Унинг яшнаган юзида хурсандлик ва хотиржамлик нишонаси бўлган табассум пайдо бўлди.

– Гап шу! – деди Борис.

– Умрбод-а? – деди қиз, – ўла ўлгунча-я?

Наташа у билан қўл ушлашиб гул-гул очилганича бара-вар секин-секин қадам ташлаб, истироҳат бўлмасига қараб кетди.

XI

Графиня келди-кетдидан шунчалик чарчадики, ортиқ меҳмон қабул қила олмаслигини айтиб, швейцарга¹, кутлагани келган ҳамма кишиларни дастурхонга таклиф килишни буюрди. Графиня ёшлик дўсти бўлган ва Петербургдан келганидан буён дурустгина гаплаша олмаган дугонаси княгиня Анна Михайловна билан холи сухбатлашмоқчи эди. Ёқимли юzlари йигламсирагандай кўринган Анна Михайловна графинянинг креслосига яқинроқ сурилиб ўтирди.

– Мен сендан ҳеч нарсани яширмайман, – деди Анна Михайловна. – Эски дугоналардан оз қолдик. Шунинг учун мен сени энг қадрли дўстим деб биламан.

Анна Михайловна Верага бир қаради-ю, гапдан тўхтади. Графиня дугонасининг кўлинини кисиб кўйди.

– Вера, – деди графиня, афтидан, унча эрка бўлмаган катта қизига қараб. – Мунча ҳам бефаҳм бўлмасаларинг?

¹ Швейцар – машхур ресторан, меҳмонхона, музей ва бошқа шунга ўхшаш манший жойларда меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиб кўйиш учун маъсул ходим.

Нима қиласан бу ерда? Бор, укаларинг олдига ё...

Гўзал Вера, афтидан, хеч оғринмади, шекилли, кинояомуз илжайди.

– Шуни илгаририк айтганингизда, онажон, аллақачон чикиб кетар эдим, – деди-да, ўз уйига чикиб кетди.

У истироҳат бўлмаси ёнидан ўтиб кетаёттанида икки деразанинг олдида турган Наташа-ю Борис билан Соня Николайни кўрди. У тўхтаб заҳарханда қилди. Соня Николайнинг ёнида ўтирас, Николай эса биринчи марта ёзган шеърини Соняга кўчириб бермоқда эди. Иккинчи деразанинг олдида турган Наташа билан Борис Вера кириши билан жим бўлишди. Соня билан Наташа худди бир гуноҳ килгандай ва шу билан бирга мамнун бир чехра билан Верага карашди.

Бу қувноқ ошикча ва маъшуқчаларни кўрганда Веранинг кулгиси ва завки келар эди. Бироқ бу ҳол, афтидан, Верада хеч қандай ёқимли ҳис уйготмади.

– Менинг нарсамга тегманглар, деб неча марта айтдим, ўз уйларинг бор-ку, – деди-да, Вера Николайнинг олдидан сиёҳдонни йиғиштириб олди.

– Ҳозир, ҳозир, – деди Николай қаламини ботириб.

– Сизларнинг ҳамма ишларинг bemavrid, – деди Вера. – Ҳали меҳмонхонага шундай югуриб кирдиларингки, сизлар учун бошқалар уялди.

Унинг сўзи ҳак бўлганлиги учун бўлса керак, хеч ким унга гап қайтармади ва тўртови ҳам бир-бирига қарашиб олди. Вера сиёҳдонни кўтарганича уйда айланиб қолди.

– Муштдай бошларингдан Наташа-ю Борис билан яна сизларнинг ораларингда нима сир бўлар эди ҳалитдан, бўлмаган гап!

Наташа ҳимояткорона бир тарзда секин:

– Вера, сенинг нима ишинг бор? – деди.

Наташа, афтидан, бугун ҳаммага одатдагидан кўра хушмуомала ва меҳрибонроқ эди.

– Келишмаган қиликлар, – деди Вера, – сизлар учун мен уяляпман. Пичир-пичирга бало борми?

– Ҳар кимнинг ўз сири бўлади. Биз Берг икковинг билан

ишимиз йўқ-ку, – деди Наташа кизишиб.

– Албатта, ишларинг бўлмайди-да, – деди Вера, – чунки мен ҳеч ноўрин иш қилмайман. Сенинг Борисга қилган муомалаларингни аямга айтиб берай-чи, нима қилар экансан.

– Наталья Ильинична менга ҳеч ножўя муомала қилгани лари йўқ, мен ҳеч нарса дея олмайман, – деди Борис.

– Кўйинг, Борис, сиз шунаقا ҳам дипломатсизки (дипломат сўзи болалар орасида ўзлари берган айрим бир маънода кўп ишлатилар эди), одам зерикиб кетади, – деди Наташа газабланганидан товуши титраб, – нега ҳадеб менга ёпишаверади? Сен ҳеч қачон бунинг фаҳмига етмайсан, – деди Верага қараб, – чунки сен ҳеч қачон ҳеч кимни яхши кўрган эмассан: сенда кўнгил бор эканми: сен Де Жанлис хонимсан (ҳакорат ҳисобланган бу лақабни Верага Николай кўйган эди), холос, сенинг бирдан бир дилхушлигинг – бирорларнинг дилини сиёҳ қилиш. Ҳар қанча килигинг бўлса, Бергингга қилавер, бизнинг ишимиз йўқ, – деди Наташа бидирлаб.

– Ҳар қалай, мен меҳмонлар олдида йигит кетидан югуриб юрмайман...

– Хўп, бўлди, муродингта етдинг, – деди Николай, сўзга аралашиб, – сассик гапларни айтиб, ҳамманинг дилини сиёҳ килдинг. Юринглар, болалар бўлмасига чикамиз.

Тўртови, ҳуркитилган қушлар галасидай ўрнидан турди-ю, уйдан чиқиб кетишди.

– Сассик гапни менга сизлар айтдиларинг, мен ҳеч кимга ҳеч нарса деганим йўқ, – деди Вера.

Эшик оркасидан уларнинг кулиб:

– Де Жанлис хоним! Де Жанлис хоним! – деган товушлари эшитилди.

Ҳамманинг ғашига тегадиган ва ёқимсиз гапларни айтган гўзал Вера жилмайди-да, улардан эшитган гаплари, афтидан, таъсир қилмади, шекилли, ойна олдига бориб шарфини, сочини тузатди; чиройли юзини кўргач, афтидан, яна ҳам ҳовури босилиб, хотиржам бўлди.

Меҳмонхонада сухбат давом этар эди.

– Эх, азизим, – деди графиня, – менинг ҳаётимнинг ҳам ҳаммаси гул эмас. Наҳотки шу хилда ҳаёт кечирганимизда бойлигимиз узокқа етмаслигини билмасам! Бу клуб ҳам, эримнинг меҳрибонлиги ҳам. Қишлоқда турсак ҳам, дам оляпмиз дейсанми? Театр, ов, яна нима балолар. Менинг тўғримда гапиришнинг ҳожати борми? Сен қандай қилиб шу ишларнинг уддасидан чиқдинг? Мен кўпинча сенга ҳайрон коламан, Аннетта, сен шу ёшга кириб ўзинг якка аравада юрасан, Москвага, Петербургта борнб, ҳамма министрларга, ҳамма аъёнларга учрайсан, ҳаммаси билан муомала кила оласан. Ҳайрон коламан! Шуларнинг ҳаммаснга қандай улгурасан? Мен бунақа ишларнинг ҳеч уддасидан чиқмайман.

– Ох, жигарим! – деди княгиня Анна Михайловна.

– Битта-ю битта севган ўғлинг билан бева-ю беҳимоя қолишни худо ҳеч кимнинг бошига солмасин. Бошингга тушгандан кейин ҳаммасига ўрганасан, – деди княгиня Анна Михайловна бир қадар ифтихор билан. – Бошига тушган ишнинг ўзи йўл кўрсатди. Улуғлардан биронтасини кўриш керак бўлса, мен «фалон княгиня фалончини кўрмоқ истайди», деб хат ёзаман-у, тўғри боравераман. Извошга тушман-у, икки марта, уч марта, тўрт марта, ишқилиб, то ишим битгунча қатнайвераман. Менинг тўғримда одамлар нима деб ўйласа, ўйлайверсин, менга барибири.

– Хўш, Боря тўғрисида кимга илтимос қилдинг? – деб сўради графиня. – Борисинг аллақачон гвардиячи офицер бўлди, Николушка эса юнкер¹ бўлиб кетяпти. Ҳаракат қилдай ҳеч кими йўқ. Сен кимга илтимос қилдинг?

– Князь Василийга илтимос қилдим. У жуда меҳрибончилик қилди. Дарров рози бўлиб, подшо ҳазратларига маълум қилди, – деди Анна Михайловна хурсанд бўлиб ва бу мақсадга эришиш учун кўрган барча хўрликларини бутунлай унутиб.

¹ Юнкер (немисча: Junker – иирик ер эгаси) – 1) феодал Пруссияда иирик ер эгаси, дворян; умуман, немис помешчиги; 2) Чор Россиясида офицерлар тайёрлайдиган ҳарбий ўкув юртининг ўкувчиси; 3) XIX асрнинг 60-йилларигача Россияда маълум муддат ҳарбий хизмат қилиб, имтихон топширгандан кейин офицер узвонини олиш ҳукукига эга бўлган дворян боласи.

– Князь Василий қариб қолибдими? – деди графиня. – Мен уни Румянцевларницида бўлган театрларимизда кўрганимча бошқа учратганим йўқ. Мени эсдан чиқарган бўлса керак, деб ўйлайман. Менинг кетимдан юрган эди бир вақтлар, – деди графиня табассум билан ўша вақтларни эслаб.

– Ҳамон ўша, – деди Анна Михайловна, – ҳамон илтифотли, шириңсўз. Мартаба уни айнитмабди. «Афсуски, сизга қиласидиган хизматим арзирли эмас, азизим княгиня, буюраверинг», дейди менга. Яхши, жудаям яхши одам. Ниҳоятда меҳрибон. Биласанки, Наталья, мен ўғлимни канчалик яхши кўраман. Унинг бахти учун нималар килмас эдим. Лекин шароитим шу қадар ёмон, – деди Анна Михайловна маъюслик билан товушини пасайтириб, – шу қадар ёмонки, ҳозир ҳеч айтиб бўлмайдиган бир аҳволга тушиб колганман. Ўша қуриб кеткур судли ишимга бутун топган-тутганим кетди-ю, лекин натижа йўқ. Биласанми, баъзан бир тийинсиз қоламан, Борисга қандай уст-бош қилиб беришни билмайман, – деди-да, княгиня рўмолчасини олиб йиглади. – Менга беш юз сўм пул керак, лекин қўлимда битта йигирма беш сўмлик коғоздан бошқа ҳеч нарса йўқ Ана шу аҳволдаман... Энди бирдан бир умидим граф Кирилл Владимирович Безуховдан. Агар у отахонлик қилиб (Борисни у чўқинтирган-ку) қўлламаса, Боряга бирон нарса тайин қилмаса, бутун харакатларим бекорга кетади: Боряга кийим қилиб беролмайман.

Графиня кўз ёши килди ва ниманидир ўйлаб жим қолди.

– Гарчи бундай хаёлларга бориш гуноҳ бўлса ҳам, – деди княгиня, – мен кўпинча шуни ўйлайман: мана, дейман, граф Кирилл Владимирович Безухов ўзи якка... Қанча мол-у дунёси бор... Нима учун дунёда турибди, унга дунёда туришнинг ўзи бир оғир юк-ку! Боря эса энди кўз очиб дунёни кўряпти. У Борисга бирон мерос қолдирап, дейман, – деди графиня.

– Худо билади, дўстим! Бу бойлар, тўралар шунаقا ҳам худбинки. Лекин мен, ҳар қалай, ҳозир Борисни олиб, тўғри олдига бораман-да, бор гапни айтаман. Ўғлимнинг ҳаётмамоти шунга boglik бўлгандан кейин одамлар менинг тўғ-

римда нима деса деяверсин, менга барибир, – деди княгиня ўрнидан туриб. – Хозир соат икки бўлди. Тушлигинглар соат тўртда тайёр бўлади. Унгача бориб келаман.

Вақтдан тўғри фойдалана оладиган, тадбиркор Петербург хонимларидан бўлган Анна Михайловна ўғлини чакиртириб, у билан бирга даҳлизга чиқди.

– Яхши кол, жигарим, – деди кузатиб чиккан графиняга, – худо дегинки, ишим ўнгидан келсин, – деди ўғлидан яширикча шивирлаб.

– Граф Кирилл Владимировичнигига бораётибсизми, азизам? – деди граф ҳам ошхонадан даҳлизга чикиб. – Агар граф дурустрок бўлса, Пьерга айтингки, бизникига тушки овқатга келсин. У бизникига келиб болалар билан ўйин килиб юради. Албатта, айтинг, азизам. Қани, қўрамиз, бугун Тарас канака хунар кўрсатар экан. Бугун бизнигда бўладиган тушлик граф Орловнигда ҳам ҳеч қачон бўлган эмас, – деди.


XII

Она-бала тушиб келган графиня Ростованинг каретаси похол тўшалган кўчадан ўтиб, граф Кирилл Владимирович Безуховнинг ҳовлисига кирганда, Анна Михайловна эски салоннинг тагидан қўлини чиқариб, хушомадомуз меҳрибонлик билан ўғлининг қўлини секин босди-да:

– Дўстим Боренька, – деди, – яхшилаб қўришгин, холаҳвол сўрагин. Граф Кирилл Владимирович, ҳар қалай, сенинг чўқинтирган отанг бўлади, сенинг келажагинг шу кишига боғлиқ. Эсингдан чикарма, дўстим, қўлингдан келганча яхшилаб қўриш...

– Агар бу ишдан хўрлиқдан бошқа бирон нарса чикишини билганимда эди... – деди ўғли совуққина. – Лекин сизга ваъда берганим учунгина киламан.

Швейцар эшик олдида кимнингдир каретаси турганига қарамай (швейцар орқали ичкаридан ижозат сўрамай тўғри икки томони ойнакорлик жавонлар ва булар орасига ҳайкаллар кўйилган йўлакка кирган) она-болага бошдан оёқ разм солиб, эски салонга дикқат билан қаради-да, ким керак –



княжналарми ёки графми, деб сўради ва граф керак эканлигини билиб, граф жаноблари бугун оғиррок, шунинг учун хеч кимни қабул қилмайдilar, – деди.

– Қайтиб кетаверсак ҳам, бўлади, – деди Борис французчалаб.

– Жигарбандим – деди онаси ялинган товуш билан яна ўғлининг кўлини ушлаб, худди бу ушлаши ўғлига тасалли берадиган ёки унинг гашига тегадигандай.

Борис индамади, шинелини¹ ечмасдан онасига савол назари билан қаради. Анна Михайловна швейцарға қараб, майнин товуш билан:

– Иним, – деди, – мен граф Кирилл Владимирович каттиқ бетоб эканликларини биламан... шунинг учун ҳам келган эдим... Мен қариндошлари бўламан... Мен у кишини безовта қилмайман, иним... Мен князъ Василий Сергеевични кўрсам бас, у киши шу ерга тушганлар. Кириб айт.

Швейцар қовоғини солиб, қўнғирокнинг ипини тортдида, ичкарига томон ўтирилган ва юқоридан чопиб тушиб, зинанинг муюлишидан қараб турган, пайпок, бошмоқ ва фрак кийган официантга:

– Княгиня Друбецкая князъ Василий Сергеевичнинг хузурларига кирмоқчилаr, – деб қичқирди.

Анна Михайловна девордаги катта Венеция ойнасига қараб, бўялган шохи кўйлагининг бурмаларини тузатди-да, зинага тўшалган гиламдан эски бошмоқлари билан шахдам қадам ташлаб, юқорига чиқиб кетди.

У яна кўл теккизиши билан ўғлининг гашига тегиб:

– Дўстим, менга сўз бергансан, – деди.

Ўғли ерга караганича, унинг кетидан жимгина борар эди.

Улар залга киришди, бундаги эшиклардан бири князъ Василийга ажратилган уйнинг эшиги эди.

Она-бала уйнинг ўртасига келиб, олдиларидан югуриб чиқиб қолган кекса официантдан йўл сўрамоқчи бўлиш-

¹ Шинель (русача < французча: chenille – эркакларнинг тонгти кийими, костюми) – маҳсус матодан тикиладиган, маҳсус бичимдаги пальто.

ганда, эшиклардан бирининг мис туткичи буралди ва ундан енгил бархит пўстин кийиб, битта юлдуз таккан князь Василий чиройли ва қора соч бир эркак кишини кузатиб чиқди. Бу одам петербурглик машхур доктор Лоррен эди.

– Ростини айтдингизми?, – деди князь.

– Князь, инсонлар орасида янгишмайдиган йўқ... – деб жавоб берди доктор, лотин сўзларини французча талафуз билан айтиб.

– Яхши, яхши.....

Князь Василий ўғли билан келган Анна Михайловнага кўзи тушгач, докторни бош эгиб кузатди ва индамай, лекин савол назари билан қараганича уларнинг олдига келди. Борис онасининг кўзларида тўсатдан пайдо бўлган маъюслик аломатини пайқаб, жилмайиб кўйди.

– Оҳ, буни қаранг-а, князь, қандай оғир кунларда сиз билан кўришишга тўғри келди-я... Азиз беморимизнинг ахволлари қалай? – деди Анна Михайловна, худди князь Василийнинг совуқ, тахкиромуз тикилиб қараб турганлигини пайқамагандай.

Князь Василий, аввало, унга, сўнгра Борисга ҳайрон бўлиб, ҳатто тушунолмагандай назар ташлади. Борис одоб билан таъзим килди. Князь Василий унинг саломига жавоб бермасдан, Анна Михайловнага ўтирилди ва унинг саволига, бош ва лаб ҳаракати билан «бемордан умид йўқ» деган маънода жавоб берди.

– Наҳотки? – деди Анна Михайловна вахима билан. – Вой, шўрим курсин! Худо кўрсатмасин... Бу менинг ўғлим, – деб тушунтириди Борисни кўрсатиб. – Сизга ўзи миннатдорчилик билдиргани келди.

Борис яна бир марта одоб билан таъзим килди.

– Бизга қилган бу яхшилигингизни, князь, хеч қачон унутмайман, ишонинг.

– Сизга яхшилик кила олганимдан хурсандман, азизим Анна Михайловна, – деди князь Василий ёқасини тузатиб. У ҳар бир ҳаракати ва сўз оҳанги билан бу ерда, яъни Москва да, ҳимояси остида бўлган Анна Михайловна олдида ўзини Петербургда Анна Шерерницида бўлган сұхбатдагидан ҳам

ортиқроқ тақаббур тутар эди.

– Яхши хизмат қилишга ва унвонингизга муносиб бўлишга ҳаракат қилинг, – деди у Борисга жеркиброқ муомала қилиб. – Хурсандман... Сиз бу ерда таътилда юрибсизми?

Борис князнинг жеркиброқ гапирганига хафа ҳам бўлмасдан, у билан гаплашгани ҳоҳиш ҳам кўрсатмасдан:

– Бошқа жойга тайин қилинган эдим, жўнагани буйруқ кутиб турибман, жаноблари, – деди. Лекин бу гапни шундай осойишта ва одоб билан айтдики, князъ Василий унга тикилиб каради.

– Волидангизникида турибсизми?

– Мен графиня Ростованинида турибман, – деди Борис ва яна «жаноблари» сўзини кўшиб кўйди.

– Бу ўша Наталъя Шиншинага уйланган Илья Ростов, – деди Анна Михайловна.

– Биламан, биламан, – деди князъ Василий, бир қиёмдаги товуши билан. – Мен ҳеч тушуна олмадим: Наталъя қандоқ қилиб шу ифлос айикқа тегди экан? Мутлақо фаҳм-у фаросати йўқ, ғалати бир одам. Бунинг устига қиморбоз ҳам дейишади..

– Лекин яхши одам, князъ, – деди Анна Михайловна маъюс табассум қилиб, худди граф Ростовнинг шундай фикрга сазовор эканини билиб, чол бечоранинг гуноҳини тилаётгандай.

Княгиня бироз жим колди-ю, худди ҳозир йиглаганга ўхшаган юзида зўр қайгу кўрсатиб:

– Докторлар нима дейишади? – деди.

– Унча умид йўқ, – деди князъ.

– Менга ва Борисга қилган яхшиликлари учун граф тоғамга яна бир марта миннатдорчиллик билдирамсам деган эдима. У бунинг чўқинтирган отаси, – деди, худди бу гапни эшитиб. князъ Василий ҳаддан зиёда хурсанд бўладигандай.

Князъ Василий ўйлаб туриб афтини буриштириди. Анна Михайловна билдики, князъ Василий унинг граф Безухов ёзган васиятномага шерик бўлиб чиқишидан ҳадиксираётибди, шунинг учун уни хотиржам қилишга шошилди.

– Агар менинг граф тоғамга муҳаббатим, садоқатим

бўлмаганда эди, мен уни яхши биламан, олижаноб, оққўнгил одам, лекин хозир унинг ёнида факат княжналар бор, холос. Улар ҳали ўшлар, – деди княгиня, худди графни ўзига жуда яқин тутгандай бошини куйи солиб, пичирлаб сўради: – охират қарзини адо қилдимикан, князъ? Охирги дамлар ганимат-а. Бундан ёмони йўқ, агар ўсал бўлса, уни шунга тайёр килиш керак. Биз, хотинлар, князъ, бунака нарсаларни қандоқ айтишни биламиз. Мен кириб кўришим зарур эди. Бу менинг учун қанчалик оғир бўлса ҳам, майли, азоб-укубат чекишга ўрганиб қолганман.

Князъ, афтидан, Анна Шерернинг уйидаги сингари бу ерда ҳам Анна Михайловнадан осонликча кутула олмаслигига кўзи етди.

– Сизнинг киришингиз унча зарап килмайди-ку-я, азизам Анна Михайловна, – деди князъ. – Сабр килайлик, докторлар кечгача аҳвол маълум бўлади, дейишган эди.

– Бунака вактларда сабр қилиб бўлмайди-да, князъ. Ахир, гап унинг охирати тўғрисида боряпти. Оҳ! Бундан ёмони йўқ, насронийнинг бўйнидаги бурчи-я.

Шу чоғ ичкарити уйнинг эшиги очилиб, графнинг жиянларидан бири қовоғи солик, башараси совук, оёгига нисбатан бели ниҳоят дараҷада узун бўлган княжна чиқди.

Князъ Василий қайрилиб унга каради-да:

– Хўш, аҳволи қалай? – деди.

– Бирдай. Нима ҳам бўлади, бу ерда шунча говур... – деди княжна, Анна Михайловнага танимагандай караб.

– Вой, азизим мен сизни танимабман, – деди Анна Михайловна, очик чехра билан илжайиб ва йўргалаганича княжнанинг олдига борди. – Мен тоғангизнинг ишларида сизга ёрдам берай деб келувдим. Хўп азоб чеккандай кўринасиз., – деди қайгу билан кўзларини пирпиратиб.

Княжна унинг сўзига жавоб ҳам қайтармади, ҳатто табассум ҳам қилмай чиқди-кетди. Анна Михайловна қўлкопини ечди-да, мавкени кўлдан бермасдан креслога ўтириб, князъ Василийни ёнига ўтиргани таклиф қилди.

– Борис! – деди ўғлига караб илжайиб, – мен хозир граф тоғамнинг олдига кираман, сен, биродар, унгача Пьернинг

олдига киргин: ха, Ростовларнинг таклифини эсингдан чи-карма. Улар Пьерни тушки овқатга чакиришаётиди. Бормас дейман-а? – деди князга қараб.


Князнинг таъби хира бўлган бўлса керак:

– Аксинча, агар сиз у йигитни кўзимдан нари қилсангиз, жуда курсанд бўлар эдим, – деди, – шу ерда ўтиргани ўтирган. Граф уни бирон марта ҳам йўқламади.

У елкасини кисди. Официант Борисни пастта олиб тушди, кейин бошқа зинадан Пётр Кирилловичнинг олдига олиб чикиб кетди.

XIII

Пьер Петербургда ўзига муносиб бир амал топишга ҳам улғура олмади, безорилик килгани учун Москвага бадарға килинди. Граф Ростовникида айтилган гаплар, дарҳакиқат, тўғри эди. Пьер миршабни айикқа боғлашда қатнашган эди. У Москвага бундан бир неча кун бурун келиб, одатдагича отасиникига тушди. Гарчи ўзининг килмиши Москвада маътум эканлитини, отаси атрофида ўралашиб юрган ва унга хамма вакт ёмон назар билан қарайдиган хонимлар графнинг гашига тегиш учун бу воқеадан фойдаланишларини билса ҳам, ҳар қалай, келган куниёқ ичкарига кирди. У, одатда, княжналар ўтирадиган меҳмонхонага кириб, хонимлар билан саломлашди. Буларнинг иккитаси кашта тикиб, биттаси баланд овоз билан китоб ўқиб ўтирас эди. Буларнинг каттаси – озода, бели узун, Анна Михайловнанинг олдига чиккан ўша ковоги солиқ қиз – китоб ўқир, бир-биридан фақат бири-нинг юкори лабидаги ўзига жуда ярашган холи билан фарқ киладиган иккита сўлим ва кизил юзли қиз кашта тикар эди. Улар Пьерни худди гўрдан чиқиб келган ёки ўлат теккан кишини кўргандай қарши олишди. Катта княжна китоб ўқишдан тўхтаб, индамай унга қўрқиб кеттандай каради. Кичиги, юзида холи йўғи ҳам шу тусга кирди. Ҳаммадан кичиги, табиатан хушчақчақ ва шўх бўлган холдори, ҳозир кизиқ ҳодиса бўлишини билган бўлса керак, кулгиси қистаб буни яшириш учун каштасининг устига энгащди. У ўзини кулгидан зўрға тийиб, ипни пастта тортди ва каштасининг



нақшига қараган бўлиб энгашди.

– Салом, амма, – деди Пьер. – Салом, синглим. Мени танимаяпизми?

– Мен сизни жуда ҳам яхши таниб турибман, жуда!

Пьер одатдагича нокулай тарзда, лекин уялмасдан:

– Графнинг соғлиги қалай? Олдига кирсам бўладими? – деди.

– Граф ҳам жисман, ҳам руҳан азоб чекаётиби, афтидан, сиз унга руҳан кўпроқ азоб бергани хийла меҳнат килибсиз.

– Графнинг олдига кирсам бўладими? – деди Пьер яна.

– Ҳм!.. Агар уни ўлдирмоқчи бўлсангиз, буткул ўлдиривб кўя қолай десангиз, кира колинг. Ольга, бор қара-чи, тогангнинг шўрваси пишдими-йўкми, овқат ейдиган вақти бўлди, – деди ва шу билан улар банд эканликларини, Пьер эса отасини хафа қилиш билан овора бўлган бир вақтда, улар унга ором бериш билан машғул эканликларини Пьерга кўрсатмоқчи бўлди.

Ольга чиқиб кетди. Пьер бироз турди, кизларга қаради ва бош эгиб:

– Бўлмаса мен уйимда бўламан, кириш мумкин бўлганда, хабар киларсизлар, – деди.

У чиқиб кетди. Унинг кетидан холдор қиз секин хиринглаб қулиб колди.

Эртасига князъ Василий келиб графнинг уйига тушди. У Пьерни олдига чакириб, бундай деди:

– Азизим, агар бу ерда ҳам Петербургдаги қиликларингизни киладиган бўлсангиз, оқибати ёмон бўлади, билиб қўйинг. Граф жуда бетоб, унинг олдига киришинг хеч керак эмас.

Шундан кейин Пьер билан хеч кимнинг иши бўлмади, у кунни болохонадаги бўлмасида ёлғиз ўтказди. Борис кирган вақтда Пьер уйида нари-бери юрар, ҳар замон бурчакда тўхтаб, худди душманга қилич солаёттандай деворга мушт ўқталар ва кўзойнагининг тепасидан хўмрайиб караб, аллар нарсалар деб жаварар, елқасини қисар, қўлларини силкиб, яна юришда давом этар эди.

– Англияниң куни битди, – деди у қовоғини солиб ва кимнидир бармоғи билан күрсатиб. – Питт, миллат ва халқ хуқуқига хиёнат қылғанлыги учун унинг бирдан бир жазоси... – деди. У шу пайтда ўзини Наполеон хис қилиб, қаҳрамони билан хатарли Па-де-Кале бўгозидан ўтиб, Лондонни забт этган-у, энди Питтнинг жазоси нима эканлигини айтмокчи эдик, уйга кириб келган ёш, келишган ва чиройли офицерни кўриб қолди. Юришдан тўхтади. Пьер чет элга кетганда Борис ўн тўрт яшар бола эди, шунинг учун уни мутлақо эсдан чиқарган эди, лекин шундай бўлса ҳам, ўзига хос абжирлик ва меҳрибонлик билан унинг кўлидан ушладида, дўстона табассум килди.

– Мен эсингизда бордирман-а, – деди Борис шошилмасдан, ёқимли табассум билан. – Мен онам билан графни кўргани келган эдим, лекин графнинг тоби йўқроқ, шекилли.

– Ҳа, тоби йўқ, шекилли. Унга ҳеч ором беришмайди, – деди Пьер, бу йигит ким эканлигини эслашга тиришиб. Борис Пьернинг танимаёттанлигини пайқади-ю, ўзини танитишни лозим топмади-да, заррача ҳам тортина масдан унинг кўзларига қаради.

Пьер учун ноқулай бўлган хийла узоқ жимлиқдан сўнг, Борис:

– Граф Ростов сизни бугун тушки овқатга келишингизни сўради, – деди.

– Ҳа! Граф Ростов-а! – деди Пьер кувониб. – Сиз унинг ўғли Ильямисиз? Буни қаранг-а, мен сизни танимай туриб эдим-а, Жако... хоним билан Воробъёв тепалигига борганимиз эсингизда борми?

Борис шошилмасдан, дадил ва бир қадар истехзоли табассум билан:

– Сиз янглашаётисиз, – деди. – Мен Анна Михайловна Друбецкаянинг ўғли Борис бўламан. Илья – граф Ростовнинг оти, унинг ўғли – Николай бўлади. Мен ҳеч канака Жако хонимни ҳам билмайман.

Пьер, худди исказ-топар ёки ари талагандай, қўл ва бошини силкиди.

– Э, буни қаранг-а! Ҳамма ёқни чалкаштириб юбориб-

деб ўйларсиз.

Пьер ичидә «ана, айтмадимми», деб кўйди.

– Агарда мен ҳам менинг онамни шундай кишилар каторига қўшадиган бўлсангиз, жуда хато киласиз, деб айтиб кўймокчи эдим, токи англашилмовчилик бўлмасин. Биз жуда камбағалмиз-у, лекин мен ўзим тўғримда сизга айтиб кўяй: отангиз бой одам бўлганлиги учун ҳам мен ўзимни унга қариндош деб билмайман: на мен, на онам ҳеч қачон ундан ҳеч нарса тама килмаймиз ва берган тақдирда ҳам олмаймиз.

Пьер унинг сўзиага хийла вакт тушунмай турди, лекин тушунганидан кейин иргиб дивандан тушди-да, ўзига хос шошқалоқлик ва қўполлик билан Бориснинг икки билагидан ушлади ҳамда Борисдан кўра ортиқроқ қизариб, хижолат тортган ва афсусланган ҳолда гапира бошлади:

– Бу гапингиз ғалати бўлди-ку! Наҳотки мен... ким ҳам ўйлайдики... Мен яхши биламанки...

Лекин Борис унинг сўзини яна оғиздан олди:

– Кўнглимда борини айтиб қўя қолганимга хурсандман. Эҳтимол, бу гап сизга малол келар, кечиринг, – деди Борис Пьерга тасалли бериб, ҳолбуки Пьер унга тасалли бериши керак эди. – Лекин ишонаманки, сизга бу гапларим қаттиқ тегмагандир деб. Менинг одатим шу: гапнинг тўғрисини айтаман-қўяман... Хўш, Ростовларга нима дей? Тушки овқатта борасизми?

Борис, афтидан, оғир бурчни бўйнидан сокит килиб, ўзини нокулай ахволдан чикариб, ҳамсухбатини шу ахволга согланидан кейин, яна очилиб кетди.

– Менга қарант, – деди Пьер ўзини босиб олиб. – Сиз ажойиб одам экансиз. Ҳозир айтган гапингиз жуда яхши, ниҳоятда яхши гап. Албатта, сиз мени билмайсиз, кўп замонлар кўришмаганмиз... ёш болалар эдик... Сиз мени аллаким деб ўйларсиз... Мен сизнинг гапингизни жуда яхши фаҳмляяпман. Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда бу гапларни айта олмас эдим, ботина олмас эдим, лекин жуда соз бўлди. Сиз билан танишганимдан ниҳоятда хурсандман. Ажаб, – деди бироз жим қолганидан сўнг илжайиб. – Сиз менинг

түгримда нима деб ўйладингиз экан! – деб кулиб юборди: –
Хўш, нима килибди? Бундан кейин бир-биримиз билан
яхшироқ таниш бўламиз. Марҳамат, – деб Бориснинг қўлини
сикди. – Биласизми, графнинг олдига сира кирганим йўк.
Мени чақирмади... Яхши одам эди, унга ачинаман... Бироқ
начора?

– Сиз, Наполеон бўғоздан аскарини олиб ўта олар, деб
ўйлайсизми? – деди Борис қулимсираб.

Борис гапни бошқа ёкка бураётганини фаҳмлаб ва
шундай бўлганини маъкул кўриб, Пьер Булон экспедиция-
сининг фойда ва заарларини баён кила бошлади.

Лакей келиб, княгиня Борисга кутуб турганини айтди.
Княгиня кетишга отланган эди. Пьер Борис билан якинрок
ошна бўлиш учун тушликка боришга ваъда берди, қўзой-
нагининг устидан унга меҳрибонлик билан караб, қўлини
қаттиқ сикди... Борис кетгандан кейин уйда Пьер яна узок
айланиб юрди, лекин энди душманига қилич солаётгандай
харакатлар қилмас, бу ақлли, иродали ва мулойим ёш йигит-
ни ўйлаб илжаяр эди.

Пьерда бу ёш йигитта нисбатан ёшликтининг дастлабки
йилларида, хусусан, танҳолик чоғларида бўладиган ҳеч қан-
дай сабабсиз бир меҳр уйгонди ва у билан, албатта, дўст-
лашишга жазм қилди.

Князъ Василий княгиняни кузатмоқда эди. Княгиня,
рўмолчаси кўзида, юзидан ёш окар эди.

– Вой шўрим! Вой шўрим! – деди княгиня. – Ҳар нима
бўлсан ҳам, бўйнимдаги бурчимни ўтайман. Кечаси ётгани
келаман. Графни шу ахволда қўйиб қараб туриб бўлмайди.
Ҳар бир дам ганимат. Княжналар нега пайсалга солишар
экан, ҳеч тушуна олмайман. Худо ўзи ёр бўлиб, графни
охират карзини узишга тайёр қилгани мен бир йўл топсам!..
Хайр, князъ, худо ёрингиз бўлсин....

Князъ Василий ўтирилар экан:

– Хайр, азизим, – деб жавоб берди.

Она-бала каратага ўтиргандан сўнг, княгиня:

– Оҳ, графнинг ахволи шундай ёмонки, ҳеч кимни
деярли танимайди-я, – деди.



– Мен ҳеч тушунолмайман, ойи, – деди Борис. – У Пье́рга қандай карап экан?

– Ҳаммаси вассиятномадан маълум бўлади, ўғлим: бизнинг тақдиримиз ҳам шунга боғлик...

– Нега сиз граф бизга бирон нарса қолдиради, деб ўйлайсиз?

– Ох, дўстим! У шунчалик бой, биз эса шунчалик камбағалмиз!

– Фақат шунинг ўзи етарли асос бўла олмайди, онажоним...

– Вой шўрим! Вой шўрим! Графнинг аҳволи шундай ёмонки, – деди княгиня куиб-пишиб.

XIV

Анна Михайловна ўғли билан бирга граф Кирилл Владимирович Безуховникига жўнагандан кейин графиня Ростова рўмолчасини кўзига кўйган ҳолда ўзи ёлгиз узок вакт ўтириди. Нихоят, кўнгироқ чалиб оқсочини чақирди.

– Нима бўлди сизга, азизим, – деди зарда билан салгина ҳаяллаб кирган қизга қараб, – ишлагингиз йўқми, нима бало? Ундоқ бўлса, мен сизга бошқа жойдан хизмат топиб берай.

Графиня дугонасининг қайғуси билан унинг камбағал ва фақирлигидан хафа бўлгани учун феъли айниб турган эди; унинг феъли айниғанлиги ҳамма вакт хизматкорни «сизлаши» ва «азизим», дейишидан маълум бўлар эди.

– Кечирасиз, – деди оқсоч.

– Графни чақиринг.

Граф лапанглаб, хотинининг олдига одатдагича гуноҳкорнамо бир киёфада келди.

– Хўш, азизим графикням! Рябчикдан қандай яхши мадерали соте¹ бўлибди-я, азизим! Мен татиб кўрдим, Тарас учун мен бекорга минг сўм берганим йўқ-да. Арзиди!

У йигитларча тирсагини тиззасига кўйиб, оқ оралаган сочини хурпайтириб, хотинининг ёнига ўтириди.

– Хўш, азиз графикням, нима гап?

¹ Мадерали соте – асалли вино.

– Гап шуки, дүстим... бу ерингта нима тегибди? – деди графиня унинг нимчасини кўрсатиб. – Соте теккан бўлса керак, – деди табассум килиб, – гап шуки граф, менга пул керак.

Унинг юзида маъюслик акс этди.

– Хўп, жоним билан, азиз графиням! – деди граф, чўнтағидан ҳамёнини чиқариб.

– Менга кўпроқ керак, граф, беш юз сўм керак, – деди графиня батист¹ рўймолчасини олиб эрининг нимчасини арта бошлаб.

– Ҳозир, ҳозир. Ҳой, ким бор? – деб кичкирди граф худди чақирган кишиси унинг овозини эшишибок бетўхтov югуриб келадигандай ишонч билан:

– Митенъкани айтиб юборинглар!

Графникида ўсан ва ҳозир унинг бутун ҳўжалигини бошқариб турган ўша дворянзода Митенъка охиста-охиста қадам босиб кириб келди.

Граф эшикдан кирган одобли ёш йигитта қараб:

– Гап бундай, азизим, менга ҳозир... – граф ўйлаб қолди.

– Ҳа, етти юз сўм пул келтириб бер. Кара, ўтган сафаргидай йиртиқ-пиртиқ пуллар бўлмасин, яхвисини олиб кел, графиня учун.

– Ҳа, Митенъка, янгироғини олиб келгин, – деди графиня ҳўрсиниб.

– Қачон келтиришни амр киладилар, таксирим? – деди Митенъка. – Маълумлари бўлсинки... Ҳа, майли, ташвиш тортмасинлар, – деди графнинг аччиғи келганлигини кўрсатадиган тез-тез ва оғир нафас олганини кўриб. – Эсимдан чиқаёзибди... Ҳозир келтириб беришни буюрадиларми?

– Ҳа, дарров келтир. Мана, графиняга бер.

Ёш йигит чикиб кеттанидан сўнг, граф илжайиб:

– Хўп баҳоси йўқ Митенъкам бор-да. Йўқ деган гапни билмайди. Мен ўзим йўқ деган гапга тоқат килолмайман. Йўқни йўндириш керак.

¹ Батист (французча: Batiste < fransuz Batiste de Chambrai номидан) – пиширитлан ингичка ипдан тўқилган юпка, енгил газлама.

– Ох, граф, пул деган нарса одамни не-не кўйларга солмайди! – деди графиня. – Лекин бу пул ҳозир менга жуда зарур эди.

– Жоним графиням, ўзингиз ҳам жуда қўли очик хотинсиз, – деди-да, граф хотинининг кўлидан ўпди ва яна кабинетига кириб кетди.

Анна Михайловна Безуховнидидан қайтиб келганида графинянинг олдидағи столчада, рўмолчанинг остида, ҳали ковурғаси синмаган пуллар ётар эди. Анна Михайловна графинянинг нимадандир ташвишда эканлигини пайқади.

– Ҳа, нима гап, дўстим? – деди графиня.

– Ох, граф шундай бир оғир ахволдаки! Таниб бўлмайди, шундай ёмон, шундай ёмон ахволда-я. Мен бирпастигина олдида ўтирдим, икки оғиз ҳам сўз айта олмадим...

Графиня рўмолчанинг остидан пулни олар экан:

– Анетта, худо ҳаки, йўқ дема, – деди бирдан кизариб, бу кизариш унинг озғин, сўлиброк қолган ва викорли юзига сира келишмас эди.

Анна Михайловна нима гап эканини дарров фахмлаб олди-да, ўрни келганда, графиняни абжирлик билан кучоклаб олиш учун энгаша бошлади.

– Мана, Борисга мундир тикириш учун мендан....

Анна Михайловна дарров уни кучоқлаб кўз ёши қилди. Графиня ҳам йиглади. Иккови жонажон дутона эканликлариға, бир-бирларидан ҳеч нарсани аямасликлариға, ёшлиқдан бирга ўсан икки дўст ҳозирда шундай арзимас нарса – пул билан машғул бўлганликлариға ва ёшлиқ чоглари ўтиб кетганига йиғлашди... Лекин иккови ҳам ўз кўз ёшларидан мамнун эди...

XV

Графиня Ростова қизлари ва бир талай меҳмонлари билан меҳмонхонада ўтирар эди. Граф эркак меҳмонларни кабинетига олиб ўтди-да, ҳар қайсисига ўзининг ишқибозлик билан йиккан усмонли трубкаларини кўрсата бошлади. У ҳар замон ташқарига чиқиб, «Ҳали келгани йўқми?» – деб сўраб кўяр эди. Улар ўзининг бойлити, мансаби билан эмас,

тўғрисўзлиги, муомалада очик ва тўнглиги билан ном чиқарган, киборлар доирасида «драгун¹» деб лақаб қўйилган Марья Дмитриевна Ахросимовани кутишар эди. Марья Дмитриевнани подшо хонадони билар, бутун Москва билан Петербург танирди ва ҳар иккала шаҳар ҳам унга ҳайрон бўлиб, унинг дағаллигидан зимдан кулар, унинг тўғрисида турли латифалар айтишар эди. Шундай бўлса ҳам, ҳамма уни иззат қиласа ва ундан кўркар эди.

Тутунга тўлиб кетган кабинетда гап манифест² чиқарилиб маълум килинган уруш ва сафарбарлик тўғрисида кетар эди. Манифестни ҳали ҳеч ким ўқимаган бўлса ҳам, унинг чиққанини аллақачон ҳамма билар эди. Граф, чекиб, гапиришиб ўтирган икки меҳмоннинг ўртасидаги диванда ўтираси эди. Граф чекмасдан, гапирмасдан ўтириб, гоҳ бир томонга ва гоҳ бошқа томонга калласини қийшайтириб, чекаётгандарга завқ билан қарап, ўзи гапга солиб қўйган ёнидаги икки меҳмоннинг гапига кулоқ солар эди.

Гаплашаётгандардан бири фуқаро қийимида бўлиб, юзини ажин босган, захил, озғин ва соқол-мўйлови кирилган, гарчи ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам, ёшлардай хийла ҳавас билан кийинган эди. У шу хонадон ахлидай оёғини бемалол отоманкага қўйиб ўтираси ва қаҳрабодан ясалган трубкасини лабининг бир бурчига қўйиб, дам-бадам сўрар ва тутундан афтини буришираси эди. Бу одам графинянинг амакиваччаси – эски бўйдоқ Шиншин бўлиб, Москва меҳмонхоналарида уни тили заҳар дейишарди. У ўзини ҳамсұхбатига тенг кўргандай гаплашиб ўтираси эди. Иккинчиси ёшгина, кизил юзли, озода, тутмалари солинган, соchlари яхшилаб тараалган гвардия офицери бўлиб, қаҳрабо трубкасини тишлигар ҳолда кип-кизил лаби билан тутунни секин тортар ва чиройли оғзидан бураб-бураб чиқарарди. Бу

¹ Драгун – Чор Россияси армиясида ва баъзи чет эл армияларида ҳам отда, ҳам пиёда ҳаракат кила олган отлик аскар.

² Манифест (*латинча: manifestum* – чакирик, даъват < *manifestus* — ошкор, очик-ойдин) – 1) хукуматнинг жуда муҳим сиёсий вокеа муносабати билан ҳалиқка қилган ёзма мурожаати; 2) бирор партия ёки ижтимоий ташкилотнинг дастур тарзидаги ёзма мурожаати.



одам Семенов полкининг офицери поручик Берг бўлиб, Борис полкка у билан бирга бораётган эди ва Наташа катта графиня Верага уни «куёвинг», деб ғашига тегар эди. Граф шуларнинг ўртасида ўтириб гапларига дикқат билан қулоқ солар эди. Графнинг энг яхши кўрган эрмаги (жон-дили бўлган карта ўйинидан ташқари) одамларнинг гапига, айникса, ўзи топиштириб қўйган икки сергапнинг гапига қулоқ солиб ўтириш эди.

– Хўш, отагинам, муҳтарам Альфонс Карлович, – деди Шиншин кулиб ва энг оддий русча ҳалқ сўзларини жуда кам ишлатиладиган француз ибораларига қўшиб (нуткининг хусусияти ҳам шундан иборат эди). – Ҳукуматдан даромад қилмоқчи бўласизми, ротадан¹ даромад олмоқчи бўласизми?

– Йўқ, Пётр Николаевич, мен фақат шуни кўрсатмокчиманки, пиёда аскар бўлиш отлиқ аскар бўлишдан кўра қулайроқ келади. Мана энди менинг ишимни шундан билиб олаверинг. Пётр Николаевич...

Берг ҳамма вақт жуда очик, осойишта ва одоб билан гапирав эди. У ҳамма вақт ўзи тўғрисидагина гапирав эди, бошқалар унга бевосита тегишли бўлмаган бирон нарса тўғрисида гапираётганда у теккина қулоқ солиб ўтирав, шу зайлда хеч қанча ўнгайсизланмасдан ва бошқаларни ҳам хеч бир ўнгайсизлантирмасдан бир неча соат ўтираверар эди. Лекин сўз ўзига тегишли бўлиши биланоқ жуда батафсил ва мамнуният билан гапира бошлар эди.

– Менинг ишим қанақа эканлитини ўзингиз ўйлаб кўринг, Пётр Николаевич: агар мен отлиқ аскарда бўлсан, ҳатто поручик мансабида ҳам ҳар тўрт ойда икки юз сўмдан ортиқ ололмас эдим, ҳозир эса икки юз-у ўттиз сўм оламан, – деди кувониб ва худди унинг муваффакияти ҳамма вақт бошқа ҳамма кишиларнинг айни муддаоси бўладигандай граф билан Шиншинга қараб, ёқимли табассум қилди.

– Бундан ташқари, Пётр Николаевич, мен гвардияга ўтиш билан кўзга кўриниб тураман, – деди Берг давом этиб,

¹ Рота (немисча: Rotte – оломон; жангчилар гурухи) – одатда бир неча взводдан ташкил топган, батальон таркибига кирадиган ҳарбий бўлинма, кисм.

– гвардиячи пиёда аскарда бўш ўрин ҳам тез-тез бўлиб туради. Бундан ташқари, ўзингиз ўйлаб кўрингки, икки юз-у ўттиз сўм олганимда ҳам нима бўлар эди. Ҳозир эса пул орттираётбиман, яна отамга ҳам юбориб турибман, – деди Берг, оғзидан бураб-бураб тутун чикариб.

Шиншин қаҳрабо трубкасини оғзининг у бурчига сурди-да, графга кўз қисиб:

– Дарҳакиқат!.. Немис бурганинг ҳам ёғини олади, деган матал бор, – деди.

Граф ҳаҳолаб кулиб юборди. Шиншин гапираётганигини кўриб, бошқа меҳмонлар ҳам унинг сўзига қулок соглани яқин келишди. Берг кишиларнинг юзидағи истехзали табассумни ҳам, лоқайдликни ҳам пайқамасдан, гвардияга ўтиши билан ўз корпусидаги¹ ўртоқларидан каттарок мартабага эришиш имкониятига эга бўлганлиги, уруш вақтида рота командири² ҳалок бўлиши мумкинлиги ва у вақтда, ўзи ротада мансаб жиҳатидан катта бўлиб қолганидан кейин, осонгина рота командири бўлиб олиши мумкинлиги, полкда уни ҳамма яхши кўриши, отаси ундан мамнун эканлиги ҳақида сўзлаб кетди. Берг, афтидан, бу тўғрида гапирар экан, роҳат килар ва бошқа кишиларнинг ҳам ўз манфаатлари бор эканлигини сира хаёлига келтирмас эди. У шу қадар шукуҳ билан гапирар, бу ёш йигитнинг аҳмокона худбинлиги шу қадар очик кўриниб турар эдики, унинг сўзига қулок солиб ўтирганлар ҳеч нарса дейиша олмас эди.

Шиншин оёғини диван туширас экан, унинг елкасига қоқиб:

– Э, отагинам, пиёда аскарда ҳам, отлик аскарда ҳам, ҳар қаерда сизнинг ошиғингиз олчи бўлади. Мен буни сизга ҳозирданок айтиб қўяй, – деди.

Берг хурсанд бўлиб жилмайди. Граф, ундан кейин колгланлар ҳам меҳмонхонага чиқиши.

Шундай бир пайт эдики, маҳсус меҳмондорчиликка ай-

¹Корпус – бир неча дивизия ёки бржададан иборат йирик ҳарбий кўшилма.

² Командир (латинча: commendare – ишониб топширмоқ, юкламоқ) – ҳарбий кием, бўлинма, кема ва шу кабиларнинг бошлиги.

тилган меҳмонлар дастурхонга таклиф қилинишларини кутиб, узун гап бошламайдилар-у, шу билан бирга, дастурхон ёзилишига сира мунтазир эмасликларини билдириш учун гаплашиб ўтиришни зарур ҳисоблайдилар, уй эгалари эшикка ва ҳар замон бир-бирларига қараб қўядилар, меҳмонлар бу қаращдан уй эгалари кимга ёки нимага, кечиккан бирон зарур қариндошларими ёки ҳали тайёр бўлмаган овқаттами мунтазир эканликларини билмоқчи бўладилар.

Пьер айни зиёфат бошланадиган пайтда етиб келди ва уйнинг ўргасида турган бир креслога ҳамманинг йўлини тусиб ўтирди. Графиня уни гапга солмоқчи бўлди-ю, бироқ Пьер худди бирорни қидираётгандай атрофга мўлтиллаб қараб, графинянинг саволларига қисқа-қисқа жавоб берар эди. У уятчан киши бўлиб, буни факат ўзи сезмас эди. Айик можаросини эшитган меҳмонларнинг аксарияти бу барваста, оғир йигитга қараб шундай лавашант ва ювош одам, миришабга қандай қилиб шу хилда килиқ килди экан, деб ҳайрон бўлишар эди.

– Сиз яқинда келдингизми? – деб сўради графиня Пьер атрофига қарап экан:

– Ҳа, хоним, – деб жавоб берди.

– Эримни кўрдингизми?

– Йўқ, хоним, – деди-да, ўринсиз илжайиб қўйди.

– Сиз Париждан яқинда келдингиз, шекилли? Жуда ажойиб шаҳар бўлса керак-а?

– Ҳа, жуда ажойиб.

Графиня дугонаси Анна Михайловна билан кўз уриштириб олди. Анна Михайловна бундан: «Бу ёш йигит билан гаплашиб ўтиринг», – деган маънони тушунди-да, унинг ёнига ўтириб, отасидан сўз очди, лекин Пьер унинг сўзларига ҳам қисқа-қисқа жавоб бераверди. Меҳмонлар ўзўзлари билан овора эди.

Ҳар томондан: – Разумовскийлар. Жуда яхши бўлардида... Графиня Апраксина... – деган овозлар эшитилди. Графиня ўрнидан туриб залга чиқди. Залдан унинг:

– Марья Дмитриевнами? – деган овози эшитилди.

– Худди ўзгинаси, – деди унга жавобан йўғон товушли

бир хотин ва унга Марья Дмитриевна кирди.

Энг қарилардан бошқа ҳамма кизлар, ҳатто ҳамма хотинлар ўринларидан туришди. Йўғон гавдали, элликларга бориб жингалак соchlари оқарган Марья Дмитриевна эшик олдидা тўхтаб, меҳмонларга назар ташлади-да, кенг енгини шошмасдан худди шимараётгандай тузатди. Марья Дмитриевна ҳамма вакт русча гапирав эди.

У йўғон бошқа ҳамма товушларни босиб кетадиган баланд овоз билан:

– Она-болани туғилган куни билан табрик киласиз, – деди-да, сўнгра кўлини ўпаётган графга мурожаат килди: – Ҳа, бетавфикс чол, Москвада зерикуб қолгандирсан-а? Ов килгани жой ҳам йўқдир? Қандок қиласан, отагинам, мана бу жўжалар катта бўлиб колаётиби... – деди кизларни кўрсатиб. – Буларга куёв топмай иложинг йўқ.

– Хўш, казакчам, нима гап (Марья Дмитриевна Наташани казакчам деб атар эди) – деди олдига ҳеч тортинмасдан хурсанд бўлиб келган Наташани эркалаб. – Заҳар қиз эканлигингни билсам ҳам, яхши кўраман-да.

У каттакон ридикюлидан ёқут кўзли исирға олиб, гулгул очилиб ва кизариб турган Наташага берди-да, дархол ундан ўтирилиб, Пъерга қаради.

– Э, э! Яхши йигит! Бери кел-чи, – деди паст ва ингичка соҳта товуш билан. – Бери кел, яхши йигит...

У ваҳимали суратда енгини яна ҳам юқорироқ шимариб кўйди.

Пъер унга кўзойнаги орқали кўзларини мўлтиллатиб қараб, олдига борди.

– Берироқ кел, берироқ кел, азизим! Қўлимга тушганда отангга ҳам тўғрисини айтганман, сенга ҳам айтишим фарз.

Марья Дмитриевна сукут килди. Бу гаплар фақат муқаддима эканлигини ва бундан кейин нима гаплар бўлишини сезган ҳамма жим бўлди.

– Хўп иш қилибсан! Баракалла!.. Отаси ўлим тўшагида ётиби-ю, бу киши миршабни айиққа боғлаб ўйнаб юрибди. Уят керак, отагинам, уят! Ундан кўра урушга боргин!

Пъердан ўтирилди-да, кулгидан ўзини зўрга тийиб

турган графга қўлини узатди.

– Қани, овқатга чиқсак бўлар? – деди Марья Дмитриевна.

Энг олдинда граф билан Марья Дмитриевна борарди: булардан кейинда графиня билан гусар полковниги (полк кетидан Николай билан бирга борадиган керакли одам) эргашди. Анна Михайловна Шиншин билан борди. Берг Верага қўлини берди. Илжайиб турган Жюли Карагина Николай билан чиқди. Булардан кейин бошқалар бутун зал бўйлаб жуфт-жуфт бўлиб, ҳаммадан кейин эса болалар, мураббий ва мураббиялар якка-якка бўлиб боришар эди. Официантлар ишга тушди, стуллар тараклади, залнинг бир томонида мусиқа гумбурлади ва меҳмонлар ўрнашди. Сўнгра графнинг хонаки мусиқа овози тиниб, пичоқ билан санчиларнинг жаранглаши, меҳмонларнинг.govuri, официантларнинг шипиллаб қадам босиши эшитила бошлади. Столнинг тўрида графиня ўтирас, унинг ўнг томонида Марья Дмитриевна, сўл томонида эса Анна Михайловна ва бошка меҳмонлар ўтиришар эди. Столнинг нариги бошида граф, унинг чап томонида гусар полковниги, ўнг томонида эса Шиншин ва бошқа эркак меҳмонлар тизилишган эди. Узун столнинг бир томонида балоғатга етиб қолган ёшлар – Вера билан Берг, Пьер билан Борис, бошқа томонида – болалар, мураббий ва мураббиялар ўтирас эди. Граф стодаги биллурлар, шишалар, мева-чева солинган вазалар оша ҳар замон хотинига, унинг кўк лента бояланган узун бош кийимига караб кўяр ва ёнидаги меҳмонларга, ўзини ҳам эсдан чиқармай, ҳафсала билан вино кўяр эди. Графиня ҳам мезбонлик бурчини унутмасдан, ананаслар оша назарига тепакал боши ва юзи оппоқ сочидан қип-қизил бўлиб ажраблиб тургандай кўринган эрига маъноли кўз ташлаб кўяр эди. Хонимлар ўтирган томонда ўзаро аста-секин, бир қиёмда гап борар, эркаклар ўтирган томонда эса борган сари баландроқ товушлар эшитилар, айникса, кўп еб, кўп ичиб, тобора қизараётган ва граф ҳаммага ибрат килиб кўрсатаётган гусар полковнигининг товуши авжга чиқмоқда эди. Берг, мулойим табассум килиб, Вера билан муҳаббат – дунёвий эмас,

илохий бир хис эканлиги түғрисида гапиришар эди. Борис ўзининг янги ошнаси Пъерга стол атрофида ўтирган меҳмонлар кимлар эканликларини айтиб, рўпарасида ўтирган Наташа билан тез-тез кўз уриштириб қўяр эди. Пъер кам гапирав, танимаган одамларига қараб-қараб қўяр ва кўп овкат ер эди. У, дастурхонга келтирилган икки хил шўрвадан тошибака шўрвасини танлаб олди-ю, шундан тортиб балиқ сомса билан қўзиқорингача емаган овқати, бош лакей gox «дреймадера», gox «венгерчаси», gox «рейнвейн¹» деб салфеткага ўраб ёнидаги кишининг оркасидан секин узатиб турган винолардан ичмагани қолмади. У ҳар бир кишининг олдига тўрттадан қўйилган ва графнинг номи ёзилган билтур кадаҳлардан биттасини олиб вино қуйгани тутар, меҳмонларга тобора ёқимли алпозда қараб, хузур килиб ичар эди. Пъернинг рўясида ўтирган Наташа Борисга қарап, унинг бу қарашибил бола билан биринчи марта ўпишган ва уни яхши кўриб колган ўн уч яшар киз болаларнинг қарашига ўхшар эди. Наташа баъзан Пъерга ҳам шу хилда кўз ташлар эди, аммо Пъер шўх ва хушчакчақ киз қараганда негадир кулгиси кистар эди.

Николай Сонядан узокроқда, Жюли Карагинанинг ёнида ҳамон ўша гайрихтиёрий табассум билан нима тўғрисидадир гаплашиб ўтирап эди. Соня намойишкорона табассум килиб ўтирган бўлса ҳам, рашидан куюниб бўлса керак, gox оқариб, gox кизарип бутун вужуди билан Николай ва Жюлининг гапига қулок солар эди. Мураббия, худди болаларга бирон киши озор бергудай бўлса, уларни ҳимоя килишга тайёрланадигандай, безовта бўлиб атрофга қарап эди. Немис мураббий, келтирилган овқатлар билан бу ерда бўлган турли ичимлик ва виноларни уйига, Германияга ёзадиган хатида таърифлаш учун буларнинг номларини билиб олишга ҳаракат қилас, шунинг учун бош лакей винони салфеткага ўраб ташиганидан хафа эди. Немис қовоғини солар, шу винога зор эмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилас,

¹ Рейнвейн – ок узумдан тайёрланган ўткир немис виноси. Бу вино Германиянинг Рейн шаҳрида тайёрланади. Шунинг учун Рейнвейн дея номланган.

лекин вино унга ташналикни қондириш, очқұзлик важидан әмас, факт шунчаки, номини билиш учунгина керак экан-лигини ҳеч ким тушунмаганидан хафа бўлар эди.

XVI

Эркаклар ўтирган томонда сұхбат қызыб кетди. Полковник уруш әълон қилинганды түғрисида Петербургда манифест чикканини ва бу манифестнинг у күрган нусхаси алла-качон чопар орқали бош қўмондонга юборилганини айтди.

– Бонапарт билан урушмоқни бизга ким қўйибди, – деди Шиншин, – у кеккайган Австрияning бўйинни синдириди. Энди навбат бизга келмаса эди, деб қўркаман..

Полковник бўлик, новча, хушчақчак бир немис бўлиб, афтидан, эски ҳарбий хизматчи ва ватанпарвар эди. У Шиншиннинг сўзидан хафа бўлди.

– Ким қўйганлигини, муҳтарам афандим, – деди полковник «е» ўрнида «э» ишлатиб, – буни император ҳазратлари билади. Император манифестда айтганларки, Россияга таҳдид килаётган хавф-хатарга эътиборсиз караб тура олмайди... Мамлакат хавфсизлиги, унинг шон-шарафи ва иттифокларнинг муқаддаслиги... – деди, гўё бутун ишнинг моҳияти шу иттифокда бўлгандай, «иттифоклар» сўзига алоҳида эътибор бериб.

У ўзига хос, янглишмайдиган ва расмий ишларда мала-ка ҳосил қилган эслаш кучи билан манифестнинг муқаддима кисмини ёд айтиб берди: «Европада мустаҳкам заминга асосланган осойишталиқ барпо қилиш ҳохишидан иборат бўлган подшонинг ягона ва зарурый мақсади уни қўши-нининг бир кисмини чет элга суришга ва бу ниятга эришмок учун янги тадбирлар кўришга ундали».

– Ким қўйганини энди билдингизми, муҳтарам афандим, – деди насиҳатомуз ва стакандаги виносини ичди-да, мақтов кутиб графга қаради.

– Ёвғон ошим-у бегалва бошим, деган матал бор, – деди Шиншин афтини буриштириб ва кулимсираб. – Бу бизга жуда-жуда мос келади. Суворовдай одамни савалаб тит-питини чиқардилар. Хозир эса бизда Суворовдай одамлар

каёқда? Сиздан сўраяпман, – деди гоҳ русча, гоҳ французча гапириб.

– Биз сўнгти томчи қонимиз қолгунча урушишимиз керак, – деди полковник столга муштлаб, – императоримиз учун жонимизни беришимиз керак, ўшанда ишимиз яхши бўлади. Му-у-умкин қадар, муу-у-умкин қадар камрок гап сотиш керак бу ҳақда, – деди яна графга караб. – Биз кекса гусарларнинг фикри ана шу – вассалом. Сиз нима дейсиз, йигитча, ёш гусар? – деди Николайга мурожаат қилиб. Николай сўз уруш тўғрисида бораёттанини эшитиб, Жюлини кўйиб, полковникка тикилганича, унинг сўзларига зўр дикқат билан кулок сола бошлаган эди.

– Тўғри айтасиз, – деди Николай кип-қизариб, ликопчани ўйнаб ва олдида турган стаканларни худди зўр хавфхатар остида қолгандай қатъият ва тажант бир важоҳат билан бошқа жойга олиб кўйиб. – Мен руслар ё ўлиши, ё галаба қозониши керак деган фикрдаман, – деди у, лекин бу гапни айтишга айтди-ю, бошқалардек ўзи ҳам хозир бундай дабабали сўзнинг ўрни эмаслигини пайқаб, ўнгайсизланди.

Унинг ёнида ўтирган Жюли хўрсишиб:

– Жуда яхши! Ҳақ гапни айтдингиз., – деди. Соня эса Николай гапираётган вақтда вужуди титраб, қулоғи, кулоғининг орқаси, бўйни ва елкасигача қизариб кетди. Пьер полковникнинг сўзига қулок солар экан, унинг сўзини маъқуллаб бош ирғатар эди.

– Мана бу яхши гап, – деди у.

– Мана бу йигит ҳақиқий гусар, – деди полковник яна столга муштлаб.

– Нима тўғрисида мунча шовқин солаётибсизлар? – деди столнинг нариги томонида ўтирган Марья Дмитриевна йўғон овоз билан. – Нега столни муштлайсан? Кимга шовқин солаётибсан? Нима, бу ерда ўтирганлар французларми? – деди полковникка қараб.

– Мен ҳақиқатни гапираётибман, – деди полковник илжайиб.

– Ҳамон уруш тўғрисида-я, – деди столнинг нариги томонида ўтирган граф. – Ахир, менинг ўғлим урушга кетаё-

тибди, Марья Дмитриевна, урушга.

– Менинг түртта ўғлим армияда, лекин мен қайғураёт-
ганим йўқ-ку, ҳар иш худодан: қирқ йил қирғин бўлса ҳам,
ажали етган ўлади, – деди столнинг нариги томонида ўтири-
ган Марья Дмитриевна йўғон товуш билан.

– Тўғри, тўғри.

Яна хонимлар ўз бошига, эркаклар ўз бошига гапга
киришиб кетди.

– Сўрай олмайсан, сўрай олмайсан! – деди Наташанинг
укаси.

– Сўрайман, – деди Наташа.

Унинг юзи дадил ва шўх бир қатъият ифода қилиб
тўсатдан қизарди. У ўрнидан сал турди-ю, рўпарасида ўтири-
ган Пьерга кўзи билан «кулок сол» дегандай ишора қилиб,
онасига мурожаат қилди.

– Ойи! – деди болаларча кўнгироқдай товуш билан.

– Нима дейсан? – деди графиня кўркиб кетиб, лекин
қизининг юзига қараб унинг шўхлик қилаётганини фаҳмла-
ди-да, кўли билан унга таҳдид қилиб, бош чайқади.

Ҳамма жим бўлди.

– Ойи! Қанақа пирожное¹ бўлади? – деди Наташа яна
ҳам баландроқ товуш билан.

Графиня қовоғини солмоқчи эди-ю, лекин бўлмади.
Марья Дмитриевна йўғон бармоги билан таҳдид қилиб:

– Казакчам, жим! – деб пўписа қилди.

Меҳмонларнинг кўпчилиги бу қиликни нима деб тушу-
нишини билмай, катталарга карашди.

– Сени қараб тур! – деди графиня.

Наташа ҳеч ким уришмаслигига ишониб бўлса керак,
ҳеч кўрқмасдан эркалик қилиб:

– Ойи! Пирожное бўладими? – деб сўради.

Соня билан семиз Петя кулиб, юзларини яширишди.
Наташа укаси билан Пьерга яна қараб:

– Ана, сўрадим-ку, – деб пичирлади.

¹ Пирожний (ruscha) – ёғ, сут, тухум ва шакар аралаштириб корилган хамирдан
турли шаклда тайёрланган, баъзан юзига кремдан гуллар солинган кандолат
маҳсулоти.

солиб машқ қилиб берди, кейин бошқа қызлар билан хушо-воз деб танилган Наташа ва Николайдан бирон нарса айтиб беришни сүради. Булар худди катта одамдан сұрагандай мурожаат қылғанларды учун Наташа, афтидан, фахрланар ва шу билан бирга ашула айтгани тортинар эди.

– Нимани айтамиз? – деди Наташа.

– «Булоқ»ни айтамиз, – деди Николай.

– Қани, бўла қолинглар тезроқ. Борис, бу ёққа келинг, – деди Наташа. – Соня қани?

У атрофга караб, дугонаси Соняни тополмагач, уни айтиб келиш учун югуриб ташкарига чиқди.

Наташа дугонаси Соняни ўз бўлмасидан тополмай, юрганича болалар бўлмасига кирди. Соня бу ерда ҳам йўқ эди. Шундан кейин билдики, Соня йўлақдаги сандиқнинг устида ўтирибди, йўлақдаги бу сандиқ Ростовлар хонадонидаги қызларнинг хафа бўлганда ўтирадиган бирдан бир жойи эди. Соня, дарҳақиқат, пушти харир кўйлагини ғижим килиб, энаганинг йўл-йўл кир парку тўшагига мукка тушиб сандиқ устида ётар ва қўллари билан юзини қоплаган холда ялангоч елкаларини силкитиб йиғлар эди. Куни бўйи хурсандчиликдан гул-гул очилган Наташанинг чехраси бирдан ўзгарди: кўзлари бақрайди, сўнг кенг бўйни силкинди, лабларининг икки бурчи кийшайди.

– Соня! Нима бўлди? Сенга нима бўлди?

Наташа оғзини катта очиб, юзи беўхшов тарвайиб, сабабини ўзи ҳам билмасдан, фақат Соня йиғлагани учунгина худди ёш боладай хўнграб юборди. Соня бошини кўтартмокчи ва унга караб жавоб бермокчи эди-ю, лекин туролмади ва юзини яна ҳам қаттикроқ беркитди. Наташа кўк парку тўшакка ўтириб дугонасини кучоқлаб йиғлар эди. Соня бир нав килиб ўрнидан турди-да, кўз ёшларини артар экан. дардини айта бошлади:

– Николинъка бир ҳафтадан кейин кетади... қоғози чиқибди... ўзи айтди... Мен йиғламас эдим... (У Қўлидаги қоғозни кўрсатди, бу – Николай ёзган шеър эди) мен ҳеч ҳам йиғламас эдим, лекин унинг қандай соғдил йигит эканини сен билмайсан... ҳеч ким билмайди...



Соня Николайнинг қанчалик софдил эканлигини айтиб яна йиғлади.

– Сенга яхши... мен ҳасад килмайман... Мен сени яхши кўраман, Борисни ҳам яхши кўраман, – деди бироз ўзига келиб. – Борис яхши... сизларнинг йўлларингни ҳеч нарса тўсмайди, Николай бўлса менинг тоғаваччам, бунга митрополитнинг ўзи аралашмаса... ўшанда ҳам иложи йўқ. Ундан кейин агар ойимга... (Соня графиняни она ҳисоблар ва ойи дер эди)... онам Николайнинг мартаба орттириш йўлига тўсиқ бўласан, тошюраксан, яхшиликни билмайсан, дейдилар... буни қара-я...вой худо... (У чўқиниб олди) мен у кишини, ҳаммаларингни ҳам яхши кўраман, факат Вера... Нега унака қиласди? Мен унга нима ёмонлик қилдим? Мен ҳаммаларингдан ҳам миннатдорман, сизлардан ҳеч нарсани аямас эдим-у, лекин нима қилайки, ҳеч нарсам йўқ...

Соня ортиқ сўзлай олмади ва яна юзини қўли билан беркитиб, тўшакка мукка тушди. Наташа уни юпата бошлади. Лекин дугонасининг қайғуси нақадар зўр эканлигини тушунганлиги унинг юзидан кўриниб турад эди.

Наташа тоғаваччасининг нимадан хафа бўлганлигини ўйлаб топгандай бирдан: – Соня! – деди, – Вера зиёфатдан кейин сенга бир нима дедими?

– Ҳа, бу шеърни Николайнинг ўзи ёзган экан, мен яна бошқаларини ҳам қўчириб олдим. Вера буни менинг столимдан топиб олиб, онамга кўрсатаман, деди, яна айтдики, мен яхшиликни билмас эмишман, онам ҳеч қачон Николайнинг менга уйланишига йўл қўймас эмишлар, у Жюлини олар эмиш. Кўриб турибсан-ку, Николай кун бўйи ўша билан бирга, Наташа! Мен нима ёмонлик қилибман-а?

У яна ҳам куюнироқ йиғлади. Наташа уни кўтарди, кучоклади ва йиги аралаш илжайиб, унга тасалли бера бошлади.

– Соня, сен унинг гапига ишонмагин, ишонма, жоним! Николай учовимиз истироҳат бўлмасида гаплашганимиз эсингда борми, кечки овқатдан кейин? Ўшанда гапни бир жойга қўйган эдик-ку. Ҳозир эсимда йўқ, лекин ўшанда гаплашганимизда ҳамма иш битадиган эди, бўлмайдиган ҳеч

нарса йўқ эди-ку, эсингда борми? Шиншин тоғамнинг ука-
лари аммаларининг кизини олган-ку, сен аммамнинг, кизи-
нинг кизисан, ахир. Борис ҳам бўлади деган эди. Биласанми,
мен унга ҳамма гапни айтдим. У бирам ақли, бирам яхши,
– деди Наташа. – Йиглама, Соня, кўй, жоним, – кулиб уни
ўпди, – Вера ўзи заҳар, кўй уни! Хеч нарса бўлмайди, Вера
онамга айтмайди ҳам. Онамга Николайнинг ўзи айтади,
Жюлига уйланиш унинг хаёлига ҳам келган эмас.

Наташа унинг бошидан ўпди. Соня ўрнидан турди. Бу
мушукча жонланиб, кўзлари чақнади, ҳозир думини ўйна-
тиб, юмшоқ оёқлари узра сакрашга, ўзига муносиб қилиқ
килиб, яна копток ўйнашга тайёрдай кўринар эди.

– Сен шундай деб ўйлайсанми? Ростданми? Худо ҳақия,
– деди Соня наридан-бери кўйлагини ва соchlарини тузатиб.

Наташа дугонасининг кокиллари остидан чиқиб қолган
сочини тузатар экан: – Худо ҳақи, рост! – деди.

Иккови ҳам кулди.

– Юр, «Булоқ» ашуласини айтамиз.

– Юр.

– Ҳали менинг рўпарамда ўтирган семиз Пьерни кўр-
дингми, жуда галати-я! – деди Наташа бирдан тўхтаб. –
Жуда вактим чоғ.

Наташа йўлақдан юрганича кетди.

Кип-қизарган Соня кийим-бошига ёпишган патни қо-
киб, шеърни икки кўкрагининг орасига тиқди-да, енгил ва
шўх қадамлар ташлаб Наташанинг кетидан йўлак бўйлаб
истироҳат бўлмасига чопди. Мехмонларнинг илтимосига кў-
ра ёшлар квартет¹ бўлиб «Булоқ» ашуласини айтишди ва бу
ҳаммага маъқул бўлди. Булардан кейин Николай янги ўрган-
ган ашуласини айтиб берди:

*Сўлим оқшом, ой нур сочган дам,
Сезажаксан ўзни баҳтиёр –
Ки, дунёда кимдир ҳали ҳам
Сен ҳақингда ўйлар интизор.*

¹ Квартет – 1) тўрт овоз ёки тўрт соз учун ёзилган музика асари; 2) тўрт ижроидан
иборат ансамбл (бу ерда шу маънода).

*Ул қыз нозик бармоқлар билан
Олтин удда янгратиб торлар,
Эҳтиросли уйғунлик ила
Сени чорлар, қошига чорлар
Күн, күн ўтар, келгуси жаннат...
Насиб бўлмас дўстингга фақат!*¹

Николай қўшиқнинг сўнгги бандини айтаётганда ёшлар ўйнагани тайёр турар эдилар, мусиқачиларнинг оёқ товушлари ва йўталлари эшитилди.

Пьер меҳмонхонада ўтирас эди. У чет элдан келган киши бўлганлигидан Шиншин Пьер учун қизик бўлмаган мавзу – сиёсатдан гап очди ва бунга бошқалар ҳам кўшилди. Мусиқа чалинган вақтда Наташа меҳмонхонага кириб, тўғри Пьернинг олдига борди-ю, кулиб, қизариб:

- Онам сизни рақсга таклиф қилгин дедилар, – деди.
- Мен рақсни яхши билмайман, – деди Пьер, – лекин сиз менга рақс ўргатишни хоҳлассангиз...

У йўғон кўлини пастрок қилиб нозиккина кизчага узатди.

Одамлар жуфт-жуфт бўлиб, мусиқачилар асбобларини созлагунча Пьер мўъжаз хонимчasi билан ўтириди. Наташа чет элдан келган кап-кatta одам билан рақс қилаётгани учун ўзида йўқ хурсанд эди. У ҳамманинг кўз ўнгига ўтириб, у билан худди катта кизлардай гаплашар эди. Унинг кўлида, кизлардан бири ушлаб тургани берган елпигич ҳам бор эди. У ғоят киборона вазиятда (худо билади, буни қачон ва қаёқдан ўрганибди) ўтирас, юзини елпигич билан елпиб, илжайиб йигити билан гаплашар эди.

- Кекса графиня залдан ўтаётib:
- Хийлагина-я? Хийлагина. Уни қаранглар, уни қаранглар, – деб Наташани кўрсатди.
 - Наташа қизариб кулиб юборди.
 - Кўйсангиз-чи, ойижон! Нега одамни уялтирасиз? Ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку!

¹ Шеърларни шоир Муҳаммад Али таржима килган.

Учинчи экосез¹ ярим бўлганда Марья Дмитриевна билан граф карта ўйнаб ўтирган меҳмонхонада курсилар тарақлади ва ҳурматли меҳмонларнинг кўпчилиги ва кексалар узок ўтирганликларидан керишиб, ҳамёнларини ёнларига солиб залга чикишди. Граф билан Марья Дмитриевна олдинда борар, ҳар иккиси ҳам хурсанд эди. Граф ҳазиломуз тақаллуф билан худди ўйинга тушаётгандай, кўлларини камалак килиб Марья Дмитриевнага узатди. У қоматини ростлади, юзи қув йигитларга хос бир табассум билан порлади, экосезанинг сўнгти фигураси тамом бўлгач, мусиқачиларга караб чапак уриб, биринчи скрипкачига²:

– Семен! Данило Купорни биласанми? – деб кичкирди.

Бу, графнинг ёшлик чоғларида рақс қилган суюкли куйи эди (аслида Данило Купор англезнинг³ фақатгина бир фигураси эди).

Наташа катта йигит билан рақс қилаёттанини тамоман унутиб, бутун залга:

– Дадамни кўринглар! – деб кичкирди-да, кўнғироқ сочли бошини тиззасигача эгиб қах-қах уриб кулди.

Дарҳакикат, бутун зал кувнок чолга табассум билан боқар, у ўзидан новча, улуғсифат Марья Дмитриевна ёнида икки қўлини камалак килиб мусика мақомига силкитар, елкаларини учирар, оёқларини аста-аста ерга уриб ўйнатар ва борган сайин очилиб бораётган лўппи юзидаги табассуми билан томошабинларнинг ҳозир бўладиган ўйинга иштиёқини оширав эди. Данило Купорнинг шўх кишининг завқини келтирадиган садоси эшитилиши билан залнинг ҳамма эшиклари одамга тўлди: бир томондан эркак ва бир томондан аёл хизматкорлар чиқиб, дилхушлик қилаёттан хўжайнларини томоша килиб илжайиб туришар эди.

Эшиклардан бирининг олдида турган энага баланд товуш билан: – Вой, отахонимизни қаранглар! Худди лочин а, лочин! – деди.

¹ Экосеза (*французча*) – шотландларнинг тўрт кисмли кадимий ракс тури.

² Скрипка (*руча; «гижир-гижир, гарч-гарч»*) – камонча билан чалинадиган тўрт торли мусика асбоби.

³ Англез – XVII-XIX асрларда Европада кенг таркалган инглизча ракс тури.

наётгандарида ва ҳориган ошпаз-у официантлар таом тайёрлаётганда, граф Безухов олтинчи марта ўсал бўлди. Докторлар унинг тузалишига умид йўқлигини айтишиди. Тилдан колган бемор имо-ишора билан гуноҳларига тавба қилди ва имон келтирди. Беморни соборование¹ қилишга ҳозирлик кўрилар, бутун ҳовли умуман шундай ҳолларда бўладиган бир ташвиш-тахликада эди. Кўча эшиги олдига тўплантган ва дам-бадам келаётган одамлардан эшик орқасига беркинган тобутсозлар графни кўмиш маросими учун кимматбаҳо тобут буюрилишини кузатар эдилар. Графнинг аҳволини билиш учун муттасил адъютантларни юбориб турган Москва бош қўмондони Екатерина замонининг машҳур тўраси граф Безухов билан видолашиб учун кечқурун ўзи келган эди.

Графнинг ниҳоятда ажойиб қабудхонаси одамга лиқ тўлган эди. Бош қўмондон бемор билан ярим соатча ёлғиз ўтириб чикқанида ҳамма унга хурмат юзасидан ўрнидан турди. У одамларнинг саломига салгина бош қимирилатиш билтан атиқ олиб, тикилиб турган докторлар, руҳонийлар ва кариндошлар орасидан мумкин кадар тезроқ ўтиб кетишига тиришар эди. Шу кунлари озган ва ранги олиниб қолган князь Василий бош қўмондонни кузатар экан, унга бир неча марта алланима деб шивирлади.

Князь Василий бош қўмондонни кузатиб, залдаги стулга ўзи ёлғиз, оёгини чалкаштириб, тирсагини тиззасига кўйиб ва кўли билан кўзини беркитиб ўтириди. Бирмунча вақтдан кейин ўрнидан турди-да, атрофга қўркувли назар ташлаб, жадаллаганича узун йўлакдан ўтиб ҳовлининг ичкарисига, катта княжнанинг олдига қараб кетди.

Хира чироқ аранг ёритиб турган уйдаги кишилар ўзаро шивирлашар, граф ётган уйнинг эшиги ҳар сафар суст: ғит этиб очилиб, бирор чиқсан ёки кирғанда кишилар бирдан жим бўлишар, кўзлари савол назари билан жавдирар ва хавотир бўлиб эшикка қарап эди.

Руҳоний чол ёнида ўтириб, сўзига анграйиб қулок солиб

¹ Соборование – черков одати бўйича ўлаётган ёки оғир ётган одамнинг баданини зайдун ёғи билан мойлаш.

турган хотинга:

– Кишининг паймонаси тўлгандан кейин ҳеч илож йўқ,
– деди.

– Соборование қилиш фурсати ўтмадимикан, дейман? –
деди хотин руҳонийнинг сўзига қўшимча қилиб ва худди ўзи
ҳеч нарсани билмайдигандай.

Руҳоний чол бир неча тола мошгуруч сочи узала тушиб
ётган тепакал бошиниб силаб:

– Бу зўр савоб иш, – деди.

– Бу ким экан? Бош қўмондоннинг ўзими? – дейишар
эди уйнинг нариги бурчагида ўтирганлар. – Ёш кўринади-я!..

– Олтмишдан ошган! Граф одамни танимай қолибди
дейишадими? Соборование қилишмокчимиди?

– Мен етти марта соборование қилинган одамни кўрган-
ман.

Бемор ётган уйдан ўртанча княжна кўзлари йигидан қи-
зарип чиқди ва Екатеринанинг сурати остида таманно билан
стулга суяниб ўтирган доктор Лорреннинг ёнига ўтирди.

– Жуда яхши ҳаво, – деди доктор бугунги ҳаво тўғри-
сида берилган саволга жавобан. – Ҳаво жуда ҳам яхши,
княжна, айтгандек, Москва худди қишлоққа ўхшайди.

– Шундок эмасми? – деди княжна хўрсиниб. – Ичса,
майлими?

Лоррен ўйлаб қолди.

– Дорини ичадими?

– Ҳа.

Доктор брегет¹ соатига қаради.

– Бир стакан қайноқ сувга бир чимдим тартаридан
солинг (у тартари нима эканлигини нозик бармоқлари билан
кўрсатди).

– Уч марта ўсал бўлиб, ўлмай қолган одамни умримда
эшитганим йўқ, – деди немис доктор адъютантга рус сўзла-
рини немисча талафуз қилиб.

– Ҳали жуда бардам эди-я! – деди адъютант ва шивир-
лаб: – Энди бу мол-у дунё кимга қолар экан?.

¹ Брегет – Швейцарияда чикариладиган соат тури.

– Меросхўрлар топилади, – деди немис илжайиб.

Ҳамма яна эшикка қаради: эшик очилиб ўртанча княжна Лоррен буюрган дорини беморга олиб кириб кетди. Немис доктор Лорреннинг олдига келди.

У французча зўрга тили келишиб:

– Эрталабгача етармикин? – деди.

Лоррен лабларини юмиб, бармоғини бурни остида кимирлатиш билан «йўқ» деган ишора килди-ю:

– Шу кечадан қолмай узилади, – деди секин ва беморнинг аҳволини, унинг нима бўлишини билганига мағурона бир табассум қилиб, нари кетди.

Бу орада князь Василий княжнанинг эшигини очди.

Бўлма ичи гира-шира, фақат санамлар олдида иккита чирокча ёниб турар ва уйдан мушк билан гул ҳиди келар эди. Бўлманинг теварак-атрофига шифонерча, жавонча ва столчалар кўйилган, ширманинг орқасидан баланд, юмшоқ, қарвотнинг оппоқ чойшаби кўриниб турар эди. Лайча ҳурди.

– Вой, сизмидингиз, тоға?

Княжна ўрнидан турди-да, ҳамма вакт, ҳатто хозир ҳам ниҳоятда силлиқ, худди яхлит бир нарсадан ясаб лак суртилгандай ярқираб турган сочини тузатди.

– Ҳа, бирон гап бўлдими? – деб сўради, – жуда қўрқиб кетибман-а.

– Ҳеч гап бўлгани йўқ, бирдай, мен фақат сен билан бир иш тўғрисида гаплашгани келдим, Катишь, – деди князь Василий хорғин бир киёфада княжна турган креслога ўтириб. – Мунча иситиб юборибсан, – деди у, – қани, ўтири бу ёкка гаплашайлик.

– Мен бирон ҳодиса бўлибдими деб ўйлабман, – деди княжна ва князнинг рўпарасига ўтириди. Унинг юзи одатдагича тунд ва ковоғи солик эди.

– Ухлай деган эдим, лекин ухлолмадим, – деди княжна.

– Хўш, азизим, нима гап? – деди князь Василий унинг кўлини олиб ва одати бўйича пастга босиб.

Унинг «хўш, нима гап» дегани, айтилмасдан иккови ҳам биладиган кўп нарсаларга доир эканлиги кўриниб турар эди.

Чўпдай бели тўппа-тўғри ва оёқларига номутаносиб ра-

вишда узун бўлган княжна чағир ва бўртиб чиккан кўзларини князга тикиб ўшшайиб ўтирас эди. У бошини чайқади-ю, уф тортиб санамга қаради. Унинг бу ҳаракатини қайғу ва садоқат ифодаси деб билса ҳам, ҳориганлик ва тезроқ дам олишга умид ифодаси деб тушунса ҳам бўлар эди.

Князь Василий унинг бу ҳаракатини ҳориганлик ифодасига йўйди.

– Менга-чи, менга осон тутасанми? – деди князь Василий. – Почтачининг отидай ҳолдан тойғанман, шундай бўлса ҳам, сен билан икки оғиз гаплашишим керак, Катишь, жуда зарур гап.

Князь Василий жим колди. Унинг икки юзи асабий бир ҳолатда гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга тортишиб, афтини хунук килар эдики, князь Василий меҳмонхоналарда ўтирган чоғларида хеч қачон бу ҳолатда бўлмаган эди. Унинг кўзлари ҳам одатдагидан бошқачарок: бу кўзларда гоҳ беибо шўхлик ва гоҳ кўркув аломати кўринар эди.

Княжна орик, чўпдай қўли билан тиззасидаги лайчани ушлаб туар экан, князь Василийнинг кўзига диккат билан қаради: лекин у тонг отгунча шундай ўтиришга тўғри келганда ҳам ўтираверадиган ва бирон савол бериб, бу жимликни бузмайдиганга ўхшар эди.

– Мана, кўрдингизми, азизим ва жигарим княжна Катерина Семёновна – деди князь Василий, афтидан, неча ўй-у хаёл билан зўрга сўзини давом эттириб, – бундай пайтларда ҳар тўғрида ўйлаш керак бўлади. Келажак тўғрисида, сизлар тўғрингизда... Мен ҳаммангизни ҳам ўз болаларимдай яхши кўраман, буни ўзинг биласан.

Княжна ҳамон қовоғини солиб ва кимирламасдан унга қараб туар эди.

– Нихоят, менинг бола-чақам тўғрисида ҳам ўйлаш керак, – деди князь Василий жаҳл билан столчани нарирок итариб ва княжнага қарамасдан сўзида давом этди: – ўзинг биласанки, Катишь, сизлар уч опа-сингил Мамонтовалар-у яна менинг хотиним, ҳаммамиз графнинг бевосита мерос-хўрларимиз.

Бундай нарсалар түгрисида гапириш ва ўйлаш сенга қанчалик оғирлигини биламан. Менга ҳам осон эмас: лекин, дүстим, ёшым элликдан ошиб колди, жон бор ерда қазо бор. Хабаринг борми, граф Пьернинг суратини кўрсатиб чаки-ринглар, деди, мен унга одам юбордим.

Князь Василий княжнага савол назари билан қаради-ю, лекин тушуна олмади: княжна айтган гапларини үқдими ё шундай қараб турибдими...

– Мен худодан фақат шуни сўрайманки, тоға, – деди княжна, – шундай бандасига раҳм қилсан-у, омонатини осонлик билан олеин...

– Ҳа, ҳа, – деди князь Василий юраги сиқилиб ва тепа-кал бошини ишқаб, итариб юборган столчани жаҳл билан яна ўзига тортиб, – лекин... ахир ўзинг биласанки, ўтган киш граф васиятнома ёзиб бутун мол-мулкини бевосита мерос-хўрлари ва бизни қолдириб, Пьерга берган эди.

– Васиятнома ёзган бўлса ёзгандир! – деди княжна бепарвогина, – лекин Пьерга васият қилиши ҳеч мумкин эмас. Пьер унга никоҳсиз туғилган ўғил.

– Азизим, – деди тўсатдан князь Василий столчани бағрига босди-да, жонланиб тез-тез гапира кетди, – мабодо граф подшога хат ёзиб Пьерни қонуний ўғил қилмоқчи экан-лигини арз қилган бўлса-чи? Биласанми, графнинг қилган хизматларини назарга олиб унинг илтимоси қабул қилинади...

Княжна табассум килди, унинг табассуми гапирилиб турган нарсани ҳамсухбатидан кўпроқ билишига ишонган кишилгарнинг табассумига ўхшар эди.

– Мен сенга яна бир нарсани айтай, – деди князь Василий унинг қўлинини ушлаб: – хат ёзилиб, гарчи юборилмаган бўлса ҳам, бу хат подшога маълум, ҳамма гап шундаки, бу хат йиртиб ташланганми-йўқми. Агар йиртиб ташланмаган бўлса иш тамом, – князь Василий «иши тамом», деганида нимани кўзда тутганлигини англатмоқ учун уф тортиди, – у вақтда графнинг қофозлари ичидан васиятнома билан бу хатни топиб олиб подшога юборишади ва подшо, албатта, унинг илтимосини қабул килади. Унда Пьер қонуний ўғил

бўлиб, ҳамма меросга эга чиқади.

Княжна ҳар нарса бўлганида ҳам бундай бўлиши хеч ҳам мумкин эмаслигини кўрсатадиган бир истехзо билан илжайиб:

– Бизнинг ҳиссамиз-чи? – деб сўради.

– Ахир, азизим Катишь, бу очик кўриниб турган нарсаку. Турган гапки, Пьер ўзи ёлғиз қонуний меросхўр бўлади-ю, сизлар мана буни ҳам ололмайсизлар. Сен шуни бир амаллаб билишинг керакки, азизим, ўша васиятнома билан хат ёзилганми, ёзилган бўлса йиртиб ташланганми? Агар мабодо эсидан чиқиб бирор жойда қолиб кетган бўлса, сен қаерда эканлигини билишинг ва топишинг зарур, чунки...

Княжна ҳамон ўшшайганича заҳарханда билан унинг сўзини кесиб:

– Бир ками шу эди! – деди. – Сизлар, ҳамма хотинлар бефаҳм дейсизлар, мен аёл бўлсан ҳам, шуни биламанки, никоҳсиз туғилган ўғил меросхўр бўлолмайди... Никоҳсиз.. – деди княжна, гўё бу гапни француза айтиш билан князнинг гапи тамоман асоссиз эканлигини кўрсатмоқчи бўлиб.

– Ҳали ҳам тушунмайсан-а, Катишь! Шунчалик фаҳм-фаросат билан тушунмайсан-а, агар граф подшога хат ёзиб, Пьернинг қонуний ўғил ҳисобланишини илтимос қилган бўлса, у вақтда Пьер – Пьер эмас, граф Безухов бўлади-да, васиятномага мувофиқ ҳамма меросни олади. Агар васиятнома билан хат йиртиб ташланмаган бўлса, у вақтда сен ўзингта олихимматлилик қилдим деб тасалли беришингдан ва бунинг оқибатидан бошқа хеч нарса қолмайди. Бу турган гап.

– Васиятнома ёзилганлигини биламан: шу билан бирга бу васиятнома бўла олмаслигини ҳам биламан, сиз мени буткул бефаҳмга чиқариб қўяётганга ўхшайсиз, тоға, – деди княжна, «зап ўткир ва ҳақоратли гап айтдим-да», деб ўйлаган хотинлар киёфасида.

– Азизим княжна Катерина Семёновна! – деди князъ Василий тоқати тоқ бўлиб. – Мен сенинг олдингта тортишгани келганим йўқ, сени яхши, жонажон ва чинакам қариндошим деб, ўз фойданг тўгрисида гаплашгани келдим. Мен

сенга қайта-қайта айтдимки, агар графнинг қоғозлари орасидан подшога ёзилган хат билан Пьер номига ёзилган ҳалиги васиятнома чиқиб қолса, у вактда сен билан сингилларинг меросхўр бўлолмайсизлар, азизим. Агар менинг гапимга ишонмасанг, биладиган одамларнинг гапига ишон: мен ҳозир Дмитрий Онуфриич билан гаплашдим (бу одам шу хонадоннинг адвокати эди), у ҳам шу гапни айтди.

Афтидан, княжнанинг кўнглига бир гап келди: юпқа лаблари оқаришди (кўзлари ўша хилда қолди), гапирган вактда товуши шундай ғўлдираб чиқдики, бундай бўлишини, афтидан, ўзи ҳам кутмаган эди.

– Жуда яхши бўлар эди, – деди княжна. – Менга ҳеч нарса керак эмас эди, ҳозир ҳам кераги йўқ.

У тиззасидан лайчани итариб ташлаб, кўйлагининг бурмасини тузатди.

– Мана миннатдорчилик, мана жонини аямаган одамларнинг кадр-у киммати, – деди княжна. – Яхши! Жуда яхши! Менга ҳеч нарса керак эмас, князъ.

– Ахир сен ўзинг ёлғиз эмассан, сингилларинг бор, – деди князъ Василий.

Княжна унинг гапига қулоқ солмас эди.

– Ҳа, шундай бўлишини аллақачонлари билар эдим, лекин бу даргоҳда пастлик, фирибгарлик, ҳasad, фитна фасод, яхшиликка ёмонлик ва бадҳоҳликдан бошқа нарса кутишим мумкин эмаслигини унугибман..

Князъ Василий юзи илгаригидан ҳам каттикрок пирпираб:

– Ўша васиятнома қаерда эканлигини биласанми, йўқми? – деб сўради.

– Ҳа, нодон эканман, мен ҳануз одамларга ишониб, жонимни уларга фидо қилиб юрган эканман, лекин энг тубан ва разил одамлар мақсадига эришаётиди. Бу кимнинг макри эканлигини биламан.

Княжна ўрнидан турмокчи бўлган эди-ю, князъ унинг кўлидан ушлади. Княжна бирдан бутун одамзотдан ихлоси қайтган одамга ўхшаб қолган эди. У ҳамсуҳбатига қаҳр-у ғазаб билан қаради.

– Ҳали ҳам фурсат бор, дўстим. Шуни эсингдан чиқармагинки, Катиши, бу нарсалар ҳаммаси ғайриихти-ёрий, жаҳл устида, беморлик чоғида қилиниб кейин эсдан чиққан. Бизнинг бурчимиз, азизим, унинг хатосини тузатиш, бундай адолатсизликка йўл бермаслик билан уни сўнгги дамларида хотиржам қилиш, ўша одамларни баҳтсиз қилдим, деган бир армон билан ўлиб кетишига йўл қўймаслик, ўша одамларнинг...

– Унинг учун жонини фидо килган ўша одамларнинг, – деди княжна унинг гапини оғзидан олиб ва ўрнидан тургани интилган эди-ю, князъ яна қўймади. – Ўша одамларнинг ҳеч қачон қадрига етган эмас. Йўқ, тога, – деди княжна уф тортиб, – мен бу дунёда яхшилик яхшилик кутиш мумкин эмаслигини, бу дунёда на инсоф, на адолат, ҳеч нарса йўқ эканлигини сира эсимдан чиқармайман. Бу дунёда маккор ва ичи кора бўлиш керак экан.

– Ҳай-ҳай, ўзингни бос, мен сенинг қалбинг софлигини биламан.

– Йўқ, менинг қалбим соф эмас, кора юракман.

– Мен сенинг қалбингни биламан, – деди князъ, – мен сенинг қадрингга етаман, сен ҳам менинг қадримга етсанг, бас. Ўзингни бос, дурустрок гаплашайлик, бир кунми, бир соатми, ҳали ҳам фурсат ганимат, васиятнома тўғрисида нима билсанг ҳаммасини айт, ҳаммадан зарури – унинг қаерда эканини билишинг керак. Васиятномани топсак, дархол графга кўрсатамиз. У, васиятномани эсдан чиқаргандир, олади-ю, йиртиб ташлайди. Биласанми, менинг бирдан бир мақсадим – унинг хоҳишини бажо келтиришдир. Мен шунинг учун ҳам келганман. Мен бу ерда графга ва сизларга ёрдам бериш учунгина ўтирибман.

– Энди ҳаммасига тушундим. Бу кимнинг макри эканлигини биламан. Биламан, – деди княжна.

– Гап бунда эмас, азизим.

– Бу сизнинг ҳимоянгизда, сизнинг меҳр қўйган Анна Михайловнангиз. Мен бу разил, қабиҳ хотинни оқсочиликка ҳам олмас эдим.

– Фурсатни бекорга ўтказмайлик..

– Бунинг қилган ишлари-я! Утган қиши шу ерда юриб, ҳаммамиз, айникса, Соня түғрисида графга шундай расво гаплар айтибиди, мен ҳозир оғзимга ололмайман, шундан кейин граф бетоб бўлиб, икки ҳафта бизни кўргани кўзи бўлмай юрди. Бу қабиҳ ва расво васиятномани ўша кунларда ёзган: мен у вактда бунинг ҳеч аҳамияти йўқ, деб ўйлаган эдим.

– Ҳамма гап шунда-да. Нега илгариrok менга ҳеч нарса демадинг?

– Васиятнома графикинг ёстиги остидаги нақшин портфелда. Энди билдим, – деди княжна князниг саволига жавоб бермай. – Агар менинг бирор гуноҳим бўлса, гуноҳим факат шу разил хотинни ёмон кўрганлигим, – деб қичқирди княжна тамоман ўзгариб. – Бу хотин нега бу ерда нима қилиб юраркан? Мен унинг юзига ҳаммасини, ҳаммасини айтаман. Вакти келсин-чи!

XIX

Графнинг қабулхонаси билан княжнанинг бўлмасида мана шундай гаплар бўлаётган бир пайтда, Пьерга юборилган карета (у билан бирга келишни зарур деб билган Анна Михайловна билан) граф Безуховнинг ховлисига кириб келди. Каретанинг ғилдираклари дераза тагига тўшалган похолнинг устидан секингина шитирлаб бораётганда, Анна Михайловна тасалли бермоқчи бўлиб ҳамроҳига қарасаки, у каретанинг бир бурчига суюниб ухлаб қолибди. Анна Михайловна уни уйғотди. Пьер уйгониб, унинг кетидан каретадан чиқаётганидагина, ҳозир ўсал ётган отаси билан кўришмокчи эканлигини хотирлади. У разм солиб қарасаки, карета катта эшикка эмас, орка эшикка келиб тўхтабди. У каретадан тушаётганида мешчанча либос кийган икки киши эшик олдидан шошиб-пишиб деворнинг тагига ўтди. Пьер тўхтаб туриб, икки томондаги деворнинг тагига турган яна бирмунча шуларга ўхшаган кишини кўрди. Лекин на Анна Михайловна, на лакей ва на кучер¹, – ҳеч ким буларга эътибор

¹ Кучер (немисча: Kutscher – аравакаш) – извош хайдовчи.

килишмади. Пьер ўзича: «шундок бўлиши керакдир-да», деб ўйлади-ю, Анна Михайловнанинг кетидан бораверди. Анна Михайловна торгина, хира чирок шуъла сочиб турган гишт зинадан чикиб борар экан, орқада колаётган Пьерга кички-рар, Пьер эса, гарчи умуман графнинг олдига бориши нима учун керак эканлигини ва хусусан, нима учун орка зинадан чикиш керак бўлганини билмаса ҳам, Анна Михайловнанинг шошиб ва дадил кадам ташлаб кетаётганлигини кўриб: «Шундок бўлиши зарурдир», деган ўйга борди. Булар зина-нинг ярмига еттандан рўпарадан тапир-тупур килиб чопиб пакир кўтариб келаётган кишилар уларга урилиб йиқилиб юбораёзди. Бу одамлар Пьер билан Анна Михайловнани кўриб, ҳеч ҳайрон бўлмасдан деворга қалишиб туриб, йўл беришди.

Анна Михайловна уларнинг биридан:

– Княжналарникига шу ердан кириладими? – деб сўради.

Лакей худди энди ҳеч кимдан тап тортмайдигандай, дадил ва баланд овоз билан:

– Шу ердан, чап қўлдаги эшик, бекач, – деди.

Пьер зинанинг устига чикканда:

– Балки, граф мени чақирмагандир, мен ўз уйимга кирсаммикин, – деди.

Анна Михайловна Пьер етиб олгунча тўхтаб турди.

У эрталаб ўғли билан гаплашган вактдагидай бир ҳара-кат билан Пьернинг кўлинни ушлаб:

– Оҳ, азизим! Мен ҳам сиздан кам хафа бўлаётганим йўқ, лекин вазмин бўлинг, – деди.

Пьер кўзойнак оркали Анна Михайловнага мулойим назар ташлаб:

– Мен уйга кира қолай? – деди.

– Сизга ноҳақлик қилганини кўнглингиздан чикаринг, дўстим; ахир, отангиз... эҳтимол, ўлим тушагидадир.. – Анна Михайловна хўрсинди. – Мен сизни кўришим билан ўз ўғ-лимдай яхши кўриб қолдим. Менга ишонинг, Пьер. Мен сизнинг манфаатингизни эсимдан чиқармайман.

Пьер бу гапларга ҳеч тушуна олмас эди, у яна «шундок

бўлиши керакдир-да», деган ишонч билан шу чог зшикни очган Анна Михайловнанинг кетидан итоат билан бораверди.

Бу эшиқдан орқа йўлнинг дахлизига кирилар эди. Бурчакда княжналарнинг хизматкори бир чол пайпок тўкиб ўтирар эди. Пьер ҳовлининг бу томонига ҳеч қачон ўтмаган ва бу томонда шунака уйлар бор эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Анна Михайловна, патнисда графин кўтариб уларнинг орқасидан етиб келган қиздан (уни «азизим» ва «қўзичноғим» деб) княжналарнинг соғлигини сўради ва Пьерни ғишт ётқизилган йўлакдан эргаштириб олиб кетди. Йўлакка кирилганда чап томондаги биринчи эшик княжналар ўтирадиган уйнинг эшиги эди. Графин кўтарган ҳалиги хизматкор қиз шошганидан (ҳозир бу ҳовлида ҳамма иш жадал қилинар эди) эшикни ёпмай кириб кетди: Пьер билан Анна Михайловна ўтиб кетаётib, кўзлари нохосдан унга тушди ва бир-бирига якин ўтириб гаплашаётган катта княжна билан князъ Василийни кўриб қолишиди. Князъ Василий уларни кўргач, бетокат бўлди ва ўзини орқага ташлади: княжна иргиб ўрнидан турди-ю, жон-жаҳди билан эшикни шакиллатиб ёпди.

Бу харакат ҳамиша оғир бўлган княжнага шу қадар ёпишмас, гердайган князъ Василийнинг юзидағи кўркув аломати шу қадар ёт кўринар эдики, Пьер тўхтаб кўзойнаги орқали ўзининг етакчиси Анна Михайловнага савол назари билан қаради. Анна Михайловна ҳеч ҳайрон бўлмасдан, шундок бўлишини гўё ўзи билгандай, секингина илжайиб, хўрсениб кўйди.

У Пьернинг қарашига жавобан:

– Мард бўлинг, дўстим, мен сизнинг манфаатингизни кўзлайман, – деди-ю, йўлак бўйлаб яна ҳам илдамроқ юриб кетди.

Пьер гап нимада эканлигини ва, айниқса, «вазминлик» нимадан иборатлигини билмас, лекин «шундок бўлиши керакдир», деб ўйлар эди. Улар йўлақдан ярим қоронги залга чиқишиди, бундан графнинг қабулхонасига ҳам эшик бор эди. Бу уй совуқ ва безатилган уйлардан бири бўлиб Пьер уни

катта күча эшигидан кирганда күрган эди. Шу уйнинг ҳам ўртасида бўш ванна турар ва гиламга сув тўкилган эди. Уларнинг қаршисидан чиқсан исирикдан кўтарган поп¹ ёрдамчиси билан хизматкор оёқ учидаги юриб ўтиб кетишиди. Улар Пьер биладиган ва икки итальянча деразаси қишки боғга қараган, катта ҳайкал ҳамда Екатеринанинг бор бўйича олинган каттакон расми турган қабулхонага киришиди. Қабулхонада ҳамон ўша одамлар ўша вазиятда бир-бири билан шивирлашиб ўтираси эди. Ҳамма жим, бўлиб, ранги ўчган ва афти ҳозир йиғлаганга ўхшаган Анна Михайловна билан унинг кетидан бошини кўйи солиб итоаткорона кириб келган семиз Пъерга қаради.

Анна Михайловнанинг юзи «охирги пайт» деган маънони англатар эди. У Пъерни эргаштириб, Петербург ўткир хонимларига хос ҳаракат билан эрталабкидан ҳам дадилроқ қадам ташлаб уйга кирди. У ўлим тушагида ётган граф кўришни истаган одамни олиб кираётганлиги учун ҳеч сўзсиз қабул қилинишига кўзи етар эди. Уйда ўтирган кишиларга бир қаради-да, буларнинг орасида ўтирган графнинг руҳонийларига кўзи тушгач, наинки букилиб, балки йўргалаганича руҳонийларнинг олдига борди ва эҳтиром билан туриб аввал бирининг, кейин иккинчисининг дуосини олди.

– Хайрият, етиб келибмиз, – деди руҳонийлардан бирига. – Биз қариндош-уруғлар жуда қўрккан эдик. Мана бу йигит графнинг ўғли, – деб секин илова қилди. – Жуда оғир пайт!

Шу гапларни айтиб, докторнинг олдига борди.

– Мухтарам доктор, – деди, – бу йигит – графнинг ўғли... Умид борми?

Доктор ҳеч нарса демасдан, елкасини учирив юкорига тикилди. Анна Михайловна ҳам худди ўша хилда ҳаракат қилди, елкасини учирив, юкорига тикилди, у кўзларини қарийб юмиб, оҳ тортди-да, докторнинг олдидан Пъернинг олдига борди. У алоҳида эҳтиром ва маъюслик билан Пъерга мурожаат қилиб:

¹ Поп (юонча) – православ черковида руҳонийнинг расмий номларидан бири.

– Парвардигорга илтижо қилинг! – деди ва ўзи чиққунча ўтириб турғани унга диванчани күрсатди-да, оёқ учидары, ҳамма қараб турған эшикка томон борди, эшикни астагина гит этиб очиб, ичкарига кириб кетди.

Пъер етакчисининг измидан чиқмасликка қарор бериб, у күрсатган диванчага томон борди. Анна Михайловна кўздан гойиб бўлиши биланоқ, уйда ўтирганларнинг ҳаммаси хаддан ташқари қизиқиш ва хайриҳоҳлик билан унга тикилаётганлигини ва шафқат назари билан қараётганлигини сезди. Ҳамма худди кўркқандай, ҳатто хушомадгўйлик килгандай уни кўзи билан кўрсатиб, ўзаро шивирлашаётганини пайқади. У ҳаммадан ҳеч қачон кўрмаган ҳурматни кўтар эди: руҳоний билан гаплашиб ўтирган нотаниш бир хоним ўрнидан туриб, унга жойини таклиф килди, адъютант ерга тушган қўлқопини олиб берди; у ўтиб бораётганда докторлар ҳурмат юзасидан жим бўлиб, унга йўл бергани четланишди. Пъер аввал хонимни безовта қилмасдан, бошқа жойга ўтироқчи, ерга тушган қўлқопини ўзи олмоқчи ва йўлини тўсиб ҳам турған докторларни нариги томондан айланиб ўтмоқчи эди, бироқ шу пайтда бу одобдан бўлмас, деган фикрга келди, у бугун кечаси ҳамма кутаётган фавқулодда маросимни адо қилувчи кишиман ва шунинг учун ҳамма менга ҳурмат кўрсатиши керак, деган хаёлга борди. У адъютантнинг қўлидан қўлқопни индамасдан олди, хоним бўшатиб берган жойга ўтириди, каттакон қўлларини баравар турған икки тиззасига кўйиб, қадимги Миср ҳайкалларига ўхшаган бир вазиятда ўтириди, ўзича «шундек бўлиши керак экан-да», деб ўйлаб, бу оқшом гаранг бўлиб қолмаслик ва бирон бехуда иш қилиб кўймаслик учун ўз билгисича ҳеч нарса қилмасдан, бутун ихтиёрни ўзига йўл кўрсатаётган кишилар кўлига беришга қарор килди.

Орадан сал вакт ўтмай, князь Василий учта юлдуз тақилган кафтанини¹ кийиб, улуғворлик билан бошини баланд кўтарган ҳолда, кириб келди. У эрталабкига қараганда ўзини

¹ Кафтан (русча) – Россияда XVI-XVII асрларда кенг таркалган кийим. Биздаги чопон кийимиға тўгри келади.

бироз олдирганга ўхшар эди; ўтирганларга назар ташлаб, Пьерни кўрганида кўзлари одатдагидан кўра каттарок кўринар эди. У Пьернинг олдига келиб, унинг қўлидан ушлади (илгарилар хеч қачон бундок қилмас эди) ва худди шу қўлининг канчалик маҳкам эканини синамоқчи бўлгандай, пастга тортди.

– Қайғурманг, қайғурманг, дўстим. Сизни чакиртириди. Бу яхши... – деб кетмокчи бўлди.

Лекин Пьер бир нима дейишни лозим кўриб:

– Саломатликлари қалай... – деди-ю, bemорни граф деб аташ одобдан бўлармикин, деган андишада дудукланиб колди, чунки уни отам дегани уялар эди.

– Ярим соат илгари яна ўсал бўлган эди Яна бир марта ўсал бўлди. Қайғурманг дўстим...

Пьер шундай бир гаранг аҳволда эдики, «ўсал» деган сўзнинг маънисига дафъатан тушунмади. У князъ Василийга ҳайрон бўлиб каради-да, кейин «ўсал» касалнинг оғир бир ҳолати эканлигини англади. Князъ Василий йўлакай Лорренга бир-икки оғиз гапирди-ю, оёқ учida юриб эшиқдан кириб кетди. У оёқ учida юра олмас экан, бутун гавдаси беўхшов силкинар эди. Унинг кетидан катта княжна, ундан кейин рухонийлар ва уларнинг ёрдамчилари, хизматкорлар ҳам киришди. Ичкаридан одамлар шарпаси эшитилар эди. Ниҳоят, ҳамон ўшандай юзи ўзгарган, лекин ўз бурчини адo килишга маҳкам бел боғлаганлиги кўриниб турган Анна Михайловна югуриб чиқди ва Пьернинг енгини ушлаб:

– Худойи таолонинг марҳамати беҳад. Соборование ҳозир бошланади. Юринг, – деди.

Пьер юмшоқ гиламдан қадам ташлаб эшиқдан кирди ва шунда пайқадики, энди бу уйга киргани рухсат сўраш керак бўлмагандай, адъютант ҳам, нотаниш хоним ҳам ва яна қайси бир хизматкор ҳам унинг кетидан киришди.

XX

Пьер устун ва равоқ билан иккига бўлиниб, деворларига гилам қоқилган бу каттакон уйни жуда кўп кўрган эди. Устунларнинг нариги томони худди кечки ибодат вақтидаги

бутхонадай¹ қизгиш ёруғ бўлиб, бир томонда кизил ёгочдан ясалган ва шоҳи парда тутилган баланд каравот, иккинчи томонда шамлар кўйилган каттакон киот² турар эди. Киотнинг тагида узун вольтер креслоси турар: оппок оҳорли, афтидан, ҳозиргина алмаштирилган ёстиклар кўйилган бу креслода белигача зангор кўрпа ёпинган, Пъерга таниш салобатли киши чиройли қизгимтири-сарик юзини қариларга хос нуроний ажин босган ва кенг пешонасидаги бир тутам оппок сочи йўлбарсни эслатадиган отаси граф Безухов ётар эди. У санамлар остида ётар, семиз катта қўллари кўрпанинг устида турар эди. Кафти пастга килиниб кўйилган ўнг кўлининг бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғи орасига мум шам қистирилган бўлиб, уни кекса хизматкор креслонинг нариги томонидан энгашиб тутиб турар эди. Креслонинг тепасида улутвор ва яркироқ кийимлар кийган, узун соchlарини елкаларига ташлаб кўйган руҳонийлар ёқилган шамларни кўтариб тантана билан аста-секин ибодат қилишар эди. Булардан бироз кейинроқда икки кичик княжна рўмолчаларини қаншарга қўйиб туришар, улардан сал олдинда княжна Катишъ газабланган ва шайлангандай санамдан кўзини олмай, худди бошқа ёққа кўзим тушса айб менда эмас, деяётгандай бир қиёфада туриб колган эди. Анна Михайловна ҳалим ва қайғуга сабр билан бардош қилаётган бир алпозда нотаниш хоним билан бирга эшик ёнида турар эди. Князъ Василий эшикнинг нариги томонида креслога яқин туриб, олдидаги нақшли баҳмал курсининг суюнчиғига шам ушлаган чап қўли билан суюниб ўнг қўли билан чўқинар ва ҳар сафар уч бармоғини пешонасиға урганида юкорига карар эди. Унинг юзи худди тақдирга тан берган ва тангрининг иродасиға садокат қилаётгандай эди. У гўё: «Агар шу хисларни билмасаларинг, ўзларингта қийин», деб тургандай эди.

Унинг орқасида адъютант, докторлар ва эркак хизматкорлар тизилишган, худди бутхонадаги сингари эркаклар

¹ Бутхона (форсча) – бутпарастлар ибодатхонаси. Бутта сигинувчилар ибодатхонаси, черков.

² Киот – икона (санам) кутиси ёки рамкаси.

алоҳида-ю, хотинлар алоҳида эди. Ҳамма жим туриб чўкинар, фақат тиловат, салмоқли ва йўғон овоз билан қилинаётган кироат товуши эштилар, бу товушлар бир лаҳза тинган вақтда одамларнинг оҳ тортиши ва оёқ шарпаси қулоққа қалинар эди. Анна Михайловна боягидай «нима қилаётганимни ўзим биламан» дегандай, бир катъият билан уйнинг ўртасидан ўтиб Пьернинг олдига борди-да, унга шам берди. Пьер шамни ёқди, эс-хуши атрофидаги одамларда бўлгани учун шам ушлаган қўли билан чўкина бошлади.

Қизил юзли, кулгичли, холдор кичик княжна Софи Пьерга караб турар эди. У кулиб, юзини рўмол билан беркитди-ю, анчагача очмади; очганидан кейин яна Пьерга кўзи тушиб тағин кулиб юборди. У Пьерга кўзи тушса, кулгидан ўзини тия олмаслигини билса ҳам, унга ҳадеб қарагиси келар эди, шунинг учун бирон кор-ҳол бўлмасин деб, секин нариги томонга ўтиб кетди. Ибодат ярим бўлганда руҳонийлар бирдан жим бўлиб бир-бирлари билан шивирлашиб қолишди: графнинг қўлини ушлаб турган кекса хизматкор ўрнидан туриб, хотинларга мурожаат қилди. Анна Михайловна олдинга чиқди-ю, беморнинг устига энгашиб, орқасидан бармоғи билан имлаб, Лорренни чакирди. Шамсиз, устунга суюниб, мазҳаби бошқа бўлса ҳам, ҳозир қилинаётган маросимнинг зарурлигини тушунадиган ва ҳатто буни маъкуллайдиган бир ажнабий вазиятда одоб билан турган француз доктор аста-аста кадам босиб беморнинг ёнига келди. Унинг зангори кўрпа устида турган бўш қўлини оппок ва нозик бармоқлари билан ушлади-да, тескари ўгирилиб томирини кўрди ва ўйланаб қолди. Беморга бир нима ичиришди, атрофдаги одамлар жунбишга келди, сўнгра ҳамма ўз жойига қайтиб яна ибодат бошланди. Ҳамма бемор билан овора бўлган вақтда Пьер князъ Василийнинг стул орқасидан чикиб, беморнинг олдига келмасдан, унинг ёнидан ўтиб, катта княжнанинг олдига борганини ва у билан ётоқнинг тўрига, шоҳи парда тутилган баланд каравот томонга кетганини кўрди. Унинг юзида ҳамон ўша «нима қилаётганимни ўзим биламан, агар менга тушунмасаларинг, ўзларингга қийин», деган маъно бор эди. Князъ билан княж-

на иккови каравотдан наридаги эшикка кириб кетишиди-ю, ибодат тамом бўлгач, бирин-кетин чиқиб ўз жойига келиб туришди. Пьер бу оқшом кўз олдида бўлаётган ҳамма ишларга шундок бўлиши зарур, деб қарагани учун бунга ҳам ётибор килмади.

Ибодат тамом бўлгандан кейин рухоний беморнинг таинство¹ қабул қилишини камоли эҳтиром билан табриклиди. Бемор ҳамон илгаригидай, худди ўлик сингари, қимирламасдан ётар эди. Унинг атрофидаги кишилар ивиришишар, оёқ товушлари ва шивирлашлар эшитилар, булар орасидан, айниқса, Анна Михайловнанинг шивирлаши ажралиб турар эди.

Пьер Анна Михайловнанинг:

– Албатта, каравоттга ётқизиш керак, бу ерда сира иложи йўқ... – деганини эшитиб қолди.

Беморни докторлар, княжналар ва хизматкорлар шундай курсаб олишдики, Пьер кўз олдида шунча одам бўлишига қарамасдан, бутун ибодат давомида бир лаҳза ҳам назаридан нари кетмаган оппоқ соч билан қизғимтири сарик бошни кўра олмай қолди. Креслони ўраб олган кишиларнинг оҳиста харакат қилишидан Пьер bemорни кўтариб олиб бораётганликларини пайқади. Пьер хизматкорлардан бири нинг вахима билан:

– Қўлимдан ушла, бўлмаса тушириб юборасан, – деб шивирлаганини, ундан кейин яна бошқаларнинг, – пастанд... яна бир киши ушласин, – деган товушларини эшитиди. Одамлар олиб бораётган нарсалари ҳаддан ташқари оғирдай, ҳансирашар ва шошиб қадам босишар эди.

Беморни кўтариб бораётганлар (булар орасида Анна Михайловна ҳам бор) яқинлашганда Пьернинг кўзи одамларнинг елкаси билан бўйи орасидан bemорнинг очиқ турган семиз кўкрагига, одамлар кўлтиғидан кўтариб турган кенг елкасига, оқ жингалак сочи ва йўлбарсни эслатадиган пешонасига тушди. Унинг юзи, фавқулодда кенг пешонаси ва ёноклари, келишган озгин, улуғвор нигохи, ўлим олдида

¹ Таинство – мўъжизакор илохий кучга эга бўлган диний маросим.

хам ўзгармаган афти бундан уч ой бурун, Пьерни Петербургга жүннэттән вактида қандай бўлса, ҳозир хам шундай эди. Бироқ бошини кўтариб бораётган кишилар бир текисда қадам босмаганиклиаридан ҳолсиз чайқалар, кўзлари мўлтиллар эди.

Беморни олиб борган кишилар баланд каравот ёнида бир неча муддат ивирсиганларидан сўнг тарқалишди. Анна Михайловна Пьернинг енгига кўлинин теккизид «Юринг», – деди. Пьер Анна Михайловна билан бирга каравот ёнига келди. Граф таинство қабул килгани муносабати билан бўлса керак, тантанали бир вазиятда ётқизилган эди. У баланд ёстиққа суюнган, кўллари зангор кўрпанинг устига узала тушиб ётар эди. Пьер келганда граф унга тикилиб қаради, лекин бу қарашибни маъно ва мавҳумини билиб бўлмас эди. Бу қарашиб ё ҳеч қандай маъно ифода килмас эди-ю, факат кўз бўлгани учун бирон ёкка қарашиб керак бўлганидан қарап эди, ё жуда кўп маъно ифода килар эди. Пьер нима қилишини билмай тўхтади-да, етакчиси Анна Михайловнага савол назари билан қаради. Анна Михайловна шошиб-пишиб кўзи билан bemornining кўлинин кўрсатди ва ўп, деб лаби билан имо килди. Пьер кўрпага бирон жойим илинмасин, деб бўйини чўзиб Анна Михайловнанинг маслаҳатини бажо келтирди ва bemornining каттакон, семиз кўлига лабини кўйди. Графнинг на кўли кимирлади ва на юзининг бирон жойи. Пьер яна «нима қилай», деган мазмунда Анна Михайловнага қаради. Анна Михайловна кўзи билан каравотнинг ёнида турган креслони кўрсатди. Пьер итоаткорлик билан креслога ўтирас экан, «тўғри тушундимми», деб унга яна савол назари билан қаради. Анна Михайловна маъқуллаб бош иргади. Пьер ўзининг беўхшовлигидан, йўғон гавдаси кўп жой олишидан ўнғайсизланиб бўлса керақ, яна Миср ҳайкалидан икки кўлинин баравар турган тиззасига кўйиб, жони борича ўзини кичик кўрсатишга тиришиб, қисилиб ўтирас эди. У графга қаради. Граф эса ҳамон Пьер тикка турган чоғида юзи турган ўринга қарап эди. Анна Михайловна ҳозир, ота-бала дийдор куришувининг сўнгги лаҳзаларида худди юрак-бағри эзилаёт-

гандай бир тусга кирди. Бу ҳол икки дақиқа давом этган бўлса ҳам, Пьерга бир соатдай туюлди. Тўсатдан графнинг юзидаги йирик мускуллари билан ажинлари уча бошлади. Борган сари қаттиқ учеб, унинг чиройли оғзи қийшайди (Пьер отаси жон беришга нақадар яқин бориб қолганлигини фақат шундагина билди), қийшайган оғзидан нотайин ва бўғик бир товуш эшишилди. Анна Михайловна унинг кўзларига дикқат билан қарап, унинг нима демоқчи эканлигини фаҳмлашга тиришар, гоҳ Пьерни, гоҳ идишдаги ичимликни кўрсатар, гоҳ князъ Василийми деб пичирлаб сўрар ва гоҳ кўрпага имо қилар эди. Беморнинг юзида ва кўзларида бето-қатлик аломати кўринди. У кимирамай турган хизматкорга қарамоқчи бўлиб интилди.

— Бу ёнбошларига ўгирилмоқчилар, — деб шивирлади хизматкор ва графнинг оғир гавдасини кўтариб, юзини деворга буриш учун ўрнидан турди.

Пьер унга ёрдам бергани кўзгалди.

Графни ёнбошига ўтирган вактда унинг бир қўли орқасида мажолсиз қолди, бу қўлни тортиб олиш учун харчанд уринса ҳам бўлмади. Граф бу жонсиз қўлига Пьернинг ваҳима билан қараганини пайқадими ёки сўнгти дақиқаларни ўтказаётган бошига бирон фикр келдими, аввал мажолсиз қўлига, кейин Пьернинг ваҳима босган юзига, яна қўлига қаради-да, юзида худди ўзининг ожизлигига кулган-дек ҳозирги афтига ярашмаган хаёл, уқубатли табассум пайдо бўлди. Бу табассумни кўриш билан Пьернинг юраги бирдан орқасига тортиб, бурни ачишди ва кўзига ёш келди. Беморни деворга қаратиб ётқизиб қўйиши. Бемор чукур нафас олди.

— Хушдан кетди, — деди Анна Михайловна, навбатчиликка келаётган княжнани кўриб, — юринг.

Пьер чикиб кетди.

XXI

Қабулхонада Екатеринанинг сурати остида ўтириб, нима тўғридадир кизгин гаплашаётган князъ Василий билан катта княжнадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Улар етакчиси

билан келаётган Пьерни күргач, жим қолищди. Пьернинг назарида, княжна ниманидир яширгандай кўринди ва унинг:

– Шу хотинни кўргани кўзим йўқ, – деб шивирлагани эшитилди.

– Катишъ кичкина меҳмонхонага чой келтиришни буюрди, – деди князъ Василий Анна Михайловнага. – бориб чой ичсангиз бўлар эди, Анна Михайловна, жон ҳам керак ахир..

У Пьерга ҳеч нарса демади-ю, фақат билагини ушлаб меҳр билан сикиб кўйди. Пьер билан Анна Михайловна кичкина меҳмонхонага кирди.

Доктор Лоррен кичкина ва давра меҳмонхонада чой анжомлари билан совуқ кечки таом турган стол ёнида тикка туриб хитоий пиёлада тез-тез чой хўплар экан:

– Уйкудан қолган одамга бир пиёла яхши рус чойидан фойдалироқ нарса йўқ, – дер эди. Шу кечаси граф Безухов-никида бўлган ҳамма одамлар стол атрофига тамадди килгани тўпланишган эди. Пьер ойналар билан кичкина столлар турган бу давра меҳмонхоначани жуда яхши эслади. Графнинг уйида бўлган балларда ракс килишни билмаган Пьер шу ойнакорли уйда ўтириб, бал кийимлари кийиб, очик бўйинларига брильянт ва марварид таққан хонимлар шу ердан ўтишда аксларини бир нечта килиб кўрсатадиган ча-роғон ойналарга қарашларини томоша килишни яхши кўрар эди. Энди ўша ёруғ меҳмонхоначани бир жуфт шам хира ёритиб турар ва бу ярим кечада кичкина столчада чой анжомлари ҳамда ликопчалар тартибсиз ҳолда ётар, ясанмаган, турли-туман одамлар ўзаро шивирлашиб ўтирад, у ҳар бир ҳаракатлари ва ҳар бир сўзлари билан ётоқда нима бўлаётгани билан нима кутилишини ҳеч ким эсидан чикармаганлигини кўрсатар эди. Пьер жуда оч қолган бўлса ҳам, ҳеч нарса емади. У етакчисига савол назари билан қараган эди, унинг оёқ учida юриб князъ Василий билан катта княжна ўтирган қабулхонага кириб кетаётганлигини кўрди. Пьер буни ҳам «шундай бўлиши керакдир», деб ўйлаб, бироздан кейин кетидан борди. Анна Михайловна княжнанинг ёнида турар ва иккови ҳам кизишган ҳолда бара-

варига шивирлашиб гапиришар эди.

Княжна ўз бўлмасининг эшигини Анна Михайловна-
нинг юзига ёпган вақтидагидай бир кайфиятда бўлса керак:

– Нима кераг-у, нима керак эмаслигини ўзим биламан,
сиз аралашманг, княгиня, – дер эди.

Анна Михайловна княжнага ётокқа киргани йўл бер-
масдан мулойимлик билан писандада килар эди.

– Ахир, азизим, княжна, ором олиши керак бўлган шун-
дай дақиқаларда бу нарса бечора тогангиз учун жуда оғир
бўлмайдими? Унинг дунёдан кўз юмаётган вақтида биз мол-
дунё тўғрисида гапириб ўтирасак...

Князь Василий креслода оёгини чалкаштириб, эркин
бир вазиятда ўтирар эди. Унинг юзи пирпирап, худди пастга
осилиб тушгандай кўринар, лекин бу икки хотиннинг можа-
росига унча эътибор қилмаётгандай кўринар эди.

– Оббо, азизим Анна Михайловна, кўйинг Катишь бил-
ганини килсин. Граф уни қанчалик яхши кўришини биласиз.

– Бу қоғозда нима ёзилганлигини мен билмайман ҳам, –
деди княжна князь Василийга кўлидаги нақшин портфелни
кўрсатиб. – Мен шуни биламанки, унинг ҳақиқий васият-
номаси катта столда сакланади, буниси эса эсдан чиқиб
кетган қоғоз...

Княжна Анна Михайловнанинг ёнидан ўтиб кетмоқчи
бўлган эди-ю, иргиб яна йўлини тўсади.

– Биламан, азизим, биламан, жонгинам княжна! – деди
Анна Михайловна худди портфелни ҳали-вери кўйиб юбор-
майдигандек маҳкам ушлаб. – Азизим княжна, мен сиздан
илтимос қиласман, айланиб кетай, беморни аянг. Айланиб
кетай...

Княжна индамади. Фақат портфель устидаги бахснинг
таъсири сезилиб турарди. Агар у хозир бирон нарса дегудай
бўлса, Анна Михайловнани жуда силтаб ташлаши муқаррар
эди. Анна Михайловна портфелни маҳкам ушлаб турган
бўлса ҳам, мулойим ва ширинсўзлигини кўймас эди.

– Пьер, бу ёққа келинг, дўстим. Қариндошлар кенга-
шида у ортиқча бўлмаса керак, шундай эмасми, князь?

– Нимага индамайсиз, тоға, – деб княжна бирдан шун-

дай бақирдики, унинг товушини мәхмөнхонада ўтирганлар эшитиб, чүчіб түшди. – Аллақаेңдаги одамлар сұқилиб, жон бераёттган беморнинг бўсағасида хархаша қилиб ўтирганда сиз нега индамайсиз? Игвогар! – деди-да, княжна гижиниб, жонининг борича портфелни тортди.

Бирок Анна Михайловна портфелни қўлидан чикар-маслик учун бир неча қадам босди ва унинг қўлини ушлади.

– Оҳ! – деди князъ Василий таънаомуз ва ҳайрон бўлиб. У ўрнидан турди. – Айб эмасми? Кўйиб юборинг, кўйиб юборинг, сизга айтаётибман, – деди.

Княжна кўйиб юборди.

– Сиз ҳам кўйиб юборинг.

Анна Михайловна унинг гапига қулоқ солмади.

– Мен сизга айтаётибман. Кўйиб юборинг. Мен бутун жавобги қуни ўз бўйнимга оламан. Мен кириб сўрайман. Мен... – ди энди.

– Кўйинг, князъ, – деди Анна Михайловна, – шундай улуғ таинстводан кейин кўйинг, – бироз ором олсин. Мана Пьер, қани, сиз нима дейсиз, – деб Пъерга мурожаат килди. Пьер бу чоғ буларга яқин келиб, ниҳоятда дарғазаб ва ҳар қандай андишани йигиштириб кўйган княжнанинг башарасига ва князъ Василийнинг пирпираб учәётган юзига ҳайрон бўлиб қараб турар эди.

– Шуни эсдан чиқармангки, бунинг ҳамма оқибатларига ўзингиз жавобгарсиз, – деди князъ Василий қовоғини солиб, – нима килаёттанингизни ўзингиз ҳам билмайсиз.

– Разил хотин! – деб қичкирди-да, княжна бирдан Анна Михайловнага ташланди ва портфелни унинг қўлидан тортиб олди.

Князъ Василий бошини куйи солиб қўл силтади.

Шу пайт Пьер анчадан бери қараб ўтирган ва ҳамиша секин очиладиган ўша даҳшатли эшик бирдан тарақлаб очилиб деворга урилди-ю, ўртанча княжна югуриб чиқди.

– Бу нима қилганларинг! – деди жони чиқиб. – У ўлаётибди, сизлар мени ёлгиз қолдирасизлар.

Катта княжнанинг қўлидан портфели тушиб кетди. Анна Михайловна дарров энгашиб, талаш бўлган бу нарсани

олди-ю, чопиб ётокка кириб кетди. Катта княжна билан князь Василий эс-хушларини ўнглаганларидан сўнг унинг кетидан киришди. Орадан бир неча дақика ўттач, ҳаммадан бурун катта княжна, ранги оқарган ва суроби тортилган, остки лабини тишлаган ҳолда чиқди. Унинг кўзи Пьерга тушганда юзида қаттиқ ғазаб акс этди.

– Мана, муродингизга етдингиз, шунга мунтазир эдингиз, – деди.

У йиглаб юборди-да, юзини рўмолча билан беркитиб, жадаллаганича уйдан чиқиб кетди.

Княжнадан кейин князь Василий чиқди. У гандираклаб Пьер ўтирган диван ёнига борди-да, ўзини диванга ташлаб, кўзини кўли билан беркитди. Пьер унинг ранги оқариб кетганлигини, жаги худди безгак¹ тутгандай титраёт-ганлигини пайқади.

– Ох, дўстим! – деди у Пьернинг тирсагидан ушлаб, унинг товушида шундай бир самимият ва маҳзунлик аломати бор эдики, буни Пьер илгари ҳеч қачон пайқамаган эди. – Биз канча-канча гуноҳлар киламиз, канча-канча ёлгон гапирамиз, булар ҳаммаси нима учун? Мен эллиқдан ошдим, дўстим... Мен ҳам... Ўлим келгандан кейин ҳеч нарсанинг кераги қолмайди. Ўлимдан кутулиб бўлмайди. – Князь Василий йиглаб юборди. Анна Михайловна ҳаммадан кейин чиқди. У аста-секин қадам босиб, Пьернинг олдига келди.

– Пьер! – деди.

Пьер унга савол назари билан қаради. Анна Михайловна унинг юзига кўз ёшларини томизиб, пешонасидан ўпди ва бирпас жим қолди.

– Оламдан ўтди...

Пьер унга кўзойнаги орқали қаради.

– Юринг, мен сизни олиб кирай. Йиглашга ҳаракат ки-линг: ҳеч нарса кўз ёшидай кишининг юрагини бўшатмайди.

Анна Михайловна Пьерни коронги меҳмонхонага олиб кирди. Пьер бу ерда ҳеч ким кўрмаслигидан хурсандлини.

Анна Михайловна қайтиб келганида, у бошини ўлига

¹ Безгак – вакти-вакти билан иситма чиқариб, калтиратадиган юкумли касаллик.

күйиб маст уйкуда ётар эди.

Эртасига эрталаб Анна Михайловна Пьерга шундай деди:

– Шундок, дўстим. Бу сизнинг учунгина эмас, ҳаммамиз учун ҳам жуда зўр қайғу. Худо сизга сабр беради, сиз ёшсиз, мана энди умид киламанки, сиз мол-у дунёга эга бўласиз. Васиятномани ҳали ҳеч ким очиб кўргани йўқ. Мен сизни яхши биламан ва ишонаманки, бу нарса сизнинг бошингизни айлантириб кўймас. Бу сизнинг зиммангизга анча вазифалар юклайди. Бардам бўлишингиз керак.

Пьер индамади.

– Мен ўша ерда бўлмаганимда, худо билади, нималар бўлмас эди, мен буни сизга кейин айтиб бераман. Биласизми, тогам бундан уч кун бурун Борисга ҳам бирон нарса колдиришни менга ваъда қилган эди, лекин бирдан аҳволи огирашиб, айта олмай кольди. Умид киламанки, отангизнинг хоҳишини бажо келтирасиз, дўстим..

Пьер ҳеч нарсага тушунмасдан хижолат тортиб қизариб, княгиня Анна Михайловнага каради. Анна Михайловна Пьер билан гаплашганидан сўнг Ростовларнига бориб ётди. Эртасига эрталаб Ростовларга ва бошқа ҳамма танишбилишларига граф Безухов ўлимининг тафсилотини гапириб берди. У графнинг қандай ўлганини ҳикоя қилиб, ўзининг ҳам шу хилда ўлишни орзу қилганлигини, графнинг сўнгги дамлари факат кишининг юрагини эзишгина эмас, балки ибратнамо бўлганини, ота-боланинг қандай видолашганини иғламасдан тилга олиб бўлмаслигини айтди: у, шу даҳшатли дақиқаларда ота билан боланинг қайси бири ўзини яхши тутганлигини била олмаяпти: сўнгти дақиқада ҳаммани бир-бир эслаган, ўғлига одамнинг юрак-бағрини эзадиган сўзлар айтган отами ёки кўрган киши ачинадиган, ғам койишдан не аҳволда бўлса ҳам, ўлим тўшагида ётган отасини хафа қилмаслик учун қайғусини яширишга ҳаракат килган ўғлими? Бу ҳол жуда оғир, лекин ибратли, граф билан унинг муносиб ўғлидек кишиларни кўрганингда, қалбинг олижаноб хисларга тўлади, – дерди Анна Михайловна. Княжна билан князъ Василийнинг қилган ишлари тўғрисида ҳам

гапирди-ю, лекин буни маъқулламасдан жуда эҳтиётлик билан шивирлаб гапирди.

XXII

Князь Николай Андреевич Болконскийнинг Лисие Горидаги қўрғонида шу кунлари ёш князь Андрейнинг княгиня билан келишини кутишар эди, лекин бу кутиш кекса князниң ҳовлисидаги кундалик ҳаёт тартибини сира бузмаган эди. Киборлар доирасида Пруссия кироли деб лақаб қўйилган генерал-аншеф¹ князь Николай Андреевич подшо Павел даврида қишлоққа бадарға қилингандан кейин, кизи княжна Марья ва унинг дугонаси Мамзель Буръен билан Лисие Горидан ҳеч қаёққа чиқмасдан истиқомат қиласр эди. Гарчи янги подшо бўлса ҳам, князь: «Менга ҳеч ким, ҳеч нарса керак эмас, агар мен бировга керак бўлсам, Москвадан Лисие Гори юз эллик чакирим йўл, ўзи келади», – деб қишлоқдан чиқмас эди. У шундай дер эди: инсонда бўладиган нуқсонларнинг икки манбаи бор: бири – бекорчилик, бири – хурофот; инсонда икки фазилат бор: бири – фаолият, бири – ақл. У кизини тарбиялаш билан ўзи машғул бўлар ва унда икки асосий фазилатни ўстириш учун алгебра билан геометриядан дарс берар ва унинг бутун кунини турли машғулотларга тақсим қиласр эди. Унинг кўзи ҳамма вақт gox хотирот ёзиш, gox олий математикадан масалалар ҳал қилиш, gox дастгоҳда тамакидонлар ясаш, gox боғида ишлаш ва мулкида ҳеч качон тўхтамаган бинокорлик ишларини кузатиш билан машғул бўлар эди. Фаолият учун энг муҳим шарт – тартиб бўлганлиги учун тартиб ҳам унинг турмушида энг мунтазам даражага етказилган эди. Унинг овқатта чикиши маълум шарт-у шароитда бўлиб, соатигина эмас, ҳатто дақиқаси ҳам муайян эди. У ўз атрофидаги одамлар, қизидан тортиб то хизматкоригача, ҳаммага бериоя ва доим қаттиқ-қўл эди, шунинг учун гарчи кўнгли қаттиқ бўлмаса ҳам, одамларда ўзига нисбатан шу кадар қўркув ва эҳтиром ҳисси туғдирган эдики, энг шафқатсиз одамлар ҳам бунга осон-

¹ Генерал-аншеф – XVIII-XIX асрларда дунёнинг йирик мамлакатларидаги ҳарбий унвон ва лавозим.

ликча эриша олмас эди. У гарчи истеъфо берган генерал-аншеф бўлиб, давлат ишида ҳозир хеч кандай аҳамияти бўлмаса ҳам, ўзи яшаб турган губерниядаги ҳар бир амалдор унинг ҳузурига келиши ва унинг архитектори, боғбонидек ёкни киши княжна Марьядек унинг муайян соатда баланд шифтли официантлар бўлмасига чикишига мунтазир бўлиб ўтиришни ўзининг бурчи хисоблар эди. Кабинетнинг баланд эшиги очилиб, упа сепилиб ясама соч кийган, кўллари кичкина ва озгин, баъзан тумшайган вактида маъноли ва чакна бурадиган кўзларини беркитиб кўядиган окиш кошлиари осилган ўрта бўйли чол намоён бўлганда официантлар бўлмасида ўтирган ҳар бир кишини салобат босар эди.

Киши Андрей хотини билан келадиган куни княжна Мария өрталаб, одатдагича, машғулот соатида отасига салом берганда официантлар бўлмасига кирди-ю, юраги орзикиб кетди ва ичида дуо ўқиди. У ҳар куни отасининг олдига кирдида бугунги кўришиш бегурбат ўтишини тилаб дуо ўқиради.

Официантлар бўлмасида ўтирган, упа қўйган кекса хизматкор оҳиста ўрнидан туриб секин: «Марҳамат», деди.

Ичкаридан дастгоҳнинг бир қиёмда ғириллаган товуши эшитилар эди. Княжна енгил ва равонгина очилган эшикдан юраги гуп-гуп уриб кирди-ю, эшик олдида тўхтади. Дастгоҳда йўлаб турган князь кайрилиб бир каради-да, яна ишини килаверди.

Каттакон кабинет, афтидан, ҳамма вакт керак бўлиб турадиган турли-туман нарсалар билан тўла эди. Китоб билан, режалар турган катта стол, калитлари қулфида турган ойнакли баланд китоб жавонлари, очик дафтарлар турган баланд, тикка туриб ёзиладиган стол, асбоб-ускуналар турган ва атрофига қириндилар сочилган ҳарротлик дастгоҳи – ҳаммаси чолнинг муттасил ҳар хил ишлар билан машғул бўлиб туришини кўрсатар эди. Нўғайча зардўзи этик кийган кичкина оёғининг ҳаракатига, ориқ ва томирлари бўртиб чиккан кўлларининг дастгоҳда маҳкам туришига ҳаракандада чолнинг ҳали хийла бардам ва тетиклиги кўриниб турар эди. У дастгоҳни бир неча марта айлантириди-да,

оёгини тепкидан олди, исканани артиб, дастгоҳга қокилган чарм халтага солди ва стол ёнига келиб қизини чақирди. У ҳеч қачон болаларини чўқинтириб, дуо килиб ўтирумас эди, шунинг учун қизига ҳали соқоли қирилмаган юзини тутди, унга бошдан оёқ жиддий ва шу билан бирга меҳрибонлик билан синчилаб каради-да:

– Яхшимисан?.. Хўш, қани, ўтири, – деди.

У ўз қўли билан ёзилган геометрия дафтарини олиб оёғи билан креслони сурди.

У дафтарни тез-тез вараклаб, каттиқ тирноғи билан бир мавзудан иккинчи мавзугача чизди-да:

– Эрталик сабок! – деди.

Княжна дафтарининг устига энгашди.

– Шошма, сенга ҳат бор, – деди-да, чол бирдан, стол устига қадалган халтачадан хотин кишининг қўли билан ёзилган конвертни олиб, столга ташлади.

Княжна ҳатни кўриб, қизариб кетди. У шошиб-пишиб ҳатни олди-ю, энгашиб кўз югуртириди.

– Элоизаданми? – деди князъ ва ҳануз мустаҳкам бўлган сарғиш тишларини кўрсатиб иржайди.

– Ҳа, Жюлидан, – деди княжна, отасига ҳайиқиброк қараб ва ҳайиқиброк илжайиб.

– Яна иккита ҳатни сенга ўқимасдан бераман-у, учинчисини, албатта, ўқиб кўраман, – деди князъ жиддийлик билан. – Кўп бехуда нарсалар ёзаётгандирсизлар, деб кўркаман. Учинчисини, албатта, ўқийман.

Княжна яна ҳам қизариб, ҳатни отасига узатар экан:

– Мана буни ҳам ўқий колинг, дада, – деди.

– Учинчисини дедим-ку, учинчисини, – деб жеркиб берди князъ ва ҳатни нари суриб, столга тирсагини кўйди-да, геометрия дафтарини олди.

Чол бир қўли билан кизи ўтирган креслонинг суюнчиғини ушлаб, унинг олдидаги турган дафтарга энгашди-да:

– Хўш, бекач, – деб гап бошлади. Княжна ўзига кўпдан маълум бўлган тамаки ҳиди ва қариларга хос ўтқир ҳид ичида қолиб кетгандай бўлди. – Хўш, бекач, мана бу учбурчаклар ўхшаш учбурчаклар: мана, қара бурчаги...

– Княжна яқинида ўтирган отасининг чақнаб турган кўзларига кўркиб қарап, кизарар, отасидан шу кадар кўрқар здики, унинг айтаётган гаплари нақадар очик ва равшан бўлмасин, кулогига кирмаслиги кўриниб тураг эди. Айб муаллимдами ё шогирддами, ишқилиб, ҳар куни шу нарса такрор бўлар эди: княжнанинг кўзлари тинади, ҳеч нарсани кўра олмайди ва эшига олмайди, факат рўпарасида турган кекса отасининг озғин юзини кўради, унинг нафас олишини сезади ва ҳидини туди, холос. Фақаттина кабинетдан тезроқ чиқиб кетиб масалани ташкарида ўз фахми билан тушуниб олиш тўғрисидагина ўйларди. Чолнинг эса жони чикар эди, у ўтирган креслони тарақлатиб гоҳ илгарига, гоҳ кейинга сурар, тутакиб кетмаслик учун ўзини босишига уринар, лекин ҳамма вакт деярли тутақар, сўкинар ва баъзан дафтарни улоқтириб ташлар эди.

Княжна янгилишиб жавоб берди.

Князь дафтарни суриб ташлаб, жаҳл билан тескари ўтирилар экан: – Сенинг миянг бор деб бўладими! – деб бакирди, лекин дарҳол ўрнидан туриб, нари-бери юрди-да, княжнанинг сочини силаб яна ўтириди.

У креслосини яқинроқ суриб яна тушунтира кетди.

– Ярамайди, княжна, ярамайди, – деди чол княжна олган сабоқ ёзилган дафтарни ёпиб чиқиб кетмоқчи бўлганда. – Математика буюк иш, бекачим. Мен сенинг биздаги бир хил эси паст ойим пошшохонлардай бўлишингни истамайман. Ҳаракатда барокат деган гап бор. Машаққат тортсанг муродга етасан. (У княжнанинг юзига секин уриб қўйди.) Бошинг бехуда нарсалардан холи бўлади.

Княжна чиқиб кетмоқчи эди-ю, чол қўлинини кўтариб уни тўхтатди-да, баланд столнинг устидан ҳали кесилмаган янги бир китобни олиб: Мана, Элоизанг сенга аллақандай «Калиди асрор» юборибди. Диний китоб. Менинг ҳеч кимнинг эътиқоди билан ишим йўқ... Кўриб чиқдим. Ма. Бор энди, бор.

У княжнанинг елкасига қоқди-да, уни чиқариб эшикни беркитиб олди.

Княжна Марья ўз бўлмасига юзидан камдан кам арий-

диган ва хунук, дардчил юзини яна ҳам хунукрок қилиб кўрсатадиган маъюс ҳамда кўрккан бир қиёфада қайтиб келди. Кичик-кичик суратлар қўйилган, китоб ва дафтарлар ўюлиб ётган ёзув столи ёнига қадар бетартиб эди. У геометрия дафтарини қўйиб, конвертни сабрсизлик билан очди. Хат унинг болалиқдан энг яқин дугонаси бўлган, она-бала Ростоваларнинг именинасига борган Жюли Карагинадан эди.

Жюли бундай деб ёзган эди:

«Азиз ва бебаҳо дўстим, жудолик нақадар оғир ва ёмон нарса. Ўзимга ҳарчанд жоним ва баҳтимнинг ярми сиз, орамиз узоқ бўлса ҳам, кўнглимиз риштаси пайваста деб тасалии берсан ҳам, бу кўнгил тақдирга қарши исён қиласди, кўнглимни хуш қиласдиган ва мени овутадиган нарсалар кўп бўлса ҳам, айршлишганимиздан бери кўнглимда бўлган пинҳоний гуссани сира енга олмайман. Нега ўтган ёздаги сингари бирга эмасмиз-а! Сизнинг катта кабинетингизда кўк диван, «сир айтиши» диванида ўтирганимиз қандай яхши эди. Нега мен бундан уч ой бурунгидай сизнинг ювош, осуда, ўткир, ўзим яхши қўрадиган ва шу сатрларни ёзаётганимда ҳам кўз олдимдан кетмаган қарашларингиздан яна маънавий қувват ололмайман?».

Княжна Марья хатни шу ергача ўқиди-ю, уф тортиб ўнг томонида турган катта ойнага қаради. Ойнада хунуккина ва заиф қоматини, озгин юзини кўрди. Ҳамма вақт маҳзун бўлган кўзлари ҳозир ойнадаги аксига айниқса гамгин боқар эди. Княжна «Бу қиз тилёгламалик қиляпти», деб ўйлади ва ойнадан ўғирилиб хатни ўқишида давом этди. Бироқ Жюли тилёгламалик қилгани йўқ эди: ҳақиқатан, княжнанинг кўзлари шаҳло ва нурли бўлиб (у кўзларидан иссиқ нур баъзан барқ уриб чиққандай кўринар эди), шу қадар чиройли эдики, юзининг хунуклигига қарамасдан, бу кўзлар кишининг дикқатини тортар эди. Лекин княжна кўзларининг жозибали эканини ҳеч қачон кўрмаган, чунки бу кўзлар ўзи тўғрисида ўйламаган чоғларидагина жозибали бўлар эди. Ойнага қарагани замон унинг ҳам юзи ҳамма ойнага қараган одамларнинг юзидаи зўр-зўраки, гайритабиий, хунук бир ҳолатга

кирар эди. Княжна ўқишида давом этди:

«Бутун Москва нуқул уруш түгрисида гапиради. Иккала акамдан бири аллақачон чет элда, иккинчиси эса чегарага йўл олган гвардияда. Мехрибон шаҳаншоҳимиз Петербургни ташлаб, одамларнинг айтишига қарагандা, азиз жонларини уруш тасодиғларига дучор қўймоқчи эмишлар. Илоҳим, худойи таолонинг марҳамати билан бизга ҳукмдор бўлган фариштамиз Европани алгов-далгов қилган корсикалик ўша девни ер билан яксон қўлсин. Бу уруш мени акаларимдан ташқари, жонажон бир дўстимдан ҳам айрди. Мен ёш Николай Ростовни айттаётиман, бу гайратли йигит гайратига чидай олмай университетни ташлаб, армияга кетди. Ростини айтсан, азизим Марья, гарчи Ростов жуда ёш бўлса ҳам, унинг армияга кетиши мени зўр қайгуга солди. Ўтган йил сизга айтганим бу ёш йигит шу қадар олижаноб, шу қадар қувноқки, асримиздаги йигирма яшар чоллар орасида бундай йигит жуда камдан кам учрайди. У ниҳоятда очиқ, чинакам қалб эгаси. Унинг қалби шу қадар соф ва гўзал ҳисларга тўлаки, мен уни кўп кўрмаган бўлсан ҳам, у ҳалитдан шунча жафо чеккан шўрлик юрагимнинг зўр қувончларидан бири бўлиб қолган эди. Вақти келганда мен сизга қандай хайрлашганимизни, хайрлашгандা бир-биримизга нималар деганимизни айтиб бераман, ўша кун ҳануз кўз олдимда... Оҳ! Азиз дўстим, жонга ўт ёқадиган бу лаззатларни, юракни ўртайдиган бу кулфатларни бошдан кечирмабсиз – сиз баҳтлисиз. Сиз баҳтлисиз, чунки ҳамма вақт кулфат лаззатидан кўра қучлироқ бўлади. Граф Николай билан орамизда фақат дўстликдан бошқа бирон нарса бўлиши учун унинг ҳали жуда ёш эканлигини яхши биламан. Лекин бу лаззатбахш дўстлик, бу қадар гўзал ва бу қадар самимий муносабатлар қалбимнинг истаги эди. Майли, бу гапни бас қиласай.

Хозир бутун Москвада шов-шув бўлган энг муҳим янгилик – кекса граф Безуховнинг вафоти-ю, ундан қолган мерос. Буни қарангки, уч княжнага арзимаган нарса тегибди-ю, князъ Василийга ҳеч нарса тегмабди. Пьер эса ҳамма нарсага ворис бўлиб, бунинг устига, графнинг қонуний ўғли,

яъни граф Безухов деб эътироф қилиниб, Россиядаги энг катта бойликнинг эгаси бўлиб ўтирибди. Одамларнинг айтишига қараганда, князь Василий бу ишларда жуда ҳам қабиҳ роль ўйнабди ва Петербургга юзи шувут бўлиб жўнаб кетибди. Ростини айтсан, мен бунақа васиятнома ишларига унча тушуна олмайман: фақат шуни биламанки, ўша бизлар шунчаки, Пьер деб билган ёш иигит граф Безухов бўлиб, Россиядаги энг яхши мулклардан бирига эга бўлганидан буён бўйи етган қизи бор оналарнинг унинг тўғрисидаги гаплари ва бу қизларнинг (кулогингизга айтай) мен ҳеч қачон назар-у писанд қилмаган бу жсанобга муносабатлари ўзгариб қолди, шунга завқ қилиб ўтирибман. Икки йилдан бери ҳамма менга куёв топиш билан овора бўлиб юрган эди (бу куёвларнинг кўпини мен билмайман), энди Москвада келин-куёв тўғрисидаги миши-мишлар мени графикя Безухова қилиб қўйди. Лекин ўзингиз биласиз, менинг бунга ҳеч хоҳишим йўқ. Ҳа, айтгандай, куёв тўғрисида хабарингиз борми, яқинда ҳаммамизнинг холамиз Анна Михайловна сизни куёвга беришмоқчи эканликларини менга қаттиқ сир тутиб айтди. Биласизми, куёв князь Василийнинг ўғли Анатоль эмиши, ота-онаси уни қаторга киргизмоқчи бўлиб, бой ва аслзода қизга уйлантирмоқчи экан. Келинликка ота-онаси сизни муносиб кўришибди. Бу ишга сиз қандай қарашингизни билмайман-у, лекин бундан сизни хабардор қилиб қўйишини ўзимнинг бурчим деб билдим. Одамларнинг айтишига қараганда, бу иигит жуда чиройли, лекин кўп бебош эмиши. Унинг тўғрисида билганим шу.

Майли, шунча эзмалик ҳам етар. Иккинчи саҳифа ҳам тўлди. Атраксинларникуга зиёфатга борамиз, деб онам чақирибидалар.

Сизга мистикадан¹ бир китоб юбораётубман, ўқинг. Бу китоб бизларга жуда маъқул бўлди. Бунда гарчи инсоннинг ожиз ақли осонлик билан етмайдиган жойлари бўлса ҳам, ҳар қалай, жуда яхши китоб. Бу китобни ўқиганда кишининг

¹ Мистика (юнонча: *mystikos* – яширин, сирли) – гайритабиий оламга, илохлар ва илохий кучларга, инсоннинг илоҳият олами билан алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқод.

қалби таскин топади ва юксак ҳисларга тұлади. Хайр. Қиблагоҳингиз ва мамзель Буръенга саломимни етказинг. Чин күнглимдан сизни құчоқлаб қоламан.

Жюли.

P.S. Аканғиз ва унинг гүзәл хотини тұғрисида ёзинг».

Княжна үлланып туриб, кулими сиради (шу билан бирга, чиroyли күzlари нур сочиб хусн берган юзи буткул ўзгариб кетди) ва бирдан ўрнидан турди-ю, салмоқли қадам ташлаб, стол ёнига келди. Қоғоз олиб тез-тез ёза бошлади. Хатта шундай жавоб берди:

«Азиз ва бебаң дўстим. Сизнинг 13-санада ёзған хатингизни олиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Сиз мени ҳануз яхши қўрар экансиз, гўзалим. Жюли, демак, сиз бу қадар ёмонлаган жудолик сизга одатдагича таъсир қўлмабдиди, мени унумтабсиз. Жудоликдан сиз шикоят қўлсангиз, энг яқин ёр-у дўстларимдан айрилган мен нима десам бўлади? Оҳ, бизга дин тасалли бўлмаса, умримиз қайгуда ўтар экан. Нега ўзингизга ёққан йигит тұғрисида гапирганингизда мени бу ҳисларга бегона деб ўйлайсиз? Мен фақат ўзимга қолгандагина бу ҳисларга бегонаман. Мен бошқаларда бўлган бу ҳисларни фаҳмлайман, ҳеч қачон бошдан кечирмаганим учун маъқуллай олмасам ҳам, уларни сира айб ҳисобламайман. Лекин, менингча, насронийнинг ўз яқинига бўлган муҳаббати, душманига бўлган муҳаббати йигитнинг ажойиб кўзлари сиздай гўзал ва севгувчи қизларда пайдо қиласиган ҳислардан афзалроқ, қувончлироқ ва яхшироқ деб биламан.

Граф Безухов ўлганлиги хабари бизга сизнинг хатингиздан илгарироқ етиб келди, отамга жуда таъсир қилди. У киши: «Граф буюк асримизнинг сўнгги икки намояндасидан бири эди, энди менинг навбатим, лекин мен бу навбатнинг мумкин қадар кечроқ келишига қўлмидан келгунча ҳаракат қиласарман», – деди. Бу кундан худойимнинг ўзи сақласин.

Мен сизнинг Пьер тұғрисидаги фикрингизга қўшила олмайман. Мен уни болалигидан биламан. Менга у ҳамма вақт соғдил кўринар эди, бу эса одамлардаги мен яхши қўрадиган

хислатлардан биридир. Үнга теккан мерос ва бу ишда князь Василийнинг қылмиши түгрисида гап кетганда, бу нарса, менимча, ҳар иккиси учун ҳам яхши бўлмабди. Оҳ, азиз дўстим, најжоткоримизнинг гапи ҳақ гап: «Бойларнинг жсаннатга киришидан кўра тұянинг игна тешигидан ўтиши осонроқ». Мен князь Василийга ва ундан ҳам кўра Пъерга ачинаман. Шундай ёш боши билан шу қадар катта бойлик юкини елкасига ортиб ўтирса, ҳали қанча оғирликларни бошидан кечириши керак бўлади. Агар мендан бирор «дунёда энг катта орзунг нима», деб сўраса, мен «қашшоқларнинг қашшоги бўлиши», деб жавоб берар эдим. Сизларда бу қадар шов-шувга сабаб бўлган китобни юборганингиз учун кўпдан кўп миннатдорман, азиз дўстим. Ҳа айтгандаи, сиз бу китобда кўп яхши гаплар билан бирга, инсоннинг ожиз ақли осонликча етмайдиган жойлари ҳам бор, дебсиз, модомики, осонликча тушуниб бўлмас экан, уни ўқишининг ҳам фойдаси йўқ. Мен ҳеч тушуна олмайман, нега баъзи одамлар дилларда шубҳа тугдирган, хаёлларни паришион қиласидиган ва ўзларига насронийлик хокисорлигига мутлақо зид руҳ берадиган мистика китобларига берилиб, фикрларини чувалаштиришини яхши кўрадилар? Яхиси, апостоллар¹ билан Инжилни² ўқийлик. Бу китоблардаги сир-асорнинг тагига етгани уринмаслигимиз керак, чунки биз ожиз-осий бандалар, модомики, жонимиз бизни абадиятдан қалин парда бўлиб ажратиб турган жисмимизда бўлар экан, ҳикмати илоҳийнинг зўр ва муқаддас сирларини қандоқ қилиб билан

¹ Апостоллар (юнонча: апостолос – элчи; исломда ҳоворий – шогирд, издош маъносида) – илк христианликнинг шаклланиш даврида дарбадар диний тарғиботчилар. Апостоллар ҳали рухонийлар пайдо бўлмаган даврлarda жамоадан жамоага кўчиб тарғибот юритиб, христиан динининг ёйилишида асосий роль ўйнаганлар. Кейинчалик епископлар пайдо бўлгач, Апостоллар йўколган. Апостоллар номи факат Исо Маҳмиднинг шогирдлари хисобланган 12 кишидагина (Иоанн, Матфей, Пётр, Павел, Марк, Иаков, Иуда ва бошкалар) сакланиб колган. Уларнинг динни тарғиб қилиш максадида бошқа ҳалқлар номига ёзган хатлари (послания), шунингдек уларнинг фаолияти баён этилган «Апостолларнинг қилмишлари» каби асарлар Библия расмий канонининг «Янги аҳд» кисмига киритилган. Христианлик тарихи соҳасида олиб борилган илмий тадқикотлар натижасида 12 апостолнинг кўпи тарихий шахслар эмаслиги аниқланган.

² Инжил (арабча) – Аллоҳ таолонинг Исо алайхиссаломга Жаброил фаришта оркали оғзаки тарзда нозил килган китоби. Насронийларнинг муқаддас китоби.

миз? Яхшиси, најсомткоримиз бизга бу дүнёда амал қилиш учун қолдириб кетгап буюк қонун-қоидаларини ўрганиш билан қонаот қылайлик, шуларга риоя қилишга тиришайлик ва шунга ишонишга ҳаракат қылайлик: биз ақтимизга қанча камроқ әрк берсак, худога шунча хүш келади, чунки худо ўзи буюрмаган ҳар қандай биштимни рад қылади: биздан яширишини лозим күрган нарсаларга қанча кам ақтюгуртиирсак, худо ўз инояти билан бизни бу асрордан тезроқ воқиғ қылади.

Отам күёв тұғрисида менга ҳеч нарса деганлари ийүк, фаяқат князь Василийдан хат олғанларларини ва унинг келишини айттылар. Менинг эрга тегишим тұғрисида эса, азиз ва қымматли дўстим, шуни айттайки, никоҳ худо буюрган бир иш ва бундан бўйин товлаб бўлмайди. Менинг учун қанчалик қийин бўлмасин, худойи таоло зиммамга хотинлик ва оналик бурчини юклаган экан, худонинг хоҳиши билан менга жуфт бўлган кишига кўнглим қандай эканлиги билан ишим бўлмай, бу бурчни қўллимдан келгунча садоқат билан адo этишига ҳаракат қиласман.

Акамдан хат олдим, у хотини билан Лисие Горига келар эмиш. Бу хурсандчилигимиз узоққа бормас, чунки акам бизни ташлаб урушга кетади (бильмадим, бу зор қолгур урушга бизни ким арагаштириди-ю, нима учун арагаштириди). Фаяқат сизларнинг шаҳарларингизда иш ва киборлар марказидагина эмас, бу ерда, дала ишлари ва одатдаги шаҳарларлар тасаввур қиласиган қишлоқ сукунати қўйнида ҳам уруш овозаси эшишилиб, одамларни ташвишга солиб турибди. Отам нуқул аллақандай ҳарбий юришлар ва довон ошишлар тұғрисида гапирадилар, мен ҳеч тушунмайман. Ўтган куни одатдагича қишлоғимизнинг кўчаларига айлангани чиққан эдим, одамнинг юрак-багрини эзib юборадиган ҳодисага дуч келдим. Аскарларка олинган бир тұда кишиларни армияга жўнатишаётган экан. Уларнинг оналари, хотинлари ва болаларнинг аҳволини кўрсангиз, кетаётган ва кузатаёт-гандарнинг дод-у фарёдини эшитсангиз, инсоният бизни муҳаббат қўшишга ва кек сақламасликка ўргатган најсомткоримизнинг қонунларини унутибди ва бир-бирини ўлдириш

санъатини ўзига асосий фазилат қилиб олибди, деб ўйлар эдингиз.

Хайр, азиз ва меҳрибон дўстим. Сизни худойи таоло ўз паноҳида сақласин.

Марья»

Княжна хатни ёзиб бўлиб, ўйланиб, хафа ва тунд кайфиятда ўтирган эдики, мамзель Буръен енгил-елпи, кувноқ, ўзидан мамнун бир киёфада кириб, табассум қилган холда ёкимли ва қўнғироқдай товуш билан, р ҳарфига тили келишмай, бидирлаб: – Вой, сиз хатингизни энди юбораётисбизми? Мен аллақачон юбордим. Мен онам бечорага хат ёздим, – деди ва қийшанглаб, сузилиб, товушини пасайтириброк илова қилди.

– Княжна, мен сизни огоҳлантириб қўяй, Михаил Ивановични князь сўкиб бердилар. Бугун феъли айниган, қовоғидан кор ёгади. Эҳтиёт бўлинг, биласизми...

– Оҳ, азиз дўстим. Отам тўғрисида бундай гапларни менга ҳеч гапирманг деган эдим-ку. Мен у кишига тил теккизмайман ва бошқаларнинг ҳам тил теккизишини истамайман, – деб жавоб берди княжна Марья.

Княжна соатига қаради-да, клавикорд чалиши керак бўлган вактдан беш дақиқа ўтганлигини кўриб, худди қўркиб кетгандай, истироҳат бўлмасига кириб кетди. Жорий қилинган тартибга кўра, соат ўн икки билан икки орасида князь дам олар, княжна эса клавикорд чалар эди.

XXIII

Мўйсафид камердинер¹ каттакон кабинетда истироҳат килиб ётган князнинг хуррагига қулок солиб, мудраб ўтирап эди. Ҳовлининг нариги бурчидан, берк эшикларнинг орқасидан Диоссек сонатасининг йигирмалаб қайтарилаётган кийин пассажлари эшлилиб турар эди.

Шу чог эшик олдига карета билан бричка² келиб тўхтади-да, каретадан князь Андрей тушиб, кичкинагина

¹ Камердинер (немисча; хона хизматчиси) – буржуа-дворянлар оиласидаги уй хизматкори.

² Бричка – тўрт гилдиракли узун, усти очиқ енгил арава.

хотинини ундан тушириб, олдинга ўтқизди. Ясама соч қўй-
ган мўйсафид Тихон официантлар бўлмасининг эшигидан
бошини чикариб қаради-да, князнинг ухлаб ёттанилигини
секингина айтиб, дарров эшикни ёпди. Тихон, на ўғлининг
келиши ва на бошка ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса князъ
жорий килган кундалик тартибни бузмаслиги керак экан-
лигини билар эди. Буни князъ Андрей ҳам, афтидан, Тихон-
дек яхши билса керак. У худди «мен кўрганимдан буён
отамнинг одати ўзгарибдими-йўқми», дегандай соатига
қаради-да, ўзгармаганига ишонч хосил килганидан кейин
хотинига мурожаат килди.

– Йигирма дақиқадан кейин туради. Юр, княжна Марья-
нинг олдига кирайлик, – деди.

Кичкина княгиня кейинги кунларда семириб кетган
бўлса ҳам, кўзлари билан майин қора тук босган киска ва
хандон лаблари гапирганида ҳамон илгаригидай чиройли
кўтарилаар эди.

У теварак-атрофга караб, худди бал эгасига таҳсин
айтаётгандай эрига:

– Сарой-а, сарой. Қани, тезрок, тезрок!.. – деди-да, Ти-
хонга, эрига ва кузатиб бораётган официантга караб табас-
сум килди: – Марья машқ қилаётбдими? Секин унга
билдирмасдан кирамиз.

Князъ Андрей унинг кетидан одоб билан ва хомушгина
борар эди.

У ўтиб бораётганида кўлини ўпган мўйсафидга караб:

– Қарибсан, Тихон, – деди.

Клавикорд товуши эшитилаётган уйнинг кираверишида
ён томондаги эшиқдан оч сарик сочли чиройликкина бир
француз аёл чиқди. мамзель Буръен хурсандликдан ўзини
тамом йўкотиб кўйгандай кўринар эди.

– Вой, княжна хўп суюнади-да., – деди. – Келар
экансизлар-а. Княжнага хабар беришим керак экан.

– Сиз мамзель Буръен; қайнопамнинг ўртоғи бўласиз, –
деди княгиня француз аёл билан ўпишиб. – Княжна бизни
кутмаган экан-да.

Улар қайта-қайта пассаж товуши эшитилаётган истиро-

хат бўлмасининг эшиги олдига келишди. Князь Андрей худди кўнгилсиз бир нарса кутгандай, тўхтаб афтини буриштириди.

Княгиня ичкарига кирди. Пассаж чала қолди; қичкирик, княжна Маръянинг оғир қадам ташлаши ва ўпишган товушлар эшитилди. Князь Андрей кирганда янгасини тўйидагина кўрган княжна у билан кучоқлашиб, бир-бирини юз-кўзидан ўпишмоқда эди. Мамзель Буръен қўлинин юрагига қўйиб, маъсум бир табассум билан буларнинг ёнида турар, афтидан, ҳозир кулиб юборишга нақадар тайёр бўлса, йиғлашга ҳам шу қадар тайёрдай кўринар эди. Князь Андрей елкасини қисди-да, худди бузиб ҷалинаётган куйни эшитиб ижирғанганд мусика ҳаваскоридай, юзини буриштириди. Иккала аёл бир-бирини қўйиб юборди, кейин худди кечикишдан кўрккандай бирдан бир-бирини кучоқлаб яна ўпиша бошлиди, яна қўйиб, яна ўпишди ва князь Андрей ҳеч кутмаган бир вактда иккови ҳам йиғлаб юборди-да, қайтадан ўпиша кетди... Мамзель Буръен ҳам йиғлади. Князь Андрей, афтидан, ўнғайсизланар эди, лекин иккала аёлга бу йиги жуда табиий кўринар ва бу кўришув бошқача бўлишини улар ҳеч тасаввур ҳам килишмас эди.

– Вой азизим... Вой Марья!.. – деб иккови баравар қулишди. – Мен сизни туш кўрдим; бизни кутмаган экансизда. Вой, Марья, озид қолибсиз...

– Сиз семириб кетибсиз...

– Мен княгинани дарров танидим, – деди Буръен ҳам сўз котиб.

– Менинг хаёлимга ҳам келмаган эдики!.. – деди княжна Марья. – Вой, Андрей, сени кўрмабман.

Князь Андрей опаси билан кўл ўпишиб кўришар экан, унга ҳали ҳам илгаригидай йиғлоқисан-а, деди. Княжна Марья акасига ўгирилди ва шу пайтда жуда чиройли бўлган шахло ва нур сочиб турган кўзлари жикқа ёшга тўлиб, князь Андрейга меҳр-у муҳаббат ва ҳалимлик билан тикилиб колди.

Княгиня тинмасдан гапирад эди. Унинг майин қора тук босган қисқа юқори лаби дам-бадам қип-қизил остки лаби-

нинг у ер-бу ерига тегар ва яна юзида табассум пайдо бўлиб, тишлари яркирар ва кўзлари порлар эди. Княгиня Спасская гора деган жойда бир ҳодиса юз берганини ва оғироёкли бўлгани учун шунда жуда қўркканини айтиб берди ва шундан кейинок ҳамма кийимларини Петербургда қолдирганини, энди бу ерда нима кийишини билмаганини, Андрей буткул ўзгариб кетганлигини, Китти Одинцова бир чолга текканлигини, княжна Марьяга жуда муносиб куёв топилганлиги ва бу ҳақда кейин гаплашмоқчи эканлигини айтди. Княжна Марья индамай ҳамон акасига қараб турар ва унинг чиройли кўзларида ҳам меҳр-у мұхаббат, ҳам маъюслик аломати кўринар эди. Унинг қулогига янгасининг гапи кирмаётганлиги, ўз ўйи билан машғул эканлиги кўриниб турар эди. Княгиня Петербургдаги сўнгги сайил тўғрисида гапираётган пайтда княжна акасига қараб бир хўрсинди-да:

– Андрей урушга кетишинг аниқми? – деди.

Лиза ҳам хўрсинди.

– Ҳатто эртага кетмоқчиман, – деди князъ Андрей.

– Мени бу ерга ташлаб, худо билади, нима учун кетялти, ҳолбуки, кетмаганида баландроқ мартаба олиши мумкин эди...

Княжна унинг гапига қулок солмасдан ўз ўйи билан янгасига қараб кўзи билан унинг қорнига ишора килди-да:

– Шунақами? – деди.

Княгинянинг чехраси ўзгарди. Уф тортди.

– Ҳа, шунақага ўхшайди, – деди княгиня. – Оҳ жуда кўрқаман...

Лизанинг устки лаби ёпилди. У юзини қайнопасининг юзига яқин келтирди-да, тўсатдан йиғлаб юборди.

– Чарчаган, дам олсин, – деди князъ Андрей афтини буриштириб. – Шундоқ эмасми, Лиза! Бор, уйингга олиб кир, мен отамнинг олдига кираман. Отам қалай, ҳали ҳам илгаригидайми?

– Ҳа, илгаригидай: билмадим, сенга қанақа кўринар экан, – деди княжна хурсандлик билан.

– Ҳамон ўша муайян соатлар, хиёбонларга чиқиб айланиш, дастгоҳ – шуларми? – деди князъ Андрей хиёл табассум

килиб, бу табассум отасини қанчалик яхши күрса ва ҳурмат қилса ҳам, унинг камчиликларини билганлигини кўрсатар эди.

– Ҳа, ўша муайян соатлар, дастгоҳ, бунинг устига, яна математика-ю, менинг геометрия дарсим, – деб хурсандлик билан жавоб берди княжна Марья, ҳудди унинг геометриядан дарс олиш ҳаётининг энг кувончли таассуротларидан бири бўлгандай.

Йигирма дакика ўтиб, кекса князнинг уйкудан турадиган вақти бўлганда, Тихон келиб, князь Андрейни отасининг олдига чакирди. Чол, ўғли келиши муносабати билан кундалик тартибдан истисно тарзида, тушлик олдидан кийинаётган вақтида унга ўз хузурига киргани ижозат берган эди. Князь эскичасига кафтан кийиб, ясама сочига упа сепиб юрар эди. Князь Андрей отасининг олдига (мехмонхоналардагидек тажанг ва қовоги солик ҳолда эмас, балки Пьер билан гаплашган вақтдагидек очик чехра билан) кирганида чол пардоз қиласиган жойида, саҳтиён¹ қопланган кенг креслода мўйнали телпак кийиб, Тихонга бошини тутиб ўтирад эди.

– Ҳа! Аскар! Бонапартни енгмоқчимисан? – деди чол ва Тихон ўраётган кокилини силтаб, упа сепилган бошини иргаб кўйди ва унга юзини тутиб: – унга қарши, ҳеч бўлмаса, сен дурустрок бел боғлагин, йўқса ҳадемай бизни ҳам ўзининг фуқароси қиласиганга ўхшаб колди. Саломат бўл! – деб князь ўглига юзини тутди.

Чол тушлик олдидан бўладиган уйкудан сўнг димоги чоғ эди. (У тушликдан кейинги уйқу кумуш-у тушликдан олдингиси тилла дер эди.) У осилиб турган қалин кошлари остидан ўғлига хурсандлик билан киё боқди. Князь Андрей унинг олдига келиб, тутган жойидан ўпди. У отасининг яхши кўрган гапи – ҳозирги замон ҳарбий кишиларини, айникса, Бонапартни мазах килиб айтган сўзларига жавоб бермади.

Князь Андрей отасининг юзидаги ҳар бир харакатни

¹ Саҳтиён (форсча; ошланган эчки териси) – эчки ёки кўй терисини ўсимлик мойлари билан ошлаб тайёрланган юмшок чарм.

эхтиром ва хурсандлик назари билан кузатар экан:

– Қалай, саломатмисиз? – деб сўради.

– Факат аҳмок одамлар-у фосик одамлар саломат бўлмайди, мени ўзинг биласан: эртадан кечгача иш билан бандман, ўзимни тийганман, мен саломат бўлмасдан ким саломат бўлсин.

– Худога шукур, – деди князь Андрей кулимсираб.

– Худонинг бунга дахли йўқ. Қани, гапир, – деди чол яна яхши кўрган мавзууга кўчиб: – стратегия деб аталган янги илмларингга қўра Бонапартга қарши урушишни немислар қалай ўргатищи?

Князь Андрей кулимсиради. Князь Андрей отасининг камчиликлари уни хурмат қилишига ва яхши кўришига сира халал бермаслигини кўрсатадиган бир табассум билан:

– Дарров кийнов-кистовга олманг, отажон, – деди. – Мен ҳали ўрнашганим ҳам йўқ.

Чол кокили қанақа ўрилганлигини билиш учун уни силкитар экан, ўғлининг қўлидан ушлаб: – Бекор айтибсан, бекор! – деб қичкирди. – Хотинингга уй тайёр. Княжна Марья олиб кириб кўрсатади, бир қоп гап ҳам гапиради. Бу хотинларнинг иши. Мен ундан хурсандман. Қани, ўтири, гапир. Михельсон армиясини биламан, Толстой армиясини ҳам... аскарни бир вактда тушириш... Жанубдаги армия нима килади? Пруссия, бетарафлик... буни биламан. Австрия-чи? – деб креслодан туриб нари-бери юрди, Тихон эса унинг кетидан югуриб юриб, кийимларини битталаб берар эди. – Швеция-чи? Помераниядан қанақа қилиб ўтади?

Князь Андрей отасининг қаттиқ туриб олганини кўриб аввал истар-истамас, кейин борган сари қизишиб ва сўз орасида, одати бўйича, беихтиёр русчадан французчага ўтиб, бўлажак уруш харакатларининг амалиёт режасини баён килди. У Пруссияни бетарафликдан чикариб урушга тортиш учун тўксон минг кишидан иборат армия унга қандай таҳдид қилишини, бу қўшиннинг бир кисми Штральзунда швед қўшинларига қандай кўшилишини, икки юз-у йигирма минг Австрия қўшини юз мингдан иборат Россия қўшини билан биргаликда Италия билан Рейнда қандай

харакат қилишини, эллик минг кишидан иборат рус ва эллик минг кишилик инглиз қўшини қандай қилиб Неаполга туширилишини ва ҳаммаси бўлиб, беш юз мингдан иборат армия ҳар тарафдан французларга қандай хужум қилишини гапириб берди. Кекса князъ гўё унинг сўзини эшитмаётгандай, бу гапларга хеч эътибор килмай, ҳамон нари-бери юриб кийинар экан, уч марта унинг сўзини бўлди. Бир марта ўғлини тўхтатиб: – Окини! Окини! – деб қичкирди.

Бунинг маъноси шу эдики, Тихон унга оқ нимча ўрнига бошқасини берган эди.

У иккинчи марта тўхтатиб: – Хотининг яқинда тугадими? – деб сўради ва маъкул топмагандай бош чайқаб: – Яхши бўлмабди. Гапиравер, гапиравер, – деди.

Учинчи марта эса чол, князъ Андрей сўзини тамом килаётганида, келишмаган ва ғўлдираган товуш билан ашула айтди.

«Мальбрук урушга кетибди. Худо билади, қачон қайтади».

Князъ Андрей табассум қилиб кўя қолди.

– Мен шу режа менга маъкул, демокчи эмасман, – деди ўғли. – Сизга фақат бор гапни айтиб бердим. Наполеон аллақачон бундан дурустрок режа тузиб кўйган.

– Хўп, лекин янги гап гапирмадинг. – Чол ўйланиб ўзича бидирлади: – «Худо билади, қачон қайтади». Овқатхонага кир.

XXIV

Ясама сочига упа сепилган ва соқол-мўйлови кирилган князъ тайинланган соатда овқатхонага чиқди, бу ерда уни келини, княжна Марья, мамзель Буръен ва ўзининг архитектори кутишар эди. Архитектор ўзининг мавқеи эътибори билан жуда кичкина одам бўлганлиги учун бундай шарафга мұяссар бўлишни сира умид килмаган бўлса ҳам, князъ уни бир жини севиб, ўзи билан бир дастурхонга ўтиргани ижозат берган эди. Ҳаётда одамларнинг бойлик ва камбагаллигига жуда каттиқ эътибор қиласиган, ҳатто губерниянинг катта амалдорларини ҳам дастурхонга камдан кам йўлатган князъ

хозир бурчакда катак дастрўмолига артиб ўтирган Михаил Ивановични дастурхонига йўлатиши билан ҳамма одамлар баравар эканлигини исбот килар ва кизига Михаил Ивановичнинг икковимиздан ҳеч камлиги йўқ, деб қайта-қайта уқтирган эди. Овқат вактида князь индамай ўтирган Михаил Ивановичга кўпроқ мурожаат килар эди.

Бу ҳовлидаги ҳамма уйлар сингари, каттакон ва баланд овқатхонада князнинг бутун уй ичи ва ҳар қайси стулнинг орқасида турган официантлар унинг чикишини кутишар эди; салфетка кўтарган бош лакей бошка лакейларга кўз қисиб дам деворий соатга, дам князь чикадиган эшикка бесаранжом назар ташлаб, овқат анжомларини кўздан кечирап эди. Князь Андрей энди кўраётгани каттакон зарҳал рамкага солиб осиб кўйилган князь Болконскийлар шажара-сига қаради. Шажара ўшандай каттакон, рамкага солинган беўхшов сурат (афтидан, хонаки рассом чизган) қаршисида турар, бу сурат тож кийган давлатли князнинг тасвири бўлиб, Рюрик¹ насабидан ва Болконскийлар сулоласининг бобоси бўлиши керак эди. Князь Андрей шажарарага қарап экан, бош чайқаб ва худди эгасига жуда ўхшаган суратни кўргандай пиқиллаб кулди.

– Отамнинг иши эканлиги шундай кўриниб турибди-я!
– деди князь Андрей ёнига келган княжна Марьяга.

Княжна Марья акасига таажжубланиб қаради. У акаси нимага табассум қилганини тушуна олмас эди. Княжна Марья отасининг ҳар бир қилган ишига зўр ҳурмат билан қарап ва уни муҳокама қилишни раво кўрмас эди.

– Ҳар кимнинг бир камчилиги бўлади, – деди князь Андрей давом этиб, – шундай бир акл-у идрокли одам шундай майда-чуйда ишлар билан машғул бўлса!

Княжна Марья акасининг бундай гапларни айтишга жасорат қилганига тушуна олмай унга эътироуз билдиримоқчи бўлиб турган эдики, кабинетдан оёқ шарпаси эшитилди: князь ўзининг шошма-шошар рафтори билан худди жўрттага уйдаги вазмин тартибининг зиддини олгандай, одатдагича тез-тез ва шахдам қадам ташлаб чиқди. Шу пайтда катта соат

¹ Рюриковлар сулоласи – 862-1610-йилларда Россияда хукмронлик қилган сулола.

иккига занг урди ва меҳмонхонадаги бошқа соат ҳам майин-гина жиринглаб кўйди. Князь тўхтади: қалин, осилиб турган кошлари остидаги тийрак, ўткир ва чакнаб турган кўзлари билан ҳаммани бир-бир кўздан кечириб, ёш княгиняга қараб колди. Ёш княгиня шу пайт подшо чиккан вактда сарой аҳллари кандай ҳолатга тушса, шундай ҳолатда эди ва чолни кўрганда ҳамма яқин кишиларни кандай салобат босса, уни ҳам шундай салобат босди. Чол княгинянинг бошини сила-ди-да, сўнгра қўпол бир харакат билан унинг елкасига кокди.

– Хурсандман, хурсандман, – деди унинг кўзларига яна ҳам тикилиб, сўнгра чаққонлик билан бориб ўзининг ўрнига ўтириди. – Ўтиинглар! Ўтиинглар! Михаил Иванович, ўтиинг.

Келинига ўзи ёнидан жой кўрсатди. Официант стулни суриб берди.

Чол келинининг тўлишган қоматига қарап экан, деди:

– Ў-хў! Шошибсан, яхши бўлмабди.

У одатдагича совук, ёқимсиз равиша кўзи билан эмас, факат оғзи билангина кулди.

– Юриш керак, мумкин қадар кўпроқ юриш керак, – деди.

Кичкина княгиня унинг сўзини ё эшитмадими, ё ўзини эшитмаганга солдими, хижолат тортгандай бўлиб индамади. Князь ундан отасини сўраганидан кейин княгиня табассум килиб тилга кирди. Князь ундан таниш-билишларини сўради. Княгиня яна ҳам очилиб кетиб, унга таниш-билишларининг саломини айтиб, шаҳар гийбатларидан сўзлай кетди.

– Бечора графиня Апраксина эридан айрилди. Бечорагина, қон йиглади... – деди княгиня борган сайин очилиб.

Княгиня очилиб гапирган сайин князъ унга тобора жиддий назар билан қарап эди: бирдан, худди уни яхши билиб олиб, унинг тўғрисида аник бир фикрга келгандай, ундан юзини ўгирди-да, Михаил Ивановичга мурожаат килди.

– Хўш, Михаил Иванович, Бонапартнинг ахволи танг бўладиганга ўхшайди-ку, князъ Андрейнинг (у ҳамма вакт

ўғлини шундай деб атар эди) айтишига қараганда, унга қарши жуда катта куч тўпланаётган эмиш. Биз икковимиз уни қўлидан ҳеч иш келмайдиган одам деб ўтирибмиз-а.

Бонапарт тўғрисида иккови қачон бунака гаплар гапиришганини мутлақо билмаган, лекин князъ ҳозир яхши кўрган мавзуда гап бошлаш учунгина бу гапни айттанини фаҳмлаган Михаил Иванович бунинг оқибати нима бўлишини билмай ҳайрон бўлиб, ёш князга қаради:

– Бу киши жуда моҳир тактикачилардан бўлади! – деди князъ ўғлига архитекторни кўрсатиб.

Гап яна уруш, Бонапарт, ҳозирги генераллар ва давлат арбоблари тўғрисида кетди. Кекса князъ ҳозирги арбобларни уруш ва давлат ишининг энг оддий масалаларига хам фаҳми етмайдиган болалар, Бонапартни эса Потемкин билан Суворовдай кушандалари бўлмагани учунгина муваффакият коzonган анчайин бир француз деган фикрда эди: у ҳатто Европада ҳеч қандай сиёсий қийинчилик ҳам, уруш ҳам йўқ, факат нотайин бир қўғирчоқбозлик борки, ҳозирги одамлар ўзларини худди катта бир иш қилаётгандай кўрсатиб, шу қўғирчоқбозлик билан машғул бўлиб ўтириби, деган фикрда эди. Князъ Андрей отасининг ҳозирги замон одамларини мазах қилиб айтган гапларига очиқ чехра билан бардош қилар, зоҳирлан хурсандлик билан уни гапга солар ва сўзига кулоқ берар эди.

– Бурунги замонда бўлиб ўтган ҳамма нарса яхшига ўхшаб кўринади, – деди князъ Андрей, – ўша Суворов ҳам Моро қўйган тузоқقا тушиб, ундан чиқа олмаган эмасмиди?

– Буни сенга ким айтди? Ким айтди? – деди чол кичқириб. – Суворов-а! – деб қўлидаги ликопчани улоктириб юборган эди, Тихон абжирлик қилиб илиб олди. – Суворов-а... ўйлаб гапиринг, князъ Андрей. Икки киши: Фридрих-у Суворов... Моро эмиш... Суворовни ўз холига қўйганда, Морони асир олар эди, Суворовга хофс-кригс-вурст-шиапс-ратлар¹ халал берди. Шўрлик. Мана, борсаларинг бу хофс-кригс-вурст-ратларни кўрасизлар. Буларни

¹ Гофкригстрат (хофс-кригс-вурст-рат) (немисча) – давлат маслаҳат кенгаши аъзолари.

Суворов эплай олмайди-ю, Михаил Кутузов эплайдими? Йўқ, азизим, – деди чол давом этиб, – сизлар бу генералларинг билан Бонапартга қарши уруша олмайсизлар. Французларни кўлга олиш керакки, ўзининг гўштини ўзи есин. Немис Паленний Нью-Йоркка, Америкага, француз Морони олиб келгани юборибдилар, – деди чол шу йил Морога рус армиясига хизматга кириш хусусида қилинган таклифга ишора қилиб.

– Галати ишлар. Нима, Потёмкинлар, Суворовлар, Орловлар немисмиди? Йўқ, биродар, ё ҳаммаларинг жинни бўлибсизлар, ё менинг миям айнибди. Майли, худо сизларга ёр бўлсин! У ёгини кўрамиз. Буларча Бонапарт буюк саркарда эмиш. Ҳм...

– Ҳамма амр-у фармонлар тўғри деяпганим йўқ, – деди князь Андрей, – фақат мен Бонапарт тўғрисида нега бундок фикрда эканлигингизга тушуна олмаётибман. Майли, кулсангиз кулинг-у, лекин, ҳар қалай, Бонапарт буюк саркарда.

– Михаил Иванович! – деб кичқирди чол, булар ўз гапи билан овора бўлиб, мени унутди, деб ўйлаган архитекторга қараб. – Мен сизга Бонапарт буюк тактикачи демаганмидим? Мана, у ҳам шуни айттаётиди.

– Ҳа, айтган эдингиз, тақсир! – деб жавоб берди архитектор. Князь яна зўрма-зўраки кулиб кўйди.

– Бонапарт онадан баҳтли бўлиб туғилган. Унинг аскарлари ажойиб. Даставвал немисларга ҳужум қилди. Немисларни фақат эрингланлар урмаган, холос. Немислар дунё яратилгандан бери калтак ейди. Улар ҳеч кимни урган эмас. Фақат бир-бирини урган. Бонапарт мана шуларни енгиб ном чикарди.

Князь ўз фикрича, Бонапартнинг ҳамма урушлардагина эмас, ҳатто давлат ишларида ҳам йўл қўйган барча хатоларини бирма-бир таҳлил кила кетди. Ўгли унинг сўзларига эътиroz билдиримаса ҳам, лекин қандай далил келтирилмасин, отасидек ўз фикридан қайтмаслиги кўриниб турар эди. Князь Андрей отасининг сўзларига эътиroz билдиришдан ўзини тийиб қулоқ солар ва бу чол қишлоқдан ҳеч қаёқка чиқмагани ҳолда сўнгги йилларда Европада бўлган бутун

харбий, сиёсий вазиятларнинг ипидан-игнаси гача билишига ва бу ҳақда бундай муҳокама юргизишига ҳайрон колар эди.

– Сен мени чол, ҳакикий ахволни тушунмайди, деб ўйлайсанми? – деб хотима килди князь. – Бу тўтирида ўйлайвериб жонимда жон колган эмас. Кечалари ухлаёт-майман. Қани, сенинг ўша буюк саркарданг, қаерда ўзини кўрсатибди?

– Бу жуда узок гап, – деди ўғли.

– Бор ўша Буонапартингнинг олдига. Мамзель Буръен, мана бепушт императорингизнинг яна бир муриди, – деб кичкирди соф француз тилида.

– Биласиз-ку, князь, мен Бонапарт тарафдори эмасман.

– «Қачон кайтишини худо билади»... – деб князь келишмаган товуш билан ашула айтди ва соҳта табассум килиб ўринидан турди.

Кичкина княгиня баҳс-у мунозара бошлангандан то тушлик тамом бўлгунча кути ўчиб, гоҳ княжнага, гоҳ қайнатасига қараб жим ўтириди. Столдан турилгандан кейин у қайнопасининг қўлидан ушлаб, уни бошка уйга бошлади.

– Отангиз мунча ҳам донишманд эканлар. Эҳтимол, шунинг учун ҳам мени салобатлари босди... – деди.

– Оҳ, жуда яхши одам! – деди княжна.

XXV

Князь Андрей эртасига кечкурун кетадиган эди. Қари князь кундалик одатини тарк этмай, тушликдан кейин ўз уйига кириб кетди. Кичкина княгиня қайнопасининг олдиди эди. Князь Андрей эполетсиз¹ сюртугини² кийиб камердинери билан бирликда ўз бўлмасида йўл ҳозирлигини кўра бошлади. У олиб кетадиган нарсаларини кўздан кечириб, коляска³ жойлашни буюрди. Уйда факат князь Андрей ҳамма вақт ўзи билан олиб юрадиган нарсаларигина: кутича,

¹ Эполет – инклибдан илгариги Россияда ва байзи чет эл армиялари офицерларидаги ҳашаматли зар погон.

² Сюртук (французча) – эркакларнинг тиззагача келадиган бир томонлама ёки икки томонлама тутмаланадиган пальтоси.

³ Коляска (русча; гидирак) – рессорли, кайтарма сояблонли тўрт гидиракли извощ.

озик-овқат солинадиган кумуш сандыкча, иккита түркча түппонча, отаси Очаков ёнидан совга килиб келтирилган килич қолди. Бу сафар нарсаларини князь Андрей ҳамма вакт эхтиёт қилас, озода саклар, мовут гилофларга солиб, нозик тасмалар билан боғлаб қўяр эди.

Бирон ёкка кетилаётгани ва ҳаётда бирон ўзгариш бўлган вактда ўз қилмишларини ўйлаб кўриш қобилиятига эга бўлган кишилар одатан жиддий фикр ва мулоҳазалар қилади... Бундай пайтларда ўтган нарсалар хотирдан кечирилади ва келажак ишларнинг режаси тузилади. Князь Андрейнинг чехраси ўйчан ва мулоҳим эди. У қўлини орқасига килиб, олға қараганича, тез-тез уйнинг у бурчидан бу бурчига юрар ва ўйчан бош чайқар эди. Урушга боришдан кўркармиди, хотинини ташлаб кетаётганига хафамиди ёки ҳар иккиси ҳам бир бўлдими – ишқилиб, князь Андрей шу ахволда бировга кўрингиси келмади, шекили, даҳлиздан оёқ шарпасини эшишиб, дарров қўлларини туширди-да, гўё қутичанинг жилдини боғлайтган бўлиб, стол ёнида тўхтади ва одатдагича осойишта, қандай кайфиятда эканлигини билиб бўлмайдиган қиёфага кирди. Даҳлиздан оғир қадам ташлаб келаётган княжна Марья эди.

– Жўнамоқчи эмишсан, – деди княжна ҳансираф (афтидан, у югуриб келган эди), – сен билан холи гаплашадиган гапларим бор эди. Худо билади, яна қачон кўришамиз. Менинг келганимга хафа бўлмадингми? Сен жуда ўзгариб кетибсан, Андрюша, – деди княжна худди ўзининг саволига изоҳ бергандан.

У «Андрюша», деганида кулимсираб қўйди. Афтидан, княжнанинг олдида турган шу жиддий ва чиройли йигит болалигида бирга ўсгани ўша ориқ, шўх бола Андрюша эканлигига ўзи ҳам ҳайрон эди.

Князь Андрей унинг саволларига фақат табассум билан жавоб берар экан:

– Лиза қани? – деб сўради.

– Лиза жуда ҷарчаб, менинг уйимдаги диванда ухлаб қолди. Ох, Андрей! Хотининг бунча ҳам оғатижон бўлмаса., – деди княжна акасининг рўпарасидаги диванга ўтириб. –



Хотининг ҳали тамом ёш бола, суюмли, кувнок бир бола.
Мен уни жуда яхши кўриб қолдим.

Князь Андрей индамади, лекин княжна унинг юзида пайдо бўлган киноя ва нафраторумуз бир ифодани пайқади.

– Анчайин камчиликларга эътибор килмаслик керак. Камчилик ҳаммада бўлади, Андрей. Унинг киборлар доирасида тарбия топиб ўсганини эсингдан чиқарма. Кейин унинг ҳозирги аҳволи учча ҳам яхши эмас. Ҳар кимнинг ҳолига қараб иш тутиш керак. ҳамма нарсага акли етадиган киши ҳамма нарсани кечиради. Ўзинг ўйлаб кўр, У бечорага қийин эмасми: ўрганиб қолган ҳаётини ташлаб бу ерга келган бўлса, яна бунинг устига сен кетиб колсанг-у, оғироёқ холда якка ўзи Қишлоқда қолса? Бу, албатта, жуда оғир-да.

Князь Андрей опасига қараб кулимсиради, бу кулимсираш сухбатлашиб турган кишисининг кўнглидаги ҳамма гапни билиб турган кишиларнинг кулимсирашига ўхшар эди.

– Мана, сен ҳам қишлоқда турибсан, қишлоқ ҳаётини оғир деб билмайсан-ку, – деди князь Андрей.

– Мени, қўявер. Бу тўғрида гапириб нима қиласан? Мен бошқача ҳаётни хоҳламайман, хоҳлай олмайман ҳам, чунки бошқача ҳеч кандай ҳаётни кўрган эмасман. Ўзинг ўйлаб кўр, Андрей, ёш ва киборлар доирасида ўсган жувон айни гул-гул очилган вактини қишлоқда ўзи якка ўтказса; ўзи якка, чунки отам ҳамма вакт банд, мен бўлсам... Мени ўзинг биласан... яхши сухбатларга ўрганиб қолган жувон учун мендай гариб-у дилхастанинг сухбати нақадар кўнгилсиз. мамзель Буръен ёлғиз...

– Ўша Буръенларинг менга сира ҳам ёқмайди, – деди князь Андрей.

– Йўғ-е, ундоқ дема! У жуда суюмли ва оққўнгил, ҳаммадан ҳам кўра мунгли қиз. Унинг ҳеч кими йўқ. Рости ни айтсам, унинг менга кераклиги йўқгина эмас, унинг шу ерда туриши малол келади. Ўзинг биласанки, мен илгаридан ёввойи эдим, ҳозир эса ундан ҳам баттарман. Мен ёлғизликни яхши кўраман... Отам уни жуда яхши кўрадилар. Отам мамзель Буръен билан Михаил Иванич иккаласига ҳамма

вақт яхши гапириб меҳрибончилик қиласылар, чунки иккөншінегінде ұзлари лутфу марҳамат күрсатғанлар; Стери айтгандек, «Биз одамларнинг уларнинг бизга қилган яхшиликларидан кўра ўзимизнинг уларга қилган яхшилигимиз учун кўпроқ яхши кўрамиз». Отам бу етим қизни кўчадан топиб олғанлар, ўзи жуда яхши қиз, отам унинг китоб ўқишини яхши кўрадилар. У кечалари дадамизга китоб ўқиб беради. Китобни жуда ҳам яхши ўқийди.

– Ростини айтгандан, Марья, отамнинг феъллари баъзан сенга малол келар дейман! – деди князь Андрей тўсатдан.

Княжна Марья аввал ҳайрон бўлди, кейин бу саволдан кўрқиб кетди.

– Менгами?.. Менгами?!.. Менга малол келадими?! – деди у.

– У ҳамма вакт тўнг эди, энди, назаримда, бадфеъл бўлиб бораётиби, – деди князь Андрей. У жўрттага отаси ҳақида бундай ножўя гапни тап тортмай айтиб, опасини гангитмоқчи ёки уни синааб кўрмокчи бўлди, шекилли.

– Сен ҳар жиҳатдан яхисан, Андрей, лекин баъзан андиша қилмай гапирасан, – деди княжна сўз мавзуидан кўра кўпроқ ўз фикрини кузатиб, – бу катта гуноҳ. Наҳотки ота тўғрисида бир нима дейиш жоиз бўлса? Жоиз бўлганда ҳам отамдек киши эҳтиромдан бошқа қандай хис туғдириши мумкин! Мен отам билан бирга туришимдан жуда рози ва хушбаҳтман. Сизларнинг ҳам мендай хушбаҳт бўлишларингни хоҳлар эдим.

Акаси унинг сўзларига ишонмагандай бош чайқади.

– Мен сенга ростини айтсан, Андрей, менга фақат бир нарса оғир, у ҳам бўлса отамнинг дин тўғрисидаги фикрлари. Шундай ақлли одам очик-ойдин кўриниб турган нарсани кўрмаганлигига ва шундай гумроҳликка тушганлигига тушуна олмайман. Менинг бирдан бир баҳтсизлигим чана шундан иборат. Лекин кейинги вақтларда бунинг бир кадар эпакага келаётгандигини кўраётибман. Кейинги вақтларда у динни унча масҳара ҳам қилмайдиган бўлди, у ҳатто бир монах¹ билан узоқ сұхбатлашди.

Монах (юнонча) – тарки дунё килиб, монастирда яшовчи ; роҳиб.

– Лекин, дўстим, монах икковларинг бекорга уриниб юрган бўлмасаларинг деб қўрқаман, – деди князь Андрей масхараомуз кулиб, лекин мулоиймлик билан.

– Оҳ, дўстим, мен фақат худога сиғинаман-у, унинг марҳаматидан умид қиласман, Андрей, – деди бирпасгина жим қолгандан сўнг зўрға журъат қилиб, – менинг сендан катта бир илтимосим бор.

– Нима экан, дўстим?

– Йўқ демасликка сўз берсанг, айтаман. Бунинг сенга ҳеч кийинлиги ҳам йўқ, зиёни ҳам тегмайди. Шу билан сен менга таскин берасан, холос. Сўз бер, Андрюша, – деди княжна кўлини ридикюлига тикиб. У ридикюлида бир нарсанни ушлаб турар, бу нарсани то акасидан сўз олмагунча кўрсатмайдиган ва илтимоси ҳам фақат шунга боғлиқдай кўринар эди.

У акасига мунгайиб караб турарди.

Князь Андрей унинг нима демокчи эканлигини пайқагандай:

– Менинг учун қийин бўлган тақдирда ҳам... – деди Андрей.

– Нима десанг деявер! Отамга ўхшаганингни биламан. Нима десант деявер, лекин менинг учун шу ишни кил. Йўқ, демагин. Буни отамнинг оталари – бобомиз ҳамма урушларда такиб юрганлар... – У ридикюлида ушлаб турган нарсасини ҳануз чикариб кўрсатмас эди. – Йўқ демайсан-а?

– Албатта. Нима ўзи?

– Андрей, бўйнингга санам тақиб, сенга оқ йўл тилайман, буни бўйнингдан ҳеч қачон олмасликка сўз бер... Сўз берасанми?

– Агар санаминг икки пуд¹ келиб бўйнимни узгудай бўлмаса... Сенинг кўнглинг учун... – деди князь Андрей, лекин бу ҳазилидан опасининг таъби олинганингни пайқаб, бу гапни айттанига дарҳол пушаймон бўлди, – жуда яхши, дўстим, жуда хурсанд бўламан, – деди.

– Сен бунга ишонмасант ҳам, у сени ҳар бало-ю қазодан

¹ Пуд (латинча: pondus – оғирлик, ўлчов) – 16,38 килограммга teng оғирлик ўлчов бирлиги. Метрик ўлчовлар тизими қабул килинганига қадар кўлланган.

омон сақлайди, ўзингга келтиради, чунки киши факат шундан тасалли топади, – деди княжна ҳаяжондан овози титраб; у акасининг рўпарасида майда кумуш занжирили юмалоқ қора санамни тантанали равишда тутиб турар эди.

У чўқинди, санамни ўпди ва Андрейга узатди.

– Мана, Андрей, менинг учун...

Унинг шаҳло кўзларида меҳрибонлик ва маъюслик нури порлади. Бу кўзлар унинг заҳил ва озгин юзини ёритиб, гўзаллаштириб юборди. Акаси унинг кўлидан санамни олмокчи бўлган эди, княжна уни тўхтатди. Князь Андрей унинг нима учун тўхтатганлигини дарров билиб, чўқинди ва санамни ўпди. Шу тобда унинг юзида ҳам ҳалимлик (унинг кўнгли юмшаб кетган эди), ҳам кулги аломати бор эди.

– Раҳмат, дўстим!

Княжна унинг пешонасидан ўпиб яна диванга ўтириди. Иккови ҳам жим қолди.

– Яна айтаман, бурунгидек меҳрибон ва олихиммат бўлгин, Андрей. Лизага қаттиқўллик қилмагин, деб гап бошлади. – У, ниҳоятда дилбар ва меҳрибон хотин, унга ҳозир жуда кийин.

– Мен ҳам хотинимнинг бирон иши менга ёқмайди ёки ундан норозиман, деганим йўқ эди, шекилли, сенга. Нега бу гапларни гапираётибсан, Маша?

Княжна Марья изза тортгандай қип-қизарди-ю, жим қолди.

– Мен сенга ҳеч нарса деганим йўқ эди, аммо сенга аллақачон гапиришибди. Буниси менга алам қиласди.

Княжна Марьянинг пешонаси, бўйни ва икки юзи ловуллаб кетди. У нимадир демоқчи бўлди-ю, айта олмади. Акаси билдики, кичкина княгиня тушлиқдан кейин йигланган, эсон-омон кўз ёра олармикинман, қўрқаман, деган ва толедан, қайнатасидан, эридан шикоят қилган, йиглаб ухлаб қолган. Князь Андрейнинг опасига раҳми келди.

– Шуни билиб қўйгинки, Маша, мен хотинимдан норози бўладиган жойим ҳам йўқ, норози бўлган ҳам эмасман ва ҳеч качон унга пушаймон бўладиган гап ҳам гапирган эмасман; мен қандай шароитда бўлмайин, ҳамма вакт муносабатим

шундай бўлади. Аммо-лекин сен ҳақиқатни билмокчи бўлсанг... Агар мендан баҳтлимисан, деб сўрасанг, йўқ, дер эдим... У хушбахтми? Йўқ, у ҳам хушбахт эмас. Нима учун шундай? Ўзим ҳам билмайман...

У шу гапларни айтиб ўрнидан турди, опасининг ёнига келди-да, энгариб унинг пешонасидан ўпди. Унинг чиройли кўзлари чуқур маъно, меҳрибонлик ифода этиб, одатдан ташқари порлаб кетди, бирок у опасига эмас, унинг боши устидан кия турган эшикдан коронгиликка қарап эди.

– Юр, Лизанинг олдига кирайлик, хайрлашмоқчиман ё сен бориб уни үйғотиб тур, мен ҳозир кираман. Петрушка! – деди у камердинерни чакириб, – бу ёкка кел, буларни йигиштириб. Мана буни ўтирадиган жойга кўй, бунисини ўнг томонга.

Княжна Марья ўрнидан қўзғалиб, эшикка томон бора туриб тўхтади.

– Андрей, агар сен худога ишонсанг эди, худога ёлвориб, менга муҳаббат ато килсин, деб сўрар эдинг ва худо оҳингни эшитар эди. – Қанийди, гап факат шунда бўлса! – деди князь Андрей. – Бор Маша, мен ҳозир кираман.

Князь Андрей опасининг бўлмасига кетаётиб, йўлда икки иморатни бир-бирига қўшган каттакон йўлакда муло-йимгина табассум қилиб турган мамзель Буръенни учратди. У шу бугуннинг ўзида уни хилват йўлакларда ниҳоят хурсанд ва илжайиб турган ҳолда учинчи марта учратиши эди.

У негадир кизариб, ерга қараб:

– Вой, мен сизни ўз уйингизда деб ўйловдим., – деди.

Князь Андрей унга тик қаради ва унинг юзида тўсатдан газаб аломати пайдо бўлди. У мамзель Буръенга ҳеч нарса демади-ю, унинг кўзига қарамай, пешонаси билан сочига шундай таҳкиромуз назар ташладики, мамзель Буръен ки-зарганича ҳеч нарса демасдан бурилиб кетди. Князь Андрей опасининг бўлмасига яқин келганда киягиня аллақачон уй-ғонган, унинг кувноқлик билан кетма-кет гапираётган овози очиқ эшикдан эшитилиб турар эди. У худди узоқ вақт гапирмаган-у, энди шунинг ҳиссасини чиқараётгандай жаврамоқда эди.

– Иўқ, кўз олдингизга келтиринг, улама соч, ясама тиш кўйган қари графиня Зубова ёшига ярашмаган ишни килиб...!

Князь Андрей графиня Зубова тўғрисидаги шу гапни, шу кулгини бошқа одамлар олдида хотинидан бирон беш марта эшигтан эди. У секин бўлмага кирди. Лўппи, икки юзи кип-кизил княгиня, кўлида иш, креслода ўтириб, Петербург хотираларини ва ҳатто Петербург ибораларини ишга солиб тинмай жаврар эди. Князь Андрей унинг олдига келиб бошини силади-да, йўл хордиги чиқдими, деб сўради. Княгиня унга жавоб берди-ю, яна ўша гапни давом эттириди.

Олти отлик коляска кўча эшиги олдида турар эди. Куз палласи, ташқари қоронғи эди. Кучер колясканинг тиргакларини ҳам кўра олмас эди. Эшик олдида фонус кўтарган кишилар ивирсиб юрар эди. Каттакон иморатнинг деразалири чароғон эди. Ёш князь билан хайрлашгани келган хизматкорлар дахлизда уймалашган, залда бутун хонадон: Михаил Иванович, мамзель Буръен княжна Марья ва княгинялар туришар эди. Князь Андрейни танҳо хайрлашгани отаси чакиртирган экан, ҳамма уларнинг чикишини кутар эди.

Князь Андрей кабинетга кирганда кекса князь чоллар тақадиган кўзойнак тақиб, ўғлидан бошқани қабул қилганида киймайдиган оқ авра тўн кийиб ёзув столи ёнида ўтирап эди. У қайрилиб қаради.

– Жўнаётибсанми? – деди-да, яна ёзаверди.

– Хайрлашгани келдим.

– Ўп, – деди чол юзини тутиб, – офарин, офарин!

– Нима хизматим учун офарин деяпсиз?

– Фурсатни бекорга ўтказмаганинг, хотинингнинг пинжига кириб ўтирумаганинг учун. Ҳаммадан бурун хизмат бурчини адо килмоқ керак. Офарин, офарин! – Чол перосини чириллатиб, сиёҳ сачратиб яна хат ёзишда давом этди. – Агар бирон гапинг бўлса айт. Кўзим хатда бўлса ҳам, кулогим сенда, – деб қўшимча қилди.

– Хотиним тўғрисида... Уни сизга ташлаб кетаётганимдан хижолатдаман...

– Бошқа гапинг бор, шекилли? Айтмокчи бўлган гапингни гапир!

– У кўз ёрадиган бўлганда Москвадан доя олиб келгани одам юборсангиз... Туғадиган вақтида доя шу ерда бўлиши керак.

Кекса князъ хат ёзишдан тўхтаб, ўғлининг нима деяёт-ганлигини тушунмагандай, унинг кўзларига тикилди.

– Биламанки, табиатнинг ўзи ёрдам бермаса, ёрдам бериш бошқа ҳеч кимнинг кўлидан келмайди, – деди князъ Андрей уялгандай. – Дуруст миллион кишидан бир киши сиҳат-саломат кутула олмаслиги мумкин, лекин бу биз иккавимизнинг кўнглимииздан ўтган гап. Одамлар унга алланималар дейишибди, у туш кўрибди, шундан кўркади.

Кекса князъ ёзишда давом этиб:

– Х... хм... Айтганингни киламан, – деди.

Чо зтга кўл кўйди-да, тўсатдан ўғлига юzlаниб, кулиб юборди.

– Ташибишга қолдингми, а?

– Нима ташибиш, отажон?

– Хотин! – деди кекса князъ маъноли килиб.

– Тушуна олмаяпман, – деди князъ Андрей.

– Қандоқ қиласан, – деди князъ, – хотин зоти ҳаммаси шунаقا бўлади, олганим-олмаганим дея олмайсан. Кўркма, ҳеч кимга айтмайман, сен ўзинг биласан.

Чол озгин кўллари билан ўғлининг кўлини ушлаб силкиб кўйди ва унинг юзига худди ўта кўрадигандай ўткир кўзлари билан тўғри қаради-да, яна одатдагича сохта қаҳқаҳа урди.

Князъ Андрей уф тортди ва шу уф тортиши билан отаси кўнглидагини билганини эътироф қилди. Чол ҳатларни буклаб, ҳатжилларга солди ва ўзига хос эпчиллик билан сурғучлаб муҳр боса бошлади.

– Илож қанча? Чиройли! Ҳамма айтганинни киламан. Хотиржам бўл, – деди чол ҳатларга муҳр босаётиб.

Андрей жим қолди. Отаси кўнглидагини билганлиги унга ҳам ёқар, ҳам ёқмас эди. Чол ўрнидан туриб, ҳатни ўғлига берди.

– Менга кара, – деди у, – хотининг тўғрисида ташвиш тортма: қўлимдан нима келса, шуни қиласан. Энди менга кулок сол: бу хатни Михаил Илларионовичга бер. Мен унга сени яхши ўринга кўйишини ва адъютантликда узок тутиб турмаслигини сўраб ёздим. Адъютантлик бўлмағур иш! Сен унга айт, мен уни эсимдан чиқарганим йўқ, яхши кўраман. У сени қандоқ қабул қилганлиги тўғрисида менга хат ёз. Агар яхши бўлса хизмат қиласан. Николай Андреевич Болконский-нинг ўғли ҳар қанақа одамнинг кўзига караб хизмат киласермайди. Хўп, энди бери кел.

Чол шу қадар тез гапирав эдики, сўзларни чала-чулла айтар, лекин ўгли ўрганиб қолганлиги учун тушунаверар эди. У ўғлини баланд стол ёнига олиб келди, столнинг қопқогини очиб, кутисидан йирик-йирик ҳарфлар билан зич килиб ёзилган дафтарни олди.

– Мен сендан илгарироқ ўлсам керак. Билиб кўй, мана шу менинг хотираларим, мен ўлгандан кейин буларни подшога бериш керак. Мана бу ерда акция¹ билан хат бор: бу Суворов жангларининг тарихини ёзган кишига мукофот. Академияга юбориш керак. Мана бу менинг ёзувларим, мен ўлгандан кейин ўқигин, фойдаси тегади.

Андрей отасига «узок умр кўрасиз», демади, чунки буни айтишнинг ҳожати йўқ эканлигини билар эди.

– Ҳамма айтганларингизни бажо келтираман, отажон, – деди.

– Хўп, энди хайр! – деди чол ўғлига қўлинни ўпгани тутиб, сўнгра уни қучоқлади. – Шуни эсингдан чиқарма, князь Андрей: агар сен жангда ҳалок бўлсанг, мўйсафида отанг қайтуга колади... – У тўсатдан жим қолди-ю, бирдан шовқин солиб давом этди: – Аммо Николай Болконскийнинг ўғлига номуносиб бирон иш қилсанг, мўйсафида отанг утидан ўлади, – деб кичқирди.

– Бу гапни айтмасангиз ҳам бўлар эди, отажон, – деди князь Андрей кулими сираб.

Чол индамади.

– Мен сиздан тағин бир нарсани илтимос қилмокчи

¹ Акция (французча) – акциядорлик жамияти чиқарган кимматбаҳо коғоз.

Энди, – деди князь Андрей, – агар мен жангда ҳалок бўлсам-
у, хотиним ўғил тұғса, ўғлимни ўзингиздан узоклаштирманг,
кеча айттанимдек, ўзингиз тарбия қилинг... Илтимосим шу.

– Хотинингга бермайми? – деди чол ва кулди.

Ота-бала бир-бирига рўпара бўлиб жим турар эди.

Чолнинг ўйнаб турган кўзлари ўғлига тикилган эди.
Кекса князнинг ўпкаси тўлди.

– Хайрлашиб бўлдик... бор! – деди чол бирдан, сўнгра
кабинетининг эшигини очиб газаб билан қичкирди: – Бор!

Княгиня билан княжна князь Андреини ва оқ авра тўн
кийган, париксиз, чоллар тақадиган кўзойнак тақсан қари
князнинг эшикдан бошини чиқариб бакирганини кўриб:

– Нима бўлди? – деб сўрашди.

Князь Андрей уф тортди-ю, жавоб бермади.

– Хўш, – деди хотининга қараб.

Бу «хўш» совуқ истехзодай бўлиб, худди «энди навбат
сизларга» дегандай туюлар эди.

Кичкина княгиня ранги окариб, эрига ваҳима билан
қараб: – Андрей, шу кетаётганингми? – деди.

У хотинини кучоклади. Княгиня кичкириб юборди-ю,
хушидан кетиб, ўзини унинг елкасига ташлади.

У хотинини елкасидан секин туширди-да, юзига қараб
уни эҳтиёт билан креслога ўтқазди.

– Хайр, Маша, – деди опасига секин ва қўл ўпишди-да,
жадаллаганича уйдан чиқиб кетди.

Княгиня креслода ётар, мамзель Буръен унинг чакка-
сини уқалар эди. Княжна Марья шахло кўзлари йигидан
қизарган ҳолда янгасини суюб турар ва князь Андрей чиқиб
кетган эшикка қараб, уни дуо килар эди. Кабинетдан чол-
нинг дам-бадам қаттиқ бурун қоққани эшитилар эди. Князь
Андрей чиқиб кетиши билан кабинетининг эшиги тезгина
очилиб, ундан оқ авра тўн кийган чол кўринди.

– Кетдими? Ҳа, яхши бўлибди, – деб чол хушсиз ётган
келининг қовоғини солиб қаради-да, таънаомуз бош чайқаб
эшикни тақ этиб ёпди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

1805-йилнинг октябрида рус қўшинлари Австрия эрцгерцоглигининг¹ шаҳар ва қишлоқларини ишғол қиласа ва Россиядан келиб турган янги полклар аҳолига ортиқча ташибиш бўлиб, Браунау қалъаси атрофига ўрнашган эди. Браунауда бош қўмандон Кутузовнинг бош штаби² жойлашган эди.

1805-йилнинг 11-октябрьида Браунауга яқиндагина келган пиёда аскарлар полкidan бири бош қўмандоннинг кўригига маҳтал бўлиб, шаҳардан ярим мил³ нарида турар эди. Гарчи бу ерлар ва бу ернинг шароити Россияга ўхшамаса ҳам, (мевазор боғлар, гиштли деворлар, черепица⁴ ёпилган томлар, узоқда кўриниб турган тоғлар, рус бўлмаган ва аскарларга мароқ билан қарайдиган аҳоли), бу полк айнан Россиянинг ичкарисида кўрикка тайёрланадиган полкка ўхшар эди.

Полк охири манзилдалик вақтида, кечкурун бош қўмандон полкни походда⁵ кўрикдан ўтказиши ҳакида буйрук келди. Гарчи полк командири буйруққа яхши тушунмаган, буйруқни қандай тушуниш керак: поход формасидами ё парад⁶ формасидами, деган савол туғилган бўлса ҳам, батальон⁷ командирлари кенгашида «айтгандан зиёда қилиш ҳеч қачон зарар килмайди» деган мулоҳаза билан полкни

¹ Эрцгерцог – Австрия шахзодаларининг унвони ва шу унвонга эга одам.

² Штаб (немисча: Stab – подшолик аломати бўлган асо, ҳасса; ҳарбий карорго) – ҳарбий қисмларни бошқарувчи асосий орган.

³ Миль – узунлик ўлчови. Сувда 1 мил 1,8 километрга, қуруқликда эса 1 мил 1,6 ки-лометрга тенг.

⁴ Черепица (русча) – асосан, бино томига ёпиш учун ишлатиладиган курилиш материали. Черепицаларнинг аксарияти сопол, цемент ва қум коришмасидан тайёрланади.

⁵ Поход – ҳарбий юриш.

⁶ Парад (французча: parade – тўхташ, етиб келиш жойи; лотинча: паро – тайёр киламан, тайёрлайман) – 1) қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини текшириш масадида ўтказиладиган тантанали кўрик (бу ерда шу маънода); 2) спортчилар, мактаб ўқувчиларни кабиларнинг тантанали юриш кўриги.

⁷ Батальон (французча: bataillon – жангчилар бўлинмаси) – бир неча ротадан ва махсус бўлинмалардан иборат бўлган ҳарбий қисм.

парад формасида кўрсатишга қарор қилинди. Уттиз чакирим йўл босган аскарлар кечаси билан киприк қокмай кийимларининг у ёқ бу ёгини тикардилар, тозалардилар; адъютантлар билан рота командирлари эса ҳисоб-китоб қилдилар; йўлда олдинма-кетин чўзилиб, тартибсиз бир оломондай бўлган бу полк эрталаб ҳар бири ўз ўрнини биладиган ва ҳар қайсисининг тутмасидан тортиб камаригача тоза ва ярқираб турган икки минг кишилик мунтазам, тартибли аскар бўлиб қолди. Буларнинг факат ташки кўринишигина жойида эмас, ҳатто агар бош қўмондон уларнинг мундирларини ечиб кўрган тақдирда ҳам ҳар бирининг устида коидага мувофиқ, оппоқ кўйлак ва ҳар бирининг сафар халтасида аскарга керак бўладиган ҳамма зарур «майда-чуйда»ларни кўрар эди. Факат бир нарса тўғрисида ҳеч ким хотиржам бўла олмас эди, у ҳам бўлса оёқ кийими масаласи эди. Аскарларнинг ярмидан кўпининг этиклари йирилган эди. Лекин бу камчилик полк командирининг айби билан эмас эди, чунки унинг қайта-қайта талаб қилишига қарамай Австрия маъмурлари оёқ кийими бермади, полк эса минг чакиримдан ортиқ йўл босган эди.

Полк командири ёши қайтган, тетик, қошлари ва бакенбардлари¹ мошгуруч, тўладан келган ва юм-юмалок бир генерал эди. Унинг эгнида янгигина тикилган, катлари яхши ўтирган мундир бўлиб, зарҳал эполетлари унинг бақувват елкаларини юқорига кўтариб тургандай кўринар эди. У ҳаётнинг энг дабдабали ишларидан бирини хурсандлик билан қилаётган кишига ўхшар эди. У саф тортиб турган аскарлар олдida нари-бери юрар ва ўзини ёш олиб ҳар қадам ташлаганида гавдаси салгина энгашиб силкинар эди. Полк командирининг ўз полкини кўриб завки келганлиги, полкдан жуда хурсанд ва бутун фикр-у ёди полкда эканлиги кўриниб турар, лекин шунга қарамай, унинг қадам олиши факат ҳарбий ишларгагина эмас, майшат ва хотин-қизларга ҳам анчагина кўнгли борлигини кўрсатиб турар эди.

¹ Бакенбард (голландча: bakkebaarden) – ҳар иккала кулокнинг олд ёнбошидан тоягигача бўлган сокол мўйлов каби маҳсус ўстирилган туклар ёки икки чакка кўйилган сокол.

Хўш, отагинам, Михайло Митрич, – деди у бир батальон командирига (батальон командири илжайиб бир қадам олға босди, ҳар иккаласи ҳам хурсанд кўринар эди) кечаси хўп онамизни кўрдик-а. Лекин, ҳар қалай, полкимиз дурустга ўхшайди... Нима дейсиз?

Батальон командири генералнинг тегишаёттанини фаҳмлаб, кулди.

– Царицин ўтлоғида ҳам майдондан ҳайдашмас!

– Нима? – деди командир.

Шу пайтда даракчи кўйилган шаҳар йўлида икки отлик намоён бўлди. Булардан бири адъютант, унинг кетидаги казак эди.

Адъютант кечаги буйрукнинг яхши англашилмаган ерини Англатиш учун, яъни бош қўмондон полкни қай ахволда келиб тушган бўлса, ўша ахволда (шинел-у халтапалтаси билан ҳеч қандай тайёргарликсиз) кўрмокчи эканини айтиш учун бош штабдан юборилган эди.

Бундан бир кун бурун Кутузовнинг ҳузурига Венадан гофкригстратнинг аъзоси мумкин кадар тезроқ бориб эрцгерцог Фердинанд ва Мак армияси билан қўшилиш керак, деган таклиф ва талаб билан келган эди; Кутузов эса бу армия билан қўшилишни номувофиқ топиб, ўз фикрининг тўғти эканлигини исбот этиш учун келтирган бошқа далиллари қаторида Россиядан келаётган аскарларнинг кўп йўл юриб ёмон ахволда қолганликларини ҳам Австрия генералига уқтироқчи эди. Унинг полкни қарши олишидан мақсади ҳам ана шу эди. Шунинг учун полк қанчалик ёмон ахволда бўлса, бош қўмондонга бу шунча маъкул бўлар эди. Адъютант гарчи бу тафсилотни билмаса ҳам, лекин полк командирига бош қўмондоннинг аскарлар ўша шинель ва халталари билан кўрикка тайёрлансин, деган талабини айтиб, акс холда бош қўмондон норози бўлишини билдириди.

Полк командири бу сўзларни эшишиб бошини кўйи солди-да, ҳайрон бўлиб, индамай елкасини учирди ва сўнгра бетокатлик билан кўлларини силтаб:

– Хўп иш қилибмиз-да! Мен сизга айтмабмидим, Михайло Митрич, походда бўлгандан кейин шинелни ечмас-

Жек керак, – деди батальон командирини койиб. Энди иш бутунлай расво бўлди, деб шартта-шартта қадам ташлаб олдинга чикди-да, буйруқ бериб ўрганган товуш билан: – Рота командирлари, фельдфебеллар¹!.. – деб қичкирди. – Қачон ташриф буюрадилар? – деди эҳтиром билан адъютантта мурожаат қилиб. Бу эҳтиром, афтидан, ўша келадиган одамга тааллукли эди.

– Эҳтимол, бир соатдан кейин келсалар.

– Аскарлар кийиниб улгурармикин?

– Билмадим, генерал...

Полк командирининг ўзи саф тортган аскарлар олдига бориб яна шинель кийишларини буюрди. Рота командирлари роталарига қараб югурди, фельдфебеллар гангиб қолишиди (чунки шинеллар учча тахт эмас эди) ва саф-саф тўртбурчак бўлиб жим турган аскарлар шу ондаёқ ҳаракатга келиб, сафлар бузилиб, гала-ғовур бошланди. Аскарлар у ёк бу ёкка югуришар, елкаларини силкитишар, халталарини бўйинларидан олишар, шинелларини ечишар, қўлларини баланд кўтариб, енгларига тикишар эди.

Ярим соатдан кейин аскарлар яна саф тортиб тўртбурчак бўлди, лекин энди бу тўртбурчаклар корадан кулрангга айланган эди. Полк командири яна боягидай бутун гавдасини силкита-силкита қадам ташлаб, полкнинг олдига ўтди ва уни нарироқдан туриб кўздан кечира бошлади.

– Бу нимаси? Бу нима, – деб қичкирди тўхтаб, – 3-рота командири!..

– 3-рота командири, генерал хузурига! Командир генерал хузурига! 3-рота командири, генерал хузурига! – деган овозлар эшитилди ва адъютант тезда келмаган офицерни ахтариб кетди.

Жон-жаҳди билан қичкираётган товушлар командир у ёқда қолиб, «генерал учинчи рота хузурига», дея бошлаганда чақирилган офицер ротанинг орқасидан кўринди ва бу офицер ёши қайтиб, чополмайдиган бўлса ҳам, коқиниб-

¹ Фельдфебель (немисча) – ҳарбий унвон ва лавозим. Россияда (1917-йилгача) ва баъзи Европа давлатларида мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда нисбатан катта сержант унвонига тўғри келади.

сурилиб лўкиллаганича генералга томон келарди. Капитаннинг юзида сабоғини яхши пишиктирмай муаллим чакирган мактаб боласидай, катта ташвиш акс этди.

Унинг қип-қизил (маишатпарастлигидан бўлса керак) юзи дам бўзарар, дам кўкаарди; оғзини очишни ҳам билмас эди, ёпишни ҳам. Капитан ҳарсиллаб яқинлашган сайин қадамини кичикроқ ташлаб келаётганида полк командири унга бошдан оёқ кўз югуртириди.

– Ҳадемай сиз одамларга сарафан¹ ҳам кийгизасиз! Бу нимаси? – деб қичкирди полк командири 3-рота сафида кўк мовут шинель кийиб бошқалардан ажралиб турган аскарни ияги билан кўрсатиб. – Ўзингиз қаёқда эдингиз? Бош қўмон-дон келадиган бир маҳалда ўрнингизда турмай, қаёқда юрасиз? А? Кўрик бўладиган вақтда одамларга камзул кийгизишини ўргатиб кўяман сизга!.. А?

Рота командири генералдан кўзини олмай, икки бармолгини шапкасининг соябонига борган сайин, худди шу билан кутуладигандай, каттиқрок босар эди.

– Ҳа, нега индамайсиз? Ким у венгерча кийинган? – деди полк командири калакаомуз дўқ уриб.

– Жаноби олийлари...

– Ҳа, нима «Жаноби олийлари? Жаноби олийлари! Жаноби олийлари!» Нима мунча! Гапининг тайини йўқ-ку, жаноби олийларимиш!

– Жаноби олийлари, бу аскарликка туширилган Долохов... – деди капитан секин.

– Хўш, уни фельдмаршалликка² туширибдиларми ёки аскарликками? Аскар эса ҳамма қатори кийинсин-да!

– Жаноби олийлари, унга ўзингиз ижозат берган эдингиз.

¹ Сарафан – 1) дехқон аёлларининг узун устки кўйлаги; 2) аёлларнинг енгил енгиз кийими.

² Фельдмаршал (немисча: *Feldmarshall*) – айрим давлатлар армияларидағи олий ҳарбий унвон. 1-марта 16-асрда Австрияда, 17-асрда Пруссияда жорий килинган. Россияда 1699-йилда генерал фельдмаршалл унвони жорий этилиб, 1917-йилда бекор килинган. Фельдмаршалл машҳур ҳарбий ва давлат арбоблари, император хонадони вакиллари ҳамда баъзи чет эл ҳарбий арбобларига берилган. Фельдмаршалл унвони Буюк Британия ва бошқа баъзи давлатларда сакланган.

– Мен ижозат бердимми? Ижозат бердимми? Сиз ёшлар хамма вакт шунака киласизлар, – деди полк командири бироз ховуридан тушиб, – мен ижозат бердимми-а? Сизларга бир нима дегудай бўлсанг, сизлар... – Полк командири бироз жим колгандан кейин яна: – Сизларга бир нима дегудай бўлсанг, сизлар... Нима? – деди яна аччиги келиб. – Одамларни дурустроқ кийинтиринг...

Полк командири адъютантта дам-бадам караб, бутун гавдасини силкита-силкита қадам ташлаб полкка томон борди. У дарғазаб бўлгани ўзига ёқди, шекилли, полкнинг олдидан ўтар экан, яна дарғазаб бўлгани баҳона излар эди. У бир офицерни нишони тозаланмагани, иккинчисини аскарлари сафининг нотўғрилиги учун жеркиб ташлаб, 3-рота олдига борди.

Полк командири кўк шинель кийган Долоховдан беш киши берида туриб:

– Бу канака туриш? Оёғинг қаёқда? Қаёқда оёгинг? деб қичкирди жигибийрони чикиб.

Долохов секин оёғини ростлади ва генералнинг юзига беибо тикилиб қаради.

– Нега кўк шинель кийдингиз? Ечиб ташланг! Фельдфебель! Бошқа шинель берилсин... расвогар... – деди-ю, генерал гапини тугата олмади.

– Генерал, мен буйрукни бажаришга мажбурман, лекин ҳақорат эшитишга... – деди Долохов шошиб.

– Сафда гапирилмасин! Гапирилмасин, гапирилмасин!..

– Ҳақорат эшитишга мажбур эмасман, – деди Долохов баланд овоз билан.

Генерал билан аскарнинг кўзи кўзига тўқнашди. Генерал жаҳл билан бўйнидаги шарфини пастга тортиб, жим қолди.

– Марҳамат килиб, бошқа шинель кийинг, – деди генерал кета туриб.

II

– Келаётибди! – деб қичкирди шу пайт йўлга қўйилган даракчи.

Полк командири кизарганича отининг олдига югуриб борди, титрок қўллари билан узангини тушириб отланди, у ёқ бу ёгини тузатди, киличини сұғурди ва кувнок ҳам жиддий киёфада кичкириб буйруқ беришга ҷоғланиб, оғзи-ни бир томонга кийшайтириди. Полк худди қанотларини коққан күшдай бир силкинди-ю, котиб қолди.

Полк командири ўзи учун қувончли, полк учун вахи-мали ва келаётган сардор учун хурмат ифода қиладиган бир овоз билан:

– Рост-л-а-а-ан! – деб қулоқни коматта келтириб кичкириди.

Икки томонга дараҳтлар ўтқазилган кенг, бетош йўлдан олти от қўшилган баланд ва ҳаворанг Вена коляскаси рессори¹ хиёл тикирлаб, шитоб билан келар эди. Коляска кетидан штаб аскарлари ва посбонлар от қўйиб келмоқда эди. Кутузовнинг ёнида кора кийинган руслар ичидаги мундири билан ғалати кўриниб турган Австрия генерали ўтирап эди. Коляска полк олдида тўхтади. Кутузов билан Австрия генерали ўзаро нима тўғрисидадир гаплашар эди. Кутузов колясканинг зинасидан бамайлихотир секин тушар экан, ўзига ва полк командирига тин олмай тикилиб турган икки минг кишини худди кўрмагандай хиёл табассум қилди.

Буйруқ товуши эшитилиб, полк яна силкинди-да, «соқчи» вазиятида турди. Жимжитликда бош қўмондоннинг заиф товуши эшитилди. Полк: «Здравъя желаем, ваше го-го-ство!²» – деб кичкириди. Яна жимлик чўқди. Полк ҳаракатда эканида Кутузов бир жойда турди, кейин штаб аскарларининг кузатишида оқ кийим кийган генерал билан юриб сафлар олдидан ўта бошлади.

Полк командири ўзини ростлаб, қоматини тик тутиб бош қўмондонга тикилиб салют беришидан, гавдасини силкитмасликка ҳаракат қилиб генералларнинг кетидан энгашиброк саф олдида юришидан, бош қўмондоннинг ҳар

¹ Рессор(а) (французча: *tessort* – пружина; таранглик, кайишкоқлик) – транспорт воситаларида уларнинг гилдираклари ўқини кузов билан бирлаштирувчи ва йўлнинг нотекислигидан пайдо бўладиган зарбалар кучини пасайтирувчи кайишкоқ, эгилувчан кисм.

² Здравъя желаем, ваше го-го-ство – Сизга соғлик тилаймиз жанобий олийлари.

бир сўзи ва харакатига чопиб келишидан унинг командирликдан ҳам кўра командирга хизмат килишга шавки катта экани кўриниб турар эди. Полк командирининг каттик-кўл бўлиши ва тиришкоклиги орқасида полк шу кунлари Браунауга келаётган бошка полкларга қараганда жуда яхши эди. Полкдан кейинда қолганлар ва касаллар ҳаммаси бўлиб 217 киши эди, холос. Оёқ кийимидан ташқари ҳамма нарса дуруст эди.

Кутузов сафлар олдидан ўтар экан, ҳар замон тўхтаб, Туркияга карши урушда ўзи билан бирга иштирок қилган офицерларга ва баъзи аскарларга ҳам уч-тўрт оғиз яхши сўзлар айттар эди. У аскарларнинг оёқ кийимларига қаар экан, афсусланиб, бир неча маротаба бош чайкади ва бу ҳакда ҳеч кимни айблаб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, яхши эмас, демокчи бўлгандай Австрия генералига кўрсатди. Бош қўмондон генералга ҳар гапирганда полк командири унинг полкка тегишли гапини эшитмай қолишидан кўркиб, олдинга югуриб ўтар эди. Кутузовнинг кетидан секин айтилган сўз эшитилар-эшитилмас масофада 20 кишидан иборат штаб аскарлари борар эди. Бу жаноблар ўзаро гаплашар, ҳар замон кулишар эди. Булардан олдинроқда чиройли бир адъютант борар эди. Бу князь Болконский эди. Унинг ёнида новча, ҳаддан ташқари семиз, чиройли, чехраси очик ва хандон, кўзлари ёшланиб турган штаб-офицери – ўртоги Несвицкий борар эди. Несвицкий ёнидаги корачадан келган гусар офицерининг килиғига кулгиси кистаб ўзини зўрға тутиб бораради. Гусар офицери кулмасдан полк командирининг орқасига жиддий қиёфада қараганича унинг ҳар бир ҳаракатига тақлид килар эди. Полк командири, ҳар силкинганида ва олдинга энгашганида офицери ҳам айнан шундай силкинар ва энгашшар эди. Несвицкий кулар ва бошқаларни туртиб бу ҳазилкашни кўрсатар эди.

Кутузов ўз бошликларига жон-жаҳдолари билан тикилиб турган мингларча кишиларнинг одидан секин – бамайлихотир қадам ташлаб ўтиб борар эди. У 3-ротанинг қаршисига кедганида тўсатдан тўхтади. Бундан бехабар қолган штаб аҳди беихтиёр унга яқин келиб колишиди.

Бош кўмондон кўк шинель туфайли гап эшигтан бурни
қизил капитанни таниб:

– Э, Тимохин-ку! – деди.

Тимохин полк командири танбех қилганида қоматини ростлаб тордай тортилган ва бундан ортиқ тортилиб бўлмайдигандай кўринган эди. Бироқ бош кўмондон мурожаат қилган пайтда шундай тортилдики, агар бош кўмондон яна бирпас караб турса, капитан тоб беролмай узилиб кетадиганга ўхшар эди. Кутузов унинг ахволини пайқади, шекилли, бечора капитан кўп кийналмасин, деб дарҳол юзини ўғирди. Унинг дўппи ва жароҳат изи қолган юзида билинар-билинмас табассум пайдо бўлди.

– Измайл урушида қатнашган ўртоқлардан, – деди у. – Ботир офицер! Сен ундан мамнунмисан? – деб сўради Кутузов полк командиридан.

Полк командири бир силкинди-да, оддинга ўтди (унинг бутун ҳаракатини гусар офицери айнан такрорлади) ва жавоб берди:

– Жуда мамнунман, жаноби олийлари.

– Ҳамманинг ҳам бир камчилиги бўлади, – деди табасум билан Кутузов ўтиб кетаётиб. – У ичкидикни яхши кўтар эди.

Полк командири бунга мен айбли эмасмикинман, деб кўркиб кетди ва индамади. Гусар офицери шу пайт бурни қизил, корнини ичига тортиб турган капитаннинг туришига ва юзига шундай таҳдид қилдики, Несвицкий ўзини кулгидан тўхтатолмади. Кутузов қайрилиб қаради. Офицер, афтидан, истаган вақтида юзини истаган киёфага киргиза олар экан: Кутузов караши биланоқ қовоғини солди, сўнгра юзида жиддият, эҳтиром акс этиб, мўмингина бўлиб қолди.

Учинчи рота энг кейинда эди. Кутузов худди бир нарсанни эслаётгандай ўйланиб қолди. Князь Андрей штаб аскарлари ичидан чиқиб француза секин деди:

– Аскарликка туширилиб шу полкка юборилган Долоховни эсимга солинглар, деб буюрган эдингиз.

– Қани Долохов? – деб сўради Кутузов.

Аллақачон аскарча кулранг шинель кийиб олган Доло-

хов чакиришни кутмади. Кадди-комати келишган, оч-сарик сочли, күк кўз аскар сафдан чикиб, тўғри бош кўмондоннинг олдига келди-да, «сокчи» вазиятида турди.

Кутузов салгина ковоғини солиб:

– Нима арзинг бор? – деб сўради.

– Долохов шу, – деди князь Андрей.

– Ҳа! – деди Кутузов. – Бу ишлар сенга сабок бўлади, деб ўйлайман, яхши хизмат кил. Шаҳаншоҳимиз марҳаматли. Яхши хизмат кўрсатсанг, мен ҳам сени эсда тутаман.

Долоховнинг кўк кўзлари бош кўмондонга ҳам худди полк командирига карагандай беибо тикилиб турар ва бу тикилиши бош кўмондон билан аскарни бир-биридан ажратиб турган парданни йиртиб ташлаёттандай кўринар эди.

– Сиздан факат бир нарса сўрайман, жаноби олийлари,

– деди Долохов жаранглаган, дадил товуш билан салмоқлаб.

– Менга гуноҳимни ювгани, император ҳазратлари ва Россияяга садокатимни исбот қилгани имкон берсангиз.

Кутузов юзини ўтириди. У капитан Тимохиндан юз ўтирган вактдагидай хиёл табассум килди. У юзини ўтириди-ю, афтини буриштириди ва шу билан гўё Долохов айтган гаплар, ўзининг Долоховга айтадиган ҳамма гаплари кўпдан маълум эканини, бу гаплардан зерикканини, буларнинг ҳаммаси кераксиз гаплар эканини билдирумокчи бўлди. У бурилиб коляскага томон кетди.

Полк оғир йўлдан кейин кийиниш ва дам олиш умиди билан роталарга бўлинниб, Браунауга яқин манзилга караб жўнади.

Полк командири от қўйиб, манзилга томон бораётган 3-ротани қувиб ўтиб, унинг олдидаги бораётган капитан Тимохинга яқин келди-да:

– Мендан хафа бўлмадингизми, Прохор Игнатич? – деди. Полк командири кўрикдан эсон-омон ўтганидан ниҳоят хурсанд эди. – Подшолик хизмати... Иложи йўқ... Баъзан сафда турган кишига каттик гапириб қўясан киши... Ўзим узр сўрайман, мени биласиз... Бош кўмондон жуда хурсанд бўлди! – деди ва рота командирига қўл узатди.

Капитан бурни кизариб, Измайл атрофида бўлган уруш-

да күндөк тегиб синган иккита олдинги тишини күрсатиб илжаяр экан:

– Йүг-е, генерал, наҳот мен сиздан хафа бўлгани ҳаддим сифса? – деди.

– Ҳа, айтгандай, жаноб Долоховга айтинг, хотиржам бўлсин, мен уни эсимдан чиқармайман. Ҳа, дарвокеа, мен шуни сиздан сўрамоқчи эдим: Долохов қалай, феъл-автори дурустми? Сўрайман дейман-у, ҳадеб эсимдан чиқади.

– Хизмат важидан жуда дуруст, жаноби олийлари... лекин феъли... – деди Тимохин.

– Нима, нима феъли? – деб сўради полк командири.

– Гоҳо, жаноби олийлари, – деди капитан, – жуда ақлли, билимли, хушфеъл; гоҳо йиртқичга ўхшаб кетади. Польшада бир яхудийни ўлдириб қўяёзди, хабарингиз бордир...

– Ҳа, ҳа, – деди полк командири, – ҳар қалай, бечора йигитга қийин... Катталардан таниш-билишлари кўп... ишқилиб, сиз...

– Хўп бўлади, жаноби олийлари, – деди Тимохин илжайиб ва шу билан ўз бошлигининг нима демоқчи эканини тушунганини билдириди.

– Ҳа, ҳа.

Полк командири саф тортиб бораётган аскарлар орасидан Долоховни топиб, отининг бошини тортди.

– Бир иш кўрсатсангиз, яна эполет тегади.

Долохов қайрилиб қаради-ю, индамади ва тиржайганича кетаверди.

– Ҳар қалай, яхши ўтди, – деди полк командири ва аскарларга эшитарли килиб баланд овоз билан: – Аскарларга менинг номимдан бир пиёладан ароқ берилсин. Ҳаммага ташаккур билдираман! Худога шукур! – деди ва от қўйиб бошка ротага қараб кетди.

Тимохин ёнида кетаётган субалтери¹-офицерга қараб:

– Ёмон одам эмас, ҳеч кимни хафа қилмайди, – деди.

– Топпон деганича бор!.. (полк командирини топпон кироли деб аташар эди) – деди кулиб субалтери-офицер.

¹ Субалтери-офицер – Чор Россияси армиясида рота, эскадрон ёки батарея командирига тобе кичик офицер.

Кўрикдан кейин бошликлари сингари аскарларнинг хам кайфи чоғ бўлди. Рота хушчакчак борарди. Ҳар томондан аскарларнинг сўзлашган товуши эшитилар эди.

– Кутузовнинг бир кўзи гилай дейишмасми?

– Бўлмаса-чи? Филай-да.

– Кўйсанг-чи... Кўзи сеникидан ўткиррок. Одамларнинг этигидан тортиб пайтавасигача ҳаммасини кўздан кечирди.

– Оёгимга шундай бир караган эди, биродар, оббо, худоурди, дедим-у...

– Ёнидаги австриялик генерални кўрдингми, худди бўрга ботириб олгандай-а. Оппок унданай. Булар ўзларини амунициядан¹ тозалайди, шекилли!

– Ҳой, Федешов, жанг қачон бошланишини айтдими? Сен якинрок турувдинг, шекилли? Бруновга Бонапартнинг ўзи келибди дейишган эди.

– Бонапарт келган эмиш-а! Гапини каранглар-у! Билсанг гапнр-да! Ҳозир Пруссак² хуруж килган. Австрия уни босаётиби. Пруссак босилганда Бонапарт билан уруш бошланади. Бруновга Бонапарт келган эмиш-а! Аклинг бўлса, шу гапни гапирасанми? Аввал билгин.

– Оббо кургурлар-е! Уни қара, бешинчи рота қишлоқка бурилди. Биз етиб боргунча улар бўтқа пишириб еб ўтиради.

– Битта сухарингдан берсанг-чи...

– Сен кеча тамаки берувдингми? Ана шунака бўлади, оғайни! Ҳўп ма, ола кол, гўрга.

– Ҳеч бўлмаса, бирпас дам беришса бўлар эди. Бу очкорин билан яна беш чакирим юргунча бўларимиз бўлади.

– Немислар аравасини берганда хўп маза килар эдик-да. Аравага тушиб олиб кеккайиб кетар эдик.

– Бу ернинг одамлари жуда ашаддий экан. У ердагилар, ҳар қалай, ўзимизнинг пошшога қарашли поляклар эди, шекилли: булар кип-кизил немис-ку.

Шу пайт капитаннинг:

– Кўшиқчилар олдинга! – деб кичкирган товуши

¹ Амуниция – аскарнинг кийим ва куролдан бошка барча керак-яроКлари.

² Пруссак – Пруссия.

эшитилди.

Йигирматача одам ҳар томондан чопиб ротанинг олдига ўтди. Кўшиқбоши-дўмбирачи кўшиқчиларга томон ўтирилди-да, кўлини силкнб: «Не заря ли, солнышко занималося...» деб бошланадиган ва «Тото братцм, будет слава, нам с Каменским отцом...» деб тамом бўладиган аскар ашгуласини чўзиз айта бошлади. Бу кўшиқ Туркияда тўқилган бўлиб, энди Австрияда «Каменским отцом» ўрнига «Кутузовым отцом» деб айтилар эди.

Кирк ёшларга бориб қолган, қотма, чиройли дўмбирачи аскар шу сўзларни аскарчасига узиб-узиб айтди ва худди бир нарсани ерга кўтариб ургандай қўл силкиб қўшиқчи аскарларга хўмрайиб қаради-да, кўзларини кисди. Сўнгра ҳамма аскарлар ўзига тикилиб турганини кўриб, худди жуда кимматбаҳо бир нарсани икки қўллаб боши узра кўтариб кейин бирдан жахл билан ерга ургандай:

Эҳ, сиз дализим, дализим! – деб бошлади.

«Янги дализим менинг...» деб йигирма киши бараварига кўшилди ва кўшиқнинг мақомига қошиқ урадиган қошиқчи аскар, устидаги юкининг офириллигига ҳам қарамасдан, иргиб олдинга чиқди-да, ротанинг олдида муқом қилиб, қошикларини кимгадир ўқталиб, орқаси билан юриб кетди. Аскарлар кўшиқ мақомига қўл ташлаб, катта-катта одим отиб борар, билмасдан бир-бирларининг оёқларини босиб олишар эди. Ротанинг кетидан рессорларнинг ғижирлаши, гилдирак ва туёқ товуши эшитилар эди. Кутузов штаб аскарлари билан шаҳарга қайтиб келмоқда эди. Бош қўмондон аскарларга «эркин» ҳолатда кетавергани ижозат берди. Кўшиқ товушини эшитиб, ўйнаб кетаётган аскарни ва илдам қадам ташлаб бораётган ротани кўриб, бош қўмондон ва штаб аскарларининг ҳам юзида мамнуният кўринди. Коляска ўтиб борган ўнг томондаги иккинчи қаторда кўк кўзли аскар Долохов кишининг дикқатини ўзига тортар эди. У кўшиқ мақомига ҳаммадан ҳам кўра илдамроқ ва чиройли қадам ташлаб борар, ёнидан ўтиб борган кишиларга худди шу тобда рота сафида бормаган одамларга ачингандай қарап эди. Кутузовнинг одамларидан бўлиб, полк командирини

ҳазиллашиб масхара қилган гусар корнети¹ коляскадан атайин кейинроқда қолиб Долоховнинг олдига келди.

Гусар корнети Жерков бир вақтлари Петербургда Долохов бошчилик қилган бебош улфатларнинг бири эди. У аскар бўлиб юрган Долоховни чет элда учратди-ю, лекин ўзини танимаганга солди. Бироқ Кутузовнинг у билан гаплашганини кўрганидан кейин отини дарров рота билан баробар юргизиб, жуда қадрдон ошнасини кўргандай:

– Қалайсан, азиз дўстим? – деди қўшиқ вақтида.

– Менми? – деди Долохов совуққина, – кўриб турибсанку.

Шўх қўшиқ Жерковнинг бетакаллуф хушчакчақлик билан гапираётган сўз маромига ва Долоховнинг жўрттага совуққина бераётган жавобларига айrim маъно берар эди.

– Қалай, бошлиқлар билан чишишаётибсанми? – деди Жерков.

– Дуруст, яхши одамлар. Сен қанақа қилиб штабга суқилдинг?

– Шу ёкка юборилганман, навбатчилик қиласман.

Иккови ҳам жим қолди.

Кўшиқнинг «Вышускала сокола да из правого рукава» деган сатрлари кишиларда бирдамлик ва қувноқлик ҳисси уйғотар эди. Иккови агар қўшиқ айтилаётган вақтда гаплашмаганида, эҳтимол, бошқача гаплашар эди.

– Австрияликларнинг калтак егани ростми? – деди Долохов.

– Ким билади, шунақа дейишади.

– Мен хурсандман, – деди Долохов қўшиқقا мослаб кисқагина.

– Кечқурунлари биз томонга келгин, фараон ўйнаймиз, – деди Жерков.

– Ҳа, пулларинг ошиб-тошиб ётибдими?

– Келгин.

– Йўқ. Тавба қилганман. Офицерликка ўтказишмагунча ичкилик ҳам ичмайман, карта ҳам ўйнамайман.

¹ Корнет – инкилобдан илгариги Россияда отлик аскар офицерларининг энг кичик ўнвони.

- Булар ҳаммаси бирон иш кўрсатганингча...
- Ўшанда кўрамиз.
- Иккови яна жим қолди.
- Бирон нарса керак бўлиб қолса келгин, штабда ёрдам беришади... – деди Жерков.
- Долохов кулимсиради.
- Сен ташвиш тортмай қўя қол. Менга бирон нарса керак бўлиб қолса, сўраб ўтирумайман, ўзим олавераман.
- Хайр, айтдим-да.
- Мен ҳам айтдим-да.
- Хайр.
- Омон бўл.
- ... *Баланд-баланд, олис-олис
Она злат томонга...*

Жерков отини шпори билан никтади, от қайси ёғидан бошлаб чопишни билмай уч-тўрт марта гижинглади-ю, қўшик мақомига тақира-тукур килганича ротадан ўтиб коляскага етиб келди.

III

Кутузов Австрия генерали билан бирга кўриқдан қайтиб келиб кабинетига кирди ва адъютантини чакириб, келаётган кўшинлар тўғрисидаги бъязи бир маълумотларни ҳамда олдинги маррадаги армияга бошлиқ бўлиб турган эрцгерцог Фердинанддан келган мактубларни сўради. Князь Андрей Болконский сўралган қозозларни олиб, бош кўмандоннинг кабинетига кирди. Кутузов билан Австрия гофкригстратининг аъзоси столга ёзиб қўйилган харитага қараб туришар эди.

Кутузов Болконскийга кўз ташлади-ю, худди шошмай тургин, дегандай килиб:

- Ҳа!.. – деди-да, французча бошланган гапини давом эттирди:

– Мен факат шуни айтаман, генерал, – деди Кутузов. У шундай чиройли ибора ва талаффуз билан гапирав эдики, унинг салмоқлаб айтган ҳар бир сўзини киши дикқат билан эшитишга мажбур бўлар, афтидан, у ўз гапини ўзи ҳам хузур

килиб эшитар эди. – Мен факат шуни айтаманки, генерал, агар бу иш менинг хохишимгагина боғлик бўлганда император Франц ҳазратларининг истаслари аллақачон ўрнига етказилган бўлар эди. Мен аллақачонлар эрцгерцогта бориб кўшилар эдим. Шунга ишонингки, шахсан менинг учун армиянинг олий қўмондонлигини ўзимдан кўра билимдонрок ва моҳиррок генералга (Австрияда бундай генераллар жуда кўп) топшириш ва бу оғир масъулиятни бўйнимдан сокит килиш – шахсан менинг учун зўр кувонч бўлар эди. Бирок баъзан шароит кучлироқ келиб бизни бўйин эгишга мажбур киласди, генерал.

Кутузов худди «менинг гапимга ишонмасликка тамом ҳақлисиз, ҳатто ишонсангиз-ишонмасангиз, менинг учун барибир, лекин ишонмайман дегани асосингиз йўқ, ҳамма гап мана шунда», дегандай табассум килди.

Австрия генерали норози кўринса ҳам, лекин Кутузовга ўша оҳангда жавоб беролмади.

– Аксинча, – деди генерал айтаётган хушомадомуз сўзларига хилоф ўларок ғингшиган ва аччикланган бир оҳангда, – аксинча, жаноби олийларининг умумий ишимиизда иштирокларига олий ҳазрат катта баҳо берадилар: лекин ишни бу хилда пайсалга солиш шавкатли рус қўшинларини ва унинг бош қўмондонини жангларда қўлга киргизишига ўрганиб колган шон-шарафларидан маҳрум қиласди, деб ўйлаймиз, – деб генерал олдиндан хўп пишиқтириб қўйган сўзини тамом килди.

Кутузов ҳамон ўша хилда табассум қилганича қуллук килди.

– Менинг имоним комил ва жаноб ҳазрат эрцгерцог Фердинанд лутфан юборган сўнгти мактубларига қараб тахмин қиласманки, генерал Макдек моҳир ёрдамчининг бошчилиги остида Австрия қўшинлари аллақачон узил-кесил гала-ба қозонди ва бизнинг ёрдамимизга ҳам муҳтож эмаслар, – деди Кутузов.

Генерал қовоғинн солди. Гарчи австрияликларнинг мағлубияти ҳақида аниқ ҳабар бўлмаса ҳам, қўнгилсиз мишишларни тасдиқ қиласдиган воқеалар кўп эди: шунинг учун

ҳам австрияларнинг ғалабаси ҳақидаги Кутузовнинг тахмини истехзога ўхшар эди. Бирок Кутузов шундай тахмин килишга ҳақим бор, дегандай яна мулојим табассум қилди. Дарҳақиқат, Мак армиясидан келган сўнгги мактуб ғалабадан ва армиянинг стратегия жиҳатидан энг қулай вазиятда эканлигидан хабар берар эди.

Қани, ўша мактубни бер, – деди Кутузов князь Андрейга қараб. – Мана, марҳамат қилсинлар, – деди ва истехзо билан салгина илжайиб Австрия генералига эрцгерцог Фердинанднинг немисча ёзилган мактубидан шу жойларини ўкиб берди:

«Биз 70 000 тача кишидан иборат тайёр аскарга эгамиз, агар душман Лехдан ўтган тақдирда, биз ҳужум қилиб уни тор-мор қила оламиз. Ҳозир Ульм бизнинг қўлимизда бўлгани учун биз Дунайнинг ҳар икки қиргогида ҳам кучимизни қулай равишда ҳаракатга солиш имкониятими қўлда сақлаб тура оламиз; демак, душман Лехдан ўтмасдан Дунайдан ўтгудай бўлса, ҳар чоҳ унинг алоқа йўлларига ҳужум қилиш, Дунайнинг у қиргогидан ўтиш, агар душман бутун кучини бизнинг содик имтироқчиларимизга қарши йўналтирадиган бўлса, унинг бу ниятини барбод қилиш имкониятига эгамиз. Шундай қилиб, биз рус императори қўшинларини батамом тайёр бўлиб келишини интизор бўлиб кутиб турамиз ва келганидан кейин биргаликда душманга муносиб жазо бериш имкониятими дарров топамиз».

Кутузов хатнинг ана шу жойини ўкиб бўлгач, чукур нафас олди-да, гофкригстрат аъзосига диккат билан мулојимгина назар ташлади.

Австрия генерали ҳазил-мутойибани бас қилиб, асосий мақсадга ўтмоқчи бўлди, шекилли:

– Лекин, жаноби олийлари, ҳамма вақт иш чаппасига кетганида нима бўлишини назарга олиб иш тутиш керак, деган оқилона гап бор, – деди.

У адъютантга хўмрайиб қаради.

– Кечирасиз, генерал, – деди Кутузов унинг сўзини бўлиб ва князь Андрейга ўгирилиб. – Бундок қилгин, азизим,

разведкачиларимиз¹ келтирган ҳамма маълумотларни Козловскийдан олгин. Мана бу граф Ностицдан келган икки хатни, мана бу жаноб ҳазрат эрцгерцог Фердинанднинг хатини ва мана бу қоғозларни олгин-у, – деди унга бир неча қоғозни узатиб, – шулар асосида Австрия армиясининг харатлари ҳакида олган маълумотларимизни билдириш учун французчасига яхшилаб меморандум², хабарнома ёзиб жаноби олийларига юбор.

Князь Андрей унинг хозир айтган гапларинигина эмас, ҳатто яна нима дейишини истаганини ҳам билганига ишора килиб, Кутузовга бош эгди. У қоғозларни йигиштириб олди-ю, генерал билан Кутузовга таъзим килиб, гилам устидан секин-секин кадам босиб қабулхонага чиқди.

Князь Андрей Россиядан келганига кўп бўлмаган бўлса ҳам, бу вақт ичида анча ўзгарган эди. Унинг чехрасида, юришида, харакатларида бурунгидек муғамбирлик, хоргинлик ва ҳафсаласизлик аломати йўқ. У жуда кизик ва кўнгилли иш билан банд бўлиб, ўзи бошқаларда қандай таассурот қолдириши ҳақида ўйлашга фурсати бўлмаган кишига ўхшар эди. У ўзидан ва атрофидаги кишилардан мамнундай кўринар, табассум ва қарашлари кувноқ, жозибали эди.

У Кутузовга Польшада етиб олди. Кутузов уни хуш қабул қилди, ҳамма вақт уни эсда тутишни вайда қилди, бошқа адъютантлари орасида айрим ўринга қўйди, ўзи билан Венага олиб борди ва мухимроқ топширикларни унга бера бошлади. Кутузов Венадан ўзининг кадрдан дўсти бўлмиш князь Андрейнинг отасига мактуб ёзди:

«Сизнинг ўғлингиз, – деди хатида, – иш тутиши, иродаси ва улдабуролигига қараганда, энг яхши офицер бўладиганга ўхшайди. Мен шундай йигитни адъютант қилиб

¹ Разведка (руссча: разведать – суриштириб, текшириб билмок, кидириб топмок) – душман ва унинг кўшинлари, уларнинг кучи, жойлашиши тўғрисида маълумот тўплаш учун айрим ҳарбий гурухлар, бўлинмалар ёки жангчилар томонидан олиб бориладиган тезкор иш, ҳарбий ҳаракат ва шундай иш олиб борувчи ҳарбий кисм, бўлинма.

² Меморандум (латинча: memorandum – эслашга арзийдиган, эслаш керак бўлган нарса) – бирор давлатнинг дипломатик ёзишмалар оркали ҳал килинадиган масалалар мөхиятини ўз нуктаи назаридан батафсил баён килиб ёзган дипломатик хужжати; 2) бирор масала бўйича билдиришнома, хизмат маълумотномаси.

олганимдан жуда хурсандман».

Кутузовнинг штабида, ўз ҳамкорлари – ўртоқлари орасида ва умуман, армияда князь Андрей тўғрисида худди Петербург киборлари доирасидагидай бир-бирига қарамакарши икки хил фикр бор эди. Баъзилар князь Андрейни ўзларидан ва бошқалардан ортиқроқ кўриб, ундан зўр муваффакиятлар кутишар, унинг сўзларига кулок солишар, унга ҳаваслари келиб тақлид килишар эди; князь Андрей бу одамларга ўзини якин тутар ва яхши муомала килар эди. Кўпчилик эса уни ёмон кўрар, кўрс, bemaza ва совук, дер эди. Лекин бу одамларга князь Андрей шундай муомала килар эдики, улар уни ҳурмат килар ва ҳатто ҳайикар эди.

Князь Андрей Кутузовнинг кабинетидан қабулхонага чикиб кўлидаги қоғозлари билан дераза ёнида китоб ушлаб ўтирган ўртоғи навбатчи адъютант Козловский олдига келди.

– Хўш, нима гап, князь? – деб сўради Козловский.

– Нега олға юрмаётганимиз ҳакида мактуб ёзишни буюрди.

– Нега олға юрмаётган эканмиз?

Князь Андрей елкасини қисди.

– Мақдан хабар йўқми? – деб сўради Козловский.

– Йўқ.

– Агар унинг мағлуб бўлгани рост бўлганда хабар келар эди.

– Эҳтимол, – деди князь Андрей ва эшик томон борди. Шу пайт унинг қаршисидан эшикни шарт очиб, қабулхонага шитоб билан новча, сюртук кийган ва бошини қора рўмол билан боғлаб олган, бўйнига Марья-Терезия ордени осган, афтидан, ҳозиргина келган Австрия генерали кирди. Князь Андрей уни кўриб тўхтади.

Австрия генерали у ён бу ёнга караб, тўғри кабинет эшигига томон борар экан, немис талаффузи билан шошиб:

– Генерал-аншеф Кутузов бормилар? – деди.

Козловский дарров бу номаълум генералнинг олдига келиб унинг йўлини тўсар экан:

– Генерал-аншеф банд, – деди, – ким келди дей?

кейин рус кўшинларининг француз кўшинлари билан Суворовдан сўнг биринчи маротаба учрашувини кўриши ва бунда иштирок этишини ўйлаб терисига сифмас эди. Бироқ у Бонартнинг тартиби рус кўшинларининг мардликларидан устуноқ келишидан кўрқар, шу билан бирга ўз қаҳрамонининг маломатта қолишини сира тасаввур қилолмас эди.

Шу ўй-хаёл билан ҳаяжонланган ва асабийлашган князь Андрей ҳар кунгидай отасига хат ёзмоқчи бўлиб ҳужрасига караб кетди. У йўлакда хонадоши Несвицкий ва ҳазилкаш Жерков билан учрашиб қолди. Улар одатдагича нимагадир кулишиб турар эди. Несвицкий князь Андрейнинг оқаришган юзи ва чакнаган кўзини кўриб:

– Ҳа, нега таъбинг хира? – деб сўради.

– Нимага ҳам хурсанд бўлай, – деди Болконский.

Князь Андрей Несвицкий ва Жерков билан гаплашиб турганда Кутузов штабида рус армиясининг озик-овқатини назорат қилувчи Австрия генерали Штраух кеча кечқурун келган гофкригсрат аъзоси билан йўлакнинг нариги бошидан буларга томон кела бошлади. Йўлак кенг бўлиб, иккала генерал ҳам уч офицернинг ёнидан бемалол ўтиб кетиши мумкин бўлса-да, Жерков Несвицкийни туртиб энтиккан товуш билан:

– Келишаётibi!.. Келишаётibi! Нари туриңлар, йўл беринглар! – деди.

Генераллар малол келадиган иззат-хурматдан тезроқ кутилишни истаган бир қиёфада ўтиб кетишимоқда эди. Ҳазилкаш Жерковнинг юзида тўсатдан худди ўзини ҳеч тутолмагандай, бемаврид табассум пайдо бўлди ва бир қадам олдинга босиб, Австрия генералига:

– Жаноби олийлари, – деди немисчалаб, – табриклагани ижозат беринг.

У бошини эгиб, худди ўйинга тушишни машқ қилаётган ёш боладай дам у оёгини, дам бу оёгини кўтариб ерга ура бошлади.

Гофкригсратнинг аъзоси генерал унга хўмрайиб қаради, бироқ унинг ўринсиз табассуми чинакам эканини кўриб, бир лаҳза илтифот қилишга мажбур бўлди ва худди қулоқ

солаётгандай бўлиб кўзларини қисди.

– Табриклагани ижозат беринг, генерал Мак омон-эсон келди, факат шу ери жиндақкина лат ебди, – деди ва оғзининг таноби кочиб бошини кўрсатди.

Генерал қовогини солди-ю, бурилиб кетди ва бир неча қадам босгандан кейин:

– Ё Худо, тавба, мунча ҳам бефаҳм бўлмаса! – деди тўнгиллаб.

Несвицкий қаҳқаҳа уриб князь Андрейни қучоқлади. Лекин Болконский ранги яна ҳам учуб, ғазаблангани холда уни итариб юборди-ю, Жерковга қаради. Макнинг аҳволини кўриб, унинг маглубиятини эшитиб, рус армиясининг тақдиди тўғрисида ўйлаб асабийлашган Болконскийга Жерковнинг ўринсиз ҳазили бир баҳона бўлди-ю, бутун аламини ундан олди.

– Агар сиз, муҳтарам зот, – деди асабдан жаги титраб, – масхарабоз бўлмоқни истасангиз, бунга қаршилигим йўқ, лекин шуни билиб кўйингки, минбаъд менинг олдимда масхарабозлик киласангиз, мен сизга одобни ўргатиб қўяман.

Несвицкий билан Жерков Болконскийнинг бу муомала-сидан ҳанг-манг бўлиб қараб колишиди.

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку, табрикладим, холос, – деди Жерков.

– Мен сиз билан ҳазиллаётганим йўқ, гап қайтарманг! – деди Болконский бақириб ва Несвицкийнинг қўлидан етаклаб, нима дейишини билмасдан қолган Жерковнинг олдидан кетди.

– Нима бўлди сенга, жўрам, – деди Несвицкий уни юпатиб.

– Нима бўлар эди? – деди князь Андрей камоли ҳаяжон-ланганидан тўхтаб. – Ўзинг ўйлаб кўр: биз подшоҳимизга ҳам ватанимизга хизмат қиладиган, умумий муваффакиятимизга суюниб, умумий муваффакиятсизлигимизга хафа бўладиган офицермизми ёки хўжайнинг иши билан иши йўқ лакеймизми?.. Қирқ минг киши ҳалок бўлиб, иттифоқчимизнинг армияси нест-нобуд бўлса-ю, сиз ҳазил-мазах килиб ўтирангиз., – деди гўё буни француза айтиш билан

фикрини кувватлагандай. – Бу ишни ана у сиз ўзингиз улфат килиб олган, тўрт пулга арзимаган гўдак килса ярашади, сизга келишмайди, келишмайди.... Фақат гўдаккина бу ишни килса бўлади, – деди яна князь Андрей, Жерковга эшигтириб, рус тилида француз талаффузи билан.

У корнет бирон нарса дермикин, деб кутди. Бирок корнет бурилиб йўлакдан чикиб кетди.

IV

Павлоград гусар полки Браунаудан икки миль нарида турар эди. Николай Ростов юнкер бўлиб хизмат килаётган эскадрон¹ Зальценек деган немис қишлоғига жойлашган эди. Бутун суворийлар дивизиясида² Васька Денисов номи билан машхур бўлган эскадрон командири ротмистр³ Денисовга қишлоқдаги уйлардан энг яхиси берилган эди. Юнкер Ростов полкка Польшада етиб олганидан буён эскадрон командири билан бирга турар эди.

Макнинг мағлубияти ҳакидаги хабар бош штабдагиларни оёкка турғизган ўша 11-октябрь куни эскадрон штабида поход ҳаёти бурунгидек осойишта ўтмоқда эди. Ростов ем-хашак тайёрлаш ишидан эрталаб отлик кайтиб келганда, кечаси билан карта ўйнаган Денисов ҳали уйига кайтиб келмаган эди. Юнкерча мундир кийган Ростов эшик

¹ Эскадрон (*французыча*) – 1) XX аср ўрталарига кадар мунтазам кавалериядаги тактик бўлинма; 2-4 взводдан иборат бўлган; казаклар отлик кўшининда сотня деб аталган. Турли давлатлар армияларида эскадрон 120-200 кишидан ташкил топган. 4-6 та эскадрондан кавалерия полки тузилган; 2) айрим хорижий давлатлар (масалан, Буюн Британия) куролли кучларида танк полкидаги тактик бўлинма (101 киши); бошқарув гурухи, 4 танк ва хизмат кўрсатиш взводларидан иборат. Танк полкода, шунингдек, штаб эскадрони (100 киши) ва хизмат кўрсатиш эскадрон (111 киши) хам мавжуд.

² Дивизия (*лотинча: divisio* – бўлиш, бўлим) – баъзи хорижий мамлакатларда бир неча полк ёки батальондан, турли кўшин турларининг кисм ва бўлинмаларидан таркиб топган харбий кўшилма. Биринчи бўлиб дивизия XVII асрда Францияда, XVIII асрнинг бошларида Россияда пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида кўшинларни дивизияга ажратиш йўқ.

³ Ротмистр (*лотинча: rotmistrs ёки немисча: Rittmeister*. Ritt – отлик аскарлар отряди + Meister – бошлиқ) – Чор армиси ва жандармериясида отлик аскар офицерларига берилган унвон (пиёда кўшинлардаги капитан) ва шу унвонга эга бўлган шахс.

олдига келди, абжирлик билан эгардан ўзини олди-ю, худди отдан тушишга кўнгли бўлмагандай, узангида бироз турди ва ниҳоят ерга тушиб чопарини чакирди.

– Қани, азиз дўстим Бондаренко, – деди отини ушлагани югуриб келаётган гусарга караб. – Отни совит, – деди вакти жуда чоғ бўлган яхши йигитларга хос ширинсўзлик билан.

– Хўп бўлади, бегим, – деди хоҳол хурсанд киёфада бош ирғаб.

– Эҳтиёт бўл, дурустроқ совит.

Бошка яна бир гусар ҳам отга томон чопиб келаётган эди, Бондаренко у етиб келгунча юганни отнинг бошидан ошириб олди. Юнкер дурустгина арок пули бериб турса керак, унинг хизматини бажонидил килишар эди. Ростов отнинг бўйини сўнгра сағрисини силаб, зинада туриб қолди.

У ўзича «Жуда соз! Жуда яхши от бўлади-да!» – деди ю, қулимсираб, киличнинг сопини ушлаб, шпорини шириклиатиб зинадан чопиб чикиб кетди. Оғилда гўнг кураётган уй эгаси – фуфайка¹ ва қалпок кийган немис кўлида паншахаси билан эшикдан бошини чиқариб қаради. У Ростовни кўриши билан чеҳраси очилиб кетди ва қувноқ табассум билан кўз қисиб, худди ёш йигитга салом беришдан роҳат қилгандай, қайта-қайта: «Хайрли тонг! Хайрли тонг!», – деди.

Ростов ҳамон ўша қувноқ табассум ва ширинсўзлик билан:

– Мунча ҳам эрта! – деди немисга қараб. – Яшасин австрияликлар; Яшасин руслар! Яшасин император Александр! – деб немиснинг ҳамиша айтадиган гапини такрорлади.

Немис кулиб оғилдан чиқди ва қалпоғини олиб боши устида айлантириб кичкирди:

– Ва яшасин бутун дунё!

Ростов ҳам немис сингари шапкасини боши устида

¹ Фуфайка (инглизча: fofa – иссиқ кўйлак) – 1) пахта солиб кавилган, олди тутмалаб кўйиладиган калта кийим, куртка; 2) иссиқ тутувчи трикотаж ёки жундан тўқилган уст кўйлак.

айлантириб кула-кула қичкирди: «Яшасин бутун дунё!»

Оғилини тозалаш билан машгул бўлган немисга ҳам, взводи¹ билан пичанга бориб келган Ростовга ҳам мунча хурсанд бўлишга ҳеч қандай сабаб бўлмаса-да, иккови жуда хурсандлик ва биродарона муҳаббат билан бир-бирига қаради, бир-бирини яхши кўрганлигига ишора қилиб бош чайқади ва кулиб ҳар қайсиси ўз йўлига – немис оғилга, Ростов эса Денисов билан турадиган ҳужрага кириб кетди.

– Хўжайнинг қани? – деб сўради Ростов Денисовнинг бутун полкда муғамбирлиқда ном чиқарган лакейи Лаврушкадан.

– Кечадан бери келганлари йўқ. Ютқизган бўлсалар керак, – деб жавоб берди Лаврушка, – билиб қолганман: ютсалар мақтангани вақтли келадилар, эрталабгача келмасалар, демак, ютқизганлар – қовоқларидан кор ёғиб келадилар. Қаҳва берайми?

– Бера қол.

Ўн дақиқадан кейин Лаврушка қаҳва келтирди.

– Келаётидилар! Худо урди, – деди у.

Ростов деразадан қараб, келаётган Денисовни кўрди. Денисов қизил юзли, чакнаб турган қора кўзли, қора соч ва мўйловлари хурпайган жиккаккина йигит эди. Унинг эгнида тұгмалари солинмаган ментик² ва отлиқ аскарлар киядиган кенг чолвор, бошида гусарлар киядиган ғижим телпак. У таъби хира, бошини қуи солиб зинага томон келар эди.

– Лаврушка! – деб қичкирди р ҳарфига тили келишмай жаҳл билан. – Қани, еч дейман, сўтак!

– Ечаётиман-ку, – деди Лаврушка.

– Э, аллақачон турдингми, – деди Денисов уйга кириб.

– Ҳа, аллақачон, – деди Ростов, – пичанга ҳам бориб келдим. Фрейлен Матильдани кўрдим.

– Ҳа, ҳали шундай дегин. Мен кеча расво бўлиб бой бердим, биродар, – деди шангиллаб. – Жуда ёмон бўлди! Ёмон бўлди! Сен кетганингдан бери ҳеч омад келмаётиди.

¹ Взвод (ruscha) – 1) рота, батарея таркибиға кирадиган кичикрок бўлинма; 2) куролнинг тепкини кўтаришга имкон берувчи кичикрок мосламаси.

² Ментик – гусарларнинг елкага ташлаб юрадиган калта кийими.

Хой, чой келтир!

Денисов худди илжайгандай, катта ва бақувват тишларини кўрсатиб, афтини буриштириди, икки қўллаб киска бармоқлари билан қора ва қалин сочини тузатди. У иккала кўли билан пешона ва юзини ишкар экан:

– Қаёқдан ҳам ўша каламуш (офицернинг лақаби) нинг олдига бордим, – деди, – биронта, биронта ҳам карта чиқмаса-я?

Денисов Ростов ёндириб берган трубкани олди ва уни учқун сачратиб кўлида каттиқ кисди-ю, полга уриб яна бақирди:

– Семпель берса, пароль уради; семпель берса, пароль уради.

У трубканинг ўтини сочиб синдириб ташлади. Сўнгра бирпас жим колди-ю, чакнаб турган кора кўзлари билан Ростовга хурсанд назар ташлади-да:

– Ақалли, биронта хотин бўлса эди. Бу ерда ароқдан бошка ҳеч нарса йўқ. Тезрок урушга кирсак ҳам, гўрга эди...

У кимдир катта этигини тараклатиб, шпорини жиринглатиб эшикнинг олдига келиб тўхтаганини ва атайлаб йўталганини эшитиб сўради:

– Ким у?

– Вахмистр¹! – деди Лаврушка.

Денисов афтини яна ҳам буриштириди.

– Жуда ёмон бўлди-да, – деди озгина тилла колган ҳамёнини ташлаб. – Ростов, санаб кўр, жон укам, қанча колибди. Кейин ҳамённи ёстикнинг остига тикиб кўй, – деди-ю, вахмистрнинг олдига чиқди.

Ростов ҳамённи олди, эски ва янги олтин пулларни беихтиёр айрим-айрим тўп килиб санай бошлади.

Нариги уйдан Денисовнинг:

– Э! Телянин-ку! Бормисан? Кеча мени боплашди, – деган товуши эшитилди.

Бошка ингичка бир товуш:

– Қаерда? Биков каламушнинг уйидами? – деди-ю, уйга, ўша эскадроннинг кичкинагина офицери поручик Телянин

¹ Вахмистр – Чор Россияси армиясида отлик аскарларнинг энг юкори унвони.

кирди. Ростов ҳамённи болишнинг тагига кистирди ва Телянин кичкина терлаган қўлини узатгач кўришди. Телянин поход олдида нима сабаб биландир гвардиядан бу ёкка ўтказилган эди. У полкда ўзини жуда яхши тутар эди, лекин негадир уни ҳеч ким ёқтирмас, айникса, Ростов, ҳеч сабабсиз, уни сира ҳазм қдолмас ва буни яшира олмас ҳам эди.

– Хўш, суворий йигит, қалай бизнинг Грачик? – деб сўради (Грачик Теляниннинг Ростовга сотган оти эди).

Поручик ҳеч вакт гаплашаётган одамининг қўзига кара-мас, унинг кўзлари ҳамиша бир нарсани қидираётгандай тўрт томонда бўлар эди.

– Мен ҳали миниб ўтганингизни кўрдим...

Ростов 700 сўмга олган бу от ярим баҳосига ҳам арзимаса-да:

– Дуруст, ёмон эмас, лекин олдинги чап оёғи қоки-надиган бўлиб қолди, – деди.

– Туёги ёрилгандир. Тузалиб кетади. Бирон нарса қо-киш керак, сизга ўзим кўрсатаман.

– Ҳа, шундоқ қилинг, – деди Ростов.

– Кўрсатаман, кўрсатаман, ҳеч нарса эмас, бу отдан хурсанд бўласиз.

– Мен айтай бўлмаса, отни олиб келсин, – деди Ростов бу поручикдан тезрок кутулмоқчи бўлиб ва отни олиб келишни буюргани ташқари чиқди.

Денисов, оғзида трубка, дахлизнинг бўсағасида букча-йиб ўтирас, вахмистр унга нима тўғрисидадир бир маълумот берар эди. У Ростовни кўриб, пешонасини тириштириди, елкаси оша бармоги билан Телянин ўтирган уйга ишора килиб афтини буриштириди ва ижирганди.

– Шу йигитга ҳеч тоқатим йўқ-да, – деди вахмистранд ҳеч ибо килмасдан.

Ростов худди «мен ҳам шундайман, лекин қандоқ қилай», демоқчи бўлгандай елкасини учирди ва отни олиб келишни буюрди-ю, қайтиб Теляниннинг олдига кирди.

Телянин ҳамон ўша Ростов чиқиб кетгандагидай бўшашиб, кичкина оппоқ қўлларини бир-бирига ишқаб ўтирас эди.

Ростов уйга кирап экан, «дунёда хўп ҳам сўхтаси совук одамлар бўлади-да», деб кўнглидан ўтказди.

– Ҳа, отни олиб кел, дедингизми? – деди Телянин ва ўрнидан туриб бепарволик билан атрофга қаради.

– Ҳа, айтдим.

– Юринг, ўзимиз бора қолайлик: мен факат кечаги буркни Денисовдан сўрамоқчи бўлиб кирган эдим. Олдингизми, Денисов?

– Йўқ ҳали. Ҳа, қаёқка кетяпсиз?

– Бу йигитта отга кандай така қоқишини кўрсатмокчиман, – деди Телянин.

Иккови ташқарига чиқиб отхонага киришди. Поручик унга отнинг туёғини тузатиш йўлини кўрсатди-ю, уйига кетди.

Ростов қайтиб келганда столда бир шиша арок билан колбаса турар эди. Денисов столда ўтириб перосини чириллатиб хат ёзмоқда эди. У Ростовнинг юзига маҳзун назар ташлади.

– Ўша қизга ёзаётубман, – деди.

У, қўлида қалам, столга тирсагини қўйиб ёнбошлади-да, ёзмоқчи бўлган гапини тезроқ айтиб юрагини бўшатганига хурсанд бўлгандай, хатнинг мазмунини Ростовга айтиб берди.

– Биласанми, дўстим, – деди, – то бирорга муҳаббат қўймаганимизча биз гафлатда бўламиз. Биз тупрок болалари... Муҳаббат қўйдикми – фаришта, онадан янғи туғилгандай бўламиз... Яна ким келди? Жўнатиб юбор. Ҳозир қўлим тегмайди! – деди бемалол келаётган Лаврушкага кичкириб.

– Кимни дейсиз? Ўзингиз айтибсиз-ку. Вахмистр пулга келиби.

Денисов афтини буришириб бир нарса деб бақирмоқчи бўлди-ю, лекин индамади.

– Жуда ёмон иш бўлди-да, – деди ўзича, – ҳамёнда қанча пул қолиби? – деб сўради Ростовдан.

– Еттита янги-ю, учта эски.

– Оббо, ёмон бўлди-да! Ҳа, нега қаққайиб турибсан, айт вахмистри! – деб бақирди Лаврушкага қараб.

– Мен бера қолай, менда пул бор, Денисов, – деди Ростов қизарип.

– Ёр-ошнадан қарз олишни ёмон кўраман, – деди Денисов тўнғиллаб.

– Мен сенга ўртоқлик қилиб пул берсам-у, олмасанг хафа бўламан, ростдан айттаётиман, менда пул бор, – деди Ростов яна.

– Кўйсанг-чи.

Денисов ёстиқнинг остидан ҳамёнини олгани каравотга келди.

– Қаерга қўйдинг, Ростов?

– Ёстиқнинг тагида.

– Йўқ-ку.

Денисов ҳар иккала ёстиқни олиб полга ташлади, ҳамён йўқ эди.

– Тавба, қаёкка кетди!

– Шошма, тушириб юбормадингми, – деб Ростов ёстиқларни бир-бир силкиди.

У адёлни ҳам олиб коқди, ҳамён топилмади.

– Бошқа жойга қўймадингмикин? Йўғ-е, ҳатто ҳамёнини бошининг тагига қўйиб ётар экан-да, деб кўнглимдан ўтиб эди, – деди Ростов. – Мен шу ерга қўйиб эдим. Қани? – деди Лаврушкага қараб.

– Мен уйга кирганим йўқ. қўйган жойингиздадир-да.

– Йўқ, ахир.

– Ўзингиз шунаقا, бир нарсани бир жойга қўясиз-у, кейин излаб юрасиз, чўнтакларингизни қаранг.

– Бошнинг тагига қўйиб ётар экан-да, деб кўнглимдан ўтгани эсимда, – деди Ростов, – аниқ шу ерга қўйиб эдим.

Лаврушка бутун тўшакни титди, каравот ва столнинг тагини қаради, ҳамма ёкни остин-устин қилди-ю, уйнинг ўргасида ҳайрон бўлиб туриб қолди.

Денисов индамай Лаврушканинг харакатини кузатар эди. Лаврушка ҳеч ерда йўқ, деб ҳайрон бўлиб анқайиб турганда Денисов Ростовга қаради.

– Ростов, болалик қилма.

Ростов Денисовнинг қараб турганини сезиб, унга бир

– Хўжайин уйда йўқлар, штабга кетдилар, – деди унга Теляниннинг хизматкори, лекин юнкернинг паришон эканини кўриб, – ха, бирон гап бўлдими? – деб сўради.

– Йўқ, хеч гап бўлгани йўқ.

– Ҳозиргина кетдилар, – деди хизматкор.

Штаб Зельценек қишлоғидан уч чақирим нарида эди. Ростов ҳужрасига кирмасдан, отини олиб чиқди-ю, штабга караб жўнади. Штаб жойлашган қишлоқда офицерлар кириб турадиган майхона бор эди. Ростов тўғри майхонага келди-ю, унинг эшиги олдида Теляниннинг отини кўрди.

Майхонанинг ичкари уйида поручик вино ичиб, сосиска еб ўтирар эди.

– Э, сиз ҳам келибсиз-ку, йигит, – деди поручик кулиб ва кошларини кўтариб.

– Ҳа, – деди Ростов зўрға ва ёнидаги столга ўтирди.

Иккови ҳам индамасдан ўтирар эди; шу уйда икки немис-у, бир рус офицери ҳам бор эди. Ҳамма жим, факат ликопча, пичоқ товуши ва поручикнинг шапиллаб кавшангани эшитилар эди. Телянин нонуштасини қилиб бўлди-ю, чўнтағидан икки хоналик ҳамёнини олиб кичкина оқ бармоғи билан ҳалқасини тортди-да, битта олтин олиб, кошларини кериб, хизматкорга узатди.

– Мана, тезроқ ҳисоб қилинг.

Олтин янгигина эди. Ростов ўрнидан туриб Теляниннинг олдига келди.

– Мумкинми ҳамёнингизни кўрсак, – деди секин, эшитилар-эшитилмас.

Телянин кўзлари ўйнаган, лекин ҳамон кошлари керилган ҳолда ҳамённи Ростовга берди.

– Ҳа, жуда чиройли ҳамён... Ҳа, ҳа... – деди ва бирдан бўзариб кетди. – Мана кўринг, йигит, – деди яна.

Ростов ҳамённи қўлига олди-ю, ҳамёнга, унинг ичидаги пулга ва Телянинга қаради. Поручик одати бўйича атрофга қаради ва бирдан хурсанд бўлгандай кўринди.

– Венага борсак, ҳаммасини сарф қиласман. Бу шаҳарчада нимага сарф қилишни ҳам билмайсан киши, – деди. – Қани, беринг, мен кетай, йигит.

Ростов жим турар эди.

– Сиз ҳам нонушта қылгани келгандирсиз? Овқат ёмон эмас, – деди яна Телянин. – Қани, беринг.

У ҳамёнга қўл узатди. Ростов индамасдан берди. Телянин ҳамённи олди-ю, шимининг чўнтағига сола бошлади. Унинг қошлари чимирилди, худди «ўзимнинг ҳамёним, чўнтағимга соламан, бунга ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди», дегандай оғзи салгина очик колди.

– Хўш, йигит? – деди ва уф тортиб қошларини керганича Ростовнинг кўзларига қаради.

Бир лаҳза ичиди Теляниннинг кўзидан аллакандай учкун Ростовнинг кўзига ўтгандай, ундан яна Теляниннинг кўзига қайтгандай, ундан яна унга ўтгандай бўлди.

– Бу ёққа юринг, – деди Ростов Теляниннинг қўлидан ушлаб. У Телянинни деразанинг олдига судраб олиб борди.

– Бу пуллар Денисовники. Сиз бу пулни... – деди кулогига пичирлаб.

– Нима?.. Нима?.. Нима деяпсиз ўзингиз... – деди Телянин.

Лекин унинг бу сўзлари худди афв сўраган, ёлворган ва нола-фарёд қилгандай эшилтилди. Ростов бу сўзларни эшифтанидан кейин шубҳаси йўқолди. У хурсанд бўлди ва шу билан бирга, қархисида турган шўрлик одамга раҳми келди, бироқ бошланган ишни охирига етказиш керак эди.

Телянин шапкасини олиб, хилват уйга томон борар экан:

– Бу ерда бирор эшитса нима дейди, юринг, нариги уйга чиқиб, ўша ерда гаплашайлик, – деди.

– Мен буни биламан ва исбот ҳам қиласман, – деди Ростов.

– Мен...

Кўркувдан бўзариб кетган Теляниннинг бутун юзи пирпираб уча бошлади: кўзлари ҳамон бесаранжом, лекин Ростовнинг юзига каролмай ерда кезар эди. У йиглаб юборди.

– Граф!.. Бир ёш йигитни хароб қиласманг... Мана ўша фалокат пул, олинг... – деб пулларни столнинг устига ташлади. – Қари отам, онам бор!..

Ростов пулни олди, Теляниннинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб индамай чиқиб кетди. Лекин эшик олдида бироз тўхтади-ю, яна қайтиб кирди.

– Худоё тавба, – деди кўзига ёш келиб, – шу ишга қандай кўлингиз борди?

– Граф, – деди Телянин юнкернинг олдига келаётсиб.

– Тегманг менга, – деди Ростов ўзини тортиб. – Мухтож бўлсангиз, мана, олинг! – деди ва ҳамённи улоқтириб майхонадан чиқиб кетди.

V

Ўша куни Кечкурун Денисовнинг уйида эскадрон офицерлари кизғин сұхбатлашиб ўтиришар эди.

Новча, сочи мошгуруч, мўйловлари шопдай, юзига йирик-йирик ажин тушган штаб-ротмистр:

– Айтдим-ку, сиз полк командирига узр айтишингиз керак, Ростов, – деди ховликиб-кизариб кетган Ростовга қараб.

Штаб-ротмистр Кирстен офицер номига иснод келтиргани учун икки маротаба аскарликка туширилиб, икки маротаба яхши хизмат кўрсатиб, яна ўз мансабига эришган эди.

– Мени ёлгончи қилгани ҳеч кимга йўл қўймайман, – деб кичкирди Ростов, – у мени ёлгон айтасан, дейди, мен ўзинг ёлгон айтасан, дедим. Бу гап шундай қолади энди. Мени ҳар куни навбатчи қиласидими, қамаб қўядидими, лекин узр айтишга мени ҳеч ким мажбур килолмайди. Агар у полк командириман, деб майдонга чиқиб менга важ айтишни ўзига муносиб кўрмаса, унда...

Штаб-ротмистр унинг сўзини бўлиб:

– Шошманг ахир, отагинам, гапга қулоқ солинг, – деди узун мўйловини силаб, йўғон товуш билан. – Сиз бошқа офицерлар олдида полк командирига бир офицерни ўғри дейсиз...

– Бошқа офицерларнинг олдида гап очилган бўлса мен нима килай? Уларнинг олдида гапирганим чакки бўлган бўлса бўлгандир, ахир мен дипломат эмасман, қаёқдан билай? Шунинг учун ҳам мен гусар бўлганман. Бу ерда бунака

нозик гаплар бўлмас, деб ўйлаган эдим: у эса мени ёлғончи килиб ўтирибди... Шундай бўлса, майдонга чиқиб менга важини айтсин...

– Бу дуруст, ҳеч ким сизни кўркок деяётгани йўқ, лекин гап бунда эмас. Қани, Денисовдан сўранг-чи, ҳеч мумкинмикин бир юнкер полк командирига, мен билан майдонга чиқ, деб талаб қўйиб ўтиrsa.

Денисов гапга аралашибни истамади чоғи, мўйловини тишлаб ковоғини соганича уларнинг сўзига кулок солиб ўтирар эди. Штаб-ротмистрнинг саволига у бош чайқаб жавоб берди.

– Наинки офицерларнинг олдидаги полк командирига шу қабиҳ гапни гапириб ўтирасангиз, – деди штаб-ротмистр сўзида давом этиб. – Богданич (полк командирини шундай деб аташар эди) сизни тийиб қўйибди.

– Тийиб қўйгани йўқ, ёлғон айтасан, деди.

– Ҳа, сиз унга бўлмағур гапларни айтибсиз, энди бориб узр сўранг.

– Ҳеч-да! – деб қичкирди Ростов.

– Мен сиздан буни ҳеч кутган эмас эдим, – деди штаб-ротмистр жиддий ва жеркиб. – Узр сўрагингиз келмайди, ҳолбуки, отагинам, факат полк командири олдидагина эмас, балки ҳаммамизнинг олдимизда қип-қизил гуноҳкорсиз. Аввал ўйлаб, бирор билан кенгашиб қилганингизда мунчалик бўлмас эди, сиз ўйламай-нетмай, яна офицерларнинг олдидаги лоп этиб айтиб қўйибсиз. Полк командири энди нима қилса бўлади? У офицерни судга бериб, бутун полкни бадном қилсинми? Битта ярамасни деб бутун полкни маломатга қўйиши керакми? Сизнингча, шу дуруст бўладими? Бизнингча, ундоқ эмас. Яхши ҳамки, Богданич, ёлғон айтасан, дебди. Яхши бўлмабди, лекин айб ўзингизда, отагинам. Энди бу гапни бости-бости қилмоқчи бўлишса, сиз катталик қилиб афв сўрашни истамай яна бориб, ҳаммасини айтаман, деб ўтирибсиз. Жазо тариқасида навбатчиликка тайинласа-ку, алам қилади, бориб бир кекса ҳалол офицердан афв сўраш ҳеч нима эмас-ку! Ҳар қандай бўлганда ҳам Богданич ҳалол, жасур ва кекса полковник,

шундай одамдан узр сўрашга бўйнингиз ёр бермайди: полк бадном бўлса бўлаверсин, дейсиз! – Штаб-ротмистрнинг товуши титрай бошлади. – Сизнинг полкка келганингизга хали уч кун бўлгани йўқ, отагинам, бу кун бу ерда бўлсангиз, эргага бирон ёкка адъютант-малъютант бўлиб кетасиз: «Павлоград офицерлари орасида ўғриси бор экан», дегудай гап бўлса ҳам, сизга писанд эмас. Лекин биз бундай кара-маймиз. Шундоқ эмасми, Денисов? Биз бундай қарамаймиз-а?

Денисов ҳамон тек ва индамасдан ўтириб кора ва чақнаб турган кўзлари билан ҳар замон Ростовга қараб қўяр эди.

– Сиз бир иззати нафси деб узр сўрамасдан полковникнинг шон-шарафини бир пул қилмоқчисиз, – деди штаб-ротмистр давом этиб, – биз шу полкда суяги қотган ва худо хохласа, шу полқда ўладиган кариялар, полк шон-шарафини кўз қорачигидай сақлаймиз ва буни Богданич ҳам билади. Полкнинг шон-шарафига нима етар экан? Яхши эмас, отагинам, яхши эмас. Хафа бўлсангиз-бўлмасангиз, мен рост гапни айтаман. Яхши эмас!

Штаб-ротмистр ўрнидан туриб, Ростовдан ўгирилди.

– Тўғри гап ахир! – деди Денисов сапчиб ўрнидан туриб. – Қани, Ростов, нима дейсан?

Ростов қизариб-окариб гоҳ у офицерга, гоҳ бу офицерга карар эди.

– Йўқ, йўқ, жаноблар... сизлар ўйламангларки... мен яхши биламан, сизлар мени мунчалик... мен... менинг учун... мен полкнинг шон-шарафи учун... нима деяпсизлар ўзларинг? Мен буни амалда кўрсатаман, менинг шон-шараф... Ҳа, бўлди, айб менда!.. – деди ва кўзларига жиққа ёш тўлди. – Айб менда, ҳаммасига мен гуноҳкорман!... Ҳўш, тагин нима дейпсизлар?..

Штаб-ротмистр унга ўгирилиб, елкасига каттакон қўли билан қокиб:

– Гап бундоқ бўлибди, граф! – деб қичқирди.

– Мен сенга айтмадимми, – деди Денисов қичқириб. – Ростов яхши йигит деб.

Штаб-ротмистр худди у иқрор бўлгани учун хурмат

қила бошлагандай унвони билан атаб:

– Шундок бўлгани дуруст, граф, – деди. – Борсинлар, узр айтсинглар, таксир.

– Жаноблар, айтганларингни қиласман, бирорга гинг демайман, – деди Ростов ялингандай, – лекин узр айта олмайман, азбаройи худо, айтолмайман! Мен қандай қилиб унинг олдига бориб ёш боладай тавба қилдим деб ўтираман?

Денисов кулиб юборди.

– Ўзингизга қийин... Богданич кек сақлайдиган одам, бу қайсарагингизнинг жазосини тортасиз, – деди Кирстен.

– Худо ҳақи, мен қайсаражлик қилаётганим йўқ! Буни сизларга хеч тушунтира олмайман, хеч...

– Хайр, ўзингиз биласиз, – деди штаб-ротмистр. – Қани у абрах, қаёққа кетди? – деб сўради Денисовдан.

– Ўзини касалликка солибди, эртага полкдан ҳайдалар экан, – деди Денисов.

– Бу бир дард, бошқа нима деб бўлади, – деди штаб-ротмистр.

– Дардми, бошқами, ишқилиб, кўзимга қўринсин-чи, ўлдираман-қўяман! – деб кичкирди Денисов унинг қонига ташна бўлгандай.

Шу чоғ Жерков кириб келди.

– Э, сен нима қилиб юрибсан? – дейишди бирдан офицерлар унга қараб.

– Поход, жаноблар. Мак бутун армияси билан таслим бўлибди.

– Ёлгон!

– Ўз кўзим билан кўрдим.

– Қанақа қилиб кўрдинг? Макни-я! Қўл-оёги бутун, тирик Макни-я?

– Поход! Поход! Топиб келган шу янги хабари учун бир шиша ароқ берилсин. Нима бўлди, нега яна бу ёққа келиб қолдинг?

– Ўша лаънати Мак туфайли яна полкка юборишиди. Австрия генерали мени чакибди. Мен уни Мак келиши муносабати билан табриклаган эдим... Ҳа, Ростов, нима бўлди, мунча қизариб кетибсиз?

– Э, сўрама, биродар, икки кундан бери бизда бир мужмал иш устида дилсиёхлик бўлиб турибди.

Шу чоғ полк адъютанти кириб келди ва Жерков келтирган хабарни тасдиқлади. Эртага йўлга чиқиш ҳакида буйруқ берилган эди.

– Поход, жаноблар!

– Худога шукур-э, занглаб ҳам кетиб эдик.

VI

Кутузов йўл-йўлакай Инна (Браунауда) билан Траун (Линцда) дарёларининг кўпригини бузиб, Венага томон чекинар эди. 23-октябрь куни рус кўшинлари Энс дарёсидан ўтди. Русларнинг юқ ортилган қатор аравалари, артиллерияси¹ ва кўшинлари қиём вақтида Энс шаҳридан ўтиб борар, уларнинг боши кўприкдан аллақачон ўтган бўлса ҳам, охири ҳали кўринмас эди.

Кун илиқ, куз ҳавоси, ёмғир куймоқда. Кўприкни мудофаа килиб турган рус батареялари² ўрнашган тепаликдан кўринган кенг яйловларни ёмғир пардаси тўсиб кўринмай қолар, гоҳ офтоб чиққанда ундаги ҳар бир нарса худди лок суртилгандай яркираб кўринар эди. Пастда шаҳарчанинг оқ уйлари, қизил тунукали томлари, каттакон бутхонаси ва рус аскарлари мўрмалаҳдай ёпирилиб ўтиб бораётган кўприги кўриниб туар эди. Дунай дарёсининг бурилиб оқадиган жойида кемалар, орол, Энс дарёсининг Дунайга кўйиладиган ерида орол сингари турган қалъа ва унинг парки; Дунайнинг қарағайзор, қояли чап қирғози ва ундан нари кўм-кўк тепаликлар, ҳаворанг даралар кўринади. Инсон кўли тегмагандай кўринган қалин қарағайзорнинг нариги

¹ Артиллерија (француза: artillerie – тайёрламок, шайламок) – 1) тўп, миномёт ва шу кабиларнинг отиш куроллари мажмуи; 2) шундай куроллар билан куролланган кўшин тури; 3) тўп-замбараклар, уларнинг тузилиши ва урушда кўлланиши ҳакидаги фан.

² Батарея (француза: batterie – урмок) – 1) бир неча тўп, замбарак ёки миномёт билан куролланган артиллерија бўлинмаси; 2) бир неча тўп, замбарак ёки миномёт жойлашган истехжом (бу ерда шу маънода); 3) ўзаро бириттирилган бир неча гальваник элемент, аккумулятор, конденсаторлардан иборат курилма.

томонидан монастирнинг¹ минораси мўралаб туради. Узокда, Энснинг нариги томонидаги тепаликда душман сокчилари кўринар эди.

Тепаликдаги тўплар орасида, олдинда аръергард² командири бўлмиш генерал билан бош штаб-офицери дурбин орқали атрофни кузатиб туришар эди. Булардан сал нарироқда тўпнинг пишангидага бош кўмондон томонидан аръергардга юборилган Несвицкий ўтирас эди. Несвицкийга ҳамроҳ бўлиб келган казак унга сумка билан сувдонни берди ва Несвицкий офицерларни сомса ва доппельюмел билан сийлади. Офицерлар хурсанд бўлиб, бири чўккалаб, бири хўл майсанинг устига чордана куриб, уни ўраб олишди.

– Австрия князининг диди чакки эмас экан-а, калья соглан жойини қаранг, зап жой экан-да. Қани, жаноблар, емайсизларми? – деди Несвицкий.

– Раҳмат, князь, – деди офицерлардан бири штабдан келган чиновник³ билан гаплашганига мамнун бўлиб. – Жуда яхши жой экан, биз паркнинг ёнгинасидан ўтдик, иккита кийик юрган экан. Иморатларини айтинг-а!

Офицерлардан яна бири тағин битта сомса егиси келиб, олгани тортиндига, шекилли, шунинг учун гўё теварак атрофни кузатган бўлиб:

– Уни қаранг, князь, – деди, – қаранг, бизнинг пиёда аскарларимиз бориб олишибди. Ҳу, ана қишлоқнинг нариги томонида ўтлоқда учтаси бир нимани судраётибди. Булар бу саройга киради, – деди маъкуллагандай.

– Ҳа, ҳа, – деди Несвицкий, – биласизларми, мен нимани хоҳлар эдим, – деди у яна чиройли оғизда сомсани чайнаб, – ху ана шу ерга киришни хоҳлар эдим.

У тепаликда кўриниб турган минорали монастирни

¹ Монастир (юнонча: monasterion – чекка, оламлардан узокдаги жой) – 1) тарки дунё қилган христианлар – монархларнинг муайян қоида ва месъёрлар, белгили низомга амал килиб яшовчи диний жамоаси; 2) шундай жамоага карашли черков, турар-жой, ер-мулк ва бошқалар.

² Аръергард (французча: aigle – оркадаги + garde – сокчи, кўрикчи) – ҳарбий юриш, хужум ёки чекиниш вактида асосий кучларнинг кетидан борувчи ва уларни душманнинг орқадан келиб хужум килишидан сакловчи аскарий кўшилма, кисм.

³ Чиновник (русча) – Чор Россиясида амалдор, мансабдор шахс.

кўрсатди, кулимсиради, кўзлари сузилиб чакнаб кетди.

– Жуда яхши бўлар эди-да, жаноблар!

Офицерлар кулишди.

– Бу монах аёлларни, ҳеч бўлмаса, бир хуркитсак ҳам, майли эди. Ёш-ёш итальян кизлар бор, дейишади. Беш йил умримни курбон килар эдим!

– Зерикишар ҳам дейман, – деди дадилроқ офицер кулиб.

Шу пайт олдинда турган бош штаб-офицери генералға ниманидир кўрсатди: генерал дурбин билан каради.

Генерал дурбинни кўзидан олиб, елкасини қисар экан:

– Айтмадимми, айтмадимми, – деди жахли чикиб, – айтмадимми, кўприкни тўпга тутади деб. Нега энди улар унда ивирсиб ўтиришибди?

Нариги томонда душман ва унинг батареяси кўриниб туар эди. Батареянинг устида оппоқ тутун пайдо бўлди-ю, кетидан гумбурлаган товуш эшитилди. Бизнинг аскарларимиз кўприкдан шошиб ўтаётгандари кўриниб туар эди.

Несвицкий пишиллаб ўрнидан турди-да, илжайиб генералнинг олдига борди.

– Тамаддига майллари йўқми, жаноби олийлари?

– деди Несвицкий.

– Яхши бўлмади, – деди генерал унга жавоб бермасдан, – аскарларимиз ивирсишиб қолишиди.

– Бориб келайми, жаноби олий? – деди Несвицкий.

– Ҳа, шундоқ қилинг, – деди генерал буйрукда батафсил баён қилган нарсаларини яна такрорлаб, – гусарлар, ўша айтганимдай, ҳаммадан кейин ўтишсин-у, кўприкка ўт кўйишин. Кўприкка кўйилган ёнилғи модда яна кўздан кечирилсин.

– Хўп бўлади, – деди Несвицкий.

У отини тутиб турган казакни чакирди. Сумка билан сувдонни йигиштириб олишни буюрди ва оғир гавдасини ҳам абжирлик билан эгарга олди.

– Монах аёлларнинг олдига кирганим бўлсин, – деди кулиб турган офицерларга қараб ва адир этагида илон изи бўлиб турган сўқмоқдан от кўйиб кетди.

– Кани, капитан, бир отиб кўринг-чи, қаерга бориб тушар экан! – деди генерал тўпчига қараб. – Зерикиб қолган эдиларинг, бир эрмак қилинглар.

– Тўпчилар, жой-жойингга! – деб буйруқ берди офицер. Гулхан атрофида ўтирган тўпчилар дархол югуриб келиб тўпларни ўклашди.

– Биринчи, от! – деган буйруқ товуши эшитилди.

Биринчи тўп силкинди, гулдурос солиб чикқан ўқ адир этагидаги аскарларимизнинг тепасидан ғувуллаб ўтди ва душмандан анча берига тушди. У тушган ердан тутун чикиб, сўнгра портлаган товуш эшитилди.

Портлаш товушини эшитган аскар ва офицерлар хурсанд бўлишди. Ҳамма ўрнидан туриб, яққол кўриниб турган аскарларимизнинг ҳаракатини ва яқинлашиб келаётган душманни кузата бошлади. Шу он куёш булат остидан буткул чиқди, биттагина отилган ўқнинг ёқимли товуши ва порлаб турган куёшнинг нури кўнгилни бардам ва хушхол қиласидиган бир таассуротга айланди.

VII

Душманнинг икки тўп ўки кўприкнинг устидан ўтиб кетди: кўприкка аскарлар тикилиб қолди. Отдан тушган князь Несвицкий кўприкнинг ўртасида йўғон гавдаси билан панжарага қапишиб турар эди. У уч-тўрт қадам оркада икки отнинг жиловидан тутиб турган деншиги¹ казакка ҳар замон кулиб қаар эди. Князь Несвицкий эндигина олға интилган эди, аскарлар, юк ортилган аравалар уни яна суриб панжарга қапиштирди ва унинг табассум қилиб туришдан бошка чораси қолмади.

– Хой, оғайни, – деди казак одамлар ва отлар тикилиб ётганига қарамай аравасини ҳайдамоқчи бўлган аравакаш аскарга қараб, – қанақасан ўзинг! Бирпас тўхтасанг-чи, генерал ўтиб кетсинлар.

Аравакаш аскар генерал деганга ҳам парво қилмай йўлни тўсган аскарларга:

– Хой, ҳамشاҳарлар! Сўл томондан юрсаларинг-чи!

¹ Деншик – денгиз флот кўшинларидағи ҳарбий хизматчи.

Хой тұхтаб турсанг-чи! – деб қичқириди.

Бирок ҳамшахарлар тиқилишиб, найзалари бир-бирига илиниб күпrikдан зич бўлиб, олға юрар эди. Несвицкий панжарарадан пастга қараб Энснинг шовуллаб, күпrikning сепояси¹ олдида чайқалиб, бир-бирига кўшилиб ва бир-бирининг устидан ошиб ўтаётган тўлқинларини кўрди. У күпrikка қараб, кўтослар², телпаклар, буюм халталар, узун милтиқлар, тепалик остидан кўриниб турган кенг ёноқлар ва хорғинлик ифода этган озғин юзлар, лой бўлиб кетган кўпrik тахтаси устида қимирлаётган оёклардан иборат бўлган аскарларнинг бир хилдаги жонли тўлқинини кўрди. Гоҳ худди Энс тўлқинидан отилиб чиккан ок кўпrik сингари, бир хилдаги аскарлар тўлқини орасида плаш кийган, башараси аскарга ўхшамаган офицер ўтиб қолар; гоҳ худди дарёда ўйноклаб кетаётган тарашадай, кўпrik устидаги пиёда аскарлар тўлқини орасида пиёда гусар, денщик ёки аҳоли кўриниб қолар: гоҳ, худди дарёдан оқиб келаётган ходадай, рота ёки офицерга қарашли тұла юқ ортилиб устига чарм ёпилган ва атрофини одамлар ўраб олган арава ўтар эди.

– Ер ёрилиб одам чиқдими, нима бало, – деди казак нима килишини билмай тұхтаб. – Ҳали кўпми у ёқда?

Унинг ёнидан ўтиб кетаётган йиртиқ шинелли хушчак-чақ аскар кўз қисиб:

– Бир кам миллионта колди, холос, – деди-ю, одамларнинг ичидә кўздан йўқолди. Унинг кетидан кексароқ бир аскар ўтиб бораарди.

– Энди у (у – душман) кўпrikning титифини чиқарап, – деди кекса аскар ковогини солиб ўртоғига. – Бош қашлагани хам фурсат бўлмай қолар.

Бу ҳам ўтиб кетди. Ундан кейин яна арава минган бир аскар ўтди.

– Пайтаваларни қаёққа тиқибди экан? – деди денщик

¹ Сепоя (форсча: уч пояли, уч оёкли) – тўғон, дамба куришда, дарё ва анхорларнинг кирғокларини сув юваб кетишидан саклашда ишлатиладиган, учта ходани учбүрчак шақлида бир бирига маҳкамлаб, поялар ораси харсангтош ва бошқа материаллар билан тўлғазиладиган мослама.

² Кўтос – Марказий Осиёning баланд тоғли худудларида яшайдиган, хўқизлар кенжә оиласига мансуб кавш қайтарувчи ҳайвон.

– Вой, қурғур-е, ясанганини қара-я!
– Жуда сенбоп экан-да, Федотов!
– Шунақасини ҳам күрганмиз, ука!
– Қаёққа кетаётисизлар? – деди олма еб бораётган
пиёда офицер чиройли қызга қараб ва салгина жилмайиб.

Немис күзини юмиб русча билмаслигини ишора қилди.

– Есанг олгин, – деди офицер қызга олма узатиб.

Қызы кулимсираб олмани олди. Несвицкий ҳам күприк устида турган бошқа аскарларга үхшаб аёллар ўтиб кетгунча улардан күзини олмади. Улар ўтиб кетгандан кейин яна боягидай аскарлар ўтиб, яна ўшанақа гаплар давом этди. Нихоят ҳамма тұхтаб қолди. Күприкнинг нариги бошида рота араваларининг оти хирайлик қилиб, ҳаммани тұхтатиб қўйди.

– Нега тұхташди? Бир тартиб йўқ-да! – дейишди аскарлар, – мунча тикиласан! Фалокат! Жиндак тұхтасанг ўласанми? Күприкни ёндириб юборса ҳаммамиз қоламиз, офицерни ҳам күр қилиб қўйишибди, – дейишар эди тұхтаб колган аскарлар бир-бирига қараб. Ҳамма тикилишиб олға интилар эди.

Несвицкий сувга қаради-ю, бирдан тобора яқинлашиб келаётган ғалати бир товушни эшилди...

Қандайдир бир катта нарса сувга шапиллаб түшди.

– Турган жойини қара-я, – деди Несвицкийга яқин турган бир аскар шапиллаган томонни кўрсатиб:

– Дадил бўлиб, тезроқ ўтинглар деяпти-да, – деди яна бир жонсарак аскар.

Одамлар яна қўзгалди. Несвицкий сувга тушган нарса замбаракнинг ўқи эканлитини фаҳмлади.

– Ҳой, казак, отни олиб кел, – деди Несвицкий, – ҳой, у ёкка тур, бу ёкка тур! Йўл бер!

У отнинг олдига аранг етиб олди ва пўшт-пўштлаб олга юрди. Аскарлар унга йўл бериш учун зичланишибди, лекин яна шундай қисиб боришибди, ҳатто унинг оёгини босишибди. Бунга унинг олдида турган кишилар айбли эмас, чунки уларни бошқалар яна ҳам қаттиқроқ қисишар эди.

Шу пайт орқадан:

– Несвицкий! Хой, Несвицкий! Сенга айтаётибман, пес!
– деган бўғик товуш эшитилди.

Несвицкий кайрилиб қараб, ўтиб бораётган пиёда аскар-ларнинг нариги томонида, ўн беш қадамча нарида кора сочи ҳурпайган, юзи кизарган, шапкасини бошининг орқасига бостириб олган, ментигини олифталик билан елкасига ташлаган Васька Денисовни кўрди.

Денисов жуда жони чиккан бўлса керак, қизариб кетган қоп-кора кўз соққасини ўйнатиб, кичкинагина ва юзига ўх-шаган қип-қизил ялангоч қўлидаги ғилофли киличини силкиб:

– Хой, бу фалокатларга айтсанг-чи, йўл берсин, – деб қичкирди.

– Э, Васька-ку! – деди Несвицкий қувониб. – Сен нима килиб юрибсан?

– Эскадрон ўтолмаяпти! – деб қичкирди Васька Денисов гижиниб ва чиройли кора оти – Бадавийни шпори билан уриб. От эса найзалар тегаётган қулоғини силкитар, пишкириб атрофига оғзидан кўпиклар сочар, оёгини кўприкнинг тахтасига урас, агар эгаси кўйиб берса, кўприкнинг панжарасидан сакраб ўтишга тайёрдай кўринар эди.

– Бу қанақа гап? Худди пода-я! Поданинг ўзи! Қоч... Йўл бер! Тўхта ўша ерда, сенга айтаётибман, аравакаш! Ҳозир чопиб ташлайман! – деб қичкирди у ва, ҳақикатан ҳам, қиличини кинидан чиқариб ўқталди.

Аскарлар кўркканларидан тисланиб йўл беришди. Денисов Несвицкийнинг олдига келди.

– Кайфинг борми, нима бало? – деди Несвицкий Денисов олдига келганда.

– Ичгани ҳам кўйишмаяпти! – деб жавоб берди Васька Денисов. – Куни бўйи полкни у ёқдан бу ёққа судрашгани судрашган. Урушадиган бўлсак уруша қолайлик. Бу аҳвол жонга ҳам тегди!

Несвицкий унинг янги ментиги билан отининг янги жулига қараб:

– Мунча олифта бўлиб кетибсан! – деди.

Денисов кулимсираб чарм халтасидан атири хиди анки-

ган рўмолчасини олиб, Несвицкийнинг бурнига тутди.

– Шундок қиласам бўлмайди, иш бор! Соқолимни олдириб, тишларимни юваб, ўзимга боплаб атир сепдим.

Казак кузатиб бораётган савлатли Несвицкийнинг киёфаси билан дагдага қилаётган Денисовнинг қилич ўнатиб, каттиқ бакириши шундай таъсир қилдики, иккови кўприкнинг нариги тарафига бир илож қилиб ўтиб олишида, пиёда аскарларни тўхтатиши. Несвицкий кўприкнинг нариги ёғида ўзи излаган полковнигини кўриб, унга буйруқни айтди-ю, вазифасини бажариб қайтиб кетди.

Денисов йўл очганидан кейин, кўприкнинг бу бошига келиб турди. У ўйноклаб отларга томон интилаётган айғири-нинг бошини бепарвогина тортиб, каршисидан келаётган эскадронга караб турар эди. Кўприкнинг тахтаси, худди бир неча от бирдан югуриб ўтаётгандай, отларнинг туёғидан тараклади ва эскадрон тўртта-тўртта бўлиб олдинда бораётган офицерлари билан кўприкнинг у томонига чика бошлади.

Тўхтатилиб қўйилган пиёда аскарлар кўприкнинг олди-даги лойда уймалашиб, қўшиннинг бир тури бошқа турига одатан қандай бегоналик ва бадҳоҳлик ҳамда истеҳзо назари билан қараса, булар ҳам олдиларидан чиройли саф тортиб ўтиб бораётган озода ва олифта гусарларга шундай назар билан карашар эди.

– Хўп ясанишибди-да, бу йигитлар! Буларни факат Подновинскоеда кўрсанг!

– Булардан нима фойда! Хўжакўрсинга олиб юришади-да! – деди яна бири.

Оти ўйноклаб пиёда аскарга лой сачратган бир гусар:

– Ҳой пиёда, чангитмасанг-чи! – деб тегишиди.

– Елкангта халтани ортиб икки манзилгина йўрттирсам кўзинг очилар эди, – деди пиёда аскар юзига сачраган лойни енги билан артиб, – жуда кеккайиб кетибсан!

– Отга миндириб қўйишса сен ҳам ундан қолишмас эдинг, Зикин, – деди ефрейтор¹ халтанинг огирилигидан

¹ Ефрейтор (немисча: Gefreiter) – ҳарбий кисмлардаги энг кичик унвон. Рус

букчайган озгин аскарчага тегишиб.

— Ёгочни миниб чу десанг от бўлади-қўяди, — деди гусар.

VIII

Пиёда аскарларнинг қолгани кўприкнинг олдида тикилишиб шошилинч ўтмоқда эди. Нихоят аравалар ўтиб бўлди, йўл бироз очилиб, сўнгги батальон кўприкка қадам кўйди. Кўприкнинг нариги ёнида, душман рўпарасида фақат Денисов эскадронининг гусарларигина қолди. Нариги ёқдаги адирдан кўринадиган душман пастдан, яъни кўприкдан кўринмасди, чунки дарё оккан сойликдан қараганда бу ердан яrim чакирим келадиган рўпарадаги адир уфкни тўсиб турар эди. Олдиндаги даштнинг баъзи жойида тўп-тўп отлик разведкачи казакларимиз кўринар эди. У томондаги адирдан тушган йўлда тўсатдан кўк шинель кийган аскар ва артиллерия кўринди. Булар француздар эди. Разведкачи казаклар от чоптириб адирнинг этагига қараб кетишиди. Денисов эскадронининг ҳамма офицер ва аскарлари бошка тўғриларда гаплашишга ва у ёқ бу ёқка қарашга ҳаракат қилишса ҳам, нукул адирдаги нарса нима эканлиги тўғрисида ўлашар ва уфқда пайдо бўлган додни душман аскари деб билиб ҳадеб ўшанга қарашар эди. Тушдан кейин ҳаво очилиб офтоб Дунайга ва унинг атрофидаги адирларга шуъла сочди. Ҳамма ёқ жимжит, у томондаги адирдан ҳар замон бурғу¹ товуши ва душман ҳайқириғи эшитилар эди. Кичик-кичик отлиқ разведкачилар тўпини эътиборга олмагандан, эскадрон билан душман орасида ҳеч ким йўқ эди. Икки орани уч юз саржин² чамаси келадиган масофа ажратиб турар эди. Душман ўқ отмай кўйди ва икки душман қўшин орасидаги омонсиз, даҳшатли, ўтиб бўлмайдиган ва кўзга кўринмайдиган чегара яна ҳам очиқроқ сезила бошлади.

Ҳаёт билан мамотни бир-биридан ажратиб турадиган чегарани эслатувчи бу чегарадан бир қадам нари ўтилса,

армиясида Пётр II томонидан 1716-йилда жорий этилган. Ўзбекистон Куролли Кучларидаги сферайтор ҳарбий увонни йўқ.

¹ Бурғу — карнай ёки сурнай шаклидаги қадимий чолгу асбоби.

² Саржин (русча) — уч газга (аршинга) тенг узунлик ўлчови (2,13 метрга тенг).

номаълум азоб-укубат ва ўлимга борилади. Бу майдон, дараҳтлар ва офтоб шуъла сочиб турган уйларнинг у томонида нималар бўлаётибди? Ким бор? Буни хеч ким билмайди, лекин билгингелади: бу чегарадан ўтиш қўркинчли, лекин ўтгингелади: биласанки, эртами, кечми, бу чегарадан ўтишинг, у томонда нималар бор эканини билишинг керак бўлади. Ўзинг бакувват, соғлом, хурсанд ва шайланган, атрофингдаги одамлар ҳам ўзингдай соғлом, шайланган. Душманнинг рўпарасида турган ҳар бир киши ана шундай деб ўйламаса ҳам, лекин шуни хис килади ва бу хис шу пайтда бўлаётган ҳамма ҳодисага айрим бир жило беради ва ёркин кувонч туғдиради.

Душман турган томондаги дўнгликда аввал тутун кўриниб, сўнгра гумбурлаган товуш эштилди-ю, замбаракнинг ўки ғувуллаганича гусарлар эскадронининг тепасидан ўтиб кетди. Тўпланиб турган офицерлар жой-жойига тарқалиб кетишди. Гусарлар отлар сафини текислашди. Эскадронга жимлик чўкди. Ҳамма олға, душманга ва буйрукни кутиб эскадрон командирига қарап эди. Бирин-кетин яна иккита замбарак ўки ғувуллаб ўтди. Душман гусарларга караб ўқ отар эди, шекилли, лекин ўқ бир киёмда ғувуллаб гусарларнинг тепасидан ошиб орқа томонга тушар эди. Гусарлар орқага қарашмас, лекин ҳар бир ўқ ғувуллаб ўтганда, худди бирор буйруқ бергандай, ўқ ўтиб кетгунча тин олмай, оёкларини узангига тираб тикка туришар, сўнгра яна эгарга ўтиришар эди. Аскарлар бошларини бурмай, бир-бирига кўз кирини ташлар, ҳар қайсиси ёнидаги ўртоғининг авзойига қизиқиб разм солар эди. Денисовдан тортиб то карнайчигача ҳамманинг юзида кураш, асабийлик ва ҳаяжон натижаси бўлган бир хилдаги ифода кўринар эди. Вахмистр худди, ҳали сени қараб тур, дегандай ковоғини солиб аскарларга қарап эди. Юнкер Миронов тепадан ҳар ўқ ўтганда энгашар эди. Ростов оёғи лат еган, лекин кўрккам Грачигини миниб ўнг қанотда, худди кўпчилик ичидаги имтиҳонга чақирилган ва имтиҳонни аъло баҳо билан беришга ишониб ўзини баҳтиёр хис қилган мактаб боладай, хурсанд бир киёфада турар эди. У худди мана, мени кўринглар, ўқ остида кандаи

тап тортмай турибман дегандай, ҳаммага қаар әди. Бирок унинг ҳам юзида ҳамманинг юзидаги сингари қандайдир гайриихтиёрий, янги ва жиддий ифода кўринар әди.

Бир жойда туролмай отини эскадрон олдида у ёқдан бу ёққа суриб юрган Денисов:

– Ким у таъзим қилаётган? Юнкер Миронов! Бу нимаси, менга қаранг! – деб қичкирди.

Яланғоч қиличини сопидан тутиб турган қўлининг (бармоклари қисқа ва жун босган әди) томирлари чикқан, пучук, кора соч ва пачақина Васька Денисовнинг юзи ҳар қунгидай әди, у, айниқса, қониб май ичиб олган кунлари Кечқурун худди шундай бўлар әди. Лекин у одатдагидан кўра кизарган, сочи хурпайган, бошини худди сув ичаётган күшдай орқага ташлаб, бечора Бадавийнинг икки биқинига кичкина оёқларидағи шпорини каттиқ никтаб, худди орқага йикилаётгандай эскадроннинг нариги қанотига от кўйиб борди ва тўппончаларни кўздан кечиринглар, деб бўғик овоз билан бақирди. У штаб-ротмистр Кирстен олдига келди. Каттакон, салобатли бия минган штаб-ротмистр отни битта-битта қадам ташлатиб унга қарши борди. Узун мўйловли штаб-ротмистр одатдаги жиддий, фақат кўзлари одатдагидан кўра чакнаганроқ әди.

– Нима бўлар әди? – деди у Денисовга, – урушга кирмаймиз. Мана кўрасан, қайтиб кетамиз.

– Ким билади буларнинг ишини! – деди Денисов тўнгиллаб. – Ҳа, Ростов, – деди юнкернинг кайфи чоғлигини пайқаб. – Ана, урушни ҳам кўрдинг.

У юнкердан хурсанд бўлди, шекилли, «балли», дегандай табассум қилди. Ростов эса терисига сиғмай кетди.

Шу пайт кўприк устида полк командири кўринди. Денисов от чопиб унинг олдига борди.

– Жаноби олийлари! Ижозат беринг, ҳужум бошлайлик! Улоқтириб ташлайман уларни.

Полк командири худди хира паشا жонига теккандай, афтини буриштириб:

– Ҳозир ҳужум нимаси, – деди тажанг бўлиб. – Бу ерда нимага турибсизлар? Қанотдагилар чекинаётганини кўр-

маяпсизми? Эскадронни орқага олиб кетинг!

Эскадрон кўприкдан ўтди ва биронта ҳам одами нобуд бўлмасдан ўқ остидан чиқиб олди. Унинг кетидан иккинчи эскадрон ва ҳаммасидан кейин казаклар ўтиб кўприкнинг у томони бўшаб қолди.

Павлоград полкининг икки эскадрони ҳам кўприкдан ўтиб, бирин-кетин орқага, адирга қараб кетди. Полк командири Карл Богданич Шуберт Денисов эскадрони томон келиб Ростовдан бир қадам олдинда борар ва гарчи Телянин туфайли бўлган можародан кейин уни биринчи марта кўриши бўлса ҳам, унга ҳеч эътибор килмас эди. Фронт шароитида ўзини унинг ихтиёрида хис килиб энди ўзини унинг олдидагуноҳкор ҳисоблаган Ростов полк командирининг кенг елкасидан,mall сочидан ва кизил бўйнидан кўзини олмас эди. Ростов гоҳ Богданич ўзини жўрттага мени кўрмаётганга соляпти, ҳақиқатда эса унинг бирдан бир мақсади менинг жасурлигимни синаб кўриш, деб қоматини тиклар ва атрофга кувноқ назар ташларди, гоҳ Богданич ўзининг жасурлигини менга кўрсатмоқчи бўлиб жўрттага менга яқин юряпти, деб кўнглидан ўтказарди, гоҳ душманим Богданич менга жазо бериш учун қасддан эскадронни қаттиқ ҳужумга юборади деган ўйга борарди, гоҳ ҳужумдан кейин ярадор бўлиб ётганимда келиб «кел, ярашдик», деб кўл узатар, деган хаёлларга борар эди.

Павлоград полкидагиларга таниш бўлган баланд елкали Жерков (у яқиндагина шу полкдан кетган эди) полк командирининг олдига келди. Жерков бош штабдан ҳайдалганидан кейин, мен аҳмок эмасманки, полкда машакқат тортиб юрсам, ҳолбуки, штабда ҳеч иш килмасдан кўпроқ мукофот оламан, деб полкда қолмай, бир илож килиб князь Багратионга ординарец¹ бўлиб олган эди. У ўзининг собик командирига аръергард бошлигидан буйруқ олиб келган эди.

– Полковник, – деди у ўзига хос, тунд жиддият билан Ростовнинг душманига мурожаат қилиб ва ўртоқларига назар ташлаб, – тўхталсин, кўприкка ўт қўйилсан, деб

¹ Ординарец (французча: ordonnance – хабар берувчи; чопар) – командир ёки штаб хузуринда хар хил топширикларни бажарувчи ҳарбий хизматчи.

буюрдилар.

– Ким буюрди? – деди полковник хўмрайиб.

– Ким буюрганини билмайман, полковник, – деди корнет жиддий, – лекин кназъ менга: «Бориб полковника айт, гусарлар тезроқ қайтиб, кўприкка ўт қўйилсин», деб буюрди.

Жерковдан кейин гусарлар полковнинг олдига бош штаб-офицери ҳам шундай буйруқ билан келди. Штаб-офицеридан кейин казак оти оғир гавдасини зўрга кўтариб лўкиллаб келаётган семиз Несвицкий кўринди.

– Бу қандоқ бўлди, полковник, – деб бақирди у ҳали келиб етмасдан, – кўприкка ўт қўйилсин, деб эдим, кимдир нотўғри етказибди, у ёқда бутун тўполон, ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди.

Полковник полкини шошмасдан тўхтатди ва Несвицкийга қараб:

– Сиз менга ёнилги тўғрисида гапирган эдингиз, кўпrikka ўт қўйиш тўғрисида ҳеч нарса деганингиз йўқ, – деди.

Несвицкий тўхтаб шапкасини бошидан олиб, семиз кўли билан терлаган сочини тузатар экан:

– Бу қандай бўлди, отахон, кўпrikka ёнилғи қўйилгандан кейин ўт қўйилсин, демабмидим? – деди.

– Аввало, мен сизга «отахон» эмасман, жаноб штаб-офицер, кейин сиз кўпrikka ўт қўйинг, деганингиз йўқ, мен ўз вазифамни биламан ва буйрукни ҳамма вақт жойига қўйиб бажараман. Сиз кўпrikka ўт қўйилади дедингиз-ку ким ўт қўйишини айтганингиз йўқ. Мен авлиё эмасманки, ким ўт қўйишини билсан.

– Ана, доим шунака бўлади-да, – деди Несвицкий қўл силтаб ва Жерковга қаради-да: – Сен бу ерда нима қилиб юрибсан-ку, кел, сиқиб қўяй.

Полковник тўнгиллаб:

– Сиз айтиб эдингизки, жаноб штаб-офицер... – деб гап бошламоқчи бўлган эди-ю, бош штаб-офицери унинг сўзини бўлди:

– Тезрок бўлиш керак, полковник, бўлмаса душман тўпини якинроқ олиб келиб, сочма ўқдан отади.

Полковник индамасдан бош штаб-офицерига, семиз штаб-офицер Несвицкийга ва Жерковга караб қовоғини солди.

– Кўприкка ўт кўяман, – деди у тантанали бир тарзда ва гўё шу билан ҳар қанча гап эшигтан бўлса ҳам, шу ишни килмоқчи эканини билдиримоқчи бўлди.

Полковник худди ҳамма ишга от гуноҳкор бўлгандай, узун ва йўғон оёғи билан унинг бикинига уриб, Денисов командир бўлган ва Ростов хизмат қиласидаган иккинчи эскадрон томон борди-да, кўприкка қайтиш тўғрисида буйруқ берди.

«Ана, айтмадимми, – деб ўйлади Ростов, – мени сина-моқчи». Унинг юраги шув этиб, юзи қизариб кетди. «Майли, кўрсинг, кани, мен кўркоқманми?» – деди Ростов ичиди. Эскадрон аскарларининг юзи ўқ остида турган вақтларида гидай жиддий тусга кирди. Ростов ўзининг гуноҳини тасдиклайдиган бирон аломат топмоқчи бўлиб душмани бўлмиш полк командирининг юзидан кўзини олмас, лекин подковник эса Ростовга ҳеч қарамас ва одатидаги жиддийлик ва тантана билан сафга қарап эди. Буйруқ товуши эшитилди.

– Тезрок! Тезрок! – деган овозлар чиқди унинг ёнверидан.

Гусарлар, қиличлари тизгинга илиниб, шпорларини жиринглатиб, нима қилишларини ўzlари ҳам билмасдан шошиб-пишиб отдан тушдилар ва чўқинишдилар. Ростов энди полк командирига қарамас ва қарашга ҳам фурсат йўқ эди. У гусарлардан кейинда қолмайин, деб кўркар ва вахимага тушар эди. У отини жиловдорга берар экан, кўллари қалтирас, юрагининг гуп-гуп уришини ўзи эшитар эди. Денисов отда ўзини орқага ташлаб, алланима деб қичкириб, унинг ёнидан ўтиб кетди. Ростов ён-веридан шпорлари илиниб, қиличлари шикирлаб югуриб ўтаётган гусарлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмас эди.

– Носилка! – деб кимдир орқадан қичқириди.

Ростов замбил нимага керак бўлганини ҳам ўйламас, у

фақат ҳаммадан олдинга ўтмоқчи бўлиб чопар эди, у худди кўприкнинг олдига борганида оёқ остини кўрмай ёпишқок лой ичига кириб кетди-ю, қоқиниб муккасига йиқилди.

Ростов олдинга ўтиб, кўприкдан сал нарида тантанали ва хурсанд киёфада турган полк командирининг:

– Ротмистр, одамларни кўприкнинг икки томонидан ўтказинг, – деган товушини эшилди.

Ростов қўлининг лойини шимига артиб душманига қаради ва ҳар қанча олдинрок ўтсан шунча яхши бўлади, деб чопмоқчи бўлди. Аммо Богданич унинг афтига қарамаган ва ким эканлигини билмаган бўлса ҳам:

– Ким кўприкнинг ўртасидан чопади? Ўнг томондан юриш керак! Юнкер, қайт! – деб жаҳл билан қичкирди ва шу пайт ўзининг довюраклигини кўрсатиб кўприкнинг ўртасидан ўтаётган Денисовга қараб:

– Ўринсиз мардликнинг нима кераги бор, ротмистр, отдан тушсангиз яхши бўлар эди, – деди.

Васька Денисов қайрилиб қараб:

– Ўқ кимга тегишини ўзи билади, – деб жавоб берди.

Шу пайт Несвицкий, Жерков ва бош штаб-офицери тўп ўклари тушаётган жойдан нарида туриб гоҳ сариқ телпак, шнур қадалган қорамтири куртка, кўк шим кийган ва кўприк олдида тўпланиб турган одамларга, гоҳ нариги томондан, узоқдан шу томонга қараб келаётган кўк шинелли кишиларга ва замбарак кўшилган бир тўда отларга карашар эди.

«Кўприкка ўт қўйишоладими, йўқми? Ким олдинрок бориб етар экан? Булар кўприкка етиб бориб ўт қўйишадими ёки француزلар яқинлашиб кўприкни сочма ўкка тутиб буларни кириб ташлайдими?» Кўприкдан берида турган кўп соддатлардан ҳар бири юраги орзиқиб беихтиёр ўзига шундай савол берар ва ботиб бораётган күёшнинг шуъласида кўприкка, гусарларга ва нариги томондан яқинлашиб келаётган кўк шинель кийган наззали аскарларга ва тўпларга карашар эди.

– Оҳ! Гусарларни худо урди! – деди Несвицкий, – хозир сочма ўққа тутади.

– Нега шунча одамни олиб борди, – деди бош штаб-

офицери.

– Ҳақиқатан ҳам, иккита азамат юборилса, кифоя қилар эди, – деди Несвицкий.

– Э, тўрам, – деб сўзга аралашди Жерков гусарлардан кўзини олмай, – э, тўрагинам, гапингизни кўринг-у! Икки киши юборилса, бизга лента билан Владимирни ким беради? Ҳозир душман бошлаб урса ҳам, эскадронни мукофотга тақдим қилиши-ю, ўзи лента олиши мумкин. Бизнинг Богданич ишнинг кўзини билади. – Жерков бу гапни одатдагича шундай бир тарзда айтдики, чинакам айтаётидими ёки кесатаётидими, билиб бўлмас эди.

– Ана, – деди бош штаб-офицери, – ҳозир сочма ўкка тутади!

У аравалардан чиқарилиб, шитоб билан ўрнаштирилаётган француз замбаракларини кўрсатди.

Французлар томонида замбараклар турган жойларда бирин-кетин уч ердан тутун чиқди-ю, биринчи отилган ўқнинг садоси келиб етгунча тўртинчи ўқ отилди.

Яна икки ўқ овози бирин-кетин эшитилди, ундан кейин учинчи ўқ отилди.

Несвицкий худди бир жойи қаттиқ оғригандай:

– Вой, – деб бош штаб-офицерининг қўлидан маҳкам ушлаб олди. – Қаранг, биттаси йиқилди, йиқилди, йиқилди!

– Иккитаси йиқилди, шекилли?

– Мен подшо бўлсам, ҳеч қачон урушмас эдим, – деди Несвицкий юзини ўгириб.

Французлар яна шошиб-пишиб замбаракларини ўқлашди. Кўк шинель кийган пиёда аскарлар кўприкка томон югуришди. Яна олдинма-кетин ҳар ер ҳар ерда тутун кўриниб, сочма ўқ кўприкка дўлдай ёгилди. Лекин Несвицкий бу сафар кўприқда нималар бўлганини кўролмади, чунки кўприкни куюқ тутун чулгаб олди. Гусарлар кўприкка ўт кўйиб улгуришди. Француз батареялари уларга қараб ўқ отса ҳам, энди уларга халал бериш учун эмас, балки замбараклар нишонга тўғрилаб қўйилганлиги ва ўқнинг бекорга кетмаслиги учунгина отар эди.

Гусарлар жиловдорларнинг олдига қайтиб келгунча

французлар яна уч маротаба сочма ўқ отишди. Бундан иккитаси хато кетди, лекин бири гусарларнинг устига тушиб, учтасини қулатди.

Ростовнинг фикр-у ёди Богданичда бўлиб, нима қилишини билмасдан кўприкнинг устида туриб колди.

Килич билан чопай деса (у жангни ҳамма вақт шундай тасаввур килар эди) ҳеч ким йўқ, кўприкка ўт қўйгани ёрдам қиласай деса, бошқа аскарлар сингари кўлида похоли йўқ эди. У қаққайиб турган эди, тўсатдан худди дўл ёккандай кўприкнинг усти тарақа-турук бўлиб кетди ва унга якин турган гусарлардан бири ох, деганича панжараага томон йикилди. Ростов бошқалар билан бирга югуриб унинг олдига борди. Яна кимдир: «Замбил!» – деб кичкирди. Гусарни тўрт киши ушлаб кўтартмокчи бўлди.

– Ох!.. Қимирлатманглар, худо хайр берсин, – деб кичкирди ярадор, лекин шунга қарамай, уни кўтариб замбилга солишиди.

Николай Ростов тескари ўтирилди ва худди бир нимани кидираёттандай узоққа, Дунай сувларига, осмонга, куёшга қарап эди. Осмон нақадар чиройли, кўм-кўк, тинч ва бепоён! Ботиб бораёттан куёш нақадар равшан ва муҳташам! Узок Дунайнинг зилол суви нақадар мусаффо! Бундан ҳам кўра Дунайнинг у томонида кўм-кўк бўлиб кўринган тоглар, монастирлар, сирли даралар, туман босиб ётган қарагайзорлар... У ёклар жимжит, осойишта... «Ўша ерларда бўлсан эди, бошқа ҳеч нарсани орзу қилмас эдим, – деди Ростов ичида, – ўша ерда бўлсан қанчалик баҳтиёр бўлар эдим ва бу офтоб нақадар баҳт бағишилар эди, бу ерда эса... ох-у фигон, азоб-у уқубат, ваҳима, бу алгов-далғов, бу шошилиш... Ана, кимдир яна бир нима деб додляяпти, яна ҳамма орқага қараб чопаётиди, мен ҳам улар билан югураётнибман; ана, ён-веримда, теварак-атрофимизда ажал... Кўз очиб юмгунча ўлишим мумкин: унда на бу офтобни кўраман, на сувни ва на у дарани...»

Шу пайт офтоб булут остига кира бошлади. Ростовнинг кўз олдидан яна бошқа замбил ўта бошлади. Ўлим ва замбиллар даҳшати, офтоб ва ҳаёт муҳаббати қўшилиб ваҳи-

мали бир таассуротга айланди.

«Э, худо! Э, худойим олам, ўзинг раҳм кил, ўз пано-хингда сақла!» – деди Ростов ичида.

Гусарлар жиловдорлар олдига югуриб келишди, одамларнинг товуши баландрок ва осударок бўлди, замбиллар кўздан йўқолди.

Ростов кулоги остидан Васька Денисовнинг:

– Ҳа, биродар, порохни хидлаб кўрдингми? – деганини эшиитди.

Ростов оғир нафас олиб: «Иш тамом, лекин мен қўрқоқман, қўрқоқ эканман», – деди ичида ва жиловдорнинг кўлидан оқсоқ Грачигини олиб минар экан, Денисовдан:

– Чочма отдими? – деб сўради.

– Чочма ҳам гапми! – деди Денисов қичкириб. – Лекин қойил килдик! Жуда хатарли иш эди! Яхшиси, ҳужум, боплаб чопасан. У эса рўпарадан нишонга олиб отаётибди, нима қилишингни ҳам билмайсан.

Денисов Ростовдан нарида тўхтаб турган полк командири, Несвицкий, бош штаб-официери ва Жерковларнинг олдига келди.

«Ҳар калай, ҳеч ким пайқамаганға ўхшайди», – деди ўзича Ростов. Дарҳакиқат, унга ҳеч ким эътибор килмаган эди, чунки душманни биринчи мартаба кўрган юнкернинг кай ахволга тушиши буларнинг ҳар бирига ҳам маълум эди.

– Мана энди мукофотга арзидиган иш ҳам бўлди, – деди Жерков, – қарабсанки, мен ҳам подпоручик¹ бўлибманда.

– Кўприкка ўт қўйганимни князга маълум килинг, – деди полковник димоги чоғ бўлиб, тантана билан.

– Талафот тўғрисида сўрасалар нима дейин?

– Арзимайдиган, – деди полковник йўғон товуши билан, – икки гусар ярадор бўлиб, биттаси қулади, – қулади деган сўзини чертиб айтди ва хурсандликдан ўзини тиёлмади.

¹ Подпоручик (русча: под – остида, куйида + поручик) – чор армиясида: пралоршчикдан юкори, поручикдан паст офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

IX

Бонапарт бошлиқ юз минг кишидан иборат француз армияси таъқиб килиб бораётган Кутузов бошлиқ ўттиз беш мингдан иборат рус армияси аҳоли томонидан адоват хисси билан қарши олиниб, ўз иттифоқчилариға ортиқ ишончи қолмай, озиқ-овқатдан қийналиб, кутилмаган оғир уруш шароитларида ҳаракат қилиб, душман етиб олган жойларда чекиниш учун лозим бўлган миқёсдагина фақат аръергардини жангта солиб, оғир юклар билан Дунай бўйлаб пастга томон чекиниб борар эди. Ламбах, Амштетен ва Мелькада тўқинишлар бўлди: лекин рус аскарлари ҳатто душман ҳам зътироф қиласалар даражада жасорат ва матонат кўрсатиб урушган бўлсалар ҳам натижада янада тезроқ чекинишдан бошқа чора қолмади. Ульм атрофида бўлган жангда асир тушишдан кутулиб Браунау ёнида Кутузов армиясига кўшилган Австрия қўшинлари энди рус армиясидан ажралди ва Кутузов ўзининг ҳолдан тойган, мадори қуриган армиясига қараб қолди. Шунинг учун Венани бундан ортиқ мудофаа қилиш тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Венада Кутузовга Австрия гофкригстрати янги фан-стратегияяга асосланиб ҳар тарафлама муҳокама қилинган ҳужум жангни режаси ўрнига ҳозир тамоман амалга ошириб бўлмайдиган бир режани бердики, шундан кейин Кутузовнинг Мак Ульм атрофида тушган ахволга тушмасдан, яъни армиясини ҳалок қилмасдан Россиядан келаётган қўшинларга бориб қўшилмоғи керак бўлиб қолди.

28-октябрда Кутузов ўзининг армиясини Дунайнинг сўл киргоғига олиб ўтиб, биринчи маротаба тўхтади ва Дунай рус армияси билан французларнинг асосий кучлари ўртасида қолди. 30-октябрда Кутузов Дунайнинг сўл киргоғидаги Мортъе дивизиясига ҳужум қилиб, уни тор-мор этди

Бу жангда у биринчи марта французларнинг байрогини тўпларини ўлжа қилиб олди ва икки генералини кўлга туширди. Икки хафталик чекинишдан кейин рус қўшинлари биринчи марта тўхтади ва урушдан кейин жанг майдонини кўлда сақлаб қолдигина эмас, ҳатто французларни хайдаб юборди. Аскарлар кийими юпун, ҳолдан тойган, учдан бир

йўлларда қолиб кетган, ярадор бўлган, ўлган ва касал бўлганига қарамасдан, ярадор ва касаллар (Кутузов буларга қандай муомала қилишни душманнинг одамгарчилитигига ҳавола қилиб хат қолдириган эди). Дунайнинг у кирғофида қолдирилганига, касал ва ярадорлар Кремсдаги катта госпиталларга¹ ва лазаретга² айлантирилган уйларга сифмай қолганига қарамасдан, Кремсда тўхташ ва Мортъени енгиш уларнинг руҳини хийла кўтарган эди. Бутун армия ва бош квартирада, гарчи нотўғри бўлса ҳам, Россиядан саф-саф аскарлар келаётганлиги, австрияликлар аллақандай ғалаба козонганликлари ва кўркиб кетган Бонапартнинг чекинганлиги ҳақида хушхабарлар тарқалган эди.

Жанг вақтида князь Андрей шу жангда ўлдирилган Австрия генерали Шмитнинг олдида эди. Унинг оти ярадор бўлиб, ўзининг ҳам қўлига салгина ўқ теккан эди. Бош қўмондон айрим илтифот қилиб уни шу ғалаба ҳақидаги маълумот билан Австрия императорининг саройига юборди, император саройи бу вақтда француз қўшиллари таҳдид қилаётган Венада эмас, балки Брюннда эди. Жанг кечаси ҳаяжонланган бўлса ҳам, лекин чарчамаган князь Андрей (зоҳиран нозиккина бўлса ҳам, жисмоний чарчашиб тўғрисида кетганда энг бақувват одамлардан ҳам чидамлироқ эди) Дохтуров топширган маълумотни олиб Кремсга Кутузов хузурига келди ва ўша кечасиёқ, мактубни олиб Брюннга жўнади. Император хузурига хат олиб бориш мукофот олишдан ташқари яна баландроқ мартабага эга бўлиш аломати ҳам эди.

Тун қоронғи, юлдузлар чараклаган: йўл кеча жанг куни ёкқан қорнинг бағрини ёриб қоп-қорайиб турар эди. Князь Андрей почта аравасида гоҳ ўтган жанг таассуротини хотирлаб, гоҳ ғалаба ҳақида олиб бораётган хабари одамларга қандай таъсир қилишини хурсандчилик билан тасаввур қилиб, гоҳ бош қўмондон ва ўртоқларининг кузатган-

¹ Госпиталь (латинча: *hospitális* – меҳмондўст) – одатда ҳарбийлар ётиб даволанадиган касалхона.

² Лазарет (французча: *lazaret*, италянча: *lazzaretto* < *lazzaro* – моҳов; дастлаб «моҳовлар касалхонаси» маъносида кўлланган) – ҳарбий кисмлардаги ярадорлар ва беморларни вактинча ётказиб даволайдиган кичкина шифохона.

ликларини эслаб, узок мунтазирлиқдан кейин ниҳоят мурод-максади йўлига қадам босган кишидек борар эди. У кўзини юмиши биланоқ қулогига милтиқ ва тўп овозлари эшитилар ва бу овозлар ғилдирак товуши ва ғалаба таассуроти билан қўшилиб кетар: гоҳ кўзига руслар кўчаётган-у, ўзи ўлгандай кўринар, лекин шошиб-пишиб уйғониб худи ҳеч ходиса рўй бермаганини ва аксинча французлар кочаётганини энди билгандай хурсанд бўлар эди. У яна ғалаба тафсилотини, жанг вактида ўзини мардона тутганини эслаб таскин топар ва пинакка кетарди... Юлдузлар чараклаган коронғи тундан кейин тонг отиб ёруғ ва кишининг баҳрини очадиган кун бошланди. Офтоб корни эритар, отлар чопар, ўнг ва сўлда турли-туман ўрмонлар, сахролар ва қишлоқлар оркада қолиб борар эди.

Бекатлардан бирида у ярадор рус аскарларини олиб бораётган араваларга етиб олди. Буларни кузатиб бораётган рус офицер олдиндаги аравада ёнбошлаб ётиб олиб, бир аскарни ярамас сўзлар билан бакириб ҳакорат килар эди. Ранги оқарган, жароҳатларини боғлаб олган ва ҳамма ёғини кир босган ярадорлар узун немис аравада олтитадан-еттитадан бўлиб ўтиришиб тош йўлдан силкиниб-силкиниб боришар эди. Булардан баъзи бирлари гапирап (князь Андрей-нинг қулогига рус лаҳжаси кирди), баъзилари нон еб, жуда оғир ярадор бўлганлари индамай, ёnlаридан ўтиб бораётган князь Андреяга болалардай мунгайиб қарашар эди.

Князь Андрей аравани тўхтатиб, аскардан қайси жангда ярадор бўлганликларини сўради.

Ўтган куни Дунайда, – деб жавоб берди аскар. Князь Андрей ёнидан ҳамёнини олиб аскарга уч олтин берди.

– Ҳаммаларинг бўлиб олинглар, – деди князь Андрей ўзига томон келаётган офицерга караб. – Тезроқ тузалинглар, йигитлар, – деди аскарларга, – ҳали иш кўп.

Офицер гаплашгиси келди, шекилли:

– Жаноб адъютант, қандай янги хабарлар бор? – деб сўради.

– Хушхабар кўп! Қани, ҳайда, – деб кичкирди аравакашга. Отлар чопқиллаб кетди.

Унинг кўзлари нафратомуз кисилди. У ҳарбий министрнинг кабинетига жуда секинлик билан кирди. Каттакон стол орқасида ўтириб, унга дарров эътибор қилиб қарамаган ҳарбий министрни кўрганида бу нафрат хисси яна ҳам авж олди. Ҳарбий министр икки ёнида икки шам, чакка сочлари оқарган, тепакал бошини қуий солиб қоғоз ўқир ва қалам билан белгилар қўяр эди. Министр эшик очилиб оёқ шарпаси эшитилганда ҳам қоғозини ўқиб бўлмагунча бошини кўтармади.

Ҳарбий министр ҳамон унга эътибор килмай:

– Мана буни элтиб беринг, – деди адъютантта бир қоғозни узатиб.

Князь Андрей буни шундай деб тушунди: ё ҳарбий министр машғул бўлган ишларнинг ичida Кутузов армиясининг ишлари унинг учун унча аҳамиятли эмас, ёки рус курьери¹ шундай деб билсин, деган муддаода ўзини шундай тутаётир. «Менга барибир», – деди князь Андрей ичida. Ҳарбий министр бошқа когозларни нари сурди, четларини текислади, сўнgra бошини кўтарди. У ақли ва уста одам эди. Князь Андрейга қарashi биланок юзидаги жиддий ва маъноли ифодани, афтидан, атайин ўзгартирди: юзида бемаъни, сохта ва сохталиги билиниб турган, бирин-кетин кўп кишиларга муомала килиб жўнатган одамнинг табасумига уҳшаган табассум пайдо бўлди.

– Генерал-фельдмаршал Кутузовданми? – деб сўради. – Хушхабардир? Мортье билан тўқнашиш бўлдими? Ғалаба қозонилдими? Ҳа, шундоқ бўлиши ҳам керак.

У ўз номига ёзилган номани олиб маъюс бир киёфада ўқий бошлади.

– Ё раббий! Ҳай аттанг! Шмит! – деди у немисчалаб. – Ҳай, афсус, ҳай, афсус!

У номани кўздан кечириб столга кўйди-да, худди бир нарса эсига тушгандай князь Андрейга қаради.

¹ Курьер (французча: *courrier*; лотинча: *currere* – югурмоқ; шошилмок) – 1) шошилинч топширикларни таркатувчи, дипломатик хат-хабар ва жўнатмаларни етказиб берувчи мансабдор шахс; 2) муассасанинг расмий иш когозларини тегишли жойга таркатувчи, олиб бориб берувчи ходим.

– Ҳай, афсус! Катта жанг бўлди, денг? Лекин Мортье асир олинмабди-да. (У ўйлаб қолди.) Шмит ўлиб, ғалаба кимматга тушган бўлса ҳам, хушхабар олиб келганингизга хурсандман. Император ҳазратлари, албатта, сизни йўклар. Лекин бутун эмас. Миннатдорман сиздан. Дам олинг. Эртага параддан кейин подшо ҳазратларининг боргоҳдан¹ чиқиш маросимида ҳозир бўлинг. Балки, ўзим сизга хабар ҳам киларман.

Гаплашаётган вақтида ҳарбий министрнинг юзидан йў-колган бемаъни табассум яна пайдо бўлди.

– Хайр, ташаккур. Император ҳазратлари, эҳтимол, сизни йўклар, – деди яна ва бош эгди.

Князь Андрей саройдан чикқанида ғалабадан пайдо бўлган бутун хурсандлигини ва шавқини бепарво ҳарбий министрга ва унинг хушмулозимат адъютантига бериб чиккандай бўлди. Унинг фикри тамоман бошқача бўлиб қолди: кечагина бўлган жанг ҳозир унинг назарига аллақачонлар бўлиб ўтган ва эскириб кетган бир хотирарадай кўринар эди.

X

Князь Андрей Брюннда ўзининг ошнаси бўлмиш Билибин деган рус дипломатининг уйига тушди.

– Оҳ, азиз дўстим князь, меҳмон атойи худо, – деди Билибин уни қарши олиб. – Франц, князнинг нарсаларини менинг ётогимга олиб кир, – деди Болконскийнинг жомадонини кўтариб келаётган хизматкорига. – Ғалаба хабари билан келгандирсиз? Жуда яхши! Менинг тобим йўкрок, князь.

Князь Андрей ювиниб, кийиниб дипломатнинг жуда чиройли кабинетига кирди-да, тушлик тайёрлаб қўйилган столга ўтирди. Билибин каминнинг² олдига бориб ёзилиб ўтирди.

Шу сафаридагина эмас, балки бутун поход даврида

¹ Боргоҳ (форсча; подшоҳ саройи, қабулхонаси; подшоҳ чодири) – маҳсус ижозат билан кириладиган жой, подшоҳ ва хонларнинг қабулхонаси.

² Камин (немисча: Kamīn; юнонча: – kamīnos – ўчок, печь) – деворга ўйиб ишланган, кенг очик ўтхонаси ва тик мўриси бўлган, бевосита ёкилги алансаси билан хонани иситадиган ўчок.

хаётнинг барча роҳатларидан маҳрум бўлган князь Андрей дипломатнинг муҳташам уйида болалигидан ўрганганд шароитда ҳордиги чиккандай бўлди. Бундан ташқари, хусусан австрияликларнинг муомаласидан кейин, гарчи рус тилида бўлмаса ҳам, (иккови французча гаплашар эди), русларнинг австрияликларга нисбатан бўлган (айникса, ҳозир унда авж олган) нафратларига кўшилади, деб ўйлаган одами билан сухбат килиш унга маъқул эди.

Билибин ўттиз беш ёшларга борган, бўйдок, князь Андрей табакасидан бўлган бир одам эди. Улар Петербургда танишган бўлиб, князь Андрей Кутузов билан сўнгти дафъа Венага келганда дурустроқ ошна бўлишган эди. Князь Андрейнинг ҳарбий ишда канчалик истикболи бўлса, Билибиннинг дипломатия¹ ишидаги истикболи ундан ҳам порлок . У ҳали ўзи ёш бўлса ҳам, ўн олти ёшдан хизмат килиб . иж билан Копенгагенни кўрган ва ҳозир Венада катта мансабни эгаллаган эски дипломат эди. Канцлер² ҳам, бизнинг Венадаги элчимиз ҳам уни билар, кадрлар эди. У салбий фазилатларга эга бўлишга мажбур бўлган, кўп ишлардан ўзини тиядиган ва яхши дипломатлигини кўрсатиш учунгина французча гапирадиган кўп дипломатларга ўхшамас эди: у ўз ишини биладиган ва яхши кўрадиган дипломатлардан бўлиб, кам ҳафсалалигига қарамасдан, баъзан кечаларни ёзиш ва ўқищ билан тонг оттирас эди. У қандай иш бўлмасин жон-дили билан қиласар, бирон ишга ёпишганида «нимга учун қиласибман» демасдан, «қандок қилишим керак», деб ўйлар эди. Қандай дипломатик иш бўлмасин, унинг учун барибир эди, лекин у кўлланма, меморандум ёки

¹ Дипломатия (французча: *diplomatie* ёки юононча: *diploma* – икки букланган кофоз) – 1) давлатларнинг ташки сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, чет элда хукук ва манфаатларини химоя килиш соҳасидаги расмий фаолияти. Қадимда Юононистон ва Римда таҳтакач мукова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиги ёки хујжат сифатида тақдим этилган. Бу атама ҳозирги маънода Гарбий Европада 18-аср охиirlаридан кенг қўллана бошлиган; 2) айрим шахслар, ижтимоий гурухлар ва шу кабиларнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорликни мустахкамлашга каратилган иорасмий фаолияти.

² Канцлер (немисча: Kanzler) – баъзи мамлакатларда олий давлат лавозими ва шу лавозимдаги амалдор.

хабарномани усталик билан ўринлатиб, чиройли иборалар билан ёзиб, шундан ўзи роҳат килар эди. У факат ёзув ишларигагина эмас, балки юкори доираларда муомала килиш ва сўзлашга ҳам моҳир эди.

Билибин ишни накадар яхши кўрса, чиройли ва ўткир сўз айтиш хонаси келганда сухбатни ҳам шунча яхши кўрар эди. У сухбатларда ҳамма вакт ўткир сўз ўрни келишини кутар ва фақат шундагина сўзга аралашар эди. Билибиннинг гапирадиган гаплари ҳамма вақт киска, ўткир, тутилмаган ва ҳаммани қойил киладиган гаплар бўлар эди. Бу гаплар, анчайин киборлар эсида тутиб ва у меҳмонхонадан бу меҳмонхонага ташишлари қулай бўлсин учун Билибиннинг ички лабораториясида худди жўрттага ўткир қилиб ясалгандай эди. Ҳақиқатан, шундай хабар билан келсам, булар мени ўйинга халал бераётган ит ўрнида карши олишди ва муҳим деб аталган ишларга таъсир қиласар эди.

Унинг озғин, сўлғин, сарғимтири юзини буткул ажин босган; бу ажинлар худди жуда тозалаб ювилганидан ҳаммомдан чикқандаги бармоқ учлари сингари ок ем бўлиб кетгандай кўринар эди. Унинг юз харакати факат шу ажинларнинг қимирлашидан иборат эди. Гоҳ унинг қоши кўтарилиб, пешонаси тиришади-ю, ажинлар йўл-йўл бўлади, гоҳ қоши пастга тушади-ю, лунжида катта-катта ажинлар ҳосил бўлади. Унинг чукур-чукур ва кичкина кўзлари ҳамма вақт тўғри ва тетик бокар эди.

– Қани, кўрсатган ишларингиздан гапириб беринг энди,
– деди Билибин.

Болконский жуда камтарлик билан, ўзи ҳакида оғиз очмай, жанг ҳакида ва ҳарбий министр қандай қабул килганлиги тўғрисида гапириб берди.

– Шундай хабар билан келсам, булар мени ўйинга халал бераётган ит ўрнида қарши олишди, – деди князь Андрей сўзининг охирида.

Билибин заҳарханда қилди ва лунжидаги ажин йўқолди.

– Азиз дўстим, – деди у тирноғига узокдан караб ва чап

қошининг устини тириштириб. – Православ¹ рус аскарлари»ни накадар эхтиром килсам ҳам, бу галабаларинг жуда порлок галабалардан эмас, деб ўйлайман.

У ҳам французча гапирар, фақат таҳқиромуз қайд қилаёттган сўзларнигина русча айтар эди.

– Бу қандай бўлди? Сизлар бечора Мортъенинг биттагина дивизиясига шунча куч билан ёпирилиб ҳужум қиласларинг-у, яна у қўлларингдан чиқиб кетса? Шуни ғалаба деб бўладими?

– Лекин, дурустрок ўйлаб қаралса, – деди князь Андрей.
– ҳар қалай, бу Ульмдан кўра яхшироқ, десак муболага бўлмайди...

– Нега битта, ҳеч бўлмагандга биттагина маршални² асир олмадиларинг?

– Чунки ҳамма мўлжал тўғри чиқавермайди ва парадагидек силлик бўлавермайди. Биз ҳали айтганимдек, душманнинг орқа томонига эрталаб соат еттида ўтиб олишни мўлжаллаган эдик, лекин кечқурун соат бешда ҳам ўтиб ололмадик.

– Нега эрталаб соат еттида ўтиб олмадиларинг? Эрталаб соат еттида ўтиб олиш керак эди, – деди Билибин кулимсираб. – Эрталаб соат еттида ўтиб олиш керак эди.

– Нега сиз дипломатия йўли билан Бонапартга Генуяни ўз ҳолига қўйиш яхшироқ эканини тушунтирмадингиз! – деди князь Андрей ҳам ўша оҳангда.

– Билиб турибман, – деди Билибин унинг сўзини бўлиб.
– маршалларни камин олдида, диванда ўтириб асир олиш осон, демокчисиз. Бу гапингиз дуруст, лекин, ҳар қалай, нега қўлдан чиқариб юбордиларинг? Сиз таажжубланманг, бу ғалабаларингдан фақат ҳарбий министр эмас, олий ҳазрат

¹ Проваслав (руска: православис – тўғриликка эътиқод) – христиан дининиң асосий оқим (мазхаб)ларидан бири; XII асрда Византияда шаклланган шарқи христианлик (эътиқоддаги маълум қарашлар бўйича Фарблаги католицизмдан фарқ килади).

² Маршал (французча; marechal) – 1) советлар даврида алоҳида хизматлари учун олий кўмандонлик таркibiдаги кишиларга бериладиган, генераллик унвонлари; 2) юкори ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс; 2) баъзи давлатларда олий ҳарбий унвон ёки амал ва шу унвон ёки амалга эга бўлган шахс.

шатор билан кирол Франц ҳам унчалик хурсанд бўлмайди...
шатто мендек рус элчихонасининг бир котиби ҳам уни
шакча бир хурсандчилик, деб билмайди...

У князь Андрейга тўғри қаради ва пешонасидаги ажин-
тусатдан йўқолди.

Энди «нега» деб сиздан сўраш менинг навбатим,
— деди Болконский. — Тўғрисини айтсам, мен
шунолмайман, эҳтимол, бунда менинг ожиз ақлим етмайди...
Энди дипломатик нозиклик бордир, лекин мен тушуна ол-
майман: Мак бутун армиясини йўқотса, эрцгерцог Ферди-
нанд билан эрцгерцог Карл жойидан ҳеч қимирламаса ва
Англиянинг хатолар қиласверса, Кутузов эса, чинакам ғалаба-
юниб французларнинг — енгилмаслик сехрини тор-мор
тептирилса-ю, ҳарбий министр ҳатто бунинг таъсилотини
илишга ҳам қизикмаса.

— Шунинг учун ҳам шундай-да, азизим! Биласизми, бу
галабалар подшо, Россия ва дин учун бўлган галабалар!
Бўлгар ҳаммаси яхши, лекин бундан, сизларнинг галаба-
зарингдан бизга, яъни Австрия тож-тахтига нима фойда?
Из бу ерга бир-биридан колишмаслиги ўзингизга маълум
бўлган эрцгерцог Карл ёки Фердинанд ҳеч бўлмагандан
Бонапартнинг бирон ўт ўчириш гурухи ротасини мағлуб
қилди, деган хушхабар келтирганингизда, бунинг шодиё-
насига тўплар отилар эди. Бу келтирган хабарингиз эса
бизнинг гашимизга тегади, холос. Эрцгерцог Карл ҳеч иш
қилмаётибди, эрцгерцог Фердинанд шарманда бўлаётибди,
сизлар Венани ортиқ мудофаа қилмасдан ташлаб кетди-
таринг. Бизга худди: бизга худо мададкор, сизларни эса
тойтахtingиз билан бирга кўшиб худога топширдик, деган-
тай килдингиз. Ҳаммамиз яхши кўрадиган бир генералимиз
Шмитни ўкка дучор қилдиларинг-у, энди бизни ғалаба би-
лан табрик қилиб ётибсизлар! Сиз келтирган хабардан кўра
кишининг ғасига тегадиган нарса топиш кийин, десам хўп
тенг. Худди жўрттага қилгандай, жўрттага қилгандай. Бун-
дан ташқари хўп, сизлар порлок ғалаба ҳам қилдиларинг,
ҳатто эрцгерцог Карл ҳам ғалаба қилди, бундан нима чиқар-
чи? Энди фурсат ўтган, чунки французлар Венани

аллақачон ишғол килди.

– А? Венани ишғол қилди?

– Ишғол қылдигина эмас, Бонапарт аллақачон Шенбрунда ўтириби. Бизнинг граф, мұхтарам графимиз Врбна унинг олдига амр-фармон олгани кетади.

Болконский йўлда чарчаганлиги, хаёлида сафар таассу-
роти кезганлиги, ҳарбий министрнинг муомаласидан рухи
тушганлиги ва хусусан тушлиқдан кейин оғирлашгани учун
Билибин айтган сўзларнинг моҳиятига тушунмаётгандай
бўлар эди.

– Бугун эрталаб граф Лихтенфельс келган эди, – деди
Билибин сўзида давом этиб, – французлар Венада парад
ўтказишибди, шу парад муфассал тасвир қилинган бир
хатни менга кўрсатди. Шахзода Мюрат ва бошқалар... Кўр-
дингизми, сизларнинг галабаларингта жуда ҳам суюниб ва
сизга халоскоримиз, деб караб бўлмайди...

Князь Андрей Креме атрофида бўлган жанг тўғрисида
келтирган хабари Австрия пойтахтининг кўлдан кетишидек
зўр воқеа олдида дарҳақиқат, унча аҳамиятли эмаслигини
фаҳмлай бошлаб:

– Менга барибир, мутлақо барибир, – деди. – Кандай
килиб Венани ишғол қилишди? Кўприк, машҳур истехком
ва князь Ауэрсперг қаёқда қолди? Биз Венани князь
Ауэрсперг химоя килаётиди, деб эшитган эдик.

– Князь Ауэрсперг дарёнинг бу томонида, яъни биз
томонда туриб бизни химоя килаётиди, менимча, унча
яхши мудофаа килмаётиди, лекин, ҳар қалай, мудофаа
килиб туриди. Вена бу томонда. Кўприк ҳали олинган эмас.
ололмас ҳам деб ўйлайман, чунки мина қўйилган, кўприк
портлатилсин, деб буюрилган. Ундей бўлмаганда биз алла-
қачонлар Богемия тоғларида бўлар эдик, сизлар армия-
ларинг билан икки ўт ўртасида қолиб, машъум чорак соатни
бошдан кечирар эдиларинг.

– Лекин, ҳар қалай, бу билан урушни бой бердик, деб
бўлмайди, – деди князь Андрей.

– Менимча, бой берилди. Бу ердаги катталар ҳам шун-
дай, деб ўйлашади, лекин буни очиқ айтишолмайди. Уруш-

нинг бошида айтган гапларим келади. Масалани сизларнинг Дюренштейн атрофидаги отишмаларингиз умуман порох ҳал қилмайди, балки уни бошлаган одамлар ҳал қиласди, – деб Билибин ўткир сўзларидан бирини қайтарди ва пешонасидаги ажинларни ёзиб бир тўхтади. – Ҳамма гап император Александр билан Пруссия киролининг Берлиндаги учрашувларининг натижасига боғлик. Агар Пруссия иттифокка қўшилса, у вақтда Австрияни мажбур килишади ва уруш бўлади. Акс ҳолда, фақат янги Кампо Формионинг дастлабки моддаларини қаерда тузиш тўғрисида гапни бир жойга қўйишгина қолади, холос.

– Бу қандок фавқулодда заковат эгаси экан! – деди князь Андрей бирдан кичкириб ва кичкина муштини столга уриб.

– Мунча ҳам омади келган одам экан!

– Боннапартми? – деди Билибин ҳозир ўринлатиб бир сўз айтмоқчи эканини пешонасининг тириштирганидан билдириб. – Боннапартми? – деди «н»ни босиброқ. – Менимча, у ҳозир Шенбруннда Австрияга амр-у фармон бериб ўтирганида уни «н»дан ҳалос килиш керак. Мен уни оддийгина Бонопарт деб атайман.

– Йўқ, беҳазил, чиндан ҳам сиз уруш тамом бўлди деб ўйлайсизми? – деди князь Андрей.

– Мен бундай деб ўйлайман: Австрия лакма бўлиб колди, лекин у лакмаликка ўрганган эмас. Ўчини олади. Унинг лакма бўлиб қолишга, аввало, вилоятларнинг ғорат бўлганлиги – (православлар омонсиз ғорат қилишади, дейишади) – армиясининг тор-мор бўлғанлиги, пойттахтнинг қўлдан кетганлиги сабаб бўлди ва шуларнинг ҳаммаси сардиниялик олий ҳазратнинг кора кўзлари учун бўлди. шунинг учун, бу гап орамизда қолсин-у, билишимча, булар бизни алдашаётиби, билишимча, булар аллақачон Франция билан алоқа килиб, биздан яшириқча ўzlари яраш шартномасининг лойиҳасини тузишган.

– Бу ҳеч мумкин эмас, – деди князь Андрей, – бу жуда разиллик бўлар эди.

– Бошимиз омон бўлса, кўрармиз. – деди Билибин ва гап тамом бўлганлигига ишора қилиб пешонасидаги ажинни

ёзди.

Князь Андрей жой солиб күйилган уйга кириб, оппок-кина ички кийимда парку түшакка ётиб, иситилган ва хушбўй ёстиққа бош кўйганида кечагина бўлиб ўтган ва ўзи хабарини олиб келгани жанг унга аллақачонлар бўлиб ўтгандай туюлар эди. Ҳозир мияси Пруссия иттифоки, Австрия-нинг хиёнати, Бонапартнинг янги ғалабаси, эртаги парад, император Францнинг парадга чиқиши ва унинг қабул маросими билан банд эди.

У кўзини юмди, лекин юмган замониёқ тўп ва милтик овозлари, араваларнинг тарақлаши кулоғини қоматга келтиргандай бўлди, ана тепалиқдан яна аскарлар турнадай қатор бўлиб тушиб келаётиди, француздар ўқ отаётиди; у ўқ остида юраги гулупулаб олға ўтиб Шмит билан ёнма-ён кетаётиди, атрофидан ўқлар визиллаб ўтаётиди ва у бунга шундай хурсандки, бундай хурсандликни болалигидан бўён кўрган эмас.

У уйғониб кетди...

«Ҳа, шундоқ бўлган эди!...» – деди ўзича ва маъсум табассум қилиб, яна роҳат уйкуга кетди.

XI

Князь Андрей эрталаб хийла кеч уйғонди. У бўлиб ўтган ишларни ўйлаб, ҳаммадан бурун бутун император Францнинг ҳузурига бориши керак эканлигини, ҳарбий министрни, хушмуомала Австрия флигель-адъютантини, Билибинни ва кеча бўлиб ўтган гапларни эслади. У саройга бориш учун кўпдан бери киймаган, факат парад вактларида гина киядиган кийимларини кийиб, чиройли ва озода бўлиб, кўлини боғлаб олиб, Билибиннинг кабинетига кирди. Кабинетда дипломатлардан тўрт киши ўтирас эди. Элчихона котиби бўлган князь Ипполит Курагин билан Болконский таниш эди. Бошқалар билан уни Билибин таништириди.

Билибиннинг кабинетида ўтирган ёш, бой, хушчакчак киборлар Венада ҳам, бу ерда ҳам бир доира ташкил қилган бўлиб, бу доиранинг жўрабошиси Билибин, бу доирани ўзимизникilar, бизники деб атар эди. Деярли буткул дипло-

матлардан ташкил топган бу доира уруш билан сиёсатга хеч кизикмай, факат олиймаком киборлар, баъзи бир хотинлар ва маҳкама ишининг расмий томонлари билангина машғул бўлар эди. Булар князь Андрейни, афтидан, ўз кишилари хисоблаб (бу илтифотни жуда кам кишига килишар эди), жуда хуш қабул қилишди. Улар ҳам одоб ва ҳам гап бошлиш учун армия билан уруш тўғрисида унга бир иккита савол беришди-ю, кейин яна ўз чакчак-у кулги ва гийбатлари билан машғул бўлишиди.

Булардан бири ўз ўртоғи бир дипломатнинг иши ўнгидан келмагани тўғрисида гапириб:

– Ҳаммадан бунисини айтинг, – деди, – ҳаммадан бусини айтинг: бош министр унга рўй-рост сенинг Лондонга тайин қилинишинг мартабангнинг ошгани, буни шундай деб билгин, дебди. Унинг важоҳатини кўз олдингизга келтирасизми?

– Ҳаммадан ҳам Курагиннинг иши чаток: ўзи фалокатга учраган, бу Дон Жуан, бу ярамас одам энди шундан фойдаланаётиди.

Князь Ипполит вольтер креслосида оёкларини ёнга ташлаб ўтирас экан, кулиб юборди.

– Гапир, гапир, – деди у.

– Оббо, Дон Жуан-эй! Оббо илон-эй! – деган товушлар эшитилди.

– Сиз билмайсиз, Болконский, – деди Билибин князь Андрейга қараб, – бу одамнинг хотинлар орасига нифоқ солиб қилган иши француз (рус деб юбора ёздим-а!) армиясининг килмишидан ошиб тушади.

– Хотин – эркакнинг ҳамдами, – деди князь Ипполит кресло ёнига ташлаб ўтирган оёкларига лорнет орқали қараб.

Билибин ва улфатлари Ипполитнинг кўзларига қараб кулиб юборишиди. Князь Андрей билдики, Ипполит (князь Андрей хотинини ундан рашик килар ва ҳозир ичидаги бунга иккор эди), бу доирада калака бўлиб колган экан.

– Мен сизни Курагин билан қалинроқ ошна килиб, хурсанд этишим керак, – деди Билибин секин Болконскийга,

— у сиёсатдан гапирганда жуда койил килди, буни бир кўриш керак.

У Ипполитнинг ёнига келиб ўтирди ва пешонасини тириштириб уни сиёсат ҳакида гапга солди. Князь Андрей ва бошқалар буларни куршаб олишди.

— Берлин ҳукумати иттифок тўғрисида ўз фикрини баён килолмайди, — деб гап бошлади князь Ипполит ҳаммага бир-бир маъноли назар ташлаб, — токи... ўзининг сўнгги нотасида айтганидай... биласизми... биласизми... лекин император ҳазратлари иттифокимизнинг моҳиятини ўзгартирмаса...

— Шошманг, гапни тамом килганим йўқ... — деди у князь Андрейга унинг кўлидан ушлаб, — Менингча, аралашмаганидан аралашгани яхширок. — У жим қолди: — 28-ноябрдаги номамизни қабул қилмаганлиги билан иш тамом бўлди, деб бўлмайди. Бунинг оқибати шу бўлади..

У гапи тамом бўлганини билдиromoқчи бўлиб, Болконскийнинг кўлини кўйиб юборди.

— Демосфен, мен сени оғзингдаги тошингдан биламан!
— деди ўзида йўқ мамнун бўлган Билибин.

Ҳамма кулиб юборди. Ипполит ҳаммадан ҳам каттироқ кулди. У, афтидан, кийналар, энтикар, лекин ҳамиша бир зайлда турадиган юзини чўзиб юбораётган каттик кулгидан ўзини тиёлмас эди.

— Гап бундай, жаноблар, — деди Билибин, — Болконский менинг меҳмоним, Брюннда ҳам меҳмон, шунинг учун мен уни бу ердаги ҳаётимизнинг ҳамма хурсандчилиги билан кўлимдан келганича сийламоқчиман. Венада бўлганимизда бу жуда осон эди, лекин бу ерда бу Моравиянинг катакка ўхшаган расво бир шаҳарчасида, бу нарса қийин, шунинг учун ҳам сизлардан ёрдам сўрайман. Бунга Брюнни кўрсатиш керак. Сиз театрга мутасадди бўлинг, мен ёр-жўраларимиз билан таништираман; сиз, Ипполит, албатта, хотинлар билан таништирасиз.

— Бу кишига Амелияни кўрсатиш керак, жуда ҳам гўзал хотин! — деди улфатлардан бири бармоғининг учини ўпиб.

— Умуман, бу конхўр аскарни одампарвар килиш керак,
— деди Билибин.

– Сизларнинг меҳмондўстликларингдан баҳраманд бўла олишим даргумон, жаноблар, энди мен борай, – деди Болконский соатига қараб.

– Қаёкка?

– Император ҳузурига.

– Ўх-хў!

– Хайр, Болконский! Хайр, князъ, тезрок тушликка етиб келинг, биз сизнинг хизматингизда, – деган товушлар эшитилди.

Билибин Болконскийни даҳлизга кузатиб чиқар экан:

– Император билан гаплашганингизда озиқ овқат етказиб беришдаги тартибни ва маршрутларни мумкин қадар кўпроқ мақташга ҳаракат қилинг, – деди.

– Мактар эдим, бироқ мақтай олмайман, чунки биламан, – деди Болконский табассум қилиб.

– Ишқилиб, мумкин қадар кўпроқ гапиринг. Унинг жону дили одам қабул қилиш, лекин ҳали кўрасиз, ўзи гапиришни хушламайди ва билмайди ҳам.

XII

Император Франц боргоҳдан чиқиш маросимида Австрия офицерлари орасида белгиланган жойда турган князъ Андрейга синчилаб қаради ва унга тож узун қилиб кўрсатган бошини иргаб кўйди. Боргоҳдан чиқиш маросимидан кейин кечаги флигель-адъютант одоб билан Болконскийга император уни қабул килмокчи эканини билдириди. Князъ Андрейни император Франц уйнинг ўртасида туриб қабул килди. Гап бошлиш олдида князъ Андрейни императорнинг худди гангиди, нима дейишини билмасдан ва кизариб тургани ҳайратга солди.

– Хўш, жанг қай маҳалда бошланди? – деб сўради император шошиб.

Князъ Андрей жавоб берди. Бундан кейин шунга ўхшаган оддий саволлар берилди: «Кутузов саломатми?», «У Кремсдан қачон чикиб кетган эди?» ва ҳоказо. Император худди бутун мақсади маълум даражада савол беришдангина иборат бўлгандай кўринар эди. Бу саволларга бериладиган

жавобларга эса ҳеч кизиқмаганлиги очиқ билиниб турар эди.

– Жанг соат нечада бошланди? – деб сўради император.

Ҳамма кўрган ва билғанларини қандай тасвир қилиб беришни олдиндан ўйлаб кўйган Болконский бу саволдан кейин энди сўзлаш мавриди келди, деган хаёл билан жонланиб кетди:

– Олдинги қисмлар жангни соат нечада бошлаганини айта олмайман, олий ҳазрат, лекин мен турган Дюренштейнда қўшинлар ҳужумни кеч соат олтида бошлаган эди.

Бирок император кулимсираб, унинг сўзини бўлди:

– Неча мил экан?

– Қаердан қаергача, олий ҳазрат?

– Дюренштейндан Кремсгача.

– Уч ярим мил, аъло ҳазрат.

– Француздар сўл кирғокни ташлаб кетдими?

– Разведкачиларнинг маълумотига қараганда, француздарнинг қолганлари кечаси солда ўтишибди!

– Кремсда ем-хашак етарлими?

– Етказиб берилган ем-хашак керакли миқдорда эмас эди.

Император унинг сўзини бўлди.

– Шмит соат нечада ҳалок бўлди?

– Соат еттида, шекилли.

– Соат еттида? Кўп ёмон бўлибди! Кўп ёмон бўлибди!

Император унга ташаккур билдири ва бош иргаб жавоб берди. Князь Андрей чиқди ва уни дарҳол сарой ахллари ўраб олишди. Ҳамма унга мулойим бокар ва ширин сўзлар айтар эди. Кечаги флигель-адютант ундан нега саройга тушмадингиз, деб ўпкалади ва ўз уйини таклиф қилди. Ҳарбий министр келиб, уни император инъом қилган учинчи даража Марья-Терезия ордени билан табриклади. Маликанинг камергери¹ уни маликанинг ҳузурига таклиф қилди. Эрцгерцогнинг хотини ҳам уни кўришни истар эди. Князь Андрей буларнинг қайси бирига жавоб қилишни билмасдан бир неча лаҳза ўйлаб қолди. Рус элчиси уни елкасидан ушлаб, дераза олдига олиб бориб гаплаша кетди.

¹ Камергер – киролга якин зътиборли аъёнларга бериладиган фахрли унвои.

Князь Андрей келтирган хабардан, Билибиннинг сўзиға хилоф ўлароқ, ҳамма хурсанд бўлди. Бунинг шукронасига умумий ибодат тайин қилинди. Кутузов биринчи даражада Марья-Терезия катта хочи билан мукофотланди ва бутун армия мукофот олди. Болконский кўп кишилардан таклифномалар олган бўлиб, эрталабдан бошлаб Австрия катта амалдорларининг уйларига бориши керак эди. У меҳмондорчиликлардан соат бешларда бўшаб, йўл-йўлакай уруш ва ўзининг Брюннга келганлиги ҳақида отасига ёзадиган хатини ўйлаб, Билибиннинг уйига қайтиб келди. Билибин турадиган ҳовлининг эшиги олдида уй жиҳозлари ортилган бир арава турар ва Билибиннинг хизматкори Франц эшикдан зўрга жомадон кўтариб чиқмоқда эди. (Князь Андрей Билибиннинг уйига келаётганида китоб дўконига кириб, походда ўқигани китоб олмоқчи бўлиб дўконда ўтириб колган эди.)

– Нима гап? – деди Болконский.

Франц жомадонни зўрга аравага қўяр экан:

– Эй, сўраманг, жаноби олий! Бу ердан ҳам кетаётибмиз. Конхўр яна орқамиздан кувиб келаётиби!, – деди.

– Нима? – сўради князь Андрей.

Шу онда Билибин чиқди. Ҳамма вақт хотиржам бўлган Билибин хаяжонланган эди.

– Йўқ, йўқ. Табор кўприги воқеаси жуда ажойиб бўлибди, десам хўп денг. Француздар бу кўприкдан қаршиликка учрамай ўтишибди., – деди у.

Князь Андрей бу гапдан ҳеч нарса тушуна олмас эди.

– Қаёқдан келаётибсиз ўзингиз? Наҳотки бутун шаҳар эшитган гапни сиз эшитмаган бўлсангиз?

– Мен эрцгерцог хотинининг уйидан келаётибман. У ерда ҳеч гап эшитганим йўқ.

– Одамлар юкини йиғиштираётганини ҳам кўрмадингизми?

– Йўқ... Ўзи нима гап? – деди князь Андрей токати ток бўлиб.

– Нима гап бўлар эди? Гап шуки, Ауэрсперг мудофаа килиб турган кўприкдан француздар ўтибди, кўприк портлатмай колибди. Энди Мюрат Брюннга караб от кўйиб

келаётиди, демак, бутун-эрта французлар бу ерга етиб келади.

– Қандай қилиб келади? Күприкка мина қўйилган эдик, нега портлатилмай колар экан?

– Буни сиздан мен сўрашим керак. Буни ҳеч ким, Бонапартнинг ўзи ҳам билмайди.

Болконский ҳайрон бўлиб, елкасини кисди.

– Французлар кўприкдан ўтган бўлса, демак, армия ҳам ҳалок бўлибди-да, чунки йўли кесилиб колади, – деди.

– Ҳамма гап ҳам шунда-да, – деди Билибин. – Қулок солинг, кеча айтганимдай, французлар Венага киришибди. Ишлар жойида. Эртасига, яъни кеча жаноб маршаллар: Мират, Ланн ва Бельяр отланишиб тўғри кўприкка қараб боришибди. (Шуни билингки, учови ҳам гаскониялик. Жаноблар, – дебди бири, – ўзларингга маълумки, Табор кўпригига мина қўйилган, лекин унинг портлатилишига қарши чора ҳам кўрилган, улар кўприк олдига зўр кўприк истеҳкоми куриб, кўприкни портлатиш ва бизни ундан ўтказмаслик учун ўн беш минг кишидан иборат аскар кўйган. Лекин биз шу кўприкни олсак, олий ҳазрат император Наполеон хурсанд бўлади. Юинглар, учовимиз бориб шу кўприкни оламиз. Юинглар бўлмаса, – дебди бошқалари; учови борибди-ю, кўприкни олибди, ундан ўтишибди, шундан кейин бутун армиялари билан Дунайнинг бу томонига ўтишибди ва мана энди бизга, сизга ва сизларнинг алоқа йўлларингга қарши келаётган эмиш-да.

– Кўйинг ҳазилни, – деди князь Андрей жиддий ва маъюс қиёфада.

Бу хабарни эшитиб князь Андрей ҳам хафа бўлди, ҳам хурсанд. Рус армияси жуда оғир ахволга тушганини эшитгач, қнязь Андрейнинг бошига, армияни бу оғир ахволдан мен қутқазишим керак ва бу иш ўша Тулон бўлиб, мени оддий офицерлар қаторидан чикаради ва шон-шараф томон йўллайди, деган фикр келди. Билибиннинг сўзига қулок солар экан, кайтиб борганидан кейин ҳарбий кенгашда армияни кутқазадиган бирдан бир тўғри фикр баён кила-жагини ва бу режани амалга ошириш ёлгиз ўзига топши-

рилишини хаёл килди ва: – Бас қилинг ҳазилни, – деди у.

– Мен ҳазиллашаётганим йўқ, – деди Билибин, – афсуски, бу ачик бир ҳақикат. Учови кўприкка келади-ю, ок рўймолчаларини кўтаришади; омон-омон бўлди, биз маршаллар князь Ауэрсперг билан музокара килгани келдик, деб аскарларни ишонтиришади. Навбатчи офицер буларни кўприк истеҳкомидан киргизади, булар офицерга гасконларча кўп ёлғон-яшиқ тўқиб, уруш тамом бўлди, император Франц Бонапарт билан кўришадиган бўлди, биз князь Ауэрсперг билан гаплашгани келдик, дейишади. Офицер Ауэрспергга одам юборади. Ҳалиги жаноблар офицерлар билан кучоклашиб кўришади, ҳазиллашади, замбаракларга минишади, бу орада эса француз батальони секингина билдириласдан кўприкка келади-ю, портлайдиган моддалар солиниб кўйилган қопларни сувга ташлаб юборади ва кўприк истеҳкомига кириб олади. Ниҳоят, генерал-лейтенант, муҳтарам князимиз Ауэрсперг фон Маутернинг ўзи келади. «Жонажон душманимиз! Австрия кўшинларининг гули, Туркия урушларининг қаҳрамони! Адоват тамом бўлди, энди бир-бири мизга кўл бера оламиз... Император Наполеон князь Ауэрспергни кўришга мушток». Хуллас, бу жаноблар (бекорга гасконияликлар дейишмайди) Ауэрспергта шу қадар яхши сўзлар айтишади, князь француз маршаллари билан бунчалик тез инок бўлиб қолганлигига шу қадар маҳлиё бўлади. Мюратнинг кийими ва бошидаги тұякушнинг патига шунча эси кетадики Французларнинг ўқ отаётганини кўради-ю, лекин душманга қарши ўт очишни эсидан чиқариб кўяди. (Билибин жуда тез гапираётган бўлса ҳам, ўринлатиб айтган гапларининг мағзини чаққани фурсат бериш учун бу тобдан сўнг бироз тўхташни унутмади.) Француз батальонлари кўприк истеҳкомига ёпирилиб киради-ю, тўпларни кимирлатмай кўяди, кўприкни олади. Йўқ, ҳаммадан қизиги шуки, – деди ўз хикоясининг таъсиридан ҳаяжонланган Билибин ўзини босиб, – қизиги шуки, дорига ўт кўйгани сигнал бериши керак бўлган тўпнинг олдига кўйилган сержант француз кўшинларининг кўприкка томон чопиб келаётганликларини кўриб ўқ отмоқчи бўлганида Ланн

унинг қўлини тутибди. Сержант ўз генералидан ақллироқ бўлса керак, Ауэрспергнинг олдига келиб: «Князъ, сизни алдашаётиби, ана французлар!» – дейди. Мюрат қўрадики, агар сержантни гапиргани қўйса иш қўлдан кетади. Бинобарин, у гўё таажжубланган бўлиб (учига чикқан гаскониялик-да), Ауэрспергга мурожаат қилади: «Дунёга овозаси кетган Австрия интизоми шуми ҳали, – дейди, – наҳотки сизга шундок муомала қилгани сержантнинг ҳадди сифса». Бу ниҳоят даражада усталик. Князъ Ауэрсперг жаҳли чиқиб сержантни камокқа буюради. Йўқ, бу кўпприк воқеаси ажиб бир воқеа, десам хўп денг. Буни аҳмоқчилик деб ҳам, разиллик деб ҳам бўлмайди...

Князъ Андрей кулранг шинелни, ярадор бўлишини, порох тутунини, милтиқ билан тўп овозлари ва ўзини кутаётган шон-шарафни дарҳол кўз олдига келтириб:

– Ну, балки, хиёнатдир., – деди.

– Йўқ, бу саройни жуда нокулай аҳволга қўяди. Бу хиёнат ҳам эмас, разиллик ҳам эмас, – деди Билибин давом этиб. – Аҳмоқчилик ҳам эмас. Бу – Ульмнинг ўзи,... – У худди мувоғиқ ибора излагандай ўйланиб қолди: – Ну келушув. Биз келишдик – деди ва гапни жуда қойил қилганига ва бу гап энди оғизма-огиз бўлишига ишониб сўзини тамом қилди.

Шу дамгача пешонасида тўпланиб турган ажинлар унинг ўз гапидан ўзи мамнун бўлганига ишора ўлароқ, дарҳол йўқолди ва у хиёл кулимсираб тирногига қаради.

– Қаёққа? – деди у ўрнидан туриб, ўз бўлмасига томон кетаётган князъ Андрейга қараб.

– Мен кетаман.

– Қаёққа?

– Армияга.

– Яна икки кун турмокчи эдингиз-ку!

– Энди, хозир кетмоқчиман.

Князъ Андрей хизматкорга йўл ҳозирлигини кўришни буюриб, ўз бўлмасига кириб кетди.

– Биласизми, дўстим, – деди Билибин унинг кетидан кириб, – сиз тўгрингизда ўйлаб кўрдим. Нима киласиз

бориб?

Айтган гапи рад килиб бўлмайдиган эканлигига ишора ўлароқ, юзидаги ажинлар буткул йўколди. Князь Андрей сұхбатдошига анқайиб қаради-да, ҳеч нима демади.

– Нима қиласиз бориб? Биламан, армия хавф-хатар остида қолган бир вақтда етиб бориш менинг бурчим дейсиз, – – бу қаҳрамонлик, азизим..

– Ҳеч ҳам, – деди князь Андрей.

– Сиз файласуфсиз, шундай бўлгандан кейин дурустрок файласуф бўлинг, масалага иккинчи томондан қарасангиз кўрасизки, сизнинг бўйнингиздаги бурч аксинча, ўзингизни эҳтиёт қилиш. Бу ишни бошқа ҳеч ишга ярамайдиган одамлар қилсин. Сизга ҳеч ким қайтиб келгин, деган эмас, бу ердан ҳам сизга жавоб берилгани йўқ; шундек, бўлгандан кейин бу ерда колиб, бизлар билан нон-насиб тортган ерга боришингиз мумкин. Ольмюцга борар эмишмиз. Ольмюц жуда чиройли шаҳар. Иккаламиз тинчгина менинг коляскамда кетамиз.

– Кўйинг ҳазилингизни, Билибин, – деди Болконский.

– Мен сизга чин кўнгилдан, дўстона гапираётиман. Ўйлаб кўринг. Шу ерда колишингиз мумкин, бир вақтда каёкка-ю, нима учун борасиз. Сизни иккининг бири кутади (у сўл чаккасини тириштириди): ё армияга етиб бормасингиздан бурун сулҳ бўлади ёки енгиламиз-у, бутун Кутузов армиясининг шармандаси чиқади.

Билибин бу дилеммаси¹ рад килиб бўлмайдиганлигига амин бўлгани учун пешонасадаги ажинлар йўқолади.

– Мен буни ўйлаб ҳам кўролмайман, – деди князь Андрей совуққина, лекин ичida, «армияни кутқазиш учун бораман», деб ўйлар эди.

– Сиз қаҳрамонсиз, азизим, – деди Билибин.

XIII

Болконский ўша кечаси ҳарбий министр билан хайрлашиб, армиянинг қаердалигини билмагани ва Кремс йўлида

¹ Дилемма (ди.. + юнонча: lemma – асос, далил бўла оладиган ҳукм) – бир-бирига зид бўлган икки номақбул имкониятдан бирини танлашга мажбур бўлиш.

французларнинг кўлига тушиб қолишидан хавфсирагани холда жўнаб кетди.

Брюннда сарой аъёнлари кўч-кўронини йигиштирас ва юклар Ольмюцга жўнатилар эди. Князь Андрей Эцельдорфга яқин, рус армияси ниҳоятда тартибсиз ҳолда ва жуда тез кетиб бораётган йўлга чиқди. Ҳарбий юк ортилган аравалар йўлда шунчалик кўп эдикни, унда фойтунда юриш маҳол эди. Чарчаган ва оч қолган князь Андрей казаклар бошлиғидан от билан бир одам олиб, юк ортилган араваларни қувиб ўтиб, бош қўмондон ва ўз кишиларини кидира кетди. Армия хақидаги энг хунук хабарларни у йўлда эшилди. Тартибсиз ҳолда қочиб бораётган армиянинг ахволи бу хабарни тасдик килар эди.

Князь Андрей уруш бошлаш олдидан Наполеон ўз армиясига карата ёзган буйруғидаги «Инглиз олтинини дунёнинг у бурчидан бу ерга келтирган бу рус армиясининг бошига ўша кунни (Ульм армияси кунини) соламиз», – деган сўзларни эслади ва бу сўзлар ундан буюк қаҳрамонга нисбатан ҳам ҳайрат, ҳам нафсоният ҳисси уйғотди ва ҳам шухрат умиди туғдирди. «Мабодо ўлишдан бошқа чора бўлмаса-чи, – деб ўйлади, – майли, лозим бўлса, жон фидо килишда бошқалардан қолишмайман».

Князь Андрей бош-кети йўқ, аралаш-куралаш бўлиб кетган гуруҳларга, юк ортилган қатор-қатор араваларга, артиллерияга, ифлос йўлда уч-тўрт қатор бўлиб тизилиб ва бир-биридан ўзиб бораётган сон-саноқсиз ва турли-туман ареваларга қаради. Олдиндан, кетиндан, бутун теварак-атрофдан ғилдирак, арева, замбараклар тарақлаши, отларнинг туёқ товуши, қамчиларнинг шатиллаши, «чу» деган товушлар, аскарлар, деншиклар ва офицерларнинг сўкишлари эшитилар эди. Йўлнинг икки томонида йиқилиб қолган баъзиларининг эгар-жабдуғи олинган, баъзилариники олинмаган отлар, аревалари синиб, унинг олдидаги ниманидир кутиб ўтирган аскарлар, ўз командирларидан кейинда қолиб, тўп-тўп бўлиб Қишлоққа томон кетаётган ёки Қишлоқдан товук, кўй, хашак ва нималар биландир тўлдирилган қопларни кўтариб келаётган аскарлар кўриниб қолар эди.

Нишаблик ва баландлик жойларда одамлар тўпланиб колар ва нола-фиғон товушлари тўхтовсиз эшитилар эди. Аскарлар тиззадан лой кечиб, тўпларни ва юк ортилган араваларни елкалашиб итаришар, қамчилар ғувуллар, отларнинг туёги тойилар, коринбоғлар узилар, одамлар бакирадар эди. Буларни бошқариб бораётган офицерлар аравалар орасида гоҳ олдинга, гоҳ кейинга от югуртирадар, ғовур ичида уларнинг товуши зўрга эшитилса ҳам, бу тартибсизликни бартараф қилиш учун қанчалик ҳаракат килгандиклари юзларидан билиниб турадар эди.

Болконский Билибиннинг сўзларини эслаб ичида «Мана ёқимтой православ аскарлари» – деб кўйди.

У шу одамларнинг биронтасидан бош кўмондон каерда эканини сўрамоқчи бўлиб, юк ортиб кетаётган араваларнинг олдига келди. Ундан олдинда, афтидан, аскарнинг ўзи ясаган бир отлик колясканамо галати бир арава борар эди. Аравани аскар ҳайдаб борар, унда олдига пешгир тутилган чарм соябон остида бошини рўмол билан ўраб олган бир хотин ўтирадар эди. Князь Андрей бу араванинг олдига келиб, аравакаш аскардан бир нарса сўрамоқчи бўлган эдики, аравада ўтирган хотиннинг дод овозини эшитиб, унга қарашга мажбур бўлди. Юк ортилган араваларни кузатиб бораётган офицер бошқалардан ўтиб кетмоқчи бўлган шу аравакаш аскарни урган эди. Қамчининг учи араванинг пешгирига тегиб, хотин кичкириб юборди. У князь Андрейни кўриб пешгирининг остидан чиқди ва шол рўмолининг тагидан ориқ кўлини чиқариб, силкитар экан!

– Адъютант! Жаноб адъютант! – деб кичкирди. – Худо ҳаки... ёрдам беринг... Бу қандай гап? Мен 7-ўқчи полк докторининг хотини бўламан... Кўйишмаяпти. Биз кейинда колиб ҳамроҳларимизни йўқотиб кўйдик...

– Бу ёққа юр дейман, ҳозир янчидан ташлайман! – деб кичкирди ғазабланган офицер аскарга. – Бу ёққа юр дейман манжалакинг билан!

– Жаноб адъютант, ёрдам қилинг. Бу нима деган гап? – деб кичкирди хотин.

– Ўтказиб юборинг бу аравани. Хотин киши ўтирганини

күрмәётибсизми? – деди князь Андрей офицернинг олдига келиб.

Офицер унга бир қаради-ю, сўзига жавоб бермай, яна аскарга томон ўтирилди:

– Тўхтатасанми, йўқми... Қайт дейман!

– Уtkазиб юборинг, сизга айттаётиман, – деди князь Андрей лабини қимтиб.

– Сен ўзинг кимсан? – деди бирдан офицер жон-пони чиқиб. – Кимсан ўзинг? Сен (у «сен»ни жуда писанд қилиб айтарди) катталик қилма! Бу ерда мен катта, сен эмас. Торт отнинг бошини, – деди яна аскарга, – янчиб ташлайман.

Бу гап, афтидан, офицернинг ўзига жуда маъкул эди.

Орка томондан:

– Бечора адъютантни боплади, – деган товушлар эшитилди.

Князь Андрей кўрдики, офицер нима деганини ўзи ҳам билмайдиган даражада дарғазаб эди. У кўрдики, аравада ўтирган доктор хотинининг тарафини оламан деб кулгига қолди, у дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўра шундан кўрқар эди-ю, лекин унинг ички туйгуси бошқа нарсани кўрсатар эди. Офицер кейинги сўзларини айтиб ҳам улгура олмади, газабдан башараси қийшайган князь Андрей камчинини ўйнатиб унинг олдига келди-да:

– Уtkазиб юборинг дейман! – деди.

Офицер кўл силтади-ю, тескари ўтирилиб кетаверди.

– Ҳамма тартибсизлик мана шунақа штаб одамларидан чиқади, – деди офицер тўнгиллаб. – Билганингизни қилинг.

Князь Андрей халоскорим деб атаган хотиннинг олдидан ерга караганича шошиб ўтиб кетди ва бу хижолатга кўйган можарони ипидан-игнасиғача хаёлидан кечириб, бош кўмондон тушган Қишлоққа қараб от кўйди.

У Қишлоққа кириб отдан тушди-да, бирпасгина бўлса ҳам, дам олиш, бирон нарса ейиш ва кўнглини ғаш қилаётган фикрларни дурустрок ўйлаб кўриш учун рўпара келган биринчи уйга қараб юрди. У ўша уйнинг деразаси олдига келиб, «Бу кўшин эмас, разил одамлардан иборат бир оломон», деб кўнглидан ўтказаётганда, таниш бир овоз

унинг отини айтиб чакирди.

У қайрилиб қаради. Кичкина деразадан Несвицкийнинг чиройли юзи кўриниб турар эди, Несвицкий ниманидир хузур қилиб чайнар экан, кўли билан имо қилиб уни чакирди.

– Болконский! Ҳов Болконский! Сенга айтаётибман! Бу ёкка тезроқ келсанг-чи, – деб кичкирди.

Князь Андрей уйга кириб Несвицкий билан бир нима еб ўтирган яна бир адъютантни кўрди. Улар Болконскийни кўрибоқ, бирон янги хабар йўқми, деб сўрашди. Буларнинг юзларида Болконский ваҳима ва ташвиш аломати борлигини кўрди. Бу аломат хусусан ҳамиша кулиб турадиган Несвицкийнинг юзида очикрок кўринар эди.

– Бош қўмандон қаёқда? – деб сўради Болконский.

– Шу ерда, нариги ҳовлида, – деди адъютант.

– Сулҳ бўлиби, таслим бўлибмиз, деган овозалар ростми? – деди Несвицкий.

– Мен ўзим сизлардан сўрамоқчиман. Мен фақат зўрға шу ерга етиб олганимни биламан, холос, бошқа ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

– Эй, биродар, бизнинг бу ердаги ахволимизни кўявер! Макдан кулиб эдик, ўзимиз ундан ҳам баттар кунга қолаётбмиз, – деди Несвицкий. – Қани, ўтири, бирон нарса есанг-чи.

– Энди, князь на арава топилади-ю, на бошқа нарса, Пётрингиз худо билади, қаёқларда юрибди, – деди иккинчи адъютант.

– Бош квартира қаёқда?

– Цнаймда ётибмиз.

– Мен икки отнинг юкини ўзимга ортиб олдим, – деди Несвицкий, – юкларни жуда боплаб боғлатиб олганман. Богемия тогларидан кочиб ўтсам ҳам бўлаверадиган. Ахвол чаток, биродар. Ҳа, сенга нима бўлди, касалмисан, мунча этинг учайтибди? – деди Несвицкий князь Андрейнинг худди совук сувук сепгандай сесканганини кўриб.

– Йўқ, – деди князь Андрей.

Шу пайт йўлда ҳалиги доктор хотини ва юк араваларини кузатиб бораётган офицер билан учрашгани эсига

тушди.

– Бош қўмондон бу ерда нима қилаётибди? – деди князь Андрей.

– Ҳеч билолмайман, – деди Нецицкий.

– Мен фақат шуни биламанки, ҳамма ёқда расвогарчилик, расвогарчилик, – деди-да, князь Андрей, бош қўмондон тушган уйга қараб кетди.

Князь Андрей Кутузовнинг фойтуни, бош қўмондон одамларининг кора терга пишган отлари ва ўзаро каттиқ-каттиқ гапиришиб турган казакларнинг олдидан ўтиб дахлизга кирди. Кутузов, князь Андрей эшитганича, дарҳа-кикат, кичкина бир уйда князь Багратион ва Вейротер билан ўтирар эди. Вейротер ҳалок бўлган Шмитнинг ўрнига келган Австрия генерали эди. Даҳлизда жиккаккина Козловский мирзанинг олдиди чўнқайиб ўтирар эди. Мирза бочкачани курси килиб, мундирининг енгини шимариб, тез-тез хат ёзар эди. Козловский ҳам кечаси ухламаган бўлса керак, жуда чарчаган кўринар эди. У князь Андрейга қаради-ю, ҳатто бош ҳам иргамади.

– Иккинчи марта... ёздингми? – деди Козловский мирзага.

– Киев гренадёр¹ полки, Подольский...

– Ёзигб етказиб бўлмаяпти, таксир, – деди мирза Козловскийга қовоғини солиб.

Шу пайт ичкаридан Кутузовнинг нимадандир норози бўлиб қаттиқ-каттиқ гапираётганини ва кимнингдир унинг сўзини бўлаётган овози эшитилди. Бу товушлардан, Козловскийнинг эътиборсизлик билан караганидан, чарчаган мирзанинг беибо гапирганидан, мирза билан Козловскийнинг бош қўмондон ўтирган уйнинг даҳлизида ерда бочканинг устида ўтиришидан ва отлари тутиб турган казакларнинг дераза олдиди қаттиқ-каттиқ кулишларидан князь Андрей бирон катта ва қайғули ҳодиса рўй берса керак, деб ўйлади.

Князь Андрей Козловскийга берган саволларига жавоб кутар эди.

¹ Гренадёр (*французча*) – асосан душман истехкомини қамал килишда асосий роҳ ўйнайдиган піёда ёки отлик кўшиниларнинг сараланган кисми.

– Ҳозир, князь, – деди Козловский. – Қандай ҳаракат килиш түғрисида Багратионга буйруқ ёзаётибмиз.

– Таслим бўлганимиз йўқми?

– Ҳеч-да, жанг килиш түғрисида фармон берилди.

Князь Андрей товушлар эшитилиб турган эшикка томон борди. У эшикни энди очмоқчи бўлганида ичкаридаги гап тинди-ю, эшик очилиб кетди ва бўсағада лўппи юзли, кирғийбурун Кутузов кўринди. Князь Андрей Кутузовга рўпара бўлиб қолди: бош қўмондоннинг биттагина соғ қўзидағи ифодага қараганда, бутун диккат-эътибори нима биландир банд бўлиб, ҳеч нарсани кўрмаётганга ўхшар эди. У ўз адъютантига тикка қаради-ю, уни танимади.

– Қани, тамом килдингми? – деди у Козловскийга.

– Ҳозир, олий ҳазрат.

Бош қўмондон кетидан ўрта бўйли, башараси Шарқ одамларига ўхшаш ҳали хйла ёш Багратион чиқди.

– Амрингизга ҳозирман, – деди князь Андрей хатжилди берар экан, хийла баланд овоз билан.

– Ҳа, Венаданми? Яхши. Кейин, кейин.

Кутузов Багратион билан бирга эшик зинасидан чиқди.

– Хайр, князь, – деди Кутузов Багратионга. – Худо ёр бўлсин. Илоҳим, буюк қаҳрамонликлар кўрсат.

Кутузовнинг бирданига кўнгли юмшаб, кўзига ёш келди. У чап қўли билан Багратионни ўзига тортди-ю, узук такқан ўнг қўли билан уни чўқинтириди ва лўппи юзини тутди. Багратион унинг юзидан ўпмай, бўйнидан ўпди.

– Худо ёр бўлсин, – деди яна Кутузов ва колясканинг олдига келди. – Қани, чик сен ҳам, – деди Болконскийга.

– Олий ҳазрат, мен шу ерда қолиб ўз бурчимни адо килсан эди. Князь Багратионнинг отрядида¹ қолишга ижозат беринг.

– Чик, – деди Кутузов Болконский тезда чиқавермаганидан кейин, – яхши офицерлар менинг ўзимга керак, ўзимга

Отряд (ruscha) – 1) жанговар ёки маҳсус вазифаларни бажариш учун тузиладиган ызактнчалик ёки доимий ҳарбий тузилма (бу ерда шу маънода); 2) бирор иш, ҳизмат, хизмат учун ушашган кишилар гурухи, жамоаси; 3) умуман, жамиятнинг ҳизмати белгилар билан бирлашган гурухи; 4) хайвонлар систематикасида маълум ҳизматлар билан бирлашган гурух.

керак.

Булар коляскага тушиб, бир неча дақиқа жим бориши.

Кутузов Болконскийнинг кўнглидан нималар кечает-
ганини қариларга хос бир зийраклик билан фаҳмлагандай:

– Бошимизга ҳали кўп ишлар тушади, бунақа ишлар кўп
бўлади, – деди. – Эртага унинг отрядидан ўндан бири қайтиб
келса ҳам, худога шукур қилас эдим, – деди яна Кутузов
худди ўз-ўзи билан гаплашаётгандай.

Князь Андрей Кутузовнинг юзига қаради ва кўзи
беихтиёр унинг Измайл жангидага чаккасига теккан ўқнинг
изига ва кўр бўлган кўзига тушди. «Ҳа, бу одамларнинг
халокати тўғрисида бундай осойишталик билан гапиришга
унинг ҳаки бор экан», деди Болконский ичида.

– Шунинг учун ҳам мени шу отрядга юборишингизни
сўрайман, – деди князь Андрей.

Кутузов жавоб бермади. У худди ҳозиргина айтган
гапини эсидан чиқаргандай ўйланиб ўтирас эди. Юмшок
коляскада тебраниб бораётган Кутузов беш дақиқадан кейин
князь Андрейга қаради. Унинг юзида ҳаяжондан асар ҳам
йўқ эди. У хиёл табассум билан князь Андрейдан унинг
император Франц билан кўришганининг тафсилотини,
Кремс воқеаси тўғрисида саройда эшитган сўзларини ва
баъзи таниш хотинлари ҳакида суроштириди.

XIV

Кутузов биринчи ноябрда разведкачисидан бутун ар-
миясини оғир аҳволга солиб қўядиган бир хабар олди. Раз-
ведкачи француздарнинг жуда катта қўшини Вена кўприги-
дан ўтиб, Кутузовнинг Россиядан келаётган қўшинлар билан
алоқа қиласиган йўлига қараб кетаётганидан хабар берди.
Агар Кутузов Кремсда қоладиган бўлса, у вактда юз эллик
мингдан иборат бўлган Наполеон армияси бутун алоқа
йўлларини тўсиб, унинг қирқ мингдан иборат ҳолдан тойган
армиясини куршаб олар ва Кутузов худди Макнинг Ульм
атрофида тушган аҳволига тушиб қолар эди. Мабадо Куту-
зов Россиядан келаётган қўшинлар билан алоқа қиласиган
йўлини ташлаб кетса, у вактда душманинг катта кучидан

ўзини мудофаа қилиб, йўлсиз Богемия тоғлари этагига қараб кетиши ва Буксевден билан алоқа қилиш умидидан воз кечиши керак эди. Агарда Кутузов Россиядан келаётган кўшинилар билан кўшилиш учун Кремсдан Ольмюцга борадиган йўлдан чекинса, у вактда Вена кўпригидан ўтган французларга дуч келиб қолиши мумкин бўлиб, унда ўз армиясидан уч баравар ортиқ бўлган ва икки томондан ўраб олган душманга қарши поход ҳолида, яъни бутун юк аравалари билан кетаётган ҳолда жанг қилишга мажбур бўлар эди.

Кутузов шу йўлдан чекинишга қарор берди.

Разведкачининг берган хабарига кўра, французлар Вена кўпригидан ўтиб, Кутузов чекинаётган йўлда (ундан юз чақиримча олдинда) бўлган Цнаймга қараб тезлик билан бормоқда эди. Цнаймга французлардан олдинроқ бориб олиш – армияни ҳалокатдан кутқазишига катта умид боғлаш, французлардан кейинроқ бориш эса армиянинг бошига Ульм кунини солиб шарманда қилиш ёки тамоман ҳалокатга дучор қилиш деган сўз эди. Лекин бутун армия билан французлардан илгарироқ етиб бориш мумкин эмас эди, чунки французлар бораётган Вена-Цнайм йўли руслар борадиган Кремс-Цнайм йўлига қараганда ядинроқ ва яхшироқ эди.

Шу хабар келган кечаси Кутузов Багратионнинг тўрт мингдан иборат авангардини¹ ўнг томондан тоглар орқали Кремс-Цнайм йўлидан Вена-Цнайм йўлига юборди. Багратион бу йўлни ҳеч дам олмасдан босиб ўтиб, Вена билан Цнайм орасида тўхташи, агар французлардан илгарироқ етиб бора олса, у вактда французларни ўша ерда иложи борича тўхтатиб туриши керак эди. Кутузовнинг ўзи эса бутун юк-аравалари билан Цнаймга қараб жўнади.

Багратион оч-ялангоч аскарлари билан йўлсиз тогтошдан довулли кечада кирқ беш чакирим йўл босиб, аскарининг учдан бири йўлларда қолиб кетиб, Венадан Голлабрунга қараб келаётган французлардан бир неча соат илгари Голлабрундан Вена-Цнайм йўлига чиқиб олди.

¹ Авантгард (французча: avant-garde – олдиндаги қўриқчи) – 1) харбий юришларда асосий кучларни қўриқлаш учун олдинда борувчи аскарий кисм (бу ерда шу маънода келган); 2) бирор ҳалқ, синф ёки ижтимоий гурӯхнинг илгор кисми.

Бутун юк аравалари билан Цнаймга етиб бориш учун Кутузов яна бир кеча-ю бир кундуз йўл юриши керак эди, демак, Багратион армияни ҳалокатдан қутқариш учун ўзининг тўрт мингдан иборат бўлган оч-яланғоч, холдан тойган аскарлари билан Голлабрунда дуч келган душман армиясини бир кеча-ю бир кундуз тўхтатиб туриши керак эди, лекин бу, чамаси, мумкин эмас эди. Аммо мумкин бўлмаган нарсани ғалати бир тасодиф мумкин килди. Вена кўпригини алдамчилик билан жангиз кўлга киргизиб мазахўрак бўлган Мюрат Кутузовни ҳам алдамоқчи бўлди. У Цнайм йўлида Багратионнинг озигина отрядини учратиб, Кутузовнинг бутун армияси шу экан, деб ўйлади. Бу армияни ҳеч шубҳасиз, тор-мор қилиш учун у Вена йўлида колган қўшинларнинг етиб келишини кутмоқчи бўлди ва шу максад билан ҳар икки қўшин ҳам ўрнидан қимирламаслиги ва ўз вазиятини ўзгартираслиги шарти билан уч кунлик яраш таклиф қилди. Мюрат, хозир сулҳ тўғрисида музокара бўлаётibiди ва шунинг учун бекорга кон тўкилмаслиги мақсадида яраш таклиф қилаётibман, деб ишонтироқчи бўлди. Авантпостда¹ турган Австрия генерали граф Ностиц Мюрат элчисининг сўзига ишонди ва Багратион отряди томонга йўлни очик колдириб чекинди. Иккинчи бир элчи эса сулҳ тўғрисида музокара бўлаётibiди, деб рус қўшини ёнига борди ва уларга уч кунлик яраш таклиф қилди. Багратион бунга ҳа ёки йўқ деб жавоб беролмаслигини айтиб, бу таклифни Кутузовга маълум қилгани адъютантини юборди.

Бу яраш Кутузов учун холдан тойган Багратион отрядига дам бериш, юк-араваларни (буларнинг ҳаракати французлардан яширинча эди) Цнаймга томон ҳарна бир манзил илгари бостириш учун фурсат берадиган бирдан бир восита эди. Бу яраш таклифи армияни ҳалокатдан қутқазиши учун ягона ва ҳеч кутилмаган бир имконият берар эди. Кутузов бу хабарни олиши биланоқ хизматидаги генерал-адъютант Винценгеродени душман лагерига юборди. Винценгероде бу яраш таклифини қабул қилиш билангина қолмай, таслим

¹ Авантпост (французча) – қўшиндан илгарироқка, душманга якни қўйилган соқчилар ва улар эгаллаб турган жой.

Мюратта томон от қўйиб кетди. Бонапартнинг ўзи генералларига ишонмасдан, тайёр ғаниматни қўлдан бой беришдан қўрқиб, бутун гвардияси билан жанг майдонига караб жўнади. Тўрт минг кишидан иборат Багратион отряди эса бошига қандай кун келишини хаёлига ҳам келтирмай, гулхан ёқиб, кийим-кечакларини қуритиб, исиниб, уч кунлик сафардан кейин биринчи маротаба бўтқа пишириб ўтирас эди.

XV

Князь Андрей ахiri Кутузовнинг розилигини олиб кечки соат тўртларда Грунтга жўнаб Багратионнинг хузурига келди. Бонапартнинг адъютанти Мюратнинг отрядига ҳали етиб келмаган, шунинг учун жанг ҳам бошланмаган эди. Багратион отрядидагилар бу гаплардан бехабар бўлиб, сулҳ тўғрисида гапиришарди-ю, лекин сулҳ бўлишига кўзлари етмас эди. Жанг бўлиши ҳақида ҳам гапиришар, лекин бунинг ҳам яқин ўргада бўлишига ишонмас эдилар.

Багратион Болконскийни бош кўмондоннинг севимли ва ишончли адъютанти деб билиб, уни айrim эътибор ва илтифот билан қабул қилиб, бугун-эрта жанг бўлиш эҳтимоли борлигини айтди ва жанг вақтида истасангиз, менинг хузуримда бўлинг, истасангиз, аръергардда бўлиб чекинишни кузатиб турингки, «бу ҳам жуда муҳим иш», деди.

– Лекин бугун, эҳтимол, жанг бўлмас, – деди Багратион худди князь Андрейга тасалли бергандай.

«Агар у ҳам штабдан факат нишон олиш учунгина юбориладиган одатдаги олифталардан бўлса, аръергардда ҳам мукофот олиш мумкин, агар мен билан бўлишни истаса. майли... жасур офицер бўлса, зарур бўлиб колади», – деб ўйлади Багратион. Князь Андрей Багратионнинг сўзига жавоб бермай, топшириқ олган вақтида қаёқка боришини билиб қўйиш учун ҳозир позицияни, қўшинлар турган жойни айланиб қўришга ундан ижозат сўради. Чиройликкина. олифтагина кийинган, кўрсаткич бармогига олмос кўзли узук таққан, француздани яхши билмаса ҳам, жуда иштиёқ билан гапирадиган отряднинг навбатчи офицери князь

Андрейни бошлаб бормокчи бўлди.

Теварак-атрофда худди бир нимани қидириб юргандай ковоги солик, кийим-бошлари нам офицерлар, кишлоқдан эшик, ўриндик, деворларнинг тахтасини кўтариб келаётган аскарлар кўринар эди.

– Буларни ҳеч одам қилиб бўлмаяпти, князь, – деди штаб-офицери одамларни кўрсатиб. – Командирлар аскарларни ўз ҳолига кўйиб, мана бу ерга кириб олиб, баҳузур ўтиришади, – деди маркитант¹ чодирини кўрсатиб, – эрталаб ҳаммасини хайдаб юборган эдим, қаранг, яна тўплашишибди, бориб бир дўқ килниш керак, князь. Ҳозир.

– Юринг, бирга борайлик, мен ҳам пишлок билан нон олмоқчи эдим, – деди князь Андрей. У ҳали нонушта қилмаган эди.

– Ҳали нега айтмадингиз, князь? Ўзим нон-чой килар эдим-ку.

– Иккови отдан тушиб, маркитантнинг чодирига кирди. Чарчаган, юзлари қизарган бир неча офицер столлар ёнида еб-ичиб ўтиришар эди.

– Бу қандай гап ахир, жаноблар! – деди штаб-офицери худди шу гапни айтавериб жонига теккандай. – Хизматни ташлаб кўйиш ярамайди. Князь ҳеч кимни кўйма, деб буюрдилар. Бу қанақаси, жаноб штабс-капитан, – деди кичкинагина, афти-боши кир, ориқ (этигини маркитантга куритгани бериб), пайпоқчан ўтирган ва уларни кўргач, ўрнидан туриб ғайритабиий илжайиб турган артиллерия офицерига қараб. – Уят эмасми, капитан Тушин? – деди штаб-офицер, – сиз артиллериачисиз, ҳаммага намуна бўлишингиз керак эди, сиз бўлсангиз этиксиз ўтирибсиз. Шу вақтда тревога² бўлиб колса, жуда чиройли кўринасиз-да. (Штаб-офицер кулимсиради.) Қани, ҳаммаларинг жой-жойингизга жўнанглар, – деди пўписа қилиб.

Князь Андрей штабс-капитан Тушинга қараб беихтиёр

Маркитант (немисча: Marketender ёки итальянча: mercatante – савдогар) – ўрта асрлар ҳарбий кўшин билан бирга юриб озик-овкат моллари савдоси билац шугулланган савдогар.

Тревога (русча: тревожить – «ташвишлантирумок, хавотирга, вахимага солмок») – хавфли ҳолат ва ундан огохлантирувчи сигнал.

табассум қилди. Тушин индамасдан, оғирлигини гоҳ бир, гоҳ иккинчи оёғига солиб, катта-катта кўзлари билан маъноли мулойим бокиб, гоҳ князь Андрейга ва гоҳ штаб-офицерга савол назари билан қарар эди.

Капитан Тушин ўзининг ноқулай ахволга тушиб қолганини ҳазил билан ёпмоқчи бўлди, шекилли:

– Аскарларда яланг оёқ бўлсанг, абжиррок бўласан, деган гап бор, – деди кулимсираб ва кизариди.

Бирок у сўзини тамом қилмасданоқ бу ҳазили ўтмаганини пайқаб, хижолат бўлди.

– Кани, жўнайверинг, – деди штаб-офицер ковоғини очмасликка тиришиб.

Князь Андрей артилериячига яна бир қараб қўйди: унинг афт-боши жуда ғалати, хеч ҳарбийга ўхшамас, кишининг кулгисини кистатадиган, лекин жуда дилкаш эди. Штаб-офицер билан князь Андрей отланишиб, жўнашди.

Улар кишлоқдан чиқиб, йўлларда кетаётган ва келаётган аскарлар ва турли гуруҳофициерини учратиб боришар экан, сўл томондан ҳозиргина тупроғи чиқарилиб ташланган янги курилаётган истеҳкомни кўришди. Бир неча батальон аскар, изгирин бўлишига қарамасдан, кўйлакчан, худди ок чумолига ўхшаб шу истеҳкомда ивирсимиқда эди: тупрок тепанинг нариги томонида кимлардир курак билан қизил тупроқ отмоқда эди. Улар келиб, истеҳкомни кўришди, кейин ўтиб кетишли. Истеҳкомнинг орқасида дам олиб ўтирган бирмунча аскарларни кўришди. Улар бурунларини беркитиб, бу сассиқ жойдан тезроқ ўтиб кетиш учун отларини ниқташди.

– Лагернинг хиди курсин-да, князь, – деди навбатчи штаб-офицер.

Булар нариги томонидаги тепаликка чиқишли. Бу ердан француزلар кўриниб турар эди. Князь Андрей тўхтаб синчиклаб қарай бошлади.

Штаб-офицер энг баланд бир ерни кўрсатиб:

– Бизнинг батарея ху, ўша ерда турибди, ҳалиги ялан: оёқ ўтирган тентакнинг батареяси: у ердан ҳамма ёкни кўриш мумкин, юринг, князь, ўша ёққа борамиз, – деди.

– Раҳмат, энди ўзим боравераман, – деди князь Андрей штаб-офицердан тезрок кутулмоқчи бўлиб, – сиз ташвиш тортманг.

Штаб-офицер қолиб, князь Андрей ўзи якка кетди.

У олдинга юрган сари, яъни душманга яқинлашган сари кўшинларимизни тартибли ва руҳи баланд кўра бошлиди. Энг тартибсиз ва руҳи тушган қўшинни у эрталаб Цнаймга якин ерда француздардан ўн чакирим берида кўрган эди. Грунтда ҳам ташвиш ва бир қадар ваҳима бор эди. Аммо, князь Андрей француздарга яқинлашган сари кўшинларимизнинг бардам ва тетиклигини кўрар эди. Шинель кийган аскарлар саф тортиб туар, фельдфебель ва рота командирлари одамларни бўлимларга ажратиб санаар ва бўлимларнинг охирида турган аскарларнинг кўкрагига бармоғи билан никтаб қўлини кўтарар эдилар: бутун атрофга тарқалган аскарлар ёғоч ва шоҳлар ташиб, ўзаро чакчаклашиб чайла ясашар, гулхан атрофида кийимли ва яланғоч аскарлар кўйлакларини, пайтаваларини қуритиб ёки этик ва шинелларини ямаб ўтиришар, қозон ва бўтқапазлар атрофига уймалашиб туришар эди. Бир ротанинг тушлиги тайёр экан, аскарлар буғланиб турган қозонга ютиниб қарашар ва ўз чайласи олдидаги хари¹ устида ўтирган офицернинг капитенармус² ёғоч косада келтириб берган овқатни татиб кўришини кутишар эди.

Бошқа бирор арок бор омадлироқ ротада (арақ йўқ роталар ҳам кўп эди) аскарлар кичкина бочкани энгаштириб навбат билан тутилаётган сувдонларнинг қопкоғига арок куяётган чўтирилган фельдфебель атрофида уймалашиб туришар эди, аскарлар арокни худди «банияти шифо» дегандай кўтариб бирдан ютишар ва оғизларини чайқаб, шинелларининг енги билан лабларини артиб, хурсанд бўлиб фельдфебелнинг олдидан кетишар эди. Бу одамларнинг афт-ангоридан бу иш душманнинг рўпарасида, отряднинг кам деганда ярми қайтиб чиқмайдиган жанг

¹ Хари – иморат тўсинлари остидан қўйиладиган узун, йўғон асосий ёғоч.

² Каптенармус – ҳарбий қисмларда озик-овқат, кийим-кечак ва қурол-аслаҳа олиш ва бериш билан шутулланадиган хизматчи.

олдида эмас, балки худди мамлакатнинг ичкарисида осоийшта дам олишни кутиб ўтирган жойда бўлаётганга ўхшар эди. Князь Андрей мерғанлар полкidan ўтиб, худди шу хилда хушчақчақлик билан овора бўлган бўлиқ йигитлардан иборат Киев гренадёр полкига қарашли бир гренадёр взвод олдида чиқиб қолди. Бу взвод бошқа чайлалардан баландроқ бўлган полк командири чайласига яқин ерда бўлиб, саф тортган взвод аскарларининг олдида ялангоч бир киши ётар эди. Уни икки аскар тутиб турар, иккитаси эса чивик билан ялангоч орқасига кулочкашлаб савалар эди. Калтакланаётган одам бўкириб дод солар эди. Семиз майор аскарлар сафи олдида нари-бери юриб, унинг додига қулок солмасдан нуқул:

– Аскарга ўғирлик номус, – дер эди, – аскар деган ҳалол. олижаноб ва жасур бўлиши керак: ўз оғайнисининг нарсасини ўғирлаган бўлса, демак, номуси йўқ, бу абллаҳ. Ур, ур!

Ҳамон чивиқнинг шартиллаб теккани, калтакланаётган одамнинг бутун далани бошига кўтариб ёлғондакам дол солаётгани эшитилар эди.

– Ур, ур, – дер эди майор.

Ҳайрон бўлган ва ачинган ёш бир офицер бораётган адъютантга савол назари билан қараб, саваланаётган одамнинг олдидан нари кетди.

Князь Андрей олдинги маррага чиқиб, фронт бўйлаб кетди. Ҳар икки қанотдаги бизнинг аскарларимиз билан душман аскарлари ўртасидаги оралиқ анча узоқ эди-ю. лекин эрталаб элчилар ўтиб юрган ўрта бир жойи шу қадар яқин эдики, икки томондаги аскарлар бир-бирини баҳузур кўрар ва баҳузур гаплаша олар эди. Иккала томонда ҳам соқчиликда турган аскарлардан ташқари, яна кўп томошибинлар кўзларига ёт ва ғалати кўринган душманни томоша қилиб туришар эди.

Гарчи сокчи аскарларга яқин келиш ман қилинган бўлса ҳам, командирлар эрталабдан бери бу томошибинларни хай-даб кутулиша олмас эди. Худди тансик бир нарсани кўрса-таётгандай сокчи аскарлар энди французларга қарамай смена кутиб, зерикиб томошибинларни кузатишар эди.

Князь Андрей французларни дурустрок күргани тұхтади.

Аскарлардан бири ўртогига, офицер билан яқинроқ келиб француз үкчи аскари билан нима тұғридадыр жуда тез-тез гаплашаёттган рус үкчи аскарни күрсатиб:

– Уни кара, уни кара, французчани ҳам хўп қотирап эканми, французни ҳам йўлда қолдираётиби – деди. – Кани, Сидоров, сен ҳам бир гапир.

– Шошма, кулоқ сол, хўп қотирап эканми-а! – деди французча сўзлашга уста деб танилган Сидоров.

Аскарлар кулиб күрсатаёттган одам Долохов эди. Князь Андрей уни таниб, гапига кулоқ солди. Долохов сўл қанотда турган полкидан бу ерга ўз ротасининг командири билан келган эди. Рота командири олдинга энгашиб ва ўзи тушунмайдиган сўзнинг бирон калимасини ҳам эшитмай қолмасликка тиришиб: – Ҳа, гапир, гапир! Тез-тез гапир! У нима деяётиби – деди.

Долохов рота командирига жавоб бермасди: у француз аскари билан кизғин мунозара қилмоқда эди. Албатта, улар уруш тўғрисида гаплашаёттган эди. Француз, австрийликларни руслар гумон қилиб, руслар таслим бўлди ва Ульмдан зўрга қочиб қутулишди, дер эди. Долохов эса, руслар таслим бўлгани йўқ, ақсинча, улар французларни калтаклади, деб уқтирап эди.

– Сизларни бу ердан ҳам ҳайда десалар, ҳайдайверамиз, – деди Долохов.

– Ҳушёр бўлинглар, тагин казак-пазакларинг билан ҳаммаларингни асир олиб кетмайлик, – деди француз аскари.

Француз томошабинлар билан сокчи французлар кулиб юборишиди.

– Суворов вактида боплаганимиздай яна боплаймиз, – деди Долохов.

– Нима деб вакқиллаётиби ўзи? – деди бир француз.

– Эски гаплар – деди иккинчиси, гап илгариги уруш тўғрисида бораёттанини фаҳмлаб, – император Суворов-ларингга ва бошқаларингта ҳам күрсатиб кўяди...

Долохов гап бошламоқчи бўлиб энди:

– Бонапарте... – деган эдики, француз аччиги келиб унинг гапини бўлди-да: – Бонапарт эмас, император дегин! Лайнати... – деб бақирди.

– Императорингни бошингга ур!

Долохов русчалаб аскарчасига боплаб сўкинди-ю, милигина елкасига осиб:

– Юринг, Иван Лукич, – деди рота командирига.

– Французчасига гапириш мана бунақа бўлади, – дейишиди соқчи аскарлар. – Қани, Сидоров, сен ҳам бир бопла

Сидоров аскарларга кўз кисди-ю, французларга караб бидирлай кетди.

– Кари, мала, тафа, сафи, мутер, каска, – деди худди ростдан ҳам французча гапираёттандай.

– Хо, хо, хо! Ха, ха, ха! Ух! Ух! – аскарлар шундай қаҳқаҳа иб, ичакузди бўлиб кулишники, буларни кўриш француз ҳам беихтиёр кулиб юборишиди. Шундай қулгидан кейин милтиқларнинг ўқини олиб ташлаб, ўқ-дориларгз ўт қўйиб ҳамма уй-уйига кетаверса ҳам бўладигандай туюлар эди.

Бирок ўқланган милтиқлар, уйлар ва истехкомлардаги ўқ отиладиган ваҳимали тешиклар, бир-бирига қаратиб ўрнатиб қўйилган замбараклар ўша зайлда турар эди.

XVI

Князь Андрей ўнг қанот сўл қанотгача бутун маррана айланиб, штаб-офицернинг айтишига қараганда, бутун жан майдони кўринадиган батарея турган тепаликка чиқди. Берда отдан тушиб, қатор ўрнатилган замбаракдан бирининг олдида тўхтади. Замбаракнинг олдида юриб турган соқчи тўпчи офицерни кўриб «ростлан» вазиятида турмокчи бўлган эди, лекин князь Андрейнинг ишорасидан кейин янга боягидай бир киёмдаги зериктирадиган юришида даво этди. Замбаракларнинг орқасида тўп аравалари, ундан нарда қозикқа бояланган отлар ва артилериячилар гулхани кўзга ташланар эди. Энг четда турган замбаракнинг чап томони даги янги курилган чодирдан офицерларнинг қаттиқ-каттиқ гаплашаёттан овозлари эши билар эди.

Дарҳакиқат, батарея турган бу тепалиқдан бутун рус кўшинлари ва душман кўшинларининг ярмидан кўпи кўринар эди. Батареянинг рўпарасидаги нариги тепаликнинг чўккисида Шенграбен кишлоги бўлиб, унинг ўнг ва сўл томонида гулхан тутунлари орасида уч ерда анчагина француз кўшинлари кўринар, афтидан, буларнинг аксари қисми кишлоқ ичидаги тепаликнинг орқасида эди. Қишлоқнинг сўл томонида тутун орасида батареяга ўхшаган бир нарса кўринарди, лекин буни дурбинсиз ажратиш кийин эди. Кўшинларимизнинг ўнг қаноти французларнинг мэрраси яккол кўриниб турадиган хийлагина тик тепаликка жойлашган эди. Бу тепаликка бизнинг пиёда аскарларимиз жойлашган бўлиб, нариги четида отлик аскарларимиз кўринар эди. Тушин батареяси ўрнашган ва князь Андрей мэррани кузатиб турган бу тепалик ўрта ерда бўлиб, бунинг нишаб этагида бизни Шенграбен қишлоғидан ажратиб турган сой оқар, ундан нари яна тепалик бошланар эди. Сўл томондаги кўшинларимизнинг бир учи ўтин килаётган аскарларимизнинг гулханлари тутаб турган ўрмонга бориб тақалар эди. Французларнинг мэрралари бизнидан кўра кенгрок бўлиб, французлар бизни икки томондан осонгина ўраб олиши очик кўриниб туар эди. Бизнинг мэррамизнинг орқа томони тикка чукур жарлик бўлиб, артиллериямиз ва отлик аскарларимизнинг чекиниши учун кийин жой эди. Князь Андрей замбаракка суюниб, чўнтағидан қоғоз-қалам олди-да, кўшинларимиз қандай ўрнашганлигини режага чизиб олди. Багратионга маълум килмоқчи бўлиб икки жойига қалам билан белги қўйди. У, биринчидан, бутун артиллерияни ўртага гўплашни, иккинчидан, отлик аскарларни орқага, жарнинг у томонига ўтказиши мўлжаллар эди. Князь Андрей ҳар доим бош қўмондон билан бирга бўлиб, аскарларнинг ҳаракатини ва амр-у фармонларини кузатгани, жангларнинг тасвир ва тавсифи билан машғул бўлиб ўргангани учун бўлажак жанг ҳаракатлари қандай бўлишини тахминий тарзда дарров кўз тадига келтирди. У мана шундай кутилмаган катта тасодиф-зар рўй беришини эҳтимол тутди: «Агар душман ўнг қанотга тужум килса, – деди ўзича, – Киев гренадёр полки билан

Подольск егер полки то марказдаги эҳтиёт қисмлар етиб келгунча ўз мэрраларини кўлда тутиб туришлари керак бўлади. Бундай бўлган тақдирда драгунлар душман қанотга зарба бериб, улоқтириб ташлай олади. Агар душман ўртага ҳужум килса, биз ўртадаги батареяни шу тепаликка ўрнатиб, унинг ҳимояси остида сўл қанотдаги аскарларимизни олиб келамиз-у, жарликка томон эшелон-эшелон бўлиб чекинамиз», – деб ўзича муҳокама килар эди...

У батарея ёнига келганидан бошлаб қулогига капада ўтириб гаплашаётган офицерларнинг товушлари тинмай кириб турар, лекин улар нима тўғрида гапираётганликларини сира англамас эди. Кападан эшитилаётган товушлар бирдан шундай бир таъсирли оҳанг касб этдики, князь Андрей беихтиёр қулоқ солди.

– Йўқ, азизим, – деди ёқимли ва князь Андрейга танишдай бир овоз, – мен шуни айтмоқчиманки, агар одам ўлганидан кейин нима бўлишини билса эди, ҳеч ким ўлимдан кўркмас эди... Шундай, азизим.

Ундан кўра ёшрок бир товуш унинг гапини бўлиб:

– Кўрксанг, кўркмасанг барибир ўласан, – деди.

Учинчи бир йўғон товуш иккаласининг сўзини бўлиб:

– Мунча кўрқасизлар! Э, олимлар-ей, – деди. – Сиз артилериячилар, шунинг учун ҳам олимсизларки, ароғ-у газакларингни¹ бирга олиб юра оласизлар.

Йўғон товушли киши, пиёда аскар офицери бўлса керак. кулди.

– Ҳар қалай, кўркади киши, – деди биринчи таниш товуш, – нима бўлишингни билмаганлигинг учун кўрқасан. Ўлгандан кейин руҳинг осмонга чиқиб кетади, десанг ҳам... Биз ахир осмон йўқ эканлигини, бу фазо эканини биламизку...

Йўғон товуш артилериячининг сўзини яна бўлиб:

– Қани, Тушин, бир чеким тамакингиздан беринг-чи, – деди.

«Ха, бу ўша маркитантнинг чодирида этиксиз ўтирган капитан-ку», – деди мамнунийат билан князь Андрей фалсафа

¹ Газак – ичкиликдан кейин сийладиган егулик; иштаҳа очар енгил овқат.

сотаётган ёкимли товушни таниб.

Тамаки-ку, бераман-а, – деди Тушин, – лекин, ҳар қалай, келаси ҳаётни билиш... – Унинг сўзи оғзида қолди.

Шу пайт осмонда чийиллаган бир товуш эшитилди. Бу товуш борган сайин яқинлашиб, авж олиб, бирдан худди дами ичига тушгандай тинди-ю, тўп ўки капанинг яқинига тушиб гумбурлади. Ер ларзага келди.

Шу он кападан ҳаммадан бурун трубкасини қийшиқ тишлаб олган пакана Тушин чиқди, унинг жиддий юзи бироз оқаришган эди. Унинг кетидан ҳалиги йўғон товушли барваста пиёда аскар офицери чиқди-да, йўл-йўлакай тугмаларини сола-сола ўз ротасига томон чопиб кетди.

XVII

Князь Андрей батареянинг олдида отини тўхтатиб, ўқ отилган тўпнинг оғзидан чиқсан тутунга қаради. У кенг атрофга бошдан оёқ кўз югуртириб чиқди. У энди кўрдики, илгари тўпланиб қимирламай турган француздар ҳаракатга келди ва чап томонда, дарҳақиқат, батарея ҳам бор экан. Батарея устидаги тутун ҳали тарқалмаган эди. Отлик икки француз (эҳтимол, адъютант бўлса) тепаликка қараб от кўйди. Адирнинг этагида душманнинг кичикроқ бир колоннаси¹ олдинги қаторни кучайтириш учун бўлса керак, унга томон келаётганлиги яққол кўриниб турар эди. Биринчи отилган ўқнинг тутуни ҳали тарқалмасдан яна бир тутун кўринди-ю, гумбурлаган овоз эшитилди. Жанг бошланиши шу эди. Князь Андрей отнинг бошини қайтариб, князь Багратионни ахтаргани орқага қараб Грунтга томон от кўйди. У от кўйиб борар экан, орқасида бирин-кетин отилаётган ва борган сайин авж олаётган тўп овозларини эшитар эди. Бизнинг артиллериямиз ҳам душманга жавобан ўқ отар эди, шекилли. Пастда, элчилар ўтган ерда милтиқ товушлари эшитилди.

Колонна (француза: colonne – устун; қозик) – 1) иморатнинг томи, пештоки, қисмлари ва шу кабиларни кўтариб туришга хизмат қиладиган, асоси айланадан тўғри тўртбурчак шаклида бўладиган таянч, устун; 2) ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий бўлинмаларнинг бирин-кетин тизилган сафи; кетма-кет тизилиб борувчи замлар, машиналар ва шу кабилар гурухи, сафи (бу ерда шу маънода).

Лемарруа Бонапартнинг даҳшатли мактубини Мюратга ҳозиргина олиб келган экан, уялиб қолган Мюрат ўз хатосини тузатиш учун қаршисидаги озгина отрядни кечгача, яъни император келгунчаёк тор-мор килиш мақсадида дархол кўшинларини марказга ва ўраб олиш учун икки қанотга сурди.

«Ана бошланди! – деди князь Андрей борган сайин қони қайнаётганини сезиб. – Қани? Менинг Тулоним нимадан иборат бўлади!» – деб кўнглидан кечирди.

У чорак соат илгари бўтка еб, арок ичиб ўтирган роталар орасидан ўтиб борар экан, ҳамма ерда шошиб-пишиб саф тортаётган ва милтикларини олаётган аскарларни кўрар ва ҳар бир аскарнинг ҳам ўзидаёт қони қайнаб гайратга кирганини сезар эди. Ҳар бир аскар ва офицернинг юзида «Ана бошланди! Ҳам даҳшатли, ҳам кўнгилли!» – деган ифода ётар эди.

У қурилаётган истеҳкомга етмасдан гира-шира куз оқшомида узоқдан келаётган отлиқларни кўриб қолди. От мишиб олдинда келаётган одам елкасига енгиз чакмон ташлаған ва бошига барра телпак кийган эди. Бу – князь Багратион эди. Князь Андрей уни кутиб, тўхтади. Князь Багратион отини тўхтатди-да, князь Андрейни кўриб, унга бош иргади. Князь Андрей кўрганларини гапирав экан, князь Багратион ҳамон олфа қараб турар эди.

«Ана бошланди!» – деган ифода ҳатто Багратионнинг унча-мунча нарсадан ўзгармайдиган буғдойранг юзида ва уйқудан қолган сингари сузилиб турган кўзларида ҳам кўриниб турар эди. Князь Андрей унинг бепарво юзига безовталиқ билан жуда ҳам тикилиб қарап экан, шу тобда, у ҳам ўйлаётганмикан ва сезаётганмикан, бу одам нима ҳакида ўйлаётган экан ва нимани сезаётган экан, деб кўнглидан ўтказар эди. Князь Андрей унга қараб: «Сиртидан бундай кўринган бу одамнинг ичидаги умуман нима бор экан?» – деб ўзига савол берар эди. Князь Багратион князь Андрейнинг сўзини маъқуллаганига ишора килиб бош иргади-да, худди ҳозир рўй берадиган ва ҳозир унга айтилган ҳодисаларни ўзи олдиндан билгандай, «яхши», деб айта қолди. Князь Андрей

отини тез чоптириб кетганидан ҳансираб гапирав эди. Князь Багратион худди шошишнинг ҳожати йўқ, дегандай, салмоклаб ўзининг Шарқ лаҳжаси билан гапирав эди. Лекин у, Тушин батареясига қараб кетаётганида отини чоптириди. Князь Андрей штаб аскарларига қўшилиб унинг кетидан кетди. Князь Багратион кетидан бош штаб-офицери, князниң шахсий адъютанти Жерков, ординарец, чиройли инглизча ясатилган от мингандан навбатчи штаб-офицери, урушни томоша қилгани ижозат олган чиновниги аудитор¹ борар эди. Барваста, юзи лўппи, отнинг устида силкиниб атрофга тиржайиб қараб бораётган аудитор гусарлар, казаклар, ва адъютантлар орасида ўзининг кигизга ўхшаган шинели, остидаги немисча эгари билан ғалати кўринарди.

– Бу киши урушни томоша қилмоқчи, – деди Жерков Болконскийга аудитории кўрсатиб. – Ҳалитдан юраги орқасига уриб кетаётибди-ю.

Аудитор Жерковнинг тегишганини ўзига бир мартаба леб билгандай ва худди ўзини жўрттага яна ҳам гўлрок кўрсатмоқчи бўлгандай риёкорона тиржайиб:

– Кўйсантиз-чи, – деди.

– Жуда қизик, жаноб князь. – деди навбатчи штаб-офицер. (У князъ деган сўз французчасига жуда галати та-лаффуз килинишини билар эди-ю, сира ўринлатиб айта олмас эди).

Улар Тушин батареясининг олдига энди келишган ёдики, шу чоғ булардан сал нарирокка тўп ўки тушди.

– Нима у тушган? – деди аудитор тиржайиб.

– Француз ёнғоги, – деди Жерков.

– Ёнғоқ отишар экан-да? – деди аудитор. – Буни қаранг!

Аудитор бу гаплардан жуда маза қилгандай буткул тарвайиб кетди. У ҳали гапни тугатар-тугатмас, яна бир ўқувуллаганича келиб, худди суюқ бир нарсага тушгандай затоплаб кетди. Аудитордан кейинда, унинг ўнг томонида

¹Аудитор (латинча: auditor – тингловчи) – белгиланган тартибда аудиторлик манзили билан шуғулланиш ҳукукини олган (ваколатлар берилган) ва аудиторлар бўйи рўйхатига киритилган шахс (мутахассис).

бораётган казак от-поти билан ерга кулади. Жерков билан навбатчи штаб-офицер эгар устида энгашыб отнинг бошини буришди. Аудитор казакнинг рўпарасида тўхтаб, унга ти-килганича қараб қолди. Казак ўлган, от ҳануз жон бермоқда эди.

Князь Багратион кўзини кисиб, орқасига қаради-да. одамларнинг тўзиб қолганига сабаб бўлган нарсани кўриб. худди: «Шунақа арзимайдиган нарсалар билан ҳам овора бўладими киши» дегандай, бепарволик билан юзини ўтириди. У ўткир чавандозларга хос бир ҳаракат билан отини тўхтатди-ю, салгина энгашиб, чакмонига илиниб қолган қиличини тузатди. Унинг қиличи қадимий қиличлардан бўлиб, ҳозирги қиличларга ҳеч ўхшамас эди. Князь Андрей Италияд-Суворов Багратионга ўз қиличини қандай тақдим килгани-лиги тўғрисидаги ҳикояни эслади ва бу хотирот шу пайт унга жуда яхши туюлди. Улар ҳали Болконский жант майдонини кузатган тепаликдаги ўша батареянинг олдине боришли.

– Бу кимнинг ротаси? – деб сўради Багратион ўқ-дорн кутилари олдида турган фейерверкердан.

У: «Кимнинг ротаси?» – деб сўраган бўлса ҳам, аслида: «Ҳалидан юракларинг пўкиллаётибдими?» – демокчи эд¹ Фейерверкер буни фаҳмлаб олди.

Сап-сарик, юзини сепкил босган фейерверк¹; «ростлан» туриб, баланд овоз билан: – Капитан Тушинин ротаси, жаноби олийлари, – деб жавоб берди.

– Ҳа, ҳа, – деди Багратион ниманидир ўйлаб, сўнгра таравалари олдидан ўтиб, энг четдаги тўпнинг олдига борди.

У келиши биланок, тўп гумбурлаб, унинг ва ёнидан одамларнинг кулогини қоматга келтирди ва тўпни бирдагчулғаб олган тутуни орасида шошиб-пишиб зўр бериб тўпни аввалги жойига итараётган артилериячилар намоён бўлди. Кенг елкали, норгул, тўп тозалайдиган чўтка кўтарган саринчи номер аскар бир сакраб ўзини фидиракнинг олдине олди. Иккинчи номер аскар қўллари қалтираб, тўпнинг оғизга ўқ солар эди. Бироз букчайган паканарок офицер Тушини

¹ Фейерверкер – Чор Россияси армиясида артиллерия унтер-офицери.

тўпнинг пишангиға қоқиниб, генерални кўрмасдан, кўзини кичкина қўли билан қоплаганича олдинга югуриб чиқди.

У ингичка товушини кичкина гавдасига келишмайдиган бир тарзда йўгон килишга ҳаракат қилиб:

Яна икки чизик юкорироқ олгин, худди ўзига тегади, – деб қичқирди. – Иккинчи, – деб чийиллади. – Титигини чиқар, Медведев!

Багратион уни олдига чакирди. Тушин ҳарбийларча эмас, худди фотиҳа бераётган руҳонийдай, уч бармоғини шапкасининг соябонига қўйиб, генералнинг олдига келди. Тушинга сойликни тўпга тутиш топширилган бўлса ҳам, у тепалиқдан кўриниб турган Шенграбен кишлоғини ёндирадиган ўққа тутмоқда эди, чунки бу Кишлоқдан сал пастрокда кўпгина француз аскарлари ҳаракат қилмоқда эди.

Тушин ҳеч ким қаерга ва қанақа ўқлар отишни буюрган эмас, лекин ўзининг якин кўрган кишиси фельдфебель Захарченко билан маслаҳатлашиб, шу қишлоқ ёндириб юборилса яхши бўлар эди, деган карорга келган эди. Багратион офицернинг ҳисоботини эшитиб, «яхши», деб бир нарсанни ўйлаб кўраётгандай, якқол кўриниб турган жанг майдонини кўздан кечира бошлади. Француздар ўнг томондан анча якинлашиб қолган эди. Киев полки турган тепаликнинг этагидаги сойликдан юракни ваҳимага соладиган қасуркусур милтиқ товушлари эшитилди ва бош штаб-офицери яна ҳам ўнгроқдан, драгун полкининг орқасидан бизнинг канотимизни айланиб ўтаётган француз колоннасини кўрсатди. Чап томон ўрмонзор эди. Князь Багратион ўртадаги икки батальонни ёрдам учун ўнг томонга юборишни буюрди.

Бош штаб-офицери, агар бу икки батальон бу ердан кетса тўплар ҳимоясиз қолажагини айтган эди, князь Багратион унга хўмрайиб қаради-ю, индамади. Князь Андрейнинг назарида, бош штаб-офицерининг гали тўғри бўлиб, дарҳакикат, бунга қарши бир нима дейишнинг ўрни йўқ эди. Лекин шу пайт, сойликда турган полк командирининг ҳъютантини, француздарнинг жуда катта кучи пастдан «елаётгани, полк жанговар сафи бузилиб Киев гренадёrlар

полкига томон чекинаётгани ҳақида хабар келтирди. Князь Багратион полкниң ўша томонга чекинганини маъкуллаганига ишора қилиб, бош ирғади. У отини битта-битта қадам ташлатиб, ўнг томонга борди-да, французларга хужум килиш тўғрисида буйрук бериб, адъютантини драгун полкига юборди. Бирок юборилган адъютант ярим соатдан кейин, драгун полкининг аллақачон жарликнинг у томонига чекингани ҳақида хабар олиб келди. Французлар унинг полкини қаттиқ ўқка тутган экан, полк командири одамлар бекорга нобуд бўлмасин, деб аскарларини ўрмонга киргизиб юборибди.

– Яхши! – деди Багратион.

У батареяning олдидан энди жўнаган эдики, сўл томондаги ўрмондан ҳам милтиқ овоздари эшитилди: князь Багратион сўл қанот узоқ бўлгани учун ўзи бормай, Жерковни юбориб, ўша Браунауда полкини Кутузовнинг кўригидан ўтказган кекса генералга ўнг қанотимиз душманни узок тутиб турга олмаслиги эҳтимоли борлиги учун мумкин қадар тезрок жарликнинг у томонига чекинишини тайинлади. Тушин батареяси билан уни химоя қилиб турган батальон эсдан чиқиб қолди. Князь Андрей князь Багратионнинг командирлар билан гаплашаётган гапларига ва уларга бераётган амр-фармонларига диккат билан қулоқ солар экан. шуни пайқади ва шунга ҳайрон бўлдикси, князь Багратион ҳеч қандай буйрук бермай, факат заруран, тасодифан, ундан ижозатсиз айрим командирларнинг ихтиёри билангина килинган ишларни маъкуллаш билан гўё ўзи ҳам шундай буйрук бермоқчи бўлганлигини кўрсатмоқчи бўлар эди. Князь Андрей шуни ҳам пайқадики, гарчи бўлаётган ишлар тасодифий ва бошлиқнинг ихтиёридан ташқари қилинаётган бўлса ҳам, князь Багратионнинг шу ерда ҳозир бўлишининг ўзиёқ катта фойда етказар эди. Асабийлашган командирлар Багратионнинг олдига келганда босилишар, аскарлар билан офицерлар унга баланд овоз билан салом беришар эди; у ҳозир бўлган жойда аскарларнинг руҳи кўтаришлар ва, афтидан, унинг олдидаги ўзининг жасурлигини кўрсатишга ҳаракат қилишар эди.

XVIII

Князь Багратион ўнг қанотимизнинг энг баланд жойига чиқди-ю, кейин қасур-кусур ўқ товушлари эшитилаёттан жарга томон туша бошлади. Бу ерда порох тутунидан ҳеч нарса кўринмас эди. Улар жарга тушиб борган сари, тутун куюқлашиб ҳеч нарса кўринмаса ҳам, лекин ҳакиқий жанг майдони яқинлашаётганлиги кўпроқ билинар эди. Йўлда ярадорлар кўрина бошлади. Бошидан ўқ еган яланг бош бир аскарни икки аскар қўлтигидан кўтариб олиб борар эди. Ярадор хириллар ва тупурар эди. Ўқ унинг оғзи ёки томогига теккан бўлса керак. Яна бир ярадор қуролсиз, ўзи якка, бардам қадам ташлаб ҳозиргина ўқ теккан ва шинелига кон шовуллаб оқаёттан қўлини силкиб-силкибвой-войлаб келмоқда эди. Унинг афти азоб чекаётгандан ҳам кўра, кўпроқ кўркканга ўхшар эди. У ҳозиргина ўқ еган эди. Князь Багратион штаб аскарлари билан йўлни кесиб ўтиб, сойликдан пастга туша бошлаганда ён бағирликда ётган бир неча аскарни кўрди, яна бир тўп аскар учради, уларнинг ичидаги ярадор бўлмаганлар ҳам бор эди. Аскарлар ҳансира б тепаликка чикиб боришар, генерални кўриб ҳам қўлларини силкитиб қаттиқ-каттиқ гапиришар эди. Пастликдан тутун ичидаги қатор бораётган аскарларнинг кулранг шинеллари кўрина бошлади ва офицер Багратионни кўриб, кетиб бораётган аскарларни қайтармоқчи бўлиб, уларнинг кетидан чопиб кичқириди. Багратион унда-бунда ўқ отилиб, кичкирик ва буйруқ товушларини босиб турган аскарлар сафига қараб борди. Ҳамма ёкни порох тутуни босиб кетган эди. Аскарларнинг юзи порохдан қорайиб кетган, ўзлари ғайратга кирган эди. Бири сумба урап, иккинчиси милтиққа дори солар ва сумкадан ўқ олар, учинчиси милтиқ отар эди. Лекин ер-кўкни босиб кетган тутунни шамол олиб кетмаганлиги учун улар кимга қараб ўқ отаётганини билиб бўлмас эди. Тез-тез гувуллаган ва чийиллаган товушлар эшитилар эди. Князь Андрей тўпланиб турган аскарларга яқинлашар экан: «Бу нима экан? – деди ўзича. – Олдинги қатор десам, тўпланиб туришибди! Ҳужум киляпти десам, кимирлашмаётиби: ўзини мудофаа қилгани тўпланишган десам,

туришлари нотүгри».

Полк командири бўлмиш озғин, кўринишдан заифгина, ковоги кўзининг ярмидан кўпини қоплаб, уни эзгу бир киёфага киргизган чол мулойим табассум билан князь Багратионнинг олдига келди ва уни худди азиз меҳмонидай карши олди. У князь Багратионга ўз полкига қарши французларнинг отлик аскарлари хужум килганини ва бу хужум қайтарилган бўлса ҳам, лекин полк аскарларининг ярмидан кўпи нобуд бўлганини билдириди. Полк командири полкида бўлган ҳодисага ўзича ҳарбий ном бериб, хужум қайтарилди деди, лекин шу ярим соат давомида полкида нима ҳоллар рўй берганини ўзи ҳам билмас ва полки французларнинг хужумини қайтардими ёки хужум натижасида тор-мор бўлдими – буни аниқ айтольмас эди. У бошида фақат шуни билдики, бутун полкка замбарак ўки ёки гранаталар¹ ёғилиб, одамларга тега бошлади ва кейин кимдир «отликлар» деб қичқирди-ю, бизнинг аскарларимиз ўқ ота бошлади. Улар шу вақтгача аллакачон кетиб қолган отлиқ аскарларга эмас, балки сойлиқда пайдо бўлиб, бизнинг аскарларимизни ўқка тутаётган француз пиёда аскарларига қараб отишмоқда эди. Князь Багратион худди бу нарсалар кўнглидагидай бўлганига ва шундай бўлишини кутганига ишора килиб, бош иргади. У адъютантта қараб адирдан олтинчи ўқчи полкининг ҳали йўлда учраган икки батальонини олиб келишини буюрди. Князь Андрей шу пайт князь Багратионнинг юзида пайдо бўлган ўзгаришни кўриб, ҳайратда қолди. Унинг юзи худди иссик кунда ўзини сувга ташламоқчи бўлиб, сувга томон сўнгги қадамни босаётган кишининг юзидек бир фикр ва зўр қатъиятни ифода килар эди. Кўзлари ҳам илгаригидай нурсиз, уйкудан қолган кишининг кўзидай эмас, ўзини чукур фикр килаёттандай кўрсатишга ҳам ҳаракат қилмас: у ҳамон боягидай осойишта ва салмоқли ҳаракат қилса ҳам, қарчигайники сингари ўткир кўзлари ҳеч нарсада тўхтамай ўйнар ва бир қадар нафратомуз олға бокар эди.

Бу ер жуда хавфли бўлганилиги учун полк командири

¹ Граната (италиянча: granata < лотинча: granatus – донадор) – портловчи модда тўлдирилган артиллерия снаряди.

князь Багратионнинг бу ердан кетишини сўраб ёлворар эди. «Шундок қилинг, жаноби олий, худо ҳаки! – деди бошқа томонга ўтирилган штаб-офицерга сўзимни кувватла, дегандай қараб. – Мана кўрдингизми». У атрофда тинмай ғувуллаб, чийиллаб турган ўқларга ишора қилди. У қўлига болта олган хўжайинига «биз ўрганиб қолганмиз, кўйинг, сизнинг қўлингиз қаваради», деяётган хизматкордай ёлвориб, зорланниб гапирап эди. У гўё ўзига ўқ тегмайдигандай гапирап ва унинг ярим ёпиқ кўзлари бу сўзларини яна ҳам ишонарлирок килиб кўрсатар эди. Штаб-офицер ҳам полк командирининг сўзига қўшилди, лекин князь Багратион уларнинг сўзига жавоб бермай, келаётган икки батальонга жой бериш учун ўқ отишни тўхтатиб, ўрин бўшатишини буюрди. У гапираётган вақтида бирдан кўзгалган шамол жарни қоплаб турган тутунни чап томонга олиб кетди-ю, рўпарадаги адир ва ундан шу томонга қараб келаётган француздар барадла кўриниб қолди. Ҳамма бирдан паст-баланд адирдан иланг-билинг бўлиб, биз томонга тушиб келаётган француз колоннасига тикилиб қолди. Аскарларнинг пахмок шапкаларини очик кўриш, офицерларни аскарлардан фарқ қилиш мумкин бўлиб қолди: байроқларнинг пирпираб сопига урилиши кўриниб турар эди.

Багратионнинг штаби аҳлидан кимdir:

– Келишини қара-я! – деб кўйди.

Колоннанинг боши жарга тушди. Тўқиниш бу томондаги ён бағирликда бўлиши керак эди...

Жанг қилган полкимизнинг қолган-кутгани шошиб-пшиб сафланди-ю, ўнг томонга қараб кетди: уларнинг ўрнига битта-яримта қолган соддатларни ҳайдаб, олтинчи ўқчи полкнинг икки батальони келиб ўрнашди. Булар ҳали Багратионга яқинлашмасданоқ уларнинг бараварига ташлаётган оғир қадам товушлари эшитилиб турар эди. Кулча юзли, барваста, Тушин батареяси турган тепаликдаги ўша кападан югуриб чиққан рота командири сафнинг чап томонидан, Багратионнинг яқинрогидан тиржайганича қадам ташлаб борар, у, афтидан, шу тобда бошлиқларнинг олдидан боплаб қадам ташлаб ўтишдан бошқа ҳеч нарсани ўйламас эди.

У йүгон оёкларини худди ерга теккизмагандай енгил-енгил одим отиб, ўзини «ростлан» вазиятида тутишдан хеч кийналмай, шу енгил харакати билан огир-огир кадам ташлаб кетаёттан аскарлардан ажралиб, ҳарбийларга хос ғурур билан борар зди. У ёнига ялангоч ингичкагина килич (куролга хам ўхшамайдиган эгри бир киличча) осиб олган, гох бошликларга томон ва гох бутун гавдаси билан ўтирилиб, лекин кадамини янгиштирмасдангина оркасига қарап зди. У бошликларнинг олдидан жуда боплаб ўтишга жон-жаҳди билан тиришаётганга ва буни койил қилаёттанигини хис килиб, ўзи нихоятда ҳурсанд бўлаётганга ўхшар зди. У худди ҳар кадамда ўзича «Левой... левой... левой...» – деяётганга ўхшар, буюм халта, ярок-аслаҳадан оғирлашиб катор бораётган ва бир-бирига ўхшамаган, лекин ҳаммасининг хам юзида жиддият бўлган бу юзларча аскарнинг ҳар бири хам шу макомда кадам ташлаб, ичида «левой... левой... левой...» – деб бораёттандай туюлар зди. Семиз майор ҳансираф ва ҷалакам-ҷатти кадам ташлаб, йўл бўйидаги бутани айланиб ўтди: кейинда колган аскар энтикиб, лапашанглигидан, орқада колганидан қўркиб лўқиллаганича ротага етиб олди. Тўп ўки Багратион билан штаб аскарларининг тепасидан ғувуллаб ўтиб, баравар кадам ташлаб бораётган аскарлар колоннаси устига тушди. Рота командирининг ифтихор билан: «Сафланинг» – деган товуши эшитилди. Аскарлар тўп ўки тушган жойдан ниманидир айланиб ўтишди, ҳалок бўлганларга қараб кейинда қолган новча, кекса, нишонли унтер-офицер чопкиллаб сафига етиб олди-ю, бир иргиб оёгини бошқаларга тўғрилаб, жаҳл билан яна орқага қараб кўйди. Тахликали бир киёфада гурсуллаб ерга тушаётган қадам товушлари орасидан «Чап... чап... чап...» – деган садо эшитилаёттандай туюлар зди.

– Офарин, йигитлар! – деди князь Багратион.

Сафлардан «Хизматга тайёрмиз... жаноб...» деган садо эшитилди. Сўл томонда бораётган ковоғи солик аскар кичкириб ўтар экан, худди: «Ўзимиз биламиз», дегандай килиб, Багратионга қаради; яна бир аскар, қарасам кейинда коламан, деб қўрқандай, қарамасдан, оғзини катта очиб

кичкіриб ўтди.

Тұхташ ва буюм халталарини елқадан тушириш тұғри-
сида буйрук берилди.

Багратион ҳозиргина олдидан ўтган аскарлар сафини
айланиб ўтиб, отдан тушди. У отининг жиловини казакка
тутқазиб, чакмонини ечиб берди. Кейин оёқларини рост slab,
бошидағи телпагини тузатиб күйди. Олдинда офицерлари
келаёттан француздар колоннасининг боши адирнинг
этагида күрінди.

Багратион баланд кескин товуш билан:

– Худо ёр бұлсın! – деб аскарлар сафига қайрилиб бир
қаради-ю, кейин сал-сал құл ташлаб, худди пиёда юргани
қийналаёттандай одим отиб, паст-баланд ердан олға қараб
кетди. Князь Андрей Багратионни қандайдыр бир зүр күч
олга олиб бораёттанини сезиб терисига сиғмай кетди¹.

Француздар яқинлашиб қолған эди: Багратионнинг
ёнида бораёттан князь Андрей француздарнинг елқадан
тортиб боғланған қайишларини, кизил эполетларини барад-
ла құрар, ҳатто уларнинг юзларини бир-биридан ажратса олар
эди. (У кекса бир француз офицери майиб оғини судраб,
буталарни ушлаб тепаликка зүрга чиқиб бораёттанини аник
күрди.) Князь Багратион бошқа ҳеч қандай буйрук бермас-
дан, индамаганича сафнинг олдидә борар эди. Бирдан фран-
цуздар сафидан битта ўқ чиқди, унинг кетидан яна битта,
яна... ва уларнинг бузилған сафидан тутун күтарилиб, қасир-
кусур бошланиб кетди. Бизнинг одамлардан бир неча киши,
шу жумладан, ифтихор билан шахдам қадам ташлаб бораёт-
тан күлча юзли офицер ҳам кулади. Француздар томонидан
бириңчи ўқ чиқиши биланок, Багратион орқасига қаради-ю,

¹ Худо ёр бұлсın! – деб аскарлар сафига қайрилиб бир қаради-ю, кейин сал-
сал құл ташлаб, худди пиёда юргани қийналаёттандай одим отиб, паст-баланд
ердан олға қараб кетди. Князь Андрей Багратионни қандайдыр бир зүр күч
олга олиб бораёттанини сезиб терисига сиғмай кетди – Тъер (руслар катта
жасурлик күрсатыши; урушда жуда кам учрайдиган ходиса бұлды, иккى пиёда
күшин бир-бирига қарши юрди-ю, то тұқиниши бұлғунча биронтаси ҳам ён
бермади) деган ўша хужум шу ерда бўлған эди. Бу хужум тұғрисида Наполеон эса
Мұқаддас Елена оролида бундай деган эди: Бир неча рус батальони довораклик
күрсатди.

«Ура!» – деб кичкирди.

«Ура-а-а-а!» садоси бизнинг сафлар бўйлаб чўзилиб кетди-ю, аскарларимиз князъ Багратиондан ва бир-бирла-ридан ўтиб, ёпирилиб, сафи бузилган французларнинг кети-дан гуруулашганича адир этагига караб чопишиди.

XIX

Олтинчи егер полкининг хужуми ўнг канотимизнинг чекинишига имконият берди. Шенграбен кишлогини ёнди-риб юборишига ултурган Тушиннинг унугуилган батареяси марказга караб келаётган французларни тўхтатди. Француз-лар шамол гуруллатиб юборган ёнғинни ўчириш билаи овора бўлганда, бизнинг аскарларимиз бундан фойдаланиб, чекинишиди. Марказдаги аскарларимиз жарликдан жадал харакат билан тўполон килиб ўтишиди, шундок бўлса ҳам, ҳарбий гурӯхлар бир-бирига араласиб кетмади. Лекин Ланн бошчилигидаги французларнинг катта кучи айни вактда ҳам хужум килгани ва ҳам ўраб олгани натижасида Азов ва Подольск пиёда аскарлар полки ҳамда Павлоград гусарлар полкидан иборат бўлган чап канотимиз тўзиб кетди. Багратион чап канотимизнинг генерали олдига Жерковни юбориб, тезда чекиниши буюрди.

Жерков қўлинин шапкасининг соябонидан олмасдан, чакқонлик билан отини буриб чопиб кетди. У Багратиондан кўп ҳам узокка кетмасдан дармони куриди. У вахимага тутиб, хатарли жойга боргани оёғи тортмади.

У чап канотимизда турган кўшинларга еттанди нарига, яъни отишма бўлаётган томонга бормай, генерал ва бошликларни шу атрофдан, улар бўлмайдиган жойлардан ахтарди ва шунинг учун буйрукни етказа олмади.

Чап канотнинг кўмандонлиги унвон жиҳатидан катта, яъни генерал бўлганлиги учун ўша Браунауда полкини Кутузов кўригидан ўтказган, Долохов аскар бўлиб хизмат килган полк командирига топширилган эди. Энг чап канотнинг кўмандонлиги эса Ростов хизмат килаётган Павлоград полкининг командирига топширилган эди, шунинг орқасида англашилмовчилик чикди. Ҳар иккала командир ҳам бир-

биридан аччиқланган бўлиб, ўнг қанотимизда жанг бораётган ва французлар ҳужум бошлаган бир вактда улар бир-бирини камситиш максадида мунозара билан банд эдилар. Полклар эса – гусарлар полки ҳам, пиёда аскарлар полки ҳам урушга дуруст тайёр эмас эди. Полкларнинг аскаридан тортиб то генералигача ҳеч ким уруш тўғрисида ўйламай, тинч вактдаги ишлар билан бемалол машгул бўлиб, отликлар от бокиш, пиёдалар ўтин килиш билан банд эди.

Асли немис бўлган гусар полковниги генерал юборган адъютантта:

– Мен полковник, у генерал, – деди жахлдан қизариб, – нима килса килаверсин! Мен гусарларимни қурбон кilmокчи эмасман. Трубачи¹!. Чал трубангни, чекинамиз.

Бирок фурсат жуда танг бўлиб колди. Ўнг томонда, ўртада тўп ва милтиқ овозлари гумбурларди, Ланн бошчилигидаги француз ўқчилари тегирмоннинг тўғонидан ўтиб, милтиқ ўки етмайдиган масофада саф торта бошлади. Пиёда аскарлар полкининг командири одатдагича гавдасини силкита-силкита қадам ташлаб, отининг олдига келди ва отини миниб қоматини баланд кўтарганича, Павлоград полки командирининг олдига кетди.

Полк командирлари ичларида бир-бирларидан жуда аччиқланган бўлсалар ҳам юзаки ҳурмат билан саломлашди.

– Ҳар қандай бўлганда ҳам, полковник, – деди генерал, – мен аскарларнинг ярмини ўрмонда қолдира олмайман, маррани ишғол қилиб, ҳужумга тайёрланинг.

– Мен ҳам сўрайман, генерал, сиз бошқаларнинг ишига аралашманг, – деди полковник қизишиб. – Агар суворий бўлганингизда эди...

– Мен суворий бўлмасам, ҳам, рус генералиман, полковник, агар буни билмасангиз...

Полковник қизариб-кўкариб, тўсатдан: – Яхши биламан, жаноби олийлари, – деди кичкирди отини никтаб.

– Марҳамат қилиб, олдинги қаторни бориб кўрсангиз, бу марранинг тамоман ярамаслигини билар эдингиз. Сизнинг

¹ Труба – баланд очик товуш чикарадиган пулфлама мусика асбоби.
Трубачи – труба чалувчи созанда ёки сигналчи.

хохишиңгизни деб мен ўз полкимни кириб ташлатаманми?

– Унча катта кетманг, полковник. Мен ўз хохишимни деб иш қилаёттаним йўқ, бундай дейишга йўл хам кўймайман.

Генерал ботирлик вожидан бел ушлашиб кўриш хусусида полковникнинг тақлифини қабул қилиб, кўкрагини кўтарди-да, ковоғини солиб, у билан бирга, худди бу баҳс нифок олдинги каторда, яъни ўқ ёғилиб турган жойда ҳал бўладигандай, олдинга каторга қараб кетди. Иккови олдинги каторга етиб келди, уларнинг бошларидан бир неча ўқ визиллаб ўтди, иккови ҳам индамай тўхтаб колди.

Олдинги каторни келиб кўришнинг хожати ҳам йўқ эди, чунки улар турган ҳалиги жойнинг ўзиданок бу бутазор-у жарликларда кавалериянинг¹ иш кўриши ҳам мумкин эмаслиги ва французлар чап канотдан айланиб ўтаётганлиги яккол кўриниб туар эди. Генерал билан полковник, кани, ким юраклирок экан деб худди ҳозир тепишадиган хўроздлар сингари бир-бирига ғўдайиб туришар эди. Иккови ҳам сир бой бермади. Гаплашадиган гап бўлмагани, бир-бирининг ўқ остидан аввал сен кочдинг, дейишига баҳона топилишни истамагани учун агар шу чоғ орқадаги ўрмондан қасур-кусур милтиқ товуши ва бўғик дод-фарёд овозлари эшитилмаганда эди, иккови бир-бирининг довюралигини синааб узок турган бўлар эди. Французлар ўрмонда ўтин қилаёттан аскарларга ҳужум қилишган эди. Энди гусарларнинг пиёда аскарлар билан биргаликда чекиниши мумкин бўлмай колди. Уларнинг чалга томон чекинадиган йўлини французлар тўсди. Энди паст-баландлик деб ўтирасдан, йўл очиш учун ҳужум қилиш зарур бўлиб қолди.

Ростов хизмат қилаёттан эскадрон эндингина отланган эди, душман якинлашиб колди. Энс кўпргида содир бўлгандай, яна эскадрон билан душман юзма-юз қелиб колди, яна уларнинг орасида хаётни мамотдан ажратадиган чизик сингари у томони номаълум ва қўркинчли бўлган чизиккина туар эди. Ҳамма шу чизикни ҳис қилар ва бундан ўтамизми-йўкми, ўтганда қандок ўтамиз, деган савол одамларни

¹ Кавалерия – отлик кўшин.

хаяжонга солар эди.

Полковник отланган эскадрон олдига келди, офицерларнинг саволларига жеркиб жавоб берди ва ўз гапини ўтказаётганини кўрсатмокчи бўлиб, аллақандай бир буйруқ берди. Ҳеч ким тайнинли бир нарса демаган бўлса ҳам, бутун эскадронда, хужум килар эмишмиз, деган гап таркалди. Саф бўлиш ҳакида буйруқ берилди. Сўнгра киличлар визиллаб киндан сугурилди. Лекин ҳануз ҳеч ким ўрнидан қимирламас эди. Чап қанотда турган пиёда аскарлар ҳам, гусарлар ҳам, бошликлари нима килишларини ўzlари ҳам билмаётгандикларини сезишди ва бу иккиланиш кайфияти кўшиналрга ҳам ўтди.

Гусар ўртокларидан хужумнинг таърифини кўп эшигган Ростов унинг гаштини суриш пайти келганини сезиб, «тезроқ бўла қолса-чи», деб ошикар эди.

– Худо ёр бўлсин, йигитлар, – деди Денисов баланд овоз билан, – от қўйинглар!

Олдинги сафдаги отлар ҳаракатга тушди. Грачик бошини силкиб, ўзи юриб кетди.

Ростов ўнг томонда ўз гусарларининг олдинги сафларини кўрди. Ростов улардан анча олдинда қорайиб турган нарсани кўриб, нима эканини ажратса олмаса ҳам, душман деб тахмин килди. Узоклардан милтиқ овозлари эшитилар эди.

– Отларнинг қадами тезлатилсин! – деган буйруқ эшитилди. Ростов Грачикнинг тобора учеб бораётганини хис килди.

У Грачикнинг чопкир чиқишига кўзи етган эди: ҳозир эса борган сайин вакти чоғ бўлиб борар эди. У узоқдаги якка бир дараҳтни кўзлаб қўйди. Бу дараҳт аввал узоқда, ўша даҳшатли кўринган чизикнинг ўртасида эди, мана энди бу чизиқдан ўтишди ҳам, лекин ҳеч қандай даҳшат йўқ, аксинча, борган сайин ҳамманинг юраги дадилрок бўлиб, руҳи кўтарилимокда эди. Ростов киличининг дастасини сикиб ушлар экан, бир уриб, икки бўлиб ташлайман деб ўйлар эди.

– Ур-р-а-а-а!! – деган садо янгради.

Ростов Грачикнинг бикинига шпорини никтар экан,

«Қани, юрагинг бўлса, менга бир рўпара келиб кўр-чи», деди-да, отини бошқалардан ўздириб, бошини кўйиб берди. Олдинда душман кўриниб қолди. Бирдан эскадронга катта-кон супурги теккандай бўлди. Ростов урмокчи бўлиб, киличини кўтарди-ю, лекин шу чоғ олдинда от чопиб бораётган аскар Никитенко ажралиб кетди. Ростов ўзи худди тушда-гидай, гайритабиий бир сурат билан олга бораётган бўлса ҳам, жойидан кимирламаётгандай хис килди. Орқасида келаётган таниш гусар Бондарчук унга ўзини уриб олди-ю, ҳўмрайиб каради. Бондарчукнинг оти хуркиб, унинг ёнидан ўтиб кетди.

«Нима бўлди? Нега ўрнимдан кимирламайман? Мен йикилдим, ўлдим...» – деб Ростов бир онда ўзига ҳам савол берди, ҳам жавоб. У майдонда ўзи якка қолган эди. Ҳалигина кўз олдида харакат килаётган отлар билан гусарлар ўрнида у факат кора ер-у яйдок саҳрони кўрар эди. У иссик кон устида ётар эди. «Йўқ, мен ярадор бўлибман-у, от ўлибди». Грачик олдинги оёғи билан туришга интилган эди-ю, йикилиб Ростовнинг оёғини босиб қолди. Отнинг бошидан кон оқмоқда, от ҳарчанд уринса ҳам, ўрнидан туролмас эди. Ростов ҳам ўрнидан турмокчи бўлган эди, киличи згарга илиниб қолган экан, у ҳам йикилди. Бизнинг кўшинлар каёқда-ю, француузлар каёқда – сира била олмас эди. Теварак-атрофда хеч ким йўқ.

У оёғини отнинг остидан тортиб олиб, ўрнидан турди. «Икки кўшинни бир-биридан ажратиб турган ўша чизик кайси томонда қолди экан?» – деб ўзидан сўради-ю, бу саволга жавоб бера олмади. «Менга бирон фалокат бўлмадимикин? Шундай ҳодисалар бўлармикин? Бўлганда нима килиш керак экан? – деди ўрнидан туриб ўзича. Шу чоғ караҳт бўлиб қолган чап қўлида бир нарса осилиб тургандай туюлди. Унинг панжалари хеч нарсани сезмас эди. У панжасига караб ўқ теккан жойини кидирди. «Мана, одамлар келаётиди, – деди чопиб келаётган бир неча кишини кўргач, хурсанд бўлиб, – менга ёрдам беришади». Бу одамлардан олдинда кўк шинель, ғалати чарм шапка кийган, офтобда қорайиб кетган, киргийбурун бир киши чопиб келар эди.

Унинг кетидан икки киши, яна бирмунча киши чопмоқда эди. Булардан бири тушуниб бўлмайдиган галати бир тилда бир нима деди. Кейинда келаётган ва ўшанака шапкалар кийган одамлар орасида бир рус гусари кўринди. Уни кўлидан ушлаб олишган, отини орқасидан етаклаб келишар эди.

«Бизнинг гусарни асир олишибди-да... Ҳа. Наҳот мени ҳам асир олишса? Булар қандай одамлар экан? – дер эди Ростов кўзларига ишонмай... – Наҳот булар французлар бўлса?» У яқинлашиб келаётган французларга каради. Гарчи бундан бир дақиқа илгари шу французларни чопиб ташламокчи бўлиб, от кўйиб келаётган бўлса ҳам, ҳозир уларнинг яқинлашуви шу қадар даҳшатли бўлиб қолдики, у ҳатто ўз-ўзига ишонмай қолди. «Булар кимлар? Нега чопиб келаётиди? Наҳот менинг олдимга келаётган бўлса? Наҳот чопиб менинг олдимга келаётган бўлса? Нега? Мени ўлдирганими? Мени, ҳамма яхши кўрадиган мени-я?» У онаси-нинг, уй ичидағиларнинг, ўртоқларининг ўзига бўлган муҳаббатини эслади ва душманнинг ўлдириш нияти мумкин бўлмагандай туюлди. «Балки, ўлдирап ҳам!» У кимирламасдан, ўзининг қай ахволга тушиб қолганини ҳам билмасдан, ўн лаҳзача туриб қолди. Олдинда келаётган киргий-бурун француз шу қадар яқинлашиб қолдики, ҳатто унинг юз қиёфасини кўриш ҳам мумкин эди. Ростов бу ёт, қизишган, найза ўқталиб, тин олмай чақонлик билан келаётган одамнинг башарасидан кўркиб кетди. У тўппончасини ёнидан олди-ю, французга қараб ўқ узиш ўрнига, тўппончани унга томон улоқтириб ташлади-да, дармони етгунча чопиб, буталар орасига кириб кетди. У Энс кўпригига борганидаги шубҳа ва кураш туйгуси билан эмас, балки итдан кўрккан куён туйгуси билан кочди. Шу пайтда унинг кўзига фақат ёш жони-ю баҳтиёр ҳаётигина кўринар эди. У марзалардан иргиб, сақраб, оқариб кетган, ззгу ва ёш юзини ҳар замон орқага ўтириб қарап экан, бутун вужуди жувулашиб гўё учиб борар эди. «Йўқ, қарамаганим яхшироқ», – деб ўйлади, лекин буталарнинг олдига келганида яна оркасига қаради. Французлар кейинда қолишибди. Ростов орка-

сига қайрилиб қараганда, олдинда йўртиб келаётган француз ҳатто секин юра бошлади ва оркаснга караб ўртокларига бир нима деб кичкирди. Ростов тўхтади. «Йўқ, мен янглиш-гандирман, – деди ўзича, – улар мени ўлдирмокчи эмасдир». Унинг чап кўли худди икки пудлик тош осилгандай оғир эди. У ортик югура олмади. Француз ҳам тўхтаб, уни нишонга олди. Ростов кўзини юмиб энгашди. Икки ўқ бирин-кетин ёнидан ғувуллаб ўтди. У бутун кучини тўплаб, чап қўлини ўнг қўлига олди-ю, буталарга томон чопди. Бу буталар орасида рус ўқчилари бор эди.

XX

Гафлатда колиб ўрмонда душманга дуч келган пиёда аскарлар полки ўрмон ичидан кочиб чика бошлади, роталар бир-бирига аралашиб, тартибсиз ҳолда чекинар эди. Капалаги учтан бир аскар урушда жуда хунук эшигиладиган: «Йўлни кесишибди!» – деган беҳуда гапни айтиб кўйди ва бу вахима гап бирпасда ҳаммага тарқалиб кетди.

Кочиб бораётган аскарлар:

– Ўраб олишибди! Йўл йўқ;! Хароб бўлдик! – деб кичкирар эдилар.

Полк командири орқа томондан ўқ товуши ва шовкин суронни эшигтгани заҳоти полкнинг даҳшатли ахволда колганини билди. Полк командири, мен шунча йил хизмат килиб, бошқаларга намуна бўлиб келган, ҳеч қачон ножўя иш қилмаган бир офицер бўлдим-у, энди бошликлар олдида бўшанглик ва хато иш қилишда айланаманми, деган вахима билан тўнг суворий полковникни ҳам, ўзининг генераллик увонини ҳам унутиб, хавф-хатар ва жони ҳам кўзига кўринмай, эгарнинг кошидан маҳкам ушлаб, отига камчи бериб, ёғилиб турган ва баҳтига ёнидан ўтиб кетаётган ўклар остида полкка караб кетди. Унинг бирдан бир максади нима ҳодиса рўй берганини билиш, агар бирон хато килган бўлса, қандай қилиб бўлмасин, ёрдам бериш ва ўша хатони тузатиш, йигирма икки йил йиллик хизмати давомида сира гап эшигтмай, бошқаларга ибрат бўлиб келиб, эндиликда айбдор бўлиб қолмаслик эди.

У французлар орасидан эсон-омон ўтиб, ўрмоннинг нариги томонидаги майдонга чиқди. Бу ўрмондан бизнинг аскарларимиз қочиб ўтиб, буйрукка қулок солмасдан, адирнинг этагига караб бормоқда эди. Жанг тақдирини ҳал килалиган рухий иккиланиш лаҳзаси эди: таркалиб кетаётган аскарлар ўз командирининг сўзига қулок солишадими ёки бир караб кўйиб, яна қочиб кетишаверадими? Полк командири илгари аскарлар учун жуда даҳшатли бўлган овоз билан шунча кичкирса ҳам, газабдан кизариф-кўкариб киличини минг силкитса ҳам, аскарлар буйрукка қулок солмай, ўзаро гаплашиб, осмонга караб ўқ узиб, ҳамон қочиб боришар эди. Жанг тақдирини ҳал килалиган рухий иккиланишдаги ваҳима томони зўр келди, шекили.

Генерал кичкириқдан ва порох тутунидан бўғилиб йўталди-да, нима қилишини билмай тўхтаб колди. Бутун иш кўлидан кетгандай бўлган эди, бироқ бизнинг кўшиналарга хужум килаётган французлар шу пайт тўсатдан негадир орқага караб қочиб, ўрмоннинг этагида гойиб бўлиб кетди ва ўрмонда рус ўқчилари пайдо бўлди. Бу ўрмонда якка ўзи жанговар сафини бузмасдан турган ва ўрмоннинг четидаги зовурга тушиб олиб, тўсатдан французларга хужум килган Тимохин ротаси эди. Тимохин французларга шундай астойдил ва шундай даҳшат билан хужум килди, кўлида биттагина килич билан душманга караб шундай отилдики, французлар гангид қолиб, куролларини ташлаб қочишиди, Тимохиннинг ёнида чопиб кетаётган Долохов бир французни рўпарасидан хужум килиб ўлдирди ва таслим бўлган офицернинг ёқасидан ушлаб олди. Қочиб келаётган аскарлар кайтди, батальонлар тўпланди ва чап канотимизни иккига бўлаёзган французлар бир нафасга орқасига суриб ташланди. Захира кисмлар уларга қўшилиб олишиди ва кочоклар тўхтади. Полк командири роталар чекиниб ўтиб бораётган кўприк олдида майор Экономов билан турганида бир аскар келиб, унинг узантисини ушлаб унга энгашди. Аскар кўқимтири мовутдан шинель кийган, орқасида буюм ҳалта бўлиб, бошида шапкаси йўқ эди, боши боғланган ва елкасига француз ўқдон осиб олган, кўлида офицер киличи

бор эди. Унинг ранги ўчган, оғзининг таноби кочган, кўк кўзлари полк командирига беинбо тикилар эди. Полк командири, майор Экономовга буйрук бериш билан овора бўлса ҳам, аскарга беинтиёр қаради.

– Жаноби олийлари, мана иккита ўлжа олдим, – деди Долохов француз киличи билан ўқдонини кўрсатиб. – Мен бир француз офицерини асири олдим. Бир ротани тўхтатдим.

– Долохов камоли чарчаганлигидан нафаси тикилар, тўхтаб тўхтаб гапирав эди. – Бутун рота гувоҳ. Эсингизда бўлсин, жаноби олийлари.

– Яхши, яхши, – деди полк командири ва майор Экономовга қаради.

Лекин Долохов кетмади: боши боғланган рўмолни ечиб, сочида котиб қолган конни кўрсатди-да:

– Бошимга найза тегиб ярадор бўлган бўлсан ҳам, жанг майдонидан чикмадим. Эсингизда бўлсин, жаноби олийлари, – деди.

Тушин батареяси эсдан чикиб кетган эди. Марказда ҳамон гумбурлаётган тўп овозларини эшигтан князь Багратион жант тамом бўлаётган вақтдагина навбатчи штаб-офицерни ва ундан кейин князь Андрейни юбориб, батарея мумкин қадар тезроқ чекинсин, деб тайинлади. Тушин тўпларини химоя қилиб турган куч жанг айни қизиган вактда кимнингдир буйруғи билан кетиб қолган эди, лекин батарея ҳамон отишда давом этди ва французлар химоясиз қолган тўртта тўпнинг ёлғиз ўзи бу қадар дадиллик билан ўқ отишига кўзлари етмагани учунгина уни олишолмаган эди. Улар ҳатто бу батареянинг гумбур-гумбур ўқ отишидан русларнинг асосий кучлари бу ерга тўпланган экан, деб тахмин қилиб, икки маротаба хужум қилмоқчи бўлишиди ва икки мартасида ҳам тепаликда химоясиз турган тўрт тўпнинг сочма ўқига дуч келиб, орқага қайтишиди.

Князь Багратион кетиб, орадан кўп ўтмай, Тушин Шенграбен қишлоғини ёндириб юборди.

– Ўҳ-ӯ, тўзиб кетди-ку! Қишлоққа ўт кетди! Тутунни қарагин-а! Хўп иш бўлдими! Тутунни, тутунни кара! – дейишар эди тўпчилар.

Ҳеч қандай буйруксиз ҳамма түплар ўша ёнаёттан кишлокқа караб ўқ отар эди. Ҳар ўқ узилганда аскарлар худди хахалагандай: «Балли! Ана бу дуруст! Ўх-ў... койил!» – деб кичкиришар эди. Ёнғин шамолда дарров ёйилиб кетди. Кишлокнинг у томонидан чикиб келаётган француз колонналари орқага қайтди, лекин французлар бу муваффакиятсизлик учун ўч олмоқчи бўлгандай, кишлокнинг ўнг томонига ўнта тўп ўрнатиб, Тушин батареясини тўпга тута бошлади.

Авж олаётган ёнғинни ва французларга отаётган ўкларнинг хато кетмаганини кўриб ёш болалардай хурсандликка берилиб кетган тўпчиларимиз бу тўпларни пайқамай қолди: булар аввал иккита ва ундан кейин яна тўртта ўқ батареянинг ўртасига тушиб, икки отни кулаттанида ўқ кутиси ташувчининг оёғини узиб ташлаганидагина буни пайқашди. Шундай бўлса ҳам, тўпчиларнинг рухи тушмади, лекин кайфиятлари бироз ўзгарди. Ўлган отларнинг ўрнига лафетдаги¹ ортиқча отлар кўшилди, ярадорлар четта чиқарилди, тўрт тўп ўша ўн тўпдан иборат бўлган душман батареясига қаратилди. Тушиннинг офицер ўртоғи отишма бошланганидаёқ ҳалок бўлган эди, бир соат ичидаги кирк тўпчидан ўн етти киши сафдан чиккан эди, шундок бўлса ҳам, тўпчилар ҳамон бардам ва руҳан тетик эди. Булар икки маротаба пастда французлар яқин келиб қолганини кўриб, уларни сочма ўкка тутишли.

Кичкинагина Тушин имиллаб ва бесўнакай ҳаракат килиб хизматчисидан дам-бадам шу килганимга яна битта чектири, деб трубка сўрап, трубканинг ўтини сочиб, олдинга чопиб чиқар ва кичкина қўлини соябон килиб, французларга томон қарап:

– Титигини чиқаринглар, йигитлар! – дер ва тўпнинг винтини² бураб, нишонни тўғрилар эди.

Муттасил гумбурлаётган тўплардан кулоги қоматта келган ва тўп ҳар гумбурлаганда бир иргиб тушган Тушин

¹ Лифт – тўп ўрнатилган станок.

² Винт (немисча: Gewinde – киркма, резьба) – бурама резьбали стержень; маҳкамлаш мосламаси.

оғзидан калта трубкаснни кўймай, тутунда тўплар орасида югуриб, гоҳ тўпни нишонга тўтирилар, гоҳ ўқларни санар, гоҳ ўлган ва ярадор бўлган отларни атмаштириш, кўшиш тўтрисида ингичка, заинф товуш билан кичкириб буйрук берар эди. Унинг чехраси тобора очилмоқда эди. Бирон киши ярадор ёки ҳалок бўлгандагина у афтини буриштириб юзини ўтирада ва ўлик ёки ярадорни имиллаб кўтараётган кишиларга жаҳл билан бакирада эди. Кўпчилиги келишган йигитлардан изборат аскарларнинг ҳаммаси (батарея ротасида ҳамма вакт аскарлар командирдан икки кариҷ новча-ю, икки баравар йўғон бўлади) нима килишини билмасдан колган ёш боладай ўз командирларига карашар ва командирнинг юзидағи ифода дарҳол уларнинг ҳам юзида акс этар эди.

Гумбур-гумбур, шовкин-сурон иш кистов бўлиб диккат талаб килиши натижасида Тушин кўркувни унуглан эди, ўлиш ёки ярадор бўлиш ҳакидаги ёкимсиз фикр хаёлита ҳам келмас эди. Аксинча, у тобора тегик ва бардам бўлиб бормоқда эди. Унинг назарида, душманни биринчи маротаба кўриб, биринчи ўқ узганига кўп вактлар бўлгандай, хозир турган ери кўпдан таниш ва ўзи шу ерда ўсгандай кўринар эди. У ҳамма нарса ёдида бўлишига, ҳамма нарсани фахмлашига, бир яхши офицернинг кўлидан келадиган ҳамма ишни килаёттанига карамай, маст ёки иситмаси баланд кишининг ҳолатида эди.

Теварак-атрофда тўпларнинг гумбурлаши, душман тўп ўкларининг гувуллаши ва урилиши, терлаб-пишиб, кизариб, шошиб ўқ отаётган тўпчилар, одамлар ва отлардан оқаётган кон, душман томонидан чикаётган тутун (хар тутун чиккандан кейин тўп ўки келиб ерга, одамга, тўпга ёки отта тегар эди) – мана шулардан ҳосил бўлган манзара унинг кўз олдидаги хаёлий бир олам яратдики, бу олам шу пайтда унга лаззат берар эди. Душман тўплари хозир, унинг назарида, тўп эмас, балки кўзга кўринмаган кашандада дам-бадам тутун чиқараётган трубка эди.

Тушин тепаликдан буралиб чикиб шамол чап томонга учирив кетган тутунни кўриб, ўзича:

– Ана, тагин пуллади, хозир копток келиб тушади,

кайтариб ўзига от, – дер эди у.

– Нима дедингиз, жаноблари? – деди ёнида турган фейерверкер унинг нима деганини англай олмай:

– Ҳеч, граната снарядидан¹... – деди Тушин.

«Кани, Матвеевна», – деди Тушин ўзича. У четда турган, жуда кадимдан колган каттакон тўпни Матвеевна, деб тасаввур килар эди. Тўплари олдида ивирисиёттан французлар унинг кўзига чумоли бўлиб кўринар эди. Иккинчи тўпнинг биринчи номери чиройли ва пияниста аскар унинг тасаввурида тоға эди; Тушин хаммадан кўпроқ ўшантга каар ва унинг хамма харакатини кўриб, суюнар эди. Адирнинг этагида гоҳ пасайиб, гоҳ авж олаёттан милтик товушлари унга худди бирорвинг пишиллаб нафас олишидай туюлар эди. У шу товушнинг гоҳ пасайиб, гоҳ авж олишига қулок солар экан: «Ў-хў, тағин пишиллаб колди-ку», – дерди ўзича.

У ўзини новча, нихоятда бақувват французларга иски кўллаб тўп ўки улоктираётган баҳодир деб тасаввур килар эди.

«Ҳа, Матвеевна, онагинам, бўш келма!» – деди тўп олдидан нари кетаётгиб. Шу пайт қулоғига:

– Капитан Тушин! Капитан! – деган бегона бир товуш эшитилди.

Тушин капалаги учиб, у ёк бу ёкка каради. Бу Тушинни Грунтда маркитантнинг чодиридан ҳайдаб чикарган ўша штаб-офицер эди. У нафаси тикилиб кичкирди:

– Нима бўлди, эсингизни йўқотдингизми? Сизга чекинг, деб икки марта буюрилса-ю, сиз...

Тушин бошликка кўркиб қаар экан: «Мен уларга нима килдим экан?» – деб ўйлар эди.

– Мен... ҳеч нарсани... – деди Тушин икки бармоғини шапкасига қўйиб. – Мен...

Бирок полковник сўзини тамом кила олмади. Ёнгина сидан ўтиб кетган ўқ уни отнинг устида пусишига мажбур килди. У яна нимадир демокчи бўлган эди-ю, яна бир ўқ уни

¹ Снаряд (русча: снаряд – асбоб; курол, тўп ўзи, ёрилувчи бомба) – 1) артиллерия курсолларидан отиладиган ўқ-дори тури; 2) баъзи техник курилмалар номи; 3) гимнастика асбобларининг умумий номи.

гапдан тұхтатди. Шундан кейин у бурилип пастта қараб от күйди-ю, узокдан:

— Чекининг! Ҳаммаларинг чекиннинглар! — деб кичкирди.

Аскарлар кулиб юбориши. Ҳаял ўтмай шу мазмундаги буйруқ билан адъютант ҳам келди.

Бу адъютант князь Андрей эди. У Тушин батареяси турған жойга келганды ҳаммадан бурун оғи синиб лафетидан чикарилиб күйилтган ва лафетига құшилтган отлар олдида кишинаб ёттан отта күзи тушди. Унинг оғигидан кон буркираб оқмокда эди. Түп аравалари орасида бир нечта ўлик ётар эди. Князь Андрей тепаликка чиқсанида, тепаснан бириң-кетин бир нечта снаряд учыб ўтганда, унинг эти жунжикіб кетди. Күрідімми, деган фикр миясига келгач, яна ўзини дадил тутди. «Мен күркемаслығым кераю», деди-ю. түплар орасига келиб, отидан секин тушди. Буйруқни айтди, лекин қайтиб кетмади. У түпларни мэррадан олиб, бирга кетмокчи бўлди. У Тушин билан бирга француздарнинг даҳшатли ўки остида ўликларни оралаб юриб, түпларни четта чикара бошлади.

— Ҳали бир офицер келган эди, дарров қочиб кетди, сизга ўхшаган довюрак эмас экан, жаноблари, — деди фейерверкер князь Андрейга.

Князь Андрей Тушин билан ҳеч гаплашмади. Улар, бирини бири күрмагандай, иш билан астайдил банд эдилар. Түрт түпдан омон колган иккитасини аравага тиркаб (бузилган иккита түп қолдирилди), адирнинг этагига томон тушиб бораёттан князь Андрей Тушиннинг олдига келди.

— Хайр бўлмаса, — деди князь Андрей унга кўл узатиб.

— Хайр, азизим, — деди Тушин, — хайр, яхши йигит! Соғ бўлинг, азизим, — деди Тушин нима учундир кўзларига ёш тўлгани холда.

XXI

Шамол тинди, кора булутлар уфқдаги порох тутуни билан қўшилиб уруш майдони устини коплади. Ҳаво хира-лашганидан, икки жойда бўлаёттан ёнгин шуъласи янада

якколроқ күрина бошлади. Түп овозлари бироз тинди-ю, лекин ўнг ва орқа томондаги милтиқ товушлари авж олиб тобора яқинлаша бошлади. Тушин ўзининг тўплари билан гоҳ ярадорлар устидан, гоҳ уларни айланиб ўтиб, зўрга ўқдан кутулиб жарга тушганда уни бошликлар ва адъютантлар карши олди: булар орасида икки маротаба Тушин батареясига юборилиб ҳар икки маротаба ҳам йўлдан қайтган Жерков билан штаб-офицер ҳам боради. Улар ҳаммаси бир-бирига сўз бермай, қаерга ва қандай бориши тўғрисида Тушинга буйруқ берар, уни берилган буйруқдан огоҳ килар, ундан койир ва унга танбехлар қилар эди. Тушин эса, тўпчиларига ҳеч қандай буйруқ бермасдан, негадир ўткаси тўлиб тургани учун гапиргани кўркиб, ориқ отини миниб тўпларнинг кетидан борар эди. Гарчи ярадорлар ташлаб кетилсин, дейилган бўлса ҳам, кўп ярадорлар аскарларнинг кетидан эргашар ва тўп аравасига чиқариб олинглар, деб илтимос қилишар эди. Жанг бошланиши олдida Тушин капасидан югуриб чиккан ўша кўркам пиёда аскар офицери корнидан ўқ еган бўлиб, Матвеевнанинг лафетига ётказиб кўйилган эди. Адир этагида капалаги учган бир гусар юнкер бир қўли билан ярадор қўлини ушлаб Тушиннинг олдига келди-да, лафетига чиқариб олишини сўради.

– Капитан, худо хайр берсин, кўлим контузия¹ бўлган, – деди юнкер ёлвориб, – худо ҳаки, юролмайман. Худо ҳаки!

Бу юнкер, бирон уловга миндириб олинишини кўп илтимос қилган-у, лекин ҳеч ким илтимосини қабул қилмаган, шекилли, у кўркиб-кўркиб ва маъюс бир овоз билан:

– Худо ҳаки, айтинг, чиқариб олишсин, – деб яна илтимос қилди.

– Чиқариб олинглар, чиқариб олинглар аравага, – деди Тушин. – Ҳой, тоға, шинелни тагига солиб бер, – деди у севимли аскарига. – Э, ярадор бўлган офицер қани?

– Ўлиб қолди, кўйиб келдик, – деди кимдир.

– Чиқариб олинглар, ўтиринг, азизим. Шинелни солиб

¹ Контузия (латинча: *contusion* – шикаст, лат ейиш, майдаланиш) – тўсатдан етган зарбдан (масалан, снаряд ёки бомба портлашидан) организмнинг жарохатланмай лат ейиши, карахт бўлиши.

бер, Антонов.

Бу юнкер Ростов эди. У бир кўли билан иккинчи кўлини ушлаган, ранги ўчган, жағи худди безгак туттандай титрар эди. Уни ҳалиги Матвеевна деган тўп аравасига, яъни боя ўлган офицернинг ўрнига чикариб олишди. Остига солинган шинел конга бўялган экан, Ростовнинг шими билан кўли кон бўлди.

Тушин Ростов чикиб олган тўп аравасининг олдига келиб:

- Э, азизим, ярадор бўлдингизми? – деб сўради.
- Йўқ, қўлим контузия бўлди.
- Нега унда хамма ёғингиз кон? – деди Тушин.

Тўпчи аскар конни шинелнинг енги билан артар экан, худди тўпга сачраётгани учун узр сўрагандай:

- Бу ҳалиги офицердан оқкан кон, таксир, – деди.

Тўпчи пиёда аскарлар ёрдами билан зўр-базур тепаликка чикаришди ва Гунтерсдорф кишлогига етганда тўхталишди. Коронги тушиб, ўн кадам наригидаги кишини таниб бўлмайдиган бўлиб колган эди, отишма ҳам тина бошлади. Тўсатдан ўнг томонда жуда якниндан яна кичкирик ва қасуркусур ўқ узган овозлар эштилиб колди. Милтлик оғзидан чиккан аллангалар коронгиде ялт-юлт этар эди. Бу французларнинг сўнгти ҳужуми бўлиб, кишлок уйларига кириб олган бизнинг аскарларимиз бунга жавоб бермокда эди. Ҳамма яна кишлоқдан чикиб кетди. Лекин Тушиннинг тўпларини ўрнидан кимирлатиш кийин эди, шунинг учун тўпчилар, Тушин ва юнкер энди ахволимиз нима бўлар экан, дегандай индамай бир-бирига карашар эди. Отишма яна тина бошлади ва ён кўчалардан аскарлар вағир-вугур килиб чика бошлади.

– Омонмисан, Петров? – деди бири.
– Жуда бопладик, оғайни, бопладик, энди тумшугини тикмайди, – деди яна бири.

– Қоп-коронги, французлар ўзларини-ўзлари хўп ўқса тутишди-да! Коронгиде ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Сувларинг йўқми?

Французларнинг сўнгти ҳужуми қайтаришган эди. Яна

коп-коронги кечада гуруллаб бораётган пиёда аскарлар тўрт томондан ўраб олган Тушин тўплари каёkkадир юрнб кетди.

Коронгида гўё кўзга кўринмайдиган, қоп-кора дарё.govur, ғилдирак ва туёқ товушлари билан гувуллаб бир томонга қараб оқмоқда эди. Бу ғовур ичида бошка ҳамма товушлардан кўра, ярадорларнинг инкіллаши ва фифони коронги кечада аникрок эшитилар эди. Кўшинни чулғаб олган коронгиликда уларнинг фифон-у ноласидан бошка хеч нарса йўқка ўхшар эди. Бироз йўл юрилгандан кейин кетиб бораётган одамлар ташвишга тушиб колди. Оқ от минган кимдир бир неча киши билан ўтиб кетаётib, бир нима деди.

– Нима деди? Қаёkkа борар эканмиз? Тўхтар эканмизми? Ташаккур билдиридими? – деган саволлар ҳар тарафдан эшитилди-ю, олдингилар тўхтади, шекилли, тикилинч бўлиб кетди ва тўхтар эмишмиз, деган гап таркалди. Лой йўлнинг ўргасида ҳамма шундайлигича тўхтаб колди.

Ўт шуъласи кўринди, одамларнинг овози баландрок эшитила бошлади. Капитан Тушин ротага амр-фармонини бериб, яра боғлаш пунктини ахтариш ёки юнкерга доктор топиб келиш учун бир аскарни юборди-да, ўзи йўл бўйидаги аскарлар ёқкан гулханга келиб ўтири. Ростов ҳам бир илож килиб гулханга келди. У, оғриқдан, совук ва намлиқдан худди безгак тутгандай титрагер эди. Уйку енгаётган бўлса ҳам, зиркираётган кўлини каерга кўйишини билмай, ухлай олмас эди. У кўзини gox юмар, gox, назарида, қип-қизил кўринаётган гулханга қарап, gox ёнида чордана куриб, бучайиброк ўтирган Тушинга назар ташлар эди. Унинг азоб чекаётганини сезиб, ичи ачиётган Тушин унга маъюс кўзлари билан термилар эди. Тушин жон-дили билан ёрдам беришга тайёр-у, лекин ноилож эканлигини Ростов сезиб турар эди.

Теварак-атрофдан келиб-кетаётган, ўрнашаётган пиёда аскарларнинг қадам товушлари ва ғовурлари эшитилиб турар эди. Одамларнинг ғовури, қадам товушлари, от туёқларининг лойда шапиллаши ва яқин-йироқда аскарларнинг карсиллашиб ўтин ёриш овози gox авж олиб, gox сусайиб турган бир гувуллашга айланган эди.

Күзга күрингесе дарё коронғида энди илгаригидай оқмай, худли қаттык шамолдан кейин чайкалиб, мавж уриб турган деңгиздай бир жойда турар эди. Ростов үз олдида ва теварак-атрофида бўлаётган ҳодисаларга ўшшайиб караб ўтироқда эди. Бир пиёда аскар гулхан ёнига келиб чўккалди-ю, юзини буриб, кўлини ўтта тутди.

– Майлами, жаноблари? – деди бу аскар Тушинга караб.
– Ротамни йўқотиб кўйдим, билмайман каёқда экан. Жуда ёмон бўлди.

Гулханга аскар билан изма-из лунжини боғлаб олган бир пиёда аскар офицери ҳам келди ва араваларни ўтказиш учун Тушиндан тўпни жиндай нари суриш хакида буйруқ беришни илтимос килди. Рота командиридан кейин гулханга яна икки аскар чопиб келди. Улар аллақандай бир этикни талашиб бир-бирини туртар ва сўкар эди.

– Аввал мен олдим эмиш-а! Сендақа чаққонни кара-ю!
– дер эди бири бўғик товуш билан бакириб.

Улардан кейин озғингина, ранги ўчган, бўйнига қонли латта ўраб олган бир аскар келиб, тажантлик билан тўпчилардан сув сўради.

– Нима, итдай ўлиб кетайми? – деди у.
Тушин сув беришни буюрди. Унинг кетидан пиёда аскарлар учун олов сўраб шўх бир аскар келди.

– Бу иссиқкина оловни пиёда аскарларга олиб борайин. Яхши қолинглар, ҳамқишлоклар. Ўт берганларинг учун раҳмат. Фойдаси билан кайтарниб берамиз, – деди чўғни коронғида каёқладир олиб кета туриб.

У кеттандан кейин тўрт аскар шинелда оғир бир нарса кўтариб, гулхан олдидан ўтиб кетди. Булардан бири қокиниб кетди.

– Фалокатлар-эй, йўл устига ўтин кўймаса, нима килар экан, – деди тўнғиллаб.

– Ўлибди-ку, энди олиб бориб нима киламиз? – деди улардан бири.

– Кўйсаларинг-чи!

Улар ҳам ўлик билан коронғиликда ғойиб бўлишди.

– Ҳа, оғриётибдими? – деди Тушин Ростовга шивирлаб.

– Оғриётибди.

– Сизни генерал чакираётibдилар, жаноблари. Ана у ерда, уйда, – деди фейерверкер Тушиннинг олдига келиб.

– Ҳозир, азизим.

Тушин ўрнидан турди-да, тугмаларини солиб, ўзини ростлаб гулхан олдидан кетди...

Тўпчиларнинг гулханига яқинрок бир жойда маҳсус тайёрланган уйда князь Багратион овқат еб, баъзи бир кисм командирлари билан гаплашиб ўтирас эди. Бу ерда кўйининг илигини ҳафсала билан тозалаб ўтирган биткўз чол ҳам бир кадаҳ ароқ ичиб, овқат еб қип-қизариб кетган, йигирма икки йиллик хизмати давомида заррача ҳам камчилик содир бўлмаган генерал ҳам, кўлига ҳадя узук тақсан штаб-офицер ҳам, ҳаммага кўзини ўйнатиб ўтирган Жерков ва ранги ўчган, лабларини кимтиган, кўзлари чакнаб турган князь Андрей ҳам бор эди.

Уйнинг бир бурчига француздардан ўлжака олинган бай-рок суюб қўйилган ва аудитор содда одамдай уни ушлаб кўрар ва, дарҳақиқат, байрокка таажжубланганданми ёки қорни оч бўлгани учун овқатни кўриб бетоқат бўлганиданми (коса етишмас эди) – тонг қолиб бош чайкар эди. Нариги уйда драгунлар асир олган француз полковниги бор эди. Бизнинг офицерларимиз унинг атрофида тўпланишиб, уни томоша қилишар эди. Князь Багратион айрим командирларга ташаккур билдирав ва жанг тафсилотини ҳамда берган талафотимизни суриштирав эди. Браунауда полкини кўрикдан ўтказган ўша полк командири, жанг бошланиши билан ўрмондан чекиндим ва ўтин қилаётган аскарларни йиғдим-у, уларни ўтказиб туриб, икки батальон билан хужум килдим ва найзабозлик қилиб, француздарни улоқтириб ташладим, деб маълумот берар эди.

– Биринчи батальон тўзиб қолганини кўрдим-у, жаноби олийлари, йўл бўйига чиқдим-да, «буларни ўтказиб туриб, кейин батальон билан хужум киламан», деб ўйладим ва шундай ҳам қилдим.

Полк командири шундай килишни астойдил истар, шундай қилолмай қолганига астойдил афсусланар эдики,

назарида, бу иш худди бўлгандай кўринар эди. Балки, ҳаки-
катаң ҳам, бўлгандир? Бу тўс-тўполонда нима бўлгани ва
нима бўлмаганини билиб бўлармиди?

– Шуни ҳам айтишим керакки, жаноби олийлари, – деди
полк командири Долоховнинг Кутузов билан гаплашганини
ва аскарликка туширилган бу йигитни кейинги маротаба
кўрганини эслаб, – аскарликка туширилган Долохов менинг
кўз олдимда француз офицерини асир олди, жасурлик
кўрсатди.

Шу куни гусарларнинг корасини кўрмаган ва улар
килган ишни пиёда аскар офицерларидан эшигтан Жерков
кўзларини жавдиратиб гапга кўшилди:

– Павлоград полкининг ҳужумини мен ҳам шунда кўр-
дим, жаноби олийлари. Французларнинг иккি туркум аска-
рини ят ташлади, жаноби олийлари, – деди у.

Ж. ёвдан ҳамма вакт қизик гаплар эшитиб ўрганган
баъзи одамлар унинг галига кулимсирашли: бироқ унинг
куролимизнинг шон-шарафи ва бугунги жанг тўғрисида
гапираётганини англаб, гарчи кўпчилик, Жерков ёлғон ва
асоссиз гапларни гапираётганини билса ҳам, кулгидан тийи-
лишди. Князь Багратион кекса полковникка мурожаат
килди.

– Ҳаммага ташаккур билдираман, жаноблар, ҳамма
кисмлар: пиёда ва отлик аскарлар, тўпчи кисмларимиз
қаҳрамонларча жанг килди. Нима бўлиб иккита тўп марказда
колдирилиди? – деди кўзи билан кимнидир кидириб.
(Князь Багратион чап канотдаги тўплар ҳакида суриштир-
мади ҳам; чунки жанг бошланиши биланок бу ердаги ҳамма
тўплар ташлаб кетилганлигини билар эди.) – Мен сизни
юборган эдим, шекилли, – деди навбатчи штаб-офицерга
қараб.

– Биттасига ўқ тегиб бузилган эди, – деди навбатчи
штаб-офицер, иккичисини эса билмадим; мен ҳамма вакт
ўша ерда ишни бошқариб турган эдим, мен кетишим билан...
Лекин каттиқ отишма бўлиб турган эди, – деб кўйди яна.

Кимдир капитан Тушин шу кишлоқнинг олдигинасида
турганини ва уни айтиб келгани одам юборилганини айтди.

– Ҳа, мен сизни юборган эдим-а, – деди князь Багратион князь Андрейга қараб.

– Ҳа, биз олдинма-кетин борган эдик, – деди навбатчи штаб-офицер князь Андрейга мулойимгина табассум қилиб.

– Мен жанобларини күрганим йўқ, – деди князь Андрей совуккина.

Ҳамма жим қолди.

Бўсағада генералларнинг орқасидан эҳтиёт билан ўтаётган Тушин кўринди. У торгина уйда генералларнинг орқасидан ўтар экан, ҳамма вактдагидай катталар ҳузурида хижолат тортганидан деворга сяб кўйилган байроқнинг сопига қоқиниб кетди. Уч-тўрт киши кулиб кўйди. Князь Багратион Тушиндан ҳам кўра кулганларга, хусусан, ҳаммадан баландроқ товуш чиқариб кулган Жерковга қовоғини солиб сўради:

– Нима бўлиб тўп ўша ерда колиб кетди?

Тушин салобатли бошлиқни кўргандагина ўзи тирик бўла туриб икки тўпни кўлдан бериш нақадар катта гуноҳ ва шармандалиқ эканини тасаввур килди. У шу дамгача шунчалик ҳаяжонда эдики, бу тўғрида ўйламаган эди. Офицерларнинг кулиши уни яна ҳам гангитиб кўйди. У Багратионнинг қархисида турар экан, жағи титраб, зўрга-зўрга деди:

– Билмайман... Жаноби олийлари... одам йўқ эди.

– Батареяни ҳимоя қилиб турган одамлардан ёрдамга чақиришингиз мумкин эди.

Батареяси ҳимоясиз қолган бўлса ҳам, лекин Тушин буни айтмади. У ростини айтса, бошка командирга гап тегишидан кўркиб, индамай худди имтиҳонда кутгулиб, муаллимига бақрайиб қараб қолган мактаб боласидай Багратионнинг юзига тикилиб қолди. Иккови ҳам анча фурсат жим қолди. Князь Багратион, қаттиккўл бўлишни истамади, шекилли, нима дейишини билмай қолди: бошқалар сўзга аралашишга журъят қила олмади. Князь Андрей ер остидан Тушинга қарап ва бармоқлари асабий бир ҳолатда кимиirlар эди.

– Жаноби олийлари, – деди князь Андрей бирдан сўз котиб, – сиз мени капитан Тушиннинг батареясига юборган эдингиз. Бориб қарасам, одамларнинг ва отларнинг учдан

икки қисми сафдан чиқибди, иккита түп мажаклашибди, батарея химоясиз колибди.

Хаяжонланиб, лекин ўзини тутиб гапираётган Болконскийга князь Багратион билан Тушин бир хилда тикилиб карар эдилар.

– Агар, жаноби олийлари, менга ўз фикримни айтгани ижозат берсангиз, – деди у сўзида давом этиб, – шуни айтар эдимки, бу кун муваффакиятта эришувимиз ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ бу батареянинг, капитан Тушиннинг ўз ротаси билан каҳрамонларча иш кўрсатгани сабаб бўлди, – деди князь Андрей ва жавоб кутмай дархол ўрнидан туриб столдан нарига ўтди.

Князь Багратион Тушинга каради-ю, афтидан, Болконскийнинг қалтис сўзига ишонмаганини билдиргиси келмади ва шу билан бирга, унинг ҳамма гапига ишонгани кўнгли йўл бермай, Тушинга бош иргаб, кетгани ижозат берди. Унинг кетидан князь Андрей ҳам чиқди.

– Баракалла-ей, хайрият ҳам сен бор экансан, дўстим, – деди унга Тушин.

Князь Андрей Тушинга бир каради-ю, индамасдан ўтиб кетди. Князь Андрей таъби хира ва жуда хафа бўлди. Бу ишлар унга ғалати туюлди ва унинг кутганидан жуда йирок бўлиб чиқди.

Ростов кўз олдида кезиб юрган кўланкаларга караб: «Булар кимлар ўзи? Нима кераги бор? Нима килиб юрибди? Қачон булардан кутуламан?» – деб ўйлар эди. Қўлининг оғриги тобора кучаяр эди. Уни уйқу босар, кўз олдида кизил алангалар ўйнар, бу товушлар, бу одамлар, ўзининг гариблиги – булар ҳаммаси дарддай туюлар эди. Уни эзаётган, оғирлаштираётган, томирларини сугуриб олаётган, контузия бўлган қўли ва елкасининг гўштини куйдираётганлар гўё шулар – ўша ярадор ва ярадор бўлмаган аскарлар эди. Булардан кутулиш учун кўзларини юмди.

У бир лаҳзагина ўзини унугти, лекин шу бир лаҳза ичida жуда кўп нарсаларни туш кўрди: онасини, унинг каттакон оппоқ қўлинни, Сонянинг нозиккина елкаларини, Наташанинг кўзларини ва унинг кулиб туришини, ким би-

ландир гаплашаётган Денисовни ва унинг мўйловини, Телянинни; ўзининг Телянин ва Богданич билан бўлган можаросини кўрди. Бу бўлиб ўтган можаро ҳам бир-у, бу чинкироқ аскар ҳам бир эди: мана шу бўлиб ўтган можаро билан мана шу аскар уни маҳкам ушлаб, босиб, гўё кўлинин бир томонга қараб тортар эди. У ўзини булардан куткаришга уринар, лекин булар унинг елкасини сал бўлса ҳам, бўшатмасди. Улар босиб, тортиб турмагандан эди, унинг елкаси соппа-соғ ва оғримас эди, бирокбулардан қутулишнинг иложи йўқ эди.

У кўзини очиб, осмонга каради. Тун чодири яшнаб турган чўғдан бир газгина юкорида тургандай кўринар эди. Чўғнинг шуъласида кор учқунлари учеб юрар эди. Тушин ҳали қайтгани йўқ ва доктор ҳам келмаган эди. Ростов ёлғиз, факат гулханнинг нариги томонида кичкина ориқ бир аскар яланғоч сариқ баданини ўтга тоблаб ўтирас эди.

«Менинг ҳеч кимга керагим йўқ экан, – деди Ростов ичиди, – менга ҳеч ким қарамайди ҳам, қуймайди ҳам. Мен ҳам бир вақтлар уйда эдим, кучли эдим, қувнок эдим, севгили эдим». У ох тортиб беихтиёр ингради.

Ҳа, оғриётибдими? – деди кичкина аскар кўйлагини ўтга қоқиб ва жавоб кутмасдан томогини кириб: – Бир кунда шунча одамни ишдан чиқаришди-я! – деб илова қилди.

Аскарнинг гали Ростовнинг қулогига кирмас эди. У чўғнинг шуъласида учеб юрган кор ўпқинига қараб, Россия кишини, иссик уйини, бароқ пўстинини, учар чанасини, соғсаломат юрганини ва уй ичидагиларнинг меҳр-муҳаббат ва гамхўрлигини эслади. «Нега бу ёқларга келдим!» – деди ичиди.

Эртасига французлар кайтиб хужум килишмади ва Багратион отрядининг қолдиғи Кутузов армиясига бориб кўшилди.

I

Князь Василий режаларини ҳар тарафлама ўйламай иш кўрадиган, айникса, бирорвга ёмонлик килиб максадига эришиш йўлини кўзламайдиган одам эди. У киборлар доира сида ошиги олчи бўлиб, шунга ўрганиб қолган бир кибор эди. У шароитта, одамлар билан якин-узоклигига караб, турли-туман режалар, мўлжаллар килар, бу режа ва мўлжалларини дурустрок ўйлаб кўрмаса ҳам, лекин бутун туриш-турмуши шуларга боғлиқ бўлар эди. Унинг ҳамма вакт бир эмас, икки эмас, ўнлаб шунака режа ва мўлжаллари бўлар эдики, булардан бири энди юзага чикмокчидай кўринса, иккинчиси амалга ошган, учинчиси эса чишпакка чиккан бўлар эди. Масалан, у ўзига ўзи: «Хозир мана бу одамнинг кўли баланд, мен унга якинлашиб, дўст бўлиб олиб, шу орқали бир йўла нафақа олиш иложини қиласай, ёки: «Мана, Пьер жуда бой йигит, бир амаллаб уни куёв килиб, ундан хозир менга зарур бўлган 40 минг сўмни карз олай», демас эди, лекин кўли баландроқ одам учраганда унинг кўнгли дарҳол мана шу одамдан фойда чикади, дер эди-ю, князь Василий у билан мумкин қадар тезрок якинлашиб, беихтиёр унга тўсатдан хушомад килиб, у билан қалин бўлиб олиб, нима керак бўлса шу тўғрида галирар эди.

Пьер Москвада князь Василий билан ҳамма вакт бирга бўлиб, князь Василий уни ўша вактда давлат маслаҳатчиси мартабаси билан баравар бўлган камер-юнкерликка¹ тайинлатди ва унга мен билан Петербургга борасан ва менинг уйимга тушасан, деб туриб олди. Князь Василий хеч кандай муддаони кўзламагандай кўринса ҳам, шундай бўлиши керак, деган ишонч билан кизини Пьерга бериш учун кўлидан келганча харакат килар эди. Агар князь Василий ўзининг режаларини олдинроқ ҳар тарафлама ўйлаб кўрганида эди, ўзидан хоҳ катта, хоҳ кичик, ҳамма билан бундай табиий

¹ Камер-юнкер (немисча: *Kammerjunker* – ёш дворян) – Чор Россияси ва баъзи Европа мамлакатларида мавжуд бўлган унвон ва лавозим.

шу гапларни айттар экан, ўткаси тўлиб йиглаб юборди. Бу, хайкалсимон княжнанинг бунчалик ўзгариб кетганини кўриб, кўнгли бузилган Пьер унинг кўлидан ушлаб узр сўради, лекин нега узр сўраганини ўзи хам билмас ади. Шу кундан бошлиб, княжна Пьерга йўл-йўл шарф тўкишга киришди ва унга муносабати буткул ўзгарди.

– Мана шу когозга кўл кўйиб бер, азизнм, хар калай, бу бечора марҳум отангни деб кўп жафо тортган, – деди князъ Василий княжнага тегишли бир когозни Пьерга кўл кўйгани бериб.

Князъ Василий ўзининг накшин портфель можаросига аралашганини княжна оғзидан чикармасин, деб унга суяқ ташлапига, яъни 30 минг сўмлик вексель¹ олиб беришга карор килган эди. Пьер векселга кўл кўйиб берди ва шу кундан бошлиб княжна унга яна хам меҳрибонрок бўлди. Унинг сингиллари хам меҳрибон бўлишиди, айникса кичкина, чиройли холдор княжна Пьерни кўрганида табассум килиши ва кизариши билан уни хижолатга кўяр эди.

Пьер энди ўзини ҳамма яхши кўришини табий бир хол деб билар, агар бирор уни яхши кўрмаган тақдирда хам бу назарига файритабий кўринган бўлар эди, шунинг учун атрофидаги одамларнинг самимиятига шубха килолмас эди. Зотан бу одамларнинг самимий ёки самимий эмаслиги тўғрисида ўйлашга кўли тегмас хам эди. Унинг ҳамиша фурсати йўқ, ҳамиша ўзини хурсанд ва ширакайф хис килар эди. У ўзини аллақандай мухим умумий бир харакатнинг маркази деб сезар эди; назарида, ундан ҳамиша бир нима кутилаётгандай, агар фалон ишни килмаса, кўп одамлар хафа бўладиган ва улар умид килган нарсаларидан маҳрум бўладигандай, агар фалон-фалон ишларни килса, жуда яхши бўладигандай кўринар, шунинг учун у нима талаб қилинса, шуни қилар, лекин ўша яхши бўладиган фалон ишнинг навбати ҳеч келмас эди.

¹ Вексель (немисча: Wechsel – ўзгариш; алмаштириш) – конун билан катый белгиланган шаклдаги ёзма қарз маҳбурияти: қарз олувчи томонидан кредиторга берилниб, кредиторга белгиланган муддатдан сўнг қарздордан векселда кўрсатилган пул суммасини тўлашни талаб қилиш хукукни беради.

Мана шу дастлабки кунларда Пъернинг ишларини ҳам, унинг ўзини ҳам ҳаммадан кўра кўпроқ князь Василий қўлга олди. У граф Безухов ўлгандан бошлаб Пъерни қўлидан чиқармади. Князь Василий иши бошидан ошиб ётган, чарчаган, жуда ээзилиб бўлса ҳам, лекин ичи ачиғанидан дўстинг ўғли бўлган бу бечора ёш йигитни, хусусан, шунча молмулк билан тақдирга ҳавола килиб ва догоули кишиларнинг қўлига ташлаб кетгани кўнгли бўлмаган одамга ўхшар эди. У граф Безухов ўлгандан кейин Москвада турган ўша кунлари Пъерни чакириб ёки ўзи унинг олдига кириб, унинг килиши керак бўлган ишларини айтиб берар экан, ҳар сафар худди «Биласанми, ишим бошимдан ошиб ётибди, лекин сени ўз ҳолингта ташлаб қўйиш шафқатсизлик бўлар эди, бундан ташкари, ўзинг биласанки, менинг сенга айтиётган гапларим бирдан бир тадбирдир», дея отгандай ўзини хориган ва бу гапларнинг тўғрилигига амин бўлгандай кўрсатар эди.

Мана, охири эртага кетадиган бўлдик, дўстим, – деди бир куни князь Василий кўзини юмган ҳолда унинг тирсагидан секин ушлаб; бу гапни шундай бир тарзда айтдики, гўё бу тўғрида аллақачонлар бир қарорга келинган-у, энди бошка гап бўлиши ҳеч мумкин эмас эди. – Эртага жўнаймиз, сен менинг коляскамда кетасан. Жуда хурсандман. Бу ерда ҳамма зарур ишларимиз битди. Мен аллақачонлар кетишим керак эди. Мана, канцлердан хат олдим. Мен ундан илтимос қилган эдим, сени дипломатия корпусига ўтказиб камерюнкерликка тайинлабди. Энди сенга дипломатлик йўли очик.

Князь Василий бу гапларни шу кадар хориган ва амин бўлган бир оҳангда гапирганига қарамай, мансаб тўғрисида жуда кўп ўйлаган Пъер зътиroz билдиримоқчидай бўлди. Бирок князь Василий йўғон, тўнгиллаган, зътирозга йўл бермайдиган, жуда ноилож қолган вактдагина ишлатиладиган бир оҳанг билан унинг сўзини кесди.

– Аммо, азизим, мен бу ишни ўзим учун, ўз виждоним учун қилдим, бунга ташаккур билдиришнинг ҳожати йўқ. Мехр-муҳаббатнинг ҳеч кимга оғирлиги йўқ. Ундан кейин,

хоҳламасанг, ташлайсан-у, кетаверасан. Мана, Петербургта борсанг, ўзинг кўрасан. Асли сен бу оғир қайгуни унугиши учун аллақачонлар бу ердан кетсанг бўлар эди. – Князъ Василий уф тортди. – Дунёнинг иши шу-да, дўстим. Менинг камердинерим сенинг колясканга кетаверсин. Ҳа, айттандай, эсимдан чикаёзибди, – деди князъ Василий яна, – марҳум отанг билан орамизда жиндай олди-берди бор эди, мен Рязандан тушганни ўзимга колдирдим: сенга керак эмас, биродар, кейин суриниб кетамиз.

Унинг «Рязандан тушган» легани, Рязандаги деҳконлардан тушган бир неча минг сўм ўлпон тули бўлиб, уни князъ Василий Пьерга бермасдан ўзи олиб колган эди.

Пьерни Петербургда ҳам Москвалаги сингари меҳрибон ва шириңсўз одамлар қуршаб олди. У князъ Василий топиб берган ишни, тўғриси, унвонни рад килолмасди, чунки кила-диган иши ҳам йўқ эди. Таниш-билишлари, меҳмондорчилик ва чакириклар шу қадар кўп эдики, Пьер ўзини Москва-дагидан ҳам кўра кўпроқ гарант, саросима бўлган ва ҳамон якинлашиб келаётган, лекин бўлмаётган бир яхши ишга кўз туттандай сезар эди.

Петербургда унинг илгариги бўйдок улфатларидан жуда кам киши колган эди. Гвардия урушга кетган, Долохов унвондан маҳрум килиниб, аскарликка юборилган, Анатоль кайси бир вилоятда армияда, князъ Андрей эса чет элда эди, шунинг учун Пьер кечаларни илгаригидай ўтказа олмас, ўзидан катта ҳурматли дўстига гоҳо дард-ҳасратини айта олмас эди. Унинг бутун вакти тушликда, балларда, кўпинча князъ Василийнинг уйида унинг хотини – семиз княгиня ва гўзал кизи Элен билан сухбатда ўтар эди.

Бутун жамоатнинг Пьерга назари бошқача бўлиб колгандай, Анна Павловна Шерернинг ҳам унга карапи ўзгарди.

Илгари Пьер ҳамма вакт Анна Павловнанинг олдида нима деса, назарида, шу гали айб, беҳуда бўлиб чиккандай кўринар; жуда бамаъни деб ўйлаган гали ҳам гапириши биланок беҳуда бўлиб колар, Ипполитнинг жуда ахмокона гаплари эса ҳамма вакт бамаъни ва ёкимли кўринар эди.

Энди у нима демасин, жуда гўзал чикар эди. Гарчи Анна Павловна бундай демаса ҳам, Пьернинг назарида, шундай демокчи бўлгандай ва факат унинг камтарлигини риоя килгани учунгина айтмагандай кўринар эди.

1805-1806-йиллар кишининг бошида Пьер Анна Павловнадан бир таклифнома олди ва бу таклифномага «Бу ўтиришда ҳуснингга тўйиб бўлмайдиган гўзал Элен ҳам бўлади», – деб қўшимча килинган эди.

Бу мактубнинг шу жойини ўқигандан кейин Пьер Элен билан ўзи орасида бошқаларга маъқул кўринган бир муносабат пайдо бўлганини биринчи марта хис қилди ва бу фикр худди унинг бўйнига кўлидан келмайдиган бир вазифани юклагандай, кўркиб кетди ва шу билан бирга бу нарса яхши бир эрмақдай ўзига маъқул бўлди.

Анна Павловнанинг бу меҳмондорчилиги ҳам ўша биринчи меҳмондорчилигидай эди, лекин у бу сафар меҳмонларини Мортемар билан эмас, Берлиндан келган ва подшо Александрнинг Потсдамга боргани, икки буюк дўстнинг мустаҳкам иттифоқ бўлиб инсоният душманига қарши хаққоний иш учун курашга қасамёд қилганликлари ҳакида муфассал хабар келтирган дипломат билан сийлар эди. Анна Павловна Пьерни яқинда унинг бошига тушган кулфат, яъни граф Безуховнинг ўлгани туфайли бўлса керак, маъюс бир киёфада қарши олди (ҳамма унга ўзи дурустроқ ҳам билмаган отасининг ўлими тўғрисида «зўр қайғуга колдингиз», деб таассуф билдиришни мудом ўзининг бурчи ҳисоблар эди) ва бу маъюслик малика Марья Фёдоровна тўғрисида гап кетган вақтда юзида пайдо бўладиган ўша маъюсликка айнан ўхшар эди. Пьер бу гапларни эшитиб талтайиб кетди. Анна Павловна ўзига хос моҳирлик билан меҳмонларни давра-давра килиб ўтқизди. Дипломат, князь Василий ва генераллардан иборат бўлган катталар даврасида ўтирад эди. Пьер ҳам шу даврага қўшилмоқчи бўлган эди-ю, лекин жанг майдонида бошига келаётган мингларча порлок фикрларни амалга оширишга зўрга улгуриб асабийлашган саркарданинг аҳволига тушган Анна Павловна Пьерни кўриб, секин унинг енгидан ушлади-да:

– Шошманг, бу кеча учун сизга атаб бир нарсани кўзтаб кўйибман., – деди-ю, Эленага караб кулимсиради.

– Жонгинам Элен, бечора холамга илтифот кўрсатинг, у киши сизнинг сухбатингизга ниҳоятда орзуманд. Ун дакикача гаплашиб ўтиринг. Зерикиб колмайсиз, мана, мухтарам граф ҳам сиз билан бирга ўтирадилар.

Гўзал Элен кампирнинг олдига караб кетди, лекин Анна Павловна худди сўнгти муҳим амр-фармонини бермоқчи бўлгандай, Пъерни тўхтатиб турди.

– Каранг, хўп ҳам чиройли-а? – деди Пъерга Анна Павловна, викор билан йўргалаб кетаётган сохибжамол Эленни кўрсатиб. – Ўзини тутишини айтинг! Шундай ёшгина қиз бўла туриб, ўзини шундай оғир, шундай бамъяни тута билса-я. Факат кўриниши эмас, ўзи шундай! Олган йигит хўп ҳам хушбахт бўлади-да! Киборлар доирасидан бўлмаган одам ҳам шундай хотинни олса, киборлар доирасида беихтиёр тўрга чиқиб қолади. Шундок эмасми? Сиз нима дейсиз, граф? Мен факат шуни билмоқчи эдим, – деди-да, Анна Павловна Пъерни кўйиб юборди.

Эленнинг хулқ-одоби тўғрисида Анна Павловнанинг берган саволига Пъер чин кўнгилдан ижобий жавоб берди. Агар у мабодо Элен тўғрисида бирон вакт ўйласа, факат унинг хусни жамоли ва киборлар доирасига муносиб равишида ўзини ниҳоят оғир ва вазмин тутиши тўғрисидагина ўйлар эди, холос.

Кампир бу икки ёшга ўз ёнидан жой берди, лекин Эленнинг сухбатига орзуманд эканлигини яширмокчи ва кўпроқ Анна Павловна олдида зўр ташвишга колганини кўрсатмоқчидай кўринар эди. У Анна Павловнага худди буларни нима қиласай, деб сўрагандай назар ташлади. Анна Павловна уларнинг олдидан кетар экан, яна Пъернинг енгини бармоғи билан туртиб:

– Умид киламанки, сизнинг уйингизда одам зерикар экан, демассиз. – деди ва Эленга қаради.

Элен худди мени бир кўрган одам мафтун бўлмай иложи йўқ, дегандай қулимсираб қўйди. Кампир йўталиб тупутини ютди ва французчалаб Элен билан кўришганидан

Элен гўё: «Менинг хусни жамолимни шу чоғтacha пайка-маганмидингиз? – дер эди кўз карапши билан. – Менинг аёл эканлитимни билмабмидингиз? Ҳа, мен аётман, мен ҳар кимга, сизга ҳам насиб бўлишим мумкин». Шу пайт Пьер Эленни олиши мумкингина эмас, балки олиши зарурлигини ва олмаслиги хеч мумкин эмаслигини хис килди.

У Эленни олишига бу пайт шу кадар ишонар эдикি, факат никоҳ маросимида бирга турганидагина бунга шунчалик ишониши мумкин. Лекин никоҳ қандай ва қачон бўлишини, агар шундай бўлса, яхши бўладими, йўқми (унга ҳатто негадир унча яхши бўлмайдигандай туюларди), буни у билмас, лекин шу иш бўлишинн мукаррар деб билар эди.

Пьер ерга каради, сўнгра уни ўша илгари (ҳар куни кўриб юрганидай), ўзидан узок, ўзига бегона бир гўзалдай кўришни истаб яна кўз ташлади: лекин бундай киломади. Туманда бурганни¹ кўриб, дараҳт деб гумон килган ва унинг дараҳт эмаслигини билган киши яна караганида кўзига ўша бурганнинг ўзи кўрингандай, Пьернинг ҳам кўзи ортиқ алданмас эди. Элен унга ниҳоят якин бўлиб колган эди. У Пьерни ўзига мафтун килиб кўйди. Икковининг орасида Пьернинг ўз хоҳишидан бошқа хеч қандай тўсик йўқ эди.

Анна Павловнанинг овози эшитилди:

– Хўп, ўша ерда ўтираверинг. Жойларинг ўзларинта жуда маъкул, шекилли...

Пьер бирон ножӯя иш килдимми, деб қўркиб, кизарип атрофига каради, унинг назарида, ҳозирги ҳолатини ҳамма билгандай кўринар эди.

У бир неча дақиқадан кейин катталар даврасига келганида Анна Павловна унга:

– Петербургдаги ҳовлингизни безаётган эмишсиз... – деди.

(Бу гап, дарҳақиқат, тўғри эди: архитектор безатиш кепак деган эди, Пьер нимага эканини ўзи ҳам билмай, Петербургдаги катта ҳовлисини безатишга киришган эди.)

– Яхши килибсиз, лекин князъ Василийникидан кетманг. Одамга шундок бир дўст кепак, – деб, Анна Павловна

¹ Бурган – алаф, супурги ўт.

князь Василийга кулимсираб қаради. – Бундан менинг унчамунча хабарим бор. Шундок эмасми? Сиз хали жуда ёшсиз. Сизга бир маслаҳатчи ҳам керак. Кампирларча маслаҳат килаётганимга мендан хафа бўлманг тағин. – Анна Павловна ўзининг ёши тўғрисида гапирганда, бу ҳақда ҳамсухбатининг бирон нарса дейишига ҳамма вақт мунтазир бўлиб жим қолган хотинлардай тутди ўзини. – Агар уйлансангиз, бошқа гап эди, – деб икковига бир-бир қараб кўйди. Пьер Эленга, Элен ҳам Пъерга қарамас, лекин Элен ҳамон Пъерга жуда ҳам якин туар эди. Пьер нимадир демокчи бўлди-ю, айтмади ва қизарди.

Пьер уйига қайтиб келганидан кейин, менга нима бўлди, деб ўйлаб узоқ ухлай олмади. Унга нима бўлди экан? Ҳеч нарса. Болалик чогидаёқ эътиборсизлик билан: «Ҳа, яхши киз» деб юрган Эленни бошқалар гўзал киз дегандан кейин, бу киз ўз маҳбубаси бўлишини англади.

«Лекин ақлли қиз эмас, ўзим биламанки, ақлли эмас, – деди Пьер ўзича. – У қиз менда пайдо қилган туйғунинг нечукдир бир қабиҳ, макруҳ томони бор. Акаси Анатоль билан иккови бир-бирини яхши кўриб қолишган, ўртада кўп гаплар ўтган, шунинг учун Анатолии бу ердан жўнатишган, деб эшитган эдим. Унинг бир акаси эса – Ипполит... Отаси эса мана бу князь Василий... Бу яхши эмас», – деб ўйлар эди. У шундай деб ўйлар экан (хали бу фикрини охирига етказмасдан), ўзининг илжайиб турганини ва дастлабки фикри бир ёқда қолиб, бошқа кўп фикр-хаёллар бошига келганини пайқади. У Эленнинг пастлиги тўғрисида ўйлар экан, шу билан бирга, уни олишини, ёки Элен яхши кўриб қолишини, ёки ўзгариб кетишини, ёки у ҳакида эшитган ва ўйлаган нарсалари нотўри чиқишини хаёл қиласар эди. У яна князь Василийнинг аллақандай бир кизини эмас, балки, баданини кулранг кўйлагигина беркитиб турган гўзал Эленни кўрар эди. «Йўғ-е, нега бунақа ўйлар илгари бошимга келмас эди?» У яна ўзига-ўзи бу ҳеч мумкин бўлмаган гап, дер, бу никоҳ, назарида, нечукдир қабиҳ ва гайритабиий кўринар эди. У Эленнинг илгариги гапларини, қарашларини ва икковини бирга кўрган одамларнинг гап ва қарашларини эслади. У

Анна Павловнанинг ховли тўғрисида айтган гапларини ва кўз қарашларини, князь Василий ва бошкалар томонидан килинган шу хилдаги кўп имо-ишораларни эслади-да, бу ножӯя кўринган ва килмаслигим керак бўлган нарсани зиммамга юклайдиган бирон иш килиб қўймадиммикин, деб вахимага тушди. У, бир томондан, шу қарорга келар экан, иккинчи томондан, гўзал Эленнинг хусн-у латофати унинг кўз олдидан кетмас эди.

II

1805-йилнинг нояброда князь Василий тўрт губернияга тафтиш иши билан бориши керак эди. Бу вазифани ўзи талабгор бўлиб олишидан максади – ўзининг издан чикиб кетган мулкларини бориб кўриш, ўғли Анатолии полкidan олиб у билан бирга князь Николай Андреевич Болконский-нинг олдига бориш ва уни шу бой чолнинг кизига уйлантириш эди. Бирок бу сафарга чикмасдан бу янги ишларни бошламасдан олдин князь Василий Пьернинг ишини бир ёкли килиши керак эди. Пьер сўнгти чоғларда бутун кунларини уйда, яъни князь Василийницида ўтказиб, Эленнинг олдиди ҳаяжонланиб, не ахволга тушиб, мажнун бўлиб юрган бўлса ҳам, лекин ҳануз унга уйланиш тўғрисида гал очмас эди.

Кўп яхшиликлар килгани (худога ҳавола!) Пьернинг бу ишни пайсалга солиб юришидан хафа бўлган князь Василий бир куни эрталаб уф тортиб: «Буларнинг ҳаммаси яхши-ю, лекин ҳамма нарсанинг бир чегараси бўлади», – деди ўзича. – Ёшлик... мулоҳазасизлик... Хайр, майли, – деди князь Василий, ўзининг яхши одам эканлигига мамнун бўлиб, – бунга хотима бериш керак. Индинга Лёлянинг тугилган куни; ошна-оғайниларни таклиф киласман, агар Пьернинг ўзи нима килишини билмас экан, у вактда ўзим биламан. Ҳа, бу иш менинг ишим. Мен – отаман!»

Пьер, Анна Павловнанинг меҳмондорчилигидан қайтиб келганидан кейин кечаси билан ухламасдан ўйланиб, Эленга уйланишпим бадбаҳтлик бўлади, ундан узоклашиш учун бу ердан кетишим керак, деган қарорга келганига бир ярим ой

бўлган бўлса ҳам, ҳануз ўша князь Василийнинг ҳовлисида турар ва, одамлар назарида, кундан кун Эленга боғланиб бораётганини, унинг тўғрисида бурунги фикрига қайта олмаганини, ундан узоклаша олмаганини, бунинг оқибати ёмон бўлишини, бирок шундай бўлса ҳам, ўз тақдирини унинг тақдирига боғлаши керак бўлиб қолганини фаҳмлаб, вахимага тушар эди. Пьер бундан, эҳтимол, ўзини саклаши ҳам мумкин эди-ю, лекин ҳар куни князь Василийницида бўладиган кечада (князь Василийницида меҳмондорчилик камдан кам бўлар эди) сухбатдагиларнинг кайфини бузмаслик ва ҳамманинг маломатига колмаслиги учун у, албатта, иштирок килиши керак эди. Князь Василий ахёнда уйида бўлган чоғларида Пьернинг олдидан ўтар экан, унинг кўлини ушлаб пастга тортар, буришган соколи кирилган юзини унга ўпгани тутар ва «эртагача хайр», ёки «тушликда кўришамиз, бўлмаса, мен кетиб қоламан», ёки «мен сени деб қоляпман» ва ҳоказо дер эди. Лекин князь Василий, ўзи айтмокчи, Пьер учун қолган вактларида у билан дурустрок гаплашмаса ҳам, Пьер унинг олдига кирмасликка ўзини ожиз сезар эди. Пьер ҳамиша ўз-ўзига шундай дер эди: «Ахир унинг қандай қиз эканини билишим ҳам керакми, йўқми? Илгари янглишганмидим ёки ҳозир янглишмаётиманми? Йўқ, аклсиз қиз эмас; йўқ, у жуда яхши қиз! – дер эди Пьер баъзан, ўз-ўзига, у ҳеч қачон, ва ҳеч нима тўғрисида янглишмайди, ҳеч қайси бемаъни гап гапирган эмас. Ўзи камгап, болохонадор гаплар гапирмайди. – Бамаъни қизга ўхшайди. Ҳеч қачон хижолатта қолган эмас, колмайди ҳам. Демак, бамаъни қиз-да. Кўпинча у Элен билан бирон нарса тўғрисида муҳокама қилганида, ўзича гапириб қўйганида Элен ҳамма вакт, менга бунинг дахли йўқ, дегандай қисқача жавоб берар ёки индамай унга қараб жилмайиб кўяр эдики, бу жилмайиш ва қараш Пъерга Эленнинг устунлигини яна ҳам писандада қилгандай бўлар эди. Бу табассумга нисбатан унинг ҳамма гап-сўзини Элен бир пул ҳисоблашда хақли эди.

Элен унга ҳамма вакт қувноқ, соғдиллик ва фақат Пъергагина қиласидан табассум билан муомала қилар, бу табас-

сумида эса Элленнинг ўзига ҳусн бўлиб тушадиган табас-сумидан кўра кандайдир бир каттарок маъно бўлар эди. Пьер хамма унинг ниҳоят бир сўз айтишига, маътум чегарадан ўтишига маҳтал эканини ва эртами-кечми ўзининг шу чегарадан ўтишини ҳам билар эди-ю, лекин бу чегарадан ўтишни хаёлига келтирса, аллақандай бир вахимага тушар эди. Пьер ўзини вахимага солаётган ўша чохга кун сайин якинлашиб бораётганини сезган шу бир ярим ой давомида ўзига кайтакайта: «Шу ҳам гап бўлдими? Жасорат керак! Наинки менда жасорат бўлмаса?» – дер эди.

У бу ишга жасорат килмокчи бўларди-ю, лекин ўзида борлигига ишонган ва, ҳакикатан ҳам, бор бўлган жасорат унга келганда йўқка чикканини сезиб, вахимага тушар эди. Пьер ҳам ўзларини буткул бегуноҳ сезгандагина довюрак бўладиган кишилар жумласидан эди. Анна Павловнанида тамакидонга караётганида пайдо бўлган туйгуси уни ўша кундан бўён гуноҳкордек қилар ва унинг бирон ишга журъат этишига ҳалал берарди.

Элленнинг туғилган куни князь Василийнида бўлган зиёфатга, княгиня айтгандай, энг якин ёр-дўстлар ва кариндошларгина келган эди. Бу келган меҳмонларга шу бугун Элленнинг пешонаси очилиши билдирилган эди. Меҳмонлар дастурхон ёнига ўтиришган эди. Семиз, ёшлиқда чиройли ва савлатли бўлган княгиня Курагина мезбон ўрнида ўтирас эди. Унинг икки томонида энг қадрли меҳмонлардан бўлган кекса генерал билан унинг хотини ва Анна Павловна Шерер, столнинг у бошида эса булардан кўра ўшрок ва мундайроқ меҳмонлар ҳамда хонадон ахли ўтиради, Пьер билан Элен ҳам шулар орасида ёнма-ён ўтиришар эди. Князь Василий, кайфи чоғ, овқат емасдан, стол атрофида айланиб юрар, ҳали у ҳали бу меҳмоннинг олдига бориб ўтирас эди. У шу ерда ўтирган Пьер билан Эленин кўрмагандай, шулардан бошка ҳаммага очилиб кизик-кизик гаплар гапирав, кулдирав, сухбатни кизитар эди. Мум шамлар порлаб ёнар, кумуш ва билтур идиш-товорклар, аёлларнинг зеб-зийнати, эполетларнинг олтин ва кумушлари бунинг ёргугида жилваланар, стол атрофида қизил кафтан кийган хизматкорлар ивисиб юрар,

пичоқ, стакан, ликопчаларнинг жиринглаши ва стол атрофи-даги одамларнинг кизғин гурунги эшитилар эди. Бир томонда камергер кампир – баронессага ўзининг жўшқин мұхаббатини изхор қилас, кампир кулар, иккинчи томонда кимдир Марья Викторовна деган бир хотиннинг омади келмаганилиги ҳакида гапирап эди. Столнинг ўртасида ўтириб олган князь Василий бирмунча одамларни оғзига қаратди.

У давлат кенгашининг чоршанба куни бўлган сўнгги мажлиси тўғрисида хотинларга ҳазиломуз табассум билан гапирап эди. Бу кенгашида Петербургнинг янги ҳарбий генерал-губернатори¹ Сергей Кузьмич Вязмитинов подшо Александр Павловичнинг армиядан юборган машхур номасини ўқиб берган экан, бу номада подшо Сергей Кузьмичга ҳар томондан ҳалкнинг содиклиги ҳакида мактублар олаётганини, Петербургдан олган бу мазмундаги хатларидан айниқса хурсанд эканлигини, шундай миллаттга бош бўлгани учун фахр килишини ва шунга сазовор бўлишга ҳаракат килишини айтган экан. Бу нома шундай бошланар экан: «Сергей Кузьмич! Ҳар томондан менинг қулогимга» ва хоказо.

– Ҳа, шунақа килиб, «Сергей Кузьмич»дан нари ўта олмабдилар дэнг, – деди хонимлардан бири.

– Ҳа-ҳа, бир ҳарф ҳам, – деди князь Василий кулиб. – Сергей Кузьмич... Ҳар томондан, ҳар томондан Сергей Кузьмич...» Бечора Вязмитинов шундан нари ўта олмади. Ўқимокчи бўлиб бошлади-ю, Сергей, дейиши билан ўпкаси тўлади... «Ку...зъми...ч», дейиши билан кўзидан ёши окади... Ҳар томондан, деганида ҳўнграб юборади-ю, у ёғини ўқий олмайди. Яна рўмолчасини олади, яна «Сергей Кузьмич, ҳар томондан», яна кўз ёши... охири бошқа одам ўқиб берди.

– Кузьмич... Ҳар томондан... Кўз ёши... – дер эди кимдир кулиб.

– Унақа кулманглар, – деди столнинг нариги томонида

¹ Губернатор (лотинча: gubernator – ҳукмдор, бошлиқ) – 1) Россияда 1917-йилга кадар губернада олий ҳукумат амалдорининг – губерна бошлиғи; 2) хозирги бир катор федератив давлатларда (Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Дания ва бошқа) сайдаб кўйиладиган олий маъмурний шахснинг; вилоят, штат, графлик маъмурниятининг бошлигининг; 3) йирик худудий бирлиқдан ёки колонияларда марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган маъмурният бошлигининг.

ўтирган Анна Павловна, бармоғи билан таҳдид килиб, – бизнинг Вязмитинов кўнгли юмшок, яхши одам...

Ҳамма қотиб-қотиб кулди. Столнинг тўрида ўтирган меҳмонлар хурсанд ва кулги-чакчакларга берилган эди; факат Пьер билан Эленгина индамасдан столнинг пойгоҳида ўтиришар, икковининг ҳам юзида Сергей Кузьмичга алоқаси йўқ, ўз ҳисларига доир уятчан бир табассум яшириниб ётар эди. Меҳмонлар нима тўғрида гапиришмасин, канчалик ҳазил-мутойиба килиб кулишмасин, канчалик иштаҳа билан вино ичишмасин ва музқаймоқ, соте ейишмасин, уларга қарамасликка қанчалик ҳаракат килишмасин, уларга қанчалик аҳамият бермаётгандай кўринишмасин, лекин ҳар замонда бир кўз ташлаб қўйишларидан Сергей Кузьмич ҳакидаги латифа ҳам, кулгилар ҳам, овқатта бўлган майллари ҳам соҳта бўлиб, ҳамманинг бутун диккати Элен билан Пъерда экани сезилиб турар эди. Князъ Василий Сергей Кузьмичнинг йиглашини килиб кўрсатар экан, қизига кўз кирини ташлади ва кулганида юзи: «Ҳа, ҳа, жуда яхши, бугун масала ҳал бўлади», деб туарар эди. Анна Павловна, Вязмитинов яхши одам, калака килма, деган мазмунда бармоғи билан таҳдид килар экан, Пъерга бир кўз ташлаб олди ва унинг кўзидан князъ Василий бўлажак куёв ва кизингга келадиган баҳт кутлут бўлсин, деган маънени ўкиди. Кекса княгиня қизига бир хўмрайиб ёнида ўтирган меҳмонга вино куйиб берар экан, чукур уф тортди ва шу уф билан гўё: «Бизга энди ширин вино ичишдан бошқа иш қолмабди, дўстим, эндиги давр-даврон беибо баҳт синашиб ўтирган шу ёшларники», – демокчи эди. Дипломат гул-гул очилиб ўтирган ошикмаъшуқларга қараб: «Нимага мен қаёқдаги беҳуда гапларни гапириб ўтирибман, менга нима кераги бор экан? Мана, баҳт – мана бу-да», деб ўйларди.

Арзимаган майда ва соҳта манфаатлар бир-бирига боғланган бу одамлар орасига табиий бир ҳис бирини-бирига боллаган ёш, чиройли, соғлом йигит билан қиз кириб қолган эди. Мана шу инсоний ҳис ҳамма нарсани босиб кетиб, бу соҳтагарчиликдан иборат бўлган ғовур-ғувур устида парвоз килар эди. Уларнинг ҳазиллари кўнгилсиз, айтилган янги-

ликлар кизиқ эмас, хурсандчиликлари, афтидан, сохта эди. Мехмонларгина эмас, ҳатто стол атрофида ивирсиб юрган хизматкорлар ҳам буни сезгандай, гул-гул очилиб ўтирган гўзал Эленга ва кип-кизарид, ўзини баҳтиёр ҳис килиб, аланглаб, ҳар томонга караб ўтирган семиз йигит Пъерга маҳлиё бўлиб, киладиган ишларини унубиб кўйган эдилар. Гўё шамлар ҳам бутун шуъласини шу икки баҳтиёрнинг бошига сочар эди.

Пъер ҳамманинг дикқатини жалб килиб ўтирганини сезиб, бундан ҳам хурсанд бўлар, ҳам хижолат тортар эди. У бир ишга жуда берилиб кетган кишининг холатида эди. У ҳеч нарсани яққол кўрмас, ҳеч нарсага аниқ тушунмас ва ҳеч нарсани дурустроқ эшиитмас эди. Факат goҳо тўсатдан миясида айрим фикрлар ва воқеликнинг айрим таассуротлари йилт этиб қўяр эди.

«Ҳа, энди иш тамом! – дер эди ичида. – Нима бўлиб шундай бўлди? Дарров-а! Энди билдимки, фактат унинг учунгина эмас, ўзим учунгина эмас, балки ҳамма учун шу иш шундок бўлиши зарур экан. Ҳамма шуни кутади, шу ишнинг бўлишига ва менинг шу ишни қилишимга ҳамманинг имони комил. Лекин бу қандай бўлади? Билмайман, лекин шундай бўлади ва бўлиши шарт!» – дер эди Пъер кўз олдидা барқ уриб турган Эленнинг елкаларига қараб.

У goҳ тўсатдан нимадандир хижолат тортар эди. У ҳамманинг дикқатини ўзига тортиб ўтирганига, бошқаларнинг кўзида баҳтиёр бўлганига, ўзи хунук бўлса ҳам, шундай соҳибжамол қизни олаётганига ўнғайсизланар эди. «Лекин расми шунаقا бўлади ва шундай бўлиши керак, – деб ўзига тасалли берар эди Пъер. – Хўш, бу ишнинг шундок бўлиши учун нима қилдим? Бу қачондан бошланди ўзи? Москвадан мен князъ Василий билан бирга келдим. Орада ҳеч қандай гап йўқ эди. Шундок бўлгандан кейин нега мен унинг уйига тушмайн? Хўп, мен бу киз билан карта ййнадим, тушиб кетган ридикюлини олиб берган эдим, у билан чанага тушиб айланган эдим. Бу ишлар қачон бошланди, қачон бўлди ўзи?» Мана энди у куёв бўлмокчи бўлиб, унинг ёнида ўтирибди! Эленнинг яқинлигини, ҳаракатини сезиб, нафас

олишини эшитиб, хусни жамолини кўриб ўтирибди. Гоҳ, унинг назарида, Элен эмас-у, балки Пьер ўзи фавқулодда чиройли ва шунинг учун ҳамма унга караёттандай кўринар ва шунга ҳаммани хайратда колдирганидан ўзидаги йўқ хурсанд бўлиб, кўкрагини керар, бошини кўтарар ва ўз баҳтига суюнар эди. Тўсатдан нечундир таниш бир овоз эшитилиб, ниманидир ундан икки маротаба сўради. Бирок Пьер шу қадар банд эдики, эшитаётган гапини англай олмади.

– Мен сендан сўраётбиман, Болконскийдан қачон ҳат олиб эдинг? – деди князь Василий учинчи марта. – Мунча ҳам паришон хотир бўлмасанг, азизим.

Князь Василий табассум килди. Пьер карасаки, ҳамма Элен икковига караб кулиб турибди. «Майли, майли, ҳаммаларинг билсаларинг нима килибди? Ростдан ҳам шундай», – деди Пьер ўзига ўзи ва маъсум табассум килди, Элен ҳам табассум килди.

– Қачон олган эдинг? Ольмюндан ёзибдими? – деди князь Василий, худди шу пайт шуни билиши бирон баҳсни ечиш учун зарур бўлиб колгандай.

«Наҳот одам шунака майда-чуйдалар тўғрисида гапириб ўтирса?» – деб ўйлади Пьер.

– Ҳа, Ольмюндан, – деди Пьер уф тортиб.

Зиёфат тамом бўлгандан кейин Пьер ҳам бошқаларнинг кетидан маъшуқасини меҳмонхонага олиб кирди, меҳмонлар жўнай бошлади, улардан баъзилари Элен билан хайрлашмасдан кетди. Баъзилари, худди уни муҳим машғулотдан кўйишни истамагандай бирров келиб, кузатишингизнинг ҳожати йўқ, деб дарров хайрлашиб кетишар эди. Дипломат меҳмонхонадан ғамгин бир киёфада чиқар экан, индамас эди. Унинг назарида, ўзининг бутун дипломатик мансаби Пьернинг баҳти олдида бир пул эди. Қари генерал хотини «оёғинг қалай», деб сўраганида тўнгиллаб берди. «Ҳе, афтинг курсин, кампир, – деди генерал ичида. – Мана бу Елена Васильевна элликка кирганида ҳам хусни йўқолмайди».

– Сизни табрик килсан бўлади, шекилли, – деди секингина Анна Павловна княгиняга ва уни қаттиқ ўпди. – Бош

оғригим тутмаганда колар эдим-а.

Княгиня ҳеч нарса демади; у кизининг баҳтига ичи куяр эди.

Мехмонлар кузатилаётган вактда Пьер ўша кичкина меҳмонхонада Элен билан анча вакт ёлғиз ўтириб қолди. У сўнгти бир ярим ой ичидаги илгари ҳам Элен билан кўп вакт ёлғиз колган бўлса ҳам, лекин унга ҳеч қачон муҳаббат изҳор килмаган эди. Энди қарасаки, муҳаббат изҳор қилиш зарур бўлиб қолибди, лекин бу сўнгти қадамни босишга сира журъат килолмас эди. У каттик хижолат тортар, назарида, ўзини Элленнинг ёнида бирорнинг ўрнини банд қилиб ўтиргандай сезар эди. «Бу баҳт сенинг насибант эмас, – дер эди кўнглининг бир бурчи. – Бу баҳт сенда бор нарсадан маҳрум бўлган одамнинг насибаси». Бирок бирон нарса дейиш керак эди ва Пьер тилга кирди. У Элендан, бугунги сухбатдан мамнунмисиз, деб сўради. Элен одатдагича жўнгина килиб, туғилган куни муносабати билан бўлган бу зиёфат кўнглига ёккан зиёфатларнинг энг яхшиси бўлганини айтди.

Якин кариндошлардан баъзи бирлари ҳали кетмаган эди. Улар катта меҳмонхонада ўтиришар эди. Князь Василий битта-битта қадам ташлаб Пьернинг олдига келди. Пьер вакт кетди, деб ўрнидан турди. Унинг бу гапи гўё шу қадар ғалати, ҳатто дафъатан тушуниб бўлмайдиган эдикни, князь Василий унга жиддий тарзда савол назари билан каради. Лекин дарҳол юзидаги жиддийлик йўқолиб, Пьернинг кўлини пастга тортида-да, ўтқизиб, мулојим табассум килди.

Князь Василий болаларини ёшлигидан эркалаб ўргангандан ота-оналарга хос меҳр билан фақат бошқа ота-оналарга тақлидан болаларига шундай муомала кила бошлаган эди қизига:

– Хўш, Лёлягинам? – деди.

Кейин Пьерга каради ва нимчасининг юкориги тутмасини ечар экан:

– Сергей Кузьмин, ҳар томондан – деб қўйди.

Пьер табассум килди, лекин бу табассумидан шу пайтда князь Василийни қизиқтираётган нарса Сергей Кузьмич ҳакидаги латифа эмаслигини фаҳмлагани билиниб туради;

князь Василий ҳам Пъернинг фахмлаганини билди. Князь Василий тўсатдан бир нима деб тўнгиллади-ю, чикиб кетди. Пъернинг назаридаги, ҳатто князь Василий ҳам хижолатда колгандай кўринди. Бу кекса киборнинг хижолатда колгани Пъерга тъасир килди: у Эленга каради; Элен ҳам хижолат тортгандай кўринар ва кўзлари: «Қандай килай, айб ўзингизда», деб турар эди.

«Бу чегарадан, албатта, ҳатлаш керак, лекин ҳатлолмайман, ҳатлолмайман», – дерди Пъер ўзича ва яна бошка тўғрида гап бошлаб. У Сергей Кузьмич латифаси нимадан иборат эканлигини сўради, чунки буни дурустрок эшитолмаган эди. Элен табассум килиб, мен ҳам билмайман, деди.

Князь Василий меҳмонхонага кирганида княгиня бир кари хоним билан Пъер тўғрисида секин-секин гаплашиб ўтирас эди.

– Албатта, иккови бир-бирига муносиб, лекин баҳт деган нарса, азизим... – деди княгиня.

– Бу Худонинг иродаси билан, – деди кари хоним.

Князь Василий буларнинг гапига қулок солмагандай, уйнинг у бурчига бориб диванга ўтиреди ва кўзини юмиб пинакка кетгандай бўлди. Бирдан боши тушиб кетди-да, кўзини очди.

– Алина, – деди хотинига, – кара-чи иккови нима қилиб ўтирибди..

Княгиня меҳмонхонанинг эшиги олдига борди ва эшик олдидан ўтар экан, ҳеч ҳам зътибор қилмагандай ичкарига бир кўз ташлади. Пъер билан Элен ҳамон илгаригидай гаплашиб ўтирас эди.

– Ҳамон аввалгича, – деди княгиня эрига.

Князь Василий қовоғини солди, оғзи бир томонга кийшайди, икки юзи ўзига хос бир хунук тусга кириб, пирпираб учди; у салчиб ўрнидан турди ва бошини оркага ташлаб, катта-катта қадам босиб аёллар олдидан ўтиб, кичкина меҳмонхонага борди. У кувноқлик билан йўргалаб Пъернинг олдига келди. Унинг юзи шу қадар фавқулодда тантанали тус олган эдики, Пъер кўркиб кетиб, ўрнидан турди.

– Худога шукур, – деди князь Василий. – Онаси менга

хамма гапни айтди. У бир құли билан Пьерни, иккінчи құли билан қизини күчоклади. – Азизим Лёля, менnihоятда хурсандман. – Унинг товуши титради. – Мен сенинг отангни жуда яхши күрар эдим... Сенга вафодор хотин бўлади... Худо баҳтларингни берсин!

У аввал қизини, сўнгра яна Пьерни күчоклади ва хидли оғзини очиб ўпди. Ҳақиқатан, икки кўзидан ёш оқар эди.

– Княгиня, бу ёққа келсанг-чи, – деб кичкирди хотинига.

Княгиня югуриб келди-да, йиглаб юборди. Ҳалиги қари хоним ҳам рўмолчаси билан юз-кўзини артди. Пьерни ўпишиди. Пьер ҳам бир неча маротаба гўзал Эленинг кўлини ўпди. Бирпастдан кейин яна икковини холи кўйишди.

«Ўзи шундоқ бўлиши керак эди, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди, – деди Пьер ўзича, – шунинг учун ҳам бу иш яхши бўлдими, ёмон бўлдими, деб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ;. Яхшилиги яхши, илгариги шак-шубҳалар йўқ;олди, энди ҳамма нарса маълум». Пьер индамасдан қайлигининг кўлини ушлаб, унинг кўтарилиб, пасайиб турган кўкрагига қараб турар эди.

– Элен! – деди Пьер ва жим қолди.

«Бундай вақтларда аллақандай сўзлар айтилар эди-да», деди-ю, лекин бундай вақтларда нима дейилишини хеч эслай олмади. У Эленинг юзига қаради. Элен унга яқинрок силжиди. Унинг юзи ловуллаб ёнар эди.

– Вой, олиб ташланг... бунингизни, – деб Элен унинг кўзойнагини кўрсатди.

Пьер кўзойнагини олди, унинг кўзлари кўзойнак олингандан кейин галати кўринишидан ташқари яна кўркиб, энди нима қилишим керак, деб тургандай кўринар эди. У Эленинг кўлини ўпгани энгашмоқчи бўлган эди, бироқ Элен бошини бир силкиб абжирлик билан лабини унинг лабига тутди. Унинг бутун ўзгариб-гезариб кетган юзи Пьерни ҳайратда қолдирди.

«Энди ўйлаб ўтиришга ўрин қолмади, иш тамом, ха, мен ҳам яхши кўраман», – деб ўйлади Пьер.

– Мен сизни яхши кўраман! – деди Пьер шундай вақтларда айтиладиган сўзни эслаб, лекин бу гап шундоқ тузсиз

чиқдикси, ўзи ҳам уялиб колди.

Бир ярим ойдан кейин түй бўлди ва Пьер, одамлар айтгандаи, сохибжамол хотинга, миллион-миллион бойликка эга бўлиб, граф Безуховларнинг Петербургдаги қайтадан безатилган ҳовлисига кўчиб борди.

III

Кекса князь Николай Андреевич Болконский 1805-йилнинг декабрида князь Василийдан ўғли билан бирга келмокчи эканлиги тўғрисида хат олди. («Мен тафтиш ишлари билан бораётиман, йўл юз чакиримча айланиш бўлса ҳам, сизларни кўриш учун, ҳечкиси йўқ, кириб ўтаман, мухтарам валинеъматим, – деб ёзган эди князь Василий. – Анатоль мени кузатиб, шунакаси армияга кетади; умидворманки, отасидан ўрннак олиб, сизни жуда хурмат киладиган Анатолга шахсан ташаккур билдириш учун ижозат бергайсиз!»).

– Мана, Марьяни Петербургта олиб бориш ҳам кераксиз бўлиб колди, куёвларнинг ўзлари бу ёкка келишяпти, – деди бехосдан кичкина княгиня мактубни эшишиб.

Князь Николай Андреевич афтини буриштириди-ю, индамади.

Хат келгандан кейин орадан икки ҳафта ўтгач, бир куни кечкурун князь Василийнинг одамлари, эртаси эса унинг ўзи ўғли билан келди.

Кекса Болконский князь Василийнинг хулк-атворини азалдан ёқтирмас ва хусусан, у янги подшолар Павел билан Александр давронида мартабаси жуда ошиб кетгандан кейин хушламай юрар эди. Князь Василийни хушламай юрган князь Николай Андреевич хатнинг мазмун ва кичкина княгиняниң киноясидан гап нимада эканлигини билгач, энди уни буткул ёмон кўриб колди. У князь Василий тўғрисида гапирганида ҳамма вакт жини кўзғар эди. Князь Василий келадиган куни князь Николай Андреевич айникса таъби хира бўлиб, феъли айниб юрди. Князь Василий келаётгани учун феъли айниганмиди ёки феъли айниб юргани учун князь Василийнинг келишидан бунчалик норози бўлдими, ишқилиб, феъли айниган эди, шунинг учун Тихон архитек-

торга эрталабоқ бугун князниң ҳузурига кирмасликни маслаҳат берган эди.

– Эшитаётибсизми қадам босишини, – деди Тихон архитекторнинг дикқатини князниң қадам товушига жалб килиб. – Тап-тап қилиб қадам ташлаётиби, биз мана шундан биламизки...

Шундок бўлса ҳам, князь одатдагича сувсар ёқали баҳмал пўстинини ва сувсар телпагини кийиб, эрталаб соат тўккизларда айлангани чиқди. Кеча қор ёқсан эди. Князь Николай Андреевич гулхонага қатнайдиган йўлка тозаланганд, супурилган қорда супурги изи кўриниб туар, курак йўлка бўйида уюлиб ётган қорга санчиб қўйилган эди. Князь қовогини солиб, индамасдан гулхонаси, хизматидаги одамлар турадиган жойларни ва бинокорликларни айланиб чиқди.

У ўзининг уйигача кузатиб келган, афти ангори ва киликлари ўзига ўхшаган ишбошидан:

– Чана юармикан? – деб сўради.

– Қор қалин, жаноби олийлари. Аллақачон катта йўлгача корни куратиб қўйдим.

Князь бош иргаб, зинанинг олдига келди. «Худога шукур, – деди саркор¹ ичидা, – кора булут таркалди».

– От зўрга юрадиган бўлиб қолган эди, жаноби олийлари, – деди саркор яна. – Ҳузурларига министр жаноблари келармишлар, деб эшиттан эдик, тўғри бўлса.

Князь қайрилиб саркорга қовоғини солиб қаради.

– Нима? Министр? Қанақа министр? Ким буюрди? – деди князь ўткир ва дағал товуш билан. – Менинг кизим княжна учун эмас, министр учун тозалабсизлар-да! Менинг министрим йўқ.

– Жаноби олийлари, мен ўйлаган эдимки...

– Ўйлаган эдим эмиш! – деб бақирди князь жазаваси тутиб ва сўзларни пойма-пой айтиб. – Ўйлаган эмиш. Муттаҳамлар! Безорилар!.. Мен сенга ўйлашни кўрсатиб қўяй, – деди-да, кўлидаги ҳассаси билан Аллатични урмокчи бўлган эди-ю, лекин саркор беихтиёр ўзини четта олиб, ҳасса тег-

¹ Саркор (форсча) – маълум иш ёки соҳани бошкарган лавозимли киши; йўлбошчи.

май колди. – Уйлаган эмиш!.. Безорилар!.. – деб бакирди князь. Лекин Алпатич калтакдан ўзини четта олиб, беодобчилик кылганидан күркіб кетди-ю, князнинг олдига келиб тепакал бошини күйи солди, шундай бўлса ҳам, (ёки уннинг шундок кылгани учунми), князь ҳамон: «Безорилар!.. Йўлга кайтадан кор ташлансин!» – деб кичкирди, лекин ҳассасини кайта кўтармади ва шошилиб уйга кириб кетди.

Князь Николай Андреевичнинг феъли айниганидан хабардор бўлган княжна билан мамзель Буръен тушлик олдиндан уни кутиб туришар эди. Мамзель Буръен хушхол бир киёфада худди: «Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, мен ҳар кунгидайман», деяёттандай, княжна Марья эса ранги окарган, кўрккан ва сукут килиб ерга караб турар эди. Княжна Марьяга ҳаммадан шуниси оғир эдики, бундай вактларда Марья мамзель Буръендай бўлиш керак эканлигини билар эди-ю, лекин шундай киломас эди. У шундай деб ўйлар эди: «Ўзимни ҳеч нарсани пайқамаганга солсам, отам менинг хафа-хурсандлигим билан иши йўқ, деб ўйлади; ўзимни хафаликка солсам, отам (илгаригидай) тумшугини осибди, дейди» ва ҳоказо.

Князь кизининг гезарган юзига караб, димогида қулдида:

– Афтинг... ахмок! – деди.

Кичкина княгиняниң ошхонада йўқлигини кўриб:

«Униси ҳам! Унга ҳам аллақачон етқизишибида-да», – деб ўйлади Николай Андреевич.

– Княгиня кани? – деб сўради у. – Қочиб ўтирибдими?

– Тоби йўқроқ, – деди кулимсираб мамзель Буръен, – чиқмайди. Оғироёқ эмасми.

– Ҳм! Ҳм! Ўх-хў! Ўх-хў! – деб стол ёнига ўтириди князь.

Ликопча кўзига кир кўринди: у доғни кўрсатиб, ликопчани улоқтириб юборган эди, бирок Тихон абжирлик килиб уни тутиб олиб буфетчига¹ берди. Кичкина княгиня соғ эди,

¹ Буфет (*французча: buffet* – стол) – 1) идиш-товок, мева-чева, ичимлик ва шу кабилар сакланадиган маҳсус жавон (шкаф); 2) катта ошхона ва ресторонлар, муйян корхоналар кошида ташкил этиладиган, ёнгил-елли овқатланиш учун мўлжалланган дўкон; тамаддихона (бу ерда шу маънода). Буфетчи – буфет ошпази ёки бошқа ходим.

лекин княздан шу қадар қўрқар эдики, унинг феъли айни-
ганини эшишиб уйдан чиқмай қўя колди.

– Болага бир нима бўлмасин, деб қўрқаман, – деди кич-
кина княгиня мамзель Буръен, – одам қўркса ҳар нима
бўлиши мумкин.

Кичкина княгиня Лисие Горига келганидан буён бу ерда
умуман бир ваҳима ичида ва қари князни хушламай борар
эди. У қари княздан шу қадар қўрқар эдики, уни нима учун
хушламагани ҳақида ўйлолмас ҳам эди. Князъ ҳам уни
хушламас, лекин уни паст қўргани учун унча билинмас эди.
Княгиня Лисие Горида туриб мамзель Буръенни яхши кўриб
колди. Кунларни ўша билан ўтказар, уни кечалари ётгани
таклиф қилас, у билан кўпинча қайнатаси тўғрисида гапла-
шар ва уни ёмонлар эди.

– Мехмонлар келар эмиш, князъ., – деди мамзель Буръен
кип-кизил қўллари билан оппок салфеткани ёзар экан. –
князъ Курагин жаноблари ўгиллари билан келар эмиш-
ларми? – деди савол оҳангি билан.

– Ҳм... бу бола ажойиб. Мен жамоага ўрнаштириб
кўйган эдим, – деди князъ койиб. – Ўғлини нега олиб кела-
ётиби, ҳеч тушуна олмайман. Эҳтимол, княгиня Лизавета
Карловна билан княжна Марья билишар; мен ўглини нега
олиб келаёттганини билмайман. Менга кераги йўқ. – У
қизариб кетган қизига қаради.

– Тобинг йўқми? Ана у аҳмок Алпатич айтгандай,
министр ваҳимасидан касал бўлдингми?

– Йўқ, отажон.

Мамзель Буръен бу мавзуда бемаврид гап очган бўлса
ҳам, князнинг кайфиятига қарамай гулхона, янги очилган
гулнинг чиройлилиги ва ҳоказолар тўғрисида жавраб кетди:
шўрвадан кейин князнинг қовоғи салгина очилди.

Князъ тундликдан кейин келинининг олдига кирди.
Кичкина княгиня кичкина столча ёнида оқсоч Маша билан
гаплашиб ўтирас эди, қайнатасини кўриб, ранг-кути ўчди.

Кичкина княгиня буткул ўзгариб кетган, ҳозир хунук-
кина бўлиб қолган эди. Лунжалари осилган, юқориги қиска
лаби кўтарилган, кўзлари киртайган эди.

У князниңг қалайсан, деган саволига:

– Ўзимни оғиррок сезәтибман, – деб жавоб берди.

– Ҳеч нарса керак эмасми?

– Йўқ, Раҳмат, отажон.

– Ҳўп, яхши, яхши.

У келинининг олдидан чикиб, официантлар бўлмасига борди. Бўлмада Аллатич бошини кўйи солиб ўтирад эди.

– Йўлга кайтадан кор ташладиларингми?

– Ташладик, жаноби олийлари, кечириңг, худо ҳаки, билмабман.

У сўзини тамом қилмасдан князъ сохта кулиб:

– Ҳа, яхши, яхши, – деди.

У кўлини узатди. Аллатич кўлини ўтгандан кейин кабинетга кириб кетди.

Кечкурун князъ Василий келди. Уни кучерлар ва официантлар катта йўлга чикиб қарши олишди. Улар, шовкин-сурон кўтариб, унинг юкларини ва чанасини атай-лаб кор ўулган йўлдан ҳовлининг у томонидаги уйга боришли.

Князъ Василий билан ўғли Анатолга алоҳида-алоҳида уй ажратилди.

Анатоль камзулини ечиб, иккала кўлини белига кўйиб, олдидаги столнинг бурчига катта-катта шахло кўзларини тикиб, хомуш ҳолда кулимсираб ўтирад эди. У ўзининг бутун ҳаётини бировлар томонидан, албатта, килиб кўйила-диган кайф-сафони суришдан иборат деб билар эди. Ҳозир бу ерда баджаҳл чол билан унинг хунук, бой меросхўр кизи-нинг олдига келишига ҳам у шу назар билан карар эди. Унинг тахминига кўра, бу ишларнинг ҳаммаси жуда яхши ва қизиқ натижга бериши мумкин эди. «Бу киз шунчалик бой бўлса, нега уйланмайин? Бунинг ҳеч зиёни тегмайди», деб ўйлар эди Анатоль.

У соқолини олди, олифтачиликка зеб бериб, боплаб ўзига атир сепди, азали мулойим, мағрур бир қиёфада чирой-ли бошини баланд кўтариб, отасининг олдига кирди. Князъ Василийни икки камердинери кийинтирмоқда эди. У у ёқ бу ёкка қарар эди, ўғлини кўриб худди: «Ҳа, айни муддао

бўлибсан», дегандай бош иргади.

– Йўқ, ростини айтинг, отажон, жуда ҳам хунук эканми?
А? – деди Анатоль французчалаб худди йўлда бошлаган гапини давом эттиргандай.

– Бехуда гапларни кўй. Ҳаммадан зарури – кекса князь олдида ўзингни бамаъни, боодоб тут.

– Агар қовоғ-у димоғ киладиган бўлса, чикиб кетаман, менинг чолларга ҳеч тоқатим йўқ. Нима дейсиз? – деди Анатоль.

– Шуни эсингдан чиқармаки, сенинг ҳамма ишинг шунга боғлиқ.

Бу орада қизлар бўлмасидагиларга министрнинг ўғли билан келганлиги маълумгина эмас, балки буларнинг афти боши ҳам тўла-тўқис таъриф килинган эди. Княжка Марья ўз бўлмасида ўтириб ўзининг ички ҳаяжонини ҳарчанд босишга уринса ҳам, босолмас эди.

«Нега ҳам улар хат ёзишди, нега ҳам Лиза буни менга айтди? Бу ҳеч бўлмайдиган иш! – дер эди ойнага қараб. – Мехмонхонага қандок қилиб чиқаман? У менга ёккан тақдирда ҳам унинг олдида қандок қилиб ўтираман». Ўз отасининг кўз қарашининг ўзи унинг кайфини учирар эди.

Оқсоқ қиз Маша аллақачон кичкина княгиня билан мамзель Буръен министрнинг ўғли қизил юзли, кора кош, чиройли йигит эканлигини, отаси зинадан зўрга пайпаслаб чиққанда, у уч зинани бирдан босиб лочиндай югуриб чиққанини айтиб берган эди. Бу гапларни эшитгандан кейин кичкина княгиня билан мамзель Буръен қаттиқ-қаттиқ гаплашиб Марьянинг олдига киришди.

– Улар келишди, Марья, хабарингиз борми? – деди кичкина княгиня корнини чиқариб креслога ўтирас экан.

Княжна эрталаб кийиб ўтирган блузкасини¹ ечиб, энг яхши кўйлакларидан бирини кийиб олган, сочини яхшилаб тараб ўрган; таъби очилган бўлса ҳам, юзи сўлгин ва нурсиз эди. У Петербургда меҳмондорчиликларга кийиб борадиган кўйлагини кийганида кейинги вактларда хийла хунук бўлиб

¹ Блузка – хотин-кизларнинг енгил материаллардан тикилган, юбка ёки шим билан кийиладиган кўйлакчаси.

колгани яна ҳам очикрок кўринар эди. Мамзель Буръен ҳам унча-мунча ўзига зеб бериб, чиройли ва кизил юзли киши-нинг дискатини яна ҳам жалб киладиган бўлган эди.

– Бошқа кўйлак киймайсизми? Ҳозир улар чикишса керак. Пастга тушиш лозим. Салгина ясан-тусан килсангизчи.

Кичкина княгиня креслодан турди ва кўнгирок чалиб, оксочни чакирди-да, дарров княжна Марьяни ясантириш пайдан бўлди. Княжна Марья ўша айтилган куёв келганига хаяжонланганидай, айникса, иккала дугонасининг шу иш, албатта, шундок бўлади, деб караганликларидан нафси ко-йиган эди. Дугоналарига бундан хижолатда эканини айтса, ўзининг хаяжонланганини билдириб кўйган бўлар эди; бундан ташқари агар кийинтирмокчи бўлаёттан дугоналарига кийинмайман, деса, улар ҳазил килиб кулишлари ва кисташлари мумкин эди. У бирдан тутақди, чиройли кўзлари сўнди, икки бети кизарди, юзида тақдирга тан берганини кўрсатадиган хунук бир ифода билан (унинг юзида кўпинча шундай ифода пайдо бўлар эди) ўзини мамзель Буръен билан Лизанинг ихтиёрига топширди. Ҳар иккала хотин уни чиройли килишга жон-дили билан киришди. Княжна Марья шу кадар хунук эдики, уларнинг хеч бири у билан ракобат ки-лиш тўғрисида ўйламас эди, шунинг учун иккови кийим одамни чиройли килади, деган хотинлар ақидаси билан астойдил уни кийинтиришар эди.

– Йўқ, кўй, ўртоқсон, бу кўйлак бўлмайди, – леди Лиза княжнага нарироқдан кийшайиб караб. – Айт, жигарранг кўйлагингни беришсин. Ажабланма, эхтимол, турмуш масаласи ҳал бўлса. Йигитнинг ақли кўзида бўлади, деган гап бор. Йўқ, буниси жуда ҳам оч, кўй, бўлмайди, хунук!

Кўйлак хунук эмас, балки княжнанинг юзи ва каддикомати хунук эди. Аммо мамзель Буръен билан кичкина княгиня буни сезмас, уларнинг назарида, агар юкорига тараалган сочига кўк лента боғланса ва жигарранг кўйлак устидан шарф ташланиб кўйилса, унда чиройли бўладигандай кўринар эди. Улар кўрккан одамнинг афт-ангорини кийим билан ўзгартириб бўлмаслигини эсларидан чикарган,

шунинг учун қанчалик уринмасин, қанча зеб бермасин, княжна Марья, барибир, хунук эди. Княжна Марья уларнинг раъйига кириб, икки-уч маротаба қайта кийиниб, сочини юкорига тараф (сочини юкорига тараши унга сира ҳам келишмас эди) чиройли жигарранг кўйлак устидан ҳаворанг шарф ташлаб олганидан кейин кичкина княгиня унинг атрофига бир-икки айланди ва кичкина кўлчаси билан кўйлакнинг у ёқ бу ёгини, шарфини тузатиб яна у ён бу ёнидан каради-да:

– Йўқ, бу бўлмади, – деди кўлини кўлига уриб. – Йўқ, Марья, бу сизга ҳеч ярашмади. Менга ҳаммасидан ўша ҳар куни киядиган кулранг кўйлагингиз ёқади. Мен сиздан сўрайман, ўшани кийинг.

Катя, – деди оксочга, – ўша кулранг кўйлакни олиб кел... Мана, кўрасиз, мамзель Буръен, менинг ясантирганимни, – деди ҳали бўлмаган ишига завки келиб.

Катя кулранг кўйлакни келтирганда княжна Марья ойнага караб ҳамон тек ўтирап ва ойнада кўзи жикка ёшга тўлиб, йиглашга тайёр бўлиб, лаблари пирпираб учайдиганини кўрди.

– Яна жиндаккина сабр қилсангиз бўлади, княжна..

Кичкина княгиня оксоchnинг кўлидан кўйлакни олиб, княжнанинг олдига келди.

– Мана ҳозир одмигина-ю, лекин соз қиласиз, – деди княгиня.

Княгиня, мамзель Буръен ва нимагадир кулган Катяниг товушлари, бир-бирига кўшилиб ҳудди қушларнинг сайрашига ўхшаб кетди.

– Йўқ, кўйинглар энди мени, – деди княжна.

Княжна бу гапни шу қадар жиддий ва алам билан айтдики, кущдай сайраётганлар дарҳол жим бўлиб қолишиди. Булар княжнанинг жикка ёшга тўлган ва мунғайиб караб турган шахло кўзларини кўриб билишдик, уни энди бундан ортиқ мажбур килиш бефойда ва ҳатто жабр.

– Ҳеч бўлмаса, сочини бошқатдан тузатинглар., – деди кичкина княгиня мамзель Буръенни койиб. – Мен сизга айтиб эдим-ку, сочини юкорига тараф Марьяга ярашмайди,

деб. Бошқатдан килинг.

– Күйинглар мени, менга барибир, – деди Марья упкасини зўрга тутиб.

Мамзель Буръен билан княгиня кўриб ва билиб туришар эдики, княжна Марья шу туришда ҳар кунгидан ҳам хунукрек эди, лекин энди бирор чора килиш фурсати ўтган эди. Княжна уларга маҳзун ва фикр-у хаёлга чўмган ҳолда қараб колди. Улар унинг бундай ҳолатларда қандай бўлишини билганликлари учун ташвишга тушмадилар (У ҳеч кимни ташвишга кўймас эди.) Лекин улар Марьянинг шундай ҳолатларда индамас ва сўзидан қайтмас бўлишини билишар эди.

– Сочинизни бошқача килиб тарабсиз-а? – деди Лиза, лекин княжна индамаганидан кейин ташқарига чиқиб кетди.

Ки... а Марья ўзи ёлгиз колди. У Лизанинг айтганини килмаі. очини бошқатдан тараш у ёқда турсин, ҳатто ойнага ҳам қарамади. У бўшашиб қўлларини осилтириб ўйга толди. У эрни, эркак кишини, кучли хукмрон ва нечукдир жозибали, уни тўсатдан бошқача оламга, ўз оламига, баҳтсаодат оламига олиб борадиган вужудни кўз олдига келтирди. У болали бўлганини, кеча кўргани энаганинг кизидай бола эмизиб ўтирганини тасаввур килди. Тепасида гўё эри туриб, унга ва боласига меҳр билан кўз ташларди. «Йўғ-еий, бундай бўлиши сира ҳам мумкин эмас, мен жуда хунукман», деди княжна ичидা.

Оқсоchnинг эшикдан:

– Чойга марҳамат килинг, князъ ҳозир чиқадилар, – деган овози эшитилди.

У ўзига келди-да, ўйлаган ўйидан кўркиб кетди. У ўрнидан турди-ю, пастга тушмасдан бурун санамлар кўйилган уйга кирди ва шамчироклар ёритиб турган најотбахшнинг катта сурати олдига борди ва қўлини кўкрагига қўйганича унга тикилиб бир неча дакика турди. Унга кўнглидаги бир шубҳа азоб берар эди. У ҳам дунёвий муҳаббатдан баҳраманд бўлиши, эркак кишини яхши кўриши мумкинмикин? У эр-у хотинлик тўғрисида ўйлаганида оиласиб баҳтиёрлик ва болани орзу қилас, лекин унинг энг катта орзу-ҳаваси

дунёвий мұхаббат эди. У бу хисни бошқалардан ва ҳатто үзидан ҳам яширишга ҳаракат килған сайин авж олар эди. «Эй худо, – дер эди үзига үзи, – бу шайтоний хисни қандай килиб енгсам экан? Тинчгина сенга ибодат килиш учун бу ёмон хаёллардан қандай килиб күтүлсам экан?» У бу саволни бериш билан қалби унга худо тилицан жавоб берар эди: «Хеч нарсаны орзу қилма, қидирма, изтиробга тушма, хеч кимга қасд қилма, одамларнинг келажаги ва ўз тақдиринг сенга маълум бўлмаслиги керак, лекин ҳамиша тақдирга тан бергани тайёр тур. Агар худо сени зиммангга хотинлик бурчини юклаб, имтиҳон қиласиган бўлса, унинг иродасига тайёр бўл». Княжна Марья тасалли бўладиган шу фикрлар билан (лекин, ҳар қалай, дунёвий орзусига эришишга умид боғлаб) енгил нафас олиб чўкинди-да, на кўйлак, на сочи, на меҳмонлар олдига қандай кириши ва на уларга нима дейиши тўғрисида сира ўйламасдан пастга тушди. Худонинг иродасидан ташқари кишининг бир туки ҳам тўқилиши мумкин бўлмаганидан кейин, унинг ёзмиши олдида бу нарсалар нима деган гап.

IV

Княжна Марья уйга кирганда князь Василий ўғли билан меҳмонхонада кичкина княгиня ва мамзель Буръен билан гаплашиб ўтирап эди. Княжна оғир-оғир қадам кўйиб кирганида эркаклар ва мамзель Буръен ўринларидан туришди: кичкина княгиня уни эркакларга кўрсатиб: «Мана, Марья!» – деди. Княжна бир қарашда ҳаммани кўздан кечирди. У бир лаҳза жиддий киёфага кириб яна дарҳол табассум килған князь Василийнинг юзини, Марья меҳмонларда қандай таас-сурот туғдиради экан, деб мароқ билан уларга қараб турган кичкина княгиняниң юзини кўрди. У Анатолга кўзлари жавдирағ қараб ўтирган, лента таққан чиройли мамзель Буръенни ҳам кўрди, лекин княжна Анатолнинг юзини кўра олмасди, уйга кирганида үзига томон келган каттакон ва хушкомат бир гавданигина кўрди, холос. Унинг олдига аввал князь Василий келди ва бошини энгаштириди, Марья унинг тепакал бошидан ўпди ва сўзларига жавобан «эсимда

борсиз», деди. Ундан кейин Анатоль келди. Марья уни ҳануз күрмас эди. У факат қўлинни мулойим бир қўл қаттиқина ушлаганини ва билаги қўнгир соchlар ёпишиб турган оппок пешонага текканинингизни сезди. У Анатолнинг юзига карагач, ҳуснини қўриб ҳайратда колди. Анатоль ўнг қўлининг бош бармоғини мундирининг икки тутмаси орасига тикиб, қўкрагини олдинга ва елкасини кейинга чиқариб, олдинги оёгини тебратиб ва бошини бир томонга сал кийшайтириб индамасдан княжнага, афтидан, унинг тўғрисида ўйламасдан, очик чехра билан қараб турар эди. Анатоль ҳозиржавоб эмас, гапга чечан ва уста эмас, аммо-лекин киборлар доирасиға муносиб хислатларга эга, яъни вазмин ва ўзига қаттиқ ишонган киши эди; ўзига ишонмаган одам бирор билан биринчи маротаба танишганда гап топилмаса-ю, жим туриш яхши эмас, деган мулоҳазасини ва бирон нарса демокчи бўлиб ўйлаётганини билдириб кўйса, албатта, яхши эмас, лекин Анатоль индамай турган бўлса ҳам, княжнанинг сочини кўздан кечириб, оёгини тебратиб турар эди. У шу зайлда бемалол узок вакт гапирмасдан тура олиши кўриниб турар ва худди: «Бу жимлик ўнғайсиз бўлса, сизлар гапираверинглар, менинг гапиргим келмай турибди», дер эди. Бундан ташқари, Анатоль хотин-қизлар билан муомала килганида, кеккайиб уларни назарига илмагандай бир килиқ килар эдик, хотин-қизларда бу кўпроқ мароқ, кўркув ва ҳатто муҳаббат ҳиссини туғдирап эди. Унинг кўриниши хотин-қизларга гўё шундай дер эди: «Биламан, биламан сизларни, сизларга овора бўлиб юраманми? Сизлар жон ҳам дер эдиларинг-ку-я!» Эҳтимол, у хотин-қизларни кўрганида бундай деб ўйламас ҳам эди (ўйламаслиги мумкин, чунки унинг ўзи умуман кам ўйлар эди), лекин унинг кўриниши ва килиги шундай деб турар эди. Княжна буни пайқади, шунинг учун худди унинг дикқатини ўзига тортиш хаёлига ҳам келмаганини кўрсатмоқчи бўлгандаи, кари князга мурожаат килди. Майнин тук босган лаби кўтарилиб, оқ тишлари кўриниб турган кичкина княгиня ўтиргани учун сухбат жуда қизиб кетди. Кичкина княгиня князъ Василийни кўпинча сергап хушчакчақ кишиларга хос бўлган иборалар, гапла-

шаётган одамлари билан хеч қандай яқин муносабатлари бўлмаса ҳам, кўпдан таниш ва ҳазил-мутойиба килиб юрган ва ораларида худди бошқаларга унча маълум бўлмаган кизиқ хотиротлар бўлган кишилардай ҳазил-мутойиба билан карши олди, ҳолбуки, князъ Василий билан княгиня орасида хеч қандай муносабат йўқ эди. Князъ Василий ҳам дарров унга мос сўзлар айтди. Кичкина княгиня хеч қачон бўлмаган бу кизиқ хотиралар тўғрисидаги гапга Анатолии ҳам тортди, ҳолбуки уни дурустроқ билмас ҳам эди. мамзель Буръен ҳам бу хотиротларга кўшилди, ҳатто княжна Марья ҳам бу кизиқ хотираларга тортилганини мамнуният билан хис қилди.

– Мана энди охири сиз буткул бизнинг ихтиёrimиз-дасиз, князъ, – деди кичкина княгиня, албатта, француз чалаб, – энди уйдаги ўтиришлардан ҳамиша қочганингиздай қочолмайсиз.

– Суюмли Аннетта эсингиздами?

– Ҳа, Аннеттага ўхшаб сиз ҳам мени сиёsat тўғрисида галиргани қўймассиз.

– Чой столи атрофида ўтирганимиз-чи?

– Ҳа, ўшани айтинг.

– Нега сиз Аннеттаникига хеч бормас эдингиз? – деди кичкина княгиня Анатолга. – Ҳа! Биламан, биламан, – деди кўз қисиб. – Акангиз Ипполит сизнинг қилган ишларингизни менга айтиб берган эди. Биламан! – деди бармоғи билан таҳдид қилиб. – Парижда қилган шўхликларингиздан ҳам хабардорман.

– Ипполит сенга айтгани йўқмиди? – деди князъ Василий ўғлига қараб ва худди княгиня қочмоқчи бўлгандай унинг кўлидан ушлади. – Ипполит княгиняга шайдо бўлганини ва уни уйидан ҳайдаб юборганини сенга айтмадимми?

– Ў-хў! Бу нозанинлар нозанини-ку, княжна! – деди князъ Василий княгиняга қараб.

Кичкина княгиня Париждан гап очганда мамзель Буръен ҳам фурсатни ғанимат билиб, гапга кўшилди.

У Анатолдан «Париждан қачон келдингиз? Бу шаҳар сизга маъқул бўлдими», деб сўради. Анатоль унга жуда иштиёқ билан жавоб берди ва табассум билан унга қараб,

унинг ватани түгрисида гаплаша кетди. Анатоль чиройлигина мамзель Буръенни кўриб, бу ерда, Лисие Горида ҳам зерикиб қолмас эканман, деб кўйди. «Жуда жойида! – деди уни кўздан кечириб, – бу дугонанг жуда жойида экан. Княжна менга тегса буни ҳам бирга олиб борар, – деди ичида, – Жуда-жуда жойида».

Кекса князь кабинетида ковоғини солиб, нима килсам экан, деб ўйлай-ўйлай, аста-секин кийинар эди. Бу меҳмонларнинг келишига унинг ғаши келган эди. «Князь Василий-ю унинг ўғли менга нима керак экан? Князь Василийнинг ўзи мақтандик, бемаъни бир одам, унинг ўғли ҳам ўзидан қолишмаса керак», дер эди ўзича тўнғиллаб. Бу меҳмонларнинг келиши унинг кўнглидаги ҳал қилинмаган, кундан кун пайсалга солиниб келаётган масалани кўтардики, бу тўғрида кекса князь доим ўзини алдаб юрар эди. Қачон бўлмасин, княжна Марьядан айрилишга рози бўлиб уни эрга берадими, йўкми – масала шундан иборат эди.

Князь хеч қачон ўзига бундай савол бергани журъат килган эмас, чунки бу саволга ҳаққоний жавоб бериш кераклигини ўзи биларди, ҳаққоний жавоб бериш эса унинг хошишига зидгина эмас, балки уни бутун тирикчилик имкониятидан маҳрум қиласр эди. Князь Николай Андреевич гарчи княжна Марьяни унча қадрламагандай кўринса ҳам, лекин усиз ҳаёт кечиришни сира тасаввур килолмас эди. «Эрга тегиб нима қиласр? – деб ўйлар эди у. – Шўрпешона бўлмокчидир-да. Мана, Лиза Андрейга тегди (хозирги замонда бундан яхши эр топиш ҳам кийиндир), ундан нима кўрди? Уни ким ҳам яхши кўриб олар эди? Хунук, бесўнакай. Олса ҳам, факат мол-у дунёси-ю номига қизиқиб олади. Эр қилмай кун кўриб бўлмас эканми? Қайтанга яхшироқ кун кўради». Князь Николай Андреевич кийинар экан, шуларни кўнглидан ўтказар ва шу билан бирга шу чоғгача пайсалга солиниб келаётган масалани бетўхтов ҳал килиши керак эди. Князь Василий, афтидан, ўғлини княжнага уйлантироқчи бўлиб олиб келган ва, эҳтимол, бугун ё эрта дангал жавоб талаб қиласа. Унинг обрўйи, киборлар доирасида тутган мавқеи ёмон эмас. «Майли, майли, мен қарши эмасман, – дер

эди князь ўзига, – лекин ўғли кизимга арзийдиган бўлсин.
Мана шу томонини ўйлаб кўрамиз».

— Мана шу томонини ўйлаб кўрамиз, — деди князъ овозини чикариб. — Мана шу томонини ўйлаб кўрамиз.

У одатдагидай тетик-тетик кадам ташлаб меҳмонхонага кирди, ўтирганларга бир-бир кўз ташлади-да, кичкина княгиняниң бошка кўйлак кийганини, Буръенниң лента таққанини, кичкина Маръянинг хунук тараалган сочини, Буръен билан Анатолнинг бир-бирига караб табассум килиб ўтирганини, гаплашиб ўтирганлар ичидагизининг гаригина бўлиб ўтирганини пайқади. «Оро бераман деб ўзини мунча ҳам расво қилмаса! – деди ичидагизига хўмрайиб кўйди. – Уятсиз! Кошки, куёв бўладиган уни назар-писанд килса».

У князь Василийнинг олдига келди.

– Салом, салом! Хүш келибсиз.

— Күнгил яқин — йўл яқин, — деди князь Василий одат-дагича тезгина ва бетакаллуф. — Мана, кичик ўғлим, лутф-у марҳаматингизни дариг тутманг.

Князь Николай Андреевич Анатолга бошдан оёк қарабчиди.

— Баракалла! Баракалла! Қани, кел, ўп, — деди ва унга юзини тутди.

Анатоль чолни ўпди ва отасининг йўлда айтган гапини слаб, унинг қачон жини кўзғар экан деб, ўзини жуда вазмин тушиб, мароқ билан юзига қараб ўтири.

Князь Николай Андреевич ўзининг одатдаги ўрни бўл-
зан диваннинг бир бурчига ўтириди, князь Василий учун
реслони якинига тортди ва князь Василий ўтиргандан ке-
гин ундан сиёсий ишлар ва янгиликлар тўғрисида сўради. У
князь Василийнинг сўзига дикқат билан кулоқ солаётгандай
бўса ҳам, лекин кўзини княжна Марьядан олмас эди.

У князь Василийнинг охирги жумласини такрорлаб:

— Потсдамдан ёзаётибди денг, — деди-ю, бирдан ўрнидан
— гиб кизининг олдига борди.

— Мехмонларни деб шунча ясан-тусан килдингми, а? —
— Ҳай-ҳай, мунча яхши! Сен меҳмонларнинг олдига

сочингни бошқача килиб чиккан бўлсанг, мен меҳмонларнинг олдида сенга шуни айтиб кўйя-ки, минбаъд мендан беижозат ясан-тусан килма.

– Бунга мен гунохкорман, отажон, – деди кичкина княгиня кизариб.

– Сизнинг бутун ихтиёрингиз ўзингизда, – деди Николай Андреевич келинга таъзим килиб, – ўзига ярашмайдиган ишларни килишни бунга ким кўйибди. Бусиз ҳам ўзи хунук.

У кўзига ёш келган кизига кайтиб қарамасдан, яна ўз ўрнига бориб ўтирди.

– Аксинча, сочини шунаقا тараш княжнага жуда ярашибди, – деди князь Василий.

– Қани, ёш князь, оти нима эди? – деди князь Николай Андреевич Анатолга караб, – қани, бери кел, гаплашайлик, танишайлик-чи.

«Мана энди бошланади», – деди Анатоль ичиди ва кулимсираб, кари князнинг ёнига бориб ўтирди.

– Қани, сизни чет элда тарбия кўрган, дейишади. Отангиз икковимизга ўхшаб поп саводингизни чикарган эмас. Ҳозир отлиқ гвардияда хизмат киласизми, яхши йигит?

– деб сўради князь Анатолга якиндан тикилиб.

– Йўқ, армияга ўтдим, – деди Анатоль кулгидан ўзини зўрга тийиб.

– Шундоқми! Яхши. Подшо билан ватанга хизмат килмоқчимисиз, яхши йигит? Уруш вакти, сиздай йигит, албатта, хизмат килиши керак. Хўш, фронтга бормоқчимисиз?

– Йўқ, князь, бизнинг полк жўнади. Мен ҳозир... Мен ҳозир қандай хизматдаман, дада? – деди Анатоль отасига караб кулиб.

– Ана хизмат килиш-у! Мен қандай хизматдаман эмиш-а! – деди князь Николай Андреевич хаҳолаб кулиб.

Анатоль ҳам ундан қаттирок кулди. Князь Николай Андреевич тўсатдан ковогини солди-ю:

– Хўп, бор, – деди Анатолга.

Анатоль илжайиб яна хонимларнинг олдига бориб ўтирди.

– Сен буларни чет элга юбориб тарбия бергансан-а,

князь Василий? Шундоқми? – деди кекса князь Василийга.

– Қўлимдан келганини қилдим; мен сизга айтсам, у ернинг тарбияси бизникidan кўра яхширок.

– Ҳа, ҳозир ҳамма нарса ўзгариб, янгича бўлиб кетган. Офарин, яхши йигит бўлиби! Офарин! Қани, менинг уйимга кирайлик.

У князь Василийни қўлтиқлаб кабинетига томон олиб кетди. Князь Василий князь билан танҳо қолиб, дарров унга ўз хоҳишини ва умидини баён қилди.

– Нима, мени унинг этагига ёпишиб олган, қўйиб юбормайди, деб ўйлайсанми? – деди кекса князь жеркиб. – Ҳеч бундай эмас! – деди яна жаҳли чикиб. – Менга қолса эртага бўлсин! Лекин мен сенга шуни айтайки, мен кўёвими ни дурустроқ танимоқчиман, менинг одатимни ўзинг биласан; ҳамма гапни очик гаплашаман! Эртага мен сен борингда Марьядан сўрайман! Агар хўп деса, тегаверсин. Тегсин, кўрамиз. – Князь димоги билан кулди. – Тегса тегаверсин, менга барибир! – деб ўғлини кузатаётган вақтидагидай каттиқ қичкирди.

Князь Василий ҳамсұхбатининг сергаклигини кўриб айёрлик қилиш керак бўлмай қолганига ишонч ҳосил қилгандай: – Мен сизга тўғрисини айтаман, – деди, – сиз одамни бир кўришда ичи-ю ташини дарров биласиз, Анатоль заковат эгаси эмас, лекин ҳалол, мўмин йигит – яхши ва меҳрибон фарзанд.

– Хўп, хўп, яхши, кўрамиз.

Узоқ вақт эркакнинг сұхбатини кўрмай ёлғиз турган хотинлар сингари, князь Николай Андреевичнинг уйидаги уч аёл ҳам Анатолии кўришлари билан шу дамгача кечирган ҳаётлари кўзларига ҳаёт эмасдай кўринди. Улардаги фикр, сезги, мушоҳадакорлик кучи бирдан ўн баравар ортди ва уларнинг шу вақтгача гўё қоронғиликда кечираётган ҳаётларини бирдан янги мазмунга тўла бир нур ёритгандай бўлди.

Княжна Марья ўзининг афт-боши ва сочи тўғрисида ҳеч ўйламас ва билмас ҳам эди. Унинг бутун эс-хуши күёви бўлиши эҳтимол бўлган очик йигитнинг чиройли юзида эди.

Бу йигит унинг кўзига хушфөйл, жасур, саботли, мард, олихиммат кўринар ва бунга имони комил эди. Унинг миёсида келажак оиласвий ҳаёт тўғрисида минг хил хаёллар кезар эди. У бу хаёлларни бошидан чикаришга ва яширишга харакат килар эди.

«Мен унга жуда совук муомала қилаётибманмикин? – деди княжна Марья ўзига, – мен ўзимни тутишга харакат киламан, чунки кўнглимни унга жуда мойилдай сезаётибман, лекин у менинг кўнглимни билмайди, балки мен кизга ёкмадим, деб ўйлар».

Княжна Марья ҳарчанд харакат килса ҳам, бу янги меҳмон билан очилиб гаплаша олмас эди.

«Бечора! Мунча ҳам хунук бўлмаса», – деди Анатоль ичида.

Анатоль келиши билан ниҳоятда ҳовликиб қолган мамзель Буръен эса бошқача фикрда эди. Киборлар доирасида ҳеч мавқеи бўлмаган, ота-онасиз ва ҳатто ватанидан ҳам айрилган чиройли ёш киз, албатта, бутун умрини князь Николай Андреевич хизматида, яъни унга китоб ўқиб бериш ва княжна Марьяга дугона бўлиш билан ўтказмокчи эмас эди. Мамзель Буръен хунук, кийинишни билмайдиган, бесўнақай рус княжналаридан устунлигини дархол кадрлайдиган ва яхши кўриб олиб кетадиган рус князига кўпдан бери мунтазир эди; ниҳоят ўша рус князи келди. Мамзель Буръен холасидан эшишиб, кейин ўзи тўлаттган бир хикояни ичида такрорлаб юришни яхши кўрар эди. Бу хикоя алданган бир кизнинг кўзига бечора онаси кўринган, бечора онаси нега тегмасдан туриб эркак кишига ихтиёрингни бердинг, деб таъна килгани хикояси эди. Мамзель Буръен хаёлида ўша йўлдан урган хушторига бу хикояни айтганида кўпинча кўзига ёш келар эди. Энди ўша хуштор, ҳакикий рус князи ниҳоят келди. Уни олиб кетади, кейин бечора онаси пайдо бўлади ва рус князи Буръента уйланади. Мамзель Буръен Анатоль билан Париж тўғрисида гаплашиб ўтирган вақтида хаёлида шу нарсалар кезар эди. Мамзель Буръен бирон нарсани кўзда тутиб эмас (у, нима қилсан экан, деб бирон дақиқа ҳам ўйламас эди), аллақачонлар кўнглида бўлган ва

энди Анатоль келиши билан юзага чикаётган туйгуларига берилиб, унга күпроқ ёкишга ҳаракат килар эди.

Қари полк оти карнай товушини эшиганида карилигини ҳам унутиб чопишга интилгандай, кичкина княгиня ўзининг оғироёқ эканлигини эсидан чикариб, хеч нарсани мулоҳаза қилмай, енгил-елли кулиб, одатдагича таннозлик килишга ҳаракат килар эди.

Анатоль хотинлар сұхбатида ўзини хотинларнинг кетидан юриш жонига теккан кишидай күрсатса ҳам, лекин бу уч аёлнинг типирчилаб қолганини кўриб, талтайиб кетди. Бундан ташқари, чиройликкина ва кўзини сузаётган Буръенни кўриб, тез кўзгаладиган ва уни ҳар кўйга сола оладиган хайвоний хирси кўзгалиб кетди.

Чойдан кейин меҳмонлар истироҳат бўлмасига киришида ва княжнадан клавикордда чалиб беришни илтимос килишди. Анатоль унинг олдида мамзель Буръенга яқин креслода ёнбошлаб ўтирас экан, княжна Марьяга хурсандлик билан кулимсираб қарап эди. Княжна Марья унинг қараб турганини сезиб кувончидан беҳад ҳовликар эди, ўзи яхши кўрган соната унинг қалбини ардоқловчи гўзал бир оламға олиб кетар ва Анатолнинг қараб туриши бу оламни унга яна ҳам гўзалпроқ кўрсатар эди. Анатоль унга қараб турган бўлса ҳам, лекин кўзи мамзель Буръеннинг оёғида бўлиб, унга ҳар замон фортепъяно¹ остидан оёгини тегизиб қўяр эди. Мамзель Буръен ҳам княжнага қараб турар, унинг ҳам чиройли кўзларида княжнанинг Марья илгари кўрмаган чўчиғансимон кувонч ва умид ифодасини кўрар эди.

«Мени мунча ҳам яхши кўрмаса! – дер эди княжна Марья ичида. – Энди нақадар бахтиёрман, шундай дўст-у шундай эр билан нақадар бахтиёр бўламан! Эр билан-а?» – дер эди у Анатолнинг тикилиб турганини сезиб, лекин ўзи унга қарай олмас эди.

Кечки овқатдан кейин ҳамма тарқалаётганда Анатоль княжнанинг кўлини ўпди. Княжна кўлини ўпгани келаёт-

¹ Фортепъяно (немисча: Fortepiano< италиянча: forte – каттиқ + piano – аста, кучсиз) – клавишлари бармоқ билан босиб чалинадиган торли мусика асбоби (рояль ва пианинонинг умумий номи).

ганды, Анатолнинг чиройли юзига түғри каради, лекин бунга кандай журъат килганини ўзи хам билмай колди. Анатоль княжнадан кейин мамзель Буръенниң күлини ўпди (бу одобдан бўлмаса хам, лекин у ҳеч истихола килмасдан дадил ўпаверди) ва мамзель Буръен кизариди кетиб, княжнага ялт этиб каради.

«Мунча ҳам андиша килмаса, – деди ичиди княжна. – Наинки Амелия (мамзель Буръенни шундай деб аташар эди) мени рашк килади, деб ўйласа, наинки муҳаббат ва садоқатимни билмайди деган хаёлда бўлса?» – шу ўй-хаёл билан княжна Марья бориб мамзель Буръенни қаттиқ ўпди. Анатоль кичкина княгинянинг ҳам күлини ўпмокчи бўлиб унинг олдига борди.

– Йўқ, йўқ, йўқ! Дадангиз, менга ўғлим жуда яхши бўлиб колди, деб хат ёёсалар, ана ўшандагина кўлимни ўпгани ижозат бераман. Ўшангача ижозат йўқ, – деди кичкина княгиня ва бармоқчали билан таҳдид килиб, илжайганича уйдан чиқиб кетди.

V

Ҳамма уй-уйига кириб кетди ва кўрпага кириши биланоқ уйқута кетган Анатолдан бошқа ҳеч ким бу кеча тез ухлай олмади.

Ҳеч вакт кўркмайдиган княжна Марья ваҳимага тушиб: «Наҳотки шу бир бегона, чиройли, мўмин йигит менинг эрим бўлса; ҳаммадан ҳам мўминлиги-я», – деб ўйлар эди. У кўзини очиб қарашдан кўрқар, назарида, парданинг орқасидаги коронги бурчакда бирор тургандай кўринар эди. Бу бирор – иблис – пешонаси оқ, кошлари қора, лаблари кипкизил ўша эркак эди.

У кўнғирок чалиб оқсочни чақирди ва шу ерда ётишни буюрди. Мамзель Буръен ҳам шу кечаси ухламай кимнидир бекорга кутиб, гоҳ кимгадир кулиб, гоҳ ўз хаёлида онасининг таънасини эшитиб йиғлагудай бўлиб, кишки боғда узок вакт айланиб юрди.

Кичкина княгиня эса оқсочга жойни дуруст солмабсан, деб тўнғиллар эди. У ёнбошлаб ҳам, кўкрагини ерга бериб

ҳам ёта олмас, қандай бўлмасин, ётиш қийин ва ноқулай эди, унга қорни халал берар эди, айниқса, бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ халал берар, чунки Анатоль келиши унинг ўйнаб-кулиб юрган кунларини хотирига келтирган эди. У кофта ва чепец¹ кийиб креслода ўтирас эди. Мудраган ва соchlари тўзган Катя алланималар деб оғир пар тўшакни учинчи маротаба ағдариб солар эди.

Солган тўшагингнинг бир жойи чукур, бир жони дўнг демадимми, – деди княгиня яна қайтариб, – ухласам, кошки эди, ётиб бўлмаётиби, – ва худди ўпкаси тўлган ёш боладай товуши титради.

Кекса князъ ҳам ухламас эди. Мудраб ётган Тихон унинг жаҳл билан қадам ташлаб, пишқириб юрганини эши-тиб турар эди. Кекса князъ ўзини қизи туфайли ҳако-ратланган сезар эди. Бу ҳакорат ўзига эмас, бошқа одамга, жонидан ортиқ кўрадиган қизига қаратилган эди. У ўйлаб кўраман, нимани тўғри топсам, шуни қиласман, деган қарорга келган эди, лекин бунинг ўрнига у борган сайин тутакиб кетди: «Битта эркак учраши биланок отаси ҳам, бошкаси ҳам эсидан чиқди-кетди, кетидан югуриб, соchlарини юкорига тараб, кийшанглаб, не ахволга тушиб юрибди! Отаси ҳам кўзига кўринмай қолди! Менинг пайқашимни-ку, билар эди. Фҳм... фҳм... У аҳмоқнинг Буръенкага (уни хайдаш керак!) кўз тикканини мен билмайманми? Иззати нафси ҳам йўқки, буни пайқаса! Ўзининг иззат-нафси бўлмаса, менини бор ахир. Унга фаҳмлатиш керакки, бу аҳмок уни хаёлига ҳам келтирмайди, икки кўзи Буръенда. Унинг иззат-нафси йўқ, лекин мен буни унга кўрсатаман...»

Кекса князъ билар эдики, агар қизига, сен янгилаётиссан, Анатоль Буръенга кўз тиккан деса, бу гап княжнинг нафсониятига тегади-ю, натижада муродига (қиздан айрилмаслик) етади, шунинг учун ҳам унинг кўнгли тинчиди. У Тихонни чакириб ечина бошлади.

Тихон унинг ориқ, кўкрак жуни оқарган гавдасига тунги кўйлагини кийгизар экан: «Қаёқдан ҳам келишди! – деди князъ ичида. – Мен чакирмаган бўлсам, келиб менинг тирик-

Чепец – аёлларнинг енгил, иссик бош кийими.

бир сўзини секин-секин бир неча маротаба тақрор килар эди.

Княжна кириши биланок у сизлаб гап бошлади.

– Сизга оғиз солишаётиди, – деди князь сохта табассум килиб. – Сезган бўлсангиз керакки, деди давом этиб, – князь Василий бу ерга асрандисига (князь Николай Андреич негадир Анатолни асранди, дерди) менинг кора кўзимни томоша килдиргани олиб келгани йўқ. Кечаке мен билан сизнинг тўғрингизда гаплашди. Менинг феълимни биласиз, буни сизга ҳавола килдим.

– Гапингизни қандай тушунай, дадажон? – деди княжна окариб-қизариб.

– Қандай тушунай деганинг нимаси! – деб бакирди князь жаҳли чикиб. – Князь Василий сени келинликка муносаб кўриб, асрандисига олиб бермоқчи. Мана, бундай тушун! Қандай тушунай эмиш-а?!. Сен айт.

– Мен билмайман, ўзингиз биласиз, отажон, – деди княжна шивирлаб.

– Мен? Мен? Мен нима дейман? Мени кўйинг. Эрга мен тегмайман. Сиз нима дейсиз? Мана шуни билмокчиман.

Княжна отасининг бу ишга кўнгли йўқ эканини билиб, пешонам ё хозир очилади, ё ҳеч қачон очилмайди, деган фикрга келди. У отаси қараб турганда ҳеч нарсани ўйлай олмаганини, одати бўйича факат бўйин этишга мажбур бўлганини билиб, ерга каради-да:

– Менинг бирдан бир ҳоҳишм сизнинг тилагингизни ўрнига етказиш, – деди, – лекин агар ҳоҳишмни айтишим керак бўлса...

Княжна сўзини тамом қилолмади.

– Жуда яхши! – деб бакирди князь унинг сўзини бўлиб.

– У сени мол-дунёнг билан мамзель Буръен учун олади...
Мамзель Буръен хотин бўлади-ю, сен эса...

Князь тўхтади. У қизига бу гап қандай таъсир қилганини пайқади. Княжна ерга қараб, кўзига ёш олди.

– Кўй, кўй, ҳазил гап, ҳазиллашдим, – деди отаси. – Лекин шуни эсиндан чикармагинки, княжна, мен, эр танлаш кизнинг ўз ихтиёрида деган қоиданинг тарафдориман. Мен ихтиёригни ўзингга бераман, шуни эсинда тутки,

сенинг бахтинг шу масалани қандай ҳал қилишингта боғлик.
Менинг тўғримда галиришнинг ҳожати йўқ.

– Мен билмайман... отажон.

– Қўй, бу гапларни, у сеними, бошканимн – кимни олгин, дейишган бўлса, ўшани олиши керак. Лекин сенинг ихтиёринг ўзингда... Тур, уйингта кириб, хўп ўйлаб кўргину, бир соатдан кейин ўшаларнинг олдида, «ҳа»ми «йў»ми, айтгин. Мен биламан, ҳозир кириб ибодат киласан. Майли, ибодат ҳам килгин. Лекин яхширок ўйла. Бор.

Княжна гаранг бир ахволда, титраб чикаётгандга князъ унинг оркасидан:

– «Ҳа»ми, «йў»ми, «ҳа»ми, «йў»ми! – деб бакириб колди.

Унинг пешонаси очилиши мукаррар эди, лекин отаснинг мамзель Буръен тўғрисида килган кинояси жуда оғир эди. Борингки, бу нотўгри, лекин шундок бўлса ҳам, бу жуда оғир ва бу тўғрида унинг ўйламаслиги ҳеч мумкин эмас эди. У у ёк бу ёкка карамай, кўзига ҳеч нарса кўринмай, кулогига ҳеч нарса кирмай, кишки боғчадан ўтиб кетаётганида бирдан мамзель Буръеннинг таниш овозини эшишиб ўзига келди. У бошини кўтариб, икки кадам нарида француз кизни қучоклаб, пичирлашиб ўтирган Анатолни кўрди. Чиройли юзидан вахима акс этган Анатоль унга каради-ю, дафъатан мамзель Буръеннинг белидан кўлини олмади, мамзель Буръен эса княжнани ҳали кўрмаган эди.

Анатолнинг юзи худди: «Ким у? Нимага? Шошманг!» – деяётгандай эди. Княжна Марья икковига караганича колди. У бу ҳолга тушуна олмас эди. Ниҳоят, мамзель Буръен кичкириб юборди-ю, кочиб кетди. Анатоль худди бу ғалати ҳодисага кулса бўлади, дегандай табассум билан княжна Марьяга таъзим килди ва елкасини кисиб, ичкарига кириб кетди.

Бир соатдан кейин Тихон княжна Марьяни айтгани келди. У княжнани отаси чақираётганини айтиб, князъ Василий Сергеевичнинг ҳам ўша ерда эканини билдириди, Тихон келганда княжна ўзининг хонасидаги диванда йиглаётган мамзель Буръенини қучоклаб ўтирас эди. Княжна унинг бо-

сенинг бахтинг шу масалани қандай ҳал килишингга боғлик
Менинг тўғримда гапиришнинг ҳожати йўқ.

– Мен билмайман... отажон.

– Кўй, бу гапларни, у сеними, бошқаними – кимни олгин, дейишган бўлса, ўшани олиши керак. Лекин сенинг ихтиёринг ўзингда... Тур, уйингга кириб, хўп ўйлаб кўргини, бир соатдан кейин ўшаларнинг олдида, «ҳа»ми «йўқ»ми. айтгин. Мен биламан, ҳозир кириб ибодат киласан. Майли. ибодат ҳам қилгин. Лекин яхшироқ ўйла. Бор.

Княжна гарант бир ахволда, титраб чиқаётганда князь унинг орқасидан:

– «Ҳа»ми, «йўқ»ми, «ҳа»ми, «йўқ»ми! – деб бақириб колди.

Унинг пешонаси очилиши мукаррар эди, лекин отасининг мамзель Буръен тўғрисида қилган кинояси жуда оғир эди. Борингки, бу нотўғри, лекин шундок бўлса ҳам, бу жуда оғир ва бу тўғрида унинг ўйламаслиги ҳеч мумкин эмас эди. У у ёк бу ёкка қарамай, кўзига ҳеч нарса кўринмай, кулоғига ҳеч нарса кирмай, қишки bogчадан ўтиб кетаётганида бирдан мамзель Буръеннинг таниш овозини эшишиб ўзига келди. У бошини кўтариб, икки қадам нарида француз кизни кучоклаб, пицирлашиб ўтирган Анатолии кўрди. Чиройли юзидан ваҳима акс этган Анатоль унга қаради-ю, дафъатан мамзель Буръеннинг белидан қўлинни олмади, мамзель Буръен эс княжнани ҳали кўрмаган эди.

Анатолнинг юзи худди: «Ким у? Нимага? Шошманг!» - деяётгандай эди. Княжна Марья икковига қараганича колди. У бу ҳолга тушуна олмас эди. Ниҳоят, мамзель Буръен кичкириб юборди-ю, кочиб кетди. Анатоль худди бу ғалати ҳодисага кулса бўлади, дегандай табассум билан княжна Марьяга таъзим қилди ва елкасини қисиб, ичкарига кириб кетди.

Бир соатдан кейин Тихон княжна Марьянни айтгани келди. У княжнани отаси чакираётганини айтиб, князь Василий Сергеевичнинг ҳам ўша ерда эканини билдириди, Тихон келганда княжна ўзининг хонасидаги диванда йиглаётган мамзель Буръенни кучоклаб ўтирас эди. Княжна унинг бо-

шини секин-секин силар эди, княжнанинг чиройли, бу-
рунгидек ҳамон сузук, порлаб турган кўзлари мамзель
Буръеннинг гўзал юзига меҳр-шафқат билан қарап эди.

– Йўқ, княжна, энди умрбод мендан кўнглингиз совиди,
– деди мамзель Буръен.

– Нега ахир? Мен сизни илгаригидан ҳам кўпроқ яхши
кўраман., – деди княжна Марья, – сизнинг баҳтингиз учун
кўлимдан келган ҳамма ишни киламан...

– Лекин энди сиз мендан жирканасиз, сиз поксиз, мен-
дан жирканишингиз керак сиз эҳтиросга берилиш нима-
лигини ҳеч қачон билмайсиз! Ох, бечора онагинам...

– Мен ҳамма гапни тушундим, – деди княжна Марья
маҳзун табассум килиб. – Хафа бўлманг, дўстим. Майли,
мен отамнинг олдиларига чиқаман, – деб чикиб кетди.

Княжна Марья кириб келганда князъ Василий қўлида
тамакидон, оёгини чалиштириб, худди шу иш ҳеч бўлmas-
лигини олдиндан сезган ва ўзининг сезгириллигига ўзи афсус
килган ва мулоийм табассум килиб ўтирас эди. У шошиб-
пишиб бир чимдим тамаки хидлади.

– Ох, қизгинам, қизгинам, – деб ўрнидан турди у ва
княжнанинг қўлини ушлаб, бир уф тортиб қўшиб қўйди: –
Ўғлимнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Ўзингиз ҳал ки-
линг. Жондан азизим, Марья, мен сизни ҳамма вакт ўз
қизимдан ҳам ортиқ қўраман..

Бу гаплардан кейин у четланди. Дарҳақиқат, кўзидан ёш
чиқди.

– Пф... Пф... – деб князъ Николай Андреич пишқириб
ўтирас эди.

– Князъ ўз асрандиси... ўғли номидан сени сўраётиди.
Князъ Анатоль Курагинга хотин бўлишни истайсанми,
йўқми? Ё ха, ё йўклигини айт, – деб қичкирди князъ Николай
Андреич, – сендан кейин мен ҳам ўз фикримни айтаман, мен
ўз фикримни, факат ўз фикримни айтаман, – деди князъ Ва-
силийнинг термилиб турган кўзларига қараб. Айт, «ҳа»ми,
«йўқ»ми?

– Менинг хоҳишим, отажон, ҳеч қачон сиздан ажрал-
маслик ва сизни ташлаб кетмаслик. Мен эрга тегмайман, –

деди княжна қатъяят билан князь Василнийга ва отасига чиройли күзларини тикиб.

– Бўлмаган гап, бехуда гап! Бехуда, бехуда! – деб ковоғини солиб кичкирди князь ва қизининг кўлидан ушлаб ўзига тортди, лекин ўпмасдан факат пешонасини пешонасига теккизди-ю, унинг кўлини шунчалик каттик сикдики, княжна юзини буриштириб кичкириб юборди.

Князь Василий ўрнидан турди.

– Азизим, мен сизга айтсан, бу дакикаларни ҳеч қачон унутмайман, лекин бизни ноумид килманг, меҳрибон кизим, айтинг, балким... келажакдан умидимиз бор. Айтинг, балким, бўлар..

– Князь, мен кўнглимда бор гапни айтдим... Келганингизга раҳмат, лекин мен ҳеч қачон сизнинг ўғлингизга тегмайман.

– Мана, масала ҳал, дўстим. Келганингта жуда хурсандман, жуда хурсандман. Сен бор уйингга кир, княжна, – деди қари князь. – Келганингта жуда-жуда хурсандман, – деб князь Василийни кучоклади.

«Менинг орзум бошка, – деди княжна Марья ичида, – менинг орзум бошқача, хушбаҳтлик, инсонга муҳаббат ва ўзимни фидо килиб хушбаҳт бўлиш. Менинг учун канчалик мушкул бўлмасин, мен бечора Амелияни баҳтиёр киламан. Бу йигитни у ҳаддан ташкари яхши кўради... Амелия бу қилмишидан жуда пушаймон бўлиб қийналаётгибди. Мен ҳар қандай килиб ҳам бўлса икковининг бошини қўшишга ҳарарат киламан. Агар бу йигит уни олишга кудрати етмаса, мен ўзим Амелияга пул бераман, отамдан, Андрейдан ёрдам сўрайман. Амелия унга тегса, мен жуда хурсанд бўлар эдим. Бечора қиз гариб, мусофир, кимсасиз! Ё худойим шунчалик эсини йўқотиб кўйган бўлса, бечора жуда яхши кўрар эканда. Унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам, балки, шундок бўлар эдим!..» – деб ўйлар эди княжна Марья.

VI

Ростовлар оиласи Николушкадан кўпдан бери хат-хабар олмас эди: факат киш ўртасида граф бир хат олди-ю, унинг

манзилидан ўғлининг қўлини таниди. Граф хатни олгач, ҳеч ким пайқамасин, деб кўркиб ва шошиб, оёқ учида ўз каби-нетига кирди ва эшикни беркитиб, хатни ўқий бошлади. Анна Михайловна хат келганидан хабардор бўлиб (у ҳамма вакт ҳовлидаги ҳар бир ходисадан хабардор эди), аста юриб графнинг олдига кирди. Граф ҳам йиглаб, ҳам қулиб хат ўқимоқда эди.

Анна Михайловна, иши битган бўлса ҳам, ҳануз Ростовникида турар эди.

– Ҳа, азиз дўстим? – деди Анна Михайловна граф йигла-са йиглашга-ю, кулса қулишга тайёр ғамгин бир тарзда.

Граф барадла йиглаб юборди.

– Николушка... хат... ярадор бўлган... экан, ярадор... жигарим... Графинягинам... офицер бўлибди... Худога шу-кур... Графинюшкага қандоқ айтаман?...

Анна Михайловна унинг ёнига ўтириб, рўмолчаси билан унинг кўзини, ҳатто томган кўз ёшини ва ўзининг кўз ёшини артди, хатни ўқиди, графга тасалли берди ва тушликкача графиняни бу хабарга тайёр қиласан, тушлик ки-либ, чой ичиб бўлгандан кейин, худо ёр бўлса, ҳаммасини айтаман, деб ваъда берди.

Тушлик вактида Анна Михайловна нуқул уруш хабарлари тўғрисида, Николушка тўғрисида гапирди; гарчи ўзи билса ҳам, икки марта Николушканинг охирги хати қачон келган эди, деб сўради, ҳадемай хат келиб колар, деди. Анна Михайловна ҳар гал Николушкани тилга олганда, графиня ташвишланар ва гоҳ графга, гоҳ Анна Михайловнага жавди-раб қарап, шунда Анна Михайловна гапни секин бошқа ёқка бурар эди. Оилада ҳаммадан ҳам зийрак бўлган Наташа бу гапларнинг оҳангидан, кўз карашлардан ва юз ифодаларидан бир нарсани пайқади-да, тушлик бошланганданок қулоғини динг қилиб, отаси билан Анна Михайловна орасида акасига оид бирон гап борлигини ва Анна Михайловна онасини бирон хабарга тайёр қилаётганини сезди. Наташа ҳарчанд тортичок бўлмаса ҳам, (онаси Николушка тўғрисидаги анчайин хунук хабарни ҳам кўтара олмаслигини билар эди), тушлик вактида бу тўғрида бирон нарса сўрашга журъат

килолмади ва кўнглига ғулғула тушиб, томоғидан овқат ҳам ўтмай, мураббиясининг танбеҳларига ҳам қулоқ солмасдан, стулда ўзини у ёққа ташлаб, бу ёққа ташлаб ўтирар эди. Тушликдан кейин у Анна Михайловнанинг оркасидан чоп-киллаб бориб, истироҳат бўлмасида унинг бўйнига осилди.

– Холажон, жон хола, айтинг, нима бўлибди?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, жонгинам.

– Йўқ, жон хола, ўргилиб кетай, айтинг, сиз бир нарсани биласиз, айтинг, бўлмаса қўймайман.

Анна Михайловна бош чайқаб:

– Ҳа, шайтон қиз, – деди.

Наташа Анна Михайловнанинг юзидан «ҳа, биламан» деган бир маънони укиб:

– Николенъқадан хат келибдими? Шундоқдир! – деб юборди.

– Ҳай, оғзингдан чикарма, онанг эшитса, кандок бўлишини ўзинг биласан-ку.

– Хўп, хўп, оғзимдан чикармайман, лекин айтинг, айтмайсизми? Йўқса ҳозир бориб айтаман.

Анна Михайловна ҳеч кимга айтмаслик шарти билан хатнинг мазмунини кисқача айтиб берди.

– Мана, мана, бировга айтсам худо урсин, – деди Наташа чўкиниб ва ютурганича Сонянинг олдига чиқди.

– Николенъка... Ярадор... Хат... – деди Соняга тантана ва курсандлик билан.

Соня дарҳол ранги бўзариб: – Николай! – деди.

Наташа акасининг ярадор бўлганлиги хақидаги хабар Соняга қандай таъсир килганини кўрганидан кейингина бу хабарнинг кайғули эканини сезди.

У Соняни кучоклаб йиглади.

– Салгина ярадор бўлган экан, лекин офицер килиб қўшишибди; ҳозир тузалиб қолибди, хатни ўзи ёзибди, – деди Наташа йиги аралаш.

Петя катта-катта қадам ташлаб уйда нари-бери юарар экан: – Хотин-қизлар ҳаммаси ҳам шунаقا йиглоқи-да, – деди, – мен акамнинг катта иш кўрсаттанига суюнаман, жуда суюнаман. Сизларнинг ҳамма вақт кўз ёшларинг тайёр. Ҳеч

нарсага тушунмайсизлар.

Наташа йиги аралаш табассум қилди.

– Сен хатни ўқидингми? – деб сўради Соня.

– Ўқиганим йўқ. Лекин Анна Михайловна тузалибди, аллақачон офицер бўлибди, деб айтдилар.

– Худога шукур, – деди Соня чўқиниб. – Ёлғондан айтган бўлмасинлар тағин. Юр, татапнинг олдиларига борамиз.

Петя индамасдан нари-бери юрар эди.

– Мен Николушканинг ўрнида бўлганимда французларни бундан ҳам кўпроқ ўлдирап эдим, – деди Петя. – Аблаҳлар! Мен бу аглаҳларни ўлдиравериб, ҳамма ёқни ўликка тўлдириб юборар эдим, – деди яна Петя давом этиб.

– Жаврамасанг-чи, мунча бетутуриқ бўлибсан!

– Мен бетутуриқ эмасман, ҳар нарсага йиғлайдиган бетутурук, – деди Петя.

Бироз жимлиқдан сўнг Наташа:

– Эсиндан чиқарганинг йўқми уни? – деб сўради.

Соня жилмайиб:

– Николайними? – деди.

Наташа сўзига жуда катта маъно бермокчи бўлса керак, кўйл ва бош харакатлари билан жуда писанда қилиб:

– Йўқ, Соня, унинг ҳамма-ҳамма гаплари, ҳамма ишлари, ҳамма-ҳаммаси эсингда борми? Ҳаммаси менинг эсимда турибди, – деди, – лекин Борисни эсимдан чиқарибман, ҳеч эсимда йўқ.

– Нима деяпсан? Наҳот Борис эсингдан чиққан бўлса? – деди Соня ҳайратда қолиб.

– Йўқ, эсимдан чиқишига чиққани йўқ, афти эсимда-ю, Николенъкадай эмас-да. Кўзимни юмсан, Николенъка кўз олдимга келади, лекин Борис келмайди (у кўзини юмди). Мана, ҳеч кўзимга кўринмайди.

– Ох, Наташа! – деди Соня худди дугонасини хозир айтмоқчи бўлган гапини эшлишига нолойик кўргандай ва бу гапни бошқа, ҳазиллашиш мумкин бўлмаган одамга айтаёт-гандай бир алпозда, тантана ва жиддият билан. – Мен сенинг акангни яхши кўриб қолганман, унинг бошига нима келмасни, ўзимнинг бошимга нима келмасин, барibir мен уни

ўлгунимча яхши кўраман.

Наташа ҳайрон бўлиб, Соняга караганича, жим қолди. У Сонянинг гапи ҳақ эканини ва ўша, айтган муҳаббат бор эканлигини сезди, лекин Наташа ҳали бу нарсанинг фаҳмига етмас эди. У шундок бўлишига ишонар, лекин буни англамас эди.

– Сен Николенъкага хат ёзасанми? – деб сўради Наташа.

Соня ўйланиб қолди. Николайга кандай хат ёзиш керак, умуман, хат ёзиш керакми – бу масалани у хеч ҳал килолмас эди. Энди Николай офицер ва қаҳрамонларча ярадор бўлганида унга хат ёзиб ўзини эслатиши, унинг ваъдасини ёдига солиши яхши бўлармикин?

– Билмайман; у хат ёзса, мен ҳам ёзарман, – деди Соня кизариб.

– Сен унга хат ёзгани уялмайсанми?

– Йўқ, – деди Соня жилмайиб.

– Мен Борисга хат ёзгани уяламан, ёзмайман.

– Нимадан уяласан?

– Билмасам. Шундай уяламан-да.

Наташанинг ҳалиги гапига аччиғи келган Петя:

– Нимадан уялишини мен биламан, – деди, – ана у семиз кўзойнаклини яхши кўриб қолгани учун уялади (Петя ўзининг адаши бўлмиш янги граф Безуховни шундай деб атар эди); энди мана бу ашулачини (Петя ашулачи деб Наташанинг ашула муаллими – итальянни атар эди) яхши кўриб қолган: шунинг учун ҳам уялади.

– Мунча бетамиз бўлибсан, Петя! – деди Наташа.

– Бетамиз бўлсам ҳам, сенчалик эмасман, – деди тўккиз яшар Петя худди катта одамдай.

Графиня тушлик вактида Анна Михайловнанинг киноялари орқасида воеани унча-мунча сезган эди. У ўз уйига кириб, креслода ўтирас экан, ўғлининг кичкинагина тамакидонининг колкоғига ўрнатилган суратидан кўзини олмас ва кўзида ёш айланар эди. Анна Михайловна, кўлида мактуб, оёқ учиди юриб графинянинг кабинети эшиги олдига келиб тўхтади.

– Сиз кирманг, – деди орқасидан келган кекса графга, –

кейин кирасиз, – ўзи ичкарига кириб эшикни беркитди.

Граф калитнинг ўрнига қулогини қўйиб тинглай бошлади. Унинг қулогига аввал осоиишта гап овози, кейин узундан узок гапирган Анна Михайловнанинг товуши, кейин кичкириқ кирди, сўнгра жимлик чўқди, кейин яна икки кишининг хушҳол гапираётган товуши, кейин оёқ шарпаси эшитилди-ю, Анна Михайловна графга эшикни очди. Анна Михайловнанинг юзида, мураккаб операцияни ўринлатиб, санъатини томоша қилгани одамларни таклиф қилган жарроҳнинг юзидаги мағрурлик ифодаси ётар эди, Анна Михайловна бир қўлига тамакидонни, иккинчи қўлига мактубни ушлаб, гоҳ бирини, гоҳ иккинчисини ўпаётган графиняни тантана билан кўрсатиб:

– Мана, иш битди! – деди.

Графиня графни кўриб, унга қўлини узатди, унинг тепакал бошини кўқрагига босди ва ялтироқ калласи оша яна хатга, ўғлининг суратига қаради: хат билан суратни яна ўлмоқчи бўлиб, эрининг тепакал бошини сал итарди. Уйга Вера, Наташа, Соня ва Петя кирди. Хат яна ўқилди. Николай хатида ўзи иштирок қилган икки поход ва икки жангни қисқача тасвир қилган, ўзининг офицер бўлганини айтган ва онаси билан отасининг қўлларини гойибона ўпиб, дуо килишларини сўраган; Верани, Наташани, Петяни ўпаман, деган. Бундан ташқари у жаноб Шелинг, хоним Шосс ва мураббиясига салом айтган ва яна ҳануз яхши кўргани ҳамда ҳеч качон эсидан чиқармагани кимматли Соняни ўпиб кўйинглар, деган. Буни эшитиб, Соня шу қадар қизариб кетдики, хатто кўзларидан ёш чиқди. У ҳамма қараётганидан уялиб, чопқиллаганича залга чиқди ва гир айланиб кўйлагининг этагини чодир қилди-да, кип-қизарганича жилмайиб полга ўтириди. Графиня йиглар эди.

– Нега йиглайсиз, ойижон? – деди Вера. – Унинг ёзган гапларига суюниш керак, наинки йигласангиз.

Веранинг бу гапи жуда тўғри бўлса ҳам, лекин граф, графиня ва Наташа ҳамма унга худди: «Наҳот шундок десанг», – дегандай қаради. «Бу кимга тортди экан!» – деб ўйлади графиня.

Николушканинг хати қайта-қайта ўқилди ва бу хатни ўқитиб эшишига ўзларига лойик кўрганлар хатни хеч кимга бермай ўтирган графинянинг олдига келишлари керак эди. Мураббиялар, энагалар, Митенъка, баъзи таниш-билишлари келишди ва графиня уларнинг хар кайсисига хатни алоҳида лаззат билан ўқиб берар экан, хар ўқиганида бу хатдан ўғлиниг янги бир фазилатини топар эди. Бундан йигирма йил бурун корнида митти кўл-оёғини билинар-билинмас зўргагина кимиirlатган ўша ўғли, кўп эркалатма, деб граф билан уришувига сабаб бўлган ўша фарзанди, аввал «труша» ва ундан кейин «баба» деб тили чиқкан ўша Николенъка энди ёт юртларда, бегона одамлар орасида мард жангчи бўлиб, ўзи ёлғиз, бироннинг ёрдамисиз, ўз билганича алланечук мардона ишлар килиб юргани графиняни ҳайратта солар ва жуда хурсанд килар эди.

Бола гўдаклигидан бошлаб аста-секин улғайиб боришини кўрсатадиган тажрибани, асрлар давомида ҳосил бўлган тажрибани графиня тан олмас эди. Гўё миллион-миллион одамлар ҳам шу камолот боскичини босиб ўтмагандай, ўғлиниг ҳар бир камолот боскичи графиня учун фавқулодда бир ҳодиса бўлар эди. Графиня ундан йигирма йил бурун корнида кимиirlаган кичкинагина вужуднинг бир кун келиб йиглашига, эмишига ва гапиришига ишонмагандай, ҳозир ҳам ўша вужуднинг у ёкларда, хатига кўра, кучли, жасур эркак, ўғилларининг ва одамларнинг намунаси бўлиб юрганига ишонгиси келмас эди.

– Хатини қара-я, мунча ҳам чиройли ёзмаса, – дерди графиня хатнинг тасвир кисмини ўкиб. – Мунча ҳам камтар бўлмаса! Ўзи тўғрисида бирон оғиз ҳам ёзмабди, бирон оғиз ҳам... Аллақаёқдаги Денисов тўғрисида ёзибди. Ўзи ўшалардан ҳам жасурроқдир. Ўзининг чеккан азоблари тўғрисида лом-мим демабди, олижаноблигига қаранг-а! Ўша Николушкам-да! Ҳаммани бир-бир эслабди. Ҳеч кимни эсидан чиқармабди. Ўзим ҳам айтар эдим, мана бундайлигига ёк, айтар эдим...

Бутун оиласдан Николушкага ёзиладиган хатлар қарийб бир ҳафта ёзилди ва ниҳоят окка кўчирилди; графинянинг

назорати остида, графнинг харакати билан Николушкага керакли нарсалар ҳозирланди ва янги офицернинг кийим-кечаги учун пул тайёрланди. Тадбиркор Анна Михайловна ўғли билан хатлашиб туришининг ҳам осонгина йўлени топган эди. У хатларини тўғри гвардияга кўмандонлик килиб турган буюк князь Константин Павловичга юборар эди. Ростовлар оиласи чет элдаги рус гвардиясининг ўзи тайнинли манзил, агар мактуб гвардияга кўмандонлик килиб турган буюк князга тегса, ўша ерга яқин турган Павлоград полкига етиб боришига ҳеч шубҳа йўқ, деб ўлашар эди, шунинг учун ҳам хатлар билан пулни буюк князнинг куръери орқали Борисга юборадиган бўлишди ва Борис буни Николушкага етказиши керак эди. Юбориладиган хатлар қари граф, графиня, Петя, Вера, Наташа, Соня томонидан ёзилган эди.

Граф кийим-кечак учун олти минг сўм пул ва бошка майда-чўйдалар юборди.

VII

Кутузовнинг Ольмюцга яқин ерда лагерь куриб турган жанговар армияси 12-ноябрь эртаси бўладиган кўрикка, яъни Россия ва Австрия императорларининг кўригига тайёрланмоқда эди. Россиядан янгигина келган гвардия кечаги Ольмюцдан ўн беш чақирим нарида ўтказиб, эртасига эрталаб соат ўнда кўрикдан ўтгани Ольмюц майдонига чиқди.

Николай Ростов шу куни Борисдан хат олган эди. Борис бу хатига Измайл полки Ольмюцдан ўн беш чақирим берида тунайди, сенга хат билан пул келган, келиб олгин, деган эди. Шу кунлари Ростовга пул жуда зарур эди, чунки походдан қайтиб, Ольмюц яқинида тўхтаган армия лагерини моли кўп маркитантлар ва австриялик яхудийлар босиб кетган эди. Павловградликлар поход учун олинган мукофотлар шодиёнасига зиёфат устига зиёфат ўтказишар, яқиндагина Ольмюцга келиб хотин-халаж хизмат қиладиган майхона очган Каролина Венгерканинг майхонасига боришар эди. Ростов офицер бўлиши муносабати билан яқиндагина зиёфат бергани, Денисовнинг оти Бадавийни сотиб олгани учун ўртоқларидан ва маркитантлардан қарздор бўлиб қол-

ган эди. Борисииг хатии олгандан кейин бир ўртоғи билан Ольмюцга борди, ўша ерда овқат еб, бир шиша вино ичди-ю, кейин ўзи якка, бирга ўсган ўртоғи Борисни кидириб гвардия лагерига борди. Ростовнинг ҳали офицерлик кийим-боши йўқ эди. Унинг эгнида эскириб кетган ва аскар хочи таскилган юнкер курткаси, ўшанга ўхшаб эскириб тиззалиридаги чармлари кирилган шим, белида офицерлар тақадиган килич, остида поход вактида казакдан сотиб олинган Дон оти эди. У фижим бўлиб кетган гусар телпагини бошининг орқасига кийшайтириб кийиб олган. У Измайл полки лагерига яқинлашар экан, урушни кўрган жанговар гусарлик важноҳатимни кўриб Борис ва унинг гвардиячи ҳамма ўртоклари оғзини очиб колар, деб ўйлар эди.

Гвардия бутун походни худди саёхатга чиккандай озодалик ва интизомга зеб бериб ўтказди. Манзиллар якин-яқин бўлиб, буюм халталарни ҳам аравалар олиб борар, ҳар манзилда Австрия маъмурлари офицерларга яхши овқатлар тайёрлаб кўйишар эди. Полклар шаҳарларга мусика билан кириб, мусика билан чиқар, бутун поход вактида буюк княз-нинг буйруғига кўра аскарлар баравар оёк ташлаб юришар (гвардиячилар шу билан фаҳрланар эди), офицерлар эса ўз ўринларида пиёда боришар эди. Борис бутун поход вактида энди рота командири бўлган Берг билан юриб, бирга турад эди. Берг поход вактида рота командири бўлиб, яхши хизмати ва ҳар ишни ўз вактида килиши орқасида бошлиқларнинг ишончига сазовор бўлган ва ўзини иқтисодий жиҳатдан яхши таъминлаб олган эди. Борис поход вактида кўп керак бўлиб қоладиган одамлар билан танишди ва Пьер ёзиб берган мактуб орқали князь Андрей Болконский билан танишиб олди ва у орқали бош кўмондон штабига ўрнашиб олиш умидида эди. Озода ва яхши кийинган Берг билан Борис сўнгти кундузги юришдан кейин, озодагина уйда тўгарак стол ёнида дам олиб, шахмат ўйнаб ўтиришар эди. Берг тутаб турган трубкасини икки тиззасининг орасига кистириб кўйган. Борис Бергнинг юришига маҳтал бўлиб, ўзига хос назокат билан шахмат доналаридан оппок ва нозик қўллари билан қубба ясар ва афтидан, ўйин тўғрисида ўйлаб (у ҳамма

вакт фақаттина ҳозир килаётган иши тўғрисидагина ўйлар эди), ракибининг юзига қараб турар эди.

– Қани, энди нима қилас экансиз? – деди.

– Ҳаракат қилиб кўрамиз-да, – деди Берг ва пиёдани ушлади-ю, юрмади.

Шу чоғ эшик очилди.

– Э, бу ерда экансан-ку! – деди Ростов баланд овоз билан. – Берг ҳам шу ерда! Боринглар, болалар, ухланглар! – деб бақириб, энагасининг гапини тақрорлади. Борис иккovi ёшликларида ҳамма вакт энаганинг шу гапига кулишар эди.

– Ў-хў, бутунлай ўзгариб кетибсан-ку! – деб Борис ўрнидан турди ва тўқилиб кеттан шахмат доналарини териб жойига кўйди-да, дўсти билан кўришгани кучоқ очди, бироқ Николай ўзини четта олди. У ўртоғини кўрганида бошқаларга тақлид қилишни истамайдиган ёшлик туйғуси билан ўз хиссини, ҳар қандай бўлганда ҳам аксари катталарда кўрилганидек, риёкорона эмас, ўзича, янгиласига ифода килишни истади, у бошқалар сингари ўпишмоқчи эмас, балки уни чимчиламоқчи, туртмоқчи бўлди. Бироқ Борис, аксинча, осоиишта ва дўстона бир йўсинда Ростовни қучоқлаб уч марта ўпди.

Улар қарийб олти ойдан бери кўришмаган эди: ёшлар хаёт йўлига тушиб, дастлабки қадамни босган ёшда қанчалик ўзгарса, улар ҳам бир-бирида шу ўзгаришни кўришди ва шу дастлабки қадамларни қайси мухитда босган бўлса иккаласига ҳам ўша мухитнинг акси урган эди. Сўнгти марта кўришганидан буён иккови ҳам анча ўзгарган ва иккови ҳам бу ўзгаришни бир-бирига тезрок айтишни истар эди.

– Оббо олифталар-ей! Озодагина, тозагина, худди сайилдан қайтиб келгандайсизлар-а! Биз ҳам юрибмиз-да, армияда хизмат қиласиз деб, – деди Ростов лой сараган шимини кўрсатиб. Унинг йўғон товуши ва аскарча ҳаракати Борис учун тамом янгилик эди.

Ростовнинг каттиқ-каттиқ гапираёттанини эшиктан уй эгаси немис хотин эшиқдан бошини чиқариб қаради.

– Қалай, жойидами? – деди Ростов Борисга кўз кисиб.

– Мунча бакирасан! Уларни ҳуркитиб юборасан, – деди Борис. – Мен бугун келмассан, деб ўйлаган эдим, деди яна, – мен хатни кечагина Кутузовнинг адъютантларидан Болконский орқали бериб юборган эдим. Дарров элтиб берар, деб ўйламаган эдим... Хўш, қалайсан? Урушга кирдингми? – деб сўради Борис.

Ростов унинг сўзига жавоб бермай, мундирига тақилган Георгий хочини аскарларча силкитиб ўиди ва боғланган қўлини кўрсатиб Бергта кулимсираб қаради.

– Кўриб турибсан-ку, – деди.

– Эй, хали шундок бўлди, дегин, – деди Борис кулиб. – Биз ҳам жуда ажойиб поход ўтказдик. Шаҳзода доим бизнинг полк билан бирга бўлди. Шунинг учун биз походни жуда соз ўтказдик. Польшада бўлган қабул маросимларини зиёфатларни, балларни айтасанми, гапирган билан тамом бўлмайди. Шаҳзода бизнинг офицерларга жуда катта марҳаматлар кўрсатди.

Икки ўрток бири ўзининг гусарлик айш-ишратлари билан жанговар ҳаёти ва иккинчиси баланд мартабали кишилар буйруғи остида хизмат килишнинг кулийклари ва фойдалари тўғрисида гапирди.

– Гвардия яхши-да! – деди Ростов. – Менга қара, вино олдириб келсанг-чи.

Борис афтини буриштириди:

– Жуда ичгинг келаётган бўлса, майли.

У каравоти олдига бориб, оппокқина ёстиқнинг тагидан ҳамёнини олди-ю, винога одам юборди.

– Ҳа, айтгандай, сенга келган пул билан хатни ҳам беришим керак, – деди яна.

Ростов хатни олди, пулни диванга ташлади-ю, столга тирсаклаб ўтириб, хатни ўқий бошлади. У хатдан уч-тўрт сатр ўқиб, Бергга қовоғини солиб қаради ва унинг қараб турганини кўриб, хат билан юзини беркитди. Берг диванда ётган тўла ҳамённи кўриб:

– Анчагина пул юборишибди-ку, – деди, – бизнинг кунимиз ойликка колган, граф. Мана, мени олсангиз...

– Менга қаранг, дўстим Берг, – деди Ростов, – сизга ҳам

үйингиздан хат келса, яқин кишиңгиз билан учрашиб у билан гаплашмоқчи бўлсангиз-у, мен шунда ҳозир бўлсам, сизга халал бермаслик учун дарҳол чиқиб кетар эдим. Мумкинми, кетсангиз, чиқиб кета қолсангиз, йўқолсангиз! – деб бақирди, лекин шу ондаёқ унинг елкасидан ушлади ва қилган қўполлигини юмшатмоқчи бўлди, шекилли, унинг юзига мулойимгина боқиб, илова қилди: – Хафа бўлманг, дўстим, мен сизни ўзимга яқин кўриб бу гапларни айтади.

– Айтмасангиз ҳам, ўзим тушунаман, граф, – деди Берг ўрнидан туар экан хириллаган товуш билан.

– Сиз уй ёгаларининг олдига киринг, сизни йўқлашаёт-ган эди, – деди Борис.

Берг озода, гард кўнмаган сюртукни кийди, ойнага қараб Александр Павловичга тақлидан сочини икки чаккасидан юқорига таради ва Ростовнинг кўз қарашидан сюртуғи ёққанини пайқаганидан кейин, мулойим табассум қилиб, уйдан чиқиб кетди.

– Оббо, жуда ҳам бефаҳмлик қилибман, – деди Ростов хатни ўқир экан.

– Нима бўлди?

– Жуда бемазагарчилик қилибман-да, хат ёзмай юриб-юриб у бечораларнинг ўтакасини ёрганимни қара. Оббо, жуда ёмон бўлибди-да! – деди тўсатдан қизариб. – Юбор энди Гаврилони винога! Ҳа, майли, бир ичайлик!

Хатнинг ичида князь Багратион номига ҳам бир мактуб бор эди, бу мактубни Анна Михайловнанинг маслаҳати билан қари графиня таниш-билишлари орқали ёздириб олган ва ўғлига шу хатни эгасига етказиб, шундан фойдалангин, деб тайинлаган эди.

– Ана бемаънигарчилиг-у, шунга зор эканман-да! – деди Ростов хатни столнинг тагига ташлаб.

– Нега ташлайсан? – деб сўради Борис.

– Аллақандай бир тавсиянома, нима кераги бор менга!

– Нега кераги бўлмасин? – деди Борис мактубни олиб ўқир экан. – Сенга жуда керакли мактуб бу.

– Менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ, мен ҳеч кимга

адъютант бўлмайман.

– Нега? – деди Борис.

– Бундан паст иш йўк!

– Сен ҳали ҳам алланималарни хаёл килиб юрасан, – деди Борис бошини чайқаб.

– Сен бўлсанг, ҳали ҳам ўшанака дипломат экансан. Кел, кўй бу гапларни... Қани, ўзингдан гапир-чи, – деди Ростов.

– Мана, кўриб турибсан-ку, шу-да. Ҳозирча ишим яхши, лекин шу фронтдан кутулиб, адъютант бўлишни истар эдим-да.

– Нега?

– Нега бўлар эди, модомики ҳарбий ишда мартабага интиладиган бўлсанг, иложи бўлса, дурустрогига интил.

– Эй, бундок дегин! – деди Ростов, афтидан, бошка тўғрида ўйлаётсиб.

У қандайдир бир масалани ҳал килмоқчи бўлгандай, ўртоғининг кўзига савол назари билан тикилиб турар эди.

Чол Гаврило вино келтириди.

– Энди Альфонс Карличга одам юборайми? – деди Борис. – У сен билан ичар эди, чунки мен ича олмайман.

– Ҳа, юбор-юбор! Қалай у немис? – деди Ростов таҳкиромуз илжайиб.

– Жуда-жуда яхши, ҳалол ва дилкаш одам, – деди Борис.

Ростов Бориснинг кўзига яна бир марта тикилди-ю, уф тортди. Берг қайтиб келди ва вино ичиб ўтириб, учала офицернинг кулф-дили очилди. Иккала гвардиячи Ростовга ўзларининг сафарлари, Россияда, Польшада ва чет элларда қандай иззат-хурмат кўрганликларини ҳикоя килиб беришиди. Командирлари буюк князнинг сўзлари, киликлари, гапириши, унинг юмшоқ кўнгиллиги ва аччиги тезлиги ҳакида латифалар айтишди. Берг сўз ўзига тегишли бўлмагани учун одатдагича индамасдан ўтирасан эди. Бирок буюк князнинг аччиги тезлиги тўғрисида латифалар айтилганда у Галицияда буюк князъ полкларни айланиб юриб полкнинг нотўғри харакат килгани учун аччикланганини ва шу вактда у билан гаплашишга муваффак бўлганини зўр шавқ-завқ

билан гапириб берди. У, жуда дарғазаб бўлган буюк князь: «Арнаутлар!» (шахзода дарғазаб бўлган чоғларида ҳамма вақт Арнаутлар, дер эди) – деб унинг ёнига келиб бакирганини ва рота командирини сўраганини мулойим табассум билан гапирди.

– Ишонасизми, граф, мен ҳеч кўркмадим, чунки мен ҳақ эканимни билар эдим. Биласизми, граф, полк бўйича бериладиган бутун буйрукларни, уставни беш бармоғимдай ёд биламан, десам мақтанган бўлмайман. Шунинг учун ҳам, граф, менинг ротамда ҳеч қачон камчилик бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳамиша хотирим жам. Югуриб олдига бордим. (У буюк князнинг олдига қандай ҳарбийча салом бериб келганини ўрнидан салгина туриб кўрсатди. Дарҳақиқат, одамнинг юзида хурмат ва мамнуниятни бундан ортиқроқ килиб кўрсатиш кийин эди!) Шу сўка кетди: «Арнауг» ҳам деди, «фалокат» ҳам деди, «Сибирга юбораман» ҳам деди, ишқилиб, ҳеч гап қолмади, – деди Берг табассум килиб. – Мен ҳақ эканимни билиб, индамай туравердим. Дуруст килибманми, граф? «Ҳа, соқовмисан?» – деб бақирди. Яна индамай туравердим. Шундан кейин нима бўлди, деб ўйлайсиз, граф? Эртасига буйруқда менинг тўғримда ҳеч гап бўлмади. Мана, кўрдингизми, одам ўзини дадил тутса, мана шундок бўлади. Мана шундай гаплар, граф, – деди Берг трубкасидан ҳалқа-ҳалқа тутун чикарап экан.

– Ҳа, жуда ажойиб бўлиби, – деди Ростов табассум қилиб.

Бироқ Борис Ростов Бергни масхара қилмокчи бўлганини кўриб усталик билан гапни бошқа ёкка бурди.

У Ростовдан қаерда ва қандай ярадор бўлгани ҳакида гапириб беришни сўради. Бу Ростовга жуда маъкул бўлди. Ростов бу ҳақда сўзлар экан, тобора очилиб гапирар эди. У Шенграбенда бўлиб ўтган воқеани, жангда иштирок қилган кишилардай, яъни айнан эмас, ўзлари бошқалардан эшитганларича, ҳакикатда бўлганини эмас, чиройли чикадиган қилиб айтишни истаган кишилардай сўзлаб берди. Ростов росттўй йигит бўлиб, ҳеч қачон ёлғон гапирмас эди. У бўлган воқеани айнан гапириб бермокчи бўлиб, сўз бошлаган

Эди, лекин аста-секин ёлғонга күчишга мажбур бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Агар у, ўзи сингари хужум тўғрисида кўп ҳикоялар эшитиб, хужум ҳақида муайян бир тушунча ҳосил килган ва унинг ҳикоясини ўзлари тасаввур килганча бўлишини кутиб ўтирган жўраларига воқеани айнан айтса эди, уларнинг ўзи ё ишонмас, ёки бундан ҳам ёмонроғи, одатда суворийлар ҳужумида иштирок этган кишилар бошидан кечирадиган нарсаларни Ростов бошидан кечирмаганига унинг ўзи айбли деб ўйлашар эди. У жўраларига, от кўйиб бораётганимда отдан йикилиб, кўлимни майиб килдим, жонимнинг борича француздардан буталар орасига кочдим, деб жўнгина айта олмас эди. Бундан ташкари, бўлиб ўтган воқеанинг ўзинигина айтиб бериш учун катта ирова ҳам керак эди. Ҳакикатни айтиш жуда кийин нарса: бу кўп ёшларнинг кўлидан келмайди, жўралари ундан қандай кизишиб жанг килгани, кўзига қон тўлиб француздар колоннасига қандай куюндай отилиб киргани, ўнг-сўлига килич уриб, француздарни қандай чопиб ташлагани, килич уларнинг гўштини тилка-тилка килгани ва ўзи қандай ҳолдан тойиб йикилгани ва ҳоказолар тўғрисида гапиришини кутишар эди. У жўраларига мана шуларни айтиб берди.

У ҳикояси ярим бўлиб, «Хужум вактида одамнинг кўзиға қандок қон тўлишини сен тасаввур кила олмайсан», деяётганида эшикдан князь Андрей Болконский кириб келди. Уни Борис кутиб ўтирас эди. Ёшларга ҳимояткорона муносабатда бўлишни яхши кўрадиган, ҳимоя сўраб мурожаат килингандан ийиб кетган, кеча маъқул бўлиб қолган Борисга кўнгли мойил бўлган князь Андрей ёш йигитнинг хошишини ўтамоқчи эди. У Кутузовдан шаҳзодага мактуб олиб бораётган Борисни танҳо кўрарман, деган ўйда бу ерга кирган эди. Уйга кириб, жанговар саргузаштаридан гапириб ўтирган армия гусарини кўргач (князь Андрей бунақа одамларни жуда ёмон кўрар эди), Борисга мулойимгина табассум билан қаради, Ростовга эса афтини буриштириб, кўзини қисиб назар ташлади ва салгина таъзим килиб, ҳорғин ва хушёк-маслик билан диванга ўтириди. У шу сухбатга кириб қолганига таъби хира бўлди. Ростов буни пайқаб, кизариб кетди.

кўрган-билгандаримизни гапирамиз, бизнинг гапларимиз ана шу тобда ўтириб, ҳеч нарса килмай мукофот оладиган штаб олифталарининг гапидан эмас.

– Яъни сен ҳам ўшаларнинг бирни демокчисисиз-да? – деди князь Андрей вазминлик билан ва мулойимгина табасум килиб кўйди.

Шу пайт Ростовининг калбида князь Андрейга нисбатан бўлган қаҳр-у ғазаб хисси унинг оғирлигини кўриб пайдо бўлган хурмат хиссига кўшилиб кетди.

– Мен сизни айттаётганим йўқ, – деди Ростов, – мен сизни билмайман, ростини айтсан, билишни ҳам истамайман. Мен умуман штаб одамлари тўғрисида гапираётибман.

– Мен сизга шуни айтиб кўяй-ки, – деди князь Андрей осоиишта, салобатли товуш билан, – сиз мени ҳакорат килмоқчис. Агар ўз кадрингизни билмай, бировни ҳакорат килиш жосон десангиз, бу фикрингизга кўшиламан, лекин ҳозир бунинг жойи ҳам эмас, вакти ҳам. Шу кунларда биз ҳаммамиз яна ҳам каттарок ва жиддийрок дузлга чикамиз. Бундан ташкари, сизни кадрдан дўстим деяётган Друбецкой менинг афтим сизга ёқмаганлиги учун ҳеч ҳам айбли эмас. Керак бўлсан, – деди князь Андрей ўрнидан турар экан, – менинг фамилиямни, қаерда бўлишимни биласиз, лекин шуни билиб кўйингки, – деди яна, – мен ўзимни ҳам, сизни ҳам ҳақоратланган ҳисобламайман. Агар ўзингиздан каттанинг маслаҳатига кўнсангиз, бу ишни окибатсиз қолдириинг, кўзгаб юрманг дейман. Хўп, жума куни кўриқдан кейин мен сизни кутаман, Друбецкой; хайр, кўргунча! – деди князь Андрей ва икковига таъзим килиб чикиб кетди.

Ростов унинг гапига нима жавоб бериш кераклигини учиқиб кетгандан кейингина эслади. Шу жавоб ўша тобда эсига келмаганига яна ҳам каттиқрок аччиғи келди. У дарров отини келтиришни буюрди ва Борис билан совуккина хайрлашиб, ўз жойига қайтиб келди. Уни йўл бўйи, эртага бош квартирага бориб бу олифта адъютантни дузлга чакирайми ёки бу ишни, ҳақиқатан ҳам, окибатсиз қолдирайми, деган савол кийнаб борди. У гоҳ ғазаб билан бу кичкина, заиф ва мағрур адъютант тўппончани кўриб кўркқанидан ўзининг

канчалик ҳузур килишини ўйлар, гоҳ ҳамма таниш-билишларидан ҳам кўра факат шу кўзига ёмон кўринган адъютантча билан жонажон дўст бўлишини истаб қолганини туоб, ҳайрон бўлар эди.

VIII

Борис билан Ростов кўришган куннинг эртасига Россиядан янги келган ва Кутузов билан походдан қайтган Россия ва Австрия армиясининг кўриги бўлди. Ҳар иккала император (рус императори валиаҳд шаҳзода билан, Австрия императори эса эрцгерцог билан) саксон мингдан иборат идтифокчилар армиясининг кўригига чикиди.

Эрталабдан бошлиб жуда озода, ўзига зеб берган кўшни калъя олдидағи майдонга чиқиб саф тортди. Гоҳ ҳилпираган байроқлар остида мингларча оёқ ва найзалар харакат килар, офицерларнинг бўйруғи билан тўхтар, бўрилар ва бошқача кийинган шундай пиёда аскарларни айланиб ўтиб, ораларида масофалар қолдириб, саф тортар; гоҳ саман, кора, жийрон отларга минган, зарҳал тикилган кийимлар кийган мусикачилар олдинда бўлган кўк, қизил ва яшил ранг мундирли суворийларнинг отлари баравар гурсуллаб қадам ташлар; гоҳ лафетда силкиниб, тарак-турук килиб бораётган яркироқ тўплари пилта хидини анқитиб, пиёда аскарлар билан суворийлар орасидан ўрмалаб артиллерия ўтар ва белгиланган жойларга бориб ўрнашар эди. Факат тўлик равища парад формаси кийган, йўғон ва ингичка белларини жуда тортиб боғлаган, тикка ёқа қисганидан қизариб кетган бўйинларига шарфлар боғлаган ва ҳар хил орденлар такиб олган генералларгина эмас, факат ўзларига зеб-оро берган офицерларгина эмас, балки яхшилаб ювинган, соқолларини қирдирган, кийим-бошларини ярқиратиб тозалаган ҳар бир аскар яхшилаб қашланиб ҳар бир туки жило бериб турган, ёллари ипакдай силлик бўлган ҳар бир от ҳаммаси жуда катта, муҳим ва тантанали бир иш бўлишини кутар эди. Ҳар бир генерал ва ҳар бир аскар бу одамлар дарёсида ўзининг бир сомон парча эканини кўриб ўзини ожиз сезар ва шу билан бирга мана шу азамат дарёning бир томчиси эканини фаҳмлаб, ўзини

кудратли хис килар эди.

Эрталаб зўр тараддуд ва тайёрлик иши бошланиб, соат ўн деганда ҳамма ёқ тахт бўлди. Кенг майдонда аскарлар катор бўлиб саф юргиди. Бутун армия уч катор бўлди. Олдинда суворийлар, унинг кетидан артиллерия, ҳаммадан кейинда пиёда аскарлар.

Ҳар бир саф ораси худди кўчага ўхшар эди. Уч кисмдан иборат бу армиянинг ҳар бир кисми бир-биридан тамоман ажралиб турар эди: Кутузовнинг жанговар армияси (бунинг ўнг қанотида, олдинги сафда павлоградликлар турар эди), Россиядан келган армия ва гвардия полклари ҳамда Австрия қўшинлари, лекин буларнинг ҳаммаси бир каторда бир буйруқ остида бир тартибда турар эди.

Бутун сафлардан, худди шабада дарахт япроқларини шитирлатётгандай: «Келишаётиби! Келишаётиби!» – деган шивирлаш эсигб ўтди. Одамларнинг ҳовлиkkан товушлари эшитилди, бутун кўшин ҳаяконланиб сўнгти тайёрликни кўра бошлади.

Ольмюц томонидан келаётган бир тўда. отликлар кўринди. Шу маҳал, гарчи шамол бўлмаса ҳам, армияни бўйлаб майнин шабада эсгандай бўлиб, найзаларнинг учидаги байрокчаларни, сопига урилиб ҳилпиллаб турган байрокларни хиёл тебратди. Армия шу хиёл қимирилаши билан гўё шаҳаншоҳларнинг яқинлашувига хурсандлик изхор қилаётгандай кўринар эди. «Ростлан!» деган бир овоз эшитилди-ю, унинг кетидан худди сахар чоғи хўrozлар кичкиргандай, ҳар томондан шу буйруқ товуши такрорланди. Жимлик чўкди.

Бу жимлика фақат отларнинг туёқ товушигина эшитилар эди, холос. Келаётганлар императорларнинг мулоzимлари эди. Шаҳаншоҳлар қанотга яқинлашуви билан биринчи суворийлар полкининг карнайчилари генерал-маршни¹ чалди. Бу карнай товуши эмас, гўё шаҳаншоҳнинг яқинлашуви шодиёнасига армиядан чиқаётган табиий хурсандчилик

¹ Марш (французча: marche – олга қараб юриш, ҳаракатланиш) – сафда баравар кадам ташлаб юриш; 2) кўшиннинг пиёда ёки транспорт воситаларида ташкилий равишда юриш килиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши; 3) ҳарбий юришларда, парадларда иштирок этувчиларни рухлантириш, уларнинг хиссийтига таъсир этиш мақсадида ёзилган мусика асари (бу ерда шу маъниода).

садосидай туюлар эди. Бу товушлар орасидан император Александрнинг ёш ва мулойим товуши баралла эшитилди. У аскарларни табриклаган эди. Биринчи полк шундай қаттик давомли ва хурсандлик билан:

«Ур-ра!» – деб қичқирдики, одамлар ўзлари ташкил этган кучнинг миқдори ва қудратидан ўзлари даҳшатта келишди.

Ростов шаҳаншоҳ дастлаб яқин келган Кутузов армиясининг биринчи сафида турар экан, шу армиядаги ҳар бир киши кечираётган туйгуни кечирар, яъни ўзини тамом унугланган, бу қудратга ифтихор қилиб мағрурланган ва бу тантананинг боиси бўлмиш кимсага жон-дили билан берилган эди.

Ростов шу кимсанинг бир оғиз сўзи билан бутун армия (ўзи ҳам шу армияга боғлик, унинг бир ушоги) ўзини ўтга, сувга ташлашга, жиноят қилишга, ўлишга ёки буюқ қаҳрамонликлар кўрсатишга тайёр ҳис қилас ва шунинг учун ҳам шу одам яқинлашаётганини кўрганида унинг ҳаяжонланмаслиги, котиб қолмаслиги мумкин эмас эди.

Ҳар томондан гуруллаб: «Ур-ра! Ур-ра! Ур-ра» – деган товушлар эшитилиб, полклар бирин-кетин шаҳаншоҳни генерал-марш билан қарши олишар, кейин яна: «Урра», яна генерал-марш тобора кучайиб, бир-бирига кўшилиб гувуллаган «ур-ра! ур-ра!» садолари янграр эди.

То шаҳаншоҳ етиб келмагунча полклар ҳудди жонсиз жасад сингари қимирламасдан жим турар эди; шаҳаншоҳ келиши биланоқ полклар жонланар, шаҳаншоҳ ўтиб кетган сафлардан чиқаётган садолар кўшилиб гувуллар эди. Кулокни қоматга келтирадиган бу садолар остида тўртбурчак бўлиб ҳудди тошдай котиб қолган кўшинлар сафи орасидан юзларча отлик мулозимлар тартиб билан, лекин бемалол юришар, булардан салгина олдинда икки император кетишар эди, бутун кўшинларнинг фикри-ёди ва хаёли шуларда эди.

Чиройли, ёш, отлик гвардия мундири билан учбурчак шляпа кийган, истараси иссик, товуши мулойим император Александр ҳамманинг диккатини ўзига тортган эди.

Карнайчилардан сал нарида турган кўзи ўткир Ростов императорни узокдан таниб, унинг яқинлашиб келаётганини кузатиб турад эди. Шаҳаншоҳ йигирма кадам чамаси яқин келганда, Ростов унинг чиройли, ёш ва кувноқ юзини яхшилаб кўриб олди. Унинг қалбида шу чоғтacha ҳеч качон юз бермаган меҳр ва завқ пайдо бўлди. Шаҳаншоҳнинг бутун киёфаси, ҳамма харакатлари унинг кўзига фавқулодда чиройли кўринар эди.

Шаҳаншоҳ Павлоград полки олдида тўхтаб, Австрия императорига французчасига бир нима деди-ю, табассум килди.

Бу табассумни кўриб, Ростов ҳам беихтиёр табассум килди ва ўз шаҳаншоҳига яна ҳам меҳри ортганини сезди. У бир нима қилиб, шаҳаншоҳга ўз мұхаббатини кўрсатишни истар эди. Бирок у мумкін эмаслигини билиб йиглагиси келарди. Шаҳаншоҳ полк командирини чакириб, унга учтўрт оғиз сўз айтди.

«Эй, худоё! Шаҳаншоҳ, мени чакириб қолса нима қилар эдим экан! – деди Ростов ичида, – хурсанд бўлганимдан юрагим ёрилиб ўлар эдим».

Шаҳаншоҳ офицерларга қараб:

– Ҳаммаларинтта, жаноблар, чин кўнглимдан ташаккур билдираман, – деди ва унинг ҳар бир сўзи Ростовга худди осмондан эшитилаётгандай туюлди.

Агар ҳозир Ростов ўз подшохи учун жонини курбон килолса, нақадар баҳтиёр бўлар эди-я!

– Сизлар Георгий байроқларини олишга муносиб иш қилдиларинг, шунга сазовор бўласизлар.

«Шундай подшога жонни курбон қилиш керак, курбон!» – деди Ростов ичида.

Шаҳаншоҳ яна бир нима деди, лекин Ростов эшита олмай қолди. Аскарлар чукур нафас олиб «ур-ра!» – деб кичкиришди.

Ростов ҳам шаҳаншоҳга бўлган садоқатини билдириш учун эгарнинг устида энгашиб жонининг борича кичкирди.

Шаҳаншоҳ худди тараддуллангандай, гусарларнинг қархисида бир неча лаҳза қолди.

«Наҳотки шаҳаншоҳ тараддулланса?» – деди Ростов ичида, аммо кейинчалик шаҳаншохнинг тараддуланиши ҳам унинг бошқа ҳамма ҳаракатларидан Ростовнинг кўзига улуғвор ва чиройли кўринди.

Шаҳаншохнинг тараддуланиши бир лаҳзадан ошмади. У ўша замонда раем бўлган тумшуғи ингичка этик кийган оёгини, остидаги инглизча зеб берилган тўриқ биянинг човига¹ салгина теккизди; оқ кўлкоп кийган қўли билан тиззасини йигиштириб олиб, сон-саноксиз адъютантларнинг кузатувида олға юрди. Шаҳаншоҳ ҳар бир полкнинг олдида бироз, бироз тўхтаб ҳамон олға борар эди. Ниҳоят, унинг гавдаси кўздан йўқолди, Ростов императорларни қуршаб бораётган мулозимлар орасидан унинг оқ жигасинигина кўрар эди.

Ростов жаноб мулозимлар орасида отда сўлжайиб ўтирган Болконскийни ҳам кўриб қолди. Ростов уни кўриб, кеча икки орада ўтган гапни эслади ва уни дуэлга чакирсамми, чакирмасамми, деган савол яна хотирига келди. «Чакириш керак эмас, – деди Ростов ўзича, – шундай маҳалда шунака нарсани ўйлаб ўтиришга арзийдими? Қалб шундай муҳаббат, шундай хурсандчилик ва шундай фидокорлик ҳисси билан тўлган бир вактда бизнинг жанжал-у муноқашамиз нима деган гап?! Мен ҳаммани яхши кўраман, энди ҳеч кимга кек сақламайман», деб ўйлар эди Ростов.

Шаҳаншоҳ ҳамма полкларни кўриб чиққандан кейин қўшинлар унинг олдидан тантанали марш билан ўта бошлиди ва Ростов якиндагина Денисовдан сотиб олган Бадавийсида ўз эскадронининг охирида, яъни якка ўзи шаҳаншоҳга яккол кўриниб ўтиб борар эди.

Чавандоз Ростов ҳали шаҳаншоҳнинг олдига етмасдан Бадавийсига икки марта шпор уриб, роса гижинглатди. Шаҳаншоҳнинг караб турганини сезган от ҳам бўйнини **ғажак** килиб, кўпикланган тумшуғини кўкрагига теккизиб, **думини** кўтариб, худди оёғи ерга тегмай учиб бораётгандай, оёкларини баланд-баланд ва чиройли кўтариб ташлаб шаҳаншоҳнинг олдидан жуда қойил қилиб ўтди.

¹ Чов – қориннинг пастки қисми билан сон оралиги.

Ростовнинг кўзи оёкларини узангига тираб, коринни ичига тортиб, ўзини худди отта ёпишиб қолгандай хис килиб ковоғини соглан бўлса ҳам, ўзида йўқ хурсанд ҳолда шаҳаншоҳнинг олдидан Денисов айтмоқчи, балодай ўтиб кетди.

– Офарин, павлоградликлар! – деди шаҳаншоҳ.

«Ох, шаҳаншоҳ менга ҳозир ўзингни ўтта ташла деса, қанчалик бахтиёр бўлар эдим-а!» – деди Ростов ўзича.

Кўрик тамом бўлгандан кейин янги келган ва Кутузов армиясида бўлган офицерлар гурух-гурух бўлиб тўпланишиди: мукофотлар, австрияликлар ва уларнинг мундирлари, сафлари, Бонапарт тўғрисида, айникса, Эссеннинг корпуси келса-ю, Пруссия биз томон бўлса, Бонапартнинг аҳволи чатоқ бўлиши хақида гап-сўз бошланди.


Лекин ҳамма тўпда ҳам кўпроқ шаҳаншоҳ Александр тўғрисида гапиришар, унинг айтган гапларини, килган ҳарачатларини айтишар ва шундан завқ қилишар эди.

Ҳамманинг ҳам бирдан бир тилаги – шаҳаншоҳнинг етакчилиги остида тезрок душманга қарши урушга кириш эди. Кўрикдан кейин Ростов ва бошка кўп офицерлар, шаҳаншоҳ ўзи кўмандонлик килганда душманни енгаслик мумкин эмас, деб ўйлашар эди.

Кўрикдан кейин ҳаммада ғалабага шундай ишонч ҳосил бўлдики, бундай ишонч икки жангда ғалаба қозонилгандан кейин ҳам ҳосил бўлмас эди.

IX

Кўрикдан кейин эртасига Борис яхши мундирини кийди, ишинг ўнгидан келсин, деб кузатиб колган ўртоғи Берг билан хайрлашиб, Ольмиоца – Болконскийнинг олдига жўнади. Унинг мақсади князь Андрейнинг меҳрибончилигидан фойдаланиб яхширок бир амалга, хусусан, назарида, армияда ҳамманинг ҳаваси келадиган амалга миниб олиш, яъни каттарок бирон одамга адъютант бўлиб олиш эди. «Отаси ҳар сафар ўн минглаб пул юбориб турадиган Ростов, мен ҳеч кимга ялинмайман, ҳеч кимга лакей бўлмайман, деса бошка гап. Лекин менга ўхшаган аклидан бошка ҳеч нарсаси бўлмаган одам мансабга ўзи эришуви ва имкониятни қўлдан



бермай ундан фойдаланиши керак», деб ўйларди Борис.

Борис шу куни Ольмюңда князь Андрейни кўра олмади. Лекин бош квартира, дипломатия корпуси ўрнашган ва иккала император ўз мулозимлари, яъни сарой ахлари, яқинлари билан турадиган Ольмюң унинг шу олиймақомлар оламига кириш хоҳишини яна ҳам орттириди.

У ҳеч кимни танимас, гвардия мундири кийиб жуда ясаниб келган бўлса ҳам, чиройли извошларга тушиб кўчакўйда айланиб юрган жига, лента орденлар тақиб олған сарой ахлари ва, ҳарбийлар назарида, ундан, гвардия офицер-часидан шу кадар юқори турар эдиларки, булар уни назарга илиш у ёқда турсин, унга эътибор ҳам қилмас эдилар. У бош кўмондон Кутузов жойлашган бинога кириб Болконскийни сўраганида бу ердаги ҳамма адъютантлар ва ҳатто денщиклар ҳам унга худди сенга ўхшаган офицерлар бу ерга жуда кўп келиб кетади, жонга ҳам тегдиларинг демокчи бўлгандай карашди. Шунга қарамасдан ёки шундай бўлгани учумми, у эртасига 15-санада тушликдан кейин яна Ольмюңга борди ва Кутузов жойлашган бинога кириб, Болконскийни сўради. Князь Андрей уйида эди. Борисни, афтидан, илгари рақс қилинадиган, ҳозир эса бешта каравот қўйилган ва ҳар хил мебеллар: стол, стуллар, клавикордлар турган катта залга олиб кириди. Эронча чакмон кийган бир адъютант эшикка яқинроқ қўйилған стол ёнида ўтириб хат ёзмоқда эди. Яна бир кип-кизил адъютант – семиз Несвицкий қўлини бошининг остига қўйиб каравотда чўзилиб ётар ва олдида ўтирган бир офицер билан кулишар эди. Учинчиси клавикордда Вена вальсини чалар, тўртинчиси эса клавикордга ёнбошлаганича унга жўр бўлиб ашула айтар эди. Болконский кўринмас эди. Бу жанблардан ҳеч бири Борисни кўриб ўрнидан қимиirlамади. Борис хат ёзиб ўтирган адъютантдан Болконскийни сўраганида у қовоғини очмасдан, Болконский навбатчилик қилаётibiди, керак бўлса, чап кўлдаги эшикка – қабулхонага киринг, деб жавоб берди. Борис унга ташаккур билдириб, қабулхонага борди. Қабулхонада ўн чогли генераллар, офицерлар ўтиришар эди.

Борис кирган вақтда князь Андрей қовоғини солиб

(унинг юзида, агар вазифам бўлмаганида сиз билан бир дакика ҳам гаплашмас эдим, деган бир хоргинлик ифодаси кўринар эди), орденлар таққан кекса рус генералининг сўзи-га қулок солар, генерал кип-кизил бўлиб, деярли оёқ учида, аскарлардек қоматини тик тутиб, нима тўғридадир князь Андрейга доклад килар эди.

Князь Андрей генералга русча, лекин энсаси котган вактларида гидай, французча талаффуз билан:

– Хўп, хўп, бир нафас сабр килинг, – деди ва Борисни кўргач, генералга эътибор килмасдан (генерал яна нимадир демокчи бўлиб ёлвориб, унинг кетидан чопар эди) унга табассум билан караб, бош ирғади.

Борис шунда илгари тахмин килган нарсасини, яъни армия уставида ёзилган, бутун полк ва ўзи билган тартиб ва интизомдан ташқари яна бир бошка муҳимрок тартиб борлигини кўрдики, бу тартиб ҳали кип-кизил ва шопдай бўлиб турган генерални кутишга мажбур килди, князь Андрей капитан бўла туриб, генералнинг гапини охиригача эшиг-май, ўз кўнгли хушлигини деб, прaporщик Друбецкий билан гаплашишни маъкулрок кўрди. Борис буни кўриб, келажак-да, уставда ёзилган тартибга кўра эмас, мана бу хеч қаерда ёзилмаган тартибга кўра хизмат килишга ҳар қачонгидан ҳам ортиқрок бел боғлади. У князь Андрейга тавсия килиниши натижасида хозирнинг ўзидаётк генералдан ўзини каттароқ хис килди, ҳолбуки, бошка вактда, сафда турган чоғда, бу генерал бунақа гвардия прaporшигини мажаклаб ташлаши мумкин эди. Князь Андрей унинг олдига келиб кўлини ушлади.

– Афсуски, кеча келганингизда йўқ эканман. Кечакуни бўйи немислар билан овора бўлдим. Вейротер билан бирга диспозицияни¹ текширгани борган эдик. Немислар тартибни ўрнига қўйишга бир киришмасин, киришгандан кейин одам безор бўлиб кетади!

Борис худди князь Андрейнинг гапига тушунгандай табассум килди, ҳолбуки Вейротер деган номни ва ҳатто диспозиция деган гапни ҳам биринчи марта эшитаётган эди.

¹ Диспозиция – қўшинларнинг жойлашуви, позицияси.

– Хўш, дўстим, ҳали ҳам адъютант бўлиш ниятидан қайтганингиз йўкми? Мен сизнинг тўғрингизда анчагина ўйладим.

– Йўқ, – деди Борис беихтиёр негадир кизариб, – мен бош қўмондондан илтимос килмокчи эдим. Менинг тўғримда князь Курагин у кишига мактуб ёзган эди. Мен шунинг учун ҳам илтимос килмокчи эдимки, – деди худди узр сўраётгандай, – гвардия жангга кирмайдиганга ўхшайди.

– Ҳа, яхши! Яхши! Ҳаммасини гаплашамиз, – деди князь Андрей, – ҳозир бу киши тўғрисида бош қўмондонга доклад қилиб чиқай, ундан кейин мен сизнинг ихтиёрингиздаман.

Князь Андрей юзи кип-қизил генерал тўғрисида доклад килгани бош қўмондоннинг олдига кириб кетганидан кейин бу генерал, Бориснинг уставда ёзилмаган тартибнинг фойдаси тўғрисидаги тушунчасига қўшилмайдиган одам бўлса керак, адъютант билан гаплашувига ҳалал берган бу овсар прaporшикка қараб шундай хўмрайдики, Борис ўнгайсизланиб қолди. У тескари ўтирилиб, князь Андрейнинг бош қўмондон кабинетидан қайтиб чиқишини сабрсизлик билан кута бошлади.

Борисни клавикорд турган катта залга бошлаб борар экан, князь Андрей:

– Мен сиз тўғрингизда шундай қарорга келдим, дўстим, – деди, – бош қўмондоннинг олдига киришингизнинг хеч хожати йўқ. Кирсангиз, бир қоп ширин сўз айтади, уйига тушликка таклиф килади («хеч каерда ёзилмаган тартибга кўра хизмат қилиш важидан шундок бўлганда ёмон бўлмас эди-ку-я», – деди Борис ичида), лекин иш шундан нарига ўтмайди; бизда адъютант, ординарецлар якинда бир батальон бўлади. Биз шундок қиласлил: мен генерал-адъютант князь Долгоруков деган жуда яхши бир одам билан қалин ўртокман; балки, сиз билмассиз, лекин гап шундаки, ҳозир Кутузов ҳам, унинг штаби ҳам, ҳаммамиз ҳам хеч нарса билмай қолдик: ҳозир ҳамма иш шаҳаншоҳнинг кўлига ўтган: шунинг учун Долгоруковнинг олдига бора қолайлик, ўзимнинг ҳам унда ишим бор, сиз тўғрингизда у билан гап-

лашганман; бориб кўрамиз, балки, сизни ўз хизматига олиши ни ёки императорга яқинроқ бирон ишга тўғрилашни лозим кўрар.

Князь Андрей ҳамма вақт ёшларга йўл-йўрик кўрсатишни, уларнинг киборлар доирасида рўёбга чикишларига ёрдам қилишни жуда яхши кўрар эди. У мана шу хилда бошқаларга ёрдам бериш баҳонаси билан (у ўзи учун бирордан ёрдам сўрашга ор килар эди) кишини рўёбга чиқаридиган ва ўзига тортадиган муҳитга якин турар эди. У Борисни бажонидил князь Долгоруковнинг олдига олиб борди.

Улар Ольмюцда императорлар ва уларнинг яқинлари турадиган саройга киргандарида кеч кириб қолган эди.

Шу куни ҳарбий кенгаш бўлиб, унда гофкригсротнинг ҳамма аъзолари ва иккала император иштирок қилган эди. Кенгащда, карилардан Кутузов билан князь Шварценбергнинг фикрига қарши ўлароқ, тезроқ ҳужум бошлаб, Бона-парт билан катта уруш килишга қарор килинди. Князь Андрей Борис билан бирга князь Долгоруковни ахтариб саройга кирганида, ҳарбий кенгаш хозиргина тамом бўлган эди. Ёшлар гурухи ғалаба қозонган бутунги кенгащдан яхши кайфият бош квартира одамларининг юзида ҳануз барқ уриб турар эди. Ишни пайсалга солиб, ҳужум бошламасдан яна ниманидир кутиб туришни маслаҳат берган кишиларнинг товушларини бошқалар шундай яқдиллик билан босишган, уларнинг далилларини ҳужум бошлаш фойдали эканлигини исбот қиласидан далиллар билан шундай рад қилишган эдик, кенгащда музокара қилинаётган бўлгуси жанг ва сўзсиз ғалаба худди бўлиб ўтгандай туюлиб қолган эди. Бизнинг қўлимиз ҳар жиҳатдан ҳам баланд эди: Наполеон қўшинларидан, шубҳасиз, ортиқ бўлган қўшинларимиз зўр куч бўлиб бир жойга тўпланган; императорларнинг келиши муносабати билан аскарларнинг рухи кўтарилиган ва улар урушга талпинишар эди; қўшинларга раҳбарлик қилаётган Австрия генерали Вейротерга жанг майдони бўладиган стратегия пункти беш бармоғидай маълум (бизнинг баҳтимизга Австрия қўшинлари ўтган йил тактика ҳозир французларга қарши жанг бўладиган шу жойларда ўтказган

экан); ҳозир жанг бўладиган майдоннинг ҳамма икир-чикирлари аниқ ва батафсил харитага олинган; Бонапарт, жахли чиққанлигидан бўлса керак, бунга қарши ҳеч чора кўрмайтирилди.

Хужум бошлашнинг кизгин тарафдори бўлган Долгоруков кенгашдан ҳозирғина жуда чарчаб қайтиб келган бўлса ҳам, кенгашда гапи ўтгани учун кайфи чоғ ва мағрур эди. Князь Андрей ўз химоясига олган офицерни унга таништириди, лекин князь Долгоруков Бориснинг кўлини каттиқ қисиб сўрашди-ю, ҳеч нарса демади ва, афтидан, ҳозир бутун фикр-ёди кенгашда бўлиб ўтган гапларда бўлса керак, князь Андрейга француздалаб:

– Эй, азизим, бугун шундай ҳам катта жанг килдикки, илойим бунинг оқибати ҳам шундай баҳайр бўлсин-да! Лекин, азизим, – деди хурсанд бўлиб ва сўзни узиб-узиб, – мен австрияликлар, айниқса, Вейротер олдида ўз айбимга иқорор бўлишим керак. Жанг режаси бу қадар аниқ, бу қадар батафсил, жанг майдонини бу қадар билиш, барча эҳтимолларни бу қадар кўзда тутиш, ҳамма шароитни, ҳамма икирчикирни бу қадар муфассал билиш-а!

– Йўқ, азизим, ҳозир бизда бўлган бунчалик қулай шароитдан бошқасини ўйлаб топиб бўлмайди. Австрияликларнинг пишиклиги-ю, русларнинг ботирлиги бирга қўшилгандан кейин яна нима керак, азизим?

– Демак, хужум қилишга узил-кесил карор берилибдида? – деди Болконский.

– Биласизми, азизим, назаримда, Буонапарте қалавасининг учини йўқотиб қўйганга ўхшайди. Бугун императорга мактуб юборишибди, – Долгоруков маъноли табассум қилиб қўйди.

– Ҳали шундоқ денг! Хўш, нима ёзибди? – деб сўради Болконский.

– Нима ҳам ёзар эди? У-бу деб вактни ўтказиб, шундан фойдаланмоқчи. У ҳозир бизнинг қўлимизда десам, ишонинг, бу турган гап! Ҳаммадан қизиги шуки, – деди тўсатдан соғдилона қулиб, – жавоб мактуби ёзилганда уни

нима деб аташни ҳеч ким билмади. Консул¹ деб бўлмайди, император деб бўлмаслиги турган гап, шундок бўлгандан кейин, менимча, генерал Буонапарте дейиш тўғри келади.

— Лекин уни император деб танимаслик билан генерал Буонапарте дейиш орасида фарқ бор, — деди Болконский.

— Ҳамма гап шунда-да, — деди Долгоруков кулиб ва унинг сўзини бўлиб. — Билибинни танийсизми, жуда доно одам, у хатта: «эзўравон ва инсониятнинг душманига», деб ёзилсин, деган таклифни килди.

Долгоруков хандон ташлаб кулди.

— Бундан ёмонрогини топмабди-да? — деб қўйди Болконский.

— Ҳар қалай, Билибин жуда мувофик унвон топди. Жуда ўткир, доно одам.

— Бўлмасам-чи.

— Франция хукуматининг бошлигига, — деди Долгоруков мамнуният билан жиддий тарзда, — жуда мувофик унвон эмасми?

— Мувофиқликка-ку, мувофик, лекин ҳеч ҳам ёқмас, — деди Болконский.

— Ёқмаслик ҳам гапми? Менинг акам уни яхши билади; у бир неча марта Парижда ҳозирги император билан бирга тушлик килган, акам, бундай зийрак ва айёр дипломатни умримда кўрмаганман, деган эди. Биласизми, французнинг эпчиллиги билан итальян актёrlиги бирга қўшилган-да! Граф Марков билан унинг тўғрисидаги латифаларни биласизми? Факат граф Марковгина у билан муомала қилишни билган. Рўмолча воқеасини биларсиз? Жуда ажойиб!

Сергап Долгоруков goҳ Борисга, goҳ князъ Андрейга қараб, Бонапарт бизнинг элчимиз Марковни синаб кўрмоқчи бўлиб, жўрттага рўмолчасини унинг олдида ерга тушириб

¹ Консул (латинча: consul — маслаҳатчи) — 1) кадимги Римда илк республика даврида вужудга келган олий мансабдор шахс; 2) ўрга асрларда Шимолий ва Марказий Италия шахарларидаги олий мансабдор шахс; 3) бир давлатнинг бошка давлат ҳудудида ўз мамлакати, унинг юридик шахслари ва фуқаролари манфаатларини химоя килиш, иккى давлат орасида сиёсий, иктисолий, илмий ва маданий алокаларни ривожлантиришга ёрдам бериш учун тайинланадиган мансабдор шахс.

юборганини ва олиб берармикин деб унга қараб турганида, Марков хам рўмолчасини жўрттага тушириб юборгани ва энгашиб ўзиникини олиб Бонапартникини олмаганини гапириб берди.

– Ҳа, жуда ажойиб, – деди Болконский. – Айтгандек, князь мен сизнинг олдингизга мана шу йигит тўғрисида бир илтимос билан келган эдим. Биласизми?..

Лекин князь Андрей сўзини тамом килмасдан уйга бир адъютант кириб, князь Долгоруковни император ҳузурига чакириди.

– Ҳай, аттанг! – деди Долгоруков шошиб ўрнидан турар экан, князь Андрей билан Борисга кўл бериб, – сизнинг учун хам, бу яхши йигит учун хам қўлимдан келган ҳар қанча хизмат бўлса жоним билан қиласман. – У Бориснинг қўлини оғзининг таноби қочиб, самимий бир тарзда яна бир марта сикиб кўйди. – Лекин буни кўрмайсизми... Ҳайр, кўришгунча!

Ўзини хозир олий ҳокимият эгалари орасида хис килиб турган Борисни уларга яқин бўлиш хаёли ҳовликириар эди. Ўз полкида ўзини зўр кучнинг кичкина, арзимас бир кисми деб билган Борис бу ерда ўша зўр кучни харакатта солиб турган кишиларга ўзининг яқин турганини кўрар эди. Булар князь Долгоруков кетидан йўлакка чиқишганда, Долгоруков кириб кетган эшиқдан (шаханшоҳ кабинетининг эшигидан) фуқароча кийинган, юзидан бамаъни одам кўринган, ғяги олдинга чиқсан бўлса ҳам, афтини хунук килмасдан, аксинча эпчил ва уддабуро килиб кўрсатган ўрта бўйли бир киши чиқди. Бу ўрта бўйли киши Долгоруковга ўз кишисидай бош иргади, сўнгра князь Андрейнинг салом ёки йўл беришини кутиб бўлса керак, совуқ назар билан тикилганича унга томон келар эди. Князь Андрей на салом, на йўл берди; унинг юзида газаб акс этар эди. Ўрта бўйли ёш йигит юзини тескари буриб, йўлакнинг бир томонидан ўтиб кетди.

– Бу ким? – деб сўради Борис.

– Бу энг яхши, лекин менинг учун энг бадҳазм одамлардан бири. Ташқи ишлар министри князь Адам Чарто-рижский. Мана шу одамлар, – деди Болконский саройдан

чикилаёттанды беихтиёр уф тортиб, – мана шу одамлар халк-ларнинг тақдирини ҳал килади.

Эртасига күшинилар походга чиқди. Борис то Аустерлиц жангигача Болконскийнинг олдига ҳам боролмади, Долгоруковнинг ҳам; вактинча яна Измайл полкида колди.

X

Николай Ростов хизмат килаёттгай ва Багратион отрядига кирадиган Денисов эскадрони ўн олтинчи сана тонготарда манзилдан жантта жўнади ва бошқа колонналарнинг кетидан бир чакиримча йўл босганидан кейин катта йўлда тўхтатиди. Ростов аввал казаклар, улардан кейин биринчи ва иккинчи эскадрон гусарлари, артиллериялари билан пиёда батальонлар ва булардан кейин генерал Багратион ва Долгоруковлар ўз адъютантлари билан ўтиб кетганини кўрди. Жанг бошланиши олдидан бурунгидай шунча вахимага тушгани, бу вахимани енгиш учун шунча зўр бергани, бу жангда гусарча иш кўрсатиш тўғрисида шунча килган хаёллари бекорга кетди. Унинг эскадрони захирада қолдирилди. Николай Ростов бутун кунни зерикиб, диккат бўлиб ўтказди. Эрталаб соат саккиздан ўтганда узоқдан отишма ва ура овозларини эшитди; орқага олиб кетилаёттган ярадорларни (улар учча кўп эмас эди) ва юзларча казаклар бир отряд француз отлиқ аскарларини куршаб олиб бораёттганларни кўрди. Жанг унча катта бўлмай, бизнинг ғалабамиз билан тамом бўлганга ўхшар эди. Қайтиб келаёттган аскар ва офицерлар порлок ғалаба қозонилгани, Вишау шаҳри ишғол килингани, бутун бир эскадрон француз аскарлари асир олинганилиги ҳакида гапиришар эди. Кечаси бўлган каттиқ совудан кейин ҳаво очик ва куёш чараклаб турар, жангда иштирок қилган аскарларнинг сўзларидангина эмас, ҳатто Ростовнинг олдидан у ёкка ўтиб бораёттган ва у ёқдан қайтиб келаёттган аскар ва офицерлар, генерал ва адъютантларнинг юз ифодасидан ҳам кўриниб турган ғалаба хабарига кишининг баҳрини очадиган куз ҳавоси жуда мос келган эди. Жанг бошланиши олдиди бекорга шунча вахимага тушган, лекин шундай кунни бу ерда бекор ўтириб ўтказган Ростов

уларни күриб яна ҳам дикқат бўлди.

Денисов йўл бўйида олдига ароқли сувдон билан овқат кўйиб ўтирас экан, Ростовни чакирди:

– Ростов, бу ёқса кел, бир ичайлик шу аламларга!

Офицерлар унинг атрофига тўпланиб, еб-ичиб сұхбат кила бошлишди. Офицерлардан бири, икки пиёда казак олиб келаётган асир француз отлиқ аскарини кўрсатиб:

– Ана, яна биттасини олиб келаётиби, – деди.

Казакларнинг бири асирнинг чиройли, бўлик отини етаклаб келар эди.

– Ҳой, отни сотсанг-чи! – деди Денисов казакка.

– Марҳамат, жаноблари...

Офицерлар ўринларидан туриб, казаклар билан асир французни ўраб олиши. Француз отлиқ аскари эльзацлик ёшгина йигит бўлиб, французчани немис лахжасида гапирав эди. У ҳаяжондан энтиккан, юзи қизариб кеттан эди: уларнинг французча гапираётганини эшишиб, дарров офицерларга караб гапира бошлади. У, мен асир тушмас эдим, асир тушганимга мен айбли эмас, капрал¹ айбли, чунки у ерда руслар йўқ, бориб жулларни йигиштириб кел, деб юборди, деди. У ҳар икки оғиз гапининг бирида: отимга озор берманглар дер ва отини ардоклар эди. У, афтидан, ўзининг қаерда эканини ва асир тушганини унча фаҳмламас эди. У асир тушгани учун гоҳ узр сўрар, гоҳ ўзини ўз бошликлари олдида гумон қилиб, аскарлик расм-одобини жойига кўйишга тиришар эди. Бу аскар бизнинг аръергардга француз қўшинининг биз учун тамом ёт бўлган туриш-турмушини яққол кўрсатиб берди.

Казаклар отни 20 сўмга сотиши. Отни яқиндагина уйидан пул келиб ҳаммадан бойроқ бўлган Ростов олди.

Казаклар отни гусарга берганда, эльзацлик француз соғдиллик билан:

– Отимга озор берманг, – деди Ростовга.

Ростов табассум қилиб асирни юпатди ва унга пул берди.

¹ Капрал (немисча) – ҳарбий унвон ва лавозим. Ҳарбий бўлинма командири. Хозирги вактда нисбатан сержант унвонига тўгри келади.

Казаклар юр, демокчи бўлиб:

– Алло, алло! – деди асиринг енгидан тортиб.

Тўсатдан гусарлар орасидан:

– Шаҳаншоҳ! Шаҳаншоҳ! – деган товуш эшишилди.

Ҳамма шошиб-пишиб таркалди. Ростов орқага караб, шляпалирга оқ жиға таққан бир тўйда отликни кўрди. Бирпасда ҳамма жой-жойига бориб, шаҳаншоҳнинг ўтишини кутиб турди.

Ростов ўз жойига қандай югуриб борганини ва отига қандай минганини ҳам билмай қолди. У жангда иштирок килмагани ҳакида афсулсланиб ўтирганини дархол унуди, кун бекор ўтди, деб юраги сикилиши, шаҳаншоҳга кўз тикиб турган одамлар доирасида дархол барҳам топди, шаҳаншоҳ якинлашиб келаётганидан жуда хурсанд бўлиб, ўзи тўғрисида ўйламай кўйди. Шаҳаншоҳ якинлашиб келаётганилигининг ўзи бекорга ўтказган шу куни учун унга бир мукофотдай бўлди. У ёрининг висолига етган ошиқдай ўзини баҳтиёр ҳис килар эди. У олга қарагани ботинолмас, қарамас, лекин шаҳаншоҳнинг якинлашиб келаётганини завқ билан сезиб турар эди. Буни отларнинг туёқ товушидангина эмас, шаҳаншоҳ якинлашган сайин атрофдаги одамларнинг чехралари очилиб, юзларида хурсандлик ва тантана аломати пайдо бўлаётганидан ҳам пайкаш мумкин эди. Ростов учун бир куёш бўлган шаҳаншоҳ меҳр-у муҳаббат ва салобатидан ҳамма ёқни мунаввар килиб тобора якинлашар эди. Мана, Ростов шу куёшнинг нурига кўмилгандай бўлди, унинг меҳрибон, мулоим, улуғвор ва шу билан бирга, жуда ҳам оддий товушини эшилди. Худди Ростов ўйлагандай жимлик чўкди ва бу жимликда шаҳаншоҳнинг товуши эшишилди.

– Павлоград гусарларимисизлар? – деди шаҳаншоҳ.

– Захира, аъло ҳазрат, – деб жавоб берди кимдир шу кадар оддий товуш билан: «Павлоград гусарларимисизлар?» – деб сўраган жуда ғайриоддий товушга жавобан.

Шаҳаншоҳ Ростовнинг рўпарасига келганда тўхтади. Александрнинг чехраси бундан уч кун олдинги кўрик қуни дагидан ҳам очикроқ эди. Унинг юзи шундай кувнок, шундай ёш, шундай маъсум эдикни, ўн тўрт яшар шўх боланинг

юзини эслатар, лекин шу билан бирга, ҳар ҳолда улуғвор императорнинг юзи эди. Шаҳаншоҳ эскадронни кўздан ке-чирар экан, тасодифан кўзи Ростовнинг кўзига тушди-ю, икки лаҳзага қараб колди. Шаҳаншоҳ шу чог Ростовнинг кўнглидан нималар ўтаётганини билдими, йўқми (Ростовга худди билгандай туолди), ҳар қалай, кўк кўзларини Ростовнинг юзига тикди (бу кўзлардан юмшок ва шафқатли нур ёғилиб турар эди), сўнгра тўсатдан қошини чимириб, сўл оёғи билан отини бир туртди-ю, от кўйганича олға қараб кетди.

Ёш император жангни ўз кўзи билан кўргиси келиб, сарой аҳларининг берган маълумотларига қарамай, соат ўн иккода, бирга бораётгани учинчи колоннадан ажralиб, авандардга қараб кетди. У ҳали гусарларга етмасдан йўлда уни бир неча адъютант бугунги жангда биз ютиб чиқдик, деган хушхабар билан қарши олишди.

Бир эскадрон француз аскарлари асир олинишдангина иборат бўлган бу жанг тўғрисида, французлар устидан порлок ғалаба қозондик, деб маълумот берилган эди. Шунинг учун шаҳаншоҳда ҳам, бутун армияда ҳам (айникса, жанг майдонида пороҳ тутуни ҳали турган чогда) французлар маглуб бўлиб, ночор орқага чекинаётиби, деган ишонч ҳосил бўлди. Шаҳаншоҳ ўтиб кеттанидан кейин орадан бир неча дакика ўтгач, Павлоград дивизионининг¹ олға юриши тўғрисида буйруқ келди. Вишау деган немис шаҳарчасида Ростов шаҳаншоҳни яна кўрди. Шаҳаншоҳ келишдан бурунроқ анчагина қаттиқ отишма бўлган шаҳар майдонида йиғиштириб олишга кўл тегмай қолган бир неча ярадор ва ўликлар ётган эди. Ҳарбий ва гайриҳарбий мулозимлар ўраб олган шаҳаншоҳ кўрик вактида инглизча зеб берилган биясини қўйиб, бошқа саман от мингган эди. У бир томонга энгашиб, олтин лорнетни кўзига жуда чиройли тутиб, ерда аганаб ётган яланг бош, боши қонга белангтан аскарга қарди. Ярадор аскар шу қадар ифлос, шу қадар жирканч, шу

Дивизион (латинча: *divisio* – бўлиш, бўлим) – 1) артиллерияда, отлик қўшинларда ва бронетанк кисмларида 2-3 батареядан иборат тактик бўлими; 2) ҳарбий-денгиз флотида бир турдаги бир неча кема ва катерлардан иборат қўшилма.

қадар хунук эдики, унинг шаҳаншоҳга яқин ерда ётганлиги Ростовга алам қилди. Ростов шаҳаншоҳнинг эти жунжикиб, буқчайиброк турган оркаси силкинганини, бетоқат бўлиб чап оёги билан отини шпорлаганини, ўрганиб колган от эса ўрнидан қимирламай тураверганини кўрди. Бир адъютант отдан тушиб, ярадорни кўлтиғидан олиб турғизди-да, келтирилган замбилга ётқиза бошлади. Аскар инқиллади.

Шаҳаншоҳ ўлаётган аскардан ҳам кўпроқ азобланадигандаи кўринди:

– Секин, секин, секинроқ бўлмас эканми? – деди ва жўнаб кетди.

Ростов шаҳаншоҳнинг кўзи жикқа ёшга тўлганини кўрди ва унинг кетаётиб, Чарторижскийга французчалаб:

– Уруш қурсин! Уруш қурсин! Қандай даҳшатли-я – деганини эшилди.

Авангард кўшинлари Вишау олдига, француздар бутун кун давомида биз билан бирозгина отишиб, сўнгра ташлаб кетган жойга, душман цепининг рўпарасига ўрнашди. Авангардга шаҳаншоҳнинг ташаккури эълон этилди, ваъда килган мукофотлари маълум қилинди ва аскарларга одатдагидан икки хисса ортиқ ароқ берилди. Аскарларнинг гулханлари кечагидан ҳам баландроқ гуруллаб ёнар ва аскар кўшиклари кечагидан ҳам қаттиқроқ янграб эди. Денисов майор бўлиши муносабати билан шу кеча зиёфат берди. Хийлагина ичиб олган Ростов зиёфатнинг охирида шаҳаншоҳнинг соғлигига қадаҳ кўтаришни таклиф қилди: «расмий зиёфатларда айтиладигандай император шаҳаншоҳ соглигига эмас, меҳрибон, жонажон шаҳаншоҳимизнинг соглигига; буюк одамнинг соғлигига, француздар устидан галаба қозонишимизга ичамиз!» – деди.

– Илгари урушиб, – деди Ростов, – Шенграбенда омон бермаган эдиг-у, энди шаҳаншоҳимиз олдимизда бўлганда кўянимизми? Шаҳаншоҳимиз учун ҳаммамиз жонимизни фидо қиласиз. Шундоқ эмасми, жаноблар? Балки, мен дурустрок қилиб айта олмаётгандирман, кўп ичиб қўйибман. Менинг кўнглимдаги гап шу. Сизлар ҳам шундай бўлсаларинг керак. Александр Биринчининг соглигига ичамиз! Ур-па!

Рұхланиб кетған офицерлар:

– Ур-ра! – деб қичқиришди.

Кекса ротмистр Кирстен йигирма яшар Ростовдан қолишмайдыган шавқ-завқ ва самимият билан қичқириб юборди.

Офицерлар ичиб, стаканларини синдиригандан кейин Кирстен бошқа стаканларга яна вино күйди ва стаканни олиб, күйлакчан, иштончанлигича аскарларнинг гулхани олдига борди-да, оқ мўйловини шопдай қилиб очик ёқасидан оппоқ кўкрагини кўрсатиб, гулхан шуъласида тўхтади ва улуғворлик билан қадаҳини кўтариб:

– Йигитлар, шаҳаншоҳ императоримизнинг соғлиги учун, душманни енгишимиз учун ур-ра! – деб, ўзи қари бўлса ҳам, ёш гусарлардай қичкирди. Гусарлар йиғилишиб бараварига «ур-ра» кўтаришди.

Ярим кечаси, ҳамма тарқалгандан кейин, Денисов калта кўлини суйган дўсти Ростовнинг елкасига ташлаб:

– Походда яхши кўргудай ҳеч ким йўқ-да, шунинг учун бу подшони яхши кўриб қолибди, – деди.

– Денисов, сенга масхара бўлдими бу, – деб бақири Ростов, – бу хис шундай юксак, шундай олижаноб, шундай...

– Ишонаман, ишонаман, дўстим, қойилман, маъкул...

– Йўқ, сен тушунмайсан!

Ростов ўрнидан турди ва гулханлар орасида кезиб юрар экан, ўлсам жонимни аямай (жонини аяшни хаёлига ҳам келтира олмас эди) шаҳаншоҳнинг кўз олдида ўлсам муродимга етар эдим, деб хаёл сурар эди. У, ҳакиқатан ҳам, подшога, рус куролининг шон-шавкатига, келажак тантана умидига шайдо бўлиб қолган эди. Аустерлиц жангидан бурунрок ўша эсдан чиқмайдиган кунларда бир Ростов эмас, рус армиясиниң ўндан тўққизи Ростов даражасида бўлмаса ҳам, подшо ва рус куролининг кучига маҳлиё эди.

XI

Эртасига шаҳаншоҳ Вишауга тушди. Лейб-медик Вилье бир неча марта унинг хузурига чақирилди. Бош квартирада ва шу атрофга яқин қўшинлар орасида, шаҳаншоҳ касал

бўлиби, деган овоза таркалди. Яқин кишиларнинг айтишига қараганда, шаҳаншоҳ ҳеч нарса емабди ва шу кечаси дуруст ухлай олмабди. Бу касалликка дили нозик шаҳаншоҳнинг ярадор ва ўликларни кўриб қаттиқ таъсирангани сабаб бўлиби.

Рус императори билан учрашиш учун ок байрок кўтариб элчи бўлиб келган француз офицерини ўн еттинчи санада тонготарда аванпостдан Вишауга олиб келишди. Бу офицер Савари эди. Шаҳаншоҳ эндигина ухлаган эди, шунинг учун Савари бироз кутиши лозим бўлиб колди. Киём вақтида шаҳаншоҳ ҳузурига киргани унга ижозат берилди ва бир соатдан кейин князь Долгоруков билан бирликда француз армиясининг аванпостига кетди.

Миш-мишларга караганда, Савари император Александрии Наполеон билан учрашувга таклиф килгани юборилган экан. Бутун армиянинг қувончи ва ифтихори бўлиб, Александр шахсан кўришгани унамади ва гарчи, армиянинг хоҳишига карши бўлса ҳам, агар шу музокарадан мурод, дарҳакиқат, сулҳ бўлса, Наполеон билан сулҳ музокараси олиб бориш учун ўз ўрнига Савари билан бирга Вишау ғолиби князь Долгоруковни юборди.

Долгоруков кечкурун қайтиб келиб, тўғри шаҳаншоҳ ҳузурига кирди ва у билан узок танҳо гаплашди.

18 ва 19-ноябрда кўшинлар яна икки манзил олға юрди ва душман аванпости бироз отишмадан кейин оркага чекинди. Армиянинг юқори доираларида ўн тўққизинчи сананинг киём вақтидан шошиб-пишиб бошланган зўр кизгин ҳаракат, машҳур Аустерлиц жанги бўлган йигирманчи ноябрь куни эрталабгача давом этди.

Ўн тўққизинчи сана киёмгача кирди-чиқди, кизгин маслаҳат-музокара, югур-югур, у ёқ бу ёкка адъютантлар юбориш факат императорларнинг бош квартиralаридагина давом этди: шу куни киёмдан кейин бу кирди-чиқди ҳаракат Кутузовнинг бош квартирасида ва колонна бошликларининг штабида ҳам бошланди. Кечкурун армиянинг ҳамма томон ва қисмларига адъютантлар юборилди ва у ерларда ҳам ҳаракат бошланди: ўн тўққизинчидан йигирманчи санага ўтар

кечаси ҳамма қароргохларда ётганлар қўзғалиб ғала-ғовур бошланди ва саксон мингдан иборат иттифоқчилар армияси, тўққиз чакирим масофага чўзилган узун колонна бўлиб йўлга тушди.

Императорнинг бош квартиralарида бошланиб, барча сўнгги ҳаракатларга туртки берган бу ҳаракат минораларга ўрнатиб кўйиладиган каттакон соатнинг ўрта паррагининг дастлабки ҳаракатига ўхшар эди. Аввал секин биринчи паррак, кейин иккинчи, учинчи ва ундан кейин бошқа ҳамма парраклар, тишли ғилдираклар, тишли ўклар тобора тез айланади, занг уради ва соат мили секин юриб бу ҳаракатнинг натижасини кўрсатади.

Ҳарбий иш механизми ҳам соат механизмидай, бир бошланган ҳаракат то ҳаддига етмагунча тўхтамайди, шу ҳаракат етиб бормаган кисмлар, соат механизми то бирон туртки бўлмагунча тек тургандек, кимирламай тураверади. Ўқдаги паррак тишлари бир-бирига киришиб гувуллаб айланади, тишли ўклар камоли тез айланганидан шувуллайди, унинг ёнидаги паррак эса худди йиллар бўйи кимирламай туришга қасд қилгандай теккина туради, лекин бир пайт келиб бу паррак илгакка илиндими, ҳаракатга тушади-ю, умумий ҳаракатга кўшилиб, нима учун айланаётганидан ва бу айланишнинг натижаси нима бўлишидан бехабар гувуллаганича айланаверади.

Сон-саноқсиз ва турли-туман паррак ва блокларнинг мураккаб ҳаракати натижаси вактни кўрсатадиган соат стрелкасининг секин ва бир киёмда юргизилишидан иборат бўлгандай, руслар билан французлардан иборат бўлган бир юз олтмиш минг кишининг мураккаб ҳаракати – ҳаммасининг дарди, тилаги, пушаймони, тахқирланиши, чеккан азоб-укубати, ифтихори, кўркуви, кувончи ҳаммасининг натижаси Аустерлиц жангни уч император жангни деб атальган жангни ютқизиш, яъни оламшумул тарихий стрелкани инсоният тарихи циферблатида¹ аста-секин юргизиш бўлди.

Князь Андрей шу куни навбатчи бўлиб, бош қўмон-

¹ Циферблат (немисча: Zifferblatt – ракамларни ўзаро ажратиб турувчи бўлакча) – соатлардаги дакикаларни ажратиб турувчи кисм ёки соат стрелкаси.

доннинг олдидан жилмади.

Кутузов кечқурун соат бешдан ўтганда императорлар-нинг бош квартирасига келди, шаханшоҳнинг олдига кирди ва бирпасдан кейин чиқиб обер-гофмаршал¹ граф Толстой-нинг олдига кетди.

Болконский шу фурсатдан фойдаланиб, бўладиган жанг тафсилотини билгани Долгоруковнинг олдига кирмоқчи бўлди. Князь Андрей Кутузовнинг нимадандир хафа ва норози эканини, бош квартирадагилар Кутузовдан норозилигини, император бош квартирасидаги одамларнинг ҳаммаси унга худди бошқа одамлар билмайдиган бир сирни билгандай муомала қилганликларини сезди ва шунинг учун Долгоруков билан гаплашишни истади.

– Салом, дада, – деди Билибин билан чой ичиб ўтирган Долгоруков, – эртага байрам. Чол қалай? Феъли айнигандир?

– Феъли айнигандир дея олмайман-ку, лекин менинг гапимга қулоқ солишса бўлар эди, деса керак.

– Ҳарбий кенгашда унинг гапига қулоқ солишибди, бўладиган гапни гапирса яна қулоқ солишибди. Бонапарт катта жангдан кўркиб, юраги ёрилиб турганда сусткашлик қилиш, ниманидир кутиб ўтириш яхши эмас.

– Ҳа, айтгандай, Бонапартни кўрдингизми? – деди князь Андрей. – Қалай экан? Қандай таассурот колдирди?

– Ҳа, кўрдим ва шу фикрга келдимки, ҳамма нарсадан ҳам кўра катта жангдан кўркар экан, – деди Долгоруков, афтидан, уни кўриб чиқадиган хulosаларига зўр аҳамият бериб, – жангдан кўркмаса, нима учун шаханшоҳ билан кўришмокчи, музокара олиб бормоқчи бўлди? Ҳаммадан ҳам кўра шуни айтинг: чекиниш-ку, унинг уруш усулига тамоман зид эди, нега бўлмаса чекинди? Хўп, деяверинг, катта жангдан кўркади, ўлгудай кўркади. Унинг ажали етган. Айтдим-кўйдим, мана кўрасиз.

¹ Обер-гофмаршал (немисча) – Чор Россия ва Фарбий Европанинг бир катор давлатларида XIX-XX асрларда саройдаги олий даражадаги мажлисларни бошқарувчи унвон ва шу унвондаги шахс. Бу унвондаги шахслар уруш пайтда ҳарбий саркаданинг ёрдамчиси хисобланган.

— Қани, гапириб беринг, қанақа экан, нима экан? — деб сүради яна князь Андрей.

– Кулранг сюрткүй кийган бир одам экан. Менинг «олий ҳазрат», деб гапиришимни истади-ю, лекин мен уни хафа килдим: олий ҳазрат ҳам, бошқа ҳам демадим. Мана шунда-ка одам экан, вассалом, – деди Долгоруков табассум билан Билибинга караб.

– Мен кекса Кутузовни жуда хурмат қиласман, – деди у давом этиб, – лекин Бонапарт кўлимизга кириб турганда, биз ниманидир кутиб, унинг кўлдан чиқиб кетишига ёки бизни алдашига йўл қўйсак, жуда бемаъни иш қилган бўлар эдик. Йўқ, Суворовнинг «Душманга ўзингни ҳужум қилгани кўйма, ўзинг ҳужум кил» деган қоидасини эсдан чиқариш керак эмас. Урушда ёшларнинг ғайрати кўпинча кариларнинг бутун тажрибасидан кўра яхширок кўл келади, десам хўп, деяверинг.

— Хүп, биз унга қайси мэррадан хужум қиласиз? Мен бугун аванпостларни бориб күрдим. Бонапарт асосий кучи билан қаерда турғанлигини билиб бўлмайди, — деди князь Андрей.

Князь Андрей Долгоруковга ўзи тузган хужум режаси-
ни айтиб бермокчи эди.

— Қайси маррада ҳужум қилишнинг фарки йўқ, — деди-да, Долгоруков ўрнидан туриб столдаги ҳаритани ёза бошлиди. — Ҳамма эҳтимоллар кўзда тутилган: агар у Брюннда турган бўлса...

Князь Долгоруков Вейротернинг қанотдан қиладиган харакат режасини пала-партиш гапириб берди.

Князь Андрей унга эътиroz билдириб, ўз режасини ёк-лай бошлади. Унинг режаси ҳам Вейротер режасидек маъқул бўладиган режа эди-ю, лекин гап шунда эдики, Вейротер режаси аллақачон кабул килинган эди. Князь Андрей ўз режасининг фойдаси-ю Вейротер режасининг заарини кўрсата бошлаганда, князь Долгоруков унинг сўзига кулоқ солмай қўйди ва ҳаритага қарамасдан, паришонлик билан унинг юзига қараб қолди.

– Кутузов бугун ҳарбий кенгаш ўтказади, ўша ерда шу

фикрларингизни айтишингиз мумкин, – деди Долгоруков.

– Албатта, айтаман, – деди князь Андрей харита олдидан кетар экан.

Икковининг галига шу вакттacha кувнок табассум билан қулок солиб ўтирган Билибин энди ҳазиллашмоқчи бўлди, шекилли:

– Мунча ниманинг ташвишини тортаётибсизлар, жаноблар? – деди, – эртага галаба киламизми, мағлуб бўламизми, барибир рус куролининг шон-шарафи таъмин килинган. Кутузовларингдан бошқа биронта ҳам рус колонна бошлиғи йўқ. Бошликлар: жаноб генерал Вимпфен, граф Ланжерон, князь Лихтенштейн, князь Гогенлое ва ҳоказо – ҳаммаси поляк номлари..

– Тилингизни тийинг, – деди Долгоруков, – нотўғри айтаётибсиз, энди руслардан Милорадович билан Дохтуров бор ва граф Аракчеев бўлганда учта бўлар эди, лекин унинг асаблари бўшашиб колган.

– Хайр, менга ижозат, Михаил Илларионович чиккандирлар, – деди князь Андрей, – хайр, муваффакият тилайман, жаноблар, – деди Долгоруков билан Билибиннинг қўлини кисиб.

Князь Андрей қайтиб келганидан кейин ҳомуш ўтирган Кутузовдан эртанги жанг тўғрисида фикрини сўрамасдан туролмади.

Кутузов ўз адъютантига жиддий бир назар ташлади-ю, бироз жим қолгандан кейин жавоб берди:

– Менимча, бу жангда ютизамиз, мен буни граф Толстойга ҳам айтиб, шаҳаншоҳга етказишни сўрасам нима деди дегин? Э, азизим генерал! Мен ош-овқат билан машғул бўлиб тура турай, урушни сизлар килиб туринглар...

XII

Кечкурун соат тўққиздан ўтганда Вейротер ўзининг режаларини олиб Кутузовнинг квартирасига келди. Ҳарбий кенгаш шу ерда бўлиши керак эди. Ҳамма колонналарнинг бошликлари бош қўмондон ҳузурига чакирилди. Келишдан бош торган князь Багратиондан бошқа ҳамма ўз вактида

етиб келди.

Бўладиган жангнинг мутасаддиси бўлган Вейротер ҳарбий кенгашда ноилож раислик ва раҳбарлик килаёттан ковоғи солик ва мудраб ўтирган Кутузовнинг тамоман акси ўлароқ, чеҳраси очик ва жуда чаккон эди.

Вейротер, афтидан, ўзини муқаррар бўлиб колган жангнинг сардори хис килар эди. У арава тортиб, нишабликдан чопиб тушиб бораёттан отга ўхшар эди. У аравани ўзи тортиб бораётибдими ё арава уни итариб бораётибдими – буни билмас эди. Лекин бу чопишнинг окибати нима бўлиши тўғрисида унинг фикр қилгани фурсати ҳам бўлмай, имкони борича чопар эди. Вейротер шу окшом шахсан икки марта душман турган жойини бориб кўрди, маълумот ва изоҳлар бергани икки марта Россия ва Австрия императорлари хузурига кирди: ўзининг идорасига кириб, немисча диспозиция ёздирди. У мана шу ишлардан кейин Кутузовнинг олдига ниҳоятда чарчаб келди.

Афтидан, унинг хаёли шу қадар банд эдики, ҳатто бош кўмондон олдида одоб саклашни ҳам эсидан чиқариб қўяр эди: у бош кўмондоннинг сўзини бўлар, бериладиган саволларга жавоб қайтармай, ҳамсуҳбатининг афтига карамай, тез-тез, ҷалама-чатти гапирав эди: унинг уст-боши чанг, ўзи не ахволда гаранг ва шу билан бирга ўзига ишонган ва мағрур кўринар эди.

Кутузов Остралицга яқин бир дворян қасрига ўрнашган эди. Бош кўмондоннинг кабинети бўлган каттакон меҳмонхонага Кутузов, Вейротер ва ҳарбий кенгаш аъзолари йигилган эди. Улар князь Багратионга маҳтал бўлиб, ҳарбий кенгашни очмасдан, чой ичиб ўтиришар эди. Соат еттидан ўтганда Багратионнинг ординареци келиб, князниң кела олмаслигини билдирган эди. Князь Андрей шу хабарни бош кўмондонга маълум килиш учун кабинетига кирди ва ҳарбий кенгашда иштирок этишга Кутузовдан илгари ижозат олганилиги учун ўтираверди.

Вейротер шошиб-пишиб ўрнидан турди-да, Брюнн атрофининг каттакон ҳаритаси ёзилиб қўйилган стол олдига келиб:

Модомики князь Багратион келмас экан, кенгашни очаверсак ҳам бўлади, – деди.

Кутузов, мундирининг ёқасини ечиб, бақбақасини осилтириб, вольтерча креслода семиз қўлларини креслонинг икки томонига баравар қўйиб, пинакка кеттандай ўтирадар эди. Вейротернинг гапи қулогига кирганда у ятона кўзини зўрга очди.

Ҳа, ҳа, бошлаш керак, вакт ҳам кетди, – деб бош иргади ва яна бошини куйи солиб, кўзини юмди.

Кенгаш аъзолари дастлаб Кутузов ўзини уйкуга солаёттиби деб ўйлашган бўлса, диспозиция ўкилаётган вактда унинг пишиллашини эшишиб, шуни билишдик, шу пайтда бош қўмондон бу диспозицияга ёки бошқа бирон нарсага ўзининг токати йўклигини билдиришдан ҳам кўра муҳимроқ иш билан машғул: у ҳозир табиий талабни кондирмоқда, яъни ухламоқда эди. Вейротер бирон дақиқани ҳам бекорга ўтказишни истамаган жуда банд одамдай Кутузовга бир караб қўйди-ю, унинг ухлаб ўтирганини кўриб, қоғозни олди ва баланд, бир зайлдаги товуш билан бўлажак жантнинг диспозициясини сарлавҳасидан бошлаб ўқиди:

«Кобельниц ва Сокольницнинг нариги томонидаги душман мэррасига хужум килиш диспозицияси, 1805-ийл 20-ноябр».

Диспозиция жуда мураккаб ва кийин эди. Бошқа диспозицияларга ўхшамаган бу диспозицияда шундай дейилган эди:

Душманнинг чап қаноти ўрмонзор тепаликларга, ўнг қаноти эса ўша ерларда мавжуд бўлган қўлларнинг нариги томонида бўлмиш Кобельниц ва Сокольниц бўйлаб ўрнашганлиги бизнинг чап қанотимиз унинг ўнг қанотидан кучли бўлганлиги учун хусусан агарда биз Кобельниц ва Сокольниц кишлоқларини ишгол қилиб, душманнинг қанотига хужум килиш ва Шлапаниц билан Тюраоск ўрмони орасида яйловдан қувиб бориш имкониятига эга бўлсак ва шу билан бирликда Шлапаниц Беловиц-орасидаги душман мудофаасига рўпара келмасак, у ҳолда душманнинг мазкур қанотига хужум килмоғимиз фойдалидир. Мана шунинг учун лозим-

Паканагина Дохтуров Вейротернинг рўпарасида столга ёйиб кўйилган харитага энгашиб, камтарлик ва кунт билан диспозицияни ва нотаниш жойларни диккат билан харитадан кўрар эди. У бир неча марта Вейротерни тўхтатиб, англамаган сўзларини, кишлокларнинг кийин номларини кайтаришини сўради. Вейротер унинг илтимосини бажо келтириди ва Дохтуров ёзиб олди.

Бир соатдан ортиқрок давом этган ўкиш тамом бўлгандан кейин Ланжерон яна тамакидонни кўйиб Вейротерга ҳам, бошқаларга ҳам чандон карамасдан, бундай диспозицияни бажариш кийинлиги, диспозицияда душман мавкеи маълум деб кўрсатилган бўлса ҳам, душман харакатда бўлгани учун унинг мавкеи, ҳакикатда, бизга номаълум бўлиши мумкинлиги ҳакида гапирди. Ланжероннинг эътирози ўринли эди, лекин бу эътироз билдиришдан максад кўпроқ диспозициясини худди мактаб болаларига ўкиб берадайтганда ўзига ишонган ҳолда ўкиган генерал Вейротерга бу ердагилар аҳмок эмас, балки ҳарбий ишда сенга ҳам таълим бера олади, дейиш эди. Бир зайлда ўкиётган Вейротернинг товуши тинганда Кутузов, худди тегирмоннинг аллаловчи товуши тинганда уйғониб кетган тегирмончидай, кўзини очиб Ланжероннинг гапига қулок солди ва худди: «Э-ха, ҳали ҳам шу бемаъни гап тўғрисида музокара килиб ўтириб-сизларми!» – дегандай дарров кўзини юмди-ю, бошини яна ҳам қуи туширди. Ланжерон ҳарбий ишда ўзига бино кўйган Вейротернинг китигига каттиқрок тегиш учун биз Бонапартга ҳужум килишимиз ўрнига у бизга осонгина ҳужум килиши ва шунинг натижасида бу диспозициянгиз бекор бўлиб колиши мумкин, деди. Вейротер, ким нима демасин, ҳаммасига жавоб тайёрлаб кўйган бўлса керак, барча эътиrozларга бир хилда нафратомуз табассум билан жавоб берар эди.

– Агар бизга ҳужум кила олганда, шу бугун килар эди,
– деди.

– Демак, сиз уни кучсиз демокчимисиз? – деди
Ланжерон.

– Кирк минг аскари бўлса, кўп экан, оббо, – деди Вей-

ротер даволаш йўлини ўргатаётган табибдан қулган доктордай табассум килиб.

– Ундоқ бўлса, демак, бизнинг хужум бошлаб уни торморм қилишимизни кутиб ўтирган экан-да, – деди Ланжерон кинояли табассум билан ва сўзини тасдиқлашни кутиб, ўзига якинроқ ўтирган Милорадовичга қаради.

Бироқ Милорадович шу пайтда генерал сўраган нарсадан ҳам кўра бошқа нарса тўғрисида ўйлаб турган бўлса керак.

– Азбаройи худо, эртага жанг майдонида ҳаммаси маълум бўлади, – деди.

Вейротер яна табассум килди ва шу табассуми билан гўё: менгина эмас, ҳар иккала шаҳаншоҳ – император ишонгган нарсага рус генералларининг эътиroz билдириши ва менинг уқтириб ўтиришим таажӯжубланарли ва кулгили бир хол, демоқчи бўлар эди.

– Душман гулханларини ўчирган, унинг лагеридан муттасил.govur эшитилиб турибди, бу нима деган гап? – деди Вейротер. – Ё чекинаётидими, биз бундан хушёр бўлишимиз керак ёки у мэррасини ўзгартираётиди (у илжайди). Агар у Тюрасда марра ишғол килган тақдирда ҳам бизни кўп ортиқча машакқатдан кутқазган бўлади ва берилган амр-фармонлар мутлако ўзгармайди.

Аллақачонлар ўзининг шубҳасини гапирмоқчи бўлиб, пайт кутиб ўтирган князь Андрей:

– Нечук? – деди.

Кутузов уйғониб қаттиқ йўталди ва генералларга кўз ташлади.

– Жаноблар, эртаги, ҳатто бугунги (чунки соат ўн иккidan ўтди) диспозицияни энди ўзгартириб бўлмайди, – деди у. – Диспозицияни ҳаммаларинг эшитдиларинг, ҳаммамиз ўз бурчимизни адо қиласиз. Жанг олдида ҳаммадан заруррок нарса... (у бироз жим қолди) яхшилаб ухлаб олишдир.

У ўрнидан турмокчидай бўлди. Генераллар хайрлашиб чикиб кетишиди. Вақт кетиб, ярим кечадан ҳам ўтган эди. Князь Андрей ҳам чикиб кетди.

Князь Андрей ҳарбий кенгашда ўз фикрини айтишга

муваффак бўла олмади, бу кенгаш унда мужмал ва қўнгилга тулгула соладиган бир таассурот колдирди. Ким ҳакли: Долгоруков билан Вейротерми ёки, хужум режасини маъкул кўрмаган Кутузов, Ланжерон ва бошкalarми? – Князь Андрей била олмади. «Наҳот Кутузов шаханшохга ўз фикрини очик айта олмаса? Наинки шуни бошкарок қилиш мумкин эмас? Наҳот сарой мунокашалари¹, айрим шахсларнинг мулоҳазасини деб мингларча кишиларнинг ва шу жумладан, менинг ҳам ҳаётим таҳлика остида колса?» – деб ўйлар эди у.

«Ҳа, балки, эртага ҳалок бўларман», – деди ўзича. Шуни ўйлаганида тўсатдан аллакачонлар бўлиб ўтган, юрагини ззадиган бирмунча нарса эсига тушди; отаси ва хотини билан хайрлашганини, хотинига қўнгил кўйган дастлабки кунларини эслади; ҳомиладор хотини кўзига кўриниб, унга, ўзига ҳам ачинди, кўнгли бузилиб, нима килишини билмай, Несвицкий билан бирга турган уйдан ташқарига чиқди ва эшик олдида нари-бери юра бошлади.

Тун туманли ва туман орасида ой хира шуъла сочиб туарар эди. «Ҳа, эртага, эртага, – деди князь Андрей ўзича. – Эртага, эҳтимол, оламдан кўз юмарман, бу хотиралар тўғрисида ўйламасман, бу хотираларнинг менинг учун хеч кандай маъноси қолмас. Эҳтимол, эртага, эртаганинг ўзида (мен буни сезиб турибман) нима ишлар қўлимидан келишини биринчи марта кўрсатишга муваффак бўларман». Унинг кўзига жант, бу жангда берилган талафот, жант бир пунктга марказлашгани ва ҳамма командирларнинг шошиб колгани кўринди. Мана, ниҳоят, кўпдан бери кутган пайти, ўша орзу килган Тулони кўзига кўриниб кетди. У ўз фикрини Кутузовга ҳам, Вейротерга ҳам, императорларга ҳам очик ва қатъий килиб айтади. Унинг фикр-у мулоҳазасига ҳамма койил, лекин у айтган ишни килишга ҳеч ким журъат қилолмайди; мана, унинг ўзи полк ва дивизияни² олиб, ишига ҳеч ким

¹ Мунокаша (арабча) – мухокама, мунозара; олишув, жанжал. Мунокашачилик баҳсласишиш, тортишув.

² Дивизия (латинча: *divisio* – бўлиш, бўлим) – бальзи хорижий мамлакатларда бир неча полк ёки батальондан, турли кўшин турларининг кисм ва бўлинмаларидан

аралашмаслигини шарт қилиб қўяди-ю, дивизиясини ҳал килувчи пунктга олиб бориб, ўзи якка галаба қозонади. «Ўлим ва азоб-укубат-чи?» – деди кўнглининг бир учи. Лекин князь Андрей бу саволга жавоб бермай, хаёлида ўз муваффакиятини давом эттириди. Янаги жангнинг диспозициясини ўзи ёлғиз тузади. Унинг унвони Кутузов ҳузурида армия бўйича навбатчи бўлса ҳам, ҳамма ишни ўзи якка қиласди. Янаги жангда унинг ўзи ёлғиз ғалаба қозонади. Кутузов бош қўмондонлиқдан олинади, унинг ўрнига ўзи тайин қилинади... Кўнглининг ҳалиги бурчи унга яна: хўш, ундан кейин-чи? Ундан кейин агарда унгача сен ўнларча марта ярадор бўлсанг, ўлсанг ёки алдансанг, ундан кейин-чи? – дер эди. «Ундан кейин, – деди князь Андрей ўз-ўзига, – нима бўлишини билмайман, билишни хоҳламайман ҳам, билолмайман ҳам, лекин мен шуни хоҳласам, шон-шарафни, шуҳратни, одамлар мени яхши кўришини истасам, бунга мен айбли эмасман: шуни, фақат шуни хоҳласам, фақат шунинг учун яшаётган бўлсам қандок килай? Факат шу учун яшайман! Мен буни ҳеч качон, ҳеч кимга айтмайман, лекин, ё раббим! Шон-шарафдан ва кишиларнинг муҳаббатидан бошка нарса хаёлимга келмаса, нима қилай, на ўлим, на ярадор бўлиш, на оиласдан жудо бўлиш – ҳеч нарсадан кўркмайман. Кўп одамлар – отам, опам, хотиним – энг якин кишиларим мен учун нақадар азиз бўлмасин, мен уларнинг ҳаммасини шон-шараф, одамлардан устун келиш, ўзим билмаган ва билмайдиганим одамларнинг муҳаббатини ўзимга каратиш, мана шу одамлар муҳаббатининг бир дақиқасига алишаман. Бу ҳар қанча ёмон ва гайритабиий бўлса ҳам, алишаман», дер эди у, Кутузов турган ҳовлидан эшитилаётган гапга кулок солиб. Кутузов турган ҳовлидан ётиш тараддутида бўлган деншикларнинг товуши эшитилар эди. Кимдир, кучер бўлса керак, Кутузовнинг князь Андрей танийдиган қари ошпази Титни масхара қилиб, «Тит, хой Тит?» дер эди.

таркиб топган ҳарбий қўшилма. Биринчи бўлиб дивизия XVII асрда Францияда, XVIII асрнинг бошларида Россияда пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида қўшиларни дивизияга ажратиш йўк.

- Ҳа, нима дейсан? – деди чол.
- Тит, кел, соколимни тит, – дер эди ҳазилкаш.
- Бор-ей, афтиң курсин! – деди чол деншикларнинг қаҳқаҳаси остида.

«Мен, ҳар калай, мана шу одамлардан устун бўлишни яхши кўраман, шу туманда тепамда парвоз уриб юрган шу сирли куч ва шон-шарафни ҳамма нарсадан ортиқ кўраман».

XIII

Ростов шу кечаси ўз взводи билан Багратион отрядидан олдиндаги душманни кузатувчи отлик аскарлар қаторида турар эди. Унинг гусарлари иккита-иккита килиб қаторга таркатилган; унинг ўзи эса галаба килаётган уйкуга сўз бермай, к? олдида отда юрар эди. Унинг орка томонида армиянинг гулханлари туманда хира кўринар, олди томони эса коп-коронги эди. У туман босган бу коронгиликка қанча синчиклаб карамасин, ҳеч нарсани кўролмас; бу коронгиликда нимадир gox кулранг бўлиб, gox корайиб кўринар, душман турган жойда gox нимадир йилт этгандай бўлар ва у кўзимга шундок кўринаётгандир», деб ўйлар эди. У кўзларини юмар, назарига, gox шаҳаншоҳ, gox Денисов, gox Москва хотиралари кўринар; шунда шошиб-пишиб кўзини очар экан, остидаги отининг бошини, кулогини, баъзан яқин бориб колган гусарнинг кора гавдасини, узоқда эса яна ўша туман босган коронгиликни кўрар эди. «Нима килибди? Ажаб эмаски, – дер эди Ростов ўзича, – шаҳаншоҳ мени учратиб қолиб, ҳар бир офицерга бериши мумкин бўлганидек, менга ҳам бирон топширик берса: «Бор, ана у ёқда нима бўлаётганини билиб кел», деса. Шаҳаншоҳ тасодифий рвишда бир офицерни учратиб, уни таниганини ва ўзига яқин тутганини кўп гапиришади-ку. Мени ўзига яқин тутса нима бўлар эди? Оҳ, мен уни қанчалик эҳтиёт килар эдим, накадар ҳақиқатни айтар эдим, уни алдаб юрган одамларни накадар фош килар эдим!» Ростов ўзининг шаҳаншоҳга бўлган муҳаббат ва садоқатини кўз олдига келтириш учун душман ёки алдамчи немисни тасаввур килди ва уни хузур қилиб

ўлдирмасдан аввал шаҳаншоҳнинг кўз олдида унинг юзларига тарсаки билан урди. Кўккис узоқдан эшитилган бир хайкирик Ростовни ўзига келтирди. У чўчиб кўзини очди.

«Мен қаерда турибман? Ҳа, қатордаман; шиор ва пароль – дишло, Ольмюц. Афсуски, бизнинг эскадронимиз эртага захирада колади, – деди Ростов ўзича, – жангта юборилишини сўрайман. Шаҳаншоҳни кўришимга бирдан бир восита, эҳтимол, шудир. Смена келишига ҳам оз колди. Яна бир айланиб чикаман-да, қайтиб генералнинг олдига бориб илтимос киламан». У эгарга яхшиrok ўрнашиб олди ва ўз гусарларини айланиб кўриб чиккани кетди. Унинг назарида, хаво сал ёришгандай кўринди. Чап томонда ёришган ётиғрок нишаб, рўпарада эса коп-кора девордай тикка тепалик кўринар эди. Бу тепаликнинг устида ок доғ кўринди. Бирок Ростов бунинг нима эканини билолмади: ой нури тушиб турган ўрмоннинг яланг жойими ёки эримаган қорми, ё бўлмаса оқ уйларми? Унинг назарида, шу ок додга ҳатто нимадир кимирлагандай бўлди. «Бу дод кор бўлса керак», – деб ўйларди Ростов.

«Наташа, синглим, кора кўзлар. На...ташкан. (Мен шаҳаншоҳни кўрдим, десам жуда ҳам ҳайрон бўлар!) Наташканни... ташкани ол...» Ростов отда ухлаб борар экан, бир гусар: «Ўнгроққа юринг, тўрам, бута бор», деди. Ростов отининг ёлига тегиб турган бошини кўтариб, ҳалиги гусарнинг олдида тўхтади. У ёш боладай ҳамон уйқудан кўзини очолмас эди. «Ҳа, нимани ўйлаётган эдим? Эсимдан чикмасин. Шаҳаншоҳ билан қандай гаплашаман? Йўқ, буни ўйлаётганим йўқ, эди, бу эртага. Ҳа! Ҳа! Наташканни... босди... Кимни? Гусарларни. Ҳа, гусарлар... мўйлов... мўйловли ўша гусар Тверь кўчасида Гурьев ҳовлисининг... чол Гурьевнинг ҳовлиси олдидан ўтиб кетаётганида мен унинг тўғрисида ўйлаган эдим. Денисов хўп йигит-да! Булар ҳаммаси арзимайдиган нарсалар, ҳаммадан муҳими шуки, шаҳаншоҳ шу ерда. У менга қандай қараган эди-я, нимадир демокчи бўлган эди-ю, ботина олмади. Йўқ, мен ботина олмадим... Булар ҳаммаси беҳуда гаплар. Ҳаммадан муҳими шуки, мен керакли нарсани ўйладим. Ҳа, ҳа, ҳа. Наташканни босди, яхши». У

яна бошини отнинг ёлига кўйди. Бирдан назарида, бирор унга ўқ отаётгандай бўлди. «Нима? Нима? Нима?... Қилич сол! Нима?..» – деди Ростов уйғониб. У кўзини очган заҳоти душман турган томондан мингларча кишиларнинг чўзик хайкиригини эшитди. Ростов ва ёнидаги гусарнинг оти бу хайкирикни эшитиб, кулокларини чимириди. Ҳайкирик чиккан жойда бир нарса ялт этди-ю, ундан кейин яна бир ялт этди. Сўнгра француз кўшинлари турган адир бўйлаб като-расига ўтлар ёқилди-ю, хайкирик кучая борди. Ростов французларнинг гапларини эшитиб турар, лекин англай олмас эди, чунки.govur бўлиб кетган эди. Фақат аaaa! pppp! – деган товушгина эшитилар эди.

– Бу нима гап экан? Сен нима деб ўйлайсан? – деди Ростов ёнида турган гусарга, – душман томондан келаётиби-ку.

Гусар индамади.

– Ҳа, эшитмаётибсанми, нима бало? – деди Ростов анчадан кейин яна.

– Ким билади, тўрам, – деди гусар хуш ёқмаслик билан.

– Душман шу томонда эмасмиди? – деди Ростов яна.

– Бўлса бордир, каёқдан билай, – деди гусар, – коронги тун бўлса. Ҳа, ҳаром ўлгур, – деб бақирди типирчилаётган отига.

Ростовнинг оти ҳам қулоғини чимириб, ўтга караб типирчилар ва музлаб қолган ерга олдинги оёгини урар эди. Ҳайкириклар борган сайин кучайиб, гувуллаган бир товушга айландики, бундай товуш мингларча аскардан иборат армиядангина чикиши мумкин эди. Ўтлар тобора кўпая бошлади. Булар француз лагерининг мэррасида бўлса керак. Ростовнинг уйкуси қочди. Душман армиясининг хушҳол ва дабдабали ҳайкириги уни ҳаяжонга келтириди. Энди Ростов «Яшасин император, император!» деган сўзларни аник эшитиб турар эди.

– Шу яқинда, сойларнинг у юзида бўлса керак, – деди Ростов ёнидаги гусарга.

Гусар унинг сўзига жавоб бермай, бир уф тортди-ю, жаҳл билан йўталиб қўйди. Гусарлар мэррасидан чопиб

Лекин Ростов, ўзини эшитмаганга солиб, кетаверди. У буталарни, дараҳт, ўйдим-чукурларни одам гумон килиб ва нима учун кўзига шундок кўрингани тўғрисида ўзига-ўзи изоҳ бериб борар эди. Отини йўрттириб адирнинг этагига тушганида ўзимиз томондаги ўтлар ҳам, душман томонидаги ўтлар ҳам кўринмай колди, лекин французларнинг кичкириклари тобора баралла эшитилар эди.

Пастликда у сойга ўхшаган бир нарсани кўрди. Бирок бориб қараса, сой эмас, йўл экан. У йўлга чикқач, шу йўлдан кетаверайми ёки қоп-корайиб турган даладан адирга йўл солайми, деб отининг бошини тортди. Туманда окаришиб турган йўлдан юриш хавфсизрок эди, чунки одамни дарров кўриш мумкин эди. У ҳамроҳларига: «Менинг кетимдан юринглар», – деди-ю, йўлни кесиб ўтиб, кеча француз сокчи-лари турган тепаликка караб от кўйди.

– Тўрам, ҳу ана! – деди гусарлардан бири.

Ростов то қайрилиб карагунча қоп-коронги туманда нимадир ялт этди-ю, гумбурлаб милтиқ отилди ва ўқ худди бир нарсадан нолигандай минғиллаб юқорига учеб кетди. Иккинчи бир милтикнинг плитаси ялт этди-ю, лекин ўқ чикмади. Ростов отининг бошини қайтариб, оркага караб чоптириди. Бироздан кейин бирин-кетин яна тўртта ўқ отилди ва ўқлар гувуллаб, чийиллаб туманда аллақаёққа ўтиб кетди. Ростов ўқ товушини эшитиб, ўзи сингари завқ килган отининг бошини тортиб, аста-секин юрди. «Қани, яна битта! Қани, яна битта!» – дер эди кўнглининг бир чети завқ килиб, бирок бошқа ўқ чикмади.

Ростов Багратионга яқинлашгандагина отини яна чоптириди ва честь бериб унинг олдига борди.

Долгоруков ҳамон, француздар чекиниб, бизни алдаш учун ўт ёккан, деб ўз гапини маъқуллаб ўтирап эди.

– Ҳа, нима килиби? – дер эди у Ростов етиб келганда.
– Француздар сокчиларни колдириб чекиниши ҳам мумкин.

– Демак, ҳали ҳаммаси кетмабди, князь, – деди Багратион. – Эртага эрталабгача сабр килайлик, эртага ҳаммаси маълум бўлади.

Ростов от устида энгашиб, честь бериб ўша томонга

бориб келганидан, айниқса, ўқ чийиллаганда кўркмаганидан хурсанд бўлиб, ўзини кулгидан зўрга тийгани ҳолда:

– Адирда соқчилар бор, ўша Кечкуунги жойда туришибди, жаноби олийлари, – деди.

– Хўп, хўп, – деди Багратион, – ташаккур, жаноб офицер.

– Жаноби олийлари, – деди Ростов, – ижозат берсангиз, сизга бир илтимосим бор.

– Нима экан?

– Эртага бизнинг эскадронимиз заҳирада колиши керак мени биринчи эскадронга юборишингизни сўрар эдим.

– Фамилиянинг нима?

– Граф Ростов.

– Ҳа, хўп! Менга ординарец бўлиб колгин.

– Илья Андреичнинг ўғлимисан? – деди Долгоруков.

Ростов унинг саволига жавоб бермай, яна Багратионга мурожаат килди:

– Умид килсам бўладими, жаноби олийлари?

– Мен буюраман.

«Эртага мени, балки, бирон топширик билан шаҳаншоҳ хузурига юборар, – деди Ростов ичida, – худога шукур!»

Душман армиясининг ўт ёкувига ва ҳайкирувига сабаб, қўшинларга император буйрути ўқилаётган вақтда Наполеоннинг ўзи армияни айланиб юриши эди. Аскарлар императорни кўриб боғ-боғ похол ёкишиб унинг кетидан «Яшасин император!» – деб кичқириб югуришар эди. Наполеоннинг буйруғи шундай эди:

«Аскарлар! Рус армияси Ульмда тор-мор қилганимиз Австрия армияси учун биздан қасос олгани отланмоқда. Улар ўзларингиз Голлабрунда тор-мор қилган ва ўшандан буён муттасил қувиб келаётганларинг ўша батальонлардир. Бизнинг маррамиз жуда қулай, қудратли марра, улар мени ўнг томондан ўраб олгани ўтганда, мен уларга ён томондан зарба бераман! Аскарлар! Батальонларингга мен ўзим раҳбарлик қиласман Агар сизлар илгаригидай мардлик кўрсатиб, душман сафини пароканда қилсаларинг ва уни

гандитиб қўйсаларинг, мен ўқ остидан узоқда турман, лекин галабамиз бирлаҳза ҳам шубҳа остида қолгуудай бўлса, ўз императорларинг душманнинг биринчи зарбасига қарши кўкрак кериб чиқшини кўрасизлар, чунки, айниқса, милятимизнинг шон-шарафи тўғрисида сўз бораётган кунда галаба тўғрисида иккиланиш ҳеч мумкин эмас.

Ярадорларни жсанг майдонидан олиб чиқамиз, деб сафларингизни бузмангиз. Миллатимизга қарши нафрат ҳиссидан руҳланган бу инглиз малайларини енгмоқ керак эканлигини ҳар бирингиз яхши билингиз. Бизнинг походимиз шу галаба билан тамом бўлади, биз қишиги квартираларга қайтишимиз мумкин бўлади ва ҳозир Францияда тузилаётган янги қўшиналар ўша ерга етиб келади; у вактда мен тузадиган сулҳ ҳалқимга, сизларга ва менга муносиб сулҳ бўлади.

Наполеон»

XIV

Эрталаб соат бешда ҳали жуда коронги эди. Марказда ва заҳираада турган қўшиналар ҳамда Багратионнинг ўнг қаноти жойидан қимирламасдан турар эди. Лекин французларнинг ўнг қанотига хужум қилиб, диспозицияга мувофик уни Богемия тоғларига улоктириб ташлаш учун биринчи бўлиб тепаликдан тушуви керак бўлган чап қанотимиздаги пиёда аскарлар колоннаси, отлик аскарлар ва артиллерия аллақачон ўрнидан кўзгалган эди. Кераксиз ҳамма нарса қалангтан гулханларнинг тутуни кўзни ачиштириар эди. Ҳаво совук, коронги бўлиб, офицерлар шошиб-пишиб чой ичиб, нонушта қиласи, аскарлар сухари кавшаб, исиниш учун оёкларини ерга урар ва олиб кетиш мумкин бўлмаган ҳамма нарсаларни – столларни, гилдиракларни, бочкаларни ўтга қалаб, унинг атрофига тизилишиб ўтиришар эди. Австрия колонна бошлиқлари, хужум бошланишининг аломати ўлароқ, рус қўшиналари орасида нари-бери юришар эди. Полк командири турган жой атрофида Австрия офицери кўриниши биланок полк ҳаракатга келар эди: аскарлар гулхан атрофидан чопиб кетишар, трубкаларини этикларининг кўнжига тикиб, ҳалталарини араваларга жойлаб, милтиқ-

ларини олиб, саф тортишар эди. Офицерлар тугмаларини солиб, қилич ва қайишларини тақиб, бақириб-хайкириб сафларни кўриб чикишар; аравакаш ва деншиклар араваларни кўшиб, нарсаларни ортиб боғлашар эди. Адъютантлар, батальон ва полк командирлари отланишар, чўкинишар, сўнгти буйруқларини, қоладиган аравакашларга амр-фармонларини беришар эди. Мингларча кишиларнинг бир зайлда оёқ ташлашидан ҳамма ёқ гувуллар эди. Одамлар ўраб олгани, ҳамма ёкни тутун ва тобора қуюклашаётган туман босиб кеттани учун колонналар чиккан жойларини ҳам, борадиган жойларини ҳам кўра олмасдан ва қаёқка бораётгандикларини билмасдан юришар эди.

Колоннада бораётган аскар кемадаги денгизчидай, маълум бир доирада уралган, денгизчи эркини ўз кемасига бергандай, аскар ҳам эркини ўз полкига берган бўлади. Денгизчи нақадар узоқ ерга бормасин, қанчалик номаълум ва хавфли нуктада турмасин, ҳамма вакт унинг атрофида ўша палуба¹, мачта ва ўз кемасининг арконлари бўлганидек, аскар ҳам қаерга бормасин, унинг атрофида ҳамма вакт ўша ўртоқлари, ўша сафлар, ўша фельдфебель Иван Митрич, ротанинг или ўша Жучка, ўша бошликлар бўлади. Аскар ўз кемасининг қайси нуктада турганлигини жуда камдан кам билгиси келади, лекин жанг куни, нима бўлади ва қандай бўладики, аскарларнинг руҳий ҳолатида бир ўзгариш пайдо бўлиб, бу ўзгариш қандайдир бир кескин, тантанали бир нарсанинг яқинлашаётганидан хабар беради ва уларда хеч қачон кўрилмайдиган бир марок туғдиради. Аскарлар жанг куни ҳаяжон ичидаги ўз полклари манфаати доирасидан ташқари чикишга интиладилар, атрофга қулоқ соладилар, зехн кўядилар ва атрофида нима бўлаётганига жуда кизикадилар.

Туман шунча қуюклашдики, тонг отганига карамай, ўн қадам наридаги нарсани кўриб бўлмас эди. Буталар каттакон дараҳтдай, текис жойлар паст-баланд ва жарликдай кўринар эди. Ўн қадам наридаги одамни кўриб бўлмаганлиги учун ҳар ерда, бутун атрофда душманга тўқнаш келиб қолиши мумкин эди. Лекин колонналар туманда гоҳ пастликка ту-

¹ Палуба (русча) – кемаларнинг горизонтал ҳолда таҳта копланган юзаси, сахни.

шиб, гох баландликка чикиб, боғлардан, кўралардан айланиб ўтиб, бегона жойлардан узок йўл юриб душманга учрамади. Аксинча, аскарлар олдинда, оркада ўша томонга караб бораётган худди шундай рус колонналарини кўрар эди. Ҳар бир аскар ўзи бораётган томонга, яъни ўша номаълум томонга яна жуда кўп аскарлар бораётганини кўриб кувонар эди.

– Ў-хў, уни кўр-а, Курск аскарлари ҳам ўтишди, – дейишар эди сафда бораётган аскарлар.

– Вой-вуй, оғайнижон, ер ёрилибди-ю, аскар чикибди дайсан! Кеча кечкурун ёқилган гулханларга карасанг, хеч боши кети йўк. Худди Москва-я! Колонна бошликларидан хеч ким сафларга якин келмаган ва аскарларга хеч нарса демаган бўлса ҳам, (колонна бошликлари, ҳарбий кенташла кўрганимиздай, кайфлари кочган ва бўладиган жангта норози эдилар, шунинг учун факат буйрукларни бажаришар, аскарларнинг руҳини кўтариш учун хеч кандай чора кўрмас эдилар), аскарлар жангта, хусусан, ҳужум жангига одатдагидай шаҳдам боришар эди. Бирок куюқ туманда бир соатча йўл босилганидан кейин кўшинларнинг кўп кисми тўхтاشи керак бўлиб қолди ва аскарлар тартибсизлик ва бемаънигарчилик бўлаётиди, деган кўнгилсиз бир кайфиятга тушиб колишибди. Бу кайфият кай тарзда таркалишини айтиш кийин: лекин унинг фавқулодда тўғрилтиги ва худди сойликдан тушиб келаётган сувдай, тўхтовсиз ва киши билмас тез ёйилиши шубҳасиз эди. Агарда рус кўшинлари иттифокчиларсиз ўзи ёлғиз бўлганида эди, балки тартибсизлик бўлаётиди, деган кайфиятга ҳамма берилгунча кўп вакт ўтар эди, лекин ҳозир ҳамма бу тартибсизликларни зўр мамнуният билан ва табиий равишда бефаҳм немисларнинг бўйнига тўнкаб, зарарли бир алғов-далғов бўлаётиди ва буни колбасачи немислар килди, деган фикрга келди.

– Нега тўхтадик? Ё йўл беркми? Ё француzlарга тўкнаш келиб қолдикми?

– Йўқ, бундай эмасдир. Ундоқ бўлганда ўқ отар эди.

– Шошиб-пишиб йўлга чиқдиг-у, бекордан бекорга даланинг ўртасида тўхтаб турибмиз. Ҳамма ёкни чалкаштирган шу лаънати немислар. Жуда бемаъни одамлар экан-

да!

– Мен бўлганимда уларнинг ҳаммасини олдинга ўтка-
зib юборар эдим. Ҳозир улар орқада писиб боришади. Мана
энди қоринлар пиёзнинг пўсти бўлиб ўтирамиз.

– Ҳой, қани, жўнаймизми-йўқми? Суворийлар йўлни
тўсиб турибди дейишади, – деди офицер.

– Бу лаънати немислар ўз юртининг йўлини ҳам бил-
майди-я! – деди яна бир аскар.

– Сизлар қайси дивизиядан? – деди бир адъютант келиб.

– Ўн саккизинчидан.

– Ундей бўлса, бу ерда нима қилиб турибсизлар? Алла-
качон олдинга ўтиб кетишиларинг керак эди, энди кечгача
ҳам етиб ололмайсизлар.

– Ана аҳмоқона буйруғ-у; нима қилишаётганликларини
ўзлари ҳам билишмайди, – деди офицер жўнай туриб.

Офицер кеттандан кейин бир генерал келиб, бошқа тил-
да бир нима деб жаҳл қилди.

– Тафа-лафа, дейди-ю, нима деганини билиб бўлмайди,
– деди бир аскар ўша ўтиб кетаётган генерални масхара
қилиб, – мен бўлганимда бу хумпарларнинг ҳаммасини отиб
ташлар эдим!

– Тайнланган жойга соат саккизларда етиб боришимиз
керак эди, биз ҳали ярим йўлни ҳам босганимиз йўқ. Ана
буйруғ-у! – дейишар эди аскарлар.

Аскарларнинг жангта отлангандаги гайратлари бемаъни
буйруклар ва немисларга қаратилган алам ва газабга
айланиб кетди.

Бу тартибсизлик шундан бошландики, Австрия суво-
рийлари сўл қанотда бораётган пайтда, олий қўмондон биз-
нинг марказимиз ўнг қанотдан жуда узоқда деб, бутун суво-
рийларни ўнг томонга ўтказмокчи бўлган эди. Бир неча
мингдан иборат суворийлар пиёда аскарларнинг йўлини ке-
сиб ўта бошлади-ю, пиёда аскарлар тўхтаб туриши керак
бўлиб қолди.

Олдинда бораётган Австрия колонна бошлиги билан
рус генерали айтишиб қолди. Рус генерали отлик аскарларни
тўхтатишини талаб қилиб қичкирар, Австрия колонна бошли-

ги эса, айб менда эмас, катта бошликларда, дер эди. Бу орада кўшинлар тўхтаб туриб, зерикар, рухлари тушар эди. Бир соат чамаси тўхталгандан кейин кўшинлар йўлда давом этиб, адирнинг этагига туша бошлади. Туман адирнинг тепасидан таркалиб, пастга, кўшинлар тушган жойга тушиб яна ҳам қуюқлашган эди. Олдинда туман ичида дастлаб битта, сўнгра яна битта, аввал пала-партиш қасур-қусур ўқ товуши эшигилди; кейин ўқ товуши борган сайин авж олиб, қасира-қусур бўлиб, Гольдбах сойи устида жанг бошланиб кетди.

Пастда, сой бўйида душманга дуч келишни кутмаган, туманда тўсатдан унга тўқнашиб колган ва ўз бошликларидан рухни кўтарадиган бирон оғиз сўз эшигмаган рус аскарлари бутун кўшинга таркалиб кетган «кеч колдию», деган кайфиятда бўлиб, ҳаммадан ёмонроғи, қуюқ туманда на олдинда ва на ўз атрофида ҳеч нарсани кўра олмай душманга қарши секин-аста ўқ узинб олға борар, туманда ўз қисмларини тополмай адашиб юрган бошликлар билан адъютантлардан ўз вактида буйруқ ололмай яна тўхтар эди. Пастга тушган биринчи, иккинчи ва учинчи колонналар жангта мана шундай кирди. Кутузов билан бирга бўлган тўртинчи колонна Працен тепалигидан турар эди.

Пастда, жанг бошланган жойда туман ҳануз қуюқ, адирнинг усти очилган бўлса ҳам, лекин олдинда нима бўлаётганини ҳали ҳам мутлако кўриб бўлмас эди. Душманинг бутун кучи тахминимизга кўра биздан ўн чакирим наридами ёки шу ерда, шу туман ичидами – буни соат тўқизгача ҳеч ким билолмаган эди.

Эрталаб соат тўққиз эди. Туман адир ораларини буткул коплаб олди, лекин Шлапаниц кишлоғи ёнидаги тепалик очилиб колган эди, бу тепаликда Наполеон ўз маршаллари билан турар эди. Бу тепалик устида ҳаво очик, кўм-кўк осмон кўринар, сутдай оппок туман денгизи устида куёш каттакон кизил тўпдай калкиб турар эди. Бутун француз кўшинларигина эмас, хатто Наполеоннинг ўзи ҳам штаби билан сойдан берида, Сокольниц ва Шлапаниц кишлокларининг бу томонида эди. Биз эса уни сой ва ўша кишлок-

ларнинг у томонида деб ўйлаб, ўша жойларни ишгол қилиб, жанг бошламокчи эдик. Наполеон қўшинларимизга шунча яқин турган эдики, бу тепалиқдан бизнинг пиёда аскарларимизни отлиқ аскарларимиздан дурбинсиз баҳузур ажратса олар эди. Наполеон Италия урушига кийиб борган ўша кўк шинелини кийиб, кичкинагина кўк араб отида маршалларидан бироз олдинроқда туарар эди. У худди туман денгизидан сўппайиб чикиб қолгандай кўринган ва узокда рус қўшинлари қимирилаётган тепаликларга тикилиб қарап ва сойликдан чиқаётган ўқ товушларига кулоқ солар эди. Ўша вактда озгин бўлган юзининг бирон мускули қимириламас, чақнаб турган кўзлари эса бир нуктага тикилиб туарар эди. Унинг тахмини тўғри чиқди. Рус қўшинларининг бир қисми сойликка, катта-кичик кўллар бўйига тушди, бир қисми эса Працен тепалигидан тушиб келмоқда эди. Наполеон бу тепаликка ҳужум қилмоқчи, уни мэрранинг қалити деб хисоблар эди. У туманда Прац қишлоғи ёнидаги икки тепалик оралиғига тушиб, сойликка томон наизаларини ярқиратиб бораётган ва бирин-кетин туман денгизи ичидан кўздан гойиб бўлаётган рус колонналарини кўриб турди. Кечкурун олган маълумотларига, аванпостларда кечаси эшигтан гилдирак ва қадам товушларига, рус колонналарининг тартибсиз равишда бораётганига ва барча тахминларга кўра, Наполеон идтифокчилар уни анча узокда, деб гумон қилишганини, Працен якинидан ўтиб бораётган колонналар рус армиясининг маркази эканини, бу марказ ҳозирданоқ хийла заифлашганини ва унга муваффакиятли равишда ҳужум қилиш мумкин эканлигини очиқдан очик кўриб туар эди. Лекин у ҳануз жанг бошламас эди.

Бугун унинг улуғ айёми – тож кийганининг бир йиллиги эди. У тонг олдидан бир-икки соат ухлаганидан кейин дамини олиб, бардам, димоги чог бўлиб турди-да, ҳар ишга қодир бир кайфият билан отланиб, майдонга чиқиб кетди. У туман орасидан кўриниб турган тепаликка тек қараб туар, унинг лоқайд юзидан ошиқ бўлиб қолган хушбаҳт ўсмирга хос мағрурлик, эришилган баҳт ифодаси акс этар эди. Маршаллари бирон нарса дейишга журъат қилолмай, унинг орқасида

тек туришар эди. У гоҳ Працен тепалигига, гоҳ тумандан калкиб чиккан күёшта каарэ эди.

Күёш туман орасидан буткул чикиб, дашт ва туманга кўзни қамаштирадиган нур сочганда, Наполеон жант бошлиш учун худди шуни кутиб тургандай, оппок ва чиройти кўлидан кўлкотини ечди-да, ўша билан маршалларига ишора килиб, жант бошлишни буюрди. Маршаллар адъютантлар кузатувида хар томонга караб от кўйиб кетишиди ва бир неча дақиқадан кейин француз армиясининг асосий кучлари Працен тепалигига караб йўл олди. Рус кўшинлари эса бу тепаликдан чап томондаги сойликка ҳамон тушиб кетмокда эди.

XV

Соат саккизда Кутузов аллақачон сойликка тушиб кетган Пржебишевский билан Ланжерои колонналарининг ўнини ишғол килиши керак бўлган тўртинчи Милорадович колоннаси олдида Прац кишлоғига караб борар эди. У олдинги полк одамлари билан саломлашди-да, бу колоннани ўзи бошлаб боришини билдиримокчи бўлиб, олдин юришга буйрук берди. Прац кишлоғига етилганда у тўхтади. Князь Андрей бosh кўмондоннинг сонсаноқсиз мулозимлари орасида оркада турар эди. Князь Андрей ҳаяжонланган, асабийлашган ва шу билан бирга, кўпдан кутган пайти келган кишидай оғир ва осойишта эди. У бугунги кун ўзи учун Тулон ёки Ар科尔 кўприги куни эканига каттик ишонганди. Бу кандай бўлишини билмас, лекин бўлишига хеч шубҳа килмас эди. Бу ерларни ва кўшинларимизнинг қай тартибда турганини армиямизнинг бирон кишиси қанчалик билса, князь Андрей ҳам шунчалик билар эди. У ўзи тузган стратегия режасини – буни амалга ошириш тўғрисида энди ўилашнинг ҳам ҳожати йўқ эди, шекилли, – бутун унугтган эди. Энди у Вейротер режасига караб, рўй бериши мумкин бўлган тасодифларни ўйлар ва ўзининг зийраклиги, дадиллиги иш бериб коладиган янги мулоҳазалар қиласар эди.

Чап томондаги сойликдан туман ичидан, отишма товуши эшитилар эди. Князь Андрейнинг назарида, кизғин жанг

ўша ерда бўладиган ва душман ўша ерда қаршилик кўрсатадигандай кўринар эди, «мени бригада¹ ёки дивизия билан ўша ерга юборишиади, – деди ўзича, – мен бориб, кўлимда байроқ, олға юриб, ҳар қандай қаршилик бўлса енгаман».

Князь Андрей ўтиб бораётган батальонларнинг байрокларини кўрганида юраги гуп-гуп урар эди. У байрокка каар экан: «Мен, балки, мана шу байрокни кўтариб, кўшинларнинг олдидга борарман», деб ўйлар эди.

Тепаликларда тунги тумандан колган қирор эрталаб шудрингга айланди. Сойликларни босиб ётган туман эса хали ҳам оппоқ денгиздай бўлиб кўринар эди. Бизнинг кўшинларимиз тушган ва отишма товуши эшитилаётган чап томондаги сойликда ҳеч нарса кўринмас эди. Тепаликлар устида тиник кўм-кўк осмон, ўнг томонда эса офтоб сийрак туман ичидаги хира бўлиб кўринар эди. Рўпарадаги узок туман денгизининг қирғогида душман армияси бўлиши эҳтимол бўлган ўрмонзор, адирлар кўзга ташланар ва яна нимадир кўринар эди. Ўнг томонда гвардия отларининг туёқ товуши ва гилдираклар тарқалиши эшитилар, гоҳ найзалар яркираб, туман доирасига кириб бораарди; чап томонда, кишлоқнинг у ёғида шунга ўхшаган сон-саноксиз суворийлар туман денгизига яқинлашар ва унга кириб кўздан йўколар эди. Олдинда ва орқада пиёда аскарлар бораар эди. Бош кўмондон ўтиб бораётган кўшинларни кузатиб кишлоқнинг чикаверишида туар эди. Кутузов бугун ниҳоятда чарчаган ва асабийлашганга ўхшар эди. Унинг олдидан ўтиб бораётган пиёда аскарлар, олдини бирон нарса тўсган бўлса керак, буйруқ бўлмасдан тўхтади.

– Айтинг, ахир, батальон-батальон бўлиб саф тортиб кишлоқни айланиб ўтишсин, – деди Кутузов келаётган генералга жаҳл билан. – Душманга қарши борилаётганда қишлоқнинг тор кўчаларидан шу аҳволда узундан узун бўлиб

¹ Бригада (французча: brigade < италиянча: brigata – отряд, одамлар гурухи, кўшин) – бир неча полк, батальон ёки дивизиондан ва маҳсус кўшинлар бўлинмаларидан, дengiz флотида эса бир неча турдаги ҳарбий кемалардан иборат ҳарбий-тактик кўшилма (бу ерда шу маънода); 2) меҳнатнинг муайян бир турини биргаликда бажариш учун тузилган ва иш натижаси учун умумий жавобгар бўлган жамоа, меҳнатчиликлар гурухи.

юриб бўлар эканми, наҳот шунга ақлингиз етмаса, мухтарам жаноб, мухтарам генерал.

– Мен кишлокдан ўтгандан кейин саф килмоқчи эдим, олий ҳазрат, – деди генерал.

Кутузов заҳарханда килди.

– Душманнинг кўз олдида одамларни саф килиб ўтирасангиж жуда яхши бўлар!

– Душман ҳали жуда узоқда, олий ҳазрат. Диспозицияга кўра...

– Диспозиция эмиш! – деди Кутузов зардаси қайнаб. – Сизга ким айтди буни?.. Марҳамат килиб, буйрукни бажаринг.

– Хўп бўлади.

– Биродар, – деди Несвицкий князь Андрейга шивирлаб, – чолимизнинг жуда феъли айниган.

Шляпасига кўк жига тақкан ок мундирили бир Австрия офицери Кутузовнинг олдига от чоптириб келиб, император номидан, тўртинчи колонна жангта кирдими, деб сўради.

Кутузов унинг сўзига жавоб бермай, юзини тескари ўтирган эди, ёнида турган князь Андрейга кўзи тушди. У Болконскийни кўриб, худди бу бўлаётган иш учун адъютант гунохкор эмас, дегандай, жахлидан тушиб ковогини очди. У Австрия офицерига жавоб бермасдан, Болконскийга мурожаат килди:

– Бориб қаранг-чи, азизим, учинчи дивизия кишлокдан ўтдимикан. Ўтмаган бўлса, айтинг, тўхтаб менинг буйруғимни кутсин..

Князь Андрей жўнаган ҳам эдики, Кутузов уни тўхтатди.

– Олдинги ўқчилар жой-жойига ўрнашдимикан, шуни ҳам сўранг. – деди ўзича ва Австрия офицерига ҳамон жавоб бермас эди. – Булар нима қилишаётиди, нима килишаётиди!

Князь Андрей топширикни бажариш учун от кўйиб кетди.

У олдинда бораётган батальонларни қувиб ўтиб, учинчи дивизияни тўхтатди ва қарасаки, ҳакиқатан, колонналари-

миз олдида ўқчилар цепи йўқ экан. Полк олдида бораётган полк командири бош кўмондоннинг ўқчиларни цепга ёйиш тўғрисида берган буйргуни эшишиб жуда хайратда қолди. Полк командири, олдинда қўшинларимиз бор, душман ўн чакирим нарида, деб қаттик ишонган эди. Дарҳақиқат, олдинда бу томонда нишаб ва туман босган дашт бўм-бўш эди. Князь Андрей бош кўмондон номидан бу хатони тузатишни буюриб, от чоптириб қайтиб кетди. От устида барваста гавдасини букчайтириб ҳамон ўша ерда турган Кутузов кўзини юмиб қаттик эснади. Кўшинлар тўхтаб, милтикларини елкан тушириб турар эди.

– Яхши, яхши, – деди Кутузов князь Андрейга ва қўлида соат тутиб, чап канотдаги ҳамма колонналар тушиб кетди, биз ҳам жўнашимиз керак, деб турган генералга мурожаат килди: – Ҳа, борармиз, жаноби олийлари, – деди Кутузов яна эснаб. – Борармиз! – деди яна такрорлаб.

Шу чоғ Кутузовнинг орқа томонида узоқдан полкларнинг салом берган Овози эшитилди ва бу овоз узундан узок чўзилган рус колонналари бўйлаб тез-тез якинлаша бошлади. Афтидан, полклар салом бераётган одам тез юриб келмоқда эди. Орқасида турган полк аскарлари қичкирганда, Кутузов сал четланди-да, афтини буриштириб, орқасига қаради. Працен йўлидан ҳар хил кийим кийган бир тўда отлиқлар худди эскадрондай от қўйиб келмоқда эди. Булардан иккитаси олдинда отни баравар чоптириб бошқалардан кўра тезрок келар эди. Уларнинг бири кора мундир кийган, бошига оқ жиға таққан, инглизча ясатилган саман от минганд; иккинчиси эса оқ мундир кийган, кора от минганд эди. Улар иккала император бўлиб, орқада келаётганлар уларнинг мулоzимлари эди. Кутузов ҳарбий ишда суюги қотиб бўлган қолган кишиларга хос бир ҳаракат билан кўшинларга «Ростлан», деди-да, салют бериб императорнинг олдига борди. Унинг бутун важоҳати ва туриши ўзгариб кетди. У бошлиқларга итоаткор ва уларнинг буйруклари тўғрисида фикр юргизиб ўтирамайдиган кишига ўхшаб қолди. У ортиқ даражада ҳурмат кўрсатиб, императорнинг олдига келди ва салют берди. Унинг бу хилдаги ҳурмати, афтидан, Алек-

сандрга ёкмади.

Бу ёкимсиз таассурот ёш императорнинг кувноқ юзидан худди соф хаводаги туман колдигидай сузаб ўтиб кетди. Болконский биринчи марта чет элда Ольмоц майдонида кўрганига караганда император хозир тоби кочганидан кейин, ўзини салгина олдириб кўйган, лекин унинг чиройли ва кўк кўзларида улугворлик билан беозорликнинг кўшилувидан хосил бўлган ўша жозиба, нозик лабларида турли-турли ифода этиши мумкин бўлган ва кўпроқ хуштабиат, маъсумликка мойил ўша холат кўринар эди.

Ольмоц кўригига у салобатлироқ эди, бу ерда эса серҳаракат ва кувноқроқ кўринар эди. У уч чакирим йўлдан от чопиб келиб бироз кизарган эди; отини тўхтатиб, нафасини ростлади ва ўзига ўхшаган ёш ва кувноқ муло-зимларига каради. Яхши кийинган, кувноқ, хозиргина бироз терлаган чиройли отлар мингган Чарторижский, Новосильцев, князь Болконский, Строганов ва бошқа ёш, кувноқ йигитлар ўзаро сўзлашиб ва табассум килишиб императорнинг орқасида тўхташди. Император Франц кизил ва узун юзли ёш йигит бўлиб, чиройли кора отда гоз ўтиради ва бир ниманинг ташвишини тортаётгандай атрофига секин кўз ташлар эди. У оқ кийинган адъютантларидан бирини чакириб, ундан ниманидир сўради. Князь Андрей табассумдан лабини йигиштиrolмай, ўзининг эски танишини кузатар экан ва у билан килган сухбатини эслар экан¹: «Булар соат нечада йўлга чиқди экан», – деди. Императорларнинг мулоzимлари гвардиячи ва оддий полклардан танлаб олинган рус ва австриялик ординарец йигитлардан иборат эди. Уларнинг орасида жиловдорлар императорнинг гулли ёлпўшлар¹ ёпилган чиройли, эҳтиётдан олиб юрилган отларини ушлаб туришар эди.

Бу келишган йигитларнинг от чоптириб келиши, худди очик деразадан дим уйга тўсатдан соф хаво киргандай, кўнгилсиз Кутузов штабида бирдан ёшлик туйғуси, гайрат ва муваффакият козонишига ишонч тутдирди.

– Нега бошламай ўтирибсиз, Михаил Ларионович? –

¹ Ёлпўш (арабча) – отнинг ёлини ўраб, ёпиб кўядиган мато, ёшоғч.

деди император Александр Кутузовга шошиб-пишиб, сүнгра император Францга мулойим назар ташлади.

– Кутиб турибман, аъло ҳазрат, – деди Кутузов таъзим килиб.

Император, унинг сўзини эшита олмаган эди, кошини чимириб кулоғини тутди.

– Кутиб турибман, аъло ҳазрат, – деди яна Кутузов (князь Андрей Кутузов «кутиб турибман», деганида, унинг юкори лаби учганини пайқади). – Ҳали баъзи колонналар етиб келгани йўқ, аъло ҳазрат.

Шаҳаншоҳ унинг сўзини эшитди-ю, лекин бу жавоб ёқмади, шекилли, буқчайганрок елкасини кисиб, худди Кутузовдан шикоят килгандай ёнида турган Новосильцевга каради.

– Бу ер Царицин майдони эмаски, ҳамма полклар етиб келса, кейин парад бошлаймиз, деб кутиб ўтирилса, Михаил Ларионович, – деди шаҳаншоҳ ва гапга кўшилмасангиз ҳам, менинг гапимга қулок қолинг, дегандай, яна император Францнинг кўзига каради, лекин император Франц гапга қулок солмай, ҳамон у ёк бу ёкка карар эди.

– Шунинг учун ҳам бошламаётибманки, шаҳаншоҳ, – деди Кутузов яна эшитмай қолмасин дегандай баланд овоз билан ва унинг юзи нечукдир лип этиб учди. – Шунинг учун ҳам бошламаётибманки, шаҳаншоҳ, биз парадда ҳам эмасмиз, Царицин майдонида ҳам эмасмиз, – деди жуда очик килиб.

Кутузовнинг гапини эшитиб бир-бирларига караб кўйган шаҳаншоҳ мулозимларининг юзларида норозилик ва ўпкалаш аломати зохир бўлди. Улар ҳаммаси ичida гўё «Ҳар қанча қари бўлса ҳам, сира бундай демаслиги керак эди», – дер эди.

Шаҳаншоҳ, яна бирон нарса демасмикин, деб Кутузовнинг кўзига жуда дикқат билан тикилди. Лекин Кутузов ҳам ундан бирон гап кутгандай таъзим килиб турар эди. Бу жимлик бир дақиқача давом этди.

Кутузов бошини кўтариб, яна боягида фикр юргизмайдиган ва фақат бўйсуниб ўрганган генералдай:

– Агар буюрсангиз, бошлайман, аъло ҳазрат, – деди ва отини «чу», деб колонна бошлиғи Милорадовични чакирди ва унга ҳужум бошлаш тўғрисидаги буйрукни билдириди.

Кўшиллар яна харакатта тушди ва Новгород полкининг икки батальони билан Апшерон полкининг бир батальони шаҳаншоҳ олдидан олға ўта бошлади.

Апшерон батальони ўтаётганда кизил юзли, шинелсиз, факат мундир кийган, орденлар тақсан ва каттакон жигали шляпасини чаккасига кўйиб олган Милорадович от ўйнатиб келиб, шаҳаншоҳга келишириб салют берар экан, унинг рўпарасида отининг жиловини тортди.

– Худо ёр бўлсин, генерал, – деди шаҳаншоҳ.

– Аъло ҳазрат, кўлимдан келганича харакат киласиз, аъло ҳазрат! – деди Милорадович очилиб. Унинг французчани бузиб гапирганига шаҳаншоҳнинг мулоzимлари кулиб кўйишиди. Милорадович отини қайтариб, шаҳаншоҳнинг орқароғига ўтди. Шаҳаншоҳнинг келишидан руҳлари кўтарилиган апшеронликлар шахдам-шахдам ва бараварига кадам ташлаб, императорлар ва уларнинг мулоzимлари олдидан ўтиб боришар эди.

Милорадович ўқ товушларини эшишиб, жангни кутиб ва Суворов давридаги жангларда иштирок қилган ўртоқлари бўлмиш апшеронликларнинг императорлар олдидан мардан на кадам ташлаб ўтаётганларини кўриб, афтидан, шу кадар ҳаяжонланган эдики, шаҳаншоҳ турганини ҳам эсидан чиқариб кўйиб:

– Йигитлар! – деди баланд, кувнок ва мағрур товуш билан, – йигитлар, сизлар жангни энди кўраётганларинг йўқ!

– Хизматта тайёrmiz! – деб кичкириши аскарлар.

Тўсатдан чиқсан бу товушдан шаҳаншоҳнинг оти хуркиб кетди. Россияда бўлган кўрикларда, бу ерда – Аустерлиц далаларида ҳам шаҳаншоҳни кўтариб юрган ва унинг чап оёги билан худа-бехуда биқинига никташларига бардош қилган бу от, худди Марс майдонидаги сингари эшитилаётган милтиқ товушларини ҳам, император Францнинг кора айғири ёнида турганини ҳам, устидаги одамнинг бугун нималар дегани ва нималарни ўйлаётгани ва нималарни сезаёт-

ганини ҳам фаҳмламай, факат қулоғини чимирап эди, холос.

Шаҳаншоҳ табассум билан мулозимларидан бирига ашеронлик йигитларни кўрсатиб бир нима деди.

XVI

Кутузов, ўз адъютантлари кузатувида, карабинерлар¹ кетидан секин-аста борар эди.

У колонналарнинг кетидан ярим чақиримча юриб, айрилишдан сал наридаги хароб бўлиб қолган (эҳтимол, бир вактлар майхона бўлгандир) бир уй олдида тўхтади, ҳар иккала йўл ҳам адирнинг этагига қараб кетган, икковидан ҳам кўшинлар бормоқда эди.

Туман тарқала бошлади ва икки чақиримча нарида рўпарадаги тепаликларда душман кўшинларининг кораси кўриниб қолди. Пастда, чап томондан отишма товуши баландроқ эшитила бошлади. Кутузов Австрия генерали билан гаплашиб тўхтаб қолди. Князь Андрей бироз оркарокда буларга қараб турар эди, у адъютантдан дурбинни сўраб, мурожаат қўлмоқчи бўлди.

– Қаранг, қаранг, – деди адъютант дурбин билан узодаги кўшинга эмас, адирнинг этагига қараб, – французларку!

Икки генерал ва адъютантлар дурбинни талашиб қолишиди. Ҳамманинг юзи тўсатдан ўзгариб кетди ва ҳамманинг юзида ваҳима акс этди. Французлар ҳали биздан икки чақирим узоқда, деб ўйлашган эди, улар эса тўсатдан олдимиздан чиқиб қолди.

– Шу душманми? Йўғ-е! Ху, қаранг, душман... бўлса керак... Бу қандоқ бўлди? – деган товушлар эшитилди.

Князь Андрей пастда, Кутузов турган жойдан тахминан беш юз қадам нарида ашеронликларга карши ўнг томонидан чиқиб келаётган французларнинг зич колонналарини дурбинсиз кўрди.

«Мана, ҳал қилувчи пайт келди. Энди менга навбат етди», – деди князь Андрей ичидаги отига қамчи бериб,

¹ Карабинер – 1) карабин билан куролланган солдат (бу ерда шу маънода); 2) Италия кўшинидаги отлик жандарм.

Кутузовнинг олдига борди.

– Апшеронликларни тўхтатиш керак, жаноби олийлари!
– деб кичкирди князь Андрей.

Лекин шу он ер-кўкни тутун босиб, шу якин ўртадан касир-кусур милтиқ товуши эшитилди ва князь Андрейдан икки кадам нарида турган кимдир кўркиб кетиб: «Тамом бўлдик, биродарлар!» – деб кичкирди. Бу товуш гўё бир буйруқдай бўлиб, уни эшитиб ҳамма қочиб колди.

Бир-бирига аралашиб, тобора кўпаяётган оломон оркага, бундан беш дақика бурун кўшинлар императорлар олдинан ўтган жойга қараб чопди. Бу оломонни тўхтатиш у ёқда турсин, тўхтайман деган одам ҳам беихтиёр шуларга кўшилиб кочар эди. Болконский одамлардан кейинда колмасликкагина харакат килар ва нима бўлаётганига хеч тушунолмай, ҳайрон бўлиб атрофига қараб-қараб кўяр эди. Несвицкий жуда жаҳли чиққанидан кизариб ва буткул ўзгариб Кутузовга, бу ердан ҳозир кетинг, йўкса, асир тушувингиз аник, деб кичкирар эди. Кутузов ҳамон ўша ерда туриб, унинг сўзига жавоб бермай, чўнтағидан рўмолчасини олди. Унинг юзидан кон оқар эди. Князь Андрей унинг ёнига келди.

– Ярадор бўлдингизми? – деб сўради жагининг титротини зўрга босиб.

Кутузов рўмолчасини ўқ теккан юзига босиб:

– Бу яра ҳеч нарса эмас, ана у яра ёмон! – деди қочиб бораётган аскарларни кўрсатиб.

– Тўхтатинг! – деб кичкирди Кутузов ва уларни тўхтатиб бўлишига кўзи етмади, шекилли, отига камчи бериб, ўнг томонгда қараб кетди.

Яна ёпирилиб келган оломон уни оркасига суриб олиб келди.

Кўшинлар шу қадар тикилишиб кочар эдики, унинг ичига кириб қолган одам осонликча чиқа олмас эди. Бирор: «Юрсанг-чи! Нега тўхтаб колдинг?» – деб кичкирди. Бирор оркага қайрилиб, осмонга ўқ узди; бирор Кутузовнинг отини камчилади. Кутузов не машакқат билан оломон ичидан зўрга чикиб, ярмидан ози қолган мулозимлари билан чапга, шу

яқин ўртада отилаётган түплар томонга қараб кетди. Князь Андрей кочиб бораёттан оломон ичидан аранг чиқиб, Кутузовдан кейинда қолмасликка харакат қилиб борар экан, адирнинг ён бағрида тутун ичидан ҳануз ўқ отаётган рус батареясини ва унга томон чопиб келаётган француз аскарларини кўрди. Юкорироқда турган рус пиёда аскарлари батареяга ёрдам бергани олға ҳам бормасдан, кочиб бораётган одамларнинг кетидан ҳам эргашмасдан, кимирламай туарар эди. Отлик генерал уларнинг орасидан чиқиб Кутузовнинг олдига келди. Кутузовнинг мулозимларидан факат тўрт киши қолган эди. Улар ҳаммаси, ранги ўчиб, индамай бир-бирига караб кўяр эди.

Кутузов кочиб бораётганларни полк командирига кўрсатиб:

– Тўхтатинг бу абллаҳларни! – деди энтикиб ва шу он, худди бу гапи учун жазо бўлгандай, чумчук галаси сингари бир канча ўқ гувуллаганича полк ва Кутузов мулозимлари устидан ўтиб кетди.

Француздар батареяга хужум килаётган эди. Кутузовни кўргач, уни ўққа тута бошлади. Шу ўқ ўтиши бараварида полк командири оёгини ушлаб қолди; бир неча аскар йикилди ва подпрапорчник¹ қўлидаги байроқни ташлаб юборди; байроқ тебраниб, аскарларнинг милтикларига илина-илина ерга тушди. Аскарлар буйруксиз ота бошлади.

Кутузов дармони қуригандай:

– Уҳ! – деди ва орқасига қаради. – Болконский, – деди секин, қариб қувватдан қолганини билиб титраган товуши билан. – Болконский, – деди секин яна тўзиб кетган батальонни ва душманни кўрсатиб, – бу кандоқ бўлди?

Лекин унинг оғзидан бу гап чиққунча князь Андрей, орномус ва ғазабдан ўпкаси тўлганини сезиб, отдан ўзини ташлади-да, байроққа томон югурди.

– Йигитлар, олға! – деб кичкирди у боладай чинқириб.

Князь Андрей байроқни кўлига олар экан, тепасидан ўтаётган ўқларнинг (душман бу ўқларни унга отмоқда эди,

¹ Подпрапорчник – чор Россияси армиясида прапорщикдан кичик офицерлик уйвони.

шекилли) ғувуллаганини эшитиб, шавқ қилиб «мана, ўша пайт келди», деб ўйлар эди. Бир неча аскар кулади.

Князь Андрей оғир байрокни кўлида аранг тутиб туриб:

– Ура! – деб кичкирди-да, бутун батальон кетидан чопишига сира шубҳа килмай, олға қараб югурди.

Дарҳакикат, у бир неча қадамнигина якка босди, холос. Аввал битта-иккита, ундан кейин бутун батальон «ура!» – деб кичкириб, олға югурди ва унга етиб олди. Батальон унтер-офицери чопиб бориб князь Андрей зўрга кўтариб бораётган байрокни олди, лекин шундаёқ ҳалок бўлди. Князь Андрей байрокни яна сопидан ушлаб судраганича, батальон билан олга чопди. У рўпарада тўпчиларимизни кўрди, уларнинг бир кисми душман билан олишмоқда, бир кисми эса тўпларни ташлаб қочиб келмоқда эди. Бир гала француз пиёда аскарлари келиб тўпларнинг отларини ушлади, тўпларни биз томонга ўғирди. Князь Андрей батальон билан бирликда тўпларга йигирма қадам якин бориб қолган эди. Унинг тепасидан ўқ муттасил ғувуллаб ўтмоқда, ўнгсўлда аскарларвой-войлаб йикилмоқда эди. Лекин у буларга қарамас, кўзи тўплар олдида бўлаётган олишувда эди. У француз аскари билан тўп тозалайдиган узун чўткани талашиб-тортишиб турган, шапкаси бир ёкка кийшайиб кетган сарик тўгчини якъол кўриб турар эди. Гангиган ва шу билан бирга газабланган бу икки аскар чўткани ҳар қайсиси ўзига тортар, афтидан, нима қилаётганликларини ўzlари ҳам билмас эди.

«Улар нима қилаётиби ўзи? – деди уларга қараб князь Андрей ичиди, – бу сарик тўгчининг-ку, яроги йўқ, нега кочмаётиби? Француз ўнга уни найза билан урмаётиби? То у қочиб улгургунча француз милтигини эслаб, найза санчиб ўлдириши мумкин».

Ҳакикатан ҳам, шу чоғ бошқа бир француз аскари милтигини ўқталиб, уларга томон югурди; бошига нималар келишини ҳануз англаб етмай, чўткани французнинг кўлидан тортиб олган сарик тўгчининг тақдиди ҳал бўлиши керак эди. Бирок князь Андрей бу можаро нима билан тамом бўлганини кўра олмади. Шу пайт унга худди ён-веридаги

аскарлардан бири йўғон таёқ билан қулочкашлаб калласига ургандай туюлди. Боши бироз оғриди, лекин бундан ҳам кўра ёмонроғи шу эдики, бу оғрик унинг хаёлини паришон килиб, ҳалигиларни кузатишига халал берди.

«Нима бўлди? Йиқилаётибманми? Оёғимдан жон чикди», – деб ўйлади князь Андрей ва чалқанча йиқилди. У француздар билан тўпчининг тортишуви нима бўлди: сарик тўпчи ўлдими ё тирикми, тўплар душман қўлига тушдими ёки ўзимизниклар олиб кетишдими, деб кўзини очиб қарамоқчи бўлди. Бирок ҳеч нарсани кўролмади. Унинг тепасида баланд, хира, лекин ҳар ҳолда бениҳоя баланд, кулранг булатлар аста-секин сузиб юрган осмондан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. «Ҳамма ёқ нақадар жимжит, осойишта ва муҳташам, мен югуриб бораётган вақтга ҳеч ўхшамайди, – деди князь Андрей ўзича, – биз чопган, кичкирган ва олишган вақтга ҳеч ҳам ўхшамайди; француз билан тўпчи ғазаб ва вахима билан чўткани талашиб-тортишган вақтдагидай эмас, бу баланд ва бепоён осмондаги булат буткул бошқача сузаётибди. Бу баланд осмонни нега мен шу чоғгача кўрмаган эканман? Буни кўрганимга шукур! Ҳа, мана шу бепоён осмондан бошқа ҳамма нарса бехуда, пуч экан. Шу осмондан бошқа ҳеч нарса, ҳеч нарса йўқ. Ҳатто шу осмон ҳам йўқ, сукунат ва осойишталиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Худога шукур!..»

XVII

Багратионнинг ўнг қанотида соат 9 да ҳам ҳали жанг бошланмаган эди. Князь Багратион Долгоруковнинг жангта кириш тўғрисидаги талабига кўнишни истамади ва жавобгарликни бўйнидан сокит қилмоқчи бўлиб, унга бу ҳақда бош қўмондондан рухсат олиб келиш учун одам юборишини таклиф этди. Багратион икки қанот ораси қарийб ўн чақирим эканлигини, юборилган одам ҳалок бўлмай (ҳалок бўлиш эҳтимоли кўпроқ эди, етиб бориб, бош қўмондонни топса ҳам, бу жуда маҳол гап эди), фақат Кечкурунгина қайтиб кела олишини билар эди.

Багратион ҳеч нарсани ифода килмайдиган ва уйқудан

колиб киртайган катта кўзлари билан мулозимларига караган эди, дастлаб кўзи, мени юбормасмикин, деб хаяжонланиб турган Ростовнинг мъсум юзига тушди. У Ростовни юборди.

– Мабодо бош кўмондондан бурунрок подшо ҳазратларини кўриб колсам-чи, жаноби олий? – деди Ростов кўлини шалкасининг соябонига кўйиб.

Долгоруков шошиб Багратионнинг сўзини оғзидан олди:

– Подшо ҳазратларига айтсангиз ҳам бўлади, – деди.

Ростов навбатчилиги тамом бўлганидан кейин тонгта якин бироз ухлаб олиб, хозир ўзини ерга урса кўкка сапчидиган, ўз баҳтига ўзи ишонган, хушхол, жасур, дадил сезар ва кўзига ҳамма иш осон, кўнгилли, мумкин кўринадиган бир кайфиятда эди.

Бугун эрталаб унинг ҳамма тилаклари рўёбга чикди. Душманга қарши катта жант бўлиб, у жангда иштирок килди: бунинг устига энг довюрак генералга ординарец бўлди; бунинг устига топширик билан Кутузов ва, балки, шаханшоҳ ҳузурига кетаётibi. Ҳаво очик, унинг остидаги от жуда кобил эди. Унинг кўнгли равшан, ўзи хушбахт эди. У топширикни олди-ю, марра бўйлаб от кўйиб кетди. Аввал ҳали жантта кирмай кимиrlамасдан турган Багратион кўшинлари марраси бўйлаб кетди; сўнгра Уваров суворийлари ишғол килиб турган жойга чикиб, бу ерда қўшинларнинг ҳаракатта кирганини ва жантта тайёргарлик бораёттанини пайкади; Уваров суворийлари турган жойдан ўтганидан кейин каршисидан тўп ва милтик овозларини барадла эшилди. Милтик товушлари борган сайин авж олмоқда эди.

Боя яккам-дуккам, иккитадан, учтадан отилаётган милтик ва уларни оралаб битта ё иккита гумбурлаган тўп товушлари эшитилаётган бўлса, энди, эрталабки соф ҳавода, адирларнинг ён бағирларидан, Працен тепалигининг олдида милтикларнинг касир-кусур ва тўпларнинг гумбурлаши шу кадар тезлашдики, пайдар-пай отилган тўпларнинг гумбурлаши баъзан бир-бирига қўшилиб кетиб, гувуллаган бир овозга айланар эди.

Ен багирликларга милтиқдан чиккан тутунлар бир-бирини қувгандай учиб юргани, тўплардан бурқираб чиккан тутунларнинг ёйилгани ва бир-бирига қўшилаётгани кўриниб турар эди. Тутун орасида яркираган найзалардан пиёда аскарларнинг юраётганлиги, кўк кутили тўпларнинг катор бўлиб келаётгани билиниб турар эди.

Ростов нима бўлаётганини дурустрок кўрмокчи бўлиб, тепалиқда отини бирпас тўхтатди, лекин нақадар диккат билан синчиклаб караса ҳам, нима бўлаётганини ҳеч била олмади; тутун ичиди аллақандай одамлар, тутундан олдинда ва кейинда аллақандай қўшинлар уймалашиб келмоқда эди; нега келаётибди? Булар кимлар? Қаёкка бораётибди? – Ҳеч тушуниб бўлмас эди. Бу одамларни кўриб, бу товушларни эшишиб, Ростовнинг руҳи тушмади ва юраги чўчимадигина эмас, аксинча, гайрати ошиб ўзини дадилроқ ҳис килди.

«Ха, от, от, яна от!» – деди Ростов ичиди ва яна марра бўйлаб от қўйиб, жангта кирган қўшинлар доирасига борган сари нари кириб кетаверди.

«Натижаси қандок бўлишини-ку, билмайман, лекин яхши бўлди!» – деди Ростов ўзича.

У аллақандай Австрия қўшинлари турган жойдан ўтиб, унинг нариги томонидаги мэрранинг (бу гвардия эди) жангга кирганини пайқади.

«Жуда яхши бўлибди! Яқинроқдан кўраман», – деди.

У деярли олдинги марра бўйлаб кетди. Унинг қаршисидан бир неча киши от қўйиб келмоқда эди. Булар бизнинг лейб-уланларимиз¹ бўлиб, сафлари бузилган ҳолда хужумдан қайтиб келишмоқда эди. Ростов уларнинг олдидан ўтиб кетар экан, бирининг конга бўялганини кўрди.

«Бунақа ишлар билан менинг ишим йўқ!» – деди Ростов ичиди. У бироз юрганидан кейин чап томонида кора отли, ок мундирли суворийларни кўриб колди. Улар бутун далани энлаб отларини йўрттирганча унга томон келишмоқда эди. Ростов уларнинг йўлидан тезрок ўриб олмокчи бўлиб отини чоптириди, агар суворийлар отларини ўша хилда йўрттириб

¹ Улан – инкилобдан олдинги Россия ва баъзи чет эл армияларида снгил кавалерия аскари.

келаверганда Ростов аллақачон ўтиб олган бўлар эди, бирок улар тобора тезлашди ва баъзи бир отлар ҳатто чопа бошлиди. От түёкларининг товуши ва аслаҳаларнинг шараклаши тобора якинроқдан эшитилиб, Ростов уларнинг оти, гавдлари ва ҳатто юзларини ҳам кўра бошлиди. Булар рўпарадан келаётган француз суворийларига хужум килиш учун берастган бизнинг кавалергардимиз эди.

Кавалергардлар отларнини чоптириб боришаётган бўлсалар ҳам ҳали отнинг бошини буткул кўйиб беришмаган эди. Ростов энди уларнинг афтини кўриб турар ва учкур отнинг бошини кўйиб бериб «марш-марш», деб буйруқ бераёттан офицернинг товушини эшитиб турар эди. Ростов оёк ости бўлиш ёки уларга кўшилиб кетиб французларга қарши хужумга бориб қолишдан хавотир бўлиб, фронт бўйлаб от кўйиб кетди, шундок бўлса ҳам, улар етиб келгунча ўтиб кета олмади.

Ростов билан тўқнашуви муқаррар бўлиб қолган энг четдаги новча, чўтирик кавалергард унга хўмрайиб қаради. Агар Ростов кавалергард отнинг кўзига бир камчи урманда, бу кавалергард (Ростов бу бўлик отларга мингандарга кишилар олдида кўзига ўзи жуда кичкина ва нимжон кўринарди) Ростовга урилиб, уни от-поти билан ағдариб ташлар эди. Каттакон қора от қулогини чимириб хуркиб кетди, бироқчўтирик кавалергард каттакон шпори билан отнинг бикинига урди ва от думини бир силкиб, бўйини чўзганича яна ҳам тезрок чопди. Улар ўтиб кеттандан кейин кўп ўтмай Ростов уларнинг «ура!» – деб кичкирганини эшитиди ва қайрилиб қараб, уларнинг олдинги сафлари кизил эполет такқан бегона отликлар, афтидан, француз отликлари билан кўшилиб кеттанини кўрди. Бундан кейин нима бўлганини кўролмади, чунки каердадир турган тўплар гумбурлади ва ҳамма ёкни тутун босиб кетди.

Кавалергардлар тутун ичига кириб кўздан ғойиб бўлгандан кейин Ростов, уларнинг кетидан борайми ёки йўлимга кетаверайми, деб иккиланиб қолди. Кавалергардларнинг бу хужуми французларни койил қолдирган ўша ажойиб хужумлардан эди. Ростов ўзининг олдидан ўтиб кетган мана

шунча кўркам одамлардан, зотдор отлар минган шунча давлатманд кишилар ва йигитлардан, офицер ва юнкерлардан хужумдан сўнг фақат ўн саккиз кишигина омон қолганини кейинчалик эшитганда юраги орзиқиб кетди.

Ростов ўзича «уларга ҳавасим келиб нима қиласман, жанг қилиш қочмайди, мен, балки, ҳозир шаҳаншоҳни кўрарман», – деди-ю, от қўйиб ўз йўлига кетди.

Гвардиячи пиёда аскарлар турган жойга келганида, уларнинг тепасидан ва ён-веридан тўп ўки ўтаётганини пайқади, буни тўп ўқининг гувулашидан кўра, кўпроқ аскарларнинг ташвишга тушиб қолганидан ва офицерлар ўзларини ғайритабийй равишда мардона тутишга харакат килганларидан билди.

Ростов бир гвардиячи пиёда аскарлар полки маррасининг орқасидан ўтиб кетаётганида кимdir унинг отини айтиб чакирди.

– Ростов!

– Ҳа! – деди Ростов, Борисни танимасдан.

– Биринчи мэррага тушиб қолдик! Бизнинг полкимиз хужум килди, – деди Борис жангни биринчи маротаба кўрган ёш йигитлар сингари оғзининг таноби қочиб.

Ростов тўхтади.

– Шундоқми? – деди у. – Хўш, нима бўлди?

– Улоқтириб ташладик, – деди Борис жаги очилиб, – буни кўргин-а!

Борис мэрра ишғол қилган гвардиянинг олдидан қўшин чиқиб қолганини, гвардия буни австрияликлар деб ўлаганини, кейин тўсатдан бу қўшиннинг тўп отишидан ўзини биринчи мэррада турганлигини билиб, жанг бошлашга мажбур бўлиб қолганини сўзлаб берди.

Борис сўзини тамом қилмай, Ростов отини «чу», деб кетди.

– Қаёққа кетаётибсан? – деди Борис.

– Бир топшириқ билан аъло ҳазратлари хузурига бораётибман.

– У киши ана у ерда, – деди Борис, Ростовнинг аъло ҳазрат дегани қулогига «олий ҳазрат» бўлиб кириб.

У Ростовга юз кадам нарироқда бошига каска, эгнига кавалергард формаси кийгап, елкалари күтарилиб турған, көвөгини солиб ранг-кути ўчган оқ мундирли Австрия офицерига бир нима деб кичкираёттан буюк князни күрсатди. Ростов:

– Бу киши буюк княз-ку, ахир, мен бош күмөндөн ёки шаҳаншохни кидириб юрибман, – деди-да, жұнамокчи бўлди.

– Граф, граф! – деди Борис сингари кайфи чоғ бўлган Берг нариги томондан чопиб келар экан. – Граф, менинг ўнг кўлим ярадор бўлди (у рўмолча билан боғланган ва конга бўялган панджасини кўрсатди). Шундок бўлса ҳам, жанг майдонидан чикиб кетмадим. Граф, килични чап кўлим билан ушлайман: бизнинг бутун авлодимиз фон Берглар хаммаси ҳам рицарь¹ эди, граф.

Берг яна алланималар деди, лекин Ростов унинг сўзиға кулок солмай жўнаб кетди.

Ростов гвардия ёнидан ва бўш жойдан ўтиб, кавалергардлар хужумига дуч келиб қолгани сингари яна биринчи мэррага чикиб колишдан кўркиб, касир-кусур милтиқ ва гумбурлаган тўп товушлари чикеёттан жойларни четлаб, захиралар мэрраси бўйлаб кетди. У тўсатдан рўпарасидан ва кўшинларимизнинг орка томонидан, душман бўлишига хеч кўзи етмаган яқин жойдан милтиқ товушлари чикканини эшигти.

«Бу нима экан? – деди Ростов ичида. – Кўшинларимизнинг орка томонида душман нима килиб юрибди? Ҳеч мумкин эмас, – деди Ростов ва ўзининг жони, жангнинг ёмон окибати кўзиға кўриниб, вахимага тушди. – Ҳар нима бўлганда ҳам энди четлаб юришнинг хожати йўқ. Мен бош кўмандонни шу атрофдан ахтаришим керак. Агар ҳамма иш кўлдан кетган бўлса, шу билан менинг ишим ҳам тамом».

Ростов турли-туман кўшинлар босиб кеттан Прац кишлоғининг нариги томонидаги жойларга яқин борган са-

¹ Рицарь (немисча: Ritter – отлик, чавандоз) – ўрта асрларда Гарбий ва Марказий Европада ёшлигидан жасорат, мәрдлик, бурчга садоқат, аёлларга ижебатан олийжаноблик руҳида тарбияланган жайговар феодал.

йин күнглига келган ҳалиги ёмон гаплар амалда кўрина бошлади.

Ростов бир-бирига қўшилиб, оломон бўлиб кетаётган рус ва Австрия аскарларига яқинлашганда:

– Ўзи нима гап? Ўзи нима гап? Кимга қараб ўқ отиша-ётиди? Ким отаётиди? – деб сўради.

Ростов сингари нима ҳодиса рўй берганини билолмаган ва кочиб келаётган аскарлар, рус, немис, чех тилида:

– Ким билади! Ҳаммани кириб ташлади! Минг лаънат!
– деб жавоб беришар эди.

– Ур немисни! – деб кичкирди кимдир.

– Ўлсин, эй бу хиёнаткорлар!

– Балога учрасин бу руслар!.. – деди немис тўнгиллаб.

Йўлда бир неча ярадор кетиб бормоқда эди.

Сўкиш, хайқириқ, оҳ-воҳ ҳаммаси қўшилиб бир ғовурга айланган эди. Милтиқ товушлари тинди. Ростов кейинчалик билсаки, рус ва австриялик аскарлари бир-бирига ўқ отишган экан.

«Оббо, худо урди! Ахир бу нима деган гап? – дер эди Ростов ўзича. – Мабодо ҳозир шаҳаншоҳ келиб қолса, нима бўлади... Йўқ, бу уч-тўрт бетамиздан чиқаётган гап. Булар ўтиб кетади, хечкиси йўқ, аскарлар унақа эмас, – деди ўзича.
– Лекин бу ердан тезроқ ўтиб кетиш керак!»

Маглуб бўлганимиз ва аскарларнинг қочиши Ростовнинг хаёлига ҳам келмас эди. Гарчи у Працен тепалигида, бош кўмондонни кидириш керак бўлган жойда француз тўплари ва қўшинлари турганини кўриб турса ҳам, лекин бунга ишонгиси келмас эди.

XVIII

Ростов Кутузов билан шаҳаншоҳни Прац қишлоғи атрофидан ахтариши керак эди. Бироқ бу ерда Кутузов билан шаҳаншоҳ у ёқда турсин, ҳатто биронта бошлиқ ҳам йўқ, факат аралаш-куралаш бўлиб кетган турли-туман қўшинларгина бор эди, холос. У бу оломондан тезроқ ўтмоқчи бўлиб, чарчаган отини кистади, бироқ накадар олга юрса, шу қадар тўзиб кетган аскарларга учраган эди. У катта йўлга

чикди, йўл ҳар хил коляскалар, извошлар, ярадор бўлган ва ярадор бўлмаган рус австриялик аскарлари билан тўлиб ётар эди. Булар Працен тепалигига ўрнатилган француз тўпларидан отилаётган ўклар остида говур-гувур килиб, гуж бўлиб ивиришиб ётар эди.

– Шаханшоҳ қаердалар? Кутузов қаерда? – деб сўрар эди Ростов ҳар бир учраган одамдан, лекин ҳеч кимдан жавоб ололмас эди.

Ниҳоят, бир аскарни ёқасидан ушлаб олиб, саволига жавоб беришга мажбур килди.

– Эй, биродар! Улар аллақачонлар кочиб кетишган, – деди аскар негадир кулиб ва ёқасини унинг кўлидан бўшатиб.

Ростов, афтидан, маст кўринган бу аскарни қўйиб, бир катта одамнинг деншиги ёки жиловдорининг отини тўхтатди-да, ундан сўрай бошлади. Деншик бундан бир соат бурун шаҳаншоҳни каретада шу йўлдан шитоб билан олиб ўтиши, шаҳаншоҳ оғир ярадор бўлган, деб жавоб берди.

– Бўлмаган гап, – деди Ростов, – бошка одамдир.

– Ўз кўзим билан кўрдим, – деди аскар илжайиб.

– Шунча юриб наҳот шаҳаншоҳни танимасам: Петербургда неча марта кўрганман. Ранги кути ўчиб каретада ўтириби. Тўртта кора от кўшилган карета бизнинг олдигинамииздан тарака-турук килиб ўтиб кетди. Шунча юриб наҳот шаҳаншоҳнинг отини-ю Илья Ивановични танимасам; кучер Илья шаҳаншоҳдан бўлак одамни олиб юрмаса керак.

Ростов унинг отини қўйиб юбориб, йўлида давом этмоқчи бўлиб эди, ёнидан ўтиб кетаётган ярадор бир офицер унга мурожаат килди:

– Сизга ким керак? Ҳув анави бош қўмондон керакми? Бизнинг полкда кўкрагидан тўп ўки тегиб ўлди.

– Ўлгани йўқ, ярадор бўлди, – деди бошка бир офицер.

– Ким? Кутузовми? – сўради Ростов.

– Кутузов эмас, ха, оти нима эди, барибир, тирик одам кам қолди. Ҳув анави кишлокқа боринг. Ҳамма бошликлар ўша ерга тўпланган, – деди у офицер ва Гостиерадек кишлогини кўрсатиб ўтиб кетди.

Ростов энди кимнинг олдига ва нима учун боришини билмай, аста-секин юрар эди. Шаҳаншоҳ ярадор бўлган, жанг ютқизилган. Энди бунга ишонмасдан иложи йўқ эди. Ростов одамлар кўрсатган ва узоқдан минораси билан бутхонаси кўриниб турган қишлоққа қараб кетди. Энди шошиб ҳам нима килар эди. Шаҳаншоҳ билан Кутузов ярадор бўлмаган ва ўлмаган такдирда ҳам Ростов энди бориб нима ҳам дер эди?

– Ҳой тўрам, мана бу йўлдан юринг, – деди бир аскар кичкириб, – у йўлда ўкка учасиз!

– Э, нима деяпсан ўзинг! – деди бошқа бир аскар. – У йўл билан қаёққа боради? Мана бу йўл якин.

Ростов бироз ўйланиб турди-ю, кейин улар ўкка учасан, деган йўлдан юрди.

«Энди барибир! Шаҳаншоҳ ярадор бўлгандан кейин мен ўзимни эҳтиёт килиб нима киламан?» – деб ўйлар эди у. Працен ёнидан қочиб келганларнинг кўпи ҳалок бўлган ўша майдонга чиқди. Французлар ҳали бу жойни ишғол килмаган, ўлмай қолган ва ярадор бўлган руслар аллакачонлар бу ердан кетган эди. Ҳар ер ҳар ерда ўнтадан, ўн бештадан ўлик ва ярадорлар яхши ердаги пичан боғидай ётар эди. Ярадорлар иккитадан, уттадан бўлиб эмаклашар, уларнинг қулоққа жуда ёмон кирадиган, баъзан Ростовга сохта туюлган ох-у фифонлари эшитилиб турар эди. Ростовни даҳшат босди, у азоб чекаётган бу одамларни кўрмаслик учун отини йўргтириди. У ўз жонидан эмас, бу даҳшатга юраги тоб бера олмаслигидан қўрқар эди.

Ўлик ва ярадор билан тўлиб ётган бу майдонда биронта ҳам тирик одам қолмагани учун французлар ўқ отмай кўйишган эди, бирок кетиб бораётган адъютантни кўргач, унга бир неча ўқ узишди. Ўқларнинг даҳшат солиб гувуллаб ўтишидан ва теварак-атрофдаги ўликлардан ҳосил бўлган ҳиссиёт бир-бирига қўшилиб Ростовда вахимали бир таассурот тугдирди ва кўнгли бузилиб кетди. Онасининг сўнгги мактуби ёдига тушди. «Онам мени шу майдонда кўрса, душман менга қараб тўп отаётганини билса, қай ахволга тушар экан?» – деб кўнглидан ўтказди.

Гостиерадек кишлогидаги жанг майдонидан кочиб келган рус кўшинлари, гарчи бир-бирига аралашиб кетган бўлса хам, бироз тартибли эди. Бу ерга французларнинг тўп ўки етмас, милтиқ товушлари хам жуда узоқда отилаёттандай туюлар эди. Бу ердаги одамларнинг ҳаммаси жанг юткизилганини очик кўриб туришар ва шундай дейишар эди. Ростов кимдан сўрамасин, хеч ким на шаҳаншохнинг қаерда эканини айта олар эди, на Кутузовнинг. Баъзилар шаҳаншох ярадор бўлганлиги ҳакидаги миши-миши тўғри дер, баъзилар бўлса йўқ, бу ёлғон каретада кочиб келган шаҳаншох эмас, обер-гофмаршал граф Толстой, у императорнинг бошка мулозимлари билан бирликда жанг майдонига бориб, кўркиб, ранг-кути учиб, кайтишда шаҳаншохнинг каретасига тушиб келган, бу овоза мана шундан таркалган, деб тушунтёр эди. Бир офицер, кишлоқнинг чап томонида катта (ликлардан бирини кўрдим деди. Ростов ўша ёкка караб кетди, лекин бу боришидан муроди бирон кишини топиш эмас, балки ўзига-ўзи тасалли бериш эди. Ростов уч чакиримча йўл юриб, рус кўшинларининг охирги кисмларидан ўтгач, атрофи зовур билан ўралган полизнинг олдида, зовур бўйида турган икки отликни кўрди. Бири шляпасига оқ жиға такқани учун Ростовга негадир танишдай кўринди; иккинчиси, жуда чиройли саман от мингани (Ростов бу отни танигандай бўлди) зовурга якин келиб, отини шпорлади ва жиловини кўйиб юбориб, зовурдан полизга сакраб ўтди. Отнинг кейинги оёғи тегиб зовур бўйидаги тупрок тепа тўзиб кетди. У отининг бошини буриб, зовурдан сакраб яна бу томонга ўтди ва зовурдан ўтишни таклиф килиб бўлса керак, оқ жиға такқан суворийга одоб билан мурожаат килди. Ростовга танишдай кўринган ва унинг диккатини жалб килган бу суворий бош ва кўл ҳаракати билан унинг таклифини рад килди. Ростов мана шу ҳаракатдан дарров бу одам излаб юргани, жонажон шаҳаншохи эканини таниди.

«Йўқ, бу шаҳаншох бўлиши мумкин эмас, шаҳаншоҳ ўзи якка бу далада нима килади», – деб ўйлади Ростов. Шу пайт Александр орқасига қайрилиб қаради ва Ростов ўзининг кўз олдидан хеч қачон кетмаган сиймони кўрди.

Шаҳаншохнинг ранги ўчган, суроби тортилган, кўзлари ичига ботган эди, лекин афти яна ҳам латифрок ва эзгурок кўринар эди. Ростов шаҳаншохнинг ярадор бўлганлиги ҳакидаги миш-миш ёлғон чиққанини кўриб, бениҳоя хурсанд бўлди. У шаҳаншохни кўрганидан севиниб, терисига сифмай кетди. Ростов шаҳаншохга мурожаат қилолишини, ҳатто бевосита мурожаат килиб, Долгоруков берган топширикни айтиши керак эканлигини билар эди.

Ошик бўлиб колган ўсмир маъшукасининг висолига этиб, у билан ёлғиз колганида кечалари ўйлаган гапларини айта олмай титраб, тили тутилиб колган ва худди бирордан ёрдам кутгандай кўзлари жавдирааб атрофга карагани ёки шу гапларни кейинга колдириш учун қочиш пайига тушгани сингари Ростов ҳам хозир дунёда бирдан бир орзусига эришганидан кейин, шаҳаншохнинг олдига кандай боришини билмай қолди ва унинг олдига бориш нима учун ўнгайсиз, нима учун одобдан эмас, нима учун мумкин эмаслиги тўғрисида бошига минг хил фикр келди.

«Бу кандок бўлди! Мен худди унинг ёлгизлиги ва кайгула колганини кўриб, энди унинг олдига боргани пайт келди, деб суюнаётгандайман. Шундай вактда нотаниш одамнинг бориши, балки, унга малол келар, ундан кейин, бориб нима ҳам дейман, хозир ахир унга бир кўзим тушса, юрагим орзикиб, томоғим куруқшаб кетади-ку». Шаҳаншохга мурожаат қилганида айтмокчи бўлиб ўйлаб кўйган гапларининг биронтаси ҳам хозир эсига келмас эди. У гаплар тамоман бошка шароитда кўпроқ ғалаба ва тантана чоғида, хусусан, ярадор бўлиб ўлим тўшагида ётганида, шаҳаншоҳ унга қаҳрамонларча иш кўрсатгани учун ташаккур билдирган вактида, амалда кўрсатган ўз садокатини жон берадиб унга изҳор киладиган вактда айтишга мўлжаллаган гаплар эди.

Хозир соат учдан ўтган, жанг ютқизилган бўлса, ўнг қанотнинг жангга кириш-кирмаслиги тўғрисида шаҳаншоҳдан кандай буйруқ ҳам сўрайман? Йўқ, мен унинг олдига катъян бормаслигим керак. Ўйланиб турганида халал бермайин. Унинг менга ҳўмрайиб қарагани ёки менинг тўғримда ярамас фикрга келганидан кўра, минг марта ўлга-

ним яхши». Ростов шундай қарорга келди-ю, ноумид бўлиб, ҳамон ўша ерда нима килишини билмай туриб қолган шаҳаншоҳга қараб-қараб отининг бошини бурди.

Ростов мана шу фикр-у мулоҳазалар билан маъюс ҳолда кетиб бораётганида капитан фон Толь тасодифан ўша жойга келиб қолди-ю, шаҳаншоҳни кўриб тўғри унинг олдига борди ва уни отдан тушириб, зовурдан ўтказиб қўйди. Шаҳаншоҳ дам олмокчи бўлиб ва ўзини бетоб хис килиб, олманинг тагига ўтириди. Толь унинг ёнида тикка туриб қолди. Ростов узокдан Фон Толнинг шаҳаншоҳга нима тўғридадир зўр бериб гапираётганини, шаҳаншоҳ, йиғлаб бўлса керак, кўли билан кўзини беркитиб, Толнинг қўлини сикқанини кўрди ва унинг ёнига бормагани учун хўп алам килиб, афсусланди.

«Унинг ўрнида мен ҳам шундай қила олар эдим», – деди Ростов ичиди ва шаҳаншоҳнинг ҳолига йиғлагудай бўлиб, каёққа ва нима учун кетаётганини ҳам билмай, фифони ошиб, йўлида давом этди.

Бу қайғусига ўзининг бўшлиги сабаб бўлгани учун яна ҳам фифони ошар эди.

У шаҳаншоҳнинг олдига бориши мумкин... Мумкингина эмас, бориши керак эди. Ўзининг шаҳаншоҳга бўлган садоқатини кўрсатиши учун бу жуда яхши маврид эди. У шу мавридни кўлдан берди... «Бу нима қилганим бўлди?» – дер эди ўзича. У отининг бошини буриб, шаҳаншоҳ турган томонга йўл солди, бирок энди зовурнинг бўйида хеч ким йўқ эди. Факат арава ва извошлар ўтмоқда эди. Ростов бир аравакашдан Кутузовнинг штаби шу аравалар бораётган кишлокка якин ерда эканини билди. Ростов уларнинг кетидан кетди.

Олдинда Кутузовнинг жиловдори от етаклаб борар эди. Унинг кетидан арава, аравадан кейин оёклари эгри, почапўстин¹ ва телпак кийган хизматкор чол борар эди.

- Тит, ҳой Тит, – деди жиловдор.
- Нима дейсан? – деди чол зътибор қилмай.
- Тит, кел, соқолимни тит.

¹ Почекпўстин (форсча) – тулки ва бошка ҳайвонларнинг оғзи мўйнасидан тикилган сирма пўстин.

– Бор-ей афting курсин, аҳмок! – деди чол аччиғи келиб. Улар бирмунча вакт жим бориши. Кейин яна ҳалиги ҳазил кайтарилди.

Кечқурун соат бешларда жанг ҳамма пунктларда ютқизилган эди. Юздан ортиқ түп французлар кўлига тушди.

Пржебишевский ўз корпуси билан таслим бўлган эди. Бошқа колонналар эса, одамларнинг ярмидан кўпини кўлдан бериб, аралаш-куралаш бўлиб, тартибсиз ҳолда чекинар эди.

Ланжерон билан Дохтуров қўшинларининг колдиғи аралашиб кетиб, Аугест қишлоғи ёнидаги кўлларнинг бўйларида ва тўғон бошларида уймалашиб ётар эди.

Французларнинг муттасил түп отаётганиклари соат олтиларда Аугест қишлоғининг ёнидаги тўғон бошидагина эшитилар эди. Французлар Працен тепалигининг ён бағрига сон-саноқсиз түп ўрнатиб, бизнинг чекинаётган қўшинларимизни тўрга тутмоқда эди.

Арьеरгардда Дохтуров ва бошқалар батальонларни тўплаб, қўшинларимизни қувиб келаётган француз отлиқ аскарлари билан отишмоқда эди. Коронги туша бошлади. Қалпок кийган тегирмончи чол невараси билан қармок солиб йиллар бўйи тинчгина балиқ овлаган Аугест тўғони бошида пахмок телпак билан кўк нимча кийган моравлар йиллар бўйи кўш отли араваларига бутдой ортиб келганда ва ун ортиб кетганда ўтган шу торгина тўғон бошида ҳозир аравалар ва тўплар орасида, отларнинг остида, ғилдираклар орасида ўлим ваҳмидан кўркинчли қиёфага кирган одамлар бир-бирини эзив, ўлиб, жон берадиган одамларни босиб, бир неча қадам босиши билан яна худди шулардай ўлиши муқаррар бўлгани ҳолда, олға ўтиш учун бир-бирини ўлдириб, уймалашиб, тикилишиб ётар эди.

Уймалашиб ётган бу одамлар устига ҳар ўн лаҳзада тўп ўки келиб тушар, ёрилиб ҳавони ларзага келтирадар ва одамларни ўлдириб, яқинроқ турганларга қон сачратар эди. Бутун бир полкнинг колдиғи – қўлидан ўқ еб, ўзи пиёда колган Долохов, унинг ротасидан бўлган (у ҳозир офицер бўлган эди) ўнтача аскар-у отлиқ полк командиридан иборат эди. Оломон уларни тўғоннинг кираверишига сурисиб олиб бориб

кўйди, улар тикилинчда тўхтаб колищди, чунки олдинда одамлар тўп остига йикилган отни тортишмоқда эди. Бир тўп ўки уларнинг оркасига келиб тушиб кимнидир ўлдирди, иккинчиси эса олдинга келиб тушиб, Долоховга кон сачратди. Оломон зўр бериб олға интилди, сикилди ва бир неча қадам юриб яна тўхтади.

Уларнинг ҳар бири «шу ердан юз қадам нари ўтсам, омон қоламан, яна пича шу ерда турсам, ўламан», деб ўйлар эди.

Оломон ўртасида турган Долохов икки аскарни итариб тўғон бўйига чиқди ва қўл сатхини қоплаб ётган тойғоқ муздан югуриб кетди.

– Бу ёкка юр! – деди оёги остида кисирлаётган музда ирғишлаб, – бур бу ёкقا! – деди тўпчига караб.

Муз уни кўтариб турган бўлса ҳам, лекин эгилиб-букилиб қисирлар эди. Бу тўпни ё одамларни эмас, унинг ўзини ҳам зўрга кўтариб турганлиги кўриниб турар эди. Одамлар музга тушгани ботинолмай Долоховга қараб, кирғоқда тикилишиб туришар эди. Тўғоннинг кираверишида отлик турган полк командири қўлини кўтариб Долоховга бир нима демокчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди, шу пайт бир тўп ўки оломон устидан шу қадар паст ғувуллаб ўтдики, ҳамма энгашди. Нимадир шалоплаб кетди ва генерал оти билан кўлмак бўлиб ётган конга юмалаб тушди. Ҳеч ким унга қарамади ҳам, кўтаришни ўйламади ҳам.

Генералга тўп ўки келиб теккандан кейин одамлар:

– Музга туш, музга! Туш музга! Бур! Қани, бўл! Эшитаётиссанми? Юрсанг-чи! – деб бакира бошлади, лекин улар нима деяётгандарини ва нима учун бакираётгандарини ўзлари ҳам билишмас эди.

Тўғон бошига чиққан, кейиндаги тўплардан бири музга қараб бурилди. Тўғон бошида турган аскарлар музлаб колган қўлга югуришиб туша бошладилар. Олдиндаги аскарлардан бирининг оёги остидаги муз ўпирилиб, унинг бир оёги сувга кириб кетди; у ўзини ўнгламоқчи бўлган эди, белигача чўкиб кетди. Ундан сал беридаги аскарлар иккиланиб қолишиди. Тўпчи отини тўхтатди, лекин орқадағилар ҳали ҳам:

«Юр! Юрсанг-чи, нега түхтадинг, юр!» – деб бакиришар эди. Оломон ичидан дод-фарёд эшитилди. Тўп атрофидаги аскарлар отларни уриб, камчилаб бурмокчи бўлишар эди. Отлар кирғоқдан тушди. Аскарларни зўрга кўтариб турган муз ўпирилди ва муз устида турган киркқа яқин аскар, бир-бирини шўнғитиб, олдинга, орқага интила бошлади. Тўп ўклари ҳамон бир киёмда гувуллаб келиб музга, сувга, кўпинча тўғон бошида, кўлда ва кирғоқда турган одамларнинг устига тушар эди.

XIX

Князь Андрей Болконский Працен тепалигида, кўлида байрок билан йиқилган ўша жойида қонга беланиб, қонга беланганини ўзи ҳам билмай секин-секин худди боладай инкиллаб ётар эди.

Кечкурунга бориб инкилламай, жим бўлиб колди. У қанча бехуш ётганлигини ўзи ҳам билмас эди. Тўсатдан ўзига келиб, боши бениҳоя каттиқ оғриётганини сезди.

У ўзига келиб ҳаммадан бурун: «Шу вактгача билмаганим, шу бугунгина кўрганим ўша баланд осмон кани? – деб ўйлади. – Бундай азобни ҳам шу вактгача билмаган эдим, – деди у, – ҳа, шу вактгача мен ҳеч, ҳеч нарсани билмаган эканман. Мен каерда ётибман?»

У қулоқ солиб туриб, яқинлашиб келаётган от туёклари товушини ва французча гапираётган одамлар овозини эшитиб, кўзини очди. Унинг тепасида аввалгидан ҳам кўра баландроқ сузиб юрган булутлар ва буларнинг орасидан кўм-кўк бўлиб кўринган бепоён осмон яна намоён бўлди. Князь Андрей отларнинг тўёқ товуши ва одамларнинг овозидан улар унинг ёнига келганини билган бўлса ҳам, бошини бурмади ва уларни кўрмади.

Бу келгандар Наполеон билан унинг икки адъютанти эди. Бонапарт жанг майдонини айланиб чиқиб, Аугест тўғонини тўпга тутаётган батареяларни кучайтириш тўғрисида буйруқ бериб, жанг майдонида қолган ярадор ва ўликларни кўриб юрар эди.

Наполеон юзтубан тушиб, аллақачон котиб колган, бир

күлини бир ёкка чўзиб корнини ерга бериб ётган бўйни копкорайиб кетган бир рус гренадёрига қараб:

– Ажойиб халк! – деди.

Шу пайт Аугест қишлоғини тўпга тутаётган батареядан келган адъютант:

– Ўқ-дори тамом бўлибди, аъло ҳазрат! – деди.

– Захирадан олдириб келинг, – деди Наполеон ва бир неча қадам юрганидан кейин чалканча ётган ва ёнида байроқнинг сопи турган (французлар байроқнинг ўзини ўлжа тариқасида аллақачон олиб кетган эди) князь Андрейнинг тепасига келиб тўхтади.

– Мана бу – гўзал ўлим, – деди Наполеон Болконскийга қараб.

Князь Андрей гап ўзи тўғрисида эканини ва бу гапни Наполеон айттанини билди. Бу сўзни айтган одамни кимдир, аъло ҳазрат деганини эшилди. Лекин бу гаплар унинг кулогига пащшанинг гингиллашидай бўлиб кирар эди. У бу сўзларга кизикмадигина эмас, балки эътибор ҳам килмади ва шу замониёқ эсидан ҳам чиқди. Унинг боши нихоятда қаттиқ оғрир, қони тугаб, ҳолдан кетаётганини сезар, тепасида узок баланд ва бепоён осмонни кўрар эди. Бошида турган бу одам ўзининг қаҳрамони Наполеон эканини билса ҳам, шу лаҳзада кўнгли билан булутлар сузигб юрган бу бепоён осмон ўртасидаги муносабатга назаран Наполеон кўзига кичкинагина, арзимас бир одам бўлиб кўринар эди. Ҳозир тепасида ким турмасин, унинг ҳакида нима демасин, унинг учун барибир эди. У фақат бу одамлар тепасига келиб тўхтаганига хурсанд бўлар, назарида, энди бу қадар чиройли кўринған ҳаётга қайтгани бу одамлар ёрдам беришларини истар, чунки ҳаётни энди у тамоман бошқача тушунар эди. У бор кучини тўплаб, кимирлашга, овоз чиқаришга уринди, оёгини хиёл қимирлатиб, зўрға ингради.

– Э! Тирик экан-ку, – деди Наполеон. – Бу ёш йигитни, тиббий пунктга олиб боринглар!

Наполеон шу гапни айтди-ю, у ёқдан шляпасини қўлига олиб илжайиб, ғалаба билан табриклаб келаётган маршал Ланинга томон борди.

Князь Андрей у ёгини билмади, чунки замбилга соли-наётганды, йўлда замбил силкинганда ва пунктда, яраси тозаланганда хаддан ташқари қаттиқ оғриқдан бехуш бўлган эди. У факат кечкурунга бориб, бошқа рус ярадор ва асир офицерлар билан бирга госпиталга олиб борилаётганды хушига келди. У йўлда ўзини бир кадар енгилпроқ сезиб, атрофга қарашга ва ҳатто гапиришга дармон топди.

У хушига келганида француз конвой¹ офицернинг шошиб-пишиб:

– Шу ерда тўхташ керак. Ҳозир император келади, бу асир жанобларни кўрса, вақти чоғ бўлади, – деяётгани кулогига кирди.

– Бугун шу ҳадар кўп асир олдикки, бутун рус армияси асир тушди десак ҳам бўлади, кўравериб императоримиз ҳам зерикиб колгандирлар, – деди иккинчиси.

– Шошма ахир! Уни император Александр гвардиясинг командири дейишади, – деди биринчиси оқ мундир кийган бир ярадор рус офицерини кўрсатиб.

Болконский князь Репнинни таниди, уни Петербург киборлар доирасида кўрган эди. Унинг ёнида ўн тўққиз ёшлардаги кавалергард офицери тураг, у ҳам ярадор эди.

Бонапарт от кўйиб келиб тўхтади.

– Каттарокларинг ким? – деди асирларга қараб.

Полковник князь Репниннинг номини айтишди.

– Сиз император Александрнинг кавалергард полкининг командиримисиз?.. – деди Наполеон.

– Мен эскадрон командири эдим, – деди Репнин.

– Сизнинг полкингиз ўз бурчини ҳалол ўтади, – деди Наполеон.

– Буюк саркарданинг мақтовори аскар учун энг яхши мукофот, – деди князь Репнин.

– Бу мукофотни жоним билан сизларга тутдим, – деди Наполеон. – Ёнингизда турган йигитча ким?

Князь Репнин поручик Сухтеленнинг отини айтди.

¹ Конвой (голландча) – 1) қўриклаб, кузатиб борувчи қуролли сокчилар отряди; 2) транспорт ёки савдо кемаларини қўриклаб, кузатиб борувчи кемалар ёки самолётлар гурухи.

Наполеон унга қараб табассум билан:

– Биз билан урушишга жуда шошилибди-да, бу йигитча,
– деди.

– Ботирлик ёшга қарамайды, – деди Сухтелен бўлиб-
бўлиб.

– Жуда яхши жавоб, – деди Наполеон. – Келажагингиз
порлок, йигитча!

Асиirlарни Наполеонга тўла намойиш қилиш учун ол-
динга қўйилган князь Андрей императорнинг диққатини
жалб килди. Наполеон уни илгари жанг майдонида кўргани
ва ўшанда уни ёш йигит, деб айтгани эсига тушди, шекилли,
Болконскийга мурожаат қилганида яна ўша сўзни ишлатди:

– Хўш, ёш йигит? – деди унга қараб, – аҳволингиз қалай,
қадрдоним?

Князь Андрей бундан беш дақика илгари замбилда олиб
кетилаётганида аскарларга гапира олгудай бўлса ҳам, ҳозир
Наполеонга тикилиб индамай тураверди. У эндиғина кўриб-
билгани баланд, адолатли ва шафқатли ўша осмонга киёс
қилганида Наполеон ҳозир машғул бўлаётган ҳамма нарса,
назарида, арзимас, қаҳрамони бўлмиш Наполеоннинг ўзи
эса шуҳратпастлиги ва ғалаба нашъяси билан пасткаш бир
одамдай кўринди ва шунинг учун унинг саволига жавоб ҳам
беролмади.

Қон кетиб, дармонсизлашган ва ўлим куттани натижасида
бошига келган юксак фикрларга назаран ҳозир ҳамма
нарса унинг кўзига, дарҳакиқат, фойдасиз ва арзимасдек кў-
ринар эди. У Наполеоннинг кўзига тикилар экан, буюк одам
бўлиш ҳам, маъносини ҳеч ким билмайдиган хаёт ҳам икки
пулга арзимаслиги, жон эгаларидан ҳеч кимса ҳам, тагига
етолмайдиган ўлим яна ҳам арзимас бир нарса эканлиги
тўғрисида ўйлар эди.

Император ундан жавоб ололмай, отининг бошини
бурди-да, бошлиқлардан бирига мурожаат қилди:

– Айтинг, бу жанобларга қарашсин, менинг карорго-
химга олиб боришсин; менинг докторим Ларрей уларнинг
ярасини кўрсин. Хайр, князь Репнин, – деб отини чоптириб
кетди.

Унинг юзида мамнуният ва баҳт ифодаси барқ уриб турар эди.

Князь Андрейни олиб келган аскарлар унинг бўйнига опаси княжна Марья такиб кўйган тилла санамни олишган эди, бироқ императорнинг асиirlарга яхши муомала қилганини кўриб, санамни дарров Болконскийнинг бўйнига осиб кўйишиди.

Князь Андрей ингичка тилла занжирили санам тўсатдан бўйнида мундири устида пайдо бўлиб қолганини кўрди-ю, буни ким ва қандай таққанини билмади.

Князь Андрей бир вақтлар опаси зўр меҳр ва ихлос билан бўйнига тақкан бу санамга қарап экан, ўйлар эди: «Қани энди, ҳамма нарса княжна Марья ўйлагандай жўнгина, очик-равшан бўлса, қани энди, одам бу дунёда кимдан ёрдам сўрашни-ю, у дунёда нима бўлишини билса! Агар мен хозир: эй, парвардигори олам, ўзинг раҳм кил! – дея олсан, нақадар баҳтиёр ва хотиржам бўлар эдим. Лекин буни кимга ҳам айтаман? Мен сифиниш у ёқда турсин, балки сўз билан ифодалай олмаганим, нима эканлиги номаълум ва идрок етмайдиган куч ё буюк қудратга, ёки ҳеч нарсагами, – дер эди ўзича, – княжна Марья мана бу туморга тикиб кўйган худогами? Ўзим англаган ҳамма нарсанинг ҳеч нарсага арзимаслигидан ва англаб бўлмайдиган, лекин жуда муҳим аллақандай бир нарсанинг буюклигидан бошқа ҳеч, ҳеч тўғри гап йўқ!»

Замбилиларни кўтаришиди. Ҳар сафар замбил силкингандан унинг яраси жуда қаттиқ оғрир ва иситмаси ошиб, алаҳлай бошлар эди. Отаси, хотини, опаси, эндинина дунёга келиши кутилган фарзанди тўғрисидаги хаёли, жанг бошланадиган кечаси қалбida бўлган меҳр-у муҳаббат туйғуси, кичкинагина ва кўзига пашшадай кўринган Наполеон ва буларнинг ҳаммасининг устида турган баланд осмон унинг иситма хаёли эди.

Лисие Горидаги тинчгина ва осойишта оилавий ҳаёти унинг кўз олдига келди. У мана шу ҳаётдан лаззатлана бошлаганда бирдан кўз қараши хиссиз, маҳдуд¹ ва бошқалар-

¹ Маҳдуд (арабча) – чегараланган, атрофи ўралган.

нинг бахтсизлигидан хушбахт бўлган Наполеон келиб, яна шубҳа, азоб-у укубат бошланар ва унга факат осмонгина тасалли берар эди. Эрталабга боргандада князь Андрей яна хушидан кетди ва у орзу-хаёллари чувалган фикрлар зулмати орасида колиб кетди. Наполеоннинг доктори Ларрейнинг айтишига қараганда, князь Андрейнинг тузалишидан кўра ўлиши аникрок эди.

– Бу одам асабий ва баджахл, – деди Ларрэй, – , тузалмайди.

Князь Андрей тузалишига умид бўлмаган бошка ярадорлар қаторида кишлок аҳолисининг қарамоғига топширилди.

I

1806-йилнинг бошларида Николай Ростов отпускага¹ кайтди. Денисов ҳам ўз юрти Воронежга кетмоқда эди, Ростов уни Москвага бирга бориб, ўзлариникига тушишга кўндириди. Москвага бир бекат қолганда Денисов бир ўртогини учратиб, у билан уч шиша вино ичди-да, Ростовнинг ёнида ухлаб қолди; йўл ўнкир-чўнкир бўлиб, чана харчанд чайқалса ҳам, Денисов Москвагача уйғонмади. Ростов эса Москвага яқинлашган сайин бетоқат бўлар эди.

Улар заставада² отпушкаларини қайд килдириб, Москвага киргандарида Ростов ичида: «Қачон етамиз? Қачон етамиз? Оббо, кўчалари, дўконлари, калаchlари, фонуслари, извошлари курсин!» – дер эди.

Ростов талпинса, чана тезроқ юрадигандай энгашиб:

– Денисов! Тур, келдик! Ухлагани ухлаган! – деди.
Денисовдан садо чиқмади.

– Ана Захар извошчи турадиган чорраҳа; ана, Захарнинг ўзи, ўша оти, мана ширин кулча сотиб оладиган дўконимиз.

¹ Отпушка (*руссча*) – меҳнат таътили.

² Застава (*руссча*) – чегарада сокчиллик килувчи ҳарбий қисм ва шу қисм жойлашган маскан, жой.

Қачон етамиз? Мунча узоқ бўлиб кетди!

– Қайси ҳовлига? – деб сўради аравакаш.

– Хув ана, кўчанинг охиридаги катта иморат, кўрмаяпсанми! Шу бизнинг ҳовлимиз, – деди Ростов, – ахир шу уй бизники-да! Денисов, Денисов! Келиб қолдик.

Денисов бошини кўтариб йўталди-ю, хеч нарса демади.

– Дмитрий, – деди Ростов тахта устунда ўтирган хизматкорига. – Ўша ёнаётган чироқ бизнинг ҳовлимизда эмасми?

– Ҳа, отангизнинг кабинетларида ҳам чироқ бор.

– Ҳали ухлашмабди-да, а? Ухлашмаганикин? Эсингдан чиқармагин, дарров янги венгеркамни¹ олиб бер, – деди Ростов энди сабза урган мўйловини силаб.

– Қани, ҳайда тезроқ, – деб бақирди аравакашга. – Вася, турсанг-чи, – деди яна ётиб олган Денисовга.

– Тезроқ ҳайда, уч сўлкавой ароқ пули оласан, – деб бақирди Ростов ҳовлисига уч уй қолганда. Назарида, от кимирламасдан бир жойда турғандай эди. Нихоят, чана ўнг томондаги катта эшикка томон бурилди, Ростов тепасига қараб, сувоқлари тушиб кетган ўша таниш карнизни, пилла-пояни ва йўлкадаги устунни кўрди. Чана тўхтагунча сабри чидамай сакраб тушиб, айвонга қараб чопди. Ҳовли ҳам жимжит, ким келганлиги билан иши бўлмагандай, қовоғини солиб турар эди. Айвонда ҳеч ким йўқ. «Эй худойим! Тинчлик-омонликикин?» – деди Ростов юраги орзикиб ва бир лаҳзагина тўхтади-ю, қийшайиброк қолган ўша эски зинадан юрганича чиқиб кетди. Графиня, тутқичи кир, деб ҳамиша койиниб юрадиган ўша эшик илгаригидай секингина очилди. Кираверищдаги уйда битта шам ёниб турар эди.

Чол Михайло сандиқ устида ётган эди. Каретада юрадиган ва каретани орқасидан баҳузур кўтаришга кучи етадиган ўша бақувват лакей Прокофий пиликдан чобота тўкиб ўтирган эди. Уйку босиб, бепарво ўтирган Прокофий очилган эшикка қаради-ю, бирдан ҳам кўркиб, ҳам суюниб кетди.

– Ё курдатингдан! Кичкина граф-ку! – деди Николайни таниб. – Бу қандоқ бўлди? Бўталогим! – Прокофий ҳаяжон-

¹ Венгерка – 1) венгрча ракс ва шу ракс мусикаси; 2) венгрча ҳарбий формада тикилган куртка (бу ерда шу маънода).

дан титраб-қалтираб, унинг келганидан хабар бермоқчи бўлди, шекилли, эшикка томон югурди-ю, лекин яна кайтди ва ёш хўжайнинг елкасига осилди.

– Тинчлик-омонлики? – деди Ростов қўлини унинг кўлидан тортиб.

– Худога шукур! Ҳамма соғ-саломат. Ҳозиргина овкат еб бўлишди! Кел, бир дийдорингга тўяй, тўрам!

– Ҳамма, соғ-саломатми?

– Ҳа, худога шукур! Худога шукур!

Ростов келганини ҳеч кимга билдирамай, пўстинини ечиб ташлаб, Денисовни ҳам тамоман эсидан чиқариб, оёқ учида коронги катта залга кирди. Бу ер ҳам ҳамон илгаригидай: карта ўйналадиган ўша столлар, усти ёпиб қўйилган ўша катта қандил. Бироқ кимдир ёш хўжайнини кўриб қолиб, Николай меҳмонхонанинг эшигига етмасдан, ёнбошдаги эшиқдан елдай югуриб келди-ю, уни кучоклаб ўпа бошлади. Яна бошқа эшиклардан бошқа одамлар шунга ўхшаш чопиб келиб уни қучоклаб-ўпиб, курсандликдан кўз ёши килишди. Николай бу одамлардан қайсиси отаси, қайсиси Наташа, қайсиси Петя эканини билолмас эди. Ҳамма бара-варига кичкирар, гапирав, ўпар эди. Ростов буларнинг ичидан онаси йўклигинигина билар эди, холос.

– Мен билмабман ҳам... Николушка... айланай!

– Мана... ўзи... дўстим Коля... ўзгариб кетибди! Шам йўқми! Нима бало!

– Мени ҳам ўпсанг-чи!

– Айланай... мени-чи.

Соня, Наташа, Петя, Анна Михайловна, Вера, кекса граф уни қучоклашар эди, хизматкорлар, оксоchlар бир уй бўлиб чугурлашар ва ўз курсандликларини ифода килишар эди.

Петя унинг оёгига ёпишиб:

– Мени-чи, мени ўпмайсанми? – деб кичкирди.

Наташа акасининг бўйинини эгиб, юз-кўзидан чўлп-чўлп ўпганидан кейин ўзини четга олди-да, унинг венгеркасини этагидан ушлаганича эчкидай ирғишлиб, чийиллай бошлади.

Теварак-атрофда кўзларига қувонч ёши тўлган, лаблари

бўсага тайёр одамлар турар эди.

Кип-қизариб кетган Соя ҳам унинг кўлидан ушлаб, қарашини кутиб гул-гул очилиб турар эди. Соя ўн еттига қадам қўйган бўлиб, айникса, ҳозир, унинг келганига суюниб очилганидан ниҳоятда чиройли бўлиб кетган эди. У тин олмай, кулимсираб Николайга тикилганича турар эди. Николай унга ташакқуромуз назар ташлади, лекин ҳануз кимнидир кутар ва излар эди. Кекса графиня ҳали чиқмаган эди. Ниҳоят йўлакдан оёқ шарпаси эштилди. Лекин бу оёқ шарпаси жуда тез, онасининг юришига ўхшамас эди.

Аммо келаётган онаси бўлиб, у Николай йўклигига тиктирган янги кўйлагини кийиб олган эди. Ҳамма четланди, Николай онасининг истикболига югурди, она-бала кўришганда графиня йиғлаб, ўзини унинг бағрига ташлади. У бошини кўтаролмас, юзини ўғлининг венгеркасининг совук шнурларига тобора қаттикроқ босар эди. Кирганини ҳеч ким пайқамаган Денисов уларга қараб, кўзларини уқалаб бир четда турар эди.

– Мен ўғлингизнинг дўсти Василий Денисов бўламан, – деди у, – савол назари билан қараган графга ўзини танитиб.

– Хуш келибсиз, хуш келибсиз. Биламан, – деди граф уни кучоқлаб ўпиди, – Николушка сизнинг тўғрингизда ёзган эди... Наташа, Вера, мана Денисов.

Ўша бахтиёр, кувноқ ҷехралар, сочи ҳурпайган Денисовга ўтирилди ва уни куршаб олишиб.

Хурсандлигидан ўзини йўқотиб қўйган Наташа чопиб унинг олдига келди-ю:

– Вой, жонгинам, Денисов! – деб уни қучоқлаб ўпди. Наташанинг бу қилмишидан ҳамма хижолатда қолди. Денисов ҳам қизариб кетди, лекин кулимсираганича Наташанинг қўлини олиб ўпди.

Денисовни алоҳида тайёрлаб қўйилган уйга олиб киришди. Ростовлар эса истироҳат бўлмасида Николушка атрофига тўпланишди.

Кекса графиня унинг қўлини ушлаганича дам-бадам ўпид ёнида ўтирас эди; бошқалар эса уларнинг атрофига тўпланиб, Николайнинг ҳар бир ҳаракатини, сўзини, қара-

шини кузатиб, унга хурсандлик ва меҳр-муҳаббат билан тикилиб туришар эди. Николайнинг укалари ва сингиллари унга якинрок ўтиргани жой талашар, чой, рўмолча, трубкани ҳар қайсиси мен келтираман, деб бир-бири билан жанжаллашар эди.

Ростов ўзига бўлган бу меҳр-муҳаббатдан жуда хурсанд эди, лекин учрашувнинг дастлабки дақиқалари шундай яхши бўлган эдикни, ҳозирги хурсандлиги, назарида, кам кўринди ва у яна нималарни дидир кутар эди.

Йўлдан чарчаб келган икки огайни эртасига соат тўқиздан ошгунча ухлашли.

Бериги уйда килич, сумка, қопчиқ, қопқоги очиқ жомадон, ифлос этиклар сочилиб ётар эди. Ҳозиргина пардозланган шпорлик бир жуфт этик девор тагида турар эди. Хизматкорлар дастшўй¹, соқол олгани иссиқ сув ва чўткараб тозаланган кийим-кечакларни олиб келишибди. Уйдан тамаки ва эркак ҳиди келар эди.

– Ҳой, Гришка, трубкани келтир, – деб кичкирди Васька Денисов бўғиқ товуш билан. – Ростов, турсанг-чи!

Ростов кўзларини укалаб, иссиқ ёстиқдан бошини кўтарди. Унинг соchlари тўзиб кетган эди.

– Нима, ухлаб қолибмизми?

Наташанинг:

– Ҳа, соат тўқиздан ошди, – деган товуши эшитилди ва нариги уйда оҳорланган кўйлакларнинг шилдираши, кизларнинг шивирлагани ва кулгани эшитилди: кия турган эшикдан ҳаво ранг бир нима, лента, кора соchlар ва кулиб турган юзлар кўзга чалинди. Булар Наташа билан Соня ва Петя бўлиб, меҳмонлар туришмадимикин, деб хабар олгани келишган эди.

Эшик олдидан яна Наташанинг:

– Николинъка, тур, – деган товуши эшитилди.

– Ҳозир!

Шу пайт Петя нариги уйда килични кўриб дарров қўлига олди-ю, жанговар сохибкiron акасини кўриб ўзида йўқ суюнган боладай хурсанд бўлди ва опаларининг ҳали кийин-

¹ Дастшўй – кўл ювишда ишлатиладиган рўзгор буюми.

маган эркакларга кўзи тушуви айб эканлигини ҳам унугиб, эшикни очиб юборди.

– Бу қилич сеникими? – деб кичкирди Петя. Қизлар ўзларини четга олишди. Денисов, қўзлари олайиб, «Бў қандок бўлди» деган мазмунда ўртоғига қарап экан, жун босган оёгини кўрпанинг остига тиқди. Петя ичкарига кириши билан эшик ёпилди. Эшикнинг нариги ёғидан қизларнинг кулгиси эшитилди.

Яна Наташанинг:

– Николинъка, халат кийиб чиқа қол, – деган товуши эшитилди.

– Бу қилич сеникими? – деб сўради Петя, – ё сизникими?

– деди мўйловли, кора Денисовга хушомадомуз ҳурмат билан мурожаат қилиб.

Ростов шошиб-пишиб оёғига кийди ва халатини елкасига ташлаб нариги уйга чиқди. Наташа шпорли этикнинг бир пойини кийган, иккинчисига оёгини тиқмоқда эди. Соня эса гир айланиб, кўйлагининг этагини шишириб, энди ўтиромокчи бўлиб турган эди. Иккови ҳам бир хилда ҳаворанг янги кўйлак кийган, икковининг ҳам юзи қип-қизил, қувноқ эди. Соня кочиб кетди, Наташа эса акасини кўлтиқлаб истироҳат бўлмасига олиб кирди ва шу ерда иккови гаплаша кетди. Ака-сингил ўзларинигина қизиктирадиган сон-саноксиз икир-чикирлар тўғрисида бир-бирига савол-жавоб қилишар эди. Наташа ўзи ҳар бир оғиз сўз айтганда ҳам, акаси гапирганда ҳам кулар, лекин унинг қулиши орада қизик гаплар ўтаётганлигидан эмас, балки хурсандлигидан ва бу хурсандликни ичига сифдиролмаганлигидан эди.

У икки гапнинг бирида:

– Мунча яхши, мунча ҳам яхши! – деб қўяр эди.

Ростов сўнгти бир ярим йил мобайнида биринчи марта ҳароратли муҳаббат нури таъсиридан кўнгилда ва юзида маъсум табассум сездики, уйдан чиқиб кеттанидан бери бу хилда табассум килмаган эди.

– Йўқ, менга кара, – деди Наташа, – энди катта йигит бўлибсан-а? Шундай акам бор-а! – деди унинг мўйловига кўл теккизиб, – йигитлар қанака бўлади-я? Шуни билмок-

чиман. Бизга ўхшаганми сизлар? Иўкми?

– Соня нега кочиб кетди? – деб сўради Ростов.

– Буни қўй, гап кўп. Соня билан гаплашганингда сенсирайсанми, сизлайсанми?

– Кўрамиз-да, – деди Ростов.

– Сизлагин, хўпми, мен сенга кейин айтиб бераман.

– Нима гап экан?

– Хўп, ҳозир айта қолай. Соняниг ўртогим эканлигини биласан-а. Бизлар шунака ўртоқки, унинг учун мен қўлимни ҳам куйдирман. Мана, кўр, – деб ҳарир кўйлагининг енгини шимарди ва узун нозик қўлининг тирсагидан анча юкори (балда кийиладиган кўйлак ҳам беркитиб турадиган) жойидаги кизил изни кўрсатди.

– Уни канчалик яхши кўрганлигимни билдириш учун шу еримни ўзим куйдирганман, темир чизғични ўтда киздирдим-у, босдим.

Ростов ўзининг бурунги уйида, ёстиқчалар кўйилган диванда ўтириб, Наташанинг кувнок ва ўйнаб турган кўзларига қарап экан, ўзидан бошқа ҳеч кимга ҳеч қандай киммати бўлмаган, лекин унга ҳаётда энг катта хузур-ҳаловат багишлаган болалик олами кучогига яна кириб кетди. Наташанинг муҳаббат билдириш учун чизғич билан қўл куйдирганилиги ҳам унга бемаъни кўринмади, чунки Ростов буни англар ва бунга ҳайрон бўлмас эди.

– Хўш, бутун гап шуми? – деди Ростов.

– Жонажон ўртоқмиз-да, ўртоқмиз. Чизгич билан қўл куйдериш нима деган гап экан. Қиёматли ўртоқмиз. Соня бирорни яхши кўргудай бўлса, ўла-ўлгунча яхши кўради: лекин мен негадир унақа эмасман, дарров эсимдан чиқараман.

– Хўш, яна нима?

– Нима бўлар эди, Соня мени ҳам, сени ҳам яхши кўради! – Наташа тўсатдан қизариб кетди. – Эсингда борми, жўнайдиган кунинг... Ўша гапларни эсидан чиқарсин, дейди... Мен уни ўла-ўлгунимча яхши кўраман, лекин унинг боши очик, дейди. Жуда яхши, олижаноб одамнинг гапи-а! Нима дейсан? Олижаноб-а? Шундай эмасми? – деди ва бу

саволларни шундай жиддият билан ва ҳаяжон ичида берардики, ҳозир гапираётган бу гапларини илгари йиғлаб гапирғанлиги кўриниб турар эди. Ростов ўйланиб қолди.

– Мен ҳеч қачон лафзимдан қайтмайман, – деди Ростов, – бундан ташқари, Соня шундай дилбар кизки, бундай баҳту толедан ахмок юз ўтиради.

– Йўқ, йўқ, – деди Наташа қичқириб, – бу тўғрида биз гаплашганимиз. Сенинг шундок дейишишингни билар эдик. Лекин бу тўғри келмайди, чунки сен шундок десанг, лафзимдан қайтмайман, дейдиган бўлсанг, Соня ҳалиги гапни жўрттага айтгандай бўлиб қолади. Унда сен ҳар нечук, уни мажбуран оладиган бўлиб чиқасан. Унда тўғри келмайди.

Ростов бу гапларни Соня билан Наташа бамаслаҳат пишиб кўйганини фаҳмлаб турар эди. Соня кеча ҳам уни ўзининг ҳусн-у жамолига қойил қолдирган эди. Ҳали кия очиқ турган эшиқдан кўзи тушганда кўзига кечагидан ҳам чиройлирок кўринди. У ўн олти яшар, тўлин ойдай қиз бўлиб, афтидан, Ростовни жондан ортиқ яхши кўрар эди (Ростов бунга заррача ҳам шубҳа килмас эди). «Нега энди уни яхши кўрмайин-у, ҳатто уйланмайин, – деб ўйлар эди Ростов, – лекин... Ҳозир бошқа хурсандчилиг-у машғулотдан кўпи борми? Ҳа, икковининг ўйлаган нарсаси маъқул, – деди Ростов ичида, – менинг бошим очиқ бўлиши керак».

– Хўп, жуда яхши, – деди Ростов, – кейин гаплашамиз.
– Сени кўрганимга шунчалик хурсандманки! – деди у яна.

– Хўш, сен қалайсан, Борисни эсингдан чиқарганинг йўқми? – деди акаси.

– Кўйсанг-чи! – деди кулиб Наташа. – Борисингни ҳам танимайман, бошқасини ҳам.

– Ҳали шунаками! Нима бўлди сенга?

– Менгами? – деди Наташа гул-гул очилиб кулиб. – Сен Дюпорни кўрдингми?

– Йўқ.

– Машҳур ракқос Дюпорни кўрганинг йўқми? Кўрмаган бўлсанг тушунмайсан, мен мана бунақа бўлиб кетганман. – Наташа раксга чоғланиб, юбкасининг этагини икки томондан ушлади-да, бир неча қадам нарига югуриб бориб ирғиди,

оёқларини бир-бирига урди ва оёгининг учтинасида бир неча қадам босди.

– Оёгимнинг учида турибмайми? Кўрдингми, – деди, лекин оёқ учида кўп туролмади. – Мана, мени кўрдингми! Ҳеч эрга тегмайман, раккоса бўламан. Лекин бу гапни ҳеч кимга оғзингдан чиқарма.

Ростов шу қадар қаттиқ қулдикки, нариги уйда ўтирган Денисовнинг ҳаваси келди ва Наташа ўзини тутолмай унга қўшилишиб қулди.

– Яхши-я? – дер эди Наташа қайта-қайта.

– Яхши. Демак, энди Борисга тегмайсан-а?

Наташанинг жаҳли чиқди.

– Ҳеч кимга ҳам тегмайман. Кўрсам, ўзига ҳам шу гапни айтаман.

– Ҳали шундокми? – деди Ростов.

– Ҳа, кел, қўй бу гапларни, – деди Наташа, – Денисов яхши одамми?

– Яхши одам.

– Хўп бор, кийин. Денисов бадфеъл эмасми?

– Нега бадфеъл бўлади? – деди Николай, – йўқ, Васька хушфеъл одам.

– Сен уни Васька дейсанми? Қизик... Хўш, у жуда яхши кишими?

– Жуда яхши киши.

– Хўп, тезроқ чойга чик. Ҳаммамиз бирга ичамиз.

Наташа худди раккосалардай оёқ учида юриб ва ўн беш яшар кувноқ қизлардек табассум килганича уйдан чиқиб кетди. Ростов меҳмонхонада Соняни кўриб кизариб кетди. У Соняга қандай муомала килишини билмас эди. Кеча биринчи кўришилгандаги хурсанд дақиқаларида иккови ўпишган эди, лекин хозир ундан килиш мумкин эмаслигини иккови ҳам билар эди; Ростовнинг назарида, ҳамма: онаси ҳам, ҳамширлари ҳам худди унга, қани, Соняга қандай муомала килар экан, деб қараб тургандай бўлар эди. У Сонянинг кўлини ўтиб, ўзини узокрок тутгандай сизлаб гапирди. Лекин кўз-кўзга тушганда икковининг ҳам кўзи бир-бирини яқин тутиб «сенсирагани» ва кўзи билан бир-бирини юм-

шоққина ўпгани сезилиб турар эди. Соняниңг күзлари «берган ваъдангни Наташа орқали эслатганим учун кечир, менга кўнгил кўйганинг учун ташаккур» деб турар эди. Николинъканинг кўзлари эса «бошиңг очик деганинг учун қуллук, лекин ҳар қандай бўлганда ҳам сени яхши кўраман, чунки сени яхши кўрмай илож йўқ» дер эди.

– Вой тавба, – деди Вера бир лаҳза жимлик чўкканда, – Соня билан Николинъка бугун кўришганда худди бегона одамлардай сизлашиб гапиришди-я. – Веранинг бу мулоҳазаси ҳам унинг бошқа мулоҳазалари сингари тўғри мулоҳаза эди, лекин унинг мулоҳазалари кўпинча ҳаммани ўнгайсиз ҳолатда қолдиргандай бу гапдан кейин факат Соня, Николай ва Наташагина эмас, ҳатто мудом ўғлиниңг Соняга бўлган ва уни бой қизга уйланишдан маҳрум қиласидан муҳаббатидан кўркиб юрган қари графиня ҳам ёш қизлардай қизариб кетди. Денисов Ростовни ҳайратда қолдириб, эгнида янги мундир, пардоз-андоз қилиб, ўзига атир сепиб, жанг майдонларида юрганидек олифталаниб хонимлар ва кавалерларга жуда ширин забон бўлиб меҳмонхонага чиқди. Ростов, уни бу тахлитда кўришни сира хаёлига келтирмаган эди.

II

Армиядан Москвага қайтиб келган Николай Ростовни уй ичи яхши ўғил, қаҳрамон ва севикили Николушка деб, қавм-қариндошлар – меҳрибон, дилкаш ва хуш ахлоқ ёш йигит сифатида, таниш-билишлар келишган гусар поручиги, абжир раккос ва Москванинг куёв бўладиган энг яхши йигитлардан бири сифатида қарши олишди.

Ростовларнинг бутун Москва билан ошначилиги бор эди: кекса граф бутун мулкларини гаровга кўйгани учун бу йил пули жуда кўп эди, шунинг учун ҳам Николушка чопқир от, ҳали Москвада ҳеч ким киймаган жуда чиройли шим, тумшуғи узун ва кумуш шпорли энг яхши этик сотиб олиб, кунларни хурсандчилик билан ўтказар эди. Ростов, уйга қайтиб келганидан кейин, илгариги ҳаётини ҳозирги ҳаётига солиштириб бирмунча вакт димоги чоғ бўлиб юрди. Назари-

да, ҳозир түлишган ва катта йигит бўлиб колгандай эди. Дин дарсидан имтиҳон беролмай хафа бўлгани, извош кирага Гавриладан пул қарз олиб юргани, Соня билан яширикча ўпишганлари – буларнинг ҳаммаси болалигиде бўлиб ўтган ва ҳозир жуда узоқда қолиб кетгандай туюлар эди. У ҳозир зарҳал ментикили гусар поручик бўлиб қолган, аскарларга бериладиган Георгий нишонини олган, чопкир отини пойгода совутаётиди: машҳур овчилар, ёши улут кишилар, муҳтарам зотлар билай ҳамсұхбат. Унинг бульварда¹ турадиган хотин ошнаси бор, Кечкурунлари ўшанинг олдига боради. Архаровларникида бўлган балда мазуркага² дирижёрлик³ килди, фельдмаршал Каменский билан уруш тўғрисида сухбатлашди. Инглиз клубига борарди. Денисов таништирган кирқ ёшли бир полковник билан жуда яқин одамдай сенсирашиб гаплашар эди.

Москвага келганидан кейин унинг подшоҳга бўлган оташин муҳаббати бироз сусайди, чунки бу орада уни кўрмаган эди. Шундок бўлса ҳам, подшоҳ тўғрисида, унга ўзининг муҳаббати ҳакида кўп сўзлар ва шу билан бирга подшоҳга нисбатан кўнглида бўлган муҳаббатнинг ҳаммасини изхор қилмаганига, кўнглида бошқалар тушунмайдиган яна алланималар борлигига ишора қилиб кўяр; Москвада шу кунлари император Александр Павловичга «ер фариштаси» деб берилган унвонга жон-дили билан қўшилар эди.

Ростов Москвада, армияга қайтиб кетгунигача бўлган бу қиска муддат ичида, Соня билан яқинлашмади, аксинча, узоклашди. Соня чиройли, дилбар киз бўлиб қолган, афтидан, уни жуда яхши кўтаради, лекин Ростов ёшликнинг шундай бир даврида эдикни, бу даврда бунақа нарса билан машғул бўлишга қўли тегмайдигандай кўриниади ва йигит

¹ Бульвар (французча: boulevard – шахар девори) – икки томонлама харакатли кўча ўртасидаги кент хиёбон.

² Мазурка (польскча) – полляк халқининг миллий ракси.

³ Дирижёр (французча: diriger – йўналтириш, бошқариш, раҳбарлик қилиш) – мусиқа ижрочилиги санъатининг мураккаб туриси; мусиқа асарини ижрога тайёрлаш жараённада ҳамда бевосита тингловчи – томошабинлар олдида ижрочилар (оркестр, хор, ансамбль, опера, балет жамоалари ва бошқалар) га раҳбарлик қилувчи шахс.

бунга элашиб қолищдан күркәди – бошқа күп нарсаларга керак бўладиган эркини кўлдан беришга кўзи киймайди. У Москвада юрган бу кунларида Соня тўғрисида ўйлар экан, «Эй, ҳали бунақа нарса кўп учрайди, менинг билмаганларим жуда кўп. Тиласам, ҳали мухаббат билан ҳам машғул бўлгани фурсат бўлади, ҳозир фурсатим йўк», – дер эди. Бундан ташқари, хотин-кизларга араласиб юриш, назарида, нечукдир эркаклик ҳамиятига тегадигандай эди. У балларга, аёллар сұхбатига борганида, ўзини ноилож бораётганга солар эди. Пойга, Инглиз клуби, Денисов билан фиск-фужур йўлига юриши, у ёқка бориши – булар бошқа гап: ёш гусарга муносиб ишлар эди.

Март ойининг бошида кекса граф Илья Андреич Ростов Инглиз клубида князь Багратион шарафига зиёфат бериш тарафдудида бўлди.

Граф устида халат, князь Багратион шарафига бериладиган зиёфатга керакли сарсабил¹, бодринг, қулупнай, яхна гўшт ва балик тўғрисида клубнинг экономига² ва бош ошпази машхур Феоктистга амр-фармонлар бериб залда юрар эди. Граф клуб очилгандан бери унинг аъзоси ва оқсоқоли эди. Багратион шарафига зиёфат ташкил қилишни клуб графга топширган эди, чунки зиёфатни унингдай тўкин-сочин ташкил қиласидиган, лозим бўлганда ўз пулинин ҳам аямасдан харжлайдиган валламат ва меҳмондуст одам жуда кам топилар эди. Клубнинг ошпази билан экономи графнинг амр-фармонларига илжайиб қулоқ солишар, чунки улар бир неча минг сўмлик зиёфатга граф бош бўлгандагина кўпроқ юлиш мумкин эканлигини билишар эди.

– Ҳа, тож эсингдан чикмасин-а, тортига тож соласан!

– Демак, уч хил яхна тайёрлаймиз-а? – деб сўради ошпаз. Граф ўйланиб қолди.

– Бундан кам бўлса бўлмайди... майонез³ бир... – деди у бармоғини букиб.

¹ Сарсабил (форсча) – униб чикмаган (ер остидаги) ёш пояси ва новдалари сабзавот сифатида овқатта ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик.

² Экономъ (русча) – бошқаларнинг хўжалик ишларини бошқарувчи ходим.

³ Майонез (французча: mayonnaise) – тухум сариги, ўсимлик мойи, сирка ва хилмачил зираворларни аралаштириб тайёрланган кайла.

– Стерляд балигининг каттасини олаверайми? – деб сўради эконом.

– Нима ҳам килардик, айтганига олаверасан энди. Эй-ха, айтгандай, эсимдан чиқаёзиди: столга яна бошқа нарса кўйиш ҳам керак-ку ахир. Оббо худо урди, – деди бошини ушлаб. – Гулга ким боради? Митењка! Ҳой, Митењка! Сен Москвадан ташқаридаги бoggta от чоп! – деди югуриб кирган саркорга. – Москвадан ташқаридаги бoggta учеб бориб, боғбон Максимкага айт, дарров крепостнойларга¹ буюрсин. Айтки, гулхонадаги бутун гулларни наматта² ўраб, бу ерга юборсин. Жума кунигача икки юз тувак гул шу ерда бўлсин.

У тагин бирмунча амр-фармонлар бериб, дам олгани графиня олдига кирмокчи бўлган эди, яна бир нарса эсига тушиб қайтди ва ошпаз билан экономии чакириб, яна амр-у фармонлар бера бошлади. Эшикдан эркак кишининг енгил қадам ташлаши ва шпорнинг жиринглаши эшитилди-ю, чиройли, икки юзи кип-кизил, мўйлови энди сабза урган, афтидан, Москвада тинчгина ётиб хўп хордиги чикиб, семириб колган ёш граф кирди.

– Эй, бормисан! Бошим ғовлаб кетди, – деди граф ўғлидан уялгандай кулимсираб! – Ҳеч бўлмаса сен қарашсанг бўлар эди. Ҳали ашулачи топиш керак. Созандалар ўзимдан чикади, лўлилардан чақирсакмикин? Сиз харбийлар, шуларни яхши кўрасизлар.

– Дада, ростини айтсан, князь Багратион Шенграбен жангига тайёргарлик кўрганида ҳам сизчалик ташвиш тортмагандир, – деди ўғли кулимсираб.

Кекса граф ёлғондан ковоғини солди.

– Гапирасан-да, шу ишни сен килиб кўр-чи. Граф отаболага маъноли ва ҳурмат сақлаган қиёфада мушоҳадакор ва мулоийим назар ташлаб турган ошпазга мурожаат қилди.

– Бу ёшларни кўраётисанми, Феоктист? – деди граф. – Биз қарияларни мазах килаётиди.

– Булар факат яхши овқат ейишни билишади, тўрам,

¹ Крепостной (*руска*) – помешчиларнинг ўзига қарашли дехконларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгалик килиш хукуки.

² Намат (*форсча*) – юнгдан босиб ишланган; кигиз.

лекин буни қанақа қилиб пиширади-ю, қанақа килиб дастурхонга қўяди – буниси билан ишлари йўк.

– Шундайми ҳали, – деди граф ва кулиб ўғлининг икки кўлидан ушлаб қичкирди. – Мана энди мен сени ҳам ишга соламан, кўлимга тушдинг! Ҳозир қўш отли чанани ол-у, Безуховнигига бориб, граф Илья Андреич кулупнай билан ананас сўрабдилар, дегин. Бошқа ҳеч кимдан топа олмайсан. Агар ўзи бўлмаса, кириб княжналарга айт; у ердан чикиб, тўғри Разгуляйга бор – кучер Ипатка билади – граф Орлов-никида оқ камзул кийиб ўйинга тушган лўли Ильюшка эсингда борми, ўшани топиб бу ерга олиб кел.

– Лўли хотинларни ҳам бирга олиб келайми? – деди Николай кулиб.

– Бор, гапни кўпайтирма!

Шу пайт юмшоқ-юмшоқ қадам босиб, ташвишманд ва шу билан бирга юзидан сира аримайдиган насронийларга хос ҳалимлик акс этган Анна Михайловна кириб келди. Гарчи Анна Михайловна графни ҳар куни халатда кўрса ҳам, граф ҳар сафар хижолат бўлар ва шу ҳолда кўринганига ундан узр сўрар эди.

– Майли, майли, граф, чироғим, – деди Анна Михайловна ҳалимлик билан кўзини юмиб. – Безуховнигига мен бораман. Ёш Безухов шу ерда, унинг гулхонасидан ҳаммасини топамиз, граф. Ўзим ҳам уни кўрмоқчи эдим. Борисдан менга ҳат келган экан, шуни бериб юборибди. Худога шукур, Боря штабга ўтибди.

Анна Михайловна ҳам зиммасига бир иш олганидан граф хурсанд бўлиб, кичкина каретани қўшгани буюрди.

– Безуховга айтинг, ўзи ҳам келсин. Мен уни рўйхатга ёзиб қўяман. Хотини билан келармикин? – деб сўради граф.

Анна Михайловна кўзининг паҳтасини кўрсатди, унинг юзида зўр қайгу акс этди.

– Эй, жигарим, бечоранинг хотиндан толеи бўлмади, – деди у. – Агар биз эшигтан гаплар рост бўлса, шўри курсин! У уйланганига шунчалик хурсанд бўлганимизда бу гаплар хаёлимизга ҳам келмаган эди. Безухов шундай олижаноб, олиҳиммат йигит! Мен унга чин кўнглимдан ачинаман,

кўлимдан келганча унга тасалли беришга ҳаракат қиласан.

– Эй, нима бўлиди? – деди ота-бала Ростовлар. Анна Михайловна чукур хўрсинди.

– Марья Ивановнанинг ўғли Долохов, – деди у секин пичирлаб, – Эленининг обрўйини тўккан эмиш. Пьер уни рўёбга чикарди, Петербургда уйига йўл берди, у бўлса тузини ичиб, тузлигига... Элен бу ерга келган эди, у касофат орқасидан эргашиб келди, – деди Анна Михайловна ўзининг Пьерга ачинаётганини кўрсатмоқчи бўлиб, лекин унинг гап оҳангига ва жилмайшидан, ўзи айтмоқчи касофатга, яъни Долоховга хайриҳоҳ эканлиги кўриниб турар эди. – Пьер ҳам бу қайгу билан ўзини еб қўйган эмиш.

– Ҳар калай, Пьерга айтинг, клубга келсин, зиёфатда ўйин-кулги билан кўнгли ёзилади.

Эртаси, 3 марта, кундузи соат иккода, 250 кишидан иборат Инглиз клуби аъзолари ва 50 кишидан иборат меҳмонлар Австрия юришининг қаҳрамони, қадрли меҳмон князь Багратионнинг зиёфатга келишига мунтазир эди. Аустерлиц жанги тўғрисида хабар келган дастлабки кунларда бутун Москва гаранг бўлиб қолган эди. Ўша вактларда руслар ғалабага шунчалик ўрганиб қолган эдикни, мағлубият тўғрисида хабар келганда баъзилар ишонмади, баъзилар эса бундай ғайритабийи ҳодисага фавқулодда бирон нарса сабаб бўлгандир деб ўлади. Инглиз клубига йигиладиган ҳамма нарсадан хабардор обрўли барча оқсуяклар жанг майдонидан хабарлар келиб турган декабрь ойида, худди ҳаммалари тил бириктиргандай, на уруш тўғрисида ва на охирги жанг ҳакида оғиз очишмас эди. Бўладиган гап-сўзларни йўллайдиган граф Растворчин, князь Юрий Владимирович Долгоруков, Валуев, граф Марков, князь Вяземскийга ўхшаган одамлар клубга келмасдан, ўзлари йигилишиб хусусий сұхбатлар куришар эди, бошқалардан эшишиб гапирадиган москваликлар (Илья Андреевич Ростов ҳам шулар жумласидан эди) бир неча вакт уруш тўғрисида бирон фикр айтишдан ожиз ва раҳбарсиз бўлиб қолди. Москваликлар кандайdir кўнгилсиз бир иш бўлаётганини, бу совук хабарларни муҳокама килиш кийин эканлигини ва шунинг учун ҳам яхшиси

жимгина ўтириш маъкуллигини сезишар эди. Бирок бирмунча вактдан кейин, кенгаш бўлмасидан чиккан суд маслахатчиларидек, клубда маълум бир фикр айтадиган куизирлар хам пайдо бўлишиди ва ҳамма аник-равshan гапирадиган бўлди. Фавқулодда, кўз кўрмаган ва кулок эшитмаган, имконият хорижида бўлган воқеа – рус аскарларининг мағлуб бўлганлиги сабаблари топилиб, ҳамма нарса равshan бўлди, бутун Москва шу тўгридагина гапира бошлади. Бу мағлубиятга сабаб: австрияликларнинг хиёнат килганлиги, кўшинларнинг озик-овқати ёмон бўлганлиги, поляк Пржебишевский ва француз Ланжеронинг хиёнати, Кутузовнинг кобилиятсизлиги ҳамда ярамас ва анчайин одамларга ишонганинг подшохнинг ёшлиги ва тажрибасизлиги (бу гапни секин айтишар) эди. Лекин кўшинлар, рус кўшинлари мисли кўрилмаган жасорат ва мўъжизалар кўрсатди, дейишар эди. Аскарлар, офицерлар ва генераллар қаҳрамон эди. Лекин Шенграбен жанги ва Аустерлицдан чекиниш билан донг чиқарган Багратион қаҳрамонларнинг қаҳрамони эди (у Аустерлицда бир ўзи колоннасини бузмасдан олиб чиккан ва ўзидан икки ҳисса ортиқ кучга эга бўлган душман билан куни бўйи олишган). Москваликлар уни қаҳрамон деб кўтаришларига унинг Москвада катталардан ошнаси бўлмаганлиги ва москваликлар учун бегона одам эканлиги ҳам сабаб бўлган эди. Уни жанговар, тўпори, катталардан ошнаси бўлмаган ва хийла-найрангни билмайдиган, Суворовнинг Италияга қилган юришида қатнашган рус аскари сифатида хурмат қилишар эди. Бундан ташқари унга бўлган бу иззат-хурмат Кутузовни хушламасликларини, ёқтирасликларини яхшироқ кўрсатар эди.

Багратион бўлмаганда ҳам уні ўйлаб чиқариш керак эди, – деди хазилкаш Шиншин Вольтернинг сўзини ҳажв килиб. Кутузов хусусида хеч ким оғиз очмас, баъзилар уни сарой мегажини ва қари фосик деб секин сўкиб кўйишар эди.

Бутун Москва бизнинг мағлубиятимиз хақида бурунги галабаларимизни эслаб ўзига тасалли берган князь Долгоруковнинг «урушаверсанг ўрганиб қоласан» деган сўзларини такрорлар, Растопчиннинг француз аскарларини жангга йўл-

лаш учун уларни дабдабали сўзлар билан руҳлантириш, немисларни эса мантикий равишда фикр юргизиб, олға борищдан кўра орқага қочиш хавфлирок эканлигига ишонтириш керак, лекин рус аскарларини фақат тутиб туриш, уларга «секинрок» дейиш кифоя, деган гапларини қайтарар эди. Ҳар томондан бизнинг аскар ва офицерларимизнинг Аустерлиц жангидаги кўрсатган айрим мардлик намуналари хақида янги хабарлар тарқалмоқда эди. Бироқ байроқни қутқариб қолган, бироқ бешта француздни ўлдирган, бироқ ўзи якка бешта замбаракни ўқлаб бериб турган. Берг тўғрисида ҳам гапирадилар, уни билмаган одамлар «у, ўнг кўли ярадор бўлганда, килични чап қўлига олиб олға борибди» дейишарди. Болконский тўғрисида ҳеч ким гапирмас, уни яқиндан биладиган одамларгина ҳомиладор хотини ва қариб, табиати ғалати бўлиб қолган отасини додг-ҳасратда қолдириб ёш ўлиб кетганлиги хақида афсус килишар эди.

III

3-мартда Инглиз клубининг ҳамма бўлмалари ғовурга тўлди, мундир, фрак, баъзи бирлари упа сепилган парик¹ билан кафтани кийган клуб аъзолари ва меҳмонлар худди баҳорда тўзиган асаларидай нари-бери юришар, ўтиришар, тикка туришар, тўпланишар, таркалишар эди. Ҳар бир эшик олдида упа сепилган парик, пайпок, бошмоқ ва хизматкорларга хос либос кийган лакейлар, меҳмонлар ва клуб аъзоларининг ҳар бир ҳаракатларига зеҳн солиб, хизматга ҳозир бўлиб туришар эди. Бу ерда тўпланганларнинг кўпчилиги юзлари кенг ва пурвикор бармоклари йўғон-йўғон, ҳаракатлари ва товушлари кескин кекса муҳтарам зотлар эди. Бу тоифа меҳмонлар ва клуб аъзолари маълум ва одатдаги жойларда ўтиришар, маълум ва одатдаги даврага қўшилишар эди. Бу ерда ҳозир бўлган одамларнинг оз кисми тасодифий кишилар бўлиб, бу тасодифий кишиларнинг кўпи ёшлар, булар орасида Денисов, Ростов ва Семёнов полкида яна офицерлик унвонини олган Долохов ҳам бор эди. Ёш-

¹ Парик (французыча: раписса) – тутам-тутам сочлардан шакли ва рангини киши сочига ўхшатиб, бирор матога ёпиштириб тайёрланган ясама соч.

ларнинг, айниқса, ҳарбий хизматдаги ёшларнинг юзида қарияларни назарга илмай ҳурмат килиш, қарияларга «биз сизларни иззат ва ҳурмат килишга тайёрмиз, лекин, ҳар калай, эсларингдан чиқарманларки, келажак бизники», деган гуур ifодаси ётар эди.

Клубнинг эски аъзоси бўлмиш Несвицкий ҳам шу ерда эди. Хотинининг амри билан соч қўйиб, кўзойнак тақмайдиган бўлган ва жуда яхши кийинган, лекин жуда маъюс кўринган Пьер залларда айланиб юрат эди. Пьернинг молдунёси олдида бош эккан одамлар ҳар каердагидек бу ерда ҳам унинг атрофини ўраб олишар, Пьер ўзига одат бўлиб колган хукмдорлик ва паришонҳол менсимаслик билан уларга муомала қиласа эди.

У ёш жиҳатидан ёшлар қаторида ўтириши керак бўлса ҳам, мол-дунёси ва обрўли одамлардан ёр-ошиналари бўлганилиги сабабли қариялар, муҳтарам зотлар даврасига кирап ва шунинг учун даврама-давра юрат эди. Энг муҳтарам қариялар ҳамма давраларга марказ бўлган бир давра ташкил килишдики, машхур одамларнинг сўзларини эшитмоқ учун ҳатто нотаниш кишилар ҳам одоб билан бу даврага якилашди. Граф Растопчин, Валуев ва Наришкинлар атрофида катта-катга давралар ташкил топди. Растопчин русларнинг кочиб бораётган австрияликлар томонидан қандай босиб мажақлангани, улар найза ёрдами билан қочоклар орасидан ўзларига йўл очганлари тўғрисида сўзлади.

Валуев Москва аҳолисининг Аустерлиц тўғрисидаги фикрини билиш учун Петербургдан Уваровни юборишгани ҳақида яширикча гапирди.

Учинчи даврада Наришкин Австрия генералларининг бетамизликларига жавобан Суворов хўрозда бўлиб қичқирган Австрия ҳарбий кенгашининг мажлиси тўғрисида гапирав эди. Шу ерда турган Шиншин тегишиб, Кутузов, афтидан, Суворовдан хўрозда бўлиб қичқиришдек осонгина санъятни ҳам ўргана олмабди демоқчи бўлган эди, бироқ қариялар унга ҳўмрайишиб, бу ерда, бугун Кутузов ҳақида бундок дейиш одобдан эмас, деган ишорани килишди.

Граф Илья Андреич Ростов оёғида юмшоққина этик

шошиб-пишиб ошхонадан меҳмонхонага чиқар, катта-кичик ҳамма (буларнинг ҳаммасини билар эди) билан бир хилда саломлашар, ҳар замон ўзининг хушкомат, азamat ўғлини қидириб у ёқ бу ёкка қарап, уни кўрганида хурсанд бўлиб унга кўз кисар эди. Ёш Ростов якин орадагина танишган ва жонажон дўст бўлиб қолган ўртоғи Долохов билан дераза ёнида турап эди. Кекса граф буларнинг олдига келиб Долохов билан сўрашди.

Бизнигига марҳамат қил, бизнинг азamat билан танишсан... Урушда бирга қаҳрамонлик кўрсатгансизлар... Эҳ! Василий Игнатьевич-ку... салом, чол, – деди у олдидан ўтиб бораётган мўйсафидга, лекин ҳали ҳол-аҳвол сўраб улгурмаган эдики, бирдан ҳамма туриб қолди ва ранги ўчиб чопиб келган лакей: «Ташриф буюрдилар!» деб хабар берди.

Кўнгироқ товуши эшилди, клуб оқсоколлари югуриб чиқишидди: уйларда ўтирган меҳмонлар худди эланган буғдойнинг чоридай бир жойга тўпланишидди ва катта меҳмонхонада, залнинг эшиги олдиди туриб қолишидди.

Олдинги эшикда бошяланг, киличисиз Багратион намоён бўлди, у клубнинг расм-одатига кўра, шляпаси билан киличини швейцарда қолдирган эди. У Ростов Аустерлиц жангига арафасида кечаси кўрганидек барра телпак кийиб, елкасидан тўқима тасма ўтказган эмас, балки ихчамгина янги мундир кийиб, Россия ва чет эл орденлари, чап кўкрагига Георгий юлдузи тақиб олган эди. У сочи билан бакенбардини хозиргина, бу ерга келиш олдидан олдирган бўлса керак, афти-ангори хунукрок кўриниар эди. Унинг чехрасидаги сипохлик ва мардлик ифодасига қўшилиб, юзида кулгили бир ифода ҳосил қилган нечукдир маъсумона шодлик аломати бор эди. У билан бирга келган Беклешов ва Феодор Петрович Уваровлар, унинг асосий меҳмон сифатида олдин ўтишини истаб, эшик олдиди тўхташди. Багратион буларнинг кўрсатган ҳурматларидан андак шошиб қолди: эшик олдиди тўхтаб қолишидди, ниҳоят, Багратион, ҳар қалай, олдинга ўтди. У иккала кўлини қаерга кўйишини

бilmай, қабулхонанинг паркет¹ полидан тортиниб ва зўрга юриб борар, чунки унинг учун бундан кўра Шенграбенда Курск полки олдида юрганидек, ўқ ёмғири остида, ўнкир-чўнқир жойда юриш қулайроқ эди. Клуб оқсоқоллари уни биринчи эшик олдида қарши олиб, ҳурматли меҳмоннинг ташриф бујорганидан мамнун эканликларини бир-икки оғиз сўз билан арз этиб, унинг жавобини кутмасдан, худди у энди ўз ихтиёларида бўлгандай, уни қуршаб меҳмонхонага томон олиб кетиши. Меҳмонхона эшиги олдига тўпланган клуб аъзолари ва меҳмонлар орасидан ўтишнинг сира иложи йўқ: булар тикилишиб, худди нодир бир жоноворни томоша килгани интилгандай, бир-бирларини итаришиб, елкаларидан ошиб Багратионга қарашар эди. Бошқалардан кўра эпчилроқ бўлган граф Илья Андреич кулиб: «Йўл беринглар, қадрдонлар, йўл беринглар, йўл беринглар» дея-дея халойикни итариб-туртиб, меҳмонларни меҳмонхонага олиб кирди ва ўрта диванга ўтқазди. Клубнинг энг мўътабар аъзолари бўлмиш казо-казолар уларни ўраб олиши. Граф Илья Андреич яна халойикни ёриб ўтиб меҳмонхонадан чиқди ва ҳаял ўтмай, бошка бир оқсоқол билан бирликда каттакон бир кумуш лаган келтириб князь Багратионга тутди. Бу лаганда қаҳрамоннинг шарафига ёзилиб босилган шеърлар бор эди. Багратион лаганни кўриб чўчиб кетди ва нима қилишини билмай, орқасига қаради. Бирок ҳамма унинг рад қиласлигини талаб килгандай қараб тураг эди. Багратион ўзини буларнинг ҳукмронлиги остида сезиб, лаганни икки қўллаб олди, лаганни тутиб турган графга, бу нима қилганинг дегандай жаҳл билан қаради. Кимдир хизмат килган бўлиб, унинг кўлидан лаганни олди (йўқса кечгача ҳам тутиб турдиган ва дастурхонга ҳам шу билан борадигандай кўринар эди) ва ичидаги шеърга унинг дикқатини жалб қилди. Багратион худди «хўп, ўқийман» дегандай бўлди ва чарчаган кўзларини қогозга тикиб жиддий қиёфада, дикқат билан ўқишга кириши. Шеърни ёзган кишининг ўзи олиб ўқий бошлади. Князь Багратион бошини эгиб қулок солар эди.

Паркет (французча: parquet) – турар жой ва жамоат бинолари полларига коплаш учун мўлжалланган юпқа тахтacha ёки шундай тахтачалардан қилинган пол.

*Александр замонин шонига қўши шон,
Титни доим таҳтида асра, баҳт айла иқбол,
Ёвқур¹ лашкарбоши бўл, бўлгил оққўнгил инсон
Юрт аро Рифей янглиғ, жсанг аро Цесарь мисол.
Ҳаттотки баҳти чопган ул Наполеон,
Ўзи кўрди неларга қодир бу Багратион,
Ортиқ рус Алкидларин урингтирмоги маҳол...*

Бирок у шеърни ўқиб тамом қилмасдан овози баланд баковул: «Овқат тайёр!» – деди. Эшик очилди, ошхонадан полякча ашула янграб эштилди: «Ғалаба наъраси янгра, кувон баҳодир рус», граф Илья Андреич ҳамон шеър ўқимокда бўлган шоирга хўмрайиб каради ва Багратионга, марҳамат, дегандай таъзим қилди. Ҳамма шеърдан кўра овқат мухимроқ эканини билиб, ўрнидан турди ва яна Багратион ҳаммадан олдинда ошхонага қараб кетди. Багратионни биринчи ўринга, подшо билан адаш бўлган икки Александр – Наришин билан Беклешовнинг ўртасига атайнин ўтқазиши: уч юз киши ошхонада ҳар қайсиси ўз мансаби ва мартабасига қараб, мартабаси улуғроқлари, худди сув табиий равища пастқамликка кўпроқ окқанидек, шарафига зиёфат берилаётган азиз меҳмонга яқинроқ ўтиришди.

Зиёфат бошланиши олдидга граф Илья Андреич ўғлини князга таништирди. Багратион уни таниб, бутун куни бўйи гапирган гапларидек бир-икки оғиз қовушмаган, келишмаган сўз айтди. Граф Илья Андреич ўғли билан Багратион гаплашаётган вактда хурсанд бўлиб ифтихор билан ҳаммага назар ташлади.

Николай Ростов ва Денисов янги танишлари Долохов билан бир жойда, столнинг ўрта ерида ўтиришди. Буларнинг рўпарасида, князь Несвицкийнинг ёнида Пьер ўтириди.

Граф Илья Андреич бошка оқсоколлар билан бирга Багратионнинг рўпарасида ўтиракан, москваликларнинг меҳмондўстлигини ўзида мужассам килиб, князга, олинг-олинг, дер эди.

Графнинг меҳнатлари зое кетмади. Унинг гўштили ва гўштсиз овқатлари жуда яхши чиқди, лекин шундок бўлса

¹ Ёвқур – хеч нарсадан кўркмайдиган; жасур, ботир, мард.

хам, то мәҳмандорчилик тамом бўлгунча у хотиржам ўтиrolмади. У буфетчига кўз қисар, лакейларга шивирлаб амр-фармон берар ва ўзига маълум ҳар бир овқатни келтиришини ҳаяжон билан кутар эди. Ҳаммаси жойида эди. Иккинчи овқатда, баҳайбат стерлядни (балик) келтириб қўйгандан сўнг (буни кўрганида Илья Андреич хурсанд бўлганидан ва шошиб қолганидан қип-қизариб кетди) лакейлар шампан виноларини пақиллатиб очиб куя бошлашди. Ҳаммага манзур бўлган балиқдан сўнг, граф Илья Андреич бошқа оксоколлар билан бир кўз уриштириб олди. «Қадаҳ кўтаришлар кўп бўлади, бошлаш керак» деб шивирлади-да, қўлига қадаҳни олиб ўрнидан турди. Ҳамма унинг оғзига қараб жим қолди.

Шаҳаншоҳимизнинг саломатликлари учун! – деб қичкирди ва шу онда хурсандлик ва завқдан унинг эзгу қўзларига ёш келди. Шу пайт «Ғалаба наъраси янгра» машки чалинди. Ҳамма ўрнидан туриб, «ура!» деб қичкирди. Багратион ҳам Шенграбен жанг майдонида қичкирганидек, «ура!» деб қичкирди. Ёш Ростовнинг қувноқ овози уч юз кишининг овози ичидан алоҳида эшитилиб турар эди. У йигламсираган овоз билан «Шаҳаншоҳнинг соғликлари учун, ура!» деб қичкирди ва қадаҳни бир кўтаришда ичиб ерга ташлади. Бошқа кўп кишилар ҳам шундай қилишди. «Ура-ура» узок давом этди. «Ура» овозлари тингандан сўнг лакейлар қадаҳларнинг синигини йигиб олишди-да, ҳамма ўзининг шовкин-сурон кўтарганига кулиб, ўзаро гаплашиб ўтиришди. Граф Илья Андреич яна ўрнидан турди, олдида, товоқча ёнида турган хатчага кўз ташлади ва сўнгти кампаниямизнинг қаҳрамони князь Пётр Иванович Багратион шарафига қадаҳ кўтарди ва унинг кўк қўзларига яна ёш келди. Уч юз овоз тагин «ура!» деб қичкирди ва мусика ўрнида хонандалар Павел Иванович Кутузов ёзган кантатани¹ баравар кўтаришди.

*Русларнинг йўлида писандомас говлар,
Жасорат келтиргай шарафлар-шонлар,*

¹ Кантата (италиянча: *cantata* < лотинча: *cantare* — кўйламок) – хор, яккахонлар (солистлар) ва оркестр учун ёзилган тантанали мусика асари.

*Хасдек пойимизда хор бўлур ёвлар,
Чунки бор бизларда Багратионлар. в.х.*

Хонанда кантатани тамом қилгандан кейин яна янгидан янги қадаҳлар кўтарилиди ва ҳар бир қадаҳ кўтаришда граф Илья Андреичнинг кўпроқ ўпкаси тўлар, ҳар қадаҳ кўтаришда яна кўпроқ қадаҳ синдирилар, қаттирок кичкиришар эди. Беклешов, Наришкин, Уваров, Долгоруков, Апраксин, Валуевларнинг соғлиги учун, оқсоқолларнинг соғлиги учун, зиёфат берганнинг соғлиги учун, ҳамма клуб аъзоларининг соглиги учун, клубнинг барча мөхмомлари соғлиги учун ичилди, ниҳоят, бу зиёфатни ташкил қилган граф Илья Андревичнинг соғлиги учун яна алоҳида қадаҳ кўтарилиди. Шунда граф чўнтағидан рўмолчасини олиб юзини беркитди-ю, йиглаб юборди.

IV

Пьер Долохов билан Николай Ростовнинг каршисида ўтирад эди. У югоқкандай кўп ер, одатдагида кўп ичар эди. Бироқ уни унча яхши билмаган кишилар, бугун унда нечукдир катта бир ўзгариш бўлганини кўришди. У бутун зиёфат давомида оғиз очмади, кўзини кисиб ва афтини буриштириб атрофга назар ташлар ёки паришонҳол киёфада, бир нуктага кўз тикиб, бармоғи билан беихтиёр қаншарини ишқар эди. У маъюс ва шумшайган эди. У худди атрофида бўлаётган ишларни кўрмайтган ва гапларни эшитмаётсандай, нечукдир оғир ва ҳал бўлмаган бир нарса тўғрисида ўйлаётгандай кўринар эди.

Бу ҳал бўлмаган ва уни қийнаётган масала, Москвада княжнанинг «Долохов хотинингга яқин муносабатда», деган мазмунда қилган кинояси ва бугун эрталаб олган имзосиз хати эди. Бу хатда, имзосиз хатларга хос хунук ҳазил йўсимида, кўзойнак билан яхши кўрмайсан, хотининг билан Долохов ўртасидаги муносабатни факат сен билмайсан, холос, дейилган эди. Пьер княжнанинг киноясига ҳам, бу хатда ёзилган гапларга ҳам катъиян ишонмаса-да, бироқ рўпарасида ўтирган Долоховга қарashi унинг ниҳоятда

оғир эди. Ҳар сафар Долоховнинг чиройли ва беибо кўзла-рига бехосдан кўзи тушар экан, Пьер юраги орзиқиб, дарров юзини ўтирар эди. У хотинининг бутун ўтмишини ва унинг Долохов билан бўлган муносабатини беихтиёр эслаб, бу имзосиз хатда ёзилган гапларнинг ҳақиқат бўлиши мумкин, агарда бу гаплар бошқа хотин тўғрисида бўлган тақдирда ўзи ишонганилйига кўзи етиб туради. Пьер беихтиёр, жангдан сўнг яна офицерлик унвони қайтиб берилгандан кейин Долохов Петербургга қайтиб, унига келганини эслади. Долохов бир вактлар фиск-фужурда Пъернинг ҳамнишин дўсти бўлганидан фойдаланиб, тўғри унинг уйига келувди, Пьер эса унга жой ва қарзга пул берган эди. Пьер Долохов уларнинг уйида турганига Элен ўз норозилигини табассум билан билдирганини, Долохов унинг хотинининг ҳусн-жамолини ҳеч ибо килмай мақтаганини ва Москвага келгунларича булардан ажрамаганини хотирлади.

«Тўғри, Долохов жуда чиройли йигит, – дер эди Пьер ичидা, – мен уни биламан. У мени бадном ва калака килишга жуда орзуманд, чунки мен уни деб у ёқ бу ёқка юргурганман, уни рўёбга чиқарганман, ёрдам берганман-да. Агар шу ҳақиқат бўлса, бу қилмиши унинг хиёнатига ўз наздида қандай маъно беришини биламан, тушунаман. Ҳа, агар шу гап рост бўлса, лекин мен бунга ишонмайман, ишонишга ҳаққим ҳам йўқ, ишонолмайман». У Долоховнинг шафқатсиз бўлган пайтларидаги, чунончи, миршабни айикнинг орқасига боғлаб, ариққа ташлаган, ёки ҳеч сабабсиз биронни дуэлга чакирганда ёки аравакашнинг отини тўппонча билан отиб ўлдириган вактларидаги юз ифодасини эслади. Долохов унга қараган пайтларда кўпинча юзида шундай ифода бўлар эди. «Ҳа, бу безори одам, – дер эди Пьер ичидা, – одам ўлдириш унинг учун ҳеч нарса эмас, мендан ҳамма кўркади деб ўйласа керак, эҳтимол, шундан лаззат ҳам топса. Мени ҳам кўркади деб ўйласа керак. Ҳақиқатан ҳам, мен ундан кўркман». Пьер шуларни ўйлар экан, яна юраги аллакандай бўлиб орзиқиб кетди. Долохов, Денисов ва Ростовлар унинг каршисида ўтиришар, ҳаммаси ҳам жуда хурсанддай кўринар эди. Ростов ўзининг бири ботир гусар, иккинчиси маш-

хур безори ва санки¹ бўлмиш ўртоклари билан хушчақчак гаплашиб ўтирас ва бугунги зиёфатда паришонхотир ва ўйчанлиги ҳамда йўгон гавдаси билан ҳаммани ҳайратда колдириб ўтирган Пъерга ҳар замон караб кўяр эди. Ростов Пъерга ёмон назар билан қаарди, биринчидан: бу гусар йигитга Пъер жўн бир бой, чиройли хотиннинг эри, умуман хотинчалиш бир одам кўринган бўлса, иккинчидан, Пъер паришонхотирлиги ва ўз ўй-хаёли билан кайфияти бир тарзи бўлгани учун Ростовни танимай, унинг саломатлигига қадаҳ кўтарганда, Пъер ўй-хаёл билан бўлиб, ўрнидан турмади ва қадаҳни олмади.

Ростов ҳаяжон ва ғазаб билан унга қааркан:

– Ҳой! Эшитмаётибсизми, шаҳаншоҳимиз саломатликларига кўтараяпмиз! – деб бакирди. Пъер уф тортиб, итоаткорона ўрнидан турди, қадаҳини кўтарди ва ҳамма ўтиргандан кейин Ростовга қараб мулойим табассум билан:

– Мен сизни танимабман, – деди. Бироқ Ростов ура-ура билан банд бўлгани учун унга эътибор килмади.

– Ҳа, ошначиликни бас килдингми, – деди Долохов Ростовга.

– Кўй шу аҳмокни, – деди Ростов.

– Гўзал хонимларнинг эрларига хушомад килиш керак, – деди Денисов.

Пъер булар нима деяётганликларини эшитмаса ҳам, ўзи тўғрисида гапираётганликларини билиб турад эди. У қизарип юзини тескари ўгириди.

– Энди гўзал хонимларнинг саломатликлари учун ичайлик, – деди Долохов ва жиддий қиёфада бўлса ҳам, лекин хиёл табассум килиб Пъерга қараб:

– Гўзал хонимлар ва уларнинг жазманлари саломатлигига, Петруша, – деди.

Пъер Долоховга қарамасдан ва унинг сўзига жавоб ҳам бермасдан ерга қараб қадаҳини ичди. Кутузов кантатасини улашиб юрган лакей азиз меҳмонлар каторида Пъернинг ҳам олдига бир варақ қофоз кўйди. У қофозни олмокчи бўлган

¹ Санки – санги, сандироқлаб бекор юрадиган; бескорчи, саёқ, дайди.

эди, бирок Долохов энгашиб унинг кўлидан тортиб олди-ю, ўқий бошлади. Пъер газаб билан Долоховга қаради, бутун зиёфат давомида унинг юрагини ғаш килаётган алланечук хунук ва даҳшатли нарса юзага чиқди. У йўғон гавдасини стол устида энгаштириб: – Кўйинг жойига! – деб кичкирди.

Бу кичкирикни эшишиб ва кимга қичкирилаётганини кўриб Несвицкий билан унинг ўнг томонида ўтирган киши чўчиб кетди ва шошиб Безуховга мурожаат килишди.

– Бас, бас, сизга нима бўлди? – деб шивирлади.

Долохов шўх, кувноқ ва беибо кўзлари билан, худди «Мана бу менга маъкул» дегандай табассум килиб, Пъерга қаради.

– Кўймайман, – деди Долохов барадла.

Ранги окариб, лаблари пирпираб учётган Пъер қофозни унинг кўлидан юлқиб олди.

– Сиз... сиз аблах!.. Мен сизни дуэлга чақираман, – деди Пъер ва курсини сурниб ўрнидан турди. Пъер шу ишни килган ва шу сўзни айтган пайтида шу кеча-ю кундуз ўзини кий-наётган масала – хотинининг гуноҳкорлиги мутлако тўғри эканлигини сезди. Шу дамда хотини кўзига беҳад ёмон кўринди ва у билан узил-кесил ажралгандай эди, Дени-совнинг шунча бу ишга аралашма дейишига қарамасдан Ростов До-лоховга секундант¹ бўлишга кўнди ва зиёфатдан кейин Безу-ховнинг секунденти бўлган Несвицкий билан дуэлнинг шарт-шароити тўғрисида маслаҳат килишди. Пъер уйига кетди, Ростов, Долохов ва Денисовлар эса ярим кеча-гача клубда лўлилар ва ҳофизларнинг ашуаларини эшишиб ўтиришди.

Долохов клубнинг зинасида Ростов билан хайрлашар экан: – Эртагача хайр, Сокольникида кўришамиз, – деди.

– Тетикмисан? – деб сўради Ростов.

Долохов тўхтади.

– Шошма, мен сенга дуэлнинг бутун сирини икки оғиз гап билан айтиб берай. Агар сен дуэль олдидан васиятнома

¹ Секундант (латинча: sekundans, secundantis – ёрдам, кўмак берувчи) – дуэль катнашчиларидан ҳар бир ракибнинг дузъл шартлари хакида музокара олиб борувчи ва уларнинг бажарилишини кузатиб турувчи ишончли кишиси.

ва ота-онангга юракни эзадиган хатлар ёзадиган ва ўлишим мумкин деб ўйлайдиган бўлсанг, ахмоксан ва ўлдим деявер: сен дузлга уни ўлдираман, мумкин қадар тезрок ва, албатта, ўлдираман деган ният билан борсанг, ишинг ўнгидан келади. Ҳамشاҳримиз костромалик айик овчиси: «Айикдан-ку кўркасан киши, лекин айикни кўрдингми, кўркувдан асар колмайди, ишқилиб, қочиб кетмасин деб қоласан», – дер эди. Мен ҳам мана шундай дейман. А эртагача хайр, азизим!..

Эртасига эрталаб, соат саккизда Пьер секунданти Несвицкий билан Сокольники ўрмонига келганида Долохов, Денисов ва Ростовлар аллақачон келиб ўтиришган экан. Пьер, худди ҳозир бўладиган ишга сира алокаси бўлмаган, алландай бир мулоҳаза билан банд бўлган кишига ўхшар эди. Кечаси ухламаган бўлса керак, озиб қолган юзи саргайиб кетган эди. У атрофга паришонҳол назар ташлади-ю, худди офтобдан кўзи камашгандай, афтини буриштириди. Унинг бутун фикр-у ёди икки мулоҳаза билан банд эди: уйкусиз ўтказилган кечадан кейин хотинининг гунохкор-лигига заррача шубҳаси қолмаганлиги-ю, ўзи учун бегона бўлган бир одамнинг номусини сақлашга хеч қандай эҳтиёжи бўлмаган Долоховнинг бегуноҳ эканлиги. «Унинг ўрнида бўлсам, эҳтимол, мен ҳам шундай киласар эдим, – деди ичида Пьер, – балки, албатта, шундай киласар эдим; бу дузъ, бу одам ўлдиришнинг нима кераги бор? Ё мен уни ўлдираман ёки унинг ўки бошимгами, тирсагимгами, тиззамгами тега-ди. Бу ердан кетиш, қочиш, бирон жойга кўмилиб ётиш керак», деган фикрлар унинг бошимга келар эди. Бироқ боши-га шундай фикрлар келган пайтда, у кўрган кишини эҳтиром кишишга мажбур этадиган жуда осойишта ва паришонҳол бир киёфада: «Қани, бўлдими?», – деб сўради.

Ҳамма нарса таҳт бўлиб, чегарани белгилаш учун қорга килич санчилиб, тўппончалар ўқлангандан кейин Несвицкий Пьернинг олдига келди.

– Агар мен шу пайтда, шу жуда муҳим пайтда сизга бир ҳақиқатни айтмасам, граф, – деди гамгин товуш билан, – ўз вазифамни адо этмаган ва мени секунданти килиб кўрсатган ишонч ва иззат-хурматингизга муносиб иш тутмаган бўлар

эдим. Менимча, дуэль қилишга етарли асос йўқ ва шу иш учун кон тўкишга арзимайди... Айб сиздан ўтувди, ўзингиз тезлик килувдингиз...

– Ҳа, жуда хунук иш бўлди... – деди Пьер.

– Ижозат беринг бўлмаса, сизнинг пушаймон бўлганингизни уларга етказай, аминманки, душманларимиз ҳам сизнинг узрингизни қабул этишади, – деди Несвицкий (дуэль қатнашчилари ва умуман шунга ўхшаш дуэлларда иштирок қиласидан бошқа кишилар сингари Несвицкий ҳам бу ишнинг оқибати, дарҳақиқат, дуэлга бориб етишига ишонмас эди).

– Ўзингиз биласизки, граф, ишни хароб қилгандан кўра, хатони эътироф қилиш олижаноблироқдир. Ҳеч ким ҳеч кимга озор бергани йўқ. Ижозат беринг, мен гаплашай...

– Йўқ, нимани гаплашасиз! – деди Пьер, – барибир... кани, бўлдими? – деди у яна. – Қаерда туриб қаёққа отишими ни айтиб берсангиз бас, – деди гайритабиий бир жилмайиб. У тўппончани олди-да, шу чоғача қўлига тўппонча ушламагани учун қандай отиш кераклигини сўрай бошлади. – Ҳа, бундок эди денг, билар эдим-ку эсимдан чикибди, – деди умрида қўлига тўппонча ушламаганини яширишга тиришиб.

Долохов ҳам уларни яраттиришга уриниб кўрган Денисовга:

– Йўқ, ҳеч қандай узр-пузури йўқ! – деди-да, белгиланган жойга келди.

Дуэль чана турган катта йўлдан саксон қадам нарида, кун исиб, қори эрий бошлаган кичикрок қарағай ўрмоннинг яланглигига бўлиши керак эди. Душманлар ялангликнинг икки четидан бир-биридан кирқ қадамча узоқда ТУРаР эди.

Секундантлар салмоқли қадам ташлаб ўзлари турган жойдан Несвицкий билан Денисовнинг киличлари санчиб кўйилган жойгача эриб турган қордан йўл очиб боришиди. Киличлар бир-биридан ўн қадам узокқа, корга санчилган бўлиб, чегарани белгилаб турар эди. Ҳаво ҳамон илиқ ва туман, қирқ қадам наридаги нарсани кўриб бўлмас эди. Ҳамма нарса тайёр бўлса ҳамки, дуэлни уч дақиқача бошламай турдилар. Ҳеч ким чурқ этмас эди.

– Қани, бошлайлик бўлмаса! – деди Долохов.

– Майли, – деди Пьер ҳамон кулимсираб.

Ҳаммани даҳшат босди. Ҳазил-ҳазил билан бошлана қолган бу ишнинг олдини олиш энди сира мумкин эмаслиги, бу иш кишиларнинг ихтиёридан ташқари ўз йўлича кетаёт-ганлиги ва ниҳоятига етиши кераклиги маълум бўлиб турар эди. Денисов ҳаммадан олдин чегарага келиб:

– Модомики душманлар ярашишдан бош тортдилар, энди бошласак ҳам бўлар: тўппончаларни олиб, уч деб буйруқ берилгандан кейин ҳар ким ўз жойига бориб турсин, – деди.

– Бир... Икки! Уч! – деб кичкирди Денисов ва ўзи четга чиқиб турди. Икки рақиб секундантлари очган йўлдан туман ичида тобора бир-бирини яққолрок кўриб, якинлаша бошлади. Чегарага етгандан кейин ким истаса ўқ узиши мумкин эди. Долохов тўппончасини кўтармасдан, рақибига чақнаб турган шўх кўк кўзларини тикиб, аста-секин қадам ташлаб бормокда эди. Унинг лаби, одатдагича, кулимсираб турганга ўхшар эди.

Уч деб буйруқ берилгандан кейин Пьер очилган йўлдан четга, босилмаган қорга чиқиб, тез-тез қадам ташлаб олға борди. У мабодо шу тўппонча билан ўзимни отиб кўймайин, деб кўркиб кетган эди, шекилли, тўппонча тутган ўнг қўлини олдинга чўзди. У чап қўли билан ўнг қўлини сал тутгиси келар, лекин қоидага мувофиқ бундай қилиш мумкин эмаслигини билгани учун чап қўлини орқага қилишга зўр берар эди. Олти дадамча юрганидан кейин йўлкадан дорга чиқиб колиб, оёқ остига қаради, кейин яна ялт этиб Долоховга боқди-ю, ўргатганларича тепкини босиб ўқ узди. Тўппончадан бунчалик қаттиқ овоз чиқишини кутмаган Пьер чўчиб тушди ва бу қилган иши ўзига таъсир қилди-да, илжайиб тўхтади. Туман билан қўшилиб куюқлашиб кетган тутунда у бир лаҳза ҳеч нарсани кўролмади: бирор у кутган ўқ овози чиқмади. Факат Долоховнинг шошқин қадам товушигина эшитилди ва тутун бироз тарқалгандан кейин унинг гавдаси кўринди. У бир қўли билан чап биқинини ушлаб, иккинчи

кўлида тўппончани осилтириб турар эди. Унинг ранги-кути ўчган эди. Ростов чопиб унинг олдига келди-ю, бир нима деди:

– Йў... йўк... – деди Долохов тишини-тишига қўйиб, – йўк, иш тамом бўлгани йўқ, отаман, – у килич санчилган жойгача аранг юриб борди-ю, корга йикилди. Унинг чап қўли қонга беланганди эди, у қонни кийимиға артди-ю, шу қўлига суюнди. Ранги бўзарган, афти буришган ва юзи титрар эди.

– Марҳамат, – деди Долохов аранг. Пъер ўзини йигидан зўрга тутиб Долохов томонга қараб чопди ва чегарадан ўтди деганда Долохов: – жойингизга боринг! – деб кичкирди! – Пъер унинг нима демокчи эканини тушуниб, ерга санчиб қўйилган диличи олдидаги тўхтади. Буларнинг ораси ўн дадамгина эди. Долохов бошини ерга қўйиб, жонжаки билан дорни тишлади, сўнгра яна бошини кўтариб ўзини ўнглади, ўрнашиброқ ўтириш учун оёғини йигди. У совуқ қорни шимиб ютар эди, лаблари пирпираб учайдиган бўлса ҳам, ҳамон табассум килар, зўр берганидан кўзлари ёнар эди. У тўппончани ўқталиб Пъерни нишонга ола бошлади.

– Ёнбош туринг, тўппонча билан тўсинг, – деди Несвицкий. Ҳатто Денисов ҳам сабри чидолмай душманига:

– Тўсинг тўппонча билан! – деб бақирди.

Пъер афсуслангани ва пушаймон бўлганини кўрсатаётган ёввош табассум билан, қўл ва оёғи бўшашгани холда Долоховнинг қаршисида, кенг кўкрагини тутиб, унга маъусона қараб турар эди. Денисов, Ростов ва Несвицкийлар кўзларини кисишид. Тўппончанинг гумбурлаши билан бирга Долоховнинг жон-жаҳди билан:

– Тегмади! – деб кичкирган товуши эшитилди ва Долохов бўшашиб қорга мукка тушди. Пъер иккала қўли билан бошини ушлаб, ўрмонга қараб, кор кечиб бораркан, афтини буриштириб:

– Бемазагарчилик!.. Бемазагарчилик! Бирорни ўлдириш... Ёлғон... – дер эди. Несвицкий уни тўхтатиб, уйига олиб кетди.

Ростов билан Денисов эса ўқ еган Долоховни олиб

кетишиди.

Долохов ўртоқларининг саволларига жавоб бермай, кўзларини юмиб индамай чанада ётар эди: бироқ Москвага кирилгандан кейин бирдан ўзига келди-да, бошини зўрга кўтариб, ёнида ўтирган Ростовнинг қўлини ушлади. Унинг буткул ўзгариб кетган ва тўсатдан хурсандлик акс этган юзини кўриб Ростов ҳайратда колди.

– Хўш, ахволинг қалай? – деди Ростов.

– Маза йўқ! Лекин гап бунда эмас! Дўстим, – деди Долохов энтикиб, – каердамиз? Биламан, Москвадамиз. Ўзимга-ку майли-ю, унга кийин бўлади... Буни кўтаролмайди, кўтаролмайди...

– Кимга? – деб сўради Ростов.

– Онам. Менинг онам, менинг малагим, менинг бор-йўғим онам, – деди Долохов ва Ростовнинг қўлини қаттиқ кисиб йиглаб юборди.

У ўзини бироз тутиб олгандан кейин, онаси билан бирга туришини, агар онаси шу ахволда кўrsa юраги ёрилиб кетишини уқтирди ва олдинроқ бориб, воқеани онасига ётиги билан айтишини сўраб Ростовга ялинди.

Ростов унинг бу топширигини бажаргани олдинроқ кетди ва шу бевош ва шаллаки Долохов Москвада қари онаси ва букир опаси билан бирга туришини, энг суюкли фарзанд ва энг меҳрибон aka эканини билиб ҳайрон колди.

VI

Пьер сўнгги вактларда хотини билан камдан кам юзмаз келадиган бўлди. Петербургдаги уйларида ҳам, Москвадаги уйларида ҳам, ҳамиша меҳмон тўла бўлар эди. Пьер дуэлнинг эртаси, кечкурун ёткка кирмай, отаси граф Безухов, ўлган ўша катта кабинетда ётди. (У кўпинча шу ерда қолар эди.)

У бўлиб ўтган ҳодисаларни бироз унутиш учун диванга чўзилиб ухламоқчи бўлди, бироқ ухлай олмади. Тўсатдан унинг қалбида жуда хислар, ўй-хаёллар, хотиротлар шу кадар мавжурдикни, ухлаш у ёқда турсин, ҳатто бир жойда ўтира олмади ва ўрнидан туриб у ёқдан бу ёкка юра бошли-

и. Гоҳ унинг кўз олдига тўйдан кейин дастлабки кунларда склаларини очиб, хорғин эхтиросли кўзларини хумор қилиб юрган хотини келар ва шу ондаёқ унинг ёнида Долоховнинг чиройли сурбет ва зиёфат кундагидек беибо ва истехзоли юзи, гоҳ шу Долоховнинг дузлдан кейин ранги-кути учиб, калтираб муккаси билан қорга йиқилгани келар эди.

«Нима бўлди? – дер эди Пьер ўзига-ўзи. – Мен ўйнашни, хотинимнинг ўйнашини ўлдирдим. Ҳа, шундай килдим. Нима учун? Мен нима бўлиб шу даражага етдим?» «Ўшанга уйланганинг учун» деб жавоб берарди ички бир товуш.

«Хўп, менинг гуноҳим нима?» – деб сўради ўз-ўзидан. «Гунохинг шуки, уни яхши кўрмасдан олдинг ва шу билан ҳам ўзингни, ҳам уни алладинг! Унинг кўз олдида князъ Василийнинг уйида, кечки овқатдан кейин, ҳеч қачон ўзидан чикмайдиган гапни, яъни: «Мен сизни яхши кўраман» деган гапни айтган дақиқалари гавдаланди. «Ҳамма бало мана шундан чиқди. Мен ўшанда ҳам буни сезган эдим, шундай килмаслигим кераклигини ўшанда ҳам сезган эдим. Худди шундай бўлиб чиқди». У никоҳдан кейин ўтган «шириншакар» бир ойни эслаб қизариб кетди. Тўйдан кейин бир куни кундузи соат ўн бирларда шохи авра тўн кийиб ётоғидан чиқиб кабинетига кирганида у ерда бош саркорни кўргани, саркор эхтиром билан таъзим қилиб, унинг юзига ва авра тўнига қараб, худди ўз хўжасининг баҳтига хурсандлик изҳор қилгандай кулимсираганини эсласа, жуда-жуда алами келар ва хижолат бўлар эди.

«Шундай хотиним бор деб қанча ифтихор килганман-а, унинг улуғвор хусн-жамоли, киборларга хос рафтори билан канчалик фахрланганман-а, – дер эди ўз-ўзига, – хотиним ва бутун Петербургни қабул қилган ўша ҳовлим билан фахрланганман-а, унинг покдомонлиги¹ ва гўзаллиги билан фахрланганман-а! Ҳали шу билан фахрланган эканман-да? Мен у вактда хотинимни яхши билмайман деб ўйлар эдим. Унинг хулқ-автори тўғрисида ўйлаб, кўпинча айб ўзимда, мен хотинимни яхши билмайман, унинг ҳар доим оғирлигини,

¹ Покдомон (форсча) – этаги, бари тоза: гуноҳсиз, айбсиз; иффатли; соф, ҳалол. Ор-номусини саклаган; иффатли, номусли ҳалол.

нафси конган бўлишини, ҳеч қандай эҳтирос ва хоҳиши бўлмаганлигини тушунмайман деб ўйлар эдим, маълум бўладики, бунинг ҳамма сири унинг бузуқлигига экан – Пьер ўз-ўзига шу даҳшатли сўзни айтди-ю, унга ҳамма нарса ойнадай равшан бўлди-колди.

«Анатоль ундан пул қарз сўрагани келганида, унинг очиқ елкаларидан ўпган эди. У Анатолга пул бермовди-ю, лекин елкасидан ўпич берувди. Отаси ҳазиллашиб, унинг раşкини қўзғатганда, у бепарво табассум қилиб, тентак эмасманки рашик қилсан: билганини қилсин, деган эди менинг тўғримда. Мен бир куни ундан, ҳомиладор бўлмадингмикин, деб сўраган эдим. Шунда у тахқиромуз илжайиб, «Туғиб эсимни ебманми, сендан бола бўлмайди ҳам», – деб жавоб берган эди.

У хотинининг олиймаком аристократлар¹ доирасида тарбияланганига қарамай, дағаллигини, фикрларини беибо ва ифодаларини бепарда айтишини эслади. «Мен унақа аҳмок эмасман... ўзинг кўр-чи... йўқол» дер эди. Хотинининг ёш-қари ва эркак-аёл ҳамманинг дикқатини ўзига жалб қилганини кўриб Пьер, мен нима учун уни яхши кўрмайман, деб ўзига савол берар ва «Тўғри, мен уни ҳеч қачон яхши кўрган эмасман», деб яна ўзига жавоб берар эди. «Мен унинг бузук хотин эканлигини билар эдим, лекин бунга икрор бўлишга журъат кила олмасдим» – дер эди Пьер яна ўзига ўзи.

«Мана энди Долохов корда ўтириб, зўрма-зўраки кулиб, эҳтимол, менинг бу афсус ва надоматларимга алланечук сохта мардлик билан жавоб бериб ўлаётгандир!»

Пьер зоҳирян иродаси суст кўринса ҳам, лекин гамига гамгузор изламайдиган кишилар тоифасидан эди. У ўз гамини ёлғиз ўзи ютар эди.

«Ҳамма, ҳамма айб хотинимнинг ўзида, – дер эди у ўзича, – лекин бундан нима фойда? Нега мен унга элакишим? Нега мен ёлғондан ҳам ёмонрок, бўлмағур гапни – «Мен сизни яхши кўраман» деган гапни айтдим. Айб ўзим-

¹ Аристократ (юнонча: aristokratia – яхшилар ҳукмронлиги) – 1) иктисолий ҳукмрон синфи, зодагонлар; 2) кулдорлик ва ундан кейинги илк давлатларда энг имтиёзли табака.

да, ўзим күтаришим керак... Нимани? Маломат ва бахтсизлик юкиними? Эй, ҳаммаси беҳуда гаплар... – деди ўзига, – маломат ҳам, номус ҳам, ҳаммаси бир нав гап, ҳеч қайсининг менга алоқаси йўқ».

«Людовик XVI¹ ни беномус ва жинояткор деб ўлдириши (шу фикр Пьернинг бошига келди), унинг учун ўзларини курбон килиб, минг азоб-уқубат ичидаги ҳалок бўлган ва Людовик XVI ни азиз авлиёлар қаторида кўрган кишилардек, уни ўлдирган кишилар ҳам ўз нуктаи назарларидан ҳакли эдилар. Сўнгра, Робеспьерни² золим деб ўлдиришди. Ким ҳак-у, ким ноҳак? Ҳеч ким. Модомикитирик экансан, яшай бер: мен ҳам бундан бир соат бурун ўлишим мумкин бўлганидай, эртага ўларсан кетарсан. Абадиятга нисбатан бир лаҳзагина умринг колганда шунга шунчалик азоб-уқубат чекиб ўтиришга арзийдими?» Лекин у мана шу хилдаги мулоҳазалар орқасида тасалли топганида бирдан кўзига хотини, унинг ўзининг ғайрисамимий муҳаббатини жўшқинрок изҳор қилган даққидалари кўринди-ю, юраги тарс ёрилиб кетгудай бўлди: яна ўрнидан туриб, юришга, кўлига тушган нарсани йиртишга, синдиришга мажбур бўлди. «Нега ҳам мен унга сизни яхши кўраман дедим экан», – дер эди ҳамон ўзига. Шу саволни неча мартараб тақрорлаганидан кейин унинг ёдига Мольернинг³: Қайси гўрдан ҳам бу галерага келиб қолди, дегани тушди ва ўз ҳолига ўзи кулди.

Пьер кечаси камердинерни чакириб, Петербургга жўнағани йўл ҳозирлиги қўришни буюрди. Энди хотини билан қандай гаплашишни у сира кўз олдига келтира олмас эди. У

¹ Людовик XVI (1754–1793) — 1774–1792-йилларда Франция кироли. Бурбонлар сулоласидан. Буюк Француз инкилоби бошлангач, хорижий давлатларни Францияга карши куролли юриш бошлашга ундаган. Халк кўзголони натижасида таҳтдан агдарилган. Аксилинкилобий фаолияти учун Конвент томонидан суд килиниб, ўлимга ҳукм этилган; катл килинган.

² Максимилиан Робеспьер (1758–1794) – француз инкилобчиси. Инкилобий якобинчилар диктатураси бошлиги. Буюк француз инкилобининг снёсний арбобларидан бири.

³ Жан Батист Поклен Мольер (1622–1673) – француз драматурги, саҳна санъати ислоҳотчisi. «Тартюф», «Зўраки никоҳ», «Мизантроп», «Амфитрион», «Жорж Данен», «Хасис», «Дворянлар орасидаги мешчан», «Ўқимишли аёллар», «Соҳта бемор» комедиялар ва «Дон Жуан» пьесалар муаллифи.

эртага, кетиши олдидан, хотинига узил-кесил ажралиш нияти борлигини айтиб, хат колдирмокчи бўлди.

Эрталаб камердинер кабинетига қаҳва олиб кирганида Пьер қўлида очик китоб, диванда ухлаб ётар эди.

У уйғонди-ю, қўзини очиб, қаерда эканлигини дарров билолмай, хийла вақтгача қўркув ичида атрофга караб ўтириди.

– Жаноблари уйдамилар, шуни билиб келгин дедилар, графиня, – деди камердинер.

Бирор Пьер ҳали бир нима дейишга улгурмаган эдики, графиня зардўзи ок атлас ҳалат кийиб, икки ўрим узун сочини чиройли бошига икки айлантириб ўраб, осойишта ва улутворлик билан кабинетга кирди: унинг дарғазаблиги оппок ва дўнгрок пешонасидаги ажинидангина билиниб туарар эди. У ўзига хос вазминлик билан камердинер олдида гап очмади. У дуэлни эшитган ва шу тўғрида гаплашмокчи бўлиб кирган эди. У камердинер қаҳвани қўйиб чиқиб кетгунича маҳтал бўлиб турди. Пьер қўзойнаги оркали унга қўркибгина назар ташлади ва итлар куршаб олганда қулокларини чимириб, душманлари кўз олдида тик ётаверган куёндек, китоб ўкишни давом эттирмокчи бўлди, бирок бу бўлмаган гап ва мумкин эмаслигини фаҳмлаб, хотинига яна қўркибгина қаради. Хотини ўтирмади ва камердинернинг чиқиб кетишини кутиб, эрига таҳқиромуз табассум билан караб турди.

– Бу нимаси эди тағин? Нима қилдингиз, мен сиздан сўраётибман? – деди хотини жеркиб.

– Менми? Нима қилибман?

– Баҳодирни қаранглар-у! Қани, айтинг-чи, бу қанака дуэль эди? Бу билан нимани исбот қилмоқчи бўлдингиз? Нимани? Мен сиздан сўраётибман? – Пьер унга томон секин ўтирилди, оғзини очди-ю, лекин жавоб беролмади.

– Сиз айтмасангиз, ўзим айтиб берай... – деди Элен. – Сиз одамлар нима деса ишонаверасиз. Сизга одамлар... – Элен кулиб юборди. – Одамлар Долохов хотинингга ўйнаш дейишган, – деди Элен французчалаб беибо «ўйнаш» сўзини оддий сўзлар каби рўй-рост айтиб, – шунга ишонгансиз!

Хүш, шу билан нимани исбот қилдингиз? Шу дуэль билан нимани исбот қилдингиз? Шусиз ҳам ахмоқлигингизни ҳамма билар эди! Бунинг оқибати нима бўлади? Бунинг оқибати шу бўладики, мен бутун Москвага калака бўламан, сизни эса, маст бўлиб бегуноҳ бир кишини бекордан бекорга рашик қилиб, дуэлга чакирибди дейди. – Элен борган сайин авж олиб, қаттиқроқ гапира бошлади. – Ҳолбуки бу одам ҳар жиҳатдан сиздан юкори туради...

Пьер афтини буриштириб, хотинига ҳам қарамай:

– Ҳим... Ҳим... – деб қимирламай ўтираверди.

– Нега энди сиз ўшанинг менга ўйнашлигига ишондингиз?... Нега? Унинг сухбатини яхши кўрганим учунми? Ахир сиз ақллироқ ва дилкашроқ бўлганингизда унинг сухбатидан сизнинг сухбатингизни афзалрок кўрар эдим-ку!

– Бас қилинг, менга гапирманг... Худо ҳаки, – деди Пьер хириллаб.

– Нега гапирмас эканман? Гапираман, барадла айтаманки, сиздай эри бўлган хотинлар камдан ками ўйнаш орттирмайди, лекин мен бу ишни қилмадим, – деди Элен. Пьер нимадир демоқчи бўлиб унга ғалати бир кўз ташлади-ю, хотини бу қараашдан ҳеч нарса англамади, яна ётди. У шу дамда жисмоний азоб чекар эди: кўкраги кисилиб, нафас ололмай қолди. Бу азобдан қутулиш учун нимадир килиш кераклигини билар, лекин бу иш ниҳоятда мудхиш эди.

– Яххиси, ажрашайлик, – деди у нафаси тиқилиб.

– Ҳўп, мол-дунё беринг, ажрашамиз... – деди Элен.

– Зап гап билан кўркитмоқчи бўлибсиз-у!

Пьер дивандан иргиб турди-ю, гандираклаб унга томон отилди.

– Ўлдираман! – деб бакирди ва столдаги мармар таҳтани олиб, беихтиёр бир қадам ташлади-ю, таҳта билан урмоқчи бўлди.

Эленинг ранги-кути ўчди, чинқириб ўзини оркага ташлади. Шу пайт Пьер отасига тортди. Ғазабдан унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас эди. У мармар таҳтани ерга уриб синдириди, қўлини пахса килиб хотинига яқинлашаркан: «Йўқол!» деб шу қадар қаттиқ бакирдики, бутун ҳовли-



дагилар бу товушни эшитиб кўркиб кетишиди. Агар шу тобда Элен қочиб чикиб кетмаганда, худо билади, Пьер нималар килмасди.

Бир ҳафтадан кейин Пьер бутун бойлигининг ярмидан кўпі бўлган Великорусдаги ҳамма мулкини хотинига васика килиб бериб, ўзи якка Петербургга жўнаб кетди.

VII

Аустерлиц жанги ва князь Андрейнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида Лисие Горига хабар келганига икки ой бўлди, лекин элчихоналар орқали кўп хатлар юборилганлиги ва шунчалик кидирилишига қарамай, князь Андрейнинг жасади ҳам топилмади, асир тушганлиги ҳам маълум бўлмади. Унинг оиласини ҳаммадан ҳам кўра, ўша ердаги одамлар уни жанг майдонидан олиб кетган ва, эҳтимол, бегона одамлар орасида ё кундан кун тузалиб ёки ўзининг ахволи тўғрисида хат ёзгани ҳам дармони бўлмай, ўлим тўшагида ётиби, деган фикр-у хаёл кийнар эди. Кекса князь Аустерлиц воқеасини дастлаб газеталардан билди, газеталар бу жанг ҳақида, одатдагича, жуда кисқа ва дудмал килиб, рус қўшинлари ажойиб жангдан кейин чекинишлари лозим бўлди ва жуда тартиб билан чекиндилар, деб кўя қолган эди. Бу расмий ахборотдан кекса князь қўшинларимиз тор-мор бўлганини англади. Газета хабаридан кейин бир ҳафта ўтиб, кекса князь Аустерлиц жанги ҳақида Кутузовдан хат олди. Кутузов бу хатда қари князь ўғлининг тақдири ҳақида ёзган эди:

«Ўғлингиз менинг кўз олдимда, қўлида байроқ, полкнинг олдида бориб, отаси ва ўз ватанига муносиб қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Менинг ва бутун армиянинг баҳтига қарши ҳануз унинг на ўлганлиги маълум, на тириклиги. Сизни ҳам, ўзимни ҳам уни тирик деб умидвор қиласман, чунки акс ҳолда, жсанг майдонидан йигиштириб олинган ва рўйхатлари элчилар орқали менга юборилган офицерлар ичida унинг ҳам номи бўллар эди».

Қари князь бу хабарни кечаси ўз кабинетида ёлғиз ўтирганида олди-ю, эртасига, одатдагича, эрталаб айлангани чи-

киб кетди: у гумаштаси¹, боғбони ва архитектори билан гаплашмади, гарчи жуда дарғазаб кўринса ҳам, ҳеч кимга ҳеч нарса демади.

Княжна Марья ҳар кунги вақтда унинг олдига кирганида у дастгоҳ олдида ниманидир тараашлаб турар эди, лекин қизига одатдагича қайрилиб қарамади.

– Эй, княжна Марья-ку! – деди чол тўсатдан сохта бир оҳангда ва қўлидаги исканани кўйди. Дастроҳнинг чархи запти билан ҳануз айланар эди. Чархнинг тобора сустлашган ғижирлаши шундан кейин рўй берган ҳодиса билан бирга кўшилиб анча вақтгача княжна Марьянинг эсидан чиқмади.

Княжна Марья отаси ёнига борди ва унинг юзини кўриб, юраги шув этиб кетди. Унинг кўз ўнгини коронғилик босди. У отасининг ғам ифода этмаган, мусибатдан адо бўлмаган, лекин дарғазаб ва фавқулодда ташвишманд юзини кўрди-ю, умрида кўрмаган, ҳеч қачон соғаймайдиган, ақл етмайдиган, энг яхши кўрган одами ўлгандек бошига зўр кулфат келаётганини англади.

– Отажон! Андрей? – деди беўхшов, бесўнақай княжна; бу гапни шундай таъсирли, шундай юрак-бағирни эзадиган килиб айтдики, отаси унинг кўз қарашига бардош қиломай, ўпкаси тўлиб, юзини тескари ўғирди.

– Хат келди, асир тушганлар ичидаги ҳам, ўлганлар ичидаги ҳам йўқ. Кутузов, ҳалок бўлди, дебди, – деб кекса князъ шу қадар каттиқ қичкирдик, гўё шу билан княжнани уйдан хайдаб чиқармоқчи эди. – Ҳалок бўлди! – деб ёзибди.

Княжна йиқилмади, ўзидан кетмади. Унинг ранги алгачон ўчиб кетган эди, лекин бу гапни эшитган ҳамон юзи ўзгарди ва чиройли кўзларида нимадир ёниб кетди. Гўё хурсандлик, бу дунёнинг туйғу ва шодликларига боғлиқ бўлмаган, зўр бир хурсандлик унинг қалбидаги ғамни кўмиб кетгандай эди. У отасидан қўркишни ҳам унутиб, унинг олдига борди, қўлидан ушлаб ўзига тортди ва пайдангина

¹ Гумашта (фојрса; ваколатли шахс; хизматкор) – 1) 20-аср бошларига кадар Туркистонда катта савдолгар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ишончли кишиси, вакили; 2) бирор кимсанни кўллаб-кувватлаш билан муайян амалга тайинланган ёки бирор томонидан маҳсус топширик билан кўйилган шахс.

иборат бўлган орик бўйнидан қучоклади.

– Отажон, – деди, – юзингизни ўтиришни, бирга йиглаймиз.

Чол ундан ўзини тортиб: – Мальунлар, ифлослар! – деб кичкирди. – Армияни ҳалок қилиш, одамларни ҳалок қилиш! Нима учун? Бор, бор, Лизага айт.

Княжна ҳолдан тойиб, отасининг олдидаги креслога ўтириб колди-ю, йиглаб юборди. Унинг кўзига шу тобда Лиза ва ўзи билан меҳрибонлик ва викор билан хайрлашаётган акаси кўриниб кетди; акасининг мулоимлик билан ва кулиб бўйнига бут¹ тақаётгани кўз олдига келди. «Ўшанда худога ишонганими? Худога мункир² бўлганича тавба килганими экан? Унинг рухи жаннатдамикин? Абадий роҳат ва фароғат маконидамикан», деб ўйлар эди княжна.

– Отажон, – деди кўзида ёш княжна, – айтиб беринг, қандоқ бўлган экан?

– Бор, бор, энг яхши рус фарзандларини ўлдиргани ва рус шон-шавкатини барбод бергани олиб борилган жангда ҳалок бўлибди. Бор, княжна Марья. Бориб Лизага айт. Мен ҳозир кираман.

Княжна Марья отасининг олдидан қайтиб келганида кичкина княгиня иш тикиб ўтирас эди: у княжна Марьяга факат иккират хотинларгагина хос ички саодатманд осоишталикни ифода қилувчи бир назар билан қаради. У княжна Марьяга қараб турган бўлса ҳам, уни кўрмаётганлиги, бутун эс-хуши ўзида – ўзининг ичидаги бўлаётган сирли бир нарсада эканлиги кўриниб туради.

– Марья, – деди ишини нари суреб ва гавдасини орқага ташлаб, – кўлингни бер, – деди ва княжнанинг кўлини олиб, ўзининг корнига кўйди.

Қорнидаги боласининг қимирилашини кутиб кўзлари кулар эди, майнин кора тук босган лаблари маъсумона табасумдан кўтарилиганича колди.

Княжна Марья келинининг қаршиисига тиз чўқди-ю, унинг этаги билан юзини ёпди.

¹ Бут (форсча; санам; гўзал) – 1) хоч (крест) шаклидаги нарса; хоч.

² Мункир (арабча) – инкор этувчи, тонувчи.

– Ана, ана пайқаяпсанми? Одам аллақандай бўлиб кетади. Эсон-омон қутулсам, қанчалик яхши кўрар эдим, Марья, – деди Лиза хурсандликдан ёниб турган кўзлари билан қайнопасига караб.

Княжна Марья йиғлаётганилиги учун бошини кўтаролмас эди.

– Нима бўлди сенга, Маша?

– Ҳеч... Шундай, ўзим... Андрейни соғиниб хафа бўлаётбиман, – деди у кўз ёшини келинининг тиззасига артиб. Княжна Марья эрталабдан бери келинига бу совук хабарни ётиғи билан айтишга бир неча марта уринди-ю, лекин ҳар сафар ўпкаси тўлиб айтолмасди. Бу кўз ёшларнинг сабабини билмаган кичкина княгиня унчалик зийрак бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ташвишга тушди. У княжнага ҳеч нарса демаса ҳам, кўзлари жаланглаб қолди. Овқатланиш олдидан уйга ҳар кунгидан ҳам баджаҳл кўринган қайнатаси – кекса князъ кирди-ю, (кичкина княгиня ундан ҳамиша кўрқар эди) индамасдан чиқиб кетди. Кичкина княгиня княжна Марьяга каради, сўнгра юзида ҳомиладор хотинларга хос бир ифода билан ўйланиб қолди-ю, бирдан йиғлаб юборди.

– Андрейдан бирон хат-хабар келдими? – деб сўради.

– Йўқ, ҳали-вери келмаслигини ўзинг биласан-ку. Лекин хавотир бўлаётбидалар, шунга мен кўркаётбиман.

– Тиңчиликми, ахир?

– Тинчлик, – деди княжна Марья нурли кўзларини келинига тикиб. Княжна бу совук хабарни келинидан яширишга карор берди ва у кўз ёргунича айтмаслигини сўраб отасига ялинди. (Лизанинг ой-куни якин эди.) Княжна Марья билан кари князъ ҳар қайсиси ўзича пинхоний ғам чекар эди. Қари князъ умидвор бўлиб ўтиришни истамади: гарчи ўғлини қидиргани Австрияга одам юборган бўлса ҳам, князъ Андрей ҳалок бўлди, деган қаноатда ҳаммага ўғлим ўлди, деб Москвага ҳайкал буюрди ва бу ҳайкални ўзининг бодига кўймокчи бўлди. У кундалик ҳаёт тартибини ўзгартирмасдан юрагидан яшашга ҳаракат қиласар, лекин куввати бурунгидай эмас эди: у кам юрар, кам ер, кам ухлар, кундан кун заифланга борар эди. Княжна Марья умидвор эди. У худди

акаси тирикдай ибодат килиб, унга умр тилар ва унинг келиши тўғрисида кечаси-ю кундузи хат-хабар кутар эди.

VIII

– Дугонажон, – деди кичкина княгиня ўн тўққизинчи март куни эрталаб нонуштадан кейин ва унинг майин кора тук босган лаби одатдагича кўтарилди, лекин мусибат хабари келганидан бери бу ҳовлидаги одамларнинг табассумларига, наинки табассумларига, сўз оҳанглари ва ҳатто юришларига ҳам ғам-койиш акси уриб колганлиги учун, гарчи, гапдан бехабар бўлса ҳам, умумий кайфиятта берилган кичкина княгинянинг ҳозирги табассуми ҳам яна шу ғам-койишни зелатди.

– Дугонажон, шу фриштик (ошпаз Фока бу овқатга шундай ном берган)дан кўнглим озмаса деб кўркаман..

Княжна Марья кўркиб кетиб:

– Жоним, нима қилди? Рангинг оппок. Вой, жуда ҳам оқариб кетдинг-а, – деди-да, одатдагича оғироғир, лекин юмшок қадам ташлаб келинининг олдига борди.

– Хоним афанди, Марья Богдановнага киши юборайликми? – деди шу ерда турган бир оқсоч. (Марья Богдановна уездидан¹ келган доя бўлиб, икки ҳафтадан бери Лисие Горида турар эди.)

– Ҳа, айттандай, шундоқ қилиш керакдир, – деди княжна Марья унинг сўзини қувватлаб, – мен борай. Кўркма, малагим! У Лизани ўпди-ю, эшикка томон йўналди.

– Йўқ, йўқ, кўйинг! – деди кичкина княгиня. У рангги оқарганлигидан ташкари, юзида қаттиқ жон оғриғи азоби натижасида бўлган маъсумона кўркув аломати кўриниб туарар эди.

– Йўқ, бу оғриқ қайғу эмас... Маша, айт, бу қайғу уники эмас... – деди кичкина княгиня ва бетоқатлиқдан кичкина қўлчаларини уқалаб, болаларча ғиншиб, ҳатто бир кадар маҳоват килиб йиглаб юборди. Княжна Марья Богдановнани айтиб келгани югуриб кетар экан, кичкина княгинянинг: –

¹ Уезд (руссча: езда – йўл; кўча; юриш) – Чор Россиясида ва собик Иттифокда 1929-йилгача губерна таркибидаги маъмурий-худудий бўлинма.

Вой худо-ей,вой худо-ей! Вой! – деган товушини эшилди.

У ташкарида семиз, кичкина ва оппок кўлларини артага бамайлихотир келаётган дояга рўпара келди.

– Марья Богдановна, тўлғок бошлангита ўхшайди, – деди княжна Марья кўркувдан кўзларини катта очиб.

– Ҳа, жуда яхши, княжна, – деди Марья Богдановна ҳамон шошилмасдан қадам ташлар экан. – Сизлар, қизлар, бу ишга аралашманглар.

– Москвадан ҳали доктор келгани йўқ-ку ахир, – деди княжна. (Лиза ва князь Андрейнинг раптига кўра Москвадан акушер¹ олиб келгани одам юборилган, унинг келишини дам сайин кутишмоқда эди.)

– Майли, княжна, ташвиш тортманг, – деди Марья Богдановна, – докторсиз ҳам эсон-омон қутулади.

Ўз уйига кирған княжна орадан беш дақика ўтгандан кейин оғир бир нарсани кўтариб боришаётгандарини эшишиб қаради. Официантлар князь Андрей кабинетидаги турган чарм диванни негадир ёткقا олиб киришаётган эди. Диван кўтариб бораётган одамларнинг юзида нечукдир тантана бор эди.

Княжна Марья қулоғи ҳовлида, ўз бўлмасида ёлғиз ўтиаркан, бирор ўтганда ҳар замонда эшикни очар ва йўлакда нима бўлаётганига қараб кўяр эди. Бир неча хотин секин-секин қадам босиб, княжнага қараб ва ундан юзларини буриб, у ёқдан бу ёққа ўтишиди. Княжна улардан гап сўрагани журъат қилолмай, эшикни ёпиб қайтиб келар, гоҳ креслосига ўтирас, гоҳ ибодатномасини кўлига олар, гоҳ санам қаршисида тиз чўкар: баҳтга қарши бугун ибодат ҳам ҳаяжонини босмаётганини сезиб ҳайрон бўлар эди. Тўсатдан эшик очилди-ю, бошига рўмол ўраб олган қари момоси Прасковья Савишна кўринди. (Қари князь ман қилганлиги учун у ҳеч қачон княжнанинг уйига кирмас эди.)

– Сен билан бироз ўтирай деб кирдим, Машенька, –

¹ Акушер (французча: accoucheur – тутрукка ёрдам бермок) – хомиладорларни мунтазам кузатиш, диспансер кузатув рўйхатига олиш, уларнинг касаллигини аниклаш, тутрук вақтида ва тутрукдан кейинги (чила) вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш билан шугулланувчи, маҳсус ўрта маълумотли тиббиёт ходими.

деди Прасковья Савишина. – Мана, князниң никоҳ шамини санам олдига ёкиб қўй, малагим, – деб уф тортиди.

– Яхши қилибсиз, она.

– Худо күшойиш¹ беради, жоним қўзим, – деди момо ва зархалга үралган шамни санам олдига ёқди-ю, кўлида тўкиётган пайпоғи билан эшик олдига бориб ўтириди. Княжна Марья китобни олиб ўкишга киришди. Ҳар гал йўлакда дадам товуши ва гап овози эшитилса, улар бир-бирига, – княжна кўркиб, савол назари, момо эса тасалли назари билан қараб қўяр эди. Бутун ховлидагилар ҳам ўз уйида ўтирган княжна Марья сингари ташвишманд эди. Тўлгоқ тутаётган хотиннинг дард чекаётганилигидан ҳамма хабардор бўлса, туғиши кийин бўлади, деган иримга мувофиқ ҳамма ўзини билмасликка солар, бу ҳақда ҳеч ким гапирмас, лекин князниң ҳаммасидаги одат бўлиб қолган оғирлик ва сабр-қаноатдан ташқари ҳамманинг юзидан яна қандайдир умумий бир ташвишмандлик, тараҳхум, шу дақиқада нечукдир буюк ақл ожизлик киласидиган бир иш бўлаётгани кўришиб турар эди.

Оқсоқ қизлар турадиган катта уйдан кулги товуши эшитилмас, официантлар бўлмасида ҳамма ниманидир кутгандай жим ўтирасар эди. Хизматкорлар ҳам чирок ёкиб ухламай ўтиришар эди. Уйда тўқ-тўқ қилиб нари-бери юрган қари князь Марья Богдановнадан нима бўлганини сўраб келгани Тихонни юборди.

– Бор, князь нима бўлди деб сўраётибдилар дегин, нима деса, менга келиб айтгин.

– Князга бориб айт, чордард² бошланди, – деди Марья Богдановна Тихонга тикилиб қараб. Тихон бориб князга айтди.

– Ҳа, майли, – деди князь ва эшикни ёпиб олди. Шундан кейин Тихон князниң бўлмасидан ҳеч қандай товуш эшигиди. Бирордан кейин Тихон шамниң пилигини тузатиш

¹ Күшойиш (*форсча; очиш, очилиш; ҳал қилиш*) – бирор кийин ишнинг осон ҳал бўлиши, енгил битиши.

² Чордард (*форсча; оғир дард: тўлгоқ азоби*) – туғиши вактидаги энг кучли ва давомли дард, тўлгоқ.

баҳонаси билан кабинетга киҶди. Князь диванда ётган эди. Тихон князга, унинг паришон юзига қаради, бош чайқади, индамай унинг олдига бориб елкасидан ўпди: шамни ҳам тузатмай, нима учун кирганини ҳам айтмай, чиқиб кетди. Дунёда энг тантанали мўъжиза рўй бермоқда эди. Кеч бўлди, тун кирди. Акл ожизлик киладиган ишнинг ташвиш таҳли-каси камаймади, аксинча, авж олди. Ҳеч ким ухламас эди.

Киши худди кишлигини кўрсатиб, қаҳр-ғазаб билан сўнгги қорини сепган ва бўронини гувуллататётган март кечаларининг бири. Москвадан келиши дақика сайн кутилаётган немис докторни қарши олиш учун катта йўлга от юборилган ва уни қор уюмлари, ўйдим-чукурлардан олиб ўтиш учун бурилишга чироқ кўтарган отликлар чиқарилган эди.

Княжна Марья китобини аллақачонлар қўйган, кўз олдиди қариган момосининг ажин босган юзига, рўмолининг тагидан чиқиб турган оппоқ соchlарига, осилиб турган, теридангина иборат бўлган бақбақасига ўтдай кўзларини тикиб хомуш ўтирас эди.

Савишина момо, пайпок тўкиб ўтирас экан, ўз овозини ўзи ҳам эшифтмай ва нима деяётганини билмай, минг марта айтган ҳикоясини, яъни марҳум княгиня Кишиневда доясиз, бир молдаван¹ хотини билан қандай қилиб княжна Марьяни тукқанини ғуринг-туринг қилиб айтиб ўтирас эди.

– Худо ўзи күшойиш берса, ҳеч қачон дўхтири керакмас, – деди момо.

Шамол бир хуруж қилганда яхши беркитилмаган деразанинг бир табакаси очилиб кетди-ю, кор аралаш совуқ шамол оғир ипак пардани кўтариб, шамни ўчириди. Княжна Марья бир чўчиб тушди: момо тўкиб турган пайпоғини кўйиб, дераза олдига борди ва бошини чиқариб, шамол очиб юборган деразани ушламоқчи бўлди. Совуқ шамол унинг оппоқ сочини, рўмолининг учини юлкиб ўйнар эди.

– Княжна, онагинам, катта кўчадан кимдир келаётиди, – деди у деразани ёпмасдан, – чироқ билан келаётиди,

¹ Молдаван – Молдавия (Молдова) Республикаси туб аҳолисининг номи. Молдаван халқи.

дүхтири бўлса керак.

– Вой, худога шукур-эй, худога шукур-эй! – деди княжна Марья, – бориб, уни карши олиши керак, рус тилини билмайди.

Княжна Марья рўмолини ўраб, келаётганларни карши олгани чиқди. У даҳлиздан ўтаёттанида деразадан катта эшик олдида турган бир аравани, чирокларни кўрди. У зинага чиқди. Панжаранинг устига ёкиб қўйилган шам шамолдан оқиб ётар эди. Ранг-кути ўчган официант Филипп яна битта шам ушлаб, зинапоянинг биринчи супачасида турар эди. Ундан пастда, зинанинг муюлишида кигиз этик кийган кишининг қадам товуши эшитилди. Княжнага танишдай тулолган бир овоз алланима деди.

– Худога шукур, – деди ўша товуш. – Отам қалай?

– Ухладилар, – деб жавоб берди пастда турган саркор Демьян.

Сўнгра ўша товуш яна бир нима деди, Демьян унга яна алланима деб жавоб кайтарди. Кигиз этик кийган кишининг оёқ шарпаси зинанинг пастки муюлишига тез-тез яқинлашди. «Андреймикин! – деди княжна Марья ичида. – Йўғ-эй, у эмасдир, у бўлиши ҳеч мумкин эмас» деди яна ўзича ва шу онда, официант шам тутиб турган зинанинг супачасида, пўстинининг ёқаси кордан оппок бўлган князь Андрей на-моён бўлди. Бу, ҳақиқатан, Андрей эди, лекин унинг озиб, ўзгариб қолган юзидан мулойимлик аломатлари кўриниб турар, аммо ҳаяжон ифода этар эди. У юқорига чиқиб, опасини қучоқлаб олди.

– Менинг хатимни олганларинг йўқми? – деб сўради ва саволига жавоб кутмай (княжна, барибир, жавоб беролмасди, чунки гапиролмас эди), орқага қайтди ва орқасидан чиккан доктор билан (улар охиргиbekatda учрашган эди) бирга тез-тез юриб тагин зинага чиқди ва яна опасини қучоқлади.

– Толени қара-я! Азизим Маша! – деди ва пўстини билан этигини ечиб, княгинянинг уйига кириб кетди.

IX

Кичкина княгиня бошига оқ чепчик¹ кийиб ёстиқда ётар эди. (Чордард ҳозиргина күйиб юборган эди.) Унинг кора соchlари дарднинг зўридан қизариб, шишинкираб ва терлаб кетган юзига тушган: устини майин кора тук босган, кипкизил, чиройли оғзи салгина очик, у севиниб кулимсираб турар эди. Князь Андрей уйга кириб, хотини ётган диваннинг олдида тўхтади. Унинг ёниб турган, болаларча кўркув босган кўзлари ҳаяжон ичидаги эрига ҳамон бир зайлда қараб турар эди. Унинг кўз қараси «Мен ҳаммаларингни яхши кўраман, ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ эди-ку, нима учун мунча азоб тортаётиман? Мени бу азобдан кутқаринглар» – деб турар эди. У зрини кўриб турса ҳам, лекин унинг шубобда пайдо бўлганига тушунолмас эди. Князь Андрей диванни айланаб ўтиб, хотинининг пешонасидан ўпди.

– Жонгинам, – деди у умрида биринчи марта, – худо ўзи кушояиш беради... – хотини унга савол назари билан маъсумона ўпкалаб каради.

Унинг кўзлари «Сен бўлсанг, дардимни енгил килармидинг, деб умид қилган эдим, сен ҳам ҳеч нарса қиломадинг», – деб турар эди. У эрининг келганига таажжубланмади: унинг келганига тушунмади. Эрининг келиши унинг ческаётган азобига, бу азобни енгиллатишга ҳеч дахли йўқ эди. Яна дард тутди. Марья Богдановна князь Андрейга уйдан чикиб туришни маслаҳат берди.

Доктор уйга кирди. Князь Андрей уйдан чиқди ва княжна Марьяни кўриб, яна унинг олдига борди. Булар ўзаро шивирлаб гапиришар, лекин тез-тез гапини тўхтатиб, ниманидир кутиб кулоқ солишар эди.

– Бор, кир, азизим, – деди княжна Марья.

Князь Андрей яна хотинининг олдига кирди-ю, нариги уйда ўтирди. Кичкина княгиня ётган уйдан кути ўчиб чиқсан бир хотин князь Андрейни кўриб, нима қилишини билмай қолди. Князь Андрей юзини кўллари билан беркитиб бир неча дақиқа шу кўйича ўтириб қолди. Ичкари уйдан инграш, «вой-вой» эшитилиб турар эди. Князь Андрей ўрнидан ту-

¹ Чепчик – аёлларнинг иссиқ бош кийими.

риб, эшикни очмоқчи бўлди. Кимдир эшикни маҳкам тортиб турар эди.

– Кирманг, кирманг! – деди ичкаридан кимдир ваҳима килиб.

У уйда нари-бери юра бошлади. Дод-вой товуши тинди. Орадан яна бир неча лаҳза ўтди. Бирдан даҳшатли бир дод овози эшитилди (бу овоз Лизанинг овози эмас, чунки у бундай қаттиқ додлаёлмас эди). Князь Андрей югуриб эшик олдига борди, дод овози тинди; сўнгра чакалокнинг қичкирғани эшитилди.

«Нега бу ерга олиб кирибди? – деб ўйлади князь Андрей дастлаб, – чакалок? Қанақа чакалок? Бу ерда чакалок нима қилади? Ё туғдимикин?»

Князь Андрей бу қичкирикнинг қувноқлик маъносига тушунганидан кейин ўпкаси тўлди ва иккала тирсагини дераза тубига қўйиб, ёш боладай йиғлаб юборди. Эшик очилди. Доктор уйдан енглари шимарилган, сюртуксиз, ранг-кути ўчган, ияги титраган ҳолда чиқди. Князь Андрей унга нимадир деган эди, доктор гаранг бир ахволда унга бир қаради-ю, индамасдан олдидан ўтиб кетди. Уйдан югуриб чиққан бир хотин князь Андреини кўриб нима қилишини билмай, бўсағада туриб қолди. У хотинининг олдига кирди. Хотини бундан беш дақиқа олдин қандай ётган бўлса, шундай ўлиб ётар эди. Унинг кўзлари хира тортган, юзи оппок оқарган бўлса ҳам, майнин қора тук босган лаби ва қичкинагина чиройли маъсум юзида ҳамон ўша ифода ётар эди.

«Мен ҳаммаларингни яхши кўраман, ҳеч кимга ёмонлик килганим йўқ эди-ку, нега мени бундай килдиларинг?» – деб турар эди унинг чиройли аянч, жонсиз юзи. Унинг бир бурчагида Марья Богдановнанинг қалтираб турган оппок қўлларида кичкинагина, қип-қизил бир нарса хириллар ва чийиллар эди.

Икки соатдан кейин князь Андрей секин-секин қадам босиб отасининг кабинетига кирди. Чол аллақачон ҳамма гапдан хабардор бўлган эди. У эшик олдидаги турган экан, эшик очилиши билан, индамай суяқ ва теридангина иборат бўлган қаттиқ қўллари билан ўғлининг бўйнидан кучоклаб,

ёш боладай йиглаб юборди.

Уч кундан кейин кичкина княгиняниң дағы маросими бүлди, князь Андрей хотини билан видолашгани тобут устига энгашди. Кичкина княгиня тобутда гарчи күзлари юмиқ ётган бўлса ҳам, юзида ҳамон ўша ифода эди. «Вой, мени нима қилиб кўйдиларинг?» деб тургандай кўринар эди. Князь Андрей қалбida бир нима чирс этиб узилгандай, ўзини ҳеч қачон тузатиб бўлмайдиган ва эсдан чикмайдиган бир гуноҳ қилгандай сезди. Унинг кўзига ёш келмас эди. Чол ҳам тобут ёнига чиқиб, келинининг чалмаштириб кўйилган ва оқ мумдай бўлиб қолган қўлидан ўпди. Келин унга ҳам: «Вой, мен нима гуноҳ қилдимки, мени бундай қилиб кўйдиларинг?» – деб тургандай эди. Чол буни кўриб, дарров юзини ўтириди.

Яна беш кун ўтгандан кейин ёш князь Николай Андреични чўқинтиришиди. Энага қўлидаги боланинг йўргагини ияги билан тутиб турди, поп гознинг пати билан боланинг бужмайган кафти-ю оёгининг тагига мой суркади. Чўқинтирган отаси – бобоси, қўлидан тушириб юборишдан кўркиб болани табаррук жомдан айлантириб ўтиб чўқинтирган онаси княжна Марьяга берди. Князь Андрей болани сувда димиқтириб қўйишларидан кўркиб, нариги уйда маросимнинг тамом бўлишини кутиб ўтирас эди.

Энага болани кўтариб чиққанида князь Андрей унга қувониб қаради ва энаганинг жомга соч ўраб ташланган тумор сувга чўқмасдан, жомда сузиб юрди, деганига жавобан бош иргаб кўйди.

X

Ростовнинг Долохов билан Безухов дуэлида иштирок килганлиги кекса графнинг ҳаракати орқасида бости-бости бўлиб кетди ва Ростов ўзи кутганча офицерликдан аскарликка туширилиш ўрнига, аксинча, Москва генерал губернаторига адъютантликка тайин килинди. Шунинг учун у ота-онаси билан Қишлоққа кўчиб боролмай, ёзи бўйи Москвада қолди. Долохов тузалай деб қолди. Ростов мана шу кунларда у билан жуда қалин дўст эди. Касал Долохов

ўғилга парвона бўлган онасиникида ётар эди. Кампир Марья Ивановна Ростовни шунинг учун ҳам севар эдик, Ростов, ўғли Федя билан жонажон ўртоқ эди, у кўпинча ўғли тўғрисида гапирав экан:

– Ҳа, шундай, граф, фиск-фужурдан иборат бўлган хо зирги олиймақом доираларига у тўғри келмайди, у жуда ҳам олижаноб ва ҳалол йигит, – дер эди. – Ҳозир эзгуликни ҳеч ким яхши кўрмайди, эзгулик ҳамманинг кўзига чўп бўлиб тиқилади. Қани, граф ўзингиз айтинг-чи, Безуховнинг шу иши инсофданми? Федя олижаноб бўлганлигидан уни яхши кўрар эди, ҳозир ҳам унинг тўғрисида ҳеч ёмон гап гапирав майди. Петербургда шўхлик қилиб, миршабни ана унака қилишганда ҳаммаси бирга қилганмиди? Безуховга ҳеч нарса бўлмади, бечора Федя эса шунча азоб чекди! Нималарни кўрмади! Хўп, офицерлик унвонини қайтиб беришибди, бермасдан илож ҳам бормиди? Менимча, бундай баҳодир ва ўз ватанининг фарзанди бўлган йигитлар жуда кўп эмасдир. Шунчадан кейин энди бу дуэль нимаси эди? Бу одамларда ҳам инсоф деган гап бормикин? Якка-ю ягона ўғил эканлигини била туриб наҳот уни дуэлга чакирса-ю, тўппа-тўғри отса! Хайрият худо саклабди. Нима гуноҳ қилган эди? Ҳозирги замонда ким чакки юрмайди? Безухов бунчалик раشكли бўлса, бу нима қиссин? Бунақа экан, илгарироқ билдирса бўлмасмиди, ахир бир йил бўлди-ку, Федя мендан қарздор, шунинг учун ҳам отишмайди, деб дуэлга чакирди-да, шундай ҳам пасткашлик бўладими! Шундай ҳам разолат бўладими! Менга аёнки, сиз Федянинг кўнглини биласиз, азизим граф, шунинг·учун ҳам сизни яхши кўриб колдим. Унинг кўнглини камдан кам киши билади. Унинг кўнгли мана шундай юксак, олижаноб кўнгил.

Долоховнинг ўзи ҳам касал ётган вақтида Ростовга шундай гапларни айтдики, ундан шундай гаплар чикишини ҳеч ким кутмас эди.

Мени ёмон одам дейишади, буни ўзим биламан, – дер эди у, – айтишаверсин, майли, ўзим яхши кўрган одамлардан бошка ҳеч ким менга керак эмас, лекин бир яхши кўрдимми, у одамдан жонимни ҳам аямайман, менинг йўлимни тўсади-

ган бошқа ким бўлмасин, янчиб ташлайман. Менинг жондан ортиқ ва бебаҳо онам, икки-учта сенга ўхшаган дўстим бор, бошқаларга эса қанчалик фойдаси тегади-ю, қанчалик зарари тегади, деб қарайман. Буларнинг деярли хаммаси, айникона, хотинлар, заарли. Мана шундай, дўстим, – деди давом этиб. – Эркаклар орасида садоқатли, олижаноб ва олихиммат кишиларни кўрдим, лекин хотинлар орасида хоҳ графиня бўлсин, хоҳ хизматкор бўлсин – сотқин маҳлуклардан бошқа хеч кимни учратмадим. Мен ҳали хотинлар орасида биронта ҳам покдомон ва вафодорни топганим йўқ. Агар шундай хотинни тополсам, жонимни қурбон килар эдим. Мана булар бўлса!.. – у нафрат билан қўл силтади. – Ишонасанми, агар мен хаёт дейдиган бўлсам, факат шундай покдомон ва вафодор хотинни учратарман, бу хотин мени қайтадан оламга келтиради, калбимни пок қиласди ва мени кўкларга кўтаради, деган умиддагина ҳаёт дейман. Лекин сен бунга тушунмайсан.

– Нега, мен жуда яхши тушунаман, – деди ўзининг янги дўсти таъсирида бўлган Ростов.

Кузда Ростовлар хонадони Москвага кўчиб келди. Қишининг бошида Денисов ҳам қайтиб келди ва Ростовларнига тушди. 1806-йил қиши мавсумининг Николай Ростов Москвада ўтказган дастлабки кунлари унинг учун ҳам, бутун оиласи учун ҳам энг хурсандлик билан ўтказилган кунлар эди. Николай ота-онасининг уйига кўп ёш йигитларни олиб келар эди. Вера йигирма ёшга кириб, чиройли қиз бўлиб қолган; Соня ўн олти ёшида бўлиб, энди очилаётган ғунчадай; Наташа эса бола деса бола дегудай, бўйга етган деса бўйга етган қиз дегудай – гоҳ ёш боладай одамнинг кулгиси қистайдиган ҳаракатлар қиласди ва гоҳ етилган кизлардай кишини мафтун қиласди.

Ростовларнинг уйида шу кунлари чиройли ва ёш кизлар кўп бўлган уйлардаги сингари, нечукдир ошик-маъшуклик кайфияти хўкм сурар эди. Ростовларнинг уйига келган хар қандай ёш йигит ҳам бу ёш, серзавқ, негадир (эҳтимол, ўз хушбахтикликларигадир) кулиб турадиган кизларнинг юзига, уларнинг тала-тўполон қилиб у ёқдан бу ёққа югуриб юриш-

ларига қараб, қизларнинг ковушмаган бўлса ҳам, лекин ҳаммага ёқадиган, уларнинг таъсирчан ва умидга тўла эканликларини кўрсатадиган ширин сўзларини эшишиб, ҳали мусиқа чалишларига ва ҳали ашула айтишларига кулок бериб, худди Ростовлар ҳовлисидағи ўшларнинг ўзларидек муҳаббат кўйишга ва келажак баҳт-у саодатта умид боғлашга ўзини тайёр сезар эди.

Ростов олиб келадиган ёш йигитлар орасида энг яхшиларидан бири Долохов бўлиб, у Наташадан бошқа ҳаммага ёкиб колган эди. Долохов туфайли Наташа сал бўлмаса акаси билан уришаёзди. Наташа уни ёмон одам, Безухов билан бўлган дуэлда Пьер ҳакли, айб Долоховда, унинг ўзи бадҳазм ва риёкор киши деб туриб олди.

– Жуда яхши биламан! – деб қичкирди Наташа ўжарлик қилиб, – Долохов – ичи кора, бағритош одам. Мана, Денисовингни яхши кўраман-ку. У бевош, ҳар канча ёмон бўлса ҳам, мен уни яхши кўраман, демак, мен уни билар эканман. Мен сенга тушунтиrolмаётibман, Долоховинг ҳар нарсадан муддао кузатади, мен бунака одамни ёмон кўраман. Денисов бўлса...

– Денисовнинг йўли бошқа, – деди Николай шу билан Долоховга солиширганда ҳатто Денисов ҳали ҳеч нарса эмас, демокчи бўлди. – Долоховнинг нима эканлигини унинг онаси билан гапиришаётганда кўриш керак, қалби шундоқки!

– Бунисини билмайман, лекин у гаплашганда киши ўзини ноқулай сезади. Ҳа, у Соняни яхши кўриб колган, биласанми?

– Бўлмаган гап...

– Ҳўп, кўрарсан.

Наташанинг гапи тўғри чиқди. Хотинлар сухбатини ёмон кўрадиган Долохов Ростовларникига тез-тез келиб турдиган бўлиб қолди, кўп ўтмай, гарчи бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса демаса ҳам, Соняни деб келиб юрганлиги маълум бўлиб қолди. Соня гарчи буни айтишга ҳеч қачон журъят қилолмаса ҳам, лекин буни билар ва ҳар сафар Долоховни кўрганида қизариб кетар эди.

Долохов кўпинча Ростовларнида овқатланар, улар борадиган театрлардан ҳеч қолмас, Иогелнида бўладиган ва Ростовлар ҳамма вақт бориб турадиган ўсмирлар балида ҳам бўлар эди. У ҳаммадан қўра Соняга қўпроқ дикқат ва зътибор қилар, унга шундай қаар эдики, бу қарашдан Сонягина эмас, ҳатто кари графиня билан Наташа ҳам буни пайқаб қизариб кетишар эди.

Бу кучли ва ғалати йигит шу хушқомат, бошқа кишини яхши кўрадиган қора қизга мафтун бўлиб юрганлиги кўриниб турар эди.

Ростов Долохов билан Соня орасида илгари бўлмаган бир муносабат пайдо бўлганини сезар, лекин бу муносабат нимадан иборат эканлигини аниқ билмас эди. У Соня билан Наташа тўғрисида «Булар кимнидир яхши кўриб қолишган», – деб кўя қолар эди. Лекин ҳозир Соня билан Долоховни кўрганида илгаригидай эмас, қандайдир ўнгайсизлик сезар, шунинг учун уйда камрок бўлишга харакат қилар эди.

1806-йилнинг кузида Наполеонга қарши уруш ҳакидаги гап-сўз ўтган йилгига қараганда яна авж олди. Ҳар минг кишидан ўн кишини аскарликка чакиришдан ташқари, яна тўккиз киши лашкарликка олинадиган бўлди. Ҳамма ерда Бонапартни қаргашар ва лаънатлашар эди. Москвада ҳамма фақат бўлајак уруш тўғрисида гапирав эди. Ростовлар оиласида урушнинг ташвиши фақат шундан иборат эдики, Николушка Москвада қолгани кўнмай, жангта борадиган бўлди ва ҳозир, байрамдан кейин полкка бирга кетиш учун Денисовнинг отпускаси тамом бўлишини кутар эди. Унинг сафарга отланиши хурсандчилигига халал бермадигина эмас, балки кўпроқ йўл очди. У кўп вақтини уйда эмас, зиёфатларда, кечаларда, ва балларда ўтказар эди.

XI

Рождество¹ байрамининг учинчи куни Николай уйда тушлик қилди, у кейинги вақтларда уйда жуда кам тушлик қилар эди. У байрамдан кейин Денисов билан полкка кета-

¹ Рождество (русча: тугилиш) – Исонинг тугилиши байрами – христиан динининг асосий байрамларидан бири. Исо түғилган кун шарафиға черков жорий этган.

диган бўлгани учун бу тушлик расмий хайрлашиш тушлиги бўлди. Тушликда йигирмага якин киши, шу жумладан, Долохов ва Денисовлар ҳам бор эди.

Ростовлар уйида ошик-маъшуқлик кайфияти хеч качон шу байрам кунларида гидек барага сезилмаган эди. «Саодатли дамларни ғанимат бил, бошқаларни мафтун кил, ўзинг ҳам мафтун бўл! Дунёда бирдан бир ҳакиқий саодат шудир, бошка ҳаммаси бекор гап. Биз бу ерда факат мана шу билан машгулмиз», дер эди бу кайфият.

Николай ҳар кунгидай кўш отни кора терга пишириб борадиган ва таклиф килинган жойларнинг ҳаммасига боролмай, уйга тушлик олдидан етиб келди. У уйга кириши биланоқ уйда ошик-маъшуқлик кайфияти авжига олганини, бундан ташкари бу ердаги баъзи бирлар орасида ғалати бир гангиси ҳукмронлик қилаётганини пайқади ва сезди. Хусусан Соня, Долохов, кекса графиня ва бир қадар Наташа ҳам хаяжонда эди. Николай тушликкача Соня билан Долохов ўртасида бир нима бўлишини сезди ва шунинг учун ўзига хос бир зийраклик билан тушлик вақтида ҳар иккаласига жуда мулоимлик билан ва хушёр бўлиб муомала қилди. Рақс музалими Иогель ҳар байрамда берадиган баллари сингари бу байрамнинг ҳам учинчи кунида ўз шогирдлари учун бал бериши керак эди.

– Николинъка, сен Иогелникига борасанми? Албатта, боргин, – деди унга Наташа, – у жуда тайнлости, Василий Дмитрич ҳам (бу Денисов эди) боради.

– Графиня буюрсалар, дунёнинг у бурчига бўлса ҳам, бораман, – деди Денисов. У ҳазиллашиб, мен Наташанинг рицариман, деб юрар эди, – рўмол раксига ҳам тайёрман.

– Қўлим тегса бораман! Архаровларга ваъда бердим, уларнида бутун ўтириш бўлади, – деди Николай.

– Сен-чи? – деб сўради у Долоховдан. Сўрашга сўради ю, лекин кейин пушаймон бўлди.

– Балки, борарман... – деб қўя қолди Долохов Соняга қараб ва худди клубдаги тушлик вақтида Пьерга қарагандай ковоғини солиб яна Николайга қаради.

«Бир гап бўлганга ўхшайди» – деди Николай ичиди ва

тушлик тамом бўлиши биланоқ Долоховнинг кетиши унинг бу тахминини тасдиқлади. У Наташани чақириб: «Ўзи нима гап?» деб сўради.

– Мен сени ахтариб юриб эдим, – деди Наташа унинг олдига югуриб келиб. – Мен сенга айтмабмидим, сен ишонмаган эдинг, – деди керилиб. – У Сонянинг қўлини сўради.

Николай бу гал келганида Соня билан нақадар иши бўлмаган бўлса ҳам, лекин бу гапни эшитганида юраги шув этиб кетди. Долохов бу сепсиз етимча қизга бинойитина, баъзи жихатдан жуда ҳам муносиб куёв эди. Кекса графиня ва киборлар доираси нуктаи назаридан Долоховнинг таклифини қабул қилиш керак эди. Шунинг учун бу хабарни эшитганида Николайнинг Сонядан димоги куйди. У: «Жуда яхши, болалиқдаги аҳд-паймонларни эсидан чиқариб, унинг таклифини қабул қилиши керак» дейишга ўзини чоғлади-ю, лекин бу гапни айтишга улгурмади...

– Буни қара-я! Соня буткул рад килди, – деди Наташа. – Мен бошқа бир йигитни яхши кўраман, деб айтди, – деди яна Наташа бирордан кейин.

«Ҳа, менинг Соням шундай дейиши ҳам керак эди», – деди Николай ичида.

– Ойим шунча қистасалар ҳам, кўнмади. Мен биламан, у ҳеч қачон бўйта гапини иккита қилмайди.

– Ойим қистадилар ҳамми? – деди Николай ўпкалаб.

– Ҳа, – деди Наташа. – Аччигинг келмасин, Николинъка, лекин мен биламан, сен унга уйланмайсан. Биламан, нима учун эканлигини худо билади-ю, лекин аниқ биламанки, уйланмайсан.

– Йўқ, сен буни ҳеч ҳам билмайсан, – деди Николай, – лекин мен ўзи билан гаплашишим керак. Соня тушкур хўп ҳам сўлим бўлибди-да, – деди кулимсираб Николай.

– Ҳа, асти кўй! Мен ҳозир уни айтиб юбораман, – деди Наташа ва акасини ўпиб, чопкиллаганича кетди.

Бирордан кейин ранг-кути учган, гангиган ва ўзини нечукдир гуноҳкор сезган Соня кириб келди. Николай уни карши олиб қўлини ўпди. Николай келганидан бери иккавининг ёлгиз учрашгани ва муҳаббат изҳор қилгани ҳам шу

эди.

– Соня, – деди Николай тортиниб, сўнгра тобора дадил-рок бўлди, – шундай муносиб, ҳар жиҳатдан мувофиқ киши-нинг таклифини рад килсангиз... Лекин у жуда яхши, олижаноб йигит... Менинг дўстим...

Соня унинг сўзини бўлиб:

– Мен аллақачон рад килдим, – деди шошиб.

– Агар мени деб рад килган бўлсангиз, кўркаманки...

Соня унинг сўзини яна бўлди. У Николайга кўркиб, ёлбораётгандай караб:

– Николай, менга бу гапни гапирманг, – деди.

– Йўқ, айтишим керак. Эҳтимол, бу менинг мутакаббирлигим бўлар, лекин, ҳар қалай, айтганим яхши. Агар сиз мени деб рад киладиган бўлсангиз, мен гапнинг ростини айтиб кўйишим керак. Мен сизни яхши кўраман, ўйлайман, ҳаммадан ҳам кўпроқ...

– Менга шунинг ўзи бас, – деди Соня қизариб.

– Йўқ, мен минг марта ошик бўлганман ва бўламан ҳам, лекин ҳеч кимни сиздай дўст туттганим, самимий яхши кўрганим йўқ. Бундан ташқари, мен ҳали ёшман. Матапнинг хоҳиши йўқ. Шунинг учун ҳам мен ҳозир сизга ҳеч қандай ваъда бермайман. Долоховнинг таклифини дурустрок ўйлаб кўришингизни сўрайман, – деди у дўстининг номини айтгани зўрга тили бориб.

– Кўйинг, гапирманг менга бунаقا гапни. Мен ҳеч нарсани истамайман. Мен сизни ўз акамдай яхши кўрганман ва яхши кўраман, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

– Сиз фариштасиз, мен сизга лойиқ эмасман, лекин сизни алдаб кўймай деб кўркаман. – Николай унинг қўлини яна ўпди.

XII

Иогелнинг уйида бўладиган баллар Москвада бўладиган хушчакчак баллардан эди. Буни эндиғина ўргангандар қилаётган ёшларга қараб ўтирган оналар, ҳолдан тойиб йикилгунча рақс килган қизлар, хушчакчак ўсмирлар билан ўйин-кулги ва вақтичоғлиқ қилиш ниятида

келган бўйи етган кизлар ва йигитлар тасдиқлашар эди. Шу бу йил мана шу балларда танишиб икки киз эрга тегди. Иккала чиройли княжна Горчакова шу балдан куёв топиб тегди ва шу билан бу балларнинг яна ҳам донги кетди. Бу балларнинг энг яхши томони шу эдики, бунда балга расмий тус берадиган уй эгалари йўқ эди, факат санъатнинг барча қоидаларига риоя қилиб, ўйнаб пардай учиб юрадиган оқ кўнгил Иогель ўз меҳмонларидан дарс билетини йиғишириб олар эди, холос, ундан ташкари, бу балга, умрида биринчи марта узун кўйлак кийган ўн уч-ўн тўрт яшар кизлар ҳавас килгандек, ким ўйин-кулгини ҳавас қилса кела-верар эди. Буларнинг деярли ҳаммаси чиройли ёки чиройли кўринадиган ёшлар эди. Буларнинг ҳаммаси завқдан табас-сум килар, кўзлари ёнар эди. Баъзан энг яхши шогирд кизлар рўмол ўйинини ҳам ижро қилишар, буларнинг ичida ўзининг хушқоматлиги билан ажralиб турган Наташа ўйинга жуда уста эди, лекин бу сўнгти балда фақат экосеза, англеза ва шу вактларда эндигина расм бўлган мазурка раксларигина ижро қилинди. Иогель бу бал учун Безухов-нинг залини сўраган эди, ҳамманинг айтишига кўра бал жуда яхши бўлди. Балда чиройли кизлар жуда кўп эди, лекин буларнинг ичida ҳаммадан чиройлиги Ростовалар эди. Буларнинг ҳар иккалasi ҳам бутун жуда хурсанд ва хушчақчак эди. Долоховнинг таклифидан, унга рад жавоби берганини ва Николай билан муҳаббат изҳор қилишганидан мағрур бўлган Соня оқсоҷ кизга сочини тарагани тутқич бермай, ҳануз уйда дикиллаб юрар ва энди гул-гул очилганлиги шундай кўриниб турар эди. Биринчи марта узун кўйлак кийганига ундан камроқ мағрур бўлмаган Наташа ҳам бу балда ўзида йўқ хурсанд эди. Иккалasi ҳам ҳарир кўйлак кийиб, пушти лента таққан эди.

Наташа залга кириши билан мафтун бўлиб қолди. У айрим бирон кишига эмас, ҳаммага ошиқ эди. У кимга карамасин, караган замониёқ ўшанга ошиқ бўлиб қолар эди.

– Вой, мунча ҳам яхши! – дер эди Соняга нуқул.

Николай билан Денисов рақс килаётгандарга мулойим ва хайриҳоҳона назар ташлаб, залда айланиб юришар эди.

– Хўп ҳам дилбар, хўп чиройли киз бўлди-да, – деди Денисов.

– Ким?

– Графиня Наташа, – деди Денисов.

– Рақс килишини кара-я, латофатини кўр-а, – деди бироздан кейин яна Денисов.

– Ким тўғрисида гапираётибсан?

– Синглинг тўғрисида, – деб бакирди Денисов.

Ростов кулиб қўйди.

Бўйи кичкина Иогель Николайнинг олдига келиб:

– Мухтарам граф, сиз мени энг яхши шогирдларимдансиз. Рақс килишингиз керак. Қаранг, қанча чиройли кизлар, бор., – деди ва собиқ шогирди бўлмиш Денисовга ҳам шу тарзда мурожаат килди.

– Йўқ, азизим, шу ердан томоша килиб ўтирганим яхшироқ., – деди Денисов. – Наинки укувсиз шогирдингиз бўлганлигим эсингииздан чиқсан бўлса?

– Йўғ-эй, – деди дарров Иогель унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб, – сиз фақат кам ҳафсалароқ эдингиз, бўлмаса жуда лаёкатли шогирд эдингиз.

Янги модага кириб қолган мазурка чалинди. Николай муаллими Иогелнинг сўзини қайтаролмай, Соняни рақсга таклиф килди. Денисов бир кампирнинг ёнига ўтириди ва киличига суюниб, рақс килаётган ёшларга қараганича, мусиқа мақомига ер тепиб, кула-кула алланималар деб кекса хонимларни кулдирди. Иогель аввал ўзининг ифтихори бўлган энг яхши шогирди Наташа билан рақс қилди. Бошмок кийган кичкина оёкларини юмшоқ босиб, енгил кўтариб Иогель, кўрқиброк бўлса ҳам, яхши раке тушишга тиришаётган Наташа билан биринчи бўлиб зални айланди. Денисов кўзини Наташадан олмай, мусиқа мақомига киличини тўқиллатиб ўтирас, унинг рақсни билмагани учун эмас, хоҳламагани учун раке килмаганини очик кўрсатиб турар эди. Бир мақомнинг ярмида у олдидан ўтиб бораётган Ростовни чақирди.

– Бу ҳеч ўхшамайди-ку, – деди у. – Поляк мазуркаси шунақа бўлар эканми? Лекин жуда яхши раке килаётибди-

– Хўп ҳам дилбар, хўп чиройли қиз бўлди-да, – деди Денисов.

– Ким?

– Графиня Наташа, – деди Денисов.

– Рақс килишини қара-я, латофатини кўр-а, – деди бироздан кейин яна Денисов.

– Ким тўғрисида гапираётибсан?

– Синглинг тўғрисида, – деб бакирди Денисов.

Ростов кулиб қўйди.

Бўйи кичкина Иогель Николайнинг олдига келиб:

– Мухтарам граф, сиз мени энг яхши шогирдларимдансиз. Рақс қилишингиз керак. Қаранг, қанча чиройли қизлар, бор., – деди ва собиқ шогирди бўлмиш Денисовга ҳам шу тарзда мурожаат қилди.

– Йўқ, азизим, шу ердан томоша килиб ўтирганим яхшироқ., – деди Денисов. – Наинки укувсиз шогирдингиз бўлганлигим эсингииздан чиқсан бўлса?

– Йўғ-эй, – деди дарров Иогель унинг кўнглини кўтармокчи бўлиб, – сиз фақат кам ҳафсалароқ эдингиз, бўлмаса жуда лаёкатли шогирд эдингиз.

Янги модага кириб колган мазурка чалинди. Николай муаллими Иогелнинг сўзини қайтаролмай, Соняни рақсга таклиф қилди. Денисов бир кампирнинг ёнига ўтириди ва киличига суюниб, рақс қилаётган ёшларга қараганича, мусика мақомига ер тепиб, кула-кула алланималар деб кекса хонимларни кулдирди. Иогель аввал ўзининг ифтихори бўлган энг яхши шогирди Наташа билан рақс қилди. Бошмок кийган кичкина оёкларини юмшоқ босиб, енгил кўтариб Иогель, кўрқиброк бўлса ҳам, яхши раке тушишга тиришаётган Наташа билан биринчи бўлиб зални айланди. Денисов кўзини Наташадан олмай, мусика мақомига қиличини тўқиллатиб ўтирас, унинг рақсни билмагани учун эмас, хоҳламагани учун рақс қилмаганини очик кўрсатиб турар эди. Бир мақомнинг ярмида у олдидан ўтиб бораётган Ростовни чақирди.

– Бу ҳеч ўхшамайди-ку, – деди у. – Поляк мазуркаси шунака бўлар эканми? Лекин жуда яхши рақс қилаётибди-

да.

Денисов Польшада поляк мазуркасини яхши билиш билан ном чиқарганини билган Николай югуриб Наташанинг олдига борди.

– Бор, Денисовни таклиф қилгин. Бу раксни у жуда котиради, – деди. Яна навбати келганда Наташа ўрнидан турди ва бантик тақиған бошмоғи билан йўргалаганича, бироз тортиниб, ўзи ёлғиз залдан ўтди ва Денисов ўтирган жойга қараб кетди. У ҳамма қараб турганини ва раксга тушишини кутаётганини сезиб турар эди. Николай синглиси Наташа Денисов билан кула-кула баҳслашаётганини ва Денисов хурсанд бўлиб, жилмайиб, йўқ деяётганини кўриб турар эди. Николай югуриб борди.

– Юринг, Василий Дмитрич, – дер эди Наташа, – юра қолинг энди.

– Кўйинг, графиня, мени шу ишдан озод қилинг, – дерди Денисов.

– Кўй энди, Вася, бора қол, – деди Николай.

– Худди мушук Васькани йўлга солаётганга ўхшай-сизлар-а, – деди Денисов тегишиб.

– Кейин кечаси билан ашула айтиб бераман, – деди Наташа.

– Бу сеҳргар мени ҳар йўлга солади, – деди Денисов ва қиличини белидан ечди. У стулларни оралаб олдинга чиқди, Наташанинг қўлидан маҳкам ушлади-да, мақомни кутиб, бошини кўтариб, оёғини чоглади.

Бўйи пастлиги отда-ю, раксда билинмайдиган Денисов хозир ўзи тасаввур қилганича азamat йигит эди. Мусика мақоми тўғри келганда у ўзининг хонимига ғолибона ва ҳазилнамо қараб, тўсатдан бир оёғини ерга урди-ю, худди тўпдай ирғишлиб, хонимини давра бўйлаб олиб кетди. У залнинг ярмигача иккинчи оёғини ерга текизмасдан, товуш чиқармай учиб, худди олдида турган нарсаларни кўрмагандай, столлар устига бориб қолди: кейин бирдан шпорларини шикирлатиб оёқларини қўйди-да, пошнасида туриб қолди: шу зайлда шпорларини шикирлатиб, бироз ер тепиниб турди-ю, гир айланди ва чап оёғини ўнг оёғига уриб, яна

давра бўйлаб учиб кетди. Наташа унинг нима қилмоқчи эканини билди ва қандок қилаётганини ўзи ҳам билмай, бутун ихтиёрини унга берди. У Наташана гоҳ ўнг қўли билан ва гоҳ чап қўли билан пилдиратар, гоҳ чўккаласаб ўз атрофида айлантирас, яна ирғиб турас, худди бутун зални бир зумда айланиб чикмоқчи бўлгандай олга учар, гоҳ яна тўсатдан тўхтаб, кутилмаган чогда тиз букиб ўйнар эди. У хонимини жойига олиб бориб, бир айлантириб шпорини шиқирлатиб унга таъзим қилганда Наташа ҳатто қуллук ҳам қилмади. У худди Денисовни танимаётгандай кулимсираганича ангра-ийб қараб колди.

– Бу қанақа бўлди? – деди Наташа ўзига.

Гарчи Иогель бу мазуркани мазурка деб билмаса ҳам, ҳамма Денисовнинг усталигига қойил бўлди. Ҳамма уни мақтади, чоллар эса кулимсираб, Польша ва ўтган яхши замонлар ҳақида гап бошлади. Ўйиндан қип-қизариб кетган Денисов юз-кўзини рўмолча билан артиб, Наташанинг ёнида ўтири, ҳамманинг кўзи Наташада эди.

XIII

Шундан кейин Ростов икки кунгача Долоховни ўз уйида ҳам учратса олмади, у Ростовларникига ҳам келмади. Учинчи куни Ростов ундан бир хатча олди.

«Мен бундан кейин, ўзингга маълум сабабларга қўра сизларнинг ўйларингга бормайман, армияга кетаётганилигим учун бугун кичкинагина зиёфат бериб, ўртоқларим билан хайрлашмоқчиман. Инглиз меҳмонхонасига келгин».

Ростов оила аъзолари ва Денисов билан театрга борган эди, шу ердан соат ўнларда чиқиб, тўғри Инглиз меҳмонхонасига борди. Уни дарров шу кечаси Долохов ижарага олган энг яхши уйга олиб киришди.

Долохов икки шам ўртасида ўтирас, стол атрофига йигирмага яқин киши тўпланган эди. Стол устида тилла ва қофоз пуллар ётар, Долохов банк туттган эди. Соня Долоховнинг таклифини рад қилгандан кейин Николай ўрготи билан кўришмаган эди. Шунинг учун ҳозир кўришиш тўғрисида ўйлаганида юраги увишиб кетар эди.

Ростов эшикдан кириши билан Долохов унга худди кўзи тўрт бўлиб ўтиргандай каради.

– Анчадан бери кўришганимиз ҳам йўқ, – деди у, – хуш келибсан. Мана шу ўйинни тамом қилайин, унгача Илюшка ҳам ашулачиларни олиб келар.

– Мен уйингга борган эдим, – деди Ростов қизариб.

Долохов индамади.

– Ўтири, ўйна, – деди у Ростовга.

Ростов шу пайт Долохов айтган галати бир гапни эслади: «Аҳмок одам таваккал деб ўйнайди», деган эди ўшанда Долохов.

Долохов худди Ростовнинг кўнглидагини билгандай:

– Ё мен билан ўйнагани кўркасанми? – деб кулимсиради. Бу табассумдан Ростов унинг Инглиз клубида бўлган зиёфат кунидаги кайфиятда эканини англади: Долохов умуман кундалик хаётдан зерикиб, бундан бирон бехуда, кўпинча шафқатсизлик қилиб қутулиш заруратини хис килганида шундай кайфиятда бўлар эди.

Ростов ўнгайсизланиб колди; Долоховнинг сўзига ҳазил билан жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин шу онда эсига ҳеч нарса келмади. У то ўйлаб жавоб топгунича Долохов унинг юзига қараб, ҳаммага эшигтириб, дона-дона қилиб деди:

– Ўйин тўғрисида гаплашганимиз эсингда борми... аҳмок одам таваккал деб ўйнайди. Ўйнаганда, албатта, ютаман деб ўйнаши керак, мен ҳозир шуни кўрмоқчиман.

«Таваккал қилими ёки, албатта, ютаман дебми?» – деди Ростов ичида.

– Ўйнамай куя қол, – деб кўиди Долохов ва янги карта очиб: – Банк, жаноблар! – деди.

Долохов пулинни ўртага суриб кўйиб, карта суза бошлиди. Ростов унинг ёнида ўтириди-ю, лекин ўйнамади. Долохов унга қараб: – Нега ўйнамаётисан? – деди ва Ростов негадир озгина пул тикиб, карта олиб, ўйнашини зарур кўрди.

– Ёнимда пулим йўқ, – деди Ростов.

– Ишонаман!

Ростов беш сўм тикиб ютқизди, яна беш сўм тикиб уни ҳам бой берди. Долохов Ростовнинг устма-уст ўнта карта-

сини ютиб олди.

– Жаноблар, – деди Долохов бир неча марта карта беріб, – қани, пул ташланглар, мен хисобдан адашиб қоламан.

Картабозлардан бири, пул ташламасам ҳам, менга ишонасизлар деб умид қиласман, деди.

– Ишониш мүмкін, лекин адашиб кетаман деб күркеман, пул ташланглар, – деб жавоб берди Долохов. – Сен хижолат тортма, икковимиз кейин суришамиз, – деди у Ростовға қараб.

Үйин давом этар, лакей тинмай шампанский ташир эди.

Ростов ҳамма карталарга чув тушди, саккиз үз сүмчада қарздор бўлиб колди. У бир картанинг устига саккиз үз сўм ёзай деб турганда, лакей шампанский берди-ю, Ростов бу ниятидан қайтиб, саккиз үз ўрнига оддий дов – йигирма сўм ёзди.

Долохов гарчи унга қарамагандай кўринса ҳам: – Тикавер, тезроқ ютиб оласан. Бошқаларга бераман-у, сенинг картангни ўлдираман. Ё мендан кўрқасанми? – деди у яна.

Ростов унинг сўзи билан ўша саккиз үзни тики-ю, ердан олган бурчаги йиртиқ, еттилик картани қўйди. У кўп вақтлар бу картани унутмади. У тиккан саккиз үз сўмини бўр билан еттилик картага ёзиб қўйди: салгина илитилган бир стакан шампанский ичди, Долоховнинг сўзига кулимсираб, ўша еттилик картани кутиб, юраги орзиқиб, унинг кўлига қараб турар эди. Мана бу еттилик картани ютиш ёки юттириш Ростов учун жуда катта аҳамиятга эга эди. Ўтган якшанба куни граф Илья Андреич ўғлига икки минг сўм бериб, пул танқислиги ҳақида гапиришни ёмон кўрса ҳам, лекин бу сафар бироз тежаб, шу пулни майгача етказигин, деган эди. Николай эса бу пул жуда кўп, баҳоргача сиздан пул сўрамайман, деб сўз берган эди. Ҳозир шу пулдан бир минг икки үзи қолди. Энди агар бу еттилик картани бой берса, бир минг олти үз сўм ютқизишдан ташқари, яна отасига берган сўзидан қайтиши ҳам зарур бўлар эди. Шунинг учун ҳам у юраги орзиқиб Долоховнинг кўлига қарап экан, «Қани, бер менга шу картани тезрок; шундан кейин шапкамни олиб чиқиб кетаман-у, уйга бориб Денисов, На-

таша ва Сонялар билан овқатланаман, минбаъд қўлимга карта ушламайман», – деб ўйлар эди. Шу дамда унинг уйда кечирадиган ҳаёти – Петя билан қиласидиган ҳазиллари, Соня билан гапиришишлари, Наташа билан лапар айтишлари, отаси билан карта ўйнашлари ва ҳатто юмшоққина тұшаги ҳам кўзига шу қадар ёркин, гўзал бўлиб кўриндики, гўё буларниңг ҳаммаси аллақачонлар ўтган, кўлдан кетган ва таърифга сигмайдиган бир саодат бўлиб кўринар эди. Бехуда бир тасодиф рўй бериб, еттилик кўлдан кетиб, у эндинга тушунаётгани, эндинга қадрига етаётгани, баҳт-саодатининг барбод бўлишини, умрида кўрмагани ва бошдан кечирмагани бир баҳтсизлик чангалига тушиб қолишни тасаввур қила олмас эди. Бундай бўлиши мумкин бўлмаса ҳам, у, ҳар қалай, Долоховнинг кўл ҳаракатларини юраги орзиқиб кузатар эди. Суяги йўғон, кизғимтири билагининг жуни енгидан чиқиб турган кўл картани кўйиб, узатилган стакан билан трубкани олди.

- Мен билан ўйнагани кўрқмайсан-а? – деди Долохов яна ва гўё кизик бир нарса эсига тушгандай картани кўйиб, стулнинг суюнчигига суюнди ва кулимсираганича аста гап бошлади: – Ҳа, айтгандай, мени Москвада гирром деб овоза ки-лишибди, шунинг учун, жаноблар, мен билан ўйнаганда эҳтиёт бўлинглар.

– Ҳа, хўп, бўл, – деди Ростов.

– Оббо Москва кампирлари-ей! – деди Долохов ва кулимсираб картани олди.

– Уфф! – деди Ростов икки кўллаб сочини чангаллаб. У умид қилган еттилик карта Долохов кўлидаги карталарнинг устида турар эди, демак, бисотидаги бор пулдан ҳам кўпроқ ютқизди.

Долохов унга кўз қирини ташлаб:

– Кўп чиранма, – деди-да, карта беришда давом этди.

XIV

Бир ярим соатдан кейин кўп картабозлар ўз ўйинларига ҳазилакам деб қарайдиган бўлишиди.

Бутун ўйин Ростовда бўлиб колди. Бир минг олти юз

сүм у ёқда колиб, унинг ҳисобига бирин-кетин ёзилган рақамлар шу қадар кўпайиб кетдики, у ўн мингтacha санади-ю, лекин тахмини ўн беш мингдан кам эмас эди. Ҳакиқатда эса бу ёзилган рақамлар йигирма мингдан ҳам ошиб кетган эди. Долохов хозир на гапга қулок солар, на ўзи гапирап, у Ростовнинг ҳар бир қўл ҳаракатини кузатар ва ҳар замон ёзib кўяётган ютуғига кўз ташлаб қўяр эди. У ютуғи кирқ уч мингта етгунича ўйнашга аҳд қилган эди. Ўз ёши билан Соняниг ёшини кўшганда кирқ уч бўлганилиги учун шу рақамни белгилаган эди. Ростов бошини икки қўли орасига олиб, ҳамма ёги чизиб ташланган, вино тўкилган карталар уйилиб ётган стол олдида ўтирап эди. Огир бир таассурот унинг зехнидан ҳеч кетмас эди: суяги йўғон, қизгимтири, енглари остидан жуни чиқиб турган, бир вактлар кўзига иссиқ кўринган-у, хозир кўргани токати бўлмаган бу қўллар уни ўз чангалига олган эди.

«Олти юз сўм, туз бурчак тўққизлик... қайтиб ютиб олиш мумкин эмас!.. Уйим қандоқ яхши эди-я! Саллот¹ ўйини... бу мумкин бўлмаган гап! Нега бу мени унақа килаётиби? – ... деб ўйлар эди Ростов. У баъзан катта карта ни кўяр, Долохов эса уни кўйиб, ўзи дов тикар эди. Николай унга бўйсуниб, жанг майдонида – Амштетен кўпригига худога сифингандек, худога сиғинар, гоҳ стол тагидаги карталардан кўлимга тушгани мени бу аҳволдан кутказармикин деб умид боғлар, гоҳ бутун ютқизигига нимчасининг боғичлари микдоридаги очколик карта кўймокчи бўлар, гоҳ энди нима киламан дегандай бошқа картабозларга қарап, гоҳ Долоховнинг бепарво юзига қараб, унинг кўнглидагини билишга ҳаракат килар эди.

«Шунча пулни ютқизиш менинг учун нима эканлигини билади-ку ахир. Наҳот менинг ҳароб бўлишимни истаса? У менга дўст эди-ку. Мен уни яхши кўрар эдим-ку... Лекин омади келган бўлса, бу ҳам қандоқ қйлсин! Айб менда ҳам эмас, – дер эди Ростов ўзича. – Мен ҳеч қандай ножӯя иш қилганим йўқ. Нима, мен одам ўлдирдимми, бирорни ҳақорат қилдимми, бирорвга ёмонлик тиладимми? Нега менинг

¹ Саллот – моткадан кичик, ўнликдан катта карта.

бошимга бундай фалокат келди? Бу фалокат қачондан бошланди? Мен ҳалигина бу стол ёнига юз сўм ютаман, онамга туғилган кунида совга қилиш учун қутича сотиб олиб уйга бораман, деган умид билан келиб ўтирган эдим. Накадар баҳтиёр, эркин ва хурсанд эдим! Ўшанда накадар баҳтиёр эканлигимнинг қадрига етмаган эканман. Бу баҳтиёрлик қачон қўлдан кетди-ю, қачон бу фалокатлар бошланди? Нима бўлиб бу фалокат бошланди? Мен-ку шу ерда, шу стол ёнида ҳамон бир хилда карта олиб, пул тикиб, бу суюги йўгон эпчил кўлларга қараб ўтириб эдим, нима бўлдики, бошимга бундай фалокат келди? Мен-ку сог-саломат, бақувват, ҳамон илгаригидайман, ҳамон ўша жойимда ўтирибман. Йўқ, бундок бўлиши ҳеч мумкин эмас. Бунинг оқибати ҳеч нарса бўлмайди.

Уй иссик бўлмаса ҳам, Ростов қип-қизариб, терга пишиб кетган эди. Унинг юзи, хусусан, ўзини тутишга бехуда зўр берганидан жуда ёмон, одамнинг раҳми келадиган бир ҳолатда эди.

Ютқизилган пулнинг миқдори ўша машъум миқдор – кирқ уч мингга етди. Ростов уч минг сўм банкнинг тўртдан бирига карта олган эди. Долохов кўлидаги картани так этиб столга қўйди-ю, бўрни олиб, ўзининг чиройли ва пишиқ хати билан Ростов ёзib қўйган рақамларни жамлай бошлади.

– Овқат қилайлик, овқат қилайлик! Мана, лўлилар ҳам келишди, – дейиши.

Шу пайт, дарҳақиқат, ташқаридан лўли лахжасида гаплашиб, қора мағиздан келган эркак-аёллар кириб келишди. Николай иш тамом бўлганини билиб турар эди, шундок бўлса ҳам, лоқайд бир товуш билан:

– Ҳа, энди ўйнамайсанми? Жуда яхши бир картани тайёрлаб ўтирувдим-да, – деди гўё фақат ўйингагина қизиққандай.

«Иш тамом, ҳароб бўлдим! Энди ўзимни отишими қолди, холос» – деди ичида, лекин қувноқ товуш билан:

– Қани, яна битта ўйнайлик, – деди.

– Ҳўп, – деди Долохов ютган пулини жамлаб бўлиб, – майли! Йигирма бир сўм тикдим, – деди кирқ уч мингдан

ортиқча чиққан йигирма бир сүмни кўрсатиб ва картани олиб чийлай бошлади. Ростов, хўп, деб қўлидаги картанинг четини буқди ва ёзиб кўйгани олти минг ўрнига йигирма бир ёзди.

– Менга барибир, – деди у, – мен шуни кўрмокчиман, кани, шу картани босасанми ёки менга берасанми?

Долохов астойдил карта бера бошлади. Шу пайтда бу қизғимтири, бармоқлари калта, енг остидан жуни чикиб турган ва уни ўз чангалига олган кўлларни Ростов накадар ёмон кўрар эди... Ўнлик карта Ростовга чиқди.

– Қирқ уч минг сўм карздор бўлдингиз, граф, – деди Долохов ва керишиб ўрнидан турди. – Одам ўтираверса ҳам, чарчаб кетар экан, – деб кўйди.

– Ҳа, мен ҳам чарчадим, – деди Ростов.

Долохов худди ҳазил килишни сенга ким қўйибди, демокчи бўлгандай унинг сўзини бўлиб:

– Пулни қачон оламиз, граф? – деди.

Ростов кип-қизариб, Долоховни бошқа уйга олиб кирди.

– Шунча пулни бирдан беролмайман, вексель бераман, – деди.

– Менга қара, Ростов, – деди Долохов кулиб ва унинг кўзларига қараб, – «Мұхаббатда омади бўлган кишининг картада омади бўлмайди», – деган мақол бор. Жиянинг сени яхши кўради. Мен буни биламан.

«Ўзингни шу одамнинг чангалида хис қилиш нақадар оғир!» – деди Ростов ичида. У шунча пул ютқизганлигини айтса, ота-онаси қанчалик хафа бўлишини билар, бу фалокатдан кутулиш нақадар катта баҳт эканлигини, Долохов уни шу фалокатдан кутқаза олишини ва ҳозир яна уни мушук сичқонни ўйнагандай ўйнамокчи бўлганини англар эди.

– Жиянинг... – деган эди Долохов, Николай унинг сўзини бўлди.

– Бунга жиянимнинг нима даҳли бор, унинг тўғрисида нима қиласан гапириб? – деди Ростов бакириб.

– Хўш, пулни қачон оламан? – деди Долохов.

– Эртага, – деди Ростов ва уйдан чиқди.

«Эртага» дейиш ва йигитликни кўлдан бермаслик учун кизишинаслек-ку осон эди-я, лекин уйга келиб, сингиларига, укасига, ота-онасига рўпара бўлиб, қилмишига икror бўлиш, пул сўрамайман, деб сўз бергани ҳолда яна пул сўраш ниҳоятда оғир эди.

Уйда ҳали ҳеч ким ухлагани йўқ эди. Ростовлар ҳовли-сидаги ёшлар театрдан кайтиб, овқат еб, клавикорд олдида ўтиришган эди. Николай залга кириши биланоқ, шу бу йил киши уйларида хукмрон бўлган ва Долоховнинг таклифи-ю, Иогелнинг балидан кейин Соня билан Наташа атрофида яна ҳам авж олган ўша ошиқ-маъшуқлик кайфияти уни камраб олди. Театрга кийиб борган ҳаворанг кўйлакларида яна ҳам чиройлироқ бўлиб ва буни ўзлари ҳам билиб, гул-гул очилган Соня билан Наташа клавикорд олдида жилмайиб туришган эди. Вера билан Шиншин меҳмонхонада шахмат ўйнашмоқда эди. Кекса графиня эри билан ўғлини кутиб, шу ерда истиқомат киласидиган ва оксуяклардан бўлган бир кампир билан карта ўйнамоқда эди. Кўзлар ёниб турган, соchlари тўзиган Денисов оёқларини кериб, қисқа бармоқлари билан клавикорд чалар ва кўзларини сузуб, ўзи ёзган «Соҳира» деган шеърга куй топмоқчи бўлиб, майнингина овози билан хиргойи қилиб ўтирган эди.

*Ул куй на куйдирки, айтгил, соҳира,
Ки мени унумиқ торларга тортар;
Ул ўт на ўтдирки, тинч қўймас сира
Таҳ-батаҳ қалбимга завқ-у шавқ ортар!*

У эҳтиросли овоз билан ашула айтар экан, чақнаб турган коп-кора кўзларини данг қотиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетган Наташадан олмас эди.

– Жуда яхши! Қойил! – деб кичқирди Наташа. – Иккинчи бандини ҳам айтинг, – деди Николайнинг кирганини пайкамай.

Николай меҳмонхонага қараб, у ерда Верани ва кампир билан ўтирган онасини кўриб ичиди: «Булар ҳали ҳам шу» деб қўиди.

– Эй, ана, Николинька ҳам келди, – деб Наташа унинг

олдига югуриб борди.

– Дадам уйдамилар? – деб сўради Николай.

– Зап келдинг-да, – деди Наташа унинг саволига жавоб бермай. – Хурсандчилик килиб ўтирибмиз. Менинг учун Василий Дмитрич яна бир кунга қолди, биласанми?

– Йўқ, ҳали дадам келганлари йўқ, – деди Соня.

Мехмонхонада ўтирган графинянинг: – Эй, кўзим, келдингми, кани, бу ёкка кел-чи, – деган овози эшитилди.

Николай онасининг олдига борди, унинг қўлини ўпди ва индамай унинг олдиаги курсига ўтириди-ю, унинг карта тахлаётган қўлига караб қолди. Залдан кулги ва Наташани кистаётган хушчакчақ овозлар эшитилиб турар эди.

– Хўп-хўп, – деб кичкирар эди Денисов, – энди баҳона кетмайди, bargarolla айтиб берасиз, сўрайман.

Графиня индамай ўтирган ўғлига каради.

– Ҳа, нима бўлди сенга? – деб сўради онаси.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деди Николай худди бу савол жонига теккандай. – Дадам келиб қолармикин?

– Келиб қолар.

«Булар ҳамон ўша, ҳеч нарсадан хабари йўқ! Қаёқка борай?» деди ичиди Николай ва яна клавикорд турган залга чиқди. Соня клавикорд олдида ўтириб, Денисов жуда яхши кўрадиган баркаролланинг прелюдисини¹ чалмоқда. Наташа ашула айтмоқчи бўлиб, Денисов эса унга завқ билан тикилиб турар эди.

Николай залда нари-бери юра бошлиди.

«Шуни ашула айттириб нима қилишар экан! Бу ашула ни биладими? Шу ҳам хурсандчилик бўлди-ю!» – деб ўйлар эди Николай.

Соня прелюдиянинг биринчи аккордини чала бошлиди.

«Эй худо, мен буткул ҳароб бўлган, буткул расво бўлган одамман. Менга ашулани ким кўйибди, бирдан бир қиладиган ишим ўзимни отиш. Ё бирон ёкка кетайми? Қаёқка бораман? Барибир, ашуласини айтаверсин», деб ўйлар эди Ростов.

Николай қовоғини солиб, уйда ҳамон нари-бери юрар,

¹ Прелюдие – мусикали асарнинг кириш кисми, сараҳбори.

Денисов билан қизларнинг кўзини-кўзига туширмасликка ҳаракат қилиб, уларга қарап эди.

Соня худди «Николинъка, сизга нима бўлди» деб сўраётгандай унга тикилиб турар эди. У Николайни кўриши билан унга бир нарса бўлганини сезди.

Николай ундан юзини ўтириди. Наташа ҳам ўзига хос зийраклик билан шу ондаёқ акасининг кайфиятини пайқади: пайқашга пайқади-ю, лекин ҳозир шу қадар хурсанд, ғам ҳоҳиш, таъна-дундан шу қадар узоқ эдики (ёшлар кўпинча шундок бўлади), ўзини ўзи аллади: «Кўй, ҳозир бирорвонинг ғам-ҳоҳишини деб ўзимнинг хурсандчилигимни барбод бераманми» деган хаёлда ўзига ўзи: «Йўқ, мен янгилаётгандирман, эҳтимол, у ҳам менга ўхшаган хурсанддир», деди.

– Қани, Соня, – деди Наташа ва залнинг ўртасига, назарида, овоз янграйдиган жойга борди; бошини қўтарди, раккосалардек бехол қўлларини осилтириди-да, оёқ учидаги йўргалаб уйни бир айланди-ю, тўхтади.

Завқ килиб кузатиб турган Денисовга у худди: «Мана, мени кўрдингми?» – деяётгандай эди.

Николай синглисига қараб: «Бу нимага мунча хурсанд бўлаётган экан! – деди ичида. – Нахот ҳозир юрагига шу сигса!» Наташа ашулани бошлади, овози очилди, кўкраги кўтарилиди ва кўзлари жиддий тие олди. Шу дамда ҳеч ким ва ҳеч нарса тўғрисида ўйламас, табассумга чоғлаган лабларидан кўнгирокдай овоз янграб чиқарди: бу овоз худди шу мақомда ва шу тарзда ҳар кимнинг ҳам оғзидан чикиши мумкин, лекин бу овоз минг мартаба эшитганда таъсир қилмаса ҳам, минг биринчи мартаба эшитганда сизни титратар ва йиглатар эди.

Наташа шу бу йил қиши биринчи марта, айниқса, Денисов товушига маҳлиё бўлгандан кейин ашулага жиддий берилди. У энди ашулани болаларча эмас, катта одамларча айтар, у ҳозир ашула айтганда илгаригидай болаларча чиранмас эди: шундок бўлса ҳам, унинг ашуласини эшитганда шинавандалар хали сал хомроқ дейишар эди. «Овози хали етилмаган, лекин жуда ажойиб овоз, етилтириш керак», дер

эди ҳамма.

Лекин ҳамма вақт бу гапларни Наташа ашула айтаёт-ганды эмас, айтиб бўлгач, анчадан кейин айтишар эди. Ҳали етилмаган, керакли жойда нафас олмаганлигидан пардадан пардага кийинлик билан ўтаётган бу овоз янграганда ҳатто катта шинавандалар ҳам индамай овозга маҳлиё бўлиб ўтиришар, факат яна эшитишни орзу қилишар эди. Унинг ишланмаган, ҳали ўз кучини билмаган, ҳали табиий ва ипакдай юмшок товуши ашула санъатини яхши билмаслик натижаси бўлган камчиликлар билан шундай қўшилиб кетган эдики, унинг камчилигини тузатаман деган киши овозни бузиб кўйишдан кўркар эди.

Николай унинг товушини эшитиб ҳайрон бўлиб: «Бу қандоқ бўлди? Нима бўлди унга? Бунака ашула айтотмас эди-ку» деди ўзича. У тўсатдан бутун оламни эсидан чикарди-да, тамом диққати ашуланинг давомида бўлди. Унинг учун бутун ҳаёт уч темпдан иборат бўлиб қолди: «Оҳ, золим муҳаббат. Бир икки, уч... бир, икки уч... бир... Оҳ, золим муҳаббат. Бир, икки, уч... бир. Эй, бизнинг ҳаётимиз ҳам ҳаёт бўлдими! – деди Николай ўзича, – буларнинг ҳаммаси – бу фалокат ҳам, пул ҳам, Долохов ҳам, кек ҳам, ор-номус ҳам – ҳаммаси икки пулга арзимайди. Ҳақиқий ҳаёт мана бу... Қани, Наташа, қани, кўзим! Қани, ол! Қани, қанака олар экан! Олди! Худога шукур!» У рўмолни кучайтириш учун, ўзи ҳам билмай, беихтиёр баланд терцияга¹ қўшилди. «Вой тавба! Қандай яхши! Нахот шу овоз меники бўлса! Шу овоз-а!» деб кўнглидан ўтказди.

Бу терция шундай ҳам жарангладики, Ростовнинг кўнглидаги энг яхши хислар кўзғалиб кетди. Бу хис олам билан ҳеч алоқаси бўлмаган ва оламдан юқорироқ турган бир хис эди. Ютқизиш, Долохов, сўз бериш нима деган гап ўзи! Ҳаммаси беҳуда гаплар. Киши одам ўлдирса ҳам, ўғирлик килса ҳам, ҳар қалай, баҳтиёр бўлиши мумкин...

¹ Терция (латинча: *tertia* – учинчи) – диатоник гамманинг учинчи пардаси ва унинг гаммадаги уч пардали интервал. Орасида бир боскич колдириб тузилган интервал терция деб аталади.

Ростов кўпдан бери бугунгидай мусика эшишиб завқ килган эмас эди. Бироқ Наташа ашуласини тамом қилиши биланоқ унинг эсига яна ҳозирги аҳволи тушди. У индамасдан залдан чиқди-ю, пастга, ўзининг уйига тушди. Чорак соат ўтгандан кейин кекса граф хурсанд ва мамнун бўлиб клубдан кайтиб келди. Николай унинг келганини эшишиб олдига чиқди.

Илья Андреич ўғлига қараб хурсанд ва ифтихор билан табассум килиб:

– Хўш, қалай, ўйнаб-кулиб келдингми? – деди. Николай «ҳа» демокчи бўлди-ю, айта олмади: у йиғлаб юбораёзди. Граф трубка чекар эди, ўғлининг ҳолатини пайқамади.

«Оббо, айтмай илож йўқ!» – деди Ростов ичидаги охирги марта. Тўсатдан, худди шаҳарга бориб келган отасидан арава сўраётгандай:

– Дада, мен олдингизга бир иш билан келдим, эсимдан чиқаёзибди. Менга пул керак эди, – деди. Бу гапни у шундай бамайлихотир айтдики, сўзига ўзининг нафрати келди.

Кайфи жуда чоғ бўлган дадаси: – Ҳа, ҳа, ҳали шундок дегин. Етмайди демабмидим? Кўп керакми? – деди.

– Ҳа, жуда кўп керак, – деди Николай қизариб-бўзарип ва кўп вақтгача кўнглида доғ бўлиб қолган табассум билан.

– Бироз ютказиб кўйдим, бироз ҳам эмас, анчагина, жуда кўп, кирқ уч минг сўм.

– Нима? Кимга? Ҳазиллашаётибсанми? – деб бақирди граф. Унинг томоқ ва бўйинлари қизариб кетди.

– Эртага тўлайман деб ваъда бердим, – деди Николай.

– Ах!.. – деди кекса граф ва оёқ-кўли бўشاшиб, диванга ўтириб қолди.

– Қандоқ килай! Бу иш кимнинг бошига тушмайди, – деди Николай пинагини бузмасдан, лекин ичидаги ўзини умр бўйи бу жиноятни ювига ташлолмайдиган абллаҳ, разил ҳисоблар эди. Николай отасининг қўлини ўпиб, тиз чўкиб, ундан узр сўрашни истагани ҳолда, пинагини бузмай, ҳатто дағалроқ бир тарзда: – Бу номардлик ҳар кимда ҳам бўлади, – деди.

Граф Илья Андреич ўғлининг бу сўзини эшишиб бошини куйи солди ва бир нима излагандай шошилди.

– Ҳа-ҳа... – деди у, – қийин, топиш кийин бўлар деб кўрқаман... Кимнинг бошига тушмайди! Ҳа, кимнинг бошига тушмайди... – граф ўғлига кўз кири билан каради-ю, уйдан чикиб кетди... Николай отаси бирон сўз айтса, унга жавоб қилгани тайёрланган, бирок отасини индамай кўя колишини сира кутмаган эди.

– Дада, дадажон! – деб кичкирди унинг кетидан югуриб, – кечиринг! – деди ва отасининг кўлини ўпиб йиғлаб юборди.

Ота-бала орасида шу гаплар бўлаётган вактда, ичкарида она-бала ўртасида ҳам шундай катта бир гап бўлмоқда эди. Наташа ҳовлиққанича онасининг олдига чопиб келди.

– Ойи!.. Ойи!.. Денисов оламан, деди.

– Кимни оламан деди?

– Мени, мени оламан деди. Ойи! Ойи! – деб кичкирди Наташа.

Графиня донг қотиб қолди. Денисов оламан дебди. Кимни? Якинда кўғирчоқ ўйнаб юрган, ҳали ўкиб юрган муштдай болани-я!

– Наташа, кўй бунақа беҳуда гапларни! – деди графиня ҳануз буни ҳазил гумон қилиб.

– Беҳуда гапингиз нимаси! Мен бўлган гапни айтаётибман, – деди Наташа аччиғланиб. – Мен сиздан, нима қиласай, деб сўрагани келсан, сиз менга «беҳуда гап» дейсиз.

Графиня ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

– Агар жаноб Денисов ростдан ҳам сени оламан деган бўлса, аҳмок экансан, дёгин кўйгин, вассалом.

– Йўқ, у аҳмок эмас, – деди Наташа ўпкалаб жиддий равища.

– Ҳа, бўлмаса нима демоқчисан? Ҳозир ҳаммаларинг ҳам ошиқ-маъшуқсизлар. Хўп, яхши кўриб қолган бўлсанг, тега қол, – деди графиня истеҳзо билан кулиб, – худо пешонангни очсин.

– Йўқ, ойи, мен уни яхши кўриб қолганим йўқ, яхши кўриб қолмаган бўлсан керак.

- Шундок бўлса, шундок дегин-да.
- Ойи, мендан хафа бўлаётирсизми? Хафа бўлманг, ойижон, мен нима гуноҳ килибман?
- Мен ҳам гуноҳ қилдинг деяётганим йўқ, кизгинам. Сен айта олмасанг, мен бориб айта қолай, – деди графиня кулимсираб.
- Йўқ, ўзим айтаман, факат ўргатсангиз бас, – деди ва онасининг табассумига жавобан илова қилди. – Сизга осон кўринади-да, унинг бу гапни менга қандай қилиб айтганини кўрганингизда билар эдингиз! Ўзим ҳам билар эдим, бу гапни менга айтмоқчи эмас эди, оғзидан чиқиб кетди.
- Ҳар нечук бўлганда ҳам йўқ дейиш керак.
- Йўқ, кўйинг. Бечорага одамнинг раҳми келади. Шундай яхши киши.
- Ундоқ, бўлса, хўп дегин. Эрга тегадиган вактинг ҳам бўлиб қолди, – деди онаси заҳарханда қилиб.
- Йўқ, ойи, хафа қилгани ҳеч кўнглим бўлмайди. Қандоқ қилиб айтишимни билмайман.
- Сенинг айтишинг ҳам керак эмас, мен ўзим айтаман, – деди графиня муштдай болага катта киз деб қараб, шундок гапни айтишганидан дарғазаб бўлиб.
- Йўқ, йўқ, мен ўзим айтаман. Сиз эшик оркасида туриб кулоқ солинг. – Наташа ютурганича меҳмонхонадан ўтиб, залга чиқди. Денисов ҳамон ўша ерда, клавикорд олдида, икки кўли билан юзини ушлаб ўтирас эди. У Наташанинг енгил кадам шарпасини эшитиб, иргиб ўрнидан турди.
- Наталья, – деди у Наташага томон тез-тез юриб келиб,
- менинг тақдиримни хал қилинг. Тақдирим сизнинг кўлингизда!
- Василий Дмитрич, сизга жуда юрагим ачиди!.. Жуда ҳам яхши одамсиз-у... лекин кўйинг... бу... мен ҳамма вакт сизни шундай яхши кўриб юравераман.
- Денисов унинг кўлига энгашди ва Наташанинг қулогига жуда ғалати, тушуниб бўлмайдиган бир товуш эшитилди. У Денисовнинг коп-кора, жингалак сочидан ўпди. Шу пайт графиня кўйлагини шилдиратиб, буларнинг устига кириб қолди.

– Василий Дмитрич, бошимизни осмонга еткизганингиз учун қуллук, – деди хижолат тортган бир тарзда, – лекин менинг қизим ҳали жуда ёш. Сиз ўғлимнинг жонажон ўртоги бўлганингиз учун бу гапни аввал менга айтарсиз деб йўлаган эдим. Шундок килганингизда мени рад килиш заруратидан озод қиласар эдингиз.

Денисов мулзам бўлиб ерга караб: – Графиня, – деб гап бошлади-ю, лекин дудукланиб қолди.

Наташа унинг бундай уволгина бўлиб турганини кўриб, юраги ачиди ва хўнграб йиғлаб юборди.

– Графиня, кечиринг, – деди Денисов товуши қалтираб, – лекин мен сизнинг қизингизни ва бутун оиласизни шу қадар эхтиром қиласманки, агар иккита жоним бўлса, иккавини ҳам курбон қиласар эдим...

– У графиняга кўз кирини ташлади ва уни жиддий киёфада кўриб... – Хайр, графиня, – деб унинг қўлини ўпди ва Наташага қарамасдан, тез-тез ва қаттиқ-қаттиқ қадам ташлаб, чикиб кетди.

Эртасига Ростов Москвада бир кун туришга ҳам тоқати қолмаган Денисовни кузатди. Денисовни Москвадаги ҳамма ўртоқлари лўлиларникига йиғилиб кузатиши. Ўртоқлари уни чанага ўтқизишганини ҳам, уч бекат кузатиб кўйишганини ҳам Денисов билмай қолди.

Денисов кетгандан кейин Ростов то отаси у ёқ бу ёқдан пул топгунча яна икки ҳафта уйдан чиқмай, кўпинча вақтини қизлар бўлмасида ўтказиб, Москвада яна икки ҳафта турди. Соња унга аввалгидан ҳам кўра меҳрибонроқ ва яқинроқ эди. У Ростовнинг шунча пул ютқизганлигига бир йигитлик деб карагандай, шу иши учун уни яна ҳам кўпроқ яхши кўрганлигини кўрсатмоқчи бўлгандай кўринар эди, лекин Николай энди ўзини унга нолойиқ кўрар эди.

У қизларнинг хотира дафтарини шеър ва ноталар билан тўлдирди ва таниш-билишларидан ҳеч ким билан хайлараш масдан, Долоховга кирқ уч минг сўмни юбориб, тилхат олгач, ноябрь ойининг охирида аллақачонлар Польшага етиб олган полкига жўнади.

I

Пьер хотини билан очик сўзлашганидан кейин Петербургга жўнади. Торжок бекатига келганда бекат назоратчиси от беришни истамади, шекилли, от йўқ, деди. Пьер кутишга мажбур бўлди. У ечинмасдан, тўгарак стол ёнидаги чарм диванга чўзилди ва иссиқ этик кийган каттакон оёкларини стол устига узатиб юбориб, ўйга толди.

– Жомадонларини олиб кирайликми? Тўшак солиб берайликми, чойга майллари қалай? – деб сўради камердинер.

Пьер жавоб бермади, чунки кўзига ҳеч нарса кўринмас, кулогига ҳеч гап кирмас эди. У илгариги бекатда ҳам ўйга ботганича, ҳамон ўша муҳим нарса тўғрисида ўйлар, шунинг учун ҳам атрофида нималар бўлаётганига ҳеч эътибор килмас эди. У Петербургга эртарок борадими ёки кечрок борадими, бу бекатда дам олгани жой топиладими-топилмайдими, парвойига келмас, ҳозир миясини банд қилган масала олдида, ҳатто бу бекатда бир неча соатгина турадими ёки умр бўйи қоладими – унинг учун барибир эди.

Назоратчи, унинг хотини, камердинер, машиначи кампир, ҳар қайсиси хизматта тайёр эканлигини айтиб кириб туар эди. Пьер стол устига узатиб юборган оёгини йигиштирмасдан, буларга кўзойнаги орқали карап экан, миясини банд қилиб турган нарсаларни ҳал қилмасдан туриб, қандок яшаб турганини ва буларга нима кераклигини тушуна олмас эди. Дуэль куни Сокольницидан қайтиб, азоб-уқубатга тўла уйқусиз ўтказилган биринчи кечадан бери унинг мияси ҳамон ўша масала билан банд эди. Энди сафар ёлгизлигига бу фикр-у хаёллар уни айникса ўз чангалига олган эди. У нима тўғрида ўйламасин, яна ўша ҳал қилолмаган масалага ва тинмай ўзига берадиган саволига келиб тақалар эди. Гўё унинг бутун ҳаётини тутиб турган асосий винт бўшаб қолгандай эди. Бу винт на ичкари киради, на буткул тушиб кетади: бекордан бекорга бир жойда айлангани-айланган, уни тўхтатишнинг сира ҳисоби йўқ эди.

Назоратчи кириб, етти букилиб, жаноблари икки соатгина сабр килсалар, кейин (нима бўлса бўлар) жаноблари учун почта отини бермоқчи эканини айтди. Назоратчи, афтидан, чойчака олиш ниятида ёлғон гапираётган эди. «Шу яхши бўлдими, ёмон бўлдими? – деди Пьер ўзича, – менинг учун яхши, бошқа йўловчи учун ёмон, унинг ўзи учун эса зарур, чунки шундай килмаса оч колади, у: «Мени офицер силтаб ташлади», деди. Офицер тезроқ кетиши керак бўлгани учун силтаб ташлаган-да. Мен, масалан, ўзимни ҳакоратланган ҳисоблаганим учун Долоховга караб ўқ уздим. Людовик XVI ни эса жинояткор деб катл килишди; бир йилдан кейин уни катл килганларни ҳам нима учундир ўлдиришди. Қайсиси гуноҳ? Қайсиси савоб? Нимани яхши кўриш керак? Нимани ёмон кўриш керак? Яшацдан мурод нима? Мен нимадан иборатман? Ҳаёт нима? Ўлим нима? Буларнинг ҳаммасини қандай куч идора қиласди?» – деб сўрар эди ўзидан ўзи. Бу саволларнинг ҳеч бирига бир мантиқсиз жавобдан бошқа ҳеч қандай жавоб йўқ, бу мантиқсиз жавоб ҳам бу саволларга жавоб бера олмас эди. Бу жавоб: «Ўлсанг, ҳаммаси тамом бўлади кетади. Ўлсанг ё ҳаммасини биласан, ёки қайтиб сўрамайсан» деган сўздан иборат эди. Лекин ўлим ҳам жуда кўрқинчли эди.

Торжок бекатининг саводогар хотини чийиллаб ўзининг молларини, айниқса, бўз туфлисини мақтар эди. «Мен шунча пулимни қаерга қўйишимни билмайман, бу бечора эса йиртиқ пўстин кийиб, менга мунғайиб караб турибди, – деб ўйлар эди Пьер. – Бу пулнинг нима кераги бор экан? Кошки пул деган нарса буни бир зум баҳтиёр килса-ю, рухига ором берса! Дунёда буни ёки мени фалокат ва ажалга дучор бўлишдан бироз бўлса-да, кутқариш кўлидан келадиган бирон нарса борми? Ҳамма нарсани барбод киладиган ва бугунми, эртами келадиган ажал абадиятга нисбатан кўз очиб юмгунча, барибир, келиб ёқангдан ушлайди». У яна ўша бекордан бекорга айланадиган винтини босди, лекин винт ҳамон бир жойда айланар эди.

Хизматкори унга Сюза хонимнинг саҳифалари ярмигача қирқилган романини берди. Бу китобда Пьер Амелия

Мансфельд деган бир хотиг'чинг чеккан изтироблари ва ҳалоллик учун курашганлигини ўқиди. «Ўзи яхши кўра туриб, бу хотин нега ўзининг ошиғига қарши курашибди? Худо ўз иродасига қарши унинг кўнглига ғулғула солмаса керак эди. Менинг собиқ хотиним курашмади ва, эҳтимол, тўғри қилгандир. Ҳеч қандай ҳақиқат топилган эмас, – деди Пьер яна ўзича, – ҳеч қандай ҳақиқатнинг тагига етиб бўлмайди. Биз фақат билмаслигимизнигина биламиз. Мана шунинг ўзи инсон заковатининг энг олий нуктасидир».

Унинг бутун турган-битгани ва атрофидаги ҳамма нарса, назарида, чалкаш, маъносиз ва жирканч кўринар эди. Лекин Пьер мана шу атрофидаги ҳамма нарсадан жирканиб лаззат топар эди.

Назоратчи от етишмаганлиги важидан кетолмай қолган бир йўловчини бошлаб кириб:

– Мумкинми, жаноблари, сизни салгина қисиб бу кишига ҳам шу ердан жой қилиб берсак, – деди.

Йўловчи пакана, суяклари йўғон, ранги сап-сарик, юзини ажин босган, кўқимтири кўзларининг устига оппок қоши тушиб турган бир чол эди.

Пьер оёгини столдан олди, ўрнидан турди ва тўшак тўшаб қўйилган каравотта чўзилди, чолга ҳар замон бир қараб қўяр эди. Чарчагандай кўринган ковоғи солиқ чол Пьерга қарамасдан, хизматкори ёрдами билан зўрға ечинди; устида колған эски пўстинчаси-ю, суякдангина иборат бўлган оёгидаги кигиз этиги билан диванға ўтири, чаккалари кенг, сочи калта қилиб кирқилган каттакон бошини диваннинг суюнчигига қўйиб, Безуховга назар ташлади. Унинг жиддий, маъноли ўткир кўз қарashi Пьерни хайратга солди. У шу одам билан гаплашгиси келиб, йўл қалай, деб сўз бошламоқчи бўлиб турганида йўловчи бир бармоғига одам сурати солинган каттакон жез¹ узукли кўлини қовуштириб, кўзларини юмди, Пьернинг назарида, дам олибми ёки нима тўғридадир чукур ўйга толибми, қимирламай ўтири. Унинг хизматкори ҳам юзини ажин босган, хўжайнинга ўхшаган

¹ Жез – мис, рух ва қалай котишмаси.

сап-сарик, афтидан, кўса¹ бир чол эди. Абжир бу хизматкор чол сафар халтани очиб, чой ичгани дастурхон хозирлади ва кайнаб турган самоварни келтириб қўйди. Ҳамма нарса тайёр бўлгандан кейин йўловчи кўзини очиб столга якинрок келди ва ўзига бир стакан чой қуйиб, яна бир стакан чойни кўса чолга берди. Пьер бу одам билан жуда ҳам гаплашгиси келиб, бетоқат бўла бошлади.

Хизматкор чойни ичиб, бўш стакан билан ейилмай колган бир бўлак қандни келтириб столга қўяр экан, хўжайинидан: «Бирон нарса керакми» – деб сўради.

– Йўқ, китобни бер, – деди йўловчи. Хизматкор, Пьер нинг назарида, диний китобдай кўринган бир китобни берди. Йўловчи ўқишга киришди. Пьер унга қараб турар эди. Йўловчи бирдан хат-чўп қўйиб, китобини ёпди, яна кўзини юмиб, диваннинг суюнчиғига тирсакланиб, боягидай ўтириди. Ҳамроҳига қараб турган Пьер ундан кўзини олишга ултурмай чол кўзини очди ва унга тикилиб колди.

Пьер хижолат тортгандай бошқа ёкка қарамоқчи бўлган эди, чолнинг чақнаб турган кўзлари уни ўзига тортди.

II

– Янглишмасам, граф Безуховнинг сухбатларига мушарраф бўлаётубман, шекилли? – деди йўловчи салмоқлаб баланд овоз билан. Пьер индамасдан, кўзойнак орқали ўзининг ҳамсухбатига савол назари билан қаарди. – Мен сизни ва бошингизга келган мусибатларни эшигтан эдим, султоним. – У худди: «Сиз мусибат демасангиз ҳам, лекин Москвада бошингизга келган кунлар мусибатдир» демокчи бўлгандай, «мусибат» сўзини таъкидлаб айтди. – Ниҳоятда афсусландим, султоним.

Пьер қизариб кетди ва шошиб-пишиб оёғини каравотдан тушириб, ғайритабиий бир табассум билан чолга томон энгашди.

– Мен бу гапни азбаройи қизиққанлигимдан айтаётганим йўқ, султоним, бунга бошқа муҳим сабаблар бор. – У Пьерга тикилганича, сал нари сурилди ва шу ҳаракати билан

¹ Кўса (форсча) – сокол-мўйлови сийракрок.

Пъерни диванга таклиф қилгандай бўлди. Бу чол билан гаплашишга Пъернинг ҳозир сира кўнгли бўлмаса ҳам, лекин чолга беихтиёр бўйсуниб, унинг ёнига бориб ўтириди.

– Сиз баҳтсиз одамсиз, султоним, – деди чол давом этиб.

– Сиз ёшсиз, мен қариб колганман. Кўлимдан келганича сизга ёрдам қилишни истар эдим.

– Ҳа, ҳа, – деди Пъер тиржайиб, – жуда миннатдорман... Қаёқдан келаётидилар? – Йўловчининг чехраси тунд ва ҳатто ковоги солик бўлса ҳам, лекин унинг гапи ва афтангори Пъернинг диккатини тортди.

– Агар бирон сабаб орқасида мен билан гаплашиш малол келадиган бўлса, очигини айтаверинг, султоним, – деди чол. У тўсатдан оталарга хос меҳр билан табассум килди.

– Йўқ, йўқ, ҳеч ундоқ эмас, аксинча, мен сиз билан танишганимдан жуда хурсандман, – деди Пъер унинг қўлига ва узугига синчилаб қараб. У чолнинг қўлидаги узукда масонлик аломати бўлмиш одам калласининг суратини кўрди.

– Мумкинми сўрасам, – деди Пъер, – сиз масонми?

– Ҳа, мен озод бинокорлар жамиятига мансубман, – деди йўловчи тобора Пъернинг кўзларига тикилиб. – Ўз номимдан ва ҳаммаслакларим номидан сизга мурувват қўлини чўзаман.

Пъер бир томондан бу одамнинг сўзларига ишонганилиги ва иккинчи томондан илгари масонларнинг эътиқодидан кулиб юрганлиги учун иккиланиб:

– Шуниси борки, – деди қулимсираб, – нима десам экан, олам тўғрисидаги менинг қарашим сизнинг қарашингизга шу кадар қарама-қаршики, бир-биримизни англашолмасмиз деб кўрқаман.

– Мен сизнинг қарашингизни биламан, – деди масон, – ўша айтган қарашингиз ва назарингизда тафаккурингизнинг самарасидай бўлиб кўринган қарашингиз, кўп кишиларнинг қаноатидек, кибр, ялковлик ва жаҳолат натижасидир. Кечирасиз, султоним, агар мен бу қарашни билмаганимда, бу хақда сўз очмас эдим. Сизнинг қарашингиз гумроҳликдир.

– Худди шундай, мен ҳам сизни гумрохликка тушгансиз деб тахмин килишим мүмкін, – деди Пьер жилмайиб.

– Мен ҳақыкатни биламан деб ҳеч қачон даъво қилмайман, – деди масон сўзининг пухта ва бурролиги билан Пьерни борган сайин қойил қолдириб. – Ҳеч ким якка ўзи ҳақыкатга етиша олмайди, ҳамма, Одам Атодан¹ тортиб шу кунгача бўлган миллион-миллион насл иштирок килган-дагина худои таолога муносаб макон бунёдга келгусидир.

Пьер гапнинг ростини айтишга мажбур бўлганини сезиб, таассуф билан зўрга:

– Мен сизга айтсам... Мен... Худога ишонмайман, – деди.

Масон унга дикқат билан қараб кулимсиради, унинг кулимсираши беш сўм пулим бўлса қандай баҳтиёр бўлар эдим, деган камбағалга кулимсираган миллионер бойнинг кулимсирашига ўхшар эди.

– Ҳа, сиз худони билмайсиз, султоним, – деди масон. – Уни билолмайсиз ҳам. Худони билмаганингиз учун ҳам шундай бадбахт бўлгансиз.

– Ҳа, ҳа, мен бадбахтман, – деди Пьер, – бироқ на чора?

– Сиз худони билмаганингиз учун ҳам бадбахтсиз, султоним. Сиз худони билмайсиз, ҳолбуки, худо шу ерда, менинг кўнглимда, менинг сўзларимда. Худо сенинг кўнглингда, ҳатто ҳозир айтган куфр сўзларингда ҳам, – деди масон жиддий ва титроқ овоз билан.

У ўзини босиши учун бўлса керак, чукур нафас олди ва жим қолди.

– Агар худо бўлмаганда эди, султоним, – деди у секин, – биз унинг тўғрисида гапиришмас эдик. Биз нима ва ким

¹ Одам Ато – исломга (шунингдек, иудаизм ва христианликка) кўра, Аллоҳ то-монидан яратилган ер юзидағи биринчи одам ва инсон зотининг отаси. Куръонга кўра, Аллоҳ Одам Атони лойдан ўзининг ердаги ўринбосари (халифа) сифатида яратиб, унга ўз руҳидан жон ато этган. Одам Ато Абулбашар (инсоният отаси) деб ҳам аталади. Исломда Одам Ато биринчи пайгамбар хисобланади. Одам Ато жуфтни ҳалоли Момо Ҳавво билан жаннатда яшаб, уларга барча неъматлардан сийшлика руҳсат берилди, факатгина бир дараҳтнинг мевасидан сийиш такикланди (Аъроф сураси, 19-21-оятлар). Иблис Одам Ато билан Момо Ҳаввони алдаб, тақиқланган дараҳт мевасини едиради. Бунинг жазоси эвазига улар жаннатдан чикарилиб, уларнинг авлодлари ерда яшашига ва меҳнат килишга маҳкум этилади.

тўғрисида гапиришдик? Сен кимни инкор қилдинг? – деди у тўсатдан голибона жиддият ва тантана билан. – Худо бўлмаса, уни ким ўйлаб чиқарибди? Бўлмаса, нега сенда шундай тушуниб бўлмайдиган бир вужуд бор деган тахмин пайдо бўлган экан? Бўлмаса, нега сен ва бутун олам шундай акл-идрок етмайдиган курратли ва ўзининг бутун хислатлари билан абадий ва бениҳоя бир вужуд бор деб тахмин килади? – деди масон вауз жим қолди.

Пъер сўз қотишни истамади ва сўз котолмади.

. Масон ички ҳаяжондан тек туролмаган кўли билан олдидаги китобни вараклар эди.

– Худо бор, лекин уни англаш мушкул, – деди яна масон Пъернинг афтига караб. – Худо одам бўлса-ю, сен унинг борлигига шубҳа қылганингда эди, мен унинг кўлидан ушлаб, олдингга олиб келиб кўрсатар эдим. Лекин мен, бир ожиз банда, унинг бутун курратини, абадий эканлигини, бутун лутф-у қарамини кўрга ёки уни кўрмаслик ва билмаслик учун ўз разолатини, жаҳолатини кўрмаслик ва тушунмаслик учун кўзини юмган кишига қандай қилиб кўрсатоламан? – у яна жим қолди. – Кимсан ўзинг? Нимадан иборатсан? Шундай куфр сўзларни сўзлай олганинг учун ўзингни донишманд деб ўйлайсанми, – деди масон заҳарханда қилиб. – Сен жуда ҳунарманд уста ясаган соатнинг қисмларини ўйнаб ўтириб, бу соатнинг нимага кераклигини билмагани учун устанинг борлигига ҳам ишонмайдиган боладан ҳам нодонроқ, бефаҳмроқсан. Худони билмоқ қийин. Биз аср бўйи, Одам Атодан бошлаб шу кунгача уни билишга тиришиб келмоқдамиз, лекин бу максадга эришмоқдан ҳали жуда узоқдамиз, уни англамаганимизга сабаб ўзимизнинг ожизлигимиз-у, унинг буюклигиdir...

Пъер тин олмай, ёниб турган кўзлари билан масонга караб, унинг сўзини бўлмасдан, гап сўрамасдан қулоқ солар, бу бегона одамнинг гапирган гапларига бутун вужуди билан ишонар эди. У масоннинг ақлга тўғри келадиган далил-исботлар билан гапираётган гапларига ишондими ёки болалардек унинг талаффузига, ишонч ва самимият билан сўзлашига, баъзан деярли унинг сўзини бўлиб қўядиган овози-

даги титрокқа ишондими ёки шу эътиқод билан қариган масоннинг чакнаб турган кўзларига ишондими ёки ўзининг тушкун ва забунлигига чоғиштирилганда ҳайратда қолгани, унинг бутун вужудидан ёғилиб турган осойишталиги, катъияти ва ўз бурчини билишига ишондими, ҳар қалай, Пьер астайдил ишонгиси келди, ишонди ва ишонганидан кўнгил тасалли топгандай, дунёга янгидан келгандай ва хаётга қайтгандай бўлди.

– Худони ақл билан билиб бўлмайди, уни хаётда билади киши, – деди масон.

– Мен тушунолмайман, – деди Пьер кўнглида пайдо бўлаётган шубҳадан чўчиб. У ҳамсухбати кўрсатаётган далил-исботларнинг аник-равшан эмаслиги ва бўшлигидан ва унинг сўзларига ишонмасликдан қўркар эди. – Мен тушунолмайман, нечук инсоннинг ақли сиз айтаётган нарсаларга етмаса?

Масон ювошгина, оталарча табассум қилди.

– Ҳикмати илоҳи ва ҳақиқат ичмоғимиз керак бўлган покиза сув демақдир, – деди масон. – Бу покиза сувни нопок идишга қуиб, бу тозами-нотозами деб ўтиришим мумкинми? Мен аввал ўзимни пок килсан, ундан кейин бу сувнинг маълум даражада поклигига эришган бўламан.

– Ҳа, ҳа, тўғри айтасиз, – деди Пьер қувониб.

– Ҳикмати илоҳи фақат ақл-у идрокка, физика, тарих, кимё ва бошқа дунёвий илмлардан мураккаб бўлган билимга асосланган эмас. Ҳикмати илоҳи ягонадир. Ҳикмати илоҳи бир илмдан ҳамма нарсани, оламнинг яратилиши ва унда инсоннинг тутган ўрнини тушунтириб берадиган илмдан иборат. Бу илмни забт этиш учун одам ўзини, кўнглини пок килиши керакдир. Шунинг учун бу илмни билишдан олдин ўзимдик қилиш ва такомиллашиш лозим. Бу максадларга эришмоқ учун калбимизга виждан отли нури илоҳий жойлаштирилгандир.

– Шундок, – деди Пьер унинг сўзини маъқуллаб.

– Сен ўз кўнглингга маънавий кўз билан кара-ю, ўзим ўзимдан розиманми, деб сўра. Шу ақлнигина пеша қилиб нимага эришдинг? Ўзинг нимадан иборатсан? Сиз ёшсиз,

бойсиз, ақллисиз, маълумотлисиз, султоним. Мана шу лутф-у иноятларнинг ҳаммасидан нима кўрдингиз? Ўзингиз ва ўз хаётингиздан розимисиз?

– Йўқ, мен ўз ҳаётимдан безорман, – деди Пьер афтини буриштириб.

– Безор бўлсанг, бу ҳаётингни ўзгартири, ўзингни пок кил, пок бўлганинг сайин ҳикмати илоҳини тушунаверасан. Ўз ҳаётингизга бир назар ташланг, султоним. Бу ҳаётни сиз қандай кечирдингиз? Айш-ишрат, фиск-фужур билан кечирдингиз, жамиятдан ҳамма нарсани олдингиз-у, унга хеч нарса бермадингиз. Бойлик орттиридингиз. Бу бойликни қандай сарф килдингиз? Одам боласи учун сиз нима килдингиз? Минглаб, ўн минглаб қулларингиз тўғрисида хеч ўйладингизми, уларга моддий ва маънавий ёрдам килдингизми? Йўқ, сиз фиск-фужур билан умр кечириш учун уларнинг меҳнатидан фойдаландингиз. Қилган ишингиз мана шу. Одам боласига ёрдам қилиш керак деган ниятингиз бўлганмиди? Йўқ. Сиз умрингизни бекорчилик ва ишрат билан ўтказдингиз. Кейин уйландингиз, султоним, ёш бир хотинга бош бўлиш масъулиягини бўйнингизга олдингиз. Хўш, оқибат нима килдингиз? Сиз унга ҳакиқат йўлини топгани ёрдам бермадингиз, султоним, аксинча, уни ёлғончилик ва баҳтсизлик кучогига ташладингиз. Бир одам сизни ҳақорат қилган эди, сиз уни ўлдирдингиз, яна мен худони билмайман, ҳаётимдан безорман, дейсиз. Бунда таажжубланарли ҳеч нарса йўқ, султоним.

Шу гаплардан кейин масон худди узок гапдан чарчагандай яна диванга тирсакларини тираб, кўзларини юмди.

Пьер чолнинг жиддий, қотиб қолган, ўлиқдай кони кочган юзига қараб пичирлаб кўйди. У: «Дарҳакиқат, ҳаётимни расвогарчилик, бекорчилик, фиск-фужур билан ўтказдим», – демоқчи бўлди-ю, лекин сукунатни бузгани ботинолмади.

Масон қариларча хириллаб йўталди ва хизматкорини чақирди.

– От нима бўлди? – деди Пьерга қарамай.

– Нариги бекатга топшириладиган отлардан олиб кетишиди, – деди хизматкор, – дам олмайсизми?

– Иўқ, айт, аравани қўшсин.

«Наҳот ҳамма гапини гапириб бўлмасдан ва менга ёрдам ваъда қилмасдан мени ёлгиз ташлаб кетиб қолса?» – деди Пьер ичида ва ўрнидан туриб, бошини куйи соганича, ҳар замон масонга бир қараб, нари-бери юра бошлади. «Ҳа, тўғри, мен бу тўғрида ўйламаган эканман, мен жирканч ва фиск-фужурга тўла ҳаёт кечирдим, мен бу ҳаётни яхши кўрмас эдим ва шундай ҳаёт кечиришни истамас эдим, бу одам ҳакиқатни билади, агар истаса эди, менга ҳакиқат йўлини очиб бера олар эди». Пьер кўнглига келган шу гапни масонга айтишни истар эди-ю, лекин айтишга ботинолмасди. Йўловчи буришган-тиришган кўллари билан нарсаларини чакқон йигиштириди, пўстинчасининг тутмасини ўтқизди; кейин Безуховга қараб, лоқайд ва эхтиром сақлаган бир оҳангда:

– Қай томонга азм қилмокчилар, султоним? – деди.

– Менми?.. Мен Петербургга, – деди Пьер болалардай тортинибгина. – Мен сиздан жуда миннатдорман. Мен сизнинг ҳамма фикрларингизга қўшиламан. Лекин мени унчалик бефаросат деб ўйламанг. Мен сиз айтгандай одам бўлишни жон-дилим билан истар эдим, лекин бу борада ҳеч кимдан ҳеч қандай ёрдам кўрмадим. Лекин дастлаб ҳамма айб ўзимда. Менга мадад килинг, йўл кўрсатинг, эҳтимол, мен... – Пьер гапиролмай қолди, бурнини тортиб юзини тескари ўгирди.

Масон, афтидан, нима тўғридадир ўйлаб, узоқ жим қолди.

– Мададни факат худодан сўраш керак, – деди у, – лекин жамиятишимиз қўлидан келадиган ёрдамни сизга беради, султоним. Петербургга борсангиз, мана шуни (у ҳамёни очиб, тўрт буқланган катта бир қофозни олиб бир неча калима ёзди) граф Вилларскийга беринг. Сизга бир маслаҳат: пойтахтга боришингиз билан бирмунча вақт узлатга чекининг, ўз қилмишларингизни муҳокама қилинг, бурунги ҳаёт йўлингизга қайтиб қадам босманг. Кейин сизга оқ йўл ва муваффақият тилайман, султоним, – деди, хизматкори кирганини пайқаб.

Бу йўловчи Осип Алексеевич Баздеев экан, буни Пьер назоратчининг дафтарини кўриб билди. Баздеев Новиков замонасининг машхур масон ва мартинистларидан эди. У кетгандан кейин Пьер анчагача ухламай, от ҳам сўрамай, ўзининг расво кечмиши тўғрисида ўйлаб, назарида, жуда осондай кўринган бекам-кўст ва эзгу келажагини курсандлик билан тасаввур килиб, бекатнинг уйидаги айланни юрди. Унинг назарида, яхши одам бўлиш қанчалик яхши эканлигини тасодифан эсидан чиқариб кўйганлиги учунгина шу йўлларга киргандай кўринар эди. Унинг қалбида бурунги шубҳалардан асар ҳам қолмади. У инсонларнинг биродар бўла олишларига, эзгулик йўлида қовушишларига қаттиқ ишонар ва, масонлик назарида, шундай кўринар эди.

III

Пьер Петербургга келди-ю, келганини ҳеч кимга маълум қилмади, ҳеч кимнига бормади, эргадан кечгача уйда ўтириб, аллаким келтириб берган Фома Кемпийский китобини ўқишдан бош кўтармади. Бу китобни ўқиган сари, бир нарса унга ошкор бўлаверди, бу нарса камолотга етишмок ва одамлар орасида Осип Алексеевич очиб берган биродарлик меҳр-у оқибат туғилиши мумкинлигига ишонч завқи эди. Пьер келганига бир ҳафта бўлганда бир куни Кечқурун унинг кабинетига Петербургдаги киборлар доирасида биринки кўргани, польшалик ёш граф Вилларский кирди. У кабинетга худди Долоховнинг секундантига ўхшаш, расмий ва тантанали бир важоҳат билан кирди-ю, эшикни ёпди ва уйда Пьердан бўлак ҳеч ким йўклигига ишонганидан кейин унга мурожаат қилди:

– Мен сизнинг хузурингизга бир топширик ва таклиф билан келдим, граф, – деди тикка турганича, – жамиятилизда жуда катта ўрин тутган муҳтарам бир зот сизни жамиятилизга муддатдан бурунрок қабул қилишни сўради ва сизга кафил бўлишимни таклиф қилди. Мен шу зотнинг хошишини бажо келтиришни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан. Менинг кафолатим билан озод бинокорлар жамиятига киришни истайсизми?

Балларда, энг гўзал хотинлар сухбатида ҳамма вакт му-
лойим табассум килиб турганини кўриб юрган Пьер унинг
хозирги расмий ва жиддий важоҳатини кўриб ҳайратда
колди.

– Ҳа, истайман, – деди Пьер.

Вилларский бош эгди.

– Яна бир савол, граф, – деди у, – бу саволга бўлажак
масон сифатида эмас, балки ҳалол бир киши сифатида
самимий жавоб беришингизни сўрайман: илгариги фикр-
ларингиздан юз ўгирдингизми, худога ишонасизми?

Пьер ўйланиб қолди.

– Ҳа... Ҳа... Мен худога ишонаман, – деди у.

– Ундоқ бўлса... – деб Вилларский гап бошлаган эди.

Пьер унинг сўзини бўлди:

– Ҳа, мен худога ишонаман, – деди яна қайтиб.

– Ундоқ бўлса, юринг, – деди Вилларский, – менинг
аравам хизматингизга тайёр.

Вилларский йўл бўйи оғиз очмади: Пьернинг нима ки-
лишим ва қандок жавоб беришим керак деган сўрокларига
жавобан, мўътабарроқ биродарлар сизни синааб кўришади,
сиз рост гапирсангиз кифоя, деб кўя қолди.

Арава жамият ўрнашган катта ҳовли дарвозасидан кир-
ди, булар қоронги зинадан чиқиб, унча катта бўлмаган ёруғ
бир даҳлизига киришди ва пўстинларини ечишди. Бу даҳлизи-
дан бошқа бир уйга киришди. Эшик олдида жуда ғалати
кийинган бир киши турар эди. Вилларский унга яқин бориб,
французча бир нима деди-ю, чоғроқ бир жавоннинг олдига
борди. Бу жавонда Пьер умрида кўрмаган кийимлар осиғлик
турар эди. Вилларский жавондан бир рўмолни олиб, Пьер-
нинг кўзини баглади, багланганда унинг сочи тутунга кириб
огриди, кейин унинг бошини эгиб, пешонасидан ўпди-да,
қўлидан ушлаб қаёққадир бошлади. Пьернинг тутунга кириб
қолган сочининг ости оғрир, оғриқдан афтини буриштирас-
ва нимадандир уялиб илжаяр эди. У қўлларини осилтириб,
афтини буриштириб, илжайганича чалама-чатти қадам
ташлаб, унинг кетидан тұядай бўлиб борар эди.

Ўн қадамча юрилгандан кейин Вилларский тўхтади.

– Агар сиз бизнинг жамиятимизга киришга аҳд қилган бўлсангиз, – деди у, – нима бўлмасин, мардона туришингиз керак. (Пьер хўп деб бош иргитди.) Эшик тақиллаганда кўзингизни очасиз, – деди яна Вилларский. – Сизга мардлик ва муваффакият тилайман, – деди-ю, Пьернинг кўлини сикиб чикиб кетди.

Ёлғиз қолган Пьер ҳамон илжайиб турар эди. У биринки марта елкасини учирив, кўзини очмокчи бўлиб кўлини рўмолга олиб борди-ю, журъат қиломади. Кўзи боғлиқ шу аҳволда беш дақиқача тургани унга бир соатдай туюлди. Унинг кўллари шишгандай, оёқларининг мадори куригандай, ўзи чарчагандай бўлар эди. У энг мураккаб ва турлитуман хисларни бошдан кечирар эди. У ҳозир нима бўлар экан деб ваҳимага тушар ва бундан ҳам кўра ваҳимага тушганини билдириб кўйишдан қўрқар эди. У нима бўлишини, кўзини очганида қандай сир-асрорни кўришни билишга қизикар эди. Лекин ҳаммадан ҳам кўра Осип Алексеевич билан учрашгандан бери орзу қилиб юргани ўша янги ҳаёт сари қадам кўядиган пайти қелаётганига хурсанд бўлар эди. Эшик қаттиқ тақиллади. Пьер кўзини очиб атрофига қаради. Уй коп-коронги, фақат бир бурчақда бир оқ нарсанинг устида чирок ёниб турар эди. Пьер яқинроқ бориб қаради: чирок қора бир столнинг устида бўлиб, унинг ёнида очик китоб турар эди. Бу китоб – Инжил эди. Чирок тагида турган нарса кўз ўрни қорайиб, тишлари кўриниб турган калла суяги эди. Пьер инжилнинг биринчи хати – «Ибтидо баноми худо»ни ўқиб столни айланиб ўтди ва нима биландир тўлган очик каттакон бир сандикни кўрди. Бу тобут бўлиб, ичи тўла суяк эди. Бу нарсани қўриб Пьер ҳеч хайратда қолмади. У илгариги ҳаётидан тамоман бошқача, янги бир ҳаётга қадам қўйиш умидида кўп фавқулодда нарсаларни, бу кўрганларидан ҳам фавқулоддароқ нарсаларни кутар эди. Бош суяги, тобут, инжил – буларнинг ҳаммаси ўзи кутган нарсалардай кўриниб, булардан ҳам каттароқ бир ходисани кутар эди. У ўзида эътиқод хисни уйготишга тиришиб атрофига қаради. «Худо, ажал, муҳаббат, инсонлар биродарлиги», деди ичиди ўзига маълум унча аник бўлмаган,

лекин хурсандлик бағишилайдиган ниманидир шу сүзларга боғлаб. Эшик очилиб, кимдир кирди. Пьер күзи күниги коп-коронгиде ўрта бўйли одамни кўрди. Бу одам ёргудан киргани учун уй кўзига коп-коронги кўринди, шекилли, тўхтади, кейин секин-секин қадам босиб стол олдига борди ва ҷарм кўлқоп кийган кичкина кўлини столга кўйди.

Бу ўрта бўйли киши кўкрагидан тиззасигача тушиб турган оқ мешдан пешгир кийган, бўйнига маржонга ўҳшаган бир нима солиб олган, пастан шуъла тушиб турган озғин юзини ўраб турган тикка оқ ёқаси маржоннинг тагидан кўтарилиб турар эди.

– Бу ерга нима деб келдингиз? – деди ўша киши Пьернинг шарпаси эшитилган томонга қараб. – Сиз, маърифат ҳақиқатига ишонмайдиган ва маърифатдан кўз юмган киши нима деб бу ерга келдингиз ва биздан нима талабингиз бор? Сизга маърифат, фазилат ва илм-у урфон керакми?

Эшик очилиб бу номаълум одам кирганда Пьерни болалигига диний маросимда ўтирган вактдагидек бир салобат босди: у ҳаёт йўсини жиҳатидан тамоман бегона бўлса ҳам, лекин инсонлар биродарлиги жиҳатидан ўзига жуда яқин бўлган бир киши билан юзма-юз турганини сезди. У юраги гуп-гуп уриб, зўрға нафас олиб, ритор¹ (жамиятга кириш учун тайёрлайдиган одам масонлар орасида ритор дейилар эди)га томон юрди. У яқин бориб караса, ритор ўзига таниш Смольянинов деган экан, лекин шу онда бу одам таниш киши экан-ку, деб ўйлашни ҳақорат деб билар эди; чунки унинг учун бу одам фақат жамиятнинг аъзоси ва яхши йўлга бошлайдиган пир эди, холос. Пьер анчагача сўзга тили келмагандан кейин ритор саволини яна тақорлади.

– Ҳа... мен... мен пок бўлишни истайман, – деди Пьер зўрга.

– Хўп, – деди Смольянинов ва дарҳол давом этди, – мукаддас тарикатимиз сизнинг ўз мақсадингизга етишувингиз учун қандай воситалар билан ёрдам қилишини биласизми? – деди тезгина, лекин осойишталик билан.

¹ Ритор (юнонча; нотик, оратор) – Юнонистон ва Қадимги Римда чиройли сўзлайдиган киши, нотик.

Пьер ҳеч қачон русча мавхум нарса түғрисида гапириб ўрганмагани ва ҳаяжонга тушганидан овози қалтираб зўрга:

– Мен... умид қиласманки... покланишим учун раҳнамолик... ёрдам... – деди.

– Франк-масонликни нима деб биласиз?

– Мен шундок деб биламанки, франк-масонлик эзгу ниятли кишиларнинг биродарлик ва тенглигидир, – деди Пьер оғзидан чиқаётган сўзлар бу тантанали дақиқага мос келмаётганидан тобора уялиб. – Мен шундай деб ўйлайманки...

Ритор унинг шу жавобидан қаноат ҳосил қилди, шекилли, шошиб:

– Яхши, – деди, – сиз ўз мақсадингизга эришиш учун диндан бирон ёрдам умид килганмидингиз?

– Йўқ, мен динни ҳаққониятсиз деб қараб, унга амал килмас эдим, – деди Пьер ва гапни шу қадар секин айтдики, ритор эшитмасдан қайтиб сўради. – Мен дахрий эдим, – деб жавоб берди Пьер.

– Сиз ҳакиқатни унинг қонунларига ҳаётда амал қилиш учун кидирасиз, демак, сиз ҳикмат ва маърифат изларсиз-а, – деди ритор бироз жим қолганидан кейин.

– Ҳа, ҳа, шундай, – деди Пьер.

Ритор томогини кириб олди ва қўлқоп кийган қўлларини кўкрагига чалмаштириб, гап бошлади:

– Энди мен сизга тариқатимизнинг асосий мақсадини айтиб беришим керак, – деди у, – агар тариқатимизнинг мақсади сизнинг мақсадингизга мувофиқ келса, у вақтда сиз бизнинг жамиятимизга кирасиз. Тариқатимизнинг биринчи мақсади ҳеч ким путур етказолмайдиган асосий бир муҳим сирни сақлаш ва наслдан наслга ўтказишдир... Бу сир энг қадим замонлардан, ҳатто Одам Атодан қолиб келаётган сир бўлиб, бани башар тақдири шунга bogлиқdir. Лекин мазкур сир шундок бир хусусиятга моликдирки, узок муддат ўзини поклаб тайёр килмаган кимса буни билолмайди, шунинг учун бу сирдан вониф бўлиш ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермайди. Шу сабабли бизнинг иккинчи мақсадимиз ўз аъзоларимизни шунга тайёр қилиш, имкон борича уларнинг

калбларини пок этиш, уларнинг ақл-у идрокларини мазкур сирдан вokiф бўлиш йўлида кўп риёзат¹ чеккан зотлардан қолган воситалар ёрдами билан тозалаш ва мунааввар килиш, шу билан ўларни қобили асрор этишдир. Ўз аъзоларимизнинг қалбларини тозалаш ва уларни тўғри йўлга солиш билан биз, учинчидан, ўз фазилат ва художўйлигимизни намуна килиб, бутун бани башарни ҳам тўғри йўлга солган ва шу билан бутун кучимизни сарф килиб, жаҳонда хукмрон бўлган ёвузликка қарши курашган бўламиз. Мана шу тўғриларда ўйлаб кўринг, мен яна қайтиб кираман, – деб ритор уйдан чиқиб кетди.

– Жаҳонда хукмрон бўлган ёвузликка қарши кураш... – деди Пьер ичидан ва келажакда шу йўлда қўрсатадиган фаолиятини тасаввур килди. Унинг кўз олдига ўзи бундан икки ҳафта бурун қандай бўлса, шундай одамлар келди ва буларга ўзича панд-у насиҳат ўқиди. Унинг кўз олдига ҳам сўзи, ҳам иши билан ёрдам қилган кишилари – йўлдан озган ва баҳтсиз кишилар келди: мазлумларни қўлларидан ҳолос қилган золимлар кўз ўнгидаги гавдаланди. Ритор кайд қилган уч максаддан энг охиргиси – бани башарни тўғри йўлга солиш Пьерга айниқса маъқул эди. Ритор айтган биринчи муҳим максад унинг марокини қўзгатган бўлса ҳам, назариди, унча муҳим кўринмади; иккинчи максад – киши ўз қалбини пок этиб ўзини тўғри йўлга солиши билан унинг учалик иши бўлмади, чунки шу тобда ўзини аллақачон тўғри йўлга кирган ва илгариги нуқсонларидан кутулган ва факат эзгуликагина кодир деб сезар эди.

Ярим соатдан кейин ритор қайтиб келди ва жўяндага Сулаймон² маъбадининг³ етти зинасига мувофиқ етти фазилатни баён килди, масонликка киравчи ҳар бир кишида мана шу фазилатлар бўлиши керак эди: 1) шикаста нафслик, тариқатнинг йўлларига риоя килиш; 2) жамиятнинг улуғ-

¹ Риёзати (*арабча*) – катта, улкан машаккат, заҳмат.

² Сулаймон – Куръонда зикри келган пайғамбарлардан бири, адолатли ва доно хукмдор, Довуднинг ўғли. У 13 ёшида таҳтга ўтиради. Етук билимли, ҳар бир ишда хукм чиқаришда отасидан кўра олимроқ бўлади. Ривоятга кўра, у жамики инс-у жин ва ҳайвонлар-у қушлар оламига ҳам подшоҳлик қилган.

³ Маъбад (*арабча*) – ибодат килинадиган жой; ибодатхона.

ларига итоаткорлик; 3) хушфеъллик; 4) инсонпарварлик; 5) мардлик; 6) сахийлик; 7) ўлимга мухаббат.

– Еттинчидан, – деди ритор, – ўлим тўгрисида кўпроқ ўйлаб, ўзингизни шу даражага еткизингки, ўлим кўзингизга даҳшатли душман эмас, балки... эзгулик йўлида риёзат чеккан рухни роҳат ва фароғатга элтиш учун бу дунёнинг ҳасратидан куткарадиган дўст бўлиб кўринсин.

Ритор шу сўзларни айтиб чиқиб кетгандан кейин Пьер: «Ҳа, шундок бўлса керак, – деб ўйлади. – Шундок бўлса керак, лекин мен ҳали шунчалик заифманки, эндиғина маъносига унча-мунча тушуниб келаётган ҳаётимни яхши кўраман». У колган беш фазилатини бирма-бир санаб мардлик ҳам, сахийлик ҳам, хушфеъллик ҳам, инсонпарварлик ҳам, хусусан, кўзига ҳатто фазилаттина эмас, балки баҳт бўлиб кўринган итоаткорлик ҳам қалбida борлигини сезди. (Бебошлигидан кутулиб, ўз иродасини шубҳасиз ҳақиқатни биладиган кишилар кўлига топширишдан жуда хурсанд эди.) Еттинчи фазилатни Пьер эсидан чиқариб кўйди ва ҳарчанд ўйласа ҳам, эслолмади.

Ритор учинчи марта тез қайтиб келди ва ундан ўз ниятингизда қатъий турибсизми, сиздан нимаики талаф қилинса, ҳаммасини ўрнига етказишга розимисиз, деб сўради.

– Мен ҳаммасига розиман, – деди Пьер.

– Мен сизга яна шуни айтишим керак, – деди Ритор, – бизнинг тариқатимиз ўз таълимотини сўз билангида эмас, балки ҳикмат ва фазилат муридларига сўздан кўра кўпроқ таъсир қиласиган бошқа воситалар билан таълим беради. Агар қалбингиз соғ бўлса, мана шу маъбадимиз ўзининг кўриниши билан сизга сўз билан айтгандан кўра кўпроқ нарсани англатмоғи керак қабул қилинганингиздан кейин, эҳтимол, келажакда яна шу хилда таълим кўрарсиз. Бизнинг тариқатимиз ўз таълимотини иеороглифлар воситаси билан ўргатган қадимги замон жамиятларига таклид қиласи. Иеороглиф¹, – деди ритор, – ҳис қилиб бўлмайдиган ва тас-

¹ Иероглиф (юнонча: hierosglyphoi – муқаддас белгилар < hieros — муқаддас + giphē – накш) – 1) қадимги мисрликлар ва бъязи бир ҳалқлар ёзувида бутун бир

вир қилинган нарсадаги сифатларга эга бўлган нарсанинг номидир.

Иеороглиф нима эканлигини Пьер жуда яхши билса ҳам, гапиргани журъат қилолмади. Бу гаплардан у ҳозир синов бошланишини сезиб, индамай риторнинг сўзларига кулок солар эди.

– Агар сиз ўз қарорингизда қаттиқ турган бўлсангиз, мен бошлашим керак, – деди ритор Пьерга якин келиб. – Сахийлигингизнинг исботи учун ҳамма қимматбаҳо нарсаларингизни менга беришингизни сўрайман.

– Ёнимда ҳеч нарса йўқ эди-ку, – деди Пьер унинг сўзидан бутун бойлигингни бер деган маъно тушуниб.

– Ҳозир ёнингизда борини бераверинг: соатми, пулми, узукми...

Пьер дарров ёнидан ҳамёнини, соатини олди ва семиз бармоғидан никоҳ кечаси тақиладиган узугини чиқаргани анча уриниб қолди. У ҳамма нарсани бергандан кейин масон:

– Итоаткорлигингизнинг исботи учун ҳозир ечинишингизни сўрайман, – деди.

Пьер риторнинг амрига кўра фракини, нимчаси ва чап оёғидаги этигини ечди. Масон унинг ёқасини суриб, чап кўкрагини очди ва зингашиб иштонининг чап почасини¹ тиззасигача кўтарди. Пьер бу одам овора бўлмасин деб дарров ўнг оёғидаги этигини ҳам ечиб, почасини кўтармоқчи бўлган эди, масон керакмас, деб чап оёғига кийгани туфли берди. Пьер болаларча уялар, интиқлиқда ўзига-ўзи кулгиси келиб беихтиёр жилмайган қўйи риторнинг қаршисида кўлларини осилтириб, оёқларини кериб, ундан яна амрармон кутиб турар эди.

– Энди соғдиллигингизнинг исботи учун энг кўп хирс қўйган нарсангизни айтишингизни сўрайман, – деди ритор.

– Менинг хирс қўйган нарсаларим! Мен кўп нарсаларга

тушунча, ибора, сўз, бўғин ёқи товушни ифодалаган, хайвон, одам, ҳар хил буюм, асбоб ва шу кабилар тасвиридан иборат белги (бу ерда шу маънода); 2) ҳозирги кунда хитой ёзувидаги ва ундан япон ва корейс ёзувларига ўтган белгилар ҳам иероглифлар.

¹ Поча (форсча) – кичик оёқ; оёқнинг пастки кисми;

хирс кўйган эдим, – деди Пьер.

– Фазилат эгаси бўлиш йўлида сизни иккиланишга ҳаммадан кўпроқ мажбур қилган ўша нарсани айтинг, – деди масон.

Пьер эсламоқчи бўлиб ўйланиб қолди.

У ўзининг қусурларини бирма-бир эслаб ва буларнинг кайси бири каттароқ деб ҳар кайсини салмоқлаб кўрар эди: «Майхўрликми? Баднафсликми? Такасалтангликми? Ялқовликми? Тезликми? Баджаҳлликми? Хотинбозликми?»

– Хотинбозлик, – деди Пьер эшитилар-эшитилмас. Бу жавобдан кейин масон анчагача тек ва жим қолди; ниҳоят Пьерга яқин келди-ю, столда турган рўмолни олиб, унинг кўзини яна боғлади.

– Сизга сўнгги марта айтаман: бутун диққатингизни ўзингизга қаратинг, бутун хиссиётингизни занжирбанд килинг, кайфи сафони эҳтиросдан эмас, ўз қалбингиздан истанг. Кайф-сафо манбаи сиздан ташқарида эмас, ўзингизда...

Пьер ҳозир кувонч ва эътиқодга тўла бўлган қалбида одамнинг баҳрини очадиган кайф-сафо манбаи пайдо бўлганини сезди.

IV

Орадан кўп ўтмай қоронги маъбадга бояги ритор эмас, кафил бўлган Вилларский кириб келди. Пьер уни овозидан таниди. Ўз қарорида маҳкам турган-турмаганлиги тўғрисида яна берилган саволга жавобан Пьер:

– Ҳа, ҳа, турибман, – деди ва семиз кўкраги очик ҳолда маъсумона табассум билан бир оёгига этик, бир оёғи этиксиз оқсоқлана-оқсоқлана Вилларский кўкрагига кўйилган қилич билан лапанглаб олға юрди. Уни уйдан олиб чиқиб ва орқа-олдинга кайриб, йўлак бўйлаб олиб кетишди ва ниҳоят ложа¹ эшиги олдига олиб келишди... Вилларский йўталди, унга масонлар болғачаси билан тикиллатиб жавоб беришди, эшик очилди. Йўғон бир товуш Пьердан (унинг кўзи ҳамон boglik эди) кимсан, қаерда ва қачон туғилгансан ва ҳоказо деб сўради. Шундан кейин унинг кўзини очмасдан, яна қаёққа-

¹ Ложа – масонлар мажлис курадиган маҳсус хона ва бошлангич ташкилот.

дир олиб боришиди: йўл-йўлакай бу «саёхатда» чекадиган заҳматлари тўғрисида, мұқаддас дўстлик тўғрисида, халлоқи олам тўғрисида, барча кийинчилик ва хавф-хатарларга марданавор тоб бериши тўғрисида разм билан сўзлашди. Бу саёхат чоғида Пьер ҳамроҳлари уни гоҳ жўянида, гоҳ жафо-каш, гоҳ толиб деб ататганликларини ва бу гапларни айтганларида болғача ва килич билан турлича такиллат-гандикларини пайқади. Уни алланиманинг олдига олиб кел-гандикларидан пирлари шошиб ва гандикларини сезди. Уни ўраб олган одамлар шивирлашиб ўзаро мунозара килаётгандикларини, булардан бири уни нечукдир бир гилам устидан юргизишни талаб килаётгандигини эшилди. Шундан кейин унинг ўнг кўлини олиб ниманингдир устига кўйишди, чап кўлини чап кўкрагига кўйишни буюришиди ва бир масон айтатган сўзларни такрорлаб, тарикат конун-коидаларига содик бўлиш тўғрисида қасам ичишга ундашди. Сўнгра шамни ўчириб, спирт ёндиришиди (Пьер буни хидидан билди) ва унга «Сен ҳозир кичик зиёни кўрасан» дейишиди. Унинг кўзини очишиди. Пьер худди тушида кўргандай, спирт алангасининг хирагина ёруғида риторга ўхшаш оқ пешгир тутган бир неча кишини кўрди, булар унинг рўпа-расида кўкрагига килич ўқталиб туришар эди. Буларнинг орасида қонга беланган оқ кўйлак кийган бир киши бор эди. Пьер килич кўкрагимга санчилсин, деб олға ташланди. Бироқ қиличлар четланди. Унинг кўзини дарров боғдепди.

– Ҳозир сен кичик зиёни кўрдинг, – деди кимдир. Кейин яна шамларни ёкиб, энди катта зиёни кўришинг керак дейишиди ва яна кўзини очишиди ва ўндан ортиқ овоз тўсатдан: фоний дунё мана шундай ўтади-кетади, – деди.

Пьер аста-секин ўзига кела бошлади ва уйга, ундаги одамларга қарай бошлади. Қора чойшаб ёпилган узун стол атрофида ўн иккитача одам ўтирас, ҳаммасининг кийими ҳам Пьер ҳали кўрган кишиларнинг кийимига ўхшар эди. Булардан баъзи бирларини Пьер Петербургдаги ўтиришларда кўрган эди. Раислик ўрнини бўйнига маҳсус бут такқан, Пьерга нотаниш ёш бир йигит ишғол килган эди. Унинг ўнг томонида Пьер бундан икки йил бурун Анна

Павловнанинг уйида кўргани ўша итальян аббат ўтирас эди. Булар орасида яна катта бир мансабдор ва илгари Курагинларницида турган швейцариялик бир мураббий ҳам бор эди. Ҳамма қўлига болгача тутган раиснинг сўзларига қулоқ бериб, шукуҳ билан хомуш ўтирас эди. Деворга ёниб турган юлдуз ўрнатилган; столнинг бир томонида турли-туман расмлар солинган чоғроқ гилам, иккинчи томонида меҳробга¹ ўхшаган бир жой бўлиб, унда инжил билан одамнинг калла суюги турад эди. Столнинг теварагига бутхона чироғпояларига ўхшаган еттита катта-катта чироғпоя қўйилган. Масонлардан икки киши Пьерни меҳробга олиб бориб чўккалатишди ва меҳробга сажда килишни буюришди.

– Аввал қўлига курак олиши керак, – деди масонлардан бири секингина.

– Эй, қўя турсангиз-чи! – деди яна бири.

Пьер қўзлари жавдираб, сажда қилмасдан атрофга каради ва бирдан иштибога² қолди: «Қаердаман? Нима қилаётиман? Мени қалака қилишмаётганмикин? Шу ишларимдан кейинчалик ўзим уялиб юрмасмиканман?» Лекин бу иштибо бир лаҳзагина давом этди. У атрофини ўраб турган кишиларнинг жиддий юзларига қаради, шу дамгача қилган ишларини эслади ва ёрти йўлда – аросатда қолиш мумкин эмаслигини англади: у ўз иштибосидан ўзи кўрқиб, ўзида аввалгидай ихлос туғдиришга тиришиб меҳробга сажда қилди. Дарҳақиқат, унинг ихлоси илгаридан ҳам ортиб кетди. У бирмунча вакт бош қўйиб ётгандан кейин унга ўрнингдан тур, дейишди ва бошқалар тутган пешгир сингари оқ меш пешгир bogлашди, қўлига курак, уч жуфт қўлқоп беришди. Шундан кейин пири аъзам унга мурожаат қилди. Пир унга метинлик ва поклик рамзи бўлмиш бу пешгирга хеч доғ туширмаслигига ҳаракат қилишни тайинлади: кейин шу курак билан ўз қалбингни кусурлардан тозала, одамларнинг қалбини ардоқла деди. Кейин бир жуфт мардона қўл-

¹ **Меҳроб** (арабча; ибодатхона; токча, таҳмон тепасининг ярим доира қилиб ишланган кисми) – масжид ичиза унинг кибла томонидаги деворида таҳмон шаклида курилган жой (намоз шу томонга караб ўқилади).

² **Иштибон** (арабча) – шубха, гумон, шак.

коп ҳақида гапириб, бунинг маъносини ҳали сен билолмайсан, лекин эхтиёт қилғин деди; иккинчи бир жуфт мардона қўлқопни мажлисларда киясан деди, ниҳоят, учинчи бир жуфт заифона қўлқоп ҳақида шундай деди:

– Азиз биродар, бу заифона қўлқоп сизнинг ихтиёргизида. Қайси хотинни кўпроқ эхтиром килсангиз, ўшанга беринг. Ўзингиз муносиб кўриб, ихтиёр килган хотинингизга шу тухфа билан қалбингизнинг поклигини исбот қиласиз, – деди ва бироз жим колганидан кейин илова қилди. – Шуни назарда тутки, азиз биродар, бу қўлқоп нопок қўлнинг зийнати эмас, – Пири аъзам шу сўзларни айттаётганда, Пьернинг назарида, раис хижолат тортгандай кўринди. Пьер ундан кўпроқ хижолат тортди ва ҳатто қизариб, болалардай кўзларидан ёш чикди-да, аланглаб атрофга қарай бошлади. Ўнгайсиз жимлик чўкди.

Бу жимликни биродарлардан бири бузиб, Пьерни гилам олдига олиб борди ва дафтарига қараб-қараб, гиламдаги офтоб, ойболгача, шоқул, курак, йўнилган ва йўнилмаган тош, устун, уч дераза ва бошқа нарсаларнинг тасвирини унга тушунтира бошлади. Кейин Пьерга жой тайнинлашди, ўтирадиган ложасининг белгисини кўрсатишди, киришда айтиладиган сўзни айтишди, ниҳоят, ўтиргани ижозат беришди. Пири аъзам дастурни ўқий бошлади. Дастур жуда узун эди. Пьер хурсандликдан, хаяжон ва уятидан ўқилаётган нарсага тушуна олмас эди. У дастурнинг факат кейинги жумласинигина эшилди-ю, шу эсида қолди:

«Биз ўз маъбадларимизда эзгулиг-у ёвузлик орасидаги даражалардан бошка даражаларни тан олмаймиз. Тенгликни бузадиган бирон харакатдан ўзингни сақла. Ким бўлмасин, одам боласига дарҳол ёрдам қил, гумроҳга йўл кўрсат, ииқилаётганини суюб кол, одам боласига ҳеч қачон душманлик қилма, ғазабланма. Хушфөъл. ва хушмуомала бўл. Барчанинг кўнглида эзгулик оловини ёқ. Баҳт-саодатни одам боласи билан баҳам кўр, шунда бу фароғатингга ҳеч қачон ҳасад путур етказмайди.

Душманингни кечир, ундан касос олма, унга факатгина яхшилик қил. Олий қонунни мана шундай ижро килишинг

билан сен қадимги, йўқотган шавкатинг изига тушган бўласан». У сўзини тамом қилганидан кейин ўрнидан туриб, Пьерни кучоклади ва ўпди.

Пьер хурсандлигидан кўзларида ёш, табриклиётган ва қайтадан танишаётган одамларга нима жавоб беришини билмай, атрофига қарап эди. У ҳеч қандай танишиликни тан олмас, бу одамларнинг ҳаммасига фақат ҳаммаслагим дебгини қарап ва улар билан бирликда иш бошлаш иштиёкида ёнар эди.

Пири аъзам болгачаси билан такиллатди, ҳамма жой-жойига ўтириди ва бир киши мўминлик зарурати ҳақида ваъз айтди.

Пири аъзам энг сўнгти бурчни адo этишни буюрди, иона¹ тўпловчи унвонини олган катта мансабдор масонларни айланниб чиқди. Пьер иона ва рақасига бор пулини ёзмоқчи бўлди-ю, лекин бу мағрурлик бўлмасин деб кўркиб, бошқалар қанча ёзган бўлса шунча ёзиб кўя қолди.

Мажлис тамом бўлди. Пьер уйга қайтиб келганида ўзини худди ўн йиллик сафардан қайтган ва бутқул ўзгариб, бурунги урф-одатларидан тамоман бегона бўлиб қолгандай сезди.

V

Ложада бўлган қабул маросимиининг иккинчи куни Пьер уйда китоб ўқиб ўтиаркан, ундаги бир томони худони, бир томони маънавий, учинчи томони жисмоний ва тўртинчи томони аралаш асосларни тасвир этган тўрт бурчакнинг маъносини англашга уринар эди. У ҳар замон китоб ва тўрт бурчакдан бошини кўтариб, хаёлида янги ҳаётнинг режасини тузар эди. Кеча ложада, дуэль хабари шоҳнинг қулагига етганлиги ва Пьер Петербургдан чиқиб кетса, балки яхшироқ бўлиши тўғрисида гапиришган эди. У ўзининг жанубдаги мулкларига бориб, у ерда ўз дехқонлари билан машғул бўлишни мўлжаллади. У мана шу янги ҳаёти тўғрисида хурсанд бўлиб ўйлаб ўтирганида бехосдан князь Василий кириб келди.

¹ Иона (арабча; ёрдам, кўмак) – моддий ёрдам, нафака.

– Дўстим, сен Москвада нима бало қилдинг? Лёля билан нима учун урушдинг, кадрдоним? Сен янгишгансан, – деди князь Василий эшикдан киар экан. – Мен ҳаммасини билдим. Сенга шуни айтиб кўйяй-ки, Эленда ҳеч гунох йўқ, у фариштадай бегунох.

Пъер жавоб кайтармокчи бўлган эди, князь Василий унинг сўзини оғзидан олди:

– Нима учун тўппа-тўғри менга, ўз дўстингга мурожаат килмадинг? Ман ҳаммасидан хабардорман, ҳаммасини биламан, – деди у, – сен ўз ор-номусини биладиган киши сифатида орият талаб қилгансан; эҳтимол, бироз шошқалоқлик килгандирсан, лекин бу тўғрида гапириб ўтирамиз. Аммо шуни назарда тутки, сен бу ишинг билан Элен икковимизни бутун жамоат ва ҳатто сарой олдида ёмон ахволда колдирасан, – деди у овозини пасайтириб. – Элен Москвада, сен бу ерда. Шуни билгинки, дўстим, – деди Пъернинг кўлини пастга тортиб, – бу бир англашилмовчилик, холос, ўзинг ҳам сезиб тургандирсан деб ўллайман. Ҳозир хат ёзиб бергин. Элен бу ерга келиб, ҳаммасини сенга айтиб беради. Бўлмаса, ўзингта жабр бўлади, дўстим.

Князь Василий унга «тап мана шу» дегандай назар ташлади.

– Тул маликамиз бу ишга жуда кизикканлар, деб тайнинли одамлардан эшитдим. Биласанми, маликамиз Эленга жуда меҳрибонлар.

Пъер гапирмоқчи бўлиб бир неча марта оғиз ростлади-ю, лекин бир томондан князь Василий навбат бермади, иккинчи томондан эса, кайнатасининг сўзини қайтариб, ярашмасликка карор қилганлигини қатъий айтгани журъат килолмади. Бундан ташқари, масонлар дастурдаги «хушфeyъ ва хушмуомала бўл» деган гап эсига тушди. У афтини буриштириди, кизарди, нима қилишини билмай бир неча марта туриб ўтириди: умрида ҳеч качон ким бўлмасин ҳеч кимнинг юзига қаттиқ гапирмагани учун ҳозир кўп кийин ахволга тушиб қолди. У князь Василийнинг бунақа мағрурлик билан айтадиган сўзларига бўйсунишга шу қадар ўрганиб қолган эдики, ҳозир ҳам унга бир нима дейишга ўзини ожиз сезди,

лекин келажак ҳаёти ҳозир айтадиган гапига боғлиқ экан-лигини билиб турар эди: у яна эски йўлдан юрадими – ёки масонлар кўрсатган, янги ҳаётта олиб борадиган ўша жози-бали йўлдан борадими шу бир оғиз гапига боғлиқ эди.

– Қани, азизим, – деди князь Василий тегишиб – «хўп» дегин, мен ҳозир сенинг номингдан хат ёзаман, олам гулис-тон, – лекин князь Василий ҳали сўзини тутатмаган эдик, Пьер отасига ўхшаб, оқариб бўзариб, князь Василийнинг афтига қарамай: – Князь, мен сизни чакирганим йўқ, чикинг ҳозир, чикиб кетинг, – дея шивирларкан, иргиб ўрнидан туриб эшикни очди ва ўзи килаёттан ишига ўзи ишонмай, князь Василийнинг қути ўчганини кўриб севиниб, – чикинг дейман! – деди яна.

– Сенга нима бўлди? Ҳушинг жойидами?

– Чикинг деяпман! – деди яна Пьер калтироқ овоз билан. Князь Василий тайинли бир жавоб олмай, чикиб кетишга мажбур бўлди.

Пьер бир ҳафтадан кейин янги ёр-дўстлари бўлмиш масонлар билан хайрлашди ва уларга пона тариқасида катта пул колдириб, ўз мулкига кетди. Янги биродарлари унга Киев ва Одесса масонларига хат қилиб беришди ва унга хат ёзиб туриш ва келажак янги фаолиятларига раҳбарлик қилиш тўғрисида вайда беришди.

VI

Пьер билан Долохов ўртасида бўлиб ўтган иш бости-бости қилинди ва подшоҳ ўша вактларда дуэль хусусида жуда каттиққўл бўлса ҳам, лекин ҳар иккала ракибга ҳам, уларнинг секундантларига ҳам ҳеч нарса бўлмади. Бирок Пьер хотини билан ажрашгандан кейин дүэлнинг сабаби ҳаммага маълум бўлди. Бир вактлар никоҳсиз туғилган ўғил бўлганида ҳамма илтифот ва химоят кўзи билан қараган, Россия империясида¹ энг бадавлат бўйдоқ йигитлардан бўлганида ҳамма ширин сўз айтган ва мақтаган Пьер уйлан-

¹ Империя (лотинча: imperium – юкори ҳокимиёт) – 1) подшоҳ, кирол, император бошкарадиган йирик, кўп миллатли давлат; 2) бир канча мустамлака ерлари бўлган, тоталитар тузумга асосланган йирик давлат.

ганидан кейин, яъни қизлар ва оналарнинг ундан умидлари узилгандан сўнг, хусусан одамларни ўзига хайриҳо бўлишларини истамагани ва хайриҳо қила билмагани учун жамоат ўртасида анчагина оҳори тўкилган эди. Энди ҳамма айбни унга тўнкашар, уни тутуруксиз рашкли, отасига ўхшаб жаҳли келганда, кўзига ҳеч нарса кўринмайдиган жоҳил дейишар эди. Пьер кеттандан кейин, Элен Петербургга келганда, таниш-билишлари уни хурсандлик билангина эмас, балки унинг бошига келган ғамга ғамгузордай¹ бўлиб карши олишди. Эридан гап очилганда Элен ўзига хос одоб билан, гарчи маъносига тушунмаса ҳам, рафттор килди. Бу рафтори билан у гўё «тақдирига тан бермай начора, худо пешонамга шундай эр ёзган бўлса, кандок килай» деб турар эди. Князь Василий ўз фикрини очикрок айттар эди. Пьердан гап очилганда у елкасини учирив ишора килиб:

—Мен ҳамма вақт жинни каби демасмидим, — дер эди.

— Мен олдинрок айтган эдим, — деди Анна Павловна, — мен ўшандаёк дарров, ҳаммадан бурун (у ҳаммадан бурун айтганлигини таъкидлар эди) бу йигит асримизнинг йўлдан оздирувчи ғоялари бузган ярамас йигит, деган эдим. У чет элдан янги келиб, унга ҳамманинг ҳаваси келиб юрганда шундок деган эдим. Эсингизда борми, бир куни кечкурун бизникида ўтиришганимизда ўзини аллақандай бир Маратга ўхшатиб ўтирган эди. Мана, оқибати нима бўлди? Шу тўйнинг бўлишига ўшандаёк кўнглим йўқ эди, ўшандаёк охири баҳайр бўлсин, деган эдим.

Анна Павловна бўш кунлари ҳали ҳам бурунгидек ўз уйида ўзига хос маҳорат билан ўтиришлар ташкил килас, бу ўтиришларга биринчидан Анна Павловна ўзи айтгандай Яхшиларнинг яхшиси, Петербург оқилларининг гули йигилар эди. Бу хилланган меҳмонлардан ташқари, Анна Павловна ташкил килган ўтиришлар бошқа ўтиришлардан шу билан фарқ килас, у ҳамма вақт бунда меҳмонларга бирон янги ва ҳаммага ёқадиган кишини таништирас, Петербург сарой муҳибларининг кайфиятини кўрсатадиган

¹ Ғамгузор (арабча) – ғамгин, қайғули, маъюс, хафа.

сиёсий термометрнинг¹ даражаси бошқа ҳеч қаерда бу ўтиришлардагидек очык ва равшан күринмас эди.

1806-йилнинг охирида, Наполеон Прусс армиясини Иена ва Ауерштет атрофида тор-мор килганлиги, Прусс қалъаларининг кўпича кўлдан кетганини ҳақида хунук хабарларнинг тафсилоти келганидан ва бизнинг қўшинларимиз Пруссия тупроғига кириб, Наполеонга қарши иккинчи уруш бошланганидан кейин Анна Павловна уйида ўтириш ташкил килди. Бу ўтиришда яхшиларнинг яхшиси ташкил қилганлар дилбар ва эри ташлаб кетган баҳтсиз Элен, Мортемарт яқиндагина Венадан келган дилкаш князь Ипполит, икки нафар дипломат, Анна Павловнанинг холоси, сұхбатларида катта фазилат эгаси дебгина аталадиган бир ёш йигит, яқиндагина лутфан фрейлина килинган бир хотин ва унинг онаси ҳамда яна бир неча бундайрок кишилардан иборат эди.

Бу кечада Анна Павловна мәхмонларига таништирсан янги шахс яқиндагина Пруссия армиясидан чопар бўлиб келган ва у ерда катта бир амалдорга адъютант бўлиб хизмат киладиган Борис Друбецкой эди.

Бу ўтиришда сиёсий термометрнинг сұхбат ахлига кўрсатган ҳарорат даражаси шундан иборат эди: бутун Европа подшохлари ва саркардалари ҳар қайсимизни ва ҳаммамизни дилсиёхлик ва қайғуга солиш учун Наполеонни канчалик ёқлашга тиришмасинлар, Бонапарт хусусидаги бизнинг фикримиз, барибир, ўзгармайди. Биз бу ҳақда кўнглимизда нима бўлса, шуни очиқ айтишдан тўхтамаймиз ва Пруссия қироли ҳамда бошқаларга шуни айтамизки: «Ўзларингга қийин. Сен шуни истар эдинг, Жорж Дандрэн, бизнинг айтадиган гапимиз мана шу». Анна Павловна ташкил қилган бу ўтиришда сиёсий термометр мана шуни кўрсатар эди. Мәхмонларга таништирилиши керак бўлган Борис мәхмонхонага кирганда ҳамма йиғилиб бўлган, Анна Павловна бош бўлган сұхбат Австрия билан бўлган дипломатик муносабатларимиз ва у билан иттифоқ тузиш умиди устида борар эди.

¹ Термометр (термо.. + юнонча: meteo – ўлчайман) – темпратураны, иссиқлик ёки совуклик даражасини ўлчайдиган асбоб.

Олифта адъютантча мундир кийган, тўлишган, юзлари қип-қизил Борис меҳмонхонага бамайлихотир кириб келди, уни салом бериш учун одатдагича аввал Анна Павловнанинг холаси олдига олиб боришиди, сўнгра меҳмонлар даврасига ўтқизишиди.

Анна Павловна унга қок суюқдан иборат бўлган қўлини ўптириди, кейин уни баъзи нотаниш меҳмонлар билан таништирар экан, пичирлаб ҳар кайсисини таърифлади.

Князь Ипполит Курагин, дилкаш йигит. Жаноб Крут, Копенгаген элчиси, закий одам ёки оддийгина қилиб айтганда: жаноб Шитов, кўп фазилатли киши.

Борис хизмат даврида Анна Михайловнанинг ғамхўрликлари соясида ва ўз диidi ҳамда табиатан сиполиги орқасида хизматга хийла куляй вазиятни ишгол қилиб олди. У жуда катта бир кишига адъютант бўлиб, Пруссияга муҳим бир топшириқ билан бориб, ҳозир ўша ердан қайтиб келаётган эди. У Ольмюцда ўзига жуда ёқиб қолган, лекин ҳеч қаерда ёзилмаган субординацияни¹ жуда яхши ўрганиб олган, бу субординацияга кўра, прaporщик сўзсиз генералдан жуда юкори туради; бу субординацияга кўра хизматда юкори мартабага эришиш учун ҳаракат, меҳнат, ботирлик, садоқат эмас, балки қилинган хизмат учун мукофот берадиганлар билан муомала қилишни билиш керак эди: у ўзининг тез муваффақият қозонишига ҳамда бошқалар буни нечук тушунмасликларига кўпинча ҳайрон колар эди. Мана шу қашфиёти натижасида унинг бутун кундалик хаёти, илгариги таниш-билишлари билан бўлган бутун муносабатлари, келажаги тўғрисидаги бутун режалари буткул ўзгариб кетди. У бой эмас, лекин бор пулини бошқалардан кўра яхширок кийишга сарф килар, ҳар қандай хузур-ҳаловатдан воз кечар эди-ю, лекин мундок извошга тушмас ёки эски мундир кийиб Петербург кўчасига чиқмас эди. У ўзидан юкори ва фойдаси тегадиган одамларгагина яқинлашар ва улар билан ошно бўлишга тиришар эди. У Петербургни яхши кўрар ва Москвани эса ёмон кўрар эди. Ростовлар

¹ Субординация – хизматда кичикларнинг даражама-даража катталарга бўйсуниши.

оиласи ва Наташага бўлган болалик муҳаббати ёдига тушса жини қўзир, шунинг учун армияга кетганидан бери Ростовларникига қадам босмаган эди. Анна Павловнанинг уйидаги сұхбатда иштирок этишни хизматда катта мартабага эришиш деб билган Борис бу ерда ўзининг ролини дархол англади, бу ерда ўтирганларга зеҳн солиб ҳар қайсиси билан яқинлашиш имконияти ва фойдасини чамалар экан, ўзидағи фазилатдан фойдаланишни Анна Павловнага кўйиб берди. У гўзал Элен ёнидан қўрсатилган жойга ўтириб, сұхбатга кулок берди.

– Вена таклиф қилинган шартноманинг асосларини шу қадар имконият хорижида деб биладики, буларни бирмунча порлок муваффакиятлар натижасидагина қўлга киритиш мумкинdir ва Вена мана шу муваффакиятларни қўлга киритишимиз воситаларига шубҳа билан қарайди». Вена кабинетининг фикри мана шу. – деди Дания элчиси.

– Яхши, шубҳа, – деди хиёл табассум билан, – заковат эгаси.

– Вена кабинетини Австрия императоридан фарқ қилиш керак, – деди Мортемар. – Австрия императори бундай ўйлаши ҳеч мумкин эмас, бу факат кабинетнинг гапи..

– Оҳ, азизим, виконт, – деди Анна Павловна гапга араплашиб, – Европа ҳеч қачон бизга самимий иттифокчи бўлмайди.

Шу гаплардан кейин Анна Павловна Борисни ишга солиш учун Пруссия киролининг жасорати ва матонатидан сўз очди.

Борис сўз навбатини кутиб, гапираётган кишининг сўзига дикқат билан қулок солиб ўтиаркан, ёнидаги гўзал Эленга бир неча марта қараб ҳам кўйди; Элен ҳам ўз навбатида бир неча марта ёш ва чиройли йигит – адъютант билан жилмайиб кўз уриштириб олди.

Анна Павловна Пруссия ахволи тўғрисида сўзлаб туриб, Борисдан Глогауга килган сафари ва Пруссия кўшинларининг ахволи тўғрисида гапириб беришни сўради. Борис шошилмасдан, соғ француз тилида жуда ўринлатиб, кўшинлар тўғрисида, сарой хусусида анчагина қизик тафсилот-

ларни айтди ва бутун сўзи давомида айтган фактлари тўғрисида ўз фикрини баён килишдан қочишга ҳаракат килди. Борис бирмунча вақт меҳмонларнинг диккатини ўзига тортиди ва Анна Павловна бу янги тортиғидан меҳмонлар мамнун бўлганликларини сезди. Бориснинг сўзларига ҳаммадан кўра Элен ортиқрок эътибор килар эди. У бир неча марта сўз котиб, Бориснинг сафари ҳақидаги баъзи бир тафсилотларни сўради ва бу саволлардан Пруссия армиясининг аҳволига жуда кизиккандай кўринар эди. Борис сўзини тамом қилиши биланоқ Элен одатдагича жилмайиб, унга мурожаат килди:

– Албатта, менинг олдимга бир келишингиз керак, – деди. Бу гапни шундай бир тарзда айтдики, гўё Борис билмайдиган баъзи бир мулоҳазаларга кўра, унинг келиши жуда зарур эди. – Сешанба куни соат 8 билан 9 орасида. Келсангиз, жуда хурсанд бўламан.

Борис унинг хоҳишини бажо келтиришга ваъда бериб, энди у билан сўзлашмоқчи бўлган эди, Анна Павловна «холам сизнинг сўзингизни эшитмоқчи» деган баҳона билан Борисни чақирди.

– Сиз бу кишининг эрини биласиз-а? – деди Анна Павловна кўзини юмиб ва маҳзун бир ҳаракат билан Эленин кўрсатиб. – Шундай чиройли хотин шундай баҳтсиз бўлса! Унинг олдида эридан сира гапирманг! Бечорага жуда қийин!

VII

Борис билан Анна Павловна меҳмонлар даврасига қайтиб келганда князь Ипполит гап сотиб ўтирган эди. У ўтирган креслосида илгарироқ сурилиб:

– Пруссия кироли! – деди-ю, кулиб юборди. Ҳамма унга караб қолди. – Пруссия кироли? – деб сўради Ипполит ва яна кулди, яна осойишта ва жиддий киёфада ўзини креслого ташлади. Анна Павловна бироз кутди, лекин унинг ортиқ сўзлашга майли йўклигини кўриб, худо бехабар Бонапарт Потсдамда Буюк Фридрихнинг қиличини ўтирагани ҳақида сўз очди.

– Бу қилич Буюк Фридрихники бўлиб, мен буни... – деб гап бошлаган эди, Ипполит унинг сўзини бўлиб:

– Пруссия кироли... – деди-ю, меҳмоннинг оғзига кара-

ши биланок узр сүраб яна жим бўлди. Анна Павловна афтини буриштириди. Ипполитнинг ошнаси Мортемарт унга қараб: хўп, нима бўлибди Пруссия киролига – деди.

Ипполит худди ўз кулгисидан ўзи уялиб шундай кулди.

– Ҳеч нарса, мен фақат айтмоқчи эдимки... (у Венада эшитгани ва бутун оқшом давомида айтишга урингани бир кизик гапни айтмоқчи эди.) Мен фақат шуни айтмоқчи эдимки, биз Пруссия киролини деб бекорга уришиб юрибмиз.

Борис шундай эҳтиёт билан табассум қилдики, меҳмонлар ҳазилни қандай қабул қилишларига қараб, бу табассумни, ўша ҳазилни мазах қилиш, ҳазил маъқул бўлди, деб тушунса ҳам, бўлар эди. Ҳамма кулиб юборди.

– Сизнинг сўз ўйиннингиз яхши эмас, жуда ўткир бўлса ҳам, лекин ноҳақ, – деди Анна Павловна буришган бармоги билан таҳдид килиб. – Биз Пруссия кироли учун эмас, балки эзгу ният учун урушаётибмиз. Бай-бай, бу князь Ипполит мунча заҳар! – деди у.

Суҳбат кўпроқ сиёсий янгиликлар атрофида айланиб, бутун оқшом давом этди. Ўтиришнинг охирида сўз шаханшоҳ берган мукофотлар тўғрисида борганда суҳбат жуда ҳам авжига чиқди.

– Ўтган йили портрет ишланган тамакидон мукофот олди-ку, – деди заковат эгаси. – Нега энди ўша мукофотни ололмас экан?

– Кечирасиз, императорнинг портрети ишланган тамакидон мартаба эмас, мукофот, – деди дипломат, – ҳатто армуғондир.

– Мисоллар бўлган, – деди Шварценберг.

– Бундоқ бўлиши ҳеч гап эмас., – деди яна бири.

– Лента – бошқа масала..., – деди бошқаси.

Ҳамма кетгани ўрнидан қўзғалганида бутун оқшом кам гапириб ўтирган Элен яна Борисга қараб буйруқомуз мулоҳим бир илтимос йўсинида унинг сешанба куни келишини сўради.

– Сизнинг келишингиз жуда зарур, – деди у Анна Павловнага қулимсираб қараб. Анна Павловна пушти паноҳида бўлган Элен тўғрисида сўзлаган вактда юзида пайдо

бўладиган ўша маъюс табассум билан Эленинг хошишини тасдиклади. Бориснинг шу оқшом Пруссия қўшинлари ҳакида айтган ҳалиги сўзларидан Элен уни, албатта, кўришм зарур, деган фикрга келгандай эди. Элен худди сешанба куни келсангиз, бу заруратнинг сабабини айтиб бераман, дегандай кўринарди.

Борис сешанба куни кечкурун Эленинг ҳашаматли меҳмонхонасиға келди-ю, лекин бу ерга келиши нима учун бунчалик зарур бўлганлигига дурустроқ бир изоҳ топа олмади. Бу ерда бошқа меҳмонлар ҳам бор эди. Графиня Борис билан дурустгина гаплашмади ҳам, Борис кетаётиб унинг кўлини ўпганида Элен нечукдир жилмаймасдан, шивирлаб:

— Эртага овқатлангани келинг, кечкурун. Келишингиз зарур, албатта, келинг, — деди.

Борис Петербургга бу келишида графиня Безухованинг уйига серқатнов бўлиб қолди.

VIII

Уруш авж олиб кетиб, жанг майдони Россия чегарасига яқинлашиб келмоқда эди. Ҳамма инсоният душмани бўлмиш Бонапартни қарғамоқда эди. Қишлоқларда ҳалқ лашкарлари тўпланмоқда, аскарликка одам олинмоқда эди. Жанг майдонларидан турли-туман хабарлар келиб турар, бу хабарлар ҳамиша ёлгон-яшиқдан иборат бўлар, шунинг учун буларга ҳамма ҳар хил маъно берар эди.

Кекса князь Болконский, князь Андрей ва княжна Марьянинг ҳаётлари 1805-йилдан бўён анча ўзгариб кетди.

1806-йилда кекса князь ҳалқ лашкарлари бўйича ўша вактда бутун Россияга тайинланган саккиз бош қўмондоннинг бири қилиб тайинланди. Ўғлини ўлганга чиқарган вактларида қарилиги айниқса билиниб қолган кекса князь заифлигига қарамай, императорнинг ўзи тайинлаган бу вазифадан бош тортишни ўзига эп кўрмади ва бу фаолият уни гайратга киргизиб, тетик қилиб қўйди. У ўзига топширилган уч губернага¹ ҳар доим қатнаб турар, ўз вазифаларини

¹ Губерна, губерния – Чор Россиясида, шунингдек, 1929-1930-йилларгача Собик Иттифоқда: асосий маъмурӣ-худудий бирлик.

ниҳоятда садоқат билан адо этар, кўл остидаги одамларга жуда каттиқкўл бўлиб, хеч бир икир-чикирни кўзидан кочирмас эди. Княжна Марья отасидан математика дарси олишни йиғиштириб кўйди, факат чол уйда бўлган чоғлардагина ҳар куни эрталаб кичкина князь Николайнинг (бобоси уни шундай атар эди) мураббияси билан отасининг кабинетига кирап эди. Ҳали эмадиган князь Николай ўз мураббияси ва дояси Савишна билан марҳума княгинянинг уйида туар, княжна Марья эса, жиянчасига кўлидан келганича оналик қилиб, кўп вактини унинг бўлмасида ўтказар эди. Мамзель Буръен ҳам болани жуда яхши кўрадигандай кўринар, княжна Марья кичкина фаришта (у жиянини шундай деб атар эди)га караш ва у билан ўйнаш лаззатидан ўзини маҳрум қилиб, бу лаззатини дугонасига бағишилар эди.

Лисие Гори бутхонасининг оддида, кичкина княгиня кабрининг тепасида часовия¹ бўлиб, бунга Италиядан келтирилган мармар ҳайкал кўйилган эди. Бу ҳайкал қанотларини ёзиб учишга тайёр турган фариштанинг тасвири эди. Фариштанинг юқориги лаби худди табассум қилмоқчи бўлгандай, бироз кўтарилиб туар эди. Бир куни князь Андрей билан княжна Марья часовиядан чиқаркан, ажиб бир ҳолни – бу фариштанинг юзи мархуманинг юзини эслатишини айтди. Лекин князь Андрей бундан ҳам ажиброқ бир нарсани опасига айтмади: ҳайкалтарош фариштанинг юзига тасодифий равища шундай бир ифода берган эдики, князь Андрей марҳума хотинининг юзида ўқигани ўша «Вой, мени нима қилиб кўйдиларинг?..» деган маънони уқиди.

Князь Андрей қайтиб келганидан кейин, орадан кўп вакт ўтмай кекса князь ўғлига Лисие Горига тўрт чакирим келадиган Богучароводаги катта мулкини ажратиб берди. Бир томондан Лисие Горига боғлиқ оғир хотирот, бир томондан отасининг феъл-авторига унчалик тоқати бўлмаганлиги, бир томондан узлатга чекиниш зарурати важидан князь Андрей Богучаровога кўчди-да, вактининг кўпроқ кисмини шу ерда ўтказа бошлади.

Аустерлиц кампаниясидан кейин князь Андрей

¹ Часовия – кичкина бутхона.

минбаъд ҳарбий хизматта кирмасликка аҳд қилди: уруш бошланиб, ҳамма ҳарбий хизматда бўлиши зарур бўлиб қолган вақтда у ҳақиқий ҳарбий хизматдан кутулиш учун отасининг кўл остида ҳалқ лашкарлари тўплаш вазифасида ишлади. Ота-бола 1805-йилдан кейин ғёй ролларини алмаштиргандай бўлишиди. Кекса князь ишда гайратга миниб, кампаниядан яхши натижалар умид қилас, князь Андрей эса, аксинча, урушда иштирок килмай, ичиди афсусланар ва кампаниядан фақат ёмон натижалар кутар эди.

1807-йилнинг 26-февралида кекса князь округларга¹ чиқиб кетди. Князь Андрей Лисие Горида қолди, у отаси бўлмаган вақтларда кўпинча вақтини шу ерда ўтказар эди. Кичкина Николушка уч кундан бери бетоброқ эди. Кекса князни олиб борган кучерлар шаҳардан қайтиб, князь Андрейга турли қоғоз ва хатлар олиб келишди.

Хат олиб кирган камердинер ёш князни кабинетдан тополмай, княжна Марьянинг бўлмасига кирди. Бироқ князь Андрей бу ерда ҳам йўқ эди. Унга князь ўз ўғлининг бўлмасида эканлигини айтишиди.

– Зоти олийлари, Петрушка сизга хат олиб келиди, – деди мураббия ёрдамчиларидан бўлмиш бир қиз князь Андрейга қараб. Князь Андрей болалар стулчасида ўтириб, жуда диккат килиб, титрок кўллари билан яrim қадаҳ сувга шишадан дори томизмоқда эди.

– Нима гап? – деди у жаҳл билан. Қўли қалтираб кетиб, қадаҳга ортиқча дори томиб кетди. У қадаҳдаги дорини ерга тўқиб ташлади-да, яна сув сўради. Қиз сув берди. Уйда битта болалар каравоти, иккита сандик, иккита кресло, стол, болалар столи ва князь Андрей ўтирган стулча бор эди. Деразаларга парда тутилган, столда ёниб турган шам каравотдан муковали нота китоби билан тўсиб қўйилган эди.

Каравотча ёнида турган княжна Марья акасига қараб:

– Дўстим, тура турайлик... кейин, – деди.

¹ Округ (руссча: округ – теварак-атроф) – 1) баъзи давлатларда маъмурий-худудий бирлик; 2) йирик худудий ҳарбий бирлашма, бўлинма; 3) вақтингчалик тузилган худудий бўлим (бу ерда шу маънода); 4) ҳозирги вилоят бараваридаги худудий бирлик, музофот.

– Кўйсанг-чи шунака бўхуда гапларингни, ҳали ҳам қилган ишинг шу бўлди-ку, – деди князь Андрей жаҳл билан шивирлаб, афтидан, опасига теккизиди.

– Дўстим, уйғонмаганинг яхши, бола ухлаб қолди, – деди княжна ёлворган товуш билан.

Князь Андрей ўрнидан турди ва қўлида қадах, оёқ учиди каравотча олдига келди.

– Ёйғотмасакмикин? – деди у иккиланиб.

Княжна Марья гапи ўтганига хижолат бўлгандай, лекин тортиниброк:

– Ўзинг биласан... менимча... ўзинг биласан, – деди. У шивирлаб чакираётган қизни акасига кўрсатди.

Иситмада куйиб ётган болага қараб иккаласи ҳам икки кечадан бери ухламаган эди. Ўз докторларига ишонмай, шаҳардан олиб келинадиган докторни кутиб, булар икки кундан бери болага ўзлари ҳар хил дори-дармон қилишмокда эди. Уйқусизлик ва ташвишдан бўларича бўлган опаука бир-биридан аламини олар, бир-бирига жаҳл қилар ва уришар эди.

– Петруша дадангиздан қоғоз олиб келибди, – деди қиз шивирлаб.

Князь Андрей чикиб кетди.

– Нима гап экан ўзи? – деди у жаҳл билан ва отаси айтиб юборган амр-фармонни эшитиб, ундан келган хат ва қоғозларни олиб, яна ўғлининг бўлмасига кирди.

– Хўш, қайтай? – деди князь Андрей.

– Бир зайлда, сабр қилгин, худо ҳақи. Карл Иванич доим уйқу ҳамма нарсадан яхши дейди, – деб шивирлади княжна Марья хўрсиниб.

Князь Андрей боланинг олдига келиб, унинг у ёқ бу ёғини ушлаб кўрди. Бола иситмада ёнмоқда эди.

– Э, кўй, ўша Карл Иваничингни! – деб у дорили қадаҳни олиб, боланинг тепасига келди.

– Андрей, кўйсанг-чи! – деди княжна Марья.

Лекин князь Андрей унга афтини буриштириб хўмрайди-ю, қўлида қадах, боланинг устига энгашди.

– Мен шуни ичкизмоқчиман, – деди у, – мен сендан

сўрайман, шу дорини бер.

Княжна Марья елкасини учирди-ю, ноилож унинг кўлидан кадаҳни олди ва дояни чакириб, болага дори ичира бошлади. Бола чинкириб нафаси қайтди. Князь Андрей афтини буриштириб, бошини ушлаганича уйдан чиқди-да, нариги уйга кириб, диванга ўтирди.

Отасидан келган хатлар ҳамон унинг қўлида эди. Кекса князъ кўк қоғозга йирик-йирик килиб шуларни ёзган эди:

«Агар ёлғон бўлмаса, ушбу дакиқада куръер катта бир хушхабар келтириди. Эйлау ёнида Бенигсен гўё Бонапартдан голиб келибди. Петербургда ҳамма шод-хуррам, армияга жуда мукофотлар юборилмоқда. Немис бўлса ҳам, табрик қиласман. Корчева бошлиғи Хандриков деган шахс нима килаётганини ҳеч билмайман: шу маҳалгача қўшимча одам ва озиқ-овқат юборгани йўқ. Дархол от чопиб боргин ва айтгинки, агар бир ҳафта ичида ҳаммасини муҳайё киласман, бошини оламан. Прейсиш-Эйлау жангни тўғрисида Петенкадан ҳам мактуб олдим, жангда ўзи қатнашибди, бу гаплари рост. Аラлашуви керак бўлмаганлар аралашмасалар, ҳатто немис ҳам Бонапартнинг адабини бериши мумкин. Одамларнинг гапларига қараганда, тумтарақай бўлиб қочмоқда эмиш. Тездан Корчевага от чопиб, топшириғимни бажо келтиргин».

Князь Андрей бир уф тортди-ю, иккинчи конвертни очди. Икки саҳифа қоғозга майдо ёзилган бу хат Билибиндан эди. Князь Андрей бу хатни ўқимасдан, икки буклади-да, яна отасининг «Корчевага от чопиб, топшириғимни бажо келтиргин!» – деган сўз билан тамом бўлган хатини қайтадан ўқиди.

«Кечирасиз, бола тузалмагунча ҳеч қаёққа бормайман», – деди ичида ва эшик олдига бориб, бола ётган уйга каради. Княжна Марья ҳануз каравотча ёнида туриб, болани секин-секин тебратмоқда эди.

«Ёзган совуқ хабарини қара-ю! – деди князъ Андрей отаси ёзган хатни ўйлаб. – Ҳмм. Мен армияда хизмат килмайдиган вактда улар Бонапартни енфишибди. Мени мазах қилғани қилган... Майли, қилса килаверсин...» деди ва Би-

либиннинг французча ёзган хатини ўқий бошлади. Хаёлини банд қилиб қийнаётган ўйлардан бир дакиқа фориг бўлиш учун гарчи бошига чала-ярим кираётган бўлса ҳам, лекин хатни ўкиди.

IX

Билибин ҳозир армиянинг бош квартираси ҳузурида дипломатия чиновниги бўлиб хизмат қилар, хатни француз тилида, французча ибора ва кизик тадбирлар ишлатиб ёзган бўлса ҳам, лекин ўз қилмишини қоралаш ва ўз айбини фош қилишда русларга хос жасорат билан бу кампанияни мукаммал тасвирлаган эди. Билибин хатида дипломатик маҳфийлик қийнаёттанини, армияда рўй берәётган ҳодисаларни кўриб юраги сикилганда дардини айтгани князь Андрейдек одами борлигидан хушбахт эканини айтган эди. Бу эски хат бўлиб, Прейсиш Эйлау жангидан бурун ёзилган эди.

«Дўстим князъ, ўзингиз биласизки, Аустерлицдаги порлоқ галабамиздан бери мен бош квартирадан бир қадам нарига жилганим йўқ, – деб ёзган эди Билибин. – Мен урушга жуда ҳам ўрганиб қолдим ва шундан мамнунман; сўнгги уч ой ичидаги фавқулодда нарсаларни кўрдим.

Мен гапни яна бошидан бошлайман. Ўзингизга маълум, бани башар душмани пруссакларга ҳужум қилаётубди. Бу ўша бизни уч йилда уч мартағагина алдаган содиқ идтифоқчиларимиз бўлган пруссаклар! Биз шуларга ёрдам қиласяпмиз. Бироқ, маълум бўлишича, бани башар душмани бизнинг гўзал нутқларимизга ҳеч қандай эътибор қиласдан, ўзига хос одобсизлик ва ёввойшик билан пруссакларга ҳужум қилаётубди, бошлаган парадларини тамом қилгани уларда фурсат бордай, тор-мор қилиб, Потсдам саройига кириб олаётубди.

Пруссия қироли Бонапартга шундай деб ёзиди: «Мен зоти олийларини саройимда ўзларига муносиб равишда кутуб олиш иштиёқидаман ва бу хусусда мен айрим эътибор билан шароит имкон берганича, зарур бўлган ҳамма амр-фармонларни бердим. Шунга мұяссар бўлиш орзусидаман». Прусс генераллари французлар олдида қўл

қовуштириб туришади ва бир оғиз гап билан таслим бўлишади. Ўн минг аскари бўлган Глогау гарнизонининг¹ бошлиги, агар таслим бўлиш керак бўлиб қолса қандай қиласай, деб Пруссия қиролидан сўрайди. Буларнинг ҳаммаси аниқ. Кис-қаси, биз унга ҳарбий кучимиз билан даҳшат солмоқчи бўлган эдик, бироқ натижсада ўз чегарамизда, ҳаммадан ҳам кўра муҳимроги, Пруссия қироли учун ўшанинг ўзи билан бирга урушга тортилган бўлиб чиқдик. Ҳамма нарсамиз ошиб-тошиб ётибди, фақат кичкинагина бир нарса етмай турибди, у ҳам бўлса – бош қўмондон. Бош қўмондон бунчалик ёш бўлмаганда Аустерлицда қозонган галабамиз кескинроқ бўлар эди деб, саксон яшар генераллардан бош қўмондон танлаб, Прозоровский билан Каменскийдан бирини, яъни Каменский танланди. Генерал бизнинг олдимиизга суворовчасига усти ётиқ файтунда келди, уни шод-хуррамлик ва зўр тантана билан қарши олишиди.

4-санада Петербургдан биринчи курьер келди. Жомадонни фельдмаршалнинг кабинетига олиб киришиди, чунки у ҳамма ишни ўз қўли билан қилишини яхши кўради. Келтирилган хатларни ажратиб, ўзимизга тегишили бўлганларини айриб олишига ёрдам берганни мени чақиришиди. Фельдмаршал бу ишни бизга топшириб, ўз номига келган хатни кутуб, қараб ўтириди. Биз қидириб унинг номига хат топа олмадик. Фельдмаршал ҳаяжонланиб ўзи ахтара бошлади ва шаҳаншоҳдан граф Т., князъ В. ва бошқаларга келган хатларни топди. У ниҳоятда даргазаб бўлиб, жон-пони чиқиб шаҳаншоҳнинг бошқалар номига ёзган хатларини очиб ўқий бошлади.

– Ҳали менга муомала шуми! Менга ишонч йўқми? Мени таъқиб қилишимоқчи! Хўп, қилишсин, йўқол ҳамманг!

Шундан кейин граф Бенигсенга ўша машҳур буйргунини ёзди.

– Мен ярадорман, от миниб юра олмайман, демак, армияга қўмондонлик ҳам қила олмайман. Сиз армиянгизнинг асосий қисмини Пултускка тор-мор қилинган ҳолда

¹ Гарнизон (французча: гарнизон – таъминламоқ; куроллантироқ) – истехком ёки калъада доимий ёки вактинча турадиган ҳарбий қисмлар мажмуи.

келтирдингиз: у бу ерда, очиқ ҳавода, ўтингиз, ем-хашаксиз ётибди, шунинг учун чора кўриш керак, чунки ўзингиз граф Буксгевденга кечা шундоқ илтифот кўрсатдингиз, чегаралингизга чекиниши тўгрисида ўша ўйласин ва буни ўша бугун бажарсин.

Отда юравериб, эгар кетимни чақа қилдики, бу нарса отлиқ юришимга ҳамда бундай катта армияга қўмондонлик қилишимга монелик қилади, шунинг учун ҳам қўмондонликни ўзимдан каттароқ бўлган генерал, яъни граф Буксгевденга топширдим ва бу ишга тааллуқли нарсаларни ўшанга ҳавола қилиб, унга маслаҳат бердимки, агарда нон юборилмаса, Пруссиянинг ичкариогига чекинсин, чунки бир кунга етадиган нон қолган, холос, баъзи полкларда эса дивизион командирлари Остерман ва Седмореңқийларнинг сўзларига кўра ҳеч нарса қолган эмас, деҳқонларнинг ўзлари эса оч, менинг ўзим эса то муолажса қшиб бўлгунимча Остроленко госпиталидаги бўламан. Госпиталда неча кун ётганлигим тўгрисида маълумот бераман ва шу билан бирга маълум қиламанки, агарда армия шу манзилда яна ўн беш кун турса, баҳоргача ҳам сог одам қолмайди.

Мен чолга жавоб беринг, қишилоққа кетайнин, зероки топширилган буюк вазифани адo қишлоомай, шон-шарафдан маҳрум бўлдим, Сизнинг илтифотномангизни шу ерда, яъни госпиталда ётиб кутаман, токи армияда командирлик ўрнида мирзолик вазифасини ўтаб ўтирумайин. Менинг армиядан кетганлигим боиси таассуф бўлмас, чораки бир кўрнинг армиядан кетиши ҳукмидадир, менга ўхшаган кишилар Россияда мингларча».

Фельдмаршалнинг шаҳанишоҳдан димоги куйган, аламини биздан олаётиди. Шу жиҳатдан бу ҳам мантиқий эмасми!

Комедиянинг биринчи пардаси – мана шу. Бундан кейинги пардалари ўз-ўзидан маълумки, яна ҳам қизикроқ. Фельдмаршал кетгандан кейин маълум бўлдики, биз душманнинг рўпарасида турган эканмиз, жсанг қилишимиз зарур экан. Буксгевден мансаб жиҳатидан бош қўмондон, лекин генерал Бенигсен буни эътироф қилмайди, ўз корпуси билан душ-

маннинг рўпарасида тургани учун у пайтдан фойдаланиб ўзи, мустақил жсанг қилимоқчи, қиласди ҳам.

Буюк галаба ҳисобланган Пултуск жсанги, менимча, жуда ҳам шунчалик эмас. Биз, ҳарбий хизматда бўлмаган одамлар, жсангда ютиб чиқиш ва ютқизиш масаласини ўзимизча ҳал қилишга ёмон ўрганганимиз. Кимки жсангдан кейин чекинса, ўша ютқизди, деймиз-да, мана шунга кўра биз Пултуск жсангини ютқиздик. Қисқаси, биз жсангдан кейин чекиндик, лекин Петербургга галаба қилдик деб чопар юбордик ва генерал Бенигсен бу галаба учун мукофот тарзида Петербургдан бош қўмондонлик унвонини олиш умидида генерал Буксгевденга армияга қўмондонлик қилгани имконият бермаяти. Мана шу икки ҳокимият орасида биз бирмунча жуда ажойиб ва қизиқ манёвлёр ўтказдик. Бизнинг эндиғи режамиз душманга чап бериш ёки унга ҳужум қилишдан иборат эмас, балки ўз унвонига кўра бизга бошлиқ бўлиши керак бўлган генерал Буксгевденга чап беришдан иборат бўлиб қолди. Шу мақсад йўлида биз шу қадар тиришаётibмизки, дарёдан ўтиб, ҳатто кечув бўлмаган жойларда ҳам душманимизни орқада қолдириш учун кўприкка ўт қўянимиз ва ҳозирги вақтда душман Бонапарт эмас, гўё Буксгевден бўлиб қолди. Бизни генерал Буксгевдендан қутқарган мана шунаقا бир манёвр натижасида душман генерал Буксгевденга кўп куч билан ҳужум қилиб, уни асир олаёзди. Буксгевден бизни таъқиб этаётиди, биз эса ундан қочаётibмиз. У дарёнинг бир томонига ўтиши билан биз бошқа томонига ўтамиз. Ниҳоят душманимиз Буксгевден бизга етиб олиб, ҳужум қолди. Иккала генерал талашиди ва бир-биридан хафа бўлишиди, иш икки бош қўмондон орасида дузлгача борди. Бироқ шу пайтда Пултуск галабаси ҳақида Петербургга хабар олиб борган чопар қайтиб келади ва бош қўмондон тайин қилинганилиги ҳақида буйруқ келтиради, шу билан биринчи душман – Бонапарт тўғрисида ўйласак бўлади. Мана шу пайтда, учинчи душман чиқиб қоладики, бу душман православлардан иборат бўлиб, баланд овоз билан нон, гўшт, сухари, ем-хашак, яна агланиматар талаб қилимоқда.

Магазинлар бўм-бўш, йўллар юриб бўлмайдиган. Православлар талай бошлийди ва бу талон шу дара жсага етадики, бу сўнгги кампаниялар бундай талоннинг тимсолини кўрган эмас. Покларнинг ярми бебош гурухларга айланиб, бутун мамлакатни кезиб, аҳолини хонавайрон қиласетибди. Аҳоли буткул хонавайрон бўлди. Касалхоналар касаллар билан тўлиб-тошиб кетди. Ҳамма ёқда очлик. Босқинчи аскарлар икки марта ҳатто бош штабни босишиди ва бош қўмондон уларни даф қилиши учун бир батальон аскар чакиришига мажсбур бўлди. Мана шундай босқинлар вақтида менинг бўш жомаадоним билан тўнимни олиб кетишиди. Шаҳаншоҳ барча дивизия бошлиқларига босқинчиларни отиб ташлашга ҳуқуқ бермоқчи. Лекин мен бу нарса қўшинларнинг ярмини отишга мажсбур қиласа деб қўрқаман....»

Князь Андрей хатни аввал эътибор бермасдан ўкиди, лекин ўкиётган нарсалари (Билибинга нақадар ишониш мумкин эканлигини билса ҳам) тобора хаёлини банд қила бошлади. Хатни у шу еригача ўкиди-ю, сўнг ғижимлаб ташлади. Унинг аччиғини келтирган нарса хатда ёзилган гаплар эмас, балки ўзига ёт бўлған ҳаёт уни мунчалик ташвишга солғани эди. У кўзларини юмди, хатда ўқиганларини гўё унтиш учун пешонасини ишқади-да, болалар бўлмасига кулок солди. Қулогига бирдан галати бир товуш эшитилган дай бўлди. Унинг жон-пони чиқиб кетди, хат ўкиётган вақтимда болага бирон нарса бўлмадимикин, деб қўркиб кетди.

У оёқ учидаги юриб болалар бўлмасининг эшиги олдига келди, эшикни очди.

У бўлмага кириши билан мураббия кайфи учидаги алланимани яширди, княжна ҳам каравот ёнида йўқ эди.

– Дўстим, – деб унинг орқасидан шивирлаган княжна Маръянинг товуши унга ғоят ташвишманд туюлди.

Князь Андрей сабабсиз вахимага туддикни, бу хол кўпинча узок уйқусиз ва кўп ҳаяжондан кейин бўлади. У, бола ўлибди, деган хаёлга борди. Унинг қулогига кирган ҳар бир товуш, кўзига кўринган ҳар бир нарса шу қўрқувини тасдиқлаётгандай бўлар эди.

«Оббо, тамом», – деди у ичиди ва пешонасига совук тер чиқди. У, бола каравотда йўқ ва мураббия унинг ўлигини мендан яширди, леган комил ишонч билан гаранг бўлиб, каравотча олдига келди. У пардани кўтарди-ю, лекин жавдигаран кўзларига бола анчагача кўринмади. Нихоят, у болани кўрди: икки бети қип-қизил бола бошини ёстиқдан пастрокка кўйиб, тарвайиб, уйку ичиди тамшаниб, бир текис нафас олиб каравотда кўндаланг ётар эди.

Князь Андрей болани кўриб, худди ўлган боласи тирилгандай суюниб кетди. У энгашиб, опаси ўргаттандай, лабини боланинг пешонасига кўйиб, унинг иситмасини кўрди. Боланинг нозиккина пешонаси нам эди. У боланинг бошини ушлаб кўрди, бола шунчалик терлаган эдики, ҳатто соchlари хўл эди. Бола ўлимдан қолдигина эмас, дарднинг оғир пайти ўтиб, энди тузалмоқда эди. Князь Андрей бу бир парча гўштни олиб бағрига босмокни истади, лекин журъат килмади. У боланинг тепасида тураг экан, унинг бошига, кўлларига ва кўрпа остида билиниб турган оёкларига каар эди. Ёнидан шарпа эштилди ва каравотнинг пардасига кўланка тушди. Князь Андрей қарамади, у боладан кўзини олмай, унинг бир текисда нафас олишига кулок солар эди.

Бу кўланка княжна Марьянинг кўланкаси эди, у аста босиб каравотнинг олдига келди-да, пардани кўтариб ичига кирди. Князь Андрей қарамасдан уни билди-ю, кўлини узатди. Княжна Марья унинг кўлини кисди.

– Терлабди, – деди князь Андрей.

– Мен шуни сенга айтай деб чиқаётган эдим, – деди княжна Марья.

Бола уйкусида салгина кимиrlади, кулимсиради ва пешонасини ёстиқка ишқади.

Князь Андрей опасига қаради. Княжна Марьянинг нур сочиб турган чиройли кўзларida хурсандлик ёши ялтираб, парда остида яна ҳам чиройлироқ кўринди. У каравот пардасини хиёл тортиб укасига томон интилди ва уни ўпди. Иккови бир-бирига таҳдидомуз ишора қилди, учовини бутун дунёдан ажратиб турган бу оламдан чиққиси келмагандай, парда ичиди хийла туриб қолишди. Сочини парданинг попу-

гига ўралаштириб каравот олдидан аввал князь Андрей чикди. «Дунёда энди бирдан бир илинжим – шу», – деди у хўрсиниб.

X

Пъер масонлар жамиятига қабул қилинганидан кейин кўп ўтмай, ўз мулкларида нима ишлар қилиши кераклиги тўғрисидаги кўлланмаларни тўла ёзиб олиб, Киев губернасига жўнади – дехқонларининг кўпчилиги ўша ерда эди.

Пъер Киевга келиши биланок бош идорага ҳамма бошқарувчиларни йиғиб, уларга ўзининг ният ва хоҳишлирини баён килди. У шундок деди: дехқонларни крепостнойликдан буткул озод қилишнинг тадбири тезда кўрилади, ўшангача уларга оғир меҳнат юкламаслик керак: болали хотинлар ишга чиқарилмаслиги керак дехқонларга ёрдам берилиши керак дехқонларга жисмоний жазо бериш ўрнига насиҳат қилиниши керак, ҳар бир мулкда касалхона, етимхона ва мактаблар очилиши керак. Бошқарувчиларнинг баъзилари (бу ерда чаласавод хўжалик мудирлари ҳам бор эди) ёш граф ишимиздан норози, пул ўғирлаганимизни пайқаб қолдимикин деб, унинг сўзларига ўтлари ёрилиб кулоқ солишар; баъзилари дастлаб бир кўркканларидан кейин Пъернинг тиши тушган кишидек шу-шу қилиб гапирганига ва у айтган янги сўзларга қизиқсиниб кулоқ солишар, баъзилари эса хўжайнинг гапиришининг ўзидан завқ қилишар, яна баъзи бирлари, энг ақллилари, шу жумладан, бөш бошқарувчи ҳам унинг сўзларидан ўз мақсадларига етмоқ учун хўжайинга қандай муомала килиш кераклигини англашар эди.

Бош бошқарувчи Пъернинг ниятларига катта хайриҳоҳлик билдириди, лекин бу ўзгаришлардан ташқари умуман издан чикиб кетган ишлар билан ҳам машғул бўлиш зарур эканлигини айтди.

Граф Безуховдан колган шунча мол-давлатга эга бўлиб, яна йилига, одамларнинг айтишича, 500 минг сўм даромад олса ҳам, Пъер отаси хаёт чоғида ўн минг сўм олган вақтидагидан хозир ўзини кам пулрок сезар эди. У йиллик бюджетини қуидагича тахмин қиласар эди. Бутун мулклари

бўйича Кенгашга 80 мингга яқин тўлайди; Москва ёнидаги ва Москвадаги ховли ҳамда княжналарнинг харажати 80 мингга яқин туради; 15 мингга яқин нафақага кетади; яна шунчаси хайрия ишларига сарф бўлади; 150 минг графиня-нинг таъминоти учун юборилади; қарзларнинг фоизига 70 мингга яқин берилади; солинаётган бутхона учун шу икки йил мобайнида ўн минг кетди; колган юз минг нимага сарф бўлганини ўзи ҳам билмас, яна ҳар йили қарз кўтаришга мажбур бўлар эди. Булардан ташкари, бош бошқарувчи ҳар йил gox ёнғин чиқди, gox ғалла унмади, gox фабрика-заводларни қайта куриш зарурлиги ҳакида хат ёзиб турар эди. Шундай қилиб, Пьер биринчи навбатда машғул бўлиши керак бўлган нарса мулкларга тааллукли ишлар эдики, бунга унинг на қобилияти бор эди, на хошиши...

Пьер бош бошқарувчи билан ҳар куни машғул бўлар эди. Бирок бу машғулотдан ҳеч натижа чиқмаётганигини ўзи сезиб турар эди. Унинг машғулоти ишга ҳеч муносабати йўқ бир тарзда ўтаётгани, бу машғулот ишни илгарилатмаганини ҳис қиласр эди. Бир томондан, бош бошқарувчи бутун ишларни расво бир ахволда килиб кўрсатар ва Пьерга қарзларни тўлаш, крепостной дехқонлар кучи билан янги ишлар бошлаш зарурлигини айтар, бунга эса Пьер кўнмас эди. Иккинчи томондан, Пьер крепостной дехқонларни озод қилишга киришишни талаб қиласр, бошқарувчи эса, аввал · васийлар кенгашидан бўлган қарзни узиш кераклигини ва буни узмагунча дехқонларни тезда озод қилиш мумкин эмаслигини айтар эди.

Бошқарувчи бу иш мутлақо мумкин эмас, демас эди; у дехқонларни озод қилиш учун Кострома губернасидағи ўрмонларни, паст кўриқ ва Кримдаги ерларни сотишни таклиф қиласр эди. Лекин бошқарувчи бу ишларни ижозатнома, талабнома ва ҳоказолар сингари нарсаларга боғлаб, шу қадар мураккаб килиб кўрсатар эдики, Пьер гаранг бўлиб қолиб, фақатгина «ҳа, ҳа, шундай қилинг», дейишдан бошқа ҳеч нарса дея олмас эди.

Бу иш билан ўзи бевосита машғул бўлишга Пьернинг укуви йўқ эди, шунинг учун ишга хуши йўқ, бошқарувчи

олдида ўзини шу иш билан машғул бўлаётгандай қилиб кўрсатар эди, холос. Бошқарувчи эса бу ишларни граф килсалар яхши, менинг учун нокулайроқ деб кўрсатишга тиришар эди.

Катта шаҳарда таниш-билишлар кўпайиб қолди; таниш бўлмаганлар эса губернанинг энг давлатманд кишиси билан танишмоққа ва кутламоққа шошилар эди. Пьер масонлар жамиятига кириш олдида ўзи иқрор бўлган ва тарк қилишни ваъда килган қусурлари шу қадар суяқ-суяғига сингиб кетган эдик, булардан ҳеч кутула олмас эди. Унинг кун ва тунлари, ҳафта ва ойлари ўша Петербургдаги сингари ўтиришларда, зиёфатларда, сухбатларда, балларда ўтар, кўз очиб атрофга қарагани вақт тополмас эди. У янгича ҳаёт кечириш умидида бўлса ҳам, ҳамон илгаригича, факат бошқа шароитда яшар эди.

Пьер билар эдик, масонлик буюрган уч қарздан бирини, яъни ҳар бир масон маънавий ҳаётда намуна бўлиши керак, деган қарзни ўрнига етказа олмаётиби; етти фазилатдан эса иккитаси: хушфельлик ва ўлимга муҳаббат унда мутлако йўқ. У бошқа қарзларни – инсониятни йўлга солиш, инсонпарварлик, хусусан, сахийликни ўрнига етказаётибман-ку, деб ўзига тасалли берар эди.

1807-йилнинг баҳорида Пьер Петербургга кайтиб бормоқчи бўлди. У қайтиб кетаётиб, йўлакай бутун мулкларини айланиб, зиммасига олган ишларидан нималар килинганини, худои таоло топширган ва лутф-марҳамат қилиши керак бўлган одамлар қай аҳволда эканликларини ўз кўзи билан кўрмокчи бўлди.

Ёш графнинг барча ниятларини телбалик, ўзи учун ҳам, граф учун ҳам, дехқонлар учун ҳам зарарли деб билгани бош бошқарувчи ён берди. У дехқонларни озод қилиш мумкин бўлмаган иш деб кўрсата туриб, барча мулкларда катта мактаб бинолари, касалхона ва етимхоналар солдиришга киришди; хўжайнини қарши олган ҳамма жойга одамлар кўйиб, уни дабдаба ва тантана билан эмас (чунки бу Пьерга ёқмаслигини билар эди) балки, графга таъсир киладиган ва уни алдайдиган бир тарзда, яъни диний маросим шаклида,

санам ва нон-туз олиб чиқиб қарши олишни буюрди.

Жануб баҳори, Вена коляскасида тинчгина ва тез юриб килинаётган саёҳат ва ҳам йўл ёлғизлиги Пъернинг кайфини чоғ килди. Унинг биринчи марта кўраётган мулклари бир-биридан гўзалрок, ҳамма жойда одамлар унинг илтифотларидан мамнун ва миннатдор кўринар эди. Пъер одамларнинг бу қарши олишларидан бир кадар ўнгайсизланса ҳам, лекин ичидаги жуда хурсанд эди. Бир жойда дехконлар уни нон-туз ҳамда Пётр ва Павелнинг сурати билан қарши олишиди, унинг дехконларга кўрсатган лутф-марҳамати учун миннатдорлик нишонаси ўлароқ ўз ҳисобларидан Пётр билан Павел ҳазратлари шарафига бутхонага яна битта меҳроб қургани ижозат сўрашди. Яна бир жойда ёш болали хотинлар уни қарши олиб, оғир ишдан озод қилганлиги учун унга миннатдорлик билдиришди. Учинчи бир мулкда бир руҳоний Пъернинг марҳамати соясида савод чиқараётган ва диний дарс ўқиётган болалар билан бирлиқда хоч кўтариб чиқиб қарши олди. Пъер ҳамма мулкларида касалхона, мактаб ва ибодатхоналар учун солингган ва солинаётган ғиштин иморатларни ўз кўзи билан кўрди, буларнинг ҳаммаси яқин ўртада очилиши керак эди. Пъер ҳамма ерда, баршчина¹ ишлари илгаригидан камайганлиги тўғрисида фақат бошқарувчиларнинг ҳисботини кўрган бўлса ҳам, лекин кўк кафтани кийган дехкон вакилларининг таъсирили сўзлар билан миннатдорчилик баён қилганларини эшилди.

Лекин Пъер нон-туз олиб чиқилган ва Пётр билан Павел шарафига бутхонада яна битта меҳроб курилган жой тижорат қишлоғи бўлиб, Пётр кунида у ерда ярмарка очилишини, унинг олдига вакил бўлиб келган бой дехконлар томонидан меҳроб аллақачон курилганлигини, бу қишлоқ дехконларининг ўндан тўққиз қисми ниҳоят даражада қашшоқ эканлигини билмас эди. Фармонга мувофиқ баршчина ишларига юборилмай кўйилган болали хотинлар ўз ерларида

¹ **Баршчина** (руссча: баршина – баринга текин ишлаб бериш) – Ўрта асрларда Россияда крепостной дехконларнинг ўз меҳнат куроллари билан помешчик фойдасига ҳак олмай мажбурий суратда бажарадиган иши; феодализм давридаги ер рентасининг бир шакли.

жуда қаттік мәхнат остида әзилаёттанликларидан ҳам Пьер бехабар эди. Хоч билан қарши олган рухоний дәхқонларни шилаёттанлигини, унинг қўлига топширилган болаларни ота-оналари йиги-сиги билан бериб, кейинчалик катта пул бадалига қайтиб олишларини ҳам билмас эди. Режа асосида курилаётган бу ғиштин иморатлар ўз дәхқонларининг қўли билан қурилаёттанлигини ва шу билан барشчина қоғозда озайтирилган бўлса ҳам, амалда кўпайиб кетганлигини билмас эди. Бошқарувчи унинг фармонига мувофиқ оброкни¹ учдан бир камайтирилганлигини дафтардан кўрсатган бўлса, ўша ерда баршчина мажбурияти илгаригидан яrim баравар ортиб кетганлигини билмас эди. Мана шунинг учун Пьер ўз мулкларига қилган саёҳатидан жуда курсанд бўлиб, Петербургдан чиқсан вақтдаги камбағалпарварлик кайфиятига қайди ва ўзи буюк устод деб атагани пири аъзамга дабдабали хатлар ёзди.

«Шу қадар хайрли иш қилиш, шунчалик гап экан-ку, – дер эди Пьер ўзича, – нега биз бу тўғрида дурустрок ўйламаймиз!»

У миннатдорчиликлардан курсанд бўлса ҳам, лекин миннатдорчилик сўзларини эшигтанида хижолат бўлар эди. Бу миннатдорчиликлар унинг шу тўпори ва факир кишиларга яна ҳам кўпроқ яхшилик қилишга қодир эканлигини эслатар эди.

Ўтакетган қаллоб ва аҳмоқ бош бошқарувчи графнинг аклилиги ва гўллигини яхши билиб, уни ўйинчоқдек ўйнаб, дабдабали қарши олишлар Пьерга қанчалик таъсир қилганини кўриб, дәхқонларни озод қилиш мумкин эмас, озод қилиш керак ҳам эмас, улар шусиз ҳам жуда яхши ҳаёт кечираётиди деб туриб олди.

Пьер ичиде дәхқонлар, ҳақиқатан, яхши ҳаёт кечираётиди, озод қилинса буларнинг бошига худо билади, не кунлар келиши мумкин деб ўйлаб, бош бошқарувчининг фикрига қўшилар, лекин астойдил бўлмаса ҳам, ўзи адолатдан деб билган нарсаларнинг амалга оширилишини талаб

¹ Оброк – ўрта асрларда Россияда помешчиклар томонидан дәхқонлардан пул ва озик-овқат кўринишида олинадиган йиллик йигим.

қилар эди. Бошқарувчи графнинг хоҳишиларини амалга ошириш учун бутун кучини сарф килишга вайда берди, чунки у яхши билардик, ўрмон ва мулкларни сотиш, кенгашдан ижозат олиш учун унинг бирон чора кўриш-кўрмаслигини текшириш у ёқда турсин, ҳатто граф нима учун қурилган иморатлар бўш ётганини ва дехқонлар ҳамон бурунгидай хўжайинга пул бериб ёки унинг ишини қилиб юрганлигини ҳеч қачон сўрамайди ва билмайди.

XI

Жануб саёҳатидан кайфи чоғ бўлиб қайтган Пьер кўпдан бери ўйлаб юрган ниятини бажо келтириб, икки йилдан бери кўрмаган дўсти Болғонскийнинг олдига борди.

Богучарово қишлоғи даштлик, кесилган ва кесилмаган кайнизор, арчазордан иборат кўримсизгина бир текисликда эди. Бариннинг¹ кўраси катта йўл бўйидаги қишлоқнинг охирида, янги казилган, кирғокларига ҳали ўт-ўлан чикмаган сув тўла ҳовузнинг нариги томонида – онда-сонда катта карагайлар кўзга чалинган ёш ўрмоннинг ўртасида эди.

Бариннинг кўраси ғалла омбори, хўжаликка керакли бинолар, отхона, ҳаммом, флигель² ва ярим доира шаклидаги пештоқи ҳали битмаган каттакон гишт иморатдан иборат эди. Ҳовлиниң атрофига ниҳоллар ўтқазилган, девори ва дарвозаси янгигина ҳамда мустаҳкам; айвонда кўк бўёққа бўялган иккита ёнғин трубаси ва бочка турар, йўлкалар тибдик, кўприклар панжарали ва пишиқ; ҳамма нарсадан эгасининг сариштали кўриниб турар эди. Эшиқдаги хизматкорлар, князь қайси уйда туради, деган саволга жавобан ҳовуз бўйидаги кичкинагина янги флигелни кўрсатишиди. Князь Андрейнинг қари оғаси, Антон, Пьерни коляскандан туширди ва князь уйдалар, деб уни кичкинагина ва озода флигелчага олиб кирди.

¹ Барин (русча: боярин, бояр) – ўтмишда Россияда хукмрон синф вакиллари, катта ер эгаларининг унвони, ўша унвон эгаси; оксук, зодагон.

² Флигель (немисча: Flügel – канот) – турар-жой биносига ёки нотурар биносига кўшимча қурилган кичик иморат, шунингдек, якка тартибдаги кўшимча қурилиш. Канотлар шаҳар ёки қишлоқ биноларининг бир кисми бўлиб, асосий бинонинг иккала томонида жойлашади.

Уз дўстини охирги марта Петербургда жуда ҳашаматли бир шароитда кўрган Пьер дўсти яшаб турган бу ҳовличанинг, гарчи озода бўлса ҳам, одмилигига ҳайрон қолди. У шошиб ҳануз қарағай ҳиди келиб турган ва шувалмаган кичкина залга кириб, эшикка томон бораётган эди, Антон оёқ учидаги югуриб, ундан илгари ўтди-ю, эшикни тақиллатди. Ичкаридан:

Ха, нима гап? – деган қаттиқ ва ёқимсиз товуш эшитилди.

– Мехмон келди, – деди Антон.

– Айт, тура турсин, – деган жавоб бўлди-ю, стулнинг сурилган товуши эшитилди. Пьер йўрғалаб эшик олдига келди-да, ичкаридан чикқан қовоғи солик ва хийла қариб қолган князь Андрейга дуч келиб қолди. Пьер уни кучоқлади, кўзойнагини кўтариб уни ўпди ва якиндан юзига қаради.

– Қандай шамол учирди, хуш келибсан, – деди князь Андрей. Пьер индамасдан, ҳайрон бўлиб, дўстига тикилиб турар эди. Князь Андрейнинг ўзгариб кетганлиги уни хайратда қолдирди. Князь Андрейнинг сўзлари мулойим, юзида ва лабларида табассум бўлса ҳам, лекин нигоҳи сўниқ эди ва бу сўниқ нигоҳига курсандлик ифодаси беришга тиришса ҳам, бера олмас эди. Князь Андрейни озибди, рангрўйи оқарибди, вояга етибди, дебгина бўлмасди, мудом бир нарса тўғрисида ўйлаганини кўрсатадиган бу нигоҳи ва пешонасидаги ажини Пьерни ҳайратда қолдирди ва то ўргангунича бегонасиратиб қўйди.

Узок жудоликдан кейин кўришганда гап дарров қизимагани сингари, буларнинг ҳам гаплари қўр олмай, ўзларига маълум бўлган нарсалар тўғрисида қисқа-қисқа савол-жавоб килишди. Нихоят, гап аста-секин қизиб олиб, боя бир-икки оғиз сўз билан айтилган нарсалар, ўтмиш ҳаёт, келажак тўғрисидаги режалар, Пьернинг саёҳати, унинг машғулотлари, уруш ва ҳоказолар масаласи устида тўхтади. Князь Андрейнинг нигоҳида Пьер пайқаган ўйчанлик ва сўниқлик хозир Пьернинг сўзларига, айниқса, унинг ўтмиш ёки келажак ҳақида шавқ-завқ билан сўзлаётган сўзларига кулок

солиб қилаётган табассумида күпроқ билинди. Князь Андрей унинг сўзларига гўё кўшилишни истар эди-ю, кўшила олмас эди. Пьер ҳозир князь Андрейнинг олдида шавқ-завқ билан сўзлаш, орзу-хавас умидидан гапириш ўнгайсиз бўлиб қолганини ҳис кила бошлади. У ўзининг сўнгги саёҳатидан кейин айниқса кучайган масонлик фикрларини баён килишдан тортинар эди. У соддалик килиб кўйишдан қўркиб, ўзини тутди; шу билан бирга у ўзининг яхши йигит бўлиб қолганини, энди Петербургдаги Пьерга сира ўхшамаганлигини ўз дўстига кўрсатишни жуда-жуда хоҳлар эди.

– Кўришмаганимиздан буён кўп кунларни бошдан кечирдим, ўзим ўзимни танимай қолдим.

– Ҳа, ўшандан буён бизлар жуда кўп ўзгариб кетдик, – деди князь Андрей.

– Сиз-чи, сиз? – деб сўради Пьер, – сизнинг қандай ниятларингиз бор?

– Қандай ниятларим? – деди князь Андрей кинояомуз. – Менинг ниятларимми? – деди у яна худди бу сўзнинг маъносига ҳайрон бўлгандай. – Мана, иморат солаётибман, келаси йил буткул кўчиш ниятидаман.

Пьер индамай, князь Андрейнинг қартая бошлаган юзига тикилди.

– Йўқ, мен сўраёттаним... – деди Пьер.

Князь Андрей унинг сўзини бўлди:

– Мени сўраб нима қиласан... Ўзингдан гапир, саёҳатинг, мулкларингда қилган ишларинг тўғрисида гапирсангчи.

Пьер қилган хайрли ишларида ўз иштирокини мумкин кадар яширишга тиришиб, ўз мулкларида қилган ишлари тўғрисида гапира кетди. Князь Андрей Пьер қилган ишлар худди кўпдан бери маълум ишлардай, унга бир неча мартаба луқма ташлади; унинг сўзларига нафақат қизиқмасдан, ҳатто Пьер шу сўзларни айтиб ўтирганидан номус қилаёттандай бўлиб кулоқ солди.

Пьер дўстининг олдида ўнгайсизланиб, ҳатто мустар бўлиб қолди. У жим бўлди.

Князь Андрейга ҳам меҳмоннинг суҳбати малол келди,

шекилли:

– Менга қара, дўстим, – деди, – мен бу ерда кўчман-чидай турибман, – фақат ишлардан хабар олгани келган эдим. Шу бугун опамнинг олдига қайтиб кетаман, сени улар билан таништириб кўяман. Ҳа, айтгандай, сен таниш эдинг, шекилли, – деди князъ Андрей меҳмонга бир нима дейиш учунгина.

– Овқатдан кейин жўнаймиз. Қўрамни айланиб кўришга ҳафсаланг борми? – Иккови ташқарига чиқди ва қалин ошналардай сиёсий янгиликлар таниш билишлари тўғрисида сўзлашиб, овқатгача айланиб юришди. Князъ Андрей ўзининг кўраси ва солаётган иморатлари тўғрисидагина ҳафсала билан ва бироз жонланиб гапирди, лекин шунда ҳам сўрида туриб келаjakакда ҳовлиси қандай бўлишини тасвир килаёттанида сўзининг ўртасида бирдан тўхтаб, – кўй, бу ерда қизиқарли нарса йўқ, юр, овқатланиб жўнайлик, – деди. Овқат вактида Пьернинг уйланишидан гап очилди.

– Мен бу гапни эшитиб жуда ҳайрон бўлиб эдим, – деди князъ Андрей.

Пьер шу тўғрида гап очилганда ҳамма вакт қизарганидай, қизариб кетди-ю, шошиб:

– Буни қандай бўлганлитини мен сизга бирон вакт айтиб бераман. Лекин биласизми, бу нарса абадий узил-кесил бўлиб кетган.

– Абадий? – деди князъ Андрей, – ҳеч нарса абадий бўлмайди.

– Бу ишнинг охири нима билан тамом бўлганини биласизми? Дуэлни эшитдингизми?

– Ҳа, сенинг бошингга шу ҳам келди.

– Худога минг қатла шукурки, мен ўша одамни ўлдирмадим, – деди Пьер.

– Нега? – деди князъ Андрей. – Қопағон итни ўлдириш ҳатто савоб.

– Йўқ, одам ўлдириш яхши эмас, ноинсофлик бўлади.

– Нима учун ноинсофлик бўлади? – деди князъ Андрей.

– Инсоф ва ноинсофлик тўғрисида ўйлаш одамларнинг иши эмас. Одамлар ҳамма нарсадан ҳам кўра инсофни ноинсоф-

ликдан ажратиш түгрисида бир умр адашган ва бундан кейин ҳам адашади.

Пьер келганидан буён князь Андрейнинг энди очилиб гапираётганини сезиб:

– Бирорга нисбатан қилинган ҳар бир ёвузык ноинсофлик бўлади, – деди мамнун бўлиб. У нима бўлиб ҳозиргидай ўзгариб қолганини батафсил айтиб беришни хоҳлар эди.

– Сен нимани бирорга нисбатан ёвузык деб биласан?

– Ёвузыкми? Ёвузык? – деди Пьер, – ўзимизга нисбатан қилинган ёвузык нима эканлигини ҳаммамиз ҳам биламиз-ку.

– Ҳа, биламиз, лекин мен ўзим учун ёвузык деб билган нарсани бирорга килмайман, – деди князь Андрей ҳаётга янгича қарашини Пьерга айтиб беришни истаб, тобора жонланиб ва французчалаб давом этди: – мен ҳаётда факат икки нарсани чинакам баҳтсиздик деб биламан: виждон азоби ва хасталик. Мана шу икки нарса бўлмаслигининг ўзи хушбаҳтлиқдир. Мана шу икки фалокатта чап бериб, ўзим учун яшаш менинг ҳозирги маслагимдир.

– Ўз яқинингта муҳаббат, фидокорлик қаёққа кетди? – деди Пьер. – Йўқ, мен бу фикрингизга қўшилолмайман. Ёвузык килмаслик, пушаймон бўлмаслик учунгина яшаш кифоя килмайди. Мен илгари шундай, ўзим учунгина яшаб ҳаётимни барбод қилдим. Мен энди бошқалар учун (Пьер камтарлик важидан «яшаб» демади) яшашга ҳаракат қилиб, баҳт-саодат нима эканлигини билдим. Йўқ, мен бу фикрингизга қўшилолмайман. Бу гапларни ўзингиз ҳам тил учида айтаётисиз.

Князь Андрей индамасдан Пьерга қаради ва истехзо билан кулимсираб қўйди.

– Мана, ҳозир синглим княжна Марьянинг олдига бораётимиз. Икковларинг чиқишиасизлар, – деди у, – эҳтимол, сен, ўз нуктаи назарингда, ҳақлидирсан, – деди у бироз жим қолгандан кейин давом этиб, – лекин ҳар ким ўз билганича яшайди: мана сен ўзим учун яшаб ҳаётимни барбод қилаётдим, деяпсан; бошка учун яшабгина баҳт-саодат нима эканлигини билибсан. Мен аксини бошдан кечирдим. Мен

шон-шараф учун яшадим. (Шон-шараф нима ўзи? Бу ҳам бошқаларни севиш, ўшалар учун бирон яхшилик килиш, уларнинг мақтovига сазовор бўлиш деган гап.) Мен мана шу хилда бошқалар учун яшаб ҳаётимни барбод қилаёздим эмас, балки буткул барбод қилдим. Ўзим учун яшай бошлаганидан буён хийла тинчландим.

– Киши қандай килиб фақат ўзи учунгина яшайди? – деди Пьер кизишиб, – ўғлингиз, опангиз, отангиз-чи?

– Буларнинг ҳаммаси менинг ўзим деган гап, – деди князь Андрей, – бошқалар, княжна Марья икковларинг бошқалар деб атаганларинг гумроҳлик ва ёвузликнинг асосий манбаидир. Бошқалар деганинг, сен яхшилик килмокчи бўлган ўша киевлик дехқонларинг.

У Пъерга мазах қилгандай кулимсираб назар ташлади. Афтидан, Пъернинг китигига тегмоқчи эди.

– Ҳазиллашаётисиз, – деди Пьер борган сайин жонлануб, – наинки менинг эзгулик килишни истаганим, оз-моз бўлса ҳам, ҳар нечук эзгулик қилганим гумроҳлик ва ёвузлик бўлса? Ўзимизга ўхшаган инсон бўлмиш баҳтсиз дехқонларимиз, онадан туғилиб ўлгунча худо ва ҳакикатни бир маросим ва маъносиз ибодат дебгина билган кишилар охират борлигига, тортган азобларининг ажр-у мукофоти, тасаллиси борлигига эътиқод килиб, ўзларини овутсалар ёмон бўлар эмишми? Одамлар хасталиқдан ожиз бир ахволда ўлиб кетаётиби, ҳолбуки, буларга моддий ёрдам бериш анчайин гап ва мен уларга табиб, касалхона ва чолларга бошпана бераман, бунинг нимаси ёвузлик ва гумроҳлик? Кеча-ю кундуз тинмай ишлайдиган дехқонка, ёш болали хотинга дам олиш ва истироҳат қилишга имконият туғдирганим хийла катта хайрли иш эмасми? – деди Пьер шошиб ва тиши тушган кишидек ши-шилаб. – Мен шундай қилдим ҳам, оз бўлса-да, ўргатилмаган бўлсан ҳам, шу йўлда унчамунча иш қилдим. Бу қилган ишим яхши эмаслигини исбот қилиш у ёқда турсин, ўзингиз ҳам шу тўғрида ўйламаганингизга мени ишонтиrolмайсиз. Ҳаммадан муҳими шуки, – деди Пьер давом этиб, – мен шуни биламан ва шунга аминманки, ҳаётда энг яхши баҳт шу эзгулик лаззатидир.

– Тұғри, агар масала шундай қўйилса, бу бошка гап, – деди князь Андрей, – мен иморат солаётибман, бօғ қилаётібман, сен эса касалхона солаётибсан. Мен қилаётган иш ҳам, сен қилаётган иш ҳам бир эрмак. Нима инсофдан, нима ззгулиқдан эканлиги тұғрисисида биз гапирмайлик, буни биладиган одамларга ҳавола қил. Сен баҳслашмоқчимисан, – деди у яна, – хүп, баҳслашамиз. – Иккови эшик олдидаги айвончага чиқди. – Қани, баҳслашайлик бўлмаса, – деди князь Андрей, сен мактаб дейсан, – деди у бармогини букиб, – амри маъруф¹ ва ҳоказо дейсан, яъни сен ана уни, – деди князь Андрей бошидан шапкасини олиб, салом бериб ўтиб кетаётган дехконни кўрсатиб, – ҳайвонлик ҳолатидан чиқариб, унда маънавий талаблар вужудга келтирмоқчи бўласан. Менимча, унинг бирдан бир баҳти ҳайвонлик баҳтидир, сен эсанг уни шу баҳтдан маҳрум қилмоқчисан. Менинг унга ҳасадим келади, сен эсанг мендаги имкониятларни унга бермасдан туриб ундан мен – князь Андрей ясамоқчисан. Сен яна унинг оғир меҳнатини енгил қилмоқчи бўласан. Менимча, бизнинг учун аклий меҳнат қанчалик зарурат бўлса, унинг учун жисмоний меҳнат ҳам шунчалик зарурат ва ҳәётининг ҳоҳишидир. Сен ўйламасдан туролмайсан. Мен кечаси соат учларда ётаман, бошимга минг хил фикрлар келади, уйкум кочади, у ёқдан бу ёққа ағдарилеман, ўйлайман ва ўйламасдан туролмаганим учун тонг отгунча ухлай олмайман; у ҳам ер ҳайдамасдан, ғалла ўрмасдан туролмайди, бўлмаса ё қовокхонага боради ёки касал бўлиб ётади. У қиладиган жисмоний меҳнатни мен қилсам бир ҳафтада ўламан, у агар менга ўхшаб жисмоний меҳнат қилмаса, юрагини ёғ босиб ўлади ҳам. Учинчиси нима эди?

Князь Андрей учинчи бармогини буқди.

– Ҳа, айтгандай, касалхона, дори-дармон, дединг. У бошига қон уриб, ўладиган бўлганда сен кон олдириб уни тузатасан. У ҳаммага ошиқча юқ бўлиб, ўн йил судралиб юради. Унинг ўша вактда ўлиб кётгани ўзига ҳам кулай, ҳам тинч бўлар эди. У ўлса, бошқаси туғилади, уруғи кўп. Сен

¹ Амри маъруф (*арабча; яхшиликка буюриш*) – 1) савоб ишларга, бажарилиши исломий амалларга даъват этиш; 2) шундай ишга багишланган маросим, маърака.

бир хизматкорим камайди деб ачинсанг (мен унга шу кўз билан қарайман) бошқа гап эди, сен эса муҳаббат юзасидан уни даволайсан ахир. Бунака муҳаббатнинг унга ҳеч кераги йўқ. Яна бу ёғи ҳам бор: тиббиёт бирон вақт бировни тузатиби, деб ким айтди сенга? Ўлдиришга ўлдириган! – деди у жаҳл билан қовогини солиб ва Пьердан юзини ўгириб.

Князь Андрей ўз фикрларини шу қадар очик-равшан айтар эдики, унинг бу тўғриларда кўп ўйлаб юрганлиги билиниб турар ва бу гапларни худди узоқ вақт гапирмай юрган кишидай, камоли иштиёқ билан ва тез-тез гапирар эди. Унинг муҳокамалари нақадар ноумидона бўлса, нигоҳи шу қадар тетиклашар эди.

– Кўп ёмон, кўп оғир, – деди Пьер, – шундай фикрлар билан яшаб бўлар эканми? Яқиндагина Москвада, йўлда мен ҳам шундай кайфиятга тушган эдим. Бундай вақтларда менинг руҳим шу қадар тушиб кетадики, дунё кўзимга кўринмайди, ҳамма нарсадан, ҳатто ўзимдан ҳам безор бўламан. Бундай вақтларда томоғимдан овқат ҳам ўтмайди, ювинишга кўлим ҳам бормайди... Хўш, сиз-чи?

– Нега ювинмайди киши, мурдорлик¹ бўлади бу, – деди князь Андрей. – Аксинча, киши ҳаётини мумкин қадар яхшироқ ўтказишга ҳаракат килиши керак. Дунёда турганим учун мен гуноҳкор эмасман, шундай бўлгандан кейин умримни дурустроқ, бировга халал бермасдан ўтказишим керак.

– Шундай фикрлар билан яшашга сизни нима мажбур қилади. Киши қимиirlамасдан бир жойда ўтиrsa, ҳеч нарса кильмаса...

– Ҳаёт бусиз ҳам тинч кўймайди. Кошки, бекор ўтирсам эди. Бу еринг дворянлари илтифот кўрсатиб, мени оқсоқолликка сайлайдиган бўлишди, зўрға кутулдим. Улар бу иш менинг кўлимдан келмаслигини, оқсоқол бўлиш учун зарур бўлган олгирлик, риёкорлик менда йўклигини билишмайди. Ундан кейин, тинчгина яшагани бир бошпанага эга бўлиш учун мана бу иморатни битказиш керак эди. Энди мана халк лашкарлари деган гап чиқиб қолди.

¹ Мурдор (арабча) – нопок, ҳаром.

– Нега армияда хизмат килмайсиз?

– Аустерлицдан кейин-а? – деди князь Андрей таъби хира бўлиб. – Йўқ, куллук. Мен минбаъд харакатдаги рус армиясида хизмат килмайман деб аҳд килганман. Хизмат килмайман. Бонапарт башарти Лисие Горига таҳдид килиб Смоленск остонасида турган тақдирда ҳам рус армиясида хизмат килмайман. Мен сенга айтиб эдим, – деб давом этди князь Андрей ўзини босиб, – энди ҳалқ лашкарлари деган гап чиқиб қолди, отам учинчи окрутнинг бош кўмондони. Ҳарбий хизматдан менинг қутулишим учун бирдан бир чора отамнинг қўл остида бўлишимдир.

– Демак, хизмат қилаётган экансиз-да?

– Хизмат қилаётибман, – деди князь Андрей ва бироз жим қолди.

– Нега хизмат қиласиз бўлмаса?

– Хизмат қилишимнинг сабаби шу: отам ўз асрининг энг яхши одамларидан бири. Лекин қариб қолаётибди. Уни бағритош деб-ку бўлмайди, бироқ жонсарак одам. Унинг чекланмаган ҳокимиятга ўрганганлиги, мана энди бу ҳокимият устида, шаҳаншоҳ томонидан ҳалқ лашкарларига бош кўмондон килиб берилган ҳокимият устида турганлиги ёмон бўлди. Бундан икки ҳафта бурун агар мен икки соат кечик-сам, Юхновода мирзони осиб юборар эди, – деди князь Андрей табассум килиб, – отамга мендан бошқа ҳеч кимнинг гапи ўтмаганлиги учун хизмат қилаётибман, унга баъзан кейинчалик ўзи пушаймон бўладиган ишларни қилишига йўл кўймайман.

– Мана, кўрдингизми!

– Ҳа, лекин бу сен ўйлаганча эмас, – деди князь Андрей давом этиб. – Мен мирзога, ҳалқ лашкарларидан бирини этигини ўғирлаган бу абраҳга зигирдай ҳам эзгулик килмоқчи эмас эдим; осилса, қайтанга хурсанд бўлар эдим, лекин отамга, яъни яна ўзимга ачиндим.

Князь Андрей борган сайин очилмоқда эди.

– Бу ишни килганимда ҳеч қачон одам боласига эзгулик киламан деган ниятим йўқ эди, – деб Пьерга уктира бошланда кўзлари чакнаб борар эди. – Мана, сен дехконларни

озод килмоқчисан, – деди у давом этиб, – жуда яхши, яхшику, лекин бунинг сенга (мен ўйлайманки, сен хеч кимни урдирганинг ҳам йўқ, Сибирь қилганинг ҳам йўқ), хусусан, дехқонга яхшилиги йўқ. Дехқонлар урилса, калтакланса, Сибирь килинса, менимча, бундан дехқонлар хеч заар кўрмайди. Дехқон Сибирда ҳам шу ҳайвонча кунини кўради, баданидаги калтак жароҳати битиб кетади ва илгаригидай хурсанд бўлиб юраверади. Бу ишни маънавий жиҳатдан ҳалок бўлаётган, қилмишларига пушаймон бўлаётган, бу пушаймонлик туйғусини босаётган ва бўлар-бўлмасга жазо бериш имкониятига эга бўлганлари учун бағритош бўлиб бораётган одамлар қилишсин. Мен мана шу одамларга ачинаман, дехқонларни мана шундай одамлар озод килсан, дейман. Сен, эҳтимол, кўрмагандирсан, лекин мен яхши одамлар, чекланмаган ҳокимиятнинг мана шу таомилларидан тарбияланган яхши одамлар йилдан йилга феъли айниб, бағритош ва дағал бўлиб бораётганини, буни била туриб ўзларини қўлга ололмай, тобора бахтсизроқ бўлаётганларни кўрганман.

Князь Андрей бу гапларни шундай мароқ билан гапирав эдики, Пьер беихтиёр унинг бундай фикрга келишига отаси сабаб бўлган деб ўйлади. У индамади.

– Мен мана шу одамларга ачинаман, мен у дехқонларни ҳар қанча урсанг, ҳар қанча калтакласанг ҳам, ўзгармайдиган елка ва пешоналарини эмас, инсонлик қадр-кимматини, виждон осудалигини, покликни қадрлайман.

– Йўқ, йўқ! Мен сизнинг фикрингизга хеч қачон кўшилмайман, – деди Пьер.

XII

Князь Андрей билан Пьер кечкурун коляскага тушиб Лисие Горига жўнашди. Князь Андрей ҳар замон Пьерга қараб сўз қотар ва бу сўzlари унинг кайфи чоғ эканлигини кўрсатар эди.

У Пьерга далаларни кўрсатиб, ўз хўжалигининг такомиллашгани хақида сўзлар эди.

Пьер унинг сўzlарига кисқа-қисқа жавоблар бериб,

шумшайиб жим ўтирар фикр-хаёлга чўмгандай кўринар эди.

Пьер князь Андрей бахтсиз эканлиги, гумроҳликка тушганлиги, ҳак-ҳакиқатни билмаганлиги, унга ёрдам бериш, ҳакиқатни англатиши ва уни оёққа бостириши кераклиги тўғрисида ўйлар эди. У нимадан ва қандай килиб гап бошлаш тўғрисида бир қарорга келиши биланоқ князь Андрей бир оғиз сўз, бир далил билан унинг бутун таълимотини пучга чиқариб қўйишини сезар, шунинг учун гап бошлашдан, ўзи муқаддас деб билган нарсани унга қалака қилдириб қўйишдан кўркар эди.

– Йўқ, нега бундай деб ўйлайсиз, – деди бирдан Пьер сузмоқчи бўлган ҳўқиздай бошини куи солиб гап бошлаб.

– Нега бундай деб ўйлайсиз? Кўйинг бу ўйларингизни.

– Қанақа ўйларимни? – деди князь Андрей ҳайрон бўлиб.

– Ҳаёт тўғрисидаги, инсоннинг вазифалари тўғрисидаги ўйларингизни. Бундок бўлиши мумкин эмас. Бир вактлар мен ҳам шундай деб ўйлар эдим, лекин биласизми, мени нима қутқазиб қолди? Масонлик қутқазиб қолди. Йўқ, сиз кулманг. Масонлик ўзим ўйлагандек диний мазҳаб эмас экан. Масонлик инсониятнинг энг яхши хислатларини ифода қиласиган мазҳаб. – У князь Андрей масонликни ўзи тушунганча баён кила бошлади. У, масонлик давлат ва дин кишанларидан озод бўлган насронийлик таълимоти, тенглиқ, биродарлик ва одам боласига муҳаббат ҳакидаги таълимот, деб айтди.

– Фақат бизнинг муқаддас биродарлигимизгина ҳаётда чин маънога эгадир; бошқа ҳамма нарса бир туш демакдир, – дер эди Пьер. – Шуни билингки, дўстим, бу иттифокдан хориж ҳамма ёқ ёлғон ва ноҳақликка тўла; ақлли ва эзгу кишига ўзингиздек, ўзгаларга халал бермасдан, ўз умрини тамом қилишдан бошқа нарса келмайди деган фикрингизга қўшиламан. Бизнинг асосий эътиқодларимизни ўзлаштиринг, бизнинг жамиятимизга киринг, ўзингизни бизга топширинг, сизга йўлбошлилик килишимизга рухсат этинг, шунда дарҳол ўзингизни мен каби бу буюк, кўзга кўринмайдиган ва ибтидоси кўнгилда пинҳон бўлган занжирнинг

бир қисми деб хис қиласиз.

Князь Андрей индамасдан, рўпарасига қараганича, Пьернинг сўзларига кулок солар эди. У араванинг такиртукурида эшитилмай қолган сўзларини бир неча марта сўраб олди. Князь Андрейнинг чакнаётган кўзларидан, индамасдан кулок солиб ўтирганидан Пьер сўзлари бекорга кетмаётганилигини, князь Андрей унинг сўзини бўлмаслигини ва бу сўзлардан кулмаслигини англади.

Булар тошиб ётган дарё бўйига келишди, дарсдан кемада ўтишлари керак эди. От-арава жойлаштирилгунча кемага чиқишиди.

Князь Андрей кеманинг панжарасига суюниб, ботиб бораётган күёшнинг нурида яркираб турган тошкинга жимгина қараб турар эди.

– Хўш, бу тўғрида қандай фикрдасиз? – деб сўради Пьер. – Нега индамайсиз?

– Қандай фикрда бўлар эдим? Гапларингни эшиитдим. Хўп, шундок экан, – деди князь Андрей, – сен бизнинг жамиятилизга киргин, биз сенга ҳётнинг маъносини, инсонлик вазифасини ва оламни идора киладиган қонулларни кўрсатиб берамиз, дейсан. Биз деб кимларни айтиётибсан? Одамларними? Нима учун сизлар ҳамма нарсани билар экансизлар? Сизлар кўрган нарсани нима учун факат мен кўрмас эканман. Сизлар ер юзида эзгулик ва ҳақиқат ҳукмрон эканлигини кўрасизлар, аммо мен буни кўрмайман.

Пьер унинг сўзини бўлди.

– Сиз охиратга ишонасизми, йўқми?

– Охиратгами? – деб қайтарди князь Андрей, лекин Пьер жавоб килгани унга фурсат бермади ва унинг дахрий эканлигини билгани учун бу саволни қайтаришини инкор килиш деб тушунди-да, сўзида давом этди:

– Сиз ер юзида эзгулик ва ҳақиқат ҳукмрон эканлигини кўролмайман, дейсиз. Агар ҳаётимизга борликнинг интиҳоси шу деб қаралса, ер юзида эзгулик ва ҳақиқат ҳукмрон эканлигини мен ҳам кўрган эмасман ва буни кўриш ҳам мумкин эмас. Ер юзида, мана шу ер юзида (Пьер далани кўрсатди) ҳақиқат йўқ – ҳамма ёқ ёлғон ва ёвузлиқдан

иборат, лекин оламда, бутун оламда ҳакиқат хукмронлиги мавжуддир, биз энди ер болалари, абадий эса бутун олам болаларимиз. Шу буюк, мутаносиб бир бутун нарсанинг бир кисми эканлигимни наинки мен сезмасам? Кудрати илохи намоён бўлган шу сон-саноқсиз маҳлукотнинг бири, энг куйи босқичидаги маҳлук билан энг юқори босқичдаги маҳлук орасида бир босқич эканлигимни наинки сезмасам? Модомики, ўсимликдан инсонга өлиб чиқадиган бу босқични кўрар эканман, очик-равшан кўрар эканман, нима учун бу босқич тобора юқориламасдан мен билан тамом бўлади деб фараз қиласман? Шуни сезаманки, оламда ҳеч нарса буткул йўқолиб кетмагани каби мен ҳам йўқолиб кетмаймангина эмас, балки ҳамма вақт мавжуд бўламан ва ҳамма вақт мавжуд эдим. Мен шуни сезаманки, мендан ташқари, менинг тепамда рухлар яшайди ва бу дунёда ҳакиқат бор.

– Ҳа, бу Гердернинг тъялимоти, – деди князь Андрей, – лекин, дўстим, мени бу эмас, ҳаёт ва ўлим ишонтиради, билдингми? Жонингдан азиз, сенга чамбарчас боғланган кишинг бўлса, сен унинг олдида гуноҳкор бўлиб, бу гуноҳингни ювиш умидида юрсанг-у, (князь Андрей овози қалтираб кетганда юзини ўгириди) бу кишинг бирдан азоб-уқубат чекса ва оламдан кетса... Нега оламдан кетади? Бу саволга жавоб бўлмаслиги мумкин эмас! Жавоб борлигига мен аминман... Мени мана шу ишонтиради, мана шу ишонтириди, – деди князь Андрей.

– Тўғри, тўғри, – деди Пьер, – мен ҳам шуни айттаётисбман-ку!

– Йўқ. Мен факат шуни айтаманки, охиратнинг зарурлигига далил, исботлар эмас, балки ҳаётда кўл ушлашиб бораётган кишингнинг бирдан шу тубсиз чоҳда йўқолиб кетиши ва сен ўзинг бу чоҳ олдида тўхтаб, шу чоҳга кўз ташлашинг ишонтиради. Мен бу чоҳга кўз ташладим...

– Хўп, кўз ташлаб нимани кўрдингиз? У ёқда нима борлигини ва кимдир борлигини биласизми? – У ёқда охират бор. «Кимдир» – Худо демақдир.

Князь Андрей жавоб бермади. От-арава аллақачонлар нариги киргокка чиқарилиб қўшилган, офтобнинг ярми

уфққа ботган, кечки изғиринда кўлмак сувларнинг юзи игна-игна бўлиб музлаган, Пьер билан князь Андрей эса лакей, кучер ва кемачиларни ҳайратга солиб, ҳамон кемадан тушмай, гаплашиб турар эди.

– Агар худо ва охират бўлса, у вактда ҳақиқат ҳам бор, эзгулик ҳам ва инсоннинг энг юксак саодати мана шуларга эришмоққа қўшиш кильмоқдир. Яшаш керак, севиш керак ва шунга ишониш керакки, – деди Пьер, – бу бир парча ерда фақат бугун яшаётганимиз йўқ, балки яшаганмиз ва у ёқда (у осмонни кўрсатди) абадий яшаймиз.

Князь Андрей кеманинг панжарасига суюниб, Пьернинг сўзларига кулоқ солар экан, ботаёттан қуёшнинг нуридан қизгиш бўлиб ярқираб турган тошқиндан кўзини олмас эди. Пьер жим бўлди. Теварак-атрофни сукунат босган эди. Кема аллақачонлар кирғокқа етиб тўхтаган, сув тўлқинлари кеманинг остига аста-секин урилиб шилпиллар эди. Тўлқиннинг шилпиллаши князь Андрейнинг қулоғида худди Пьернинг сўзларини тасдиқлаб «тўғри, шунга ишон» деяётгандай бўлар эди.

Князь Андрей уф тортди ва Пьернинг мамнуниятдан кизариб кетган, лекин ўзидан устун турган дўсти олдида ҳануз тортинаётгани кўриниб турган юзига маъсумона, мулоим назар ташлади.

– Ҳа, кошки, шундоқ бўлса эди, – деди у. – Қани, юр, аравага чиқайлик, – деди князь Андрей яна. У кемадан тушаётби Пьер кўрсатган осмонга қаради-да, Аустерлиц даштида чалқанча ётиб кўргани ўша баланд, бепоён осмонни Аустерлиц воқеасидан бери энди биринчи марта кўрди: бу нарса аллақачонлар сўниб кетган энг яхши туйгуларни бирдан уйготди-ю, қалбини хурсандлик ва ёшлик ҳисларига тўлдирди. Князь Андрей яна одатдаги турмуш шароитига кириши билан бу туйғу яна ғойиб бўлди, лекин ўстира олмагани бу туйғу кўнглининг бир чеккасида мудом турганлигини билар эди.

Пьер билан учрашиш князь Андрей учун зоҳирлан ҳамон эскича бўлса ҳам, лекин унинг ички оламида тамоман янги бўлган бир ҳаётнинг бошланиш даври бўлди.

XIII

Пьер билан князь Андрей Лисие Горидаги ховлиниң катта дарвозаси олдига келгәнләрида қош қорайган эди. Шу пайтда князь Андрей жилмайиб, орка эшик олдидә турган одамларнинг шошиб қолгәнләрига Пьернинг дикқатини жалб килди. Халта құтарған, бүкчайған бир кампир билан кора кийған, соchlары узун, паст бўйли бир киши кириб келаётған аравани кўриб орқага, дарвозага томон кочишди. Буларнинг кетидан иккита хотин югуриб чиқди ва тўрттовор аравага қараб-қараб, ўтлари ёрилгудай бўлиб, орка эшикка кириб кетишиди.

– Бу Машанинг дарвишлари, – деди князь Андрей. – Булар бизни отам деб ўйлашди. Маша факат шу хусусдагина отамга итоат қилмайди: отам бу дарвишларни ҳайдаб юбор деса ҳам, Маша буларга йўл беради.

– Дарвиш деганингиз нима ўзи? – деди Пьер.

Князь Андрей унинг саволига жавоб бергани улгуролмади. Хизматкорлар чиқиб, уларни қарши олди. Князь Андрей улардан отаси қаерда эканлигини ва қачон келишини сўради.

Кекса князь ҳануз шаҳарда бўлиб, ана келади-мана келади, деб туришган эди.

Князь Андрей келишига ҳамма вакт таҳт турган ўз бўлмасига Пьерни олиб кирди ва ўзи ўғлининг олдига борди.

– Юр, опамнинг олдига кирәмиз, – деди князь Андрей қайтиб келиб Пъерга. – Мен ҳали уни кўрганим йўқ, у дарвишлари билан уйда беркиниб ўтирибди. Шу килганига бостириб кириб хижолат қиласиз. Сен дарвишларни кўриб оласан. Жуда қизиқ бўлади-да.

– Дарвиш деганингиз ким ўзи? – деб сўради Пьер.

– Мана ҳозир кўрасан.

Булар кириб келганда княжна Марья, дарҳақикат, хижолатдан қизариб кетди. Унинг киотлар олдига чироқлар ёкиб кўйилган дилкаш уйида, диванда, самоварнинг орқасида, княжна билан бирга бурни ва сочи узун, монах кийими кийған бир ёш йигитча ўтирас эди. Буларнинг олдидаги креслода афти буришган, озгин, ҳалим ва маъсумдай кўринган билан

кампир ўтирас эди.

– Андрей, нега олдинроқ мени хабардор қилмадинг? – деди княжна Марья ўпкалаброк ва дархол, худди курк товук жўжаларини ҳимоя қилгандек дарвишларининг олдини тўсди.

– Хуш келибсиз, хуш келибсиз, – деди княжна қўлини ўпаётган Пьерга. Пьерни болалигидан билгани, ҳозир унинг Андрей билан дўстлиги, хотинидан куйганлиги, ҳаммадан ҳам кўра унинг эзгу ва тўпорилиги княжнани унга якинлаштириди. У Пьерга шахло ва нур сочиб турган кўзлари билан боқар экан, худди «мен сизни жуда ҳурмат қиласман, лекин зинҳор менинг бу дарвишларимдан кулманг» деяёт-гандай эди. Кўришиб бўлишлари биланоқ ўтиришиди.

– Ие, Иванушка ҳам шу ерда экан-ку, – деди князь Андрей кулимсираб ёш дарвищага ишора килиб.

– Андрей! – деди княжна Марья ёлворгансимон.

– Бу йигитчани биласанми, бу хотин., – деди князь Андрей Пьерга.

– Андрюша, худо ҳаққи! – деди яна княжна.

Князь Андрейнинг дарвишларга ҳазил-мазахомуз муносабати ва княжнанинг фойдасиз тарафигирлиги булар орасида одат тусига кириб қолган бир муносабат эканлиги кўриниб турар эди.

– Азиз дўстим, – деди князь Андрей, – бу йигитча билан сирдошлигининг Пьерга тушунтирганим учун мендан миннатдор бўлишинг керак.

– Шундоқми? – деди Пьер кўзойнаги орқали Иванушкага синчиклаб жиддий назар ташлаб (унинг бу жиддиятидан княжна Марья жуда миннатдор бўлди), Иванушка эса ўз тўғрисида сўз бораётганигини англаб, ер остидан ҳаммага бир-бир кўз ташлаб қўйди.

Княжна Марья ўз дарвишлари туфайли бекорга изза тортган эди. Дарвишлар пинагини ҳам бузмади. Кампир бошини куйи солиб, кирганларга кўз қирини ташлаб, пиёласини ликопчага тўнтариб ва тишлаган қандини унинг ёнига қўйиб, яна чой қўйиб беришармикин деб ўз креслосида баҳузур ўтирас эди. Иванушка ликопчадан чой ҳўплар экан,

ёш үйнларга манглай остидан мугамбир, хотинча кўзлари билан карар эди.

– Киевга борганимидинг? – деб сўради князь Андрей кампирдан.

– Ха, отагинам, – деди дарҳол кампир, – рождество куни азизларга чўл бериб, тавоф¹ килиб, гуноҳларимдан пок бўлиб, келдим. Ҳозир Колязиндан келаётиман, отагинам, у ерда катта мўъжиза юз берибди...

– Иванушка ҳам сен билан юрибдими?

– Йўқ; мен ўзимча, валинельматим, – деди Иванушка йўғон овоз билан гапиришга тиришиб, – Пелагеюшка билан Юхновдагина ҳамроҳ бўлдик...

Пелагеюшка кўрганларини айтиб беришини хоҳлади, шекилли, ҳамрохининг сўзини бўлди:

– Колязинда, отагинам, катта мўъжиза юз берибди.

– Яна қанақа мўъжиза экан? – деди князь Андрей.

– Қўйсанг-чи, Андрей, – деди княжна Марья. – Кўй, гапирма, Пелагеюшка.

– Вой... нега, онагинам, нега гапирмас эканман. Мен бу кицдини яхши кўраман. Яхши одам, художўй одам. Менга ўн сўм хайр қилган эдилар, эсимдан чикқани йўқ. Киевга боришим билан Кирюшани кўрдим, дарвиш одам – кишинёнин яланг оёқ юради. Ўша менга, бу ерларда нима қилиб юрибсан, Колязинга боргин, у ерда катта мўъжиза юз берибди деди. Шундан кейин азизлар билан видолашиб йўлга чиқдим...

Ҳамма жим ўтирас, фақат зиёратчи хотин чукур-чукур нафас олиб, бир қиёмда сўзлар эди.

– Колязинга борсам, отагинам, одамлар, буюк мўъжиза юз берди: Биби Маръямнинг² юзларидан мушк ёғи

¹ Тавоф (арабча) – (бирор нарсанинг) атрофида юриш, айланиш. 1) ҳаж ва умра маросимлари таркибига кирувчи, Каъба атрофида айланишдан иборат жараён (умра килувчилар бир марта, ҳажга келгандар 3 марта тавоф амалини адо этадилар); 2) мукаддас, табаррук деб хисобланган кимса, нарса, жой атрофини зиёрат килмок.

² Биби Маръям – Куръонда тилга олинган такволи, сиддика аёл. Исо (Ийсо) пайтамбарининг онаси. Мусулмонлар учун у энг мўмина она, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси. Туркистонда Маръимга хурмат юзасидан «Биби» атамаси кўшиб айтилади. Куръони каримнинг «Маръям» деб аталган 19-сурасида у хакида ривоятлар кеттирилади.

томуётибди, дейиши.

– Хўп, майли, майли, кейин гапириб берасан, – деди княжна Марья кизариб.

– Мумкинми, бу кишидан бир нарсани сўрасам, – деди Пьер. – Сен ўз кўзинг билан кўрдингми?

– Бўлмаса-чи, ўз кўзим билан кўрдим. Юзларидан шундок нур ёғилиб туриби, ёноқларидан томчи-томчи ёш оқаётибди Биби Маръямнинг.

Зиёратчи хотиннинг сўзларига диққат билан қулок солиб турган Пьер:

– Булар ҳаммаси алдамчилик! – деди соддадиллик билан.

– Астагфирулло дегин, отагинам, – деди Пелагеюшка ўти ёрилгудай бўлиб ва княжна Маръяга ҳимоя сўраб қаради.

– Халқни алдашади, – деди Пьер яна.

– Ё Исо Масих¹! – деди дарвиш хотин чўқиниб, – астагфирулло дегин, отагинам, салгина ҳам ишонмасдан «монахлар алдамчи» деган эди, шу гап оғзидан чиқиши биланоқ кўр бўлди-қолди. Унинг тушига Биби Печерская кириб, «Менга ихлос кўй, кўзингни очаман», – дебдилар. Шундан кейин анарал «Лисиени ўша кишининг олдиларига олиб борчи, олиб бор» – деб туриб олибди. Бу гапларимнинг хеч ёлғони йўқ, ўз кўзим билан кўрганман... Кўрни у кишининг олдиларига олиб келишди. У оёқларига йиқилиб, «Кўзимни очинг, подшоҳ менга инъом қилган нарсаларнинг барисини сизга бераман», деди. Ўз кўзим билан кўрганман, отагинам, Биби Печерскаяга юлдуз ўрнатиб кўйилган. Анаралнинг кўзи дарров очилди. Шак келтириш гуноҳ. Худонинг ғазабига қолади киши, – деди кампир Пьерга насиҳатомуз.

– Санамда юлдуз нима қиласди? – деб сўради Пьер.

– Санамга ҳам генераллик унвонини беришибдими?

– деди князь Андрей ҳам кулимсираб. Пелагеюшка бирдан ранг-кути ўчиб, анграйиб қолди.

¹ Исо Масих – Куръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Исломда Мухаммад (с.а.в.) дан олдинги пайғамбар сифатида алоҳида эъзозланади. Куръонда, шунингдек, «ал-Масих» («Худо ярлакаган»), Ибн Марям («Маръямнинг ўғли»), Абдуллоҳ («Аллоҳнинг кули»), Расулуллоҳ («Аллоҳнинг элчиси»), Аллоҳнинг муқарраби (якини), «Ҳакни сўзловчи», деб таърифланади. Унга Инжил нозил килинган.

– Вой, отагинам, куфрга бормагин-а, ўглинг бор, – деди дарвиш кампир ва унинг оқарған юзи бирдан кип-кизаридетди. – Нима деяпсан ўзинг, отагинам, худо ўзи кечирсинг.

– Кампир ҷўкиниб олди. – Худоё, ўзинг кечир. Бу қандок гап, онагинам, – деди у княжна Марьяга караб ва ўрнидан турди-да, йиғлагудай бўлиб халта-хултасини йигишири бошлади. Шундок куфр гап оғзидан чикадиган кишиларни паноҳ тортганидан ҳам кўрқканлиги, ҳам мустар бўлганлиги ва минбайд бу хонадоннинг лутф-марҳаматидан маҳрум бўлишига ачингандилиги унинг афтидан кўриниб турад эди.

– Шу ҳам гап бўлдими? – деди княжна Марья. – Нега ҳам менинг олдимга кирдиларинг?

– Йўғ-е, мен тегищдим, Пелагеюшка, – деди Пьер, – мен уни ранжитмоқчи эмас эдим, княжна. Мен омади гапни айтдим. Кўнгилга олма, тегищдим, – деди у илжайиб, ўз гуноҳини ювиш учун.

Пелагеюшка ишонқирамай тўхтаб қолди, лекин Пьернинг юзида шундай самимий, пушаймонлик аломати бор эди ва князь Андрей гоҳ Пелагеюшкага ва гоҳ Пъерга шундай ювош қарап эдики, буни кўрган дарвиш кампир бироз таскин топди.

XIV

Дарвиш ҳотин таскин топди ва яна гапга тушиб, ҳатто қўлидан исириқ анқиб турган даражада валий бўлган Амфилохий ҳазрат тўғрисида, Киевга сўнгти марта борганида таниш монахлари бир горнинг калитини берганлари ва тўша-талқон олиб икки кечани ўша горда азиз-авлиёлар билан бирга ўтказганлиги тўғрисида узоқ гапирди. «Ҳали бир авлиёни тавоф қиласман, ҳали бошқасини тавоф қиласман. Озгина пинакка кетаман-у, яна туриб тавоф қиласман. У ер шундай сокин, шундай фароғатки, ёруғ дунёга чиққинг келмайди».

Пьер унинг сўзларига диққат ва эътибор билан қулоқ берди. Князь Андрей ташқарига чиқди. Унинг кетидан княжна Марья дарвишларга чой қуйиб бериб, Пьерни меҳмонхонага олиб чиқди.

- Хўп, эзгу одамсиз, – дели княжна Марья Пьерга.
– Ростдан ҳам мен бу кампирни ранжитмоқчи эмас эдим, мен бунақа одамларни хурмат қиласман ва жуда қадрлайман.

Княжна Марья унга жимгина қаради-да, мулойимгина табассум қилди.

– Биласизми, мен сизни кўпдан бери биламан ва ўз укамдай яхши кўраман, – деди княжна. – Назарингизда, Андрейнинг саломатлиги қалай? – деди у шошиб, намойишкор сўзларига Пьер бир нима деб жавоб беришга ултурмасдан, – ундан жуда ташвишдаман. Қишида соғлиги бироз дуруст бўлади, лекин ўтган баҳор яраси очилди, доктор муолажа килдиргани кетсин деб маслаҳат берди. Унинг феъл-авторидан ҳам хавотирман. У биз хотинларга ўхаш гам-ғуссани кўз ёши билан чиқариб ташлайдиган эмас. Нима бўлса, ичига солади. Бу кун таъби очилган, кайфи чоғ, лекин бунга сизнинг келишингиз сабаб бўлди. У камдан кам шундай очилиб юради. Сиз уни чет элга кетгани кўндирангиз, жуда яхши бўлар эди-да! У бирор нарса билан машғул бўлиши керак, бу бир хилдаги, жимгина ҳаёт майиб қиласди уни. Буни бошқалар пайқашмайди, лекин мен кўриб турибман.

Соат тўққизларда хизматкорлар кекса князниң извоши келаётганлигини унинг қўнғироғидан билиб, эшикка югуриб чиқишиди. Князь Андрей ҳам Пьер билан бирга зинага чиқди.

Кекса князь извошдан тушар экан, Пьерни кўриб:

– Ким бу? – деб сўради. Сўнгра: – Э, хуш келибсан, хуш келибсан! Ўп! – деди у Пьерни таниб.

Кекса князниң кайфи чоғ эди, шунинг учун Пьерни эркалади.

Кечки овқат олдида князь Андрей отасининг кабинетига кирганида кекса князь билан Пьернинг кизгин баҳсласиб ўтиргани устидан чиқди. Пьер шундоқ бир вақт келадики, уруш деган нарса бўлмайди, деб исбот қилмоқчи бўлар эди. Кекса князь эса аччиғи келмасдан, лекин калака қилиб, тортишар эди.

– Томирлардан қонни чиқариб ташлаб, ўрнига сув қуй-

санг, ўшанда уруш бўлмайди. Хотинлар сафсатаси, хотинлар сафсатаси, – деди у, лекин шундок бўлса ҳам, Пьерни эркалааб, унинг елкасини силтаб кўйди-да, князь Андрей ўтирган столнинг олдига келди: князь Андрей гапга аралашишни истамаган бўлса керак, отаси шаҳардан келтирган коғозларни кўриб ўтирар эди. Кекса князь унинг олдига келиб, ишлари хақида гапира кетди.

– Дворянлар оқсоколи граф Ростов одамларнинг ярмини юбормабди. Шаҳарга келсам, мени овқатта чакирмоқчи бўлаётиди. Мен уни шундай адабини бердимки, овқати бурнидан чиқди... Мана бу қоғозни ҳам кара... Аммо лекин, – деди князь Николай Андреич ўғлига, Пьернинг елкасига қоқиб, – ўртоғинг чакки эмас, менга маъқул бўлиб қолди! Юрагимга ўт солди. Баъзи одамлар жуда оқилона гаплар гапирса ҳам, қулоқ солгинг келмайди киши, лекин бу ёлғон гапирса ҳам, мен чолнинг юрагимга ўт солди. Хўп, боринглар, боринглар, – деди у, – балким, кечки овқат вактида олдиларингга чиқиб, бироз ўтирарман. Тағин баҳслашаман. Менинг овсарим княжна Марья билан дўст бўл, – деди у Пьерга эшикдан кичкириб.

Пьер энди, Лисие Горига келганидан кейингина князь Андрей билан нақадар қалин эканлигини англади. Бу қалинлик князь Андрейнинг ўзи билан бўлган муносабатидан ҳам кўра унинг бутун хонадони билан бўлган муносабатда ёркинроқ кўринар эди. Пьер бадковоқ кекса князь ва жасоратсиз ҳамда ҳалим княжна Марья билан гарчи буларни яхши билмаса ҳам, кадрдон дўстдай бўлиб қолди. Булар ҳам Пьерни яхши кўриб колишибди. Дарвишларга килган илтифоти туфайли ихлоси ортган княжна Марья унга жилмайиб карадигина эмас, балки бир ёшли, бобоси айтмоқчи, князь Николай ҳам унга кулиб қарап ва қўлига борар эди. Пьер кекса князь билан гаплашаётган вактларида Михаил Иванович билан Мамзель Буръен унга кувнок табассум билан қараб туришар эди.

Кекса князь Пьер келиши муносабати билан бўлса керак кечки овқатта чиқди. Пьернинг Лисие Горида икки қунлик меҳмонлиги давомида кекса князь унга ҳаддан ташқари

мехрибон бўлди ва ҳатто унинг яна келишини сўради.

Пьер кетиб, оила аъзолари йигилганда, одатда янги одам келиб-кетганда бўладигандай, ҳамма унинг тўғрисида гапирди, лекин ҳамма ҳам унинг ҳакида факат яхши гаплар айтар эди, бу хол жуда кам бўлар эди.

XV

Ростов Денисовга ва бутун полкка нечоғли ўрганиб колганлигини бу сафар отпускадан қайтиб келганидагина сезди.

У полкка яқинлашиб келар экан, Поварскаядаги ўз уйига яқинлашиб бораётган вактидаги сингари ҳаяжонга тушди. У мундирининг тутмалари ечилиб кетган бир гусар ҳамполкини кўрганда, малла Дементьевни кўриб танигданда, саман отлар боғлаб кўйиладиган говга кўзи тушганда, Лаврушка ўз хўжасини кўриб қувониб «граф келди» деб кичкирганида, ухлаб ётган Денисов соchlари тўзиганича ер тўладан югуриб чикиб уни кучоклаганида ва офицерлар унинг атрофини ўраб олишганида Ростов худди уйига борганида ота-онаси, опа-сингиллари, кучоклаган пайтидаги сингари хурсандликдан кўзига ёш келди-ю, гапиролмай қолди. Унинг учун полк ҳам худди ўз уйидай, ўз ота-онасининг уйидай эди.

Полк командири ҳузурига кириб, илгариги эскадронга тайинланиши тўғрисида қофоз олиб, навбатчилик килиб ва отларига ем-хашак олгани бориб келиб, полкнинг бутун икир-чикирларини ўзлаштириб, ўзини эркинликдан маҳрум ва тор бир доирага тушиб қолган ҳис килиб, Ростов ўз ота-онасининг уйидагидек хотиржам бўлди, тинчили, ўз ўрнини топди. У ўзига ўрин тополмаган, икки йўлдан бирини танлашда янглишиб юрган бурунги такасалтанг хаёт энди йўқ эди; Соня ҳам йўқ, у билан очиқчасига гаплашайми-гаплашмайми, деган ўй-хәёл ҳам йўқ. Ана у ерга бориш-бормаслик имконияти ҳам йўқ; минг хил номаъқулчиликлар билан ўтказиш мумкин бўлган суткасига 24 соат бўш вакт ҳам йўқ, бирортаси якин ҳам бўлолмайдиган, бирортаси узок ҳам бўлолмайдиган сон-саноқсиз у одамлар ҳам йўқ; отаси билан

жангида ҳам иштирок қилолмади, кампаниянинг иккинчи ярмида харакатдаги армияга қўшилиб, Платов отрядига ўтказилди.

Платов отряди армия доирасидан ташқарида – ўзи мустақил ҳаракат қиласар эди. Павлоградчиларнинг айрим-айрим қисмлари душман билан бир неча марта отишдилар, асиirlар олдилар, бир куни ҳатто маршал Удинонинг фойтунини қўлга туширилар. Павлоградчилар апрель ойи ичи бир неча ҳафтани кули кўкка совурилган бир немис қишлоғи олдида туриб ўтказишиди.

Ҳаво юмшаб, лойгарчилик бошланди, дарёларда муз кўчди, йўллар юриб бўлмайдиган бўлиб қолди: бир неча кунлаб отларга ем-ҳашак, одамларга овқат берилмади. Атрофдан озик-овқат келтириш мумкин бўлмай қолгандан кейин одамлар тўзиб, харобазор ва ҳувуллаб қолган қишлоқларга картошка ахтариб кетишиди, лекин арзигудай картошка ҳам топишолмас эди.

Қишлоқларда тишга босгудай нарса қолган эмас, одамлар кочиб кетган, қолган одамлар ҳам гадойдан хароб бўлиб, тортиб олгудай ҳеч нарсалари йўқ, ҳатто унча-мунча раҳмдил аскарлар кўпинча улардан бирон нарса таъма қилиш ўрнига ўзларининг сўнгги нарсаларини беришар эди.

Павлоград полки жангларда факатгина иккита ярадор аскарини йўқотди, лекин очлик ва касалликдан одамларнинг ярми нобуд бўлди. Госпиталда ўлим шу қадар мукаррар бўлиб қолган эдики, ёмон овқатдан безгакка дучор бўлган ва шишган аскарлар касалхонага борищдан кўра минг машакқат билан бўлса ҳам, милтиқ кўтариб юришни афзал кўришар эди. Бахор келиши билан аскарлар ердан бош кўтарилиган сарсабил тусли ўтни, негадир Машканинг чучук томири деб (холбуки, бу томир аччик эди), қидирадиган, шу чучук томирни излаб ўтлок ва далаларга чикиб кетадиган; бу зарарли ўтни емоқ ман қилинганилигига қарамасдан, қиличлари билан қазиб олиб ейдиган бўлиб колишиди. Бахорда аскарлар орасида янги касаллик пайдо бўлди: одамларнинг кўл-оёғи ва юзи шишиб кетди. Докторлар буни ўша ўтнинг истеъмол қилинишидан деб билишиди. Ман қилинганилигига

кейин яна ҳам мустаҳкамрок бўлиб қолган эди. Денисов Ростов хонадони тўғрисида хеч қачон оғиз очмаса ҳам, лекин командир ўз офицерига кўрсатаётган меҳрибонликдан бечора гусарнинг Наташага бўлган муҳаббати дўстлик алоқасининг мустаҳкамланишида катта хизмат килаёттанини Ростов англар эди. Денисов, афтидан, иложи борича Ростовни хавф-хатарли ишларга камроқ буюришга, уни эҳтиёт килишга тиришар ва ҳар бир жангдан кейин уни соғсаломат кўрганида жуда курсанд бўлиб қарши олар эди. Ростов бир гал озиқ-овқат келтиргани командировкага борганида вайрон бир қишлоқда ёш болали қизи билан қолган қари бир полякни кўриб қолди. Оила буткул оч, ялангоч бўлиб, имконияти бўлмагани учун қишлоқдан чиқиб кетолмаган эди. Ростов буларни ўз қароргоҳига олиб келиб уйидан жой берди ва чол ўзига келгунча боқиб турди. Ростовнинг ўртоғи хотинлар тўғрисида гапириб туриб унга тегишиди: «Сен хўп ҳам айёрсан-да, нима бўлар эканки олиб келган гўзал поляк қизинг билан бизни ҳам танишириб кўйсанг», – деди. Бу ҳазил Ростовга ҳақорат бўлиб тушдида, у қони қайнаб, офицерга шундай ёмон гаплар айтдики, Денисов икковини дуэлдан зўрға тутиб қолди; офицер кетгандан кейин Ростовнинг поляк қизига бўлган муносабатидан бехабар Денисов уни «тезлик»да айبلاغан эди у:

– Нима дейсан, ахир... – деди. – Бу қиз менга бир сингилдай, унинг гапи менга қанчалик алам қилганини сенга айтиб беролмайман... чунки... шунинг учунки...

Денисов унинг елкасига қоқди-да, Ростовга қарамасдан тез-тез нари-бери юра бошлади. У хаяжонланган вактларида шу ҳолатга тушар эди.

– Минг лаънат Ростовлар урутига-е! – деди у ва Ростов унинг кўзларидан ёш чиққанини кўрди.

XVI

Апрель ойида подшоҳ армияга келар эмиш, деган хабарни эшитиб қўшинларга жон кирди. Подшоҳ Бартенштейнда қўшинларни кўриқдан ўтказганини кўриш Ростовга мусассар бўлмади, чунки павлоградчилар Бартенштейндан анча

олдинда, аванпостда туришар эди.

Булар очиқ ҳавода мұваққат бошпаналар куриб олишган эди. Денисов билан Ростов аскарлар қазиб, устига шох ва чим босиб берган ертүлада туришар эди. Бу ертұла ўша вактда расм бўлган усулда ясалган бўлиб, эни бир ярим газ, чуқурлиги икки, узунлиги уч ярим газлик зовурдан иборат эди. Унинг бир томонидан зина қўйилган. Зовурнинг ўзи уй бўлиб, эскадрон командирига ўхшаган толеи баланд одамлар турдиган бу ертўланинг тўрига иккита қозик кокиб, устига тахта қўйилган, бу стол эди. Зовурнинг икки томони бир газдан ўйиб олинган бўлиб, бу икки каравот ва икки диван хизматини ўтар эди. Ертўланинг томи шундок ёпилганки, ўртада тикка туриш, каравотда эса гар столга яқинрок борилса, ҳатто ўтириш мумкин. Жуда ҳашаматли турдиган Денисовнинг (эскадроннинг аскарлари уни яхши қўришар эди) ертўласи олдига тахта кокиб, унга ямоқ ойналар ўтказилган. Ҳаво совуқ бўлган вакълларда аскарларнинг гулханларидан тунукада чўғ келтириб зина супасига (Денисов бу ерни қабулхона деб атар эди) қўйишар, шунда ертўла шу қадар исиб кетар эздики, Денисов билан Ростов ертўласида иғифилган офицерлар кўйлакчан ўтиришар эди.

Апрель ойида Ростов навбатчи бўлди. Кечаси ухламай эрталаб соат еттиларда ертўлага келган Ростов чўғ келтиришни буюрди-да, ёмғирда ивиган ички кийимини алмаштириди, чўқинди, чой ичди, исинди, ётадиган жойи ва столини йиғишириди ва қўлини бошининг остига қўйиб, кўйлакчан чўзилди. Унинг юзи шамолда куруқшаган, қорайган эди. У сўнгги дафъа разведкага бориб келганлиги учун якин ўртада янги унвон олиши тўғрисида ширин хаёлларга борар ва қаергадир чиқиб кетган Денисовни кутар эди. У Денисов билан гаплашишни истар эди. Ертўла орқасидан Денисовнинг бўғилиб бакирган товуши эштилди. Ростов кимга бақираётбиди экан деб ойнадан қараб вахмистр Топчеенкони кўрди.

– Мен сенга ўша зорманда чучук томирни егани қўймагин демовдимми? – деб бақиради Денисов. – Лазарчук даладан олиб келаётганини ўз кўзим билан кўрдим.

– Мен еманглар деб буюрган эдим, жаноблари, қулоқ солишимайди, – деб жавоб берди вахмистр.

Ростов яна каравотига чўзилди-да, мамнуният билан: «Ташвиш тортса тортаверсин, мен ўз ишимни қилиб келдим, хузур қилиб ётибман», – деди ўзича. Девор оркасидан вахмистрдан ташқари Денисовнинг айёр ва уддабуро хизматкори Лаврушканинг ҳам товуши эшитилар эди. Лаврушка озиқ-овқат келтиргани борганида йўлда кўргани аллақандай аравалар, сухари ва хўқиз тўғрисида гапирмоқда эди.

Яна ертўладан узоқлашиб бораётган Денисовнинг бақиргани ва: «Отни эгарла, иккинчи взвод!» – деган сўзлари эшитилди.

«Қаёкка боришаркин?» – деди Ростов ичидা.

Беш дақиқадан кейин Денисов ертўлага кирди, лой оёқлари билан каравотига чиқди, жаҳл билан трубка чекди, нарсаларини ҳар томонга улоқтириди, қамчисини олди, қиличини тақди-да, ертўладан чиқа бошлади. Ростовнинг «Қаерга кетаётисан?» деган саволига жаҳл билан «иши бор» деб тўнғиллади.

– Худо ҳам, шаҳаншоҳ ҳам ғазабига олаверсин мени, – деди Денисов ертўладан чиқаркан. Ростов ертўла оркасида отларнинг шилпиллаб лой кечганини эшитиди. Ростов Денисовнинг қаёкка кетганини суриштиргани ҳафсала ҳам килмади.

У ўз каравотида кўрпага ўраниб, уйқуга кетганича, қош корайгандагина ертўладан чиқди. Денисов ҳануз қайтмаган эди. Оқшом жуда кўнгилли, кўшни ертўла ёнида икки офицер юнкер билан қизишиб свайка ўйнашар эди. Ростов келиб ўйинга кўшилди. Ўйин қизиган вактда офицерлар шу томонга қараб келаётган араваларни кўришди: ориқ отларга мингандан ўн бештacha гусар араваларни кузатиб келмоқда. Гусарлар олдига солиб келаётган аравалар от боғланадиган гов олдига келиб тўхтади, гусарлар араваларни ўраб олишди.

– Денисов бўғилиб юрган эди, – деди Ростов, – мана, озиқ-овқат ҳам келди.

– Шуни айт! – дейишли офицерлар. – Аскарларнинг ҳам энди жони кирди.

Гусарлардан бироз кейинроқда Денисов икки пиёда аскар офицери билан нима түгридадир гаплашиб келмоқда зди. Ростов унга қарши борди.

Ориқ, пакана, афтидан, жаҳли чикқан бир офицер:

– Мен сизни огохлантираман, ротмистр, – дер эди.

– Бермайман дёдим, бермайман, – деди унга жавобан Денисов.

– Бу қилган ишиңгиз учун жавобгар бўласиз, ротмистр, сиз безорилик қилаётисиз, одам деган ўз кишиларининг ҳам аравасини тортиб оладими? Одамларимиз икки кундан бери оч.

– Менинг одамларим икки ҳафтадан бери оч, – деди Денисов.

– Бу қилган ишиңгиз қарокчилик, жавобгар бўласиз жаноб! – деди яна пиёда аскарлар офицери пўписа қилиб.

– Нега мунча менга ёпишдингиз? А? – деб бакириб берди Денисов бирдан жаҳли чиқиб. – Сиз жавобгар эмас, мен жавобгар бўламан. Дабдала бўлмаганингизга шукур килинг-у, кўп минғилламанг. Марш! – деб бакирди офицерларга.

– Хўп, майли! – деди пакана офицер писанд қилмасдан ва ўрнидан қимирламасдан. – Қароқчиликни мен сизга...

– Йўқол, дейман, марш, дабдала бўлмасдан, – деди Денисов отининг бошини офицерга томон буриб.

Офицер ҳам дўқ қилиб: – Хўп, хўп, – деди ва отини йўрттирганича эгарда лўқиллаб, жўнаб кетди.

– Девор минган ит, девор минган ит! – деди Денисов унинг кетидан (суворийлар отга минган пиёда аскарни каттиқ масхара қилганда шундок дейишар эди) ва Ростовнинг олдига келиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Пиёда аскарлардан озиқ-овқат аравасини тортиб олдим, зўрлаб тортиб олдим, – деди у. – Нима қилайлик, очликдан ўлсинми одамлар?

Бу аравалар пиёда аскарлар полкига бориши керак эди. лекин аравалар ёлғиз кетаётганлигини Лаврушкадан эшишиб, Денисов ўз гусарлари билан йўлини тўсиб, тортиб олди. Аскарларга сухарини истаганича беришди, ҳатто

бошқа эскадронлар билан баҳам кўришиди.

Эртасига полк командири Денисовни чакирди ва кўзига панжасини тутиб, шундай деди: «Мен бу ишга шундай карайман: ок тую кўрдингми – йўқ, лекин сенга маслаҳат шу: штабга бориб, озиқ-овқат бўлимига учра, хисоботларни тўғрила, агар иложи бўлса, «мунча овқат олдим» деб кўл кўй, акс ҳолда, талабнома пиёда аскарлар полки номидан ёзилган, бу иш кўзгалиб қолса, оқибати ёмон бўлади».

Денисов полк командири олдидан чикиб, унинг маслаҳатини чин кўнглидан бажо келтириш учун тўғри штабга борди. У кечкурун ертўлага шундай бир кайфиятда кириб келдики, Ростов шу чоғача дўстини бу ҳолатда кўрмаган эди. Денисов гапиришга мажоли йўқ, энтикар эди. Ростов «Сенга нима бўлди», – деб сўраган эди, у хириллаб, зўрга: – Командир сўкди, – деди, холос.

Денисовни бу аҳволда кўриб, кўркиб кетган Ростов унга «кийимингни еч» деди-да, дарҳол докторга одам юборди.

– Мени қароқчиликда айбласалар-а! Ох, тағин сув бер, айбласа айблайверсин, мен бу муттаҳамларнинг қовурғасини синдираман дедим, синдираман, шаҳаншоҳга ҳам арз қиласман. Муз бер, муз! – деди у.

Полк доктори келиб кўриб «кон олдириш керак», деди. Денисов жун босган кўлидан бир коса қоп-кора кон олингандан кейин бироз енгил тортиб, нима бўлганини гапириб берди.

– У ерга бориб, – деди у, – «Ҳани бошлиқларинг?» – дедим. Кўрсатишиди. «Бирпас сабр қилмайсизми?» – дейишиди. «Мен хизматдаги одамман, ўтгиз чақирим йўлдан келдим, кутишга фурсатим йўқ, кириб айт», – дедим. Шундан кейин ўғрибошининг ўзи чиқиб, менга таълим бермоқчи бўлиб, «Бу қароқчилик», – деди. «Озиқ-овқатни олиб ўз аскарларига бериш қароқчилик эмас, озиқ-овқатни олиб ўз чўнтагига солиш қароқчилик бўлади», – дедим. «Хўп. Комиссионернинг¹ олдига кириб кўл кўйинг, сизнинг

¹ Комиссионер (французча: commissionnaire –топшириш; топширик) – комитет хисобидан ва унинг фойдасига, лекин ўз номидан битимлар тузадиган шахс ёки ташкилот – савдо-сотик ишидаги воситачи.

ишиңгиз ўз полкнгизга юборилади», – деди. Комиссионер-нинг олдига кириб карасам... Биласанми, ким ўтириби? Буни қара-я! Бизни очликдан ким ўлдираётиди дегин, – деб Денисов кон олдирган кўли билан столни шундай қаттиқ урдики, стол аганәёзди-ю, устидаги стаканлар сакраб кетди, – Телянин! «Ҳа-ҳа, бизни очликдан ўлдираёттан сенмисан ҳали?» деб, тумшуғига боллаб солмайманми... «Ҳа, сен фалон, писмадон» деб сўкиб кетди. Лекин нима бўлса ҳам, мен аламимни олдим, – деб суюниб кичкирди Денисов копкора мўйловлари орасидан оппок тишларини кўрсатиб. – Одамлар орага тушмаганда ўлдирап эдим.

– Ҳой, мунча бакирасан, ўзингни бос, – деди Ростов. – Мана тағин қон оқди, шошма, бошқатдан боғлаш керак.

Унинг кўлинини бошқатдан боғлаб ётқизиши. Эртасига таъби очилиб, кайфи чоғ бўлиб, уйғонди.

Бироқ киём вақтида полк адъютанти жиддий ва хафа бир алпозда Денисов билан Ростовларнинг ертўласига келди ва полк командири майор Денисовга ёзган қофозини кўрсатди, бу қофозда полк командири кечаги воқеанинг тафсилотини сўраган эди. Адъютант бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини, ҳарбий суд комиссияси тайинланганлигини, бу иш ҳозир талончилик ва ўзбошимчаликка қарши қаттиқ кураш бораётган бир вақтта тўғри келганлиги учун осон кутулган тақдирда унвонидан маҳрум бўлишини айтди.

Даъвогарлар ишни шундай қилиб кўрсатган эди: майор Денисов араваларни тортиб олгандан кейин, маст ҳолда озиқ-овқат бўлими бошлиги олдига кириб, сабабсиз уни ўтири деган, уйдан чиқариб ҳайдашганда у девонхонага кириб, икки чиновникни уриб, бирининг кўлинин чиқарган.

Денисов Ростовнинг бошқа саволларига кулиб: ўзларидан ҳам жиндай қўшибдилар, лекин булар ҳаммаси икки пулга арзимайди, мен ҳеч кандай суд-пуддан кўркмайман, агар бу абрахлар, дарҳақиқат, менга тегмокчи бўлсалар, мен ҳам оналарини кўрсатаман, – деди.

Денисов бу ғалвалар тўғрисида писанд килмасдан гапи-рар, лекин Ростов дўстини жуда яхши билганлиги учун унинг суддан қўрқаётганини ва оқибати ёмон бўлишига кўзи

етиб, ичдан азоб чекаётганини пайкади. Турли маълумотлар сўраб, суддан ҳар куни қогоз кела бошлади ва биринчи майда Денисов эскадронни ўзидан каттароқ кишига топшириб, ўзбошимчалик килгани тўғрисида озиқ-овкат комиссиясиға жавоб бериш учун дивизия штабига бориш ҳакида буйруқ олди. Шундан бир кун бурун Платов икки казак полки ва икки гусар эскадрони билан душман мавқеини разведка қилган эди. Денисов одатдагича довюраклигини кўрсатмоқчи бўлиб цепнинг олдида борди. Француз ўқчилари отган ўқлардан бири унинг сонига тегди. Бошқа вақтда, эҳтимол, Денисов бунақа енгил ярадор бўлганида полкдан кетмас эди. Лекин ҳозир у шундан фойдаланди-да, дивизияга борищдан бош тортиб, госпиталга кетди!

XVII

Июнь ойида Фридланд жангига бўлиб, бу жангда павлоградчилар иштирок этолмади ва бунинг кетидан яраш бўлди.

Дўстининг хумори тутиб юрган, кетгандан буён ундан хеч қандай хат-хабар ололмаган, унинг иши нима бўлди, яраси қандай бўлди деб хавотир тортиб юрган Ростов ярашдан фойдаланиб Денисовни кўргани госпиталга кетди.

Госпиталь икки марта рус ва француз кўшинлари томонидан таланган кичкинагина прусс қишлоғида жойлашган эди. Ёз фасли бўлиб, дала жуда чиройли бўлгани учун бу кўргонча емирилган том-у деворлари, жулдур кийинган аҳоли, касал ҳамда маст аскарлар санқиб юрган ифлос кўчалари билан айниқса кўнгилсиз кўринарди.

Госпитал ромлари синган, ойналари тешилган гиштин бир бинода жойлашган бўлиб, ҳовли атрофи деворлари батамом вайрон бўлиб кетган эди. Ҳовлида яралари бойланган, ранглари сарғайган ва юзлари шишган бир неча аскар кезиб юрар ва офтобда ўтиради.

Ҳовлига кириш билан Ростовнинг димоғига мурда ва касалхона хиди кирди. У зинада сигар чекиб тушиб келаётган рус ҳарбий докторини ва унинг кетидан келаётган рус

фельдшерини¹ кўрди.

— Ўзмни мингта тақсни қилолмайман ахир. — дерди доктор, — кечкурун Макар Алексеевичнинг олдига келгин. мен ўша ерда бўламан. — Фельдшер ундан яна нимадир сўради.

— Э! Билганингни киласер! Барнибир эмасми? — Докторнинг кўзи зинадан чиқаётган Ростовга тушди.

— Нима килиб юрибсиз бу ерда, тўрам? — деди доктор. — Нима килиб юрибсиз? Ё ўқ тегмади, деб терламага гирифтор бўлмоқчимисиз? Бу ер моховхона².

— Нега? — деб сўради Ростов.

— Терлама, отагинам. Кадам босган одам ўлади. Факат биз, Макеев иккаламиз (фельдшерга ишора килиди) хозирча омонмиз. Аллакачон беш доктор ўлди. Янги доктор келди дегунча, бир хафта ўтмай қарайсизки тамом, — деди у хийла мамнунинг билан. — Прусс докторларини чаирдик. Илти-фоқчиларимизнинг хуши йўқ.

Ростов докторга шу ерда ётган гусар майори Денисовни кўрмоқчи эканини айтди.

— Билмайман, хабарим йўқ, отагинам. Битта ўзим уч госпитал, 400 дан ортик касалга қарайман! Ҳали ҳам шукурки, савобталаб прусс хонимлари бизга ойида икки қадоқдан қаҳва билан тивит³ юборишиб туради, бўлмаса ҳолимиз хароб бўларди. — У иложайди. — 400 та-я, отагинам. Яна ҳар куни менга янгидан янги касал юборишади. 400 тача бор? А? — деди у фельдшерга қараб.

Фельдшер жуда чарчаган кўринарди. У лақма доктор қачон кетаркан, деб хуноб бўлиб ўтирганга ўхшарди.

— Майор Денисов, — деди яна Ростов, — Молитенда ярадор бўлган эди.

— Ўлди, шекилли. А? Макеев, — деди лоқайдлик билан

¹ Фельдшер (немисча: Feldscher – жарроҳ; ҳарбий кисм сартароши) – ўрта тиббий маълумотта эга бўлган тиббиёт ходими, врач ёрдамчиси.

² Моховхона – моховга чалингай касалларни соғлом ахолидан, жамиятдан алоҳида ажратиб даволайдиган, профилактика ишларини олиб борадиган муассаса, шифохона.

³ Тивит – хайвонларнинг нозик ва майин жуни; шу жундан тўкилган, ишланган мато; шу матодан ишланган, тикилган нарса.

доктор фельдшердан сўраб.

Бирок фельдшер докторнинг сўзини тасдик килмади.

– Бўйи узун, ўзи сариғроқ кишиими? – деб сўради доктор.

Ростов унга Денисовнинг киёфасини тасвирлаб берди.

– Бор эди шунака бир киши, – деди доктор худди суюниб кеттандай, – ўлди, шекилли, майли, мен аниклайман, менда рўйхат бор эди. Рўйхат сендами, Макеев?

– Рўйхат Макар Алексеевичда эди, – деди фельдшер, – офицерлар палатасига марҳамат килинг, ўзингиз кўрасиз, – деб илова килди Ростовга караб.

– Кирмай кўя колинг, отагинам! – деди доктор, – яна ўзингиз бу ерда колиб кетманг. – Лекин Ростов докторга таъзим килди-да, фельдшердан кузатиб кўйишини сўради.

– Яна мендан ўпкалаб юрманг, – деди доктор зина тагидан чинкириб.

Ростов фельдшер билан йўлакка кирди. Бу тим қоронғи йўлакда касалхона хиди шу қадар анқир эдики, Ростов бурнини маҳқам ушлаб, қайси томонга борай, деб ўйлаб колди. Ўнг томондаги эшик очилиб, ундан иккала қўлида қўлтиқтаёқ, ориккина, ранглари сарғайиб кетган, яланг оёқ ва кўйлакчан бир киши чиқди. У ёндарига суюниб, чакнаётган ҳасадли кўзлари билан ўтиб кетаётгандарга караб колди. Эшикдан уйга қараб Ростов касал ва ярадорлар полда, похол ва шинеллар устида ёттанини кўрди.

– Кириб кўриш мумкинми? – деб сўради Ростов.

– Нимасини кўрасиз? – деди фельдшер. Лекин Ростов бу ерга киришини фельдшер истамагани учун аскарлар палатасига кирди.

Боя йўлакда димоги ўрганиб қолган хид бу ерда яна ҳам кучлироқ эди. У хид бу ерда бошқачароқ – сассикроқ бўлиб, ташкаридаги хидлар шу ердан чикканлиги билиниб турар эди.

Катта деразаларидан қуёш тушиб турган бу узуна уйнинг икки томонида, касал ва ярадорлар девор томонга бош кўйиб, оёқ томондан ўтишгагина йўл қолдириб ётишарди. Буларнинг кўпи бехуш бўлгани учун кирганларга эътибор қилмади. Эс-хуши жойида бўлганлар ўрнидан

турди, бэзилларни озиб, саргайиб кетган юзини күтариб каради; хаммасининг ишохиди ёрдам умиди, ўтса ва быроенинг соглигига хасал ифодаси бўлиб. Ростовдан кўзини отмас эди. Ростов уйининг ўргасига келди ва эмили очик турган нариги уйга караб, у ерда хам иккى томонидан шу хилда ётган касалларни кўрди-да, тўхтаб индамасдан атрофига каради. У шундай холатни кўраман деб ўйламаган хам эди. Худди оёги остида, ўргадан колдирмаган йўлда, полга (казак бўлса керак, сочи айланмасига юркомлган эди) бир касал эспри кўндаланг ётарди. Казак йўтон кўл ва оёксарини тарвайтириб, чалсанча ётган эди. Унинг юзи кўкариб кетган, кўзлари олайиб, фасит осигина колган, кўл ва оёксарининг кизил томирлари чилинграй бўртиб чиксан эди. У бошини полга уриб, хираллаб алланома деди-ю, кейин ўша сўзни такрорлайверди. Ростов унинг сўзига кувоқ бериб, ишма дезётганини англади. У: «Ташнаман-ташнаман!» – зерди. Ростов уни ўрнига ёткозиб, сув берадиган одам бормишин, деб у ёк бу ёюка каради.

– Ким бу ерда касалларга карайди? – деб сўради у фельдшердан. Шу вактда нариги уйдан касалхона хизматкори – фургончи аскар чиқди-да, оёгини тап-тап ерга уриб, Ростовнинг олдига келиб гоз турди.

Аскар Ростовни касалхона бошлиғи гумон кили, шекилли:

– Жаноби олийларига соглиқ тилайман! – деб кичкирди кўзларини катта очиб.

– Олгин буни бу ердан, сув бер бунга, – деди Ростов казакни кўрсатиб.

Аскар кўзларини халигидан хам каттароқ очиб, бўйни чўзиб, мамнуният билан:

– Жоним билан, жаноби олийлари, – деди-ю, лекин жойидан кимирламади.

Ростов ичиди: «Йўқ, бу ерда хеч нарса килиб бўлмайди», – деди-ю, ерга караб чиқиб кетмоқчи бўлган эди, бирок ўнг томонда бирор тикилиб турганини пайкас, унга каради. Озиб, скелетта ўшшаб колган, ранг-рўйи саргайган, осарган соқоли ўсиб кетган кекса бир аскар бурчакда, шинель устида

Ростовга тикилиб ўтирар эди. Унинг ёнида ўтирган бир аскар Ростовни кўрсатиб, шивирлаб, унга нимадир дерди.

Ростов чол бир нима сўрамоқчи эканини англади. У якинрок бориб чол бир оёгинигина буклаб ўтирганини ва иккинчи оёги эса тиззадан юкори кесилганлигини кўрди. Чолнинг иккинчи томонида, ундан анча нарида бошини орқага ташлаб, ҳаракатсиз ётган касал ёшгина аскар бўлиб, ранги мумдай сарғимтири, бурни пучук, юзини сепкил босган ва кўзлари ичига тортиб кетган эди. Ростов бу пучук аскарга қараган эди, бутун вужуди жувуллашиб кетди.

– Э, бу, ахир... – деди у фельдшерга.

– Шунча айтдик, жаноблари, – деди кекса аскар жаги титраб. – Эрталабоқ ўлган эди. Итмас, одам-ку ахир...

– Ҳозир одам юбораман, олиб кетади, олиб кетади, – деди фельдшер шошиб-пишиб. – Марҳамат, жаноблари.

– Кетдик, кетдик, – деди дарров Ростов ва ерга караганича тикилиб турган бу ҳasadли ва таънакор кўзлардан тезроқ йироклашишга ҳаракат килиб, кимтиниб уйдан чиқди.

XVIII

Фельдшер йўлакдан ўтиб Ростовни эшиклари очик турган уч уйдан иборат офицерлар палатасига олиб кирди. Бу уйларга каравотлар кўйилган, касал ва ярадор офицерлар шу каравотларда ёттан ва ўтирган эди. Буларнинг баъзилари касалхона халатида уйларни айланиб юрарди. Офицерлар палатасининг биринчи уйида даставвал Ростовнинг кўзи кичкинагина, озғин, бир қўли йўқ, бошида қалпоқ ва эгнида касалхона халати, трубка чекиб юрган кишига тушди. Ростов қаерда кўрганини эсламоқчи бўлиб, бу одамга синчиклаб қаради.

– Худо шу ерда кўришишни насиб қилган экан-да, – деди кичкина киши, – Тушин, Шенграбенда сизни аравага тушириб олиб борган Тушин эсингиздами?

Биз ҳам кўлни топширдик, мана... – деди ва кулимсираб халатининг бўш енгини кўрсатди, – Василий Димитрич Денисовни қидириб юрибсизми? Ҳамхонангиз! – деди у, Ростов кимни қидираётганини фаҳмлаб, – шу ерда, шу ерда,

– деди ва Ростовни кулғи товушлари чикаёттган бошка уйга олиб кирди.

Хали аскарлар госпиталыда димогига кирған ўлук хиди хануз кетмасдан, ўша хасалли күзлар күзатаёттанинн хануз сезиб ва күзлари ичига тортиб кеттган ёш аскар күз ўнгидан нари кетмасдан Ростов ичида: «Қандай киңиб шу ерда яшаб, хатто кулишиб ўтиришибди?» – деб кўйди.

Соат 11 дан ошган бўлса ҳам, Денисов хануз кўрпага ўраниб ётган эди.

Э, Ростов-ку! Бормисан, бормисан! – деб кичкирди ўша полкдаги сингари кувноқлик билан, лекин Ростов Денисовнинг гап оҳангидан ва сўзларидан бу одатдагича тақалтуф-сизлик ва хушхоллик тагида алланечук ёмон яширин бир туйғу борлигини сезиб, унга ачинди.

Унинг яраси анчайин бўлишига қарамай, олти хафтадан бери битмаган эди. Госпиталда ётган бошка касалларга ўхшаб унинг юзи ҳам заҳил ва шишинираган. Лекин Ростовни бу нарса эмас, балки Денисов уни кўриб худди хурсанд бўлмаганга ва сохта табассум килганга ўхшагани хайратда колдирди. Денисов на полк тўғрисида бир нарса сўради ва на урушнинг умуман бориши тўғрисида. Ростов шу ҳақда гапиргандада ҳам Денисов қулок солмади.

Ростов ҳатто шуни пайқалики, полкни ва умуман госпиталдан ташқари ўша бошқа эркин ҳаётни эслаш Денисовга малол келаяпти. У бурунги ҳаётни эсдан чиқаришга тиришгандай, озик-овқат бўлим мудири билан бўлган можаро ҳакидаги ишигагина қизиккандай кўриннар эди. Ростов ўша иш тўғрисида сўраган эди, у дарров ёстиғи остидан комиссиядан келган коғозни ва унга ёзган жавобининг ҳали кўчирилмаган нусхасини олди.

У ёзган жавобини ўқиркан, жонланиб кетди ва ўз душманларига канака заҳарли сўзлар айттанини Ростовга жуда билдирамокчи бўлди. Денисовнинг госпиталдаги ўртоклари Ростовни – ёргуғ дунёдан келган одамни энди ўраб олмоқчи бўлишган эди, Денисов коғозларини ўқий бошлиши билан яна таркалиб кетишиди. Ростов уларнинг башарасидан бу воқеани эшитавериб зерикканларини фаҳмлади. Факат

уларнинг ёнидаги каравотда ўтирган семиз суворий офицери ковоғини солиб, трубка чекиб каравотида ўтираверди ва қўлсиз, кичкина Тушин бош чайкаб кулок солаверди. Хат ярим бўлганда суворий офицери Денисовни тўхтатди.

– Менимча, – деди у Ростовга қараб, – тўғридан тўғри шаҳаншоҳдан афв сўраш керак. Энди мукофот ҳам кўп бўлармиш, балки, афв этар.

– Шаҳаншоҳдан мен афв сўрайман! – деди Денисов илгаригидай овозга кизғинлик ва салобат бериб, лекин, барибир, товушидан фойдасиз асабиятгина¹ акс этди. – Нима деб? Мен қароқчи бўлсам эди, афв сўрардим. Қароқчиларни фош килганим учун мени айблаяптилар. Суд килса, кила-версин, мен ҳеч кимдан кўркмайман. Мен шаҳаншоҳга, ватанга ҳалол хизмат килдим, ўғирлик килганим йўқ. Мени унвондан маҳрум қилиш ва... Мана, мен уларга очик шундай деб ёздим: «Агар мен ўғри бўлсам эди...»

– Хатни-ку котирибсиз-а, – деди Тушин, – лекин гап бунда эмас, Василий Димитрич, – деди у ҳам Ростовга қараб, – бўйинга олиш керак, аммо Василий Димитрич кўнмаяпти. Аудитор ҳам, ишингиз чатоқ демадими, ахир?

– Чатоқ бўлса бўлаверсин, – деди Денисов.

– Аудитор ёзиб берган ўша илтимосномага қўл кўйиб, – деди давом этиб Тушин, – булардан бериб юбориш керак. Буларнинг (у Ростовга ишора килди) штабда, албатта, ёр-ошнолари бордир. Бундан қулайрок фурсатни тополмайсиз.

– Килмайман бунақа аблаҳликни, демадимми, – деб Денисов унинг сўзини бўлди-да, яна қоғозларни ўқийверди.

Ростов гарчи Тушин ва бошка офицерлар бераётган маслаҳат тўғри эканлигини ва агар Денисовга ёрдам қилиш қўлидан келса, ўзини жуда баҳтили ҳисоблашини билса ҳам, бироқ Денисовни кўндиришга журъат килмади: у Денисовнинг ўз қарорида қатъий эканлигини ва дарғазаб бўлишга ҳақли эканини биларди.

Денисов заҳарли сўзлардан иборат хатларини бир соат-

¹ Асаб (арабча) – нерв; пай, томир. Бош ва орка миядан барча аъзоларга тарқалган ва уларнинг фаолиятганини бошкариб турадиган жуда ингичка нерв томирлари тизими ва шу томирларнинг ҳар бири.

дан ортиқрок ўкиб тамом қылганидан кейин Ростов хеч нарса демади ва Денисовнинг яна тўпланган госпиталдаги ўртоқлари сухбатида кўрган-билганлари тўғрисида гапириб, бошқаларнинг ҳикояларига қулок солиб, куннинг қолган кисмини хафа бир ҳолда ўтказди. Денисов бутун оқшом ковоғини очмади ва гапирмади.

Ростов ярим кечаси кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди-да, «Бирон топшириқ йўқми?» – деб Денисовдан сўради.

– Ҳа, тўхта, – деди Денисов ва офицерларга бир қараб кўйиб, ёстиғи остидан қоғозларни олди-да, сиёҳдон турган деразанинг олдига бориб хат ёзгани ўтириди.

– Афтидан, камчи билан қозик қокиб бўлмайдиганга ўхшайди, – деди каттакон конвертни Ростовга узатаркан. Бу шаҳаншоҳ номига аудитор ёзиб берган илтимоснома бўлиб, бунда Денисов озик-овқат маҳкамасининг айби хусусида хеч нарса демасдан, факат афв сўраган эди.

– Бериб кўй, афтидан... – деди-ю, у ёгини айтмай, иржайиб кўйди.

XIX

Ростов полкка қайтгач, Денисовнинг иши ҳакида полк командирига маълумот берди ва кейин шаҳаншоҳ номига ёзилган хатни олиб Тильзитта жўнади.

13-июньда француз ва рус императорлари Тильзитта келишган эди. Борис Друбецкой ўзининг бошлиғи бўлмиш каттакон бир зотдан, мени ҳам Тильзитта борадиган муло-зимлар қаторига қўшинг, деб илтимос қилди.

– Мен буюк кишини қўриш орзусидаман. – деди у Наполеон тўғрисида гапириб. У ҳам бошқалардек Наполеонни хамма вакт Буонапарте дер эди.

– Буонапартени айтаётибсизми, – деди унга кулимсираб генерал.

Борис ўз генералига савол назари билан қаради-да. унинг тегишиб сўраганини дарҳол фаҳмлади.

– Князь, мен император Наполеонни айтаётибман. – деди у. Генерал жилмайиб унинг елкасига қоқиб:

– Катта одам бўласан, – деди ва Тильзитга ўзи билан

бирга олиб кетди.

Императорлар учрашган куни ўша бир неча киши жумласида Борис ҳам Неманда эди; у вензелли¹ қайиқни, Наполеоннинг нариги кирғокдан, француз гвардиячилари олдидан ўтиб кетганини, Неман бўйида Наполеоннинг келишини кутиб, ошхонада ўтирган император Александрнинг ўйчан юзини, иккала император қайиқقا тушганини, солга олдин етиб келган Наполеон тез-тез қадам ташлаб бориб, Александрни қаршилаб, унга кўл берганини ва иккала император павильонга кириб кетганини кўрди. Борис олиймақомлар доирасига киргандан бўён атрофда бўлаётган ҳодисаларни дикқат билан кузатишга ва дафтарчасига ёзиб кўйишга ўрганиб қолган эди.

Тильзитда бўлган учрашув вактида Борис Наполеон билан бирга келган одамларнинг номини, улар кийиб келган мундирларни сўраб олди ва катта одамларнинг оғизларидан чиққан сўзларга дикқат билан кулоқ солди. У императорлар павильонга кириб кетган вактда соатга қараган эди, Александр павильондан чиққанда ҳам соатига қарашни эсдан чиқармади, сухбат бир соат-у эллик уч дақиқа давом этди: Борис тарихий аҳамиятга эга деб билгани бошқа фактлар каторида буни ҳам ўша оқшом ёзиб қўйди. Императорнинг мулоzимлари шунча кўп бўлмаганлиги учун мансабпаст кишига императорлар сухбати вактида Тильзитда бўлиш жуда катта гап эди, шунинг учун ҳам Борис Тильзитга борганидан кейин ўзини хийла кўзга кўринарли бўлиб қолган сезди. Одамлар уни танийдигангина эмас, ҳатто унга қарайдиган ва эътибор қиласиган бўлиб қолди. У икки марта топшириқ билан шаҳаншоҳ ҳузурига борди, шунинг учун шаҳаншоҳ ҳам уни таниб қўйди, энди бутун сарой аъёнлари ундан бурунгидай бегонасирамайдиган, амалдорлар орасида кўринмаса, ҳатто ҳайрон қоладиган бўлиб қолган эди.

Борис бошқа бир адъютант – поляк графи Жилинский билан ҳамхона эди. Парижда тарбия кўрган поляк Жилинский бадавлат одам бўлиб, французларни жуда яхши кўрар,

¹ Вензель – исм ва фамилия бош ҳарфларини бир-бирига чирмаштириб тузилган безак.

Тильзитда у билан Бориснинг уйига дәмрли хар куни ионушта ва түшлик күлгани гвардиядан ва бош штабдан француз офицерлари келишар эди.

24-июньда кечкүрун Бориснинг хамхонаси граф Жилинский француз ошналарини зиёфат көлди. Бу зиёфатда жуда азиз меҳмон бўлган Наполеоннинг бир адъютанти, француз гвардиясининг бир иёчта офицери, кўхна француз аристократияси уругидан бўлган бир ёш бола – Наполеоннинг маҳрами бор эди. Мана шу куни Ростов бирор танимасин деб кечаси фускаро кийинни кийиб Тильзитга келди ва Борис билан Жилинскийнинг уйига тушди.

Бутун армия сингари Ростов ҳам душмандан дўстга айланиб колган Наполеон ва французларга ишбаган бош квартира ва Борисда юз берган ўзгаришга тушуниб стмаган эди. Бонапарт ва французларга карши армида газаб, нафрат ва кўркувдан иборат мураккаб бир ҳис ҳавуз кучли эди. Ростов якиндагина Платов полкidan бўлмиш бир казак офицер билан гаплашганида, агар Наполеон асир олинса, унга шаханшоҳ деб эмас, жинояткор деб муюмала кўнлар эдик, деб баҳслашган эди. Якиндагина Ростов йўлда бир ярадор француз полковнингини учратиб, конуний подшоҳ билан жинояткор Бонапарт орасида хеч қандай сулҳ бўлиши мумкин эмас, деб кизишиб галирган эди. Шунинг учун Ростов Бориснинг квартирасида француз мундирлардаги офицерларни кўриб хайрон қолди, чунки жанг майдонида бу мундирларга тамомал бошпача карашга ўрганиб колган эди. Эшикдан бошини чиқариб караган француз офицерини кўриши биланок душманни кўрганида ҳамиша пайдо бўладиган ўша уруш хисси, душманлик хисси унинг бутун вужудини камраб олди. У бўсағада тўхтади-да, русчалаб Друбецкой шу ерда турадими, деб сўради. Борис дахлиздан бегона овозни эшишиб югуриб чиқди. Ростовни кўргани замон унинг юзида, аттант, дегандай бир ифода пайдо бўлди.

– Э, сенмисан, хуш келибсан, хуш келибсан, – деди у, хар қалай, жилмайиб, сўнгра Ростовга якин борди. Бирок Ростов унинг дастлабки кайфиятини пайкади.

– Бемаврид келдим, шекилли, – деди Ростов, – кела-

диган эмас эдим-ку, лекин бир иш чикиб колди.

– Йўқ, мен полкдан кандай килиб чикиб келганингта хайрон бўлаётибман. («Лаббай, хозир», – деди у ичкаридан чиккан товушга жавобан.)

– Бемаврид келганга ўхшайман, – деди Ростов яна.

Бориснинг юзидағи аттанг ифодаси йўколди: у, афтидан, нима қилиш тўғрисида ўйлаб бир қарорга келди, шекилли, ўзгача бир осудалик билан Ростовни иккала қўлидан ушлаб, бошка уйга олиб кирди. Унинг Ростовга осудалик билан караётган кўзларини гўё алланечук бир парда, шу хаётнинг кўк кўзойнаги қоплаб турар эди. Ростовга шундай кўринди.

– Кўйсанг-чи, наинки сенинг келишинг bemavrid бўлса, – деди Борис. У Ростовни стол ростлаб кўйилган уйга олиб кирди. Унинг исм ва фамилиясини, ҳарбий хизматда бўлиб, гусар офицери ва ўзининг қадрдон дўсти эканлигини айтиб, меҳмонлар билан таништириди – Граф Жилинский Граф Н.Н., капитан С.С., – деди у меҳмонларни Ростовга таништириб. Ростов қовоғини солиб француzlарга каарар экан, истар-истамас таъзим қилиб, индамай кўя колди.

Жилинский сухбатига яна бир рус аралашганини ёқтириди, шекилли, Ростовга индамай кўя колди. Борис янги одам меҳмонларга малол келганлигини сезмагандай Ростовни кандай хуш алпозда кабул килган бўлса, ҳануз ўша алпозда ва ҳамон кўзларини ўша парда қоплаган ҳолда ўтириб, сухбатни кизитишга тиришар эди. Француzlардан бири чурк этмай ўтирган Ростовга юзланиб, француzlарга хос одоб билан: – Тильзитта императорни кўраман деб келгандирлар-да, – деб сўради.

– Йўқ, ўзимнинг ишим бор эди, – деб кўя колди Ростов.

Бу жавоб Борисга ёқмаганлигини пайқаб Ростовнинг таъби хира бўлди ва одатда таъби хира бўлган одамга туюлгандек худди ҳамманинг кўзига ёмон кўринаётгандай, ҳаммага халал берәётгандай бўлди, назарида. Ҳакикатан ҳам, у ҳаммага халал бериб, яна бошланган сухбатга кўшилмай бир чеккада ўтирас эди. Меҳмонларнинг ҳар бир караши унга: «Бу ерда нима қилиб ўтирибди», – деяётгандай

бўлар эди. У ўйнидан туриб, Бориснинг олдига келди.

– Мен сени сикиб кўйдим, – деди у секин, – юр, айтадиган галимни айтиб, кейин кета колай.

– Йўт-э, хеч ҳам, – деди Борис. – Агар чарчаган бўлсангт, юр, менинг уйнимга кириб чўзил, дам ол.

– Ха, ростдан ҳам...

Иккови кичкинагина уйга, Бориснинг ётогига кирди. Ростов ўтирумасдан худди Борис бир гуноҳ килиб кўйгандай ташанг бўлиб, Денисовнинг ишини галириб берди ва уйдан «Генералинг орқали Денисов тўғрисида шоҳдан кечирим сўраш ва хатни унга етказиш кўлинигдан келадими?» – деб сўради. Иккови холи колганда Ростов Бориснинг кўзига карай олмаслигига биринчи марта ишонч ҳосил килиди. Борис оёғини чалмаштириб, чап кўли билан ўнг кўлининг ингичка бармоқларини силаб, худди кўл остидаги кишининг бераётган маълумотига қулоқ солаётган генералдай гоҳ атрофга бокиб, гоҳ ўша парда коплаган кўзлари билан Ростовга тикка караб, унинг сўзларини тинглар эди. Ростов ҳар гал кўз кўзга тушганда хижолат бўлиб ерга карап эди.

– Шунака бир иш бўлганиларини эшилган эдим, лекин шуни биламанки, подшох бу хусусда жуда каттиқкўл. Буни зоти олийга билдириш керак эмас, деб ўйлайман. Менимча, тўтридан тўгри корпус командирига илтимос қилиш яхшироқ. Умуман, менимча...

– Эрдам қылгинг келмаса, тўғрисини айтиб қўя қол, – деди Ростов Бориснинг кўзига қарамай, деярли кичкириб.

Борис кулимсиради.

– Аксинча, кўлимдан келган ёрдамни киламан, лекин мен ўйлаган эдимки...

Шу чоғ нариги уйдан Жилинский Борисни чақирди.

– Хўп бор, бор... – деди Ростов. У зиёфатта ҳам чикомай, кичкина бўлмада ёлғиз ўзи анчагача нари-бери юриб, французларнинг нариги уйдан чиқаётган говур ва кулгисига қулоқ солди.

Ростов Денисовнинг иши тўғрисида гаплашиш учун Тильзитта нокулайрок бўлган бир кунда келди. У фрак кийганлиги ва Тильзитга бошлиғидан ижозатсиз келганлиги учун навбатчи генерал ҳузурига ўзи киролмас, Борис эса, истаган тақдирда ҳам бу ишни Ростов келган куннинг эртасига килолмас эди. Шу куни, 27-июньда, ярашнинг дастлабки шартлари имзоланган эди. Императорлар бир-бирига орден берди: Александр «Фахрий легион» ордени, Наполеон эса биринчи даражали Андрей орденини олди ва француз гвардияси батальонининг Преображенский батальонига берадиган зиёфати ҳам шу кунга тайинланган эди. Шаҳаншохлар шу зиёфатга келишлари керак эди.

Ростов Бориснинг олдига келиб, шу кадар ўнгайсиз ахволда қолди ва ундан шунчалик ихлоси қайтдики, меҳмонлар кеттандан кейин Борис кирганида ўзини уйкуга солди ва афтини кўрмайин, деб эртасига эрталаб чиқиб кетди. Ростов эгнида фрак, бошида шляпа, француздарни ва уларнинг мундирларини, рус ва француздарни императорлари турган кўча ва ҳовлиларни кўриб, томоша килиб, шаҳарда айланиб юрди. У зиёфатта хозирлик кўриб майдонга столлар кўйилётганини, кўчаларда рус ва француздарни байроқлари рангидаги матоларга катта килиб А Н түгролари¹ ёзиб кўйилганлигини кўрди. Уйларнинг деразаларига ҳам байроқ ва түгролар осиб кўйилган эди.

«Борис ёрдам қилишни истамади, мен ҳам ундан ёрдам сўрамайман. Шу гап – гап, – деди Николай ўзича. – Орамиз очиқ, аммо мен Денисовнинг иши тўғрисида қўлимдан келганича харакат килмасдан, ҳаммадан ҳам кўра муҳими, хатни шаҳаншоҳга бермасдан бу ердан кетмайман. Шаҳаншоҳга!! Шаҳаншоҳ шу ерда!» – деди Ростов Александр тушган ҳовлига беихтиёр яқин келиб.

Шоҳнинг чишигига тайёргарлик кўрилаётган бўлса керак, мулозимлар келишмоқда, ҳовлининг олдида отлар турар эди. «Шаҳаншоҳни, албатта, кўраман, – деди Ростов ичида, – шу хатни ўз қўлим билан бериб, ҳамма гапни айтиб

¹ Түгро – маҳсус безакли белги, шартли сўз, расм.

бера олсам эди... Нахотки фрак кийганим учун мени камаб күйишса? Йүг-е! Шаҳаншоҳ ким ҳакти эканини билбиш күяр эди. У ҳамма нарсага тушунади, ҳамма нарсанни билади. Ундан одилрок ва олижаноброк одам борми? Хўп, бу ерда турганим учун мени камаб күйишса, нима бўлибди? – деди ўзича шаҳаншоҳ турган ҳовлига кириб кетаётган офицерга караб. – Мана, одамлар кираётибди-ку! Ҳаммаси бехуда гап. Тўғри кираман-у, хатни шаҳаншоҳга тутаман: мени шунга мажбур қилган Друбецкойга ёмон бўлади». Ростов чўнтагидаги хатни пайпаслаб кўриб, ўзи ҳам кутмаган бир дадиллик билан шаҳаншоҳ турган ҳовлининг эшигига томони йўналди.

«Йўк, энди Аустерлицдагидай фурсатни кўлдан бермайман, – деди у шаҳаншоҳнинг хозир чиқиб колишини кутиб ва энтишиб. – Оёғига йиқилиб арз қиласман. У мени тургизиб, арзимни тинглайди, хатто ташаккур айтади». Ростов шаҳаншоҳ менга: «Бирорвга яхшилик қиссан, кўп хурсанд бўласман, лекин адолатсизлик ўрнига адолат ўрнатиш буюк бир баҳтдир», – деб хаёл қиласман эди. Шаҳаншоҳ турган ҳовлининг эшиги олдида Ростовга «ким экан бу» дегандай караб турган одамларни четлаб ичкарига кириб кетди.

Эшикдан кирибок, кенг зинадан юкорига чиқилар, ўнг томонда бир ёник эшик, зинанинг остидаги эшикдан пастки қаватга тушилар эди.

– Ким керак? – деди кимдир.

– Зоти олийга хат, илтимоснома бермоқчиман, – деди Николай қалтирок товуш билан.

– Илтимоснома бўлса, навбатчига беринг, марҳамат, мана бу ёкка, – унга пастдаги эшикни кўрсатишди. – Лекин кабул қилинмайди.

Ростов бу локайд товушни эшитиб, ўз қилмишидан кўркиб кетди: шаҳаншоҳга ҳар чоғ рўпара келиб қолишим мумкин, деган фикр уни шу қадар вассасага солар ва шунинг учун бу фикр шу қадар кўркинчли эдик, у қочиб кетишга ҳам тайёр эди, бирок уни карши олган камер-фуръер¹ навбатчи турган эшикни очди ва Ростов ичкарига кирди.

Уйда ўрта бўйли, семиз, ўттис ёшларга борган, ок ҷол-

¹Камер-фуръер – Чор Россиясида б-даржални амалдор.

вор ва күнжи узун этик, ок батист күйлак (хозиргина кийган бўлса керак) кийган бир киши турар, камердинер унинг орқасида туриб ипак кашта тикилган чиройли подтяжкасини¹ тутгаламоқда эди. Ростовнинг кўзи негадир шу подтяжкага тушди. Бу одам нариги уйдаги ким биландир сўзлашмоқда эди.

Ростов кирганда у:

– Қад-қомати келишган, яхши нарса, – деяётган эди.

Ростовни кўриб, гапдан тўхтади ва қовогини солиб:

– Хўш, нима дейсиз, илтимоснома? – деб сўради.

– Нима ўзи? – деб сўради нариги уйдаги киши.

– Яна биттаси арзга келибди, – деб жавоб берди подтяжкали киши.

– Айтинг, бошқа вактда келсин. Ҳозир чикадилар, жўнаш керак.

– Кейин, кейин, эртага келинг... Ҳозир фурсат йўк...

Ростов чиқиб кетмоқчи бўлган эди, подтяжкали киши тўхтатиб:

– Илтимоснома кимдан? Сиз ким бўласиз? – деб сўради.

– Майор Денисовдан, – деб жавоб берди Ростов.

– Сиз ким бўласиз? Офицермисиз?

– Мен поручик, граф Ростов бўламан.

– Жасоратни кўринг-а! Аризани ўз командирингизга беринг. Боринг, боринг, – деди ва камердинер тутган мундирини кия бошлади.

Ростов қайтиб даҳлизга чиққанда, эшик олдида тўла парад формасидаги бир канча офицер ва генераллар турган эди. Николай шуларнинг олдидан ўтиб кетиши керак эди.

Ростов дадиллигим ҳам курсин деб, ҳар чоғ шаҳаншохга рўпара келиб қолишдан ва унинг олдида шарманда бўлиб, сокчи билан жўнатилишидан кўркиб, жуда хунук иш қилиб кўйганини англаб, ерга қараганича эшикдан чиқиб, ўзларига оро берган мулошимлар орасидан ўтиб кетаётган эди, таниш бир овоз уни чақирди ва бир кўл йўлини тўсади.

– Сиз, отагинам, фрак кийиб бу ерда нима қилиб

¹Подтяжка – шимни кўтариб, тутиб туриш учун икки елка оша тортиб ёйиладиган тасма.

юрибсиз? – деб сүради йүгон бир товуш.

Бу одам шу урушда шаҳаншохнинг айрим марҳаматига сазовор бўлган суворий генерали бўлиб, Ростов хизмат киладиган дивизиянинг собик бошлиғи эди.

Ростов, у-бу деб амал-такал кила бошлаган эди, бирок генералининг очик чехра билан илжайиб турганини кўриб четта чиқди-да, ҳаяжон ичидан бутун воқеанинг айтиб берди ва генералдан ўзи биладиган ўша Денисовнинг ишига аралашибини сўради. Генерал Ростовнинг сўзларини эшиттандан кейин жиддий равишда бош чайқади:

– Аттанг, аттанг, яхши йигит эди, канн, ҳатни бер-чи.

Ростов ҳатни бериб, Денисовнинг бутун ишини айтиб беришга улгуар-улгурмас, шпорларини жиринглатиб, зинадан тез-тез тушиб келаётган кишиларнинг қадам товуши эшитилди. Генерал зинага яхинрок бориб турди. Шаҳаншохнинг мулозимлари зинадан тушиб отларга томон боришиди. Аустерлицга борган ўша жиловдор Энс шаҳаншохнинг отини олиб келди ва зинадан енгил қадам товуши эшитилди, бу қадам товушини Ростов дарров билди. Ростов бирор таниб қолиши хавфини ҳам унугтиб бир неча томошабин аҳоли билан бирга эшик олдига яқин борди ва хурмат килиб юргани ўша юзни, ўша ангорни, ўша кўзни, ўша рафторми, ўша буюклик ва ҳалимлик тажассумини икки йилдан кейин яна кўрди. Шаҳаншоҳга нисбатан бўлган мухаббат ва мағтунлик туйғуси унинг қалбида яна бурунгидай аланга олди. Преображенскийчилар мундири, оқ лос терисидан тикилган шим, кўюни узун этик кийган, Ростов билмайдиган юлдуз тақсан (бу «Фахрий легион» ордени эди) шоҳ шляпасини кўлтиғига кистириб, йўлсанай кўлқоп кийиб эшик олдига чиқди. У тўхтаб кўз караши билан ҳамма ёқни мунаввар килиб, атрофга назар солди, баъзи генералларга бир неча оғиз сўз айтди, Ростов хизмат киладиган дивизиянинг собик бошлиғини таниб, кулимсиради ва чақирди.

Барча мулозимлар йўлни бўшатишиди, Ростов генералнинг шоҳга нима тўғриладир узок гапирганини кўрди.

Шоҳ генералга бир неча оғиз сўз айтди-ю, отига томони бир қадам босди. Мулозимлар ва томошабинлар (Ростов ҳам

шуларнинг орасида эди) шохни ўраб олди. Шох эгарнинг кошини ушлади-да, суворийлар генералига караб, хаммага эшилтириб, баланд овоз билан:

— Кўлимдан келмайди, генерал, чунки конун мендан кучлироқ, — деди-ю, оёгини узангига кўйди. Генерал таъзим қилиб бош эгди. Шох отига миниб чоптириб кетди. Ростов хурсандлигидан ўзини унугиб, оломон билан бирга унинг кетидан чопди.

XXI

Шох кетган майдонда, ўнг томонда преображенский-чилар батальони, сўл томонда папок кийган француз гвардия батальони юзма-юз саф тортиб турар эди.

Шох милтиқ кўтариб салом вазиятида турган бир батальон канотига яқинлашганда нариги томондаги канотта бошка отликлар от кўйиб келишди ва Ростов уларнинг олдида келаётган Наполеонни таниди. Бу, албатта, ўшанинг ўзи эди. Наполеон бошида кичкина шляпа, Андрей лентасини елкасидан ўтказиб олган, ок камзули устидан кийган кўк мундирининг олди очик, устига тўқ кизил зардўзи жул ташланган зотли кўк араб отини чоптириб келмоқда эди. У Александрнинг олдига келганида, шляпасини кўтариб салом берди, шунда суворий Ростов Наполеоннинг эгарда ўнгайсиз ва зўрга ўтирганини пайкади. Батальонлар «ура» ва «Яшасин император!» деб кичкирди. Наполеон Александрга бир нима деди. Иккала император отдан тушиб бир-бирига кўл берди. Наполеон ёқимсиз, сохта табассум килиб турар эди. Александр мулоимгина жилмайиб унга алланима деди.

Француз жандармларининг¹ отлари томошабинларни босиб олай дейишига қарамай, Ростов император Александр билан Наполеондан кўзини олмай, уларнинг ҳар бир ҳаратини кузатиб турар эди. Уни худди кутилмаган ҳодисадек, шу нарса ҳайратда колдирдики, Александр ўзини Бонапарт

¹ Жандарм (французча: gendarmerie – куролланган кишилар) – айрим мамлакатларда сиёсий мухофиза, тинтув ишлари олиб бориш, давлат тузумига эзд иш олиб борувчиларга карши кураш учун хизмат кыладиган сиёсий полиция ходими.

билан төңг тутар, Бонапарт ҳам Александр билан бу ясни-лашуви табиий ва одатдаги бир ҳолдек рус шохи билан ўзини баробар тутиб, бемалол мумоматла кылтар эди.

Александр билан Наполеон орқаларидан мулоғизм-ларини эргаштириб, томошибинларга томон бостириб келиб, Преображенский батальонининг ўнг канотида тұхтади. Оломон императорларга түсатдан шундай яхин бўлиб қолдики, томошибинларнинг олдинги категорида турган Ростов «Мени таниб колмасин тағин» деб кўркиб кетди. – Зоти олийлари, аскарларнингиздан энг ботирига «Фахрий легион» ордени тақдим этишга рухсат беринг, – деди баланд бир овоз жуда бурро килиб.

Бу гапни паст бўйли Бонапарт юкорига, Александрининг кўзига караб айттаётган эди. Александр бу сўзларга диксат билан кулоқ солиб, бош эгди-ю, ёқимили табассум қилди.

Наполеон қаршиисида ҳамон гоз туриб олчишлаётган ва қимир этмай ўз императорларнга караб турган рус аскарлари сафиға Ростовнинг ғашига тегадиган бир гуур турган кериллаб назар ташлар экан, дона-дона килиб яна илова қилди:

– Бу урушда ҳаммадан кўпроқ ботирилик кўрсатган аскарга.

– Зоти олийлари, рухсат этадиларми, полковникнинг фикрини сўрасам? – деди Александр ва батальон командири князь Козловскийга томон шошиб бир неча қадам кўйди. Бу орада Бонапарт кичкина, оппок кўлидан кўлқопини ечиб олди-ю, йиртиб ташлади. Адъютант орқадан югуриб келиб, кўлқопни ердан олди.

– Кимга бериш керак? – деб сўради секин император Александр Козловскийдан русчалаб.

– Зоти олийлари кимга буюрсалар.

Шоҳ энсаси котиб, кошини чимирди-да, орқасига қайрилиб:

– Унга жавоб бериш керак ахир! – деди.

Козловский бир карорга келгандай аскарлар сафиға назар ташлади, Ростов ҳам шу томонда турган эди.

«Мени ахтармаётибдимикин?» – деди Ростов ичилади.

– Лазарев! – деб буйруқ берди полковник қовогини

солиб. Сафда турган биринчи аскар Лазарев югуриб олдинга чиқди.

– Қаёкқа? Мана бу ерда тур! – дейишди каёкка боришини билмай турган Лазаревга шивирлаб. Лазарев ўти ёрилиб, полковникка кўз кири билан қараганича тўхтади ва саф олдига чикарилганда аскарнинг ранги қандай ўчса, бунинг ҳам ранги шундай бўзариб кетди.

Наполеон бошини бир томонга сал буриб, бир нарсани олмоқчи бўлгандай оппок ва семиз қўлини оркага чўзди. Унинг мулоғимлари император нимага кўл чўзганини фаҳмлаб шошиб қолишидди, бир нарсани бир-бирларига узатишиб шивирлашди; Ростов кеча Бориснинг уйидаги кўрган маҳрам бола югуриб бориб дархол Наполеоннинг кўлига кизил лентали орденни одоб билан берди. Наполеон қарамасдан орденни икки бармоғи билан олди. Наполеон ўз императоригагина бакрайиб қараб турган Лазаревнинг олдига келди ва бу қилаётган ишим фақат ўз иттифоқчим учун, демоқчи бўлгандай император Александрга кўз ташлади. Орден ушлаган кичкина оппок кўл аскар Лазаревнинг тутмасига тегди. Наполеон гўё шуни билар эдики, бу аскарнинг умрбод баҳтиёр бўлиши, мукофотланиши ва ҳамманинг ичидаги ажralиб туриши учун ўзининг, яъни Наполеоннинг муборак кўли унинг кўкрагига тегиши керак. Наполеон орденни Лазаревнинг кўкрагига тегизиши билан худди хоч аскарнинг кўкрагига ёпишиб қолишини билгандай дарров қўлини туширди-ю, Александрга каради. Хоч, ҳақиқатан ҳам, ёпишиб қолди.

Хизматта тайёр турган рус ва француздар хочни илиб олиб, мундирга қадаб кўйишидди. Лазарев каршисида бир нима қилаётган, қўллари оппок ва ўзи кичкинагина кишига қовоғини очмай бир кўз ташлади-ю, ҳамон гоз туриб яна Александрга тикилди. Унинг бу қараси Александрдан гўё турга турайми ё сафга киришимни буюрасизми ёки яна бирон гап борми, деб сўраётгандай эди. Бирок унга ҳеч қандай буйруқ бўлмади ва у шу ҳолатда анчагача тек туриб колди.

Императорлар отланиб жўнашди. Преображенскийчилар сафларини бузиб, француз гвардиячилари билан аралаш-куралаш бўлиб, ростлаб қўйилган столларга ўтиришди.

Лазарев түрдә ўтирар эди; уни хамма құчоқтар, табриклар, рус ва француз офицерләри күлини сиқишаң эди. Офицерләр ва томошабинлар оломони Лазаревни бир күриш учун ёпирлиб келар эди. Столлар қўйилган майдонни рус, француз говури ва қалкаласи босиб кетган эди. Юзлари кипкизил ва ниҳоятда хурсанд иккى офицер Ростовнинг ёнидан ўтиб кетди.

– Зиёфатни кара-я. Барча идиш-товоқтар кумушдан-а. Лазаревни кўрдингми? – деди бири.

– Кўрдим.

– Эртага преображенскийчилар ударни зиёфат килишар эмиш.

– Лазаревни айт-а, омадини кара-я! Умрбод энди 1200 франк пенсия олади!

– Шашкани кўр-а-а! – деб кичкирди преображенскийчилардан бири француз попогини кийиб.

– Аломат-а, аломат!

– Эшитдингми? – деди гвардиягчи офицер иккинчисига, – ўтган куни Наполеон – Франция – ботирлик эди; кечак Александр – Россия – буюклик бўлди, бир кун бизнинг шох уларни мақтайди, бир кун Наполеон. Эртага шох француз гвардиясининг энг ботир аскарига Георгий хочини беради. Бермасдан бўладими? У бергандан кейин, бу ҳам бериши керак-да.

Борис ҳам ўз ўртоги Жилинский билан преображенскийчилар зиёфатини томоша килгани келган эди. Қайтиша Борис муюлишда турган Ростовни кўриб қолди.

– Ростов! Салом, бугун кўришганимиз ҳам йўқ, – деди Борис ва Ростовнинг хафа ва паришонлигини кўриб, – сенга нима бўлди? – деб сўради.

– Ҳеч нарса, – деди Ростов.

– Уйга кирасанми?

– Ҳа, кираман.

Ростов муюлишда туриб, базм қуриб ўтирганларни узокдан анчагача томоша килди. Унинг бошига минг хил фикр-хаёллар келар эди-ю, лекин биронгасини ҳам охирига етказолмас эди. У ёмон хаёлларга борар эди. Гоҳ унинг кўз

олдига буткул ўзгариб кетган چа шумшайиб колган Денисов, кўл-оёғидан ажралганлар, касаллар ётган ифлос госпитал келар эди. Унинг димогига касалхонанинг сассик хиди шунчалик ургандай бўлдики, бу хид каёқдан чиқаёттанини билмокчи бўлиб атрофга каради. Гоҳ унинг эснга хозир император бўлиб турган ва император Александр яхши кўрадиган, хурмат қиласидан, кўллари оппок, мағрур Бона-парт тушар эди. Нима учун одамлар оёғидан, кўлидан ажради, ўлиб кетди? Гоҳ унинг кўз олдига мукофот олган Лазарев ва жазо берилган, гунохи кечирилмаган Денисов келар эди. У шундай ғалати фикр-хаёлларга борганини пайқаганида ўзи ҳам кўркиб кетди.

Преображенскийчилар еяётган овкат хиди ва очлик уни ўзига келтириди. Йўлга чикишдан олдин бирон нарса еб олиши керак эди. У эрталаб кўрган меҳмонхонасига борди. Меҳмонхона ўзига ўхшаш фуқароча кийим кийиб келган офицерлар ва бошқа одамлар билан шу қадар тўлган эдикি, Ростовга зўрга овкат тегди. Ўз дивизиясидан бўлган икки офицер унинг ёнига келиб ўтиришди. Гап, табиий, сулҳ тўғрисида кетди. Ростовнинг ўртоклари бўлмиш бу офицерлар ҳам армиянинг кўпчилик кисми сингари, Фридланд урушидан кейин бўлган бу сулҳдан норози эди. Яна туриб берилса, Наполеон ҳароб бўлар эди, чунки кўшинлари сухарисиз, ўқ-дорисиз колган эди, дейишарди. Николай индамасдан овқат ер ва кўпроқ ичар эди. У ёлғиз ўзи икки шиша вино ичди. У хаёлини банд қилаётган нарсаларнинг тагига ета олмасдан кийналар, бу хаёлларга берилиб кетишидан кўркса ҳам, лекин ўзидан йироклаштира олмас эди. Бир офицер «Француzlарни кўрганда кишининг алами келади» деганида, Ростов тўсатдан бекордан бекор шу қадар газабланиб бакирдики, офицерлар хайрон бўлишди.

– Ундоқ қилса, яхши бўлар эди, бундоқ қилса яхши бўлар эди, дейишни сизга ким кўйибди! – деб бакирди Ростов бирдан қизариб, – шоҳ қилган иш тўғрисида у-бу дейишга сизнинг нима ҳакингиз бор? Биз шохнинг мақсад ва муддаосини қаёқдан биламиз?

– Мен шоҳ тўғрисида оғиз очганим йўқ-ку, – деди

офицер Ростовнинг бу кизишуви мастилик оқибати эканини тушуниб.

Лекин Ростов унинг сўзига қулок солмади.

– Биз дипломат чиновниклари эмас, фалкат астармиз холос, – деди у давом этиб, – ўлгин, деса ўладиган одамлармиз. Жазо беришса, демак, гунохкормиз; у-бу деб ўтиришни бизга ким кўйибди! Императоримиз Бонартени зътироф килиб у билан иттифок тузибдими, демак, шундок бўлиши керак экан. Биз ҳар бир ишни мухокама килиб ўтирасак, унда подшохнинг амри вожиблити каёкда колади?

– У столни муштлади, – унда биз худони ҳам танимаган бўламиз, бошкасини ҳам, – деди. Унинг бу сўзи ўртокларининг наздидага ўринсиз бўлса ҳам, лекин ўзининг шу тобдаги холатига кўра ўринилди.

– Бизнинг ишнимиз ўйлаш эмас, ўз бурчимизни адо этиб, килич уришлар, вассалом, – деб бақирди Ростов.

– Ҳам ичиш, – деди бир офицер сўзни киска килишини истаб.

– Тўгри, ичиш, – деди Ростов ҳам. – Ҳой, яна бир шиша бер!

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

1808-йилда император Александр Наполеон билан яна учрашиш учун Эрфуртга борди. Петербург олиймақомлари доирасида бу тантанали учрашувнинг буюклиги ҳакида жуда кўп шов-шув бўлди.

1809-йилда икки шохи жаҳоннинг (Наполеон билан Александрни шундок деб аташарди) якинлиги шу даражага етдики, Наполеон шу йили Австрияга уруш эълон килганда, рус корпуси ўзининг собиқ иттифокчиси бўлган Австрия императорига қарши урушда ўзининг собиқ душмани Бона-партга ёрдам бериш учун чет элга караб жўнади; бу якинлик шу даражага етдики, олиймақомлар доирасида Наполеон император Александрнинг сингилларидан бирини олса экти-мол деган гап-сўзлар бўлди. Лекин ўша кунларда рус жамоатчилигининг дикқат-эътибори, ташки сиёсий мулоҳазалардан ташқари, давлат идорасининг барча тармоқларида ўтказилаётган ички ўзгаришларга ҳам айрим эътибор билан каратилган эди.

Бу орада кишиларнинг ҳаёти, соғлиқдан, касалликдан, меҳнатдан, истироҳатдан, фикрдан, илмдан, шеъриятдан, мусиқадан, муҳаббатдан, дўстликдан, душманликдан ва эктирослардан иборат бўлган ҳакикий ҳаёти Наполеон Бона-парт билан сиёсий якинлик ё душманликдан қатъи назар, бўлаётган ўзгаришлардан четда, одатдагича ўз йўли билан ўтмоқда эди.

Князь Андрей икки йил қишлоқдан чиқмади. Пьер ўз мулкларида килмокчи бўлган, лекин унисини кўйиб бунишини бошлаб, биронтасини ҳам охирига етказа олмаган ишларнинг ҳаммасини князь Андрей овозасиз-несиз осонгина бажарди-кўйди.

Пьер қанчалик ношуд, ноуддабуро бўлса, князь Андрей шунчалик улдабуро ва тиришқоқ эди. Ундаги шу хислатларнинг ўзи ошиқча оворагарчиликсиз ишни олдинга сураверар эди.

Унинг бир мулкидаги уч юз дехкон эркин галлакорга айлантирилди (бу Россияда биринчи ходиса эди), бошка мулкларидаги дехконлар эса баршчинадан оброкка ўтказилди. Тугадиган хотинларга караш учун Богучаровога унинг хисобидан ўқиган доя хотин олиб келинди, бир рудоний ундан ойлик олиб, дехконлар ва хизматкорларният болаларини ўқита бошлади.

Князь Андрей вактининг бир кисмини Лисие Горида, отаси ва хануз энагасининг кўлида бўлган ўғли билан бирга, қолган кисмини эса отаси Богучарово монастири деб атаган ўз кишлогида ўтказар эди. У Пьерга ўзини дунёнинг барча ташки ходисаларига кизиомайдиган килиб кўрсатган бўлса ҳам, ҳақиқатда, жуда кизикар эди. У кўп китоб олар, ўзи ёки отасининг олдига хаёт кайнаб турган Петербургдан одамлар келганда, бу одамларният ички ва ташки сиёсатдая ўзи, яни кишлоқдан иккى йил чикмаган одамга караганда хийла орқада колганиклиарини кўриб, ҳайрон бўлар эди.

Ўз мулкларига доир ишлар билан шугулланиш, турлитуман китоблар ўқишидан ташкири, шу вактларда князь Андрей мағлубиятта учраган сўнгти икки кампаниямизни танкидий таҳлил этиш, ҳарбий устав ва тартиб-коидаларини ўзгартириш лойиҳасини тузиш билан ҳам машгул бўлиб юрар эди.

1809-йилнинг баҳорида князь Андрей ўглининг Рязандаги ўз назоратида бўлган мулкига борди.

Князь Андрей ердан энди бош кўтараётган ўт-ўланларга, қайин дарахтининг ёзилаётган япроқларига, кўм-кўк осмонда суза бошлаган оппок баҳор булутларига караб, кўклам кўёшида исиниб, коляскада кетиб борар эди. У хеч нарсани ўйламасдан, баҳри очилиб, атрофни томоша килиб бормоқда эди.

Бултур Пьер билан сухбатлашиб ўтгани – ўша кечувдан, ифлос бир кишлоқдан, хирмон жойлардан, майсазорлардан, кўпрги ёнида ҳали ҳам кор ётган нишабликдан, кор ва ёмғир ювиб кетган тепаликдан, кузда галласи ўриб олинган ва онда-сонда буталар кўриниб турган далалардан ўтиб, кайнинзорга кирди. Ўрмон хийла иссик, шабада йўқ, кўм-кўк

ёпишкок япроклар коплаб ётган қайн кимир этмайди: хазон тагидан барра майсалар ва бинафшалар бош күттармокда. Қайнинorda онда-сонда кўкариб турган абадий кўк арчалар кўзга хунук кўриниб, кишинн эслатар эди. Отлар ўрмонга кирганда пишкирди, хийлагина терлаган эди.

Лакей Пётр кучерга бир нима дегаи эди, кучер бош иргитиб кўяколди. Бирок кучернинг бош иргитиб кўйгани кифоя килмади, шекилли, Пётр ўтирган ерида қайрилиб хўжасига юзланди.

– Тўрам, одам хузур килади-да, – деди у одоб билан табассум килиб.

– Нима?

– Одам хузур килади, дейман.

Князь Андрей ичида: «Бу нима деяпти? Ҳа, кўкламни айтаётиби, шекилли», – деди атрофга караб. – «Ҳамма ёк кўм-кўк... дарров-а? Қайнин ҳам, шумурт ҳам, ольха ҳам дарров... Лекин дуб ҳали куртакламабди. Мана дуб».

Йўл бўйида бир туп дуб турар эди. Ўрмондаги қайн дараҳтларига қараганда, афтидан, ўн баравар қари бўлган бу дуб улардан ўн баравар йўғон ва икки баравар баланд эди. Бу баҳайбат, икки кучокка сиғмайдиган дараҳтнинг кўп шохлари, афтидан, аллакачонлар синиб тушган, пўстлоклари кўчиб, ўрнини чўр босган. Бесўнакай, эгри-бутри кўл ва панжа сингари шохлари билан бу қари дуб яшнаб турган қайнин ниҳоллари орасида кўзга жуда хунук кўринар эди. Факат шугина кўклам латофатига берилмай, на баҳорни кўрар эди, на қуёшни.

«Баҳор, муҳаббат, баҳт-саодат! – дер эди гўё бу дуб, – ҳамон бир хилдаги беҳуда, маъносиз алдов ҳеч кўнгилларингта урмас экан-да! Ҳамон ўша гап, ўша алдов! Зотан баҳор ҳам йўқ, қуёш ҳам йўқ, баҳт-саодат ҳам йўқ. Ана, ўлиқдай бўлиб турган гариб арчаларга қаранг: мана, менга қаранг, орқамданми, ёнимданми, қаеримдан чикқан бўлмасин, эгри-бутри кўлларимни кериб турибман, кандай ўсган бўлсан, шундай турибман, сизларинг орзуларингта ҳам ишонмайман, умидларингта ҳам».

Князь Андрей ўрмондан ўтиб борар экан, худди бир

нарсани куттандай дубга бир неча марта кайрилиб каради. Унинг остида ҳам гул ва майсалар ўстган, лекин дуб була-нинг ўргасида ҳамон шумшайиб, ковогини согланича кимир этмасдан турар эди.

«Ҳа, бу дуб жуда ҳақ гапни айтгаётibди, – дер эди ичида князь Андрей, – бу алдовга бошсалар, ёшлар ишонсин, биз кўпни кўрганмиз, пистонимиз чақилган!» Шу дуб дарахти князь Андреининг кўнглига, умидсиз бўлса ҳам, лекин бир талай янги ёқимли ҳазин фикрларни келтирди. Князь Андрей шу саёхати давомида ўзининг бутун ҳаётини гўё бошкатдан ўйлаб кўрди-ю, хеч канака иш бошламасдан, ёмонлик килмасдан, хеч нарсанинг ташвишини тортмасдан ва хеч нарсани орзу килмасдан колган умримни бир нав килиб ўтказишим керак, деган ўша эски умидсиз холосага келди.

II

Князь Андрей Рязандаги мулкининг васийлик ишларн тўғрисида уезд дворянлар оқсоколи билан учрашувн керак эди. Уезд дворянлар оқсоколи граф Илья Андреич Ростов эди. Князь Андрей май ойининг ўргаларида унинг олдига жўнади.

Баҳорнинг иссик кунлари бошланган. Ўрмон аллақачон кўклам либосини кийган, кўчалар чанг, кун шу қадар иссики, сувни кўрганда кишининг чўмилгиси келар эди.

Князь Андрей оқсоколдан нималарни сўраши кераклигини ўйлаб, хаёлга чўмгани ҳолда хиёбондан ўтиб, Ростовларнинг Отрадноедаги ховлисига келиб колди. Ўнг томондан, дарахтлар орасидан хотинларнинг кийкириги эшигиди ва бир тўда кизлар югуришиб, унинг йўлини кесиб ўтишди. Ҳаммадан олдинда чопиб бораётган кора соч, кора кўз, нозиккина бир кизча коляскага яқин келиб колди. Унинг згнида сарик чит кўйлак бўлиб, бошидаги оқ рўмолчасининг тагидан соч толалари чиқиб турар эди. У бир нима деб кичкириб келаётган эди, бирок бегона одамга дуч келиб, унинг афтига ҳам карамасдан, ҳаҳолаб кулиб, оркасига қайтди.

Князь Андрейга нимадир қаттиқ тегди. Кун шундай яхши, күёш шундай ёгду сочиб турмокда, теварак атроф кишининг баҳрини очади, лекин бу нозикниҳол гўзал киз унинг дунёда борлигини ҳам билмайди, билишни ҳам истамайди, у ўзининг айрим, тўғриси, бехуда, лекин кувнок ва баҳтли ҳаётидан масъуд ва мамнун. «Нимага мунча хурсанд экан? Нимани ўйлаётган экан? Ҳарбий устав тўғрисида, Рязандаги дехқонларни оброкка ўтказиш тўғрисида ўйламаётгандир-ку! Нима тўғрида ўйлаётган экан? «Нимадан мунча масъуд экан?» – дер эди князь Андрей беихтиёр ўзича.

Граф Илья Андреевич 1809-йилда Отрадноеда ҳамон илгаригидай, яъни бутун губерниядан келадиган одамларни кабул этиб, овга чикиб, театрга бориб, зиёфатлар бериб, мусика эшишиб яшар эди. У ҳар бир янги меҳмон келганда кувонганидек, князь Андрейнинг келганига хурсанд бўлди ва уни, жон-ҳолига кўймай, ётгани олиб колди.

Совуккина меҳмондорчилик давомида катта мезбонлар ва муҳтарам меҳмонлар (якинлашиб келаётган имениналар муносабати билан кекса графнинг уйи меҳмонга тўла эди) князь Андрейни гапга солиб ўтиаркан, Болконский нимадир кулиб ўтирган, бошқа ёшлар орасида кўпроқ шўхлик килаётган Наташага бир неча мартаба қараб ўзича: «Нимани ўйлаётган экан бу қиз? Нимадан мунча хурсанд экан?» – деб сўрар эди.

У кечаси бегона жойда ўзи якка қолиб, анчагача ухлай олмади. Китоб ўкиди, кейин шамни ўчирди, яна ёқди. Ички дарпардалар ёпик бўлгани учун уй исиб кетди. Князь Андрей керакли қоғозлар шахарда, хали олиб келингани йўқ, деб уни кечаси қолишга мажбур килган нодон чолни (у Ростовни шундай дер эди) койиди, унинг гапига кириб, кечаси ётиб қолгани учун ўзидан хафа бўлди.

Князь Андрей ўрнидан турди ва деразани очмокчи бўлиб борди. Дарпардани очиши биланоқ ой нури, худди ташқарида кўпдан бери шуни кутиб тургандай, лип этиб уйга кирди. Князь Андрей деразаларни ҳам очиб юборди. Тун салқин, ҳамма ёқ жимжит ва сутдай оппок. Дераза

остида калтакланган бир катор дарахт бўлиб, буларнинг бир томони коп-кора, иккинчи томони эса кумушдек ярнгирар эди. Дарахтларнинг тагида япроқ ва шохчаларининг у ср бу ери кумушдай оқаришиб кўринган берра, нам, жингатак аллакандай бир ўсимлик бор эди. Коп-кора дарахтларнинг у томонида шудринг мигтишлаб турган том, унинг ўнг томонида тана ва шохлари оқаришиб кўринган каттакон садасимон дарахт, унинг тепасида оқаришиб турган, дегрли юлдузиз баҳор осмонида тўлин ой. Князь Андрей деразага тирсакланиб, осмонга караб колди.

Князь Андрей ётган бўлма иккичи каватда бўлиб, юкори каватдагилар ҳам ҳали ухламаган эди. Юкоридан аёлларнинг овози эштилди.

– Яна бир марта, – деди бир аёл. Князь Андрей бу товушни таниди.

– Қачои ухлайсан ахир? – деди бошка бир аёл.

– Ухламайман, уйқум келмаса нима қиласай! Яна бир марта.

Иккала аёл қандайдир бир кўйининг охирги бандини айтди.

– Хўп яхши-да! Мана энди бўлди, ухлаймиз.

– Сен ётавер, менинг уйқум кельмаётиди, – деди биринчи овоз деразага яхин келиб. У деразадан бошини чиқариб энгашди, шекилли, кўйлагининг шитирлаши ва ҳатто нафас олиши эштилди. Ҳамма ёкни жимлик босди, ой ҳам, унинг шульаси ҳам, сояси ҳам котиб колди. Шу ерда турганимни билиб колмасин, леб князь Андрей ҳам кимирлагани кўрсуб колди.

– Соня! Соня! – деди яна ўша биринчи овоз, – ухлаб бўладими! Буни кара, қандай чиройли. Вой, қандай гўзал! Турсанг-чи, Соня! – деди йиглагудай бўлиб. – Бундай чиройли кечакачон бўлган эмас.

Соня истар-истамас алланима деди.

– Йўқ, бир карагин, ой ҳам шундок бўладими! Вой, мунча чиройли бўлмаса! Жонгинам, ширингинам, кел бу ёкка! Кўрдингми? Мана шундай чўнкайиб ўтириб, иккала тиззами махкам кучоклаб, бор кучим билан талпиниб

учсам-кетсам. Мана шундай!

– Кўйсанг-чи, йиқилиб тушасан.

Икковининг тортишгяни ва Соняниг аччиғи келиб:

– Ахир соат бирдан ошди-ку, – дегани эшилди.

– Ҳамма вақт менга шунака киласан-а! Бор! Бор!

Яна жимлик чўқди, лекин князъ Андрей унинг ҳамон ўша ерда турганини сезар, баъзан секин кимирлаганини ва хўрсиниб қўйганини эшитар эди.

– Оббо, қўймадинг қўймадинг-да! – деди у бирдан кичкириб, – ухласам, ухлай колай! – деб деразани ёпди.

Князъ Андрей негадир «менинг тўғримда бирон нарса демасмикин», – деб кўркиб, унинг сўзига кулок қолар экан, ичида: «Менинг бор-йўклигим билан иши ҳам йўк! Яна ўша! Худди жўрттага килаётгандай!» – деди. Унинг қалбида бутун ҳаётига қарама-карши бўлган, кутилмаган бир ёшлик туйғуси ва умиди бирдан уйғониб кетди-да, ҳолатини англашга ўзи ҳам ожизлик килиб, дарров уйкуга кетди.

III

Князъ Андрей эртасига факат граф билангина ҳайрлашиб, хонимларнинг чикишини кутмай, уйига жўнаб кетди.

Июнь ойининг бошлари эди. Князъ Андрей уйга қайтар экан, яна қайнзорга кирди. Уни ҳайратда қолдирган кекса ва кинғир-кийшиқ ўша дуб дараҳти ҳали ёдидан чикмаган эди. Дўғадаги кўнғироқлар ўрмонда бундан бир ярим ой бурунгидан кўра босиқроқ жиринглар, ҳамма ёқ кўм-кўк ва соя-салқин. Ўрмондаги яkkам-дуккам арчалар ҳам ёз латофатига дод солмасдан, ўрмонга мос тушиб, барра новдалари кўм-кўк тусга кирган эди.

Кун жуда иссик, момақалдирок ҳавоси бўлса ҳам, бир парча қора булат чангид ётган йўл ва барра япроқларга тўрттагина ёмғир ташлади, холос. Ўрмоннинг чап томони соя – коронги; ўнг томони хўл, қуёшда мильтиллаб, шабада-дан хиёл тебраниб турар эди. Ҳамма ёқ гуллаган, гоҳ якиндан, гоҳ узокдан булбуллар навоси эшитилиб турар эди.

«Ҳа, мен билан ҳамфир бўлган дуб шу ўрмонда эди, – деди князъ Андрей ичида. – Қани ўзи». У йўлнинг чап томо-

нига қараб ўша дубни кўрди, лекин ахтараётган дуби шу эканини билмасдан, уни томоша килди. Кари дуб буткул ўзгариб, кўм-кўк барра япроқларга бурканиб, кечки кўёш нурида тебраниб турар эди. Қингир-қийшик кўлларидан, танасидаги нурлардан, илгариги умидсизлик ва кайғудан асар ҳам қолмаган эди. Тошдай каттиқ, юз йиллик пўстлоқдан, шундай барра, шундай чиройли япроқлар чиккан эдики, бу япроқлар шу кари дараҳтдан чикқанига киши ишонмас эди. «Ҳа, бу ўша дуб» – деди князь Андрей ва бирдан кулфи дили очилиб, баҳор нашъасига тўлди. Ҳаётида бўлиб ўтган энг яхши дамлар ногоҳ эсига тушди. Осмони баланд Аустерлиц ҳам, хотинининг ўпкалагандай кўринган жонсиз юзи ҳам, кемада ўтирган Пьер ҳам, тун гўзаллигидан хаяжонланган киз ҳам, оппок ойдин кеча ҳам – ҳаммаси бирдан кўз олдига келди.

«Йўқ, ўттиз бир ёшда хаёт тамом бўлмайди, – деди князь Андрей бирдан узил-кесил карорга келиб. – Ўзимда бўлган хислатларни ўзимгина билишим кифоя килмайди, бошқалар ҳам билсин; Пьер ҳам, куш бўлиб осмонга учеб кетмоқчи бўлган анави киз ҳам мени, бир ўзим учунгина яшамаётгандигимни билсин, улар мендан йирокда яшамасин, менинг хаётим бошқаларга ҳам таъсир килсин, ҳаммаси мен билан ҳамнафас бўлсин».

Князь Андрей сафардан кайтиб келгандан кейин, кузда Петербургта кетмоқчи бўлди ва бунга кўп важлар ўйлаб топди. Петербургта бориш ва у ерда ҳатто хизматта кириш учун минг хил бамаъни ва мантикли сабаблар тайёрлаб кўйди.

У бундан бир ой бурун, Кишлоқдан кетиш хаёли бошига келишини тасаввур килмагани каби ҳозир нечук бир вактлар ўзини ҳаётдан четта тортиб юрганига ҳатто тушуна олмас эди. Унга шу нарса очик-равшандай эдики, агар у ҳаёт тажрибасини ишга татбик қилмаса, ҳаётда яна фаол катнашмаса, бутун тажрибалари бекорга кетади ва маъносиз бўлиб қолади. У илгари нечук бўлиб шунака арзимас сабабларга кўра ҳаётдан олган шунча сабокларидан кейин ҳам яна бирон фойда келтириш, бирорвга муҳаббат қўйиш ва баҳтли бўлиш тўғрисида ўйлашни тубанлик бўлар, деб юрганига

энди ҳатто тушуна олмас эди. Энди ақл-идрок уни тамоман бошқа нарасага даъват килар эди. Шу сафаридан кейин князь Андрей кишлоқда зерикадиган, илгариги машғулотлари энди кизиктирмайдиган бўлиб қолди. У кабинетда кўпинча ёлғиз ўтирас экан, дам-бадам ўрнидан туриб ойна олдига борар ва афтига узок карар, кейин ойнадан юзини ўтириб, зулфини юончча тараф ташлаган, зархал рамкада мулоимгина табассум килиб турган мархума Лиззанинг суратига тикилар эди. Лиза энди эрига бурунгидай таънаомуз сўзлар айтмасдан, шундай кулибгина марок билан бокиб турар эди. Князь Андрей қўлини орқасига килиб, гоҳ ковоғини солиб, гоҳ жилмайиб Пъерга, шуҳратта, деразада турган кизга, дубга, хаётини буткул ўзгартириб юборган хотин латофати ва муҳаббатига боғлик бўлган номаъқул ва сўз билан ифода килиб бўлмайдиган жиноятдек махфий фикрлар тўғрисида ўйлаб, нари-бери юрар эди. Мана шундай пайтларда агар унинг олдига бирор кирса, малол келиб, чўрткесар бўлиб, дагал муомала килар эди.

Княжна Марья шундай пайтларда кириб:

– Азиз дўстим, Николушкани хозир ташкарига чикариб бўлмайди. Ҳаво жуда совук, – деб колса князь Андрей мантиқан тўғри бўлса ҳам, лекин ниҳоят даражада совук жавоб қайтариб:

– Ҳаво иссиқ бўлса, бола кўйлакчан ҳам чиқар эди, совук бўлгани учун иссиқроқ кийинтириш керак, иссиқ кийимни шунга чиқарган-да, ахир. Ҳаво совук бўлса, шундек килади киши, наинки болани соф ҳаводан маҳрум килиб уйда олиб ўтирилса! – дер ва шу билан гўё кўнглидан ўтаётган яширин мантиқсиз гапларнинг аламини бирордан олар эди. Княжна Марья бундай пайтларда ақлий меҳнат эркакларни хўп чўрткесар килиб қўяди-да, деб ўйлар эди.

IV

Князь Андрей Петербургга 1809-йилнинг август ойида келди. Бу кунлар ёш Сперанскийнинг шуҳрати ва у килаётган ўзгаришлар айни авжига чиқкан вақт эди. Мана шу август ойида шоҳ коляскада бораётганида коляска агдари-

либ, оёги майиб бўлди ва уч хафта Петергофда туриб. ҳар куни факат Сперанский билан учрашиб турди. Мана шу вактларда сарой мансабларини бекор қилиш, коллежский асессор¹ ва давлат маслахатчиси мансаблари учун имтихон бериш тўғрисидаги жамоатчиликни ташвишга солган иккни машҳур фармондан ташкири, давлат кенгашидан тортиб, давлат маҳкамасигача суд, маъмурият, мотия тартиботини, бутун Россия усули идорасини ўзгариш керак бўлган бутун бошлиқ давлат конституцияси ҳам тайёрланмоқда эди. Император Александр таҳтта чикканида кўнглига туккан, лекин ҳали унча аниқ бўлмаган либерал орзуларини ўз ёрдамчилари бўлмиш Чарторижский, Новосильцев, Коҷубей ва Строгановлар ёрдами билан (Александр ҳазиллашиб буларни южтимоий нажот кўмитаси дер эди) энди рӯёбга чиқармоқда эди.

Энди бу ёрдамчиларнинг ўрнини фуқаро ишлари бўйича Сперанский, ҳарбий ишлар бўйича Аракчеев эгаллади, Князь Андрей келганидан кейин кўп ўтмай камергер сифатида саройда ҳозир бўлди ва қабул маросимида иштирок килди. Шоҳ уни иккни марта кўрди-ю, лекин бирон оғиз сўз ҳам лойик кўрмади. Князь Андрей илгари ҳам мудом «Шаҳаншоҳнинг менга хуши йўқ, менинг юлдузим унга ҳам тўғри келмайди», – деб юрар эди. Шоҳнинг бундай совуқ, эътиборсиз караши унинг ўша тахминини тасдиқлади. Сарой ахллари шоҳнинг бу илтифотсизлигини князь Андреяга изоҳлаб: «1805-йилдан бери хизмат килмаганингиз учун зоти олийлари сиздан норозилар», – дейишиди.

«Бирорни ёқтириш ёки ёқтираслик кишининг ўз иродасига боғлиқ эмаслигини ўзим биламан, – деди ичиди князь Андрей, – шунинг учун ҳарбий устав тўғрисидаги мактубимни шоҳга ўз қўлим билан беришимнинг ҳожати йўқ, бу ишнинг накадар муҳим эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади». У ўз мактуби ҳакида отасининг кадрдан дўсти, кекса фельдмаршални хабардор килди. Фельдмаршал бир вактни белгилаб, уни жуда яхши қабул килди ва мактубни шоҳга етказиш

¹ Коллежский асессор – 1717-1917-йилларда Чор Россиясида 8-дараҳали амалдорлик унвони ва шу унвонни олган шахс.

тўгрисида ваъда берди. Бир неча кундан кейин князь Андрейга, ҳарбий министр граф Аракчеев хузурига кирад эмишсиз, деб хабар килишди.

Тайинланган куни эрталаб соат тўккизда князь Андрей граф Аракчеевнинг кабулхонасида ҳозир бўлди.

Князь Андрей Аракчеевни шахсан билмас ва уни танимас эди, лекин унинг тўгрисида эшигтан гаплари ундан ихлосини қайтарган эди.

Князь Андрей бошка катта-кичик одамлар қатори граф Аракчеевнинг кабулхонасида кутиб ўтирас экан, «Бу одам ҳарбий министр, шаҳаншохнинг ўнг кўли, унинг шахсий хислатлари билан кимнинг иши бор, модомики, менинг мактубимни кўриш шунга топширилибдими, демак, унинг кандай хал бўлиши шу одамга боғлик», – деб ўйлар эди.

Князь Андрей хизматда, кўпроқ адъютантлик хизматида бўлган вақтларида катта кишиларнинг қабулхоналарини кўп кўрган эди, шунинг учун хам кабулхоналарнинг ҳамма икир-чикирларини яхши билар эди.

Граф Аракчеевнинг қабулхонаси бошка бир характердаги қабулхона эди. Навбат кутиб ўтирган кичик одамларнинг юзидан қимтинганликлари, итоаткорликлари кўриниб турар, каттароқ мансабдорларнинг юзида эса такаллусизлик, ўзидан, ўз ҳолати ва кутуб турилган кишидан кулиш никоби остига яширилган ўнғайсизлик аломати бор эди. Буларнинг баъзи бирлари ўйчан нари-бери юрар, баъзилари шивирлашиб кулишар, князь Андрейнинг кулогига: «Сила Андреич» деган лақаб ва «амакинг кўрсатади» деган сўзлар чалинди, бу сўзлар ҳаммаси граф Аракчеевга картилган эди. Бир генерал (катта бир шахс) кўп кутиб колганига нафси койиб, оёғини чалмаштирганича ўзидан ўзи тиржайиб ўтирас эди.

Бирок эшик очилиши билан ҳамманинг юзидан факат бир нарса – кўркув аломати акс этди. Князь Андрей навбатчига менинг келганимни яна бир айтиб қўйинг, деган эди, бошқалар захарханда қилиб, навбатингиз ўз вақтида келади, дейишди. Адъютант министрнинг кабинетига бир неча кишини олиб кириб, олиб чикқандан кейин бу даҳшат-

ли эшикка бир офицерни киргизди. Офицернинг юзидаги хақирилик ва кўркув аломати князь Андрейни хайратда колдирди. Офицер ичкарида узок туриб қолди. Баногоҳ ичкаридан бакириқ эшитилди-ю, ранг-кути ўчган офицер лаблари пирпираган холда чиқди-да, бошини ушлаганича одамларнинг олдидан ўтиб кетди.

Шундан кейин князь Андрейни эшик олдига ўтизишиб ва навбатчи секин унинг кулогига: «Ўнга, дераза томонга», – деди.

Князь Андрей унча ҳашаматли бўлмаган, лекин озода кабинетта кириб, стол кетида бели узун, боши узунчоқ, сочи катта килиб кирсилган, юзини йирик ажин босган, хунук кўк кўзлари устидаги кошлари чимирилган, кип-кизил бурни кайрилган кирқ ёшлардаги бир одамни кўрди, Аракчеев бошини князь Андрейга томон буриб, унинг юзига карамасдан:

– Хўш, нима арзингиз бор? – деб сўради.

– Менинг ҳеч кандай арзим йўқ, жаноби олийлари, – деди князь Андрей секин. Аракчеев унга қаради.

– Ўтиринг, князь Болконский, – деди у.

– Менинг ҳеч кандай арзим йўқ, лекин император ҳазратлари менинг мактубимни жанобларига ҳавола килган эканлар.

– Мътъумлари бўлсинки, азизим, мактубингизни ўқиб кўрдим, – деб Аракчеев унинг сўзини бўлди ва гапни юмшоклик билан бошлаган бўлса ҳам, яна унинг юзига карамасдан, борган сайин тўнғиллаб давом этди. – Янги ҳарбий конунлар таклиф килмоқчимисиз? Конун кўп, ҳали эсқилари ҳам бажарилаётгани йўқ. Ҳозир ҳамма ҳам конун ёзалиган бўлган, чунки конунни бажаришдан кўра, ёзиш осонрок.

– Мен мактубимнинг оқибатини билиш учун жанобларининг хузурларига шаханшохнинг амрлари билан келдим, – деди князь Андрей одоб билан.

– Мактубингизга резолюция¹ кўйиб комитетга² юбор-

¹ Резолюция (латинча: resolutio – карор) – йигитлиш, мажлис, конференция ва бирор масала мудокамасидан кейин кабул килинган карор.

² Комитет (французча: comité – топширама, юклайман) – 1) маҳсус, алоҳиди чоратабирлар ўтикашиб ёки бирор соҳа-тармоқла раҳбарлик килиш учун ташкил

дим. Мен маъкул кўрмайман, – деди Аракчеев ёзув столи-
нинг тортмасидан қоғозни олар экан. – Мана! – деди қоғозни
князь Андрейга узатиб.

Қоғознинг бир бурчига қалам билан бош ҳарфга ҳам,
имлога ҳам, тиниш белгиларига ҳам риоя килинмасдан
шундай деб ёзилган эди:

«Юзаки тузилган қайсики француз ҳарбий уставига
таклидан кўчирилган ҳарбий конун-коидадан эҳтиёжсиз
четта чикқан».

– Мактуб қайси комитетта юборилган? – деб сўради
князь Андрей.

– Ҳарбий устав комитетига юборилган, жанобларини
аъзо қилиб олиш тўғрисида мен томондан тавсия қилинди.
Лекин маошсиз.

Князь Андрей кулимсиради.

– Менга кераги ҳам йўқ.

– Маошсиз аъзо, – деди Аракчеев яна. – Гап шу. Ҳой,
чакир, ким бор яна? – деб бакирди у князь Андрейга таъзим
килар экан.

V

Князь Андрей комитет аъзолигига тайин қилинишини
кутиб, эски танишлари билан, айникса, сўзлари ўтадиган ва
бирон фойдалари тегишига кўзи етадиган танишлари билан
яна ошначилик қила бошлади. Князь Андрей бир вактлари,
жанг арафасида, жонсарак бир марок ҳол-жонига қўймай
уни миллионларнинг тақдири боғлик бўлган, келажакни ҳал
қиласидиган олиймакомлар доирасига тортган вактларда
кандай ҳисни бошдан кечирган бўлса, ҳозир, Петербургда
шундай ҳисларни бошдан кечирмоқда эди. У қарияларнинг
тажанглигидан, хабардор бўлмаганларнинг қизишидан,
хабардор бўлганларнинг оғирлигидан, ҳамманинг ҳовли-
қиши ва ташвишмандлигидан, мавжудлигидан энди вokiф
бўлаётган сон-саноқсиз комитет, комиссиялардан шуни

тиладиган давлат органи (бу ерда шу маънода); 2) сиёсий партиялар ва жамоат
ташкилотларида жамоа сайлаб қўядиган раҳбарий орган.

сездикі, хозир 1809-йилда шу ерда, Петербургда жуда катта ўзғаришга тайёрғарлық кўрилаётиди ва бу ўзғаришга у танимайдиган ва, назарида, ажойиб гениал¹ киши бўлиб кўрнинган Сперанский сарқардалик кылмоқда, ўзи дурустРОК тасаввур эта олмаган ўзғаришга ҳам, бу ўзғаришнинг асосий ташаббускори бўлган Сперанскийга ҳам князь Андрей шу кадар кизикдиси, ҳарбий устав иши тез кунда унинг учун унча муҳим иш бўлмай колди.

Князь Андрей бир мавке туттган эдикі, унинг учун Петербургнинг ўша замондаги барча турли-туман ва олий-мақом донраларига кириши жуда осон эди. Ўзғаришчилар доираси князь Андрейни хурсандлик билан карши олиб, ўзига тортмоқчи бўлди, чунки у, биринчидан, асл-идрокли ва ўқимишли бўлиб ном чиқарган бўлса, иккинчидан, дех-конларни озод килиш билан либералликда ном чиқарган эди. Норози кариялар доираси эса ўзғаришни ёмонлаб, ундан отасининг ўғли сифатида хайрихохлик кутиб, унга мурожаат килишди. Хотин-халаж олиймақомлар доираси эса шунинг учун ҳам уни яхши қабул килишди, у бадавлат ва донгдор куёв, урушда ўлди деб овоза бўлган ва хотинининг фожнали ўлеми билан ҳамманинг оғзига тушиб кетган эди. Бундан ташкари, уни илгари танийдиган одамларнинг ҳаммаси бир оғиздан: князь беш йил мобайнида яхшиликка томон ўзғариди, хушфөълроқ бўлибди, етилибди, илгариги риёкорлиги, мағрутлиги, кибр ҳавоси қолмай, унда ёши улгайиши билан кишида пайдо бўладиган оғирлик пайдо бўлибди, дейишар эди. У ҳамманинг оғзида, ҳамма унга кизикадиган, уни кўришга орзуманд бўлиб қолган.

Князь Андрей граф Аракчеевнинг ҳузурига кирганидан кейин, эртасига кечкурун граф Кочубейнинг олдига борди. У графга Сила Андреич (Кочубей Аракчеевни мазах қилиб шундай деб атар эди. Князь Андрей буни ҳарбий министрнинг қабулхонасида пайқаган эди) билан учрашганини айтиб берди.

– Азиз дўстим, ҳатто шу ишни ҳам Михаил Михайло-

¹ Гениал (латинча: genialis – истеъдолли) – ўта юкори дарахада истеъдолли, заковатли.

вичсиз битира олмайсиз. У тадбиркор одам. Мен унга айтаман. Кечкурун келаман деган эди...

– Сперанскийнинг харбий уставга нима алоқаси бор? – деб сўради князь Андрей.

Кочубей кулимсираб, Болконскийнинг гўллигига ҳайрон бўлгандай, бош чайқади.

– Икковимиз якинда сиз тўғрингизда, сизнинг озод дехқонларингиз тўғрисида гапиришган эдик, – деди Кочубей давом этиб.

– Э, дехқонларни озод килган сизмисиз, князь, – деди Екатерина замонасидан колган бир мўйсафи Болконскийга нафратомуз қараб.

Князь Андрей чолни бекорга тажант қилмаслик учун:

– Ўзи ҳам даромад бермайдиган кичкинагина бир мулк эди, – деб важ килди ва шу билан ҷонинг олдида ўзини бир қадар оқламокчи бўлди.

– Орқада қоламан деб қўрқдингизми?, – деди ҷон Кочубейга қараб, – мен бир нарсага тушунмайман, – деди давом этиб, – улар озод килинса, ерни ким экади? Қонун ёзиш осон, лекин идора қилиш кийин. Ҳудди шунингдек, граф, ҳамма имтиҳон берадиган бўлса, палатага ким бошлиқ бўлади?

– Имтиҳондан ўтганлар бошлиқ бўлади деб ўйлайман, – деди Кочубей оёғини чалкаштириб, ҷолга қарап экан.

– Менинг кўл остимда ишлайдиган Пряничниковни олинг, ўзи баҳоси йўқ одам, лекин ёши олтмишга борган, шу ҳам бориб имтиҳон берсинми?

– Ҳа, ҳакиқатан, бу кийин нарса, чунки илм-маърифат уруғи жуда кам сепилган, лекин... – граф Кочубей сўзини тамом қилмасдан ўрнидан турди ва князь Андрейнинг қўлидан ушлаб, эшиқдан кирган новча, сочи малла, тепакал, пешонаси кенг, чўзиқ юзни гайри табиий оппоқ, киркларга кирган бир кишига қарши борди. У кўк фрак кийган, бўйнига хоч, чап кўкрагига орден таққан киши – Сперанский эди. Князь Андрей уни кўриши биланоқ таниди ва ҳаётининг энг муҳим лаҳзаларида бўладиган сингари юраги шув этиб кетди. Бу хурмат қилганиданми, ҳасадданми, бирон нарса куттганлиқданми – ўзи ҳам билмас эди. Сперанский қандай

одам эканлиги афт-ангоридан билиниб туралган одамлар тоифасидан эди. Князь Андрей ўзи аралашиб юрган кишилар орасида бесўнақай ва дағат харакатлари бундай осуда ва мағрур, қисик ва ёшланиб турган кўз карashi. бундай катъий ва шу билан бирга мулойим, ҳеч кандай мъянони ифода килмайдиган табассуми бундай кескин, товуши бундай майин ва ёқимли, юзи бунчалик оқ, бироз катта кўплари оппок ва сўлкилдок одамини кўрмаган эди. Князь Андрей госпиталда узок ётиб колган аскарларнинг юзи шунака окариб кетганини кўрган эди. Бу одам давлат котиби Сперанский бўлиб, шохнинг ўнг кўли, Эрфуртда Наполеон билан биринчи марта учрашиб сухбатлашганида бирга бўлган ҳамрохи эди.

Киши сухбатга кирган вактида, одатда, бенжтиёр ҳаммани бир-бир кўздан кетиради, лекин Сперанский сухбатга кирганида ҳеч кимга қарамас ва галиришга шошилтмас эди. У одамлар кулоқ солишларига ишонган ҳолда секин гапирад ва гапираётган одамигагина карар эди.

Князь Андрей Сперанскийнинг ҳар бир сўзи ва харатини айрим диккот билан кузатар эди. Ўз атрофидаги одамларни менсимайдиган кишилар сингари князь Андрей янги одам билан, хусусан, Сперанскийдай овозасини кўп эшилтган одам билан учрашар экан, ундан ҳамиша инсоний камолотнинг чўқисини излар эди.

Сперанский Кочубейга, афсуски вактли келолмадим, саройда тутилиб колдим, деди. Шох мени тутиб колдилар, демади. Князь Андрей бу сохта камтарликни дарров пайкади. Кочубей князь Андрейнинг отини айтганда, у ҳамон ўша табассум билан индамасдан Болконскийга каради.

– Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман, сизни мен ҳам эшилтганман, – деди у.

Аракчеев Болконскийни кабул қилгани ҳакида Кочубей бир неча оғиз сўз айтди. Сперанский кўпроқ табассум килди.

– Ҳарбий уставлар комиссиясининг директори жаноб Магницкий менинг яқин дўстим, – деди у ҳар бир хижо¹ ва ҳар бир калимани бурро-бурро айтиб, – агар хохласангиз,

¹ Хижо (арабча) – бўтини.

мен сизни у билан таништириб қўяман. (У жумлани тутатиб, бироз жим қолди.) Ҳар кандай хайрли ишда сизни кўллар ва ёрдам берар, деб умид киламан.

Сперанский атрофига дарров одам тўпланди, ўз чиновниги Пряничников тўғрисида гапирган бояги чол ҳам Сперанскийга савол билан мурожаат килди.

Князь Андрей гапга аралашмасдан, кечагина ҳеч ким назарга илмайдиган семинарист¹ бўлиб, ҳозир эса, Болконскийнинг ўйлашича, бутун Россиянинг тақдирини мана шу оппок, сўлқилдок қўлларида тутиб турган Сперанскийнинг бутун ҳаракатларини кузатиб турар эди. Сперанскийнинг чолга фавкулодда, нафратингиз осудалик билан жавоб бериши князь Андрейни хайратда қолдирди. Сперанский гўё осмон эди-ю, бу чол ер. Чол қаттиқрок гапира бошлаган эди, Сперанский кулимсираб, шох маъкул кўрган ишнинг фойда-зарари тўғрисида муҳокама юргизгани менинг ҳаддим сигмайди, деди.

Сперанский даврада ўтирганлар билан бироз гаплашганидан кейин ўрнидан турди-ю, князь Андрейнинг олдига келиб, уни уйнинг бир чеккасига олиб борди. У Болконский билан гаплашишни лозим кўрганлиги кўриниб турар эди.

Муҳтарам мўйсафи бошлаган кизгин сухбат билан овора бўлиб, сиз билан гаплашолмадим князь, – деди у тиржайиб. Унинг бу тиржайиши гўё ҳозир гаплашган одамларимиз қанчалик майда одам эканлигини икковимиз ҳам биламиз, деган маънони англатар эди. Унинг бу муомаласи князь Андрейга ёкиб тушди. – Мен сизни кўпдан бери биламан: биринчидан, дехконларингиз борасида килган ишингизни эшитган эдим, бу ишингиз кўпларга ибрат бўладиган ва дикқатни жалб этадиган иш; иккинчидан, сиз мунчалик дув-дув гапга сабаб бўлган сарой мансаблари тўғрисидаги янги фармондан хафа бўлмаган камергерлардан бири бўласиз.

¹ Семинария – 1) баъзи мамлакатларда, масалан, XVIII аср – XX аср бошларида Россияда бошлангич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган маҳсус ўкув юрти; 2) XVI асрнинг 2-ярмидан Фарбий Европанинг айрим мамлакатларида ташкил этилган, айрим христиан черковлари учун рухонийлар тайёрлайдиган ўкув юрти. Семинарист – семинарияни битирган.

– Ҳа, – деди князь Андрей, – отам менинг бу хукуқдан фойдаланишимни истамас эди, мен хизматни кичкина мансабдан бошладим.

– Киблахингиз эски одам бўлсалар ҳам хозирги замон кишиларидан, мана бу табиий хақониятни тиклайдиган тадбирни коралаётган одамлардан юкори турсалар керак.

– Бу коралашлар тагида бирон асос бордир дейман, – деди князь Андрей. Сперанскийнинг салобати босаётганини сезиб ва бунга карши курашмокчи бўлиб. Сперанскийнинг ҳамма сўзларига қўшилиш унга малол келар эди, шунинг учун ҳам унинг гапига эътиroz қилмоқчи бўлди. Одатан гапга жуда чечан бўлган князь Андрей Сперанский билан гаплашганида гап тополмай колдя. Унинг бутун фикри-хаёли бу машхур одам билан банд эди.

– Нафсониятни кўзда тутилганда, асос бўлса бордир, – деб кистириб кўйди Сперанский секин.

– Қисман давлатни кўзда тутилганда ҳам, – деди князь Андрей.

– Сизнинг фикрингизча калай? – деди Сперанский ерга караб.

– Мен ҳам Монтесье¹ тарафдориман, – деди князь Андрей. – Унинг монархия² шарафга асослангандир, деган гапи, менимча, ҳақ гап. Дворянларга берилган баъзи бир хукуқ ва имтиёзлар, назаримда, шу туйгуни сақлаш воситаси бўлса керак..

Сперанскийнинг оппоқ юзида табассумдан асар колмади ва бундан унинг истараси иссиқроқ бўлди. Князь Андрейнинг бу гапи, афтидан, унга қизик кўринди.

– Агар бу ишга яна шу нуктаи назардан қарасангиз, – деб гап бошлади Сперанский. У французчани кийналиб,

¹ Шарль де Монтесье (1689-1755) – Француз ёзувчиси, хукукшунос ва файласуф.

² Монархия (юнонча: *monarchia* – якка ҳокимлик) – якка ҳокимиятчилик; давлатнинг олий ҳокимияти якка ҳукмдор – монарх кўлида бўлган бошкарув шакли ва шундай бошкарув шаклига эга бўлган давлат. Абсолют (ёки мутлак) монархия – ҳокимият чекловларсиз, бус-бутун монарх кўлида бўлган бошкарув шакли. Конституцияли (ёки конституцион) монархия – монарх ҳокимияти, унинг хукуклари конституция билан чекланган давлат тузуми.

рускадан кўра товлаброқ гапирса ҳам, лекин буткул осуда гапирмоқда эди.

– Шарафни, легионни¹, – деди у, – ишга зарари етадиган имтиёз билан саклаб колиб бўлмайди, шараф, ножўя иш килмаслик ёки шу шарафни ифода киласидиган бирон таҳсин ва мукофотга сазовор бўлиш мусобакасига маълум бир манба демакдир.

У келтираётган далил-исботлар киска, содда ва равшан эди.

– Шу шарафни, яъни мусобака манбанини ҳимоя киласидиган қонун-коида буюк император Наполеоннинг «Фахрий легион»ига ўхшаш ишнинг муваффакиятига путур етказмайдиган, балки ёрдам берадиган қонун-коидадир. Бу табака ёки сарой ахларининг имтиёзи эмас.

– Мен бу тўғрида баҳслашмайман, лекин сарой ахларининг имтиёзи ўша муддаога эришганини инкор килиб бўлмайди, – деди князь Андрей, – ҳар бир сарой аъёнлари ўз мартабасига лойиқ бўлишни ўз бурчи деб билади.

Сперанский ҳамсухати учун нокулайрок бўлган бу баҳсни назокат билан тамом қилмокчи бўлганини кўрсатиб:

– Ўзингиз бундан фойдаланишни истамадингиз-ку, – деди кулимсираб, – агар чоршанба куни менинг ҳузуримга қадам ранжида қилсангиз, – деди у яна, – мен унгача Магницкий билан гаплашиб, сиз қизиқкан нарсаларни гапириб бераман ва бундан ташқари, сиз билан муфассалроқ сұхбатлашиш шарафига ноил бўламан.

У кўзларини юмиб француз таомилича таъзим килди, француз таомилича, ҳеч ким билан хайрлашмасдан, киши билмас залдан чиқиб кетди.

VI

Князь Андрей Петербургга дастлаб келган кунларида,

¹ Легион (латинча: *legionis* – тўплаш, тўлдириш; қабул килиш) – 1) кадимги Рим армиясида асосий ташкилий ва тактик бирлиқ. Бу гурӯх турли даврларда 4500 дан 10000 гача аскардан иборат бўлган; 2) турли мамлакатларда ва турли даврларда турли хил ҳарбий кисмлар ва ветеран жангчилар тузилмаларининг номи; 3) иккинчи жаҳон уруши даврида Германияда турли ҳалкларга мансуб ҳарбий асиirlардан тузилган ҳарбий бирлиқ, бўлинма.

хилватда яшаган вактларида вужудга келган фикр-ўйлари, Петербургда ўзини камраб олган иккىр-чикир гами билан буткул булганиб кеттанини хис килди.

У кечкурунлари уйга келиши биланок дарров хотира дафтарчасини олиб, бориши зарур бўлган тўрт-бешта жойни ёки маълум соатта белгиланган учрашувни ёзиб кўяр эди. Ҳаёт механизми, ҳамма ерга ўз вактида етиб бориш зарурлигининг ўзи ҳам уни хийла чарчатиб кўяр эди. У ҳеч иш килмае, ҳеч нарса тўғрисида ўйламас, зотан ўйлагани фурсати ҳам бўлмасди, у факат гапирар, илгари кишлоқда ўйлаб кўйган нарсаларнингина яхшилаб гапирар эди.

Князь Андрей бальсан бир гапни бир куннинг ўзида бир нечта ўтирища гапирганини пайқаб таъби хира бўлар эди. Лекин князь Андрей кундузлари шу кадар банд бўлар эдикни, ҳеч нарса тўғрисида ўйламас, ўйлашга ҳам фурсати йўқ эди.

Сперанский биринчи марта Кочубей уйида учрашганда ҳам, кейин чоршанба куни ўз уйида Болконскийни қабул килиб, у билан узок ва самимий равища холи гаплашганида ҳам князь Андреяда каттиқ таассурот колдириди.

Князь Андрей талай одамларни ҳакир ва тубаян хисоблаб, эришиш орзусида бўлган ўша камолотнинг тирик тимсолини бирон кишида кўришни истаб юар эди, шунинг учун ҳам Сперанскийни кўрганида ўша акл-у идрок ва фазилат эгаси шу деб дарров ишона колди. Агар Сперанский ҳам князь Андрей доирасидан бўлиб, ўша хилда тарбияланган ва хулк-атвори ҳам ўшанга ўхшаш бўлганда князь Андрей унинг инсонга хос заиф томонларини дарров топган бўлар эди, бирок унинг учун жуда ғалати бўлган бу одамни дурустрок билмагани сабабли уни ҳурматта сазовор деб билар эди. Бундан ташкири, князь Андрейнинг кобилиятига баҳо берганиданми, ёки уни ўз томонига тортишни лозим кўрганиданми, Сперанский ўзининг холис ва осуда идрокини кўрсатиб, унинг диккатини ўзига тортар ва очик айтмаса ҳам, бошқаларнинг фикрларини, ўз фикрларимизнинг мувофиқ ва чуқурлигини сиз тушунасиз-у, мен тушунаман, деган маънода тилёғламалик киларди.

Чоршанба куни Кечкурун бўлган узок сухбатда

Сперанский бир неча мартаңа: «Бизда эскидан одат бўлиб қолган доирадан чиқадиган ҳамма нарсага «Э» деб қарашади», ёки жилмайиб: «Лекин биз сих ҳам куймасин, кабоб ҳам деймиз...», ёинки: «Улар бунга тушунишмайди...», – деди ва бу гаплар: «Биз, яъни сиз билан мен уларнинг нималигини ва ўзимизнинг кимлигимизни биламиз», – деган маънода эди.

Сперанский билан бўлган бу биринчи узок сухбат князь Андрейда уни дастлаб кўрган вақтида пайдо бўлган ҳиссени яна ҳам кучайтирди. У Сперанскийни ўз гайрати ва матоини соясида ҳокимиятни қўлга киритган ва бу ҳокимиятни Россиянинг баҳт-саодати учунгина ишлатадиган ақл-идрокли ва закий киши деб билди. Сперанский, князь Андрейнинг назарида, барча ҳаёт ҳодисаларини ақл-идрок билан изоҳлайдиган, ақл-идрокка мувоғик нарсаларнингина эътироф киладиган, ҳамма нарсага ақл-идрок билан баҳо берадиган кишидай кўриндики, князь Андрейнинг ўзи шундай одам бўлишни истар эди. Сперанский ҳамма нарсанни шундай жўн, шундай равшан килиб айтиб берар эдики, князь Андрей беихтиёр унинг фикрига қўшилар эди. Агар у бирон тўғрида эътиroz билдиrsa ва баҳслашса ҳам, жўрттага, ўз фикри борлигини ва унинг ҳамма фикрларига қўшилавер-маслигини кўрсатиш учунгина шундай килар эди, холос. Ҳамма нарса жойида, ҳамма яхши, лекин Сперанскийнинг илтифотсиз, дилидагини акс этмайдиган нигоҳи ва оппок, сўлқилдок қўллари унинг қўнглига ғашлик солар эдики, бу қўлларга князь Андрей кишилар одатан ҳукмрон одамларнинг қўлига карагандай беихтиёр караб кўяр эди. Бу нигоҳ, бу оппок ва сўлқилдок қўллар негадир князь Андрейнинг ғашига тегар эди. Бунинг устига яна Сперанскийнинг одамларни ҳакир кўриши, ўз фикрларининг тўғрилигига турли туман йўллар билан далиллар кўрсатиши князь Андрейнинг жигига тегар эди. У киёслашдан ташқари, барча тафаккур воситаларини ишлатар, князь Андрейнинг назарида, бир воситадан иккинчи воситага жуда дадил ўтар эди. У гоҳ амалий иш арбоби бўлиб хаёлпарастларни коралар, гоҳ сатирик бўлиб душманларни калака қилар, гоҳ нихоят даражада

мантикоқ асосланар, гоҳ бирданига метафизика¹ кўкига кўтарилар эди. (У мана шу сўнгти исбот воситасини кўпроқ ишлатар эди.) У масалани метафизика кўкига кўтарар. макон, замон ва тафаккурни таърифлашга ўтар ва карши далиллар топиб, яна баҳс-мунозарага киришар эди.

Умуман Сперанский идрокининг князь Андрейни хайратда колдирган энг муҳим хислати, идрок кучи ва унинг конунлигига бўлган комил ва метин ишончи эди. Сперанскийнинг бошига хеч юачон князь Андрей учун энг оддий бўлган фикр, яъни қўнгилга келган ҳамма нарсанни, ҳар калай, айтавериш ярамайди, деган фикр келмагани, мен ўйлаган ва эшигтан нарсалар беҳуда эмасмискин, деган шубҳага сира бормагани кўриниб туради. Сперанский идрокининг мана шу томонлари князь Андрейни ўзига тортар эди.

Сперанский билан танишган дастлабки кунларда князь Андрей бир вактлар Наполеонга мафтун бўлганидек, унга мафтун бўлиб қолган эди. Сперанский рухонийнинг ўғли бўлгани, бемаъни одамлар унга ишратпараст рухонийзода деб нафрат билан қарашлари мумкин эканлиги ва кўп одамлар шундай деб қарәётганилиги князь Андрейни унга нисбатан бўлган ўз туйгуларини эҳтиёт қилишга ва бу туйгуларни ўзида беинтиёр кучайтиришга мажбур қылар эди.

Болконский унинг ҳузурида ўтказган ўша биринчи оқшомда Сперанский конун чиқарадиган комиссия тўғрисида гапириб туриб, кинояномуз сўзлар билан князь Андреяга: «Бу комиссия эллик йилдан бери мавжуд, миллионлар сарф килинган бўлса ҳам, бир пуллик иш кўрсатгани йўк, Розенкампф киёсий конунларининг ҳамма моддаларига ёрлик ёпиштириди, холос», – деди.

– Давлат мана шунга миллион-миллион пул сарф қилди,
– деди у, – биз Сенатта янги суд хокимияти бермоқчимиз,
лекин конун йўк. Шунинг учун ҳам, князь, сиздай одамларнинг хизмат қилмаслиги гуноҳ.

¹ Метафизика (юонча: «Meta ta physika» – «Физикадан кейин» (Аристотелининг фалсафий асрлари номидан)) – диалектикага қарама-карши ўларок, табиат ва жамият ҳодисаларини ривожланишида ва бир-бирига боғлик ҳолда олиб қарамасдан. бир-биридан узилган ҳолда, тургун ва ўзгармас ҳолда олиб текширадиган. ҳодисаларнинг ички қарама-каршиликларини инкор этувчи билим методи.

Князь Андрей бунинг учун юридик маълумот керак, менда бундай маълумот йўқ, деди.

– Тўғри, бундай маълумот ҳеч кимда ҳам бўлмаса нима дайсиз? Бу сеҳрли доира, бундан зўр билан чикиш керак.

Бир ҳафтадан кейин князь Андрей ҳарбий устав тузадиган комиссиянинг аъзоси ва тўсатдан қонун тузадиган комиссия бўлимининг бошлиги бўлиб қолди. Сперанский-нинг сўровига кўра, у тузилаётган фукаро қонунлари мажмуасининг биринчи кисмини олди, Наполеон кодекси ва Юстиниан¹ кодекси ёрдами билан шахс ҳукуклари бўлимини тузишга киришди.

VII

Бундан икки йил муқаддам, 1808-йилда ўз мулкларини кўриб Петербургга қайтиб келганидан кейин Пьер беихтиёр Петербург масонларига бош бўлиб қолди. У ошхоналар ва ложалар ташкил килар, янгидан янги одамларни аъзоликка тортар, турли ложаларни бирлаштириш ва асл актларни кўлга киргизиш учун ҳаракат килар эди. Ўз пулига у ибодатхоналар барпо этар, кўп аъзолар хасислик қилиб ионани кам ва вактида бермаганликлари учун камини қўлидан келганча ўзи тўлар эди. Жамият томонидан Петербургда очилган факирлар уйининг бутун харажатини деярли унинг ўзи кўтарар эди.

Унинг ҳаёти эса ҳамон илгаригидай кайф-сафо ва айшишратда ўтар эди. У ичкилик ичишни ва нафега бино қўйиши ни ахлоқсизлик ва разиллик деб билса ҳам, яхши овқатни ва майни хушлар, бўйдокларнинг ишратларидан ўзини торта олмас эди.

Пьер ўз машғулоти ва дилхушлигига авжи берилиб кетган чоғида, масонлик заминда мустаҳкам туришга қанч-

¹ Юстиниан кодекси – Византия ҳукукининг бир кисми. Император Адриан (2-аср)да бошлаб Юстинианнинг (482/483-565) ўзи билан тугайдиган даврда нашр килинган императорлар фармойишлари (конституциялари)нинг 4652 парчасини ўз ичига олади. 12 китобдан иборат бўлиб, черков ҳукуки ва давлат мулозимларининг мажбуриятлари (1-китоб); хусусий ҳукук – мулкий ва бошқалар муносабатлар (2-8 китоблар); жиноий ҳукук (9 китоб); маъмурӣ ва молиявий ҳукук (10-12 китоблар)ни баён қилиб берган.

лик уринса, бу замин шунчалик оёги остидан ўпирлиб кетаёттанигини замон ўтган сайнин сеза бошлади. Шу билан бирга Пьер бу замин канталик ўпирлиб кетаёттанини сезса, шунчалик унга беихтиёр болганиб бораёттанини хис кылар эди. У масонликка кирганида ўзини боткоюса бехавотир оёк босган кишидай сезган эди. Оёк күйиб ботиб кетди. Оёги остидаги замин юмшоюм, каттик эканини билмокчи бўлиб, иккинчи оёгини кўйган эди, яна хам чукуррок чўқди-да, беихтиёр тиззасигача ботди.

Иосиф Алексеевич Петербургда йўқ эди. (У кейинги вактларда Петербургдаги ложалар ишидан четланиб, Москвада туриб колган эди.) Ложа аъзоси бўлмиш барча одамларни Пьер аввалдан танир, шунинг учун хам бу одамларга князь Б. эмас, Иван Васильевич Д. эмас, балки факат хаммазҳабим масон деб қараши кийин, буларнинг кўпчилиги имони суст кишилар эканлигини хам илтари билар эди. Масонлик фартуги ва нишонлари остида буларнинг турмушда уриниб, кўлга киргизган мундир ва орденларни Пьер кўриб турар эди. Пьер ярми ўзига ўхшаш бадавлат бўлмиш ўн аъзонинг даромад дафтарига кайд қилинган ва кўпи насия бўлган 20-30 сўмлик иона берганини кўриб, ҳар бир аъзо ўзининг барча молини ўз яхнинг хайр киладиган масонлик касамини эслар, шунда шубҳага тушар, лекин бу шубханинг мағзини чакмаслика тиришар эди.

Пьер ўзи танидиган барча масонларни тўрут гурухга бўлар эди: биринчи гурухга ложа ишларига хам, одам болаларининг турмушини яхшилашга хам фаол катнашмасдан, факат тарикат илмининг хикматлари билан, яъни худонинг уч унвони ёки мавжудотнинг уч нарса – сера, меркурий, туздан иборатлиги ёки Сулаймон маъбадининг квадрати ва барча шаклларининг моҳияти масалалари билан машғул бўладиган одамларни киргизар эди. Пьер кўпроқ кекса аъзолар кирадиган бу гурухни хурмат килар ва бунга ўзича, Иосиф Алексеевични хам қўшар, лекин буларнинг фикрига кўшилмас, чунки масонликнинг мистика томонлари кўнглига унча ўтиришмас эди.

Иккинчи гурухга Пьер ўзини ва ўзига ўхшаган жўянда-

лар, иккиланиб юрганлар, масонликдан бирон тайинли йўл тополмаган бўлсалар ҳам, топиш умидида бўлган кишиларни кўшар эди.

Учинчи – энг катта гурухга у масонликни ташки бир кўриниш ва маросимдан иборат деб биладиган, мана шу маросимларга қаттиқ риоя қилса ҳам, унинг мазмуни ва аҳамияти билан иши бўлмайдиган одамларни қўшар эди. Вилларский ва ҳатто асосий ложанинг буюк пири ҳам шу тўпга кирап эди.

Нихоят, тўртингч гурухга ҳам кўп кишилар, айниқса, сўнгги вақтларда масонликка кирган аъзолар кирап эди.

Пьернинг мушоҳадасига кўра бу одамлар ҳеч нарсага эътиқод қилмайдиган, масонликнинг ҳеч бир томони билан иши бўлмаган, жамият кўпчилигини ташкил қиласидиган бадавлат, донгдор ва катта одамлар билан яқин алокада бўлган йигитларга яқинлашиш мақсадидагина масонликка кирган кишилар эди.

Пьер ўз фаолиятига қаноат қилмай қўйди. Масонлик, хусусан, ўзи аъзо бўлиб юрган бу ердаги масонлик унинг назарига худди ташки кўринишга асослагандай кўринди. У масонликка шак келтирмаса ҳам, рус масонлиги ўз манбайдан четта кетиб гумроҳликка тушмадимикин, деб ўйлар эди. Шунинг учун ҳам Пьер тариқатнинг олий ҳикматларини ўрганиш учун йилнинг охирида чет элга сафар килди.

1809-йилнинг ёзида Пьер яна Петербургга кайтди. Масонларимизнинг чет эл масонлари билан бўлган ёзишмаларидан Пьер чет элда кўп катта одамларнинг ишончига сазовор бўлгани, кўп ҳикматларнинг тагига етгани, олий даражага кўтарилигани ва Россия масонларининг ишларни яхшилаш учун кўп йўл-йўриклар олиб келаётгани маълум эди. Петербург масонлари хушомадгўйлик килиб унинг зиёратига келишди. Пьер, ҳамманинг назарида, худди бир нарсанни яшираётгандай ва бир ишни бошлагандай кўринди.

Иккинчи даражали ложанинг тантанали мажлиси тайинланди. Пьер бу мажлисда тариқатнинг буюк пирлари айтган гапларни Петербург масонларига сўзлаб беришни вайда килди. Мажлисга ҳамма йигилди. Одатдаги маросим-

дан кейин Пьер ўрнидан туриб ваъз бошлади:

– Мухтарам маслакдошлар, – деди у ёзилган нуткини кўлида туттан холда кизариб ва дудукстаниб. – Ложа хилватхонасида ўтириб маросимларни адо этиш кифоя килтмайди. амалий иш керак... иш. Биз фафлатдамиз, ҳолбуки, амалий иш килишимиз керак. – Пьер дафтарини олиб ўқий бошлади:

«Соф ҳакикатни ёйиш ва эзгулик тантанаси учун, – деб ўқиди у, – одамларни бидъатдан¹ халос килишимиз, замоиа руҳига тўғри келадиган конун-коидаларни таркатишими, ёш авлоднинг тарбиясига мутасадди бўлишимиз, гоят катта акл-идрок эгалари билан алока риштасини маҳкамроп боғлашимиз, хурофот, имонсизлик ва нодонликни жасорат ва акл-идрок билан енгишимиз, бир маслак бирлаштирган, хокимият ва куч эгаси бўлмиш бизга содик кишиларни уюштиришимиз керак.

«Мазкур мақсадларга эришмок учун эзгулик кусурдан устун келиши керак, шунга тиришмоқ керакски, ҳалол одам килган эзгуликлари бадалига шу дунёда абадий мукофотга эришсин. Лекин шу буюк мақсадга эришиш йўлида бизга энг катта нарса – ҳозирги сиёсий тузум монелик қилмоқда. Бас, шундай экан, нима қилмоқ керак? Инкилобга йўл очайликми, ҳамма ёкни ағдар-тўнтар килайликми, кучни куч билан даф этайликми? Йўқ, биз бу фикрдан жуда узоқмиз. Ҳар қандай мажбурий ислоҳот яхши эмас, чунки одамлар шу кўйича қолаверса, ислоҳот ҳеч қандай яхшилик келтирмайди, чунки акл-идрок жабрга муҳтож эмас».

«Тариқатнинг бутун иши иродаси мустаҳкам, эзгу ақидаларининг бирлиги билан бир-бирига боғланган одамларни бирлаштиришга асосланмоғи керак: бу ақида қаерда бўлмасин, бор кучи билан қусур ва нодонликни таъкиб қилмоғи, истеъдод ва эзгуликка ҳомий бўлмоғи – одамлар орасидан муносибларини териб олиб, уларни бизнинг жамиятимизга бирлаштироғи керак. Тариқатимиз ўшандагина ҳукмрон бўла оладики, агар у боши бузукларнинг

¹ Бидъат (арабча) – янгиллик, янгиллик киритиш; динга карши ҳатти-харакат) – 1) диний ақидаларга киритилган ўринисиз ислоҳ, динга хилоф янгиллик; динда кейинчалик пайдо бўлган нарса; 2) эскидан колган урф-одат, расм-руслам.

кўлини секин боғлаб, ўзларига билдирамасдан, уларни идора кила олса. Хуллас, шундай бир хукмрон усули идора таъсис килиш керакки, бу усули идора ижтимоий тартиботни бузмасдан бутун дунёга тарқалсин ва бунда барча давлат тузумлари ўз холича қолиб, тариқатимизнинг буюк мақсадига, яъни эзгуликни қусурдан ғолиб келишига монелик киладиган ишлардан бошка ҳамма нарсани килаверсин. Насроний динининг ҳам мақсади шундан иборат. Насроний дини акл-идрок эгаси ва эзгу бўлишни, ўз манфаатлари учун энг яхши ва закий зотларнинг панд-насиҳатларига қулок осишни таълим бериб келди».

«Оlam зулумот қучоғида бўлган чоғларда фақат ваъз насиҳатнинг ўзи кифоя килар эди, чунки ҳақиқатнинг янгилиғи унга куч бағишилар эди, лекин ҳозир эса бошка кучлироқ бир восита топиш керак. Энди ўз туйғулари хукмида бўлган киши эзгуликда ҳиссий бир гўзаллик кўра билиши керак. Одам боласининг кўнглидан эҳтиросни чиқариб ташлаб бўлмайди; бу эҳтиросни фақат олижаноб мақсадларга томон йўналтириш керак, шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўз эҳтироси нафсини эзгулик доирасида қондириши ва бизнинг тариқатимиз мана шунга воситалар топиб бериши лозим».

«Агар ҳар бир давлатда бизнинг бир нечта ишончли кишиларимиз бўлса, буларнинг ҳар бири ёнига ўзига ўхшаш яна икки кишини тортса, буларнинг ҳаммаси чамбарчас алокада бўлса, ана унда инсониятнинг баҳт-саодати учун ҳозир ҳам кўп ишлар килиб кўйган тариқатимиз учун ҳамма имконият пайдо бўлади».

Пьернинг бу ваъзи катта таъсир килибина кўймай, балки ложадагиларни ҳаяжонга солди. Бу ваъзниң тагида иллюминатларнинг¹ хатарли нияти бор деб билган кўпчилик масонлар унинг нутқини хуш қабул қилмай, Пьерни ҳайратда қолдирди. Пири аъзам Пьерга эътиroz билдира бошлади. Пьер ўз фикрларини жон-жаҳди билан яна ҳам ривожлантира бошлади. Анчадан бери бундай қизғин мажлис бўлмаган эди. Мажлис аҳли икки гурухга бўлинди. Бир гуру-

¹ Иллюминатлик – Европада бўлган, кейинчалик масонларга қўшилган баъзи бир диний-сиёсий жамиятларнинг номи.

хи Пьерни иллюминатликда айблади, искинчи гурух эса, унинг фикрларига кўшилди. Пьер бу мажлисда бирнинчи маргаба одамларнинг фикри бу қадар турли-туман бўлнишини ва бир ҳакиқат икки кишига икки хил бўлиб кўриннишини кўриб ҳайрон колди. Унинг фикрига кўшилганлай кўринган масонлар ҳам ҳатто бу сўзларни маълум бир доирада, ўзларича тушунишар, Пьер эса бунга рози бўлмас, чунки бу фикрларни ўзи қандай тушунган бўлса, бошқаларга ҳам худди шундай тушунтиришни истар эди.

Мажлис тамом бўлгандан кейин пири аъзам Безуховга истехзо ва киноя билан гапириб, кизиқонлик килдинг, бу мунозарада факат зэгуликка бўлган мухаббатнингтина эмас, нафсониятни ҳам ўртага солдинг, деб танбех килди. Пьер унинг сўзига жавоб бермади ва қисқагина килиб, – Менинг таклифим қабул килинадими-йўқми, – деб сўраб кўя колди. Унга: – Қабул килинмайди, – деб жавоб беришди. Пьер мажлиснинг одатдаги расмиятларини кутмасдан, ложадан чиқиб уйига кетди.

VIII

Пьер яна гуссага тушди, ўзи ҳам мана шундан қўрқиб юрад эди. Ложада нутқ сўзлаганидан кейин у уч кун ҳеч кимни қабул қиласдан ва ҳеч қаёқка чикмасдан уйида – дивандан ётди.

Бу орада у хотинидан хат олди. Хотини мактубида бир учрашишини жуда-жуда сўраб, уни соғинганлигини, бутун умрини унга багишламоқчи эканини ёзган эди.

Мактубнинг охирида хотини шу бир-икки кун ичida чет элдан Петербургта қайтмокчи эканлигини билдирган эди.

Шу хатни ўқиб бўлгандан кейин Пьернинг хилватхонасига у кўпда ёқтирамайдиган масонларнинг бири кириб келди ва маслаҳат тариқасида хотинига нисбатан килаётган қаттиққўллиги инсоф юзасидан эмаслигини, тавба килган одамларнинг гунохини кечирмаслик билан масонликнинг биринчи шартини бузгаётганини айтди. Шу вақт қайнанаси – князъ Василийнинг хотини, муҳим бир иш тўғрисида галлашмоқчиман, менинг олдимга бирров келиб кетинг, деб

илтимос килиб киши юборди. Пьер бу гаплардан, буларнинг хаммаси тил бириктириб, хотини билан яраштиромокчи бўлаётганларини англади ва бу нарса унга хозирги кайфиятида ҳатто малол келди. Унинг учун барибир: Пьер ҳаётда хеч нарсага муҳим иш деб қарамас, ўзини қамраб олган ғусса таъсири остида ўз эрки ҳам, хотинини жазолаш тўғрисидаги аҳдида қаттиқ туриб олиш кераклиги ҳам кўзига кўринмас эди.

«Ҳеч ким ҳақли, ҳеч ким гуноҳкор бўлмагандан кейин, демак, у ҳам гуноҳсиздир-да», – дер эди Пьер ўзича.

Агар Пьер хотини билан ярашгани дархол розилик билдирамаган бўлса, бунга сабаб факат ғуссадан юрагига кил сиғмай, бирон чора кўришдан ожиз бўлиб ўтиргани эди. Ҳозир хотини кириб келса, у ҳайдаб чиқармас эди. Ҳозир унинг хаёlinи банд килаётган нарса олдида хотини билан ярашиш-ярашмаслик масаласи нима деган гап, барибир эмасми?

Пьер хотинига ҳам, кайнанасига ҳам жавоб кайтармасдан, бир куни кечқурун йўлга ҳозирланиб, Иосиф Алексеевич билан кўришмоқ максадида Москвага жўнаб кетди. У хотира дафтарига шундай деб ёзди.

«Москва, 17-ноябрь.

Ҳозиргина ти裡м ҳузурларидан келдим ва кўрган-кечирганинни шошиб-пишиб ёзаётубман. Иосиф Алексеевич фақирликда умр кечиралиди ва уч ийлдан бери қаттиқ қовуқ касалига мубталодир. Ҳеч ким ҳеч қачон унинг оҳ-воҳини, ёки нолишини эшишган эмас. Фақирона овқатини ейдиган соатларидан бошқа ҳамма вақтини – эрталабдан ярим кечагача шим билан машгул бўлиб ўтказади. У мени хуш қабул қилиб, ўзи ётган каравотга ўтқизди: мен унга шарқ ва Қудуси Шариф рицарларининг ишорасини қилдим, у ҳам менга шу ишора билан жавоб берди ва кулимсираб. Пруссия ва Шотландия ложсаларида нималарни кўриб ва нималарни ўрганиб келганинни сўради. Мен ҳаммасини билганимча ҳикоя қилдим, Петербургдаги ложсамизда таклиф қылган нарсаларимни, ложсада мени ёмон қарши олишганини, масонлар билан орам бузилганини айттиб бердим. Иосиф

Алексеевич хийтэй юлтада күрганидан кейин бүгэд түгрида менга ўз фикрларини баён қылди. Шу ондаёт бутун ўтчишиим ва келажакдаги юлтада яхъол күринди қолди. У, тари-котимизнинг уч аъмоли эсингда борми, деб сўраб. мени ҳайратда қолтирди ва кейин ўзи буларни бирма-бир баён қылди; бу съмолнинг биринчиси – маросимларни амглаш учун ва кўнгилда сир тутиш; иккинчиси – шу маросимларни қабул қилиш учун дигини поклаш ва тўғри ўйлга тушиш; учинчиси – мана шу хилдаги покликка интишиш билан инсониятни тўғри ўйлга солишdir. Шу уч съмолдан қайси бири мұхимроқ ва асослироқ? Албатта, дигини поклаш ва тўғри ўйлга тушиш асосидir. Биз ҳар қандай шарт-шароитда ҳам фақат мана шу мақсадга томон интишишимиз мумкин. Шу билан бирга бу мақсад биздан жуда кўп меҳнат тағиаб қылади, шунинг учун ҳам биз магрурлик орқасида гумроғликка тушиб, бу мақсадни назардан қочирамизда, ё дигимизни пок қылмасдан туриб маросимни ҳаром-ҳарис адo қилишга киришамиз ва ёки ўзимиз разолат ва фисқ-фужурнинг тицсоли бўла туриб, бани башарни тўғри ўйлга солмоқчи бўламиз. Иллюминатчик ижтимоий ишлар билан шугуллангани ва гууррга берилгани учун ҳақиқий таълимот бўла олмайди. Мана шу асосда Иосиф Алексеевич нутқимни ҳам, бутун фаолиятимни ҳам қоралади. Мен унинг бу фикрига ичичимдан қўшилдим. Оиласий турмушиимдан гап очигандা, у шундай деди: «Ҳақиқий масоннинг вазифаси, мен сизга айтгандай, ўз-ўзини тақомиллаштиришдан иборат. Лекин биз кўпинча ҳаётимизнинг барча қўйинчиликларини ўзимиздан четлатсан, шу мақсадга тезроқ эришамиз деб ўйлаймиз; аксинча, суютоним, деди у менга, кундалик турмуш галаёнлари ичидагина биз қўйидаги уч асосий мақсадга эриша олишишим мумкин: биринчиси – ўз-ўзини билиш, чунки инсон ўзини фақат муқояса ўйли билангина билиши мумкин; иккинчиси – ўз-ўзини тақомиллаштириш, бунга фақат курраш натижасида эришилади; учинчиси – асосий эзгуликка эришиш, бунга фақат ўлтимга мұхаббат қўйиш билан мұваффақ бўлиши мумкин. Ҳаётнинг фонийлиги унинг беҳудалигини кўрсата олади ва ўлтимга азалий мұхаббат қўйишшимизга ёки

янги ҳаёт учун қайта тирилигчимизга ёрдам бера олади». Бу сўзлар шунинг учун ҳам қийматлики, Иосиф Алексеевич қаттиқ жисмоний азоб тортатётганига қарамасдан, ҳеч қачон ҳаётдан нолимайди, ўлични эса севади, лекин дили пок ва олижсаноблигига қарамасдан, ўзини ўтичга етарли даражада тайёр сезмайди. Кейин пирим коинотнинг буюк квадратининг моҳиятини менга тушунтириб, уч нарса ва етти рақами ҳар бир нарсанинг асосини ташкил этишини айтиб берди. У менга Петербург масонларидан узоқлашмаслигими ни, ложада фақат иккинчи даражасали вазифани ўтаб, масонларни магрурлик гирдобидан қутқазиб, уларни ўз-ўзини билиш ва таомиллаштириш ўйлига бошлишга ҳаракат қилишини маслаҳат берди. Бундан ташқари, у менга биринчи навбатда ўзимга ҳушёр бўлишимни айтиб, мана шу дафтарни берди. Мен бундан кейин ҳар бир қилган ишим ва ҳар бир қўйган қадамимни шу дафтарга ёзиб юраман».

«Петербург, 23-ноябрь.

Яна хотиним билан бирга турибман. Қайнанам олдимга ийғлаб келди ва Элен шу ердалигини, унда гуноҳ йўклигини, мен уни ташлаб, баҳтсиз қилганимни айтиб, икки оғизигина сўзига қулоқ солишимни илтимос қилди. Агар Элен билан рўпара келиб қолсам, сўзини қайтара олмаслигимни билар эдим. Кўнглимдаги шубҳалар борасида кимдан маслаҳат ва ёрдам сўрашимни ҳам билмай қолдим. Пирим шу ерда бўлсалар, бу тўғрида менга маслаҳат берар эдилар. Ўз бўлмамга кириб, Иосиф Алексеевичнинг хотини ўқиб, унинг сўзларини эслаб, шу хулосага келдим: ёрдамимга мухтоҷ одамнинг илтимосини қайтармаслигим, ҳар кимга, айникса, менга шунчалик боғланиб қолган одамга ёрдам кўлимни чўзишим, муқаддас бурчимни ўташим керак. Эзгулик туфайли унинг гуноҳини кечирар эканман, у билан ярашишим фақат маънавий бир муддао бўлсин. Мен шу карорга келдим ва Иосиф Алексеевичга шундай деб ёздим. Хотинимдан бутун ўтган гапларни унтушини сўраб, агар мендан ўтган бўлса кечир, лекин сен кечирадиган гуноҳ қилганинг йўқ, дедим. Шу сўзларни унга айтиш менинг учун жуда қувончли эди. У билан рўпара бўлишим менга нақадар оғир эканлигини бил-

май кўя колсин. Катта ҳовлининг болохонасига кўчнб чиқдим, янгилик дилимни ёритиб юборди».

IX

Одатдагидай ўша вактларда хам олниймакомлар доираси саройда ва балларда бирга йигилишаркан, ҳар кайсисининг ўзига хос томони бўлган бир неча даврага бўлинар эди. Шу давранинг энг каттаси Наполеон иттифоқчиси бўлмиш граф Румянцев билан Коленкурнинг француз давраси эди. Элен эри билан ярашиб, Петербургта кўчиб келиши биланок шу даврада энг кўзга кўринарли ўринин эгаллади. Унинг уйига француз элчихонасининг маъмурлари, Наполеон иттифоқи окимиига қарашли бўлган ҳамда ўз фаросат ва назокатлари билан шуҳрат козонган кўп кишилар келиб туришар эди.

Элен иккала императорнинг машхур учрашуви чогида Эрфуртда бўлиб, Наполеоннинг Европадаги диккатта сазовор одамлари билан танишиб келган эди. Эрфуртда у ҳаммани мафтун килган эди. Наполеоннинг ўзи ҳам Эленин театрда кўриб, бу ким, деб сўраган ва унинг ҳусн-жамолига койил колган эди. Соҳибжамол танинг хотин сифатида Элен ҳамманинг оғзини очириб кўйгани Пьерни ҳайратда колдирмас эди, чунки Элен ёши улғайган сайин очилиб бормокда эди. Лекин уни ҳайратта соглан нарса – хотинининг шу иккиси йил мобайнида канчалик гўзал бўлса, шунчалик ақли, жонон хотин бўлиб танилганлиги эди. Машҳур князь де Линь унга хат ёзса саккиз сахифа ёзарди. Билибин ўзининг ўткир сўзларини биринчи марта графиня Безухова сұхбатида айтиш учун саклаб юрар эди. Графиня Безухованинг салонига кира олиш ақл дипломи хисобланар эди; Эленинг зиёфатига борадиган ёшлар сұхбатда гапиргани гап бўлсин деб кечаси билан китоб ўқиб чиқишар, элчихона мирзалари ва ҳатто элчилар унга ишониб, дипломатия сирларини айтишар, кисқаси, Эленинг маътум даражада таъсири бор эди. Хотинининг ўта ахмоклигини биладиган Пьер унинг сиёсат, шеърият ва фалсафадан сўз очиладиган зиёфат ва меҳмондорчиликларида баъзан иштирок қиласар экан, энсаси котиб ўтираси эди. Бу ўтиришларда Пьер фокусчи ҳозир алдам-

чилигининг миси чикиб қолишидан хавотир олгандай, ҳамиша хавотир тортиб ўтирап эди. Бирок шундок салонга бош бўлиш учун ахмоклик керак бўлганиданми ёки алданаётганлар шу алданишдан бирон завқ олишаётганиданми, бу алдамчиликнинг таги очилмас эди ва Елена Васильевна Безухова шу кадар чиройли, ақлли хотин деб ном чикарган эдикни, у нақадар бетамиз ва bemaza гаплар айтмасин, ҳамма унинг ҳар бир сўзига қойил колар ва бу сўзларнинг остидан унинг ўзи хаёлига ҳам келтирмаган чукур маъноларни излашар эди.

Бу гўзал кибор хотинга Пьердай бир эр керак эди. У паришонхотир-телбанамо бир одам, ҳеч кимга халал бермайдиган, сұхбатларнинг баландпарвоз руҳига зиёни тегмайдиган олийжаноб эргина эмас, балки хулкан ўз хотинининг латофати ва адаб-одобига қарама-қарши бўлиши билан уни бошқаларнинг кўзига янада яққолроқ кўрсатишга хизмат ҳам қилас эди. Пьер шу икки йил мобайнида маънавий нарсаларга буткул берилиб кетганлиги ва ҳамма бошқа нарсага чин нафрат кўзи билан қараганлиги натижасида хотинининг ҳеч кизиги бўлмаган сұхбатларда ўзини лоқайд, бепарво ва ҳаммага хайрихоҳ тутадиган бўлиб қолган эдикни, бунга сунъий равишда эришиб бўлмас ва бу нарса Безуховни беихтиёр хурмат қилишга мажбур этар эди. У хотинининг меҳмонхонасига худди театрга киргандай кирап, ҳаммани танир, ҳамманинг келганинига бир хилда хурсанд бўлар ва ҳаммага бир хилда лоқайд қарап эди. Баъзан у ўзи қизиққан гапга кўшилар ва шунда элчихона маъмурлари бор-йўклигига ҳам эътибор килмасдан ямланиб, шу пайтда сұхбатга буткул мос келмайдиган фикрларини айтар эди. Бирок Петербургда энг дилбар хотинининг тентак эри деган фикр одамларнинг миясига шундай ўрнашиб қолган эдикни, унинг бу киликларига ҳеч ким жиддий қарамас эди.

Эленнинг уйига кунда келиб кетадиган йигитлар орасида Борис Друбецкой ҳам бор эди. Борис ҳарбий хизматда ўзини анча тиклаб олган ва Элен Эрфуртдан қайтиб келгандан кейин Безухов оиласида жуда яқин киши бўлиб қолган эди. Элен уни менинг маҳрамим деб атар, уни гўдак ўрнида

кўрар эди. Элен бошқаларга кандай жилмайса, Борисга ҳам шундай жилмайлар, лекин бу жилмайиш бальзан Пьерга малол келар эди. Борис Пьерга айрим, унта муносиб ва маъюс бир эхтиром билан муомала қилас эди. Унинг бу хилдаги эхтироми ҳам Пьерга ёқмас эди. Пьер бундан уч йил бурун хотиннинг қилган ҳақоратидан шу қадар азоб чексан эдики, энди биринчидан, Эленин ўз хотини хисобламаслик, иккинчидан, кўнглидан шубҳага ўрин бермаслик билан ўшандай ҳақоратланиш эхтимолидан ўзини четда тутар эди.

«Йўқ, кўк пайпок¹ бўлиб, илгариги енгилтаслигидан кайтгандир, – дер эди Пьер ичида, – ҳеч қачон кўк пайпок бирорвга кўнгил кўйган эмас» – дер эди у, қаердандир олинган бу коида-конунга сўзсиз ишониб. Бирок шуниси қизикки, хотиннинг меҳмонхонасида Борисни қўриши (Борис деярли доим шу ерда эди) Пьерга жисмоний таъсир этар, унинг бутун кўл-оғини боғлаб кўяр, локайдлиги ва эркин харакатига барҳам берар эди.

«Ажабо, уни нега бунака хушламай кўйдим, – дер эди Пьер ичида, – илгари ҳатто менга жуда маъқул эди».

Киборлар назарида, Пьер катта бой, машҳур хотиннинг кўрнамо ва итотгўй эри, эсли тентак, ҳеч иш қилмайдиган, лекин бирорвга зиёни тегмайдиган кўп яхши ва одамохун эди. Шу вақтларда Пьернинг қалбида эса унга кўп нарсаларни очиб берган, уни кўп маънавий шубхаларга солган ва унга шодлик бағишилаган жуда мураккаб ва мушкул ички тараккиёт юз бермоқда эди.

X

Пьер ўз хотира дафтарини давом эттириб, шу вакт ичида мана шуларни ёзди:

«24-ноябрь.

Соат саккизда туриб, Китоби Муқаддас ўқидим, кейин хизматга (Пьер ўз тирининг маслаҳатига кўра, комитетлардан бирига хизматга кирган эди) бордим. Тушликка

¹ Кўк пайпок – илмга бериллиб кеттан хотинларга истехзо тарикасида берилган лакаб.

қайтиб келдим, ўзим ётгиз түшлік қылдым (Графинянинг уйида менга ёқмайдиган меҳмонлар күп эди), меъёри билан еб, меъёри билан ичдим, түшлікден кейин масонлар учун пъесалар күчирдим. Кечқурун графинянинг олдига кириб Б. тұғрисида қозық воқеани айтиб бердим, ҳамма қағқача үриб күлгандагина бу нарсани чакки айтганимни билдім».

«Таъбим очилиб, хотиржам бўлиб ётдим. Э худойи карим, менга ўзинг кўрсатган йўлдан юришга, яъни: 1) қаҳргазабнинг бир қисмини оғирлик ва турбардорлик билан енгисхга; 2) нафсни қаноат ва нафрат билан енгисхга; 3) узлатни ихтиёр қилишга, лекин:

- а) давлат хизматидан
- б) ошлага гамхўрлик қилишидан
- в) дўстона муносабат ва
- г) иқтисодий машгулотлардан четланмасликка ёрдам бер».

«27-ноябрь.

Кеч турдим, вақтли уйғонган бўлсам ҳам, тургани эриниб, тўшакда узоқ вақт ётдим. Худоёй худовандо! Мени ўзинг қўлла. Ўз йўлингдан юришга ёрдам қил. Китоби Муқаддасни ўқидим, лекин лозим бўлган тўйгу билан ўқиганим йўқ. Масон Урусов келди. Фоний дунё тўғрисида гаплашдик. Шаханшоҳнинг янги ниятларини айтиб берди. Мен энди таъна қильмоқчи бўлган эдим, бироқ ўз қоидамни ва тиримининг «ҳақиқий масон лозим бўлган вақтда фаол давлат арбоби бўлиши, аралашмоги лозим бўлмаган нарсани фақат кузатибгина туриши керак» деган сўзларини эслаб, индамай қўя қолдим. Тилим – душманим. Масонлардан Г. В. ва О. лар келишиди. Бир одамни масонликка қабул қилиш тўғрисида сұхбатлашиб олдик. Булар менинг зиммамга риторлик вазифасини юклашди. Мен бу ишга ўзимни ожиз ва номуносиб сезаман. Кейин маъбаднинг 7 устуни ва зиналарининг шарҳи тўғрисида сўз кетди. 7 илм, 7 эзгулик, 7 қусур, муқаддас руҳнинг 7 эҳсони. Масон О. гапга жуда чечан эди. Кечқурун қабул маросими бўлди. Бинога янгитдан берилган зеб-зийнат бу маросимнинг дабдабасини ошириб юборди. Борис

Друбеңкөй масонликка қабул қытанды. Уни мен таасия қытадым ва ўзин ритор бүлдим. У билан қоронги маъбадда турган вактимда алтақандай бир түйгү мени ҳаражонга салди. Уни ёмон күришишни сезиб қолдым ва бу түйгүни енгизига уриниб ҳам күрдим. Шұнинг учун мен уни фазокатдан құтқазыб, ҳақиқат үй-тига солишни истадым, лекин унинг тұғрисидаги ёмон фикрінде күнгілімдан нари кетмади. Унинг жамиятга киришдан мақсади одамтар билан яқынлашиши ва бизнинг ложамиздаги кипшигарнинг ҳимоясі остида бүлишдан иборат деб үйладым. Менинг шундағы фикрге кептишиңға, биринчидан, унинг мендан бир неча марта «ложасағарніңда Н. ва С. лар борми?» (ағаштта, мен бүнга жавоб бергенім здим), деб сұрагани сабаб бўлса, иккинчидан, муқаддас тарихатимизга истиоси йўқдай кўрингани сабаб бўлди, менимча, у инсоннинг ташқи томони билан кўпроқ машгул бўлган ва шу билан қаноатланғани учун маънавий жиҳатдан ўзини яхшилашга фурсати йўқ эди. Бироқ у, назаричда, мунофиқдай кўринди, қоронги маъбадда юзма-юз турган вактимизда менинг сўзларимга тағдиromуз кулаётгандай бўлди. Шұнинг учун унинг ялангоч кўкрагига ўқтапади турган қиличимни тиқиб юборгим келди. Мен кўнглимдаги шу шубҳаларимни масонларга ва булоқ тирга уddeлаб айтса олмадим. Э, Ҳаллоқи олам! Елеон гирдобидан қутулиши учун ҳақ ийлни топишга мадад қил».

Шу сўзлардан кейин хотира дафтаридан уч сахифа ташланиб, куйидаги сўзлар ёзилган эди.

«Масон В. билан узоқ холи ўтириб, таълим бўладиган гаплар гаплашдик. У менга масон А. нинг кетидан қолма, деб маслағат берди. Билишга лойиқ бўлмасам ҳам, кўп нарсалар менга аён бўлди. Адонаи – Ҳаллоқ оламнинг номи. Элоим – подиоҳи оламнинг номи. Учинчи ном, ифода қилиб бўлмайдиган, Борлиқ маъносидадир. Масон В. билан қилган сұхбатларим эзгулик ийлида менга мадад беради, мени бардам қилади ва мени бу ийлда барқарор қилади. У билан бирга ўтирилган вактда шак-шубҳага ўрин ийк. Бизнинг муқаддас ва ҳамма нарсани ўз ичига оладиган таълимотимиз билан ижтимоий фанларнинг гарб таълимоти орасидаги фарқ

күзимга яққол күрениб қолди. Дунёвий фан англамоқ учун ҳамма нарсани бўлакларга бўлади, ўрганмоқ учун ҳамма нарсани ўлдиради. Тариқатнинг муқаддас илми ҳамма нарсани муттаҳид, ҳамма нарсани бир бутун ва тирик ҳолда ўрганади. Учлик – сера, меркурий ва туз бўлиб, бутун коинот шулардан вужудга келади. Серада зайдун ва олов хоссаси бор; у туз билан қўшилганда олов хусусиятига эга бўлгани сабабли, унда катта куч тугдиради ва шу куч воситаси билан меркурийни тортади, маҳкам тутиб туради ва у билан қўшилишиб айрим жисимлар вужудга келтиради. Меркурий суюк, учиб кетадиган маънавий бир моҳиятга эга – Масих, муқаддас руҳ, худо демакдир».

«3-декабрь.

Уйқудан кеч уйғондим, китоби Муқаддасни ўқидим, лекин туйгусиз ўқидим. Кейин чиқиб залда айланиб юрдим. Фикр қишлоқчи эдим, бироқ ундан тўрт йил бурун бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушди. Жаноб Долохов дуэлдан кейин мени Москвада кўриб: «Хотинингиз олдингизда бўлмаса ҳам, энди кўнглингиз бутқул таскин топгандир», – деди. Мен ўшанда унга ҳеч нарса демаган эдим. Ҳозир ўша учрашувнинг бутун тафсилотини хаёлимдан кечириб, ичимда унга энг қаттиқ сўзларни айтиб, қаттиқ ботадиган жавоблар бердим. Ғазабим энг авжига чиққанда ўзимга келиб, бу фикрлардан воз кечдим, лекин пушаймонлигим лозим дарајсада бўлмади. Кейин Борис Друбецкой келди ва турли туман олди-қочдилар тўгрисида гапириб ўтироди; унинг келишидан феълим айниди-ю, унга бадҳазмроқ бир нима дедим. У ҳам мендан қолишмади. Мен, аччиғим келиб, унга бир талай дагал ва бўлмагур гапларни айтдим. У индамади. Мен эса фурсат ўтгандагина ўзимга келдим. Ё раббим, мен у билан сира муомала қилолмайман. Бунга менинг иззати нафсим сабаб. Мен ўзимни ундан юқорироқ тутганим учун ундан минг марта пастроқ бўламан, чунки у менинг дагалликларимни кўтаради, мен эса, аксинча, уни кўргани кўзим йўқ. Ё раббим, сендан тилайман, мен унинг олдида ўз садоқатимни кўпроқ кўрай ва шундай ишлар қиласки, бундан ун-

га бир фойда етсия. Тушпокдан кейин ухладим, кўзим уйкуга кетганда кимдир чап қулоғимга барага: «Сенинг күнонг» деб айтди.

Туш кўрдим, тушимда қоронгуда кетаётган эканман, бирдан итлар қуршаб олибди. Лекин қўрқмасдан бораф эмишман; кичикроқ бир ит тўсатдан чап оёғимни тишиаб. ҳеч қўйиб юбормас эмиш, мен уни қўлим билан боса бошладим. Уни штиритиб ташлашаш билан ундан каттароғи ётишиди. Мен уни кўтардим, кўтарганим сайнин ит каттароқ ва оғирроқ бўлаверди. Шу пайт масон А. пайдо бўтиб қолидида, мени қўлтиқчиаб бир бинонинг олдиға олиб келди; бу бинога кириш учун энсиз бир таҳтадан ўтиб бориш керак эмиш. Мен оёқ қўйишим билан таҳта зигзиг тушлиб кетди, мен зўрга қўлим етадиган деворни ушиаб чиқа бошладим, минг машағғат билан деворга чиқдичи-у, бошим бир томонда, оёғим бир томонда бўлиб оситиб қолдим. Орқамга қайрилиб қарасам, масон А. девор устида ўтириб, менга хиёбон билан боғни кўрсатиб турибди, бодга ҳам ажойиб муҳташам бир иморат бор экан. Уйгониб кетдим. Худоёх худовандо! Халлоқи олам! Менга тирматиган итдан, яъни эҳтиросларимдан, бурунги ҳамма эҳтиросларимнинг кучини ўз ичига олган сўнгги эҳтиросимдан ҳалос бўлишга, тушимда кўрганим ззгулик матъбадига киришга ёрдам бер».

«7-декабрь.

Туш кўрсам, Иосиф Алексеевич менинг ҳовлимда ўтирибди, мен жуда суюниб уни зиёфат қўймоқчи эмишман. Мен бошқа бир одамга гап сотаётган эмишман-у, тўсатдан, бу қилигум унга маъқул бўлмаслиги эсимга тушлиб, унинг олдиға бормоқчи ва уни қучоқламоқчи бўлибман. Бироқ олдиға бориб қарасам, юзи ўзгариб ёшариб қолибди. У менга тарикатимизнинг таълимотидан алланимани секин-секин гапираётиди, мен унинг гапини эшитолмаётубман. Кейин ҳаммамиз уйдан чиқсан эмишмиз, шу ерда галати бир ҳодиса рўй бериди. Биз полда ўтирган ёки чўзилиб ётган эканмиз. У менга бир нима деди. Мен эса ўзимнинг ҳассослигимни унга кўрсатмоқчи бўлибман ва унинг сўзларига қу-

лоқ солмасдан ўзимнинг ички ҳолатимни ва худонинг менга насиб қылган лутф-марҳаматини кўз олдимга келтирибман. Кўзларимга ёш келибди ва унинг шу ҳолатимни пайқаганидан хурсанд бўлибман. Бироқ у афтимга таассуф билан қараб, сўзини чала қўйиб, иргиб ўрнидан турган эмиш. Мен чўчиб, айтилган сўзлар менга тааллуқлами, деб сўрабман. У эса саволимга жавоб бермасдан, мулоийимгина қарабди ва шундан кейин икковимиз тўсатдан менинг қўш каравот турган ётогимга кирибмиз. У каравотнинг бир четига чўзилди, мен унга эркалангим келиб ёнига ётмоқчи бўлибман. У менга гўё: «Ростини айтинг, энг яхши кўрган нарсангиз нимадир? Шуни билганимисиз? Билгандирсиз, деб ўйлайман», – деган эмиш. Мен бу саволдан хижсолат бўлиб, энг яхши кўрган нарсан ялқовлик дебман. У ишонқирамасдан бош чайқабди. Мен яна ҳам кўпроқ хижсолат бўлиб, сизнинг маслаҳатингизга кўра, хотиним билан бирга турсам ҳам, лекин унга эр эмасман, дебман. У эътиroz қилиб, хотинингизни ўз навозишингиздан маҳрум қиласлигингиз керак, дебди ва бу менинг бўйнимдаги бурчим эканлигига ишора қилибди. Бироқ мен: «Йўқ, мен бундан номус қиласман», – деб жавоб қайтарибман ва тўсатдан ҳамма нарса кўзимдан гойиб бўлди. Уйгониб кетсам Китоби Муқаддаснинг бу сўзларини ўйлаб ётган эканман: «Абадий ҳаёт инсон учун нурдир, нур қоронгиликда нур сочади ва қоронгилик уни ниҳон қилолмайди». Иосиф Алексеевич юзи яшарган ва нуроний эди. Шу куни пиримдан мактуб олдим, у ўз хотида эр хотинлик бурчлари тўғрисида ёзибди».

«9-декабрь.

Кўрган тушимдан юрагим ўйнаб уйгондим. Мен Москвадаги ҳовлимда катта истироҳат бўлмасида ўтирган эмишман ва меҳмонхонадан Иосиф Алексеевич чиқиб келибди. Мен унда қайта бино бўлиши жараёни вужудга келганини дарҳол пайқаб, уни қарши олгани югурибман. Мен унинг қўлларини ўпар эмишман, у эса мендан «Юзим ўзгариб кетганини пайқадингми?» – деб сўраган эмиш. Мен уни қучогимдан қўймай, афтига қарабман, унинг юзи ёшарган, лекин

бошида сочи йўқ, қиёфаси буткул ўзгарган эмиш. Мен унга: «Сизни тасодиған кўриб қолсан ҳам, танир эдим», – дер эмишман ва ичимда: «Шу гапим ростми?» дер эканчан. Бирдан қарасам, пирим ўлиқдай ётибди, лекин аста-секин ўзига келди ва икковимиз катта кабинетга кирдик. Унинг қўлида қалин қоғозга ёзилган катта китоб бор эмиш. Мен унга: «Бу китобни мен ёздим», – дер эмишман. У менинг бу сўзимга бош эгиш билан жавоб берди. Мен китобни очиб қарасам, унинг ҳамма саҳифаларида чиройли суратлар чизилган эмиш. Бу суратлар руҳнинг ўз маъшуқаси билан бошдан кечиргандарни эканини билар эмишман. Бу саҳифаларда шаффоғ баданига ҳарир кийичлар кийиб, булутларга томон парвоз қилаётган соҳибжамол қизнинг тасвирини кўрибман. Бу қиз қўшиқлар қўшигининг тасвиридан бошқа нарса эмаслигини билар эмишман. Бу суратларга қараб ножсўя иш қилаётганини сезар эмишман-у, лекин бу саҳифалардан кўзимни олишга ожиз эканчан. Худоё худовандо, ўзинг сақла! Худоё худовандо, агар мени ўз ҳолимга ташлаб қўядиган бўлсанг, бу сенинг хоҳишингдир, агар бунга ўзим сабабчи бўлсан, ўзинг йўл кўрсат. Агар ўзинг қўлламасанг, бу фосиқликда ҳалок бўламан».

XI

Ростовларнинг пул жихатидан тортаётган кийинчиликлари кишлоқда ўтказилган икки йил давомида ҳам барҳам топмади.

Гарчи Николай Ростов ўз ниятида қаттиқ туриб, узок бир полкда хизмат килиб, пулни эви билан сарф килса ҳам, Отрадное ҳаёти шундай бир тарзда ва хусусан Митенька ишни шундай олиб борар эдики, карз йилдан йилга кўпайиб бормоқда эди. Кекса графнинг назарида, бу ахволдан кутказдиган бирдан бир чора хизматга кириш бўлиб кўринди-да, хизмат ахтариб Петербургта келди: бу ерда ҳам иш ахтармоқчи ва ҳам, ўзи айтмоқчи сўнгти дафъа кизларини хурсанд килмоқчи эди.

Ростовлар Петербургга кўчиб келгандан кейин орадан кўп ўтмай Берг Веранинг қўлини сўради, бунга унинг ота-

онаси розилик берди.

Ростовлар гарчи Москвада олиймакомлар доирасига мансуб бўлсалар ҳам буни ўзлари билмай ва қайси доирага мансуб эканликлари тўғрисида ўйламай, Петербургда уларнинг доираси аралаш ва нотайин эди. Ростовлар Петербургда провинциал¹ бўлиб колишиди. Москвада Ростовлар қайси доирага мансуб эканлигини суриштиrmай, бокиб юрган одамлари энди бу ерда ўзларини Ростовлардан юкори тутишар эди.

Ростовлар Петербургда ҳам Москвадаги сингари меҳмондўст бўлиб, буларнинг уйларига турли-туман одамлар: Отрадноедаги кўшнилари, ўртахол кекса помешчиклар² ўз кизлари билан, фрейлина Перонская, Пьер Безухов, уезд почта мудирининг Петербургда хизмат киладиган ўғли келиб туришар эди. Эркаклардан Ростовлар хонадонига тез кунда яқин бўлиб қолганлар Борис, кекса граф кўчада учратиб уйига олиб келган Пьер, куни бўйи Ростовларнида ўтириб катта графиня Верага худди куёв бўлиш ниятида бўлган йигитдай муомала киладиган Берг эди.

Берг Аустерлиц жангидаги ярадор бўлган ўнг кўлини атайин ҳаммага кўрсатар ва ҳеч кераклиги бўлмаган киличини чап кўлида ушлаб юрар эди. У Аустерлиц воқеасини шу қадар кўп ва шундай писандада килиб ҳикоя килар эдики, эшигтан одамлар унинг бу қилмиши мувофик ва муносиблигига ишонди ва натижада Берг шу жангда қатнашгани учун икки мукофот олди. Финляндия урушида ҳам у иш кўрсатишга муваффак бўлди. Бош кўмондон адъютантини граната парчаси билан ўлдиради ва Берг шу парчани кўтариб бошлиғига олиб боради. Берг бу воқеа тўғрисида ҳам Аустерлиц воқеаси сингари, шу қадар кўп ва шу қадар писандада килиб гапирдики, бунга ҳам ҳамма ишониб унинг килмишини маъкуллади ва Финляндия уруши учун ҳам икки мукофот олди. 1809-йилда у орденли, гвардия капитани бўлиб, Петербургда алланечук бир қулай жойда хизмат килар

¹ Провинциал – колок, оркада колган одам, кўп нарсадан хабарсиз одам.

² Помешчик – (русча: поместье – «хизматлари учун берилган чек ер») – Чор Россиясида, шунингдек, ер хусусий мулк бўлган мамлакатларда катта ер эгаси.

эди.

Бергнинг фазилатлари тўғрисида гапирилганда баъзи бир шаккоклар кулишса ҳам, унинг яхши ва жасур офицер эканлигини, катталар унинг ҳакида яхши фикрда экантиларини, ўзи боадаб ва бориб-бориб катта мартабага эга бўлажагини ва жамоат олдидা зўр эътибор козонажагини инкор килиб бўлмас эди.

Бундан тўрт йил бурун Берг Москва театрининг партерида¹ бир немис ўртоғини учраттанида унга Вера Ростовани кўрсатиб, немисчалаб: «Мана шу кизни оламан» деган ва шу дакикадан бошлаб унга уйланмоқчи бўлган эди. Петербургда Ростовларни ва ўзининг ҳолатини чамалаб кўриб, энди фурсат етди, деган мулоҳаза билан Веранинг кўлини сўради. -

Бергнинг таклифи аввал уларнинг энсасини котирди: наҳотки нотайин бир Лифлянд дворянининг ўғли графия Ростованинг кўлини сўраса. Бирок Берг характерининг асосий хусусияти шундай маъсум худбинликдан иборат эди, Ростовлар беихтиёр модомики ўзи бунинг яхши ва ҳатто жуда-жуда яхши эканлигига бу кадар каттиқ ишонибди, демак яхши бўлар экан, деган қарорга келишди. Шуни ҳам айтиш керакки, Ростовларнинг иши чатоклигидан куёв бехабар деб бўлмасди, ундан ҳам мухимроғи Вера йигирма тўртга кирган, катталар катори ҳамма ерга борадиган бўлган бўлса ҳам, соҳибжамол ва фаросатли қиз бўлишига қарамай, шу ҷоғача ҳеч ким унга киши қўймаган эди. Бергнинг таклифига розилик билдирилди...

- Мана, кўрдингизми, - деди Берг ўзининг ўртоғига (ҳамманинг ҳам дўсти бўлишини билгани учунгина уни дўстим деб атар эди). - Кўрдингизми, мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман, ўйлаб кўрмаган бўлсан ва бу ишнинг бирон чакки томони бўлса, уйланмас эдим. Мана энди, аксинча, ота-онам таъмин бўлишди, мен уларга Остзей ўлкасидан жой ижара олиб бердим, ўзим эса бейўрик сарф килмайдиган одамман. Оладиган шу ойлигим ва хотинимнинг давлати

¹ Партер (французча; parterre – ер бўйлаб) – театр, кинотеатр ва концерт залларидаги томошабинлар ўтирадиган, саҳнага ийсбатан паст жой.

билан Петербургда туришим мумкин. Яхши туришим мумкин. Мен пул деб уйланаётганим йўқ, буни пастилик деб биламан, лекин турмуш бўлгандан кейин, хар қалай, эр хотин ўз ҳиссасини қўшиши керак. Мен хизмат қиласман, унинг таниш-билишлари, унча-мунча давлати бор. Замона-мизда шунинг ўзи ҳам катта гап эмасми? Ҳаммадан муҳими шуки, унинг ўзи чиройли, одобли қиз, мени яхши кўради...

Берг қизарib илжайди.

– Мен ҳам уни яхши кўраман, чунки фаҳм-фаросатли, жуда яхши қиз. Мана унинг синглисини олинг, иккови бир кориндан тушган бўлса ҳам, кичкинаси буткул бошқа, феълатвори ҳам совуқ, акли ҳам бир тарзи... бадҳазм... менинг қаллиғим эса... у бизникига... «овқатланишга келасиз» демоқчи бўлган эди-ю, яна айниб «чой ичгани келасиз» дедида, оғзидан папирос¹ тутунини ҳалқа-ҳалқа килиб чикарди. Бу тутун ҳалқаларида унинг баҳт тўғрисидаги ширин хаёллари акс этар эди.

Бергнинг таклифидан аввал энсаси қотган Ростовлар оиласи кейинчалик шундай мавридларда бўладиган сингари шод-хуррам бўлди, лекин бу шод-хуррамлик самимий эмас, юзаки эди. Бу тўйдан Веранинг ота-онаси аранг ва хижолатда эканлиги сезилиб турар эди. Булар Верани худди унча яхши кўрмаганликларидан, куёв чиққанда икки кўллаб топшираётгандаридан хижолат бўлаётгандай эдилар. Ҳаммадан ҳам кекса граф кўпроқ хижолат эди. У нима сабабдан хижолат бўлаётганигини, эҳтимол, ўзи ҳам айтолмас, лекин бунинг сабаби пул масаласи эди. У қўлида қанча пул борлигини, қарзи қанча эканлигини, Верага сеп қилиб нима бера олишини билмас эди. Иккала қизи туғилганда ҳар қайсисининг сепига уч юздадан крепостной деҳқон ишлайдиган мулк аталган эди: бироқ бу мулклардан бири сотилиб кетди, иккинчиси эса, гаровга қўйилган бўлиб, гаров муҳлати аллақачонлар ўтиб кетган ва сотилиши керак, шунинг учун бу мулкни бериш тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Пули ҳам йўқ эди.

¹ Папирос (немисча: Papier – коғоз) – чекиши учун ичига тамаки тикилган коғоз назча.

Берг билан Вера унашилганига бир ойдан ошган, тўйга бир ҳафта қолган бўлса ҳам, граф ҳануз сеп тўғрисида бир қарорга келгани ва бу тўғрида хотини билан гаплашгани йўқ. Граф gox Верага Рязандаги мулкнинг бир кисмини бермокчи, gox ўрмонини сотмокчи gox вексель бериб, пул қарз олмокчи бўлар эди. Тўйга бир неча кун қолди деганда Берг бир куни эрталаб барвакт графнинг кабинетига кирди ва мулоимгина жилмайиб, бўлажак қайнотасидан одоб билан графиня Веранинг сепига нима берилишини сўради. Шундай савол берилишини кўпдан бери кутиб юрган граф шу кадар гангиг қолдикни, ўйламай-нетмай, оғзига келган гапни айтди кўйди:

– Яхши килдинг, сўрадинг, сени рози қиласман...

У Бергнинг елкасига қоқиб, гапни киска килиш мақсадида ўрнидан турди. Бирок Берг мулоимгина жилмайиб, «Верага берадиган сепингиз нима эканини билмасам ва учидан бир нима олмасам, кизингизни олмасликка мажбур бўламан», – деди.

– Чунки ўзингиз ўйлаб кўринг, граф, оиласман таъмин килиш учун қўлимда нақд пул бўлмай туриб уйлансан, разиллик қилган бўламан.

Гап шу билан тамом бўлди: граф ўзининг олиҳимматлигини кўрсатмокчи бўлиб ҳамда Бергнинг яна бирон нарса сўраб қолишидан кўркиб, саксон минг сўмга вексель берадиган бўлди. Берг тавозе билан жилмайиб графнинг елкасидан ўтида-да, ундан жуда миннатдор эканлигини билдириш билан бирга шу пулдан ўттиз мингини нақд олмай туриб уйлана олмаслигини айтди.

– Ҳеч бўлмаса йигирма мингини беринг, граф, – деди уяна, – унда факат олтмиш минг сўмга вексель берасиз.

– Хўп, хўп, – деди граф шошиб-пишиб, – лекин кечи расан, дўстим, йигирма минг нақд бериб яна саксон мингта ҳам вексель бераман. Қани, ўп мени.

XII

Наташа ўн олти ёшга кирган, 1809-йил, яъни Наташа Борисни ўпгани ва иккови йилини бармоғи билан санаганига

түрт йил бўлган эди. У ўшандан бери Борисни кўргани йўк, Сонянинг олдида ҳам, онасининг олдида ҳам Борисдан гап очилиб қолса, Наташа ўтиб кетган иш, худди бу гаплар бир болалик эди, ҳозир буни эслаб ўтиришнинг ҳожати йўк. дегандай жуда эркин гапирав эди. Лекин Борисга берган ваъдам ҳазилмиди ёки мени унга боғлайдиган чинакам ваъдамиди, деган ўй унинг қалбини тирнар эди.

Борис 1805-йилдан бери, Москвадан армияга кетганидан бери Ростовлар билан кўришгани йўк. У бир неча марта Москвага келиб, Оградное якинидан ўтган бўлса ҳам, Ростовларникига кирмади.

Наташа баъзан «мени кўргиси йўқдир-да» деб ўйлар ва катталарнинг Борис тўғрисида маҳзун бир оҳантда гапиришлари унинг бу тахминини тасдиклар эди.

– Бу замонда меҳр-окибат ҳам кетиб колган, – дер эди графиня Борисдан гап очилгандা.

Кейинги вақтларда Ростовларникидан оёғи тортилиб-роқ қолган Анна Михайловнанинг димоги хийла шишган эди, у келган вақтларида ўғлининг фазилатлари ва ҳозир эришган мартабаси тўғрисида кувончдан энтишиб гапирав эди. Ростовлар Петербургга келганда Борис кўргани келди.

У Ростовларникига келар экан, қалбини ҳаяжондан холи деб бўлмас эди. Наташа ҳақидаги хотирот Бориснинг энг нафис хотироти эди. Лекин шу билан бирга болалик чоғларидаги муносабат ўзи учун ҳам, Наташа учун ҳам мажбурият бўлолмаслигини унинг ўзига ҳам, ота-онасига ҳам очиқ билдиришни қасд қилган эди. У графиня Безухова билан жуда якин бўлиб қолганлиги туфайли, киборлар доирасидан жуда яхши мавқени эгаллаган, мўътабар бир зотнинг ишончига сазовор бўлганлиги туфайли хизматда ошиги олчи бўлиб қолган эди, унинг нияти Петербургнинг энг бой қизларидан бирига уйланиш эдики, бу ниятни амалга ошириш ҳозир осон эди. Борис Ростовларнинг меҳмонхонасига кирганида Наташа ўз бўлмасида эди. У Бориснинг келганини эшитиб, қизариб, гул-гул очилиб, югуриб меҳмонхонага чиқди.

Наташа деганда Бориснинг кўз олдига бундан тўрт йил

бурунги Наташа – калтагина кўйлак кийган, жингалак сочлари остидан кора кўзлари чакнаб турадиган, кикир-кикир куладиган қиз келар эди, шунинг учун ҳам ўзгариб, буткул бошкача бўлиб кеттан Наташа кирганда унинг оғзи очилиб қолди. Наташа унинг бу ҳолатини кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлди.

– Ҳа, шўх ўртокчангни танидингми? – деди графиня. Борис Наташанинг кўлини ўпди ва унинг бунчалик ўзгариб кетганига ҳайрон колганини айтди.

– Жуда ҳам очилиб кетибсан.

– Бўлмаса-чи, – дерди Наташанинг шўх кўзлари.

– Дадам қарибдиларми? – деб сўради Наташа ундан. Наташа ўтириди ва Борис билан графинянинг гапларига аралашмай, болалигидаги куёвни бошдан оёқ кузатиб чиқди. Борис унинг мулойимгина тикилиб ўтирганини сезиб, ўнгайсизланар ва ҳар замон унга бир караб кўяр эди.

Бориснинг мундири, шпори, галстути, соч тарами – ҳаммаси жойида эди. Буни Наташа хозир пайқади.

Борис графинянинг ёнидаги креслода ёнбошрок ўтириб, чап кўлидаги жуда тоза, юпқа ва ялтироқ қўлқопини ўнг кўли билан дам-бадам тортиб кўяр экан, Петербург олий-мақомларининг кайф-сафоси ҳакида оғзининг таъмини олиб галирар, Москвада ўтказилган эски даврлар ва таниш-билишларни мийигида кулиб эслар эди. У олиймақомлар тўғрисида галириб туриб, элчи берган бални, бу балда ўзи қатнашганини Н. Н. билан С. С. нинг уйига таклиф килганини ҳам, Наташанинг сезишича, атайлаб айтиб ўтди.

Наташа ер остидан унга қараб жим ўтирап эди. Унинг бу нигоҳи Борисни тобора кўпроқ безовта ва хижолат килар эди. У тез-тез Наташага қараб гапдан тўхтар эди. Ўн дақиқача ўтиргандан кейин у ўрнидан туриб хайрлашди. Ҳалиги марокли, беибо ва бир қадар истехзоли кўзлар ҳануз унга тикилиб турар эди. Борис шу биринчи келишидан кейин ўзига-ўзи: «Наташа менинг учун ҳали ҳам бурунгидай жозибали, лекин мен бу ҳисга берилмаслигим керак, чунки бунақа мол-дунёсиз қизга уйлансам, мавқеим барбод бўлади, уйланиш ниятим бўлмагандан кейин аввалги муносади.

батни тиклаш одамгарчиликдан эмас», – деб қўйди. Борис Наташа билан учрашмасликка аҳд килди-ю, лекин бир неча кундан кейин яна келди ва шундан кейин тез-тез келиб, эртадан кечгача ўтирадиган бўлиб қолди. Наташа билан холи гаплашиш, эски гапларни эсдан чиқариш керак, ҳар кандай бўлгандা ҳам мен сизни ололмайман, чунки мендака мол-дунёсиз йигитта сизни беришмайди, дейиш унга зарурдай туюлар эди. Бирок бунга ҳеч муваффақ бўлолмас ва бу гапларни айтишга тили бормас эди. У кундан кун чалкаш ҳолатга тушиб бормоқда эди. Онаси ва Сонянинг фахмлалича, Наташа Борисни ҳамон илгаригидай яхши кўрадиганга ўхшар эди. У Бориснинг энг яхши кўрадиган ашула-ларини айтиб берар, альбомни кўрсатар, кистаб альбомига бирон нарса ёздирап, ҳозирги дамлар кандай яхши, деганга ишора килиб, эски гапларни эслагани қўймас эди. Шунинг учун ҳар куни Борис айтмоқчи бўлиб келган гапларини айттолмасдан, нима килганини, нима учун келганини, бу ишларнинг оқибати нима бўлишини ўзи ҳам билолмасдан, чучмал бир ахволда қайтиб кетар эди. Борис Эленнинг уйига бормай қўйди, ундан ҳар куни гина қилиб ёзилган хатлар олиб турса ҳам, барибир, кунини Ростовларникида ўтказар эди.

XIII

Бир куни кечкурун кекса графиня инқилаб-инқилаб бошида кулўта, эгнида кофточка, уламасини олиб қўйиб, битта қилиб ўрган қисқа ва сийрак соchlари қалин сурпдан тикилган кулўтаси остидан чиқиб турган ҳолда, гиламча устида кечки ибодатни адо қилиб ўтирган эди, шу чоғ уйнинг эшиги гийқ этиб очилди-ю, пайпоқсиз туфли кийган, онасига ўхаш эгнида кофточка, жингалак қилиш учун сочини қофоз пилталаарга ўраган Наташа югуриб кирди. Графиня ўтирилиб қизига қаради ва қовогини солди. Графиня: «Наҳот шу ўрним ўлим тўшагим бўлса?» – деб сўнгги оятни ўқиб, ибодатини тамом қилаётган эди. Графинянинг ибодати бузилди. Қизариб кетган, кайфи чоғ Наташа онаси ибодат қилаётганини қўриб, бирдан тўхтади

ва ўтириди-да, ўзига ўзи таҳдид киلىб беихтиёр тилини чи-карди. Онаси ибодатини давом эттираёттанини пайкаб оёк учуда чопкиллаганича каравот олдига борди, оёқчаси билан туфлиларини ечиб, графиня тағин шу менинг ўлим түшагим бўлмасин, деб хавотир олаётган ўринга чиқди. Бу ўрин баланд, парку тўшаклардан иборат бўлиб, бири биридан кичик бешта ёстик кўйилган эди. Наташа иргиб ўрнига чикиши билан парку тўшаклаб ботиб кетди ва девор томонга ағанади-да, тиззасини кучоклаб оёқтарини ўйнатиб, пикир-пикир кулиб, гоҳ бошини кўрпага буркаб, гоҳ чикариб онасига караб ётар эди. Графиня ибодатини тамом қилгандан кейин, ковоғини очмай, ўрин ёнига келди. лекин Наташа бошини кўрпага буркаб олганини кўрнб, одатдагича муло-йимгина жилмайиб:

– Хўш, хўш, – деди.

– Ойи, гаплашиб ўтирсам, майлими? – деди Наташа. – Бир марта томоғингиздан ўпай, яна бир ўпай, бас, – у онасиning бўйнидан кучоклаб, бақбақасидан ўпди. Онаси билан муомалада Наташа зохиран қўпол кўринса ҳам, аслида шу қадар хушёр ва эпчил эдики, онасини қандай кучокламасин, унга хеч қачон озор ҳам етмас, малол ҳам-келмас, нокулай ҳам бўлмас эди. Графиня ёстикка бошини кўйди, Наташа бир-икки ағанаб, бошини ёстикка кўйиб, кўлинини кўрпадан чиқариб жиддий киёфага киргандан кейин:

– Қани, нима гапинг бор? – деб сўради онаси.

Наташанинг мана шундай кечалари, отаси клубдан келгунча графиня олдига кириб, гаплашиб ўтириши она боланинг энг севган лаззатли дамлари бўлар эди.

– Нима демокчи эдинг? Мен сенга...

Наташа кўли билан онасининг оғзини ушлади.

– Борис тўғрисида гапирмокчисиз, ўзим биламан, – деди у жиддий, – ўзим ҳам шунинг учун кирган эдим. Гапирманг, ўзим биламан. Йўқ, айтинг! – У кўлинини онасининг оғзидан олди. – Айтинг, ойи, Борис яхши йигит-а?

– Қизим, сен ўн олтига кирдинг. Сенинг ёшингда мен эрга теккан эдим. Сен Боряни яхши йигит дейсан. Ҳа, жуда яхши йигит. Мен ҳам уни ўз ўғлимдай яхши кўраман. Хўп,

сен нима демоқчисан?.. Муддаонг нима? Сен унинг бошини буткул айлантириб кўйдинг, кўриб турибман...

Графиня шу гапларни айтиб, қизига қаради. Наташа узала тушиб, қимир этмай каравотнинг бурчакларидан биридаги кизил ёғочдан ўйиб ясалган сфинксга¹ қараб ётар, шунинг учун ҳам графиня кизини ёnlамасигагина кўрар эди. Графиня унинг юзидағи жиддият ва чукур фикр ифодасини кўриб ҳайратда колди. Наташа ҳам онасининг сўзларига кулоқ солар, ҳам ўйланиб ётар эди.

– Хўш, нима бўлибди? – деди Наташа.

– Унинг бошини айлантириб нима қиласан? Бундан мақсад нима? Унга тегишинг мумкин эмаслигини-ку биласан.

– Нима учун? – деди Наташа ҳамон ўша вазиятда ётиб.

– Шунинг учунки, у ҳали ёш, камбағал, ўзимизга кариндош... Ўзинг ҳам уни яхши кўрмайсан.

– Сиз буни қаёдан биласиз?

– Биламан. Бу яхши эмас, қизим.

– Шуни хоҳласам-чи.

– Беҳуда гапларингни кўй, – деди графиня.

– Шуни хоҳласам-чи...

– Наташа, мен жиддий...

Наташа онасини гапиргани кўймай, унинг каттакон кўлини тортди-да, кўлининг орқасидан, кафтидан, кўлини яна айлантириб, бармокларининг юқориги бўғинларидан, кейин бўғинларнинг орасидан ўпди, кейин шивирлаб: «Январь, февраль, март, апрель, май» – деб яна бармокларининг юқориги бўғинидан ўпа бошлади.

– Гапириング ойи, нега индамайсиз? Гапириинг, – деди Наташа онасига қараб. Унга меҳр билан тикилиб турган онаси гўё нима демокчи бўлганини ҳам унутгандай кўринар эди.

– Бу яхши эмас, жонгинам. Сизларнинг болалик муносабатларингни ҳамма ҳам билавермайди, уйимизга кела-диган бошқа йигитлар унинг сенга бунчалик яқинлигини кўришса, сенинг тўғрингда кўнгилларига бирон гап келиши

¹ Сфинкс – ярми одам, ярми шер ҳайкал.

мумкин, бундан хам мухимроғи, бу муносабат Бориснинг ўзини хам кийнаб кўяди. Эҳтимол, Борис ўзига муносиб бойрок кизни топгандир, мана энди у девона бўлиб юрибди.

– Девона бўлиб юрибди? – деди Наташа онасининг сўзини тақрорлаб.

– Ўзимдан киёс. Менинг бир шахзодам бор эди...

– Биламан, Крилла Матвеич, у чол-ку!

– Унинг ёш чоғларн хам бўлганди. Менга қара, қизим, мен Борис билан гаплашаман. Бунака хар куни келавермасин...

– Келгиси келса нима учун келмасин?

– Чунки бунинг оқибати яхши бўлмайди.

– Қаёқдан биласиз? Кўйинг, ойи, индаманг. Шу хам гап бўлдими! – деди Наташа худди бир нарсасини бирор тортиб олаётгандай. – Хўп, тегмайман, икковимиз хам шунга хурсанд эканмиз, келаверсинг.

Наташа жилмайиб онасига қаради.

– Тегмайман, шундай келиб-кетиб юради.

– Бу қандай бўлади, қизим?

– Шундай келиб-кетиб юради, аммо тегмайман.

– Шундай келиб-кетиб юради, – деди графиня қизининг сўзини тақрорлаб ва бирдан бутун гавдасини силкитиб, кампирона кулди.

– Бас, кулаверманг, – деб шовқин солди Наташа. – Бутун каравотни силкитиб юбордингиз, худди менга ўхшаган сиз хам серкулгисиз... Шошманг... – У онасининг иккала қўлини ушлаб, бир бўғинини ўпди. – Июнь, июль, деб бир қўлини, август деб бошқа қўлининг бўғинини ўпди. – Ойи, у мени жуда яхши кўрадими? Сизнинг назарингизда, қалай, сизни хам шунака яхши кўришганми? Жуда-жуда яхши йигит, лекин менинг дидимдаги йигит эмас. У меҳмонхонадаги соатга ўхшаш ингичка, узун... Тушунаяпсизми? Ингичка, биласизми, кулранг, ок...

– Нега бўлмаган гапни гапирасан? – деди графиня.

Наташа давом этди:

– Наҳот тушунмасангиз? Николинъка бўлса тушунар эди. Безухов кўк, кизил аралаш тўк кўк, тўрт бурчак.

— Сен унга ҳам ноз-ишва қилиб юрибсан, — деди графиня кулиб.

— Йўқ, у франмасон, билиб олдим. Ўзи яхши, кизил аралаш тўк кўк. Сизга қандок қилиб тушунтирсам экан.

Шу чоғ ташкаридан графнинг:

— Графиня, — деган товуши эшишилди. — Ухлаганинг йўқми? — Наташа иргиб ўрнидан турди-да, туфлисини қўлига олиб, яланг оёқ ўз бўлмасига қараб чопди.

Унинг уйкуси келмади. У, нега мен тушунган нарсани ҳеч ким тушунолмайди, нега менинг кўнглимдагини ҳеч ким англолмайди, деб, ўйлаб ётар эди.

«Соня-чи? — деди Наташа ичиди, мушукчадай ухлаб ётган, сочлари узун Соняға қараб. — Йўқ, бу қаёқдан билсин? Бу яхши киз. Ниқолинъкага кўнгил кўйгани кўйган, бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ. Ҳатто ойим ҳам тушунмайдилар. Ажабо, мунча ҳам ақлли бўлмасам...» «Наташа шундай яхши қизки, — деди у ўзи тўғрисида худди бу гапни жуда ақлли, энг яхши бир эркак айтадигандай тасаввур қилиб... — Ҳамма, ҳамма жиҳатдан у мукаммал киз, — дер эди шу эркак, — у ниҳоят даражада ақлли, дилкаш ва ундан кейин чиройли, ниҳоят даражада чиройли, эпчил, сузишга ҳам, от минишга ҳам уста, овози-чи, овози! Аломат овози бор дейиш мумкин!» У Херубиниев операсидан энг яхши кўрадиган бир сатрини айтди-да, ўзини тўшакка ташлади ва уйкуси келаётганидан хурсанд бўлиб, шамни ўчиргани Дуняшани чакириди, Дуняша чикиб кетмасданоқ у бошқа, бундан ҳам яхшироқ, ҳаётдагидай ҳамма нарса осон ва гўзал бўлиб, факат ҳаётдагидан кўра бошқароқ бўлгани учун яна ҳам яхшироқ бўлган уйку оламига кетди.

Эртасига графиня Борисни чақириб гаплашди ва шу кундан бошлаб у Ростовларникидан оёғини тортди.

XIV

1810-йил арафаси, 31-декабрда Екатерина мансабдорларидан бирининг уйида тунги зиёфат — бал бўлди. Бу балга дипломатия корпуси ва подшоҳ келиши керак эди.

Ўша мансабдорнинг инглиз соҳилидаги маълум ва маш-

хур ховлиси сон-саноксиз чироқлар билан порлаб турар эди. Кызил мовутдан пойандоз солинган дарвозахонада полиция ва жандармларгина эмас, балки полицмейстер¹ ва ўнларча полиция офицерлари ҳам туришар эди. Дарвозахона олдидан извошлилар жұнаб турар, махсус лакейлар ва шляпасига пат такқан лакейлар билан янгидан янги извошлар келиб тұхтар эди. Извошлардан мундир кийган, орден ва лента такқан әркаклар тушар, атлас ва сувсар пүстин² кийган хонимлар тараклаб очилған пиллапоялардан секін тушиб, дарвозахонага солинган мовут пойандозлардан шарпасиз тез-тез кадам босиб ўтишар эди.

Дарвозахона олдига хар гал извош келиб тұхтаганда оломон шивирлар, одамлар шапкаларини бошларидан олишар эди.

Подшохми?.. йўқ, министр... Шаҳзода... элчи... жигасини кўрмайтибсанми? – дейишар эди ўзаро одамлар. Бошқалардан кўра яхшироқ кийинган бир киши, ҳаммани таниса керак, ўша даврадаги машҳур мансабдорларнинг ҳаммасини номма-ном айттар эди.

Мехмонларнинг учдан бири аллақачон балга келган бўлса ҳам, Ростовлар уйидан келадиганлар ҳали ҳам шошилиб-пишиб ясан-тусан килмоқда эди.

Ростовлар оиласида бу бал тўғрисида кўп гап-сўз бўлди, кўп тайёргарлик кўрилди, мабодо таклифнома юборилмаса, мабодо кўйлак битмаса, мабодо ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлмай қолса, деб кўп ташвиш тортишди.

Балга Ростовлар билан бирга графинянинг дугонаси ва кариндоши бўлмиш Марья Игнатьевна Перонская ҳам борадиган эди, бу озгин, ранг-рўйи сарик хотин эски саройнинг фрейлиниси бўлиб, Петербург олиймакомлари доирасида провинциал Ростовлар оиласига бошчиллик килар эди.

Ростовлар кечкурун соат ўнда фрейлинани бирга олиб кеттани Таврида боғига келишлари керак эди, ҳозир соат

¹ Полицмейстер (немисча: Polizeimeister – полиция бошлиғи) – Чор Россияси ва баъзи Фарбий Европа давлатларыда катта шаҳарлар полициясининг бошлиғи.

² Сувсар (сувсар) пўстин – кимматбахо, қалин ва юмшок мўйнали йирткич сутэмизувчилар оиласининг бир турининг мўйнасидан тикилган пўстин.

беш дақиқа кам ўн бўлса ҳам, кизлар ҳануз кийиниб бўлишмаган.

Наташа бунака катта балга умрида биринчи бориши. У шу куни эрталаб соат саккизда уйкудан туриб, бутун кунни ташвиш-тараддуд билан ўтказди. Эрталабдан бошлаб унинг бутун фикр-ёди факат ўзи, онаси ва Соняниг яхшиrok кийиниб боришида бўлди. Соня билан графиня ҳамма ихтиёрни унга кўйиб беришди. Графиня тўқ кизил бархит¹ кўйлак, иккала киз ипак пушти ички кўйлак, устидан белига кизил гул такилган оқ ҳарир кўйлак киймокчи эди. Соч турмаклари юончча бўлиши керак эди.

Энг муҳим ишлар қилиб бўлинди: оёклар, қўллар, бўйинлар, кулоқлар алоҳида эътибор билан ювилди, атир сепилди, упа кўйилди; нафис гулли шоҳи пайпок, бантикли оқ атлас бошмоклар кийилди, соч турмаклар ҳам қарийб тайёр бўлди. Соня ҳам, графиня ҳам кийиниб бўлишди, лекин ҳамманинг ташвишини тортаётган Наташа ҳали кийиниб бўлмаган эди. У озғин елкаларига пенъюарини² ташлаб, ойна олдидা ўтираси, нозик бармоғи билан қаттиқ кисиб сўнгги лентани тақмоқда эди.

– Ундан эмас, ундан эмас, – деди Наташа бошини ўтириб ва оксоч киз кўйиб юборишга улгурмаган сочини маҳкам ушлаб. – Бант бунақа бўлмайди. Бу ёққа кел.

Соня келиб энгашди. Наташа лентани бошқача қилиб тақиб кўйди.

Наташанинг сочини ушлаб турган оксоч киз:

- Шошманг, хоним, бундай килманг, – деди.
- Оббо, кўя туринг! Мана энди дуруст бўлди, Соня.
- Бўлаёздиларингми? Соат ўн бўлиб қолди, – деди графиня нариги уйдан.
- Ҳозир, ҳозир, сиз бўлдингизми, ойи?
- Факат шляпа кийсам бўлди.
- Ўзим кийгизиб кўяман, сиз киёлмайсиз, – деди

¹ бархит (италиянча) – 1) ялтирок; 2) нур сочувчи (кўзгу); 3) баҳмал.

² Пенъюар – аёлларнинг уйкудан турганда кийиб оладиган ёнгил яктак бичим кўйлаги.

Наташа.

– Соат ўн бўлиб колди-ку.

Балга соат ўн яримда етиб борадиган бўлишган, бирок Наташа ҳали кийиниб бўлмаган, яна Перонскаяни олнб келиш учун Таврида боғига ҳам бориш керак эди.

Наташа соч турмагини килиб бўлгандан кейин Соня-нинг олдига келиб, унинг у ёк бу ёғига кўз ташлади-да, кейин югуриб онасининг олдига чиқди. У онасининг бошини ўзига ўтириб, унинг ок соchlаридан наридан-бери ўпид, яна чопкиллаганича юбкасини тикаётган кизлар олдига келди.

Ҳамма Наташанинг юбкасини битишига караб колган, юбка жуда узун бўлгани учун иккиси киз шошиб-пишиб ипни тишлари билан узиб, юбкани тикишмоқда: учинчи киз, лаби ва тишида тўғнагич, графиня билан Соня орасида чопиб юрмоқда: тўргинчиси, кўлини баланд кўтариб, харир кўйлакни туғиб турмоқда эди.

– Мавруша, бўла қол, чироғим!

– Ўймокни беринг, хоним.

– Бўлаёздиларингми ахир, – деди графиня эшикни очиб.

– Мана атири. Перонская маҳтал бўлиб колди.

Оксоч киз этаги кайтарилган харир кўйлакни искала бармоғи билан кўтариб, пулфлаб, силкитиб, шу билан кўлида ушлаб турган нарсасининг нафислигини кўрсатар экан:

– Битди, хоним, – деди.

Наташа кўйлагини кия бошлади.

– Ҳозир, ҳозир кирманг, дада, – деди у эшикни очган графга харир кўйлак ёқасидан бошини чикаришга ултурмай. Соня эшикни ёпди. Бир дакикадан кейин графни киргизишиди. Граф кўк фрак, пайпок ва бошмок кийган, атири сепган ва ўзига оро берган эди.

– Вой, дада, бирам чиройли бўлиб кетибсизки! – деди Наташа уйнинг ўргасида туриб кўйлагининг бурмаларини тузатар экан.

– Қимирламанг, хоним, қимирламанг, – деди чўккалаб, кўйлакнинг у ёк бу ёғини тортиб тузатаетган оксоғ киз лабидаги тўғнагични тили билан у ёқдан бу ёкка суриб.

– Ихтиёр ўзингда-ку, лекин яна узунрок, – деди Соня Наташанинг кўйлагига қараб, афсусланиб.

Наташа катта ойнага қарамоқчи бўлиб, нарирок борди. Кўйлак, дарҳақиқат, узун эди.

– Худо ҳақи, бекач, узун эмас, – деди полда унинг кетидан эмаклаб юрган Мавруша.

– Узун бўлса, букамиз. Бирпасда букамиз-да, – деди Дуняша ва кўкрагидаги рўмолчадан игна олиб, полда ўтирганича ишга киришди.

Шу пайт барҳат кўйлак ва шляпа кийган графиня тортиниб-кимтиниб, секин қадам босиб уйга кирди.

– Ўхў! Гўзалим! – деб кичкирди граф, – ҳаммаларингдан ўзи чиройли!..

У графиняни кучокламоқчи бўлган эди, графиня қизарib, кийимим фижим бўлмасин деб, ўзини орқага тортди.

– Ойи, шляпангизни ёнбошроққа кийинг, келинг, бошкатдан ўзим кийгизиб кўяй, – деб Наташа онасиға қараб ютурган эди, унинг этагини тикиб ўтирган қизлар кетидан чопишга улгуришмади-ю, ҳарир кўйлакнинг бир парчаси уларнинг кўлларида колди.

– Вой, худо! Бу қандай бўлди! Худо ҳақи билмабман.

– Майли, майли тикиб қўяман, билинмайди, – деди Дуняша.

– Гўзалим! Гўзалим! – деди эшикдан кириб келган момо, – Соняни қаранглар-а, баракалла!..

Ниҳоят соат ўндан чорак ўтганда каретага тушиб жўнашди. Лекин ҳали Таврида боғига ҳам бориш керак эди.

Перонская тап-тайёр бўлиб ўтирган экан. Қари, ўзи хунук бўлишига қарамай у ҳам Ростовлар сингари лекин уччалик шошилмасдан (чунки кунда ясан-тусан қилиб ўрганиб қолган эди) тайёрлик кўрган, буришган-тиришган баданини яхшилаб ювган, атир сепган, упа кўйган, ўшалар сингари кулокларининг орқасини яхшилаб ювган эди; сарик кўйлак кийиб, туғро такиб, меҳмонхонага чиққанда унинг ҳам кекса оқсочи Ростовларнинг момоси сингари бекасининг ясан-тусанини кўриб завқи келди, Перонская Ростовларнинг ясан-тусанини мақтади.

Ростовлар унинг дидини, ясан-тусанини макташди, соч турмаги ва кўйлакларини авайлаб, соат ўн бирда кареталарига тушиб жўнашди.

XV

Наташа шу куни эрталабдан бошлаб бирон дақика ҳам бўш вақти бўлмагани учун балда нималар бўлишини ўйлагани қўли ҳам тегмаган эди.

Энди рутубатли совук ҳавода, чайқалиб бораётган тор ва ғира-шира каретада ўтиаркан, Наташа биринчи марта балда, ҷароғон залда нималар бўлишини кўз олдига келтириди: мусика, гуллар, ракс, шаҳаншоҳ, Петербургнинг энг яхши ёшлари. У кўз олдига келтирган нарсалар шу қадар ажойиб эдики, шундай бўлишига ўзи ҳатто ишонмас, бу ажойиб нарсалар тор ва қоронғи каретадаги таассуротга сира ҳам мос келмас эди. У балда нималарни қўришини, қизил мовут пойандоз солинган йўлкадан ўтиб, даҳлизга кириб, пўстинни ечиб, икки томонига гуллар кўйилган ёруғ залдан Соня билан онасидан олдинроқда бораётганида билди. У мана шундагина ўзини балда қандай тутиши кераклигини эслади ва балга келган қиз ўзини қандай тутиши зарур деб ўйлаган бўлса, ўзини шундай улуғвор тутишга тиришди. Бироқ, хайриятки, бу нарсаларни кўриб кўзлари ўйнаб кетганини ўзи сезиб қолди, у ҳеч нарсани аниқ кўролмас, юраги гупуллаб урар эди. У ўзини кулгили қиёфага соладиган рафтор қиломас ва юраги орзикиб, ҳаяжонини яширишга бор кучи билан тиришиб борар эди. Унинг мана шу рафтори ўзига жуда ярашар эди. Буларнинг олдида, кетида шулар сингари бал кўйлаги кийган меҳмонлар ҳам шулар сингари секин-секин гаплашиб кириб боришмоқда эди. Зинадаги катта ойнада оқ, ҳаворанг, пушти кўйлаклар кийган, очик бўйин, билакларига марварид ва брильянтлар таққан хонимларнинг акси кўринар эди.

Наташа ойнага қаради ва ўз аксини бошқалардан ажратади. Ҳамма аралаш-қуралаш бўлиб, ажойиб бир намоийшга айланган эди. Биринчи залнинг эшиги олдида бир киёмдаги.govur, қадам товуши, салом-алик садолари Ната-

шанинг қулогини қоматга келтирди, зиё ва жило унинг кўзларини қамаштирди. Ярим соатдан бери эшик олдида меҳмонларга хуш келибсизлар, деб турган эр-хотин уй эгалари Перонская билан Ростовларни ҳам шу сўзлар билан қарши олишиди.

Ок кўйлак кийган, кора сочларига бир хилда гул такқан икки кизча бараварига бир хилда таъзим қилганда уй бекаси нозикниҳол Наташага беихтиёр тикилиб қолди. У меҳмонларни табассум билан қарши олар экан, Наташага қараб бошқача табассум килди. Бека Наташага қараб, афтидан, ўтиб кетган олтин қизлик даврини ва биринчи мартаба кўрган балини эслади. Унинг эри ҳам Наташани кўзи билан кузатиб, графдан, қайси бири сизнинг кизингиз, деб сўради.

– Гўзал, – деди у бармоқларининг учини ўпиди.

Мехмонлар шохни кутиб, залнинг эшиги олдида тикилиб туришар эди. Графиня шу одамларнинг олдинги сафидан жой олди. Наташа бир неча киши, бу қиз ким экан, деб сўраганини ва караганини сезди. У сўраётган одамларга маъқул бўлганини билиб кўнгли жойига тушди. «Бизга ўхшаганлар ҳам бор, баттарлари ҳам бор», – деди у ичидা.

Перонская балга келган энг катта одамларни графиняга ном-баном айтиб берди.

– Мана бу Голландия сафири, кўраётибсизми, мўйсафид, – деди Перонская бир тўда хотинларни кулдириб турган қалин, жингалак оқ сочли кишини кўрсатиб.

– Ана у Петербург маликаси графиня Безухова, – деди у эшикдан кириб келаётган Эленни кўрсатиб.

– Қаранг-а! Марья Антоновнадан қолишмайди. Уни карант, ёш-у қари ҳамманинг кўзи шунда. Ҳусндан ҳам, ақлдан ҳам берган... шахзода шунга... шайдо бўлиб юрган эмиш. Ана у иккала хотин атрофида хунук бўлишига қарамай эркак ундан ҳам кўпроқ.

Перонская хунуккина кизи билан бирга залдан ўтиб кетаётган бир хонимни кўрсатди.

– Мана бу миллионер киз, – деди Перонская, – ана улар шунинг харидорлари.

– Ана, у Безухованинг акаси – Анатоль Курагин, – деди

у кеккайиб, хонимлар оша каёkkадир караб ўтиб кетаётган, чиройли кавалергард йигитни кўrsатиб. – Жуда ҳам чиройли-а! Нима дедингиз? Шу миллионер кизга уйлан-тириб кўйишмоқчи эмиш. Сизнинг йигитингиз Друбецкой ҳам бу кизга осилиб юрибди. Миллион-миллион пули бор эмиш. Ким бўлар эди, Франциянинг элчиси-да, – деди у графиня-нинг саволига жавобан. – Қаранг, худди пошшога ўхшайди. – Коленкурни кўrsатиб, давом этди у. – Ҳар қалай, дилкаш, француузлар жуда дилкашда, сухбат учун булардан дилкаши бўлмайди. Э, ана, Марья Антоновна! Ҳали ҳам ҳаммадан ўзи чиройлик-э! Одми кийинганини қаранг. Ажойиб!

– Ана у кўзойнаклик, семиз, машҳур франмасондир, – деди Перонская Безуховни кўrsатиб. – Хотинига солишириб қаранг, унинг олдида бу бир пандавақи.

Пьер йўғон гавдасини лапанглатиб, худди бозорда юргандай одамларни туртиб-суриб, ўнг-сўлга пала-партиш ва очик чехра билан бормоқда эди. У, афтидан; одамлар орасида кимнидир кидирмоқда эди.

Наташа таниши Пьерга, Перонский айтмокчи, бу пандавакига суюниб қаради; у билардики, Пьер одамлар орасидан буларни, айниқса, Наташани ахтариб юрибди. Пьер, балга бораман ва сизни йигитлар билан таништираман, деб Наташага вაъда берган эди. Бирок Пьер буларга томон келаётib оқ мундир кийган, корачадан келган, ўрта бўйли, чиройли бир йигит олдида тўхтади. Бу йигит дераза олдида туриб лента ва орденлар таққан – узун бир киши билан гаплашмоқда эди. Наташа шундай қарashi билан ўрта бўйли, оқ мундир кийган йигитни таниди. Бу йигит Болконский бўлиб, Наташанинг кўзига яшаргандай, хушхолрок бўлгандай ва очилиб кетгандай кўринди.

– Ана, яна битта танишимиз, Болконский, кўраётибсизми, ойи? – деди Наташа князь Андрейни кўrsатиб. – Эсингизда борми, Отрадноеда турганимизда келиб, ётиб кетган эди.

– Сиз уни танийсизми? – деди Перонская. – Афтини кўргани тоқатим йўқ. ҳозир ҳамма унинг шайдоси. Шунча ҳам кеккайганки, асти қўйинг. Отасига тортган. Сперанский

билин қалин бўлиб олган, иккаласи аллақанака лойиҳалар ёзаётиди. Хотинларга килаётган муомаласини қаранг! Ана у хотин гапираётиди-ю, у тескари қараб туриди, – деди Перонская князь Андрейни кўрсатиб. – Шу хотинларга килаётган муомаласини менга қилса, роса боплар эдим.

XVI

Тўсатдан ҳамма қимиirlаб қолди,.govur кўтарили, халойик эшикка томон интилди, кейин икки томонга чекинди, орадан мусика садоси остида подшоҳ залга кириб келди. Унинг кетидан эр-хотин уй эгалари келишмоқда эди. Подшоҳ ўнгга, сўлга бош ирғатиб, худди шу таъзим-тавозедан тезроқ кутула қолай дегандай, жадаллаб борар эди. Мусиқачилар подшоҳга аталган матни билан ўша вақтда машхур бўлган полькани¹ чалишди. Бу матн шундай бошланар эди: «Александер, Елизавета, бизни мафтун қилдингиз...» Подшоҳ меҳмонхонага кирди, ҳамма эшикка ёпирилди; афт-ангори ўзгарган бир неча киши шошиб-пишиб уйга кирди-ю, яна қайтиб чиқди. Халойик эшик олдидан яна чекинди; ичкарида уй бекаси билан гаплашаётган подшоҳ кўринди. Гангид қолгандай кўринган бир йигит хотинларнинг эшик олдидан нарирок туришларини сўради. Баъзи хотинлар олиймакомлар доирасининг адаб-одобларини унугтан бир қиёфада, пардоз-андозларини бузиб чиқса ҳам, эшик олдидা тикилишиб туришар эди. Эркаклар полькага рақс килгани хонимлар олдига келиб жуфт-жуфт бўлишди.

Халойик йўл очди, подшоҳ жилмайиб, уй бекасининг кўлидан ушлаб, мусика мақомига зътибор килмай, жўн юриб меҳмонхонадан чиқди. Унинг кетидан М. А. Наришкина билан уй эгаси, булардан кейин элчилар, министрлар, турлитуман генераллар чиқишли. Перонская буларнинг номини графиняга айтиб турар эди. Хонимларнинг ярмидан кўпичавалер топган бўлиб, рақс қилмоқда ёки раке килгани тайёрланмоқда эди. Наташа ўзи, онаси ва Соня билан бирга девор остига кисиб кўйилган ва раксга таклиф қилинмаган озчилик хотинлар қаторида қолганини сезди. У нозик қўл-

¹ Полька – тез ўйналадиган ҳалк ракси ва шу ракс мусикаси.

ларини осилтириб, бўртиб колган кўкраги бир маромда кўтарилиб тушиб, энтикиб, жуда зўр хурсандликка ҳам, катта баҳтсизликка ҳам тайёр турган бир алпозда жавди-раётган чиройли кўзларини олга тиккан эди. Унинг кўзига на подшоҳ кўринар эди ва на Перонская кўрсатаётган катта кишилар – унинг бутун фикр-ёди бир нарсада эди: «Наҳотки ҳеч ким менинг олдимга келмаса, наҳотки шу тўпда ракс қилолмасам, наҳотки ҳозир, афтидан мени кўрмаётган шунча эркакнинг кўзи менга тушмаса ва тушган тақдирда ҳам худди: «Э, бу эмас, унга қарашнинг нима ҳожати бор», деб ўйласа. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Булар мен раксга қанчалик иштиёқманд эканлигимни, раксга накадар мохир эканлигимни, мен билан рақе килишса, қанчалик хурсанд бўлишларини билишлари керак ахир».

Узок давом этган полька Наташанинг қулоғига ҳазин бўлиб, хотиротдай эштила бошлади. Унинг ўпкаси тўлди. Перонская буларнинг олдидан нарирок кетди. Граф залнинг нариги томонида, графиня, Соня ва Наташа эса ҳеч кимга кераксиз, ортиқча бўлиб, бу бегона одамлар орасида, худди ўрмонда якка ёлғиз колгандай туришар эди. Князь Андрей бир хоним билан буларнинг олдидан ўтиб кетди-ю, афтидан, буларни танимади. Чиройли Анатоль илжайиб, ёнидаги хоним билан гаплашиб ўтиб борар экан, Наташага худди деворга карагандай қаради. Борис буларнинг олдидан икки марта ўтди, лекин ҳар икки гал ҳам юзини тескари ўтириди. Раксга тушмаган Берг хотини билан буларнинг олдига келди.

Оилавий икир-чикир тўғрисида гаплашгани балдан бошка жой куриб кетгандай, буларнинг шу ерда бир жойга йиғилишлари Наташага жуда малол келди. У яшил кўйлаги тўғрисида нимадир деяётган Веранинг гапига ҳам қулок солмади, афтига ҳам қарамади.

Подшоҳ ниҳоят, сўнгти марта бирга ракс килган хоними олдида тўхтади (у уч хотин билан раксга тушди), мусика тинди; ташвишманд адъютант югуриб келиб, Ростовлар девор тагида туришган бўлса ҳам, яна нарирок туришларини сўради, яна паст, одамнинг завқини келтирадиган ёқимли

вальс садоси авжга минди. Подшоҳ табассум қилиб, залга қаради. Бир дақика вақт ўтди, лекин ҳеч ким ракс бошли-мади. Рақс мутасаддиси адъютант графиня Безухованинг олдига келиб, уни раксга таклиф килди. Графиня жилмайиб қўлини кўтарди-ю, унинг афтига қарамасдан, елкасига қўйди. Ўз ишига мохир адъютант-мутасадди хонимнинг бели-дан маҳкам ушлади-да, шошилмасдан, аввал давранинг четидан юрди, залнинг бурчагига борганда хонимнинг чап қўлидан ушлаб айлантира бошлиди; тобора жадалроқ чали-наётган мусика садоси орасидан адъютантнинг чақкон ва енгил оёқларидаги шпорларининг бир қиёmdа шиқир-шиқир килиши эшитилиб турар, ҳар уч мақомда бир айланган вақтда хонимнинг барҳат кўйлагининг этаклари ёйилиб, яшнаб кеттандай кўринар эди. Ўнинг буларга қараб, нима учун вальснинг биринчи доирасида мен ракс қилмадим, деб иғлагудай бўлди.

Князь Андрей эгнида суворийлар полковниги киядиган оқ мундир, оёғида пайпօқ ва бошмоқ, кайфи чог, биринчи сафда, Ростовлардан салгина нарида тикка турар эди. Барон Фиргоф Давлат Кенгашининг эртага мўлжалланган биринчи мажлиси тўғрисида у билан гаплашмоқда эди. Князь Андрей Сперанскийга яқин бўлгани ва қонун чиқарадиган комиссиянинг ишларида қатнашиб юргани учун ҳар хил миш-мишлар тарқалган бу мажлис тўғрисида аниқ маълумот бера олиши мумкин эди. Лекин у Фиргофнинг гапига кулок солмасдан, гоҳ шоҳга, гоҳ ракс қилмоқчи бўлсалар ҳам даврага киргани ботинолмай турган кавалерларга қараб турар эди.

Князь Андрей подшоҳ олдида ракс килгани бетламай турган кавалерларни, раксга қачон таклиф килинар эканман, деб ҳикиллаб турган хонимларни кузатар эди.

Пьер князь Андрейнинг олдига келиб, унинг қўлини ушлади.

– Сизнинг раксга хушингиз бор, шу ерда менга ёқадиган кичкина Ростова юрибди, раксга таклиф қилинг, – деди у.

– Қаерда? – деб сўради Болконский. – Кечирасиз, – деди у баронга қараб, – бу тўғрида кейин гаплашамиз, балда ракс

килиш керак, – у Пьер кўрсатган томонга қараб қадам босди. Князь Андрей тарвузи кўлтиғидан тушиб, суратдай қотиб колган Наташани кўриб колди. У Наташани таниди, дилидан нималар ўтаётганини сезди, бунака жойга биринчи марта келганини англади, дераза тубида ўтириб айтган гапларини эслади-да, хушҳол чехра билан кулимсираб графиня Ростованинг олдига келди.

– Рухсат этинг, сизни кизим билан таниширай, – деди графиня кизариб.

– Жоним билан, агар графиня мени эсдан чикармаган бўлсалар, кўп хурсанд бўламан, – деди князь Андрей ва Перонскаянинг «Болконский дагал» деган гапига мутлақо хилоф ўлароқ одоб ва тавозе билан Наташанинг олдига келди ва таклиф қилиб, айтган сўзини тугатмасданок, унинг белидан ушлади. У вальсга бир давра ракс килишни таклиф этди. Наташанинг ноумидликка ҳам, кувончга ҳам тайёр турган чехраси бирдан очилиб, миннатдорлик ифода этди ва маъсум табассум килди.

Кўрккан ва кувониб кетган Наташа қўлинни кўтариб, князь Андрейнинг елкасига қўяр экан, йиги аралаш пайдо бўлган табассуми билан гўё: «Мени мунча интизор килдинг», – дер эди. Булар ракс қилгани даврага кирганларнинг иккинчи жуфти эди. Князь Андрей ўз даврининг раксга моҳир одамларидан бири эди. Наташа ниҳоят даражада яхши ракс килди. Унинг балга хос атлас бошмоқ кийган нозик оёқлари ерга тегмас, юзи эса хурсандлигидан гул-гул очилган эди. Унинг очиқ бўйин ва билаклари озгин, хунук эди. Элленнинг елкаларига қараганда унинг елкалари озгин, кўкраги билинар-билинмас, қўллари ингичка эди, бирок Элленнинг очиқ билак ва елкаларини кўравериб, одамларнинг қўзи қотиб қолган, Наташа эса умрида биринчи марта билак ва елкаларини очган, агар шундай бўлиши зарур деб уни кўндиришмаганда, шу алпозда одамларнинг кўзига кўрингани номус киладиган бир кизчадай кўриниар эди.

Князь Андрей ракс килишни яхши кўтар эди, одамларнинг сиёсий ва баландпарвоз гаплар билан мурожаат қилишларидан тезроқ қутулиш, подшоҳ шу ерда бўлган-

лигидан вужудга келган тортиниш кайфиятига барҳам бериш учун ракс килмокчи бўлиб, Наташани танлади, чунки, аввало, шу билан тана қилгин деб Пьер айтди, ундан кейин бошқалар орасида кўзига шу киз яхшиrok кўринди. У Наташанинг нозик ва хипча белидан ушлаши биланоқ Наташа унга шу қадар яқин туюлди, шу қадар яқин бўлиб жилмайдики, унинг гўзаллигидан князъ Андрей маст бўлди. У ракс қилиб бўлиб, нафасини ростлаганидан кейин, раксчиларга қарап экан, ўзини бардам ва яшаргандай сезди.

XVII

Князъ Андрейдан кейин Наташани раксга таклиф қилгани Борис, бални бошлаб берган адъютант ва яна бир неча йигитлар келишди, Наташа ўзидан ортган кавалерларни Соняга бериб, ниҳоят хурсанд бўлиб ва қизариб, бал тамом бўлгунча ракс қилди. Бу балда одамларнинг диққатини нима тортаётганини Наташа пайқамади ҳам, кўрмади ҳам. У подшоҳнинг француз сафири билан узок гаплашганини ҳам, бир хоним билан айрим илтифот кўрсатиб сўзлашганини ҳам, фалон шаҳзода фалон-фалон деганини ҳам, Элен қанча одамларни мафтун қилиб, фалончининг айрим илтифотига сазовор бўлганини ҳам пайқамади. У ҳатто подшоҳни ҳам пайқамади, унинг кеттанини ҳам ракс қизиб кетганидангина билди, холос. Тамаддидан олдин чалинган бир шўх куйга князъ Андрей яна Наташа билан ракс қилди. У Наташа билан биринчи дафъа Отрадное хиёбонида икки мартаба учрашганини, Наташа ойдин кечада ухломаганини, ўзи унинг товушига беихтиёр қулоқ согланини эслатди. Наташа бу сўзларни эшишиб қизариб кетди ва князъ Андрейни беихтиёр қулоқ солишига унданаган ҳис худди уятли бир нарса бўлгандай ўзини оқлай бошлади.

Князъ Андрей киборлар ичида ўсан барча кишилар сингари, киборлар доирасида киборлар таъсиридан холи бўлмаган одамлар билан кўришишни хушлар эди. Наташанинг ҳар нарсага ҳайрон қолиши, ҳар нарсадан хурсанд бўлиши, тортиниб туриши ҳатто французчани хато гапириши князъ Андрейга ёкиб қолди. У Наташага назокат ва

айрим эътибор билан муомала қилар эди. Наташа билан энг оддий ва анчайин гапларни гапиришиб ўтирас экан, князь Андрей унинг айтаётган гапларидан эмас, балки ички хушбахтлигидан кувониб, порлаган кўзларини ва табассумини кўриб завқ қилар эди. Наташа таклиф килинганида табассум билан ўрнидан туриб, залда ракс қилиб юраркан, князь Андрей унинг айникса тортиниброк килган гўзал ҳаракатларини марок билан томоша қилар эди. Куй ярим бўлганда Наташа ракснинг бир фигурасини тутатиб, ҳансираганича жойига бориб ўтириди. Уни яна бир кавалер раксга таклиф килди. Чарчаган ва ҳансираган Наташа йўқ демокчи бўлди, шекилли-ю, лекин дарҳол кўлини кўтариб кавалернинг елкасига кўйди-да, князь Андрейга жилмайиб қаради.

У шу жилмайиши билан: «Мен-ку, жон деб дам олиб сиз билан ўтирас эдим, ўзим ҳам чарчаганман, лекин кўрмайсизми, мени кўйишмаяпти, бунга жуда хурсанд ва баҳтиёрман, мен ҳаммани яхши кўраман ва буни иккаламиз ҳам тушунамиз» ҳоказо ва ҳоказолар демокчи бўлар эди. Раке килган кавалери кетгандан кейин Наташа фигура ўйнамокчи бўлиб, иккита хонимни олиб келиш учун зал бўйлаб чопиб кетди.

«Агар Наташа аввал аммаваччасининг, кейин ана у хотиннинг олдига борса, менинг хотиним бўлади», – деб кўйди князь Андрей Наташага қарап экан беихтиёр. Наташа аввал аммавач八大的ing олдига борди.

«Кишининг хаёлига баъзан хўп бехуда нарсалар келадида, – деди князь Андрей ичиди, – лекин бу қизнинг бунчалик дилбар, бунчалик гўзаллигига тан бериш керак, бундай жойларда бир ой рақс килишга улгурмай эрга тегади... Бундек киз бу ерда жуда кам топилади», – деди князь Андрей ўзича Наташа корсажидаги¹ гулни тўғрилаб унинг ёнига ўтирас экан.

Машкнинг охирида кўк фракли кекса граф буларнинг олдига келди. У князь Андрейни ўз уйига таклиф килди ва кизидан: «Хурсандмисан?» – деб сўради. Наташа жавоб

¹ Корсаж – 1) хотин-қизлар кўйлагининг белдан юкори кисми; 2) юбканинг кенг каттиқ белбоги.

ўрнига жилмайиб кўйди, унинг бу жилмайиши гўё ўпкалаб:
«Наҳотки шуни сўраб ўтирангиз?» – деганга ўхшар эди.

Умримда бунчалик хурсанд бўлган эмасман! – деди Наташа ва отасини қучоқламокчи бўлиб орик кўлларини кўтарди-ю, лекин дарров туширди. Буни князъ Андрей пайқади. Наташа умрида бундай хурсанд бўлган эмас, у шундай хурсанд эдики, киши бундай вактларда жуда эзгу ва меҳрибон бўлиб, дунёда ёвузлик, баҳтсизлик ва гам-ғусса деган нарсалар борлигига ишонмай кўяди.

Пьер биринчи марта шу балда хотинининг олиймакомлар доирасида тутган мавқеидан ўзини таҳқирланган сезди. Унинг қовоги солик, хаёли паришон эди. Пешонасини тириштириб, дераза олдида кўзойнак орқали қараб турар экан, ҳеч нарсани кўрмас эди.

Наташа овкатта бораётib унинг ёнидан ўта бошлади.

Пьерни гам босиб турганини кўриб Наташа ҳайрон қолди ва унинг каршисида тўхтади. Унинг Пьерга ёрдам килгиси, ўз хурсандлигидан унга ҳам пича юқтиргиси келди.

– Хўп хурсандчилик қилдик-да, граф, шундай эмасми?
– деди у Пьерга.

Пьер унинг нима деяётганига тушунмади, шекилли, анграйиб, кулимсиради.

– Ҳа, кўп хурсандман, – деди у бироздан кейин.

«Наҳотки шулар, айникса, Пьер Безуховдай яхши одам бирон нарсадан норози бўлиши мумкин бўлса», – деди Наташа ичиди. Наташанинг назарида, балга келган одамларнинг ҳаммаси эзгу, дилбар, бир-бирига меҳрибон ва яхши кишилар бўлиб, ҳеч ким ҳеч кимни хафа килмайдиган, шунинг учун ҳам ҳаммаси хушбахт кишилар эди.

XVIII

Эртасига князъ Андрей кечаги бални эслади-ю, лекин бу тўғрида узок ўйламади. «Ҳа, бал жуда яхши бўлди. Бундан ташқари... Ҳим, Ростова жуда дилбар қиз. Унда қандайдир бир янгилик, ўзига хос, петербургликларда учрамайдиган, уни бошқалардан ажратиб турадиган бир нарса бор». Кечаги бал тўғрисида князъ Андрей факат шунигина ўйлади-ю, чой

ичганидан кейин, ишга ўтири.

Бирок чарчаганиданми ёки кечаси уйкудан қолганиданми, шу куни унинг иши барор топмади: ишламасдан, одатдагича, қылган ишларини бекорга чиқарди ва бирор келганини пайкаб хурсанд бўлди.

Келган киши турли комиссияларда хизмат киладиган, Петербург олиймақомларининг сухбатларидан курук колмайдиган, янги ғоя ва Сперанскийнинг муҳлиси ва Петербургнинг тинимсиз жарчиси Бицкий бўлиб, бу одам маслакни кўйлак сингари модага караб танлайдиган ва шунинг учун ҳам бир маслакнинг кизгин тарафдори бўлиб кўрина-диган кишилардан эди. У ташвишманд бир алпозда шляпасини бошидан олиши биланоқ югуриб князь Андрейнинг олдига кирди-да, дарҳол гап бошлади. У Давлат Кенгашини подшоҳнинг ўзи очган шу бугунги мажлиси тафсилотидан ҳозиргина хабардор бўлиб, шу тўғрида шавқ билан гапира кетди. Подшоҳнинг нутқи жуда фавқулодда нутқ экан. Бу нутқ факат конституцион монархлар сўзлайдиган нутклардан эмиш. «Подшоҳ тўғридан тўғри айтдики, Кенгаш билан Сенат давлат табақасидир. У айтдики, давлат идораси зулмга эмас, балки мустаҳкам асосга таяниши керак. Подшоҳ айтдики, молия ишлари ҳам қайта тузилиши ва ҳисобот ишлари ҳам эълон қилиниши керак», – деди Бицкий маълум сўзларни таъкидлаб ва кўзларини катта очиб.

Шундай, ҳозирги воеа бутун бир даврни, тарихимизда энг буюк даврни ташкил қиласиди, – деди Бицкий сўзининг охирида.

Князь Андрей Давлат Кенгашининг очилишини сабрсизлик билан кутиб, унга жуда катта аҳамият бериб юрган эди, бирок унинг очилгани ҳакидаги хабарни эшитганидан кейин бу ҳодисага жуда локайд караганига, кўзига анчайин бир нарса бўлиб кўринганига хайрон қолди. У Бицкийнинг бунчалик шавқ билан айтиётган гапларига жимгина, кулимсираб кулоқ соларкан, бошига энг oddий бир фикр келди: «Подшоҳнинг кенгашда нима дегани билан Бицкий иккавимизнинг нима ишимиз бор? Бу нарсалар мени хушбахтрок ва яхшироқ киласиди?»

Мана шу оддий мuloҳаза князь Андрейнинг юз бераётган ўзгаришларга бўлган бутун аввалги кизикишларини маҳв этди-кўйди. Шу куни князь Андрей Сперанский-никида, мезбоннинг ибораси билан айтганда «дўстлар сухбати»да тушлик килиши керак эди. Мафтун қилиб юрган кишининг уйида ва дўстлари сухбатда тушлик килишга князь Андрей илгари жуда қизиқиб юрган, бундан ташқари шу вактгача Сперанскийни ўз уйида кўрмаган эди. Бирок ҳозир унинг уйига боргиси келмай колди.

Князь Андрей, ҳар қалай, белгиланган соатда Сперанскийнинг даврида боғидаги унча катта бўлмаган ҳовлисига етиб борди. Князь Андрей салгина кечикиб, соат бешдан кейин монахларга хос жуда ҳам озода, паркет полли меҳмонхонага кирганида Сперанскийнинг жонажон дўстларидан иборат дўстлар сухбати, йигилиб ўтирган эди. Меҳмонхонада Сперанскийнинг ўзига ўхшаган озғин юзли кичкина қизчаси ва унинг мураббиясидан бошқа аёл йўқ эди. Меҳмонлар Жерьве, Магницкий ва Столипинлардан иборат эди. Князь Андрей даҳлизга кириши билан баланд овозлар ва сахна кулгисига ўхшаш сохта, каттиқ кулги товушини эшилди. Сперанскийнинг товушига ўхшаган бир товуш хаҳолаб кулмоқда эди. Князь Андрей Сперанскийнинг кулгисини ҳеч қачон эшитмаган, шунинг учун ҳам давлат арбобининг бу хилда баланд, ингичка овоз чиқариб кулиши уни ҳайратда колдирди.

Князь Андрей меҳмонхонага кирди. Меҳмонлар икки дераза ўртасида, пишлок билан тўла чоғроқ стол ёнида турар эди. Сперанский орденларини такиб, кулранг фрак, афтидан, Давлат Кенгашининг машхур мажлисига кийиб борган ўша оқ нимча, оқ галстутида, хушҳол кайфиятда стол ёнида турар эди. Меҳмонлар уни куршаб олишган. Магницкий Михаил Михайловичга қараб латифа айтмоқда. Сперанский Магницийнинг айтадиган гапига олдиндан кулиб кулоқ солмоқда. Князь Андрей меҳмонхонага кирган пайтда кулги Магницийнинг товушини босиб кетди.

Пишлок билан нон кавшаётган Столипин йўғон овоз билан, Жерьве ҳихилаб, Сперанский ингичка товуш билан

каттиқ кулишмоқда эди.

Сперанский ҳамон кулар экан, князь Андрейга оппок ва нозик күлини узатди.

Хуш келибсиз, князь, – деди у. Сүнгра Магницкийга мурожаат қилиб, унинг сўзини бўлди. – Бир дақика... Бугун ишдан оғиз очмай, факат чакчаклашиб ўтирамиз, деб аҳд килганмиз. – У яна латифагўйга қараб ҳахолаб кулди.

Князь Андрей умиди пучга чиққан киши сингари кулаётган Сперанскийга таажжубланиб қараб турар эди. Унга бу Сперанский эмас, бошка бир одамдай туюлди. Шу дамга-ча бунинг бир кўришда билиб бўлмайдиган хислати бор, нимасидир кишини ўзига тортади, деб юрган князь Андрей-нинг ҳозир Сперанскийдан ихлоси қайтди-кўлди.

Гап-сўз бир лаҳза ҳам тинмас ва бутун суҳбат худди латифагўйликка ўхшар эди. Магницкий ҳали ҳикоясини тутатмасдан яна бошка бир киши бундан ҳам қизиқрок бир нарсани айтиб бермокчи бўлди. Бу латифаларнинг кўпи хизмат олами тўғрисида бўлмаса ҳам, хизмат қиласидиган кишилар тўғрисида эди. Гўё суҳбат аҳли бу кишиларнинг пастлиги тўғрисида узил-кесил бир фикрга келган-у, буларнинг бу кишиларга бўлган муносабатлари факат мазах-масхарадан иборат эди. Сперанский бутун эрталаб бўлган кенгаш мажлисида бир кар тўрадан, сизнинг фикрингиз қалай, деб сўраганида, у мен ҳам ўша фикрдаман, деб жавоб берганини айтди. Жеръве тафтиш тўғрисида бутун бошли бир ҳикоя айтганди берди, бу ишнинг жуда диккат бўлган жойи тафтиш ҳайъатининг бетутуруклиги экан. Столипин дудукланиб гапга аралашди-да, авзойидан суҳбатга жиддий түе берадиган бўлиб, бурунги тартибдаги сунистемоллар ҳакида қизгин гапира кетди. Магницкий Столипиннинг қизик-конлигидан кулди. Жеръве бир ҳазил қилди, шу билан суҳбат яна боягидай хушчакчак тус олди.

Сперанский, афтидан, ишдан кейин дўстлари суҳбатида дам олиб хурсандлик қилишни яхши кўрса керак, меҳмонлар буни билиб, уни хурсанд қилиш ва шу билан ўзларини ҳам хурсанд қилишга тиришар эдилар. Бироқ бу хурсандчилик князь Андрейга оғир ва малол келди. Сперанскийнинг

ингичка товуши унинг қулоғига ёқмас, унинг тинмай сохта кулиши негадир князь Андрейнинг түйғуларини ҳақорат килар эди. Князь Андрей кулмас, менинг ўтиришим сұхбат ахлига малол келмасмикин, деб хавотир олиб ўтирар эди. Бирок унинг кайфияти сұхбатга мос келмаёттанини хеч ким пайқамади. Ҳамма хурсанд кўринар эди.

Князь Андрей бир неча марта гапга аралашмокчи бўлган эди, бироқ унинг сўзлари ҳар гал сувдан отилиб чиккан пўкақдай сұхбатга ботмади, буларнинг ҳазил-мутойибасига кўшилолмади.

Булар гапириб ўтирган гаплар ёмон гаплар ҳам эмас, ўринсиз ҳам эмас, ҳаммаси ҳам ўткир ва қизик бўлиши мумкин, лекин хурсандчиликка маза киргизадиган нимадир етишмас ва булар эса шундай нарса борлигини ҳатто билишмас эди.

Тушлиқдан кейин Сперанскийнинг кизи мураббияси билан ўрнидан турди. Сперанский оппоқ кўли билан қизини эркалаб сийпади ва ўпди. Унинг бу иши князь Андрейга калбакидай кўринди.

Эркаклар инглизларнинг таомилини қилиб, столдан туришмади ва портвейн¹ ичib ўтиришаверди.

Наполеоннинг Испанияда қилган кирдикори тўғрисида кетаётган гапнинг ўртасида (сұхбат ахли бу кирдикорларни ёқлашар эди) князь Андрей буларга эътиroz қила бошлади. Сперанский кулимсираб, гапни бошқа ёкқа бурмоқчи бўлди, шекилли, бу гапга ҳеч алоқаси бўлмаган бир латифа бошлади. Ҳамма бир неча дақиқа жим қолди. Сперанский стол кетида ўтириб, винолик шишанинг тиқинини тиқар экан: «Хозир яхши винолар жуда азиз бўлиб қолган», – деди-ю, шишани хизматкорга бериб ўрнидан турди. Бошқалар ҳам ўринларидан туриб, говур-ғувур гаплашиб меҳмонхонага чиқишиди. Сперанскийга куръер кўйиб кетган иккита хатни беришиди. У хатни олиб кабинетига кирди. Сперанский чикиши билан ғовур босилди, меҳмонлар ўзаро секин-секин гаплаша бошлади.

¹ Портвейн – узумдан килинган ўткир вино.

– Мана энди декламацияга¹ ўтдик! – деди Сперанский кабинетидан чиқиб. – Ажойиб талант! – деди у князь Андрейга қараб. Магницкий дарров ғўдайиб, Петербургнинг баъзи машхур кишилари шаънига ёзган французча хажвий шеърларни ўқий бошлади. Шеър ўқиши давомида унга бир неча марта чапак чалишди. Шеър тамом бўлгандан кейин князь Андрей Сперанскийнинг олдига келиб, хайрлашгани унга кўл берди.

– Ҳа, дарров кетасизми? – деди Сперанский.

– Бирор кечага таклиф килган эди, – деди князь Андрей.

Жим бўлишди. Князь Андрей унинг ойнадай акс этиб, ботинини кўришга имконият бермайдиган кўзларига якиндан қараб кулгиси қистади: қандай бўлибдики, у мана шу Сперанский ва унга боғлик бўлган ўз фаолиятидан бирон нарса чиқади деб ўйлаб юрган экан? Нечук шу Сперанский килаётган барча ишларга бунчалик катта аҳамият бериб юрган экан? Князь Андрей у ердан жўнаб кеттандан кейин ҳам узок вақт Сперанскийнинг сохта ва совуқ кулгиси кулогидан кетмади.

Уйига келгандан кейин князь Андрей шу тўрт ой ичида Петербургда кечирган ҳаётини худди бир янги нарсадай эслай бошлади. Ўзи тузган ҳарбий устав лойиҳасини, бу уставни тузиш учун кўп овора бўлганини, қанчадан қанча китоб кўрганини, бошқа бир бемаъни устав ёзилиб, подшоҳга тақдим қилинганлиги учунгина бу уставни факат маълумотга олиб, бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмасликка ҳаракат қилганини эслади: Берг аъзоси бўлган комитетнинг мажлисларини эслади, бу мажлисларда комитет мажлисларини қайтартиб ва қандай формада ўтказилишига доир ҳамма масалалар ҳар томонлама ва узок муҳокама қилинганлигини, ишнинг моҳиятига алокадор масалаларни эса мумкин қадар четлаб ўтишга ва қисқароқ муҳокама қилишга уринганликларини эслади. Князь Андрей конун чиқариш соҳасида қилган ишларини, Рим ва француз конунлари мажмуасидаги

¹ Декламация (латинча: declamatio – нотикликни машқ қилиш) – бадий асар ёки ундан олинган парчани чиройли, таъсиричан қилиб ёлаки ўқиш маҳорати ва шундай ўқишнинг ўзи.

моддаларни бош күттармай ўтириб таржима қилганини хотирлади ва ўзи ўзидан хижолат тортди. Сўнгра Богучаровони, у ерда нималар билан шуғулланганини, Рязанга борганини, дехқонларни, оксокол Дронни ва уларни тоифаларга ажратиб уларга шахс ҳуқуки берганини эслади ва шунча вақтни шунака бекорчи ишлар билан ўтказганига таажжубланди.

XIX

Эртасига князь Андрей шу вақтгача бормай юрган жойларига, шу жумладан, кейинги балда учрашиб яна ошнагарчилик бошлаган Ростовларникига борди. Князь Андрей Ростовларникига одамгарчилик юзасидангина эмас, балки тасаввурида гўзал хотирот қолдирган ўша шўх ва дилкаш кизни ўз уйида кўриш учун ҳам бормоқчи эди.

Ҳаммадан олдин уни Наташа қарши олди. Наташа уйда жўнгина кўк кўйлак кийиб юрган экан, князь Андрейнинг назарида, Наташа бал кўйлагидан кўра бу кўйлакда чиройлироқ кўринди. Наташа ҳам, Ростовларнинг бутун хонадони ҳам князь Андреини қадрдон одамдай очиқ юз билан қарши олишиди.

Илгарилари қнязь Андрейнинг бу оиласга унчалик хуши йўқ эди, энди эса буларнинг ҳаммаси кўзига яхши, содда ва меҳрибон кўринди. Петербургда кекса граф шу қадар меҳмондўст ва меҳрибон бўлиб қолган эдики, князь Андрей тушликни ташлаб кетишни ўзига эп кўрмади, «Ҳа, булар меҳрибон, ажойиб одамлар, – деб ўйлади Болконский, – лекин улар Наташалари канчалик бебаҳо киз эканлигини тушунмайдилар, албатта, аммо улар бежирим кувноқ бу гўзал қизнинг яна ҳам ажralиб туриши учун жуда мувоғик бир мухит ташкил қиласиган меҳрибон одамлар!»

Князь Андрей авваллари Наташа сиймосида ўзига буткул ёт бўлган, бегона бир олам борлигини сезар эди; бу олам унга маълум бўлмаган севинчлар билан тўла бўлиб, Наташани Отрадное хиёбонида учратган ва ойдин кечада деразадан овозини эшигтан маҳалида унинг гашига теккан эди. Хозир эса бу олам унинг ғашига ҳам тегмас, унинг учун

бегона ҳам эмас, аксинча, энди унинг ўзи шу оламга кириб, янги бир лаззат топмоқда эди.

Тушликдан кейин Наташа князь Андрейнинг илтимоси билан клавикорд чалиб, ашула айтиб берди. Князь Андрей дераза олдиди туриб, хонимлар билан сўзлашар экан, Наташанинг ашуласига кулоқ соларди. Князь Андрей сўзлаб туриб бирдан жим бўлди ва ўпкаси тўлганини сезди, у ҳеч қачон шу ҳолатга тушмаган эди. Князь Андрей ашула айтаётган Наташага қаради-ю, юрагида аллақандай янги ва ёқимли бир ҳис пайдо бўлди. У хушбаҳт ва шу билан бирга маҳзун, йиғлагудай ҳеч нарса бўлмаса ҳам, йиғлашга тайёр эди. Нима учун йиғлаши керак?

Илк муҳаббати учунми? Кичкина княгиня учунми? Орзу-армонлари ушалмай қолгани учунми? Келажакка бўлган умидлари учунми? Бу саволларга «ҳа» дса ҳам, бўларди, «йўқ» деса ҳам. У асосан бир нарса учун йиғлагиси келарди. Бу ҳам бўлса ўзида бўлган аллақандай ниҳоят даражада азим ва номаълум бир нарса билан ўзидай ва хатто Наташадай кичик ва жисмоний нарса ўртасидаги даҳшатли қарама-қаршиликни тўсатдан сезиб қолганлиги эди. Мана шу қарама-қаршилик Наташа ашула айтаётган вактда уни ҳам изтиробга солар, ҳам курсанд қиласа эди.

Наташа ашулани айтиб бўлиши билан князь Андрейнинг олдига келди, овозим сизга ёқдими, деб сўради. У сўрашга сўради-ю, кейин буни сўрашнинг ҳожати йўклигини сезиб хижолат бўлди. Князь Андрей Наташага қараб табассум қилди ва унинг ашуласи ҳам бошқа ҳамма ишлари сингари ёққанини айтди.

Князь Андрей Ростовларникидан кечаси хийла бевакт қайтди. У ётмоқчи бўлиб, ўринга кирди-ю, қарасаки, уйқуси келадиган эмас. У гоҳ шам ёқиб тўшагида ўтирас, гоҳ ўрнидан турар, уйқуси кочгани малол келмай яна чўзилар, худди дим уйдан ёргут дунёга чиққандай таъби очиқ ва дили равшан эди. Ростовани яхши кўриб қолгани хаёлига ҳам келмас ва уни ўйламас эди ҳам. У Наташани хаёлидагина тасаввур қиласа ва шунинг учун ҳам бутун ҳаёти кўзига буткул бошқача бўлиб кўринар эди. «Ҳаёт барча севинчлари

ила менинг қаршимда ўз күчогини очиб турганда мен нимадан күркиб ўтирибман, нима учун бу тор ва берк рамкада ташвиш тараффуд билан овора бўлиб юрибман?» – дер эди ўзича. У хийла вактдан бери биринчи марта келажак учун кувончли режалар тузга бошлади: у ўз-ўзича ўғлининг тарбияси билан машгул бўлиш, мураббий топиб, ўғлини унга топшириш, кейин истеъфога чикиб, чет элга бориш, Англия, Швейцария, Италияни томоша килиб келишга карор килди. «Модомики ўзимни шунча бардам ва ёш сезарканман, ўз эркимдан фойдаланишим керак, – дер эди ўзича. – Бахтли бўлиш учун бахтга ишониш керак, деб Пьер тўғри айтган эди; мана энди мен шунга ишондим. Ўлганларни ўликлар кўмишсин, тирик бўлгандан кейин яшамок, хушбаҳт бўлмок керак», – деб ўйларди князь Андрей.

XX

Бир куни эрталаб полковник Адольф Берг Пьер хузурига келди. У охорли мундир кийган, подшо Александр Павловичга таклид қилиб қўйилган чекка соchlари мойланган эди. Пьер Москва ва Петербургда ҳаммани таниганидек буни ҳам танир эди.

– Мен ҳозиргина рафиқангиз графиня хузурларига кирган эдим. Илтимосимни рад қилганларига кўп хафа бўлдим. Сиз рад қилмассиз деган умиддаман, граф, – деди у кулимсираб.

– Қандай илтимос экан, полковник? Буюринг.

– Мен, граф, янги ҳовлига кўчиб, буткул жойлашиб олдим, – деди Берг, афтидан, бу хабар бошқаларга ҳам ёқади деган ўйда, – шунинг учун ҳам истардимки, ўзим ва оилас таниш-билишларини чакирсам. (У яна ҳам мулоимрек жилмайди.) Мен сўрар эдимки, графиня икковларингиз лутф кўрсатиб, уйимга бир пиёла чой ва кечки таомга ташриф буюрсаларингиз...

Факат графиня Елена Васильевнагина аллақаёқдаги Бергларнига боришини ўзига муносиб кўрмай, шундай таклифни бағри каттиқлик билан рад қила оларди. Берг нима учун беш-олтига кўзга кўринган кишиларни таклиф килаёт-

ганини, нима учун буларнинг боришидан хурсанд бўлишини, нима учун картабозлик ва шунга ўхшаш bemaza ишлардан пулни аяса ҳам, яхши одамлар учун борини аямаслигини шундай бир тарзда гапирдики, Пьер унинг таклифини рад кила олмади ва боришга вавъда берди.

– Агар ҳаддим сигса, айбга буюрмасинлар айтиб кўяй, граф, ўнта кам саккизда етиб борсангиз, ўтириш ёмон бўлмас, менинг генералим ҳам келади. У менга жуда меҳрибон. Овқатланамиз граф. Илтифотингизни дариг тутманг, граф.

Пьер одатда бирон жойга борса, ҳамиша кечикиб борарди, лекин бугун ўнта кам саккиз ўрнига, Бергларникига чоракам саккизда етиб борди.

Берглар зиёфат ҳозирлигини кўриб, меҳмонларни қабул килишга тайёр бўлиб ўтиришган эди.

Янги мебеллар кўйиб, кичкина-кичкина ҳайкал ва картиналар билан безатилган янги, озода ва ёруғ кабинетда Берг хотини билан ўтирган эди. Янгигина мундир кийган Берг хотини ёнида ўтириб унга, ҳамиша ўзингдан юқорирок одамлар билан ошначилик қилишинг мумкин ва шундай қилиш керак, чунки ўшандагина бу ошначиликнинг нашъаси бўлади, деб тушунирарди.

– Бирон нарса ўрганасан, бирон ҳожатингни чиқарасан. Мана, кара, мансабга дастлаб қадам кўйтганимдан буён қандай яшаб юрибман. (Берг умрини йил билан эмас, балки олган олий мукофотлари билан санаарди.) Ўртоказларимда ҳали ҳеч нарса йўқ, мен эса бугун-эрта полк командири бўламан. Мана, сизга эр бўлиш шарафига ноил бўлдим (у ўрнидан туриб, Веранинг кўлини ўпди ва энгашиб гиламнинг қат бўлиб қолган бурчини тузатди). Мен буларга қандай қилиб эришдим? Асосан ким билан ошна бўлишни билишим орқасида. Турган гап, баҳиммат ва пишиқ бўлиш керак.

Берг заиф хотиндан устун эканлигига мағрур бўлиб, кулимсиради ва дилкаш хотинининг, ҳар қалай, эркакларни эркак қиласидиган фазилат нимадан иборатлигини тушумайдиган заиф бир аёл эканини ўйлаб жим бўлди, Вера ҳам ўз навбатида яхши ва баҳиммат эридан устун эканлигига

мағрур бўлиб кулимсиради. Веранинг назаридаги, Берг ҳам бошқа эркаклар сингари ҳаётни янгилиш тушунарди. Берг ўз хотинига киёс қилиб ҳамма хотинларни заиф ва ақли калта деб хисобларди. Вера эса ўз эрига киёс қилиб ҳамма эркаклар факат ўзларини ақлли деб хисоблашади-ю, лекин аслида эса балони ҳам билишмайди, гердайган, худбин бўлишади, деб ўйларди.

Берг ўрнидан турди-да, катта пулга сотиб олган тўр рўмоли гижим бўлмасин деб хотинини жуда эҳтиёт билан кучоклади ва лабининг кок ўртасидан ўпди.

– Факат шунга эҳтиёт бўлиш керакки, дарров бола бўлиб қолмасин, – деди у фикрини беихтиёр давом эттириб.

– Ҳа, – деди Вера, – мен ҳам буни сира истамайман. Жамият учун яшамоқ лозим.

– Княгиня Юсупованинг рўмоли ҳам худди шунака эди, – деди Берг хушхол табассум билан тўр рўмолни кўрсатиб.

Шу чог, граф Безухов келди, деб хабар килишди. Эрхотин ҳар қайсиси, ўзича граф менинг рўй-хотирим учун келди, деб ўйлаб бир-бирига мағрур табассум билан қаради.

«Мана, ошна-оғайни орттира билишнинг шарофати, – деб ўйлади Берг, – мана, ўзини тута билиш шарофати!»

– Факат сендан илтимос, – деди Вера, – мен меҳмонларни овунтириб ўтирганимда, сен гапимни бўлма, чўнки мен кимни нима билан овунтиришни, кандай сухбатда нима гап гапиришни ўзим биламан.

Берг ҳам кулимсиради.

– Унака бўлмайди-да, баъзан эркакларга эркакча гап ҳам керак бўлади ахир, – деди у.

Пьерни янгигина бир меҳмонхонага олиб киришди. Меҳмонхона жуда озода, стол-стуллар эса шундай симметрия¹ билан кўйилган эдик, бу симметрияни бузмасдан бирон жойга ўтиришнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам Берг бу симметрияни ўзи бузишга кўзи киймади, шекил-

¹ Симметрия (юнонча: symmetria - ўлчовдошлик; мутаносиблик, мослик) – бирор нарсанинг маълум нукта, тўғри чизик ёки текисликка нисбатан қарама-карши томонларда бўладиган кисмларининг жойлашишидаги мутаносиблик, ўхашлик, мослик, уйгуниллик.

ли, диванга ва креслога ўтириш билан бу симметрияга нуксон етказиш ихтиёрини азиз меҳмоннинг ўзига ҳавола килди. Пъер симметрияни бузиб, стулни берирок сурди. Шундан кейин Берг билан Вера бир-бирларига сўз бермай, меҳмонни гапга солиб, зиёфатни бошлаб юбориши.

Пъерни француз элчинонаси тўғрисида гапга солиши керак деган ўй билан Вера дарров шу тўғрида гап бошлади. Берг эркакча гап ҳам лозим деган мулоҳаза билан хотинининг сўзини бўлиб, Австрияга қарши урушдан гап очди-ю, умумий гапни кўйиб, беихтиёр ўзига доир гапга ўтди: у Австрия юришига иштирок килиш тўғрисидаги таклифни, бу таклифни нима учун рад килганини айтиб берди. Гарчи сўзлар бир-бирига қовушмаётган, Вера эрининг сухбатга аралашганидан жаҳли чиқаётган бўлса ҳам, меҳмоннинг битта бўлишидан қатъи назар, эр-хотин зиёфатимиз яхши бошланди, бизнинг зиёфат ҳам айнан бошқа зиёфатларга ўхшайди: мана, чой ичиб, туппа-тузук сухбат куриб, шам ёкиб ўтирибмиз, деб бенихоя хурсанд эди.

Кўп ўтмай Бергнинг кадрдон ўртоғи Борис келди. У Берг ва Вера билан муомалада ўзини юкори ва каттароқ тутарди. Борисдан кейин бир хоним билан полковник, ундан кейин генералнинг ўзи ва ундан кейин Ростовлар келишиди-ю, зиёфат росмана зиёфатлардай бўлиб қолди. Берг билан Вера меҳмонхоналарида мунча одам йигилганини кўриб, ғовур-ғувурни, кўйлакларнинг шитирлашини эшлиб, таъзим-тавозеларни кўриб, лабларидан табассум аrimасди. Зиёфат ҳақиқий зиёфатнинг ўзи эди, айникса, уйни мактаган, Бергнинг кифтига кокиб кўйган, карта ўйнайдиган столни ўрнаштириброк кўйиш учун оталарча амр берган генерал ҳам киройи генерал эди. Генерал меҳмонлар ичida ўзидан кейин энг мўътабар меҳмон – граф Илья Андреичнинг ёнига келиб ўтириди. Қариялар қариялар билан, ёшлар ёшлар билан сухбатда, уй бекаси эса Панинларнинг зиёфатидаги сингари кумуш саватчада печенье кўйилган чой столи ёнида ўтирас, хуллас, бу зиёфат бошқаларнинг зиёфатидан сира қолишмас эди.

Пьер энг муҳтарам мөхмөнлардан бири сифатида карта столига Илья Андреич, генерал ва полковник билан бирга ўтириши керак эди. Пьер Наташа бидан рўпара ўтириб қолди ва балдан буён унинг қанчалик ўзгарганини кўриб ҳайрон бўлди. Наташа хомуш ўтирас эди: у балга борган куни-дагидай гўзал эмас, ўзини ҳамма нарсаға нисбатан бунчалик ювощ ва лоқайд тутмаса, эҳтимол, хунук ҳам бўлиб кўринарди.

«Нима бўлдийкин унга?» – деди ўзича Пьер Наташага қараб. Наташа чой столи олдида, опасининг ёнида ўтираскан, ёнига келиб ўтирган Бориснинг саволларига юзига ҳам қарамай, истар-истамас жавоб берар эди.

Устма-уст бир нечта мос карта ташлаб ва ракибининг толеига кўпроқ карта кўтаришга мажбур бўлиб қолган Пьер босилган карталарини йиғиштириб оларкан, бирор уйга кирганини ва саломлашаётганини эшлиб яна Наташага қаради.

«Нима бўлдийкин бу қизга?» – деди яна ҳам кўпроқ таажжубланиб.

Кириб келган киши князъ Андрей эди. У Наташанинг рўпарасида навозишли меҳрибон бир киёфада туриб, унга алланима деяётган эди, Наташа бошини сал кўтарган, қип-қизариб кетган, афтидан, ички ҳаяжонини яширишга уриниб, князъ Андрейга қараб турарди. Унинг қалбида илгари сўнган ўт яна ёна бошлади. У яна бутунлай ўзгариб кетди. Яна ўша балдаги сингари очилиб, чиройли бўлиб қолди.

Князъ Андрей Пьернинг олдига келди. Пьер дўстининг юзида илгари бўлмаган бир ёшлик ифодасини кўрди.

Пьер карта ўйнаётганида бир неча марта жойини алмаштириб, гоҳ Наташага орқасини ўгириб, гоҳ рўпарама-рўпара ўтириди ва олти ўйин давомида Наташа ва дўстини кузатди.

«Буларнинг ўртасида катта бир гап бўлаётганга ўхшайди» – деган ўй Пьернинг кўнглидан ўтди, севинчли, шу билан бирга аламли хис уни ҳаяжонга солди ва ўйиндан хаёлини олиб қочди.

Олти ўйиндан кейин генерал: «Шу ҳам ўйин бўлдими?» деб ўрнидан турди-ю, Пьер кутулди. Наташа бир чеккада Соня ва Борис билан сухбатлашиб ўтирган эди. Вера назокатли жилмайиб, князь Андрей билан алланима ҳақида гаплашаётган эди. Пьер дўстининг олдига келди-да, гапларинг махфий эмасми, деб сўрагандан кейин, улар ёнига ўтириди. Вера князь Андрейнинг Наташага қараётганини пайқаб, зиёфатда, ҳақиқий зиёфатда ишқ-муҳаббат тўғрисида имоишоралар бўлиши шарт, деган мулоҳаза билан князь Андрейни холи топиб, умуман муҳаббат ҳақида ва ўз опаси ҳақида гап бошлади. Вера шундай ақлли (князь Андрейни у шундай ақлли деб биларди) меҳмон билан гаплашганда ўзининг бутун дипломатик санъатини ишга солиши керак эди.

Пьер буларнинг олдига келганида Вера мамнуният ва мароқ ила гап сотиб ўтирас, князь Андрей эса уялинкирагандай (уни бу ҳолатда жуда кам учратиш мумкин эди) кўринарди.

– Сиз бу ҳақда нима дейсиз? – дер эди Вера хиёл табассум билан. – Сиз одамни бир кўришда танийсиз, князь. Натали тўғрисида қандай фикрдасиз?

Бир кишига абадий кўнгил қўя олармикин, бошқа хотинларга ўхшаш (Вера ўзини кўзда тутарди) биронни бир марта яхши кўриб, ўлгунча ўшангага содик бўла олармикин? Мен шундай севгини ҳақиқий севги деб биламан. Сиз нима дейсиз, князь?

Князь Андрей истеҳзоли табассум билан:

– Мен опангизни яхши билмайман, – деб жавоб берди ва шу табассум билан ўзининг уялинкираганини яширмоқчи бўлди. – Шунинг учун ҳам бундай нозик саволга жавоб беришдан ожизман. Мен шу нарсани пайқадим: хотин киши эркакка қанчалик камроқ ёкса, шунчалик содикроқ бўлади, – деб илова қилиб кўйди ва шу пайт олдига келган Пьерга қаради.

– Ҳа, рост айтасиз, князь, замонамиизда, – деб давом этди Вера (ўзларини замонимизнинг хусусиятларини билган ва унга баҳо берган, замонамиз деган сўзни тақрорлашни яхши кўрадиган ва замон ўтиши билан одамларнинг хислати ўзга-

ради деб гумон қилган маҳдуд кишилар сингари замонамизни эслаб), – замонимизда қизнинг эрки шунчаки, бирорнинг дикқатини жалб этиш истаги кўпинча унинг ҳакиқий муҳаббатини босиб кетади. шуни эътироф этиш керакки, Наталья бу хусусда жуда ҳассосдир. Веранинг яна Наташадан гап очгани князь Андрейга ёқмади, афтини буристириб, ўрнидан турмокчи бўлган эди, бирок Вера яна ҳам нозикроқ табассум билан гапини давом эттираверди.

– Менимча, ҳеч бир кизга шунчалик кўп киши хуштор бўлмагандир, – дерди Вера. – Лекин шу кунгача унга ҳеч ким унча ёқкан эмас. Сизнинг хабарингиз бор-а, – деди у Пъерга қараб, – гап орамизда қолсин-а, ҳатто назокат оламида бўлган шундай сўйимли йигит – Борис ҳам унга ёқмайди.

– Сиз Борис билан дўстсиз-а? – деди князга Вера.

– Ҳа, мен уни танийман...

– У болалигида Наташани яхши кўриб қолганини сизга айтган ҳамдир?

– Болалиқда бир-бирларини яхши кўришганми? – деб сўради князь Андрей тўсатдан қизариб.

– Ҳа, биласизми, аммавачча-ю холавачча ўртасидаги дўстлик кўпинча муҳаббатга айланади ҳам. Аммавачча-ю холаваччалик хавфли нарса. Шундай эмасми?

– Шубҳасиз, шундай, – деди князь Андрей ва тўсатдан гайритабии жонланиб Пъерга: «Сен ҳам Москвадаги эллик ёшли аммаваччаларингдан хушёр бўл», – деб ҳазиллаша бошлади ва ҳазиломуз сўзлар ўртасида уни кўлтиқлаб, бир четта олиб кетди.

Дўстининг бирдан жонланиб кетганлигига ажабланган ва ўрнидан тураётганида Наташага назар ташлаганини пайқаган Пьер:

– Хўш, нима гап ўзи? – деб сўради.

– Мен сен билан бир нарса ҳақида гаплашмоқчи эдим, – деди князь Андрей. – Сен бизларнинг заифона кўлқопимиздан хабардорсан (у масонлик кўлқопи ҳақида гапирмоқчи эди. Бу кўлқоп масонлик жамиятига янги аъзо бўлиб кирган кишиларга ўзлари севган хотинларга тақдим килишлари учун берилади). Мен... Кўй, кейин айтаман... – У

кўзлари бежо, ўзи бесаранжом бир ҳолда Наташанинг олдига борди ва унинг ёнига ўтириди. Пьер князь Андрей Наташадан бир нима сўраганини ва Наташа кизарид жавоб берётганини кўриб турарди.

Бирок шу онда Берг Пьернинг олдига келди ва Испания тўғрисида генерал билан полковник ўртасида бўлаётган баҳс-у мунозара га қўшилишини сўраб, уни ҳол-жонига қўймади.

Берг ўзида йўқ, хурсанд ва хушбахт, оғзи қулогида эди. У бераётган зиёфат жуда яхши ва ўзи кўрган бошқа зиёфатларга айнан ўхшарди. Хонимларнинг нозик сухбатлари ҳам, карта ўйини ҳам, ҳар замон баланд овоз билан гапириб кўйиб, карта ўйнаб ўтирган генерал ҳам, самовар ҳам, печенеъ ҳам, хуллас, ҳаммаси ҳам бўлак зиёфатларга ўхшарди, лекин бошқа зиёфатларда кўриб юрган ва таассуф килмоқчи бўлган бир нарсагина етишмас эди, холос. Бу ҳам бўлса эркакларнинг ўзаро баланд овоз билан сухбатлашишлари ва бирон муҳим ва бамаъни нарса ҳакида баҳс-у мунозара килишлари эди. Ниҳоят, генерал шундай сухбатни бошлади ва Берг Пьерни худди шу сухбатга тортди.

XXII

Князь Андрей эртаси граф Илья Андреичнинг таклифи билан Ростовларникига тушликка борди ва бутун кунни ўша ерда ўтказди.

Князь Андрей ким туфайли келганини ҳамма сезиб турарди, у ҳам тортина масдан куни бўйи Наташа билан бирга бўлишга харакат килди. Чўчиган, шу билан бирга хурсанд ва хушнуд бўлиб кетган Наташанинга эмас, балки бутун уйдагиларнинг юраги бўлажак аллақандай муҳим ишдан гулгулага тушган эди. Князь Андрей Наташа билан сухбатлашиб ўтирганда графиня уларга маҳзун ва жиддий назар ташлар, мабодо князь Андрей карагудек бўлса, дарров ўзини ҳеч нарсани пайқамаганг солиб, арзимаган бирон гапни бошлаб юборар эди. Соня Наташанинг олдидан кетгани ботинолмас ва шу билан бирга унинг князь Андрей билан гаплашиб ўтиришига халал беришдан қўрқар эди. Наташа

князь Андрей билан бирпас ёлғиз колса, унинг бирон нарса дейишидан кўркиб, ранг-кути ўчарди. Князь Андрей ўзининг жасоратсизлиги билан Наташани ҳайратда колдирди. Наташа князь Андрей бир нима демокчи бўлаётганини, лекин айтишга тили бормай, журъатсизлик қилиб ўтирганини сезар эди.

Кечкурун, князь Андрей кетгандан сўнг, графиня Наташанинг олдига келди ва шивирлаб сўради:

– Хўщ, нима бўлди?

– Ойижон, худо ҳаки, кўйинг, ҳозир мендан ҳеч нарса сўраманг. Буни айтиб бўлмайди, – деди Наташа.

Бирок шундай бўлса ҳам, шу кеча Наташа дам ҳаяжонга тушиб, дам кўркиб, кўзларини бир нуктага тикиб онасининг тўшагида узоқ ётди. Онасига гоҳ князь Андрей мақтаганини, гоҳ чет элга бормоқчиман деганини, гоҳ бу ёз қаерда турасиз, деб сўраганини, гоҳ Борис тўғрисида савол берганини гапирди.

– Лекин мен ҳеч қачон... ҳеч қачон бундай ҳолатта тушмаган эдим! – дерди у. – Унинг олдида мени ҳаяжон босади, унинг олдида мени ҳамиша ваҳима босади. Нега бундай бўларкинман? Ўшанака бўлганда, шунака бўлармикин-а? Ойи, ухладингизми?

– Йўқ, жонгинам, мени ҳам ваҳима босаяпти, – деди онаси. – Бор, ёт!

– Барибир, уйкум келмайди. Ҳозир ухлаб бўларканми? Ойи, ойижон, ҳеч қачон бу ахволга тушмаган эдим-ку! – деди Наташа ўзида пайдо бўлган ҳиссиётдан таажжубланиб ва кўркиб. – Ҳеч ҳаёлимизга келганмиди?..

Наташа князь Андреини илк дафъя Отрадноеда учратган чогидаёк яхши кўриб қолгандай бўлган эди. У шундай кутилмаган ва ажойиб баҳтдан, яъни ўшанда танлаган (бунга амин эди) кишисини яна учратганидан ва, назарида, унга ҳозир ёқиб қолгандай бўлганидан гўё кўркарди. «Биз шу ердалигимизда Петербургга келиб қолганини қара-я! Балда учрашиб қолганимизни қара-я! Такдир экан-да, такдир. Бу ишларнинг ҳаммаси тақдирни азалдан, ўшанда, биринчи марта кўрганимда юрагим жис этган эди».

– Яна нималар деди? Бу қанақа шеър экан? – деди графиня хаёл суриб, князь Андрей Наташанинг альбомига ёзган шеърни эсларкан.

– Ойи, у бева-ку, айб бўлмасмикин?

– Кўйсанг-чи бунақа гапларни, қизим, худо дегин, эрхотинлик худонинг иродаси.

– Ойижон, азизим, меҳрибоним, мен сизни қандай яхши кўраман, мен қандай хушбаҳтман! – деб Наташа ҳаяжон ва хурсандлигидан йиглаб, онасини қучоклади.

Худди мана шу пайт князь Андрей Пьернинг уйида Наташага бўлган муҳаббатини ва уни олишга жазм килганини дўстига сўзлаб ўтиради.

Шу қуни графиня Елена Васильевна уйида тантанали катта зиёфат бўлиб, бу зиёфатга француз элчиси, яқин кунлардан бери графинянинг уйига серкатнов бўлиб қолган шаҳзода, яна бир қанча маълум ва машҳур хоним ва эркаклар келишган эди. Пьер пастда эди. У залларни айланиб, ўзининг ўйчан-паришонлиги ҳамда кайфсизлиги билан меҳмонларнинг ҳаммасини ҳайратда қолдирди.

Пьер балга борган кундан бўён ўзини оғир бир умидсизлик чулғаб олаётганини сезар ва бор кучи билан бунга қарши курашишга тиришар эди. Шаҳзода унинг хотинига яқинлаша бошлаган пайтданок Пьер тўсатдан камергерлик рутбасига кўтарилади ва шу кундан эътиборан у киборлар сухбатида бош кўтара олмайдиган, номус киладиган, дунё ўзи фоний деган илгариги кўнгилсиз ўйлар тез-тез ҳаёлига келадиган бўлиб қолди. Айни замонда у иззат килиб юрган Наташа билан князь Андрей орасидаги муносабат, ўз аҳволи ва дўстининг бунга тамоман қарама-қарши бўлган аҳволи унинг кўнгилсиз кайфиятини яна ҳам кучайтириб юборди. Пьер ўз хотинини қанчалик ўйламасликка тиришса, Наташа билан князь Андрейни ҳам шунчалик ўйламасликка тиришарди. Унинг назарида, яна абадияттга нисбатан ҳамма нарса пуч, бебаҳо кўринар, унинг қаршисида яна: «нечун» деган савол тураг эди. Щунинг учун ҳам у мана шунақа кўнгилсиз ҳаёлларни ўзидан узоклаштириш умидида кеча-ю кундуз масонларга оид ишлар билан шуғулланарди. Соат ўн бир-

ларда Пьер графинянинг ётогидан чишиб, эгнида эски халат, папирос тутунига тўлиб кетган пастаккина болохонада, ёзув столи кетига ўтириб Шотландия масонларига оид актларини кўчираётганда кимдир кириб келди. Бу одам князь Андрей эди.

Пьер малол келгандай:

– Э, сизмисиз! – деди паришонлик билан. – Мен ишлаб ўтирибман, – деб дафтарини кўрсатди. Унинг авзойи ўз ишига дунёнинг кулфатидан овунай деб караган баҳтсиз кишиларга ўхшарди.

Князь Андрей гул-гул очилган, жуда хурсанд ва ҳаёт шавқидан яшарган чехра билан дўсти қаршисида турди-да, ўз баҳтига гарк бўлгани учун Пьернинг қайгули кайфиятини ҳам пайқамай, унга табассум қилди.

– Биласанми, дўстим, – деди у, – кеча мен сенга бир гап айтмоқчи эдим, бугун шунинг учун келдим. Мен ҳеч қачон шундай ҳолатга тушмаган эдим. Ошиқман, дўстим, ошиқ.

Пьер бирдан чукур хўрсинди-ю, оғир гавдасини князь Андрей ёнидаги диванга ташлади.

– Natasha Rostovagami, a? – деди у.

– Ҳа, кимга бўлардим бўлмаса? Мен ҳеч қачон бунга ишонмас эдим, бироқ бу хис мени енгди. Кеча мен азоб ва изтироб чекдим, лекин шу азоб ва изтиробимни дунёда ҳеч нарсаға алиштирамайман. Илгариги ҳаётим ҳаёт эмас экан. Энди кўраётиман, лекин усиз бу ҳаёт ҳаёт эмас. Аммо у мени сева олармикин? Мен ундан хийла каттаман... Нега индамайсан?..

– Менми? Менми? Мен сизга айтмовдимми, – деди бирдан Пьер ва ўрнидан туриб, нари-бери юра бошлади. – Мен ҳамма вақт шуни ўйлаб юрардим... Бу шундай гўзал ва бебаҳо қизки... Бунақа қиз оламда йўқ... Мен сизга айтсан, дўстим, у-бу деб ўтирмасдан, шу қизга уйланинг, уйла-наверинг. Мен аминманки, дунёда сиздан баҳтли одам бўлмайди.

– Natasha нима деркин?

– Natasha сизни севади...

– Бўлмаган гапларни қўй... – деди князь Андрей Пьер-

нинг кўзларига табассум билан бокиб.

– Севади, биламан, – деди Пьер қаҳр билан бакириб.

– Шошма, аввал сўзимга қулок сол, – деди князь Андрей унинг кўлидан ушлаб, гапдан тўхтатар экан: – Сен менинг холатимга тушунаяпсанми? Юрагимдаги бор нарсани хозир бирорга айтиб бермасам бўлмайди.

– Ҳа, хўп, хўп, айтинг, кўп хурсанд бўламан, – деди Пьер. Дарҳақиқат, унинг юзи ўзгариб, ажинлари йўколди ва хурсандлик билан князь Андрейнинг сўзларига қулок солди. Князь Андрей аввалги князь Андрей эмас, у ўзгарган ва тамоман бўлак одам бўлиб қолгандай эди. Қани унинг бурунги қайғу-ҳасратлари, ҳаётга нафрат ва умидсизлеклари? Князь Андрей сирини ботиниб айтиши мумкин бўлган бирдан бир одам Пьер эди, шунинг учун ҳам у юрагида бор гапини дўстига бирма-бир айтиб берди. У гоҳ узок келажакни ўйлаб, дадил ва осон режалар тузар, отасининг инжиқлигини деб ўзини баҳт-саодатдан маҳрум киломаслиги, шу никоҳга ва хотинини хурмат килишга отасини қандай кўндириши, ёки ундан розилик сўраб ўтирасдан уйланавериш тўғрисида гапирав, гоҳ ўзига боғлик бўлмаган аллақандай бу янги туйғуга хайрон бўларди.

– Агар бирор, сен шунчалик яхши кўриб колишинг мумкин, деса ишонмас эдим, – дерди князь Андрей. – Бу аввалги хисларимга сира ўхшамайди. Бутун дунё менинг учун ҳозир икки бўлакка бўлинган: бир бўлагида – Наташую у билан бирга бутун баҳт-саодат, умид-орзу, ёруғлик иккинчи бўлагида, у бўлмаган бўлагида – бутун умидсизлик маъюслик ва зулумот...

– Коронғилик ва зулмат, – деди Пьер тақрорлаб. – Рост, рост, мен бунга тушунаман.

– Мен ёруғликни севмасдан туролмайман, қандай килай! Мен бунга жуда хурсандман. Гапимга тушунаяпсанми? Менинг баҳтимдан хурсанд эканлигингни билиб турибман.

– Ҳа, шундай, шундай, – деди юрак-бағри эзилган Пьер дўстига маҳзун бокиб. Пьернинг кўзига князь Андрейнинг баҳти қанчалик ёруғ кўринса, ўз баҳти шунчалик кора кўринар эди.

ХХIII

Князь Андрей уйланиш учун отасининг розилигини олиши керак эди, шунинг учун эртасига отаси олдига жўнаб кетди.

Отаси юзаки вазминлик билан бўлса ҳам, ичдан унинг сўзларига қаҳр-у ғазаб билан қулоқ солди. Қари князь умри тугаб қолган чоғда бирор ҳаётини ўзгартирумокчи ва бу ҳаётга бирон янгилик киргизмокчи бўлаётганини сира тасаввур қилолмас эди. «Шу қолган умримни ўз истагимга мувофиқ ўтказишга қўйсалар-у, мендан кейин истаганларини килаверсалар бўлмас эканми?» – дер эди ўзича чол. Лекин ўғли билан гаплашганда жуда мухим бўлган вактлардагина ишлатадиган дипломатиясини ишга солди. Ўзини хийла оғир тутиб, ҳамма нарсани мұхокама қилди.

Биринчидан, Ростовлар оиласи насл-насаби, мол-мулки ва иззат-обрўйига қараганда князь Андрейга муносиб эмас эди. Иккинчидан, князь Андрейнинг бу ёшлиги илк ёшлиги эмас ва саломатлиги ҳам заиф (чол буни жуда таъкидлади), киз эса жуда ёш. Учинчидан, боласи бор, уни ёшгина бир қизнинг кўлига топшириб қўйиш жуда жабр. Тўртинчидан, ниҳоят, деди чол ўғлига истеҳзоли назар ташлаб, «Илтимосим шуки, шу ишни бир йил кейинга қолдириб, аввал ёт элга бор. Даволан, князь Николга бирон немис мураббий топиб кел, буни ўзинг ҳам орзу қилиб юрар эдинг, ана ундан кейин, агар мұхаббатинг, эҳтиросинг ҳеч қўймаса кучли бўлса, майли, уйлан. Менинг сўнгти сўзим шу, билиб қўй...» – қари князь ўз қарорида катъий эканлигини кўрсатадиган бир оҳанг билан сўзини тамом қилди.

Чол бу гапларни айтганда икки нарсани: ё бу мұхаббат бир йилга тоб беролмаслигини ёки унгача ўзи ўлиб кетишини кўзда тутиб айтганини князь Андрей билиб турарди, шунинг учун ҳам отасининг ҳоҳишини бажо келтиришга қарор берди: Наташанинг кўлини сўраб, тўйни келаси йилга қолдирмокчи бўлди.

Князь Андрей Ростовларникига сўнгги дафъа борганидан кейин уч хафта ўтгач, Петербургга қайтди.

Наташа онаси билан сўзлашган кунининг эртаси куни

бўйи Болконскийга кўз тутди, лекин ундан дарак бўлмади. Эртасига, индинига кутди, князь Андрей келмади. Пьер хам келмади. Наташа князь Андрейнинг отаси олдига борганидан бехабар, унинг бедарак бўлиб кетишига ҳайрон эди.

Уч ҳафта шу зайлда ўтди. Наташа бирон ёкка боришни истамас эди. У кўнгли гаш, худди бир нарсасини йўқотгандай хонама-хона юрар, кечалари эса онасининг ҳам олдига бормасдан яшириқча йиғлар эди. У ҳар нарсага кизарип-бўзарип кетар ва аччиги келарди. Назарида, ҳамма унинг умидлари пучга чикқанини билгандай, шунга кулаётган ва унга ачинаётгандай туюларди. Унинг ички дард-алами нақадар зўр бўлса ҳам, мана бу нафсоният алами унинг бир дардини минг дард килаётган эди.

Бир куни у графиня олдига кириб, бир нима демоқчи бўлди-ю, бирдан йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшлари нима учун таъзир еганини билмаган ва кўнгли тўлиб кетган гўдакнинг кўз ёшига ўхшар эди.

Графиня Наташани овута бошлади. Наташа онасининг сўзларига аввал жим қулоқ солиб ўтирган эди, кейин тўсатдан унинг сўзини бўлди.

– Кўйинг, ойи, мен уни ўйлаётганим ҳам йўқ. Ўйлашни ҳам истамайман! Шундай келиб юрган эди, келмай кўйди, холос...

У овози қалтираб кетиб, бир йиғлагудай бўлди-ю, лекин ўзини кўлга олди ва осудалик билан давом этди:

– Мен ҳеч эрга тегмоқчи ҳам эмасман. Ундан кўрқаман. Энди сира, сира эсимга келмайди...

Шу гаплардан кейин эртасига Наташа эрталари хурсандлик багишлагани учун ўзига ёкиб, эсида қолган эски кўйлагини кийди ва балдан бўён тарк килган ҳаёт йўсинини бошлаб юборди. Чой ичиб бўлгандан кейин у кучли акс садо бергани учун яхши кўриб қолган залига кирди ва ашула машқ қила бошлади. Биринчи дарсни тамом килгандан кейин залнинг ўртасига келиб тўхтади ва ўзига жуда ёкиб қолган бир мусиқий парчани тақрорлади. Бўш зални тўлдириб юбориб, кейин аста-секин бу кўнғироқдай (ўзи учун эса ногаҳоний туюлган) овозга суюниб қулоқ солди ва тўсатдан

хурсанд бўлиб кетди. «Бу тўғрида мунча ўйлашнинг ҳожати йўқ, шундай ҳам яхши» – деди у ичида ва гижирлайдиган паркет полда оддий қадам ташламасдан дам пошнаси ва дам оёғи учиди (оёғида яхши кўрадиган кавиши) залнинг у ёғидан бу ёғига юра бошлади ва худди ўз овозига севиниб қулок солгандай товонининг тапиллашига, оёқ учининг гичирлашига хурсанд бўлиб қулок солди. Ойна олдидан ўта туриб, ойнага қаради. Унинг юзи ойнада гўё: «Мана мен! Кўп яхши! Менга ҳеч кимнинг кераги йўқ», – деб турарди.

Лакей кириб зални йигиштироқчи бўлган эди, Наташа ижозат бермади, унинг кетидан эшикни беркитиб олиб, яна зал бўйлаб юра бошлади. Шу кундан бошлаб у яна илгариги ҳолатига, ўзини севадиган ва ўзига-ўзи мафтун бўладиган ҳолатига қайтди. Наташа учинчи бир шахс, эркак зоти номидан ўзига-ўзи: «Жуда гўзал киз-да бу Наташа! Ўзи ёш, чиройли, хушвон, ҳеч кимга халал бермайди, фақат уни ўз ҳолига қўйинглар!» – дер эди.

Бирок уни накадар ўз ҳолига қўйишмасин, у барибир ўзини тинчтолмас, буни ўзи ҳам дарҳол сезар эди.

Даҳлизнинг кўча эшиги очилиб, кимдир, «уидаларми?» – деб сўради ва оёқ шарпаси эшитилди. Наташа ойнага қараб турган бўлса ҳам, ўзини кўрмади. Даҳлиздаги товушга қулок солди. Ойнада ўзини кўрганида ранги оппоқ оқариб кетган эди. Келган киши ўша эди. Наташа гарчи эшик тиркишидан унинг товушкини зўрга эшитаётган бўлса ҳам, бу одам князь Андрей эканлигини аник биларди.

Ранги-кути ўчган ва кўркиб кетган Наташа югуриб меҳмонхонага чиқди.

– Ойи, Болконский келди! – деди у. – Ойи, энди қандай бўлди, жуда ёмон бўлди-ку! Мен... азоб чекишини истамайман! Энди нима қилдим?

Графиня жавоб беришга улгуролмаган ҳам эдики, князь Андрей меҳмонхонага кирди; унинг жиддий юзидан ҳаяжон аломати билиниб турарди. Наташани кўриши биланок чехраси очилиб кетди. Графиня билан Наташнинг қўлинин ўпди ва диван ёнига ўтириди...

– Кўпдан бери сизни кўриш шарафидан маҳруммиз, –

деб графиня сўз бошлаган эди, князь Андрей айтмоқчи бўлган сўзини тезроқ айтишга ошикаётган бўлса керак, графинянинг сўзини бўлди.

– Келолмаганимнинг сабаби шуки, бир муҳим иш тўғрисида гаплашмокчи бўлиб, отамнинг олдига борган эдим. Кеча кечкурун қайтиб келдим, – деди у Наташага кўз ташлаб. – Сиз билан гаплашадиган гапим бор, графиня, – деди у бир дақика жим қолгандан кейин.

Графиня чукур хўрсиниб ерга каради.

– Марҳамат, буюринг, – деди графиня.

Наташа чиқиб кетиши лозимлигини билса ҳам, чиқиб кетолмади, унинг томоғига бир нарса келиб тиқилди ва тортинаасдан кўзларини катта-катта очиб князь Андрейга караб қолди.

«Ҳозир-а? Шу дакиқада-я? Йўқ, ундоқ бўлмаса керак!» – деб ўйлади Наташа.

Князь Андрей яна Наташага каради ва бу карашдан Наташа янгишмаганига ишонди. Ҳа, ҳозир, мана шу дакиқада унинг тақдири ҳал бўлаётиди.

– Наташа, сен чиқиб тур, кейин чакираман, – деди графиня пичирлаб.

Наташа қўрккан ва ёлборган назар билан князь Андрей ва онасига қаради-ю, уйдан чиқиб кетди.

– Мен, графиня, қизингизнинг кўлинини сўрагани келдим, – деди князь Андрей.

Графинянинг юзи бирдан кизарди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

– Сиз сўрасангиз... – деб аста-секин сўз бошлади графиня. Князь Андрей эса унинг кўзларига қараб, жим туради. – Сиз сўрасангиз... (графиня хижолат тортди) жонимиз билан... бош устига, хурсандман. Эрим ҳам... аминманки... Лекин Наташанинг олдидан ўтиш керак...

– Сизнинг розилигингизни олганимдан кейин Наташа билан сўзлашаман... розилик берасизми? – деди князь Андрей.

– Розиман, – деб графиня кўлинин унга узатди ва князь Андрей ўпиш учун бошини эгганда, графиня ҳам кимтиниб-

тортиниб, назокат билан унинг пешонасидан ўпди. Графиня бўлажак куёвини ўз ўғли каби севишни истаса ҳам, лекин уни бегона сезар ва ундан кўркар эди.

– Мен аминманки, отаси бунга рози бўлар, – деди графиня, – аммо сизнинг қиблагоҳингиз...

– Мен ўз режамни отамга айтдим. У киши рози бўлдилар, фақат шу шарт биланки, тўй бир йилдан кейин бўлсин, дедилар, – деди князъ Андрей. – Мен мана шуни сизга айтмоқчи эдим.

– Дуруст, Наташа ҳали ёш-ку, лекин бир йил жуда узок.

– Бошқа чора йўк-да, – деди князъ Андрей хўрсиниб.

– Ҳозир Наташани юбораман, – деди графиня ва уйдан чиқиб кетди.

– Худоё худовандо ўзинг кўлла! – дер эди графиня кизини ахтараркан. Соня Наташа ўз ётогида эканини айтди. Графиня унинг олдига кирди. Наташа ўз каравотида ўтириб ранги кути ўчган ва кўзларини санамга тикканича тез-тез чўқиниб алланима деб пи chirlaётган эди. Онасини кўриши биланоқ иргиб ўрнидан турди ва:

– Ойи, нима бўлди? Нима деди? – деб унинг бўйнига осилди.

– Бор, олдига чиқ. Кўлингни сўраяпти, – деди графиня. Бу сўз Наташага совуққина айтилганда туолди... Графиня югуриб чиқиб кетаётган қизининг кетидан хафа бўлган, таъна килаётган бир оҳангда:

– Бор, бор, – деди ва оғир хўрсинди.

Наташа меҳмонхонага қандай кирганини ҳам билмай қолди. Эшикдан кириб, князъ Андрейни кўрди-ю, тўхтади. «Наҳотки шу бегона одам энди менинг учун ҳаммадан яқинроқ бўлса» – деб ўзига савол берди ва дарҳол бу саволга ўзи жавоб қайтарди: «Ҳа, энди менинг ҳам жоним-у жаҳоним шу одам».

Князъ Андрей бошини қуий солиб унинг олдига келди.

– Мен сизни биринчи дафъа кўришимдаёқ севиб колгаман. Сизнинг лутфингиздан умидвор бўлишим мумкинми?

Князъ Андрей шу сўзни айтиб Наташага қаради ва унинг юзидағи жилдий ифодани кўриб, ҳайратда қолди.

Наташанинг юзидағи бу ифода: буни сўраб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Ўзи билиниб турган нарсага шубха кишининг нима кераги бор? Туйғуни сўз билан ифода килиб бўлмагандан кейин гапириб ўтириш нимаси, деб турар эди.

Наташа князь Андрейга якинрок келиб тўхтади. Князь Андрей унинг қўлини олиб ўпди:

– Сиз мени севасизми?

Наташа худди алами келгандай:

– Ҳа, ҳа, – деди-ю, чукур нафас олди ва сўнг энтикиб ийғлаб юборди.

– Нега йиғлайсиз? Нима бўлди сизга? – деб сўради князь Андрей.

Наташа йиги аралаш кулимсиради:

– Оҳ, мен қандай баҳтлиман, – деб жавоб берди, унга якинрок бориб сал энгашди ва худди ўзидан шундай килсан, майлими, деб сўраётгандай бир лахза ўйлаб қолди-ю, кейин князь Андреини ўтиб олди.

Князь Андрей унинг қўлини ушлаб, кўзига қараб тураркан, ўз қалбидаги илгари Наташага бўлган севгини топмади. Унинг қалбидаги қандайдир ўзгариш юз берди: гўзал ва шойронга сирли орзулар йўқолиб, унинг ўрнига Наташанинг хотинлар ва гўдакларга хос заифлигига ачиниш, унинг садоқати ва ишончи олдида кўркиш, ўзини Наташага абадий боғлайдиган бурчнинг оғирлиги ва шу билан бирга кувончли эканини зътироф килиш ҳисси пайдо бўлди. Унинг юрагидаги ҳозирги муҳаббат гарчи илгаригидай гўзал ва шоирона бўлмаса ҳам, лекин аввалгидан кўра жиддийроқ ва кучлироқ эди.

– Князь Андрей Наташадан кўзини олмай, – тўй бир ийлдан кейин бўлишини айтдиларми? – деб сўради.

Наташа унинг саволига қулоқ бермай: «Наҳот мен кичкина қизча (ҳамма мени шундай дер эди) бўлсан? Наҳот мен шу дақиқадан зътиборан ҳатто отам каби бир киши ҳурмат киласидиган шу ёт, азиз ва ақлли одамнинг хотини бўлиб, у билан тенг бўлсан? Наҳот шу рост бўлса? Наҳот энди улғайган бўлсан? Наҳот энди ҳар бир қадамимни билиб кўйишим ва ҳар бир сўзимни ўйлаб айтишим керак бўлса?

Ха, у мендан нима сўраётган эди?»

– Йўқ, – деб жавоб берди. Аммо ўзи князь Андрей нимани сўраганини билмас эди.

– Мени кечиринг, – деди князь Андрей – сиз ҳали жуда ёшсиз, мен эса ҳаётнинг аччик-чучугини кўп кўрганман. Сиз учун кўркаётибман. Сиз ўзингизни билмайсиз.

Наташа унинг ҳар бир сўзига зўр диккат билан қулок солса ҳам, лекин маъносига тушунолмас эди.

– Менинг баҳтимни пайсалга соладиган бу бир йилни ўтказиш мен учун нақадар оғир бўлса ҳам, – деб давом этди князь Андрей, – лекин сиз бу муддатда ўзингизни синааб кўрасиз. Бир йилдан кейин мени баҳтиёр килишингизни ўтинаман, лекин унгача эркингиз қўлингизда. Унашилганимиз ўртада қолади, агар сиз мени яхши кўрмаганингизга ишонч ҳосил қилсангиз ва ёки бошқа... – деди князь Андрей соҳта табассум билан.

– Бу гапларнинг нима хожати бор? – деди унинг сўзини бўлиб Наташа. – Биласизми, мен сизни Отрадноега биринчи марта келганингиздаёқ яхши қўриб қолганман, – деди Наташа. У ҳақиқатни айттаётганига имони комил эди.

– Бир йил ичида сиз ўзингизни билиб оласиз...

– Бутун бир йил! – деб юборди Наташа тўй бир йилдан кейин бўлишини энди англаб. – Нега энди бир йилдан кейин? Нега энди? – князь Андрей бунинг сабабини Наташага тушунира бошлади. Бироқ бу сўзлар Наташанинг қулоғига кирмас эди.

– Бошқа чора йўқми? – сўради Наташа.

Князь Андрей унинг саволига жавоб бермади. Лекин унинг юзидағи ифода бу карорни ўзгартириш мумкин эмаслигини кўрсатиб туради.

– Бу кўп ёмон! Кўп ёмон! – деди тўсатдан Наташа ва яна йиглаб юборди. – Мен бу бир йилни кута-кута ўламан! Йўқ, бўлмайди, бу жуда оғир! – у қаллигининг юзига қараб, эзилаётганини ва эсанкираб қолганини қўриб: – Майли, майли, мен ҳаммасига қодирман, – деди тўсатдан Наташа йиғини қўйиб. – Мен кўп хушбахтман!

Граф билан графиня уйга киришди ва бўлажак куёв

билан келинга фотиха беришди.

Шу кундан бошлаб князь Андрей Ростовларникига күёв сифатида келиб-кетадиган бўлди.

XXIV

Фотиха ҳам бўлмади, Наташани Болконскийга унашилганлиги ҳам ҳеч кимга айтилмади, князь Андрейнинг ўзи шуни талаб килди. Тўйни бир йил орқага суришга мен сабаб бўлдим ва унинг оғирлигини ҳам ўзим кўтаришим керак, деди князь Андрей. Мен шу берган сўзим билан ўз тақдиримни Наташа тақдирига абадий боғладим, лекин унинг бошини боғлаб қўйишни истамайман. Унинг эрки ўз кўлида бўлсин. Агар беш-олти ойдан кейин севмаганини сезиб қолса, унда рад қилишга ҳам ҳақли бўлади, деди князь Андрей. Албатта, граф ҳам, графиня ҳам, Наташанинг ўзи ҳам бу сўзларга қулоқ беришни истамасди, лекин князь Андрей сўзида туриб олди. У ҳар куни Ростовларникига келса ҳам, Наташага ўз қаллиғидай қарамай, уни сизлар ва фақат кўлидангина ўпар эди. У наштирилгандан кейин иккаласи орасида буткул бошқача, якинрок, жўн муносабат пайдо бўлди, бу уларнинг илгариги муносабатига сира ўхшамасди. Шу вактгача улар гўё бир-бирини билмас эди. Иккови ҳам илгари ҳеч нима бўлмаганида бир-бирига қандай қараганини эслаб ўтиришни яхши кўрар эди. Иккови илгари ўзини самимий бўлмагандай, ҳозир эса буткул ўзгариб, самимий ва оддий кишилар бўлиб колгандай сезарди.

Дастлабки кунларда Ростовлар оиласи князь Андрей билан муомалада бир ўнгайсизлик сезар, Болконский, улар назарида, бўлак олам кишисидай кўринарди. Шунинг учун Наташа уйдагиларни князь Андрейга эл қилиш учун кўп уриниб, ифтихор билан уларга: «У зоҳиран бошқа олам кишисидай кўринса ҳам, ҳакиқатан, ўзимизга ўхшаган бир одам, мен ундан сира тортинмайман, ҳеч ким ҳам тортнимаслиги керак» деб ҳаммани ишонтирас эди. Бир неча кундан кейин Ростовлар оиласи Болконскийга эл бўлиб қолди ва унинг олдидаги тортиниб-нетиб ўтирмасдан яна илгаригидай яшай берди.

Князь Андрей граф билан хўжалик, графиня ва Наташа билан зеб-зийнат, Соня билан альбом ва кашта ҳақида жуда яхши гаплаша билар эди. Баъзан оила аъзолари ўзаро ва князь Андрей олдида гаплашганда бу ишнинг қандай юз берганини ва бунинг шундай бўлиши олдиндан маълум бўлиб қолганини айтиб, ҳайрон қолишарди. Князь Андрей-нинг Отрадноега келгани, Ростовларни Петербургга кўчгани, князь Андрей билан Наташанинг бир-бирига ўхшагани (буни Болконский биринчи марта Отрадноега келганида энага пайқаган экан), 1805-йилда Андрей билан Николайнинг сўзга бориб қолгани ва яна бир қанча ҳодисалар шу ишнинг бўлишидан дарак берган эмиш.

Графнинг ҳовлисида келин билан куёв бўлган уйларга хос шоирона бир дилгирлик ва суқунат ҳукмрон эди. Ҳамма бирга ўтирган вактларда ҳам кўпинча ҳеч ким чурк этмас эди. Бошқалар туриб кетиб, келин билан куёв ёлғиз қолганда ҳам жим ўтиришар эди. Улар келажак ҳаётлари тўғрисида камдан кам гаплашарди. Князь Андрейнинг бу ҳақда сўз очгани на юраги бетлар эди, на тили борар эди. Наташа унинг бошқа туйгуларини ҳамиша билганидай буни ҳам билиб индамас эди. Бир куни Наташа унинг ўғли тўғрисида гап очди. Князь Андрей кизариб (у энди ҳар нарсага қизарар ва бу Наташага жуда ёқар эди) ўғлим биз билан турмайди, деди.

– Нега? – деб сўради Наташа чўчиб.

– Мен бобосини ундан жудо қилолмайман, ундан кейин... – Наташа унинг мулоҳазасини англаб дарров:

– Вой, мен уни қандай яхши кўрар эдим! Лекин мен биламан, сиз, икковимизни ҳам айблашга баҳона топилмасин дейсиз, – деди.

Кекса граф баъзан князь Андрей олдига келиб, уни ўпар, Петянинг тарбияси ва ё Николайнинг хизмати ҳақида маслаҳат сўрар, кекса графиня эса буларга қараб уф тортиб ўтирас эди. Соня ҳамиша келин билан куёвга халал беришдан кўркар, ҳеч лозим бўлмаган ҳолда ҳам уларни холи қолдириш учун ҳар хил баҳоналар топишга тиришар эди. Князь Андрей гапираётган чоғда (у гапга чечан эди) Наташа ифтихор билан қулоқ солар, ўзи гапирганда эса уни зўр дикқат

билан кузатаётганини пайқаб ҳам юраги така-пуга бўлар ва ҳам қувонар эди. У таажуж билан ўз-ўзидан: «У мендан нимани излаяпти? Шу қараши билан мендан нимани топмокчи бўлаётibi? Менда нима камчилик бор эканки, кўзлари билан шуни излаяпти», – дея сўрар эди. Наташа баъзан ўзига хос бўлган бир қувноқ кайфиятта кирар ва шунда князь Андрейнинг кулгисига қулок солиш ва унга қарашни яхши кўрар эди. Князь Андрей камдан кам кулар, лекин кулганда ҳам жон-у дили билан куларди. Наташа ҳар гал шунака кулгидан кейин ўзини унга анча яқин сезар эди. Қаршисида турган ва яқинлашиб келаётган айрилиқ чўчитмаса, Наташа ўзини буткул баҳтли ҳисоблар эди.

Князь Андрей Петербургдан кетишидан бир кун олдин Пьерни бирга олиб келди. Пьер балда бўлганидан буён Ростовларникига келгани йўқ эди. У паришонҳол ва хижолат кўринар эди. У графиня билан гаплашиб қолди. Наташа Соња билан шахмат столи олдига ўтирди ва шу билан князь Андрейни ҳам ўз ёнига чакирган бўлди. Князь Андрей келди.

– Сиз Безуховни кўпдан буён танирсиз-а? – сўради у Наташадан. – Маъқулми сизға?

– Ҳа, кўп яхши киши, лекин сал ғалатилиги бор-да, – деди Наташа. У Пьер тўғрисида гапираркан, одатдагича, унинг паришонҳоллиги ҳақидаги латифаларни, ҳатто ўзлари тўқиган латифаларни айтиб берди.

– Биласизми, мен унга сиримизни айтдим, – деди князь Андрей. – Мен уни болалигидан биламан. Баҳоси йўқ одам. Сиздан илтимос шуки, Натали, – деди тўсатдан жиддий. – Мен кетаётибман, худо билади нималар бўларкин. Кўнглингиз совиб қолиши... Биламан, бу тўғрида гапирмаслигим керак. Лекин фақат шуни айтмоқчиманки, менинг йўклигимда сизнинг бошингизга нима тушса...

– Нима тушарди?

– Қандай мусибат юз бермасин, – давом этди князь Андрей. – Сиздан илтимос шуки, мамзель Соња қандай ҳоди-са рўй бермасин, маслаҳат ва ёрдам сўраб шунгагина мурожаат қилинг. Паришонликка паришон ва ғалати одам бўлса

хам, лекин баҳоси йўқ.

Бу айрилик Наташага бунчалик таъсир килишини отонаси ҳам, Соня ҳам, князь Андрейнинг ўзи ҳам билмаган эди. Қип-қизариб кетган, хаяжонланган, дийдаси қотиб қолган Наташа худди айрилаётганини билмайдигандай шу куни уйда ивирсиб юрди. Князь Андрей у билан хайрлашиб, сўнгги марта кўлини ўпганда ҳам йигламасдан фақатгина:

– Кетманг! – деди, холос. Лекин бу сўзни у шундай бир товуш билан айтдики, князь Андрей, ҳакиқатан ҳам, қолсаммикин, деб ўлашга мажбур бўлди ва кейинчалик ҳам бу сўз узоқ вакт эсидан чиқмади. Князь Андрей кетганда ҳам Наташа йигламади; у бир неча кун йигламасдан ўз хонасида ўтириди, ҳеч нарсага кизиқмади, фақат гоҳ-гоҳ «Ох, нима учун кетдийкин?» – деб кўяр эди.

Бирок князь Андрей кетиб, орадан икки ҳафта ўтгач, Наташа тўсатдан маънавий хасталиқдан тузалиб, аввалги ҳолатига қайтди, аммо унинг чехраси узоқ вакт касал ётиб, энди тузалган боланинг чехрасига ўхшар эди.

XXV

Князь Николай Андреевич Болконскийнинг саломатлиги ва характери шу сўнгги йилда ўғли кетгандан кейин жуда заифланиб колди. У илгаригидан ҳам асабирик бўлиб, бўлар-бўлмасга жаҳли чиқадиган ва ўзининг бутун заҳрини княжна Марьяга тўқадиган бўлди. У княжнага гўё яна ҳам қаттикроқ руҳий азоб бериш учун энг заиф жойларини излар эди. Княжна Марья икки нарсага ҳирс қўйган ва шунинг учун унинг кувончи ҳам шу икки нарса: бири жияни Николушки, иккинчиси – дин бўлиб, кекса князь мана шу икки нарсага ёпишгани ёпишган эди. Нима тўғрида гап очилмасин, князь, албатта, гапни кари кизларнинг мутаассиблиги ва ёки болаларни эркалатиб бузиб кўйишларига олиб борар эди. «Сен уни (Николушки) ўзингга ўхшаган қари киз қилмоқчимисан, бекорга уринма, князь Андрейга қиз эмас, ўғил керак, ўғил» – дер эди. Ёки мамзель Буръен мурожаат қилиб, княжна олдида ундан: «Бизнинг поплар ва иконалар¹

¹ Икона – христианликдаги Исо, Биби Марям ва авлиёлар тасвири.

сенга ёқадими», – деб ундан сўрар ва ҳазиллашар эди.

У ҳамиша княжна Маръяни таҳкир килса ҳам, кизи, отамни кечиришим керак, деган хаёлни кўнглидан чиқаролмас эди. Наҳотки отаси унинг олдида гуноҳкор бўла олса? Наҳотки шундай меҳрибон (княжна буни, ҳар қалай, билар эди) отаси ноҳақ бўла олса? Ҳак деган гапнинг ўзи нима? Княжна ҳеч қачон «ҳак» деган мағрур сўз ҳакида ўйлаган ҳам эмасди. Инсониятнинг барча мураккаб конунлари, унинг назаридা, содда ва равshan бир конундан иборат бўлиб, бу ҳам бўлса севиш ва ўз жонини фидо этиш конуни эди, бу конунни инсоният учун мухаббат билан азоб чеккан худонинг ўзи яратган. Бошқа одамларнинг ҳак ва ноҳақлиги билан унинг нима иши бор? У ўзи азоб чекиши ва севиши керак ва шундай ҳам қилиб юрибди.

Кишида Лисие Горига князь Андрей келди. У хурсанд, вазмин, ҳалим ва назокатли бўлиб, княжна кўпдан буён уни шу қайфиятда кўрмаган эди. Княжна акасига бир нарса бўлганини сезди, лекин князь Андрей ўз севгиси ҳакида опасига сўз очмади. Кетадиган куни князь Андрей отаси билан нима тўғридадир узок сұхбатлашди ва жўнаётганида княжна Марья иккаласи ҳам бир-биридан хафа эканлигини пайгади.

Княжна Марья князь Андрей кеттандан кейин Лисие Горидан Петербургга ҳамма кизлар сингари ўз акасига олиб беришни орзу қилиб юрган дугонаси Жюли Карагинага мактуб ёзди, дугонаси шу кунлари Туркияда ҳалок бўлган акасига мотам тутиб юрган эди.

*«Азиз ва меҳрли дўстим Жуля, гам-гусса чекиши иккала-
мизнинг ҳам қисматимиз экан. Сизнинг мусибатингиз шу
қадар зўрки, мен буни худонинг сизга кўрсатган айрим
марҳамати дебгина биламан. Худойим шу билан сизни (яхши
кўргани учун) ва азиз-у меҳрибон онангизни синовдан ўтказ-
моқчи. Оҳ, дўстим, дин, ёлгиз дин бизга масалли берадигина
эмас, балки умидсизликдан қутқаради. Инсон ўзининг ожиз
ақли билан идрок қилолмайдиган нарсани фақатгина дин
изоҳ қилолади: нега, нима учун ҳаётда ўз баҳт-саодатини*

төп оладиган, ҳеч кимга азоб бермайдиган ва ҳатто бошқаларнинг баҳти бўлиши учун ҳам зарур бўлган юксак түйгули, соф қалбли, яхши одамларни худойи таоло ўз даргоҳига чақиради-ю, бадфеъл, бирорвга икки пулли фойдаси тегмайдиган, зарарли ёки ўзига ҳам, бошқаларга ҳам юк тушадиган кишиларни қолдиради. Мен биринчи марта кўрган ўлик азиз келинининг ўлигидир. Мен бу ўликни ҳеч қачон эсдан чиқармайман ва шу ўлик менда шундай таассурут қолдирди. Худди сиз тақдиди илоҳийдан, шундай яхши акам нега ўлиб кетди, деб сўраганингиздай мен ҳам, бирорвга зиёни тегиши у ёқда турсин, қалбида эзгулик қилишдан бошқа нияти бўлмаган бу беозор фаришта Лиза нима учун ўлиб кетди, деб сўраган эдим. Нима учун экан денг, дўстим, унинг ўлганига мана, беш ийл бўлди. Мен ўзимнинг ноқис ақлим билан унинг нима учун вафот қилганига, бу ўлим парвардигори оламнинг чексиз лутф-у марҳаматининг бир ифодаси эканлигига тушуна бошлидим, худойи таолонинг барча кирдикори ўз бандаларига бўлган беҳад-у ҳисоб муҳаббатининг кўринишидирки, биз бунга аксари тушуна олмаймиз. Мен кўпинча: Лиза фариштадай маъсум бўлгани учун барча оналик бурчини адo қилишга ожизлик қилдимикин, деб ўйлайман. Ёш хотин сифатида унинг ҳеч қандай камчилиги йўқ эди. Лекин она сифатида у шундай камчиликсиз бўла олмас эди. Энди бизга, айниқса, князь Андрейга энг гўзал хотирот ва чуқур таассуф қолдирганидан ташқари у, эҳтимол, у ерда, мен орзу қилишга ҳам журъат қилолмаган жойига эга бўлса. Лиза худонинг бунчалик лутф-у марҳаматига сазовор бўлганидан ташқари, бу бемаҳал ва даҳшатли ўлим барча гам-гуссаларидан қатъи назар, менга ва укамда кўп яхши таассурот қолдирди. Лиза вафот қилган кунлари бу фикрлар бошимга кела олмасди. Келганда ҳам дарров ўзимдан йироқлаштирар эдим, аммо энди буткул аниқ ва равшан бўлиб қолди. Бу сатрларни сизга ёзишдан муород, дўстим, менинг учун ҳаёт қонуни бўлиб қолган инжилнинг бир ҳақиқатига, яъни худонинг иродасисиз инсоннинг бошидан бир тола туки ҳам тушмайди, деган ҳақиқатига сизни ишонтириш, холос. Унинг иродаси эса бизга бўлган чексиз

муҳаббатига бўйсунади, шунинг учун ҳам бошимизга нима келмасин, ҳаммаси унинг неъматидир. Сиз келаси қишини Москвада ўтказасизларми, деб сўрабсиз. Гарчи дийдорингизни кўриш орзусида бўлсан ҳам, лекин Москвага боришини ўйламайман ва орзу қылмайман. Агар бунинг сабабкори Бонапарт десам, сиз ҳайрон бўласиз. Бунга сабаб қиблагоҳимнинг саломатиклари кундан кунга заифлашаётгани: бу киши мунозарани қўтара олмайди, чунки жисзаки бўлиб қолган. Қиблагоҳимни ўзингиз биласиз, кўпинча сиёсий масалалар тажсанг қиласди. У киши Бонапартни бутун Европа подшоҳлари ва, айниқса, буюк Екатерина невараси бўлмиш шаҳаншоҳимиз билан ўзини тенг тутуб музомала қилаётганини сира-сира ҳазм қилолмайдилар. Мен ўзингизга маълум, сиёсий масалаларга ҳеч қизиқмайман, лекин қиблагоҳимнинг сўзларидан ва Михаил Иванович билан қиласидиган суҳбатларидан дунёда нима ҳодисалар юз берадётганидан ва, айниқса, Бонапартега кўрсатилаётган иззат-у эҳтиромлардан хабардорман, менимча, бутун ер юзида фақат шу Лисие Горида уни на буюк киши деб танишади ва на француз императори деб. Отам мана шу нарсани кўтаролмайдилар. У киши, назаримда, аксар сиёсий масалаларга бўлган ўз нуқтаи назарлари ва фикр-у мулоҳазаларини ўйлаб-нетиб ўтирумасдан айтаверишларини билиб ва бунинг орқасида юз берадиган баҳс-мунозараларни сезиб, Москвага кўчишини унча истамаятилар. Борган тақдирда ҳам муолажадан кўрган барча фойдалари Бонапарте тўғрисида бўладиган баҳс-у мунозаралар орқасида чиппакка чиқиб кетади ва мен бунга аминман. Ҳар ҳолда, бу масала яқин ўртада ҳал бўлади. Ошлавий ҳаётимиз аввалгидай! Фақат акам Андрей бу ерда йўқ, холос. Кейинги кунларда укам жуда ўзгариб қолди, бу ҳақда мен сизга ёзган эдим. Бошига тушиган мусибатлардан кейин у энди, шу йил руҳан ўзига келди. Болалик чогида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай: меҳрибон, назокатли ва жуд бебаҳо одам бўлиб қолган. Унинг учун ҳаёт ҳали тамом бўлмаганини, менимча, энди ўзи англади. Лекин руҳан бардам бўлиб қолган бўлса ҳам, жисмоний томондан жуда заиф. У аввалгидан кўра озган, асабийроқ бўлиб қолган.

Шундан ташвишдаман. Чет элга сафар қилиб, күп яхши қилди. Докторлар ҳам күпдан буён шуни маслаҳат берип келган эди. Чет элдан тузалиб келар деб умид қиласман. Сиз ўз хатингизда Петербургда князь Андрейни энг фаолиятли, ўқимишли ва ақли йигитларнинг бири деб ҳисоблашади, дебсиз. Укамни мақтаганим бўлмасин-ку, мен ҳеч қачон бунга шубҳа қилган эмасман. Унинг бу ерда, ўз дехқонларидан тортиб дворянларга қадар қилган яхшиликларининг ҳад-ҳисоби йўқ. Петербургга бориб ҳам у фақат ўзига тегишили ишлар билангина шугулланди. Мен бир нарсага ҳайронман: қандай қилиб бу миш-мишлар, айниқса, сиз ёзган ўша ҳақиқатдан узоқ миш-мишлар Петербургдан Москвага боради? Князь Андрей кичкина Ростовага уйланармии деган овозалар тамоман ёлгон. Андрейнинг бирорга ва, айниқса, Ростовага уйланишига мен сира ишонмайман. Нима учун десангиз, биринчидан, гарчи у марҳум хотинидан камдан кам гапирса ҳам, лекин, менинг билишимча, унинг кўксидаги доз ҳали-вери кетмайди ва унинг ўрнига бўлак хотин олиб, фариштасамизни ўгай оналик қилишини истамайди. Иккинчидан, менимча, бу қиз князь Андрей ёқтирадиган хотинлар тоифасидан эмас. Князь Андрейни шу қизга уйланишига кўзим етмайди. Ростини айтсан, истамайман ҳам. Жагим очилиб қолди, иккинчи саҳифани ҳам ёзив тўлдирдим. Хайр, азиз дўстим, сизни худога топширдим. Токи ўз пушти паноҳида сақласин. Менинг меҳрибон дугонам, мамзель Буръен сизни ўпади».

XXVI

Ёзниг ўртасида княжна Марья Швейцариядан, князь Андрейдан кутилмаган бир мактуб олди. Князь Андрей мактубида княжна учун кутилмаган бир хабарни – Ростовага уйланмоқчи бўлганлигини ёзган эди. Бу мактубда бошдан оёқ икки нарса ёлкинлаб турар эди: бири – қаллигига бўлган ўтли муҳаббат, иккинчиси – опасига бўлган меҳрибонлик ва ишонч. Князь Андрей ўз мактубида шу чоггача ҳеч кимни шу даражада севмаганини, ҳаёт нима эканлигини энди билганини ёзив, Лисие Горига келганида бу ҳақда отаси билан

гаплашган бўлса ҳам, княжнага ҳеч нарса демагани учун узр сўраган эди. Князь Андрей бу нарсани, агар княжнага айтсан, у отамга розилик беринг, деб илтимос килиб кўрар, у кишини кўндиrolмасдан бекорга жаҳлини чикарап, кейин бунинг жафосини ўзи тортиб ўтирап, деган мулоҳаза билан айтмаган экан. Ундан кейин у вактда хозиргидай катъий карорга келмаган экан. «Ўшанда отам менга бир йил мухлат белгиладилар. Мана ҳозир ўша мухлатнинг ярми, олти ойи ўтди ва мен ўз қароримда илгаригидан ҳам катъийрокман. Докторлар муолажамнинг муддатини узайтирганда, алла-качон ўзим Россияга қайтар эдим, энди яна уч ой шу ерда коладиган бўлдим. Сен мени ҳам ва отам билан бўлган муносабатимни ҳам биласан. Мен у кишидан ҳеч нарса умидвор эмасман. Ҳамиша мустакил эдим ва ҳозир ҳам мустакилман. Лекин у кишининг хоҳишига қарши иш килиш, умрининг охирида унинг ғазабига гирифтор бўлиш менинг бахтимнинг ярмини барбод килади. Мен ҳозир отамга шу ҳакда мактуб ёзаяпман. Сендан илтимос шуки, кайфияти яхши бўлган бир вактни топиб шу мактубни отамга бергин ва у кишини бу ишга қандай қарашидан, берган мухлатини уч ойга қисқартира олиш-олмаслигидан мени огоҳлантиргин».

Княжна Марья узок иккиланиб, шубҳа ва тоат-у ибодатдан кейин хатни отасига берди, эртасига кекса князь осудалик билан деди:

– Укангга ёз, ўлгунимча сабр қилсин... озгина қолди. Якинда кутуласизлар...

Княжна бир нима деб отасига эътиroz билдиrmokчи бўлган эди, бироқ кекса князь унга бермасдан, борган сайин бақира бошлади:

– Уйлан, уйлан, ўғилгинам!.. Яхши қавм-кариндош орттирасан!.. Ақли кишилар-а? Давлатманд кишилар-а? Ҳа, Николушка бинойидай ўгай онага эга бўлади! Ёз, менга қолса, эртагаёқ уйлансин. У Николушкага ўтай она бўлади, мен эса Буръенга уйланаман!.. Ҳа, ха, ха! Ана ундан кейин уканг ҳам ўгай онали бўлади қолади! Факат шуни айтиб қўйгинки, менинг бўсағамни бўлак хотин зоти босмасин!

Уйланса уйланаверсин, лекин хотинини бу ерга олиб келмасин. Балки, сен ҳам уканг олдига борарсан? – деди княжна Марьяга қараб. – Марҳамат, йўл очик... йўл очик... Марҳамат!

Шу мажародан кейин князь бу ҳақда оғиз очмади. Лекин ўғлининг иродаси заифлик қилганига афсуслангани кизи билан бўлган муомалаларидан билиниб турар эди. Кекса князнинг кизига қиласидан илгариги пичингларига яна бир пичинг кўшилди, бу ҳам эса ўтай она гапи билан мамзель Буръен қиласидан хушомадомуз сўзлари эди.

Нега мен бунга уйланмас эканман? – дер эди кизига князь. – Туппа-тузук княгиня бўлади!

Дарҳакикат, кейинги кунларда кекса князь борган сайин француз аёлга ўзини яқин тута бошлади ва княжна Марья отасининг бу қилмишини кўриб, оқибати нима бўларкан деб хайратда қолди. Княжна укасига отаси хатни олиб нималар деганини ёзди, лекин бу нарсага, балки, отамни кўндиришга муваффақ бўларман деган сўзлар билан укасига тасалли берди.

Княжна Марьянинг овунчоги ва кувончи Николушка билан унинг тарбияси ва Андрей билан дин эди, лекин ҳар бир кишининг ўзига яраша орзу-армони бўлганидай, княжнанинг ҳам қалбida, хаётида унга бирдан бир тасалли берадиган бир орзу-умиди бор эди. Бу тасаллини унга княздан яшириқча олдига келиб-кетадиган художўйлар – қаландар ва дарвишлар берар эди. Княжна Марья ҳаётнинг аччик-чучугини қанча кўп тортса, одамларнинг бу фоний дунёдан ўзларига баҳт-саодат ва роҳат-у фароғат излаганларига, бу мусассар бўлмайдиган, пуч ва беҳуда баҳт-у саодатга эришиш учун жон куйдириб, азоб-у уқубат чекиб, курашиб, бир-бирларига ёвузлик килиб юрганларига шунча ҳайрон бўлар эди. «Князь Андрей хотинини севар эди, хотини ўлди. Энди у бу ҳам етмагандай, яна бошка хотинга кўнгил кўймокчи. Отам бунга рози эмаслар, чунки у киши Андрейни асл-у насаби дурустроқ ва бадавлатроқ кизга уйланишини истайдилар. Улар бир кўз очиб-юмгунча ўтиб кетадиган ҳаёт неъматини деб курашадилар, азоб, изтироб чекадилар, ўз

калбларини, ўлмас калбларини хароб этадилар. Дунё фоний эканлигини ўзимиз билсак ҳам, бунинг устига Исо ерга тушиб, бу ҳаёт икки күнлик гап, бу инсон учун бир синов деган бўлса ҳам, биз яна унга тиш-тиргомиз билан ёпишамиз ва ундан ўзимизга бахт-у саодат излаймиз. Қандай бўлибдик, ҳеч ким бунга тушунмабди? – деб сўрар эди ўз-ўзидан княжна Марья. – Бунга фақат ҳалталарини елка-ларига кўтариб, князь кўриб қолмасин деб (князь сўкиб беришидан кўркиб эмас, балки уни гунох иш килиб қўйишидан саклаб) орка эшикдан мени олдимга келадиган мана шу ҳақир қаландар дарвишлар тушунади, холос. Хонумондан, диёрдан айрилиб, бирон нарсага илашиб қолмайин, деб ҳаётнинг барча ноз-у неъматидан кечиб, бўз жанда кийиб, бўлак ном билан элма-эл юриб, бировнинг кўнглига озор бермасдан, эшикларидан кувганлар учун ҳам, яхшилик килганлар учун ҳам тоат-у ибодат қилиб юришдан бошка юксак ҳақиқат ва юксак ҳаёт йўқ!»

Федосьюшка отли, 50 ёшларга бориб колган, юзи чўтири, бўйи паст, бир кам гап аёл бор эди, бу аёл 30 йилдан бери яланг оёқ, белига занжир боғлаб дунёни кезар эди. Княжна Марья шу хотинни жуда яхши кўрар эди. Бир куни Федосьюшка биттагина кичгина чирок ёритиб турган гиравшира уйда ўтириб ўз ҳаётини княжнага хикоя қилиб берди, шунда тўсатдан княжнанинг бошига: «Дунёда ёлгиз Федосьюшка ҳаётга тўғри йўл топибди», – деган хаёл келди-ю, ўзи дарвишлик қилмоқчи бўлди. Федосьюшка ухлагандан кейин княжна бу ҳақда жуда кўп ўйлади ва ниҳоят ўзи ҳам Федосьюшка каби дарвишлик қилишга қарор берди. У ўз ниятини ёлгиз Акинфея деган бир руҳоний монахга айтди ва руҳоний унинг бу ниятини мақбул топди. Княжна Марья дарвишларга ҳадя қилиш баҳонаси билан кўйлак, чориқ, кафтан ва кора рўмол – хуллас, дарвишлар киядиган нарсаларни гамлаб қўйди. У кунда шу нарсалар турган жавон олдига келар, ниятимни амалга оширадиган пайт етмадимикин, деб ўйланиб қолар эди.

Княжна Марья кўпинча дарвишларнинг соддагина хикояларини эшитиб, шу кадар ҳаяжонга тушар эдики, ҳатто

бир неча марта бутун бор-у йүғини ташлаб, уйдан қочиб кетишга тайёр бўлиб қолди. Ҳолбуки, княжна Марьяга чукур маъноли туулган бу сўзлар дарвишлар учун ёд бўлиб қолган оддий сўзлар эди. Княжна ўз хаёлида ўзини ҳасадни ҳам, инсоний муҳаббатни ҳам, орзу-хавасни ҳам билмай, эғнида бўз кўйлак, елкасида халта, қўлида ҳасса, Федосьюшка билан бирга чанг йўлдан, у азиз-у авлиё олдидан бу азиз-у авлиё олдига бораётган ва ниҳоят ғам-у ғусса, оҳ-у надоматдан узоқ бўлиб, абадий шодлик ва кайф-у сафо олами бўлмиш жаннатга етгандай тасаввур килар эди.

Княжна ўз-ўзича дер эди: «Бир ерга бориб, тоат-у ибодат қиласман, бу ерга ўрганмасдан туриб, бошқа жойга кетаман. Шундай қилиб, то оёкларимнинг дармони қуриб, йиқилиб ўлгунимча юраман ва охири ғам-у ғусса, оҳ-у надоматдан узоқ бўлган сокин абадият оламига кўчаман».

Бироқ отаси ва, айникса, кичкина жияни Кокони кўргач, ўз ниятини амалга оширишга ожизлик қиласман, кейин мен гуноҳкорман, чунки отам билан жиянимни худодан ҳам ортиқ кўраман, деб яширикча йиглар эди.

I

Инжилнинг ривоятига кўра, илк одам худонинг ғазабига гирифтор бўлиб жаннатдан ҳайдалганига қадар лаззат-фароғатни ишламаслиқдан, бекорчиликдан топган экан. Ҳайдалгандан кейин ҳам одамнинг ишламасликка бўлган ҳаваси йўқолмабди, лекин одам ишламасдан туролмайди, бунга сабаб факат бир бурда нонимизни пешона тери тўкиб топишимиз керак бўлганлигигина эмас, балки ўзимизнинг маънавий хислатимизга кўра ишламасдан баҳузур юролмаслигимиздир. Ғойибдан келган бир нидо ишламасдан юрганинг учун гуноҳкорсан, дейди. Агар одам бекор ўтириб бир фойда келтира оладиган, ўз бурчини адо кила оладиган бир ҳолатни топа олса эди, унда у илк одам кўрган лаззат-фароғатнинг бир томонини кўлга киритган бўлар эди. Бизда бутун бир табака – ҳарбийлар табакаси мана шу мажбурий ва ҳеч ким таъна қилолмайдиган бекорчиликдан баҳраманддир. Ҳарбий хизматнинг кишини ўзига тортадиган асосий томони ҳам мана шу мажбурий ва ҳеч ким таъна қилолмайдиган бекорчилик бўлиб келган ва бўлажак ҳам.

Николай Ростов 1807-йилдан кейин ҳам Денисовдан қабул килиб олган эскадронда командир бўлиб, Павлоград полкида ўз хизматини адо этаркан, мана шу лаззат-фароғатдан беармон баҳраманд бўлиб юрар эди. Ростов москвалик таниш-билишлари кўрганда, салтинга кўрсрок бўлибди, дегудай кўполгина йигит бўлиб қолган бўлса ҳам, лекин жўралари, кўл остидаги кишилар ва бошликлари уни яхши кўришар, ҳурмат килишар, ўзи ҳам ҳаётидан хурсанд эди. Кейинги вактларда, 1809-йилда, онаси кўпинчча хат ёзиб хўжалик ишлари кун сайин огирашиб кетаётганидан шикоят килар, тезроқ келиб чол-кампир, ота-онасининг кўнглини тинчтишини, хурсанд қилишни сўрар эди.

Николай бу мактубларни ўкиркан, булар мени турмушнинг барча ташвиш-тараддуидан кутулиб, тинч ва осуда яшаб юрган мухитимдан маҳрум килмоқчилар, деб кўркар эди. У эртами-кечми, яна елкасига олахуржун тушиб, gox

чалкашиб, гоҳ эпакага келаётган хўжалик ишлари, саркорнинг ҳисоб-китоби, жанжал-у фитна, таниш-билишлик, ўтиришлар, Сонянинг муҳаббати ва унга берган вайдалари каби бир талай икир-чикир билан тӯла бўлган ҳаёт гидробига кириб колишини сезар эди. Буларнинг ҳаммаси ниҳоят даражада мушкул ва чигал ишлар эди, шунинг учун у онасининг мактубларига қачон бориши ҳакида оғиз очмасдан, «Мушфик ва меҳрибон онамга» деган сўзлар билан бошланиб, «сизнинг итоаткор ўғлингиз» деган сўзлар билан тамом бўладиган классик услубда ёзилган совуккина мактублар билан жавоб қайтарар эди. 1810-йилда ота-онасидан мактуб олди. Мактубда Наташа Болконскийга фотиха килинганлиги, кекса князнинг ҳоҳишига кўра тўй бир йилдан кейин бўлиши айтилган эди. Бу хатдан Николай ҳам хафа бўлди ва ҳам ўзини таҳқиқлаган сезди. Аввало, Наташани эрга тегиб, уйдан кетиб колишига кўнгли бўлмас эди, чунки уйдағиларнинг ҳаммасидан ҳам Наташани кўпроқ яхши кўрар эди. Иккинчидан, ўзининг гусарча нуктаи назарига кўра шу кунлари уйда бўлмаганига афсусланди, уйда бўлса борми, улар билан куда бўлиш унчалик катта шараф эмаслигини ўша Болконскийга кўрсатиб қўяр эди, чунки агар Наташани севса, савдои отасининг розилик бериш-бермаслигига қарамасдан, уйланиши мумкин эди. Николай отпуска олиб, Наташанинг қаллиғ бўлиб қолганини бир кўриб келсамикин деб ҳам ўйлади, лекин манёврлар якинлашиб қолди. Соня тўғрисида мулоҳаза, чалкашиб кетган хўжалик ишларининг ваҳимаси эсига тушиб, яна бормайдиган бўлди. Аммо ўша йилнинг баҳорида Николай онасининг графдан яширикча ёзган мактубини олди ва шу мактубни ўқиб чикишга мажбур бўлди. Онаси ўз мактубида, агар келиб хўжалик ишларини ўз қўлингга олмасанг, бутун мол-у мулкдан айрилиб, ҳаммамиз кафангаго бўлиб қоламиз деб ёзган эди. Граф шу қадар заиф, Митенькага шу қадар ишонган, шу қадар сахий ва ҳамма уни шу қадар аддайдики, ишлар кундан кунга ёмонлашаётиби. «Агар мени ва бутун уй ичимизни бадбаҳт қилишни истамасанг, худо ҳақи, тезда етиб кел», – деб ёзган эди графиня.

Бу мактуб Николайга каттык таъсир килди. Унинг ақли бундай холатларда нима қилиш кераклигига етар эди.

Энди истеъфо бериб бўлмаса ҳам, отпуска олиб уйга бориб келиши зарур бўлиб колди. Лекин нима учун бориши зарурлигини ўзи билмас эди. Тушликдан кейин у ухлаб олиб, кўпдан буён минмаган Марс номли бўз асов айғирини эгарлатди-да, миниб чикиб кетди. Бирок терлаб, кўпиклаб кетган отда қайтиб келганидан кейин Лаврушкага (Денисовнинг хизматкори Ростовга қолган эди) ва Кечкурун келган ўртоқларига отпуска сўраб уйга кетаётганини айтди. Штабдан ротмистрлик унвонига ўтказилган-ўтказилмаганлигини билмасдан (бунга жуда қизиқар эди), ёки сўнгги манёвр учун Анна нишонини олиш-олмаслигини эшитмасдан туриб кетишни ўйлаш унинг учун қанчалик кийин ва ажабланарли бўлмасин, граф Голуховский савдолашган ва Николай икки мингта сотаман деб гаров бойлаган саман тройкани¹ поляк графига сотмасдан кетишни ўйлаш накадар ажиб бўлмасин, Боржазовская хоним шарафиға зиёфат берган уланлар қасдига гусарларнинг ҳам Пшаздецкая хоним шарафиға бериладиган зиёфатлари усиз ўтишини ўйлаш нақадар галати кўринмасин – Ростов билардики, бу гўзал ва ёруғ оламни ташлаб, беҳудагарчилик ва чигалликдан иборат бўлган аллақандай бир оламга бориши керак. Бир ҳафтадан кейин унга отпуска беришди. Полкдаги гусар ўртоқларигина эмас, балки бригададаги ўртоқлари ҳам киши бошига 15 сўмдан пул йигиб Ростов шарафиға зиёфат беришди, зиёфатда икки тўп мусикачилар машқ қилишди, икки тўп хор ашула айтди, Ростов майор Басов билан трепака деган рус халқ куйига ўйнаб берди, маст офицерлар Ростовни кучоклашди, кўтара-кўтар қилишди, ерга тушириб юборишли, учинчи эскадрон аскарлари яна кўтара-кўтар қилиб, «ура!» деб кичкиришди. Зиёфат тамом бўлгандан кейин Ростовни чанага солиб, бир станцияга² кузатиб кўйиши.

¹ Тройка – уч от кўшилган экипаж, уч отли извош.

² Станция (лотинча: *statio* – тўхташ жой; бекат) – 1) темир йўл поездлари ёки курукликларни бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой; шу жойга тегиши

Иўлнинг ярмигача, яъни Кременчугдан Киевгача Ростовнинг хаёли одатдагича эскадронда бўлди, бироқ яrim йўлдан ўтгандан кейин саман отли тройкани ҳам, вахмистр Дожойвей куни ҳам эсдан чиқариб, Отрадноедагилар нима бўлди, кай аҳволда экан, деб бетоқатлик билан ўз-ўзидан сўрай бошлади. Отрадноега қанча яқинлашса (гўё руҳий туйгу ҳам жозиба кучи масофа квадратига тескари нисбатда бўлган табиат қонунига бўйсунгандай), уй тўғрисида шунча кўпроқ ўйларди; Отрадноега бир станция колганда у аравакашга уч сўм ароқ пули берди ва уйга етганда ёш бола сингари энтикиб эшикка қараб чопди.

Кўришиш шодлигидан ва «ошиқмасам ҳам бўлар экан, ўша ўзим кўрганларим-ку», – деган ғалати бир норозилик туйгусидан кейин Николай уйнинг одатдаги ҳаётига кўнига бошлади. Ота-онаси ҳам ўша аввалгидай, лекин сал қариган эди, холос. Улардаги ўзгариш илгари бўлмаган алланечук бир ташвиш ва баъзан юз берадиган келишмовчиликдан иборат эдики, бу ҳам бўлса Николайнинг кейинчалик билишича, хўжалик ишларининг думи хуржунда бўлиб колганигидан келиб чиқсан экан.

Соня йигирмага қадам кўйиб, энг чиройли бўлган вақтлари эди. Николай келганидан бери ундан баҳт ва муҳаббати Ростовнинг ҳам баҳрини очиб юборди. Петя билан Наташани кўриб Ростов жуда ҳайратда қолди. Петя 13 ёшга кириб, кап-катта, чиройли, кувноқ, одобли, шўх бола бўлиб, овози ўзгариб колган эди. Акаси Наташага ҳайрон бўлиб, узоқ қааркан:

- Бутунлай бошқача бўлиб кетибсан-ку, – деб кулди.
- Хунук бўлиб қолибманми? – деб сўради Наташа.
- Аксинча, лекин савлатли бўлиб қолибсан. Княгиня-да!
- деди Николай шивирлаб.
- Албатта! – деди Наташа қувониб.

Наташа акасига князъ Андрей билан ораларида бўлган

иншоот ва хизматлар мажмуи (бу ерда шу маънода); 2) маҳсус вазифа бажарувчи айрим муассасалар, корхоналар ёки илмий-текшириш иши олиб борувчи муассасалар номи; 3) бортида илмий асбоб-ускуналари бўлган космик аппарат.

ишк-муҳаббатни, унинг Отрадноега келганини ҳикоя қилиб берди ва охирги хатини кўрсатди.

– Хурсандмисан ахир? – сўради Наташа акасидан. – Мен жуда хотиржам ва баҳтиёрман.

– Жуда хурсандман, – деб жавоб берди Николай. – У одамларнинг сараси. Жуда севиб қолганмисан ахир?

– Нима десам экан, – деди Наташа акасининг саволига.
– Бир вактлари Борисни, муаллимни, Денисовларни ҳам яхши кўрган эдим. Лекин бу муҳаббатим тамоман бошқача. Хотирим жам, аминман. Биламанки, дунёда бундан яхшиrok киши бўлмайди, шунинг учун ҳам хотирим жам, кўнглим тўқ, димоғим чоғ. Ҳеч ҳам илгаригига ўхшамайди.

Николай тўйни бир йилдан кейин бўлишига норозилик баён килди, бирок Наташа: «Бўлак илож йўқ эди. Отасининг розилиги бўлмасдан туриб, менинг ўша оиласа киришим яхши бўлмас эди, буни ўзим хоҳладим», – дея жон куйдириб Николайга тушунтира кетди.

– Сен ҳеч ҳам, ҳеч ҳам тушунмайсан, – деди Наташа. Николай жим қолди ва синглисининг фикрига қўшилди.

Акаси Наташага қараб кўпинча ҳайрон қолар эди. Наташа севгили ёридан айрилиб, изтироб чекиб юрган кизга сира ўхшамас эди. У аввалгидай осуда, тинч ва кувнок эди. Бу нарса Николайнин ҳайратда қолдирди ва хатто Наташани Болконскийга унаштириб кўйганларига шубҳа кўзи билан карашга мажбур килди. У Наташанинг ўшангага тегиши аник эканлигига ишонмади, чунки князь Андрей билан Наташани бирга кўргани ҳам йўқ эди, шунинг учун ҳам у бўлажак тўйга аллақандай бир шубҳа билан каради.

«Нега тўйни қолдиришибди? Нега фотиха килишмабди?» – деб ўз-ўзига савол берарди Николай. Бир куни Николай синглиси ҳақида онаси билан гаплашди ва онасини ҳам бўлажак тўйга баъзан ишонгиси келмаслигини англаб, ҳам таажҷубланди ва ҳам суюнди.

Графиня кизини эрга берадиган оналарга хос бир норозилик билан князь Андрейдан келган хатни ўғлига кўрсатаркан:

– Мана, декабрдан олдин келолмайман деб ёзибди,

– деди. – Қанака иши чиқиб қолди экан? Касалдир-да! Соғлигининг мазаси йўқ. Наташага айтма. Унинг хурсанд-лигига ишонма: бу кизлик даврининг сўнгти кунлари. Мен ҳар гал ундан хат келганда қай ахволга тушишини яхши биламан. Худо пешонасини очсин, балки, ҳаммаси яхши бўлар, – дер эди ҳамиша графиня сўзини тамом килар экан.
– Ўзи баҳоси йўқ одам.

II

Николай келган кунлари жиддий ва ҳатто индамас бўлиб юрди. Бу зор колгур хўжалик ишига аралашиб зарурати уни кийнар, аралашмасликка иложи йўқ, чунки онаси уни шунинг учун чакиртирган эди. Бу ошиқча юқдан тезрок кутулиш максадида у келганига уч кун бўлди деганда, қаерга боряпсан, деган саволга жавоб ҳам бермасдан, ковоғини согланича тўғри Митеньканинг флигелига борди ва ундан ҳаммасининг ҳисобини сўради. Бу ҳаммасининг ҳисоби нимадан иборатлигига кўркиб, ўти ёрилган Митенькадан кўра Николайнинг ўзи камроқ тушунарди. Митенька билан сўзлашиб ва ҳисоб-китоб узокқа чўзилмади. Флигель даҳлизida кутиб ўтирган саркор, оқсокол ва раис ёш графининг борган сайин баландрок бўлаёттандай туколган овози аввал қандай ғудурланганини ва кейин чинқирганини кўркув ва мамнуният билан эшитди, бирин-кетин оғзидан чикаётган ҳақорат ва дашном сўзларига қулок солишибди.

– Ўғри! Кўрнамак! Каллангни кесаман сен итнинг... Мен сенга отам эмасман... бехонумон қилдинг-ку... – ва ҳоказо. Кейин булар кўзлари конга тўлиб, ўзи қип-кизариф кетган ёш граф Митенькани ёқасидан ушлаб, судраб чикканини, сўқаётган чоғида боплаб уни кетига тепиб: «Йўқол. Иккинчи сен аблахни қадаминг бу ерларга тегмасин!» – деб кичкирганини яна ҳам кўпроқ мамнуният ва кўркув билан кўришибди.

Митенька олти зинали зинапоядан учеб тушди-ю, гулзор ичига кириб кетди (Отрадноеда ким бир гуноҳ килиб кўйса, шу гулзорга кириб кутулар эди. Митеньканинг ўзи ҳам шаҳардан маст бўлиб келиб, шу ерга беркинар эди.

Митеңканинг күлидан кочган күп отрадноедагилар бу гулзорнинг халоскор кучини билишар эди).

Митеңканинг хотини билан қайнинглиси күркиб, уйнинг эшигини очиб дахлизга чиқишиді, дахлизда ярқратиб ювилган самовар қайнаб ётар ва бир томонда хўжалик мудирининг қурок кўрпа ташлаб кўйилган баланд тўшаги кўриниб турар эди.

Ёш граф бўғилганича гурс-гурс қадам ташлаб, буларга эътибор килмасдан, ёnlаридан ўтиб уйга кириб кетди.

Флигелда нима ҳодиса юз берганини ўшандаёқ кизлардан эшитган графиня, бир томондан, энди хўжалик ишларимиз ўнгланиб кетар, деб кўнгли тинчиган бўлса, иккинчи томондан, ўғлим хафа бўлмадимикин деб ташвишга тушди. У бир неча марта оёқ учida Николайнинг уйи эшиги олдига келди ва устма-уст трубка чекаётганига қулок солди.

Эртасига кекса граф ўғлини бир чеккага чакириди ва мулоийимгина кулимсираб:

– Отаси ўргилсин, бекорга қизишибсан! Митеңка ҳаммасини айтиб берди, – деди.

«Шу бемазагарчилик оламида ҳеч нарсага тушунмаслигимни ўзим ҳам билар эдим», – деб ўйлади Николай отасининг сўзидан кейин.

– Сен бу 700 сўмни дафтарга ёзмабсан, деб аччиғланибсан. Ахир бу дафтарга транспортлаб¹ ёзилган эди. Сен иккинчи сахифага қарамабсан.

– Дадажон, унинг ўзи абллаҳ ва ўғри одам, биламан, қиладиган ишимни қилдим. Агар сиз истамасангиз, мен аралашмайман ва унга ҳам ҳеч нарса демайман.

– Йўқ, ундоқ эмас, жигарим (граф ҳам хижолат эди. У хотинининг мулкини дурустроқ уддалолмаганини сезиб, болалари олдида ўзини гуноҳкор ҳисобласа ҳам, лекин қандай қилиб йўлга кўйишни билмас эди). Ҳеч ким ундоқ мас, ўзинг бош бўлишингни сўрайман, мен қариб қолдим. Ундан кейин мен...

– Йўқ, дадажон, агар сизни хафа килган бўлсам кечи-

¹ Транспортлаб – давомини иккинчи сахифага ёзиш.

ринг... Мен бу ишларни сизчалик билмайман.

«Дехқонлари ҳам қурсин, пули ҳам, транспортлаб иккинчи саҳифа ёзилиши ҳам курсин, – деди ичида Николай.

– Бир вактлари карта ўйинда транспорт нималигини билар эдим. Лекин саҳифада транспортлатиб ёзишни сира тушумайман, – деди ўзича ва шундан кейин бунақа ишларга аралашмай кўя колди. Фақат бир куни графиня ўғлини чакириб, Анна Михайловнанинг икки минг сўмга берган вексели бор, шуни нима қиласан, деб сўраганида Николай:

– Нима қилар эдик сиз бунинг ихтиёри сенда дедингиз; мен Анна Михайловнани ҳам, Борисни ҳам ёмон қўраман, лекин улар биз билан бир вактлари дўст бўлган ва камбағал кишилар. Шунинг учун ҳам мана шундай қиласиз қўямизда! – деди-да, векселни йиртиб ташлади. Кекса графиня суюниб кетганидан хўнграб йиглаб юборди. Шу воқеадан кейин ёш Ростов ҳеч қандай хўжалик ишига аралашмади ва катта шавқ-у ҳавас билан янги касбига берилиб, кунда отасининг сон-саноксиз итларини олиб овга чиқадиган бўлди.

III

Совуқ тушиб қолган, куз ёмгири ивитган ерлар эрталабки изгириндан қотган. Кўм-кўк барра ўтлар моллар пайхон килган кулранг кузги буғдой ва кизгиш гречиха¹ палаклари оралаган, оч-сариқ баҳори ангиздан ажралиб турар эди. Августнинг охирларида қорайиб турган кузги экин ва ангизлар орасида кўм-кўк оролдай бўлиб турган чўкки ва ўрмонлар энди, кўкариб қолган кузги буғдой орасида, сариқ ва оч-қизил оролга ўхшаб турибди. Товушқонлар тўлаёзган, тулки болалари ўрмалайдиган, ёш бўрилар ҳам итдан каттароқ бўлиб қолган. Айни овакти. Ёш, гайратли овчи Ростовнинг итлари овга уста бўлиб қолдигина эмас, балки овдан жуда чарчаган эди, шунинг учун овчиларнинг умумий кенгашида итларга уч кун дам бериб, 16-сентябрда йўлга чиқишга, овни бўри болалари тўлиб ётган Дубравадан бошлашга қарор қилинди.

¹ Гречиха – донли экин, яъни галланинг бир тури.

14-сентябрда вазият мана шундай эди.

Бутун кун овга ҳозирлик кўриш билан ўтди; ҳаво совук ва изғирин эди. Бирок кечга томон осмонни булут коплаб, ҳаво исий бошлади. 15-сентябрда ёш Ростов эрталаб эгнида халат, ойнадан караб кун ниҳоят даражада овбоп эканини кўрди: осмон худди эриб, аста-секин ерга тушаётгандай эди. Ҳавода юкоридан пастга секин-секин тушаётган губор заррачалари ёки тумандан бошқа ҳеч қандай харакат йўқ. Богдаги ялангоч дарахтларнинг шохларида томчилар яркирар ва эндиғина тушган ҳазонлар устига томарди. Қиродан яркираб турган кулранг полизлар сал нарирокка бориб туманинг қора пардаси остида кўздан йўколар эди. Николай ҳўл ва лой айвончага чиқди, бу ердан чириган ҳазон ва ит ҳиди анқиб туради. Қора кўзлари бўртиб чиккан Милка лакабли кети катта ола ит эгасини кўриб, ўрнидан турди, керищди, товушконга ўхшаб чўзилди, кейин бирдан иргиб турди-ю, Николайнинг бурун ва мўйловларини ялади. Яна бир този ит, эгасини кўргач, белини эгиб, гулзор йўлка-сидан зинага караб ўзини отди ва думини килпиллатиб, Николайнинг оёқларига ўзини суркай бошлади.

Шу чоғ ҳеч ким таклид килмайдиган, овчиларгагина хос ҳам йўғон ва ҳам ингичка овоз:

– О, ҳой! – деб кичкирди ва муюлишдан кўлида қамчи, сочи украинчасига киркилган, юзини ажин босган ашаддий овчи-итбокар мўйсафид Данило чиқди. У ҳамма нарсага овчиларга хос бир ўзбилармонлик ва менсимаслик билан каарди. У хўжасини кўриб, бошидан черкесча телпагини олди ва тахкиромуз каради. Унинг бу хилдаги караши хўжасига малол келмас эди, чунки ҳеч нарсани назар-писанд килмайдиган ва ҳаммадан ўзини устун тутадиган Данило Николайнинг ўз одами ва овчиси эди.

Николай овбоп ҳавони, овчи ит ва овчини кўрганида маъшуқасини кўриб, илтариғи ҳамма ниятларини унугтган кишидай, ов иштиёқида ёнаётганини ва юраги орзикиб кетаётганини сезиб:

– Данило! – деб кичкирди:

Протодьякон¹ овозига ўхшаган, итларни олқишилай-вериб хириллаб колган йўғон овоз:

– Лаббай тўрам! – деди ва чакнаган кора кўзлар жим турган хўжайнинга ер остидан тикилди, бу кўзлар гўё «Ха, тоқатинг тоқ бўляптими» – деб туради.

– Ҳаво яҳши-а? Ов ҳам қиламиз, от ҳам чоптирамиз-а?
– деди Николай Милканинг бошини силаб.

Данило жавоб бермасдан, фақат кўзини қисиб кўйди.

– Хабар олиб келгин деб эрталаб Уваркани юборган эдим, – деди у бироз жим қолгандан сўнг, – Отрадноедаги ўрмонга кўчибди, ўша ерда увллашаётиди дейди (Кўчибди дегани шуки, булар иккаласи кўзлаб юрган бўри ўз болалари билан Отрадное ўрмонига ўтибди, уйдан икки чақирим келадиган бу ўрмонзорни булар ов учун маҳсус ажратиб кўйган эди).

– Энди жўнасак ҳам бўлар? – деди Николай. – Бор, Уваркани айтиб кел.

– Бош устига!

– Отларга ем бермай тур!

– Хўп бўлади.

Беш дақиқадан кейин Данило Уваркани олиб, Николайнинг каттакон кабинетига кириб келди. Данило баланд бўйли бўлмаса ҳам, мебель ва уй жиҳозлари орасида от ё айкни кўриш кишида қандай таассурот қолдирса унинг кабинетда туриши ҳам шундай таассурот қолдиради. Данилони ўзи ҳам сезиб, секин гапиришга, уйдаги бирон нарсани синдириб кўймайин деб кимирламай туришга ва сўзни кискарoқ килиб бу коронғи уйдан тезрок ёруғ дунёга чикиб кетишга тиришиб, одатдагича эшик олдида турди.

Николай савол-жавобдан кейин итларнинг ҳолатини Данилодан суриштириб билгач (Данилонинг ўзи ҳам овга боришни истарди), отларни эгарлашни буюрди. Данило энди чикай деб турганда югуриб Наташа, унинг кетидан Петя кирди. Наташа сочларини тарамасдан, кийинмасдан энага-

¹ Протодиакон – православ ва католик черковида попдан кейинги ўринда турган олий мартабали руҳоний.

нинг каттакон рўмолини ўраб олган эди.

– Сен кетяпсанми? – деди Наташа, – ўзим хам билган эдим! Соња кетишмайди деди. Лекин шундай ҳавода ов килмаслик мумкин эмаслигини билардим.

– Кетяпмиз, – деди Николай истар-истамас, чунки бугун овни каттароқ килиш ниятида бўлганлиги учун Наташа билан Петяни олиб боргиси келмаган эди. – Лекин бўри овламоқчимиз, сен зерикиб қоларсан.

– Бўри овини қанчалик яхши кўришимни ўзинг биласан-ку, – деди Наташа. – Шу хам гапми, ўзи кетадиган бўлиб, отни эгарлатаётиби-ю, бизга индамайди!

– Русларга тўсик писанд эмас, борамиз! – деб кичкирди Петя.

Николай Наташага караб:

– Э, айттандай, сен бормагин, ойим бормасин дедилар, – деди.

– Йўқ, бораман, бораман дедим, бораман, – деди Наташа, – Данило, айт, бизга хам от эгарласин. Михайло менинг итларимни олиб борсин, – деди у бош итбоқарга.

Хўжасининг кабинетида Данило бусиз хам ўнгайсизланиб турган эди, ойимқизнинг унга бевосита мурожаат килиши уни буткул гангитиб кўйди. Шунинг учун у худди бу гапларга алоқаси бўлмагандай, ойимқизнинг бирон жойига тегиб кетмайин деб қўркқандай, бошини куйи солганича, тезрок чиқиб кетишга ошиқди.

IV

Ҳамма вакт сон-саноқсиз овчи ит сақлаб келган ва энди буларнинг ҳаммасини ўғлига берган кекса граф шу куни, 15-сентябрда, ҳафсаласи келиб, ўзи хам овга чиқадиган бўлди.

Бир соатдан кейин овчилар овга тайёр бўлиб, эшик олдига йигилди. Николай алланима деб мурожаат килмоқчи бўлган Наташа билан Петя ёнидан, худди майда гапларга кулоқ соглани фурсатим йўқ, дегандай қовоғини солиб ўтиб кетди. У овчи итлардан тортиб ҳамма нарсани кўздан кечирди, овчи билан бирга бир гала итни жўнатди, ўзи жийрон Дон отига миниб олди-да, итларига хуштак чалиб, гарам-

ларни оралаб Отрадноедаги овгохга караб йўл олди. Кекса графнинг Вифлянка лақабли ахта¹ ўйноки отини графнинг жиловдори етаклаб олди, графнинг ўзи йўлга тушиб, унинг учун ажратиб кўйилган овгохга бориши керак эди.

Овга олиб чикилган този итларнинг сони 54 та бўлиб, буларни 6 таси тозичи² ва бош итчи идора қилиб бораарди. Хўжалардан бошқа яна 8 киши 40 дан ортиқ овчи итларни хайдаб бормоқда. Шундай қилиб, овга 130 та ит ва 20 та отлиқ овчи чикқан эди.

Хар бир ит ўз лақаби ва эгасини, хар бир овчи ўз вазифасини биларди. Қўрадан чиқиш биланоқ ҳамма ғовурғувур кўтармасдан, тартиб билан аста-секин Отрадное ўрмани йўлидан дала бўйлаб кетаверди.

Ҳамма даладан худди юмшоқ гиласкарида юргандай жимгина борар, баъзан йўлдан ўтилганда отлар кўлмак сувларни кечиб, шалоплатиб кўярди. Туман ҳамон аста-секин ерга тушмоқда, ҳаво сокин, илиқ ва жимжит. Ахёнда бирон овчининг ҳуштак чалиши, отларнинг пишқириши, ўз галасидан четга чикқан итга урилган қамчи товуши ё итнинг вангиллаши эшитиларди, холос.

Бирон чакиримча йўл босгандан кейин Ростовларнинг рўпарасидан, туман орасидан, бешта отлиқ итлари билан намоён бўлди. Олдинда мўйловлари оппок, чиройли бир мўйсафид келмоқда эди.

Чол яқин келганда Ростов:

– Салом, амаки, – деди.

– Кўп яхши. Ўзим ҳам билувдим, – деди чол (бу одам Ростовларнинг узок қариндоши, унча бой бўлмаган кўшниларидан эди), – ҳавони кўриб сабринг чидамаслигини билувдим, жуда яхши қилибсан. Кўп яхши! Тезроқ бўла қол, бўлмаса ҳаш-паш дегунча кўз олдингдан бўри болаларини овлаб кетишади.

– Ўзим ҳам ўша ёққа боряпман. Нима қилдик, галани кўшиб юбормайликми? – деб сўради Николай. –

¹ Ахта (мўгулча) – жинсий безлари, мояги олиб ташланган, бичилган (от).

² Тозичи – ов вақтида този итларни идора қиласиган овчи.

Қўшашибайлик...

Този итларнинг ҳаммасини бир галага қўшиб юбориши дид. Чол билан Николай ёнма-ён кетишиди. Рўмолга бурканиб олган ва хурсандликдан кўзлари оловдай ёниб турган Наташа буларга етиб келди. Наташа билан бирга опасидан сира айрилмайдиган Петя, овчи Михайло ва энагаси кўймасдан Наташага қўшиб юборган брейтор¹ ҳам бор эди. Петя негадир кулар, отини урар ва жиловидан тортарди. Наташа Арабчик номли кора отида баҳузур ўтиаркан, отни усталик билан жиловлаб борар эди.

Чол Наташа билан Петяга хўмрайиб қаради. У ов каби жиддий бир ишга бундай енгил-елпи карашни ёмон кўрарди.

– Салом, амакиён, биз ҳам кетяпмиз, – кичкирди Петя.

– Саломга-ку салом-а, лекин итларни босманглар, – деди чол жиддий тарзда.

– Николенка, Трунила хўп ажойиб ит-да! Мени таниди, – деди Наташа яхши кўрадиган този ит ҳакида.

«Трунила, аввало, жўн ит эмас, този», – деди Николай ичида ва синглисига жиддий бир тарзда қаради ва бу караш билан шу пайт ўзи билан Наташа орасида қанчалик катта фарқ борлигини унга билдирамокчи бўлди. Наташа буни фаҳмлади.

– Булар бирорвга халал беришади деб ўйламанг, амаки, – деди Наташа. – Биз бир чеккада кимир этмай турамиз.

– Жуда яхши киласизлар, графинечка, – деди амаки. – Лекин эҳтиёт бўлинглар, тагин отдан йиқилиб тушманглар.

Юз саржин нарида Отрадное ўрмони оролдай бўлиб кўриниб турарди. Овчи итларни идора қиладиган кишилар ўрмонга етишиди. Николай този итларни қайси томондан овга солиб юбориш ҳақида амаки билан катъий бир қарорга келгандан кейин Наташага бир чеккароқдан жой кўрсатди ва ўзи чукурликнинг у томонига ўтиб кетди.

– Ҳа, жиян, бўрининг каттасини кўзлаяпсанми, – деди амаки, – хушёр бўл, тагин қўлдан чиқариб кўйма.

– Қанақаси тўғри келса-да, – деди Ростов. – Карай хид

¹ Брейтор – от минишни ўргатадиган муаллим.

оляпти! – деди амакининг саволига жавобан. Карай қари ва хунук бир ит бўлиб, катта-катта бўриларни ёлгиз ўзи тутиб ном чиқарган эди. Ҳамма жой-жойига бориб турди.

Кекса граф ўғлининг овга ишқибоз эканлигини билиб, кечикишдан кўрқди ва итчилар ҳали овгохга бориб етмасдан, қизариб кетган икки бетини лорсиллатиб қора отлар кўшилган дрожкада¹ ўз овгоҳига етиб келди, пўстинини тузатиб, ов аслаҳаларини тақди, ўзига ўхшаб қариб колган Вифлянка лақабли силлик, тўқ ва ювош отига минди. Дрожкани кайтариб юбориши. Овчи бўлмаса ҳам, ов таомилини яхши биладиган граф Илья Андреич бутазорнинг четига чиқди, тизгинни йиғди, эгарга дурустрок ўрнашди-да, ўзини овга тайёр сезиб, жилмайиб кайрилиб каради.

Графнинг ёнида камердинери – бироз оғирлашиб қолган эски чавандоз Семён Чекмаръ турарди. Чекмаръ эгасига ва отига ўхшаб семириб кетган уч бўрибосар итни занжиридан ушлаб турарди. Иккита сезгири кекса ит занжирисиз чўзилиб ётарди. Юз кадамча нарида, ўрмоннинг четида графнинг яна бир жиловдори – ўтакетган чавандоз ва ашаддий овчи Митька турарди, Граф қадимги таомилга кўра овдан олдин кумуш қадаҳни тўлгазиб ов майи (запеканка) ичди, жиндайгина овқатланди ва «Бордо» деган севимли виносидан ҳам ярим шиша ичиб олди.

Илья Андреич вино ичганидан ва отда юрганидан сал қизарган, намланган кўзлари йилтиллаб турар, ўзи пўстинга ўралиб, эгарда ўтиаркан, кўчага олиб чикқани чоғланган гўдакка ўхшар эди.

Озғин юзлари буришиб қолган Чекмаръ ишларини саришта килиб бўлиб, ўттиз йилдан бери хизматини килиб, бирга яшаган хўжасига қараб турар ва унинг димоги чоғлигини сезиб, яхшигина бир сухбат бошланишини кутарди. Ўрмоннинг орқасидан яна учинчи бир киши секин чиқиб (бу ов қоидасини яхши биларкан, шекилли) графнинг кетида тўхтади. Бу соколи оппоқ аёллар плаши, бошига узун қалпок кийиб олган чол қизиқчи Настасья Ивановна эди.

¹ Дрожка – пойга араваси.

– Хой, Настасья Ивановна, – деди унга секин граф кўз кисиб, – овни хуркитсанг, Данило онангни кўрсатади-я.

– Ўзим биламан... – деди Настасья Ивановна.

– Тисс! – деди граф ва Семёnga қараб: – Наталья Ильиничнани кўрмадингми? Қаерда у? – деб сўради.

– У киши Пётр Ильич билан бирга Жаров бурганзорида колдилар, – деди Семён кулимсираб. – Киз бўлиб туриб, овни шунча яхши кўрадилар-а!

– От минганини айтмайсанми, Семён, – деди граф, – эркакни ҳам йўлда колдиради.

– Ҳа, одам ҳайратда колади. Жуда чаккон-а!

– Николушка каёқда? Лядов ўрмонида юрибдимикин? – деб сўради граф ҳамон шивирлаб.

– Ҳа, ўша ердалар. Овни қаердан бошлашни у киши яхши биладилар. Чавандозликни шунчалик ҳам сув килиб ичиб юборгандарки, баъзан Данило иккаламизнинг оғзимиз очилиб қолади, – деди Семён хўжасига бунака сўзлар ёқишини билиб.

– Шунақа устами? Отга хўп ярашади-да!

– Худди эгарга куйиб кўйгандай! Қайси куни Заварзин бурганзорида тулкини хуркитиб юбордик, Николай Ильич шу от чоптириб кувладилар-э, асти кўйинг, не-не чавандозларни кўрдим-у, бунақасини кўрган эмасман. Бунақаси йўқ!

– Бунақаси йўқ! – деди граф Семённинг сўзи дарров тамом бўлганига афсуслангандай бўлиб. – Бунақаси йўқ, – деди у яна пўстинининг этагини қайриб тамаки кутисини оларкан.

– Қайси куни ҳаммамиз ибодатхонадан тартиб билан чикиб келаётган эдик, бирдан Михайло Сидорич, – деб Семён яна сўз бошлаган эди, сокин ҳавода вовуллаб ов кувлаётган икки ё уч тозининг овози эшитилди. Семён қулок сола бошлади ва дамини чиқармасдан, хўжасига бармогини силкитиб, шивирлади. – Бўри болалари устидан чикиб қолишиди... Тўғри Лядов ўрмонига кувлаб кетишаётиди.

Граф юзида табассум, кўлида тамакидон, тамаки хидлашни ҳам эсдан чиқариб, узокка, икки ўрмон туташган жойга қараб қолди. Итлар хургандан кейин Данилонинг

бўриларга бурғу чалгани эшитилди. Бу итлар ҳам аввалги учитга қўшилиб ҳура кетди. Бу хуриш итларнинг бўри куваётганигини кўрсатар эди. Итчилар энди итларни олкишламасдан қийқиришар ва бошқа овозларнинг ичидан Данилонинг гоҳ йўғон ва гоҳ чинкириб чикаётган овози ажralиб турарди. Бу овоз гўё бутун ўрмонни тўлдириб ундан ҳам нарирокка чиқар ва узок-узок далаларга ёйилиб кетарди.

Бир неча дақиқа қулоқ солиб туришгандан кейин граф ва унинг жиловдори този итларнинг икки галага бўлинганини пайқади; жуда қаттиқ ҳураётган каттароқ бир гала узоклаша бошлади, иккинчи гала эса, графнинг ёнидан ўтиб, ўрмон бўйлаб чопиб кетди. Данилонинг шу гала ичидаги қийқириб бораётгани эшитилиб турарди. Ҳар иккала галаганинг хуриши бир-бирига қўшилишиб кетар ва яна узоклашарди. Семён чукур нафас олди ва ўралиб қолган ёш кўпракнинг занжирини тузатмокчи бўлиб энгашди. Граф ҳам чукур нафас олди ва қўлидаги тамакидонга кўзи тушиб, уни очди-да, бир чимдим тамаки олди.

– Орқангга қайт, – деб бақирди Семён ўрмон четига чиккан кўпракка қараб. Граф чўчиб кетиб, қўлидаги тамакидонини тушириб юборди. Наастасья Ивановна отдан тушиб, тамакидонни ердан олди.

Граф билан Семён уни кузатиб туришарди. Тўсатдан итларнинг хуриши шу қадар яқинлашиб қолдики, итларнинг акиллаши ва Данилонинг қийқириши уларнинг қулоғи тагидан эшитилаётгандай бўлди.

Граф қайрилиб қаради ва ўнг томонда Митъкани кўрди. Митъка кўзларини чакчайтириб графга қаради ва олға, ўнг томонга қаранг, деб шапкаси билан ишора қилди.

Митъка:

– Кўйма! – деб шундай бақирдики, худди бу сўз кўпдан бери томоғига тикилиб турган-у, хозир тўсатдан чикиб кетгандай туюлди. У итларни кўйиб юборди ва ўзи граф томонга от кўйди.

Граф билан Семён от чоптириб, ўрмон этагидан узоклашди ва сўл томонда бўрини кўриб қолишиди. Бўри лапанглаб, секин-секин сакраб, уларнинг сўлроғидан, боя граф

билан Семён турган ўрмоннинг чеккасига караб бормоқда эди. Газабланган итлар қаттиқ хуриди ва тўзиб отларнинг оёғи остидан югуриб, бўрига хужум килди.

Бўри тўхтади, нафас кисар касалига мубтало бўлгандай, дўнг пешона бошини зўрға буриб итларга бир каради-да, яна аввалгидай лапанглаб, бир-икки сакради-ю, думини ликиллатиб ўрмонга кириб кетди. Шу ондаёқ рўпарадаги ўрмон этагидан уч този йиглаёттандек инграб, бирин-кетин отилиб чиқди ва буларнинг ҳаммаси бўри кириб кетган жойга қараб чопди. Итлар ўтиб кетгандан кейин қайрилиб қолган хурмо ниҳоллари орасидан Данилонинг терга пишган, кулранг оти кўринди. Данило бели узун отга кизариб, терлаб кетган пешонасидағи оппок соchlари тўзиган ҳолда, бошяланг, олдинга энгашиб муштдайгина қапишиб ўтиради.

– Ҳа-ю! Ҳа-ю! – деб кичкирарди у. Графни кўрганда унинг кўзлари чакмоқдай ёниб кетди.

– Аттанг, – деди у графга қараб, камчинини кўтариб. – Бўрини кўлдан бериб кўйдиларинг, овчилар! – деди ва хижолат бўлган, чўчиб кетган граф билан ошиқча гаплашиб ўтиришга ҳафсаласи қолмагандай, ахта отининг терлаб кетган биқинига жаҳл билан қамчилаб, аламини шундан олди-ю, този итлар кетидан от кўйиб кетди. Граф худди таъзир егандай кулимсираб қаққайиб турар ва шу кулимсираши билан гўё ўз холига Семённинг раҳмини келтирмоқчи бўларди. Бироқ Семён йўқ: у буталарни оралаб, бўри кетидан от кўймоқда эди. Овчи итлар ҳам бўрини қува бошлади, бироқ бўри буталар орасига кириб кетди ва ҳеч ким уни кўлга тушира олмади.

V

Николай Ростов бу орада йиртқичнинг ўрмондан чиқиб колишини кутиб, ўз жойида турганди. У шовқин-суроннинг дам яқинлашуви ва дам узоклашувидан, товушини танийдиган итларининг хуришидан, итчиларнинг дам яқиндан ва дам узокдан эшитилаёттан овоzlаридан оролда ҳозир нима бўлаёттанини англади. Ростов оролда чўти-бўри борлигини, този итлар икки галага бўлинганини, шу атрофда итлар

олқишиланаётганини ва бирон ёмон ҳодиса юз берганини биларди. У ҳар чоғ шу томондан бўри чикиб қолишини кутарди. Бу бўрининг қайси томондан чопиб чикиши ва итлардан қандай килиб қочиши ҳакида у минг хил тахминлар килди. Кута-кута хафсаласи пир бўлди. Шу бўри менинг рўпарамдан чикиб қолса нима бўларкан деб бир неча марта худога ёлворди. Арзимайдиган бир нарса учун зўр ҳаяжонга тушган кишилар худога қандай сифинса бу ҳам шундай бир ихлос ва эҳтирос билан худога ёлворди. «Эй, худо, шуни шундай килсанг нима бўларкин? Сенинг азимлигингни ва бунақа нарсани сендан сўраб ўтириш гунохлигини биламан, лекин ҳар нечук бўлса ҳам, худо ҳаки, шундай қилгинки, она бўри менинг олдимдан чикиб қолсин-у, Карай ҳув авави ердан караб турган «амаки»нинг кўз олдида бўрининг бўғзидан ғиппа бўғиб олсин». Шу ярим соат ичида Ростов жавдираётган кўзлари билан ўрмон этагида қад кўтариб турган камшох икки дубга, кирғоғини сув ювиб кетган чукурликка, ўнг томондан, дарахтлар орасидан кўриниб турган амакининг шапкасига минг марта қарагандир.

«Йўқ, бу баҳт менга насиб бўлмас, – деди у ичида. – Насиб бўлса, нима қиларкан! Йўқ, бўлмас! карта ўйинда ҳам, урушда ҳам ҳеч қачон омадим келган эмас». Шу лаҳзада кўзига Аустерлиц жангги ва Долохов кўриниб кетди. Николай жон-жаҳди билан ҳали ўнгга, ҳали сўлга қараб, итларнинг хуриши ва одамларнинг шовқин-суронига қулоқ соларкан, ўз-ўзига: «Умримда бир мартагина она бўри тутсам, армоним қолмасди», – деди. У яна ўнгга қаради ва яйдок дала бўйлаб шу томонга бир нарса чопиб келаётганини кўрди. «Йўқ, бу бўри бўлмаса керак», – деб ўйлади ва кўпдан бери орзу килиб юрган нарсаси рўёбга чиққан кишидай енгил нафас олди. Унинг буюк орзуси – осонгина, шовқин-суронсиз, тантанасиз рўёбга чиқди-колди. Ростов кўзларига ишонмади ва унинг бу шубҳаси бир лаҳзадан сал ошик давом этди. Бўри даладан чопиб келаётиб, йўлидаги чукурдан оғиргина сакраб ўтди. Бу йиртқич орқаси ола, каппайган корни қизғимтири она бўри эди. У мени ҳеч ким кўраётгани йўқ, деб ўйласа керак, аста-секин чопиб келмоқда эди. Рос-

тов дамини чиқармай, итларга каради. Итлар бўрини кўрмасдан, хеч нарсани пайқамасдан, баъзилари ётган ва баъзи бирлари тикка турғанди. Кекса Карай тиржайиб, сарик тишларини шақиллатиб, газаб билан сонидан бурга ахтарар эди.

– Бос, ол! – деди Ростов шивирлаб. Итлар кулокларини чимириб, занжирларини шикирлатиб, сакраб туришди. Карай бутини қашиб, ўрнидан турди-да, кулокларини чимириб, бир тутам туки осилиб турған думини ликиллатди. Бўри ўрмондан узоклашиб, шу томонга караб чопиб келаётган чоғда Ростов ўзича: «Итларни қўйиб юборайми? Йўқми? – деб қўйди. Тўсатдан бўрининг афт-у башараси ўзгарди: умрида хеч қачон кўрмаган ва унга тикилиб турған одамзот кўзини кўриб, сесканиб кетди ва овчига томон бошини хиёл кийшайтириб, олга боришини ҳам, орқага қайтишни ҳам билмай тўхтаб қолди. Бўри ўзича: «Бор, нима бўлса бўлсин, олга!» – деди, шекилли, хеч қаёққа қарамасдан лўкиллаб олға юрди.

Николай қаттиқ товуш билан:

– Бос!.. – деди ва унинг саман оти ўз-ўзидан шиддат билан тепаликка қараб чопаркан, чукурдан ўтиб, бўрининг йўлини тўсади. Итлар ҳам шамолдай учиб, ундан ўзиб кетди. Николай на бакираётган товушини эшитар, на от чоптириб кетаётганини сезар, на итларни кўрас ва на қаерга кетаётганини биларди; у факат яна ҳам тезлаб, пастқамликдан тикка чопиб кетаётган бўрини кўрарди, холос. Сағриси кенг ола ит Милька бошқа итлардан ўзиб кетди ва бўрига яқинлашиб қолди. Ана, етай деб қолди... Мана, етди ҳам. Бироқ бўри унга бурилиб қаради ва Милька, одатдагича, унга ҳамла қилиш ўрнига тўсатдан думини кўтарди-ю, олдинги оёғини тираб қолди.

– Бос! Бос! – деб қичкирди Николай.

Шу онда қизил този Любим Милькадан сакраб ўтди-ю, бор кучи билан ўзини бўрига ташлаб, унинг сонидан тишлади. Бироқ кўркиб кетгандай, бўрини қўйиб юбориб нариги ёққа ўтди. Бўри кетини ерга қўйди, тишларини тиржайтирди ва яна ўрнидан туриб, олға қараб югурди.

Унинг кетидан бир аршин¹ орқада итлар қувиб кетди.

«Кетиб қолади! Йўғ-е, худо урдими», – деди ўзига Николай ҳамон хириллаган овоз билан итларни олқишиларкан.

У кўзларини жавдиратиб, бирдан бир умиди бўлмиш кари ити Карайни изларкан:

– Карай! Бос! – деб қичкирарди. Қари ит бор кучини йиғиб, иккала кўзи бўрида, унинг олдини тўсмоқчи бўлиб, ён томондан ҳалпиллаб чопарди. Бирок бўрининг тез-тез сакраши билан итнинг ҳалпиллаб югуриши суръатига кўра, Карайнинг мўлжали янгиш эканлиги кўриниб турар эди. Николай отини чоптириб ўрмонга яқинлашиб қолди, агар бўри шу ўрмонга кирса, кўлдан кетиши аниқ эди. Шу чоғ рўпарадан ити билан келаётган бир овчи чиқиб қолди. Демак, ҳали умид бор, Николайга бегона, бошка бир галадан бўлмиш каттакон чипор ёш ит бир сакраб бўрининг олдини тўсди ва уни ағанатиб юборди. Бўри кутилмаган фавқулодда бир тезлик билан ўрнидан турди-ю, чипор итга оғиз солди. Бикини ёрилиб, конга белангандан кўпрак инграб муккаси билан йиқилди.

– Карайгинам! Отагинам!.. – деб йиглади Николай.

Сонида бир тутам жуни осилиб ётган кари Карай бўрининг бир лаҳзагина тўхтаганидан фойдаланиб, беш қадам наридан унинг йўлини кесиб чиқди. Бўри худди хавфни пайқафандай, думини қисиб, Карайга бир хўмрайиб каради-ю, яна аввалгидан ҳам тезрок чопа кетди. Бирок шунда Николай қари ити Карайга бир нима бўлганини кўрди. Карай кўз юмиб очгунча ўзини бўрининг устига ташлади-ю, иккаласи думалаб, ўша ердаги чуқурга тушиб кетди, Николай ит билан бўри чуқурда олишаётганини, итнинг остидан бўрининг оқ туки, узалиб ётган орқа оёғи, чимирилган қулоклари ва энтикиб турган калласини (Карай бўрини бўғзидан тишлаб олган эди) кўрди; ўз севимли итини шу ҳолатда кўриш Николайнинг умридаги энг баҳтли лаҳзалардан эди. Николай энди эгарнинг кошидан ушлаб тушмоқчи ва бўрини ханжар билан чопиб ташламоқчи бўлаётган чоғида тўсатдан

¹ Аршин – 0,71 метрга teng узунлик ўлчови.

бўри итларнинг тагидан бошини кўтарди ва олдинги оёклари билан чукур лабига тармашди. Бўри тишларини тиржайтириб (Карай уни кўйиб юборган эди), икки орқа оёғи билан сакраб чукурдан чиқди ва думини кисиб, итларнинг ҳужумидан кутулиб яна олға караб югурди, жунлари хурпайған Карай майиб ёки ярадор бўлган бўлса керак зўрга чукурдан чиқди.

Николай умидсизлик билан:

– Ё раббий! Нима ёмонлик килувдим! – деб кичкирди.

Амакининг овчилари нариги томондан от кўйиб бўрининг йўлини тўсди ва итлари яна бўрини тўхтатиб ўраб олишди.

Ҳар гал бўри орқа оёғи билан ўтирганда Николай унинг жиловдори, амаки ва унинг овчиси бўри атрофида кийкирар, ҳайкирар, отдан тушмоқчи бўлар ва бўри камалдан чиқиб қочмоқчи бўлганда яна от чоптираси эди.

Данило бу ҳайкирикларни эшитиши биланоқ ўрмон чеккасига чиқсан эди; Карай бўрини босганини кўриб, иш тамом бўлди, деб отини тўхтатди. Бироқ овчилар отдан тушмаганини, бўри яна кочиб кутулмоқчи бўлганини кўриб Данило бўрининг кетидан чопмай, Карай сингари унинг олдини тўсиб чикмоқчи бўлди ва амакининг итлари бўрини иккинчи марта тўхтатганда, бўрига етиб олди.

Данило, чап кўлида ялангоч ханжар, отига устма-уст камчи бериб, жимгина чопиб келмоқда эди.

Кўнгир бир от ёнидан пишқириб ўтиб, бирор отдан гурсуллаб ўзини ерга ташлагандан кейин Николай караса, Данило итлар орасида узала тушиб, бўрининг қулоғидан ушламоқчи бўлаётиди. Ишнинг тамом бўлгани итларга ҳам, овчиларга ҳам, бўрига ҳам маълум бўлиб қолди. Бўри кўркканидан қулоғини чимириб туришга уринган эди, итлар яна унга ёпишди. Данило ўрнидан сал турди-да, худди чўзилишга чогланётгандай олдинга қалкиб, бутун оғирлиги билан ўзини бўрининг устига ташлади ва унинг қулоғидан ушлаб олди. Николай ханжар билан бўрини ўлдирмоқчи бўлган эди, бироқ Данило шивирлаб: «Кўй, ўлдирма, тумшуғини бойлаб оламиз», – деди-ю, кейин вазиятини ўзгар-

тириб, оёғи билан бўрининг бўйнидан босди. Бўрининг оғзи-га чўп қўйиб, тангид олишди, оёқларини боялашди ва Данило уни у ёк бу ёқка думалатиб кўрди.

Овчилар чарчашибган бўлса ҳам, лекин шод-у хуррам, каттакон тирик бўрини хуркиб пишқираётган отнинг устига ташлаб, бўрига қараб акиллаётган итлар билан биргалиқда қароргоҳга жўнашди. Икки ёш бўрини този итлар, учтасини ов итлар тутибди. Овчилар ҳаммаси ўз овини олиб келди, қандай ов қилганини гапириб берди ва она бўрини томоша қилгани унга яқин келишди, бўри оғзида чўп, катта бошини осилтириб, курсаб олган ит ва одамларга шиша сингари кўзлари билан қараб турарди. Одамлар кўл теккизганда бўри боғланган оёқлари титраб, ҳаммага ваҳшиёна ва шу билан бирга термилиб бокар эди.

Граф Илья Андреич ҳам етиб келиб, бўрига кўл теккизиб кўрди.

– Ўх-у, буни қаранг-а! – деди у. – Жуда катта-ку, она бўрими? – деб сўради у ёнида турган Данилодан.

– Ҳа, она бўри, тўрам, – деб жавоб берди.

Граф бўрини кўлдан чикариб юборганини ва Данило билан тўқнашганини эслаб:

– Лекин ёмон ашаддий овчи экансан, – деди. Данило индамади, факат уялинкираб маъсум ва ёқимли табассум қилди.

VI

Кекса граф уйига жўнади. Наташа билан Петя ҳам дарров етиб борамиз деб ваъда беришди. Вакт ҳали эрта бўлгани учун овчилар яна овни давом эттиришди. Тушдан кейин този итларни пастқамлиқдаги қалин чакалакка қўйиб юборишли. Николай анғизда туриб, барча овчиларини кўриб турарди.

Николайнинг қаршисида кўкаламзор бўлиб, унинг овчиси мана шу кўкаламзордаги финдик бутасининг нариги томонида, чукурлиқда турган эди. Този итлар кўйиб юборилиши биланок Николай Волторин деган итнинг таниш овозини эшитди, бошқа итлар ҳам унга қўшилиб гоҳ жим

бўлиб, гоҳ хуриб қува кетди. Бир дакикадан сўнг тулки кўринди, деб оролдан товуш беришди ва итлар галаси пасткамликка тушадиган нишабликдан кўкаламзорга қараб чопди.

Николай пасткамликдаги чакалакзордан от чоптириб бораётган қизил телпакли итбон ва итларни кўриб турар, нариги томондаги кўкаламзорда хозир тулки кўринади, деб кутар эди.

Чукурлиқда турган овчи қўзғалиб итларни кўйиб юборди ва Николай буталарни оралаб, думини хурпайтириб, қочиб бораётган қип-қизил, пастаккина галати бир тулкини кўрди. Итлар тулкига етай-етай деб колди. Мана, етди ҳам. Тулки айёрлик килиб, уларни ғафлатда колдириш мақсадида, ўргада гир айланга бошлади ва паҳмок думини ўйнатиб, борган сайин тез-тез айланга кетди. Кимнингдир оқ ити, ундан кейин қора бир ит ўзини тулки устига ташлади, итлар аралашиб кетди ва ниҳоят тулкини куршаб, хиёл тебраниб туриб қолишиди. Икки овчи от чоптириб итларнинг олдига етиб келди, булардан бири қизил телпак, иккинчиси нотаниш, кўк кафтан кийган эди.

«Ўзи нима гап? – деди Николай ичиди. – Бу овчи қаёқдан пайдо бўлди? Амакининг овчиси эмас-ку!»

Овчилар тулкини итлардан кутқариб олишиди ва анчагача уни отга юкломасдан туриб қолишиди. Уларнинг олдиди қайтариб кўйилган отлар турар ва итлар эса чўзилиб ётар эди. Овчилар кўл силтар, афтидан, тулкини бир нима килаётганга ўхшар эди. Ўша ердан бурғу садоси эшитилди, бу ёқалашиш ишорати эди.

Илагиннинг овчиси бизнинг Иван билан уришаётганга ўхшайди, – деди Николайнинг жиловдори.

Николай синглиси билан Петяни чакириб келгани жиловдорини юборди, ўзи дарров итчилар този итларни тўплаеттган ерга борди. Бир неча овчи ёқалашаётган овчиларга томон от кўйиб кетди.

Николай отдан тушди, етиб келган Наташа ва Петялар билан бирга иш нима билан тамом бўлишини кутиб, този итлар олдиди тўхтади. Ёқалашган овчи тулкини отига юк-

лаб, ўрмон четидан чиқди ва ёш хўжаси олдига келди. У узоқдан шапкасини олиб, хурмат билан гапиришга уринган бўлса ҳам, лекин ранг-кути ўчиб ғазабдан энтикоқда эди. Бир кўзини уриб кўкартирган бўлсалар ҳам, афтидан, буни ўзи сезмаганга ўхшар эди.

– Ҳа, нима гап ўзи? – деб сўради Николай.

– Буни қаранг-а, бизнинг итлар овлаган овни у тортиб олар эмиш! Тулкини-ку, менинг кулранг қанжиғим босди. Ана гап-у! Тулкини олар эмиш! Мен унга кўрсатиб қўйдим. Тулкини ўзим юклаб олдим. Мана бунга тобинг қалай, – деди овчи худди ҳали ҳам душмани билан гаплашаётгандай ханжарини кўрсатиб.

Николай овчига индамади, синглиси билан Петядан мени шу ерда кутиб туринглар, деб илтимос қилди-да, ўзи душманлари бўлмиш Илагиннинг овчилари турган жойга қараб кетди.

Голиб овчи бошқа овчилар олдига бориб отдан тушди ва сўзларига зўр марок ва хайриҳоҳлик билан қулоқ солаётган кишиларга ўз ботирлигини хикоя килиб берди.

Воқеа шундай бўлган эди: Ростовлар билан уришиб колган ва судлашиб юрган Илагин Ростовларга қарашли ўрмонда ов килиб юрган экан, ҳозир Ростовларни кўриб, буларнинг ити босган овга атайин ўз итини солдириб юборибди.

Николай ҳеч қачон Илагинни кўрган эмас, лекин ўз мулоҳаза ва муҳокамаларидаги одатан ўрта мавқе тута билгани учун, эшитган миш-мишларига кўра, бу помешчикни ниҳоят даражада ёмон кўтарар ва уни ашаддий душмани деб хисоблаб юраси, У ҳозир қамчинини маҳкам ушлаб, ўз душмани билан дурустрок ёқалашиш мақсадида қаҳр-ғазаб билан Илагинга томон от кўйиб кетди.

Ўрмондан чикиши биланоқ қаршисидан кундуз телпак кийган, чиройли кора от мингандан семиз бир барин чиқиб колди, уни икки жиловдор кузатиб келмоқда эди.

Николай душманим деб билган одами басавлат, хуштавозе ва, айникса, ёш граф билан танишиш иштиёқида бўлган бир барин экан. Илагин Ростовга яқин келиб, эҳтиром юзасидан бошидан кундуз телпагини олди, овчилар ўрта-

сида юз берган бу ходисага таассуф билдириди, бошқаларнинг ити овлаган овга ўз итини кўйган овчисига жазо беражагини айтди ва Ростовни ўзига карашли ўрмонда овкилишга таклиф килди.

Наташа акам бирон ёмон иш килиб кўймасин, деб хаяжон билан Николайдан сал оркарокда бормоқда эди, бирок иккала душманни жуда қуюқ салом-алик килганини кўриб, кўнгли жойига тушди ва буларнинг олдига келди. Илагин Наташани кўриб, кундуз телпагини яна ҳам баландроқ кўтарди ва жилмайиб, графиня ўз хусн латофатлари ва овга ишқибоз бўлганликлари билан Дианага ўхшаб кетадилар, мен бу кишининг гўзалликлари ҳақида кўп эшитганман, деди.

Илагин овчисининг гуноҳини ювмоқчи бўлиб, Николайнинг бу ердан бир чақирим нари, тепалик этагидаги ўрмонига бирга овга боришни жуда-жуда сўради. Айтишига кўра, у ерда куён кўп, Илагин ўзи овламоқчи бўлиб асраб юрган экан. Николай унинг таклифини қабул килди ва овчилар икки баравар кўпайишиб йўлга тушди.

Илагиннинг тепалик этагидаги ўрмонига даладан бориши керак эди. Овчилар катор тизилишди. Хўжалар ёнма-ён кетишли. Амаки, Ростов, Илагин бир-бировининг итига сукланиб қарап ва кўзларини жовдиратиб бу итлар орасидан ўз ити билан ракобат қила оладиганни излар эди. Николай Илагиннинг итлари орасида кичкина ва ориккина бўлса ҳам, лекин жуда чайир, тумшуги узун, кора кўзлари бўртиб чиккан олақанжик итни кўриб оғзи очилиб қолди. У Илагиннинг итлари кўп яхши деб эшитган эди, ҳозир бу чиройли олақанжикни кўриб, унинг ўз Милькаси билан ракобат қила олишига кўзи етди.

Илагин бу йилги ҳосилот тўғрисида суҳбатлашиб бораётган чоғда Николай унга олақанжик итини кўрсатиб, назари илмагандай:

– Итингиз чакки эмас, олғирми? – деди.

Илагин лоқайд товуш билан:

– Буми? Ҳа, ёмон эмас, олғир, – деб кўйди. Ерза деган бу итни у кўшнисидан ўтган йили уч хонадон уйи ити

бадалига олган эди. – Бу йил бизда ҳам ҳосилнинг мазаси йўқ денг, граф, – деди Илагин давом этиб. Кейин ёш графнинг назокатига жавобан назокат кўрсатмоқчи бўлиб, унинг итларини кўздан кечирди ва семизлиги билан кўзга ташланган Милькани кўрсатиб:

– Сизнинг ҳам бу олачипорингиз чакки эмас! – деди.

– Ҳа, дуруст, ёмон чопмайди, – деди Николай. «Қани энди, ҳозир шу далада бир каттакон қуён кўринса-ю, мен сенга бу ит қанақа ит эканлигини кўрсатсан», – деди ичида ва қайрилиб жиловдорига каради, – ҳозир ким қуён топса, бир сўм бераман, – деди.

– Мен бир нарсага ҳайронман, – деб давом этди Илагин. – Нега баъзи овчилар бировларнинг илини ва овига ҳасад қилиб юришаркин? Мен эса, граф, ов килишдан кўра мана шунака гашт қилиб юришга кўпроқ ишқибозман... Шундай кишилар билан бирга сайр-саёҳат қилиб юришдан яхши истироҳат борми (у Наташага қараб яна бошидан қундуз телпагини олди), қанча овладинг, деб терисини санаб ўтиришга хушим йўқ.

– Ҳа, албатта.

– Ёки нега менинг итим босмасдан фалончининг илини босди, деб куюб ҳам юрмайман, мен итларнинг ов куваётганини томоша қилиб ўтирсан бас, нима дедингиз граф? Мен шундай деб ўйлайманки...

Шу чоғ орқада қолган бир итбоннинг:

– Ол-ол! – деган ҳайқириғи эшитилди. У англизнинг баландрок ерида тураркан, қамчисини кўтариб, «ол-ол»! деб кичкирарди (Бу ҳайқириқдан ва қамчи кўтаришдан маълум бўлди, у пусиб ётган қуёнга дуч келиб қолиди).

– Қуён кўриб қолди, шекилли, – деди Илагин бепарвонлик билан. – Нима қилдик граф, овлаймизми?

Николай унинг саволига жавобан:

– Ҳа, ўша ёкка бориш керак... Бирга овлаймиз-да! – деди ва Ерза билан амакининг Ругай лақабли кизил итига каради. Унинг Милькаси бу иккала ит билан сира ҳам рақобат қиломасди. У Илагин ва амаки билан бирга қуён кўринган томонинга қараб бораркан, ўзича: «Майли, энди бўлганича бўлди,

булар Милькамни қулоғидан айирмаса гүрга эди» – деди.

Илагин күённи кўриб, колган овчининг олдига бориб:

– Жуда каттами? – деб сўради ва ҳаяжон билан Ерзага қараб ҳуштак чалди.

– Сиз ов қилмайсизми? – деди у шумшайиб бораётган амакига қараб:

– Мен сукилиб нима қиласман, – деди амаки. – Сизнинг ҳар бир итингиз бир қишлоқ бадалига олинганд, минг сўмлик ит. Сиз овга солаверинг, мен томоша килиб турман.

– Ругай! Мах, мах! – деб чакирди Илагин, – Ругаюшка! – деб юборди яна у беихтиёр, шу эркалаш билан бу итни яхши кўриши ва бутун умиди шу итда эканини ифодалаб. Наташа иккала чолни ҳам, акасини ҳам ичдан ҳаяжонда эканини кўриб ўзи ҳаяжонга тушди.

Овчи тепаликда камчисини кўтариб турган эди. Хўжалар ўша томонга аста-секин йўл олишди. Уфқда бораётган тозилар кўён ётган еридан бошқа томонга бурилди, хўжалари қолиб, овчилар ҳам ўша томонга бурилишди. Ҳамма аста-секин салобат билан бормоқда эди.

Николай қўённи кўриб қолган овчига юз қадам яқин борганда:

– Қайси томонга караб ётиби? – деб сўради. Бироқ овчи жавоб беришга улгуролмай, эрта эрталаб қаттиқ совук бўлишини сезган кўён ётолмасдан ўрнидан сакраб турди ва қоча кетди. Бир гала този итлар гуж бўлиб, хуришганича кўён кетидан кувлади. Бошқа овчи итлар ҳам този итлар кетидан кўёнга қараб отилди. Аста-секин, товуш чикармай бораётган барча овчи итбонлар: – «Тўхта!» – деб итларни суриб, този ва овчи итларни олқишилаб, дала бўйлаб кетишиди. Осоишта Илагин, Николай, Наташа ва амаки итлар билан кўёндан бўлак нарсани кўрмай, ов босаётган итларни бир лаҳза бўлса ҳам, кўздан қочириб кўйишдан кўркиб, шамолдай учиб боришишоқда эди. Кўён каттакон ва чаккон экан. У ўрнидан сапчиб туриши биланоқ кочмади, балки атрофдан эшитилаётган шовкин-сурон ва тапура-тупурга кулоқ солди. Итлар яқинлашганга қадар у ўн мартача секин сакради, ниҳоят хавфни сезиб, қулайроқ бир томонни кўзла-

ганидан сўнг қулоқларини чимириб, жони борича чопди. У анғизда ётган олд томондаги ўтлок лой эди. Қуённи пайқаб колган овчининг бўлак итлардан олдинроқда бораётган икки ити ҳаммадан бурун ўзини қуёнга отди, бироқбу икки итнинг етишига анча қолганда Илагиннинг олачипор Ерзаси булардан ўзиб кетди, қуён билан орасида бир қадам қолганда ўзини қуёнга ташлади ва думидан тишлаб олдим деб гумон қилиб, умбалоқ ошиб кетди. Қуён ўзини бир ўнглаб олди-ю, яна аввалгидан ҳам чаққонроқ чопди. Энди кети катта, олачипор Милька Ерзадан ўзиб қуёнга етай-етай деб қолди.

Шу онда қувониб кетган Николайнинг:

– Милюшкa! Жигарим! – деган овози эшитилди. Милька ҳозир қуёнга етиб, уни тишлаб олмоқчи эди, бироқ қуёнга етиб, ундан ўзиб кетди. Қуён тўхтади. Чиройли Ерза яна ўзини қуёнга отди ва худди бу гал хато қилмайин, дегандай думига тумшуги тегаёзган бўлса ҳам, оғиз солмади.

Илагиннинг ўзгарган, йиғламсираган товуши эшитилди:

– Ерзенка! Жоним!

Лекин Ерза унинг ёлворишини эшитмасди. Итлар босадиган чогда қуён бир сакради-ю, ўзини ангиз билан ўтлок орасидаги увотга ташлади. Яна Ерза билан Милька қўш отга ўхшаб ёнма-ён югуриб, қуёнга яқинлашди, аммо уватда қуённинг югуриши осонлашди, шунинг учун итлар оркароқда қолди.

Шу чоғ яна бир овоз:

– Рутай! Ругаюшкa! – деди ва амакининг Ругай лақабли кизил ва дўнгпешона ити бўйинини чўзиб, белини эгиб, олдинда баравар чопаётган иккала итга етиб олди, улардан ўтди, бор кучини йигиб жуда тез суръат билан югуриб қуёнга етди-ю, уни йўлдан четлатиб, ўтлокка кочирди ва тиззасигача лой кечиб, қаҳр-ғазаб билан унинг кетидан яна ҳам тезроқ чопа кетди ва қуён билан бирга умбалоқ ошиб лойга белангани кўринди. Итлар қуённи ўраб олишди. Бир дақиқадан сўнг овчилар ғуж бўлиб турган итлар олдига етиб келишди. Суюниб кетган амаки отидан тушди-ю, қуённинг

тўпигини кесди. У қони оксин деб қуённи силкитаркан, атрофига бесаранжом кўз югуртирап, ўзини қандоқ тутишини ва нима дейишини билмай, ўзича: «Ана бу яхши бўлди... Мана буни ит деса бўлади... бир сўмлигини ҳам, минг сўмлигини ҳам бир чўкишда кочирди. Кўп яхши!» – дерди у энтикиб ва худди бирорни сўкаётгандай атрофига бокиб: гўё ҳамма унинг душмани, ҳамма уни алдаб келган эди-ю, нихоят ўзини кўрсатиш унга энди мояссар бўлган эди. «Мана минг сўмликларинг! Кўп яхши!»

– Ругай, ма! – деди у қуённинг тупрокка беланган оёгини итга ташлаб. – Max! Ош бўлсин! Кўп яхши!

Николай ҳам ҳеч кимнинг сўзига қулок солмай, ўзининг гапини ҳам бирор эштиши-эшитмаслигига эътибор қилмай:

– Меники ҳам боплади, ёлғиз ўзи уч марта қуёнга етиб олди, – деб кичкирарди.

Илагиннинг жиловдори:

– Оббо, нима килибди, қуённинг ёнидан ўтиб кетди-ку!
– деди.

– Қуён йўлдан тойгандан кейин ҳар қанака жайдари ит ҳам боса олади-да, – деди қизарган, от чоптириш ва ховли-кишдан нафаси тикилиб қолган Илагин. Шу пайт Наташа ҳам нафасини ростлаб олмасдан хурсандликдан шундай чинкириб юбордики, қулоклар коматта келди. Бошқа овчилар бир-бирига сўз бермай ифода қилаётган хурсандликни Наташа шу чинкириқ билан ифодалади. Бу чинкириқ шу қадар ғалати эдики, агар бошқа вакт бўлса ўзи ҳам бу ваҳшиёна товушдан мустар бўлар ва бўлак кишилар ҳам таажжубланаарди. Амакининг ўзи куённи боғлади, эпчиллик билан уни отининг сағрисига ташлади-да, худди шу билан ҳаммани таъна килган ва сизлар билан гаплашиб ўтиргани фурсат йўқ, дегандай отига минди-ю, жўнаб колди. Ҳамманинг тарвузи кўлтиғидан тушиб таҳқирланган ҳолда жўнаб кетиши ва анчагача ҳеч ким аввалги ҳолатига келолмади. Булар анчагача лойга беланган, букри қизил Ругайга қараб кетишиди. Ит занжирини шикиллатиб, ғолибларга хос осудалик билан амакининг кетидан бормоқда эди.

Николайнинг назарида, бу ит «ов босиш бўлмаса, мен

хам бошқа итлар сингари бир итман, лекин овга келганды менга ета олмайсизлар», – деб турарди.

Хийладан кейин амаки Николайнинг олдига келиб, унга сўз қотганда Николайнинг боши осмонга етди, чунки Николай шунча ишдан кейин амаки мени назар-писанд килмас, деб ўйлаган эди.

VII

Кечқурун Илагин Николай билан хайрлашиб, уйига кетди. Николай овга қизикиб ўз ҳовлисидан жуда узоклашиб колгани учун амакининг таклифига кўниб, овчилари билан бирга унинг Михайлловка деган кишлогида тунайдиган бўлди.

– Агар меникига борсаларинг, кўп яхши бўларди, – деди амаки уларга. – Кўряпсизларми, ҳаво рутубатли. Меникода дам олардиларинг, графинюшкани дрожкада олиб боришарди. – Амакининг таклифи маъқул бўлди, дрожка олиб келгани бир овчи Отрадноега юборилди-да, Николай Наташа билан Петяни олиб амакиникига жўнаб кетди.

Катта-кичик хизматкорлардан беш киши хўжаларни қарши олгани кўча эшигига югуриб чиқди. Ўнларча ёшлари, хотин-халаж овчиларни томоша қилгани орқа эшиқдан каллаларини чиқарип қарашди. Наташадай ойимбека кизнинг от миниб келгани амакининг хизматкорларига шу қадар кизик туюлдики, улар ҳатто уялиб-нетиб ўтирасдан Наташанинг олдига келишди, унинг кўзларига қарашди ва худди одам тилини билмайдиган, унинг ҳақида нима деса хам, барибир, тушунмайдиган бир галати нарсани кўраётгандай унинг ҳақида гапира кетишли.


– Аринка, буни қара, бир ёнлама ўтирибди! Ўзи ўтирибди-ю, этаклари осилиб ётибди!.. Кўлида бурғу ҳам бор-а!

– Ё алҳазар, пичоғини қара...

– Татар қизидир-да!

– Нечук умбалоқ ошиб тушиб кетмадинг? – деб сўради бир довюрак киз Наташадан.

Амаки ёғочдан солинган ва дарахтлар ўртасида колиб кетган чоғроқ кўраси олдига келиб, отдан тушди-да, хизмат-



корларини кўздан кечириб бўлгандан кейин, меҳмонлар билан овчиларни кабул килгани ҳамма нарсани тайёр килинглар, ошиқча кишилар кетсин, деб бакириб амр-фармон берди.

Ҳамма ҳар томонга чопиб кетди. Амаки Наташани отдан тушириди ва қўлидан ушлаб, шалок пиллапоядан чиқариб кўйди. Ёғоч уйнинг деворлари шувалмаган, ичи унча тоза эмас, бу уйда турувчилар уйни тоза тутишга ҳафсаласи йўклиги кўриниб турган бўлса ҳам, лекин уйни ифлос деб бўлмас эди. Даҳлиздан олма хиди анқиб турар, деворларга бўри ва қуён терилари осиб қўйилган эди.

Амаки меҳмонларни дахлиз орқали стол ва қизил стуллар қўйилган кичкинагина залга, ундан кейин даврастол ва диван қўйилган меҳмонхонага, у ердан титилиб кетган диван қўйилиб, ифлос гилам тўшалган, деворларига Суворов, амакининг ота-онаси ва ўзининг мундир кийиб олдирган сурати осиб қўйилган кабинетига олиб кирди. Бўлмадан тамаки ва ит хиди анқиб турарди.

Бўлмада амаки меҳмонларга, баҳузур ёзилиб ўтилинглар, деди-ю, ўзи чиқиб кетди. Ругай орқасидаги лойи ҳали тозаланмаган ҳолда, бўлмага кирди ва диванга ётиб, тили ва тиши билан ўзини тозалай бошлади. Бўлманинг эшиги йўлакка очилар, йўлакда эса пардалари йиртилиб кетган тўсиқ кўриниб турарди. Тўсиқнинг орқасидан хотин кишининг кулгиси ва шивирлаган товуши эшитиларди. Наташа, Николай ва Петя ечиниб диванга ўтиришди. Петя ёнбошлаб дарров ухлаб қолди. Наташа билан Николай жим ўтиришарди. Уларнинг юзлари чўғдай ёнар, қоринлари оч бўлса ҳам, кайфлари чоғ эди. Ака-сингил бир-бирига қараб ўтиришарди (овдан кейин бўлмада ўтириб, Николай синглисидан эркак сифатида афзал эканлигини кўрсатишни ошиқча деб билди); Наташа акасига қараб кўз қисди ва ака-сингил ўзларини тута олмай ва кулишга баҳона топгани ҳам улгура олмай хаҳолаб юборишди.

Кўп ўтмай, амаки казакин, кўк чоловор ва кичкинагина этик кийиб уйга кирди. Наташа илгарилари Отрадноеда амакини шу кийимда кўрганда кулиб, мазах килган эди,

хозир эса бу кийим назарига оддий сюргук ва фракдан колишмайдигандай кўринди. Амакининг ҳам кайфи чоғ эди. У ака-сингилнинг кулгисига наинки хафа бўлди (у, менинг турмушимдан бирор кулиши мумкин, деган гапни хаёлига ҳам келтирмас эди), балки буларнинг сабабсиз кулгисига ўзи ҳам кўшилди.

— Оббо, кичкина графиня-ей, мен сиздай қизни сира кўрган эмасман, — деди у ва узун чўбикли бир трубкани Ростовга узатди, калтароқ кесилган бошқа биттасини одатдагича бармоклари орасига кистирди. — Куни бўйи эркак кишидай отда юриб чарчамади-я!

Амаки кирганидан кейин, ҳаял ўтмай, оёқ шарпасига кўра яланг оёқ бир қиз эшикни очди, уйга семиз, юзлари қип-қизил, кирқ ёшларга борган, бақбақалари осилиб турган, қалин лаблари қип-қизил чиройли бир аёл патнис кўтариб кирди. Хотин очик чехра ва жозибали бир харакат билан меҳмонларга боқди ва таъзим килди. Амакининг экономкаси¹ бўлмиш бу хотин ўзи семиз, корни ва кўкраги олдинга чиқкан, боши орқага кетган бўлса ҳам, енгил қадам босар эди. У келиб патнисни столга қўйди, оппок ва сўлқилдоқ кўллари билан шиша, газак ва таомларни столга апилтапил териб бўлгач, эшик олдига бориб, жилмайиб турди. Бу хотин шу туриши билан Ростовга гўё: «Мана, кўрдингми! Амакинг қанақа киши эканлигини энди билдингми?» деб турар эди. Нега билмасин, факат Ростов эмас, балки Наташа ҳам Анисья Фёдоровна кирганида амакининг қоши нима учун чимирилганлигини, лабига хиёл ажин солган мамнун табассумнинг маъносини англаган эди. Патнисда салат, вино, кўзиқорин, қора ундан ёпилган ёғли нон, хом асал, асалдан килинган ичимлик, чақилган ва чақилмаган ёнғоқ ва ёнготқ ҳолва бор эди. Кейин Анисья Фёдоровна асал ва шакар мураббоси, чўчқа пешноби ва ҳозиргина қовурилган товук келтириб қўйди.

Буларнинг ҳаммасини Анисья Фёдоровнанинг ўзи тайёрлаган ва ўзи пиширган. Буларнинг ҳаммасидан Анисья

¹ Экономка (русча) – бошқаларнинг хўжалик ишларини бошкарувчи хотин.

Фёдоровнанинг диди ва пазандалиги кўриниб турарди. Буларнинг ҳаммаси Анисья Фёдоровнанинг озодалиги, фахмифаросати ва меҳмондўстлигини кўрсатиб турарди.

Анисья Фёдоровна столдаги емишлардан Наташа олдига олиб кўяркан:

– Кани, олинг, графиня! – деди, Наташа ҳамма нарсадан еди. У худди мунақа ёғли нон, асал, ёнғоқли мураббо ва товукни ҳеч қачон кўрмаган ва умрида емагандай эди. Анисья Фёдоровна чикиб кетди. Ростов ва амаки ўтган ва бўлажак ов тўғрисида Ругай ва Илагиннинг итлари ҳакида гаплашиб, олча наливка¹ ичиб, тамадди килиб ўтиришди. Наташа кўзларини милтиллатиб, диванда буларнинг сўзига кулоқ солиб ётарди. У бир неча марта бирон нарса есин деб Петяни ҳам уйғотмоқчи бўлди, бирок Петя алланима деб туринглади-ю, уйғонмади. Наташа бу ерда шу қадар баҳри очилиб хурсанд бўлдики, ҳатто дрожжанинг тез келиб колишидан кўркар эди. Тўсатдан чўкиб қолган жимликдан сўнг (одатдан ўз ёр-ошналарини биринчи марта чакирган кишилар уйида шундай бўлади) амаки меҳмоннинг хаёлига келиб турган сўзга жавоб бериб шундай деди:

– Мана шундай килиб, умр кечириб юрибман... бир кун келиб, ўласан кетасан киши. Шундай бўлгандан кейин, ёмонлик килиб нима қиласан?

Бу сўзларни айтаркан, амакининг юзи чукур маънони ифода қилди ва ҳатто чиройли бўлиб кетди. Ростов шу он отаси ва кўшниларининг амаки ҳакидаги мақтовларини беихтиёр эслади. Амаки бутун губернияда беғараз ва олижаноб бир дарвиш сифатида ном чиқарган эди. Уни оиласий масалаларни ҳал қилгани чакиришар, васий қилишар, унга ўз сир-асрорларини айтишар, уни суд ва бошқа ишларга сайлашар, бирок у жамоат ишларидан ҳамиша ўзини тортиб, куз ва кўкламни ахта отига миниб дала айланиш, кишни уйда ўтириш, ёзни эса тўқай бўлиб кетган богида ёнбошлаб ётиш билан ўтказарди.

– Нега хизматга кирмайсиз, амаки? – деб сўради Ростов.

¹ Наливка – мева шираси билан тўйғизиб тайёрланадиган спиртли ичимлик

– Хизмат қилас эдим, ташладим. Ишдан чикиб қолгаман. Миямга хеч нарса кирмайди. Хизмат сизлардан-да, менинг ақлым ожизлик қиласди. Ов бұлса – бошқа гап.

– Эшикни очиб қүйинглар! – деб бакирди у. – Нега ёпиб қүйдиларинг! – Амаки айтмоқчи коридорнинг охиридаги эшикдан овчи-хизматкорлар турадиган уйга кириларди. Яланг оёқ бир киши шапиллаб борди-ю, ўша уйнинг эшигини очиб қүйди. Йўлакдан мусиқа садоси баралла эшитила бошлади: бирор мөхирлик билан балалайка¹ чалмоқда эди. Бу садога аллакачондан бери кулоқ солиб ўтирган Наташа дурустрок эшитмоқчи бўлиб, йўлакка чиқди.

– Кучерим... Митъка чаляпти... яхши балалайка олиб берганман. Жон-дилим мусиқа, – деди амаки. Амаки овдан кайтиб келганда Митъканинг овчилар бўлмасида балалайка чалиши расм бўлиб қолган эди. Амаки шу мусикани яхши кўрар эди.

Николай бу мусиқа менга жуда-жуда ёқди, деса худди айб бўладигандай, бир менсимаслик билан:

– Яхши! Жуда яхши чаляпти, – деб қўйди.

Наташа бу сўзни акаси қай тарзда айттанини сезиб:

– Жуда яхши чаляпти дейсизми? Яхшигина эмас, ажойиб, гўзал чаляпти, – деди таънаомуз. Амакининг дастурхонига қўйилган қўзикорин, асал ва наливкалар, дунёдаги энг яхши ноз-неъматлар бўлгани сингари, бу мусиқа ҳам шу лаҳзада Наташага мусиқа санъатининг энг чўққисидай туюлди.

Мусиқа садоси тиниши билан Наташа эшикка қараб:

– Сўраймиз, яна бирон нарса чалиб беринг, – деди. Митъка балалайкани созлади ва яна «Бариня» куйи янграб кетди. Амаки хиёл табассум билан бошини бир томонга кийшайтириб, мусиқа садосига хузур килиб кулоқ солиб ўтиради. Бариня куйи бир неча марта қайтарилди. Балалайка бир неча марта созланди ва шу оҳанг яна қайтарилди. Эшитувчилар бу куйни эшитган сари эшитгиси келар эди.

Анисья Фёдоровна кирди ва барваста жуссаси билан

¹ Балалайка – уч торли мусиқа асбоби.

кесакига суюниб турди.

– Эшитяпсизми чалишини, – деди у Наташага, айнан амакининг табассумига ўхшаш табассум билан. – Жуда боплайди-да.

– Ўх, ана шу жойини боплолмаяпти-да! – деди тўсатдан амаки қўл силтаб. – Бу жойини бошқачарок чалиш керак, бошқачарок!

– Вой, сиз ҳам чалишни биласизми? – деб сўради Наташа амакидан. Амаки индамай кулимсираб кўйди.

– Қара-чи, Анисьюшка, гитаранинг тори бутунми? Анчадан бери кўлимга олганим ҳам йўқ, – деди амаки.

Анисья Фёдоровна ўз хўжасининг амрини бажо келтиргани енгил-енгил одим отиб чиқиб кетди-ю, бирпастдан кейин гитарани олиб келди.

Амаки ҳеч кимга қарамасдан, гитаранинг чангини пуфлади, қок суяқдан иборат бармоқлари билан унинг корнига чертиб, созлади ва креслога дурустроқ ўрнашиб олди. У актёр каби бир ҳаракат билан гитаранинг бўғзидан ушлади ва Анисья Фёдоровнага кўз қисиб, торни бир чертди-да, «Бариня»ни эмас, «По улице мостовой» деган бир машҳур кўшиқни аста-секин қойил қилиб бошлади. Николай билан Наташанинг ҳам қалби (Анисья Фёдоровна қалби сингари) шу мусиқа мақомига жўр бўлди. Анисья Фёдоровна қизариб кетиб юзини рўмолча билан беркитди ва кула-кула уйдан чиқиб кетди. Илҳоми келиб кетган амаки боя Анисья Фёдоровна турган жойга қараб, ҳамон зўр дикқат ва хафсала билан куйни чалмоқда эди. Куй авжига чиқиб, мақом тезлашгандай амакининг юзида, айникса, оқарган мўйловлари остида табассум аломатлари пайдо бўлди.

Машқ тамом бўлганда Наташа:

– Мунча гўзал, мунча гўзал! Яна бир нарса чалиб беринг, амаки, – деб қичкирди ва ўрнидан дик этиб туриб, амакини қучоқлаб ўпди ва худди бу қандоқ бўлди дегандай «Николинъка, Николинъка!» деб акасига қаради.

Амакининг машқи Николайга ҳам жуда маъкул бўлди. Амаки бу куйни яна қайтарди. Гул-гул очилиб кетган Анисья Фёдоровна яна эшикда пайдо бўлди, унинг кетидан

бошқа кишилар ҳам күринди... Амаки қўшиқнинг «Муздай булоқ бошида, қиз тўхта деб қичкирар» – деган бандини чалди ва чаққон харакат билан елкаларини ўйнатиб, гитара-нинг корнига бир чертди-ю, тамом қилди.

Наташа ҳаёти худди шунга боғлик бўлгандай жон-дили билан:

– Яна битта, яна битта! – деб ялинди. Амаки ўрнидан турди. У гўё ҳозир икки кишидан иборат бўлиб, бири бу хушчакчак кишига жиддий тарзда кулимсираб қўйди, хушчакчак киши эса, соддалик ва самимийлик билан барча қоидаларни ўрнига қўйиб, ўйинга ҳозирлана бошлади.

– Қани, жиян! – деб амаки гитара чалаётган қўли билан Наташага ишора қилди.

Наташа елкасидан рўмолини ташлади, югуриб амаки-нинг олдига борди ва иккала қўлини белига қўйиб, ғамза қилди.

Муҳожир француз хотин тарбия қилган бу графинеч-канинг суяқ-саягига қандай қилиб, нечук бўлиб рус табиати бунчалик сингиб кетибди, бу мукомларни у қаердан ўрганибди! Бу мақомни муаммосиз аллақачонлари сикиб чиқариб ташлаши керак эди-ку! Бироқ ўйиннинг рухи ҳам, услуби ҳам, ўша амаки кутгандек тақлид қилиб, ўрганиб бўлмайдиган, айнан соф рус рухи эди. Наташа ўрнидан туриб, тантана ва ифтихор билан мугамбирана жилмай-ганди, шу куйга ўйнай олармикин, деб кўркиб ўтирган Николай ва бошгалар, унинг ўйинини кўриб, кўнгиллари жойига тушди ва завқ билан томоша қилишди.

Наташа шу қадар ўхшатиб, шу қадар қойил қилиб ўйин туша бошладики, Анисья Фёдоровна ўйинга керакли рўмолчани унга дарров берди; нозик, зариф, шоҳи ва бархат кийиб ўсган, Анисьяга бегона бўлган Наташа Анисьянинг ўзига, унинг отасига, онасига, холасига ва ҳар бир рус кишисига хос бўлган нарсани туйганини кўриб, кулиб турган кўзларига ёш келди.

– Баракалла, графинечка, – деди амаки ўйнаб бўлгандан кейин хурсанд бўлиб кулиб. – Баракалла, жиян! Худо яхши эр берсин сенга.

– Аллакачон берган, – деди Николай кулимсираб.
Амаки ҳайрон бўлиб: – А? – деди Наташага караб.
Наташа қувнок табассум-ла бош иргитди.

– Яна канака денг! – деди Наташа. Бирок шу гапни айтиши билан хаёлига тамоман бошка, янги бир фикр келди. Нега Николай «Аллакачон берган» – деб кулимсираб кўйди? У шунга хафамикин, хурсандмикин? Менинг Болконскийим бунақа хурсандчиликларни хушламайди ва билмайди деб ўйлаяпти, шекилли? Йўқ, бўлганда ҳаммасига жуда яхши тушунарди. У ҳозир қаердайкин, деб ўйлади, Наташа ва тўсатдан юзи жиддий тусга кирди. Бирок бу ҳолат фақат бир лаҳза давом этди, холос. У ўзича «Бу тўғрида ўйлаш керакмас», – деди-ю, яна кулимсираб амакининг ёнига ўтириди ва ундан тагин бирон нарса чалиб беришни сўради.

Амаки яна бир куй ва бир вальс чалиб берди, кейин пича жим туриб, бир йўталиб олгач, ўзи севадиган овчилар кўшигини бошлади:

Кечаки оқшомда илк бор

Ерни оппоқ қилди қор...

Амаки гап куйда эмас, сўзда, куй ўз-ўзидан келаверадиган нарса, сўзсиз куйнинг ўзи бўлмайди, куй факат кўшикнинг яхширок чикиши учунгина хизмат килади, деган содда ҳалқ ақидаси билан куйлар эди. Шунинг учун ҳам қушларнинг сайрашига ўхшаш бу шуурсиз кўшик жуда чиройли ва ёқимли чикарди. Наташа амакининг кўшигига буткул мафтун бўлди. У арфа ўрганишдан воз кечиб, гитара ўрганишга жазм қилди. Наташа амакининг гитарасини сўраб олиб, ўша заҳоти бир куйни чалишга ҷоғланди.

Соат тўқиздан ошганда Наташа билан Петяни олиб кетгани линейка¹, дрожка ва буларни излагани чиккан уч отлиқ келди. Келган одамнинг айтишига қараганда граф билан графиня буларнинг қаёда колиб кеттанини билолмай, жуда хавотир бўлишибди.

Петяни ўликдай кўтариб чикиб линейкага ётказишиди.

¹ Линейка – усти ёник экипаж.

Наташа билан Николай дрожкага чикишди. Амаки Наташани ўраб-чулғаб, зўр меҳр-муҳаббат билан хайрлашди. Амаки буларни кўпrikкача пиёда кузатиб кўйди, кўпrik бузук бўлганилиги учун сувдан кечиб ўтиш керак эди ва овчиларга фонус олиб олдинда боришни буюрди.

– Хайр, жиянгинам! – деди амаки коронгида. Бу овоз Наташа илгари эшигтан овоз эмас, балки «Кеча оқшомда илк бор» деган куйни куйлаган овоз эди.

Улар ўтиб кетаётган кишлоқда чироклар милтиилар ва тутун хиди келар эди.

– Хўп аломат киши-да, бу амаки! – деди Наташа катта йўлга чиқилганда.

– Ҳа, – деди Николай, – совқотаётганинг йўқми?

– Йўқ, мен жуда яхши боряпман, жуда яхши, – деди Наташа акасининг саволига таажжубланиб, иккови анчагача жим боришиди.

Тун коронги ва рутубатли, отлар кўринмайди, факат лой кечганда уларнинг оёқ товушларигина эшитиларди.

Ҳаётнинг турли-туман таассуротларини мунчалик зўр шавқ-завқ билан сезиб ва бу қадар тез ўзлаштирадиган бу ҳассос маъсум қалбдан нималар ўтаётиди экан? Нечук буларнинг ҳаммаси унинг қалбига сиғаётган экан? Наташа жуда курсанд эди. Уйга озгина қолганда Наташа тўсатдан: «Кеча оқшомда илк бор» куйини куйлади. У йўл бўйи шу куйини эслашга тиришиб келган эди, ниҳоят эслади.

– Ахир эсладингми? – сўради Николай.

– Сен нимани ўйлаётган эдинг, Николенъка? – деб сўради Наташа. Иккови бир-бирига шу саволни беришни яхши кўрарди.

– Менми? – деди Николай эслаб. – Мен аввал кизил ит Ругай тўғрисида ўйладим: Ругай амакининг ўзгинаси. Ругай одам бўлганида амакини ўз олдидан бир қадам нари жилдирмас эди, чавандозлиги учун бўлмаса ҳам, яхши одам бўлгани учун. Жуда яхши одам-а? Шундай эмасми? Сен ўзинг нимани ўйладинг?

– Менми? Шошма, шошма. Ҳа, мен аввал шуни ўйладимки, мана биз ҳозир уйга боряпмиз. Худо билади, бу

коронгида қайси томонга боряпмиз. Мабодо Отрадноега эмас, ажойиб-гаройиб бир юртга бориб колсак. Кейин яна шуни ўйладимки, йўқ, бўлак нарсани ўйлаганим йўқ.

– Биламан, ана уни ўйладинг, – деди Николай кулимсираб. Наташа унинг кулимсираганини сезди.

– Йўқ, – деди Наташа гарчи шу онда бўлак нарсалар билан бирга князь Андрейни ва амакининг ашуласи унга маъкул бўлишини ўйлаётган бўлса ҳам. – Ҳа, яна йўл бўйи Анисьюшканинг қандай яхши ўйнаб берганини ўйлаб келдим, – деди Наташа. Николай Наташанинг ўз-ўзидан киқирлаб кулиб юборганини эшитди.

– Биласанми, – деди Наташа тўсатдан, – мен шуни биламанки, бунақа хурсандчилик, бунақа яхши истироҳат бўлак мұяссар бўлмайди.

– Бекор айтибсан-да, бўлмаган гап, – деди Николай ва «Хўпам синглим бор-да! Бундан бўлак бунақа дўстим ҳам, улфатим ҳам йўқ ва бўлмайди ҳам. Нега эрга тегяптийкин? Доимо мен билан шунақа сайр-саёҳат килиб юрса бўлмасми?» – деб ўйлади.

«Зап яхши одам-да Николай», – деди ўзича Наташа ҳам.

– Э! Мехмонхонанинг чироғи ҳали ҳам ёниб турибдику, – деди Наташа тун коронфисида шуъла сочиб турган деразани кўрсатиб.

VIII

Граф Илья Андреич дворянлар оқсоқоллигини ташлади, чунки бу жуда серчиқим иш эди. Лекин унинг хўжалик ишлари ҳали ҳам ўнглангани йўқ. Наташа билан Николай кунда ота-онасининг махфий гаплашганини кўрар ва отабоболаридан қолган сердаромад ҳовли билан Москва ёнидаги мулкни сотиш тўғрисида килаётган маслаҳатларини эшитишарди. Илья Андреич оқсоқолликни ташлагандан кейин келди-кетди камайиб, Отрадное ҳаёти илгаригига қараганда хийла тинч бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳар қалай, катта ҳовли билан флигель одамга тўла, дастурхон ёзилганда лоақал 20 кишига ёзилар эди. Буларнинг ҳаммаси шу уйда яшаб, оила аъзосига айланган ёки графнинг ҳовлисида

туриши зарурдай бўлиб колган кишилар эди. Масалан, мусиқачи Диммлер ва унинг хотини, рақс муаллими Фогель ва унинг бола-чақаси, шу уйда яшаб қариган киз-кампир Белова ва бошқалар; Петянинг муаллимлари, қызларнинг собиқ мураббиялари ва ўз уйларидан кўра графникида яшашни яхширок ва қулайрок деб билган бирмунча одамлар. Аввалгидай унақа катта меҳмондорчиликлар бўлмаса ҳам, кундалик ҳаёт шундай ўтардикি, граф билан графиня ҳаётни бусиз тасаввур килолмас эди. Ов дов-даскасини Николай аввалгидан ҳам ошириб юборган, отхонада ҳали ҳам 50 та от-у 15 та отбоқар, туғилган кунлар нишонланганда ҳали ҳам кимматбаҳо тухфалар олинади, бутун уездга тантанали зиёфатлар берилади; граф Илья Андреич билан ракиб бўлиб карта ўйнашга катта бир фойда чиқадиган иш деб қарайдиган қўшнилар билан кунда карта ўйналади ва юз сўмлаб ютқизилади.

Граф ўз ишларига ўргимчак уясига тушгандай ўралашиб қолган, лекин иши чалкашиб кетганига, борган сайин чалкашиб кетаётганига ишонмасликка ҳаракат килар ва шу билан бирга бу ўргимчак уяни узиб ташлашга ҳам, ё бўлмаса кутулиш учун сабр билан буни бартараф қилишга ҳам ўзини ожиз сезарди. Графиня меҳрибон қалби билан болалари хонавайрон бўлаётганини, айб графда эмаслигини, унинг хулқан шундок бўлишдан бошка чораси йўқлигини (гарчи яширса ҳам), графнинг ўзи ва болаларининг хонавайрон бўлаётгани учун азоб чекаётганини сезар ва ёрдам бериш учун чоралар излар эди. Графиняният хотинларга хос нұқтаи назаридан қараганда бу ахволдан кутулишнинг бирдан бир чораси – Николайни бирон бой кизга уйлантириш эди. Графиняният сўнгти умиди шу эди. Агар Николай онаси топган кизга уйланмаса у вақтда ишнинг ўнгланишидан буткул умид узиш керак. Графиняният топган кизи – Жюли Каагина эди. Жюли жуда олижаноб бир ота-онанинг фарзанди бўлиб, Ростовлар уни болалигидан танирди. Акалари ўлгандан кейин Жюли, ота-онасининг мол-дунёси ёлгиз ўзига колиб, бой киз бўлиб қолган эди.

Графиня ўғлини Каагинанинг қизига уйлантириш

ниятида Москвага – Жюлининг онасига хат ёзиб, ундан жавоб олди. Карагина мактубида мен розиман, лекин у ёги кизимга боғлик, деб жавоб қайтарган ва Николайни Москвага таклиф килган эди.

Графиня бир неча марта ўғлига иккала кизимнинг ҳам бошини иккита килдим, энди бирдан бир мурод-максадим сени уйлантириб, келин кўриш деб кўз ёши килди. Агар шу орзум рўёбга чикса мен гўримда тинч ётардим, деди. Ундан кейин кўзлаб юрган бир нозанин кизи борлигини айтиб, уйланиш тўғрисида ўғлининг фикрини билмокчи бўлди.

Гап келганда графиня Жюлини мактаб кўяр ва Николайга байрам кунлари Москвага бориб ўйнаб келишни маслаҳат берарди. Николай бу сўзларнинг тагида нима борлигини фаҳмлаган эди. Шунинг учун бир куни, яна шундан гап очилганда, онасини очикроқ гапиришга даъват этди. Графиня ўғлига: «Энди ишларимизнинг ўнгарилиб кетиши сенинг Карагинага уйланишингга боғлик», – деди.

Николай ўзини олижаноб кўрсатмокчи бўлиб:

– Э, агар мен бирон камбағал кизни яхши кўриб қолган бўлсан, сиз мол-дунё туфайли номусинг ва муҳаббатингдан кеч дермидингиз, ойижон? – деб сўради.

Бироқ Николай бу гап онасига қанчалик каттиқ тегишини ўйламаган эди.

– Йўқ, сен менинг гапимга тушунмадинг, – деди ойиси гапини йўқотиб кўйиб. – Сен менинг мақсадимга тушунмадинг, Николенька. Мен баҳтли бўлишингни истайман, – деди графиня яна, лекин бу гапни чин кўнглидан айтмаётганини сезиб, чулдираб қолди ва йиғлаб юборди.

– Ойижон, йиғламанг, агар истагингиз шу бўлса, рўйи рост айта қолинг. Сизнинг курсандлигингиз учун мен ҳамма нарсадан, ҳаётимдан кечишимни ўзингиз биласиз, – деди Николай. – Мен сизни деб ҳамма нарсани ҳам, ҳатто севгими ҳам курбон киламан.

Бироқ графиня масалани бундай кўймокчи эмас эди: у ўғлининг курбон бўлишини эмас, балки ўзи унга қурбон бўлишни истар эди.

– Йўқ, сен тушунмадинг. Кел, кўй бу гапни, – деди

графиня кўз ёшини артиб.

«Борди-ю, мен бир камбағал кизни яхши кўрсам, – деди ўзича Николай. – Нима, мол-дунё деб муҳаббатимдан, номусимдан кечарканманми? Шу гапларни менга айтишга ойманинг тили қандай бордийкин? Соня камбағал киз бўлгани учун уни яхши кўролмас эканманми? Камбағал киз бўлгани учун унинг соф муҳаббати ва садоқатини қабул килолмас эканманми? Кўгиричоқ Жюлидан кўра мен шу Соня билан минг марта баҳтлироқ бўларман. Қалбим менинг ихтиёrimда эмас. Модомики Соняни яхши кўрар эканман, демак, муҳаббатим менинг учун ҳамма нарсадан кучлироқ ва юксакроқ».

Николай Москвага бормади ва графиня ҳам уйлантириш тўғрисида бўлак оғиз очмади. Лекин графиня ўғли сепсиз Соня билан кундан кунга яқинлашиб бораёттанини сезиб хафа бўлар ва баъзан жаҳли чиқарди. Ҳамиша Соняга тўнғиллаб юргани, ҳар баҳона билан унга ёпишгани, сизлаб, «жонгинам» деб унинг жонини олиб юрганига ўзини-ўзи койиса ҳам, лекин шундай қиласдан тура олмас эди. Эзгу графиня ҳаммадан кўра бу камбағал, қоракўз жияни Сонянинг мунчалик ҳалимлиги, мунчалик меҳрибонлиги, ўз пушти паноҳларига мунчалик содиқ ва вафодор эканлигига, Николайнин жон-у дили билан яхши кўришига, бирон тўғрида ҳам таъна қилгани ўрин йўклигига жигибийрон бўлар эди.

Николайнинг отпускаси ҳам тамом бўлай деб колди. Бўлажак куёв князь Андрейнинг Римдан тўртингчи марта мактуби келди. Князь Андрей ўз мактубида иссиқ иқлимда тўсатдан ярам очилиб қолмаганида аллақачон йўлга чиқардим, энди янги йилнинг бошларигача туришга мажбурман, деб ёзган эди. Наташа ўз қаллигини ҳамон аввалгидай севар, бу севги ҳамон аввалгидай ҳассослик кўрсатарди.

Бирок тўртингчи ойнинг охирларида айрилик билиниб, баъзан маъюс бўла бошлади ва бу маъюсликка карши курашишга ўзини ожиз сезди. Наташа ўзига-ўзи ачинар, шундай кунлари айш-у ишратсиз ва ёр-у ҳамдамсиз бекор ўтиб кетаётганига хайфи келарди.

Ростовларнинг уйи кўнгилсиз бўлиб колди.

IX

Святки¹ байрами ҳам келди. Лекин Ростовларникида катта ибодатдан, қўни-қўшни ва хизматкорларнинг тантанали ва шу билан бирга жонга тегадиган табриклиридан, янги сарпо кийишдан бўлак ҳайит шарафига ҳеч нарса бўлмади, 20 даражалик совук бўлган шамолсиз ҳаво, кўзни камаштирадиган куёшли кун, юлдузлар чараклаган кишки тун эса шундай байрамни нишонлайдиган бир нарса бўлишини тақозо килиб турарди.

Ҳайитнинг учинчи куни тушликдан кейин бутун ҳона-дон уй-уйига тарқалди. Куннинг энг зериктирадиган маҳали эди. Эрталаб қўшниларникига бориб келган Николай истироҳат бўлмасида ухлаб қолди. Кекса граф ўз кабинетида дам олиб ётар, Соня меҳмонхонадаги давра столда кашта тиккани нусха солиб ўтирас эди. Графиня карта очмоқда эди. Қизиқчи чол Наастасья Ивановна маҳзун қиёфада, дераза олдида икки кампир билан гаплашиб ўтирганди. Наташа уйга кирди, нима киляпсан, деб Сонянинг олдига бориб, унинг килаётган ишига қаради, кейин ойисининг олдига бориб индамай туриб қолди.

– Нега дайдиб юрибсан? – деди ойиси. – Нима керак сенга?

– Ўша керак менга, ўша... Ҳозир, шу тобда керак менга, – деди Наташа табассумсиз, кўзларини порлатиб.

Графиня, бошини кўтариб, кизига тикилиб қаради.

– Қараманг ойи, қараманг, ҳозир йиглаб юбораман.

– Ўтири, ўтири, – деди графиня.

– Оий, ҳозир уни менга топиб беринг. Нима учун мен шу ахволда хароб бўлиб кетяпман, оий?.. – унинг дами ичига тушди, кўзларидан милдираб ёш оқди ва графиняга билинтирмаслик учун, лип этиб уйдан чиқиб кетди. У истироҳат бўлмасида бироз ўйлаб тургандан кейин хизматкор қизлар турадиган уйга кирди. У ерда қари оқсоч ташқаридан совқотиб, ҳансираб чопиб кирган қизчага алланима деб вайсаб

¹ Святки – насронийларнинг рождестводан бошлаб икки ҳафта давом этадиган диний байрами.

ўтирган эди.

– Ўйнаш ҳам эви билан-да, – дерди кампир. – Ҳар нарсанинг ўз вақт-соати бор.

– Кўй, Кондратьевна, ўйнасин, – деди Наташа. – Бор, Мавруша, ўйна!

Маврушага жавоб бериб, Наташа зал орқали дахлизга чиқди. Даҳлизда бир кари ва икки ёш хизматкор карта ўйнаб ўтирганди. Наташа кириши билан улар ўйинни тўхтатиб ўринларидан туришди. «Буларга нима буюрсам экан?» – деди Наташа ичида.

– Никита, югуриб бориб!.. – «Қаёққа юборсамикин?» – Югуриб бориб, ховлидан хўрозни олиб кел! Миша, сен сули келтиргин.

– Озгина олиб келсан бўладими? – деди Миша жони кириб.

– Ҳа, бор, тезроқ бор, – деди чол.

– Фёдор, сен менга жиндай бўр топиб бер.

Наташа буфет ёнидан ўта туриб, гарчи чой вакти бўлмаса ҳам, самовар олиб киришни буюрди.

Ростовларнинг уйида буфетчи Фокадан баджаҳлроқ одам йўқ эди. Наташа ўз хукмини ўшанга ўтказишни яхши кўрар эди. Фока Наташанинг сўзига ишонмади ва, дарҳа-киқат, самовар кўйиш керакмикин деб, сўрагани кетди.

– Бу ойимқиз-а! – деди Фока Наташага ёлғондан хўмрайиб.

Уйда ҳеч ким Наташа каби хизматкорларга мунчалик иш буюрмас ва уларни югуртирмас эди. У хизматкорларга лоқайд қарай олмас ва уларга иш буюрмасдан тура олмас эди. Шу иши билан Наташа гўё: «Қани, шундай қилсан хизматкорлар мендан хафа бўладими-йўқми», – деб уларни синаб кўрмокчи бўларди, бироқ хизматкорлар ҳеч кимнинг амрини Наташанинг амри сингари бажонидил бажаришмас эди. Наташа коридордан аста-секин бораркан: «Нима қилсамикин? Қаёққа борсамикин?» – дерди ичида.

– Настасья Ивановна, менга қаранг, мендан нима бино бўлади? – деб сўради Наташа рўпарасидан чиқиб қолган қизиқчи чолдан.

– Сендан бурга, игначи ва чигиртка бино бўлади, – деб жавоб берди кизикчи чол.

«Э, худо-ей, ҳамон ўша гап-а! Ўзимни каерга урсамикин-а? Ўзимни нима қилсанмикин-а?» У чопқиллаб болохонага чиқди. Болохонада Фогель хотини билан турарди. Фогелнинг уйида икки мураббий ўтирган, столга ликопчаларда ёнгок, бодом, майиз қўйилган эди. Мураббиялар Москвада арzonчиликми, Одессада арzonчиликми, деб нарху наво ҳакида гаплашиб ўтирар эди.

Наташа омонатгина ўтириди, кошларини чимириб, жиддий қиёфада уларнинг сўзига бирпас қулок солди-ю, кейин ўрнидан турди.

– Мадагаскар ороли, – деб қўйди Наташа. Ма-дагас-кар, – деди яна ва Шосс хонимнинг «нима дедингиз?» деган саволига жавоб ҳам қайтармасдан чиқиб кетди.

Наташанинг укаси Петя ҳам болохонада эди. У кечаси мушак отмоқчи бўлиб, оғаси билан мушак ясамоқда эди.

– Петя! Петенька! – деди баланд овоз билан Наташа. – Мени пастга тушириб қўй. – Петя югуриб келиб, орқасини тутди, Наташа унинг бўйнидан маҳкам ушлаб орқасига минди ва Петя опасини опичлаб, лўкиллаб пастга туша бошлади. – Йўқ, керакмас, Мадагаскар ороли, – деди яна Наташа ва гурс этиб унинг орқасидан ўзини ташлаб, пастга тушиб кетди.

Наташа гўё кўл остидаги юртни айлануб, ўз ҳокимиyatини синаб ва ҳамманинг фармонбардор эканлигига ишонч ҳосил қилгандай бўлса ҳам, ҳар қалай, юраги сикилаётганини сезди, залга кирди, гитарани қўлига олди, шкафчанинг орқасига, коронғига ўтириди-да, Петербургда князъ Андрей билан бирга кўрган операсидан эсида қолган бир парчани чалмоқчи бўлиб гитарани созлади. Сиртдан қулок солган киши бирон куйни дингиллатиб ўтиргандир-да, деб ўйлаши мумкин эди, бироқ бу садолар Наташанинг кўз олдида бир олам хотиротни гавдалантирап эди. У шкафчанинг орқасида, буфетнинг эшигидан тушиб турган ёруғлика тикилиб, гитара чалиб, хотиротга берилиб ўтирар эди. У хотирот гирдобига буткул гарк бўлиб кетди.

Соня қадаҳ күтариб залдан буфетга ўтиб кетди. Наташа буфетнинг кия турган эшигидан Соняга қаради ва унинг ўтгани ҳам, кия эшикдан тушиб турган ёруғлик ҳам назарига хотиротдай кўринди. «Ҳа, айнан шундай бўлган эди», – деди Наташа ичидা.

– Соня, шу қайси куй? – деди Наташа гитаранинг йўғон пардасини босиб.

Соня чўчиб кетиб:

– Вой, сен шу ердамидинг! – деди ва келиб гитарага кулоқ солди.

– Билолмадим. Бўрон эмасмикин? – деди Соня хато килмадиммикин, деб хавотир олиб.

«Ҳа, ўшанда ҳам Соня айнан шунақа чўчиган, айнан шунақа келган ва тортиниб жилмайган эди, – деди ичидা Наташа, – ўшанда ҳам айнан шундай... бу кизга бир нарса етмайди, деб ўйлаган эдим».

– Йўқ, бу Водоносдаги хордан, фаҳмляяпсанми? – деди Наташа ва Соня дурустроқ тушунсин, деб хорнинг куйини куйлади.

– Қаёкка бординг? – деб сўради Наташа.

– Қадаҳнинг сувини янгилагани чикувдим. Ҳозир нусха солиб бўламан.

– Сен ҳамиша бирон нарса билан бандсан. Мен ўзимни ҳеч нарса билан овунтира олмайман, – деди Наташа.

– Николенька кани?

– Ётибди, шекилли.

– Соня, бор ўйғот, – деди Наташа. – Наташа ашула айтамиз, деб чакиряпти дегин, – Наташа ўтириб нега шу ҳолатга тушиб колганини ва бу қандай ҳолат эканини ўйлади-ю, бироқ бу саволга жавоб беролмасдан ва жавоб бера олмаганига афсус ҳам килмасдан, яна у билан бирга юрган кунларини ва унинг эҳтиросли кўзлар билан қараганини эслади.

«Вой, кошки, тезроқ келса экан. Ўша келадиган кун миассар бўлмас, деб кўрқаман. Ҳаммадан ҳам кўра ёшлигим ўтиб кетаётганини айтмайсизларми? Ҳозирги латофатим унгача йўқолади. Балки, у бугун-эрта келиб қолар ёки алла-

качон келиб меҳмонхонада ўтиргандир. Балки, кеча келгандир-у, мен эсимдан чиқариб кўйгандирман». Наташа ўрнидан турди ва гитарани кўйиб меҳмонхонага чиқди. Ҳамма оила аъзолари – муаллимлар, мураббиялар ва меҳмонлар чой столида чой ичиб ўтирган эди. Хизматкорлар стол атрофида тикка турагар, князь Андрей эса йўқ эди. Ҳаёт ҳамон ҳар кунгидай давом этмоқда эди.

– Э, мана Наташа келди, – деди Илья Андреич Наташани кўргач. – Қани, кел, ёнимга ўтири.

Бироқ Наташа отасининг олдига бормасдан, онасининг олдиди тўхтади ва худди бирорни излаётгандай атрофга қаради.

– Ойи! – деди Наташа. – Ҳозир уни менга топиб беринг, тезрок топиб беринг. – Шундай деди-ю, зўрга ўпкасини тутди.

Наташа стол ёнига ўтиргди-да, катталарнинг ва ҳозир столга келиб ўтирган Николайнинг сұхбатига кулок солди.

«Вой тавба-е! Вой тавба-е! Ҳамон ўша одамлар, ўша гап-у сўз. Дадам ҳам пиёлани худди ўшандагидай ушлаб, ўшандагидай чой пуфлаб ўтирибдилар!» – деди Наташа ичида, уйдагилар ҳамон бир хил, ўзгармай юргани учун юрагида пайдо бўлган нафратни сезиб.

Чой ичиб бўлгандан кейин Николай, Соня ва Наташа ўзлари яхши кўрадиган уйга – истироҳат бўлмасига кириб кетишиди; улар ҳамиша шу ерда бир-бирларига кўнгил сирларини айтиб ўтиришарди.

X

Истироҳат бўлмасига кириб ўтиргандан кейин Наташа акасидан сўради:

– Сенга ҳам баъзан шундок туюладими: гўё барча яхши ходисалар аллақачонлар бўлиб ўтиб кетган-у, энди ҳеч нарса бўлмайди. Ҳамма нарса одамни зериктирадигина эмас, балки ғуссага солади.

– Туюлиш ҳам гапми! – деди Николай. – Менга ҳамма нарса жойида, ҳамма хурсанд-у, аммо буларнинг ҳаммасидан одамлар аллақачон тўйган ва энди ҳамма ўлиши

керақдай туюлган эди. Полқда бир куни сайилга бормадим...
У ерда мусиқа чалинаётган эди... Шу қадар зерикдимки...

Наташа унинг сўзини оғзидан олиб:

– Ҳа, ҳа, бу ҳолатни биламан, биламан, – деди. – Мен кичкиналигимда шунака бўлган эдим. Эсингдами, бир куни олхўри туфайли жазо беришган эди. Сизлар ҳаммаларинг рақсга тушган эдиларинг, мен эса дарсхонада йиглаб ўтирган эдим, ҳеч эсимдан чиқмайди: мен ҳам хафа бўлган эдим, ҳам ҳаммага ачинган эдим, ўзимга ҳам. Ҳаммага, ҳаммага ҳам ачинган эдим. Ҳаммадан ҳам шуниси алам қилган эдики, мен бегуноҳ эдим. Эсингдами? – деб сўради Наташа.

– Эсимда, – деди Николай. – Мен кейин олдингта бориб, сени овунтироқчи бўлган эдим. Биласанми, жуда куюнган эдим. Ҳаммамиз ҳам жуда ғалати эдик. Менинг битта ўйинчогим бор эди, ўшани сенга бермоқчи бўлган эдим, эсингда борми?

– Сенинг ҳам эсингда борми, – деди Наташа ўйчан табассум қилиб, – бир вақтлари, кичкиналик чоғимизда, анави эски ҳовлимизда амаки бизларни кабинетига чақирган эди, коронги эди, кириб қарасак кабинетда...

– Барзангি турган экан, – деди Николай кувноқ табасум билан Наташанинг сўзини оғзидан олиб. – Эсдан чиқармиди? Мен ҳалигача билмайман, ўша ростдан ҳам барзангимиди, ё биз уни тушимизда кўрганмидик ёки бизга хикоя қилиб беришганмиди?

– Ҳа, ўзи кора, тишлари оқ эди, бизга қараб турган эди.

– Соня, сизнинг ҳам эсингиздами? – деб сўради Николай.

– Ҳа, ҳа, шунака бир иш бўлган эди, – деди Соня тортиниброк.

– Мен дадам билан ойимдан ўша барзангини сўраган эдим, – деди Наташа. – Улар, ҳеч канака барзанги йўқ эди, дедилар. Мана, сенинг ҳам ёдингда экан-ку!

– Наҳот эсимдан чиқса, тишлари кўз олдимдан кетмайди.

– Жуда ғалати, худди тушимда кўргандайман. Шунака нарсаларни яхши кўраман.

– Залда тухум юмалатиб ўйнаганимизда тўсатдан иккита кампир келиб гиламда айлана бошлагани эсингдами? Шунақа бўлганмиди? Хўп ўйнаган эдик-а?

– Эсимда. Ҳов дадам кўк пўстин кийиб, зинапояда милтиқ отганлари сенинг ҳам эсингда турибдими? – Учови кулимсираб, кўнгилсиз қарилек хотиротини эмас, балки туш воқеликка аралашиб кетадиган, узок бир замонлар бўлиб ўтган латиф ёшлик хотиротини шавқ-завқ билан эслаб, нимагадир қувониб, қулиб кўйишар эди.

Соня, гарчи шулар билан бирга ўсган бўлса ҳам, одатдагича, буларга кўшила олмас эди.

Булар хотирлайдиган нарсаларнинг кўпини Соня эслай олмас, эслай оладиган хотироти ҳам буларники сингари унинг қалбида нозик туйғулар уйғотмас эди. У фақат Наташа билан Николайнинг шодлигига шод бўлар ва буларга ҳамнафас бўлишга тиришар эди.

Соня биринчи марта уларнинг уйларига келганидан гап очилгандагина сұхбатга кўшилди. Сонянинг Николайдан кўркканини, энага Николайнинг камзулчасидаги шнурни кўрсатиб, сени шунга тикиб қўямиз деб кўркитганини гапириб берди.

– Ҳа, эсимда бор: сени карам остида туғилган деб айтишган эди, – деди Наташа, – бу гап ёлғонлигини билсан ҳам, ишонмасликка журъат киломаган эдим, хижолат бўлган эдим.

Шу пайт оқсоч қиз эшиқдан бошини тикиб шивирлаб:

– Ойимкиз, хўрозни олиб келишди, – деди.

– Керак эмас, Поля, айт, олиб кетсин, – деди Наташа.

Истироҳат бўлмасида бораётган сұхбат вактида Диммлер уйга кирди ва бурчакда турган арфа олдига борди. У мовут гилофни очаётганида арфа диринглаб садо берди.

Мехмонхонадан графинянинг:

– Эдуард Карлич, жаноб Фильднинг бир чалиб беринг, мен яхши кўраман, – деган овози эшилди.

Диммлер чалишга ҳозирланди-да, Наташа, Николай ва Соняга қараб:

– Ёшлар, мунча ювош бўлиб ўтирибсизлар! – деди.

– Ҳа, фалсафа сотиб ўтирипмиз, – деди Наташа унга қайрилиб караб. Сұхбат яна давом этди. Энди гап туш түғрисида бораёттан эди.

Диммлер арфа чала бошлади. Наташа секин, оёк учидар юриб, столдаги шамни ташқарига олиб чиқди ва қайтиб келиб яна ўз жойига астагина ўтирди. Уй, айникса, улар ўтирган диван коп-коронғи, лекин катта-катта деразалардан түлин ойнинг кумушдай шуыласи полга тушиб турар эди.

Диммлер чалиб бўлгандан кейин, арфани қўя қолишни ҳам, ёки яна бирон нарса чалишни ҳам билмай, секин-секин диринглатиб ўтирганда Наташа акаси билан Соняга яқинроқ силжиб деди:

– Биласанми, киши шунақа ўйлайверса, туғилмасдан бурун дунёда нималар бўлганини ҳам билиши мумкин дейман...

– Бу метампсикоза¹, – деди Соня. У ҳамма вақт яхши ўқир ва ўқиган нарсаларининг ҳаммасини эсида сақлар эди.

– Мисрликларнинг ақидасига кўра, инсоннинг руҳи асли ҳайвонда экан-у, ўлганидан кейин яна ҳайвонга кайтар экан.

– Йўқ, мен бунга ишонмайман, наҳотки бизнинг руҳимиз ҳайвонда бўлса, – деди Наташа мусиқа тугаган бўлса ҳам, шивирлаб. – Мен шуни биламанки, биз аллақаерда фаришта бўлганмиз, дунёни кўриб кетганмиз, шунинг учун ҳам ҳозир ҳаммаси эсимизда...

Диммлер секин буларнинг олдига келиб:

– Мумкинми, мен ҳам сұхбатларингта қўшилсам, – деди ва ўтири.

– Агар биз фаришта бўлган бўлсак, нима сабабдан тубан тушибмиз? – деди Николай. – Йўқ, бундок бўлмаса керак.

– Нега тубан тушибмиз, ким айтди сенга? Фаришта бўлган бўлмасак авваллари нима эканлигимни мен қайдан биламан? – эътиroz билдириди Наташа. – Рух абадий-ку ахир... агар мен абадий яшасам, демак мен илгари ҳам яшаганман ва абадий яшайман.

¹ Метампсикоза – инсон руҳининг ўлимидан кейин бошка жонзотларга кўчиши ўтиши ҳакидаги таълимот.

– Лекин абадиятни тасаввур килиш кийин, – деди Диммлер. У гарчи ёшларнинг олдига назари илмай келган бўлса ҳам, ҳозир худди шуларнинг ўзларида секин ва жиддий гапира бошлади.

– Нима учун абадиятни тасаввур килиш кийин экан? – деди Наташа. – Бугун яшаётибмиз, эрта ҳам яшаймиз, ундан кейин ҳам яшаймиз, уч кун бурун ҳам яшаган эдик.

– Наташа! Энди сенинг навбатинг. Бирон нарса айтиб бер, – деди нариги уйдан графиня. – Нима, худди суюқасдчилардай ўтирибсизлар.

– Ойи! Ашула айтгим келмаяпти, – деди Наташа, лекин ўрнидан турди.

Ҳеч кимнинг ҳам, ҳатто қари Диммлернинг ҳам сухбатни чала қолдириб, истироҳат бўлмасидан кеттиси келмади. Наташа ўрнидан тургандан кейин Николай клавикорд олдига ўтирди, Наташа одатдагича залнинг ўртасига бориб, овоз яхши садо берадиган ерда турди ва онасининг севимли куйини бошлади.

Ашула айтгим келмаяпти, деган бўлса ҳам, у шундай яхши ашула айтиб бердики, аллақачонлардан бери шундай ашула айтган эмас, кейин ҳам узоқ вакт шундай ашула айтгани йўқ. Граф Илья Андреич ўз кабинетида Митенька билан гаплашиб ўтирган эди, қизининг овозини эшишиб, ўйнагани ошиқиб дарсини наридан-бери тутатган боладай, саркорга амр-у фармон бера туриб бирдан гапини йўқотиб қўйди ва ниҳоят жим бўлди. Митенька ҳам ашулага қулоқ бериб, граф олдида кулимсираб, тикка туриб қолди. Николай қўзини синглisisидан олмай, у билан бирга нафасини ростларди. Соня ашулани тингларкан дугонаси билан ўзи ўртасида бўлган бир дунё фаркни, салгина бўлса ҳам, дугонаси каби жозибали бўлиш жуда кийин эканлигини ўйлар эди. Кекса графиня, ҳам хурсандликдан ва ҳам маҳзунликдан кўзларига ёш олиб, жилмайиб ўтиаркан, ҳар замонда бир бош чайқаб қўяр эди. Графиня қизи тўғрисида, ўзининг ёшлиги ҳақида, Наташанинг князъ Андрей билан бўлажак тўйи алланечук гайритабиий ва кўркинчлидай бўлиб кўринганлиги тўғрисида ўйлар эди.

Диммлер графиняning ёнида ўтириб, кўзларини юмиб ашула тинглар эди.

– Графиня, бу европача ашула айта оладиган талант, – деди ниҳоят Диммлер, – ўқитишнинг ҳеч кераги йўқ, ёқимлилигини, зарифлигини, кучини қаранг...

– Ох! Мен бу қизимдан жуда қўрқаман, жуда қўрқаман, – деди графиня ким билан гаплашаётганига эътибор ҳам килмасдан. Унинг оналик туйғуси Наташада одамларда бўлмаган алланечук хислатлар борлигини ва шунинг учун ҳам баҳтли бўлмаслигини айтиб турар эди. Наташа ашула айтаётган чоғда ўн тўрт ёшли Петя суюнганича югуриб кирди ва никобпўшлар келаётганини айтди.

Наташа бирдан ашулани тўхтатди ва укасига:

– Тентак! – дёб кичкирди-да, югуриб бориб ўзини стулга ташлаб, йиғлаб юборди ва кейин анчагача ўзини тўхтата олмади.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ойижон, шундай ўзим. Петя мени қўрқитиб юборди, – деди Наташа қулимсирашга шошиб, лекин ҳамон кўзларидан ёш милдираб оқар, ўзи энтикар эди.

Айик, турк, майхоначи, ойимбека ниқобини кийиб кулгили ва қўрқинчли бўлган хизматкорлар одамларни ҳам қўрқитиб ва ҳам ҳурсанд қилиб, аввал тортиниброк дахлизда қисилишиб туришди-да, кейин бирин-кетин залга киришди, аввал уялинқираб, кейин борган сайин очилиб бирвракайига ашула, ўйин-кулги ва тўполон қилишди. Графиня ниқоб кийганларни таниб, уларнинг афт-башарасини кўриб, кулиб меҳмонхонага чиқиб кетди. Граф Илья Андреич очилиб кетиб, буларнинг ўйинларини томоша қилиб, залда ўтираверди. Наташа, Соня, Николай ва Петя гойиб бўлиб қолди.

Ярим соат ўтгач, залда бошқа никобпўшлар орасида юбка кийган қари бир ойимбека пайдо бўлди, бу Николай эди. Петя турк кизи, Диммлер – масхарабоз, Наташа – гусар. Соня кўмир билан қош ва мўйлов чизиб – черкас бўлиб олган эди.

Никобсизлар буларни ҳурсанд қилиш учун ўзларини

хайрон бўлган ва танимаганга солиб, мактаб юборганларидан кейин никобпўшлар, ҳакиқатан ҳам, кийимларимиз жуда яхши экан, яна бирон кишига кўрсатайликмикин, деган хаёлга боришиди.

Ҳаммани ўз тройкасида айлантириб келишни истаб колган Николай никобпўш хизматкорлардан ўнтачасини олиб амакиникига боришини таклиф килди.

– Вой, кўйсаларинг-чи, амакининг ўтини ёриб юборасизлар! – деди графиня, – кошки, бир яйраб ўтирадиган жой бўлса. Борсаларинг, мана, Мелюковаларникига боринглар.

Мелюкова ҳам шунаقا мураббий ва мураббия тутадиган сер бола-чақа бева хотин бўлиб, Ростовлардан тўрт чакирим нарироқда турар эди.

– Мана бу яхши маслаҳат, дўстим, – деди ҳафсаласи келиб қолган кекса граф, – келинглар, болалар, мен ҳам никоб кийиб сизлар билан бораман. Пашетани ўзим ишга солмасам бўлмайди.

Лекин графиня кекса графга ижозат бермади, чунки шу кунлари граф оёқ оғрик бўлиб юрган эди. Ҳамма графиняниг фикрига кўшилди ва Илья Андреич бормайдиган бўлди. Агар Луиза Ивановна (Шосс хоним) борса кизларни ҳам юборадиган бўлишди. Ҳамиша тортичоқ ва журъатсиз бўлган Соня Луиза Ивановнага юринг, деб ҳаммадан кўпроқ ялинди.

Соняниг кийими ҳамманикidan чиройли эди. Унинг кўмири билан чизган кошлари ва мўйлови ўзига жуда ярашган эди. Ҳамма уни мақтади ва у хурсандликдан ўзига хос бўлмаган хушнуд бир ҳолатга кириб, гул-гул очилиб кетди. Ички бир овоз унга: «Сенинг пешонанг ё шу бугун очилади, ёки ҳеч қачон очилмайди», – дер ва у эркакча кийимда буткул бошқа одамдай кўринар эди. Луиза Ивановна бирға боришга кўнди ва ярим соат ўтар-ўтмас, тўртта тройка кўнғироқларини жиринглатиб, музлаган кор устидан шувуллаб, эшик олдида ҳозир бўлди.

Бу байрамга ҳаммадан кўра Наташа кувноқ кайфият берди. Бу кувноқ кайфият ундан бунга, бундан унга ўтиб, жуда кучайиб кетди ва ҳамма ташқарига чиқиб шовқин-

сурон күтариб, чаналарга ўтирганда авжига чиқди.

Тройкалардан иккитаси кунда миниладиган оддий трой-ка бўлиб, учинчиси, ўртага зотли Орёл учкур от кўшилгани кекса графники, тўртингчиси – ўртага пастаккина қора барок от кўшилгани Николайниги эди. Николай кампир кийими устидан гусарча плаш кийиб олиб, кўлида тизгин, ўз чанасининг ўртасида тураг эди.

Тун шу кадар ёруғ эдики, Николай отларнинг ой нурида товланиб турган тамгаларини ва отларнинг дарвозахонанинг коронги айвонида шовкин-сурон күтариб турган одамларга чўчиғансимон қараётган кўзларини баралла кўриб тураг эди.

Николайнинг чанасига Наташа, Соня ва яна икки қиз чиқишиди. Кекса графнинг чанасига Диммлер, унинг хотини ва Петя чиқди; бўлак чаналарга эса никобпўш хизматкорлар чиқишиди.

Йўлда Николай отасининг тройкасидан ўзиб кетишни мўлжаллаб графнинг кучерига:

– Қани, Захар, қайда! – деб қичкирди.

Кекса графнинг Диммлер ва бошқа никобпўшлар ўтирган тройкаси, худди музга ёпишиб қолгандай ғажиллаб, сонсаноқсиз қўнғироқларини жиринглатиб ҳаммадан олдин йўлга тушди: шатакдаги отлар шотига жипслалиб, тошдай каттиқ ва ярқираб турган оппок қорни ўпириб юриб кетди.

Николай биринчи тройка кетидан қўзгалди: унинг кетидан бошқа чаналар ҳам жангир-жунгир, шовкин-сурон кўтариб ҳаракат килди. Тор йўлдан аввал отларни йўрттириб юришиди. Боғни оралаб бораётганларида яйдок дарахтлар йўлга кўндаланг соялар солиб, ой нурини тўсив турган эди, ялангликка чиқилгандан кейин эса олмосдай ярқираб, кўкимтири товланиб, ой нурига ғарқ бўлган поёнсиз кенглик очилиб кетди. Олдинда бораётган чана ўнкир-чўнкир йўлда кўтарилиб-кўтарилиб тушар, унинг кетидан бораётган чаналар ҳам худди шу ҳолда сахро сукунатини бузиб, бирин-кетин қатор тизилишиб борарди.

Сокин ва совук ҳавода Наташанинг:

– Қаранглар, куён изи! Жуда ҳам кўп! – деган товуши эшитилди.

– Ҳа ойдинда баралла кўриниб турибди, Николай! – деди Соня ҳам. Николай қайрилиб Соняга каради ва унинг юзини дурустроқ кўрмокчи бўлиб энгашди. Савсар ёкали пальтосига ўраниб олган, коши ва мўйлови қоп-қора Соня унинг кўзига тамоман бошқача, жуда латиф, жуда ширин, жуда якин ва шу билан бирга жуда узок кўринди.

«Илгари шу Соня эди», – деди Николай ичиди ва якинроқдан унга караб жилмайди.

– Ҳа, нега қараётибсиз, Николай? – деди Соня.

– Шундай, – деди Николай ва яна отига томон қайрилди.

Чаналар сийқа қилиб юборган, ой нурида такалар, изи кўриниб турган катта йўлга чикқандан кейин отлар жиловларини силкита-силкита илдамроқ юриб кейин сўл томондаги шатак от бошини эгиб, иргишлаб ён берига тортар, ўртадагиси эса қулоқларини чимириб талпинар ва гўё «бошлими, ё хали вақт борми?» деб сўрар, сон-саноқсиз кўнғирокларини жиринглатиб анча узок кутиб қолган Захарнинг тройкаси оппок корда корайиб кўринарди. Ундаги кишиларнинг кулги ва қийғоси эшитилиб турарди.

Николай тизгинни силтаб, қамчини кўтариб:

– Қани, шоввозлар! – деб бакирди. Тройканинг қай суръатда учеб бораёттанини каршидан эсаётган шамолнинг кучидан ва шатак отларнинг тобора тезроқ тақиллашидан билиш мумкин эди.

Николай орқасига қайрилиб қаради. Бўлак тройкалар ҳам шовқин-сурон кўтариб, ўртадаги отларни қамчилаб етиб келмоқда эди. Николайнинг ўртага кўшилган оти ҷарчашни билмасдан, лозим бўлса яна ҳам тезроқ чопишга тайёр эканини кўрсатиб илдам чопиб бормоқда эди.

Николай биринчи тройкага етиб олди. У ҳар бир тепаликдан тушиб, анҳор бўйидаги каттакон йўлга чикишди.

«Қаёққа келиб қолдик! – деди Николай ичиди. – Косой лут бўлса керак. Йўқ, унга ўхшамайди. Косой лут ҳам эмас, Дёмкина гора ҳам эмас, худо билади қаёққа келиб қолдик. Бу аллақандай сеҳрли жойга ўхшайди. Бор, қаер бўлса майли!» – деди ва отларига қичкириб биринчи тройкадан ўзмокчи бўлди.

Захар отларнинг тизгинини тортди ва тикилиб қаради, унинг бутун юзи ва қошларини киров босганди.

Николай отларни қўйиб берди: Захар ҳам қўлларини кўтариб хайт-хайтглаб отларни юргутира кетди.

– Қани, хайданг, тўрам! – деди у Николайга. Тройкалар ёнма-ён елдай учеб кетди ва отларнинг тапир-тупури ҳам тезлашди. Николай бўлак тройкалардан ўза бошлади. Захар ҳар ҳамон кўлини чўзиб, тизгинни силтаб тортди.

– Ўта олмайсан, тўрам! – деди Захар Николайга қичкириб. Николай яна отларига камчи босди-ю, ундан ўзиди кетди. Отлар тўзитиб юборган қуруқ қор ўпқинлари чанадагиларнинг юзларига урилар, сон-саноқсиз қўнғироклар жиринглар, тапир-тупур шаталок отаётган отларнинг оёғи билан тройкаларнинг сояси бир-бирига қўшилишиб кетарди. Ҳар томондан шувиб бораётган чаналарнинг товуши ва хотин-халажнинг қий-чуви эшитиларди.

Николай яна отларни тўхтатиб, атрофга разм солди.

Қор босиб ётган ва ой нурида мавж уриб турган ўша сехрли кенглиқдан бўлак нарса йўқ эди.

«Захар чапрокқа бур, деб қичкирятти, нима қиласман буриб? Ростдан ҳам Мелюковаларникига боряпмизми? Наҳот шу Мелюкова бўлса? Худо билади биз қаёққа боряпмиз, худо билади бизга нима бўлаётibi – ғалати иш бўлаётibi, лекин шундай бўлгани жуда яхши», – деди ўзига Николай. У қайрилиб чанага қаради. Чанада ўтирган ғалати кишилардан бири – мўйлов ва қошлари ингичка бир нотаниш киши:

– Қаранг, мўйлови ҳам, киприклари ҳам оппоқ бўлиб қолибди, – деди Николайнинг кўрсатиб.

«Бу Наташа, шекилли, – деди Николай ўзича. – Буниси эса Шоссе хоним, балки, у эмасдир. Мана бу мўйловли черкасни танимайман-у, лекин яхши кўраман».

– Совқотаётганларинг йўқми? – деб сўради Николай. Улар жавоб бермай, кулиб юборишли. Орқадаги чанада ўтирган Диммлер, афтидан, қизик бир нарсани айтиб қичкириди, лекин унинг нима деганини эшитиб бўлмади.

Бўлак овозлар унга:

– Ҳа, ҳа, – деб, кулиб жавоб кайтаришди.

– Ажойиб бир сехрли ўрмонга келиб колдик-ку! Кора кўланкалари мавж уриб, ўзи олмосдай чакнаётибди; катор-қатор мармар зиналари товланиб, сехрли биноларининг томлари кумушдай окариб, йирткичларининг овози кулокни коматга келтириб турибди. Агар шу Мелюкова қишлоғи бўлса, худо билади қайси ерларни айланиб келибмиз! – деб ўйлади Николай.

Дарҳақиқат, бу Мелюкова эди. Оксоч кизлар билан хизматкорлар, кўлларида шам, югуриб дарвозахонага чикишди.

Дарвозахонадан кимдир:

– Ким келди? – деб сўради.

– Графнинг уйидан келган никобпўшлар бўлса керак, отлардан танидим, – деб жавоб беришди овозлар.

XI

Пелагея Даниловна Мелюкова барваста ва серғайрат аёл эди. У кўзида кўзойнак, эгнида ҳалат, меҳмонхонада қизларини атрофига тўплаб, овунтириб ўтирган эди.

Улар аста-секин мум қўйиб, хосил бўлган ҳар хил шаклларга дикқат билан қараб ўтирганда, даҳлиздан ғовурғувур ва оёқ шарпаси эшитилди.

Гусар, ойимбека, ажина, масхарабоз ва айиқ бўлиб келганлар даҳлизда йуталиб, киров босган юзларини артиб залга киришди; залда дарров шамлар ёкилди. Масхарабоз бўлиб олган Диммлер, ойимбека бўлиб олган Николай ўйин бошлаб юбориши. Болалар қий-чув кўтариб никобпўшларни ўраб олишди, никобпўшлар эса юзларини бекитиб, овозларини ўзгартириб, мезбонга таъзим қилишди ва уйда қатор тизилишиб туришди.

– Вой, ҳечам таниб бўлмайди-я! Вой, Наташани кўринглар! Кимга ўхшаб қолибди! Ростдан ҳам аллакимга ўхшайди-я! Эдуард Карлич ҳам жуда чиройли бўлибди-да! Мен танимабман-а! Ўйинни ҳам боплади-я! Вой, ўрай черкаси ҳам бор экан! Сонюшкага хўпам ярашибдими. Буниси ким экан? Бизларни хўп хурсанд килдиларинг-да! Никита, Вания, стол тузанглар! Биз жимжит ўтирган эдик.

– Хо-хо-ха! Гусарни кўринглар, гусарни! Угил болага ўхшайди, мана оёқлари ҳам!.. Мен кўролмаяпман, – деган товушлар эшитилди.

Мелюкованинг кизлари яхши кўрадиган Наташа улар билан бирга нариги уйга кириб кетди. Нариги уйга пўк кўмири, ҳар хил ҳалат, эрракча кўйлак олиб келиниши керак эди. Қизлар хизматкорлар узатган бу нарсаларни кия турган эшикдан яланғоч кўлларини узатиб олишиб. Ўн дақиқадан кейин Мелюкова оиласида бўлган барча ёшлар никобпўшларга кўшилишди. Пелагея Даниловна меҳмонлар учун жой, хўжа ва хизматкорлар учун овқат тайёрлаш ҳақида амр-фармон бериб бўлганидан кейин, кўзида кўзойнак, ўзини кулгидан зўрга тийиб, никобпўшлар орасида юаркан, ҳарчанд яқиндан қараса ҳам, уларни танимас эди. У фақат Ростовлар билан Диммлернигина эмас, балки ўз қизларини ҳам, улар кийиб чиқкан эрракча ҳалат ва мундиirlарни ҳам танимас эди.

У мураббияга қараб:

– Э, бу ким экан? – деди Қозон татари бўлиб чиқкан кизини кўрсатиб. – Ростовлардан бири, шекилли. Қани, жаноб гусар, сиз қайси полкда хизмат киласиз? – деб сўради Пелагея Даниловна Наташадан. – Қани, бу туркка ширин чалпак бер, – деди у овқат ташиётган буфетчиға. – Ширин чалпакни буларнинг шариати ман қилмайди.

Пелагея Даниловна баъзан ракс килаётганларнинг (улар, биз никоб кийганмиз, бизни ҳеч ким танимайди деб ҳар хил муқомларни қиларди) ажойиб ва шу билан бирга кулгили муқомларига қараб, юзини рўмолчаси билан беркитиб, бутун гавдасини силкитиб, қотиб-қотиб кампирона куларди.

– Сашинетамни кўринглар, Сашинетамни! – дер эди у.

Кўл ушлашиб, рус ҳалқ ўйинини ўйнаб ва куйларини куйлагандан кейин Пелагея Даниловна хўжа ва хизматкорларни бирга тўплаб катта бир давра қилди; узук, каноп ва бир сўмлик пул келтиргандан сўнг умумий ўйин бошланиб кетди.

Бирон соат ўйналгандан кейин никобпўшларнинг ки-

йимлари ғижим бўлиб, тахи бузилди. Пўк кўмиридан чизилган қош ва мўйловлар ўйин-кулгидан кизариб, терлаганда ёйилиб кетди.

Пелагея Даниловна ниқобпўшларни таний бошлади, уларнинг кийимларига таҳсин ўқиди, бу кийимлар, айниқса, кизларга ярашибди, деб мақтади ва шунчалик хурсанд қилгандари учун ҳаммага ташаккур айтди. Мехмонларни меҳмонхонага олиб кириб зиёфат қилишди, хизматкорларга эса залда овқат бериши.

Мелюковаларникида яшайдиган қари киз овқат устида:

– Ҳаммомда фол очиш жуда кўркинчли бўлади-да, – деб қолди.

– Нега? – деб сўради Мелюкованинг катта кизи.

– Ҳаммомга бориб фол очишга юрак керак...

– Мен бораман, – деди Соня.

– Ойимқиз, ҳаммомда фол очганда нима ҳодиса юз берганини айтиб беринг, – деди Мелюкованинг иккинчи кизи.

– Бу мана шундай бўлган эди, – деб сўз бошлади қари киз. – Бир ойим киз фол очмоқчи бўлиб бир хўroz ва икки кишилик овқат олиб ҳаммомга борибди. Бирпас ўтиргандан кейин кўнғироқларини жиринглатиб, чаналар келаётгандай бўлибди, сўнгра, бирорнинг оёқ шарпаси эшитилибди. Бир вакт қараса, дуппа-дуруст одамга ўхшаган бир офицер кириб келибди-ю, кизнинг ёнига, товоқчанинг олдига ўтирибди.

Наташа кўзларини олайтириб:

– А! А! – деб кичкириб юборди.

– Худди одамдай гапирав эканми?

– Ҳа, худди одамдай қизга ялина бошлабди. Киз эса уни хўroz қичкиргунча, гапга тутиб туриши керак экан. У кўркиб юзини кўли билан беркитиб олибди. Шунда ҳалиги одам қизга ёпишибди. Хайриятки, бошқа кизлар етиб келишибди...

– Кўйсанг-чи, буларни кўркитиб нима қиласан! – деди Пелагея Даниловна.

– Ойижон, ўзингиз ҳам фол очардингиз-ку! – деди кизи.

– Омборда қанака фол очишади? – деб сўради Соня.

– Ҳозир ҳам очса бўлади: омборга боришади-ю, қулок

солишади. Агар гурс-гурс қилган садо эшитилса, хосияти йўқ, агар бугдой шар этиб тўкилиб кетса – яхши бўлади, баъзан шундай ҳам бўладики...

– Сиз омборга борганда нима бўлган эди, ойи?

Пелагея Даниловна кулимсираб:

– Нима бўлгани эсимдан чиқиб кетибди... Барибир, хеч кайсиларинг бормайсизлар-ку!

– Нега, мен бораман. Пелагея Даниловна, ижозат беринг, мен борай, – деди Соня.

– Ҳа, майли, кўрқмасанг бора қол.

– Луиза Ивановна, майлими борсам? – деб сўради Соня.

«Колечко» ўйналганда ҳам, «веровочка» ўйналганда, «рублик» ўйналганда ҳам, гаплашиб ўтирилганда ҳам Николай Соняниг олдидан кетмади ва унга буткул бошқача кўз билан қаради. У худди шу бугун, мана шу пўк кўмиридан чизилган қош-мўйлов туфайли Соняни дурустроқ билгандай бўлар эди. Соня, ҳақиқатан ҳам, шу кеча жуда хурсанд, гулгул очилган ва ниҳоят даражада чиройли бўлиб кетган эди. Николай уни ҳеч качон шундай кайфиятда кўрган эмас эди.

«Э, бу шунчалик чиройли экан-у, мен қайларда юрибман, нима килиб юрган эканман!» – деди ўзича Николай Соняниг ёнаётган кўзларига, мўйловлари остидан кўриниб турган кулдиргичларига қараб; у Соняниг шунақа жилмайшини ҳам биринчи марта кўраётгандай бўлди.

– Мен ҳеч нарсадан кўрқмайман, – деди Соня. – Ҳозир борсам майлими? – у ўрнидан турди. Омбор қайси томонда эканлигини, жим туриб қандай қулоқ солиш кераклигини унга тушунтиришди ва пўстин беришди. Соня пўстинни бошига олиб Николайга қаради.

«Бу қиз жуда оғатижон-ку, – деди Николай ичида. – Нега шу вақтгача анқайиб юрибман!»

Соня омборга бормоқчи бўлиб дахлизга чиқди. Николай исиб кетдим деган баҳона билан шошиб-пишиб эшикка чиқди. Одам кўплигидан уй, дарҳақиқат, исиб кетган эди.

Ташқари ҳамон ўшандай совук, ўшандай ойдин, лекин ёрустроқ эди. Тун шу қадар ёруғ, кор юлдузга ўхшаб шундай чакнар эдики, киши осмонга қарагиси келмас ва ҳақиқий

юлдузларни пайқамас эди. Осмон коронги ва кўнгилсиз, ер юзи эса кишининг баҳрини очарди.

«Аҳмоқман, аҳмок! Шу вактгача нимани кутиб юрган эканман, – деди Николай ичида ва югуриб ташқарига чиқдида, ховлини айланиб, орка зинага чиқиладиган йўлга караб борди. Соня шу ердан ўтишини биларди. Йўл бўйига саржин қилиб қўйилган ўтинни кор босган ва унинг сояси ерга тушиб турар эди; япроклари тўкилган кари аргувон¹ шу ўтин оша кор ва йўлкага ёнбошдан кўланка солиб турар эди. Бу йўлка омборга томон борар эди. Омборнинг ёғоч девори, кор босиб ётган томи ойдинда худди кимматбаҳо тошдан ясалгандай яркираб турибди. Богда дарахт карсиллаб кетди, яна жимлик чўкди. Николай ҳаво билан эмас, балки абадий ёш бўлган алланечук куч ва шодлик билан нафас оларди.

Хизматкор кизлар турадиган уйнинг зинапоясидан оёқ товуши эшитилди, кор босиб ётган зинанинг сўнгти погонаси ғижирлади ва кари қизнинг:

– Мана шу йўлкадан тўппа-тўғри борасиз, ойимқиз, лекин орқангизга қараманг! – деган овози эшитилди.

Соня унга жавобан:

– Мен кўркмайман, – деди ва йўлкадан нафис бошмоқчалари билан корни ғарчиллатиб, Николай турган томонга қараб келаверди.

Соня пўстинга ўралиб келмоқда эди, икки кадам берида Николайни кўриб қолди. Николай ҳам Соняning кўзига илгари ўзи билган ва унча-мунча ҳайикиб юргани Николай эмас, балки бошқача кўринди. Николай заифона кўйлак кийган, соchlари тўзиган, лабларида Соня илгари ҳеч қаҷон кўрмаган кувноқ табассум. Соня дарров унинг олдига борди.

Николай Соняning ой шуъла сочиб турган юзига қараб: «Тамоман бошқача-ю, лекин ўшанинг ўзи», – деди ичида. У пўстин остидан кўлини ўтказиб, Соняни кучоклади, бағрига босди ва куюқ пўк хиди келиб турган мўйловли лабларидан ўпди. Соня ҳам Николайнинг лабининг қок ўртасидан ўпди

¹ Аргувон (форсча) – ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган, баҳорда очиладиган кирмизи гулли бир дарахт.

ва нозик құлларини чиқариб, унинг икки бетидан ушлади.

Иккөви фақатгина:

– Соня!.. Николай! – деди, холос. Иккаласи омборга бирга бориши-ю, қайтишда ҳар қайсиси ўзи чиқкан эшиқдан кирди.

XII

Пелагея Даниловналарникидан қайтишда ҳамма нарсадан доимо хабардор бўлиб юрадиган зийрак Наташа шундай қилдики, Луиза Ивановна билан ўзи Диммлер ўтирган чанада, Соня билан Николай хизматкор кизлар ўтирган чанада кетишиди.

Николай энди чаналардан ўзмасдан, бир маромда от хайдаб бораркан, ажойиб ой нурида ҳадеб Соняга қарап, унинг гоҳ соя ва гоҳ ёруғлик тушаётган мўйловли юзидан аввалги ва ҳозирги Сонясини изларди. Соняга қарап экан, минбаъд ундан айрилмасликка аҳд қилди. Аввалги ва ҳозирги Сонясини топганида бўса туйғуси билан аралашиб кетган пўк хидини эслаб, совуқ ҳавода қониб-қониб нафас олар, кўз олдидан ўтаётган ер ва чақнаётган осмонга караб, ўзини яна сехрли олам кучогида сезарди.

– Соня, сен яхши ўтирибсанми? – деб сўрар эди у ҳар замон.

– Ҳа, сен-чи? – деб жавоб берарди Соня.

Ярим йўлда Николай тизгинни кучерга берди ва ўзи бир дақиқагагина Наташаларнинг олдига келиб, синглисининг ёнига, чананинг четига ўтириди.

– Наташа, – деди секин французчалаб, – биласанми, Соня ҳақида катъий қарорга келдим.

– Ўзига айтдингми? – деб сўради Наташа бирдан гулгул очилиб кетиб.

– Ох, бу кош-у мўйлов билан жуда ғалати бўлиб кетибсан-ку, Наташа! Хурсандмисан, ахир?

– Вой, шу қадар хурсандманки, асти қўй! Шу иш туфайли сендан хафа бўлиб юрган эдим. Сенга айтганим йўқ, Соняга нисбатан яхши қилмовдинг. Соня олижаноб қиз. Жуда-жуда хурсандман. Баъзан жуда ёмон бўламан, аммо

Сонясиш ёлғиз ўзим баҳтли бўлишни вижданом қабул қилмас эди, – давом этди Наташа. – Мана энди муродимга етдим. Майли, бор, югур!

– Шошма, сабр кил. Жуда галатисан-да! – деди Николай. У синглисига тикилди ва унда кишини мафтун кила-диган алланечук фавқулодда ва латиф бир нарса борлигини энди пайқади.

– Афсоновий гўзал бўлиб кетибсан! А?

Наташа унга жавобан:

– Ҳа, жуда яхши килдинг, – деди.

«Агар илгари унинг бундайлигини билсайдим, – деди ичида Николай, – аллақачонлар нима килай деб сўрас эдим ва нима буюрса шуни қилардим-у, олам гулистон бўлар эди».

– Сен хурсандмисан ахир, яхши килдимми?

– Вой, жуда яхши килдинг! Кайси куни шу тўғрида ойим билан уришиб қолдим. Соня сенинг бошингни айлантирган эмиш, ойим шундай дедилар. Шу ҳам гапми? Ойимни сўкиб беришимга сал қолди. Ҳеч қачон ҳеч кимга Соня ҳакида бирон оғиз ёмон сўз айтишга йўл қўймайман, чунки у кизларнинг сараси.

Наташа шу сўзларни чин қалбидан айттаётидими, деб Николай яна синглисига караб:

– Яхши килдимми, ахир? – деб сўради ва кейин этигини гарчиллатиб чанадан ўзини ташлади ва ўз чанасига қараб югуриб кетди. Чанада савсар телпаги остидан кўзлари чакнаб турган ва хурсандлиги ичига сигмай кетаётган мўйловли ҳалиги черкас – Соня ўтирас эди ва бу Соня, албатта, унинг бўлажак саодатли ва садоқатли рафиқаси эди.

Уйга келгандан кейин ойимқизлар Мелюковаларнида қилган ўйин-кулгиларини оналарига айтиб бериб, ўз бўлмаларига кириб кетишиди. Улар кийимларини ечиб, пўк кўмиридан чизилган мўйловларини артмасдан, ўз баҳт-саодатлари ҳакида узоқ гаплашиб ўтиришиди. Эрга теккандан кейин қандай яшашлари, эрлари қандай дўст бўлиши ва ўзлари қандай баҳтли бўлишлари ҳакида гапиришиди. Наташанинг столида кечаси Дуняша тайёрлаб қўйган ойналар турган эди.

– Шу кунлар қачон мұяссар бўларкин? Ҳеч қачон мұяссар бўлмас деб қўрқаман... Шу кунларга етсак, қандай яхши бўларди! – деди Наташа ўрнидан туриб, ойналарни олгани борар экан.

– Ўтири, Наташа, шояд суйганингни ойнада кўрсанг, – деди Соня. Наташа шамларни ёқиб, ўтириди.

– Мўйловли бир кишини кўряпман, – деди Наташа ўз афтини ойнада кўриб.

– Кулманг-да, ойимқиз, – деди Дуняша.

Наташа Соня ва оқсоч киз ёрдами билан икки ойнани бир-бирига рўпара қилиб қўйди. Наташанинг юзи жиддий тусга кирди ва ўзи жим бўлди. У узок ўтириб, ойнада катор бўлиб кўринган шамнинг аксига қарап экан, эшитган ҳикояларига кўра, шу хира ойнада тобутни, уни, яъни князь Андрейни кўрарман деб умид қиласади. Бироқ кичкинагина доғни ҳам одам ва ё тобут деб гумон қилишга қанчалик тайёр бўлмасин, барибир, ҳеч нарсани кўролмади. У тез-тез киприк қоқиб, ойналарнинг олдидан туриб кетди.

– Нега бошқалар кўради-ю, мен ҳеч нарсани кўролмайман, – деди Наташа. – Қани, сен ўтири-чи, Соня: бугун, албатта, сен фол очишинг керак, – деди у. – Лекин менинг учун очгин... Бугун мени қўркув босяпти!

Соня ўтириди, ойнани ўзига тўғрилаб қўйди ва қарай бошлади.

– Мана, ҳозир Софья Александровна, албатта, кўрадилар, – деди шивирлаб Дуняша. – Сиз нуқул куласиз.

Соня бу сўзларни ҳам, Наташанинг шивирлаб:

– Албатта, кўради, мен ҳам биламан. Соня бултур ҳам кўрган эди, – деганини ҳам эшитди.

Уч дақиқача ҳамма жим ўтириди. Наташа «Албатта!» – деб шивирлади-ю, у ёгини айтмади... Соня тўсатдан олдидаги ойнани нари суриб, кўли билан кўзини ушлаб:

– Ох, Наташа! – деди.

– Кўрдингми? Кўрдингми? Нимани кўрдинг? – кичкирди Наташа ойнани ушлаб тураркан.

Соня ҳеч нарсани кўргани йўқ эди, у кўзини пилпиллатиб ўрнидан турмоқчи бўлганида, Наташанинг «Албатта!»

деган сўзи кулоғига кирди... У Дуняшани ҳам, Наташани ҳам алдашни истамасди, лекин шу ҳолатда ўтириш ҳам оғир эди. Кўли билан кўзини ушлаганида қандок килиб ва нима учун кичкириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

– Уни кўрдингми? – деди Наташа Соняни қўлидан маҳкам ушлаб.

– Ҳа, шошма... мен... кўрдим, – деди Соня беихтиёр. Лекин Наташа «уни» деганда Николайни кўзда тутдими ё Андрейни кўзда тутдими – буни Соня билмас эди.

«Ҳа, кўрдим десам нима бўлади? Бошқалар кўради-ку! Мени кўрган-кўрмаганимни бирор билиб ўтирибдими?» – деган ўй лип этиб Сонянинг кўнглидан ўтди-ю:

– Ҳа, кўрдим – дея қолди.

– Қалай экан, қалай? Тикка турибдими ё ётибдими?

– Йўқ, қарасам... Аввал ҳеч нарса кўринмади, кейин қарасам ётибди.

– Андрей ётибдими? Касал эканми? – деди Наташа дугонасига кўзларини катта очиб.

– Йўқ, аксинча, аксинча, чехраси жуда очиқ эди, у менга кайрилиб қаради, – Соня шу гапларни айтаркан, худди шуларни ўз кўзи билан кўргандай бўлди.

– Ундан кейин-чи, Соня, ундан кейин-чи?

– Ундан кейин яхши қўролмадим. Кўк, кизил бир нарса...

– Соня, у қачон келаркан? Қачон дийдорини кўраман! Э, худоё! Ундан ҳам хавотирман, ўзимдан ҳам кўрқаман, ҳаммаси ҳам мени даҳшатга солади... – деди Наташа ва Сонянинг тасалли беришларига «мик» этмасдан кўрпага кирди ва шам ўчирилгандан кейин ҳам анча вактгача қимир этмай, музлаган ойнадан тушаётган ойнинг нурига қараб ётди.

XIII

Святки байрамидан кейин кўп ўтмай Николай онасига Соняни яхши кўришини, унга уйланишга қатъий қарор берганини айтди. Соня билан ўғли ўртасидаги бу муносабатни аллақачонлар пайқаган ва шу гапни кутиб юрган

графиня Николайнинг сўзларига индамасдан қулоқ солди ва кейин, кимни олсанг ихтиёр ўзингда, лекин шуни билгинки, агар Соняни олсанг на мен фотиха бераман ва на отанг, деди. Николай биринчи марта онаси ундан норози эканлигини ва ўғлини канчалик яхши кўрса ҳам, бу раъйидан қайтмаслигини сезди. Графиня қовоғини очмасдан ва ўғлининг юзига карамасдан эрига одам юборди; граф келгандан кейин графиня икки оғиз сўз билан ўғли олдида бу масалани эрига айтмоқчи бўлди, бироқ ўзини тутолмай, алами келиб, хўнграб йиғлаб юборди ва уйдан чикиб кетди. Кекса граф унча ботинолмай бўлса ҳам, ўғлини инсофга келтиришга харакат килди ва бу ниятингдан қайт, деб илтимос қилди. Николай, мен бу ниятимдан қайта олмайман, деб қолгандан кейин отаси уф тортди ва дами ичига тушиб, дарров гапни тўхтатди-ю, графиня олдига чиқиб кетди.

Граф ҳар гал ўғли билан сўзга борганида хўжалик ишлари оқсоқланиб қолгани учун унинг олдида ўзи айбли эканини сезиб турарди, шунинг учун ҳам Николай бой кизга уйланишдан воз кечиб, сепсиз Соняни оламан, деганида ундан хафа бўлиши мумкин эмас эди, – бу суҳбат натижасида графга шу нарса яна ҳам якқолрок аён бўлдики, хўжалик ишлари оқсоқлаб қолмаганда Николайга Сонядан мувофиқроқ хотин йўқ, хўжалик ишлари оқсоқлаб қолганига бирдан бир сабаб унинг ўзи ва тарк этиши амримаҳол бўлган эски одати ва ҳамда жигаргўшаси Митенька эди.

Ота-онаси бу хақда Николайга бўлак оғиз очмади, лекин уч-тўрт кун ўтгандан кейин графиня Соняни чакирди; ўзи ҳам, Соня ҳам кутмаган бир бағритошлиқ билан: «Ўглимнинг бошини айлантиряпсан, кўрнамак», – деб Соняни кийин-қистовуга олди. Соня лом-мим демай, бошини эгиб, графинянинг тиканли сўзларига кулок солди, лекин ундан нима истаётганларига сира тушуна олмас эди. Соня ўз пушт паноҳларига жонини фидо килишга ҳам тайёр эди. Унинг бутун фикр-зикри шуларга жонини қурбон килишдан иборат эди, лекин ҳозир ким туфайли ва ниманинг баҳридан кечиши кераклигини ҳеч билолмас эди. У графиня ва бутун Ростовлар оиласини яхши кўрмаслиги, шунингдек, Нико-

лайни севмаслиги ва бахт-саодати шу севгига боғлиқ эканлигини билмаслиги мумкин эмас эди. Соня маъюс ва гамгин бўлиб, гап сўрагандада ҳам жавоб бермайдиган бўлиб қолди. Николай бу ахволни кўриб сабри чидамади ва дурустрок гаплашгани онасининг олдига кирди.

Николай онасига Соня иккаламизнинг гунохимиздан ўтинг, розилик беринг, биз эр-хотин бўлайлик деб ялиниб ҳам кўрди, агар Соняга шунака дағал муомала қилсангиз, сиздан яшириқча ҳозирнинг ўзидаёқ уйланаман, деб пўписа ҳам, килиб кўрди.

Графиня ўғлига шу чоғгача ҳеч қачон кўрилмаган бир совуққонлик билан: «Энди балогатта етдинг, мана, князь Андрей отасининг розилигига қарамасдан уйланяпти, сен ҳам уйланишинг мумкин, лекин шуни билиб кўйки, мен бу интриганкани¹ ҳеч қачон келиним демайман», – деб жавоб берди.

Интриганка сўзини эшишиб жон-пони чиқиб кетган Николай онасига бақириб, ўз туйғумни сотишга мажбур киласиз, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим, деди, агар масала шундай бўлса, сўнгги дафъа айтайки... Бирок Николай онаси ўғлининг авзойига караб ваҳима билан кутган ва, эҳтимол, икки орада умр бўйи совуқ бир хотира бўлиб қоладиган қаттиқ сўзни айтишга улгуролмади, чунки шу онда эшик орқасида буларнинг можаросига кулоқ солиб турган Наташа ранг-кути ўчиб, уйга кирди ва акасининг овозини босиб юбориш учун:

– Николенька, бекорчи гапларни қўйсанг-чи! Бас кил, бас! Сенга айтяпман, бас қил, – деб қичкирди.

– Ойижон, ўзим айланай, бу ундоқ эмас... Ойижонгинам, жоним, – деди у онасига караб. Графиня ўғли билан муносабати буткул бузилиб кетишини сезиб юраги ёрилаётган бўлса ҳам, лёкин ўжарлик ва жаҳл устида ён беришни истамас эди.

– Николенька, сен чик, ҳозир чик, кейин сенга тушунтириб бераман.

¹ Интриган – фитначи, галамис.

– Ойижон, ойижонгинам, менга қаранг, – деди Наташа ойисига.

Наташанинг сўзлари пойма-пой бўлса ҳам, лекин ўзи кўзлаган ўша натижани берди.

Графиня энтикиб, юзини қизининг кўкрагига қўйди. Николай эса ўрнидан турди ва бошини ушлаганича уйдан чиқиб кетди.

Наташа буларни яраштиришга бел боғлаб, ишни шу даражага етказдики, Николай келажакда Соняни хафа килмаслик тўғрисида онасидан сўз олди ва ўзи ҳам ота-онасидан яшириқча бирон иш қилмасликка вавда берди.

Полкда ишларини тўғрилаш, истеъфо бериш, қайтиб келиб Соняга уйланишга қатъий қарор бериб, Николай, ота-онаси билан ораси бузилганига кўнгли чўккан бўлса ҳам, лекин ўзини ошики бекарор сезиб, январнинг бошларида полкига жўнаб кетди.

Николай жўнагандан кейин Ростовлар уйидан файз кетди. Графиня руҳий ҳолати ёмон бўлиши орқасида касалдай бўлиб колди.

Соня ҳижрон доғидан ҳам кўра графинянинг пичингларидан кўпроқ ғамгин эди. Граф ишлари чалкашланиб кетганига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ташвишманд, хўжалик ишлари эса бирон қатъий чора кўришини талаб қиласр эди. Москвадаги ҳовли билан Москва ташкарисидаги боғни сотиш зарур бўлиб колди, аммо бунинг учун Москвага бормай илож йўқ эди. Бироқ графинянинг бетоблиги сафарни кундан кун орқага суришга мажбур этмоқда эди.

Ўз ёридан айрилган биринчи кунларни кишига билинтирмасдан, ҳатто хуш-хурсандлик билан ўтказган Наташа энди кундан кунга ҳаяжонланиб, сабрсизлик қила бошлади. Ишқ-муҳаббатга бағишлишим мумкин бўлган шундай ёшлик чоғларим бекорга ўтиб кетяпти, деган ўй Наташани қийнамоқда эди. Князь Андрейдан келадиган мактублар кўпинча унинг аччигини келтиради. Мен кечак-ю кундуз танҳо, унинг ёди билан яшасам-у, у ёлгиз ўзи сайр-саёҳат килиб, янги жойлар, янги одамларни кўриб, томоша қилиб юра берса, деган ўй унинг нафсониятига тегар эди. Князь

Андрейдан келдиган мактублар қанчалик кизик бўлса, Наташанинг алами шунчалик ошар эди. Ёрига ёзадиган мактублари наинки ўзига тасалли бермас эди, ҳатто кўнглига тегадиган ва сохта бир вазифадай кўринар эди. У мактуб ёзишга нўнок, чунки овози, табассуми ва кўз караши билан ифода килишга ўрганган ўша нарсаларнинг мингдан бирини ҳам хатда ифода кила олмас эди. У нима ёзаётганига ўзи эътибор килмай, классик услубда курук-курук мактублар ёзар, графиня эса имло хатоларини тузатиб берар эди.

Графиня хасталикдан тузалмади. Лекин Москвага бо-ришни орқага суриш ҳам энди мумкин бўлмай қолди. Наташанинг сепини гамлаш, ҳовлини сотиши керак эди. Бундан ташқари бу қиши князь Николай Андреич Москвага кўчиб келган, шунинг учун князь Андрейни аввал Москвага келади деб кутишар, Наташа эса, аллақачон келгандир, деган қаноатда эди.

Графиня қишлоқда қолди, граф эса Соня билан Наташани олиб январнинг охирларида Москвага жўнади.

I

Наташа князь Андрейга унаштирилгандан кейин Пьер тұсатдан, хеч қандай сабабсиз, шу тарзда ортиқ ҳаёт кечира олмаслигини сезиб қолди. У ўз пири очиб берган ҳақиқатта накадар каттик ишонган бўлмасин, ўзини ботинан такомиллашга камоли иштиёқ билан берилган дастлабки қунларида накадар хурсанд бўлган бўлмасин, Наташани князь Андрейга унаштирилгандан ва Иосиф Алексеевич ўлгандан кейин (бу ҳақда ўша қунлари хабар келган эди) бирдан аввалги ҳаётининг нашъаси бутунлай йўқолди. Энди илгариги ҳаётининг негизигина қолдики, у ҳам бўлса ҳовли-жойи, шу қунлари катта бир зот билан дон олишиб юрган хотини, бутун Петербург билан қиласидаган ошна-оғайнигарчилиги ва қишини зериктирадиган расмиятлардан иборат бўлган хизматигина эди. Ўша аввалги ҳаёти барча ифлосликлар билан унинг кўз олдида тұсатдан гавдаланди. У хотира ёзмай кўйди, масон биродарлар сұхбатидан ўзини тортди, клубга катнайдиган, кўп ичадиган бўйдоқ йигитлар билан улфатчилик қиласидаган бўлиб, шундай йўлга кириб кетдики, графиня Елена Васильевна эрига каттиқ танбех бериши лозим кўрди. Пьер хотини ҳақ эканини сезди, унинг обрўйини тўқмаслик учун Москвага жўнаб кетди.

У хазон бўлган ва хазон бўлиб бораётган княжналар, беҳисоб хизматкорлар яшайдиган Москвадаги катта ҳовлисига келиши биланоқ шаҳарни айланиб, тиллакорлик ризалари¹ олдида сон-саноксиз шамлар ёкиб қўйилган Иверская бутхонасини кўриши биланоқ, кор босиб из тушмаган Кремль майдонини, Сивцева Вражка қўчасидаги фойтуналар ва кулбаларни, ёшларини яшаб, ошларини ошаб, аста-секин умрини тутгатайтган Москвалик чол-кампирларни, Москва тўраларини, Москва балларини ва Москва инглиз клубини кўриши биланоқ дарров ўз ўрнини, ўз қароргохини топгандай бўлди. У Москвада тинчини топди,

¹ Риза – 1) рухонийларнинг ибодат вақтида киядиган либоси; 2) иконаларда юз ва кўлдан бошқа аъзони қоплаб турадиган зархал металл накш (бу ерда шу маънода)

эски ва ифлос бўлса ҳам, ўрганиб қолган иссиқкина тўнини кийгандай яйради.

Москвадаги ёр-ошналари, қариялардан бошлаб болаларгача ҳамма уни худди кўпдан буён йўлига кўз тиккан, дастурхонда ўрни ҳамиша йўкланган азиз меҳмондай карши олишди. Москва киборлари учун Пьер жуда дилкаш, сахий, ақлли, хушфеъл, хушчакчақ тентак бўлиб, паришонҳол ва самимий эски рус тўраси эди. Унинг ҳамёни мудом очик ва шунинг учун доимо бўш эди.

Хайрия ишларини ташкил килиш, бемаза картина ва хайкаллар сотиб олиш, хайрия ишлари жамиятига пул бериш, сухбатга лўлиларни таклиф килиш, мактабларга қараш, зиёфат ва ичкиликлар ташкил қилиш, масонлар ва бутхоналарга ёрдам бериш, китоблар сотиб олиш – шуларнинг ҳаммасига Пьер тайёр эди. Ундан жуда катта пул қарз олган икки дўсти агар хабардор бўлиб юрмаса, у бутун бор-йўгини одамларга бўлиб берарди. Клубда бўладиган зиёфат ва ўтиришларнинг биронтаси усиз ўтмас эди. Икки шиша шароб ичиб ўз жойи – диванга ёнбошладими, дарров ҳамма уни куршаб олар, гап-сўз, мунозара ва ҳазил-мутойиба бошланиб кетарди. Агар битта-яримтаси ўзаро қизаришиб колса, Пьер мулойимгина жилмайиши ва ўринли ҳазили билан дарров яраштириб кўярди. Масонларнинг ошхона ложалари Пьерсиз ўтса, албатта, кўнгилсиз ва ланж ўтар эди.

Ичкиликсиз ўтган зиёфатлардан кейин у кувноқ улфатларининг илтимосини ерга кўя олмай, улар билан бирон жойга борадиган бўлиб, жилмайиб ўрнидан турса, ёшлар хурсандликдан шовқин-сурон кўтаришарди. Балларда кавалер етишмай қолса у раксга тушарди. Жувонлар ва кизлар шунинг учун ҳам уни яхши кўришардки, у хеч кимга айрим илтифот қилмасдан, ҳаммага бир хилда меҳрибонлик кўрсатар ва, айниқса, зиёфатдан кейин жуда ширин сўз бўларди. Унинг тўғрисида «Жуда олижаноб киши, унинг учун жинс деган нарса йўқ» – дейишарди.

Пьер истеъфога чиқиб, қолган умрини Москвада ўтказиб юрган юзларча камергернинг бири эди.

Агар бундан етти йил бурун, чет элдан келган кунлари

биров унга ўзингни ошикча уринтиrmасанг ҳам бўлади, чунки сенинг келажак йўлинг азалдан муайян ва минг югурсанг ҳам, сенинг мавқеингдаги кишилар нима бўлса сен ҳам ўшандай бўласан, деса юраги ёрилиб кетарди. Бу сўзга ишониши ҳам мумкин эмас эди. Ахир жон-дили билан gox Россияни республикага айлантиришни, gox Наполеон бўлишни, gox файласуф, gox саркарда бўлиб, Наполеонни мағлуб килишни истаган шунинг ўзи эмасми? Башарият зотининг нуксонларини билган ва уни ислоҳ этиш мумкинлигини англаган ҳамда ўз-ўзини такомиллашни энг юксак даражага етказишини истаган шунинг ўзи эмасми? Мактаб ва касалхоналар очган, крепостной дехқонларини озод килган ҳам шунинг ўзи эмасми?

Окибат нима бўлди денг? Окибат бевафо хотиннинг бой эри, ейишни, ичишни яхши кўрадиган, керилиб хукumatни унча-мунча сўқадиган, истеъфога чикқан камергер, Москва инглиз клуби ва Москва жамиятининг севимли аъзоси бўлиб қолди, холос. У, мен ҳам энди истеъфога чикқан москвалик бир камергер бўлиб қолдим, деган сўзга сира кўника олмас, чунки етти йил бурун шу хилдаги камергерларга ўзи нафрат билан қарап эди.

Баъзан ҳозир кечириб юрган ҳаётим мувакқат ҳаёт деб, ўзига тасалли берар, лекин унга ўхшаган қанча кишилар бу ҳаёт ва бу клубга оғизлари тўла тиш, бошлари тўла соч билан кириб, бу ердан ўттиз икки тишлари тушиб, бошларида бир тола тук қолмай чикқанларини кўриб, вахимага тушар эди.

Пьер мағрур дамларида ўз мавқеи хақида ўйласа, назаридা, истеъфога чикқан бўлак камергерларга сира ҳам ўхшамас эди. У ёмон кўриб юрган, бўлак камергерлар паст, аҳмоқ кишилар бўлиб, ўз мавқеларидан рози ва хурсанд эдилар. «Мен эса ҳали ҳам ўз мавқеимдан рози эмасман, ҳали ҳам мен башарият учун бирон нарса қилиш ниятидаман, – дер эди у. Камтар бўлган дамларида эса ўз-ўзига: «Балки, бошқа ҳамкасларим ҳам ҳаётда бўлак йўл топиш учун менга ўхшаш ҳаракат қилган, жон куйдиргандир? Лекин вазият, жамиятнинг инсон қарши тура билмайдиган кўр кучи уларни ҳам мени сурган томонга суриб кўйган-

дир?» – дер эди. Москвада бирмунча вакт яшагандан кейин Пьер ўзига ўхшаган ўртоқларидан ортик нафратланмай қўйди, хатто уларга ўрганди, уларни яхши кўрадиган, хурмат этадиган, уларга ўзидаи ачинадиган бўлиб колди.

Пьер ҳаётдан ноумид бўлиш, руҳсизликка тушиш, ҳаётга нафрат билан қарав каби эски одатларини ташлаган бўлса ҳам, лекин илгари уни қамраб олган дард энди ичига урган ва бу дард бир дақиқа ҳам тинчтимас эди. У ҳаётда юз бераётган ҳодисаларнинг маъносини англаш учун беихтиёр ўйланиб қоларкан, бир кунда бир неча марта таажжубланиб ўз-ўзидан: «Нима гап? Нега шундай бўляпти? Дунёда қандай ҳодисалар юз бераётибди?» – деб сўрап ва бу саволларга жавоб йўқлигини тажрибадан билганлиги учун шошиб-пишиб бу фикрларни ўзидан йироқлатишга тиришар, кўлига китоб олар ё югуриб клубга борар, ёки шаҳар мишишларидан лакидаш учун Апполон Николаевич олдига югурадар эди.

«Ўз танига оро беришдан бўлак ҳеч бир нарсани билмайдиган ва дунёда энг аҳмоқ хотинлардан бири бўлган Елена Васильевна, одамлар назарида, энг ақлли ва нозиктабиат кўринарди, ҳамма унинг олдида тиз чўкади, – деб ўйларди Пьер. – Наполеон Бонапарт бир вактлари буюк киши эди, ўшанда ҳамма унга нафрат билан қаарди, у разил ва лўттибоз бўлғандан буён император Франц ўз кизини унга, никоҳсиз туғилган бўлса ҳам, хотинликка бериш ҳаракатида юрибди. Испанияликлар 14-июньда французларга ғолиб келганликлари учун католик¹ руҳонийлари орқали худога ҳамд-у сано юборадилар, француздар эса 14-июньда испанияликларни енгтанликлари учун яна ўша католик руҳонийлари орқали худога ҳамд-у сано юборадилар. Менинг масон биродарларим ўз яқинимиз учун жонимизни фидо қилишга тайёрмиз, деб қон билан қасамёд қилганлар, лекин факир-бечоралар учун пул йикқанда бир сўм ҳам хайр қилмайдилар. Астрея ложани Изловчи Манна ложасига қарши уруштирадилар, ҳакиқий Шотландия масон гиламчаси ва маъноси ҳеч кимга маълум бўлмаган, ҳеч

¹ Католик – католицизм мазҳабидаги насроний.

кимга кераги йўқ, акт тўғрисида жон куйдирадилар. Ҳаммамиз ҳам озор берган кишининг гуноҳини кечириш, ўз яқинини севиш ҳақидаги насроний дини қонунига эътиод киламиз ва шу қонунга биноан Москвада кирк карра ибодатхона бино қилганимиз. Шундок бўлишига қарамасдан, кеча бир қочокни қамчи билан савалашди, ўша севиш ва кечириш қонуни йўлида хизмат қиладиган поп ўлимга ҳукм қилинган аскарга ўлим олдида ўлгин деб хоч тутди». Пьер шу ўйларни бошдан кечирава бу умуний, ҳамма эътироф қиладиган риёкорликка қанчалик ўрганиб қолган бўлмасин, ҳар гал янги бир нарса топгандек ҳайратда қоларди.

«Мен бу риёкорлик ва чалкашлики биламан, – дер эди Пьер ўзича, – лекин бу англаган нарсаларимнинг барини уларга қандок қилиб айтсам экан? Мен айтишга оғиз ўнглаганимда ҳамиша шуни пайқар эдимки, мен кўрган ва англаган нарсани булар ҳам кўришади-ю, лекин кўрмасликка ҳаракат қилишади. Демак, шундай бўлиши керак эканда! Лекин мен ўзимни қаёққа қўяй?» Кўплар, айниқса, руслар сингари эзгулик ва ҳақиқат бўлиши мумкин эканини кўриш ва шунга ишониш қобилиятига эга, лекин шу билан бирга, ёвузлик ва ёлғонни жуда яққол кўриб тургани учун ҳаётда жиддий бирон иш қилишдан ўзини ожиз сезар эди. Ҳар бир меҳнат соҳаси унинг кўзига ёвузлик ва алдамчиликка боғлиқ бўлиб кўринар эди. У ким бўлишни истамасин, қайси ишга кўл урмасин, ёвузлик билан алдамчилик уни кўкрагидан итарар ва фаолият йўлини тўсар эди. Лекин начораки, яшамок ва яшамок учун бирон иш билан шугулланмоқ керак. Ҳаётнинг ҳал этилиши мумкин бўлмаган бу масалалари исканжасида эзилиш жуда даҳшатли, шунинг учун ҳам Пьер бу нарсаларни эсдан чиқариш мақсадида ўзини тўғри келган хурсандчилик кучоғига ташларди. У турли-туман йигилишларга борар, ичкиликни беармон ичар, ҳар хил картиналар сотиб олар, бинолар солар ва, айниқса, кўпроқ китоб ўқирди.

У кўлига тушган китобни ўқир, шу қадар кўп ўқирдики, уйга келганда лакейлар уни ечинтираётганда ҳам кўзини китобдан олмас, кўлида китоб билан ухлаб қолар эди,

уйқудан туриши биланоқ мәхмөндорчилік ва клубга борар, гап сотищдан кейин айш-у ишрат, хотинбозликка ўтар, айш-у ишратдан яна гап сотиш, китоб ўқиши ва вино ичишга күчар зди. Вино ичиш унинг учун ҳам жисмоний ва ҳам маънавий бир талабга айланди. Докторлар гарчи семиз бўлганлиги учун унга вино ичиш заарли эканлигини таъкидласалар ҳам барибир у ичкиликни ташламас зди. У ўзи пайқамасдан каттакон оғзига бир неча стакан вино қуийб, тани яйраганда, одамларга меҳрибон, ақлли масаланинг моҳиятига тушуммай, ҳар нарсага ҳозиржавоб бўлгандагина ўзини жуда яхши сезарди. Факат бир-икки шиша вино ичгандан сўнг Пьер илгари уни ваҳимага солган ҳаётнинг чигал ва даҳшатли тутуни унчалик кўркинчли эмаслигини сал-пал идрок этарди. Боши ғувуллаган ҳолда гап сотиб ўтирганида ҳам, одамларнинг гапига кулоқ солаётганида ҳам ёки тушлик ва кечки тамаддидан кейин китоб ўқиб ўтирганида ҳам ҳамиша шу тутуннинг бирон томонини кўриб турарди. Лекин винонинг таъсири остида у ўзига: «Ҳечкиси йўқ. Мен бу тутунни ечаман, мана ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Лекин ҳозир фурсатим йўқ, кейин буларнинг ҳаммасини бир бошидан ўйлаб кўраман!» – дер зди. Лекин шу «кейин»нинг ҳеч вакт соати келмас зди. Эрталаб, наҳорда, ўша саволлар шу қадарчувалиб, ҳал қилиб бўлмайдиган кўринардики, Пьер шошибишиб қўлига китоб олар ва олдига бирор келиб колса ниҳоятда хурсанд бўларди.

Пьер баъзан аскарлар урушда, душман ўки остида беркиниб турган чоғларида хавф-хатарни ўйламаслик учун бирон нарса билан овунармиш, деган сўзни эслар зди. Унинг назарида, одамлар ҳам ҳаётда шу аскарларга ўхшарди: бирор иззатталаблик, бирор картабозлик, бирор конун ёзиш, бирор хотинбозлик, бирор ўйинчоқ, бирор сиёsat, бирор ов, бирор ичкилик, бирор давлат ишлари билан шуғулланиб овунарди. «На аҳамиятли нарса бор, на аҳамиятсиз, ҳаммаси бир гўр, факат шу – ҳаётдан ўзимни обкоча билсан бўлгани, факат шуни кўрмасам, шу мудхиш ҳаётни кўрмасам бас!..» – деб ўйлар зди Пьер.

Кишининг бошларида князь Николай Андреич Болконский кизи билан Москвага кўчуб келди. Ўтмиши, аклъидроки ва оригиналлиги оркасида, айниқса, ўша кунларда император Александр салтанатининг шухрати пасайгани ҳамда Москвада французларга қарши ватанпарварлик оқими хукмрон бўлгани сабабли князь Николай Андреич дарров москваликларнинг ҳурматига сазовор бўлди ва ҳукуматга қарши оппозициянинг¹ Москвадаги марказига айланди.

Князь шу бу йил жуда қариди. Унда қарилек аломатлари жуда яккол кўрина бошлади: ўтирган жойида тўсатдан ухлаб қоладиган, аллақачонги воқеалар эсида тургани ҳолда кечагина бўлиб ўтган ҳодисаларни унутадиган, Москва оппозициясининг бошлиғиман деб гўдакларча мақтанчоқлик қиласидиган бўлиб колди. Лекин, шундай бўлса ҳам, чол, айниқса, оқшом кезлари эгнида пўстин, бошида упа сепилган парик, чой ичгани чиққанида ўтирганларнинг биронтаси луқма ташлаб қўйиши биланоқ ўтмиш ҳақида тўхтаб-тўхтаб ҳикоя қиласкан, ёки ҳозирги аҳвол тўғрисида яна ҳам кўпроқ ўйлаб-ўйлаб, кескин тарзда ўз фикрини сўзларкан, ўтирган меҳмонларнинг ҳаммасида ўзига нисбатан катта ҳурмат ҳисси уйғотарди. Келадиган кишиларга бу қадимги уй катта-катта ойналари, бурунги замондан қолган мебеллари, упа сепган лакейлари, ўтган асрдан қолган тили заҳар ва ўзи мияли чол эгаси, унинг атрофида парвона бўлиб юрган ҳалим кизи, дилкаш француз аёли билан ҳашаматли ва ажойиб бўлиб кўринарди.

Лекин келиб-кетадиган кишилар уй эгалари билан иккичу соат ҳамсуҳбат бўлганда, суткада уйнинг ички ҳаёти ўтадиган яна 22 соат вақт борлигини ўлашмас эди.

Сўнгги вакътларда, Москвада, мана шу ички ҳаёт княжна Марья учун жуда оғир бўлиб кетди. Москвада княжна энг кувончли нарсаларидан – дарвешларининг сұхбати ва хил-

¹ Оппозиция (латинча: *oppositio* – қарама-қарши кўйиш) – қарама-қарши ҳаракат; ихтилоф; ўз дунёкарашини, сиёсатини бошқаларнинг қарашларига, сиёсатига қарши кўйиш. Ҳукмрон мағкура ёки ҳукумат сиёсатига қарши чиқувчи ва масалани бошқача ҳал қилиш йўлини, бошқача сиёсатини таклиф этувчи партия ёки ижтимоий гурӯхларнинг умумий номи.

ватда ҳаёт кечиришдан маҳрум бўлди, Лисие Горида эса мана шу икки нарса унга тасалли берар ва кўнглини кўтараарди. Унинг учун пойтахт хаётининг хеч қандай кизиги ва хурсанд бўладиган томони йўқ эди. Княжна киборлар сухбатига катнашолмас эди. Чол ўзи бормайдиган жойга кизини ёлғиз юбормаслиги ва соглиги ёмон бўлганлиги учун ўзи уйдан чиқмаслигини ҳамма билганлиги сабабли княжна Маръяни зиёфат ва ўтиришларга таклиф килишмас эди. Эрга тегиши орзуидан княжна бутунлай воз кечди. Баъзан уйларга келадиган ва княжнани олишлари мумкин бўлган йигитларни князь Николай Андреич қандай совук ва газаб билан карши олганини ва ҳайдаб юборганини княжна кўриб туарди. Княжна Маръянинг дўсти ҳам йўқ эди; шу гал Москвага келганида икки жонажон дўстидан ихлоси қайтди: илгари ҳам унча сирдош бўлмаган, хозир кўзига ёмон кўринадиган ва баъзи сабабларга кўра княжна ундан узоклашадиган бўлиб қолди; княжна беш йил муттасил хатлашиб юрган дугонаси Жюли билан Москвада шахсан учрашганида унинг буткул ўзгариб, бегона бўлиб колганини сезди. Акалари ўлгандан кейин отасининг ёлғиз вориси бўлган, Москвадаги жуда бой кизлардан бири ҳисобланадиган Жюли шу кунлари киборлик нашъасини сурмоқда эди. уни ёш-ёш йигитлар курсаб олган, ўз фикрича, буларнинг хаммаси тўсатдан Жюлининг фазилатларига баҳо берадиган бўлиб қолган эди. Жюли ёшлиги ўтиб кетаётган кибор қизларнинг шундай бир даврини бошдан кечирмокда эдики, бу даврда шунақа қизлар хозир эрга тегсам тегдим, бўлмаса эрдан қолдим, деб ўйлайди. Княжна Марья пайшанба кунлари хат ёзадиган бўлак одами колмаганини эслаб маъсумгина жилмайиб кўярди, чунки илгари у хат ёзиб юрган Жюли хозир Москвада эди. Княжна ҳар хафта у билан учрашиб турса ҳам, бу учрашишлар унга хеч қандай хурсандлик багишламас эди. Княжна Марья оқшомларини бир неча йил бир хотинникида ўтказиб, кейин унга уйланишдан воз кечган кари муҳожир каби Жюлининг шу ерда эканлигига ва энди хат ёзадиган кишиси бўлмаганлигига афсусланар эди. Москвада княжна Марья гаплашиб ўтирадиган, дард-ҳасрат



қиладиган бир одами йўқ, ҳолбуки сўнгти вақтда унинг юраги янги гам-у гуссаларга тўлиб кетган эди. Князь Андрейнинг чет элдан қайтадиган маҳали ва уйланадиган пайти яқинлашиб қолди, унинг отамни кўндириб қўй, деган илтимоси бажарилмайгина эмас, балки иш бутунлай чаток бўлгандай эди. Бусиз ҳам кўп вақт кайфи бузилиб юрган кекса князь графиня Ростованинг номини эшитиши билан жон-пони чиқарди. Кейинги кунларда княжна Маръянинг дарди устига янги дард бўлган нарса олти яшар жияни Николушкага берадиган дарси бўлди. Княжна жиянини ўқитаётган чоғларида, ўзи ҳам отаси сингари тажанг бўлиб қолганини сезиб, кўркиб кетар эди.

Қизишимаслигим керак, деб минг ўзига таъкид қилса ҳам, Николушкани ўқитиш ниятида қўлига хат-чўп олиб, француз алифбесини очдими, ўзидағи билимни болага жуда тез, жуда осонгина бера қолгиси келарди, ҳозир аммамнинг аччиғи келади, деб кўркиб ўтирган бола салгина эътиборсизлик кўрсатса, асабийлашар, титрар, шошиб қолар, аччиғланар, бақирав, баъзан Николушкани қўлидан ушлаб силтаб кўяр ва жазо бериб уни бурчакка тикка турғизиб кўяр эди. Болани бурчакка тикка турғизиб кўйиб, ўзининг баджаҳлиги ва бадфеъллигига ўзи йиглар, Николушка аммасининг йиғлашини эрмак килиб, рухсатсиз бурчақдан чиқар, княжна олдига келиб унинг кўз ёшидан ҳўл бўлган қўлларини юзидан олар ва овунтирап эди. Лекин княжна ҳаммадан ҳам кўпроқ отасининг феъли айниганига қайғурап эди. Кекса князь ҳадеб қизига ёпишадиган ва кейинги кунларда унга нисбатан бераҳмлик қиладиган бўлиб қолган эди. Агар отаси кечаси билан ухламай сажда килиб чиқ деса, урса, ўтин ташигин, сув олиб келгин деб мажбур қилса – аҳволим оғирлашди деган сўз княжна Маръянинг хаёлига ҳам келмас эди, лекин ўз қизини жуда-жуда севадиган ва севгани учун ҳам ўзини ва ҳам қизини кийнайдиган бу золим ота қизини атайлаб ҳакорат қилиш, ерга уришгагина эмас, балки ҳамма ишда доимо сен айбли, деб исбот қилишга ҳам қодир эди. Кейинги кунларда кекса князь княжна Маръяни ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ кийнайдиган янги бир қилиқ чиқарди – бу



хам бўлса унинг мамзель Буръен билан жуда яқинлашиб олганлиги эди. Ўглининг уйланиши ҳакида ёзган хатини олганда кекса князь: «Агар Андрей уйлансан мен хам Буръени оламан», – деб ҳазиллашган эди, шу ҳазили ўзига маъқул бўлиб колди, шекилли, факат княжнани ҳакорат килиш учунгина кейинги кунларда зўр бериб (княжнага шундай кўринар эди), мамзель Буръен меҳрибончилик киладиган бўлиб колди ва қизидан норозилигини билдириш учун Буръенга хушомад қила бошлади.

Бир куни, Москвада, княжна Марья олдида, кекса князь (княжнага отаси атайлаб шундай қилгандай кўринди) мамзель Буръеннинг қўлидан ўпди ва эркалаб бағрига босди. Княжна Марья қип-қизариб уйдан чопиб чиқиб кетди. Кўп ўтмай княжна Марья олдига қувноқ товуш билан алланималар деб жилмайиб мамзель Буръен кирди. Княжна Марья шошиб-пишиб кўз ёшини артди-да, гурс-гурс одим отиб Буръен олдига борди ва француз аёлга беихтиёр бақириб бидирлади:

– Бу разиллик, бу пастлик, бироннинг заифлигидан фойдаланиб... – У оғзига келган сўзни айтмади. – Йўқолинг, уйимдан чиқиб кетинг, – деб кичкирди ва йиғлаб юборди.

Эртасига князь қизига индамади, лекин княжна Марья шуни пайқадики, тушлик вақтида отаси аввал мамзель Буръен олдига овқат қўйишини буюрди.

Тушликдан кейин буфетчи қахвани одатдагича аввал княжна Марья олдига қўйган эди, бирдан князнинг жони-пони чиқиб, ҳассасини буфетчи Филиппга отиб юборди ва ўша ондаёқ уни аскарликка юбориш ҳакида фармон берди.

– Кулокларига гап кирмайди... Икки марта айтдим!.. Кулокларига кирмайди! Менинг уйимда энг азиз одам шу: бу қиз менинг энг яхши дўстим, – деди князь бақириб. – Агар сен яна бир мартаба бу ҳақда, – кекса князь биринчи марта қизига газаб билан мурожаат килди, – яна бир мартаба кечагидай ўзингни тутолмасанг, уйнинг хўжайини ким эканлигини сенга кўрсатиб қўяман! Йўқол! Кўзимга кўринма! Узр сўра!

Княжна Марья ҳам ўзи ва ҳам буфетчи Филипп учун

(Филиппнинг илтимосига кўра) Амелия Евгеневна ва отаси-дан узр сўради.

Шундай пайтларда княжна Марьянинг қалбida ўзини курбон қилишни истаган одамнинг ғурурига ўхшаш бир туйғу пайдо бўлар эди. Мана шундай кезларда княжна таъна килиб ўтирган отаси олдида турган қўзойнагини кўрмасдан, тўсатдан пайпаслаб излар, ё ҳозиргина бўлган ишни эсдан чиқариб қўяр, ё дармони куриган оёклари билан дилдираб кадам босар, ёки заифлигимни бирор пайқамадими, деб орқасига қайрилиб қарап ва ё энг ёмони шу эдикси, тушлик вактида гапга соладиган меҳмонлар бўлмаса, чол тўсатдан салфеткани тушириб юбориб, қалтироқ бошини ликопча устига эгиб пинакка кетар эди. «Отам қариб, заифланиб колибди-ю, мен яна уни таъна қилиб юрибман», – дер эди княжна Марья ўз-ўзидан нафрatlаниб.

III

1811-йилда, Москвада, тез донги чиққан Метивье деган бир француз доктор яшарди. У узун бўйли, чиройли, француздарга хос назокатли ва москваликларнинг айтишларига кўра, жуда омилкор доктор эди. Олиймакомлар доираси уни доктор сифатида эмас, балки ўзларига тенг киши сифатида қабул килишар эди.

Тиббиётдан кулиб юрадиган князь Николай Андреич кейинги вақтларда мамзель Буръеннинг маслаҳатига кўра шу докторга ўз уйига йўл берди ва унга ўрганиб қолди. Метивье ҳафтада икки марта князь олдига келиб кетар эди.

Ҳазрати Николай куни, князни туғилган куни билан табриклагани эшиги олдига бутун Москва келди, лекин князь ҳеч кимни қабул қилгани ижозат бермади, у бир неча кишининг рўйхатини княжнага бериб, факат шуларни тушликка чақиришни буюрди.

Эрталаб табрик этгани келган Метивье княжнага мен доктор сифатида уйрукни куч билан бузишга журъят килдим, деб князь ҳузурига кирди. Шу именина куни нима бўлдики, эрталабдан бошлаб кекса князнинг кайфияти ниҳоят даражада ёмон эди. У одамларнинг гапига тушунмаган

ва уларга гап тушунтира олмагандай бўлиб, тушгача уйда хархаша қилиб юрди. Княжна Марья отасининг индамасдан, тўнгиллаб юриши, одатда, бир пақиллаб кетиш билан тамом бўлишини билар эди, шунинг учун бугун эрталабдан бўён худди ўклаб, тепкиси кўтариб қўйилган милтиқ олдида ана отилиб кетади, мана отилиб кетади деб кутиб тургандай хавотир олиб юрди. Кун доктор келганга қадар тинчлик билан ўтди. Докторни уйга киргизиб, княжна Марья қўлида китоб, меҳмонхона эшиги олдида ўтириди, чунки кабинетда бўлаётган ҳамма нарсани шу ердан эшитиш мумкин эди.

Княжна аввал ёлғиз Метивъенинг, ундан сўнг отасининг товушини эшилди, кейин ҳар иккала товуш баравар эшитилди-да, эшик очилиб, бўсағада қўрқкан ва ранг-кути учган Метивъенинг кора кокилли келишган фигураси билан князь намоён бўлди; князь бошида қалпок ва эгнида халат, жаҳлдан афт-башараси ўзгариб, кўзлари олайиб кетган эди.

– Тушунмаяпсанми? – бақирап эди князь, – мен тушубниб турибман, француз жосуси, Бонапартнинг кулисан, йўқол менинг уйимдан, жосус, йўқол! – чол эшикин қаттиқ ёпди.

Метивье елкаларини қисиб, шовқинни эшитиб нариги уйдан югуриб чиққан мамзель Буръен олдига борди.

– Князь касалнамо, – сафро¹ ва қон миясига уриди. Ташибшиш тортманг, мен эртага келиб кетаман, – деди Метивье ва бўса маъносида бармоғини лабига қўйиб, шошиб-пишиб чиқиб кетди.

Эшик орқасидан туфли кийган оёқ шарпаси ва «жосулар, хиёнаткорлар, ҳамма ёкни хиёнаткор босиби! Ўз уйимда ҳам мени бирпас тинч қўймайдилар!» – деган шовқин эшитилар эди.

Метивье кетгандан кейин кекса князь кизини чақириб, бутун аламини ундан олди. Кекса князь нима учун жосусни менинг олдимга киргиздинг, деб княжнага ёпищди. У княжнага рўйхат тузиб бер, шу рўйхатда бўлмаган одамларни киргизмасинлар, деб қайта-қайта писанда килмаган-

¹ Сафро (арабча: сарик ранг; окимтир; ўт) – одам жигаридаги безлар оркали мунтазам ишлаб чиқиладиган кўкимтири сарик суюклик; зарда, ўт.

миди. Нима учун энди бу аблакни киргизибдилар! Айб, албатта, княжнада! «Бу киз мени бирпас ором олгани кўймади, хотиржам бўлиб ўлгани кўймади» – дер эди кекса князь.

– Йўқ, онагинам, энди бўлди, чикиб кетинг, чикиб кетинг! Токатим ток бўлди, – деди кекса князь ва уйдан чикиб кетди. Худди княжна бир амаллаб ўзини юпатиб кўйишидан кўркқандай яна қайтиб келди ва ўзини оғир тутишга тиришиб, илова қилди: «Яна жаҳл устида айтди деб ўйламг, хеч қанчалик жаҳлим чиққани йўқ, хўп ўйлаб кўриб айтдим. Гап шу: чикиб кетинг, бўлак бошпана изланг!..» – Аммо чол ўзини тутолмади ва яхши кўрадиган одамлар гагина хос бир ғазаб билан ўз килмишидан ўзи азоб чекиб, титраб-қақшаб қизига бакирди:

– Кошки, бирон каллаварам буни ола қолса экан! – у эшикни ёпди ва мамзель Буръенни кабинетига чакириб, жим бўлди.

Соат икки деганда тушликка чақирилган олти мўътабар зот келди. Булар машхур граф Растворчин, князь Лопухин ва унинг жияни, кекса князнинг қадрдон дўсти генерал Чатров ва ёшлардан Пьер, Борис Друбецкой бўлиб, меҳмонхонада князни кутиб ўтиришарди.

Шу кунлари Москвага отпуска олиб келган Борис князь Николай Андреич билан танишишни истади ва унинг ишончига шунчалик сазовор бўлди, ёшларга рўйхуш бермайдиган князь истисно тариқасида уни қабул қилди.

Князнинг ҳовлиси шаҳарга довруғи кетган катта даргоҳ бўлмаса ҳам, бу ерга келадиган меҳмонлар 5-6 кишидан ошмаса ҳам, лекин бу ҳовлида меҳмон бўлиш бир шараф хисобланар эди.

Борис буни бир ҳафта бурун англади, ҳазрати Николай куни бош кўмондон Растворчинни уйига таклиф қилганида Растворчин боролмаслигини айтиб, Борис олдида:

– Шу куни мен ҳамиша князь Николай Андреичнинг зиёфатига бораман, – деган эди.

– Э, шундайми, – деган эди бошка кўмондон, – князь қалай?

Қадимги услубда ясатилган, кўхна мебеллар кўйилган

барҳаво, баланд меҳмонхонада, тушда йигилишиб ўтирган бу кичкина давра суд маҳкамасининг тантанали мажлисига ўшшар эди. Ҳамма хомуш ўтирас, сўзлашганда ҳам оҳиста-оҳиста сўзлашар эди. Князь Николай Андреич меҳмонлар олдига хомуш ва жиддий алпозда чиқди. Княжна Марья ҳар кунгидан кўра сокин ва ювош кўринар эди. Шу тобда унинг кулоғига гап кирмаслигини пайқаб, меҳмонлар унга ноилож сўз котишар эди. Граф Растопчин гоҳ шаҳардаги ва гоҳ сиёsat соҳасидаги сўнгги янгиликлар ҳакида гапириб, сұхбатни ёлғиз ўзи кизитиб ўтиради.

Лопухин билан кекса генерал ҳар замонда бир гапга аралашиб қўяр, князь Николай Андреич буларнинг сұхбатига худди докладга қулок солиб, ҳар замонда бир бош иргитиш ва ё бирон сўз айтиш билан докладларингни маълумотга оламан, деган олий суд раиси сингари қулок солиб ўтиради.

Сұхбатнинг боришидан сиёsat оламида бўлаётган ишларни ҳеч ким маъқулламаганлиги қўриниб турар эди. Гап, афтидан, аҳвол кун сайин оғирлашиб бораётганини тасдиклайдиган воқеалар ҳакида борар, лекин ҳар бир сўз ва муҳокаманинг ажабланарли томони шунда эдики, сўз шаҳаншоҳ оғизга олинадиган бир чегарага етиши билан ё гапираётган киши сўзини қиска қиласар ва ё бошқа бирор унинг гапини бўлар эди. Тушлик устида сўнгги сиёсий янгиликлардан, Наполеон Олденбург герцогининг мулкини босиб олганидан, Россия барча Европа саройларига Наполеонга душманона нота юборганидан сўз очилди.

– Қарокчи босиб олинган кемага қандай муносабатда бўлса, Бонапарт Европага шундай муносабат қиляпти, – деди граф Растопчин минг марта айтган сўзини яна такрорлаб. – Подшоларнинг сабр-у тоқатига ва ёки кўр бўлиб қолганига ҳайрон бўласан киши! Энди навбат папага¹ келди, Бонапарт ҳеч қандай истихола қилмасдан, католик дини бошлигини тахт-тожи билан яксон қилмокчи бўлаётиби ҳамки, ҳеч ким индамайди! Олденбург герцогининг мулкини забт қилганлиги ҳакида ёлғиз бизнинг подшоҳимиз

¹ Папа – Рим-католик черковининг бошлиги.

эътироз билдири, холос. У ҳам бўлса... – граф Растопчин подшоҳ таъна қилинадиган чегарага келиб қолганини фаҳмлаб, дарров гапдан тўхтади.

– Олденбург герцоглиги ўрнига бўлак бир мулкни таклиф қилишибди, – деди князь Николай Андреич.

– Мен дәжконларни Лисие Горидан Богучарово ва Рязанга кўчирганим сингари улар ҳам герцогларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришяпти.

Борис одоб билан гапга аралашиб:

– Ольденбург герцоги бошига тушган бу мусибатни зўр матонат ва сабр-у бардош билан кўтаряпти, – деди. У шунинг учун ҳам бу гапни айтдики. Петербургдан келаётганида йўлакай герцогнинг хузурига кириш шарафига ноил бўлган эди. Князь Николай Андреич ёш йигитнинг бу гапига бир нима демокчи бўлгандай унга бир қаради-ю, ҳали гўдак ҳисоблаб индамай қўя қолди.

– Мен Ольденбург масаласи ҳакида ёзилган эътиро-зимизни ўқиб, унинг жуда ёмон услубда ёзилганлигига ҳайрон қолдим, – деди граф Растопчин беш бармоғидай яхши биладиган масала ҳакида бепарволик билан гапираётган кишига ўхшаб.

Пьер нотанинг ёмон ёзилганлиги нима учун бу кишини ташвишга солибди, деб Растопчинга анграйиб қаради.

– Граф, нотанинг мазмуни зўр бўлса, унинг қай услубда ёзилганлигининг нима аҳамияти бор? – деди Пьер.

– Эй дўстим, 500 минг қўшин бўлганда яхши услубда ёзиш ҳам осон бўларди, – деб жавоб берди граф Растопчин. Пьер нотанинг услуби нима учун Растопчинни ташвишга солаётганини энди англади.

– Мирза жуда сероб бўлиб қолган, шекилли, – деди кекса князь, – Петербургда нотагина эмас, балки янги қонунлар ҳам ёзишяпти. Менинг Андрюшам у ерда Россия учун том-том қонунлар ёзди. Ҳозир ҳамма ёзадиган бўлиб кетган! – деди князь ва ғайритабиий кулди.

Бир дақиқача жимлик чўкди; кекса генерал йўталиб, бошқаларнинг дикқатини ўзига жалб қилди:

– Петербургдаги сўнгти кўриқда бўлган бир воқеани

эшитдиларингми? Франциянинг янги элчилари ўзларини қандай туттнларидан хабарларинг борми?

– Нима? Ҳа, кулогимга чалингандай бўлган эди; зоти олийларининг ҳузурида бир бехуда сўз айтиби.

– Зоти олийлари Франция элчисининг диккатини гренадёр дивизияси ва тантана маршига жалб этибдилар, – давом этди генерал, – элчи ҳеч эътибор килмабди ва ҳатто Францияда биз бунақа арзимайдиган нарсаларга ахамият бермаймиз дейишга журъат қилибди. Подшоҳ бунга жавобан ҳеч нарса демабдилар. Кейинги кўрикда подшоҳ унга ҳеч эътибор килмабдилар.

Ҳамма жим бўлди, подшонинг шахсига оид бўлган бу масала ҳакида ҳеч ким фикр юргизиши мумкин эмас эди.

– Беандишалар! – деди князь. – Метивъени биласизларми? Мен уни ҳали уйимдан ҳайдаб юбордим. Бугун шу ерда эди. Менинг олдимга ҳеч кимни киргизманглар деб тайинлаган бўлсан ҳам, уни киргизишибди, – деди князь қизига ғазаб билан бир қараб, князь француз докторига нималар деганини ва Метивъенинг жосуслигига нима учун ишонганини гапириб берди. Князь кўрсатган далил-исботлар, гарчи етарли ва очик-ойдин бўлмаса ҳам, лекин ҳеч ким эътироҳ қилмади.

Қовурма билан шампан виноси келтирилди. Мехмонлар кари князни табриклаб, ўринларидан туришди. Княжна Марья ҳам отасининг олдига келди.

Князь қизига бир хўмрайиб қаради-да, кейин буришган, соқоли кирилган юзини унга тутди. Чолнинг бутун афтангори, эрталабки гап ҳали эсимда, мен ўз ниятимдан кайтганим йўқ, ҳозир фақат меҳмонлар туфайли бу ҳақда индамай турибман, деб турар эди.

Қахва ичгани меҳмонхонага чикилганда чоллар бирга ўтиришди.

Князь Николай Андреич анча очилди ва бўлажак уруш тўғрисида ўз мулоҳазасини айтиб берди.

– Модомики, – деди князь, – биз немис билан иттифоқчи бўлиш йўлини қўзларканмиз, модомики, Тильзит сулҳига кўра Европа масалаларига аралашарканмиз, Наполеонга

карши олиб борадиган урушимиznинг оқибати ёмон бўлади. Биз на Австрия тарафини олиб урушишимиз керак ва на Австрияга қарши. Биз барча сиёсатимизни Шарқда амалга оширишимиз керак, Бонапарт масаласига келганда, чегараларимизни қуролли кучлар билан таъминлашимиз ва қаттиқ сиёсат олиб боришимиз кифоя. Бонапарт ҳеч қачон еттинчи йилдагидек рус чегарасидан ўтишга журъат килмайди.

– Э, князь, биз французлар билан урушиб бўлибмиз, – деди граф Растопчин. – Биз ўз устод ва худоларимизга қарши ярог кўтаришга журъат эта олармидик? Ёшларимиз ва хонимларимизга қаранг. Ҳозир худомиз французлар-у, жаннатимиз Париж бўлиб қолган!

У, ҳамма эшитсин деб, атайлаб баланд овоз билан гапира кетди.

– Кийимда ҳам, фикрда ҳам, туйғуда ҳам французларга таклид киляптилар! Мана сиз, Метивъени француз ва абллаҳ бўлгани учун ҳайдаб юборибсиз, хонимларимиз эса унинг кетидан эмаклаб юришади. Кеча бир зиёфатга борган эдим, ўтирган беш хонимдан учтаси католичка экан, булар папанинг ижозати билан якшанба кунлари ҳам кашта тикармиш. Ўзлари эса, ҳаммом вивескасидағи хотинларга ўхшаб, гап келганда айтдим, кечирасизлар, сал бўлмаса қип-яланғоч бўлиб ўтиришибди. Ёшларни кўринг, князь, музейдан Буюк Пётр калтагини олиб, русчасига боплаб солгинг келади, токи бу ахмоклик бошларидан чиқиб кетсин!

Ҳеч ким индамади. Кекса князь кулимсираб Растопчинга каради ва тасдиқ макомида бош ирғитди.

Растопчин ўзига хос бир чакқонлик билан ўрнидан турди ва князга қўл узатаркан:

– Хайр, жаноби олийлари, саломат бўлинг, – деди.

Кекса князь унинг қўлини ушлаб, ўптиргани юзини тутаркан:

– Сен ҳам омон бўл, дўстим, сенинг сухбатингга ҳамма вакт муштоқман! – деди.

Растопчин билан бирга бўлак меҳмонлар ҳам туришди.

Княжна Марья, меҳмонхонада чолларнинг муҳокама ва гап-сўзларига кулок солиб ўтирас экан, бу сўзлардан ҳеч нарса тушунмади; у факатгина отамнинг менга килаётган дагал муомаласини меҳмонлар пайқамаяптимикин деб ўларди, холос... Княжна Марья шу чоғгача уйларига уч марта келиб кетишга улгурган Друбецкойнинг бутун тушлик давомида килаётган айрим эътибор ва хушомадини ҳам пайқамади.

Князь меҳмонлар билан уйидан чиқиб кетгандан кейин, Пьер қўлида шляпа, кулимсираб княжна Марья олдига келди, княжна паришонхол ва савол назари билан унга қараб туарар эди.

Пьер княжнадан:

– Майлими, яна бироз ўтирсам? – деб сўради ва оғир гавдасини княжна ёнидаги креслога ташлади.

– Марҳамат, марҳамат, – деди княжна. Унинг кўзлари: «Сиз ҳеч нарсани пайқамадингизми?» – деб туарар эди.

Пьернинг кайфияти жуда яхши эди, чунки тушликдан кейин ҳамиша хушхол бўларди. У ерга қараб жилмайиб туарди.

– Бу йигитни кўпдан бери танийсизми, княжна? – деб сўради у.

– Кимни?

– Друбецкойни дейман.

– Йўқ, якинда...

– Сизга ёқадими?

– Ҳа, анча ёқимли йигит... Нега сўраяпсиз? – деб сўради княжна Марья ҳамон отасининг эрталабки қилмишини ўйларкан.

– Негаки, мен бир нарсани билдим – бу йигит, одатан, Петербургдан Москвага бирон бой қизга уйланиш мақсадидагина отпуска олиб келади.

– Сиз шуни кузатиб юрганимидингиз? – деб сўради княжна Марья.

– Ҳа, – деди Пьер кулимсираб. – Ҳозир каерда бир бой қиз бўлса бу йигитни ўша ерда кўрасиз. Мен унинг бу нияти-

ни афт-у башарасидан биламан. У хозир икки орада қолган: сизни танласамикан, мамзель Жюли Каагинани танласамикан? Жюлига у астойдил хушомад қилиб юрибди.

– Жюлининг уйига бориб турадими?

– Ҳа, жуда тез-тез бориб туради. Ҳозир хушомад кишида янги бир усул чикканини биласизми? – деди Пьер кувнок табассум билан. У, афтидан, шўхлиги тутиб, одамларни мазах қилиб юрадиган бир кайфиятда эди ва шу килифи учун кўпинча ўзининг хотира дафтарида сўкиб юрарди.

– Йўқ, билмайман, – деди княжна Марья.

– Энди Москва қизларига ёқиш учун маҳзун бўлиб юриш керак. У Жюли Каагина олдида ҳамиша ўзини маҳзун тутади, – деди Пьер.

Княжна Марья ҳамон ўз қайғусини ўйларкан, меҳрибон Пьернинг юзига қараб:

– Ростданми? – деб сўради ва ўзича деди: «Агар рози дилимни бировга айтгани журъат этсам, юрагим анча бўшар эди. Айтсам ҳам, факат Пьергагина айтар эдим. Бу жуда меҳрибон ва олижаноб одам. Балким, анча енгил тортар эдим. Балким, у бирон маслаҳат берар эди!»

– Сиз ўшанга тегармидингиз? – деб сўради Пьер.

– Ох, граф! Шундай вактлар бўладики, ким бўлмасин, барибир, тегишга рози бўламан, – деб юборди княжна Марья йиғламсираб. – Ох, яқин кишингни севиш ва унга кулфатдан бошқа нарса келтира олмаслигингни билиш... – давом этди княжна титрокли товуш билан, – ва бошқа иложинг йўклигини сезиш нақадар оғир! Шунда факат бир чора қоладики, бу ҳам бўлса чиқиб кетиш, лекин мен қаерга кетаман?

– Княжна, нима деяпсиз, нима бўлди сизга?

Княжна Марья сўзини тугатмасдан, йиғлаб юборди.

– Бугун менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Менинг сўзларимга қулоқ солманг, айтганларимнинг ҳаммасини эсдан чиқаринг.

Пьернинг кайфи кочди. У зўр ташвиш билан княжнадан нима ҳодиса рўй берганини, юрагидаги аламини айтишни сўради, бироқ княжна, яна айтган гапларимни эсдан чиқаринг, нима деганимни ўзим ҳам эслолмайман, сиз биладиган

битта ташвишдан бўлак ғамим йўк, бу ҳам бўлса князь Андрейнинг уйланиш масаласидир ва мен шу масала устида ота-бала уришиб қолмасин, деб қўрқаман, – деди.

– Ростовлардан хабарингиз борми? – деб сўради княжна Марья гапни бошка ёкка бурмокчи бўлиб. – Якинда кўчиб келишармиш. Ҳар кун кўзим Андрейнинг йўлида. Мен уларнинг шу ерда учрашишини истар эдим.

Пъер кекса князни назарда тутиб:

– Бу ишга у киши қандай карайди? – деб сўради. Княжна Марья бош чайқади.

– Нима ҳам қилиш мумкин? Бир-икки ойдан кейин йил тўлади. Бунинг шундай бўлиши ҳеч мумкин эмас. Мен князь Андрейни биринчи дақиқада юз берадиган ходисалардан халос этмоқни истардим. Мен истар эдимки, тезроқ келишин. Мен графиня Ростова билан кўришмок умидидаман... Сиз уларни кўпдан бери танийсиз, – деди княжна Марья, – бир нарсани сўрайман, лекин ростини айтинг, бу киз қанака киз ва унинг тўғрисида қандай фикрдасиз? Лекин ҳақиқатни айтинг, чунки, биласизми, Андрей отамнинг хоҳишлирига қарши шу ишни ихтиёр қилиб, катта хатарга йўл очяпти. Мен шуни билмоқчи эдимки...

Ноаник бир табиий туйғу Пъерга, бу писанда ва бор ҳақиқатни айтинг, деб ёлворишлар остида бўлажак келинига нисбатан княжна Маръяда бир норозилик ҳисси борлигини кўрсатиб турар эди. Княжна Марья князь Андрейнинг бу кизга уйланаёттанини Пъер ҳам номаъқул ҳисоблашини истар эди, бирок Пъер ўйлаганидан ҳам кўра кўпроқ сезганини гапирди.

– Билмадим, саволингизга қандай жавоб берсам экан, – деди Пъер қизариб ва нима учун қизарганини ўзи ҳам билмай. – Бу киз қанака киз эканлигини мен мутлако билмайман; мен уни таҳлил этишдан ожизман. Мафтун киладиган киз. Лекин нимаси билан мафтун қилишини айта олмайман, унинг тўғрисида айтадиган гапим шу.

Княжна Марья бу сўзларни эшитиб хўрсиниб қўйди ва юзи: «Мен сиздан шуни кутиб, қўркиб ўтирган эдим», – деб турар эди.

– Узи ақлли кизми? – деб сўради княжна Марья.

Пьер ўйлаб қолди.

– Менимча, йўқ, – деб жавоб берди Пьер, – балким, ақлли ҳамдир... унинг ақлли бўлиши шарт эмас... Йўқ, у факат дилбар, холос.

Княжна Марья норози тарзда бош чайқади.

– Ох, мен уни севишни истардим. Сиз агар у кизни мендан илгари кўрсангиз, шуни айтинг, албатта.

– Шу яқин орада кўчиб келишар эмиш, – деди Пьер.

Княжна Марья ўз ниятини Пьерга айтиб берди.

У Ростовлар кўчиб келишлари биланоқ бўлажак келини билан танишиш ва кекса князни унга ром килиш ниятида эди.

V

Борис Петербургда бой кизга уйлана олмаганидан кейин шу мақсад билан Москвага келди. Москвада у уйланиши мумкин бўлган икки бой киз – Жюли Карагина билан княжна Марья эди ва Борис булардан қайси бирини танлашни билмай қолди. Княжна Марья, хунуклигидан катъи назар, Бориснинг кўзига Жюлидан кўра жозибалироқ кўринган бўлса ҳам, негадир Болконскаяга хушомад қилиш унинг учун ўнғайсиз бўлди. Борис сўнгги марта кекса князнинг именинасида учрашганда княжнага бир неча марта муҳаббат изҳор қилмокчи бўлди, аммо княжна унинг сўзига қулок солмаган эди, шекилли, ҳар гал пойма-пой жавоблар кайтарди.

Жюли, аксинча, ўзига ҳос бир тарзда бўлса ҳам, унинг хушомадларини жон деб қабул килар эди.

Жюли 27 ёшда. Акалари ўлгандан кейин у жуда бой киз бўлиб қолган. У буткул хунук бўлиб қолган бўлса ҳам, лекин ўзини чиройликкина эмас, балки, аввалгидан ҳам жозибалироқ ҳисоблар эди. Унинг ўзи тўғрисида нотўғри хулоса чиқаришига сабаб, биринчидан, бой киз бўлиб қолиши бўлса, иккинчидан, ёши улғайган сайин эркаклар ҳеч кандай мулоҳазага бормасдан у билан муомала қилишлари ва унинг уйида бўладиган кечки таом ва катта зиёфатлардан бўйин-

ларига ҳеч қандай мажбурият олмасдан. баҳраманд бўлишлари эди. Бундан ўн йил бурун бўйи етган, 17 ёшли киз бўлган уйга ҳар куни бориш ва ўзини унга boglab кўйишдан кўрккан эркак, энди бехавотир кунда борар ва у билан муомала килганда ўзини бўйи етган киз билан эмас, балки ҳар қандай жинсга тааллукли бўлмаган бир таниши билан муомала килаётгандай тутар эди.

Карагиналарнинг уйи шу киши Москвада дилкаш ва меҳмондўст уйлардан бўлиб қолди. Бериладиган зиёфат, уюштириладиган кечалардан ташқари Карагиналар уйида ҳар куни катта-катта сухбатлар бўлар, келган меҳмонларнинг кўпи эркаклар бўлиб, улар кечаси соат 12 ларда овқатланиб соат 3 ларгача ўтириб қолишарди. Жюли бормаган бирон ҳам, томоша ҳам, театр ҳам йўқ. Унинг ҳожатхонаси ҳам ҳамиша энг янги мода ҳожатхона бўлар эди. Бироқ шундай бўлса ҳам, Жюли ҳамма нарсадан ноумид бўлгандай кўринар, кўрган одамига, мен дўстликка ҳам, муҳаббатга ҳам, ҳаётнинг ҳеч қандай хурсандлигига ҳам ишонмайман, мен барча роҳатни у дунёдан кутаман, дер эди.

Жюли ўзини жуда катта умидлари пучга чиқкан, энг севимли кишисидан айрилган ёки унинг қаттиқ алдовига тушган кизлардай тутар эди. Гарчи у бунақа нарсаларнинг яқинига бормаган бўлса ҳам, одамлар унга шунақа деб карар ва ўзи ҳам мен ҳаётда кўп кулфатларни кўрдим, деб ишониб юрар эди. Унинг хурсандлик килишига халал бермаган бу маҳзунлик, уйига келган йигитларнинг ҳам у билан киладиган ўйин-кулгиларига халал бермас эди. Уларнинг уйига келган ҳар бир меҳмон аввал уй бекасининг кайфиятига мувофиқ ўзини маҳзун тутар, кейин дунёвий гаплардан гапирав, тана қилас, аклий ўйинлар билан шугулланар, баҳри байт айтишар эдики, бу Карагиналар уйида расм бўлиб колган эди. Факат баъзи бир йигитлар ва шу жумладан Борис, Жюлининг маҳзун руҳий холатига берилиб кетар. Жюли ҳам бунақа йигитлар билан дунёning бевафолиги ҳақида узок ҳоли сухбатлашиб ўтирав, уларга ҳар хил қайғули суратлар чизилган ҳикматли сўзлар ва шеър ёзилган альбомни кўрсатар эди.

Жюли Борисга хийла мөхрибон эди: унинг ҳаётдан бунчалик тез ноумид бўлганига афсусланар, ўзи ҳаётда кўп кулфатлар тортган киши бўлиб, унга дўстона тасалли берар ва ўз альбомини кўрсатар эди. Борис унинг альбомига икки ниҳолни чизиб бундай деб кўйди: – Қишлоқ ниҳоллари, сенинг қора шохларинг менинг устимга зулмат ва қайғу соясини солади..

Бошқа бир жойга мақбара расмини чизиб, бундай деб ёзди:

*Ўлим ҳалоскор эрур, ўлим осойиштадир,
Азобдан қутулмоқнинг йўқдир ўзгаchorаси..*

Бу байт Жюлига жуда ёқди.

Махзун табассумда мафтун этувчи чексиз бир нарса бор, – деди Жюли китобдан айнан кўчириб олинган шу сўзларни такрорлаб.

Бу кўланкага тушган нур, қайғу билан ноумидлик орасидаги бир нарса бўлиб, таскин топиш мумкинлигини кўрсатади.

Бунга жавобан Борис шу шеърни ёзди:

*Ўта нозик бир қалбнинг заҳаролуд таоми
Сен, о сенсиз қулмагай менинг баҳтим – толеим.
Кел, эй овут кўнгилни, молихулё туйгуси,
Гўшанишин¹ чогимда азобларга барҳам бер!
Ва бир истакким яна; шашқатор кўз ёшимга
Омухта эт, омухта, сирли нашъа-ю сафо!.*

Жюли арфада энг ҳазин қуйларни чалиб берди.

Борис ҳам унга «Бечора Лиза»ни ўқиб берди ва ўқиётган вактида ҳаяжондан бир неча мартаба энтикиб тўхтаб қолди. Катта ўтиришларда учрашганда Жюли билан Борис ўзларини дунёда бир-бирига лоқайд, бири иккинчисига тушунадиган кишилардай турар эди.

Карагиналарникига тез-тез бориб турадиган ва бўлажак кудаси билан улфат бўлиб олган Анна Михайловна гап орасида Жюлиниң сепига нималар берилишини аниқ билиб олди (Пензадаги икки мулк билан Нижегороддаги ўрмонларни беришмоқчи эди). Анна Михайловна худонинг тақди-

¹ Гўшанишинлик – тарки дунё килиб, одамлардан узок яшаш.

рига тан бериб, ўғлининг тақдирини бой кизининг тақдирига боғлаган бу латиф маҳзунликка катта ихлос билан карар эди.

– Бизнинг дилкаш Жюлимиш ҳамон гўзал ва маҳзундир, – дер эди у бўлажак келинига. – Уларнинг уйида киши роҳат килади, дейди Борис. Ўглим жуда кўп ноумидликларни кўрди, у жуда хассос, – дер эди бўлажак қудасига.

– Ох, дўстим, сўнгги кунларда Жюлига шу қадар ўрганиб қолибманки, тасвир эта олмайман, – дер эди Анна Михайловна ўғлига. – Ҳа, уни севмасдан бўлар эканми, у фаришта-ку. Ох, ўғлим, ўғлим! – у бир дакика жим бўлди. – Унга шундай раҳмим келдики, асти қўявер! – деб давом этди Анна Михайловна. – Бугун Пензадан келган ҳисобот ва мактубларни кўрсатди (у ерда катта мулклари бор), бечора ҳаммасига ўзи бош котириши керак. Уни шундай алдашадики!

Борис онасининг бу сўзларига қулок соларкан, хиёл кулимсиради. У онасининг содда-муғамбирлигига ичидаги кулиб қўйса ҳам, лекин унинг сўзларига қулок солди ва ҳар замонда бир савол бериб, Жюлини, Пенза ва Нижегороддаги мулклари ҳакида баъзи бир нарсаларни сўраб олди.

Жюли аллақачондан бери маҳзун хушторининг муҳаббат изҳор килишини кутиб, унга тегишга тайёр бўлиб юрган эди, бироқ қачон эрга тегарман деб ҳикиллаб юриши ва соҳта харакатлари Бориснинг ихлосини қайтариб қўйди ва Борис ҳакикий муҳаббатдан бутунлай маҳрум бўлиш вахимаси билан бу ишни пайсалга соларди. Унинг отпускаси ҳам тамом бўлай деб қолди. У ҳар куни Карагиналарникига келиб бутун вактини шу ерда ўтказар ва ҳар келганида: «Эртага, албатта, муҳаббат изҳор килиб қўлини сўрайман», – деб ўзига ўзи сўз берар эди. Аммо Жюлиниг рўпарасида ўтириб, унинг ҳамиша упа сепилган қип-қизил юзи ва иягига, сузилиб турган кўзлари ва ҳазинликдан эр хотинлик даврини сургани ўташга тайёр турган афт-у башарасини кўриб, Борис, гарчи ўз хаёлида ўзининг Пенза ва Нижегороддаги мулкларининг эгаси ҳисоблаб ва бу мулклардан келадиган даромадларни ўзича тақсимлаб юрган бўлса-да, бу катъий сўзни айтишдан ўзини тўхтатар эди. Жюли Борис-

нинг иккиланиб юрганини кўриб, баъзан мен унга ёқмайман, шекилли, деган хаёлларга борса ҳам, лекин ўзича: «Борис мени яхши кўргани учун ҳам шунақа тортиங்களிக் கилиб юрибди», – деган хотинча ҳом хаёллар билан ўзига тасалли берар эди. Аммо у тоқати ток бўлиб, маҳзунликдан асабиятга ўта бошлади ва Бориснинг кетиши олдида катъий бир тадбир кўрди. Бориснинг отпускаси тамом бўлаётган кунлари Москвада, Карагиналар уйида, Анатолий Курагин пайдо бўлганда Жюли, тўсатдан маҳзунликни тарк этиб, жуда очилиб кетди ва Курагинга серилтифот бўлиб колди.

– Дўстим, – деди ўглига Анна Михайловна, – мен ишончли манбалардан шуни билдимки, князь Василий ўғлини Жюлига уйлантириш максадида уларникига юборяпти. Мен Жюлини шу қадар яхши кўраманки, агар бу иш шундай бўлса, мен жуда-жуда ачинаман. Сен нима дейсан, дўстим? – деди Анна Михайловна ўглига.

Қизни кўлдан бериб, аҳмок бўлиб қолиши, Жюли уйида маҳзунлик билан ўтказган бир ойнинг бекорга кетиши, Пензадаги мулклардан олинадиган ва ўз хаёлида минг хил режалар тузиб, аллақачонлар сарф қилинган даромадлар бошқа бироннинг, айниқса, Анатоль каби аҳмокнинг қўлига ўтиши Борисга алам қилди. У Карагиналарникига бу гал катъий ният билан, Жюлиниң қўлини сўраш нияти билан кетди. Жюли хушҳол ва бегам кайфиятда уни карши олди, кеча бўлиб ўтган балда қилган хурсандчиликларини шакиллаб гапириб берди ва унинг қачон кетишини сўради. Борис, гарчи муҳаббат изҳор қилиш ниятида келган ва ўзини мулойим тутишга ҳаракат қилган бўлса ҳам, гаши келиб, хотинларнинг бевафолиги, уларнинг хафаликдан хурсандликка кўчиши осон эканлиги, хотинларнинг кайфияти ким хушомад қилишига боғлиқ экани ҳакида гапира кетди. Бу сўзлар Жюлига қаттиқ тегди ва у: «Ҳа, бу гапингиз рост, ҳадеб бир ошни ича бериш кишининг кўнглига тегади», – деди.

Шунинг учун ҳам сизга маслаҳат берар эдимки, – деб Борис бир жончикар гап бошламоқчи бўлиб оғиз ростлади-ю, аммо шунча меҳнатим барбод бўлиб, Москвадан мақса-

димга ета олмасдан кетаманми (у хеч қачон бекорга бир қадам босган одам эмас), деган ўйга борди ва ҳалиги алам килган нарса эсига тушди-ю, у гапини тутатмасдан, Жюлиниг газабдан ўзгариб кеттан хунук юзини кўрмаслик учун ерга қаради ва шундай деди: «Мен сиз билан уришгани келганим йўқ. Аксинча... – У нариги тарафини айтсан бўлармикин деб, Жюлиниг авзойини билмокчи бўлиб, юзига қаради. Бирпастда Жюлиниг юзида асабиятдан асар ҳам қолмади. Унинг сузилиб турган кўзлари Борисга қараб жавдираб тураг эди. «Мен бунинг дийдорини камрок кўриш йўлини ҳамма вақт топишим мумкин, – деди ичиди Борис. – Аммо бошланган ишни охирига етказиш керак!» У кизариб бошини кўтарди ва Жюлига қараб: «Менинг сизга бўлган муҳаббатимни ўзингиз биласиз!» – деди. Бундан бўлак сўзниг ҳожати йўқ эди: Жюли гул-гул очилиб кетди, бироқу Борисни шундай пайтларда айтиладиган гапларни айтишга, яъни «Мен сизни жуда яхши кўриб қолдим. Шу чоғача бирон хотинни шунчалик севмаган эдим», – дейишга мажбур килди. Жюли билардикি, Пензадаги мулки ва Нижегороддаги ўрмонлари бадалига шуни талаб этишга ҳадди сифади ва шу истагини қондирди.

Келин билан куёв, бошларига зулмат ва ҳазинлик соясими соладиган дараҳтларни ҳам унугтиб, келажакда Петербургда ҳашаматли уй-жой килиш, киборлардан кимларнинг уйига бориш, тантанали тўйга ҳозирлик кўриш ҳакида турли режалар тузишли.

VI

Граф Илья Андреич январнинг охирларида Наташа билан Соняни олиб Москвага келди. Графиня ҳамон хаста бўлгани учун бирга кела олмади ва унинг тузалишини кутиб тургани фурсат бўлмади: шу кеча-ю кундуз князь Андрей Москвага келиши керак, бундан ташқари Наташанинг сепи учун лозим бўлган нарсаларни олиш, Москва ташқарисидаги боғни сотиш, кекса князнинг Москвада эканидан фойдаланиб бўлажак келинини унга таништириш зарур эди. Ростовларнинг Москвадаги уйлари жуда совук эди; бундан

ташқари Илья Андреич графинясыз бир неча кунгагина келгани учун күпдан бери таклиф этиб юрган Марья Дмитриевна Ахрасимованикига тушишга қарор берди.

Ростовлар күч-күрөнлари билан түрт арава бўлиб, кечкурун Марья Дмитриевнанинг Қадимий Конюшина кўчасидаги ҳовлисига кириб келишди. Марья Дмитриевна бир ҳовлида ўзи ёлгиз турар, чунки кизи аллақачон эрга тегиб кетган, ўғиллари ҳарбий хизматда эди.

Марья Дмитриевна ҳали ҳам коматини тик тутар, ўз фикр-у мuloҳазасини ҳали ҳам одамларнинг бетига шартташартта гапираверар, ҳали ҳам бутун вужуди билан гўё бошқаларни ҳар қандок заифлик ва ҳар қандай хирс-хавас учун сўкар (ўзи бу нарсаларни зътироф килмас эди), сахардан бошлаб почапўстинини кийиб, уй-рўзгор юмушлари билан шуғулланар, ҳар байрам куни тушки ибодатга, бутхонадан чиқиб тўғри камоқхона ва турмаларга борар (унинг бу ерда ҳамма вақт иши бўлиб, бу иш ҳакида ҳеч кимга оғиз очмас эди), бошқа кунлари эса кийиниб, ишлари тушиб келган ҳар хил одамларни кабул килар, ундан кейин овқат килгани ўтирас (ёғли ва мазали овқат вақтида ҳамиша 3-4 меҳмон ҳозир бўлар эди), дастурхон йиғиширилгандан сўнг бир навбат карта ўйнар, кечалари эса бошқаларни газета ва янги китоб ўқиб беришга мажбур килар, ўзи бунга қулок солиб, иш тикиб ўтирас эди. У уйидан жуда камдан камчиқар, чиққанида ҳам факат шаҳарнинг энг мўътабар одамлари уйигагина борар эди.

Ростовлар келганда Марья Дмитриевна ҳали ухламаган эди. Даҳлиз эшиги ғич этиб очилди-ю, совук ташқаридан ичкарига Ростовлар ўз хизматкорлари билан киришди. Марья Дмитриевна кўзойнагини бурни устига тушириб коматини баланд кўтариб, зал эшиги олдида тураркан, кираётганларга қовоғини солиб жиддий киёфада қаради. Агар Марья Дмитриевна шу он меҳмонларни юклари билан қайси уйга жойлаштириш ҳакида хизматкорларига фармон бериб, ғамхўрлик килмаса, булар келиши унга ёқмади, ҳозир хайдаб чиқаради деб ўйлаш мумкин эди.

– Графникими? Бу ёққа олиб кел, – деди у ҳеч ким билан

салом-алик қилмасдан жомадонларга ишора килиб. – Кизларни бу ёкка, чап томонга! Ҳа, нега қаққайиб колдиларинг! – деди хизматкор қызларга. – Дарров самовар қўйинглар! – Кейин совукда иккала бети қип-кизил бўлиб кетган Наташанинг телпагидан тортиб: – Дўмбоккина бўлибсан, очилиб кетибсан-ку! – деди у. – Вой, музлаб кетибсан-ку, ечина кол тезрок, – деб кичкирди у кўлини ўпмокчи бўлаётган графга. – Жуда совкотгандирсан! Чой билан ром беринглар! Сонюшка, – деди у Соняга. Шу французча саломлашиш билан Соняни унча назари илмаганини ва шу билан бирга унга меҳрибон эканини кўрсатди.

Меҳмонлар тоза кийимларини кийиб, у ёк бу ёкларини тузатиб, чойга чикканларида Марья Дмитриевна бир бошдан яна ҳаммани ўпди.

– Қадамларинг бош устига, меникига тушганларингга жуда-жуда хурсандман. Кўпдан буён кўз тутиб юрган одам, – деди у Наташага маъноли караб, – чол шу ерда, хар кун ўғлининг келишини кутади. У билан, албатта, танишмок керак. Хўп, бу ҳақда кейин гаплашамиз, – деди у Соняга бир караб олиб. Унинг бу кўз караши Соня олдида бу ҳақда гапиришни истамаганини кўрсатар эди. – Менга қара, – деди графга, – эртага нима ишинг бор? Кимни чакирмокчисан? Шиншин бир, – Марья Дмитриевна бир-бир бармогини буқди, – йиғлоки Анна Михайловна – икки. У ўғли билан Москвада юрибди. Ўғли уйланяпти! Кейин Безухов. У ҳам хотини билан шу ерда.

Безухов хотинидан кочиб Москвага келган эди, хотини орқасидан етиб келди. Ўзи чоршанба куни меникида меҳмон бўлган эди. Буларни эса, – деди у қызларга караб, – эртага Иверскаяникига олиб бораман, у ердан чиқиб Обер-Шальманикига кирамиз. Албатта, янги сарпо тикирсаларинг керак! Мендан ибрат олманглар, ҳозир кўйлакларнинг енги буткул ўзгариб кетган. Қайси куни кичкина княжна Ирина Васильевна келган эди, ишонасизларми, енги кўлига катта бочка кийиб олганга ўхшайди-я! Кунда янги мода чикяпти! Хўп, ўз ишларинг қалай? – деди Марья Дмитриевна кекса графга караб.



– Ишлар жуда тиқилинч бўлиб кетди, – деб жавоб берди граф. – Бир томондан латта-путта олиш керак, иккинчи томондан ҳовлига, Москва ташқарисидаги боғга харидор топиш керак. Агар илтифот килиб ижозат берсалар, бир вактни топиб, кизларни сизга топширар эдим-у, ўзим бир кунгагина Марьинскоега бориб келар эдим.

– Майли, майли, бу ҳақда ташвиш тортма, менинг уйимда кизларингга ҳеч нарса бўлмайди. Менинг уйим Васийлар Кенгашидан қолишмайди. Борадиган жойларига олиб бораман, керак бўлса уришаман, эркалайман, – деди Марья Дмитриевна каттакон қўли билан ўзининг суйимлиси ва чўкинтирган кизи Наташанинг ёнокларини ушлаб.

Эртаси куни эрталаб Марья Дмитриевна қизларни Иверская ва Обер-Шальманинг уйига олиб борди. Обер-Шальма ундан жуда кўркар эди, шунинг учун, тезрок кета колсин деб, нарсаларини унга ҳатто зарапига бўлса ҳам, сотар эди. Марья Дмитриевна бўлса ҳаммасини буюрди. Қайтиб келгандан кейин у Наташадан бўлак ҳаммани уйдан чиқариб, ўз суйимлисini олдига чакириди.

– Қани, қел энди, гаплашайлик. Куёв қуллук бўлсин. Яхши йигитни топибсан! Жуда хурсандман.

Мен уни мана шундайлигидан (у кўлинин ердан бир газ кўттарди) биламан, – Наташа севинчдан қизариб кетди. – Мен уни ва бутун хонадонини яхши кўраман. Энди кулоқ сол. Чол князь Николай ўғлининг уйланишига карши эканлигидан хабардорсан. Бадфеълроқ чол! Албатта, князь Андрей ёш бола эмас, отасидан ижозат сўрамай уйланиши ҳам мумкин, лекин ўша даргоҳга кирадиган бўлганингдан кейин чолнинг раъйига қарамаслигинг яхши эмас, орада розилик ва муҳаббат бўлиши керак. Сен ақлли кизсан, қандай килиш кераклигини ўзинг биласан. Сен яхши йўл тут, акл билан иш кил. Олам гулистон бўлади қолади.

Бу сўзларни эшитиб Наташа, Марья Дмитриевнанинг назарида, уялганидан индамади, аммо, аслида эса Наташа князь Андрей билан орасида бўлган ишк-муҳаббатга бировлар аралашишини ёқтирмас, назарида, бу муҳаббат одамларнинг ҳеч бир ишига ўхшамас ва буни гўё ўзидан бўлак

хеч ким тасаввур кила олмас эди. У князь Андрейни севар ва ёлғиз шуни билар, князь Андрей хам Наташани севар ва бугун-эрта келиб уни түй килиб олиши керак. Шундан бўллаги билан Наташанинг иши йўқ эди.

– Биласанми, мен чолни кўпдан бери танийман, кайнопанг Машенькани хам яхши кўраман. Қайнопанг бошга тўқмок бўлса ҳам, лекин бу пашшага ҳам озор бермайди. Келин билан мени таништириб кўйинг, деб мендан илтимос килган эди. Эртага даданг билан бирга борасан, унга меҳрибонлик қилгин, сен кичиксан. Куёвинг келгунча сен опаси ва отаси билан иноқ бўлиб олсанг, яхши бўлади. Нима дединг?

– Яхши бўлади! – деди истар-истамас Наташа.

VII

Эртаси куни Марья Дмитриевнанинг маслаҳатига кўра, граф Илья Андреич кизини олиб князь Николай Андреичнинг уйига кетди. Граф Илья Андреич бу меҳмондорчиликка истар-истамас борадиган бўлди, чунки хеч оёғи тортмас эди. Илья Андреич ҳалқ лашкари йиғиб юрган кунларида кекса князь билан учрашгани ҳали-ҳали ёдид: граф Илья Андреич кекса князни ўз уйига таклиф қилганида кекса князъ, одамларни ўз вақтида етказиб бермадинг, деб уришиб берган эди. Наташа эса энг яхши кўйлагини кийиб, боришга жуда иштиёқманд эди. «Ҳеч мумкин эмаски, уларга ёқмасам, – дер эди ичиди Наташа, – мен ҳамиша ҳаммага ёқар эдим. Улар нимани истаса, ўшани қилишга тайёрман. Бири отаси бўлгани учун, бири опаси бўлгани учун севишга ҳозирман. Нахот улар мени севмаса!»

Улар каретага тушиб, князь Николай Андреичнинг Вздвиженко кўчасидаги эски ва бефайз ҳовлисига келишиди.

– Э, худо, ўзинг мадад кил, – деди граф ярим ҳазил, ярим жиддий, лекин Наташа отаси дахлизга кирганида шошиб қолганини, князь билан княжна уйдами деб ботинолмай сўраганини сезди. Буларнинг келиши ҳакида князъ билан княжнага хабар берилгандан сўнг хизматкорлар орасида саросималик юз берди. Меҳмон келди деб чопиб борган лакейни бошқа лакей залда тўхтатди ва иккаласи нима

тұғридадир шивиrlащди. Бир оқсоч қыз залга югуриб кирди ва княжнанинг номини айтиб, шошиб-пишиб алланималар деди. Нихоят бир бадқовоқ лакей чиқиб, Ростовларга «Князь қабул қилолмайдилар!» – деди. Ҳаммадан олдин меҳмонларнинг олдига мамзель Буръен чиқди. У ота-болаларни айрим назокат билан қарши олди ва буларни княжна хузурига олиб кирди. Княжна ҳаяжонлангани ва қўрқанидан қизарib-бўзарib кетган бўлса ҳам, ўзини шод-хуррам тутишга уриниб, меҳмонларни қарши олгани югуриб келди. Биринчи кўришдаёк Наташа княжнага ёқмади. Княжнанинг назаридা, у жуда олифта, енгилтак ва димоғдордай кўринди. Княжна Марья бўлажак келинини кўрмасдан илгари унинг хуснлатофати, ёшлиги ва баҳт-саодатига беихтиёр ҳасад қилиб юрганини ва князь Андрейни ундан қизғанганини унутган эди.

Наташани ёқтиргмагани устига княжна Марья яна шунинг учун ҳам ҳаяжонга тушган эдики, Ростовлар келишди, деб кекса князга хабар берилганда, князь кўзим учгани йўқ, керак бўлса княжнанинг ўзи қабул қиласверсин, менинг олдимга кирмасин, деб бақириб берди. Княжна Марья Ростовларни қабул қилишга килди-ю, лекин буларнинг келганига тўни тескари бўлган князъ яна бирон дилсиёхлик килмасин, деб юраги пўкиллаб турар эди.

– Мана, азиз княжна, ашулачи қизимни олиб келдим, – деб граф таъзим қилди ва худди кекса князнинг кириб қолишидан хавотир олаёттандай орқасига қаради. – Танишганларингга нихоятда хурсандман... Афсус, минг афсуски, князъ ҳали ҳам хаста эканлар. Агар рухсат этсангиз, княжна, мен чорак соатгина Наташани қўйиб, югуриб Собачья Плошадкага, Анна Семёновна олдига бориб келмокчи эдим.

Илья Андреич бу дипломатик айёрликни, аввало, бўлажак келин билан қайнопани ҳоли қўйиш (кейин кизига буни айтган эди), иккинчидан, князъ билан рўпара келиб колмаслик учун ўйлаб чиқарди. У княздан қўрқарди. Илья Андреич кекса княздан қўрқишини Наташага айтмаган бўлса ҳам, лекин Наташа буни отасининг ваҳимага тушгани ва гангиб колганидан пайқади ва хўрлиги келди. У отасининг бу

қилмишидан қизарди ва қизаргани учун ўзидан яна ҳам хафа бўлди, сўнгра ўзини дадил тутиб, «мен ҳеч кимдан кўркмайман» демокчи бўлгандай княжнага беибо ва тик қаради. Княжна графнинг бу тадбирини жуда маъкуллади ва Анна Семёновнанинг уйида узокрок ўтиришини сўради. Илья Андреич кетди.

Мамзель Буръен гарчи княжна Марья ўз келини билан холи гаплашишни истаб, унга шунча кўзларини жавдиратиб караса ҳам, уйдан чикмади ва Москванинг кайф-у сафоси ва театрлари ҳакида Наташа билан гаплашиб ўтираверди. Ҳали даҳлизда хизматкорлар орасида юз берган довдираш, отасининг хавотир тортаёттани, княжнанинг кабул килганинг шукур қилсинглар, деяётгандай туюлган ғайритабиий ҳаралатлари Наташага қаттиқ тегиб кетган эди. Шунинг учун ҳам ҳамма нарса кўзига балодай бўлиб кўринди. Княжна Марья ҳам унга ёқмади. Княжна, унинг назарида, жуда хунук, риёкор ва тўнг кўринди. Наташа тўсатдан руҳан зилиб кетди ва ғайриихтиёрий бир тарзда эътиборсизлик билан муомала қила бошлади, бу нарса княжнанинг яна ҳам ихлонсини қайтарди. Беш дақика давом этган оғир ва сохта сухбатдан сўнг йўлакдан туфли кийган оёқ шарпаси эшишилди. Княжна Марьянинг авзойи ўзгариб, кайфи учиб кетди ва эшик очилиб ок қалпок билан халат кийган князъ кирди.

– Эҳ, ойимкиз, – деди кекса князъ, – ойимкиз, графиня... Агар янглишмасам... графиня Ростовадирлар... афв этарсиз... Афв... Билмабман, ойимкиз. Худо ҳаки, қадам ранжида килганингиздан хабарим йўқ. Шунинг учун ҳам шу кийимда кирдим. Афв этарсиз... Худо ҳаки, хабарим йўқ. – Бу сўзларни, айникса, худо сўзини князъ шу қадар гайритабиий ва ёқимсиз оҳангда писандаги қилдики, княжна Марья на отасининг юзига қарагани журъат килар эди ва на Наташанинг. Наташа ҳам ўрнидан туриб, таъзим қилгандан кейин нима дейишини билмай колди. Ёлғиз мамзель Буръен ёқимли жилмайиб турарди.

– Афв этарсиз, афв этарсиз! Худо ҳаки билмабман, – деб чол ғудурлади ва Наташани бошдан оёқ кўздан кечириб, чиқиб кетди. Князъ кетгандан кейин мамзель Буръен сўз

котиб, чолнинг хасталиги ҳақида гапирди. Наташа билан княжна Марья индамай, бир-бирига караб турар ва иккови айтадиган гапини айтмасдан бир-бирига қанчалик узок тикилса, бир-бири ҳақида шунчалик ёмон ўйларга борар эди.

Граф кайтиб келганда, Наташа княжна Марьяга нисбатан назокатсизлик қилиб, суюниб кетди ва дарров жўнайдиган бўлди, шу тобда Наташанинг назарига бу қари ва тўнг княжна ҳаммадан ёмон кўринди, чунки у ҳам Наташани шундай нокулай ахволга қўйди ва ҳам ярим соат ўтириб князь Андрей тўғрисида оғиз очмади. «Ахир мен-ку бу француз аёл олдида биринчи бўлиб князь Андрейдан сўз оча олмас эдим», – дер эди Наташа ўзича. Шу онда княжна Марья ҳам айнан шу нарсани ўйлаб қийналаётган эди. У Наташага нималар демоқчи бўлаёттанини билса ҳам, лекин мамзель Буръен бунга халал берар ва ҳамда нима учундир князь Андрейни Наташага уйланиши ҳақида гапириш унга оғир туюлар эди. Граф хайрлашиб уйдан чиққандан кейин княжна Марья югуриб Наташа олдига келди-да, унинг кўлидан ушлади ва чукур хўрсиниб: «Шошманғ, мен сиз билан...» – деди. Наташа негадир княжна Марьяга кулиб караб турарди.

– Азизим, Наталья, – деди княжна Марья, – укам ўз баҳтини топганига жуда-жуда хурсандман... – Княжна Марья ёлғон гапираёттанини сезиб тўхтади. Наташа нима учун княжна сўздан тўхтаганини пайқади ва бунинг сабабини англади.

– Менимча, княжна, энди бу ҳақда гапириш ўнгайсиз, – деди Наташа. Бу гапни Наташа зоҳиран ғурур билан энсаси котиб айтган бўлса ҳам, лекин ўпкаси тўлганини сезди.

«Вой ўлай, нима дедим, нима қилдим!» – деди ўзига Наташа ташқарига чикиши биланок.

Шу куни Наташа тушлик килгани тезда чиқавермади. У ўз бўлмасида ўтириб ёш боладай энтикиб йиглади. Соня унинг тепасида тикка туриб соchlаридан ўпаркан:

– Наташа, нега йиғлайсан? – дер эди. – Улар билан неча пуллик ишинг бор! Қўй, хечкиси йўқ!

– Йўқ, биласанми, одамга жуда алам қилади... Худди

мен...

– Кўй, Наташа, айб сенда эмас-ку. Сенга нима? Кел, мени ўп, – деди Соня.

Наташа бошини кўтарди ва хўл юзини дугонасининг юзига кўйиб, уни ўпди.

– Нима десам экан, билмайман. Айб ҳеч кимда ҳам эмас, ўзимда, – деди Наташа. – Лекин одамга жуда алам килади. Ох, кошки, тезрок келса экан!

Наташа тушликка кўзларини қизартиб чиқди. Марья Дмитриевна гарчи кекса князъ буларни қандай қарши олганидан хабардор бўлса ҳам, Наташанинг бу ҳолатини кўриб, ўзини билмасликка солди ва дастурхон устида граф ва бошқа меҳмонлар билан чақчаклашиб ўтираверди.

VIII

Ростовлар шу куни кечкурун Марья Дмитриевна олиб келган билет билан операга кетишиди.

Наташанинг боргиси йўқ эди, лекин бу меҳрибончиликни Марья Дмитриевна Наташа туфайли килгани учун боришга мажбур бўлди. Наташа кийиниб, залда отасини кутиб турганида каттакон ойнага қаради ва ҳуснини кўриб яна хафа бўлди, лекин бу хафалик ёқимли ва нашъали хафалик эди.

«Э худоё, агар у ҳозир шу ерда бўлганда мен илгаригидай тортиниб-қимтиниб эмас, балки бутунлай бошқачасига маҳкам қучоқлаб олардим-да, илгари қандай менга ҳирс-у ҳавас билан қараб, қандай шавқ-у завқ билан кулган бўлса яна ўшандай қараш ва ўшандай кулишга мажбур килар эдим. Унинг кўзлари кўз ўнгимдан кетмайди! – деб ўйлади. – Унинг отаси ва опаси билан неча пуллик ишим бор. Мен унинг ўзини, ўша юзи, ўша кўзлари, маъсум ва шу билан бирга мардона жилмайишларини яхши кўраман... йўқ, уни ҳозирча ўйламаганим, буткул эсдан чиқарганим яхшироқ. Бу интизорликдан ўлиб бўлдим. Ҳозир йиғлаб юбораман, – у зўрга ўзини тутиб, ойнанинг олдидан нари кетди. – «Қандай килиб Соня Николайни шундай яхши кўриб туриб, шундай осудалик билан сабр-бардош килиб юрибди экан!» – деди

ицида Наташа, қўлида елпигич, кийиниб келаётган Соняга караб. «Йўк, бу буткул бошқача. Мен бунақа бўлолмайман!»

Шу онда Наташанинг ўзи шундай эриб кетган, кўнгли шундай юмшаб қолган эдики, унга хозир севиш ва севимли эканини билиш камлик киларди. Шу тобда у ўз ёрини кучоклаб олгиси, у билан юрагида тўлиб-тошиб ётган ишк-муҳаббат тўғрисида сўзлашгиси келди. У каретада, отаси ёнида ўтириб, музлаган ойнадан лип-лип этиб кўринаётган чирокларга хаёл суриб қараб бораркан, ўз ёрини яна ҳам кўпроқ яхши кўриб қолган ва ўзини яна ҳам маҳзун бўлиб кетган сезди-да, қаерга ва ким билан бораётганини унуди. Ростовлар каретаси сон-саноқсиз кареталар орасига кириб, гилдираги қорда аста-секин ғижирлаб, театрга этиб борди. Наташа билан Соня этакларини ийғиштириб, дарров каретадан тушишди, графни эса лакейлар тушириб қўйди ва учови эркак, аёллар ва афиша сотаётган кишилар орасидан ўтиб, пастки қаватдаги ложалар йўлагига қараб кетишди. Кия турган эшиклардан мусика садоси эштилмоқда эди.

– Наташа, сочинга кара, – деди шивирлаб Соня. Капельдинер¹ одоб билан югуриб хонимлардан олдинга ўтди ва ложа эшигини очди. Бирдан мусика садоси янгради, бўйин ва билаклари очик хонимлар ўтирган ёруғ ложа ва хушбичим мундирлар кийған эркаклар ўтирган ёруғ партер порлаб кетди. Нариги ложага кираётган бир хоним Наташага, хотинларга хос ҳasad кўзи билан қаради. Парда ҳали очилмаган, оркестр² увертиюра³ чалмоқда эди. Наташа кўйлагини тузатди ва қаршидаги чароғон ложани кўздан кечириб Соня билан бирга ўтириди. Кўпдан буён сезмаган туйғуси – юзларча кўз менинг яланғоч билакларим билан бўйнимга тикилиб турибди-ку, деган ҳам ёқимли ва ҳам ёқимсиз туйғу тўсатдан уни камраб олди ва шу туйғуга мос келадиган бир талай хотирот, орзу ва ҳаяжон кўз олдида гавдаланди.

¹ Капельдинер – театрда билетларга мувоғик жой кўрсатадиган киши – билетёр.

² Оркестр – мусика асарини биргаликда ижро этадиган турли хил чолту асбоблари йингиндиси ва шу асбобларни чалувчи мусикачилар жамоаси..

³ Увертиюра (французча: ouverture ёки латинча: aperture, operturē – очилиш, бошланиш) – опера, балет, кинофильм ва шу кабиларга ёзилган, ана шу асарнинг асосий мавзуларини ифодаловчи мусикали мукаддима.

Бу иккала чиройли киз – Наташа билан Соня ва кўпдан бери Москвада кўринмай кетган граф Илья Андреич ҳамманинг дикқатини ўзига тортди. Бундан ташкари, Наташани князь Андрейга унаштирилганини ва Ростовлар ўшандан бери кишлокда турганликларини одамлар унча-мунча билишарди, шунинг учун ҳам Россияда энг бадавлат куёв – князь Андрейнинг қаллигига ҳамма марок билан қаарди.

Наташа, одамларнинг айтишича, кишлокда яшаб очилиб кетган эди, бу кеча эса ҳаяжонга тушгани учун яна ҳам чиройлирок бўлиб кетди. Ҳаёт ва гўзаллик барк уриб турганлиги, шу билан бирга одамларга локайд караши билан у ҳаммани ҳайратда колдирди. Унинг кора кўзлари хеч кимни изламасди, одамларга локайд карар, тирсагидан юкори-сигача очик бўлган нозик кўлларини духоба рампага кўйиб, афишани увертюра мақомига гижимлаб ўтиради.

– Ҳув анави Аленинани кўрдингми? – деди Соня.

– Онаси билан ўтирибди, шекилли.

– Ё тавба! Михаил Крилич яна ҳам семириб кетибди, – деди кекса граф.

– Уни қаранглар! Анна Михайловнанинг шляпасини кўринглар!

– Карагиналар! Жюли билан Борис ҳам шу ерда, худди куёв билан келиндай ўтиришибди.

– Друбецкой Жюлини олмоқчи экан! Ҳали анигини билдим, – деди улар ложасига кирган Шиншин.

Наташа отаси караган томонга караб йўғон ва кип-кизил бўйнига (упа сепилганини Наташа биларди) марваридлар таққан Жюлини кўрди. Жюли гул-гул очилиб, онасининг ёнида ўтиради.

Буларнинг орасидан сочи силлиқ тараалган Бориснинг чиройли калласи кўриниб туардиди. У кулогини Жюлининг оғзига тутиб, жилмайиб турган эди. Борис Ростовларга ер остидан караб ва жилмайиб қаллигига бир нима деди.

Наташа ўзича: «Улар биз тўғримизда, мен билан унинг (князь Андрейнинг) тўғрисида гапираётибди, – деб ўйлади.

– Жюли мендан рашк киляпти-ю, Борис уни юпатяпти, шекилли! Хавотир тортмаса ҳам бўлади! Кошки, буларнинг

биронтаси билан ишим бўлса экан!»

Жюли билан Бориснинг оркасида, бошида кўк шляпа худонинг тақдирига тан берган ва хуш-хурсанд бир алпозда Анна Михайловна ўтирас эди. Уларнинг ложасида Наташа биладиган ва яхши кўрадиган бир нашъя – келин-кўёвлик нашъаси хукм сурар эди. Наташа булардан юзини ўгирди ва тўсатдан эрталаб кекса князъ уйига борганда юз берган хунук воеа эсига тушди.

«Мени ўз оиласига қабул қилмасликка унинг нима ҳаки бор экан? Ҳа, кел кўй, ўзи келгунча бу ҳақда ўйламаганим яхши!» – деди ўзича Наташа ва партерда ўтирган танишнотаниш кишиларга қарай бошлади. Партерда биринчи каторда, ўртада, оркасини рампага бериб, қалин ва жингалак соchlарини юқорига тараб, эронча костюм кийган Долохов турар эди. У ҳамманинг дикқатини ўзига жалб этишини билиб, театрнинг энг кўзга кўринарли жойида, худди ўз уйида тургандай бамайлихотир турган эди. Унинг атрофига Москванинг энг кўзга кўринган ёшлари тўпланган, лекин у ҳаммадан айрилиб турар эди.

Граф Илья Андреич кулиб, кизариб кетган Соняга аввалги хушторини кўрсатди.

– Танидингми? – сўради граф, сўнгра Шиншинга қараб:
– Бу каердан пайдо бўлиб қолди? Аллақаёққа йўқолиб кетган эди-ку! – деб сўради.

– Йўқолиб кетган эди, – деди Шиншин. – Кавказда экан, у ердан ҳам кочибди. Эронда катта бир князга министр бўлган эмиш, ўша ерда шохнинг биродарини ўлдирибди: энди бутун Москва хонимлари унинг шайдоси бўлиб юришибди: Эронлик Долохов, деб оғизларидан бол томади. Ҳозир ҳамманинг оғзида шу: ҳамма унинг олдида бош эгади, ҳамма унга сажда қиласиди, жуда тансиқ-табарруқ бўлиб қолган, – деди Шиншин. – Долохов, Анатоль Курагин деб хонимларимизнинг эси кетади.

Нариги ложага бўйи баланд, сочи узун, ўзи чиройли, икки шода катта-катта марварид тақкан, бўйни билан очик турган елкалари момиқдай оппоқ ва семиз бир хоним кирди, қалин шохи кўйлагини шалдиратиб узок ўрнашди.

Наташа унинг бўйни, елкалари, соч турмаги ва марваридига беихтиёр тикилиб қаради ва бу чиройли елка ва марваридга ҳаваси келди. Наташа иккинчи марта кўз ташланганида бу хоним ҳам қайрилиб қаради ва кўзи граф Илья Андреичнинг кўзига тушгач, унга бош иргитиб табассум килди. Бу хоним Пъернинг хотини графиня Безухова эди. Киборлардан танимайдиган кишиси бўлмаган граф Илья Андреич энгашиб у билан сўзлаша кетди.

– Қачон келдилар, графиня? – деди Илья Андреич.

– Кираман, кираман, кириб қўлларини ўпаман. Ишимчикиб қолиб, мана, кизларимни ҳам бирга олиб келган эдим. Семёнова жуда яхши ўйнайди дейишади, – деди Илья Андреич. – Граф Пётр Кириллович бизни доим йўқлаб турадилар. У киши шу ердами?

– Ҳа, келмоқчи эди, – деди Элен ва дикқат билан Наташага қаради.

Граф Илья Андреич яна ўз жойига ўтирди.

– Жуда чиройли-а? – деди у Наташага шивирлаб.

– Чиройли ҳам гапми! – деди Наташа. – Ошик бўлишга арзиди! – Шу он увертюранинг сўнгти садоси янгради ва дирижёр чўпининг тиқиллагани эштилди. Кечиккан бир неча эркак партерга кириб ўз ўринларига ўтиришди ва парда очилди.

. Парда очилиши билан ложа ва партерда жимлик чўкди, мундир ва фрак кийган ёш-кари ҳамма эркакларнинг ҳам ялангоч бўйинларига дур-у гавҳар тақсан барча хотинларнинг ҳам дикқат-эътибори сахнада бўлди. Наташа ҳам сахнага қаради.

IX

Сахнанинг ўртасига текис тахталар ташланган, икки томонига дараҳтлар сурати солинган картиналар кўйилган, орқада тахталарга полотно¹ тортилган эди. Сахнанинг ўртасида кизил корсаж ва оқ юбка кийган кизлар ўтираси эди. Оқ шохи кўйлак кийган бир семиз киз пастаккина ўриндиқда

¹ Полотно (русча: полотно – қалин газлама, кийим, ёпингич) – одатда бўзсимон маҳсус матога чизиладиган катта яхлит сурат.

ўтирап, бу ўриндиң орқа томонига кўк картон ёпишириб қўйилган эди. Буларнинг ҳаммаси аллақандай бир ашулани айтмоқда эди. Ашула айтиб бўлгандан кейин ок кўйлак кийган қиз суфлёр¹ жойига яқин келди ва унинг олдига тор шохи чоловор кийган, бошида жига, белига ханжар таққан бир эркак келиб тўхтади ва қулочларини ёйиб ашула айта бошлади.

Аввал чоловори тор киши, ундан кейин қиз ашула айтди. Кейин иккаласи ҳам жим бўлди, мусика янгради. Эркак киши ок кўйлакли қизнинг кўлидан ушлади, афтидан, бирга ашула айтмоқчи бўлиб, мусика мақомини кутмоқда эди. Иккови бирга ашула айтди ва бутун зал қарсак чалиб шовқин кўтарди, саҳнада ошик-маъшуқни тасвирилаб турган эркак билан хотин кулимисираб қўл ковуштириди ва таъзим қилди.

Наташа қишлоқдан келганлиги ва жиддий кайфиятда бўлганлиги учун бу нарсаларнинг ҳаммаси унга ғалати ва ажиб кўринди. У операнинг мазмунини кузата олмади, ҳатто мусикага ҳам қулоқ сола олмади: факат бўялган картонларни, ғалати кийимлар кийиб, саҳнага тушиб турган, шуълада ғалати ҳаракатлар килаётган, гапираётган, ашула айтаётган эркак-аёлларни кўрар, булар ниманидир тасвир килаётганини билса ҳам, лекин ҳаммаси, назарида, шу қадар сохта ва шу қадар сунъий кўринар эдики, актёрларнинг килмишига goҳ уялар, goҳ кулгиси келар эди. У бошқалар ҳам менга ўхшаш кулгиси кистаб, энсаси қотиб ўтирибдимикин, деб атрофдаги томошабинларга қаради, бирок ҳамманинг диққат-эътибори саҳнада, ҳамманинг юзидан мафтунлик акс этар, аммо бу мафтунлик Наташага сохта кўринарди. Наташа ҳеч нарсага тушунмай ўзича: «Шундай бўлиши керакдир-да!» – деди. У ҳали партерда ўтирган бошлари ялтироқ кишиларни кўздан кечирар, ҳали ложада ўтирган бўйин ва кўллари ялангоч хонимларга, айникса, нариги ложада қарийб кип-ялангоч бўлиб ўтирган Эленга карап эди. Элен бутун зални ёритиб турган ёруғ шуъла ва

¹ Суфлёр (французча: souffleur – уқтирумок, ўргатмок; секин айтиб турмок) – театрда саҳнага чиккан артистларга уларнинг сўзларини, томошабинларга кўринмайдиган махсус жойда туриб, айтиб бериб, эслатиб турувчи ходим.

одамларнинг ховуридан исиган илик ҳавода яйраб, муло-йимгина табассум килиб, саҳнадан кўз олмай ўтирас эди. Наташа кўпдан буён сезмаган сархушлик ҳолатига астасекин кела бошлади. У ўзини ҳам, каерда ўтирганини ҳам, кўз олдидаги нималар бўлаётганини ҳам унугиб кўйди. У хаёл суриб караб ўтиракан, бир-бирига ҳеч қандай алокаси бўлмаган минг хил фикр-у хаёллар тўсатдан бошига келарди. У гоҳ иргиб рампа устига чикиб, актриса айтган ашулани айтгиси келар, гоҳ якинида ўтирган чолни елпигичи билан туртмокчи бўлар, гоҳ энгashiб Эленни китиклагиси келар эди.

Янги бир ария¹ бошланишини кутиб, саҳнада жимлик чўкканда Ростовлар ўтирган ложанинг эшиги гич этиб очилди ва томошага кечиккан эркак кишининг оёқ шарпаси эшишилди. «Ана, Курагин келди!» – деди Шиншин шивирлаб. Графиня Безухова бу кирган кишига табассум билан қайрилиб қаради. Наташа графиня Безухова караган томонга қараб, ниҳоят даражада гўзал бир адъютантни кўрди: у кибр ва назокат билан буларнинг ложасига томон келмоқда эди. Бу гўзал йигит Анатоль Курагин бўлиб, Наташа уни бир вактлари Петербургда, балда кўрган эди. У хозир эполет ва аксельбант² таққан, адъютант мундирауда эди. У жуда сиполик билан битта-битта келиштириб қадам ташлаб келмоқда, агар шунчалик гўзал ва келишган бўлмаса унинг рафторига ҳамма куларди. Саҳнада ўйин бошланган бўлса ҳам, у ханжар ва шипорларини шикирлатиб, чиройли калласини баланд кўтариб, гилам тўшалган йўлкадан бамайлихотир бормоқда эди. У Наташага бир қараб олиб, синглиси ёнига келди, ялтироқ кўлқоп кийган кўлини Элен ўтирган ложанинг четига кўйди, бошини бир силкитди ва энгashiб, Наташага ишора килиб, синглисидан бир нимани сўради.

– Жуда-жуда гўзал-ку! – деди у, афтидан, Наташа тўғрисида. Наташа буни эшитмаган бўлса ҳам, лекин лаб-

¹ Ария (*италиянча: aria – кўшик*) – оркестр ёки бошка мусика асбоблари жўрлигига бир киши ижро этадиган (айтадиган) вокал асар, ашула (кўпинча опера, оратория ва шу кабиларнинг таркибий қисмини ташкил этади).

² Аксельбант – чор Россияси ва баязи чет эл армияларида: харбийларнинг унвонига кўра елкасига такиладиган зарбоф лента.

ларининг ҳаракатидан англади. Кейин Анатоль биринчи қаторга борди, бошқалар шунча эхтиром билан мурожаат қилаётган Долоховни ўртоказларча тирсаги билан туртиб, ёнига ўтириди. Долохов унга қараб кўзини қисиб кўйди ва оёғини рампага тиради.

– Ака-сингил жуда ҳам бир-бирига ўхшайди-я! – деди граф. – Иккаласи ҳам чиройли.

Шиншин Курагиннинг Москвадаги бир килмишини графга шивирлаб айтиб берди. Наташа Курагиннинг гўзал деганини эшифтани учунгина унинг тўғрисидаги бу гапга кулок солди. Биринчи парда тамом бўлди, партерда одамлар бир-бирига аралашиб кетди, кирди-чиқди бошланди.

Борис Ростовлар ложасига келди, буларнинг табригини жуда оддий тарзда қабул этди, кейин қошларини кўтариб паришонхол бир алпозда жилмайиб кўйди ва қаллиғи Наташа билан Соняни тўйга таклиф килганини айтгач, чиқиб кетди. Наташа Борис билан кулимсираб, ноз-у карашма қилиб гаплашди ва бир вактлари ўзи ошик бўлиб юрган ўша Борисни уйланиши муносабати билан табриклади. Наташа хозир шундай бир сархуш кайфиятда эдики, назарида, ҳамма нарса жўн ва табиий кўринарди. Унинг ёнида ўтирган, елка ва билаклари ялангоч Элен ҳаммага бир хил кулимсираб эди. Наташа ҳам Борисга худди шундай кулимсираб қаради.

Элен ўтирган ложа ва ложанинг партер томони энг маълум ва машҳур одамларга тўлиб кетди, булар бир-бирига навбат бермай шундай гўзал хоним билан таниш эканликларини ҳаммага кўрсатишни истар эди.

Курагин бутун антракт¹ давомида Долохов билан рампа олдида туриб, Ростовлар ложасидан кўзини олмади.

Наташа, Анатоль менинг ҳакимда гапираётибди, деб ўйлар ва шунга қувониб ўтиради. Наташа Курагин мени ён томонимдан ҳам кўрсин деб кийшайиброк ўтириди, назарида, у ён томондан чиройлироқ кўринарди. Иккинчи парда бошланиши олдида партерда Пьер пайдо бўлиб қолди. Ростовлар

¹ Антракт (французча: entr'acte – ҳаракат ўртаси) – опера, балет, драма-тик спектаклнинг бирон-бир пардаси (1-сидан ташқари) бошланиши олдидан чалинадиган мусикали мукаддима.

кишлоқдан келгандаридан бүён уни кўришмаган эди. Пьер сўнгги марта Наташа кўрганидан бери семирган бўлиб, афтидан, хафа кўринар эди. У ҳеч кимга қарамасдан тўғри биринчи каторга томон борди. Анатоль унинг олдига келди ва Ростовлар ўтирган ложага қараб, унга алланималар деди. Пьер Наташани кўриши билан оғилиб кетди ва стуллар орасидан шошиб ўтиб Ростовлар ложасига томон йўналди. Булар олдига келганда у, тирсагини рампага қўйиб, Наташа билан узок гаплашди. Наташа Пьер билан гаплашиб ўтирган чоғида графиня Безухованинг ложасидан эркак кишининг овози эшитилди ва бу овозни негадир Курагиннинг овози деб ўйлади. У қайрилиб қараб, кўзи Курагиннинг кўзига тушди.

Курагин унинг кўзларига шундай шавқ-завқ ва меҳр билан кулимсираб тикилиб турар эди, унга шу кадар якин ўтириб, унга шундай қараб туриб, унга ёққанлигини била туриб, у билан таниш бўлмаслик жуда галати туюлди.

Иккинчи пардада хайкаллар тасвир этилган суратлар кўйилган, тўрдаги полотно тешилиб, ой шакли солинган, саҳна олдидаги чирокларнинг абажури¹ кўтарилган эди. Карнай билан контрабас² йўғон садо берди, ўнг ва сўлдан кора ридолар³ кийган одамлар чиқди. Бу одамлар кўлларини силкитди (кўлларида ҳанжарга ўхашаш бир нарса бор эди), кейин яна аллақандай одамлар югуриб чиқди ва боя оқ ҳозир эса кўк кийим кийиб чиққан қизни судрай бошлади. Улар қизни дарров судраб кетмасдан, аввал у билан бирга хийла ашула айтишди, кейин олиб кетишди ва саҳнанинг орқасида уч марта занг урилгандан сўнг ҳаммаси тиз чўкиб баравар дуо ўкишди. Шу кўринишда томошибинлар бир неча марта уввос кўтаришди.

Шу парда давомида Наташа бир неча марта партерга

¹ Абажур (французча: abat-josé – ёргулукни қайтарувчи) – керакли ёргулукни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёргулук нуридан пана килиш учун лампа устига ўрнатиладиган, шиша, мато, металл ва шу кабилардан ясалган қалпок.

² Контрабас (италиянча: contrabbasso) – тикка туриб, камонча билан чалинадиган энг катта, лекин энг паст овозли, торли-камонли скрипкасимон мусика асбоби..

³ Ридо (арабча; ҳалат, кийим) – шайхлар, умуман руҳонийлар елкасига ёпинадиган чойшабсимон ёпиничик, либос; дарвишларнинг устки кийими.

караб Анатолни кўрди. Анатоль қўлини кресло суюнчиғига ташлаб, Наташага қараб ўтирас эди. Наташа унинг мафтун бўлиб ўтирганини кўриб хурсанд бўлди ва бунинг бирон ножўя томони бордир, деган нарса хаёлига ҳам келмади.

Иккинчи парда тамом бўлгандан кейин графиня Безухова ўрнидан турди, Ростовлар ўтирган ложага қараб (унинг кўкраги буткул очик эди), қўлқопли бармоғи билан кекса графга имлади-да, ложасига кирган кишига эътибор ҳам килмасдан кулимсираб граф билан сўзлаша кетди.

– Нозанин кизларингиз билан мени танишириб қўйсангиз-чи, – деди Безухова. – Бутун шаҳар шулар тўғрисида гапиради-ю, мен таниш эмасман.

Наташа ўрнидан туриб, соҳибжамол графикяга таъзим этди. Бу гўзал хонимнинг мақтовори Наташага шу кадар ёкиб тушдики, у ҳатто хурсандлигидан кизариб кетди.

– Мен ҳам энди москвалик бўлмоқчиман! – деди Элен. Шундай кизларни қишлоқда олиб ўтиргани қандай кўнглингиз бўлди.

Графиня Безухова меҳригиёли хотин, дейишлари бежиз эмас эди. У оғзига келган гапни айтаверар ва, айниқса, бирорни мақтайдиган бўлса жуда ўринилатар эди.

– Кўйинг, хурматли граф, уч-тўрт кун мен кизларингизни ўйнатай. Ҳозирча мен шу ерда. Сиз ҳам шу ерда экансиз. Буларни бир хурсанд қиласай. Мен Петербургда мақтоворингизни кўп эшигтганман ва сиз билан танишмоқчи бўлиб юрган эдим, – деди Наташага мудом бир хилдаги чиройли табассум билан. – Менинг маҳрамим Друбецкой ҳам сизнинг таърифингизни қилган эди, хабарингиз борми, у уйланяпти. Кейин эримнинг дўсти Болконский, князь Андрей Болконский ҳам сиз тўғрингизда гапириб берган эди, – деди ва унинг Наташага бўлган муносабатдан хабардор эканлигига ишора қилиб бу сўзни айрим эътибор билан айтди. У дуруст-роқ танишиш учун томоша тамом бўлгунча кизлардан биронтаси менинг ложамга ўтсин, деб илтимос қилди ва Наташа унинг олдига бориб ўтирди.

Учинчи пардада сон-саноқсиз шамлар ёкиб деворларига соқолли рицарлар сурати осиб қўйилган сарой кўрсатилди.

Саҳнанинг ўртасида икки киши турар, булар, афтидан, малика билан подшоҳ эди. Подшоҳ ўнг қўлини силтади ва қўрқанидан бўлса керак, бир куйни жуда ёмон айтиб, тўк кизил рангдаги тахтга ўтириди. Аввал оқ, кейин кўк кийимда чиккан бояги киз энди ич кўйлакда, соchlари тўзиган ҳолда, тахт ёнида тикка турган эди. Киз маликага караб аллақандай бир қайгули куйни айтди, бирок подшоҳ жиддий киёфада қўл силтади ва икки томондан яланг оёқ эркак-аёллар чикиб ўйинга тушди. Кейин скрипкаларда шўх бир куй чалинди, оёклари йўғон ва яланг қўллари нозик бир киз бошка кизлардан ажралиб, саҳна оркасига борди, корсажини тузатди-да, ўртага келиб, тез-тез оёгини оёғига уриб сакрай бошлади. Партерда ўтирганларнинг ҳаммаси чапак чалиб, «оффарин» деб кичкирди. Кейин бир эркак бурчакка бориб турди. Оркестрда симбал билан карнай қаттиқрок янгради ва шу яланг оёқ эркак баланд-баланд-сакраб ўйнай бошлади (Бу эркак шу санъати учун йилига 60 минг олар эди). Партер, ложа ва галёркаларда ўтирган томошабинлар жонининг борича чапак чалиб кичкирди ва ўйинчи эркак ўйинни тўхтатиб, кулимсираб ҳалойикқа таъзим қилди. Кейин яна бошка яланг оёқ эркак-аёллар ўйинга тушди, яна мусика садоси остида бир нима деб кичкирди ва яна ҳамма ашула бошлади. Лекин бирдан довул кўтарилиди, оркестрдан хроматик гаммалар¹ ва секинлаб бораётган септимлар² аккорди³ эшишилди, яна ўйнаётганларнинг ҳаммаси шу ердаги одамлардан биттасини олиб, саҳна оркасига югуриб олиб борди ва парда ёпилди. Томошабинлар яна шовқин-сурон кўтариб кичкиришди:

– Дюпор! Дюпор! Дюпорни сўраймиз.

Энди булар Наташага ғалати туюлмади. У ҳузур килиб, хушҳол табассум билан теварак атрофига қарап эди.

– Ҳақиқатан ҳам, Дюпор ҳаммани қойил қолдирди, а? – деди Наташага қараб.

– Нимасини айтасиз, – деб жавоб берди Наташа.

¹ Гамма – бир пардадан кўтарилиб ёки тушиб борувчи товушлар мажмуи.

² Септима – саҳна асарларида еттинчи парданинг номи ва шу парда оралиги.

³ Аккорд – турли баландликдаги бир неча товушнинг ҳамоҳант бирлиги.

Танаффус вактида Элленнинг ложасига гур этиб совук кирди, эшик очилди, энгашиб, бирон кишига тегиб кетмай деб эхтиёт бўлиб Анатоль кирди.

– Рухсат этинг, акамни сизга танишириб қўяй, – деди Элен гоҳ Наташага, гоҳ Анатолга бесаранжом назар ташлаб. Наташа яланғоч елкаси оша чиройли бошини гўзал йигитга томон буриб жилмайди. Анатоль узокдан қандай чиройли кўринган бўлса, якиндан ҳам шундай чиройли эди. У Наташанинг ёнига ўтири ва Наришкин берган балда учратганидан бери Наташа билан танишиш орзусида юрганини айтди. Курагин эркаклар суҳбатидан кўра хотинлар суҳбатида акллироқ ва соддарок бўлар, хотинлар билан дадил ва оддий муомала қиласи эди. Наташани шу нарса ҳайратда қолдирди ва унга шу нарса ёқдики, ёмон деб ном чиқарган бу одамда ҳеч қандай кўркинчли нарса йўқгина эмас, аксинча, унинг юзида жуда мулойим, ҳалим ва кувнок бир табассум бор эди.

Курагин Наташадан спектакль тўғрисидаги таассуротини сўради ва ўтган спектаклда Семёнова ўйин вактида ийқилиб кетганини айтиб берди.

Биласизми, графиня, – деди тўсатдан у Наташага худди эски ошинаси билан гаплашаёттандай. – Биз костюмли ўйин ташкил қилмоқчимиз. Сиз ҳам иштирок қилсангиз, жуда яхши бўларди. Ҳаммамиз Архароваларнинг уйига тўпламамиз. Марҳамат килинг, келинг, келасиз-а? – деди у.

Анатоль шу сўзларни айтаркан, кулиб турган кўзларини Наташанинг юзи, бўйни ва очик билакларидан олмас эди. Наташа унинг маҳлиё бўлаётганини аниқ билди. Бу гарчи Наташага ёкса ҳам, лекин Анатолнинг шу ерда ўтириши негадир Наташани кисиброқ қўйди ва унга оғир тушди. Наташа ўзи қарамаган чоғда ҳам Анатоль елкаларига караётганини сезар, кўзимга карагани яхшиrok, деб беихтиёр унинг кўзига карап эди. Аммо кўзи унинг кўзига тушгач, кўркиб кетар, чунки бошка эркаклар билан гаплашганида доимо ҳаё босгани ҳолда, Анатоль билан гаплашганида худди парда кўтарилгандай туюлар эди. У беш дакика ичida

ўзини бу одамга ниҳоят даража якин сезди ва бунинг нечук шундай бўлганини ўзи билмай қолди. У Анатолдан юзини ўтирганда яна очик билакларимдан ушлаб, бўйнимдан ўпмасин, деб юраги ёрилиб кетди. Улар энг оддий нарсалар ҳакида гаплашиб ўтираркан, Наташа унга жуда якин бўлиб кетганини сезди. У эркак кишига хеч качон бунчалик якин бўлмаган эди. Наташа худди: «Бу қандок бўлди экан», – дегандай отаси билан Эленга каради, бирок Элен бир генерал билан гаплашиб ўтиргани учун Наташанинг бу кўз карашига жавоб бермади, отасининг кўз караши эса одатдагича факат: «Сен хурсанд бўлсанг, мен ҳам хурсандман», – дер эди, холос.

Бир ўнгайсиз жимлик чўкканда Анатоль бодомковок кўзларини Наташага мулойимфина тикиб ўтирган эди, Наташа шу жимликни бузиш мақсадида ундан Москва сизга ёқадими, деб сўради. Наташа сўрашга сўради-ю, кизариб кетди. У Анатоль билан гаплашганида ҳамиша бир ёмон иш қилаёттандай бўлар эди. Анатоль худди Наташага далда бермоқчи бўлгандай, кулимсираб кўйди.

– Аввал унча ёкмаган эди, чунки шаҳарга ким файз киргизади? Чиройли хотинлар, нима дедингиз? Мана энди жуда ёқади, – деди у Наташага маъноли қараб. – Ўйин ташкилға борамиз-а, графиня? Боринг, – деб Наташанинг гулдастасига кўл узатди ва секингина: – Келсангиз, ўйиннинг гули бўласиз. Келинг, азиз графиня, шу гулингизни унгача гаровга оламан. – деди.

Наташа ҳам Анатолнинг ўзидай унинг нима деганига тушунмади, лекин бу сўзларнинг остида бир эгри маъно борлигини сезди. У нима дейишини билмай қолди ва ўзини эшифтмаганга солиб, юзини ўтириди. Лекин юзини ўтириши билан: «У орқамда, менга жуда якин турибди», – деб ўйлади.

Наташа ўзидан: «У нима ўйладийкин? Хижолат бўлди-ми? Аччиги келдими? Кўнглидан чиқариш керакдир?» – деб сўради ва ўзини тутолмасдан қайрилиб қарагач кўзи Анатолнинг кўзига тушди. Унинг бунчалик якин тургани, ишончи, мулойим ва меҳрибон табассуми Наташани маглуб қилди. Наташа унинг кўзларига тик қараб Анатоль қандай табассум

килган бўлса, айнан шундай табассум қилди ва орадан парда кўтарилиганини яна сезиб, юрагига ваҳима тушди.

Яна парда очилди. Анатоль осуда ва хушҳол қайфиятда ложадан чикиб кетди. Наташа отаси ёнига келиб ўтириди, энди у берилиб кетган оламига буткул муте бўлиб колган эди. Кўз олдида юз бераётган нарсаларнинг ҳаммаси энди унга табиийдай кўринди. Қаллиги, княжна Марья, кишлоқда ўтказган ҳаёти эса худди аллақачонлар бўлиб ўтгандай, бирон марта ҳам ҳаёлига келмади.

Тўртинчи пардада бир шайтон кўринди. У оёғи остидаги тахта сурилиб ўзи пастга тушиб кетгунча қўлларини силкита-силкита ашула айтди. Наташа тўртинчи пардада фақат шуни кўрди, холос. Нимадир уни ҳаяжонга солди, кийнади ва бунга сабаб Наташа беихтиёр кузатиб турган Анатоль эди. Театрдан чиққанда Анатоль уларнинг олдига келиб, кареталарини чакирди ва уларни ўтқазиб қўйди. У Наташани ўтқазаётган чоғида билагидан ушлаб қисиб қўйди. Наташа ҳаяжонга тушиб, қизариб-бўзариб унга қарди. Анатоль кўзларини чақнатиб, мулоим табассум билан унга қараб турар эди.

Наташа уйга келгандагина театрда бўлган воқеани дурустроқ ўйлаб кўрди ва тўсатдан князь Андрей эсига тушиб уни ваҳима босди; томошадан кейин ҳамма чой ичиб ўтирганда у бирдан баланд овоз билан оҳ чекди-ю, кип-қизариб, уйдан чопқиллаб чикиб кетаркан, ўзича: «Вой худо! Хароб бўлдим! Қандай бўлиб мен шунга йўл қўйдим», – деди. У қизариб кетган юзини иккала қўли билан қоплаб, нима воқеа бўлганини дурустроқ ўйлаб узок ўтириди, лекин на юз берган воқеанинг тагига етди ва на нима сезаётганини англади. Бўлиб ўтган барча воқеалар кўзига коронги, нотайин ва ваҳимали бўлиб кўринди.

Наташа театрда, каттакон ёруғ залда ўтириб курткасига ялтироқ пистонлар қадалган, яланг оёқ Дупортнинг мусиқа садоси остида, нам тахтада сакраётганини, қизлар, чоллар ва елкалари бутунлай яланғоч Эленнинг мағрур табассум билан «оффарин» деб кичкираётганини ўша ерда, Элен соясида ўтириб томоша киларкан, ҳамма нарса кўзига жўн ва очик-

ойдин күринган эди, энди ўзи ёлғиз ўтирганда эса, бу нарсалар тушуниб бўлмайдиган бўлиб қолди. У ўзича: «Нима гап? Нима учун ундан қўрқдим? Нима учун энди виждан азобига тушаётибман?» – дер эди.

Наташа бу ўй-хаёлларини факат кечаси тўшакка кириб, онаси кекса графиняга айта оларди, холос. Агар бу гапларни Соняга айтса, Соня бунга жиддий бир нуқтаи назардан караб, ё ҳеч нарса тушунмас ёки Наташанинг шунга икрор бўлаётганини эшигиб ҳайрон-ҳайрон қоларди. Шунинг учун ҳам Наташа бу кийнаётган нарсани ёлғиз ўзи бартараф қилмоқчи бўлди.

«Князь Андрейнинг муҳаббатидан маҳрум бўлдимми, йўқми? – деб ўзидан сўрар ва яна ўзига тасалли бериб. – Аҳмоқ бўлдимми, шуни сўраб ўтирибман. Менга нима бўлибди? Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мен уят бўладиган бирон иш килибманми? Бу бўлган воқеани ким билиб ўтирибди, мен уни бўлак кўрмайман ҳам. Модомики шундай экан, демак, ҳеч нарса бўлгани йўқ, бунинг нимасига пушаймон бўлиб ўтирибман. Князь Андрей мени шундай ҳам севади. Лекин бу шундай деганим қанақайкин? Вой худо! У шу ерда бўлса бўлмасмиди-я?» Наташа бир лаҳзагина таскин топар, кейин яна алланечук бир ҳиссиёт унга: буларнинг ҳаммаси рост, ҳеч нарса бўлгани йўқ, лекин, князь Андрейга бўлган аввали соф муҳаббатинг барбод бўлди, дер эди. Наташа Курагин билан ўзи орасида бўлган сухбатни яна хаёлидан кечирар, чиройли ва жасур йигитни қўл сикаётган вақтида қилган ҳаракати ва мулојим табассумини кўз олдига келтирас эди.

XI

Анатоль Курагин Москвада туарар эди, чунки бир йилда йигирма минг сўмдан ортиқ пул сарф қилиб яна шунча қарздор ҳам бўлгани учун (қарз берган кишилар пулни отасидан кисташарди) отаси уни Петербургдан жўнатиб юборди.

Отаси ўғлига шундай деди: «Охирига мартаба қарзингни ямини тўлайман, лекин шу шарт биланки, агар сен Москва-га бориб бош қўмондонга адъютант бўлиб ишласанг (мен бу тўғрида гаплашиб келганман) ва ўзингга муносиброқ бир

кизни топишга харакат қилсанг». Кекса граф ўғлига княжна Марья билан Жюли Карагинани күрсатди.

Анатоль отасининг бу шартига кўниб, Москвага кетди ва Пьернинг уйига тушди. Пьер аввал уни унча хуш қабул килмади, лекин, кейинчалик унга ўрганди, баъзан унинг айш-ишрат мажлисларига борадиган, қарз баҳонаси билан унга пул берадиган ҳам бўлди.

Шиншин рост айтган эди: Анатоль Москвага келганидан бери Москва хонимларини шайдо қилган эди, уларни, айникса, назарга илмаслиги ва, афтидан, лўлиларни ҳамда миш-мишларга кўра ошначилиги бўлган жаноб Георг бошлиқ француз актрисаларини улардан афзалрок кўриши билан шайдо қилган эди. У Данилов ва Москванинг бошқа бегамлари берадиган базмларнинг биронтасидан куруқ колмас, ичкиликда ҳаммани учирив қўяр ва киборлар берадиган барча зиёфат ва балларга борар эди. Одамлар унинг италиялик хонимлар билан бўлган бир неча можароси ҳақида гапиришар ва балларда у баъзи хонимларгагина хушомад киласади, холос. Аммо қизларни, айникса, кўпчилиги хунук бўлган бой қизларнинг яқинига келмас эди, чунки у бундан икки йил бурун уйланган бўлиб, буни энг яқин дўстларидан бошқа ҳеч ким билмас эди. Бундан икки йил илгари Анатоль хизмат қилаётган полк Польшада турган вақтда унчалик бой бўлмаган бир помешчик ўз қизини олишга уни мажбур қилган эди.

Анатоль кўп ўтмай, хотинини ташлаган ва қайнотасига пул юбориб туриш шарти билан бўйдоқлик ҳукуқини олган эди.

Анатоль ҳамиша ўзининг мавқеидан ҳам, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам рози эди. У бутун вужуди билан ҳозирги ҳаёти энг яхши ҳаёт эканлигига ва умрида бирон нолойик иш қилмаганига амин эди. У ўз кирдикори ҳақида бошқаларнинг нима дейишини ҳам, бу ишнинг оқибати нима бўлишини ҳам ўйламас эди. У шу нарсага амин эдики, ўрдак ҳамиша сувда яшаш учун яратилгандай, уни ҳам худо бир йилда ўттиз минг сарф килиш ва киборлар жамиятида энг юксак мавқени ишғол этиш учун яратган. Бу нарсалар

Анатолнинг зеҳнига шу қадар ўтириб қолган эдики, унга караб бошқалар ҳам ўзи шундай бўлиши керакдир деб ўйлар, киборлар доирасидан юксак мавқени ишгол этишига ҳам монелик килмас, пулни ҳам ундан хеч ким аямас, Анатоль эса дуч келган одамдан карз олиб, беришни, афтидан, ўйламас ҳам эди.

У картабозлини билмас, шунинг учун ҳам ўйнаганида хеч қачон ютишга умид бοгламас эди. У шухратга қизикмас эди. Одамлар унинг ҳақида нима ўйлайди, нима ўйламайди – бу билан иши йўқ эди. У иззатталаб ҳам эмас. У бир неча марта отасининг гашига тегиб, ўз мавқесини бузган ва ҳар қанақа иззат-обрўни масхара килган киши. У ҳасис эмас, ким нима сўраса, йўқ дейишни билмайди. Унинг бирдан бир яхши кўрадиган нарсаси ҳурсандчилик билан хотинбозлик бўлиб, ақидасига кўра, бу ишларнинг хеч бир ёмон томони йўқ эди, аммо бу ишларнинг оқибати бошқаларга қандай таъсир қилиш-қилмаслигини ўйлаб кўришдан ожиз эди, қалбida эса ўзини энг нуксонсиз хисоблаб, бошка разил ва ёмон одамларга нафрат билан қарап ва парвойи фалак бошини баланд кўтариб юрарди.

Худо ўзи кечиради, деган умид билан юрадиган аёл Магдалиналарга ўхаш бу ишратпараст эркак Магдалинларда ҳам биз гуноҳкор эмасмиз, деган бир ички туйғу бўлади. «Аёл Магдалинанинг гуноҳи кечирилади, чунки у кўп севган, эркак Магдалиннинг ҳам гуноҳи кечирилади, чунки у кўп айш сурган».

Сургундан ва Эрон воқеасидан кейин яна бу йил Москвада пайдо бўлган, картабозлик ва айш-ишрат қилиб юрган Долохов петербурглик эски ўртоғи Курагин билан тағин яқинлашиб олди ва ўз мақсад-муддаолари учун ундан фойдалана бошлади.

Анатоль Долоховни ақл-фаросати ва ботирлиги учун астойдил яхши кўтар эди. Долохов ўзининг картабозлик сухбатларига бўлак кибор бойваччаларни тортиш мақсадида Анатолнинг оқсусяклигидан, сертаниш-билишлигидан унинг ўзига билдирамасдан фойдаланар ва уни судраб юрар эди. Анатоль унга кўзлаган мақсадидан ташқари яна бирорнинг

изм-у ихтиёрини қўлига олишдан роҳатлангани, шунга ўрганиб қолгани ва бусиз туролмагани учун ҳам керак эди.

Наташа Курагинга хийла ёкиб қолди. У театрдан кейин овқат еб ўтирган чогида, Долоховга Наташанинг қўллари, бўйни, оёклари ва сочларининг чиройлилигини заршуносдай таърифлаб берди ва унинг кетига тушмоқчи эканини айтди. Бундан нима чиққанини ўйлашга Анатоль ожиз эди, чунки у ҳар кандай килмишидан нима чикиш ҳакида ҳеч қачон ўйламас эди.

– Яхши-ку, дўстим, лекин бизнинг бўйимиз етмайди, – деди унга Долохов.

– Синглимга айтаман, Наташани овқатга таклиф килали, – деди Долохов. – Нима дединг?

– Яхшиси сабр қил, эрга тегсин.

– Биласанми, – деди Анатоль, – ёш-ёш қизлар жондилим, ҳозир дарров бошим айланиб қолди.

Анатолнинг ўйланганидан хабардор бўлган Долохов:

– Неварам деб-ку бир марта кўлга тушган эдинг, энди ҳушёр бўл! – деди.

– Кўр ҳассасини бир марта йўқотади! А? – деди Анатоль мулојимгина жилмайиб.

XII

Театрга борган куннинг эртаси, Ростовлар ҳеч ёққа боришмади, уларникiga ҳам ҳеч ким келмади. Марья Дмитриевна, Наташадан яширикча, нима тўғридадир отаси билан гаплашди. Наташа булар кекса князъ ҳакида гапиришганини ва нима тўғридадир маслаҳатлашганини пайқади. Бу нарса Наташани ташвишга солди, унга қаттиқ ботди. У князъ Андрей йўлида кўзи тўрт бўлиб ўтирган эди, шу куни келмадимикин деб, икки марта қоровулни Вздвиженкога юборди. Аммо князъ Андрей келгани йўқ эди. Наташа шу кунлари дастлабки келган кунларидан кўра кўпроқ изтироб чекар эди. Ҳижрон доғига яна княжна Марья ва кекса князъ билан учрашганининг ёқимсиз хотираси, сабабсиз бир кўркув ва ташвиш кўшилиб кетди, назарида, ё князъ Андрей ҳеч қачон келмайдигандай ёки у келгунча ўзига бирон ходиса

бўладигандай туюлди. У илгаригидай ёлғиз ўтириб унинг тўғрисида осудалик билан узок ўйлай олмас эди: князь Андрейни ўйлаши биланок унинг ҳақидаги хотирасига кекса князь, княжна Марья, сўнгги спектакль ва Курагин ҳақидаги хотиралари кўшилиб кетарди. Мен айбли эмасманми, князь Андрейга берган аҳдимни бузмадимми, деган саволлар унинг олдида яна кўндалант бўлиб турар ва у яна кўнглида алланечук мужмал ва кўркинчли бир туйғу туғдира олган бу йигитнинг ҳар бир сўзини, ҳар бир харакатини, юзининг ҳар бир ифодасини барча тафсилоти билан эсларди. Уйдагилар нинг кўзига Наташа ҳар кунгидан кўра хурсандрок кўринса ҳам, лекин илгаригидай осуда ва баҳтиёр эмас эди.

Якшанба куни эрталаб Марья Дмитриевна меҳмонларини Могильцидаги Успения ибодатхонасига ибодатга таклиф қилди.

Серҳашам бутхоналарга ҳушим йўқ, – деди у, афтидан, эркин фикрли эканлигига фаҳрланиб. – Ҳамма жойда худо бир. Бизнинг попимиз жуда дилкаш нуроний чол, ибодатни ҳам ўрнига кўяди. Дъяконимиз¹ ҳам ёмон эмас. Мехробда концерт бўлса савоби каттарок бўладими? Ҳушим йўқ, булар ҳаммаси бекорчи эрмак!

Марья Дмитриевна якшанба кунларини яхши кўрар ва байрам килишни ҳам билар эди. Шанба кунлари унинг уйи озода, тоза, ўзи ва хизматкорлари ишламас, ҳамма ясаниб, албатта, ибодатта борар эди. Байрам кунлари хўжаларнинг тушлиги ранг-баранг бўлар, хизматкорларга ароқ, ковурилган ғоз ёки чўчка гўшти берилар эди. Бироқ бу ҳовлида хеч кимнинг юзидан Марья Дмитриевнанинг япалоқ ва жиддий юзидаги сингари байрам руҳи акс этиб турмас, бунақа кунларда у эргадан-кечгача тантанали бир киёфага киради.

Ибодатхонадан келиб, кресло ва диванларидан жиллар олинган меҳмонхонада қаҳва ичиб ўтирилганда Марья Дмитриевнага карета тайёр, деб хабар килишди ва Марья Дмитриевна меҳмонга борадиган вактлардагина ўрайдиган катта рўмолини ўраб, ўрнидан турди-да, князь Николай

¹ Дъякон – православ ва католик черковида попдан кейинги ўринда турган черков руҳонийси.

Андреич олдига бориб, Наташа түғрисида гаплашиб келишни айтди.

Марья Дмитриевна кеттандан кейин Ростовлар олдига мадам Шальма юборган тикувчи қыз келди ва Наташа меҳмонхонанинг нариги тарафидаги уйнинг эшигини беркитиб, зўр хафсала билан янги кўйлакларини ўлчай бошлади. У кўклиб кўйилган ва енглари ҳали ёпиштирилмаган кўйлакни кийиб, орқасини ойнага солиб, кайрилиб қараётган чогида меҳмонхонадан отаси ва яна бир хотиннинг бидирлаб гапирашаётганини эшилди ва кизариб кетди. Бу Элленнинг товуши эди. Наташа ўлчаётган кўйлагини ечишга улгурмай эшик очилди ва уйга ширин табассум билан графиня Безухова кирди. У ёқаси тўқ бинафша бархат кўйлак кийган эди.

– Ох, менинг дилбарим! – деди у кизариб кетган Наташага. – Қандай гўзал! Йўқ, дўстим граф, бу иш эмас, – деди у орқасидан кирган графга. – Наҳот одам Москвада туриб уйдан чиқмаса? Йўқ, мен сизни қўймайман! Бугун кечқурун менинида Георг хоним декламация ўқиб беради, беш-олти киши келмоқчи, агар сиз Георг хоним ҳам йўлда колдирдиган гўзал кизларингизни олиб келмасангиз, сиздан юз ўтираман. Эрим бу ерда эмас. Тверга кетган, бўлмаса сизларни олиб кетгани юборар эдим. Соат тўққизларда, албатта, келинг. – У таъзим килган таниш модисткага бош иргитиб кўйди ва бархат кўйлагининг жимжимасини жуда чиройли қилиб ёзиб, ойна ёнидаги креслога ўтирди, Элен Наташанинг хусн-жамолини тинимсиз мактаб, гап сотиб ўтирди. У Наташанинг кўйлакларини кўрди, мактади, ўзининг ҳам Париждан олинган метаъл газламадан тикилган янги кўйлагини мактади ва Наташага ҳам шунаقا кўйлак тикиришни маслаҳат берди.

– Лекин, барибир, сизга ҳаммаси ҳам ярашади, гўзалим, – деди у.

Наташанинг лабларидан хурсандлик табассуми аримасди. Наташа илгари жуда мутакаббир ва димоғдор деб ўйланган, хозир эса шунчалик меҳрибон бўлиб колган бу дилкаш графиня Безухованинг мактовларини эшитиб, кувониб кетди. У гул-гул очилиб бу меҳрибон, гўзал хотинга ошиқ

бўлиб қолгандай бўлди. Элен ҳам Наташанинг ҳуснига маҳлиё ва уни хурсанд килишга орзуманд бўлиб қолди. Анатоль мени Наташа билан учраштириб кўй, деб илтимос қилган ва Элен шу мақсад билан Ростовлар олдига келган эди. Акасини Наташа билан учраштириш фикри уни анча кизиқтириб кўйган эди.

Элен бир вақтлари, Петербургда, Наташа мендан Борисни тортиб олди, деб хафа бўлиб юрган бўлса ҳам, ҳозир буни унутди ва чин қалвидан ўзича унга яхшилик қилмокчи бўлди. У кетаётганида ўз ракибасини бир четта чакириб шундай деди: – Кеча акам бизникида тушлик қилган эди, кулавериб эсимиз кетди... Томоғидан ҳеч нарса ўтмайди. Фикри хаёли фақат сизда, гўзалим. У сизга ошики бекарор бўлиб қолган, ошики бекарор..

Наташа бу сўзларни эшитиб қизариб кетди.

– Ма гўзалимнинг қизарганини кўринг, қизарганини! – деди Элен. – Албатта, келинг. агар сиз биронни яхши кўрсангиз, гўзалим, бу уйдан чиқмаслигингизга сабаб бўломайди. Қаллиғ бўлганингиз тақдирда ҳам аминманки, куёвингиз уйда зерикиб ўтиришингиздан кўра киборлар орасига киришингизни кўпроқ истар.

«Демак, менинг қаллиг эканимни бу билар экан, демак, эри Пьер билан, ўша одил Пьер билан иккаласи бу ҳақда гапиришган, демак, гапириб кулишган экан. Демак, ҳечкиси йўқ», – деб ўйлади Наташа ўзича. Илгари кўрқинчли кўринган нарса Эленнинг сўзларини эшитганидан кейин назарига оддий ва табиий бўлиб кўринди. «Бу шунчалик мўътабар хоним, шунчалик меҳрибон киши, афтидан, мени чин қалвидан севади», – деб ўйлади Наташа. – Уч-тўрт кун ўйнасам нима қилиби? – деди у ичида, кўзларини катта очиб Эленга карар экан.

Марья Дмитриевна тушда қайтиб келди. Кекса князга сўзини ўтказа олмаган бўлса керак, дами ичига тушган ва қовоғи солинган эди. У бўлиб ўтган воқеани осудалик билан гапира олмади, чунки чол билан тўқнашиб қолганидан ниҳоят даража ҳаяжонда эди; графнинг саволларига ҳеч нарса бўлгани йўқ, тинчлик, эртага гапириб бераман, деб кўя

колди.

Графиня Безухованинг келганини ва кечага таклиф килганини эшитиб, Марья Дмитриевна:

— Безухова билан ошначилик килишни маъкул кўрмайман ва маслаҳат бермайман. Ваъда берган бўлсанг, майли боргин, сал очилиб келасан, — деди Наташага қараб.

XIII

Граф Илья Андреич кизларини олиб графиня Безухованинг уйига кетди. Кечада бутун жамоат жам эди. Бирок буларнинг ҳеч қайсисини Наташа танимади. Граф Илья Андреич келганига пушаймон бўлди, чунки бу ерда ўтирган эркак-аёлларнинг қўпчилиги табиатан енгил деб ном чиқарган кишилар эди. Мамзель Георг меҳмонхонанинг бурчидা, ёшлар орасида турган эди. Меҳмонлар ичиди бир неча француз, шу жумладан, Метивье ҳам бўлиб, у Элен келгандан бери кунда ўшанинг уйида эди. Граф Илья Андреич карта ўйнагани ўтирмади, қизларининг олдидан нари жилмасликка ва Георг хонимнинг ўйини тамом бўлиши биланоқ кетишга қарор берди.

Анатоль эшик олдида Ростовларнинг келишини кутиб турган экан. У граф билан саломлашиб, дарров Наташанинг олдига келди ва унинг кетидан борди. Анатолни кўриши биланоқ Наташа, театрдаги сингари, унга ёкиб қолдим, деб талтайиб кетди ва шу билан бирга орадан яна парда кўтарилиганини сезиб, ваҳимага тушди.

Элен Наташани жуда хурсандлик билан қарши олди, унинг ҳусни-жамоли ва кийимиға мафтун бўлганини айтди. Орадан кўп ўтмай, Георг хоним кийимини алмаштироқчи бўлиб уйдан чиқди. Меҳмонлар стулларни четта суриб ўтиришди. Анатоль стулини Наташа ёнига суриб ўтироқчи бўлган эди, бирок кизидан кўзини узмай ўтирган граф Наташанинг ёнидан жой олди. Анатоль ноилож орқага ўтирди.

Георг хоним сўлқилдоқ билакларини очиб, бир елкасига кизил рўмолини ташлаб, креслоларни суриб, бўшатиб қўйилган жойга келиб ғайритабиий бир вазиятда турди. Ҳар томондан шивирлаб уни мақташаётган товушлар эшитилиб

туар эди.

Георг хоним жиддий киёфада, қошини чимириб, одамларни кўздан кечирди ва ўз фарзандига бўлган ҳаром муҳаббати ҳақида ёзилган бир шеърни француз тилида ўкий бошлади. У баъзан овозини кўйиб юборар, баъзан тантанали равишда бошини кўтариб шивирлар, баъзан эса тўхтар ва бақрайиб хириллаб қолар эди.

– Қандай гўзал, қандай дилрабо! – деган садолар эшитилди.

Наташа семиз Георг хоним қараб ўтирас экан, ҳеч нарса кулогига кирмас, кўз олдида бўлаётган ҳодисаларнинг биронтасини ҳам кўрмас ва англамас эди; у ўзини яна аввалги ҳаётидан жуда узок бўлган галати ва ажойиб бир олам кучогига абадий кириб кетаётганингина сезарди, холос. Бу галати оламда эса на нима яхши, нима ёмонлигини билиб бўлар эди ва на нима аклийдан, нима беаклийдан эканини англаб бўлар эди. Унинг оркасида Анатоль ўтирас ва Наташа уни яқингинасида ўтирганини сезиб, бир нарса бўлишини кўркиб кутар эди.

Биринчи монологдан сўнг ҳамма ўзининг мафтун бўлганини билдириб, ўрнидан турди ва Георг хоним ни ўраб олди.

Бошқалар катори Наташа ҳам ўрнидан турди ва одамларни оралаб актрисага томон бораракан, отасига қараб:

– Мунча ҳам чиройли! – деди.

– Сиз бор жойда уни гўзал деялмайман, – деди Наташанинг оркасидан бораётган Анатоль. Бу сўзни Анатоль шундай бир вактда айтдики, буни Наташадан бўлак ҳеч ким эшиitmади. – Сиз жуда-жуда гўзалсиз... Сизни кўрганимдан бери бирон дақика ҳам...

– Кетдик, кетдик, Наташа, – деди кизини олиб қелган граф. – Жуда гўзал экан!

Наташа индамай отаси олдига келди ва унга ҳайратомуз савол назари билан қаради.

Бир неча номер декламациядан кейин Георг хоним кетди ва графиня Безухова меҳмонларни залга таклиф килди.

Граф кетмоқчи бўлган эди, бироқ Элен бехосдан бўлган балимни бузманг, деб ялинди ва Ростовлар қоладиган

бўлишди. Анатоль Наташани вальсга таклиф килди ва вальс вактида Наташанинг бели ва билагидан ушлаб, сиз жуда жозибали, мен сизни яхши кўраман, деди. Экосез вактида Наташа яна Анатоль билан ракс килди ва шунда, холи қолган маҳалда, Анатоль индамай Наташага қаради. Наташа вальс вактида эшитган сўзим тушиммиди, ўнгимми, деб шубҳага тушди. Ракснинг бир мақоми тугаган чогда Анатоль яна Наташанинг кўлини қисиб қўйди. Наташа кўркиб кетиб Анатолга қаради, бироқ унинг мулойим, ёқимли ва жилмайиб турган юзига кўзи тушиб, айтмоқчи бўлган сўзини айттолмади ва ерга қаради.

– Бунақа сўзларни айтманг, мен бошқа бир йигитни яхши кўраман, мени ўшанга унаштиришган, – деди Наташа шошиб-пишиб. У Анатолга қаради. Анатоль бу сўзни эшитиб хижолат ҳам бўлмади, парво ҳам килмади.

– Бу тўғрида менга гапирманг. Бу билан менинг нима ишим бор? – деди Анатоль. – Мен сизни жуда-жуда яхши кўриб колганимни айтиётибман. Сиз шунака дилбар бўлсангиз мен нима киласай?.. Рақсни давом эттирайлик.

Жонланиб кеттган ва ҳаяжонга тушган Наташа кўзлари олазарак атрофга қарап экан, одатдагидан кўра хурсандрок кўринар эди. Шу кеча нималар юз берганини Наташа деярли билмас эди. Экосез ва гросфатерга¹ ракс килишди, отаси энди кетайлик деганда, у яна бироз ўтиришни илтимос килди. Наташа қаерда бўлмасин, ким билан гаплашмасин, Анатоль кузатиб турганини сезар эди. Яна шу нарса эсида бор: кўйлагимни тузатиб келай деб, отасидан ижозат сўраб ташқарига чикқанида Элен кетидан чиқди ва кула-кула акаси ошик бўлиб қолганини айтди, Наташа кичкина истироҳат бўлмасида яна Анатолга дуч келди, шунда Элен қаёқ-қадир гойиб бўлди, иккаласи яна ёлғиз қолди ва Анатоль унинг кўлидан ушлаб ёқимли овоз билан:

– Мен сизнинг олдингизга боролмайман, наҳот бундан кейин сизни кўролмасам? Мен сизни жуда-жуда яхши кўраман, наҳот бўлак кўролмасам? – деди Наташанинг йўлини тўсиб, юзини юзига якинлашириди.

¹ Гросфатер (немисча; бобо) – немис халкининг кадимий ракси.

Анатолнинг чакнаб турган шахло кўзлари Наташага шу қадар якин эдики, Наташа шу кўзлардан бўлак ҳеч нарсани кўролмас эди.

Анатолнинг шивирлаб:

– Натали? – деган товуши эшитилди ва кимдир Наташанинг кўлини қаттикроқ кисди. – Натали?!

Наташанинг кўз қараши: «Ҳеч тушуна олмайман гапирадиган гапим ҳам йўқ», – деб турар эди.

Иссиккина лаблар Наташанинг лабига тегди ва шу ондаёқ Наташа яна ўзини эркин сезди. Шу он Эленнинг қадам товуши ва кўйлагининг шитирлаши эшитилди. Наташа Эленга қайрилиб қаради, кейин қизариб, кўркиб Анатолга савол назари билан қаради-да, эшикка томон йўналди.

– Бир оғиз сўзим бор, фақат бир оғиз, худо ҳакки, – деди Анатоль. Наташа тўхтади. Анатоль айтмоқчи бўлган шу сўзни эшитиши зарур бўлиб қолди, чунки бу сўз ҳозир нима ҳодиса рўй берганини изоҳлар ва бунга Наташа жавоб қайтара олар эди.

Анатоль, афтидан, нима дейишини ўзи ҳам билмаса керак: – Натали, бир оғиз сўзим бор, бир оғиз! – деб Элен олдига келгунича шу сўзни такрорлай берди.

Элен Наташани олиб яна меҳмонхонага чиқди. Ростовлар овқатта қолмасдан жўнашди.

Уйга қайтиб келгач, Наташа кечаси билан ухломай чиқди: ҳал этилиши мумкин бўлмаган бир савол – Анатолии яхши кўраманми, князъ Андрейними, – деган савол уни жуда кийнади. У князъ Андрейни чин қалбидан яхши кўришини аниқ билар эди. Бироқ у, шубҳасиз, Анатолии ҳам яхши кўпгар эди.

«Яхши кўрмаганимда шундай бўлармиди? – деди у ўзича. – Модомики, шундан кейин ҳам у билан хайрлашиб, табассумига табассум килибман, модомики, шунгача йўл қўйибман, демак, биринчи кўришимдаёқ уни яхши кўриб қолибман. Демак, у шундай меҳрибон, олижаноб ва яхши одам эканки, севиб қолибман-да, бўлмаса севармидим. Ҳам буни ва ҳам уни яхши кўриб қолган бўлсан нима қиласай?» – дер эди Наташа, бу кўрқинчли саволларга жавоб тополмай.

Тонг ёришди, яна ўша ташвиш-тараддуд бошланди. Ҳамма ўрнидан турди, кўзгалди, ғовур-ғувур бошланди, яна модисткалар келди, яна Марья Дмитриевна чикди ва ҳаммани чойга чакиришди. Наташа худди бир кўз караш билан ҳаммани бирдан кўрмокчи бўлгандай, ҳаммага кўзларини катта-катта очиб, ҳаммага бесаранжом назар солар ва ўзини илгариgidай тутишга харакат қилар эди.

Марья Дмитриевна нонуштадан кейин (бу Марья Дмитриевнанинг энг севадиган маҳали эди) креслога ўтириди ва Наташа билан кекса графни чакирди.

– Қани, ўтиинглар, дўстларим, ҳаммасини ўйлаб кўрдим, сизларга бирдан бир берадиган маслахатим шу, – деди у гап бошлаб. – Кеча, хабарларинг бор, князь Николайнинг ўйига борган эдим; у билан гаплашиб кўрдим... У менга бақирди. Мен хам бўш келмадим! Мен айтадиган гапимнинг ҳаммасини тўкиб солдим!

– Э, у нима деди? – сўради граф.

– Нима дер эди? Мия колибдими унда... Кулок соглиси келмайди. Бечора қизгинани ҳали ҳам қийнаб қўйдик, – деди Марья Дмитриевна, – маслаҳат шу – ишларни биткизиб, уйга – Отрадноега қайтинглар. Ўша ерда кутинглар...

– Вой! Йўғ-е! – деб қичкириб юборди Наташа.

– Йўқ, кетиш керак, – деди Марья Дмитриевна.

Ўша ерда кутиш керак. Куёв келган тақдирда ҳам бу иш энди жанжалсиз бўлмайди. Ўзи отаси билан холи гаплашиб, кейин олдиларингта боради.

Илья Андреич бу таклиф оқилона таклиф эканини англаб, дарров рози бўлди. Агар чол феълидан тушса, кейинроқ унинг олдига – Москвагами, е Лисие Горигами бориш маъқулроқ, агар феълидан тушмаса у вактда унинг розилигисиз факат Отрадноеда никоҳ қилиш мумкин.

– Бу жуда маъқул гап, Наташани унинг олдига олиб борганимга ҳам пушаймонман, – деди кекса граф.

– Нега пушаймон бўласан? Шу ерда туриб иззатини килмасанг бўлмас эди. Қабул килмаган бўлса ўзи билади, – деди Марья Дмитриевна сумкасидан ниманидир ахтарар

экан. – Мана, сеп ҳам тайёр бўлди, яна нимани кутасизлар, агар бирон нарса битмаган бўлса кейин юбораман. Кетишлирингта кўнглим бўлмаса ҳам, боргандаринг маъкул, – деди ва сумкадан излаётган нарсасини топиб, Наташага берди. – Бу княжна Марьянинг мактуби эди. Сенга ёзибди. Бечора жуда-жуда азоб чекаётиби. Графиня Ростова мени ёмон кўраркан демасин, деб кўркиб ўтириби.

– Мени ёмон кўриши турган гап, – деди Наташа.

– Бўлмаган гап, қўй бунақа гапларни, – деб Марья Дмитриевна бакириб берди.

Наташа хатни оларкан, ўйламай-нетмай:

– Ҳеч кимга ишонмайман; биламан, у мени ёмон кўради! – деди ва юзида ғазаб аломати пайдо бўлди, Марья Дмитриевна буни кўриб, Наташага тикилиб қаради ва қовогини солди.

– Сен, онагинам, бунақа дема, – деди у. – Мен ҳақиқатни айттаётибман. Хатига жавоб ёз.

Наташа индамади ва княжна Марьянинг хатини ўқигани ўз бўлмасига қараб кетди.

Княжна Марья ўз хатида икки орада юз берган англешилмовчиликдан ниҳоят даража хафа эканини ёзган эди. «Отам сизга қандай қарамасин, сиз шунга ишонингки, – деган эди княжна Марья хатида, – мен сизни яхши кўраман. Модомики ўз жонимдан ортиқ кўрадиган укам сизни танлабди, сизни яхши кўрмаслигим мумкин эмас».

«Ҳа, айтгандай, – деб ёзган эди княжна, – отангиз мени ёқтиримади деб ўйламанг, у киши қари ва ҳам касалманд одам, шунинг учун ҳам сўзларини кўнглингизга олманг; аслида у киши жуда меҳрибон ва олижаноб одам, ўғлини хушбахт қиласидиган қизни яхши кўрмай иложи йўқ». Княжна хатда Наташа билан кўришмокчи эканини билдириб, бирон вақтни белгилашини сўраган эди.

Хатни ўқиб бўлгандан кейин Наташа жавоб ёзиш учун ёзув столига ўтириди ва ўйлаб ўтирмасдан, беихтиёр: «Азизим княжна», деб бошлаганидан сўнг тўхтаб қолди. «Кечаги ҳодисадан кейин нима ҳам ёза олар эдим? Ҳа, ўшандада шундай бўлган эди, энди ундоқ эмас», – деди ичида

Наташа хатдан бошини күттармай. «Князь Андрейга тегмайман деяйми? Шундоқ дейиш керакми? Бу кўп ёмон гап-ку!» Наташа бу кўркинчли фикрларни ўзидан йироқлаштиримокчи бўлиб Соняning олдига борди ва у билан нусха танлай бошлади.

Тушликдан кейин Наташа ўз бўлмасига кириб княжна Маръянинг мактубини яна қўлига олди. «Наҳот ҳаммаси тамом бўлган бўлса? – деб ўйлади у. – Наҳот бу нарса шунча тез юз бериб, илгаригисини маҳв этган бўлса?» У князь Андрейга бўлган аввалги муҳаббатини эслади ва шу билан бирга Курагинни яхши кўриб колганини ҳам сезди. У князь Андрейга хотин бўлишини, у билан бирга баҳтли хаёт кечиришини (бу тўғрида Наташа жуда кўп ўйлар эди), кўз олдига келтирди ва шу билан бирга ҳаяжондан ёниб, кеча Анатоль билан учрашганини барча тафсилоти билан эслади.

«Иккови ҳам бўлса нима бўлар экан? – дер эди баъзан боши қотиб. – Ўшандা мен буткул баҳтли бўлар эдим, мана энди танлаб ўтиришим керак, лекин иккаласи бўлмагунча баҳтли бўлолмайман. Лекин бу ҳодисани князь Андрейга айтишим ҳам мумкин эмас, айтмаслигим ҳам. Бу ҳозирча ҳеч нарса бўлгани йўқ. Наҳот князь Андрайнинг муҳаббатидан абадий маҳрум бўлсан? Наҳот шунча вақтдан бери муҳаббати билан яшаган кишимдан маҳрум бўлсан?»

– Ойимқиз, – деди уйга кирган хизматкор киз маҳфий шивирлаб. – Шуни бирор бериб кетди, – хизматкор киз бир хат узатди. – Лекин худо ҳаки... – деди яна киз Наташа хатни олиб беихтиёр ўкиркан. Бу хат Анатолнинг муҳаббат изҳор килиб ёзган хати эди. Наташа бу хат яхши кўрадиган йигити Анатолнинг хати эканлигидан бўлак нарсага тушунмади. «Ҳа, шу йигитни севаман, акс ҳолда шундай бўларми? Бўлмаса, Анатолнинг муҳаббат изҳор килиб ёзган хати менинг кўлимда нима қиласди?»

Анатолнинг Долоховга ёздирган бу мактубини Наташа титрокли қўллари билан ушлаб ўкиркан, ўзи сезган нарсаларнинг ҳаммаси шу мактубда акс этгандай бўлди.

Мактуб шундай бошланган эди: «Ўтган оқшомдан бери менинг ҳаёт-мамотим сизнинг кўлингизда: ё мени севиб

бахтли киласиз, ёки ўлимга маҳкум этасиз. Бўлак чора йўқ».
– Кейин Анатоль яна шу нарсаларни ёзган эди: «Мен била-
ман, ота-онангиз сизни менга бермайди, бунга бир маҳфий
сабаб бор ва буни ёлгиз ўзингизга айтишим мумкин, лекин
агар сиз ҳам мени яхши кўрсангиз ва шунга икror бўлсангиз,
икковимизнинг бирга бўлишимиизга ҳеч қандай куч халал
беролмайди. Мухабbat ҳамма нарсани енгади. Мен сизни
ўғирлаб дунёнинг у четига олиб кетаман».

«Ҳа-ҳа, мен ҳам уни яхши кўраман!» – деди ўзича
Наташа мактубни қайта-қайта ўқиб ва унинг ҳар бир сўзидан
алланечук бир чукур маънони излаб.

Шу оқшом Марья Дмитриевна Архаровларнинг уйига
бормоқчи эди, кизларни ҳам, бирга юринглар, деб таклиф
килди. Наташа бош оғриқ баҳонаси билан уйда қолди.

XV

Меҳмондорчиликдан жуда кеч қайтган Соня Наташанинг бўлмасига кириб ҳайрон бўлди: Наташа ечинмасдан диванда ухлаб ётган, унинг олдида, столда, Анатолнинг хати турган эди. Соня хатни олиб ўқиди. У хатни ўқиб, кўзларига ишонмай, ухлаб ётган Наташага, ўзи нима гап, деган маънода қаради. Бироқ Наташанинг юзида бу саволга жавоб бўладиган ҳеч нарса йўқ эди. Наташа осуда, маъсум ва масъуд ётган эди. Соня нафаси тикилиб, кўкрагини ушлади, кўркув ва ҳаяжондан қалтираб, ранг-кути учеби, креслога ўтириди ва юм-юм кўз ёши тўкиб йиғлади.

«Нима бўлиб мен пайкамай қолибман? Қандай бўлиб иш шу даражага бориб етибди? Наҳот бунинг князь Андрейдан кўнгли совиган бўлса? Нечук бўлиб Курагинга шу даражага етгунча йўл берибди? Ахир у бир алдамчи ва ярамас одам, буни ҳамма билади-ку. Николай нима килади, энди азиз ва меҳрибон Николай бу хабарни эшитса нима деркин? Уч кундан бери, кеча ҳам, бугун ҳам ҳаяжонга тушиб, феъли айниб юрганининг сабаби шу эканда? – деди Соня ўзича, – Анатолни яхши қўриб қолиши ҳеч мумкин эмас! Бу хат кимдан келганини билмасдан очган бўлиши мумкин. Бу хат, балки, Наташанинг ўзига ҳам жуда қаттиқ

теккандир. Наташанинг бунга йўл қўйиши ҳеч мумкин эмас!»

Соня кўз ёшини артиб Наташанинг олдига борди ва яна унинг афтига қаради.

– Наташа! – деди у эши билар-эши билас.

Наташа уйгонди ва Соняни кўриб:

– Э, келдингми? – деди.

Наташа уйқудан уйғонган лаҳзалардагина бўладиган бир меҳр билан дугонасини маҳкам кучоклади. Бироқ Сонянинг юзидағи изтиробни кўриб, кўнгли гаш бўлди ва шубҳага тушди.

– Соня, сен мактубни ўқидингми?

– Ҳа, ўқидим, – деди Соня секин.

Наташа завқ қилиб кулди.

– Йўқ, Соня, сендан энди яшира олмайман – деди у. – Сенга айтмай туролмайман. Биласанми, биз бир-бировимизни яхши кўрамиз! Соня, жонгинам, у ёзибдики... Соня...

Соня худди ўз кулоғига ишонмаётгандай кўзларини катта очиб Наташага қаради.

– Болконский нима бўлади? – деди Соня.

– Оҳ, Соня, қанчалик баҳтли эканлигимни билсанг экан! – деди Наташа. – Сен ҳали муҳаббат нима эканини билмайсан...

– Наташа, наҳот ўша муҳаббатинг тамом бўлган бўлса? Наташа, худди Сонянинг саволига тушунмагандай, унга шахло кўзларини тикиди.

– Нима, князь Андрейга тегмайман дейсанми? – деди Соня.

– Оҳ, сен ҳеч нарсага тушунмадинг, тушунмадинг-да, кўй шунақа bemаза гапларни, сўзимга қулоқ сол, – деди Наташа дугонасидан ранжиб.

– Йўқ, мен бунга сира ишонмайман, – деди яна Соня. – Ҳеч тушунмаяпман. Бир одамни бир йилдан буён яхши кўриб келиб, нечук энди тўсатдан... Ахир сен Анатолни бор-йўғи уч мартагина кўрдинг, холос-ку. Наташа, бу гапингга ишонмайман, ҳазилингни кўй. Уч кун ичида киши шунчалик муҳаббатини унутиб...

– Уч кун, – деди Наташа. – Лекин мен Анатолни худди юз йилдан бери севиб келгандайман. Мен хеч қачон хеч кимни шунчалик севмаган эдим. Сен буни англолмайсан. Соня, шошма, ўтири бу ерга. – Наташа дугонасини қучоклаб ўпди. – Менга мұхаббат шунақа бўлади дейишган эди, сен ҳам эшитгандирсан, лекин бунака мұхаббатни мен энди кўряпман. Бу илгариги мұхаббатимга хеч ҳам ўхшамайди. Бир кўришда уни ўз султоним ва ўзимни эса унинг чўриси сездим. Уни яхши кўрмаслигим мумкин эмас. Ҳа, бутунлай унга чўри бўлдим-қолдим. У нима деса, ўшани килишга тайёрман. Сен буни тасаввур ҳам қилолмайсан. Нима қилсам экан? Нима қилсам экан, Соня? – дерди Наташа хурсанд бўлиб ва шу билан бирга кўркиб.

– Нима қилаёттанингни ўйлагин, – деди Соня, – Мен буни шундай кўймайман. Бу маҳфий хатларни... Қандай бўлиб сен унинг шу даражагача етишига йўл қўйдинг? – деди Соня ўти ёрилиб ва нафратини зўрға яшириб.

– Иродам йўқ деб сенга айтмовдимми? – деди Наташа.
– Наҳот шунга тушунмасанг, мен уни севаман!

– Мен бунга йўл қўймайман, мен ҳаммасини айтаман, – деб кичкирди Соня кўзларидан ёш чиқиб.

– Вой, сенга нима бўлди, худо ҳаки... Агар оғзингдан чиқарсанг, душманим бўласан, – деди Наташа. – Сен бадбаҳт бўлишимни истайсанми, сен истайсанки, бизни бир-бири-миздан жудо қилишсинми?

Соня дугонасининг бунчалик кўркиб кетганини кўриб юраги ачиди ва йиглаб юборди.

– Хўп, ораларингда нима ўтди, – сўради Соня, – У сенга нима деди? Нега ўзи бу ерга келмайди?

Наташа дугонасининг бу саволларига жавоб бермади.

– Худо ҳаки, Соня, оғзингдан чиқарма, мени кийнама, – деб ялинди Наташа. – Шуни билгинки, бунака ишларга аралашиб бўлмайди. Мен сенга юрагимни очдим...

– Бу яширикча ишларнинг маъноси нима? Нега ўзи уйимизга келмайди? – сўради Соня. – Нима учун очикдан очик сенинг кўлингни сўрамайди? Ахир, ҳакиқатан ҳам, яхши кўриб қолган бўлсанг, князъ Андрей ихтиёргингни

ўзингга бериб кетган-ку. Лекин мен бунга сира ишонмайман. Наташа, қанақа махфий сабаблар бўлиши мумкин эканини ўзинг ўйлаб кўрдингми?

Наташа ҳайрон бўлиб Соняга каради. Афтидан, бу савол шу вактгача унинг хаёлига ҳам келмаган эди, шунинг учун нима деб жавоб беришини билмай қолди.

– Қанақа сабаблар бўлишини билмайман. Бирон сабаб бордир-да! Соня ох чекди ва ишонмай бош чайқади.

– Агар сабаби бўлганда... – давом этди Соня, бироқ Наташа дугонасининг шубҳасини пайқаб, қўркиб кетди ва сўзини бўлди.

– Соня, шубҳага ўрин йўқ, шубҳаланма, шубҳаланма, тушуняпсанми? – деб кичкирди.

– У сени яхши кўрадими?

– Яхши кўрадими? – такрорлади Наташа дугонасининг бефаҳмлигига афсус билан жилмайиб. – Ахир хатини ўқиб кўрдинг-ку! Ўзини кўрганмисан?

– Мабодо паст йигит бўлса-чи?

– Йўғ-е! Паст? Сен уни билмайсан! – деди Наташа.

– Агар у олижаноб йигит бўлса ё мақсадини очиқ айтиши керак ё сен билан учрашмаслиги керак эди; агар сен шундай деб ёзишли истамасанг ўзим ёзаман, дадамга айтаман, – деди Соня жаҳл билан.

– Мен усиз туролмайман! – кичкирди Наташа.

– Наташа, сенга тушунолмай қолдим. Нима деяпсан ўзи? Дадангни ўйла, Николайни ўйла!

– Менга ҳеч ким керак эмас, ундан бўлак ҳеч кимни яхши кўрмайман! Наҳот сен уни паст йигит десанг? Яхши кўришимни билмайсанми? – кичкириб юборди Наташа. – Соня, тур кет, сен билан уришишни истамайман. Кет, худо ҳаки кет! Накадар азоб чекаётганимни кўрмаяпсанми? – деб кичкирди Наташа ғазабини зўрга босиб. Соня йиглаб уйдан чиқиб кетди.

Наташа стол ёнига бориб ўтириди ва ўйламай-нетмай княжна Маръянинг мактубига жавоб ёзди (эрталабдан бүён жавоб ёзолмай юрган эди). Наташа кисқача килиб княжна Маръяга шундай ёзди: «Орамизда ўтган англашилмов-

чиликлар тамом бўлди, князь Андрей кетаётганида, олижаноблик қилиб, ихтиёrimни ўз қўлимга бериб кетган эди, энди мен ўша хукуқимдан фойдаланиб, сўрайман: ўтган гапларнинг ҳаммасини эсдан чикаринг, агар мен бирон гуноҳ қилиб кўйган бўлсан афв этинг, мен князь Андрейга тегмайман». Шу онда буларнинг ҳаммаси, Наташанинг назарида, жуда жўн ва осон кўринди.

Жума куни Ростовлар кишлокка жўнашмокчи эди. Чоршанба куни граф Москва ташқарисидаги мулкига харидор олиб кетди.

Граф кетадиган куни Наташа билан Соняни Курагинлар катта зиёфатта таклиф қилишди ва Марья Дмитриевна буларни олиб ўша ёкка кетди. Шу зиёфатда Наташа яна Анатоль билан учрашди. Соня дугонаси Анатоль билан нима тўғридадир маҳфий гаплашганини ва бутун меҳмондорчиллик давомида дугонасини илгаригидан кўра қўпроқ ҳаяжонланганини пайқади. Уйга қайтиб келганларидан кейин Наташа дугонаси сўрамоқчи бўлиб ўтирган гапни айтди.

– Соня, сен унинг тўғрисида ҳар хил бўлмаган гапларни айтган эдинг, – деди Наташа маъсум бир овоз билан, (катталардан мақтов эшитишни истаган болалар шу тарзда гапиришади.) – Бугун биз очиқ гаплашиб олдик.

– Хўш, нима бўлди, нима? У нима деди? Наташа, мендан ранжимаганингта жуда хурсандман. Ҳаммасини айт, ростини айт, у нималар деди?

Наташа ўйлаб колди.

– Ох, Соня, уни менчалик билсанг эди! У айтдики... У Болконскийга қанақа сўз берганимни сўради. Болконскийга тегиши-тегмаслик ўз ихтиёrimда эканлигини эшитиб суюниб кетди.

Соня чукур хўрсиниб кўйди.

– Ахир сен Болко́нскому тегмайман деганинг йўқ-ку ҳали? – деди Соня.

– Аллақачон деган бўлсан-чи! Болконскийдан айниганса бўлсан, нима дейсан? Нега энди менинг тўғримда бунақа ёмон ўйларга бораётибсан?

– Мен ҳеч нарса ўйлаганим йўқ, мен фақат бир нарсага

тушунмаяпман...

– Сабр күл Сөня, ҳаммасини тушунтириб бераман. У қанақа йигит әкендигини күрасан. Менинг түғримда хам, унинг түғрисида хам ёмон хаёлларга борма.

– Мен ҳеч қим түғрисида хам ёмон хаёлга бормайман. Мен ҳаммани севаман ва ҳаммага ачинаман. Хўш, нима қиласай бўлмаса?

Соня дугонасининг ширин сўзларидан ийиб кетмади. Наташа қанчалик юмшоқ сўзлар билан Соняниг ичига киришга ҳаракат қиласа, Соня шунчалик ўзини жиддий тутди.

– Наташа, – деди Соня. – Сен бу ҳақда оғиз очма деган эдинг, шунинг учун индамовдим. Мана энди ўзинг гап очдинг. Наташа, мен унинг гапларига ишонмайман. Бу яшириқча ишлардан мурод нима?

– Яна! Яна бошдан тушдинг! – унинг сўзини бўлди Наташа.

– Наташа, бу ишингдан кўрқаяпман.

– Нимадан кўрқасан?

– Ўзингни ўзинг ҳалок қиласан деб кўрқаман, – деди Соня жеркиб, лекин айтган сўзидан ўзи кўрқиб кетди.

Наташа яна тажанг бўлди.

– Ҳалок қиласан ўзимни, ҳалок қиласан, иложи бўлса тезроқ ҳалок қиласан. Нима ишларинг бўлса сизларга эмас, ўзимга кийин бўлади. Кейин қўй, кўзимга ёмон кўриняпсан.

– Наташа! – кўрқиб ялинди Соня.

– Қўй, кўзимга ёмон кўриняпсан! Сен абадий душманимсан.

Наташа югуриб уйдан чиқиб кетди. У Соня билан бўлак гапиришмади ва ундан ўзини олиб қочадиган бўлди. У ҳамон кўркув аралаш дами ичига тушиб, уйларни айланиб юрар, ҳали у ишга, ҳали бу ишга кўл урап, лекин дарров ташлаб кетар эди.

Дугонасини шу ахволда кўриш Соня учун қанчалик оғир бўлмасин, у кўзини дугонасидан узмай, уни кузатиб юрди. Граф келишидан бир кун бурун Соня дугонаси, Наташа эрталабдан бошлаб, бир нарсани кутаёттандай меҳмонхонанинг деразаси олдида турганини ва кўчадан ўтиб,

мехмон кетган бир ҳарбийга (Соня бу ҳарбийни Анатоль деб гумон килди) алланечук ишора килганини пайқади.

Соня дугонасини яна ҳам күпрок диккәт билан кузатиб, тушлик вактида ҳам, кечки пайтда ҳам ўзгариб колганини кузатиб, пайқади. (Берилган саволларга Наташа пойма-пой жавоб берар, бир гапни бошлаб охирига етказмас, ҳамма нарсага кулар эди.)

Соня чойдан кейин Наташанинг бўлмасига киргани журъат этолмай, эшик олдида турган оксоч қизни кўрди. Соня оксоч қизни киргизиб юбориб, ўзи эшикдан қулоқ солди ва яна Наташага хат келганини пайқади. Соняning бошига, Наташа шу кеча бир балони бошламасин деган фикр келди ва эшикни тақиллатди. Наташа Соняни киргизмади.

«Бу Анатоль билан қочмоқчи, – деди Соня ичида.

– Бу киз хеч нарсадан қайтмайди. Бугун авзойи ҳам хийла бузук эди. Амаким билан хайрлашганда ҳам йиғлаб юборган эди. Ҳа, бу аник. Анатоль билан қочмоқчи. Энди нима қиласман? – деди Соня Наташанинг бир балони бошламоқчи бўлганидан далолат берадиган килмишларини эслаб. – Граф бу ерда эмас. Энди нима қилдим? Курагиннинг ўзига хат ёзиб, ўзидан изоҳ сўрайми? У жавоб берармikan? Ё Пьерга хат ёзайми, князь Андрейнинг ўзи бирон ҳодиса юз берса ўшанга мурожаат килинглар, деб тайинлаган эди-ку! Болконскийга тегмайман деб, эҳтимол, хат ёзгандир? (Наташа кечка княжна Марьяга хат юборган эди.) Кошки, амаким шу ерда бўлса экан!»

Бундан Марья Дмитриевнани огохлантиришга Соня-нинг юраги дов бермади, чунки Марья Дмитриевна Наташани бунчалик деб ўйламас эди.

Соня коронғи йўлакда туарар экан, ўзича: «Мен бу хонадоннинг нон-тузини хурмат этишимни ва Николайни севишимни исбот қилишим керак. Уч кун ухламасдан бўлса ҳам, бу йўлакдан жилмайман ва ҳар қандай бўлганда ҳам бу хонадоннинг обрўйини ер билан яксон килишга йўл кўймайман», – деди ичида.

XVI

Анатоль сўнгги кунларда Долоховнинг уйига кўчиб келган эди. Ростовани олиб кочиш режасини Долохов бир неча кун олдин ўйлаб, пишитиб кўйди. Бу режа Соня дутонасининг бўлмаси эшигидан қулок солиб, уни қўриклиамокчи бўлган ўша куни кечаси амалга ошириладиган эди. Кечқурун соат ўнда Анатоль орка эшикдан келиши ва Наташа унинг олдига чикиши керак эди. Курагин Наташани тайёрлаб кўйилган уч отли фойтунга ўтқазиб, Москвадан олтмиш чақирим узокдаги Каменка деган кишлоққа олиб кетиши ва у ерда руҳонийликдан чиқиб қолган бир поп буларни никоҳ қилиши керак эди. Кейин Каменкада тайёрлаб кўйилган отлар буларни Варшава йўлига олиб бориши ва у ердан почтахона отларига миниб чет элга қочишлари керак эди.

Анатоль паспорт, йўлда почта отларидан фойдаланиш учун хужжат тайёрлаб кўйиб, синглисидан Долохов орқали ўн минг қарз олди.

Икки гувоҳ Долоховнинг уйида чой ичиб ўтирас эди. Булардан бири Долоховнинг югурдаги бўлиб қолган собиқ котиб Хвостиков ва иккинчиси эса Анатолии чин кўнглидан яхши кўрадиган, оққўнгил ва лапашанг, истеъфога чиқкан гусар Макарин эди.

Долохов деворидан шифтигача эрон гиламлари, айик терилари ва ханжарлар билан безатилган каттакон кабинетида, эгнида сафар камзули, оёғида этик, счёт ва пул солинглан сандик олдида турар эди. Анатоль мундирининг ёқалари очик, гувоҳлар ўтирган уйдан ўтиб француз хизматкори бошқа хизматкорлар билан юк бойлаётган нариги уйга дамбадам кириб чикар, Долохов пулларни санаб, ёзиб ўтирас эди.

Менга қара, – деди у Анатолга, – Хвостиковга икки минг бериш керак.

– Ҳа, беравер, – деди Анатоль.

– Макаркани (иккови Макаринни шундай атар эди) рози кил, у сендан жонини ҳам аямайди. Мана, хисоб-китоб ҳам битди, – деди Долохов унга ёзувни кўрсатиб. – Шундай

эмасми?

Анатоль Долоховнинг сўзига қулок солмаётган бўлса керак, лабидан аримаган табассум билан:

– Ҳа, албатта, шундай, – деб жавоб берди.

Долохов тақ этиб сандикни ёпди ва Анатолга истехзоли жилмайиб:

– Ҳой, қўй, шу ишнинг баҳридан ўт, ҳали ҳам вакт бор, – деди.

– Жинни бўлдингми! – деди Анатоль. – Қўй бемаза гапларни. Агар билсанг эди... Сўз билан таърифлаб бўлмайди.

– Ростдан ҳам қўй шу ишни, – деди Долохов. – Мен сенга чин кўнглимдан айтиётибман. Бу килаётган ишинг ҳазил иш эмас.

– Яна, яна қитигимга тегяпсанми? Йўқол, кўзимга кўринма! – деди Анатоль афтини буришириб. – Ҳозир сенинг совуқ ҳазилларинг қулоғимга кирмайди, – деди ва уйдан чиқди.

Долохов Анатолнинг кетидан тахкиромуз кулиб қўйди.

– Менга қара, – деди у Анатолнинг кетидан. – Мен ҳазиллашаётганим йўқ, гапнинг ростини айтиётибман, бу ёқка кел!

Анатоль уйта қайтиб кирди ва дикқатини бир нуктага йигмокчи бўлиб Долоховга қаради, унинг Долоховга беихтиёр бўйсунажётгани кўриниб турар эди.

– Гапимга қулок сол, сўнгги марта айтаман. Мен сен билан ҳазиллашмокчи эмасман! Мен бирон вакт сенинг гапингни қайтарганмидим? Бу ишларни ким тўғрилади, попни ким топди, паспортни ким олиб келди, пулни ким топди? Ҳаммасини мен топдим, мен тўғриладим.

– Ҳа, хўп, раҳмат. Миннатдор бўлмайди деб ўйляпсанми? – Анатоль чукур уф тортиди ва Долоховни кучоқлади.

– Ёрдам қилишга ёрдам килдим, лекин, ҳар ҳолда, сенга гапнинг ростини айтишим керак: бу жуда хавфли иш, дурустроқ ўйлаб қараганда жуда беҳуда иш. Ҳа, хўп олиб кочдинг ҳам, шу билан иш тамом бўлади дейсанми? Бу ишдан хабардор бўлишади, хотининг борлигини билишади, сени айбдор килиб судга беришади ахир.

– Э, кўй шу ахмоқона сўзларингни! – деди Анатоль яна афтини буриштириб. – Ахир айтдим-ку сенга! А? – У тез хулоса чиқаришни яхши кўрадиган зехни хит кишилар сингари, минг марта айтган сўзини Долоховга яна такрорлади. – Ахир, айтдим-ку сенга, агар бу никоҳ бекор килинса, – деди у бармоғини букиб, – демак, айб менда бўлмайди, агар шу никоҳ бўлиб қолса, чет элда бунинг тагини ким суриштиради? Шундай эмасми? Йўқ, гапирма, гапирма.

– Кўй шу ишни дейман, кўй! Нима қиласан бошингни балога қўйиб...

– Бор, жонимга тегдинг, – деди Анатоль ва бошини ушлаб нариги уйга чиқди-ю, яна дарров қайтиб кирди ва Долоховнинг ёнидаги креслога ўтириди. – Ҳеч шундай бўлган эмас эди! А? Қара, қандай ураяпти! – У Долоховнинг қўлини олиб юрагига босди – Ох, оёқчаларини, кўз қарашларини айтмайсизми, дўстим! Хур-а, хур!

Долохов тиржайиб ва чиройли беибо кўзларини чақнатиб Анатолга қаради у, афтидан, яна Анатолнинг жигига тегмоқчи эди.

– Ҳа, хўп, бу пуллар тамом бўлса кейин нима қиласан?

– Кейин нима қиламан? А? – деб такрорлади Анатоль ростдан ҳам келажаги ҳақида ваҳимага тушиб. – Унда нима қиламан? Лекин унда нима қилишимни билмайман... Ҳа, кел, кўй шу bemаза гапларни! Бир гап бўлар-да! – У соатига қаради. – Вақт ҳам бўлибди!

Анатоль нариги уйга чиқди ва: – Қани, бўлдиларингми? Мунча ивирсидиларинг! – бақирди у хизматкорларга.

Долохов пулларни йиғиштириб олди, йўлга чиқадиганларга овқат ва ичимлик олиб келишни буюрди-да, ўзи Хвостиков билан Макарин ўтирган уйга чиқди.

Анатоль кабинетда, қўлини боши остига қўйиб, диванда чўзилиб ётар экан, хаёл суреб жилмаяр ва алланималар деб ўзича шивирлар эди.

– Бор, бирон нарса егин! Ҳеч бўлмаса, бирон қултум ичгин! – деб кичкирди нариги уйдан Долохов.

Анатоль ҳамон юзида табассум:

– Егим келмаса нима қилай! – деб жавоб берди.

– Тургин, Балага келди.

Анатоль ўрнидан туриб ошхонага чиқди. Балага машхур извошли эди. У Анатоль ва Долоховни олти йилдан бери билар, ўз тройкаси билан буларнинг хизматини килар эди. У Анатолнинг (полки Тверда турган вактда) бир неча марта кечкурунлари Твердан олиб, сахарда Москвага етказган ва эртаси яна тройкасида Тверга элтиб қўйган эди. Балага Долоховни бир неча марта таъкибдан халос этган, неча-неча марта икковини лўли кизлар ва ойимчалар (Балага шунака деб атар эди) билан шаҳар айлантирган. Бу одам шулар туфайли бир неча марта Москва кўчаларида одам босган ва извошларни ағдариб юборган ва ўзи айтмоқчи, хўжайнлари уни бир неча марта можаролардан кутказган. Шулар туфайли у бир неча отнинг бошини еган. Булар неча марта уни калтаклаган, неча-неча унга шампанский билан мадера (у мадерани жуда яхши кўрар эди) ичказиб маст қилишган. Балага буларнинг ўрнига бошқа одам бўлса аллақачон Сибирь килинадиган катта-катта жиноятларини ҳам билар эди. Булар базмларга Балагани тез-тез чакириб туришар, уни ичишга ва лўлилар олдида ўйнаб беришга мажбур қилишар эди. Долохов билан Анатолнинг минг-минг пуллари шунинг қўлидан ўтар эди. Буларнинг хизматини килиб, Балага йилига йигирма марта ўз жонини хавф-хатар остида қолдирав, бир неча отни ишдан чиқарар, аммо улардан оладиган пули эса кўрган зарарини ҳам қопламас эди. Лекин, шундай бўлса ҳам, Балага буларни яхши кўрар, извошларни ағдариб, одам босиб, Москва кўчаларида соатига ўн саккиз чакирим йўл босиб елдай от чоптиришни севар эди. Балага извошда ўтиаркан, орқасида шусиз ҳам ўти ёрилиб четга чиқаётган дехконларнинг бўйнига қамчи билан туширса хузур киларди, у ўзича: «Хўжайнин деган мана бундай бўлади!» – деб қўяр эди.

Анатоль билан Долохов ҳам Балагани маҳорати, булар яхши кўрган нарсаларни яхши кўргани учун севишар эди. Балага извош кира қиласиганлар билан савдолашар, икки

соат айлантиргани учун 25 сўм олар, бошқаларни ўзи камдан кам олиб юриб, кўпинча йигитларини юборар эди. Лекин ўзи айтмоқчи, хўжайинлари билан ҳамиша ўзи юрар ва хизмати учун ҳеч қачон бир нарса сўрамас, лекин буларнинг кўлига пул тушганини камердинерлари орқали билгандагина, бир неча ойга бир марта, эрталаб хушёр келиб, таъзим қилиб пул сўрар эди. Хўжалари ҳам ҳеч қачон ундан илтифотларини дариг тушишмас эди.

– Мени фалокатдан куткаринг, отагинам Фёдор Иванович, ёки тўрам, – дер эди у. – Отсиз қолдим, бозорга боряпман, озроқ қарз бериб туринг.

Анатоль билан Долохов кўлларида пул бўлган вақтда минг сўмлаб, икки минг сўмлаб пул беришар эди.

Балага сариқ, юзи ва, айникса, йўғон бўйни қип-қизил, ўзи пакана, бурни пучук, кичкина кўзлари бежо, соқоли кисқа, йигирма етти ёшларга кирган дехқон эди. У нимча пўстини устидан шоҳи астарли кўк чакмон кийиб олган эди.

У даҳлизнинг бурчагидаги санамларга қараб чўкинди ва Долоховга калта кўлини чўзиб:

– Салом, Фёдор Иванич! – деди таъзим қилиб.

– Салом, биродар! Мана ўзи ҳам келди.

– Салом, тўрам, – деди у кирган Анатолга қўл бериб.

– Балага! – деди Анатоль унинг елкасига кўлини ташлаб. – Айт, мени яхши кўрасанми, йўқми? А? Қани энди, бир хизмат кил... Қайси отларни кўшиб келдинг? А?

– Юборган кишингизнинг айтганига мувофиқ, сиз яхши кўрадиган отларни кўшиб келдим.

– Менга қара, Балага! Отларинг ўлса ўлсинки, уч соатда еткиз. Тушундингми?

– Э, отлар ўлса нима билан борамиз? – деди Балага кўзларини ўйнатиб.

– Ҳой, тумшуғингни ёраман-а! Ҳазиллашма! – Анатоль бирдан кўзларини олайтириб бакирди.

– Ҳазиллашганим йўқ, – деди яна извошли кулиб. – Мен бирон марта отларимни сизлардан аяганмидим? Отларни жони борича чоптираман.

– Шундай дегин-да! – деди Анатоль. – Қани, ўтири.

– Утирсанг-чи! – деди Долохов.
– Тикка туравераман, Фёдор Иванович.
– Нозингни қўй, ўтири, ич, – деди Анатоль ва катта стаканга мадера кўйиб берди. Винони кўриб извошчининг жони кирди. У кўнгил учун аввал «йўқ-йўқ» деди-ю, кейин паккос кўтарди ва шапкасига кистириб кўйган кизил шохи рўмолчани олиб лабини артди.

– Қачон жўнаймиз бўлмаса, тўрам?
– Мана (Анатоль соатига қаради) ҳозир жўнаш керак.
Хушёр бўл, Балага! А? Ета оласанми?

– Сафаримиз бахайр бўлса нега етмас эканмиз? – деди Балага. – Тверга етти соатда еткиза олардим-ку! Эсингда бўлса керак, тўрам.

– Биласанми, мен бир куни, Рождествога Твердан чиккан эдим, – деди Анатоль табассум билан ўтмишини эслаб ва икки кўзини Курагиндан олмай ўтирган Макаринга қараб.

– Шу қадар ҳам чоптирган эдики, отларнинг оёги ерга тегмади десам ишон, Макарка. Бир обозга тўкнашиб икки араванинг устидан ўтиб кетсак бўладими! А?

– Отлар ҳам от эди-да! – гапга қўшилди Балага. – Мен ўшанда шатакка саман тойларни қўшган эдим, – деди у Долоховга қараб. – Ишонасанми, Фёдор Иванович, 20 чакирим чопди-я; ҳаво совуқ, тизгин ушлаган кўл қовушмайди. Ҳа, эҳтиёт бўлинг, тўрам, деб тизгинни қўйиб юбордим-у, ўзимни чанага ташладим. «Чу» дейиш нари турсин, бориб етгунча тизгинни ушлашнинг иложи ҳам бўлмади, уч соатда етдик, фақат битта чеккадаги от ўлди, холос.

Анатоль уйдан чиқди ва бироздан сўнг пўстини устидан кумуш камар боғлаб, савсар телпагини қийшайтириб кийиб (бу телпак унинг чиройли юзига жуда ярашар эди) яна қайтиб кирди. У ойнага қаради ва ойнада ўзини қандай кўрган бўлса, Долохов олдида шундай вазиятда туриб, стакандаги винони олди.

– Хайр, Федя, яхши қол, қилган яхшиликларингга раҳмат, – деди Анатоль... – Хайр, жўралар, ўртоқлар... – у ўйлаб қолди... – бирга ўсган ўртоқларим... хайр, – деди у Макарин ва бошқаларга қараб.

XVII

Анатоль гарчи буларнинг ҳаммаси ўзи билан бирга борадиган ўртоқлари бўлса ҳам, бу хайрлашишдан бирон таъсири-тантанали кайфият туғдирмоқчи эди, шекилли. У коматини кўтариб, бир оёгини ўйнатиб, баланд овоз билан салмоқлаб гапирди.

– Қани, олинглар стаканларни! Балага, сен ҳам ол! Хайр, ўртоқлар, ёшлиқ давримнинг ҳамдамлари, бирга ўсган, бирга ўйнаган, бирга кайф-у сафо килган дўстларим. Шундай эмасми? Энди шу билан яна қачон қўришар эканмиз? Мен чет элга кетаётиман. Хайр, бирга ўсган жўраларим! Соғлиқларинг учун! Ура! – у стаканни кўтарди ва кейин ерга уриб синдириди.

– Соғ бўл, – деди Балага ҳам майни ичib рўмолчаси билан лабини артар экан. Макарин, кўзларида ёш, Анатолни кучоқлади.

– Э, князь сендан айрилиш менга жуда оғир, – деди у.

– Кетдик, кетдик! – қичкирди Анатоль.

Балага уйдан чиқаётган эди, Анатоль:

– Йўқ, шошма, – деб уни тўхтатди. – Эшикларни ёп, ўтиринглар, ҳа ана шундай. – Эшикларни ёпиб ҳамма ўтириди.

– Мана энди кетдик, болалар! – деди Анатоль ўрнидан туриби.

Лакей Анатолга муска билан қилич берди ва ҳамма даҳлизга чиқди.

– Э, пўстинни олмабмиз-ку! – деди Долохов. – Ҳой, Игнатка! Бор, Матрёна Матвеевнага айт, савсар пўстинни берсин. Мен кизни канака олиб қочилишини эшигтанман, – деди Долохов кўзини қисиб. – Қизгина, жонини қўлига олиб, уйда қандай юрган бўлса, шу кийимда чиқади, сал ивирсиб қолдингми, отам қолди, онам қолди, деб кўз ёши қиласи ва совуқ қотдим, қайт-чи, қайт, деб туриб олади. Йигит деган уни дарров пўстинга ўрайди-ю, чанага солиб кетаверади.

Лакей почаппўстинни олиб чиқди.

– Ҳой, каллаварам, савсар пўстинни олиб кел демов-димми? Ҳой, Матрёшка, савсар пўстинни олиб чиқ! – деб

Долохов шу кадар қаттиқ бакирдики, овози бутун уйлардан ўтиб кетди.

Елкасига катта рўмол ташлаб олган, кора кўзлари оловдай ёниб турган, кора сочлари жингалак, ўзи нозикниҳол ва чиройли бир лўли киз савсар пўстинни олиб чиқди.

– Мана, ол, керак бўлса, сендан аярмидим? – деди киз, афтидан, пўстинга ачиниб ва ҳам хўжасидан ҳайиқиб.

Долохов лўли кизга жавоб бермай, пўстинни олди-да, Матрёшанинг устига ташлаб, уни пўстинга ўради.

– Аввал бундай қиласан, – деди Долохов. – Кейин мана бундай очиб кўйиб, пўстиннинг ёқасини кўтарди. – Кейин мана бундай қиласан, кўрдингми? – У Анатолнинг калласини пўстиннинг ёқасига якин келтирди, ундан Матрёша ширингина жилмайиб турар эди.

Анатоль Матрёшани ўпиб:

– Хайр, Матрёша, – деди. – Мана, бегам кунларим ҳам тамом, бўлди. Стёпкага мендан салом дегин. Ҳай, хайр, Матрёша, менга баҳт тила.

– Худо баҳтингни берсин, князъ, баҳтли бўл, – деди Матрёша лўлича талаффуз билан.

Эшик олдидаги икки тройкани икки важоҳатли извошли ушлаб турган эди. Балага олдиндаги тройкага чиқди ва тирсакларини баланд кўтариб, тизгинни шошилмасдан олди. Унинг тройкасига Анатоль билан Долохов чиқди. Иккинчи тройкага Макарин, Хвостиков билан лакей ўтиришиди.

– Бўлдиларингми? – сўради Балага.

– Чух! – бакирди у тизгинни кўлига ўраб. Тройка Никита хиёбонига қараб йўл олди.

Балага билан иккинчи извошли йигитнинг:

– Чух, жонивор! Чух, – деб қичкираётган товушларигина эшитиларди.

Арбат майдонида тройка бир каретага тўқнашиб, бир нарса шараклаб кетди, дод овози эшитилди ва тройка яна Арбат кўчасидан шамолдай учеб кетди.

Балага Подновицкка етганда тизгинини икки томондан тортиб, отларни тўхтатди ва бироз оркага тисариб, Қадимий Конюшина чорраҳасига бурди.

Извошчи иргиб тушиб тизгинни ушлади, Анатоль билан Долохов тройкадан тушиб йўлакдан кетди. Дарвозахонага етгандা Долохов хуштак чалди, хуштакка хуштак билан жавоб берилгандан сўнг оқсоч қиз югуриб чиқди.

– Ҳовлига киринглар, ҳозир чиқади, – деди оқсоч қиз. Долохов дарвозахонада қолди. Анатоль оқсоч қизнинг кетидан ҳовлига кирди ва муюлишдан бурилиб зинага қараб чопди.

Марья Дмитриевнанинг Гаврило деган маҳсус аравакаш – лакейи йўғон гавдаси билан Анатолнинг йўлини тўсиб:

– Хоним ҳузурларига марҳамат килинг, – деди.

– Қанака хоним ҳузурига? Кимсан ўзинг? – сўради Анатоль энтикиб ва шивирлаб.

– Киринг, фармон шу.

– Курагин! Қайт! – кичкирди Долохов. – Сир очилибди! Қайт!

Долохов дарвозахонада Анатолнинг кетидан дарвозани қулфлаб олмокчи бўлган коровул билан олишди. Бор кучини йиғиб коровулни итариб юборди ва қочиб келган Анатолии кўлидан ушлаб, иккаласи эшикдан чикиб тройкага томон чопди.

XVIII

Марья Дмитриевна йигидан кўзлари қизарган Соняни кўриб қолди ва воқеани бир бошдан айтиб беришга уни мажбур килди. Марья Дмитриевна Наташа ёзган хатни Сонядан олиб ўқиди, кейин бу хатни кўтариб Наташанинг олдига кирди.

– Беномус, шарманда! – деди у Наташага. – Садқай одам кет! – Марья Дмитриевна ҳайратомуз қараб турган Наташани ичкарига итариб, устидан эшикни қулфлаб олди, коровулга кечаси келадиган одамларни киргизиб, эшикни қулфлаб олишни буюрди, лакейга шу келган кишиларни менинг олдимга олиб кир, деб тайинлади ва ўзи карокчиларни кутиб, меҳмонхонада ўтирди.

Келган кишилар кочди деб Гаврило хабар бергандан сўнг Марья Дмитриевна қовоғини солиб, ўрнидан турди ва

кўлини орқасига килиб, уйда узок вакт ўйлаб нари-бери юрди. Кечаси соат 12 бўлганда Марья Дмитриевна чўнта-гидаги калитни пайпаслаб кўриб Наташанинг бўлмасига томон борди. Соня йўлакда йиглаб ўтирган эди.

– Марья Дмитриевна, худо ҳаки, ижозат беринг, мен кирай? – деди Соня. Марья Дмитриевна унинг сўзига кулок солмасдан эшикни очиб кирди. «Бу расвогарчилик, бу шармандалиқ, менинг ҳовлимда-я! Беномус, шарманда киз! Отасига ачинаман, отасига!» – деди Марья Дмитриевна ғазабини босишга тиришиб. «Минг оғир бўлса ҳам, айтаман, хеч ким оғзидан чиқармасин, графдан ҳам яшираман». – Марья Дмитриевна шаҳдам қадам ташлаб уйга кирди. Наташа қўли билан юзини беркитиб, кимирламасдан диванда ётган эди. Наташа ҳали Марья Дмитриевна эшикни қулфлаб кетганда қандай вазиятда ётган бўлса, ҳали ҳам шундай вазиятда ётган эди.

– Яхши, жуда яхши! – деди Марья Дмитриевна. – Менинг уйимда ўйнашбозлик киласанми? Ўзингни нодонликка солма! Менга қара, мен сенга гапиряпман! – Марья Дмитриевна унинг енгидан тортди. – Кулок сол гапимга дейман! Сен ўзингни ўзинг шарманда килдинг! Мен-ку, адабингни берар эдим-а, лекин отангта раҳмим келади. Шунинг учун ҳам ундан яшираман энди, – Наташа вазиятни ўзгартирмай ётаверди, лекин унинг бутун гавдаси овоз чикармай, энтикиб йиглаётганидан силкинар эди. Марья Дмитриевна Соняга бир қараб олгандан кейин Наташанинг ёнига, диванга ўтирди.

– Хайрият қочиб кутулди, лекин, барибир уни топаман, – деди Марья Дмитриевна йўғон товуши билан. – Ҳой, гапираётган гапларимни эшитяпсанми? – У каттакон қўли билан Наташанинг юзини ўзига томон бурди. Наташанинг афтини кўриб Марья Дмитриевна билан Соня ҳайрон бўлишди: унинг кўзлари куруқ оловдай ёниб турар, лаблари кисик, ёноклари сўлиган эди.

– Қўйинглар... менга... мен... ўламан, – деди Наташа жаҳл билан ва яна Марья Дмитриевнанинг қўлидан чиқиб ўзини диванга ташлади.

– Наталья! – деди Марья Дмитриевна. – Мен сенга факат яхшиликни истайман. Ёт, ёта бер, мен сенга тегмайман, лекин менга кулок сол... Сенинг қанчалик гуноҳкор эканлигингни айтиб ўтирумайман. Ўзинг биласан. Отанг ҳам эртага келади, мен унга энди нима дейман? А?

Яна Наташанинг гавдаси йигидан силкинди.

– Мана энди даданг ҳам, аканг ҳам, куёвинг ҳам буни эшигади!

– Куёвим йўқ менинг, жавобини бердим, – қичқирди Наташа.

– Барибир, – деди яна Марья Дмитриевна. – Улар эшигса, шундай кўйишади дейсанми? Мен дадангнинг феълинин биламан, мабодо уни дузлга чакирса, яхши бўладими? А?

– Оҳ, кўйсангиз-чи, ҳамма ишни расво қилдингиз! Нега? Нега? Ким сизни аралашинг деб сўради? – бақирди Наташа дивандан бошини кўтариб ва Марья Дмитриевнага жаҳл билан караб.

Марья Дмитриевна яна дарғазаб бўлиб:

– Ҳа, нима қилмокчи эдинг? – бақириб берди. – Сени уйга камаб кўйтганмидик? Рўй-рост келса, бирор унга халал берармиди? Нега сени лўли кизга ўхшатиб олиб қочмоқчи бўлибди? Ҳа, хўп олиб қочди ҳам, уни тополмасдик, деб ўйлайсанми? Отангми, акангми ё куёвингми топар эди! У абрах, малъун, разил!

– Ҳаммаларингдан у яхширок, – деб қичқирди Наташа бошини дивандан кўтариб. – Сиз халал бермаганингизда... Ё раббим, нима гуноҳ қилган эдим? Соња, нега шундай қилдинг? Кетинглар!.. – У шу кадар куюниб йигладики, факат ўз қайғусига ўзи сабаб бўлган кишиларгина шундай йиглаши мумкин. Марья Дмитриевна яна гапирмокчи эди, бирор Наташа: «Кетинглар, кетинглар, ҳаммаларинг ҳам мени ёмон кўрасизлар, мендан нафратланасизлар», – деб қичқирди ва яна ўзини диванга ташлади.

Марья Дмитриевна яна бир ёнча дакиқа Наташани инсофга келтирмокчи бўлиб, бу ишни графдан яшириш керак, агар сен буларни эсдан чикариб, ҳеч нарса бўлма-

гандай бўлиб кўринсанг, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, деб унга тасалли бера бошлади. Наташа бу сўзларга индамади. Йигламаёттан бўлса ҳам, лекин уни энди титроқ босаёттан эди. Марья Дмитриевна унга ёстиқ кўйиб берди, устига икки қават кўрпа ёпди, ўзи бориб аргувон гулидан чой дамлаб келди. Бирок Наташа Марья Дмитриевнанинг сўзларига жавоб бермади.

– Ҳа, майли, ухласин, – деди Марья Дмитриевна уйдан чиқар экан. У Наташа ухлаб колибди, деб гумон қилган эди. Лекин Наташа уйгок эди; у ранг-кути ўчиб, бир нуктага тикилиб ётар эди. Наташа кечаси билан ухламади ҳам, йигламади ҳам, тўшагидан туриб бир неча марта олдига келган Соняга гапирмади ҳам.

Эртасига граф Илья Андреич ваъдасига мувофиқ, нонушта маҳалида Москва ташқарисидаги боғидан қайтиб келди. Унинг димоги чоғ эди: харидор билан келишган, энди соғиниб юрган графинядан узокда яшашга ҳеч қандай эҳтиёж қолмаган эди. Марья Дмитриевна уни карши олди ва кеча Наташанинг тоби қочиб қолди, докторга одам юбордим, бугун бироз дурустрок деб айтди. Наташа бугун ўз бўлмасидан чиқмаган эди. У лаблари ёрилган, кўзлари кизарган, дераза олдида кўчадан ўтиб кетаётганларга қараб ўтирган эди. Уйга кирган кишига у ташвишманд назар ташлади. Афтидан, Наташа Анатолдан бирор хабар кутар, ўзи ва ё хати келар, деб кўз тутар эди.

Граф кираётганда Наташа эркак кишининг кадам товушини эшишиб, кўзларини жовдиратиб қайрилиб қаради ва унинг юзи яна аввалгидай совук ва ҳатто ғазабли бир тусга кирди; отасини кўриб ҳатто ўрнидан ҳам турмади.

– Нима бўлди сенга, фариштам, тобинг йўқми? – сўради граф.

Наташа дарров жавоб бермади.

– Ҳа, тобим йўқ, – деди у.

Графнинг эсанкираб, сенга нима бўлди, нега хаёлинг паришон ё куёвингга бирон нарса бўлдими, деб берган саволларига Наташа ҳеч нарса бўлгани йўқ, сира ташвиш тортманг, деб жавоб берди. Марья Дмитриевна ҳам ҳеч

нарса бўлгани йўқ деб Наташанинг сўзини тасдиклади. Граф кизининг ёлғон касаллигидан, унинг паришонхоллигидан, Марья Дмитриевна билан Сонянинг мустар-мулзам кўринганидан ўзи йўқлигига бир ҳодиса юз берганини тахмин килган бўлса ҳам, лекин бир томондан, суйимли кизи бирон уятли иш килиб кўйганини ўйлаш унинг учун жуда кўрқинчли бўлгани, иккинчи томондан, бегамликни яхши кўргани учун нима гап бўлди, деб тагини суриштириб ўтиришдан ўзини олиб қочгани учун хеч нарса бўлгани йўқ, деб таскин топишга уринди ва Наташанинг касал бўлиб қолгани сабабли қишлоққа кетиши кейинга қолганига бироз хафа бўлди, холос.

XIX

Пьер хотини Москвага келган кундан бошлаб унинг дийдорини кўрмаслик учун бирон ёққа кетиши тараддуудига тушди. Ростовларнинг Москвага келиши ва Наташа қолдирган таассуротдан кейин Пьер ўз ниятини тезрок амалга оширишга тиришди. У мархум пири Иосиф Алексеевичнинг хотини олдига – Тверга кетди. Бу хотин эридан қолган қоғозларини Пьерга беришни кўпдан бери ваъда килган эди.

Пьер Москвага қайтиб келганида унга Марья Дмитриевнадан келган хатни беришди. Марья Дмитриевна ўз хатида Андрей Болконский билан унинг қаллиғига тегишли бир муҳим иш тўғрисида гаплашиш учун Пьерни ўз уйига таклиф килган эди. Пьер Наташадан ўзини тортар эди. Унинг Наташага бўлган муносабати, назарида, хотинли кишининг ўз дўсти қаллиғига бўлган муносабатидан фарқ қилас, лекин негадир мудом у билан учрашишга тўғри келар эди.

«Нима ҳодиса юз бердийкин? Мени чакириб нима килярди экан?» – деди ўзича Пьер Марья Дмитриевнанинг олдига бориш учун кийинар экан. «Князь Андрей тезрок келиб тўйини кила колса бўлар эди!» – деди ўзича Пьер Ахросимоваларникига бораар экан.

Твер хиёбонида кимдир Пьерни чакирди.

– Пьер! Қачон келдинг? – қичқирди бир таниш овоз.

Пьер бошини күтариб қаради. Анатоль икки чопкир күк от күшилган чанада, айрилмас ўртоғи Макарин билан ўтиб кетмоқда эди. Анатоль кундуз ёқасини баланд күтариб, хиёл бүйнини эгіб, олифта ҳарбийларга ўхшаб ўтирап эди. Унинг юзи кип-кизил, жига таққан шляпасини кийшайтириб кийгани учун қорда оппоқ бўлиб турган жингалак сочи чикиб турган эди.

«Мана буни аклли деса бўлади! – деди ичидা Пьер. – Килаётган хурсандчилигидан бўлак ҳеч нарса билан иши йўқ, ҳеч нарсанинг ташвишини тортмайди, шунинг учун ҳам ҳамиша димоғи чоғ, хаётдан рози ва хотири жам. Агар шундай бўла олсам нима истасалар берар эдим!» – деди ичидা Пьер унга ҳасад килиб.

Ахросимованинг даҳлизида лакей Пьернинг пўстинини еча туриб: «Марья Дмитриевна ўз ётоказларига киришингизни сўрайдилар», – деди.

Пьер залнинг эшигини очиб, дераза олдида ранг-кути ўчган ва озиб қолган Наташани кўрди. Наташа қайрилиб Пьерга қаради ва қовоғини солиб, совуқ кибр билан уйдан чикиб кетди.

– Нима ҳодиса бўлди? – деб сўради Пьер Марья Дмитриевнанинг олдига кирар экан.

– Жуда яхши ҳодиса бўлди! – деди Марья Дмитриевна.
– Эллик саккиз ўшга кириб бунака шармандагарчиликни кўрмаган эдим. – Марья Дмитриевна ҳеч кимга айтмасликка Пьердан сўз олганидан кейин Наташа, ота-онасидан рухсатсиз, куёвига рад жавоби берганини, бунга Анатоль сабабчи эканини, Пьернинг хотини Наташани Анатоль билан таништириб кўйганини ва Наташа отаси йўклигига у билан кочмоқчи ва унга яшириқча тегмоқчи бўлганини айтиб берди.

Пьер елкаларини қисиб, оғзи очилиб, Марья Дмитриевнанинг сўзларини тинглар экан, ўз кулокларига ишонмас эди. Князь Андрей бутун вужуди билан севадиган, илгари бу қадар яхши киз бўлган Наташа Ростова эндиликда Болконскийдай одамни ҳам аҳмок, ҳам уйланган (Пьер бу сирдан хабардор эди) Анатолга алиштирмоқчи бўлганини, уни шу қадар яхши кўриб, ҳатто у билан қочишга рози

бўлганини Пьер ҳеч ақлига сиғдиролмас, тасаввур килолмас эди.

Пьер Наташани ёшлигидан билгани ва унинг тўғрисида буткулбошқа фикрда бўлгани учун ҳам ҳозир Наташанинг бу тубанлиги, ахмоқлиги ва бағритошлигига ҳеч ишонгиси келмади. Пьер ўз хотинини эслади. «Буларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирига ўхшайди», – деди ва ёмон хотин факат менинг пешонамга битмаган экан, деган ўй хаёлига келди. Лекин у князь Андрейга, унинг ифтихорига ич-ичидан ачинди. У дўстига қанчалик ачинса, ҳали залда ёнидан, совуқ кибр билан ўтиб кетган Наташадан шунчалик ихлоси қайтди ва ҳатто ундан нафратланди. Аммо у Наташанинг юраги қайғуга тўлганини, уялганидан ерга кириб кетгудай бўлаётганини ва юзи совуқ кибр ифода қилганига ўзи айбли эмас эканлигини билмас эди.

– Қанақа қилиб Анатолга тегарди! – деди Пьер Марья Дмитриевнанинг сўзига. – У ололмас эди: хотини бор.

– Борган сайин миси чикяпти, – деди Марья Дмитриевна, – йигит бўлмай ўлсин! Аблаҳ экан-ку! Наташа бўлса, икки кундан бери кўзи тўрт бўлиб уни кутиб ўтирибди. Бу гапни унга айтиш керак, ҳеч бўлмаса, кўнглини узади-ку!

Марья Дмитриевна Анатолнинг хотини борлигини Пьердан эшитганидан сўнг уни хўп қаргаб юрагинй бўшатди ва кейин Пьерни нима мақсадда чақирганини айтди. Марья Дмитриевна кекса граф ёки шу кунлари келиши мумкин бўлган князь Андрей Болконский (Марья Дмитриевна яширмоқчи бўлган) бу воқеани эшитиб Анатолии дуэлга чақиришмасин деб кўркар эди, шунинг учун ҳам менинг номимдан қайнингга айт, тезда Москвадан кетсин ва қўзимга кўринмасин, деб Пьерга писандаги килди. Пьер Марья Дмитриевнанинг бу хохишини бажаришга ваъда килди ва шу билан бирга кекса графга, Николайга ва князь Андрейга таҳдид килаётган хавфни англали. Марья Дмитриевна ўз талабини қискача ва очиқ қилиб тушунтирганидан кейин Пьерга ижозат берди ва меҳмонхонага томон йўналди.

– Ҳой, менга қара, графнинг бу ишдан хабари йўқ, тагин оғзингдан чиқмасин. Ҳеч нарсани билмагандай бўлиб ўтири,

– деди у Пьерга. – Мен бориб Наташага айттай, бекорга интизор бўлиб ўтирмасин! Истасанг кол, бирга тушлик киламиз, – деди Марья Дмитриевна чикиб кетаётган Пьерга. Пьер кекса граф билан учрашиб қолди. Граф ҳам хижолат ва ҳам хафа эди. Наташа, князь Андрейга тегмайман, деб ёзганини бугун эрталаб отасига айтган эди.

– Қийин, қийин экан, дўстим, – деди у Пьерга. – Киз болани саришта қиласидан она экан-да! Келганимга ҳам жуда-жуда пушаймонман. Сиздан яширадиган гапим йўқ. Эшитдингизми, ҳеч кимнинг олдидан ўтмасдан күёвига «тегмайман» деб ёзиб юборибди. Аввало, ўзим ҳам князь Андрейга тегишидан унча курсанд эмас эдим. Унинг ўзи яхши йигит бўлса ҳам, лекин отасининг хошишига қарши иш килиб бахтли бўлмас эди. Наташа ҳам эрсиз қолмайди. Лекин, ҳар калай, шунча вактдан бўён кўнгил кўйиб юрган эди, бу қандок бўлдики, тўсатдан ота-онадан рухсатсиз, шундай килса! Мана энди касал бўлиб ётибди, худо билади нима бўларкин? Ота онанинг ўрнини босолмас экан, граф... – Пьер графнинг юраги эзилиб кетаёттанини кўриб, гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлган эди, бироқ граф яна ўз ҳасратини давом эттириди.

Соня ҳаяжонланган бир холатда меҳмонхонага кирди.

– Наташанинг тоби йўқроқ, ўз бўлмасида ўтирибди. Сизни бир кўрмоқчи, – деди Соня Пьерга. Марья Дмитриевна ҳам ўша ерда, сизни чақириптилар.

– Ҳа, айтгандай, Болконский билан сиз жуда якинсиз, балки, сиз орқали бирон нарса айтиб юбормоқчидир, – деди граф. – Ё раббим! Ё раббим! Қандай тинчгина юрувдим! – У оқарган сийрак чакка сочини ушлаб, уйдан чикиб кетди.

Марья Дмитриевна Анатолнинг хотини борлигини Наташага айтиб берибди. Наташа бу гапга ишонмай, анифини Пьердан билмоқчи бўлибди. Бу гапни Соня йўлакда, Пьерни Наташанинг бўлмасига олиб бораётган чоғда айтди.

Наташа ранги оқарган, ўзи жиддий қиёфада Марья Дмитриевнанинг ёнида ўтирган эди. Пьер эшикдан кириши биланок унга жавдираётган кўзлари билан саволомуз каради. У Пьерга кулимсирамасдан, бош ирғитмасдан, тик караб

туар эди. Унинг нигохи: сен Анатолга дўстмисан, ё бошқалар сингари душманмисан, деб туРаP эди. Пьер хозир Наташага факат шу жиҳатдан керак эди, холос.

Марья Дмитриевна Пьерга ишора қилиб:

– Мана, айтсин, бу ҳамма гапдан хабардор, – деди Наташага. – Мана, ўзи айтсин, мен рост гап айтибманми ёки йўқми?

Наташа ўқ еган ҳайвон якинлашиб келаётган ит билан овчига қарагандай гоҳ Марья Дмитриевнага, гоҳ Пьерга қарап эди. Наташани кўриб Пьернинг раҳми келди ва шу билан бирга зиммасига тушган вазифадан нафратланди.

– Наталья Ильинична, – деб гап бошлади Пьер ерга қараб. – Бу гапнинг рост-ёлғонлиги сиз учун, барибир, чунки...

– Унинг хотини борлиги ёлғонми, ахир?

– Йўқ, рост.

– Уйланганига кўп бўлганми? – сўради Наташа. – Ростини айтинг.

Пьер қасам ичди.

– Ўзи шу ердами ҳали? – сўради Наташа дарров.

– Ҳа, шу ерда, мен ҳозир кўрдим.

Наташа бўлак гапиришга мажоли қолмади, шекилли, мени ўз ҳолимга кўйинглар, деб қўли билан ишора қилди.

XX

Пьер тушлик қилгани қолмай, дарров уйдан чиқди ва жўнади. У шаҳардан Анатоль Курагинни излаб топгани кетди. Курагин деганда унинг бутун кони қайнаб, энтикар эди. Уни тепаликдан, лўлиларнинг олдидан ҳам, Комонено ресторанидан ҳам топмади. Пьер клубга борди. Клубда, одатдагича тушлик қилгани келган кишилар давра-давра бўлиб, шаҳар янгиликларидан гаплашиб ўтиришган эди. Улар Пьерни кўриб саломлашди. Пьернинг одатини ва ёр-ошноларини биладиган лакей салом-алик қилгандан кейин кичкина ошхонада жой тайёрлаб кўйилганини, князь Михаил Захарович кутубхонада эканини, Павел Тимофеевич ҳали келмаганини айтди. Пьернинг танишларидан бири обҳаво тўғрисида гапириб туриб Пьердан, шаҳарда Курагин

Ростовани ўғирлабди, деган гап юрибди, шу ростмикин, хабарингиз йўқми, деб сўради. Пьер кулиб, бу гапларнинг хаммаси бекорчи гаплар, мен ҳозир Ростовлар олдидан келяпман, деб жавоб берди. У клубдагилардан Анатолни кўрмадиларингми, деб сўради. Бир киши, ҳали келгани йўқ, деб жавоб берди; иккинчи бир киши, тушликка келади, деди. Кўнглидан нималар ўтаётганидан бехабар, бегам ва лоқайд ўтирган бу одамларга Пьер таажжубланиб каради. У хамманинг келишини кутиб залда айланиб юрди ва Анатоль келмагандан кейин тушлик килмасдан уйига кайтди.

Пьер излаб юрган Анатоль шу куни Долоховнинг уйида тушлик килиб, чатоқ бўлган ишини ўнглаш ҳакида у билан маслаҳатлашиб ўтирар эди. Анатолнинг назарига Наташа билан учрашиш зарурдай кўринди. У шу учрашишнинг иложини топиш учун кечкурун синглисинг олдига борди. Пьер бутун шаҳарни кидириб, Анатолии тополмай, уйига кайтиб келганида камердинери князь Анатолий Васильевич графинянинг олдиларида ўтирибдилар деб хабар берди. Графинянинг меҳмонхонаси меҳмонга тўла эди. Пьер келгандан бўён хотини билан ҳали кўришмаган бўлса ҳам, у билан саломлашмасдан (ҳозир кўзига хотини илгаригидан ҳам ёмонроқ кўринаётган эди) меҳмонхонага кирди ва Анатолии кўриб, унинг олдига борди.

– Оҳ, Пьер, – деди графиня /эрининг олдига келиб. – Бизнинг Анатолнинг ҳолини сўрамайсан ҳам.

Элен эрининг қуий соглан бошидан, бежо кўзларидан, шахдам кадам ташлаб келганидан унинг ғазаби тўлиб-тошганини пайқади ва гапи оғзида қолди; Элен эрини Долохов билан дуэлга чикканидан кейин шу ҳолатда кўрган эди.

– Сиз қаерда бўлсангиз, ўша ерда фиск-у фужур бўлади, – деди у хотинига. – Анатоль юринг, сизга гапим бор, – деди у Анатолга французначалаб. Анатоль синглисига бир қаради-ю, Пиернинг кетидан бормокчи бўлиб индамай ўрнидан турди.

Пьер унинг кўлини ушлаб бир тортди ва эшикка томон йўналди.

Элен шивирлаб:

– Агар сиз менинг меҳмонхонамда... – деб гап бошлаган эди, Пьер унинг сўзига қулоқ солмасдан чиқиб кетди.

Анатоль унинг кетидан одатдагича мардона қадам ташлаб бораётган бўлса ҳам, лекин ҳавотир тортгани юзидан билиниб туарди.

Пьер кабинетта киргандан кейин эшикни беркитиб Анатолга каради.

– Графиня Ростовага, сени оламан, деб сўз бердингизми? Уни олиб қочмоқчи бўлдингизми? – деб сўради.

– Дўстим, – деди Анатоль французчалаб (сухбат француз тилида бораётган эди). – Мен бу тарзда килинадиган сўроққа жавоб бергани мажбур эмасман.

Пьернинг бусиз ҳам оқариб, бўзариб кетган юзи ғазабдан ўзгариб кетди. У каттакон қўли билан Анатолнинг ёқасидан ушлади ва то унинг юзида кўркув аломати пайдо бўлгунча силкитаверди.

– Сиз билан гаплашадиган гапим бор, дедимми... – деди Пьер.

– Кўйинг, шу ҳам гапми? – деди Анатоль мундирининг таги билан узилиб тушган тугмасини пайпаслаб.

– Сиз ярамас ва аблах одамсиз, мана шу билан каллангизни эзмай ўтирганимга ҳайронман! – деди Пьер, француз тилида гапираётгани учун сўзни чўзиб гапириб. У оғир пресс-пальєни¹ дағдага билан кўтарди-ю, яна шошиб-пишиб ўрнига кўиди.

– Сени оламан деб Ростовага ваъда бердингизми?

– Мен... мен... мен буни ўйлаганим ҳам йўқ, ваъда ҳам берган эмасман, чунки...

Пьер унинг сўзини бўлди.

– Ростованинт хати қани? Қани Ростованинг хати? – деди Пьер Анатолга ўйдайиб.

Анатоль унга бир қаради-ю, дарров қўлини чўнтағига солиб ҳамёнини олди.

Пьер хатни олди, йўлида турган столни итариб юборди

¹ Пресс-пальє (французча) – столдаги когоzlар таркалиб, ёйилиб кетмаслиги учун солиб кўйиладиган маҳсус мослама. Одатда, у тахтадан, тошдан ёки темирдан ясалган.

ва ўзини диванга ташлади.

– Қўркманг, мен ҳеч нарса қилмайман, – деди Пьер Анатолнинг ўти ёрилганини кўриб. – Хат – бир, – деди Пьер худди дарс пишиқтираёттандай. – Иккинчидан, – деди у яна ўрнидан туриб нари-бери юрар экан, – сиз эртагаёк Москвадан чикиб кетинг.

– Ахир мен қандай...

– Учинчидан, – деб давом этди Пьер унинг сўзига қулок солмай... – Графиня билан ораларингда бўлган ишни иккинчи оғзингизга олманг. Буни ман қилишга ҳеч қандай ҳакким йўклигини биламан, лекин агар озгина виждонингиз бўлса... – Пьер бир неча дақика уйда нари-бери юрди. Анатоль стол кетида ковогини солиб, лабини тишлаб ўтирад эди.

– Сизга айш-у ишрат керак бўлса, бошқаларга баҳтсаодат, тинчлик керак, наҳот сиз ўз хурсандлигингизни деб бошқаларнинг ҳаётини барбод қилсангиз! Сиз менинг хотинимга ўхшаган хотинлар тоифаси билан кайф-у сафо килинг! Сизга ўшалар муносиб, ўшалар сизнинг истагингизни кондиради. Улар худди сизнинг ўзингизга ўхшаш бузук, лекин бир бечора қизга сени оламан деб ваъда бериш... алдаш, олиб қочиши... Сизнинг бу килган кирдикорингиз худди чол ва ё гўдакни ўлдиришдай разиллик!

Пьер жим қолди ва Анатолга ғазаб билан эмас, савол назари билан қаради.

– Мен буни билмайман. А? – деди Анатоль Пьернинг газаби босилган сари жонланиб. – Буни билмайман ва билишни ҳам истамайман, – деди у Пьерга қарамасдан, ияги хиёл титраб. – Лекин сиз менинг шаънимга разиллик ва шунга ўхшаш сўзларни айтдингиз. Мен ҳалол одамман, мен бунақа сўзларни дейишга йўл кўймайман.

Пьер ҳайрон бўлиб унга қараб турар экан, унинг нима истаганини сира англай олмас эди.

– Тўппа-тўғри юзимга айтган бўлсангиз ҳам, – деб давом этди, Анатоль, – лекин мен...

– Ҳа, дуэлга чақирмокчимисиз? – деб сўради Пьер мазах килиб.

– Ҳеч бўлмаса, айтган сўзларингизни кайтиб олинг. А?

Агар хоҳишиңгизни ижро килишимни истасангиз гап шу. А?

– Қайтиб оламан, оламан, – деди Пьер. – Кечирасиз. – Пьер беихтиёр узилган тутмага қаради. – Агар йўлга пул керак бўлса, марҳамат. – Анатоль кулимсиради.

Хотинининг табассумига ўхшаган бу мулойим ва разил табассум Пьернинг жонини чиқариб юборди.

– Ҳа, риёкор, уруғларинг курсин! – деди Пьер ва уйдан чиқиб кетди.

Эртасига Анатоль Петербургга жўнади.

XXI

Пьер Марья Дмитриевнанинг хоҳишини бажо келтириб, яъни Курагинни Москвадан чиқариб ҳайдаганидан кейин бу хабарни айтгани унинг олдига борди. Марья Дмитриевнанинг бутун уй ичи кўркув ва ҳаяжонда эди. Наташа касал ва Марья Дмитриевнанинг секин айтишига кўра, У Анатолнинг хотини борлигини эшитган кечаси қаёқдандир заҳар топиб ичибди. У заҳардан озрок ичибди-ю, кейин ўзи кўркиб кетиб Соняни уйготиби ва ҳодисадан уни хабардор килибди. Ўша ондаёқ заҳарга қарши чора кўрилиб, уни ўлим хавфидан қутқарибдилар. Лекин, шундай бўлса ҳам, Наташа шу кадар заифланибди, унинг кишлокқа бориши тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин бўлмай қолибди, шунинг учун онаси – графиняга одам юборишибди. Пьер гангиг қолган графни ва йигидан шишиб кетган Соняни кўрди-ю, лекин Наташани кўрломмади.

Пьер шу куни клубда овқатланди ва Ростовани олиб кочмоқчи бўлишибди, деган овозаларни эшитиб, йўқ, бу бўлмаган гап, қайнагам Ростовани олмоқчи бўлиб оғиз солган эди, бироқ у тегмади – бўлган гап шу, деб ҳаммани ишонтиромокчи бўлди. Бу воқеани бости-бости килиш ва Ростованинг обрўйини тиклаш гўё Пьернинг вазифаси бўлиб қолган эди. У князь Андрейнинг келишига ваҳима билан кўз тутар ва кунда унинг келганкелмаганини билиш учун кекса княз-нинг олдига борар эди.

Князь Николай Андреич шаҳарга тарқалган овозалар орқали эшитган ва Наташанинг мен укангизга тегмайман,

деб княжна Марьяга ёзган хатини ўкиган эди. Князь одатдагидан кўра хурсандрок кўринар ва ўғлининг келишини сабрсизлик билан кутар эди.

Анатоль жўнаб бир неча кун ўтгандан кейин Пьер князь Андрейдан хат олди. Князь Андрей бу хатида келганидан дўстини хабардор қилиб, унинг келишини сўраган эди.

Князь Андрей келиши биланок отасидан Наташанинг укангизга тегмайман деб княжна Марьяга ёзган хатини олиб ўқиди (бу хатни княжнадан ўғирлаб олиб князга берган эди) ва Наташани олиб кочиш воқеасини кекса князь ўғлига ўзидан пича кўшиб ҳикоя қилиб берди.

Князь Андрей кечкурун келган эди. Пьер эса эртасига эрталаб келди. Пьер князь Андрей ҳам Наташа сингари изтиробда бўлса керак, деб ўйлаган эди, шунинг учун ҳам меҳмонхонага кирганида князь Андрейнинг кабинетида ўтириб Петербургда бўлиб ўтган алланечук бир ифво ҳакида кизгин гапираётганини эшитиб ҳайрон колди. Кекса князь билан яна бир овоз ҳар замонда унинг сўзини бўлмоқда эди. Княжна Марья Пьерни қарши олгани чиқди ва князь Андрей ўтирган уйга кўзи билан ишора қилиб ҳамдардлик изҳор қилгандай хўрсишиб кўйди, бироқ Пьер княжнанинг авзойидан бу юз берган воқеадан ҳам, бу хабарни укаси қандай қарши олганидан ҳам хурсанд бўлаётганини сезди.

– Укам, шундай бўлишини куттан эдим, дейди, – деди княжна. – Ўз хиссиятини билдиришга унинг иззат-нафси йўл қўймаслигини биламан, лекин, ҳар ҳолда, мен ўйлаганча куйинмади. Демак, шундай бўлиши керак экан...

– Наҳот шу билан буткул тамом бўлган бўлса? – деди Пьер.

Княжна Марья унга ҳайрон бўлиб қаради. У ҳатто буни сўраб ўтиришни ортикча деб билар эди. Пьер кабинетга кирди. Князь Андрей хийла ўзгариб, афтидан, соғломланиб кетган, бироқ иккала қошининг ўртасига янги ажин тушган эди; у, эгнида фукароча кийим, отаси билан князь Мешерский қарисида ўтириб кизгин сухбатлашмоқда эди.

Сўз Сперанский, унинг тўсатдан бадарга килиниши ва шу кунлари Москвада овоза бўлган унинг уйдирма хиёнати

ҳакида бораётган эди.

– Бир ой илгари унга (Сперанскийга) махлиё бўлғанлар ва унинг мақсадига тушунгани ожизлик килиб юрганлар энди уни коралаб, гуноҳкор қилиб юришибди, – деяётган эди князь Андрей. – Бирорни коралаш, бошқаларнинг айини унга тўнкаш жуда осон. Мен шуни биламанки, агар ҳозирги салтанатда бирон яхши иш қилинган бўлса, бу ўшанинг хизмати!.. – У Пьерни кўриб гапдан тўхтади. Унинг юзи дарров ўзгарди. – Келгуси авлод уни кадрлайди, – деб сўзини тутатиб, Пьерга мурожаат қилди.

– Қалайсан? Семирганинг семирган, – деди у хурсандлик билан Пьерни қарши олиб, лекин пешонасида пайдо бўлган ажин яна ҳам чукурлашди. Пьернинг саволига, ха, сог-саломатман, дўстим, деб жавоб берди ва заҳарханда қилди. Пьер унинг бу заҳархандаси: «Соғ-саломатман, лекин менинг соғ-саломатлиғимнинг ҳеч кимга кераги йўқ», – деб турганини билди. Князь Андрей Польша чегарасидан бошлаб йўллар ёмон эканлиги, Швейцарияда Пьернинг танишларини учратгани, чет элдан Десаль деган жанобни ўғлига мураббий қилиб олиб келгани ҳакида Пьерга бир неча оғиз гапириб, яна иккала чолнинг сухбатига қизгин суръатда кўшилди.

– Агар у хиёнат қилган ва Наполеон билан махфий алокада бўлган бўлса, албатта, буни ҳаммага эълон қилишар эди, – деди у қизгинлик билан. – Мен шахсан Сперанскийни яхши кўрмас эдим ва яхши кўрмайман ҳам, лекин мен ҳакқоният тарафдориман. – Пьер энди ўз дўстининг холатига яхши тушунди: князь Андрей ички оғир фикр-хаёлларидан ўзини сал бўшатиш учун ўзига буткул ёт бўлган иш ҳакида ҳаяжон билан мунозара кильмоқда эди.

Князь Мешерский кетгандан кейин князь Андрей Пьернинг қўлтиғидан олди ва уни ўз бўлмасига таклиф қилди. Уйда синик каравот, оғзи очик жомадонлар ва сандиклар турган эди. Князь Андрей жомадонларнинг биридан бир кутича олди ва ундан бир даста қоз чиқарди. Бу ишларни у индамай ва тезгина қилди, коматини кўтариб йўталди, унинг қовоги солик ва лаблари қимтилган эди.

– Сенга ошиқча хизмат бўлса ҳам, кечир... – Пьер дўсти князь Андрей Наташа тўғрисида гап очмокчи бўлаётганини билди ва япалоқ юзида таассуф ва ачиниш аломати пайдо бўлди. Князь Андрей унинг юз ифодасини кўриб аччиғи келди, баланд ва ёқимсиз овоз билан давом этди: – Графиня Ростова менга тегмаслиги тўғрисида хат ёзибди, эшитишимга кўра, сенинг қайнағанг унинг кўлинини сўраган эмиш? Ростми шу гап?

– Ҳам рост, ҳам ёлғон, – деб Пьер гап бошлиған эди, бироқ князь Андрей унинг сўзини бўлди:

– Мана унинг хати ва суратлари, – деди ва когозга ўроғлик бир нарсани столдан олиб Пьерга берди.

– Агар графиняни кўриб қолсанг, бергин.

– Графиня каттиқ бетоб, – деди Пьер.

– У ҳали ҳам шу ердами? – деди князь Андрей. – Князь Курагин-чи? – деб сўради шошиб-пишиб.

– У аллакачонлар кетган. Графиня ўладиган эди...

– Касал бўлгани чакки бўлибди, – деди князь Андрей ва отасига ўхшаш ёқимсиз заҳарханда қилди.

– Демак, жаноб Курагин графиня Ростовани олмабдида? – деди князь Андрей ва бир неча марта сохта қулди.

– У уйлана олмас эди, чунки хотини бор, – деди Пьер.

Князь Андрей яна отасига ўхшаб ёқимсиз кулди.

– Ҳозир қаерда юрибди қайнағангиз, мумкинми билсак?

– сўради князь Андрей.

– Петербургга кетди... Лекин билмайман ҳозир қаерда экан? – деди Пьер.

– Майли, бунинг фарки йўқ, – деди князь Андрей. – Графиня Ростовага айтгин: ҳамиша боши очиқ эди, бундан кейин ҳам очиқ ва мен унинг баҳтли бўлишини истайман.

Пьер ўроғлик когозларни олди. Князь Андрей худди, яна нима дейишим керак эди, деб ўйлаб қолган ва ёки, Пьер бирон нарса демокчимикин, деб кутиб тургандай дўстига караб қолди.

– Менга қаранг, Петербургда баҳслашганимиз эсингиздами? – деди Пьер. – Ҳалиги ўша...

– Эсимда, – деди князь Андрей. – Мен тубан тушган

аёлни кечириш керак деган эдим, лекин мен, кечира оламан, деганим йўқ. Мен кечира олмайман.

– Наҳот буни ўша билан тенг қилиб бўлса? – деди Пьер. Князь Андрей унинг сўзини бўлди ва шовқин солиб:

– Ҳа, яна кўл ковуштириб, унинг қўлини сўрайми?.. Ҳа, бу жуда олижаноблик бўлар эди-ку, лекин у жанобнинг изидан боришга ожизман. Агар менинг дўстим бўлсанг, бу ҳақда хеч қачон оғиз очма... Хайр. Обориб берасанми?..

Пьер унинг олдидан чикиб, кекса князь билан княжна Марья олдига кирди.

Чол одатдагидан кўра таъби очилганроқ кўринди. Княжна Марья илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди, лекин Пьер шуни пайқадики, княжна укасига ачинаётган бўлса ҳам, лекин унинг тўйи бузилганига ич-ичидан хурсанд эди. Пьер буларга қараб, Ростовларни булар қанчалик ёмон кўришини, буларнинг олдиди князь Андрейни бошқа кишига алмаштироқчи бўлган қизнинг номини ҳам тилга олиш мумкин эмаслигини англади.

Дастурхон устида аниқ яқинлашиб келаётган урушдан гап очилди. Князь Андрей тинмай галирар, гоҳ отаси, гоҳ мураббий Десаль билан баҳслашар ва одатдагидан кўра очилган кўринар, лекин Пьер бу очилишнинг руҳий сабабини яхши билар эди.

XXII

Пьер дўстининг топширигини бажо келтириш учун шу оқшом Ростовлар олдига борди. Наташа тўشاқда ётган, граф клубда экан. Пьер хатни Соняга бериб, Марья Дмитриевнанинг олдига кирди; Марья Дмитриевна князь Андрей бу хабарни эшитиб нима деганини билмоқчи эди. Ўн дақиқадан кейин Марья Дмитриевнанинг уйига Соня кирди.

– Наташа граф Пётр Кирилловични кўрмоқчи, – деди у.

– Ие, графни ўша ёқقا олиб кирайми? Уйларинг йиғиширилмаган эди-ку, – деди Марья Дмитриевна.

– Йўқ, Наташа кийиниб меҳмонхонага чиқди, – деди Соня.

Марья Дмитриевна фақат елкаларини қисди.

- Графиня качон келар экан, жонимда жон қолмади.
- Сен ҳамма гапни Наташага айтма, – деди у Пьерга. –
Қиз бечора бир ахволда ётибди, уришгани тил бормайди.

Наташа ранги оқариб, ўзи сўлиб, жиддий киёфада (Пьер унинг юзида мустарлик аломатини кўрмади) меҳмонхонанинг ўртасида турган эди. Пьер эшикдан кириши биланоқ Наташа саросимага тушиб қолди, афтидан, Пьерни қарши олгани боришини ҳам, уни кутиб туришини ҳам билмай қолди.

Пьер шошиб унинг олдига келди. У, Наташа илгаригидай қўлини узатар, деб ўйлаган эди, бирок Наташа Пьер олдига келганда оғир нафас олди ва қўлларини осилтириб тураверди; у ашула айтган залнинг ўртасига келиб, қандай вазиятда тўхтаса, ҳозир ҳам ўша вазиятда туриб қолди, лекин ҳозирги кайфияти тамоман бошқача эди.

– Пётр Кириллич, – деди Наташа шошиб-пишиб. – Князь Болконский ҳамиша сиз билан дўст эди, ҳозир ҳам дўст, – деди у сўзини дарров тузатиб (Наташанинг назарида, илгариги нарсаларнинг ҳаммаси ўзгаргандай кўринар эди). – Бир вактлари у сизга мурожаат қилишимни маслаҳат берган эди...

Пьер пишиллаб, Наташага қараб турар эди. Шу вактгача Пьер ўз қалбида Наташани айблар ва ундан нафратланар эди, аммо ҳозир Наташани кўриб, унга шу қадар раҳми келдики, юрагида уни таъна этишга ўрин колмади.

– У ҳозир шу ерда, унга айтинг... кечирсин... мени кечирсин... – Наташа тўхтади, ўпкаси тўлган бўлса ҳам, ийғламади.

– Хўп... мен унга айтман, – деди Пьер. – Лекин... у нима дейишини билмай қолди.

Наташа Пьер айтиши мумкин бўлган гапдан кўркди, шекилли, дарров:

– Йўқ, мен биламан, орамизда ҳеч нарса колгани йўқ, – деди, – энди буни тиклаб бўлмайди. Мен факат унга ёмонлик килганим учун кийналяпман. Унга айтинг, мени кечирсин, кечирсин, килган қилмишларимни кечирсин... – унинг бутун вужуди силкинди, стулга ўтирди.

Пьер Наташанинг аҳволини кўриб, шу қадар ачиндики. ҳеч қачон ҳеч кимга шунчалик ачинмаган эди.

– Мен ҳаммасини бориб айтаман, яна бир марта айтаман, – деди Пьер. – Лекин... мен бир нарсанни билмоқчи эдим...

Наташанинг кўз караши: «Нимани билмоқчи экан», – деб турарди.

– Мен бир нарсанни сўрамоқчи эдим: сиз уни... севармидингиз... – Пьер Анатолнинг номини аташга тили бормади ва уни ўйлаганда ҳатто қизариб кетди. – Сиз ўша ярамас одамни севармидингиз?

– Уни ярамас деманг, – деди Наташа. – Лекин мен ҳеч нарсанни билмайман... – У яна йиғлаб юборди.

Пьер Наташага аввалгидан ҳам кўра кўпроқ ачинди, унга нисбатан кўнглида меҳр-муҳаббат туйгуси пайдо бўлди. Унинг кўзларидан ёш оқди, лекин Пьер кўзойнак остидан буни ҳеч ким кўрмайди деб ўйлади.

– Бу ҳақда бўлак гапирмаймиз, дўстим, – деди Пьер.

Пьернинг бу самимий, ҳалим ва ёқимли овози Наташага тўсатдан жуда ғалати туюлди.

– Бу ҳақда бўлак гапирмаймиз, дўстим, мен ҳаммасини унга бориб айтаман. Лекин фақат бир нарсанни сўрайман, мени ўз дўстим деб билинг, агар сизга бирон маслаҳатчи керак бўлса ёки юрагингизни бўшатадиган бўлсангиз, албатта, ҳозир эмас, қачон ўзингизга келсангиз, мени йўқланг, мен тайёрман. – У Наташанинг кўлини ўпди. – Агар сизга бирон ёрдам бера олсам, ўзимни баҳтиёр хисоблар эдим... – Пьер хижолат бўлди.

– Бундай деманг, мен сизнинг бу илтифотингизга арзимайман! – деб Наташа қичкириб юборди ва уйидан чиқиб кетмоқчи бўлган эди, Пьер унинг кўлидан ушлади. Пьер Наташага яна бир нима дейиши зарур эканлигини билар эди. Лекин бу гапни айтганидан кейин ўзига ўзи таажжубланди.

– Ундоқ деманг, ундоқ деманг, ҳали минг гулингиздан бир гулингиз очилгани йўқ, – деди Пьер.

– Менингми? Йўқ! Мен очилмай хазон бўлдим, – деди Наташа уялиб ва хокисорлик билан.

– Очилмай хазон бўлдим? – деди Пьер унинг сўзини тақрорлаб. – Агар мен мен бўлмай, чиройли, ақлли ва йигитларнинг сараси бўлиб, шу билан бирга бошим очик бўлса эди, ҳозир оёғингизга бош кўйиб, сизнинг қўлингизни сўрап эдим.

Наташа шу сўнгги кунларда биринчи марта кўнгли юмшаб миннатдорликдан кўз ёши килди ва Пьерга бир карадију, уйдан чикиб кетди.

Пьер ҳам ўз навбатида, юраги эзилиб, хурсандликдан ўпкаси тўлди, лекин ўзини тутиб, Наташанинг кетидан даҳлизга чиқди ва зўрға пўстинини кийиб, кўчага чиқди ва бориб чанага ўтириди.

– Каёкка буюрадилар? – деб сўради извошли.

«Қаёкка?» – деб сўради ўзидан Пьер. «Энди қаёкка борсаммикин? Наҳот клубга ёки меҳмондорчиликка борсам? Пьер ҳозир сезаётган меҳр ва муҳаббат олдида, Наташанинг ёшли кўз билан маъсум ва ташаккуромуз қарashi олдида бошқа одамлар Пьерга ҳеч нарса бўлмай колди.

Ҳаво ўн даражада совук бўлса ҳам, Пьер айик терисидан килинган пўстининг тугмаларини ечиб, яйраб кетган кўкрагини очди.

– Уйга, – деди у.

Ҳаво очик ва совук. Фира-шира, ифлос кўчалар, кора томлар устидаги кора осмонда юлдузлар яркирамоқда. Пьер осмонга қаарар экан, ўз руҳи турган юксаклик олдида ердаги барча тубанликларни сезмас эди. Чана Арбат майдонига келганда юлдуз тўла кенг осмон Пьернинг кўз олдида на-моён бўлди. Осмоннинг ўртасида, Пречистонск хиёбони устида, юлдузлар ўраб олган бўлса ҳам, ерга якинлиги, ёруғлиги, тепага кўтарилиб турган думи билан бошқа юлдузлардан ажралиб турган каттакон комета¹ кўзга ташланиб турган эди. 1812-йилда шу комета ҳакида ҳар хил гаплар бўлган ва бу комета қиёмат-қойим бўлишини кўрсатади, деб айтишган эди. Бироқ думи нур сочиб турган бу юлдуз

¹ Комета (юнонча: kometes – узун, пахмок сочли) – тумансимон нурланувчи булут хамда думга ўхшаш нурли (ёрут) чизик кўринишига эга бўлган осмон жисми; думли юлдуз.

Пъернинг кўнглига ҳеч қандай ваҳима солмади. Аксинча, Пъер ёшли кўзлари билан бу порлок юлдузга кувониб қарди, бу юлдуз тасвири килиб бўлмайдиган бир суръат билан поёнсиз масофадан ўқдай учиб коронги осмоннинг бир жойига санчилди ва думини кўтариб милтилаб турган сонсаноқсиз бошқа юлдузлар орасидан ёлқинлаб шуъла соча берди. Пъернинг назарида, бу юлдуз ўзининг янги ҳаёт орзусида, гул-гул очилаётган, юмшаган ва шу билан бирга бардам бўлиб қолган қалбига мос келгандай кўринди.

Бу китоб факат уруш ёхуд тинчлик ҳакида эмас. Унда мавзулар қарори – одамлар кисмати, уларнинг тақдирни, ўйлари, қарашлари ва айни пайтда бўлаётган жараёнга муносабати китобхон зътиборидан четда колмайди. Қолаверса, мутолаа жараёнида қалбингизга яқин бўлиб қолган ёхуд жамиятда қандай мавқега эга бўлишдан қатъи назар урушни ўзининг тақдирни билан боғлаган ва бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдираётган қаҳрамонлар кисмати сизга фавқулодда ходиса эмас, балки ўз эрки, ўз номуси учун курашаётган тимсол сифатида гавдаланади.

Андрей Болконский, Пъер Безухов, Николай Ростов, Наташа, Соня, Марья – улар билан узок муддат ўзингизни ҳамфир, йўлдош, ҳамсуҳбатдек ҳис қиласиз...

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ

Биринчи килем	4
Иккинчи килем	157
Учинчи кисм	286

БИРИНЧИ КИТОБ

Биринчи кисм	422
Иккинчи кисм	495
Учинчи кисм	595
Тўртинчи кисм	698
Бешинчи килем	767

ЖАХОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

Лев ТОЛСТОЙ

УРУШ ВА ТИНЧЛИК
(роман: 1-2-китоблар)

Таржимон:
Абдулла ҚАҲҲОР
Кибриё ҚАҲҲОРОВА

Нашрга тайёрловчи:
Эргашбай МАТЬЯКУБОВ

Масъул мұҳаррир:
Алишер РАВШАНОВ

Кўшимча изоҳ ва иқтибосларни киритувчи:
Эргашбай МАТЬЯКУБОВ

Мусаххих:
Лолаҳон ҚЎЗИБОЕВА

Компьютерда сахифаловчи:
Ферузбек ВОХИДОВ

Лицензия рақами AI № 239, 2013.04.07. да берилган


Босишга 2019 йил 15.03 да рухсат этилди. Бичими 84/108. 1/32.

Босма тобоги 54. Шартли босма тобоги 57
Гарнитура "Times New Roman" оғсет көғози.
Адади 1 000 нусха. Буюртма № 9.
Баҳоси келишилган нархда.

26000

"BOOK MEDIA PLUS" Хусусий корхонасида тайёрланди.
Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй.

"ADAD-PLYUS" МЧДК босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, "Бунёдкор" шоҳ кўчаси 28-уй. 100097



ISBN 978-9943-5367-7-7

A standard barcode for the book's ISBN, located below the ISBN number.

9 789943 536777